

ISSN: 2181-3337

# Science and Innovation

**B** PHILOSOPHY  
PHIOLOGY  
PEDAGOGY  
PSYCHOLOGY  
SOCIOLOGY

**scientists.uz**

**Academy of Sciences and Innovations  
International Scientific Journal Science and Innovation  
Series B Volume 1 Issue 3**

**Ilm-fan va innovatsiyalar akademiyasi**

**SCIENCE AND INNOVATION  
xalqaro ilmiy jurnali B seriyasi  
2022 yil 3-son**

**ISSN: 2181-3337  
IMPACT FACTOR: 8.2**

*O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan 27.04.2022 yilda olingan №1597 sonli guvohnomaga ega.*

*Jurnal Gruziyaning Universal Impact Factorida 8.2 ko'rsatkich bilan baholangan. Jurnalning ushbu soni [Index Copernicus](#), [OpenAire](#), [Directory of Research Journals Indexing](#), [ZENODO](#), [Cyberleninka](#) va [Google Scholar](#) xalqaro ilmiy bazalarida indekslandi.*

*Barcha maqolalar jurnalning elektron ilmiy bazasi ([scientists.uz](#)) ga joylashtirildi.*

*OAK tomonidan dissertatsiyalar asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan jurnallar ro'yxatidagi xorijiy jurnallarda chiqarilgan maqolalar sifatida rasman tan olinadi.*

*Asos:*

*1) O'zbekiston Respublikasi Oliy attestatsiya komissiyasining dissertatsiyalar asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrlar ro'yxati 3-sahifasi. – Toshkent: 2019. -160b.*

*2) OAK ning 13.06.2022 yildagi №01-07/1368 sonli javob xatida keltirilgan OAK ishchi guruhining xulosasi.*

ISSN: 2181-3337

“Science and innovation” xalqaro ilmiy jurnali B seriyasi: №3. 2022 yil – 1031b.

Bosma nashrning elektron varianti:

<http://scientists.uz/uploads/journal/202203B.pdf>

Ushbu to'plamda “Science and innovation” xalqaro ilmiy jurnali 3-soniga qabul qilingan ilmiy maqolalar joy olgan.

Ushbu ilmiy jurnalda O'zbekiston Respublikasi va xalqaro oliy ta'lim muassasalari professor-o'qituvchilari, mustaqil ilmiy izlanuvchilari, doktorantlari, magistrantlari tomonidan olib borilayotgan ilmiy-tadqiqot ishlari natijalari ilmiy maqola tarzida chop etildi. Shuningdek, jurnalga oliy ta'lim muassasalaridan tashqari viloyatimiz va respublikamizning boshqa ilmiy-tadqiqot institutlari, ishlab chiqarish tashkilotlari va korxonalarida faoliyat ko'rsatib, ilmiy-tadqiqot ishlari olib borayotgan xodimlarning ham ilmiy maqolalari kiritildi.

Jurnal materiallaridan professor-o'qituvchilar, mustaqil izlanuvchilar, doktorantlar, magistrantlar, talabalar, litsey-kollejlar va maktab o'qituvchilari, ilmiy xodimlar hamda barcha ilm-fanga qiziquvchilar foydalanishlari mumkin.

Eslatma! Jurnal materiallari to'plamiga kiritilgan ilmiy maqolalardagi raqamlar, hisobotlar, ma'lumotlar haqqoniyligiga va keltirilgan iqtiboslar to'g'riligiga mualliflar shaxsan javobgardirlar.

© Ilm-fan va innovatsiyalar akademiyasi

© Mualliflar



## “Science and innovation” xalqaro ilmiy jurnali tahririyati

**Rustamov Baxtiyor Normamatovich** - Bosh muharrir

**Raxmatullayeva Gulira’no Valijon qizi** - Bosh muharrir o’rinbosari

**Abdullayeva Ozoda Odiljon qizi** - Texnik muharrir

**Ergashova Sadoqat Eshmamat qizi** - Texnik muharrir

**Sag’dullayeva Farangiz Komil qizi** - Texnik muharrir

**Samatova Aziza Normatovna** - Texnik muharrir

**Shermatova Zuxra Xakim qizi** - Tahrirlovchi

**Rustamova Maftuna Ulug’bek qizi** - Tahrirlovchi

### Tahrir hay’ati a’zolari

**Djurayev Risbay**, Pedagogika fanlari doktori, akademik, O’zbekiston pedagogika fanlari ilmiy tadqiqot instituti “Ta’lim menejmenti” bo’limi mudiri.

**Kurbanov Mirzaaxmad**, Pedagogika fanlari doktori, Mirzo Ulug’bek nomidagi O’zbekiston Milliy Universiteti Fizika fakulteti professori.

**Xujanov Erkin Berdiyevich**, Pedagogika fanlari falsafa doktori, Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti kafedra mudiri, dotsent.

**Yakubov Islamjon Axmedjanovich**, Filologiya fanlari doktori, Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat O’zbek tili va adabiyoti universiteti Jahon adabiyoti va universal adabiyotshunoslik kafedrasida professori.

**Jomonov Ravshan Oripovich**, Filologiya fanlari nomzodi, O’zbekiston davlat xoreografiya akademiyasi professori.

**Qaraxonova Lobarxon Musoxonovna**, Pedagogika fanlari falsafa doktori, O’zPFITI “Tabiiy fanlarni o’qitish texnologiyalari” bo’limi mudiri.

**Sanakulov Xamrakul Rizakulovich**, Pedagogika fanlar nomzodi, Nizomiy nomidagi TDPU Boshlang’ich ta’limda matematika va uni o’qitish metodikasi kafedrasida kafedra mudiri v.b.

**Sodiqova Shoxida Mirzaaxmadovna**, Pedagogika fanlari bo’yicha falsafa doktori (PhD), Mirzo Ulug’bek nomidagi O’zbekiston Milliy Universiteti Fizika fakulteti dotsenti.

**Ruzikulova Nigora Shuxratovna**, Pedagogika fanlari bo’yicha falsafa doktori, Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universitetining doktoranti.

**Begmatova Dilfuza Abdullajonovna**, Pedagogika fanlar nomzodi, Mirzo Ulug’bek nomidagi O’zbekiston Milliy universiteti Fizika fakulteti umumiy fizika kafedrasida mudiri.

**Bekpo’latov Ulug’bek Raxmatulla o’g’li**, Falsafa fanlari bo’yicha falsafa doktori, Navoiy davlat pedagogika instituti dotsenti.

**Kambarov Abdumutal Axadjonovich**, Falsafa fanlari nomzodi, Farg’ona davlat universiteti Falsafa kafedrasida dotsenti.

**Yuldashev Faxriddin Abduvasilovich**, Falsafa fanlari bo’yicha falsafa doktori, Farg’ona davlat universiteti San’atshunoslik fakulteti dekani.

**Abdullayeva Barno Sayfutdinovna**, Pedagogika fanlari doktori, professor, Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti Ilmiy ishlar va innovatsiyalar bo’yicha prorektori.

**Nurillayev Bobomurod**

**Najmiddinovich**, Pedagogika fanlari nomzodi, Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti dotsenti.

**Djorayev Maxmatrasuljon**, Pedagogika fanlari doktori, Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti professori.

**Axrarov Shavkat Saliyevich**, Pedagogika fanlari doktori, Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti professori.

**Usarov Jabbor Eshbekovich**, Pedagogika fanlari doktori, Toshkent viloyati Chirchiq davlat pedagogika instituti Pedagogika fakulteti dekani, dotsent.

**Sattarova Barno Djaxangirovna**, Pedagogika fanlari nomzodi, Toshkent davlat pedagogika universiteti “O’quv me’yoriy xujjatlarni takomillashtirish bo’limi” boshlig’i, “Fizika va uni o’qitish metodikasi” kafedrasida professor v.b.

**Tajiboyeva Xolidaxon Xakimovna**, Pedagogika fanlari nomzodi, Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti dotsenti.

**Shernazarov Iskandar Ergashovich**, Pedagogika fanlari falsafa doktori, Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti "Kimyo va uni o'qitish metodikasi" kafedrasida dotsenti v.b..

**Abdug’aniyev Ozod Tursunboy o’g’li**, Pedagogika fanlari falsafa doktori, T.N Qori Niyoziy nomidagi Pedagogika fanlari ilmiy tadqiqot instituti ilmiy kotibi.

**Tojibayeva Nazokatxon Kobiljonovna**, Pedagogika fanlari falsafa doktori, Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti "Aniq va tabiiy yo'nalishlarda xorijiy tillar" kafedrasida dotsent v.b.

**Toshpulatova Shaxlo Ochilovna**, Pedagogika fanlari falsafa doktori, Navoiy davlat pedagogika instituti “Fizika va astronomiya” kafedrasida dotsenti.



**Sharipova Nigora Nuriddinovna**, Filologiya fanlari falsafa doktori, Navoiy davlat pedagogika instituti O'zbek tili va adabiyoti kafedrasida katta o'qituvchisi.

**Matyoqubova Tozagul Rajapovna**, Filologiya fanlari nomzodi, Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat o'zbek tili va adabiyoti universitetining "O'zbek adabiyoti tarixi va folklor" kafedrasida dotsenti.

**To'xtayeva Nargiza Narziyevna**, Filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori, Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti Umumiy tilshunoslik kafedrasida dotsent v.b.

**Maxmudova Xurshida Maxkamovna**, Pedagogika fanlari nomzodi, Toshkent shahridagi Belarus - O'zbekiston qo'shma tarmoqlararo amaliy texnik kvalifikatsiyalar instituti dotsenti.

**Ochilov Shokir Baxtiyorovich**, Pedagogika fanlari falsafa doktori, Navoiy davlat pedagogika institutining Texnologik ta'lim kafedrasida mudiri.

**Kanatbayev Sagidat Saduovich**, Dotsent, Navoiy davlat pedagogika instituti Fizika va texnologik ta'lim fakulteti o'quv ishlari bo'yicha dekan muovini.

**Xushvaqtov Bekmurot**

**Normurodovich**, Pedagogika fanlari bo'yicha falsafa doktori, Navoiy davlat pedagogika instituti katta o'qituvchisi.

**Pirmanova Gavxar Nazarqulovna**, Pedagogika fanlari falsafa doktori, dotsent, Navoiy davlat pedagogika instituti Fakultetlararo chet tillar kafedrasida mudiri.

**Zaxidov Ibroximjon Obidjonovich**, Pedagogika fanlari nomzodi, Namangan davlat universiteti dotsenti.

**O'rinova Feruzaxon Uljayevna**, Pedagogika fanlari nomzodi, Farg'ona davlat universiteti Maktabgacha ta'lim kafedrasida dotsenti.

**Saydalixodjayeva Nilufar**

**Faxritdinovna**, Pedagogika fanlar nomzodi, Nizomiy nomidagi TDPU dotsenti.

Science and Innovation xalqaro ilmiy jurnali maqolalari joylashtirilgan  
ilmiy bazalar

- |                                                                                                                                                 |                                                                                       |
|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------|
| 1. <a href="#"><u>Science&amp;Innovation</u></a><br>“Science and Innovation” xalqaro ilmiy jurnali elektron ilmiy bazasi - Scientists.uz        |    |
| 2. <a href="#"><u>ZENODO</u></a><br>Yevropa ochiq ma'lumotlarga asoslangan xalqaro ilmiy bazasi                                                 |    |
| 3. <a href="#"><u>Index Copernicus</u></a><br>OAK ro'yxatida 12-raqam bilan qayd etilgan nufuzli Polsha xalqaro ilmiy bazasi                    |    |
| 4. <a href="#"><u>OpenAire</u></a><br>Yevropada asosiy bazalardan biri bo'lgan, 35 dan ortiq davlatlarda keng ishlatiladigan xalqaro ilmiy baza |  |
| 5. <a href="#"><u>Cyberleninka</u></a><br>Rossiya davlati asosiy ilmiy bazalaridan biri                                                         |  |
| 6. <a href="#"><u>Directory of Research Journals Indexing</u></a><br>OAK ro'yxatida 15-raqam bilan qayd etilgan xalqaro ilmiy bazalardan biri   |  |
| 7. <a href="#"><u>Google Scholar</u></a><br>Maqolalarning iqtibosligi va olimning h-index ko'rsatkichini baholovchi ilmiy platforma             |  |

## “МАРӐХУ-Л-АРВӐХИ” АСАРИДА ТӐҒРИ ФЕЪЛЛАРНИНГ ТАСНИФИ

Садритдинова Дилфуза Маматхоновна

Араб филологияси кафедраси ўқитувчиси, ТДШУ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6645181>

**Аннотация.** Мақоламиз объекти бўлган “МарӐху-л-арвӐхи” асарида феълларнинг қай даражада ёритилишини ўрганишдан олдин сарф илмининг объекти нима эканлигига эътибор қаратамиз.

**Калим сўзлар:** феъллар, калималар, морфология, масдардир, ўрта ҳарфлар.

### CLASSIFICATION OF CORRECT VERBS IN MARUHU-L-ARVUHI

**Abstract.** In Marāhu-l-arvāhi, which is the object of our article, we will focus on what is the object of applied science before studying the extent to which verbs are covered.

**Keywords:** verbs, words, morphology, masdar, middle letters.

### КЛАССИФИКАЦИЯ ПРАВИЛЬНЫХ ГЛАГОЛОВ В МАРУХУ-Л-АРВУХИ

**Аннотация.** В Marāhu-l-arvāhi, который является предметом нашей статьи, мы сосредоточимся на том, что является объектом прикладной науки, прежде чем изучать степень охвата глаголов.

**Ключевые слова:** глаголы, слова, морфология, масдар, средние буквы.

## КИРИШ

Маълумки, “сарф” илми бу грамматиканинг бир қисми бўлмиш морфологиядир. Бироқ бу атамага шундай қисқа жавоб бериб қўя қолиш қулай бўлса-да, унга берилган бирор бир таъриф билан танишиб ўтганимиз мақсадга мувофиқдир. Қуйида сарф илми ва унинг объектига шундай таъриф берилади:

Калима (сўз)ларнинг сийғалари, яъни ҳарфлари ва ҳаракатларини қандай равишда ўзгариши ва шу ўзгаришлар туфайли калималардаги маъноларни ўзгаришини тушунтирадиган илмга «сарф илми» дейилади. Бошқача қилиб айтганда, сарф илми турли хил маънолар англатиши учун калималарни ҳар хил айтилишини ўргатади.

“Сарф – бу калималарнинг тусланиши ва улардаги (тусланиш жараёнида рўй берадиган) фонетик ҳодисалар ўрганиладиган илмдир. Бу орқали биз калималарнинг жумладан ташқарида бўладиган асл ҳолатини ўрганамиз”.

Демак, бу илм сўз шакллари ва ҳар бир шаклнинг берадиган маъноларини ўрганар экан ва “морфология” атамасига тўғри келар экан.

Одатда, сарф илмига бағишлаб ёзилган китобларда сўз (калима), сўз туркумлари ва уларнинг таърифлари ҳам бериб ўтилади. Масалан:

Калима –маъноли сўздир. Масалан: مَسْنَدٌ، مَكْتَبٌ، إِمَامٌ каби.

Араб тилида ишлатиладиган калималар уч қисмдан иборатдир:

1. Исм; 2. Феъл; 3. Ҳарф.

Исм –уч замоннинг бирига тегишли бўлмай, ўзидан маъно англатган калимадир. Масалан: قَلَمٌ ва كِتَابٌ каби.

Феъл – уч замоннинг бирига далолат қилиб, ўзидан маъно англатган сўздир. Масалан:

– ضَرَبَ урди у бир эркак, ўтган замонда

## ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Ҳарф –ўзидан маъно англатишда бошқа бир сўзга муҳтож бўлади. Масалан: سَافَرْتُ إِلَى مِنْ «Мадинадан Қоҳирага сафар қилдим»,–жумласи (гап)даги مِنْ ва إِلَى ҳарфлари кабики, (/дан) ва (/га) маъносида бўлиб, ёлғиз ҳолда келса маъно англатмайди.

Бироқ асар айнан феълларнинг қандай бобларда келишини ёритишга йўналтирилганлиги учун ҳам бу асарда исм ва ҳарф сўз туркумларига тўхталиб ўтилмаган. الصحيح هو الذي ليس في مقابلة الفاء والعين واللام حرف علة وتضعيف وهمزة ، نحو : الضرب.

Тўғри феъл фа, айн, ломнинг ўрнида иллатли ҳарф ташдидланган ҳарф ҳамза бўлмаган феълдир.масалан: الضرب (уриш)

فإن قيل : لم اختص الفاء والعين واللام للوزن؟

قلنا : حتى يكون فيه من حروف الشفة والوسط والحلق شيء.

Нега фа, айн, лом вазн учун танланади дейилса биз шундай деймиз. Унда лаб ҳалқум ва ўрта ҳарфлар бўлганлиги учун.

فقلنا : «الضرب» مصدر ، يتولد منه الأشياء التسعة ، وهو أصل في الاشتقاق عند البصريين ؛ لأن مفهومه واحد ، ومفهوم الفعل متعدد لدلالته على الحدث والزمان ، والواحد قبل المتعدد ، وإذا كان أصلا للأفعال يكون أصلا لمتعلقاتها ، أو لأنه اسم ، والاسم مستغن عن الفعل.

Биз деймиз: «الضرب» масдардир. Ундан тўққиз хил шакл ҳосил бўлади. Бу Басраликларда иштиқоқ аслидир. Чунки унинг тушунчаси бирдир, феъл тушунчаси содир бўлаётган воқеа ҳодиса ва замонга ишора қилади. Феълнинг турфа хил маъноларидан олдин унинг битта маъноси мавжуд. Агарда масдар феъллар учун ўзак бўлса, у феълга боғлиқ бўлган шакллар учун ҳам ўзакдир, ёки у исмдир, исм эса феълга муҳтож эмас.

ومصدر الثلاثي كثير ، وعند سيبويه يرتقي إلى اثنين وثلاثين بابا نحو : قتل ، وفسق ، وشغل ، ورحمة ، ونشدة ، وكفرة ، ودعوى ، وذكرى ، وبشرى ، وليان ، وحرمان ، وغفران ، ونزوان ، وطلب ، وخنق ، وصغر ، وهدى ، وغلبة ، وسرقة ، وذهاب ، وصراف ، ومدخل ، ومرجع ، ومسعاة ، ومحمدة ، وسؤال ، وزهادة ، ودراية ، ودخول ، وقبول ، ووجيف ، وصهوبة.

Уч ўзакли феълларнинг масдари кўпдир. Сибавейҳида улар ўттиз иккита бобга бўлинади.

Масалан: قتل ، وفسق ، وشغل ، ورحمة ، ونشدة ، وكفرة ، ودعوى ، وذكرى ، وبشرى ، وليان ، وحرمان ، وغفران ، ونزوان ، وطلب ، وخنق ، وصغر ، وهدى ، وغلبة ، وسرقة ، وذهاب ، وصراف ، ومدخل ، ومرجع ، ومسعاة ، ووجيف ، وصهوبة (ўлдириш, бузғунчилик, шуғулланиш, раҳм қилиш, куйлаш, искиртлик, даъват, эсталик, хушхабар, юмшоқлик, махрум этиш, кечириш, сакраш, талаб қилиш, бўғилиш, кичиклик, тўғри йўлга бошлаш, ғалаба, ўғрилиқ, бориш, пул алмаштириш, кириш жойи, қайтиш, мақтовлик иш, мақтовли фазилят, савол, художўйлик, кириш, қабул қилиш, қўрқув.

والأفعال التي تشتق من المصدر خمسة وثلاثون بابا : ستة للثلاثي المجرد، نحو:

1 - ضرب يضرب.

2 - وقتل يقتل.

3 - وعلم يعلم.

4 - وفتح يفتح.

5 - وكرم يكرم.

6 - وحسب يحسب.

## ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Масдардан иборат феъллар 35 бобдир. Шулардан олтитаси уч ўзакли феълларникидир. Масалан:

1. Урмоқ ва ураяпти
2. Ўлдирмоқ ва ўлдираяпти
3. Билмоқ ва билаяпти
4. Очмоқ очаяпти
5. Сахий бўлмоқ ва сахий бўляпти
6. Ҳисобламоқ ва ҳисобляпти

ويسمى الثلاثة الأول : دعائم الأبواب ، لاختلاف حركاتهن في الماضي والمستقبل وكثرتهن.

Дастлабки учта феъл ўтган ва ҳозирги-келаси замондаги ҳаракатларининг бири-биридан фарқланганлиги ҳамда кўплиги сабабли бобларнинг асослари деб аталади.

و «فتح يفتح» لا يدخل في الدعائم ، لانعدام اختلاف الحركات وانعدام مجيئه بغير حرف الحلق

Очмоқ, очаяпти феъли эса ҳаракатларнинг бир хиллиги ва ҳалқум ҳарфларисиз келганлиги сабабли бобларнинг асослари қаторига кирмайди.

و «كرم يكرم» لا يدخل في الدعائم ؛ لأنه لا يجيء إلا من الطّباع والنّوع (1) ، وكذا : «حسب يحسب» لا يدخل في الدعائم لقوّته.

Сахий бўлмоқ, сахий бўляпти феъли ҳам асослари қаторига кирмайди. Чунки у фақатгина хусусият ва тафсифлашда келади. Шунингдек ҳисобламоқ ҳисобляпти феъли кам қўлланганлиги учун ушбу қаторга кирмайди.

واثنا عشر باباً لمنشعبة (2) الثلاثي ، نحو :

- 1 - أكرم.
- 2 - وقطع.
- 3 - وقاتل.
- 4 - وتفضل.
- 5 - وتضارب.
- 6 - وانصرف.
- 7 - واحتقر.
- 8 - واستخرج.

## МУҲОКАМА

Феълларнинг ўн икки боби уч ўзакли феълларнинг шажараланиши (ўзбек тили дарсларидаги феъл бобларига) тегишли. Мисол учун:

1. Ҳурмат қилмоқ
2. Кесдирмоқ
3. Курашмоқ
4. Марҳамат қилмоқ
5. Бир-бири билан урушмоқ
6. Кетмоқ
7. Таҳқирламоқ
8. Қазиб чиқармоқ

وواحد للرباعي ، نحو : دحرج وثلاثة لمنشعبة الرباعي وستة لملحق : «دحرج» واثنان لملحق : «أحرنجم»  
ومصداق الإلحاق اتحاد المصدرين

### ХУЛОСА

Биттаси тўрт ўзакли феълга тегишли. Мисол учун **дحرج** сирпанмок. Учтаси тўрт ўзакли феълнинг гуруҳларга бўлинган шакли. Олтитаси **дحرج** феълнинг ҳосила боби. Иккитаси **أحرنجم** феълнинг ҳосила боби. Бунинг далили масдарларнинг бир-бирига тўғри келишидир.

### АДАБИЁТЛАР РҲҲАТИ:

1. Ahmedova, Shahlo Irgashbaevna BAHRAYN YOZUVCHILARI FAVZIYA RASHID VA AMIN SOLIH HIKOYALARI USLUBI // ORIENSS. 2021. №Special Issue URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/bahrayn-yozuvchilari-favziya-rashid-va-amin-solih-hikoyalari-uslubi>.
2. Shakhlo Irgashbaevna Akhmedova. (2021). SYMBIOSIS OF ARTISTIC TRENDS IN CONTEMPORARY LITERATURE OF THE ARAB COUNTRIES OF THE PERSIAN GULF. CURRENT RESEARCH JOURNAL OF PHILOLOGICAL SCIENCES (2767-3758), 2(09), 105–109. <https://doi.org/10.37547/philological-crjps-02-09-23>
3. Аҳмедова, Шахло Иргашбаевна ЯПОН ВА ҚУВАЙТ АДИБАЛАРИ ХИКОЯЛАРИДА АЁЛ ОБРАЗИ // ORIENSS. 2022. №Special Issue 22. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/yapon-va-uvayt-adibalari-hikoyalarida-ayol-obrazi>.
3. Markhabo Raxmonkulovna Abdullayeva. (2022). CONVEY THE NATIONAL SPIRIT IN TRANSLATIONS. International Scientific and Practical Conference "Modern Psychology and Pedagogy: problems and solutions", ANGILYA. <https://doi.org/10.5281/zenodo.6531998>
4. Markhabo Raxmonkulovna Abdullayeva. "GROUPING OF OPPOSITE OPTIONS OF VERBAL PHRASEMAS IN UZBEK LANGUAGE (EXAMPLE OF TRANSLATIONS OF AGATHA CHRISTIE'S WORKS)" Scientific progress, vol. 3, no. 2, 2022, pp. 190-193.
5. Akramxodjaeva, D., M. Nasretidinova, and M. Abdullayeva. "Translation of national events and concepts in fiction." International Journal of Scientific and Technology Research 9.2 (2020): 2984-2986.



**O'RTA TALIM MAKTABLARIDA BOSHLANG'ICH SINFLARI UCHUN  
MATEMATIKA FANINI O'QITISH SAMARADORLIGINI OSHIRISHDA AMALIY  
PAKETLARDAN FOYDALANISH USULLARINI TADQIQ QILISH.**

**Adaxanov Rustamjon**

"O'zbektelekom" AK Farg'ona filiali, bosh hisobchi

**Islomov Muslimbek**

TATU Farg'ona filiali M1-A-21 Magistri

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6645481>

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada o'rta talim maktablarida boshlang'ich sinf o'quvchilari uchun hamda aqliy rivojlanishi kerak bo'lgan boshlang'ich sinflar uchun matematika fanini o'qitishning zamonaviy uslublaridan biri axborot texnologiyalari orqali matematikani o'rgatish haqida ma'lumot beramiz.

**Kalit so'zlar:** boshlang'ich sinf, aqliy rivojlanish, innovatsiya, ko'nikma, malaka, didaktika, ilm, muloqot, dasturiy paket, Axborot va kommunikatsiya texnologiyalari (AKT).

**ИССЛЕДОВАНИЕ МЕТОДОВ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ПРАКТИЧЕСКИХ  
ПАКЕТОВ ДЛЯ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ ПРЕПОДАВАНИЯ  
МАТЕМАТИКИ НАЧАЛЬНЫМ ШКОЛАМ В СРЕДНЕЙ ШКОЛЕ.**

**Аннотация.** В этой статье мы предоставляем информацию об обучении математике с помощью информационных технологий, одного из самых современных методов обучения математике в общеобразовательных школах, что очень важно для учащихся начальных классов.

**Ключевые слова:** начальная школа, умственное развитие, инновации, навыки, приложения, дидактика, коммуникация, пакет приложений, Информационно-Коммуникационные Технологии (ИКТ).

**RESEARCH METHODS OF USING PRACTICAL PACKAGES TO INCREASE  
THE EFFECTIVENESS OF TEACHING MATHEMATICS FOR PRIMARY SCHOOLS  
IN SECONDARY SCHOOLS.**

**Abstract.** In this article, we provide information about teaching mathematics through information technology, one of the most modern methods of teaching mathematics in general education schools, which is very important for primary school students.

**Keywords:** elementary school, mental development, innovation, skill, qualification, applications, didactics, communication, application package, Information and Communication Technologies (ICT).

**KIRISH**

Hozirgi vaqtda boshlang'ich sinf matematika darslarida kompyuter va axborot texnologiyalari vositalaridan foydalanish asta sekinlik bilan kirib kelmoqda. Kompyuter va axborot texnologiyalari vositalari orqali o'quv materiallarini yaxshi o'zlashtirish va egallashga, ularning mazmunini uzoq vaqt esda saqlab qolishga, bilimlarni mustahkamlashga imkon beradi, o'quvchilarning predmetga bo'lgan qiziqishlarini yanada orttiradi.

O'rta ta'lim maktablarida boshlang'ich sinflarda biror o'quv fanini to'liq ravishda yoki uning qaysidir qismini AKTdan foydalanib o'tilsa, qanday samara berishini, yoki AKTni qo'llashning pedagogik tamoyillarini, uning psixologik xususiyatlarini, uning bilish jarayoniga

ta'sir qilish mexanizmi va omillarini, shuningdek yana boshqa ko'p jihatlarini kompleks tadqiq qilish dolzarb bo'lib bormoqda. Bu esa ta'lim tizimida, xususan o'quv jarayonlarini tashkil etish va amalga oshirish, o'quv-uslubiy ta'minotni rivojlantirish, ayniqsa, o'quv mashg'ulotlarini o'tish va o'zlashtirish samaradorligini oshirish borasida yangicha mazmun va mohiyat shakllanishiga asos yaratmoqda. Bunday ulkan vazifani muvaffaqiyatli amalga oshirishda o'qituvchi va talabalarga davlat tilida kerakli o'quv adabiyotlarini yetkazish alohida ahamiyatga ega.

### **TADDIQOT MATERIALLARI VA METODOLOGIYASI**

Uslubiy ko'rsatma o'rta ta'lim maktablarida faoliyat ko'rsatayotgan boshlang'ich sinf o'qituvchilari uchun mo'ljallangan bo'lib, unda ta'lim tizimida, xususan o'quv jarayonlarini tashkil etish va amalga oshirish, o'quv-uslubiy ta'minotni rivojlantirish, ayniqsa o'quv mashg'ulotlarini o'tish va o'zlashtirish samaradorligini oshirish borasida yangicha mazmun va mohiyat shakllanishiga bilimlarni o'z ichiga olgan.

#### **Ta'lim tizimida multimediali o'quv kurslarini yaratish va foydalanish samaradorligi.**

Ta'lim sohasidagi barcha islohatlarning asosiy maqsadi ma'naviy jihatdan mukammal rivojlangan insonlarni tarbiyalash, ta'lim tizimini takomillashtirish, dars jarayonlarini yangi pedagogik va axborot texnologiyalari asosida har tomonlama zamon talabiga mos ravishda amalga oshirishdan iboratdir. Shuning uchun ham bugungi kunda ta'lim - tarbiya tizimida kompyuter va axborot texnologiyalarining zamonaviy texnologiyalaridan samarali foydalanishga alohida e'tibor berilmoqda. Bu esa ta'lim jarayonida o'quvchilarga turli fanlardan bilim beruvchi pedagog kadrlarni axborot texnologiyalarining zamonaviy vositalaridan foydalanishlari uchun, eng avvalo bu sohadagi bilim va malaka darajalarini oshirish, ta'lim tizimini texnik jihatdan ta'minlash, internetdan foydalanish imkoniyatlarini to'la yaratib berish orqaligina samarali natijaga erishish mumkin.

Ta'lim tizimi sifati va samaradorligini oshirishning asosiy usullaridan biri o'quv jarayonida zamonaviy axborot kommunikasion texnologiyalarni, shu jumladan multimediyali o'quv kurslarini qo'llash, o'qituvchi va o'quvchining interfaol o'zaro aloqalarini ta'minlash, multimediali o'quv kurslari va darsliklarini ishlab chiqishda yuqori malakali kadrlarni jalb etishdan iborat bo'ladi.

Multimedia axborotlarni har xil ko'rinishlarda tasvirlash va dinamik obrazlarini yaratish, uni ko'rish va eshitish organlari orqali qabul qilish va tasavvur etish imkoniyatlarini yaratadi.

Multimedia texnologiyalarida an'anaviy texnologiyalarga qaraganda axborotlar matn ko'rinishda emas, balki tasvir, ovoz va harakatlar ko'rinishida ifodalanilishi o'quvchilarni darslarda faolroq, diqqatliroq, intiluvchan va qiziquvchan bo'lishga o'rgatadi, chunki tavsiya qilinadigan har bir axborot ularning ishtiroki va harakati orqali amalga oshiriladi. Ta'lim tizimida multimedia texnologiyalari nazariy, amaliy, ko'rgazmali, ma'lumotli, va nazorat qismlarini birlashtirish yo'li bilan o'quvchilarga ijobiy va samarali ta'sir etuvchi vosita hisoblanadi.

### **TADDIQOT NATIJALARI**

Bundan tashqari ta'lim tizimida multimediali o'quv kurslaridan foydalanish nazariy materiallarning namoyishlarini sifatli video yozuvlari, virtual laboratoriya ishlari va amaliyotlarni, turli jarayonlarning imitatsion animatsiyali modellarini yaratish imkonini beradi, bu uchun o'quvchilarning o'quv sinflari, kompyuter sinflari, o'qitishning texnik vositalari xonasida, uslubiy xonalarda, kutubxonalarda amaliy shug'ullanishlarini tashkillashtirish lozim bo'ladi.

Ta'lim tizimida foydalaniladigan barcha multimediali o'quv kurslari amaliy tadbiqdan va tajribadan o'tgan. Bizga ma'lumki, boshlabg'ich matematika fani ta'lim tizimida o'quvchilarning bilim doirasi, dunyoqarashini, tasavvurlash qobiliyatini shakllantirishda alohida o'rin tutadi. Chunki boshlang'ich sinflarda matematika fani boshqa ko'plab predmetlarni o'rganishda, yangi texnika va texnologiyalarni, axborot vositalarini o'zlashtirishda keng qo'llaniladi.

Maktabdagi matematika juda murakkab fan bo'lib, har bir o'qituvchining vazifasi o'quvchilar tomonidan ushbu fanning asoslarini to'liq o'zlashtirishdir. Matematika darslarida aqliy yuklamaning ortishi bizni o'quvchilarning o'rganilayotgan materialga qiziqishini, butun dars davomida faolligini qanday saqlab qolish haqida o'ylashga majbur qiladi. O'qituvchi oldida matematikani o'qitishning maksimal samaradorligini ta'minlash uchun o'qitish vositalari va usullarini tanlash masalasi turibdi.

Ayni paytda maktablar zamonaviy kompyuterlar, interaktiv jihozlar, elektron resurslar, internet tarmog'i bilan ta'minlangan. Bu esa maktab o'quv jarayoniga yangi pedagogik texnologiyalarni joriy etishga xizmat qilmoqda. Axborot texnologiyalariga tobora ko'proq qaram bo'lib borayotgan dunyoda talabalar va o'qituvchilar uni yaxshi bilishlari kerak. O'qituvchi esa o'z o'quvchilari, ularning kelajagi haqida qayg'ursa, ularga yangi hayotiy ko'nikmalarni egallashga yordam berishi kerak.

Kompyuter texnologiyalaridan foydalanish o'qituvchining kasbiy mahoratini oshirishga, o'quvchilarning bilim faolligini faollashtirishga, o'quvchilar konstruktorlik va ilmiy-tadqiqot ishlarini bajarishda tafakkur, matematik mantiq, ijodiy qobiliyatlarni rivojlantirishga yordam beradi, mustaqil fanlarni o'zlashtirish samaradorligini oshiradi. bilim chiqarish.

AKTdan foydalangan holda darsga tayyorgarlik ko'rayotganda o'qituvchi bu dars ekanligini unutmasligi kerak, ya'ni u dars rejasini o'z maqsadlaridan kelib chiqqan holda tuzadi. O'quv materialini tanlashda u asosiy didaktik tamoyillarga rioya qilishi kerak.

O'rganishlar shuni ko'rsatadiki, kompyuter tizimlaridan foydalangan holda darslar o'qituvchining o'rnini bosmaydi, aksincha, o'quvchining o'qituvchi bilan muloqotini mazmunli, individual va faol qiladi. Matematika darslarida kompyuterdan foydalanish vaqtni tejaydi, o'quvchilarning ishtiyoqini oshiradi, o'quv va kognitiv jarayon sifatini oshiradi.

### **MUHOKAMA**

Ushbu boshlang'ich matematikani o'rganish uchun zamonaviy multimedia vositasidir. Materialning vizual taqdimoti o'quv jarayonini yanada samarali va qiziqarli qiladi. Bilimlarni baholash tizimi taraqqiyot dinamikasini kuzatishga, o'quv jarayonini to'g'ri sozlashga yordam beradi. Bolaning risk bilan ishlashi quyidagilarga imkon beradi:

- ✓ tezkor fikr-mulohazalarni bildirish - bola topshiriqni to'g'ri bajargan yoki xato qilganligini bilib oladi;
- ✓ "qiyin" mashqga qayting va natijalaringizni to'g'rilang;
- ✓ ma'lumotni quloq orqali idrok etishga o'rgatish;
- ✓ yangi texnologiyalarga qo'shilish, kompyuterdan nafaqat o'ynash, balki o'rganish uchun ham foydalanish.

Qiziqarli multimedia darslari bolaga raqamlar va raqamlar dunyosida o'zini ishonchli his qilish imkoniyatini beradi. Talabalar bajaradigan ko'plab vazifalar ularga nafaqat maktab o'quv dasturining materialini faol, oson va mustahkam o'zlashtirishga, balki diqqatni va mantiqiy fikrlashni rivojlantirishga ham imkon beradi .

Matematika darslarini olib borishda multimedia taqdimotlaridan ham foydalanaman. Bunday darslarda mavjudlik va ko'rish tamoyillari amalga oshiriladi. Darslar estetik jozibasi bilan samarali. Dars taqdimoti qisqa vaqt ichida qo'shimcha ma'lumot va vazifalarni taqdim etadi. Siz har doim oldingi slaydga qaytishingiz mumkin (oddiy maktab kengashi slaydga qo'yiladigan hajmni sig'dira olmaydi).

Yangi materialni tushuntirish uchun men bolalarga o'qitilayotgan materialni tushunishga yordam berib, dars qahramonlarini harakatga keltirishni xohladim. Bizning yordamimizga Macromedia Flash texnologiyasi keldi - flesh-animatsiyani ishlab chiqadigan dastur. Fleshli filmlarni yaratishda siz asosiy kadrlarni yaratishingiz kerak va dasturiy ta'minot to'plamining o'zi ularni multfilmlardagi kabi bir qator kadrlarga aylantiradi. O'qituvchi bu ishda ushbu texnologiyani darsda qo'llash usulini o'ylaydigan, kompyuter va o'quvchilarning asosiy harakatlarini belgilaydigan direktor vazifasini bajaradi. Ushbu flesh videolar interaktiv ishlaydi. Flash animatsiyadan bilimlarni yangilash bosqichida ham foydalanish mumkin.

Biz doimo yodda tutishimiz kerakki, AKT maqsad emas, balki o'rganish vositasidir. Kompyuterlashtirish o'quv jarayonining haqiqatan ham zarur bo'lgan qismiga tegishli bo'lishi kerak.

Boshlang'ich sinflarda matematika fanini o'rgatish jarayonida zamonaviy kompyuter va axborot texnologiyalari vositalari bilan bevosita muloqot qilishda o'quvchilar kompyuter texnologiyalarining amaliy masalalarni yechish vositasida ekanligini ko'radi, anglab yetadi va kelgusida o'zining amaliy faoliyatida undan foydalanish imkoniga ega bo'ladi. Shu bilan birga o'quvchilarda yangi axborot texnologiyalari va ularning dasturiy vositalariga bo'lgan qiziqishi ancha sezilarli darajada ijobiy o'zgaradi. Bu esa o'z navbatida o'quvchilarning nafaqat matematika bo'yicha, balki kompyuter va axborot texnologiyalari bo'yicha ham yetarlicha chuqur bilimga ega bo'lishlariga imkon yaratadi.

#### **Maktabda eng keng tarqalgan multimedia turlari:**

- Maxsus dasturlar va simulyatorlar bilan jihozlangan multimedia doskasi, uning ustida to'g'ridan-to'g'ri ishlash qobiliyati (ko'p xonali raqamlar bilan ishlash uchun kalkulyator, vaqt birliklari bilan ishlash uchun soat, bolalarni aniq ko'rsatishga imkon beruvchi turli xil raqamli o'lchagichlar), metr, dekimetr, santimetr va boshqa miqdorlar, ishni loyihalash uchun qulay namuna uchun qafasdagi ekran dizayni, grafik qog'oz).

- Taqdimotlar yaratish uchun Power Point dasturi. (mehnat talab qilmaydi, ko'p sonli kompyuterlar va maxsus dasturlarni talab qilmaydi, barcha illyustrativ, nazariy va amaliy materiallarni, javoblar, standartlar, testlar va viktorinalarni to'liq joylashtirish imkonini beradi, darslarni - sayohat, stantsiyalar bo'yicha o'yinlarni yaratishni osonlashtiradi).

#### **XULOSA**

Ta'lim jarayonini tashkil etishda multimedia kurslaridan foydalanish asoslaridir. Hozirgi ta'lim tizimini axborotlashtirish davrida hosil bo'ladigan va qayta ishlanayotgan axborotlar hajmi kun sayin ortib, zamonaviy kompyuter va telekommunikatsion texnologiyalari vositalari tez sur'atlar bilan mukammalashib va takomillashib borayotgan sharoitda ta'lim tizimini kerakli axborot manbalari bilan ta'minlash, ularni to'plash, saqlash va qayta ishlash usullari bo'yicha kerakli bilim va malakalarini shakllantirish muhim vazifalardan biri hisoblanadi. Shu bilan birga axborot texnologiyalarining zamonaviy vositalari ta'lim jarayonining barcha imkoniyatlari va tashkillashtirish usullarini butunlay o'zgartirib yuborish bilan birga, yangi pedagogik

texnologiyalarining zamonaviy metodlarini, usullarini va dasturiy vositalarini tatbiq etish bo'yicha yanada kengroq imkoniyatlarni yaratib bermoqda.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR VA ELEKTRON MANBALAR:**

1. Matematika. 4-sinflar uchun darslik. Toshkent-2020-y.
2. Boshlang'ich sinflarda matematika o'qitish metodikasi.
3. Matematika. 2-sinflar uchun darslik. Toshkent-2020-y.
4. [kutubxona.edu.uz](http://kutubxona.edu.uz)
5. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
6. [wikipediya.uz](http://wikipediya.uz)

## “SEMANTIKA-GAPLARNING TUZILISHI VA TALQINI”

**Nurmatova Guljakhon Toshmatovna**

Davlat soliq qo'mitasi huzuridagi Fiskal instituti “Gumanitar fanlar va ingliz tili”  
kafedrasining ingliz tili fani katta o'qituvchisi

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6651320>

**Annotatsiya.** Semantika tilning ma'nosi va talqini bilan bog'liq murakkabliklarga ishora qiladi (masalan, so'zlar, belgilar va jumlarlar tuzilishi.) Semantika so'zlarning chuqurroq ta'rifi, shuningdek, tom ma'no, majoziy ma'no, kontekst, nuans va boshqa falsafiy/teknik masalalarini o'rgatadi.

**Kalit so'zlar:** semantika, ma'no va talqin, tom ma'no, majoziy ma'no, kontekst.

## «СТРУКТУРА И ИНТЕРПРЕТАЦИЯ СЕМАНТИКИ»

**Аннотация.** Семантика относится к сложностям, связанным со значением и интерпретацией языка (например, со структурой слов, символов и предложений). технические неполадки.

**Ключевые слова:** семантика, значение и интерпретация, буквальное значение, переносное значение, контекст.

## "STRUCTURE AND INTERPRETATION OF SEMANTICS"

**Abstract.** Semantics refers to the complexities associated with the meaning and interpretation of language (e.g., the structure of words, symbols, and sentences.) Semantics is a deeper definition of words, as well as literal, figurative, context, teaches nuance and other philosophical / technical issues.

**Keywords:** semantics, meaning and interpretation, literal meaning, figurative meaning, context.

## KIRISH

Semantika so'zlarning, belgilarning va gap tuzilishining ma'nosi va talqinini anglatadi. Semantika asosan bizning o'qib tushunishimizni, boshqalarni fikrlarini qanday tushunishimizni va hatto sharhlarimiz natijasida qanday qarorlar qabul qilishimizni aniqlaydi. Semantika, shuningdek, til va ma'noni qanday tushunish bilan shug'ullanadigan tilshunoslik bo'limiga ham murojaat qilishi mumkin. Bu-soha vakillari uchun ayniqsa qiziqarli soha bo'lib, ular ma'noning mohiyati, boshqalar bilan qanday ma'no baham ko'rishimiz va vaqt o'tishi bilan ma'no qanday o'zgarishi haqida bahslashadi.

Semantikaning asosiy masalalaridan biri tom ma'no va ko'chma ma'noni farqlashdir. To'g'ridan-to'g'ri ma'no bilan biz tushunchalarni nominal qiymatda qabul qilamiz. Masalan, “Kuz, barglarning burishib qovjirashi bilan boshlandi” desak, yaproqlar rangi va shakli boshqa tusga aylangandan keyin fasl o'zgara boshlaganini anglagan bo'lamiz.

## TADQIQOT MATERIALLARI VA METODOLOGIYASI

Majoziy ma'no o'xshatish va metaforalarni ma'noni ifodalash va katta his-tuyg'ularni etkazish uchun ishlatadi. Masalan, “Men bo'ridek ochman” degani egulikka katta ehtiyoj borligini ko'rsatish uchun o'xshatish va qiyoslash bo'ladi.

Endi siz odamlar uchun barcha so'zlarni bir xil tushunishlarini bilish qanchalik qiyinligini tushunganingizdan so'ng, semantika haqidagi tushunchangizni o'z hayotingizga va



o'rganishingizga qanday qo'llash mumkinligini ko'rish vaqti keldi. Tushunishingizni mustahkamlash uchun quyidagi harakatlardan birini yoki bir nechtasini sinab ko'ring.

Ko'pgina yozuvlar sirtidan oddiydek tuyulishi mumkin, ammo chuqurroq o'rganib chiqsak, so'zlarning ma'nolarida juda ko'p nuanslar borligini ko'ramiz. Ushbu so'rov uchun sizga ayniqsa yoqadigan qo'shiqni tanlang. Qo'shiq matnini qidirib toping va bir oz noaniq ma'noga ega deb o'ylagan har qanday so'zni toping. Bir so'zning ikkita talqini bormi? Iloji boricha qo'shiq so'zlarining oqilona talqinlarini yozing.

### **TADQIQOT NATIJALARI VA MUHOKAMA**

Ba'zi so'z ma'nolari aniq so'zma-so'z bo'lsa, boshqalari oddiy tasvir kabi ko'rinadigan narsaga kontekst qo'shadigan majoziy elementlarni o'z ichiga oladi. Quyida yozilgan va taniqli O'zbek estradasi xonandasi O'zbekiston xalq artisti Yulduz Usmonova tomonidan ijro etilgan qo'shiqning bir yoki bir nechta parchalarni o'qing va iboralarining to'g'ridan-to'g'ri ma'nosidan farq qiladigan ko'chma ma'nolarga imkon qadar ko'proq misol toping. Ikkala ma'noni ham yozing va so'ngra ko'chma ma'no matnning umumiy ohangini va ma'nosini qanday o'zgartirishini kuzatamiz:

Qaro derlar oqni ham,  
Bulbul derlar zog`ni ham.  
Telba qilar sog`ni ham –  
Dunyo o`zi shunaqa!  
Jon kuydirib gapiray,  
Ham yuragimdan kuylay,  
Parvosiga olmaslar –  
Dunyo o`zi shunaqa!  
Gadoni gado tunar,  
Har bandada har hunar.  
Aslini Olloh bilar,  
Dunyo o`zi shunaqa!

Ushbu she'rning semantikasiga e'tibor qaratadigan bo'lsak "go'yoki dunyo insoniyatni har kuyga solayontandek" lekin mazmun va mohiyat mutloq boshqa.

Semantikani o'rganish tilda ma'no qanday ishlashini ko'rib chiqadi va shuning uchun u ko'pincha tadqiqotga asoslanish uchun so'z va iboralarining ma'nosi haqidagi ona tilida so'zlashuvchi sezgilardan foydalanadi. Biz hammamiz ongsiz darajada semantikani tushunamiz, biz gaplashayotganda bir-birimizni oson tushunamiz.

Semantikaning ko'rib chiqadigan va unga asoslanadigan narsalaridan biri, yuqoridagi qo'shiq matni misolidan ko'rib turganingizdek, nutqning ma'nosi faqat alohida so'zlarning birlashtirilgan ma'nolaridan anglanadi. Nutqning ma'nosi alohida so'zlarning ma'nolari yig'indisi va ularning tuzilishga joylashish usulidir. Semantika so'z ma'nolarining o'zaro bog'lanish usullarini ham ko'rib chiqadi. Semantikada so'zlarning ma'no jihatdan bog'lanishining bir necha usullari mavjud:

Sinonim - so'zlar bir xil ma'noni anglatish uchun ishlatilishi mumkin bo'lgan so'zlar. Boshlang va yo'l ko'rsating, katta va ulkan, yosh va o'smir.

Antonim so'zlar qarama-qarshi ma'noga ega bo'lib bir-birining inkor etadi: katta va kichik, kel va ket, yuqoriga va pastga.



Omonimlar-ko'p ma'noli so'z ikki yoki undan ortiq o'zaro bog'liq ma'noga ega bo'lsa, ko'p ma'nolidir. Bu holda so'z bir shaklni oladi, lekin ikki xil ma'noni anglatish uchun ishlatilishi mumkin. Ko'p ma'noda bu ikki ma'no qaysidir ma'noda bog'langan bo'lishi kerak, so'zning mutlaqo bog'lanmagan ikkita ma'nosi bo'lmasligi kerak: olma(meva turi) va olma (fe'l). Sichqoncha (hayvon) va sichqoncha (kompyuter boshwaruv apparatchasi).

Shu bilan birga semantikada gaplar aro bog'liqlik ham mavjud:

Parafraza - Parafrazalar bir xil haqiqat shartlariga ega; biri rost bo'lsa, ikkinchisi ham to'g'ri bo'lishi kerak. "O'g'il bolalar qizlarni yaxshi ko'radilar" va "qizlar bolalarga yoqadi", "Jon kitobni Krisga berdi" va "Jon Krisga kitobni sovg'a qildi".

O'zaro bog'liqlik - har bir jumla boshqasiga har taraflama to'g'ri bo'lishi kerak. "Kamol Rohilaga uylangan" degan gap "Rohila Kamolning xotini" ekanligini anglatadi.

Asimmetrik talab - boshqasi to'g'ri bo'lishi uchun jumalardan faqat bittasi to'g'ri bo'lishi kerak, ammo bu jumla boshqa jumlaning to'g'ri bo'lishi shart bo'lmagan holda ham to'g'ri bo'lishi mumkin. "Rohilaning ikkita ukasi bor" - "Rohila yolg'iz farzand emas" degan ma'noni anglatadi (lekin Rohila yolg'iz farzand emas" degani esa Rohilaning ikkita ukasi borligini anglatmaydi).

### XULOSA

Semantika tildagi bu munosabatlarni ko'rib chiqadi va bu ma'nolar qanday yaratilganiga qaraydi, bu esa tilning qanday ishlashini tushunishning muhim qismidir.

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, semantika bizning tilimizni ma'nodor qilish uchun foydalanadigan so'z va ohanglar majmuasidir - madaniy ma'lumotnomalar, atrof-muhit so'zlari va vaziyat voqealarini shular jumlasidandir.

Semantikaning o'rganish obyekti ham, asosan, to'liq, mustaqil ma'noli so'zlar va gaplarning ma'nolar tizimidir. Semantika [fan](#) sifatida 19-asrning 2-yarmidan rivojlana boshlagan va hozirgacha bir biridan [sifat](#) jihatidan farqlanuvchi bir necha bosqichni o'tagan. Jamiyat hayoti va u gapiradigan tilning so'z boyligi o'rtasida juda yaqin bog'liqlik mavjud. Moddiy madaniyatga tegishli bo'lgan so'zlar juda muhimdir, ijtimoiy urf-odatlar va muassasalarga, shuningdek, odamlarning qadriyatlarini, munosabatlari hamda ularning dunyo va bu dunyodagi hayoti haqida qanday fikrda bo'lishlarini o'rtasidagi bog'liqlikni o'rganish semantikaning asosiy qismidir.

### ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Linguistic Semantics, Bierwisch, Manfred and Kiefer, Ferenc (1969),
2. 'Remarks on Bibliography 223 Definitions in Natural Languages',
3. Ferenc Kiefer (ed.), Studies in Syntax and Semantics
4. Chomsky, Noam (1966), Cartesian Linguistics
5. Schaff, Adam (1962), Introduction to Semantics [1960]
6. Pressj Panstwowe Wydawnictwo Naukowe. --(1973), Language and Cognition

## O'SIB KELAYOTGAN YOSH AVLODGA TA'LIMYIY VA DIDAKTIK O'YINLAR ORQALI TA'LIM BERISHDA ZAMONAVIY YONDASHUVLAR

**Imyaminova Shuhratxon Salijanovna**

Mirzo Ulug'bek nomidagi O'zbekiston milliy universiteti filologiya (Nemis tili) fakulteti  
Katta O'qituvchisi professor

**Hafiza Qo'chqorova Sherbabayevna**

Mirzo Ulug'bek nomidagi O'zbekiston milliy universiteti filologiya (Nemis tili) fakulteti  
o'qituvchi

**Matchanova Yulduz Rahmanova**

Mirzo Ulug'bek nomidagi O'zbekiston milliy universiteti filologiya fakulteti (Nemis tili)  
fakulteti talabasi

**Xabibullayev Fayzulla Nabibullayevich**

Farg'ona davlat universiteti tabiiy fanlar fakulteti o'qituvchisi

**Abduraximov Iskandar Nodirjon o'g'li**

Farg'ona davlat universiteti Harbiy ta'lim fakulteti talabasi

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6651425>

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada o'sib kelayotgan yosh avlodga har xil o'yinlar va psixologik harakatlar orqali ta'lim berish va yosh bolalarga ta'lim berishda ularni o'rganayotgan faniga qiziqtirish, ularni zeriktirmaslik va o'quvchi yoshlar bilan muloqot qilishda nutq ma'daniyatini ham shakllantirishning zamonaviy uslub va tamoyillari haqida ma'lumot berilgan.

**Kalit so'zlar:** ta'limiy o'yinlar, ko'rgazmali material, didaktik o'yinlar, qoidali-harakatli o'yinlar, stol-bosma o'yinlar. Og'zaki so'zli o'yinlari, o'yin tempi va ritmi, sensor madaniyati.

### MODERN APPROACHES TO TEACHING THE GROWING YOUNGER GENERATION THROUGH EDUCATIONAL AND DIDACTIC GAMES

**Abstract.** This article provides information on the modern methods and principles of teaching the growing younger generation through various games and psychological movements and to interest young children in the science they are studying, not to make them bored, and also to formulate the meaning of speech in communicating with the young people of the reader.

**Keywords:** educational games, visual material, didactic games, rule-moving games, table-printing games. Verbal Games, pace and rhythm of the game, sensory culture.

### СОВРЕМЕННЫЕ ПОДХОДЫ К ВОСПИТАНИЮ ПОДРАСТАЮЩЕГО ПОКОЛЕНИЯ ПОСРЕДСТВОМ УЧЕБНО-ДИДАКТИЧЕСКИХ ИГР

**Аннотация:** В данной статье представлена информация о современных методах и принципах воспитания подрастающего поколения посредством различных игр и психологических действий и воспитания детей раннего возраста с целью заинтересовать их изучаемой наукой, не дать им скучать, а также сформировать речевую культуру в общении с учащейся молодежью.

**Ключевые слова:** развивающие игры, наглядный материал, дидактические игры, игры с правилами, настольно-печатные игры. Словесные игры, темп и ритм игры, сенсорная культура.

*“Farzandlarimizning qobiliyatini ro‘yobga chiqarishga bolalikdan e‘tibor berib, ularning kamoloti uchun barcha imkoniyatlarimizni safarbar etsak, yurtimizdan yana ko‘plab Beruniy, Ibn Sino, Ulug‘beklar yetishib chiqadi. Men bunga ishonaman.”*

*(Mirziyoyev Sh.M.)*

## KIRISH

Ta‘lim sohasidagi bosh maqsad - ta‘lim va tarbiyaning demokratik, insonparvarlik tamoyillarini qaror toptirish, xalqimizning tarixiy an‘analari va urf-odatlarini, shuningdek, umumbashariy qadriyatlar asosida ta‘lim – tarbiya jarayoni mazmunini tubdan o‘zgartirish, shu maqsadda pedagogik jamoalarning tashabbuskorligiga keng imkoniyat ochib berishdan iboratdir. Bolalarda aqliy faoliyatni dastlab muomala orqali, so‘ng mashg‘ulotlar, o‘yinlar, bilim berish orqali amalga oshirildi. Bola har doim buyumlar, hodisalar orasida bo‘ladi. Doimo biror narsa bilan tanishadi, nimanidir bilib oladi, ushlab ko‘radi, nimagadir quloq soladi, shu tarzda bola dunyoni anglaydi. Tevarak-atrof buyum va narsalar bolalarining sezgi organlariga, analizatorlarga ta‘sir etadi va sezgi hosil bo‘ladi. Sezgi bolalarda ayrim xossalarni bilib olishga yordam beradi. Bolada aqliy malaka va ko‘nikmalarni rivojlantirish, eng oddiy faoliyat usullari predmetlarini tekshirish, ulardagi muhim va muhim bo‘lmagan belgilarni ajratib ko‘rsatish boshqa predmetlar bilan taqqoslash maktabgacha tarbiya yoshidagi bolalarga aqliy tarbiya berish vazifalaridan biridir.

## TADQIQOT MATERIALLARI VA METODOLOGIYASI

Maktabgacha ta‘lim muassasalarida ta‘limiy o‘yinlar va ularning ahamiyati. Ta‘limiy o‘yinlar ta‘limiy o‘yin sifatida bolalarning yosh xususiyatlariga mos keladigan o‘yinlar sirasiga kiradi. Didaktik o‘yinlarning muhim belgisi undagi qoidalarining mavjudligidir. o‘yinda o‘yin maqsadi, o‘yin qoidalari, o‘yin harakatlari o‘rtasida uzviy aloqa mavjud. O‘yin maqsadi o‘yin harakatlarining tabiatini belgilaydi. O‘yin qoidasi esa, o‘yin harakatlarini, vazifasini hal etishga va o‘yindagi harakatlarni amalga oshirishga yordam beradi. Ta‘limiy o‘yinlar orqali bolalarga yangi bilimlar, tushunchalar berib boriladi. Bu o‘yinlarda bolaning har tomonlama rivojlanishi, bilim jarayoni, sensor madaniyati, nutq faoliyati, aqliy qobiliyatlari takomillashadi. O‘yin qoidasiga rioya qilish, unga amal qilish o‘yin mazmunini boyitadi. Ta‘limiy o‘yinlarda tabiiy narsa va buyumlardan keng foydalaniladi. Bolaning kun tartibida ta‘limiy o‘yin uchun vaqt va joy ajratilishi kerak. Bunday o‘yinlar mashg‘ulot jarayonida va o‘yindan tashqari vaqtlarda guruh yoki yakka-yakka o‘tkaziladi. Bunda o‘yin mazmuni va natijasi puxta aniqlanadi

O‘quvchilar bilan har bir darsda bir necha tushunchalar bilan ish olib boriladi. Har birini shu darsning turli bosqichlarida o‘zlashtirishi mumkin. Har bir tushunchani tushunish boshqa bir tushunchani takrorlash, esga olish bilan olib borilsa, bu tushuncha esa keyingi tushunchalarni tushuntirish uchun xizmat qiladi. O‘qitish jarayonida har bir o‘quv materiali rivojlantirilgan holda olib boriladi, bu o‘quv materiali o‘zidan keyin o‘qitiladigan materiallarni tushunish uchun poydevor bo‘ladi. Boshqa tushunchaning o‘zlashtirilish jarayonini qarasak, u bir necha darslarning o‘zaro bog‘liqli o‘qitilishi natijasida hosil bo‘ladi. Shunday qilib matematik tushunchalarini hosil qilish birgina darsning o‘zida hosil qilinmasdan, balki o‘zaro aloqada bo‘lgan bir qancha darslarni o‘qitish jarayonida hosil qilinadi. Bunday darslarni birgalikda darslar tizimi deb ataymiz. Shuning uchun o‘qituvchi mavzuning mazmunini ochadigan darslarni mantiqiy ketma-ketlikda joylashtirishi kerak.

## TADQIQOT NATIJALARI

**Ta‘limiy o‘yinlarda quyidagi qoidalarga amal qilinishi kerak**

1. Navbatma-navbat ta'sir etish.
2. So'ralganda javob berish.
3. O'rtoqlari fikrini eshita olish.
4. O'yin jarayonida boshqalarga xalaqit bermaslik.
5. O'yin qoidasini bajarish.
6. O'z xatosini tan olish.

Ta'limiy o'yinlarda bolalarning yosh, individual xususiyatlarini hisobga olish lozim. O'yinda o'yin tempi va ritmi katta rol o'ynaydi, juda sekin va bir tekisdagi temp bolani ko'p kuttiradi, juda tez temp esa bolalarni hayajonga soladi, turli bahs-munozaralarga olib keladi. Kattalar tomonidan o'yin ishtirokchilarini to'g'ri baholash muhim ahamiyatga ega.

Ta'limiy o'yinlarning quyidagi turlari mavjud: a) buyum va o'yinchoqlar bilan o'ynaladigan; b) stol-bosma; d) og'zaki so'z o'yinlari. Buyum va o'yinchoqlar bilan o'ynaladigan o'yinlar bolaning ilk yoshidan boshlab, to maktab yoshiga yetgunga qadar o'ynaladigan o'yin turi hisoblanadi. Bunda bolalarning tasavvurlari, diqqatlari o'yin asosini tashkil etadi. Ularda tevarak-atrofdagi narsa va buyumlar, ularning sifati, foydali tomonlari to'g'risida umumiy tushuncha hosil bo'ladi. O'yinda o'ynaladigan har bir buyum yoki o'yinchoq o'zining tashqi ko'rinishiga ega bo'lishi, narsaning asosiy belgisini ajrata bilish imkonini berishi lozim. Bunday o'yinlar bolalarning narsalarning shakli, hajmi, belgisi, sifati haqidagi bilimlarini kengaytiradi. Stol-bosma o'yinlari bolalarning tevarak-atrof haqidagi tasavvurlarini aniqlash, bir tizimga solish, tafakkurini (tahlil qilish, sintez, umumlashtirish, tavsiflash) o'stirish imkonini beruvchi o'yin usulidir. Bu o'yin turiga

- a) loto;
- b) juft rasmlar;
- d) domino;
- e) labirint kiradi.

**Lug'atni boyitish uchun yordam beradigan ta'limiy o'yinlarning turlari.** Ta'limiy o'yinlar. Didaktik o'yinlar ta'limiy o'yin sifatida bolalarning yosh xususiyatlariga mos keladigan o'yinlar sirasiga kiradi. Didaktik o'yinlarning muhim belgisi undagi qoidalarining mavjudligidir. O'yinda o'yin niyati, o'yin qoidalari, o'yin harakatlari o'rtasida uzviy aloqa mavjud. O'yin niyati o'yin harakatlarining tabiatini belgilaydi. O'yin qoidasi esa, o'yin harakatlarini, vazifasini hal etishga va o'yindagi harakatlarni amalga oshirishga yordam beradi

### **MUHOKAMA**

Didaktik o'yinlar orqali bolalarga yangi bilimlar, tushunchalar berib boriladi. Bu o'yinlarda bolaning har tomonlama rivojlanishi, bilim jarayoni, sensor madaniyati, nutq faoliyati, aqliy qobiliyatlari takomillashadi. O'yin qoidasiga rioya etish, unga amal qilish o'yin mazmunini boyitadi. Didaktik o'yinlarda tabiiy narsa va buyumlardan keng foydalaniladi. Bolaning kun tartibida didaktik o'yin uchun vaqt va joy ajratilishi kerak. Bunday o'yinlar mashg'ulot jarayonida va o'yindan tashqari vaqtlarda guruh yoki yakka-yakka o'tkaziladi. Bunda o'yin mazmuni va natijasi puxta aniqlanadi.

### **Didaktik o'yinlarda quyidagi qoidalarga amal qilinishi kerak**

1. Navbatma-navbat ta'sir etish.
2. So'ralganda javob berish.
3. O'rtoqlari fikrini eshita olish.

4. O'yin jarayonida boshqalarga xalaqit bermaslik.
5. O'yin qoidasini bajarish.
6. O'z xatosini tan olish

Didaktik o'yinlarda bolalarning yosh, individual xususiyatlarini hisobga olish lozim. O'yinda o'yin tempi va ritmi katta rol o'ynaydi, juda sekin va bir tekisdagi temp bolani ko'p kuttiradi, juda tez temp esa bolalarni hayajonga soladi, turli bahs-munozaralarga olib keladi. Kattalar tomonidan o'yin ishtirokchilarini to'g'ri baholash muhim ahamiyatga ega.

Kichik yoshdagi bolalar uchun o'yin syujeti ochiq xarakterga ega bo'ladi. Masalan, «To'pni quvla!», «To'pni ushlab ol!». Katta yoshdagi bolalar uchun o'yin maqsadi, qoidasi va o'yinni tashkil etish murakkablashadi. Qoidali-harakatli o'yinlar avval jismoniy tarbiya mashg'ulotida o'rganiladi. So'ngra boshqa jarayonlarda takroran o'ynatilishi lozim. «Bolajon» dasturida turli yosh guruhleri bo'yicha o'tkaziladigan harakatli milliy o'yinlar turkumlari kiritilgan.

Milliy xalq o'yinlari ikki guruhga bo'linadi:

1. Milliy harakatli o'yinlar.
2. Milliy xalq o'yinlari.

Milliy harakatli o'yinlar sport turlari bilan hamda xalqimiz qadriyatlari bilan aloqador bo'lib, ular asrlar davomida davrlarga mos ravishda rivojlanib, takomillashib, e'zozlanib kelingan. U bolalarning jismonan baquvvat, sog'lom, jasur, qat'iyatli, chaqqon, uddaburon bo'lib o'sishlarida muhim omil bo'lib hisoblanadi. Xalq milliy o'yinlarida millatning o'tmish tarixi, ma'naviy va madaniy rivojlanishining xarakter xususiyatlari, urf-odatlar, an'analari jamlangandir.

### XULOSA

Xalq milliy o'yinlari orqali bolalarni ma'naviy, aqliy, jismoniy, estetik jihatdan tarbiyalab borish jarayonida bolalarda o'z Vatanini sevis, uning boyliklari qadriga yetish, buyuk ajdodlarimiz meroslarini hurmat qilish, milliy kuy va qo'shiqlardan zavqlanish tuyg'ulari, shuningdek, o'sib kelayotgan yosh avlodda chidamlilik, sabr-toqatlilik, tezkorlik, ildamlilik, botirlik kabi shaxsiy sifatlar shakllanib boradi.

### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. O'zbekiston Respublikasining «Ta'lim to'g'risida»gi Qonuni. // Barkamol avlod – O'zbekiston kelajagining poydevori. –T.: 1997, 20–29 b.
2. «Sog'lom avlod davlat dasturi to'g'risida»: O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining Qarori, 2000-yil, 15-fevral // Xalq so'zi. 2000, 16-fevral.
3. NUTQ O'STIRISH NAZARIYASI VA METODIKASI \BABAYEVA DONO RAZZAQOVNA\
4. Otavaliyeva O'. Bola tarbiyasida bog'cha va oila hamkorligi. –T.: O'qituvchi, 1994, 72 b.
5. Turdiboyev, S., & Abdurakhimov, I. (2021). COPYRIGHT IS THE FOUNDATION OF OUR DEVELOPMENT. Galaxy International Interdisciplinary Research Journal, 9(12), 1159-1160.

## НАУКА В БИБЛИИ

Рашидова Сайера

Студентка 3-курса направления “Религиоведение” Международной исламской Академии Узбекистана

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6651505>

***Аннотация.** В этой статье автор приводит сведения на общих темах, не требующих глубокого изучения. Прочитав материал, вы сможете визуально отличить понимание соотношения науки и религии, а также узнать, как они оказались вместе.*

***Ключевые слова:** наука, наука в Библии, Сотворения мира и Божественное Откровение.*

## SCIENCE IN THE BIBLE

***Abstract.** In this article, the author provides information on general topics that do not require in-depth study. After reading the material, you can visually distinguish the understanding of the relationship between science and religion, as well as find out how they ended up together.*

***Key words:** science, science in the Bible, Creation of the world and Divine Revelation*

## ВВЕДЕНИЕ

Наука — сфера человеческой деятельности, направленная на выработку и теоретическую систематизацию объективных знаний о действительности. Основой этой деятельности является сбор фактов, их постоянное обновление и систематизация, критический анализ и, на этой базе, синтез новых знаний или обобщений, которые не только описывают наблюдаемые природные или общественные явления, но и позволяют построить причинно-следственные связи. Понятие науки был официально установлен святым Августином в его послании №82, которое мы процитируем ниже. Однако по мере развития науки противоречия между Библейскими Писаниями и наукой стали очевидными. Поэтому Церковь решила прекратить всякий сравнительный анализ. Ведь мы, в конце концов, не можем принять Божественное Откровение, в котором присутствуют явно ошибочные положения. Есть только один способ логически примирить науку и Библию. Он заключается в том, чтобы признать недостоверными те отрывки из нее, где содержатся сведения, неприемлемые с точки зрения науки. Но такой подход принят не был. Наоборот, предпринималось все возможное, чтобы сохранить неприкосновенность текста, и все специалисты были обязаны отстаивать правдивость Библейских Писаний, что едва ли приемлемо для ученого.

## МАТЕРИАЛЫ И МЕТОДЫ

Как и святой Августин в отношении Библии, Ислам всегда предполагал соответствие между данными, содержащимися в Священных Писаниях, и фактами, установленными наукой. Современный анализ Откровений Ислама доказал, что в них такое соответствие существует.

Исходя из данных о происхождении и появлении человека на Земле, содержащихся в Библейском тексте Книги Бытия, где описано Сотворение Адама, можно прийти к выводу о том, что человек появился на Земле приблизительно за 37 веков до н.э. В будущем наука, может быть, предоставит нам данные более точные, чем наши сегодняшние расчеты, но мы можем не сомневаться: она никогда не сообщит нам, что человек впервые появился на



Земле всего 5736 лет назад, как это явствует из древнееврейского календаря на 1975 год. Следовательно, данные Библии о времени возникновения человеческого рода — ошибочны. Такое сопоставление с наукой исключает любую религиозную проблему в собственном смысле слова. Например, наука никак не может объяснить процесс явления Бога Моисею. То же самое можно сказать и о тайне, окружающей появление на свет Иисуса без участия биологического отца. В Ветхом Завете, начиная с самой первой Книги — Бытия, обнаружена ряд положений, полностью противоречащих бесспорным фактам современной науки. Открывая Евангелия, мы тоже сталкиваемся с этой серьезной проблемой. Например, на первой странице мы видим сведения о происхождении Иисуса. Но текст Евангелия от Матфея на этот счет явно противоречит Евангелию от Луки.

### РЕЗУЛЬТАТЫ

Наличие всех этих противоречий, невероятностей и несовместимостей не способно умалить веру в Бога. Ответственность за них несет лишь человек. Никто не может сказать, как выглядели тексты в их первоизданном виде. И никто не может знать, как сила воображения заставила людей внести в них свои собственные правки и каким образом тексты изменялись людьми — будь то преднамеренно или непроизвольно.

Сотворение мира как указывает отец Де Во, Бытие "начинается с двух чередующихся описаний Сотворения мира". Анализ их совместимости с данными науки приводит нас к необходимости взглянуть на каждое в отдельности. Первое описание Сотворения мира это описание занимает всю первую главу и самые первые стихи второй главы. С точки зрения науки это просто шедевр вымысла. Его необходимо анализировать параграф за параграфом. Представленный здесь текст взят из пересмотренного стандартного варианта Библии 1. "В начале сотворил Бог небо и землю. Земля же была безвидна и пуста, и тьма над бездною; и Дух Божий носился над водою" (Бытие, 1: 1-2) Вполне возможно предположить, что до сотворения земли то, что впоследствии стало Вселенной, было погружено во тьму. Однако упоминание о существовании в тот период воды — плод чистейшего вымысла. В третьей части этой Книги перед нами предстанут все свидетельства того, что на первоначальном этапе формирования Вселенной существовала лишь некая газообразная масса. Подмена ее водой равнозначна ошибочному описанию процесса Сотворения мира. "И сказал Бог: да будет свет. И стал свет. И увидел Бог свет, что он хорош; и отделил Бог свет от тьмы. И назвал Бог свет днем, а тьму ночью. И был вечер, и было утро: день один" (Бытие, 1: 3-5)

"И сказал Бог: да будет твердь посреди воды, и да отделяет она воду от воды. [И стало так.] И создал Бог твердь, и отделил воду, которая под твердью, от воды, которая над твердью. И стало так. И назвал Бог твердь небом. [И увидел Бог, что это хорошо.] И был вечер, и было утро: день второй" (Бытие, 1: 6-8).

### ВЫВОДЫ

Факт возникновения отдельных континентов в тот период существования Земли, когда она все еще была покрыта водой, с научной точки зрения вполне приемлем. Однако до того момента, как появилось Солнце, а день и ночь стали последовательно сменять друг друга, совершенно немыслимо существование высокоразвитого растительного мира, где воспроизводство происходило от семян. Ведь в Бытии Солнце появляется лишь на четвертый день.



Библия не научный труд, однако, когда в ней затрагиваются научные вопросы, она абсолютно точна. Рассмотрим несколько примеров, показывающих, что Библия согласуется с наукой и что в ней содержатся научные факты, которые в корне отличаются от верований многих людей, живших во времена ее написания.

*Список использованных литератур:*

1. Книга Библии
2. Библия, Коран и наука Морис Бюкай Адыгейский исламский международный конгресс, Распространяется в рамках проекта «Ислам в современном мире» [www.athan.ru](http://www.athan.ru) Лондон 2011 с. 23-26
3. <https://dic.academic.ru/dic.nsf/ruwiki/1628>
4. Наука и Библия, Протоирей Глеб Каледа, Научная статья

## INGLIZ VA O'ZBEK TILLARIDA KOMPLIMENTNI IFODALOVCHI VOSITALAR

**Mahmudova Z., Khamidova K.N,**

Toshkent shahar Sergeli tumani 55-sonli umumta'lim maktabi ingliz tili fani  
o'qituvchilari

**Fozilova Iroda Hafizovna**

Qashqadaryo viloyati, Kitob tumani 4-maktab o'qituvchisi

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6651558>

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada ingliz va o'zbek tillarida komplimentni ifodalovchi vositalari hamda ingliz va o'zbek kommunikativ madaniyatida kompliment va uning qo'llanilishi va komplimentning funksiyalari va uning klassifikatsiyasi tahlil qiliniladi.

**Kalit so'zlar:** «kompliment», maqtov, xushomad, kommunikativ madaniyat, minnatdorchilik, nutqning leksik va sintaktik tuzilishini, kompliment turlari.

### СРЕДСТВА КОМПЛИМЕНТА В АНГЛИЙСКОМ И УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКАХ

**Аннотация.** В данной статье анализируются средства выражения комплиментов в английском и узбекском языках, а также комплименты и их применение в английской и узбекской коммуникативной культуре, а также функции комплиментов и их классификация.

**Ключевые слова:** «комплимент», похвала, комплимент, коммуникативная культура, благодарность, лексико-синтаксический строй речи, виды комплиментов.

### MEANS OF COMPLIMENT IN ENGLISH AND UZBEK

**Abstract.** This article analyzes the means of expressing compliments in English and Uzbek, as well as compliments and their application in English and Uzbek communicative culture, and the functions of compliments and their classification.

**Keywords:** "compliment", praise, compliment, communicative culture, gratitude, lexical and syntactic structure of speech, types of compliments.

### KIRISH

«Kompliment» tushunchasi barcha tillarga xos tushuncha bo'lsada xar bir tilda o'ziga xos ifodalanishga egadir. «Kompliment» tushunchasining mohiyatini chuqur o'rganish uchun, avvalo tilshunoslik fanida rivojlanib kelayotgan kognitiv tilshunoslik va lingvomadaniyatshunoslik fanlaridagi nazariya va qarashlarni o'rganib chiqish lozim.

J. Xolms, P. Braun va N. Wolfson komplimentativ bayonotlarni o'rganish davomida kompliment ko'plab illukativ funktsiyalarini ifodalashi mumkinligini aniqlashdi. Ushbu olimlar komplementni keltirilgan vaziyatlarda masalan: tabriklarda, minnatdorchiliklarda, uzr so'ralganda, salomlashishlarda qo'llash mumkin deb aytadilar:

Misol uchun, ushbu holatda, Emmi ishlarni tashkillashtirish va rejalashtirish qobiliyati uchun tabrik qabul qiladi. Komplimentni ifodalash uchun, ijobiy bahoga ega bo'lgan "excellent" sifati ishlatiladi.

"I congratulate you. Your organization must have been indeed **excellent**." Emily Carnaby shunday dedi:

"Amy was always **good at organization**. Our father – he was the Vicar of Kellington in Essex- always said that Amy had quite a genius for planning. She always made all the arrangements for the Social and the Bazaars and all that"

Ana endi, salomlashish holatini tasavvur qiling. Shunday qilib, xonimni kutib olish uchun, janob bu uchrashuvning ahamiyatililigini va muhimligini ta'kidlaydi. Bu erda "brilliant" sifati ishlatiladi.

"Everyone is dying to know **the brilliant Mrs. Cheveley**."

"Thank you, Sir Robert. An acquaintance that begins with a compliment is sure to develop into a real friendship. It straits in the right manner."

Minnatdarchilik holatini ifodalash uchun undov gaplarni "good" sifati bilan qo'llaymiz

"Lady Chiltren, I have a certain amount of very news to tell you. Mrs cheveley gave me up Robert's letter last night, and I burnt it. Robert is safe."

"Safe! Oh! I'm so glad of that! What **a good friend** you are to him- to us!"

### TADQIQOT MATERIALLARI VA METODOLOGIYASI

V.V. Leontyev nutq jarayonining har xil tasnifida maqtov, xushomad va komplimentlarning o'рни haqida savol berdi. Tadqiqotchi o'z oldiga maqtov, xushomad va kompliment o'rtasidagi o'xshashlik va katta kategorik farqlarni aniqlash vazifasini qo'yadi. Ushbu tushunchalarni solishtirib, V.V. Leontyev ularning har biri uchun alohida farqlovchi xususiyatlarni ochib beradi va bu tushunchalar bir-biriga to'liq mos kelmasligini ta'kidlaydi, chunki ularning har biri o'z o'ziga xos maqsadlarga ega.. Uchchala tahlil qilinayotgan tushunchalar muallif tomonidan baholovchi bayonotlar bilan bevosita va to'g'ridan-to'g'ri bog'liq bo'lgan hissiy tushunchalar sifatida taqdim etiladi. Leontyevning ta'rifiga ko'ra kompliment maqtovdan ustun turadi va hurmatni ifodalaydi. Komplimentni ko'rib chiqishning bunday yondashuvi, bizga komplimentni ijobiy his-tuyg'ular bilan ifodalaydi.

A.V. Bobenko, ingliz tilida koplimentning asosiy vazifasi bir nechta va o'ziga xos namoyondalarga ega ekanligini ta'kidlaydi. Misol uchun, kompliment ko'pincha minnatdorchilik sifatida qo'llaniladi, masalan:

"I didn't want to go without thanking you for all **your kindness to me**," U dedi.

"Oh, that's all right."

Komplimentni salomlashish o'rnida ham qo'llash mumkin bunga misol uchun:

"Good evening, **dear Gertrude!** so kind of you to let, me bring my friend, Mrs. Cheveley. Two such charming women should know each other!"

Kompliment ko'pincha suhbat boshlanishining ham sababchisi bo'ladi, masalan:

"How **is the most charming woman in the world?**"

(Missis Allonbi xonim Lut Stutfildni qo'lidan ushlab)

"We are both quite well, thank you, Lord Illingworth."

Spiker komplimentni rag'batlantirish                      uyg'otish                      maqsadida                      ham foydalanishi mumkin masalan:

"Well, what do you think? "

"The play's all right. I don't see how it can fail to be a success" He caught something doubtful in her tone.

"What's wrong then? **The part's wonderful. I mean, it's a wonderful part, I know that.**"

Ko'pincha, kompliment -bu tanqidni yumshatishning bir yo'li, masalan:

*"Do you know the promoter says we played nine minutes longer tonight, they laughed so much."*

*"Seven curtain calls. I thought the public were going on all night." Well, you've only got to blame yourself, darling. There's no one in the world who could have given the performance you gave tonight.*

Ushbu ma'lumotlarga asoslanib, tadqiqotchi komplimentni ingliz tilida ko'p funksional xususiyatga ega deb hisoblaydi, unda komplimentning asosiy funktsiyasi, kommunikatorlar o'rtasidagi do'stona munosabatlarni o'rnatish va qo'llab-quvvatlashdir.

A.V. Kolegaevaning so'zlariga ko'ra, kompliment muloqotda ajralmas qismi bo'lib, ko'pincha ma'ruzachining ijobiy holatlariga: sevgi, hayrat, hurmat, g'urur va hokazolarni aks ettiradi. Tadqiqotchi komplimentning quyidagi turlarini aniqlaydi:

1) yo'q odamga qaratigan kompliment. Ushbu misolda qo'shiqchining chiroyli ovozi kompliment sifatida qayd etilgan:

*"His name" said aunt Kate "was Parkiston. I heard him when he was ever put into a man's throat."*

*"Strange", said Mr. Bartell D'Arcy. "I never even heard of him."*

*"Yes, yes, Miss Morkan is right," said Mr. Browne. "I remember hearing of old Parkiston, but he's too far back for me."*

*"A beautiful, pure, sweet, mellow English tenor," said Aunt Kate with enthusiasm.*

2) tasniflovchi komplimentda o'zgalar so'zi bilan iltifot qilinadi. Bu yerda qizning biznes qobiliyati uchun kompliment qilinadi:

*"You'll have to help me to find something really nice to put it its place." "Mary has a wonderful eye, did you know that, Bob? She ought to go into business with me."*

Komplimentni o'rganish nutqning leksik va sintaktik tuzilishini, shuningdek, uning funktsiyalarini aniqlash bilangina chegaralanmaydi.

N. Wolfson komplimentni ikkita asosiy aniq guruhlarga bo'ladi:

1) Tashqi ko'rinishga nisbatan kompliment:

*"You are a terribly attractive woman."*

2) Qabul qiluvchilarning qobiliyatlariga nisbatan kompliment:

*"You've made a tremendous success with my people. They've taken an enormous fancy to you."*

*«God, Five worked for it," thought Julia.*

R.V. Serebryakova komplimentni yanada kengroq va batafsil taklif qiladi. R.V. Serebryakova, ingliz kommunikativ madaniyatida komplimentlardan foydalanish bir xil emas deb hisoblaydi. R.V. Serebryakova kompliment turlarining nutqda ishlatilish foizini ushbu jadvalda ko'rishimiz mumkin.

R.V. Serebryakova ingliz kommunikativ madaniyatida odamning ichki axloqiy xususiyatlariga bo'lgan komplimentlar birinchi o'rinda turadi deb aytadi. Avvalambor, komplimentlar o'zining mehr-oqibat, saxiylik, halollik, kamtarlik, jasorat, dindorlikligi bilan ajralib turadi. Masalan:

1) *"Dear Sally, what I like about you is your beautiful honesty."*

2) *"Life is like that all the way through, isn't it? Gertain things happen because people are in a certain spot at a certain time."*

*"But what you did was wonderful."*

*"I was over-bold. I hesitated for a while but something told me that Daniel loved you enough, was strong enough. **You are lucky** to be his wife, Rachel. He is the one who has done so much for you, not I.*

*"Daniel feels the same as I do about you,"*

*"I'm glad it's gratifying to take a bold step and right."*

*"We have been so lucky, and but for you..." she shivered*

*"**You are doubly lucky** because you realize how lucky you are. So many people don't."<sup>1</sup>*

3) Norman had the dressing-table made for her (his wife) soon after they were married. It had been made by a native carpenter of course, and they had had the mirror sent from Singapore, but it was made for her own design, of the exact size and shape she wanted, with plenty of room for all her toilet things and her make up. She remembered still how pleased she was when first she had it. She threw her arms round her husband's neck and kissed him. *"Oh Norman, you are good to me," she said, "I'm a lucky little girl to have caught a chap like you, aren't?"*

Suhbatdoshning tashqi ko'rinishni ifodalash uchun speker ko'plab sifatlarni qo'llashi masalan: beautiful, pretty, wonderful, graceful, gorgeous, sweet, nice, fine.

1) You will **always be as pretty as possible**.

2) "What wonderfully blue eyes you have, Ernest! They **are quite, quite, blue**. I hope you'll always look at me just like that, especially when there are other people present."

1) *"Cecily, ever since I first looked upon your **wonderful and incomparable beauty**, I have dared to love you **wildly, passionately, devoted, hopelessly**."*

2) *"I don't think that you should tell me that you love me wildly, passionately, devotedly, hopelessly. Hopelessly doesn't seem to make much sense, does it?" "Cecily!"*

Suhbatdoshning kasbiga nisbatan ishlatilgan ko'pgina komplimentlar erkaklarga qaratilgan.

Masalan:

1) *"Sir Joseph said frankly: "I know you're **a tip-top man** at this sort of thing. I made inquiries and I was told that you were **the best man available**. I mean to get to the bottom of this business and I don't grudge the expense. That's why I got you to come here."*

*"**You are fortunate**," said Hercule Poirot*

2) *"Lord Illingworth, everyone has been congratulating me, Lady Hunstanton and Lady Caroline, and ...everyone. I hope I'll make a good secretary."*

*"You will be **a pattern secretary**, Gerald."*

Speker o'z fikrini iloji boricha aniqroq bayon qilishga harakat qilayapti, buni biz qisqa so'z birikmalaridan bilib olishimiz mumkin.

Oila a'zolariga va yaqinlarga qilingan kompliment ingliz kommunikativ madniyatining yorqin belgisidir. Ushbu yo'nalishdagi komplimentni faqatgina do'stlar, qarindoshlar qila oladilar. Bunday muloqatlar suhbatdoshning qanchalar yaqinligini va o'z his tuyg'ularini to'liq ifoda eta olishlarini ko'rishimiz mumkin.

Masalan:

*"I was just saying what **a pleasant party** you have asked us to meet. You have **a wonderful power** of selection. It's **quite a gift**." "Dear Caroline, how **kind of you!** I think we all*

<sup>1</sup> Holt V. Seven for a Secret. Fawcett CREST. - New York, 1992. - P. 170-171.

do fit in **very nicely** together."<sup>2</sup> Aniq ifoda etilgan ijobiy sifatlar pretty, fine, nice, sweet keng qo'llanilgan, masalan:

"Cecily Gardew? What a very **sweet name!** Something tells me that we are going **to be great friends**. I like you already more than I can say. My first impressions of people are never wrong."

"How **nice of you** to like me so much after we have known each other such a comparatively short time. Pray sit down."

Kuchaytiruvchi ravish ishlatilgan: much, extremely, masalan:

"I'm afraid it's **very flattering** – I'm not so pretty as that (showing photograph) "You are **much prettier**. But haven't you got one of yourself with your little boy?"<sup>3</sup>

Ingliz tili nutqida yoshga, ziynatlarga, insonlarning kiyimiga qaratilgan komplimentlar kam qo'llaniladi. Ana shu komplimentlarga misollar keltiramiz:

1)"And Gt... Gt a little over thirty." "Dear, **you look weeks younger than that**."<sup>4</sup>

2)"I can show you something that will please you better." She had run up, breathlessly, cut the cords, scattered the tissue paper and yes, there was the very hat - rather large, soft, with a great, curled feather, and a black velvet rose, nothing else. They had been charmed. The girl had put it on and then handed it to Rosabel.

"Let me see how it looks on you," she said, frowning a little, very serious indeed. Rosabel turned to the mirror and placed it on her brown hair, then faced them. "Oh, Harry, isn't it adorable" the girl cried. "I must have that!" She smiled again at Rosabel. "**It suits you beautifully**"<sup>5</sup>

#### TADQIQOT NATIJALARI

A.V. Bobenko, turli madaniyatlardagi komplimentlarni taqqoslab ularni o'rganish shuni ko'rsatdiki, bir millatdagi kompliment boshqa millatga to'g'ri kelmasligini aniqladi. <sup>6</sup> Masalan ko'pgina inglizabon mamlakatlarda (1), (2), (3) chi gaplar kompliment sifatida qabul qilinadi, biroq (4), (5) chi gaplar bundan mustasnodir:

- 1) *I like your hat.*
- 2) *You have the greatest eyes I've ever seen.*
- 3) *You really surprised us with the beautiful song last night.*
- 4) *You must have been exhausted from all that shopping.*
- 5) *That tie you've got on is pure silk, isn't it?*

Indoneziya va Yaponiya mamlakatlarida esa (4), (5) chi gaplar kompliment sifatida qabul qilinadi.

A.V. Bobenko, Amerika ingliz tilida variantida komplimentning eng hayratlanarli xususiyatlaridan biri, ularning aksariyatini "Tashqi ko'rinish" (ayniqsa kiyim va soch) qaratilgan va odatda speaker ayol komplimentni qabul qiluvchidir. J. Manesning ta'kidlashicha, Amerika jamiyatida, o'zlarining va boshqa odamlarning tashqi ko'rinishi e'tibor bo'lishiga ko'proq tashvishlanadigan ayollar va har qanday yoshdagi ayollar jozibador ko'rinishga harakat qilishlari

<sup>2</sup> Wilde O. A Woman of No Importance. Plays. - Moscow, 1961. - P. 97.

<sup>3</sup> Wilde O. Lady Windermere's Fan. Plays. - Moscow, 1961. - P. 79-80.

<sup>4</sup> Wilde O. An Ideal Husband. Plays. - Moscow, 1961. - P. 269.

<sup>5</sup> Mansfield K. The Tiredness of Rosabel. Selected Stories. - Moscow, 1959. - P. 169.

<sup>6</sup> Бобенко А.В. Kompliment как объект лингвистического исследования. Методы лингвистических исследований. ХГПИУ, 1997. - С. 78-9.



kerak deb hisoblashadi. Quyida keltirilgan misollar ko'roq ayollarda uchraydi hoh ular do'stlar, kasbdoshlar, tasodifiy tanishlar yoki butunlay begonalar bo'lsalar.

1) *"What pretty hair you have," said Julia.*<sup>7</sup>

2) *"How sweet you are looking! Where do you get your gowns?"*<sup>8</sup>

A.V. Bobenko Amerika jamiyatida kompliment asosan tashqi ko'rinishga qaratiladi. Amerikaliklar tabiatan berilgan chiroyga kompliment qilishni xoxlashmaydi, keng tarqalgan komplimentlar soch turmagiga va chiroyli sochlarga<sup>9</sup>.

*"Most women in London, nowadays, seem to furnish their rooms with nothing but orchids, foreigners, and French novels. But here we have the room of a sweet saint. Fresh natural flowers, books that don't shock one, pictures that one can look at without blushing."*<sup>10</sup>

Ko'p tilshunoslar qatori R.V. Serebryakova ham kompliment va maqto'v o'rtasidagi bog'liqliklarni aniqlaydi va ba'zi hollarda kompliment va maqto'v mutloq to'g'ri kelishiga ishonadi.

1-jadval

| Kompliment turi                                                    | Umumiy foizdan    |
|--------------------------------------------------------------------|-------------------|
| 1 Tashqi ko'rinishiga qaratilgan compliment                        | 15%               |
| 2 Yoshga qaratilgan kompliment                                     | 6%                |
| 3. Ichki, axloqiy fazilatlariga qaratilgan compliment              | 18%               |
| 4 Aqliy qobiliyatlarga qaratilgan kompliment                       | 13%               |
| 5 Tashqi ko'rinishning alohida elementlariga qaratilgan compliment | 8%                |
| 6. Qobiliyatni yoki muayyan kasbni baholovchi komplimentlar        | 14%               |
| 7 Liboslarni ifodalovchi komplimentlar                             | 10%               |
| 8 Ziynatlarga nisbatan komplimentlar                               | 2%                |
| 9 Nomlarga nisbatan komplimentlar                                  | 10 1%             |
| 10 Xonadonga, uy sharoitiga nisbatan komplimentlar                 | 3%                |
| 11 Umumiy baholovchi komplimentlar                                 | 10% <sup>11</sup> |

### MUHOKAMA

Shunday qilib, ingliz tilida muloqot insonning ichki, axloqiy fazilatlariga bo'lgan komplimentlarga asoslanadi, ular barcha qayd etilgan iltifotning 18 foizini tashkil qiladi. Ulardan bir oz kam foizi bilan odamning ko'rinishi o'rin egallagan, 15% va qobiliyatni yoki muayyan kasbni baholovchi komplimentlar 14% Kamdan-kam hollarda ziynatlarga qaratilgan 2%, xonadonga va uy sharoitiga qaratilgan komplimentlar 3% va 1% nomlarga qaratilgan komplimentlar joy egallagan.

<sup>7</sup> Maugham S. Theatre. Высшая школа. - М., 1985. - P. 137.

<sup>8</sup> Wilde O. Lady Windermere's Fan. Plays. - Moscow, 1961. - P. 39.

<sup>9</sup> Бобенко А.В. Kompliment как объект лингвистического исследования. Методы лингвистических исследований. ХГПИУ, 1997. - С. 80.

<sup>10</sup> Wilde O. A Woman of No Importance. Plays. - Moscow, 1961. - P. 152-153.

<sup>11</sup> Серебрякова Р.В. Национальная специфика речевых актов комплимента и похвалы в русской и английской коммуникативных культурах. Дис... канд. филол. наук. - Воронеж, 2001. - С. 2.

O'zbek adabiyotlariga ham nazar solsak misol uchun

*“Rahmat so'zdan chetda qoldirmaslik uchun Otabekni ham oraga oldi:*

*- Bizning Marg'ilonda bir qiz bor,-dedi- **shundog' ko'hlikki bu o'rtada uning o'xshashi bo'lmas deb o'ylayman**”<sup>12</sup>* Ushbu misolda qizni ijobiy sifatlar bilan ta'riflanmoqda ya'ni qizga nisbatan kompliment ishlatilayapti.

Quyidagi misolda esa bolaning qobiliyatiga nisbatan kompliment qo'llanilyapdi. *“Bir ayol qo'shnisiga aytayapdi:*

*- Maydonchada o'ynayotgan bolalar orasida Boltavoyingizni ko'rdim. **Naq generalning o'zi-ya!** Hammaga buyruq beradi: “Sen u yoqqa o't, sen chiqib tur...” Bola bechoralar ham indamay quloq solishadi.*

*- Mening Boltavoyim-a? mening bolam mo'min qobil. Uyda churq degan ovozi chiqmaydi. Birovga buyruq beradiganlardanmas u.”<sup>13</sup>*

Keyingi misolda esa qaynota keliniga nisbatan komplimentni qo'llaydi. *“– Bizning Marg'ilonda ham **shunday kelinimiz bor ekan-ku, biz bilmay yurg'an ekammiz-da,** - deb tevaragiga qarab kulindi va qo'lini duog'a ochdi. – Bizni shunchalik siylab kelibsizlar, bu yaxshiligingizni bizdan qaytmasa, xudodan qaytsin. Olloh taolo yoshlarga taqabbul duo...”<sup>14</sup>*

O'zbek tilida kompliment ko'proq qizlarga nisbatan ishlatiladi qizlarning chiroyini ta'riflashda masalan: *“**Qalamda tortilgandek qoshlari, yonib turgan qop-qora xumor ko'zlar, sutday oppoq yuz, ingichka iyagidagi mitti xoli, angishvonadek og'zi**”<sup>15</sup>*

*- O'qishga kirishda kuchiga sal ishonmay turuvdi...*

*Xullas, fe'li sal og'irroq....*

*- Bu og'irlikni bizga qo'yib beravering. Ukangiz **chidamli yigit.** Hozircha shuning o'zi yetarli. Endi boring. Bu tuynukdan uchib chiqmoqchi bo'lgan qushchalarni hurkitmang<sup>16</sup>*

Ushbu misolda yigitga nisbatan chidamli sifati ishlatilgan, uning ichki axloqiy fazilatlariga qilingan iltifot.

*Shu kulimsirah bilan yana biroz borgandan keyin bu safar jiddiyroq qilib, dedi:*

*- Ahliyamiz ham **uchiga chiqqan chevar,** xudoga shukr. Ojizamiz ham do'ppi tikishga **“farang”** bo'lib chiqdi!<sup>17</sup>*

Bunda biz ayollarning qobiliyati yoki muayyan kasbni bildiruvchi komplimentni ko'rishimiz mumkin.

*- O'lmasxon, bormisiz? Durustroq aytsangizchi!*

*Saltining yana bir o'rtog'i – Qumri uning so'zini quvvatladi:*

*- Ha, rost, **shunday yaxshi ovozingiz bor ekan, sho'x-sho'x aytmaysizmi?** Keng dalaada qancha cho'zsangiz, shuncha ketadi varanglab....<sup>18</sup>*

Bu misolda qizning qobiliyati shunday yaxshi sifati bilan kompliment qo'llanilgan. Endigi keltiriladigan misolda qizning ichki fazilatlariga qarata ishlatilgan. Masalan:

<sup>12</sup> Qodiriy A. O'tgan kunlar. Yangi asr avlodi. - T.,2018. – B. 10.

<sup>13</sup> Tohir Malik. Alvado... bolalik. Sharq. –T., 2014. - B. 266.

<sup>14</sup> Qodiriy A. O'tgan kunlar. Yangi asr avlodi. - T.,2018. – B. 373.

<sup>15</sup> Hoshimov O'tkir. Ikki eshik orasi. Sharq. –T.,2013. – B. 95.

<sup>16</sup> Tohir Malik. Imtihon. – Toshkent, 2015. – B. 122.

<sup>17</sup> Cho'lpon. Kecha va Kunduz. Yangi asr avlodi. T., - 2014. - B. 14.

<sup>18</sup> Cho'lpon. Kecha va Kunduz. Yangi asr avlodi. T., - 2014. - B. 23.

Hilolaxon *oyog'ingiz yengil ekan faqat yutayapmiz qarang deb xushomad qilishdan charchamasdi. Atrofida shuncha ...*

Yuqorida keltirilgan misollardan shuni bilishimiz mumkinki insonning tashqi ko'rinishiga ishlatiladigan kompliment o'zbek kommunikativ madaniyatida juda keng qo'llaniladi. Biz o'rganish jarayonida O'zbek kommunikativ madaniyatida komplimentlardan foydalanish bir xil emasligini ko'rdik, buni keltirilgan jadvalga qarab bilishimiz mumkin.

2-jadval

| Kompliment turi                                                    | Umumiy foizdan |
|--------------------------------------------------------------------|----------------|
| Tashqi ko'rinishiga qaratilgan compliment                          | 22%            |
| 2 Yoshga qaratilgan kompliment                                     | 6%             |
| 3. Ichki, axloqiy fazilatlarga qaratilgan compliment               | 20%            |
| 4 Aqliy qobiliyatlarga qaratilgan kompliment                       | 12%            |
| 5 Tashqi ko'rinishning alohida elementlariga qaratilgan compliment | 4%             |
| 6. Qobiliyatni yoki muayyan kasbni baholovchi komplimentlar        | 15%            |
| 7 Liboslarni ifodalovchi komplimentlar                             | 10%            |
| 10 Xonadonga, uy sharoitiga nisbatan komplimentlar                 | 2%             |
| 11 Umumiy baholovchi komplimentlar                                 | 9%             |

Uyni ko'rib kelgan Olim do'stiga shunday dedi:

- Uy **naq qasrning o'zi-yaa**, mebellarni aytmaysanmi **yap-yapgi** Italiya mebellari<sup>19</sup>.

Quyida keltiriladigan misollarda esa insonning ichki fazilatlariga qobiliyatlariga, kasbiga qaratilgan komplimentlardir.

- Sen bularni boqmoqchimisan?
- Ha, **donolarning dono ayoli**.
- Assalomu alaykum, **katta savdogar!** – dedi u yarim hazil, yarimchin. – Karvoning omon –eson yetib keldimi, savdo- sotig'ing yaxshi bo'layapdimi? – Mo'min ochiq ko'ngillik bilan sotuvchining qo'llarini silkitdi, - Qancha suvlar oqib o'tdi ko'rishmaganimizdan beri. Xush ko'rdik!
- **Mo'min chaqqon** deb atalgan bu chol shunday **sodda, afandife'l** edi...
- **Ko'zi o'tkir-da**, bizning bolaning!

Shunday qilib, o'zbek tilida muloqot insonning ichki, axloqiy fazilatlariga bo'lgan komplimentlarga asoslanadi, ular barcha qayd etilgan komplimentning 22 foizini tashkil qiladi. Ulardan bir oz kam foizi bilan odamning tashqi ko'rinishi o'rin egallagan 20 foiz, va qobiliyatni

<sup>19</sup> Tohir Malik. Imtihon. Toshkent. – 2015. - B. 190.

yoki muayyan kasbni baholovchi komplimentlar 15% Kamdan-kam hollarda ziynatlarga qaratilgan 4%, xonadonga va uy sharoitiga qaratilgan komplimentlar 2% va 9% umumiy baholovchi komplimentlar joy egallagan.

### XULOSA

Xulosa qilib shuni, aytishimiz mumkinki ingliz va o'zbek kommunikativ madaniyati juda boy hisoblanib unda komplimentlar juda ko'p qo'llaniladi. Buni biz yuqorida keltirilgan misollarda ko'rishimiz mumkin. Ko'rinib turibdiki har bir madaniyat o'zining xilma-xilligi bilan ajralib turadi. Ingliz kommunikativ madaniyatida kompliment keng qo'llaniladi, ularning madaniyatida kompliment doimiy ishlatiladi. O'zbek kommunikativ madaniyatida esa kompliment kamroq uchraydi bunga bizning mentalitetimiz va dinimiz yo'l qo'ymaydi.

### *Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:*

1. Бобенко А.В. Комплимент как объект лингвистического исследования. Методы лингвистических исследований. – ХГПУ., 1997.
2. Леонтьев В.В. «Похвала», «лесть» и «комплимент» в структуре языковой личности: Дис... канд. филол. наук. - Волгоград, 1999. - М., 1982.
3. Bates H.E. How Vainly Men Themselves Amaze. Making It All Right. Modern English Short Stories. - Moscow, 1978.
4. Chingiz Aytmatov. Oq kema. Adabiyot uchqunlari. – T., 2018.
5. Cholpon. Kecha va Kunduz. Yangi asr avlodi. – T., 2014.
6. Christie A. The Nemean Lion. Making It All Right. Modern English Short Stories. - Progress Publishes., - M., 1978.
7. Holt V. Seven for a Secret. Fawcett CREST. - New York, 1992.
8. Mansfield K. The Tiredness of Rosabel. Selected Stories. - Moscow, 1959.
9. Maugham S. Flotsam and Jetsam. Stories. – Ленинград, 1976.
10. Maugham S. Theatre. Высшая школа. - М., 1985.
11. O'tkir Hoshimov. Ikki eshik orasi. Sharq. –T.,2013.
12. Qodiriy A. O'tgan kunlar. Yangi asr avlodi. - T.,2018.
13. Tohir Malik. Alvado... bolalik. Sharq. –T., 2014.
14. Tohir Malik. Imtihon. - Toshkent, 2015.
15. Wilde O. A Woman of No Importance. Plays. - Moscow, 1961.
16. Wilde O. An Ideal Husband. Plays. - Moscow, 1961.
17. Wilde O. Lady Windermere's Fan. Plays. - Moscow, 1961.
18. Wilde O. The Importance of Being Earnest. Plays. - Moscow, 1961.

## БЎЛАЖАК БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРНИ ИЖОДИЙ КАСБИЙ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ

Мисирова Нодири Товбаевна

ГулДУ катта ўқитувчи

Ўришова Хайринсо

ГулДУ талабаси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6653489>

**Аннотация.** Ушбу мақолада бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларнинг креатив компетентлиги даражасини аниқлаш мақсадида ўтказилган тажриба-синов ишлари ва уларнинг натижаси, педагогларнинг креативлик сифатларини муваффақиятли ривожлантириши йўллари ҳамда педагогларда креативлик сифатлари, малакаларини ривожлантиришига тўсқинлик қиладиган омиллар ҳақида ёритилган.

**Калим сўзлар:** бошланғич синф ўқитувчилари, креатив компетентлик, респондент, креатив фикрлаш, креатив фаолият, креатив маҳсулот, анкета сўрови, педагогик кузатув, суҳбат.

## ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ РАЗВИТИЯ ТВОРЧЕСКОЙ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ НАЧАЛЬНЫХ КЛАССОВ

**Аннотация.** В данной статье описаны проведенные эксперименты по определению уровня творческой компетентности будущих учителей начальных классов и их результаты, способы успешного развития творческих качеств учителей и факторы, препятствующие развитию творческих качеств и умений учителей.

**Ключевые слова:** учителя начальных классов, творческая компетентность, респондент, творческое мышление, творческая деятельность, творческий продукт, анкета, педагогическое наблюдение, интервью.

## PEDAGOGICAL BASES OF DEVELOPMENT OF CREATIVE PROFESSIONAL ACTIVITY OF FUTURE PRIMARY SCHOOL TEACHERS

**Abstract.** This article describes the experiments conducted to determine the level of creative competence of future primary school teachers and their results, ways to successfully develop the creative qualities of teachers and the factors that hinder the development of creative qualities and skills of teachers.

**Keywords:** primary school teachers, creative competence, respondent, creative thinking, creative activity, creative product, questionnaire, pedagogical observation, interview.

## КИРИШ

Ривожланишнинг инновацион йўлини танлаш, юқори технологияларни яратиш ва амалга ошириш, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида билим ва маълумотларнинг ўсиб бораётган ўрни юқори малакали мутахассисларга катта талаб қўймоқда. Бу таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясининг янги шакллари талаб қилади ва рақобатбардош мутахассислар тайёрлашга қодир бўлган янги авлод педагогларини шакллантиришни устувор йўналишлардан бири сифатида белгилайди.

Олий таълим муассасалари ва улардаги ўқув-тарбия жараёнини модернизациялаш, педагог мутахассислар тайёрлаш тизими сифатини ошириш, бўлажак

бошланғич синф ўқитувчиларни замонавий касбий компетенциялар билан куроллантириш, уларда касбий фаолиятга нисбатан акмеологик мотивацияни шакллантириш педагогларнинг креатив компетентлигини ривожлантириш жараёнидаги муҳим вазифалардан саналади.

### **ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ**

Гулистон давлат университетида олиб борилган тажриба-синов ишлари жараёнида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларнинг креатив компетентлиги даражаси ва бу ҳақидаги мавжуд тушунчаларини аниқлашга имкон берувчи анкета сўрови, педагогик кузатув ҳамда суҳбатлар ташкил этилди. Тажриба-синов ишларига Гулистон давлат университети Педагогика факултетининг Бошланғич таълим йўналиши 309 нафар 1-3-курс талабалари жалб этилди.

Ўтказилган тажриба-синов ишларида С.Медникнинг анкета сўрови ва Пол Торренсинг "Ижодкорлик қобилиятларини ўрганиш тести"дан фойдаланилди. Анкета сўровлари ва тест натижалари таҳлил қилинганда қуйидаги ҳолатлар аниқланди:

Сўралган респондентларнинг 20% юқори даражада креативликни намоён қилдилар. Улар мунтазам равишда турли ташаббусларни илгари сурадилар, креатив жиҳатдан ўта фаол, изланувчандирлар.

Респондентларнинг 34% эса ўрта даражада креативликни намоён этишди. Уларнинг креативлик қобилияти доимий намоён бўлмайди. Креатив компетентлигини ривожлантириш зарур. Паст даражада креативликка эга респондентлар эса 46%ни ташкил этди. Улар ташаббусни илгари суришга интилади, лекин креативлик қобилияти етарлича намоён бўлмайди.

Натижаларни таҳлил этиш асосида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларни креативлигини ижобий деб баҳолай олмаймиз. Чунки, педагогик кузатиш ва анкета сўровларимиздан маълум бўлдики, талабаларнинг 70-80% креатив компетентликка эга бўлиш имкониятига эга бўлгани ҳолда, атиги 20-34% талабаларгина креатив компетентлик сифатларини намоён эта олдилар.

### **ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ**

Юқоридагилар асосида таъкидлаш лозимки, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларда креатив компетентлик борасида етарли даражада билим, кўникма ва малака шаклланмаган, уларнинг креатив компетентлигини ривожлантиришга йўналтирилган педагогик жараён ўзига хос хусусиятларга эга.

Шу боис педагоглар олдида турган асосий вазифа-бу ёшларда креативлик, унинг ўзига хос сифатлари тўғрисида назарий билимларни бэриш, улар асосида талабаларнинг креатив компетентлигини ривожлантиришдан иборат. Мазкур вазифани ижобий ҳал этишда таълим жараёни, шу жумладан фанларни ўқитишда фаол таълим технологияларидан фойдаланиш, машғулотларни ноанъанавий шакл, метод ва воситалари ёрдамида қизиқарли ва мазмунли ташкил этиш кутилган самарани беради.

Шахсга хос креативлик сифатлари муайян босқичларда изчил ривожлантирилиб борилади. Шахснинг креативлик сифатларига эга бўлиши унинг индивидуал қобилиятлари, табиий ва ижтимоий қувватини ўз касбий фаолиятини сифатли, самарали ташкил этишга йўналтиради.



Шунга кўра, тадқиқотларда шахс (жумладан, педагоглар)да креативлик сифатларини муваффақиятли ривожлантиришнинг тўртта йўли кўрсатилган:

- Креатив фикрлаш кўникмасини шакллантириш;
- Амалий креатив ҳаракат кўникмаларини ривожлантириш;
- Креатив фаолият жараёнларни ташкил этиш;
- Креатив маҳсулот (ишланма)лардан фойдаланиш.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчилар ўзларининг креатив фикрлаш қобилиятларини қулай муҳитда тўла намоён қилишлари мумкин. Агар бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларда муваффақиясизликка учраш ва қўрқув ҳисси мавжуд бўлса ёки танқидга учрасалар бундай вазиятда уларда креатив фикрлаш кўникмаларини самарали шакллантириш ёки ривожлантириш мумкин бўлмайди. Бўлажак педагогларда креативликни одатга айлантириш орқалигина креатив фикрлаш кўникмасини муваффақиятли шакллантириш мумкин. Бу жараёнда улар томонидан мавзу мазмунининг пухта англаниши ва креатив фикрлаш кўникмаларини баҳолашда қўлланиладиган метод ва воситалар муҳим аҳамият касб этади.

### **МУҲОКАМА**

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларда креатив фикрлаш кўникмаларини шакллантиришда педагог алоҳида ўрин тутди. Бу жараёнда "педагогнинг роли" аудиторияда креативлик муҳитини яратишдан иборат. Ваҳоланки, педагог гуруҳда бўлажак бошланғич синф ўқитувчилар ўзини эркин сеза оладиган ва ўз фикрлари, ғоялари билан бўлиша оладиган муҳит яратиши лозим. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчилар инсон онгида юз бэраётган жараёнларни янада фаоллаштириш учун ўрнатилган қонун қоидалар, стандартлардан четга чиқиб, турли саволлар беришда эркин ҳаракат қилишлари керак. Педагог бўлажак бошланғич синф ўқитувчилардаги креативликни ноодатий ғояларни ўртага ташлаш ва уларни вербал ва невербал тарзда рағбатлантириш орқали қўллаб-қувватлайди.

Педагогнинг бўлажак бошланғич синф ўқитувчилар бераётган креатив ғояларига нисбатан тўғри муносабати уларнинг мумкин бўлган ва мумкин бўлмаган шартларни англашида муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур элементларнинг барчаси педагог-талаба муносабатининг муҳим қисми бўлиб, бўлажак бошланғич синф ўқитувчилар муваффақиятини таъминлайди. Креатив муҳитда таълим олаётган бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларда аста-секин креатив вазифаларни бажаришга нисбатан қизиқиш ортади, шунингдэк, креатив тафаккурга эга педагогни кузатиш натижасида креатив фикрлашга мойил бўлади. Креативлик характеридаги ўқув-билиш муҳити бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларда таълим жараёнида катта аҳамиятга эга бўлган танқидий ва креатив фикрлаш кўникмасининг ривожланишига олиб келади.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларнинг креатив тафаккурга эга бўлишлари уларда ижодий муҳитнинг қанчалик таркиб топтирилганлигига боғлиқ. Тўлақонли креативлик характерида эга таълим муҳитини яратиш пухта ўйланган режага таянади.

Педагоглар агарда ўзларининг креатив ўқитиш метод ва стратегияларини қўллаш (яъни кенг қўламда ўйлаш ва креатив фикрлаш жараёнини ташкил этиш)да катта самарадорликка эришишни истасалар, буни бўлажак бошланғич синф ўқитувчилар онгига

сингдиришлари ва ўз вазифаларини сидқидилдан бажаришлари лозим. Қолаверса, "креатив характерга эга муҳитдагина бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари ўрганаётган мавзунинг мазмуни, ўқув ахборотлар ўртасидаги ўзаро алоқани тушуниш имкониятига эга бўлади ва бу ҳақида фикрлашни бошлашади".

Муайян омиллар педагогларда креативлик сифатлари, малакаларини ривожлантиришга тўсқинлик қилади. Шу сабабли педагогик жараёнда педагоглар ушбу омилларни бартараф этишга эътибор қаратишлари лозим.

Креатив муҳитда педагог бўлажак бошланғич синф ўқитувчилар диққат-эътиборини жалб этиш мақсадида бирор бир янгиликдан фойдаланади. Қизиқувчанлик ва шубҳани уйғотувчи маълумот, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларни ўзига жалб этиб, уларда ўқишга бўлган интилишни кучайтиради.

Олий таълим муассасаларида ҳам педагоглар бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларда креатив фикрлаш кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантиришда уларнинг жамоа бўлиб, кичик ёки катта гуруҳларда ишлашлари учун зарур шарт-шароитни яратиб бера олишлари зарур. Зеро, бошланғич синфларда ишлаш жараёнида билдирилган ҳар қандай фикрни креатив жиҳатдан ривожлантириш имконияти юзага келади.

Педагог креативлик дарсларида жамоа туйғусининг аҳамиятини англаган ҳолда, доимий равишда гуруҳларни ўзгартириб, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларда жамоа бўлиб ишлаш, бошқалар қобилияти ва маҳоратини ҳурмат қилиш кўникмасини шакллантиради. Ваҳоланки, яқка тартибда ишлаш маълум вазиятларда самара берса, креативлик дарсларида кичик гуруҳларда ишлаш мақсадга мувофиқдир, чунки креативлик кўникмаси ижтимоий феномендир; А.Ж.Роунинг фикрига кўра, креатив қарашлар жамоа бўлиб ишлаш жараёнида ва креатив ҳамкорлик натижасида шаклланади.

### **ХУЛОСА**

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, олий таълим тизимига ижодий компетентли ёндашувнинг жорий этилиши таълим мақсади, мазмуни, ўқитиш шакли, ўқитиш усуллари, педагогик технологиялари, назорат усуллари ҳамда дидактик муносабатларида жиддий ўзгаришларни амалга оширишни талаб этади. Шунга кўра, олий таълим муассасаларида таълимни ташкил этишнинг мавжуд шакллари бўлган маъруза, амалий, семинар ва лаборатория машғулотларини мазмун жиҳатидан ўзгартириш назарда тутилади. Маъруза дарсларини муаммоли таълим шаклида, семинар дарсларни креатив тафаккурни ва амалий машғулотларда тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантиришга қаратилган бўлишлиги мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

### ***Фойдаланилган адабиётлар:***

1. Элмуратова Д., Мисирова Н Педагогик компетентлик ва кретивлик асослари / Ўқув кўланма. -Т.: Фан, 2021. - 135 б.
2. Мисирова Н Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини ижодий касбий фаолиятга тайёрлашнинг илмий-назарий асослари / Монография Т: "Илм-зиё-заковат"нашриёти, 2020. -124 б
3. Мисирова Н Бошланғич синфда ижодий фаолиятга тайёрлаш орқали ўқувчиларнинг иқтидорини орттириш/ журнал ТАЪЛИМ,ФАН ВА ИННОВАЦИЯ.Тошкент 2020.1-сон

4. Мисирова Н Талабаларнинг ижодий фикрлашини ташкил этиш /. – ТДПУ, 2016 – 120 бет.

## BO'LAJAK O'QITUVCHILARNING KOMMUNIKATIV KOMPETENTLIGINI TAKOMILLASHTIRISHNING PEDAGOIK ASOSLARI

**Ahmedov Akmaljon Yusufovich**

Farg'ona davlat universiteti Pedagogika kafedrası o'qituvchisi

**Egamberdiyev Oyatillox Alisher o'g'li**

Farg'ona davlat universiteti Pedagogika-psixologiya yo'nalishi talabasi

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6653657>

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada kommunikativ kompetentlik, bo'lajak o'qituvchilarning kasbiy kompetentligini rivojlantirish masalalari, muloqot qilishda uchta o'zaro bog'liq kommunikativ, interfaol va pertseptiv komponentlarning birligi o'qituvchining kasbiy kommunikativ kompetentligi, kommunikativ o'zini o'zi takomillashtirish, oliy pedagogika ta'limining o'quv mashg'ulotlari.

**Kalit so'zlar:** kommunikativ kompetentlik, bo'lajak o'qituvch, muloqot, oliy ta'lim.

## PEDAGOGICAL BASES OF IMPROVING COMMUNICATIVE COMPETENCE OF FUTURE TEACHERS

**Abstract.** In this article, the issues of communicative competence, the development of professional competence of future teachers, the unity of the three interrelated communicative, interactive and perceptual components in communication, the teacher's professional communicative competence, communicative self-improvement, higher pedagogy training sessions.

**Keywords:** communicative competence, future teacher, communication, higher education.

## ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ КОММУНИКАТИВНОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ БУДУЩИХ ПЕДАГОГОВ

**Аннотация.** В данной статье рассматриваются вопросы коммуникативной компетентности, развития профессиональной компетентности будущих педагогов, единства трех взаимосвязанных коммуникативных, интерактивных и перцептивных компонентов в общении, профессиональной коммуникативной компетентности педагога, коммуникативного самосовершенствования, учебных занятий по высшей педагогике.

**Ключевые слова:** коммуникативная компетентность, будущий учитель, общение, высшее образование.

## KIRISH

Hozirgi kunda bo'lajak o'qituvchilarning kasbiy kompetentligini rivojlantirish dolzarbmasalalardan biridir. Bu haqda Respublikamiz ta'lim muassasalarida bo'lajak pedagogning kommunikativ kompetentligi uning talabalar jamoasi, ota-onalar, hamkasblar u bilan muloqotga kirishishning samarali mexanizmlarini tatbiq etishning me'yoriy asoslari yaratilgan.

Bo'lajak o'qituvchining kasbiy kompetentligini shakllantirish pedagoglarni tayyorlashdagi murakkab muammolar qatorida o'ziga xos o'rin tutadi. Ayniqsa ta'limni modernizatsiyalash bilan bog'liq islohotlarning joriy bosqichida kasbiy pedagogik faoliyatga moslashish muammosi yanada yaqqol namoyon bo'lmoqda. Bo'lajak o'qituvchilarni amaliy, psixologik, metodik, tadqiqotchilik turlari bilan bir qatorda o'qituvchining kasbiy kompetentligini shakllantirish bilan boyib bormoqda. Kasbiy kompetentlik tashhisi kasbiy shakllanishning mohiyatli xarakteristikalariga diagnostik, kommunikativlik, boshqaruv va proektiv o'quvlar guruhlarini kiritish lozim. Pedagogning bilish faoliyati ko'p jihatdan o'rganilayotgan narsalarning murakkabligi, dinamikasi,

nostandartligi, ijtimoiy hodisalarni ajratib turadigan chegaralarning ta'siri, ularni izlash, noaniqlik bilan belgilanadi, bu esa kuzatuvchanlik, suhbatdoshning ichki dunyosini modellashtirish malakasini nazarda tutadi.

- modeling - designed to create a model of an object, process and event in order to study and research it;
- imitative tools - are designed to study any specific aspect of reality, its functional characteristics in a defined way with limited parameters;



-demonstration tools - designed for visual presentation of educational material, as well as for the visualization of the studied laws, the interaction of objects;

-games - designed to play (experience) learning situations, which are carried out in order to adopt the most optimal solution or strategy of actions;

- recreation tools - designed to develop students' attention, reaction, memory, etc. outside of the learning process [3].

### **DISCUSSION**

The process of implementing multimedia-oriented person-centered learning requires the development and optimal use of the most modern, multidisciplinary, subject-oriented multimedia teaching aids. They include an extensive database, a knowledge base in the field of education, artificial intelligence systems, expert-training systems, and laboratory practices with the ability to create mathematical models of the processes and events being studied. Multimedia is useful and productive because of its ability to take into account the individual characteristics of learners and help increase their interest (motivation), as well as the combination of different types of multimedia educational information, interactivity, flexibility. lim technology. Ensuring interactivity is an important achievement of digital multimedia compared to other means of presenting information. Interactivity is the provision of relevant information according to the needs of the learner. Interactivity allows you to manage the presentation of information to a certain extent: learners can individually change the settings set in the program, study the results, respond to the program request about a specific request of the user, set the speed of submission and number of repetitions possible. However, there are a number of important factors to consider when using multimedia [4]. Multimedia learning materials need to be easy to understand, up-to-date and accessible.

In order to fully explore the full potential of multimedia technologies and use them effectively, learners will need the support of a competent teacher. As with the use of textbooks, the use of multimedia is an educational strategy in which the teacher not only provides information in the learning process, but also enriches the content when assisting, supporting and managing the process. possible. Typically, presentations enriched with beautiful images or animations are more appealing than plain-looking texts, and they can provide the necessary level of emotion by complementing the material presented.

### **CONCLUSIONS**

Multimedia tools can be used in a combination of different educational directions (styles) and can be used by individuals with different mental and age characteristics of learning and knowledge acquisition: some learners directly o 'through winter, some like to learn and acquire knowledge by hearing and perceiving, while others (by watching videos). Interactive multimedia technologies provide extraordinary convenience for students with academic needs. In particular, it promotes the development of phonological and reading skills in students with hearing impairments, as well as their visual acquisition of information. In the case of speech and physical disabilities, it is possible to use the tools based on their individual needs. In short, at a time when science is advancing rapidly, the virtual education system has also found its place in our lives on a large scale. As we continue to contribute to the development of society in line with the times, we will at least justify the confidence of our President in our youth.

*References:*

1. Ishmuhamedov R., Abdukodirov A., Pardaev A. Innovative technologies in education / Practical recommendations. - T .: Talent Fund, 2008;
2. Saidakhmedov N. New pedagogical technologies (theory and practice) .- Tashkent: Financial Publishing House 2003;
3. Faberman BL, Musina RG, Jumaboyeva FA Modern methods of teaching in higher education institutions.T.:2003;
4. Yuldashev J.G. New pedagogical technologies: directions, problems, solutions. Journal of Public Education, 1999.

## O'ZBEK SHE'RIYATIDA BARMOQ SHE'R TIZIMINING TARAQQIYOTI

Abduraxmonov Asad

Termiz davlat universiteti magistranti

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6653839>

**Annotatsiya.** *Barmoq aruzgacha ham badiiy adabiyotimizda faoliyatda bo'lgan. Faqat u xalq og'zaki ijodidadagina ishlatilib kelingan. Shu sabab bilan barmoq bizning asl she'riy vaznimizdir deyish mumkin. A. Fitrat barmoq vaznini milliy vazn deb atarkan, shunday yozadi: "Milliy vaznimizda asos so'z bo'g'inlarining sanog'idir. Bir baytning birinchi misrasi necha bo'g'in bo'lsa, ikkinchi misrasi ham shuncha bo'g'in bo'ladi. Bo'g'inlarning cho'ziq, cho'ziq emasligiga ahamiyat berilmaydi". Bunday deylishiga sabab barmoq turkiy tillarning so'z va gap qurilish jihatlariga to'laonli mos tushadi..*

**Kalit so'zlar:** *barmoq vazni, vazn, qofya, ritm, ohang, pauza, turoq, xalq og'zaki ijodi.*

### THE DEVELOPMENT OF THE FINGER POETRY SYSTEM IN UZBEK POETRY

**Abstract.** *The finger has been active in our literature since ancient times. It has only been used in folklore. That is why the finger is our true poetic weight. Calling the weight of a finger the national weight, A. Fitrat writes: "In our national weight, the basis is the number of syllables. It doesn't matter if the joints are elongated or not. " The reason for this is that the finger is fully compatible with the word and sentence structure of the Turkic languages.*

**Keywords:** *finger weight, weight, rhyme, rhythm, melody, pause, standing, folklore*

### РАЗВИТИЕ ПАЛЬЧИКОВОЙ СИСТЕМЫ В УЗБЕКСКОЙ ПОЭЗИИ

**Аннотация.** *С тех пор палец активно присутствует в нашей художественной литературе. Он использовался только в фольклоре. Вот почему палец — наша истинная поэтическая гиря. Называя вес пальца народным весом, А. Фитрат пишет: «В нашем национальном весе основой является число слогов. Неважно, удлинены суставы или нет». Причина этого в том, что палец полностью совместим со структурой слов и предложений тюркских языков.*

**Ключевые слова:** *Вес пальцев, вес, рифма, ритм, тон, пауза, стояние, фольклор.*

### KIRISH

Ancha yillardan beri ijodkorlar barmoq vaznida ijod qilib kelishdi. Bugungi kunga kelib esa shoirning katta qismi barmoqda ijod qilmoqda. Barmoq haqida qilingan tadqiqotlarning eng oxirigilariga ham salkam qirq yil bo'ldi. Shundan buyon she'riyatimiz bir joyda turmadi, chunonchi, zamon tezlashdi, avval bir yilda bo'ladigan yangiliklar hozir bir oyda, bir haftada bo'lib ketmoqda. Shunday ekan bugun barmoqni yangilanish tamoyillarini o'rganish muhim ahamiyat kasb etmoqda. Qolaversa barmoq vaznining rivojlaish tadriji hali ishlab chiqilganicha yo'q. Barmoq vazni bo'yicha qilingan ishlar uning ayrim xususiyatini yoritadi, xolos. XX asr boshlaridan shu kunga qadar izohlangan batafsil ishlar yo'q. Shunday ekan barmoq vazni haqida, uning xususiyatlari, umumiy jihatlariga to'g'risida olib boriladigan ishlar, qilinadigan vazifalar talaygina. Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, barmoq vazni haqida qilinadigan ishlar ijodkorlarning oldida turgan muhim masala bo'lib qolmoqda. Kitob paydo bo'lgan vaqtda undagi ma'lumotlar dastlab lirik shaklda yozilgan bo'lib, kitob inson ma'naviyatini yuksaltirishga xizmat qilgan. Shu o'rinda yurtboshimizning quyidagi so'zlarini keltirish joiz deb bildim. "Kitobsiz taraqqiyotga, yuksak ma'naviyatga erishib bo'lmaydi. Kitob o'qimagan odamning ham, millatning ham kelajagi

yo'q " Lirik asarlar bor ekan har bir narsada bo'lganidek, she'riyatda ham o'lchovlar mavjud. Jumladan poeziyadagi o'lchovni vazn deya atashadi. O'zbek she'riyatida amalda qo'llangan ikkita vazn bo'lib, ular – aruz hamda barmoqdir. Aruz arablar bosqinidan to XX asrning 20 – yillarigacha turkiy she'riyatda yetakchilik qilgan. Hozirda esa bu o'rinda barmoq vazni turibdi.

### **TADQIQOT MATERIALLARI VA METODOLOGIYASI**

O'zbekiston Respublikasi prezidenti Sh.Mirziyoyevning kitobga va ma'naviyat -madaniy qadriyatlarga oid qarashlari hamda adabiyotni rivojlantirishga bo'lgan fikrlari ilmiy izlanishimizning uslubiy asosi bo'lib xizmat qildi. Shuningdek D.Quronov, N.Karimov, N.Ofoqova, H.Umurov, U.To'ychiyev, I. Sulton kabi adabiyotshunoslarning ilmiy – nazariy qarashlariga tayanib ish tutdik.

### **TADQIQOT NATIJALARI**

Magistrlik dissertatsiya ishimizning asosi bo'lmish barmoq vazni va u bilan bog'liq bo'lgan ilmiy qarashlarni atroflicha o'rganib chiqdik. Avvalo, bu vazn badiiy adabiyotimizga yangi kirib kelgan vazn emas, balki qadimdan og'zaki adabiyotda asrlar davomida yashab kelayotgan o'zbek she'riyatining milliy vazni hisoblanadi. Bu vaznning yangiligi faqat yozma adabiyotdagina ko'rinadi. Barmoq yozma adabiyotimizga roppa – rosa bir asr ilgari kirib kelgandi. Ungacha esa aruz vazni yetakchilik qilar edi. Ushbu vaznning yozma adabiyotda joriylashuvi jadid adabiyotchilari nomi bilan bog'liq. Xususan, Cho'lpon, Fitrat, A, Avloniyning qarashlari va yaratgan asarlaridan buni bilish mumkin. Barmoq folklor namunalarida faqat lirik shaklda bitilgan turlaridagina uchraydi. Lirik folklor namunalariga xalq dostonlari, termalar, xalq qo'shiqlari va h.k. O'zbek she'riyatidagi hammaga birdek manzur bo'lgan, barchaning ko'nglidan joy olgan va eng ko'p yozilgan she'rlar aynan mana shu vaznga to'g'ri keladi. Barmoqning ikki sodda va qo'shma turlarida bitilgan she'rlar o'qilishi bilan ham, ijrosi, tinglovchiga yetib borishi hamda unga ta'sir qilish darajalari ham turlicha. Ikki turda ham bir xususiyat bor, ya'ni bo'g'inlarning soni she'rning ohangdorligi va musiqiyiligiga ta'sir etadi. Qo'shma vaznda yaratilgan she'rlarda ko'proq jo'shqinlik bilinib turadi. Chunonchi, xalq qo'shiqlari va xalq dostonlarida ko'proq qo'shma vazndan foydalanilgan. Hozirda o'zbek she'riyatida barmoq bilan birga qo'llanilayotgan erkin va sarbast she'r turlari barmoq vaznidan o'sib chiqqan, asosi barmoqqa borib taqaladi. Ushbu vazn asrlar davomida o'lmay yashab kelganligi va zamonaviy o'zbek she'riyatida tezda joriylashuvi hamda unda yaratilgan ijod namunalarining keng ommaga tez yoyilishiga vaznning xalqchilligidadir.

### **MUHOKAMA**

Har qanday adabiyot xalq og'zaki ijodidan boshlangani kabi o'zbek adabiyoti ham bundan chetda qolmaydi. O'rta Osiyo hududida yashab kelgan turkiy xalqlar, shuning bilan birgalikda o'zbek xalqining ham og'zaki poetik ijodi uzoq tarixga borib taqaladi. Arab aruzi uzoq arab xalq she'riyati namunalari asosida shakllangani singari, o'zbek she'riyati ham xalqimizning eng qadimgi xalq og'zaki ijodi asosida yuzaga chiqqan. Bunga misol sifatida yirik tilshunos olim Mahmud Qoshg'ariyning "Devonu lug'atut turk" asaridagi " Qoshug' " deb atalgan she'riy parchalar, maqollar, topishmoqlarni ham misol sifatida keltirib o'tsak maqsadga muvofiq bo'ladi. Bundan tashqari Mahmud Qoshg'ariy xalq dostonlarining she'r tuzilishidagi xususiyatlarini ham keltirib o'tgan. Yozma va og'zaki yo'lda yetib kelgan manbalar ham shuni ko'rsatib turibdiki, barmoq vazni uzoq yillik tarixga ega. Mahmud Qoshg'ariyning "Devonu lug'atut turk" asaridan ham shuni bilib olishimiz mumkinki, qadimgi O'rta Osiyoda yashab kelgan

turkiy xalqlarning og'zaki ijodi boy tarixga ega ekanligini.Devonda keltirilishicha,O'rta Osiyoda yashagan,jumladan, Jig'il, Sirdaryo bo'yida yashagan Qarluq va Toshkent atrofida yashagan boshqa turkiy xalqlar tomonidan qoldirilgan turli xil she'riy parchalarni misol sifatida keltirib o'tishimiz mumkin.U davrda yaratilgan she'rlarning leksik xususiyati hozirgi o'zbek tili bilan bevosita aloqador ekanligiga guvoh bo'lishimiz mumkin.Xulosa qilib aytadigan bo'lsak,otabobolarimiz tomonidan yaratilgan ushbu she'riy parchalar barmoq vaznining naqadar darajada uzoq o'tmishga ega ekanliga ishonch hosil qilishimiz mumkin.Devonda keltirilgan parchalarda barmoq vaznining besh,olti,yeti,sakkiz,o'n,o'n bir,o'n uch kabi turkumlarini uchratamiz.Devonda o'n bir va o'n uch kabi turkumlarni kam uchratamiz.Bundan shuni xulosa qilsak bo'ladiki,avval,kichik turkumlar va vaznlar,barmoq vaznining taraqqiyoti davomida esa yirik hajmli turkumlar va ular tarkibiga kirgan vaznlar yuzaga kelgan. Fitratning " Mirrix yulduziga " she'ri esa 1922-yilda nashr etilgan " O'zbek yosh shoirlari " to'plamidan joy olgan bo'lsada, Naim Karimovning izlanishlari natijalariga ko'ra ushbu she'rni 1920-yilda yozilgan deyishadi. Demak, har ikkala she'r ham bir yilda yaratilgan. Naim Karimov fikricha, " Go'zal yulduzga " she'ri Fitratning " Mirrix yulduziga " she'rining ta'sirida yozilgan bo'lishi kerak. Cho'lponning: " O'shanda biz, yosh o'zbek yozuvchilarning hammasi Fitrat ta'sirida edik " degan e'tirofi bu mulohazani qisman dalillaydi.

#### **XYJOCA**

Barmoq vazni Fitrat va Cho'lpon she'riyati misolida yana ham rang-barang toblanishlarda namoyon bo'ladi. Avvalo aytish kerakki, Cho'lpon barmoqning 11 hijoli vaznidan keng foydalangan. Tadqiqotlar shuni ko'rsatadiki, 11 hijolik barmoq vazni o'zbek she'riyatida eng ko'p tarqalgan vazn. Demak, 11 hijoli barmoq vazni ustuvorlasha boshlagan 20-yillardan o'zbek she'riyatining keyingi taraqqiyoti mobaynida ham ko'p qo'llaniladigan vazn bo'lib kelmoqda. Bizningcha, bu faqat mazkur vaznning o'ynoqiligi, qulayligi, ravonligi bilan emas, balki turkiy folklordagi ildizlari bilan bog'liq. Cho'lpon ijodida erkin va sarbastda yozilgan she'rlar alohida tizimni tashkil etadi. Uning "Kuz guliga", "Sendan yiroqda", "Paranji", "Kuz yomg'iri", "Vahm", "Bezgak qo'ynida", "Ulug' yo'lda", "Bu kunning shoiri" kabi she'rlarida ham barmoq va sarbast aralash holda qo'llanilgan. Shoir aruz va barmoqda ifodalay olmagan tuyg'ularini erkin va sarbastda ifoda etib, o'ziga xos mahorat ko'rsatdi.

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, shu davrga kelib jadid se'riyatida ,ayniqsa, barmoq vazni birmuncha oldinga siljidi.Bu davrda jadid shoirlari ijodidabarmoq vazni alohida mavqe egalladi. Bunga misol sifatida yuqorida sanab o'tilgan Abdurauf Fitrat,Hamza Hakimzoda Niyoziy,Abdulhamid Cho'lpon,Botu,Abdulla Avloniy kabi tolmas ijodkorlarning ijod mahsullarini yaqqol dalil sifatida keltirsak yanglishmagan bo'lamiz.Shunday qilib, jadid she'riyati barmoq vazni tarixida alohida davr sifatida esda qoldi.Va bu orqali biz kelajak avlodga salmoqli she'riy meros qolishida alohida ahamiyat kasb etdi.

Aynan shu davrga kelib barmoq vaznida yozilgan she'rlar salmog'i anchaginani tashkil etdi.Yuqorida keltirib o'tilgan ma'lumotlarga tayanib shuni aytishimiz mumkinki,bu davrda jadid ijodkorlarining mashaqqatli mehnati samarasi natijasida ko'pgina ijod namunalari o'zbek kitobxonlari qo'lga borib tushdi.Bu asarlarning ko'pchiligining bosh g'oyasi, albatta,xalqning ma'naviyatini yuksaltirish,odamlarning dunyoqarashini o'stirish,ona vatanga nisbatan muhabbat,xalq farovonligi kabi g'oyalar ilgari surilgan.Jadid istilohining ma'nosi adabiyotshunoslikdan ma'lumki,"Yangi"degan ma'noni bildiradi.Demak jadidchilarimiz xalqning

ma'naviyatini yuksaltirishning asosiy manbasi sifatida adabiyotni ko'rishgan. Ularning fikricha odamlar diniy ta'lim bilan bir vaqtda, dunyoviy ta'limni ham yuqori planga chiqardi. Shuning uchun jadidlar o'zbekistonlik yuzlab yoshlarni chet elga, shu jumladan, Germaniya, Turkiya kabi mamlakatlarga o'zlarining hisobidan o'qishga yubordi.

*Foydalanilgan adabiyotlar:*

1. Mirziyoyev Sh "Buyuk kelajagimizni mard va oliyjanob xalqimiz bilan birga quramiz" Toshkent. O'zbekiston NMIU – 2017.
2. N. Afoqova "Jadid she'riyati poetikasi" Toshkent. "Fan" – 2005.
3. D. Qur'onov "Adabiyotshunoslikka kirish" Toshkent. 2003.
4. H. Umurov "Adabiyot nazariyasi" Toshkent. "Sharq" – 2002.
5. A. Cho'lpon "Buloqlar quchog'ida" Cho'lpon nomidagi nashriyot- matbaa ijodiy uyi. Toshkent-2007
6. A. Cho'lpon "Saylanma. 1-jild." Toshkent. G'afur G'ulom nomidagi adabiyot va san'at nashriyoti -1922
7. A. Cho'lpon "Buloqlar" O'zbekiston davlat nashriyoti. Toshkent – 1924
8. E. Vohidov "Saylanma. 2-jild. She'r dunyosi." Sharq. Toshkent – 2001
9. O. Madayev, T. Sobitova "Xalq og'zaki poetik ijodi" Toshkent. "Sharq" – 2010.



## "QISSASI AR-RABG'UZIY" ASARIDA TARJIMA SHE'RLAR.

**Annayev Davlat Ismatovich**

Termiz davlat universiteti Adabiyotshunoslik: o'zbek adabiyoti  
yo'nalishi 2-bosqich magistranti

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6653884>

**Annotatsiya.** Qissasi ar-Rabg'uziy" asaridagi ba'zi arabcha she'rlarning turkiy tarjimasi va she'rlarning badiiy sa'nati.

**Kalit so'zlar:** badiiy san'at, payg'ambar, qofiya tizmi, bayt, shiru-shakar.

### TRANSLATED POEMS IN "KISSASI AR-RABGUZIY".

**Abstract.** Turkish translation of some Arabic poems in Qissasi ar-Rabguzi and art of poetry.

**Keywords:** art, prophecy, rhyme, system, byte, candy.

### ПЕРЕВОДНЫЕ СТИХИ В "КИССАСИ АР-РАБГУЗИЙ".

**Аннотация.** Турецкий перевод некоторых арабских стихов в Кисаси ар-Рабгузи и искусство поэзии.

**Ключевые слова:** искусство, пророчество, рифма, система, байт, конфета.

## KIRISH

"Qissasi ar-Rabg'uziy"ning ayrim sahifalarida arabcha she'rlarning turkiy tarjimalari beriladi. Bu ko'p emas, lekin oz bo'lsa-da ma'lum miqdorda o'zbek tarjima adabiyoti tarixini o'rganishda qo'l kelishi mumkin hodisadir. Ushbu tarjima parchalardagi badiiy san'atlarni tahlil etishga urinib ko'rdik. Shunday she'rlardan biri "Ibrohim alayhis-salom qissasi" tarkibida keladi, lekin she'rda badiiy tasvir vositalari yo'q hisobda. Shunday she'rlardan ikkinchisi "Yusuf alayhis-salom qissasi"da mavjud, unda badiiy san'at vositalari ancha topiladi:

Elingiz chin to'lin oytek qinayur qirg'u qaroq,

Yuzunguz kundin yoruqroq ko'rkunguz kun yo qamar (1–116).

Baytdagi tashbih bir nechta o'rinda ko'zda tashlanadi, hatto bayt boshdan oxir tashbihlidir. Keyingi baytda istiora, mubolag'a kabi badiiy san'atlar qo'llanadi:

La'lin ochsa yinjulardin to'plunur turluk latif,

Ul erinning totig'inda qayda etsun bol-shakar (1–116).

La'l va inju (yinu) istiora, boisi ulardan murod yor labidir, ikkinchi misrada erin (lab) bol (asal)ga hamda shakarga mengzalmoqda.

Ko'rkunga munlug' bo'lubon ko'rkini men kusayur,

O'rtanur bag'rim yoqildi yoshginam yultek oqar (1–116).

Mazmuni:

Chiroyga munglik (ma'yus) bo'lib, chiroyingni sog'inib,

O'rtanib bag'rim yondi, ko'z yoshlarim buloqday oqadi

## TADQIQOT MATERIALLARI VA METODOLOGIYASI

Demak, yuqoridagi baytda mubolag'a mavjud, masalan, ko'z yoshi buloq suviga o'xshatilmoqda, bir qarashda bu tashbihga o'xshab ketsa-da, aslida mubolag'a ustuvor holatda sezilmoqda.

Yuqorida bir o'rinda eslatganimiz olti bayt tarjimasi xususida edi, u baytlarda ayrim badiiy san'atlar uchraydi.

To'lun oyni ko'rsang tug'ar qo'miyur,  
Arig' hurni ko'rdi ulash o'ynayur (2–130).

Mazmuni:

To'lin oyni ko'rsang quvnaysan,  
Pok hurni ko'rsa o'ynaydi, sevinadi,  
She'ring qolgan baytlarida tasvir kuchayib boradi:  
Hamul oyni ko'rgan yag'iz yer uza,  
Ayoqin yurirda ko'ngul bulg'ayur (2–131).

Mazmuni:

Qora yer uzr oy sochganda nurin,  
Soqiy may quyib ko'ngil chog'lanur.  
Baytdan baytga o'tgan sari ifoda to'laqonli bo'la boshlaydi:  
Adiz ko'kda oyni yaratti izi,  
Bu kun ko'rsa oyg'a kelib tunayur (2–131).

Mazmuni:

Yuksak osmonda oyni yaratgan Xudo (izi)  
Quyoshni ko'rsa, oyga zulmat cho'kadi.  
Shu tariqa tarjima she'rlardagi badiiy san'atlar o'zini ko'z-ko'z qila boshlaydi.  
Nihoyat avvalgi boblarda gapirganimiz turkiy sarlavhali she'rda ichki ruhiy holat tasviriga  
guvoh bo'lamiz:

#### **TADDIQOT NATIJALARI**

Boshqa bir she'r choriyorlardan Umar ibn al-Xattob roziyallohu anhu tilidan aytiladi.  
She'rda Muhammad (s.a.v.) tarafida turgan va endilikda Payg'ambarimizning eng yaqin  
sahobasiga aylangan, musulmon dini dushmanlariga ayovsiz zarba bergan, Umar ibn al-Xattob  
so'zlari ifodasini topgan. She'rdagi misralar Umarning dushmanlarga aytgan otashin nutqidek  
yoki jang oldidan lashkarboshi aytgan na'radek jaranglaydi:

Ne bo'ldi ko'rarman sizlarni uru,  
To'ng'uztek yig'ilib ashbahda qoni (2–127).

Mazmuni:

Nima bo'ldi sizlarni o'g'ridek ko'raman,  
To'ng'izdek yaloqda qon yig'ilib.  
She'rdagi qolgan misralarda ham dushmanni sarosimaga soladigan da'vatlar aytiladi.  
Qilich birla qirg'am qamug'ni bu kun,  
Tirik qo'ymag'am bir ini-og'ani (2–127).

Mazmuni:

Barchangni bugun qilichdan o'tkazaman,  
Birorta og'a-inini tirik qoldirmayman.

#### **MUHOKAMA**

Umar dushmanga nisbatan butun qahrini to'kib, ularga vahima solmoqda, ularni  
parokandalikka keltirmoqda. U Muhammad (s.a.v.) tomonida turib, dinimiz dushmanlariga  
omonlik bermaypati.

Boshimiz yo'q erdi Muhammadni Haq.  
Ato qildi mundog' arig' er qani!

Mazmuni:

Boshimiz, ya'ni boshlig'imiz yo'q edi,

Haq-Xudo bizga shunday asil, pok, sof kishini ato qildi.

Umarning aytganlari, shiorlari. da'vatlari, olib borgan kurashi, g'animlarga zarbasi barcha, barchasi Muhammad (s.a.v)ning dinimiz yo'lidagi sa'y-harakatlarini qo'llab-quvvatlash uchun qilingan ekan. Umarning din yo'lida amalga oshirgan ishlari o'z ishiga sadoqat, muhabbat va Muhammad (s.a.v.)ga sidqi dildan itoat ramzidir.

Tarjima she'rlarda qofiya masalasiga alohida e'tibor qaratiladi, basharti tahlilga jalb etilgan she'rlarga takror nazar tashlasak bunga yaqqol guvoh bo'lamiz. Biz badiiy san'at unsurlari ishlatilmagani bois tahlilini chetlab o'tganimiz ilk tarjima to'rtlikni misol keltiramiz:

Tengrimu bo'lur boshing'a tilku siysa bir sog'in,

Ko'zlari ko'rmas qorong'u ham tili aning og'in (1-61).

Qofiya so'zlari sog'in-og'in ko'p jihatdan she'riyat qoidalariga muvofiq kelishi yaqqol anglashilib turibdi. Yoki bo'lmasa, ikki tilda, ya'ni bir bayt arabcha va bir bayt turkiyda yozilgan she'r qofiyalarini ko'rib o'taylik. O'n to'rt baytli bu she'rning yetti bayti arabiy tilida, she'rning yetti bayti turkiy tilida bo'lib, avval bir bayt arabiy, so'ngra bir bayt turkiy keltiriladi. Birinchi, ya'ni boshlanma arabiy baytning turkiy tarjimasi izma-iz va yonma-yon birin-ketin berib boriladi. Bu she'r ayni zamonda shiru shakar, ya'ni Mulamma' (ikki tilli) she'rning yuksak namunasi sifatida ham ahamiyatlidir. She'rning qofiyasi, asosan, arabiy baytning qofiyasi yo'nalishida hal etiladi. She'rning ikkinchi baytlariga diqqat qiling:

Talat al-axdon va dahran fa-l-habibu qad jafa,

Abduhu lam yagat bil-kufran yavman bal shakar.

Mazmuni:

La'lin ochsa yinjudardin to'klunur turluk latif,

Ul erining totig'inda qayda etsun bol shakar (1-116).

She'rning qofiya tizimi: qamar-shakar-ohar-esar-bosar-kesar tarzidadir. Endi arabcha baytlarning qofiya tizimiga e'tibor bering: qamar-shakar-amar-aqtar-asar-basar-kasar, mabodo bu qofiyalar solishtirib ko'rilsa ko'p narsa ayon bo'ladi. Shu xildagi tag'in bir she'rda oldin oltita arabiy bayt Yusufga qarab aytilgan Misr a'yonlari xotinlari tilidan keltiriladi. She'rdagi baytlarning arabisida sarlavhalar turkiydadir: "Eng ilki tishu aytdi" – "Eng avvalgi ayol aytdi" yoki yana: "Ikkinchi tishu aydi" – "Ikkinchi ayol aytdi" (tish- deb qadimgi turkiyda ayol tushunilgan). Turkiy baytlarning sarlavhasi turkiydadir: "Avvalgi bayt tarjimasi" yoki yana "Ikkinchi bayt tarjimasi" tarzida keladi. Baytlarning qofiya tizimi: qo'miyur-o'ynayur-bulg'ayur-tunayur-qaynayur-sanayur-sinayur, tarzidadir. Choriyorlardan Umar ibn al-Xattob roziyallohu anhu tilidan aytilgan she'rning qofiya tizimi: qoni-og'ani- qani tarzida. She'r uch baytli bo'lib. Uning faqat juft misralari o'zaro qofiyalanib, qolgan toq misralar ochiq qoladi.

### XULOSA

"Qissasi ar-Rabg'uziy" tarkibida sakkiz o'rinda arabiy she'rlar bilan ularning turkiy tarjimasi yonma-yon keltiriladi. Shu kabi asarning o'n ikki joyida arabiy she'r matnlari mutlaqo tarjimasiz beriladi. Bu holat o'sha davr kitobxonining saviyasidan kelib chiqib qilingan, sababi Rabg'uziy davri kitobxoni uchun arabiy matnlar unchalik qiyinchilik tug'dirmas edi. Shuningdek, asarda yetti o'rinda "Bayt" sarlavhasi bilan, ikki o'rinda "G'azal" sarlavhasi bilan, "She'r" sarlavhasi bilan o'n o'rinda, bir o'rinda "Na't" sarlavhasi, yana bir o'rinda "Bahoriyot" sarlavhasi

bilan she'rlar beriladi. Bundan tashqari asarning o'n to'rt o'rnida sarlavhasiz, ya'ni sarlavhasi yo'q she'rlar keltiriladi.

*Adabiyotlar:*

1. Boltaboev Hamidulla. Rabg'uziy qissalari adabiy-tarixiy manba sifatida // Rabg'uziy, Nosiruddin Burhonuddin. Qissasi Rabg'uziy (Matn). – Toshkent: Yoshlar nashriyoti uyi, 2018. –B. 3–4.
2. Karimov Sh., Shamsutdinov R. Vatan tarixi. K.I. –Toshkent: O'qituvchi, 1997.– 528 b. (Qarang: Rabg'uziy. )
3. Nasimxon Rahmonov. O'zbek adabiyoti tarixi (Eng qadimgi davrlardan XV asrning birinchi yarmigacha). O'quv qo'llanma. – Toshkent: "Sano-standart" nashriyoti, 2017. –556 bet.
4. Rabg'uziy, Nosiruddin Burhonuddin. "Qisasi ar-Rabg'uziy". K. I. – Toshkent: Yozuvchi, 1990. – 240 b.
5. Rabg'uziy, Nosiruddin Burhonuddin. "Qisasi ar-Rabg'uziy". K.2. – Toshkent: Yozuvchi, 1991. – 272 b.

## XURSHID DAVRON SHE'RIYATIDA TARIXIYLIK VA ZAMONAVIYLIKKA YO'G'RILGAN VATAN TIMSOLI

**Qurbonov Muzaffar**

TerDU Adabiyotshunoslik yo'nalishi 2-bosqich magistranti

**Husanova Fazilat**

TerDU Xorijiy tillar filologiyasi 4-bosqich talabasi

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6653931>

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada Xurshid Davron she'riyatida qo'llangan yurtga bo'lgan badiiy qiyoslar Shoirning vatan va she'r haqidagi qarashlari tahlilga tortilgan. Maqolada she'riy obrazlardan tashqari tush motivlarini ham uchratasiz.

**Kalit so'zlar:** badiiy qiyoslar, vatan va she'r haqidagi qarashlar, tush motivlari, she'riy obrazlar, ona yurt, erk, ozodlik.

### THE SYMBOL OF HOMELAND IN KHURSHID DAVRON'S POETRY WITH THE FEATURES OF HISTORY AND MODERNITY

**Abstract.** This article analyzes the poet's views on the homeland and poetry in comparison with the country used in Khurshid Davron's poetry. In addition to poetic images, you will find dream motifs in the article.

**Keywords:** artistic comparisons, views on homeland and poetry, dream motifs, poetic images, motherland, freedom, liberty.

### СИМВОЛ РОДИНЫ В ПОЭЗИИ ХУРШИД ДАВРОНА С ПРИЗНАКАМИ ИСТОРИИ И СОВРЕМЕННОСТИ

**Аннотация.** В данной статье анализируются взгляды поэта на родину и поэзию в сравнении со страной, используемой в поэзии Хуришида Даврона. Помимо поэтических образов, в статье вы найдете мотивы сна.

**Ключевые слова:** художественные сопоставления, взгляды на родину и поэзию, мотивы сна, поэтические образы, родина, свобода, вольность.

## KIRISH

Xurshid Davronning she'rlari, qissalari uning yurt tarixini yurakdan his qilishini namoyon etadi. U vatanimizning o'tmishi, bugungi kunini odamlar to'g'ri tasavvur etishi, har bir kishi yurti ravnaqi uchun chin dildan fidoyi bo'lishini istaydi. Shoir Vatan to'g'risidagi she'rlarida chinakamiga dilini ochadi, o'zini o'ylantirgan muammolarni insonning asl qiyofasini ko'rsatadigan ma'naviyat bilan bog'laydi. Shoirning ijodi xuddi shu jihati bilan e'tiborni tortadi. Xurshid Davron Vatan haqidagi she'rlarida o'zining og'riqli kechinmalarini ifodalaydi. Ular hayotga keng miqyosdan qarab, "Vatan", "millat" tushunchasini teran his qiladigan ziyoli insonning o'ylari bo'lib ko'rinadi.

## TADQIQOT MATERIALLARI VA METADOLOGIYASI

Vatan mavzusi ijtimoiy-siyosiy xarakterda bo'lib, bu xususda so'z yuritganda davrning mafkurasi e'tiborga olinadi. Ijodkor Vatan haqida mulohaza bildirayotganida o'z zamonasi siyosatidan kelib chiqadi. Abdulla Oripov, Erkin Vohidovning Vatan haqidagi she'rlari Xurshid Davron, Usmon Azim, Sirojiddin Sayyidning shu mavzudagi she'rlaridan ancha farq qiladi. Xurshid Davron she'rlari markazida Vatan turadi. Uning boshqa mavzudagi she'rlarida ham ona yurt, uning tarixi to'g'risida so'z ketadi. Adabiyotning avvali bilan tutash bu mavzu ijodkordan

katta mas'uliyat talab qiladi. Unga yuzaki yondashib bo'lmaydi. Xurshid Davron she'rlarida "Vatanim, seni sevaman. Yurtim, sen uchun jonimni fido qilaman" demaydi. U boshqa ijodkorlarning vatan to'g'risida aytgan fikrini o'zgartirib takrorlamaydi.

### TADQIQOT NATIJALARI

She'r shoirning barcha hislarini oshkor qiladi. Chunki chinakam shoir she'rda qalbini to'la-to'kis ochadi. U boshqa paytda kayfiyat, kechinmalarini pardalab, yashira oladi. Ammo she'r bitayotganida u bunday qilolmaydi. Shu bois Xurshid Davron:

*"Sen qo'rquvni qanchalik yashir,  
She'r qiladi baribir oshkor. /  
Qo'rqoq bo'lsang, qo'rqoq bo'lar she'r, /  
Mardman, deb jar solmog'ing bekor. /  
Ona yurtini kuylamoq uchun /  
Xuddi she'rga bergandek yurak /  
Uni yurtga bermoq uchun ham /  
Doim tayyor turmog'ing kerak"*

— deydi. (Davron X. Bahordan bir kun oldin/She'rlar, rivoyatlar, tarjimalar. — Toshkent: Sharq, 1997.-B.18.)

Xurshid Davronning mustaqillikka erishilmasdan avval yozgan she'rlarining aksariyatida erk va ozodlik to'g'risida so'z yuritiladi. Shoir Vatani ozod bo'lishini istayotganini izhor etadi. Uning bu mavzudagi she'rlari ma'no-mazmuni, g'oyasi jihatidan O'zbekiston mustaqilligini orzu qilgan shoirlarning she'rlariga to'la uyg'un keladi. Usmon Azim: *"Ona, Vatan – ulug' dard, / Ona, Vatan bog' bo'lsin. / She'rda suratin chizsam / To'rt muchasi sog' bo'lsin"*, — degan bo'lsa, Xurshid Davron: *"Hurlik – faqat inqilob emas, / Hurlik – Vatan! / Vatan – hurlikdir. / Vatanisiz har qanday ozodlik / Dilni xo'rlar, / Qullik – zorlikdir!"*, — deb aytadi.

Hamid Olimjon, G'afur G'ulom, Oybek, Maqsud Shayxzoda, Mirtemir kabi shoirlar ham Vatan mavzusida, xalq ozodligi, inson erki to'g'risida o'z davri mafkurasi imkon bergan darajada mulohaza yuritgan. Shuning uchun ular ayni she'rlarida o'zbek xalqi taqdirini rus xalqi bilan bog'lashgan. 80-yillarda ham ahvol o'zgarmadi. Xurshid Davron va uning tengdoshlari o'sha paytda O'zbekiston mustaqil bo'lishi shartligi, o'zbek xalqi dunyodagi boshqa ozod xalqlar singari erkinlikka erishishi zaruratini ochiq-oshkor aytolmagan. Bu gaplar pardalab, obrazlarga o'rab aytilgan.

### MUHOKAMA

Xurshid Davron erk, ozodlik haqida so'z aytish uchun tarixni vositaga aylantirgan. Uning turli mavzudagi she'rlarida, albatta, tarix tilga olinadi. Aytish mumkinki, tarixiy voqealikka e'tibor qaratish Xurshid Davron ijodiga xos asosiy xususiyat sanaladi. Adabiyotshunos Ibrohim G'afurov bu xususda fikr bildirar ekan: "Klod Lorren suvratlarini ko'rganman. Ularda qasrlarning vayronalari juda qadim zamonlardan qissalar aytayotganday... Xurshid Davronning she'rlarini o'qiganda Klod Lorren suvratlari yodga tushadi. O'xshashlik bor ular o'rtasida. Bu she'rlarda tarix dam hayqiradi, dam uzoq sukutga ketadi. Xurshid Davronga san'at, kitoblar, tarix, qadim adabiyot ko'proq ilhom beradi. Uning she'rlarida davrimizning ziyoli kishisi obrazi ancha boy kechinmalari bilan gavdalanadi" — deb ta'kidlaydi. (Davron X. Bahordan bir kun oldin. — Toshkent: Sharq, 1997. — B.3.)



Xurshid Davronning boshqa mavzudagi she'rlarida ham tarixga shunday hurmat, ishonch bilan qaraladi. U o'tmishga nazar solarkan, undan o'ziga kerakli quvvat oladi. Tarixni tilga olganda, voqealarni birma-bir sanab, yashab o'tgan mashhur siymolar nomi, jasorati, xizmatini o'quvchiga eslatib o'tirmaydi. Tarixiy mavzudagi aksariyat asarlarida ulug' shaxslarning nomi tilga olinib, o'tmishdagi voqealarga turli ishoralar qilinadi. Abdulla Oripovning "O'zbekiston – Vatanim manim", Erkin Vohidovning "O'zbekim" she'rlari bunga misol bo'la oladi. Qasida janridagi ushbu she'rlarda xalqimiz tarixining turli davrlariga o'ziga xos sayohat qilinadi. Tarixda nom qoldirgan shaxslarning faoliyati ta'kidlanadi. Juda mashhur mazkur she'rlar negizida xalqimiz tarixidan g'ururlanish, ajdodlardan faxrlanish hamda shunday xalqning mustamlaka ekanidan iztirobga tushish hissi turadi. She'r asosida maqtanish, madhiya tursa, uning ta'sir kuchi tezda so'nadi. Turli bayram, tantanali tadbirlar munosabati bilan madhiya xarakteridagi she'rlar ko'p bitiladi. Zarurat, buyurtma bilan yozilgan bunday she'rlar sal vaqt o'tgach, eskirib, yaroqsiz bo'lib qolgan matohday chiqitga chiqadi. Agar she'r negizida shoirning iztirobi tursa, u qaysi mavzuda bo'lishidan qat'i-nazar, zamonlar o'tsa-da, ta'sir kuchini saqlab qoladi. Asosida ijodkor iztirobi turgan asar, qaysi janrda bo'lmasin, hamisha yangi bo'lib qolaveradi, hech qachon kishilarni befarq qoldirmaydi. Qadimiy xalq qo'shiqlari, kuylari, adabiyot tarixi, san'at tarixi shundan dalolat beradi.

"Samarqandda oydin tun" she'rida: *"Arvohlarning bezovta tushi –/ Chinorlarni silkitgan shamol"* /, — deyiladi. Ushbu metaforada shoirning hissiyot, kechinmalari ifodalanadi. Ayni chog'da unda so'zlarning kundalik muloqotda sezilmaydigan jihatlari ko'rinadi. Ushbu satrdagi so'zlar alohida holda ta'sirchanlik kasb etmaydi. She'rda ular odatdagi so'zlashuvda ko'rinmaydigan qirralarini namoyon qilib, turfa hissiyot, kechinmalar uyg'otadi. Shoir ushbu she'rini: *"Mudroq nigoh bilan boqaman, / Moziy yodi meni qilar mast. / Go'yo daryo aro oqaman –/ Manzilimni hech kimsa bilmas..."* / deb tugatadi. U tarixga bo'lakcha mehr bilan qarashini, o'tmish bilan bog'liq narsa-hodisalar uni ohanrabo kabi o'ziga tortishini shu tarzda ta'kidlaydi. Tevarak-atrofdan ro'y berayotgan adolatsizlik, nohaqlik, boylar, amaldorlarning beboshligi kishilar ko'nglidan olijanoblik, ertangi kunga ishonch hislarini sitib chiqaradi. Bunday paytda barchaning qalb qandili hasad, alam, iztirob illatlaridan xira tortadi. Odamlar faqat o'tmishga qarab tasalli olmoqchi bo'ladi.

#### XULOSA

Xurshid Davron she'rlarini o'qir ekansiz vatanni his qilish va uning tarixiylik tamoyili asosida kishilarda o'zgacha tuyg'ular uyg'otadi. Akasriyat vatan she'rlarida vanni sevish yoki uni qadrlash borasida gap ketsa Xurshid Davron bundan boshqacharoq tarzda uni tarixiylik va xotiralarga yo'llaydi. Vatan she'rlarini o'zgacha uslubda tush yoki sog'inch motivlari asosida ham bera oladi. Shoir she'rlarida mantiqiylik va kishilarni o'yga toldiradigan she'rlarni ko'ramiz

#### *Foydalanilgan adabiyotlar:*

1. kh-davron.uz Xurshid Davron kutubxonasi veb sayti.
2. Davron X. Bahordan bir kun oldin. – Toshkent: Sharq, 1997. – B.3
3. Davron X. Bahordan bir kun oldin. – Toshkent: Sharq, 1997. – B.18

## XAMSANAVISLIKDA “FARHOD VA SHIRIN” DOSTONIDAGI YOSHLAR OBRAZINING TADRIJIY TARIXI VA DOSTONLARDAGI POZITSIYASI

**Shomurodova Maftuna Ubaydulloyevna**

Termiz davlat universiteti o'zbek filologiyasi fakulteti  
adabiyotshunoslik: o'zbek adabiyoti ta'lim yo'nalishi 2-kurs magistranti

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6654043>

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada xamsanavislikdagi “Farhod va Shirin” dostonining yaratilish tarixi, qahramonlari tarixi, va ularning dostonlardagi pozitsiyasini o'rganish jihatdan tahlilga tortilgan.

**Kalit so'zlar:** doston, obraz, Farhod, Shirin, xalq og'zaki ijodi, tarix,

### ЭВОЛЮЦИОННАЯ ИСТОРИЯ ОБРАЗА ЮНОШИ В ЭПОСЕ “ФАРХОД И ШИРИН” У ГАМСАНАВИ И ЕГО ПОЛОЖЕНИЕ В ЭПОСЕ

**Аннотация.** В данной статье анализируется история создания эпоса “Фарход и Ширин” в Гамсанависе, история героев и их положение в былинах.

**Ключевые слова:** поэма, образ, Фархад, Ширин, фольклор, молодость, история.

### THE EVOLUTIONARY HISTORY OF THE IMAGE OF YOUTH IN THE EPIC “FARHOD AND SHIRIN” IN HAMSANAVIS AND ITS POSITION IN THE EPICS

**Abstract.** This article analyzes the history of the creation of the epic “Farhod and Shirin” in hamsanavis, the history of the heroes and their position in the epics.

**Key words:** epic, image, Farhod, Shirin, folklore, history

## KIRISH

Ma'lumki, Sharq xalaqlari badiiy ijodida mushtarak bo'lgan ayrim sayyor sujetlar, ayni vaqtda qardosh xalqlar adabiyotining namunalarida ham mazmunan bir-biriga yaqin tarzda talqin etiladi. Adabiyotshunoslar tomonidan Nizomiy, Xusrav Dehlaviy va Alisher Navoiy dostonlarini qiyosiy o'rganishlari natijasida shu narsa ma'lum bo'lganki, har bir doston shaklan o'ziga xos tuzilishga ega, g'oyaviy-badiiy jihatdan turli yo'nalishda. Navoiy o'z oldiga qo'ygan maqsadiga mos, uning ijodiy, ruhiy, psixologik, didaktik qarashlarining mohiyatiga muvofiq qahramonlarini shakillantirgan. Shu tufayli asarning qahramonlar olaminini tadqiq qilish, ularning xarakterlaridagi umumiylik, farq qiluvchi jihatlarni aniqlash, ayrim epizod va qahramonlarning genetik ildizlarini izlash muhimdir. Shuning uchun biz ishimizni eng avvallo Navoiyning “Farhod va Shirin” dostonidagi yoshlar obrazining badiiy evolutsiyasi tarixiga nazar tashlashdan boshladik.

## TADQIQOT MATERIALLARI VA METODOLOGIYASI

Tadqiqot jarayonida ilmiy bilishning obyektiv usulidan foydalanildi. Mazkur tadqiqotda Navoiyning “Farhod va Shirin” dostonidagi yoshlar obrazining tarixiy, tadrijiy evolutsiyasining qiyosiy tahlili berildi. Sharq adabiyotida Alisher Navoiygacha yaratilgan “Xusrav va Shirin”, “Farhodnoma” kabi nomlar bilan yuritilgan asarlar mavjud bo'lgan. Xususan, Farhod haqida hikoya qiluvchi eng qadimgi rivoyatlar, qissalar, shuningdek, Sharq adabiyoti tarixida to'ng'ich xamsanavis sifatida tanilgan ulug' azarbayjon shoiri Nizomiy Ganjasviy (1141-1209)ning “Xusrav va Shirin”, Orif Ardabiliy (XIV)ning “Farhodnoma”, Xusrav Dehlaviyning (1253-1322)ning “Shirin va Xusrav” dostonlari asosida obrazlar talqin qilindi.

## TADQIQOT NATIJALARI VA MUHOKAMA

Ulug' zotlar asarlari hamisha inson tarbiyasida katta ahamiyat kasb etib kelgani azaldan ayon. Bobokalonimiz Alisher Navoiy ham ana shunday buyuk ijodkorlar safidan mustahkam o'rin olgan. Uning asarlari insonparvarlik, do'stlik, xalqlar do'stligi g'oyalari bilan sug'orilgan bo'lib, ularda haqiqiy sevgi, adolat kabi eng oliy insoniy xislatlar o'zining ifodasini topgan.

“Navoiy “Xamsa”siga kirgan dostonlarning syujetlari Yaqin Sharqning yozuv poeziyasiga kirmasdan oldin turli xalqlarning folklorida yuritilgan chiroyli ertak, afsona, rivoyarlardan iborat edilar” [5.23]

Xisrav- Farhod- Shirin syujeti o'zining yaratilgan muhiti jihatidan Eron va Ota Osiyoga yaqinroq edi. Sosoniylardan 22-hukmdor bo'lgan Xusrav Parvez(VI-VII asrlar) haqidagi afsonalar shubhasiz yozuv adabiyotiga kirmasdan ancha ilgari xalq orasida kuylangan edi. Xisravning ishqiy mojarosini birinchi o'laroq yozuv adabiyotida ishlagan Firdavsiy “Shohnoma”ning IV jildida “Dostoni Xisrav Parvez va Shirin” faslini kiritgan. Maqsud Shayxzoda o'zining “Navoiy ijodidab folklor motivlari” ishida shunday yozadi:

Kunun dostoni ko'han nav kunam,  
Suxanhoyi Shirinu Xisav kunam

(endi eski dostonni yangilayman, Shirin va Xisrav so'zlarini so'zlayman). Firdavsiyning iqrorida ko'rinadiki. Bu syujet bundan ancha ilgari xalq orasida yashagan.[5.24]

Fitrat ham shu jihatga e'tibor qaratib: Doston quyidagi so'zlar bilan “Endi eski dostonni yangilatai, Shirin bilan Xusravdin so'zlar so'zlay, ul to'g'ri kishilarning so'z va ishlaridan iborat bo'lg'an bu qadim doston eskirgandir” [1.107] - deydi. Mazkur boshlanish shuni ko'rsatadiki, doston Firdavsiygacha ayrim mustaqil dostonlar shaklida anchadan buyon mavjud bo'lgan. “Shohnoma”dagi doston bo'yicha, Xusrav ovga chiqqan vaqtida Shirinni uchratadi, uni saroyga keltirib haramiga oladi. Shirin Maryamni zaharlab o'ldiradi. Xusrav “Toqi Vois”ni bunyod etadi. Oxirida Xisravning Maryamdan bo'lgan o'g'li Sheruya otasini o'ldiradi, shohlikni egallaydi. Shiringa uylanmoqchi bo'lganida, Shirin Xisravning qabriga kirib o'zini zaharlaydi. Firdavsiyning “Shohnomasida” Farhod ismi tilga olinmaydi. Bizlar tadqiqqa tortmoqchi bo'lgan yoshlardan bir Shopur ham asarning boshqa qismlarida tilga olingan bo'lsada, aynan shu qismida gapirilmaydi.

Farhod qissasi Sharq adabiyotida keng tomir otgan va ko'pchilik adabiyotlarga kirib borgan. Buning asosiy sabablaridan biri Farhod qissasida hamisha insonning eng zaruriy ehtiyojlari bilan bog'liq masalalarning aks etishida, Farhod obrazida esa mehnatkash xalqqa xos bo'lgan juda ko'p fazilatlarining mujassamlashganligidadir. Afsonalardagi yoshlar obrazlari ichida Farhod isoniy muhabbat, mehnat va ijodga ilhomlantirgan faol inson sifatida alohida ajralib turadi. O'rta asr Sharq adabiyotida “Xamsa”chilik an'anasining paydo bo'lishi Farhod obrazining kelajagini belgilab, uni umriboqiy qahramonlar qatoriga olib chiqdi. Yaratuvchi, kurashchi qahramonlar badiiy asarlarda ko'pincha Farhodga o'xshatilar, ularga Farhoddek salobat, kuch-g'ayrat orzu qilinardi. Nizomiy tomonidan “Xisrav va Shirin” dostoning yaratilishi bilan xalq tilida mavjud afsonalarning eng yaxshi an'alarini o'zida jamlagan Farhod obrazi liro-epik asarlarning qahramoniga aylandi. Dostondagi Farhod obrazi mehnatkash xalq ichidan yetishib chiqqan kishining umumlashma obrazi yaratilishi jihatdan o'z davrida faqat ozarbayjon adabiyotidagina emas, balki o'rta asr sharq adabiyotida muhim hodisa bo'ldi. Badiiy asarlarda toshtarosh va me'mor sifatida mashhur bo'lib kelgan ushbu Farhod obrazining yaratilishiga qadimgi Farhod kultining prototiplik vazifasini o'taganligini S. Erkinov o'z tadqiqotida keltiradi. Olimning “Navoiy “Farhod va Shirin”i va uning qiyosiy tahlili” nomli risolasida Farhod bilan birgalikda

Shirin obrazi tarixi haqida ham birqancha fikrlarni keltirib o'tadi. Jumladan, "Avesto" kitobida suv mabudasi Ardivisura – tilga olinadi. U qaddi-qomati kelishgan, sohibjamol bir ayol qiyofasida tasvirlanadi. Hamma vaqt suv seroblighi, mo'l-ko'lhilik tarafdori Shirin obrazi dastlab ana shu Ardivisura haqidagi afsonalardan bahramand bo'lgan degan taxmini ilgari surgan. S.Erkinovning ta'kidicha Trever, Gibbon kabi olimlar "Avesto"da suv ma'nosiga ega bo'lgan Sura, Sira so'zlarida Shirin so'ziga yaqinlik ko'rgan edi deydi. Bu fikrni tasdiqlovchi talaygina dalillar mavjud, xususan, Xusrav Parvezning xotini Shirinning nomi ham qadimgi tarix asarlarida faqat Shirin tarzida emas, balki Sira shaklida ham uchraydi. Shirin nomini shir-sut ma'nosiga ega deb bildirilgan fikrlar ham mavjud. Badiiy asarlarda Shirinning yoshlikdan yangi sog'ib olingan sutni yaxshi ko'rishi, shu sababli sut arig'i qazdirganligi to'g'risidagi hikoyalardan Shirin so'zida shir-sut ma'nosining mavjudligini taxmin qilish mumkin.

Sharq adabiyotiga oid birmuncha tadqiqot ishlarida Shirinning tarixiy shaxs ekanligi, bu go'zal va iffatli ayol to'g'risidagi hikoyalar keyinchalik butun bir dostonga aylanib ketganligi aytiladi. Tarixda mashhur bo'lgan Shirin VI asr oxiri, VII asr boshlarida yashagan. Shirin to'g'risidagi dastlabki ma'lumot ham ayni shu davrda yashagan Vizantiya tarixchisi Feofilaktning tarix kitobida uchraydi [2.23]. S.Erkinov: "Suriya anonym solnomasi" asarida Shirin arameyanka deb ko'rsatiladi. Mazkur asarda xusrav Parvez haqida so'z ochilib, uning xiristian diniga mansub ikki xotini – "Arameyanka – Shirin va romeayanka - Mariyam", bor edi", - debgan fikrni qayd qiladi. Shirinning tug'ilgan joyi to'g'risidagi ma'lumotlarda ham ana shunday qarama-qarshiliklar mavjud: Azarbayjonda tug'ilgan yoki Arman yerlarida voyaga yetgan; S.Erkinov o'z kitobida "G'. Begdeli Nizomiy Shirinni turk go'zali sifatida tasvirlagan, deb yozgan edi" [2.24], - degan fakti keltiradi. O'rta Osiyoda yaratilgan qadimgi afsonalarda Shirin Xorazmshohning qizi sifatida tilga olinadi. Shunday qilib Shirin haqida yaratilgan afsonalar ham ko'p variantli bo'lib, ularning aksariyatida Shirin va Xusrav munosabatlari markaziy o'ringa ega bo'lsa, ikkinchi bir guruhda Farhodning Shiringa bo'lgan o'tli muhabbati haqida hikoya qilingan.

Farhod hikoyatining "Xusrav va Shirin"ga kelib qo'shilgan davri ilmiy adabiyotlarda X asr deb ko'rsatiladi. Shunday qilib, adabiyotda toshtarosh va me'mor sifatida talqin etilgan Farhod, suv mabudasi deya tilga olingan Shirin obrazlari o'zining mifologik prototipiga xos sifatlarni saqlab qolgan. Shirin juda ko'p sarguzasht qissalarda bo'lgani kabi faqat sevgi va vafo ramzigina emas, u bunyodkorlik homiysihamdir. Shirin ko'pgina asarlarda insoniylikni kishilarning fe'l-atvori, kurash va intilishlari, mehnatga bo'lgan munosabatlariga qarab baholovchi sifatida taniladi.

Farhod qissalarida muhabbat mavzusining mehnat mavzusi bilan bir butun holda ifodalanishi asarning asosiy yo'nalishini tashkil etadi.

Navoiyning butun "Xamsa"sidagi izlanishlari "Farhod va Shirin"da yaqqol ko'zga tashlanib turadi [3.30]. Navoiy Farhodni har tomonlama barkamol inson sifatida ishlashga alohida diqqat bilan qaragan. Navoiy Farhodning romantik sevgi sarguzashtini hikoya qilish jarayonida o'z qahramonidagi hunar va iste'dod egasiga xos yangi qirralarni jonli mehnat jarayonida gavdalantirish bilan qissaga keng ma'noda epiklik baxsh etdi. Navoiy an'anaviy Farhod qissasini qalamga olar ekan, uning doirasida yangi mavzu kashf etdi. Masalan, dostonda markaziy qahramonlarning ko'p qirrali faoliyatini epik planda ko'rsatilishi bilan faol bunyodkorlikni, el ko'rki, yurt bezagi sifatida tasvirlagan. Jamiyat hayoti uchun ofat bo'ladigan istilochilikka qarshi norozilikdan iborat yangi konfliktning paydo bo'lishi, ayni vaqtda har bir xalqning mustaqillik

g'oyasini badiiy ifodalaanishi Navoiyning insonparvarlikdagi yangi belgilarning ifodasi sifatida diqqatni tortadi.

Navoiy yaratgan Xusrav obrazi Nizomiy va Xusrav Dehlaviy dostonlarinig bosh qahramonlariga tomoman qarama-qarshi bo'lib, u ikkinchi darajali personaj, salbiy tip darajasiga tushurib qo'yilgan. Bu bilan Navoiy o'zigacha bo'lgan adabiyotda uzoq asr davomida yashab kelgan mavzu va qahramon uchun islomgacha bo'lgan manbalarga murojaat etishdan iborat an'ananing chegarasini yorib o'tdi, uni rad etdi. Farhodni markaziy qahramon darajasiga ko'tardi. Chin shahzodasi, ayni vaqtda mehnatkash xalqqa xos juda ko'p fazilatlarni o'zida jamlagan Farhod obrazini yaratar ekan, o'z xalqining uzoq tarixi bilan bog'langan, orzularini ifodalagan qahramon timsolini gavdalandirishni o'z oldiga maqsad qilib qo'ydi. Ideal qahramonlarni kuylash orqali mamlakat mustaqilligining samaralari: qurilishlar, suv inshootlari barpo etish va boshqa hayotiy muammolarga diqqatni tortdi. Shoir buning uchun vayronagarchilik keltiruvchi urushlarga qarshi kurashish g'oyasini ham alohda masala qilib qo'ydi.

### **XULOSA**

Ushbu qisqacha tadqiqotdan shu ayon bo'ladiki, buyuk mutafakkir mir Alisher Navoiyning "Farhod va Shirin" dostoniga qadar qahramonlari turli evolutsiyani bosib o'tganligiga guvoh bo'lamiz. Dostonlarida biz, avvalo, inson sharaf-g'ururini, erk-huquqini, yuksak insoniy fazilatlarni yetuk badiiyat bilan ulug'lagan, zulm va zo'ravonlikni inkor etib, sevgi va sadoqatga madh o'qigan buyuk insonparvar daho ijodkor Navoiyni ko'ramiz. Dostonlarda zolim hukmdorlarni qoralab, odil va orif shoh g'oyasini olg'a surayotgan, urush-qirg'inlarni qoralab, do'stlik-hamkorlikni targ'ib etayotgan, mamlakat obodligi va el va ulus farovonligi uchun qayg'uruvchi yirik davlat arbobi, mutafakkir Navoiy bilan o'z ona tilining obro'-e'tiborini himoya qilib uning keng imkoniyatlarini amalda isbot etishga kirishgan otashin vatanparvar Navoiy bilan uchrashamiz. Uning g'oyalari, nafaqat, o'z davri uchun, balki, hozirgi jamiyatimiz uchun ham suv va havodek zarur ekanligiga guvoh bo'lib turibmiz.

### ***Adabiyotlar ro'yxati:***

1. Abdurauf Fitrat. Tanlangan asarlar. 2-jild. Ma'naviyat, 2000-yil, 208-bet
2. S. Erkinov. Navoiy "Farhod va Shirin"i va uning qiyosiy tahlili. "Fan", T., 1971-y. 276-bet
3. T. Jalolov, Go'zallik olamida.. G'afur G'ulom nomidagi Adabiyot va san'at nashriyoti Toshkent, 1979-y, 328-bet
4. Alisher Navoiy. Farhod va Shirin. G'afur G'ulom nomidagi Adabiyot va san'at nashriyoti, 1989-y., 590-bet.
5. Maqsud Shayxzoda. Mukammal asarlar to'plami. 6 tom, 4-tom. G'afur G'ulom nomidagi Adabiyot va san'at nashriyoti, 1972-y., 372-bet.
6. [www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com) kutubxonasi



## TILIMIZGA KIRIB KELGAN NEOLOGIZMLAR VA ULARNING TAHLILI

Qo'ziboyeva Go'zal Saidrasul qizi

Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat O'zbek tili va Adabiyoti universiteti talabasi

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6654075>

**Anotatsiya.** Ushbu maqolada bugungi kunda tilimizga kirib kelgan va so'zlashuvda faol ishlatilayotgan neologizmlar va ularning tasnifiga qaratilgan mulohazalar, ularning o'zbekcha muqobiliga almashtirish masalalari atroflicha o'rganilgan. Maqolada tilimizga kirib kelgan neologizmlarning ma'nosi tahlili berilgan. Bu neologizmlar asosan ingliz tilidan kirib kelayotgani va bu neologizmlarning turlari keltirilgan.

**Kalit so'zlar:** telefon, teletayp, telefaks, kompyuter, bank, subsidiya, kredit, mobil ilova.

### NEOLOGISMS THAT HAVE ENTERED OUR LANGUAGE AND THEIR ANALYSIS

**Abstract.** This article examines in detail the neologisms that have entered our language today and are actively used in speech, as well as comments on their classification, their replacement by the Uzbek alternative. The article analyzes the meaning of neologisms that have entered our language. It is stated that these neologisms come mainly from the English language, and the types of these neologisms are given.

**Keywords:** telephone, teletype, telefax, computer, bank, subsidy, credit, mobile application.

### НЕОЛОГИЗМЫ, ВОШЕДШИЕ В НАШ ЯЗЫК, И ИХ АНАЛИЗ

**Аннотация.** В данной статье подробно рассматриваются неологизмы, вошедшие сегодня в наш язык и активно употребляемые в речи, а также комментарии по их классификации, замена их узбекской альтернативой. В статье анализируется значение неологизмов, вошедших в наш язык. Утверждается, что данные неологизмы произошли в основном из английского языка, и приводятся виды этих неологизмов.

**Ключевые слова:** телефон, телетайп, телефакс, компьютер, банк, субсидия, кредит, мобильное приложение.

## KIRISH

Tarbiya jarayonini amalga oshirishda ijtimoiy tarbiya alohida ahamiyat kasb etadi. Chunki tarbiya jarayoni ijtimoiy xarakterga ega bo'ladi. Ijtimoiy tarbiya bolada ijtimoiy ahamiyatga ega bo'lgan fazilatlarini rivojlantirish jarayonidir. Ijtimoiy tarbiya Tarbiya ishlarning aniq maqsad asosida amalga oshiriladigan oila tarbiyasi, mahalla tarbiyasi, [maktab tarbiyasi](#), o'rta maxsus kasb-hunar ta'limida amalga oshiriladigan tarbiya, oliy ta'lim tarbiyasini qamrab oladigan jarayonlardir. Ijtimoiy tarbiyaning vazifasi ham jismonan baquvvat, ma'naviy yetuk, mustaqil fikrlaydigan, ishlash va yashash qobiliyatiga ega bo'lgan, zamonaviy fan-texnika va texnologiya yutuqlarini o'zlashtiradigan, ma'lum kasb-hunarni egallagan barkamol avlodni shakllantirishdan iborat. Ijtimoiy tarbiya orqali shaxsning ijtimoiylashuvi yuzaga keladi. U ijtimoiy munosabatlarga kirishish usullarini o'rganadi. Shaxsga kasb-hunar o'rgatish, kishining ma'naviy va g'oyaviy qiyofasini shakllantirishga qaratilgan xatti-harakatlar jarayoni ijtimoiy tarbiyadir. Ijtimoiy tarbiya o'quvchilar ongini muayyan jamiyatning maqsad va vazifalariga muvofiq ravishda tarkib toptirish

va rivojlantirish jarayoni hamdir. Ijtimoiy tarbiya jarayonida inson va jamiyat hayotiga [oid axloqiy tushunchalar](#), qonun-qoidalar bolalar ongiga singdirib boriladi. Kishilarning ijtimoiy-iqtisodiy va madaniy hayotda faol ishtirok etishiga qaratilgan barcha ta'sirlar ijtimoiy tarbiya jarayonida amalga oshiriladi. Shuning uchun ijtimoiy tarbiya umuminsoniy xarakterga ega bo'ladi va bunda shaxs xohlagan soha bo'yicha ta'lim-tarbiya ko'rib, istagan kasbni egallashi mumkin. Dunyo tabiiyashunosligi ijtimoiy tarbiyaning mohiyatini asoslab berdi.

Tarbiyaviy ishlar tizimi jamiyat taraqqiyotining turli davrlarida turlicha mohiyatga ega bo'lib, har xil izohlandi. Shuning uchun ham turli sinf va ijtimoiy tabaqalarning tarbiyasi o'zgacha bo'ladi va bir-biriga qarama-qarshi turadi degan qarash hukmronlik qilgan. Tarbiya jarayonida tarbiyaning sinfiy xarakterga ega emasligi isbotlanadi. Chunki chindan ham bunyodkorlik va vayronkorlikning mohiyati har qanday ijtimoiy sinf vakili uchun ham bir xildadir. Ijtimoiy tarbiya maxsus muassasalar tamonidan amalga oshiriladigan pedagogik jarayondir. Xalqning o'zi yaratgan tarbiyachilik san'atiga va boy merosiga asoslanishi ijobiy ahamiyatni kasb etadi. Tarbiya jarayonida ijtimoiy tarbiya bilan birgalikda oila tarbiyasining uzviyligi va ustivorligi muhim hisoblanadi.

Farzandlarimizning kelajakda komil inson bo'lib yetishishlarida oila va jamiyatda yaxshi tarbiya olishning o'rni beqiyosdir. Ota-ona, ustoz-murabbiylar, rahbar va yoshi kattalar qancha madaniyatli, odobli bo'lsa, shu jamiyat va muhitda o'sayotgan shaxslar ham shunchalik odobli bo'lib yetishadi. Bunday sermas'uliyat ijtimoiy ishni amalga oshirish, ya'ni yoshlarimizning odobli, xushxulqli, vijdoni pok kishilar bo'lib yetishishlari uchun o'z xulq-atvorimiz bilan ularga yaxshi ibrat va namuna bo'lishimiz bugungi kunning dolzarb masalasi hisoblanadi.

**Rag'batlantirish metodlari** – o'quvchilarning harakatlarini ijobiy baholashni ko'zda tutadi. Rag'batlantirish quvonch, qoniqish, qanoatlanish kechinmalarini paydo qiladi, tetiklik va g'ayrat bag'ishlaydi, o'z kuchiga ishonchni mustahkamlaydi, ijobiy xatti-harakatlarni rag'batlantiradi, o'z faoliyati va xulqiga mas'uliyatini oshiradi. Rag'batlantirish metodlari xilma-xil bo'lib, ular tarkibiga ma'qullash, ko'ngil ko'tarish, dalda berish, ishonch bildirish, qayd qilish, og'zaki va yozma tashakkur bildirish, mukofatlash va boshqalar kiradi.

Rag'batlantirish pedagogik talablarni hisobga olgan holda qo'llanilishi lozim. Har qanday rag'batlantirish o'quvchining jamoa oldidagi chinakkam xizmatlariga muvofiq bo'lishi lozim. Rag'batlantirish vaqtida o'quvchining alohida xususiyatlarini, jamoada tutgan o'rnini hisobga olish va u ketma-ket bo'lmasligi kerak. Haddan oshirib maqtash jamoaga nisbatan taqqoslash talabchanlikni bo'shashtirib yuborish, bular o'quvchida man-manlik, xudbinlik sifatlarining yuzaga kelishiga sabab bo'ladi. Rag'batni tashkil etishda o'quvchining muvaffaqiyati bilan birga uning jamoadagi o'rni, axloqiy qiyofasi, shuningdek, mehnatga, jamoa topshiriqlariga, jamoaning o'ziga munosabati borasidagi jamoa fikrini inobatga olish ham talab etiladi.

**Jazo berish metodlari** – bu o'quvchilarning xatti-harakati va faoliyatiga salbiy baho berishdir. Jazo berish axloq me'yorlariga qarama-qarshi faoliyat va xatti-harakatlarni muhokama etishni ifodalaydi. Jazo berish noma'qul xatti-harakatlarning oldini olish, axloqni tuzatishi, jamoa oldida uyaliishi, o'zini gunohkor deb bilish hissini uyg'otishi mumkin. Jamoa tomonidan yoki uni qo'llab-quvvatlashi asosida jazo berish metodlari ham hilma-xil bo'lib, ular jumlasiga tanbeh berish, koyish, uyaltirish, qizartirish xatti-harakatlarni jamoa o'rtasida muhokama qilish, muayyan faoliyatidan chetlatish va boshqalar kiradi.

## XULOSA



Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, ta'lim va tarbiya birgalikda tashkil etilsagina haqiqiy ma'naviyatga erishib bo'ladi, ya'ni yoshlar ma'naviy kamolotida tarbiyaning, tarbiya fanining o'rni va ro'li beqiyosdir. Ushbu fanning alohida fan sifatida joriy qilinishi yoshlarni ma'naviy, axloqiy tarbiyalashda yangi sahifa ochib berdi.

*Foydalanilgan adabiyotlar:*

- 1.Mirziyoyev. Sh.M: “ Erkin va farovon,demokratik O'zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz” .- T.:O'zbekiston-2017,
- 2.Mirziyoyev SH.M: “Erkin va farovon,demokratik O'zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz”-T:O'zbekiston-2017,
- 3.Mirziyoyev Sh.M: ”Ta'lim sohasidagi muammolar,ularni hal etish va ta'lim sifatini oshirishga bag'ishlangan videoselektor mavzusida”30.10.2020.
4. Haydarov.M: “Xalq og'zaki ijodi na'munalarida tarbiya masalalari”.-T.: Fan, 2004..
- 5.To'rayev.S: “Folklorshunoslik: udumlar, qadriyatlar, marosimlar”.-T.: Mehnat, 2005
- 6.Madayev.O. ”O'zbek xalq og'zaki ijodi ”.-T.:Mumtoz so'z,2010
- 7.Madayev.O,Sobitova.T: ”Xalq og'zaki poetik ijodi ”.-T.:Sharq,2010
- 8.Zamonov Z va boshqalar.”Tarbiya” o'qituvchi uchun metodik qo'llanma.-T.:Zamin nashr,2020

## PAST DARAJADA O'ZLASHTIRUVCHI O'QUVCHILAR KOGNITIV EXTIYOJLARINI SHAKLLANTIRISHNING PSIXOLOGIK OMILLARI

**Muminjonova Feruzaxon Xabibullo qizi**

Andijon davlat universitetining Pedagogika instituti 1bosqich magistranti

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6654972>

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada past darajadagi o'zlashtiruvchi o'quvchilar kognitiv extiyojlarini shakllantirishning psixologik omillari tahlil qilingan.

**Kalit so'zlar:** o'quvchilar, past darajada o'zlashtirish, kognitiv ehtiyoj, shakllantirish, psixologiya.

## ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ФАКТОРЫ ФОРМИРОВАНИЯ ПОЗНАВАТЕЛЬНЫХ ПОТРЕБНОСТЕЙ СЛАБОУСПЕВАЮЩИХ ШКОЛЬНИКОВ

**Аннотация.** В данной статье анализируются психологические факторы, формирующие познавательные потребности слабоуспевающих учащихся.

**Ключевые слова:** студенты, низкая успеваемость, познавательная потребность, формирование, психология.

## PSYCHOLOGICAL FACTORS IN SHAPING THE COGNITIVE NEEDS OF LOW-ACHIEVING STUDENTS

**Abstract.** This article analyzes the psychological factors shaping the cognitive needs of low-achieving students.

**Keywords:** students, low mastery, cognitive need, formation, psychology.

### KIRISH

Zamonaviy ta'limning eng muhim unsurlari qadimdan shakllanib kelgan. Ta'lim maqsadi, mazmuni, shakl, uslub va vositalari ta'lim jarayonlari mazmunini tahlil qilish uchun qo'llaniladigan an'anaviy kategoriyalar bo'lib hisoblanadi. Aynan shu kategoriyalar ma'lum predmet, mutaxassislik yoki ixtisoslik bo'yicha o'quv-tarbiyaviy jarayonni tashkil qiluvchi pedagog faoliyatining predmeti sifatida yuzaga chiqadi

Bugungi kunda mamlakatimiz, shaxsan Prezidentimiz Sh.M.Mirziyoyev tomonidan uzluksiz ta'lim tizimini isloh qilish, uni dunyo tajribalariga asoslangan xolda takomillashtirish borasida talaygina amaliy islohatlar olib borilmoqda. Xususan, uzluksiz ta'lim tizimining eng asosiy bo'g'ini bo'lgan o'rta umumta'lim maktablarining ishini rivojlantirish borasidagi ishlar muhimdir.

### TADQIQOT MATERIALLARI VA METODOLOGIYASI

Bo'sh o'zlashtiruvchi o'quvchilarni aniqlash va ular bilan ishlash o'qituvchidan alohida sabot va mas'uliyatni talab etadi. Shu bois bu toifa bolalar bilan shug'ullanish uchun, avvalo, yakkama-yakka suhbat o'tkazib, ularning qiziqishlarini aniqlash lozim. Maxsus jurnal tutilib, bolalarning o'zlashtirishini muntazam monitoring qilib borilishi, o'quvchilarga qiynalayotgan fanidan alohida mashg'ulotlar daftari tuttirish kabi usullar ham samarali hisoblanadi. Shuningdek o'quvchilardagi ijobiy o'zgarishlar rag'batlantirilishi muhim. Bo'sh o'zlashtiruvchilarning faolligini oshirish uchun ularning mustaqil fikrlash qobiliyatini hamda nutqini rivojlantirish kerak.

Taniqli psixolog D.Karnegi ta'kidlaganidek, dunyoda odamlarni nimadir qilishga undaydigan birgina usul bor. Mohiyatan bu usul odamni nimadir qilishni istashga majburlash

demakdir. Mashhur amerikalik faylasuf va pedagog D.Dyuining fikriga ko`ra, inson tabiatiga xos bo`lgan eng asosiy intilish – bu “ahamiyatli – qadrlil bo`lish istagi”dir [1, b.96 ].

Kichik maktab yoshi davrida faoliyatni va xulq-atvorni motivlashtirish o`ziga xos xususiyatlarga ega. “Bolalar nimani yaxshi ko`rishadi va nimani istashadi?” degan savolga S.T.Shatskiy shunday javob beradi:

1. Bolalarda til topishish instinkti kuchli rivojlangan, ular bir-birlari bilan tezda tanishib oladilar – o`yinlar, hikoyalar, o`zaro gap sotish, lofchilik kabilar ana shunday instinkning belgilaridir.

2. Bolalar tabiatan mohir tadqiqotchi. Ulardagi tez qo`zg`aluvchanlik, oxiri ko`rinmaydigan savollar, hamma narsaga tegib ko`rish, ushlab ko`rish, tatib ko`rishga intilish sababi ana shunda.

3. Bolalar o`zini ko`rsatib turgisi keladi, o`zi haqida, o`z taassurotlari haqida gapirgisi, o`rtoqlashgisi keladi. O`z menligini tez-tez namoyish etib turishi ana shundan. Uning fantaziyalari va tasavvurlari boy bo`ladi – bu bolalar ijodkorligi instinktidir.

4. Bolalar hech narsadan bir narsa yaratishni, qandaydir g`ayrioddiy narsalarni to`qib chiqarishni yaxshi ko`rishadi.

5. Bolalarda xarakterning shakllanishida taqlidchanlik instinkti katta rol o`ynaydi.

Shularni yaxshi tushunib olsak, tashqaridan olib kiriladigan soxta stimullarni qidirib yurishimizga to`g`ri kelmaydi.

#### **TADQIQOT NATIJALARI VA MUHOKAMA**

Muayyan bir turdagi stimullarni tahlil etish uchun amerikalik professor G.Overstritning “Inson xulq-atvoriga ta`sir ko`rsatish” deb nomlangan kitobida keltirilgan fikrlarga e`tiborni qaratsak, foydadan xoli bo`lmaydi. G.Overstritning ta`kidlashicha, xulq-atvorimiz va xatti-harakatlarimiz zamirida biz uchun eng qimmatli bo`lgan orzularimiz yotadi. Kimnidir u yoki bu ko`rinishdagi xatti-harakatlarni bajarishga undashni o`z oldigan vazifa qilib qo`yganlar uchun eng yaxshi maslahat shunday: avvalo o`z suhbatdoshingizni nimanidir qattiq istashga majbur qiling. Kimki buni uddalay olsa, butun dunyoni egallaydi, agar uddalay olmasa, yakkalanib qoladi[5, b.112].

Istaklarga tayaning. Bolalar nimani istashadi – bu o`qituvchining olidida turgan bosh masala bo`lib hisoblanadi. Agar biz sichqonni tutmoqchi bo`lsak, qopqonga qip-qizil bo`lib pishgan gilosni qo`ymaymiz, balki pishloq bo`lagini qo`yamiz, ya`ni bunda o`z istagimiz va ta`bimizga ko`ra emas, balki kemiruvchilarning ta`bidan kelib chiqib ish yuritamiz. Shuni mudom yodda tutishimiz va anglashimiz lozimki, faqat biz nimani istashimizgina muhim emas, balki bolalar nimani istashlari ham juda muhimdir. Uni sindirishga va qayta qurishga urinmang: u o`z xohish-istaklari uchun aybdor emas. Tarbiyaning tabiatga moslanganligi g`oyasini yodda tuting. O`qituvchining vazifasi – agar pedagogik maqsadlarga mos kelmasa, intilishlarning yo`nalishini o`zgartirish.

Napoleon shunday ta`kidlagan edi. Shu tariqa ish yuritib, u o`z soldatlarini turli xil unvonlar bilan taqdirlashda o`ta saxovatli edi. Aytishlaricha, Napoleon armiyasidagi barcha askarlarning ismini yoddan bilar ekan. Ofitserlar haqida gapirmasa ham bo`ladi. Bu o`rinda bir emas, ikkita “o`yinchoq” amaliyotda qo`llangan: biri - unvon bo`lsa, ikkinchisi – ismlarni yoddan bilish. Shunday qaraganda bu arziyas narsalar hech qanday ahamiyatga ega emasdek tuyuladi, ammo qanaqa samara berganini aytmaysizmi? “Kichkina insoniy zaifliklar” to`liq ekspluatatsiya

qilinar edi: nazarga tushish, qadrlanish, bu shon-sharafni isbotlab turadigan nishonlarni taqish hammaga ham xush yoqadi. Buning ustiga agar armiya qo'mondoni sening ismingni bilsa va o'z isming bilan senga murojaat qilsa, ikki marotaba yoqimli.

O'quvchini maqtang. Bir bir qarashda oddiy stimulg a o'xshab ko'rinsa-da, aslida uni qo'llab, muvaffaqiyatga erishish uchun quyidagilarni e'tiborga olish kerak bo'ladi:

- Maqtov tasodifiy, vaziyatli bo'lishi kerak, uni oldindan rejalashtirib yoki jadval asosida tayinlab bo'lmaydi.
- Uncha ko'ngildagidek bajarilmagan, ayniqsa, yomon bajarilgan ishni ko'kka ko'tarib maqtamang.
- Maqtov ochiq va aniq yo'naltirilgan bo'lishi kerak. Minnatdorchilik qabul qilish har doim kishi uchun yoqimli, ammo umumiy, aniq shaxsga yo'naltirilmagan qolip-andaza shakldagi yuzlab minnatdorchilik bildirilganda ham, baribir ataylab, aniq bir kishi uchun qo'lda yozilgan bir og'iz iliq so'zning o'rnini bosa olmaydi. Ko'ngliga tegmasdan tanqid qiling.

#### **XULOSA**

Demak, aytish mumkinki, o'quvchilar bilim va ko'nikmalarni to'g'ri va obyektiv tashxislash to'liq o'zlashtirish tizimini amalga oshirishning asosiy shartlaridan biri bo'lib hisoblanadi.

#### ***Foydalanilgan adabiyotlar:***

1. Mirziyoyev Sh.M. Tanqidiy tahlil, qat'iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik – har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo'lishi kerak. – T.: O'zbekiston, 2017. – 104 b.
2. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2017 yil 6 apreldagi 187-son "Umumiy o'rta va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limining davlat ta'lim standartlarini tasdiqlash to'g'risida"GI Qarori.
3. Musurmonov A. "Ta'lim-tarbiyada xalq og'zaki ijodidan foydalanish". T.: O'qituvchi, 1993.
4. Suvonov O.va boshqalar. «Pedagogik texnologiyalarni qo'llash davr taqozosi». «Xalq ta'limi», 2004 yil, № 5.

## MILLIY QADRIYATLARIMIZNING MA'NAVIY O'ZLIKNI ANGLASHDAGI AHAMIYATI

**Temirova Sarbina-Bonu**

O'zbekiston Davlat San'at va Madaniyat Instituti Farg'ona mintaqaviy filliali  
Qo'g'irchoq teatr aktyorligi 2-bosqich talabasi

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6657515>

**Annotatsiya.** O'zbek xalqining tarixdan hozirgacha o'chmas iz qoldirgan qadriyatlari haqida gap ketadi. Har xil xalq o'yinlari, milliy kiyimlar va boshqa qadriyatlar haqida so'z yuritiladi. O'zbek xalqining tarixidan to hozircha bo'lgan vaqt oralig'ida o'z kuchini saqlab kelayotgan qadriyatlar haqida so'z yuritiladi.

**Kalit so'zlar:** qadriyatlarimiz, tarix, azal-azaldan, o'yinlar, liboslar.

### ЗНАЧЕНИЕ НАШИХ НАЦИОНАЛЬНЫХ ЦЕННОСТЕЙ В ПОНИМАНИИ ДУХОВНОЙ ИДЕНТИЧНОСТИ

**Аннотация.** Речь идет о ценностях узбекского народа, оставивших неизгладимый след в истории. Речь идет о различных народных играх, национальных костюмах и других ценностях. Речь идет о ценностях, сохранивших свою силу от истории узбекского народа до наших дней.

**Ключевые слова:** наши ценности, история, древность, игры, костюмы.

### THE SIGNIFICANCE OF OUR NATIONAL VALUES IN UNDERSTANDING SPIRITUAL IDENTITY

**Abstract.** We are talking about the values of the Uzbek people, which have left an indelible mark on history. There is talk of various folk games, national costumes and other values. We are talking about the values that have maintained their strength from the history of the Uzbek people to the present.

**Keywords:** our values, history, antiquity, games, costumes.

## KIRISH

Qadriyat nima o'zi?

Bir necha yil urf bo'lib kelib, keyinchalik yangi bir narsa chiqsa, hozir zamonaviy til bilan aytganda "moda" shu qadriyatmi sizningcha?

Yo'q, aslida qadriyat hech qanday "moda" emas. U na vaqtga bo'ysunadi va na zamonga. U insonlarni qarashini, insonlarni ruhini, insonlarni fikr-u hayolini o'ziga bo'ysundiradi. Azal-azaldan shunday bo'lib kelgan. Insonlar uchun, jamiyat uchun eskirmagan, ota-bobolarimizdan qolgan yodgorlik kabi, meros kabi saqlanib keladigan narsa aynan shu qadriyatdir. Eskirgan narsa tashlab yuborilmaydi aslida. Shuncha ehtiyot uchun bir chetga olib qo'yiladi. Bir kun kelib o'sha eskirgan narsani foydasi tegadi albatta va o'shanda inson anglab yetadiki u eskirmaganini. Qadriyat ham shunday aslida.

Ko'p sonli zamonaviy yoshlarimizning qarashicha O'zbek xalqining milliy an'analari va qadriyatlari hozirgi kunga kelib u qadar nazar pisand qilinmayotgandek tuyuladi bir qarashda. Chunki hozir zamon rivojlangan, texnologiyalar asrida yashayapmiz. Biroq har qanday texnologiya hali bizning o'sha tarixdan, ming yillardan beri avloddan-avlodga o'tib kelayotgan milliy an'anayu, qadriyatlarimizni sindira olgani yo'q.

## TADQIQOT MATERIALLARI VA METODOLOGIYASI

Hozirgi zamonaviy yoshlarimiz qo'l telefonlariga zarar yetmasin deb o'sha matohni asrab-avaylab yurgan bir paytda yana kimlardir avloddan-avlodga o'tib kelayotgan qadriyatlarimizni yanada yuksaltirish bilan band. Milliy bayramlarimiz, xalq bayramlari, xalq sayillari o'z vaqtida, o'zgacha qiziqish va o'zgacha atmosferada yildan-yilga qiziqarli va shukuhli tarzda o'tib kelayotgani barchamizga ayon.

Qadriyatlarimizga qiziqmaydigan, zamon bilan hamnafas yashayman degan inson ham ayni damda barchasidan xabardor. Chunki televideniya degan narsa borki har safargi milliy xalq bayramlarimizni ommaga sharhlab kelishadi. Hattoki ijtimoiy tarmoqlardagi har xil tomoshabop sahifalarda ham bu holat aks etadi. Bu nima degani?

Bu degani qadriyatlar yashamoqda. Ular o'lmasdir.

### **Milliy liboslarimiz**

O'zbek xalqining o'ziga xos, milliy ruhini aks ettiruvchi madaniyatimiz va tariximizni uzviy bog'lab turuvchi kiyimlarimiz ham ayni damda O'zbek xalqining ko'rkiga-ko'rk qo'shib turgani hech birimizga sir emas. Hali hamon ayollarimiz egnida o'sha Marg'ilon atlaslari, boshlarida par do'ppilari bilan har xil milliy an'anaviy bayramlarimizda, xalq sayillarida ishtirok etishda, qadriyatlarimizni qadrlashda davom etib kelishmoqda.

Erkaklarimiz egnida o'sha choponlar, boshlarida do'ppilar bilan har xil milliy qo'shiqlarimizni kuylab, o'sha eski cholg'ularimiz rubob, doira, chanqovuz ohanglari bilan bayram zavqiga yanada zavq qo'shib kelishmoqda.

### **Milliy o'yinlarimiz**

Xalqimizda yoshu-qari o'sha tarixda ham va hozir ham o'sha biz bod-bod takrorlab kelayotganimiz har xil sayil va bayramlarda o'ynab kelinayotgan o'yinlar hali hamon saqlanib kelinmoqda. Xuddi o'sha kiyimlarimiz singari. Xalqning milliy bayramlari hech qachon milliy o'yinlarsiz bayramdek o'tgan emas albatta. O'sha yoshu-qari bir-birlarini kuraklarini yerga tekqizib "halol" de'ya hayqirib g'oliblikka ega chiqishadigan kurash o'yini (sporti), har xil ot o'yinlari ko'pkari uloq, poyga, qiz quvmoq otdan og'darish o'yinlari, dorbozlik, dor ustidagi har xil aytishuvlar, tosh ko'tarish, arqon tortish o'yini, bilak kuchini sinash, harakatli yosh bolalar o'yinlari quloq cho'zma, eshak mindi, yelkada kurash, xo'rozlar jangi va hokazo o'yinlar haligacha saqlanib kelinmoqda. Ular yo'q bo'lib ketganicha yo'q hali.

### **Navro'z bayrami**

O'zbek milliy qadriyatlari deganda albatta pog'onaning eng yuqorisida aynan shu Navro'z bayrami turadi. Barcha milliy qadriyatlarimizni, o'sha liboslar deysizmi, har xil qo'shig'u-kuylar deysizmi, har xil o'yinlar deysizmi barchasini o'z ichiga mujassam qila olgan eng katta va o'lmas qadriyatimiz aynan shu Navro'z bayramidir. Ayniqsa Navro'z saylidagi o'sha olamga mashxur sumlagimiz ham qozonlarda biqirlab qaynashdan to'xtamaydi.

### **TADQIQOT NATIJALARI VA MUHOKAMA**

Qadriyatlarimiz zamon rivojlangani sari eskirmasdan qayta jonlanayotganiga yana bir misol qilib Madaniyat bosh vaziri ilgari surgan madaniyat hodimlari ish kunlarida do'ppi kiyishi haqidagi fikri ham bunga bemalol misol bo'la oladi. Bosh vazir o'z fikrlarida shunday deydi:

“Har bir millatu-elatda milliy urf-odat, an'ana va qadriyatlarga hurmat bilan yondashilgan. Xususan, do'ppi, beqasam to'n, shoyi belbog' kabi xalqimizning milliy liboslari bugungi kunda ham o'z qadrini, bahosini yo'qotmagan. Shu qadriyatlarga sadoqat bilan qarab, milliy an'analarni targ'ib etish uchun yangi tashabbusni boshladik



Barcha soha vakillarini, ijodkorlarni, Vatan fidoyilarini, ko'ngillilarni ushbu tashabbusni qo'llab-quvvatlashga chaqirib qolaman. Qomusimiz bilan himoyalangan yana bir qadriyatni hayotga qaytarishga shoshiling", — dedi Ozodbek Nazarbekov.

### XULOSA

Zamon har qancha rivojlanaversin. Yangiliklar paydo bo'lsin, texnologiyalar yanada yuksalsin, hamma narsa o'zgarsin. Lekin, ammo, biroq.

Lekin o'sha azal-azaldan to hozirgacha, bizgacha saqlanib kelinayotgan yuqorida zikr qilingan qadriyatlarimiz o'lmaydi. O'zbek xalqi bunga sira ham yo'l qo'ymaydi. O'zbek milliy an'analariyu, qadriyatlari haqida qancha gapirsak ham oz.

### *Foydalanilgan adabiyotlar:*

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги “Жамиятда ижтимоиймаънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5938-сонли фармони.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 28 февралда қабул қилинган “Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисида”ги қонуни.
3. Мусурманова О. Оила жамият таянчи: Монография /О.Мусурманова. –Тошкент: Ёшлар нашриёт уйи, 2019. – Б. 252.
4. Фазилатли авлод. Узлуксиз маънавий тарбия трилогияси. 3-қисм. [Матн]: 7-18 ёшли болаларни маънавий тарбиялаш бўйича қўлланма. /Тузувчи муаллифлар: А.Қодиров, М.Куронов, О.Мусур

## BAKALAVRIAT TALABALARINING AKADEMIK KO'RSATKICHLARI SIFATINI TAHLIL QILISH

**Djabbarov Saidburxon Tulaganovich,**

texnika fanlari doktori, Professor

**Yax'yayeva Muslimaxon Toxirboyevna**

Toshkent Davlat Transport Universiteti

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6659171>

**Annotatsiya.** Maqolada oliy ta'lim tizimidagi alohida akademik guruh talabalarining bilim sifati va akademik ko'rsatkichlarini o'zgaruvchanlik koeffitsientini qo'llash orqali tahlil qilish tartibi, shuningdek bakalavriat talabalari to'g'risidagi ko'p o'lchovli ma'lumotlarning korrelyatsion tahlili ko'rib chiqilgan.

**Kalit so'zlar:** baholash tartibi, analitik tahlil, variatsiya koeffitsienti, korrelyatsion tahlil.

## АНАЛИЗ КАЧЕСТВА УЧЕБНОЙ РЕЗУЛЬТАТИВНОСТИ СТУДЕНТОВ БАКАЛАВРИАТА

**Аннотация.** В статье рассматривается процедура анализа качества знаний и успеваемости студентов той или иной академической группы в системе высшего образования с использованием коэффициента вариативности, а также корреляционного анализа многомерных данных о студентах бакалавриата.

**Ключевые слова:** процедура оценки, аналитический анализ, коэффициент вариации, корреляционный анализ.

## ANALYSIS OF THE QUALITY OF ACADEMIC PERFORMANCE OF UNDERGRADUATE STUDENTS

**Abstract.** The article discusses the procedure for analyzing the quality of knowledge and academic performance of students of a particular academic group in the higher education system using the coefficient of variability, as well as a correlation analysis of multidimensional data on undergraduate students.

**Keywords:** evaluation procedure, analytical analysis, coefficient of variation, correlation analysis.

## KIRISH

Oliy ta'lim muassasalarida talabalar bilimini monitoring qilish, fanlarni muvaffaqiyatli o'zlashtirish, o'quv bosqichlari (semestr, kurs) natijalarini muntazam tahlil qilish ta'lim sifatini ko'tarishda muhim o'rin tutadi. OTM, fakultet, mutaxassislik, akademik guruh kesimida bakalavriat talabalarining fanlarni o'zlashtirish baholarini taqqoslashni, akademik ko'rsatkichlar sifatini tahlil qilishda variatsiya koeffitsienti va korrelyatsion tahlil usulidan foydalanish mumkin.

## TADQIQOT MATERIALLARI VA METODOLOGIYASI

Variatsiya va korrelyatsion tahlil ko'rsatkichi analitik statistikaning muhim va asosiy qismi hisoblanib, ular statistik qarorlar, shuningdek ilmiy muammolarni hal qilish uchun asos bo'lib xizmat qiladi. Ma'lumki variatsiya-hodisalar o'rtasidagi o'zgaruvchanlikdir. Bu to'plam birliklarida o'rganilayotgan belgi yoki xususiyatning qiymatlarida kuzatiladigan o'zgaruvchanlikni anglatadi.

Akademik guruhda bakalavriat talabalari tomonidan bir semestrdagi fanlarning o'zlashtirilishini ko'rib chiqamiz. Tajriba guruhi sifatida IF-zz (mutaxassisligi) akademik guruhi

qabul qilingan. Akademik ko'rsatkichlar sifatini tahlil qilishda bilim sohasi tor emas (har bir alohida), balki tizimli ravishda ko'rib chiqiladi.

Ko'rib chiqilayotgan semestrda talabalarning alohida har bir fan bo'yicha akademik ko'rsatkichlari uchun baholar 1-jadvalda keltirilgan.

### TADQIQOT NATIJALARI

O'rganilayotgan tajriba guruhi 20 nafar talabadan iborat. Oliy ta'lim muassasasining o'quv rejasiga muvofiq (OTM ga 2019 yil qabuli), o'rganilayotgan semestrda talabalar tomonidan 8 ta fanni o'zlashtirish (o'rganish) rejalashtirilgan, ya'ni: ingliz tili, qurilish mexanikasi, qurilish konstruksiyalari, gruntlar mexanikasi, qurilish-montaj ishlari texnologiyasi va mexanizatsiyasi, suyuqlik va gaz mexanikasi, ekspluatatsiyadagi temir yo'llarni ta'mirlashni loyihalash, temir yo'llarni ta'mirlash va texnik xizmat ko'rsatish va mos ravishda F1, F2, F3, F4, F5, F6, F7, F8 deb shartli belgilangan.

1- jadval

Fanlar bo'yicha talabalarning ko'p o'lchovli ma'lumotlari (baholari)

| Talabaning tartib raqami | Fanning nomi |    |    |    |    |    |    |    | Talabaning o'rtacha bahosi |
|--------------------------|--------------|----|----|----|----|----|----|----|----------------------------|
|                          | F1           | F2 | F3 | F4 | F5 | F6 | F7 | F8 |                            |
| Talaba 1                 | 4            | 3  | 5  | 5  | 5  | 4  | 4  | 4  | 4,25                       |
| Talaba 2                 | 3            | 3  | 3  | 3  | 3  | 4  | 3  | 4  | 3,25                       |
| Talaba 3                 | 4            | 3  | 4  | 4  | 3  | 4  | 4  | 3  | 3,63                       |
| Talaba 4                 | 4            | 3  | 5  | 5  | 5  | 4  | 3  | 5  | 4,25                       |
| Talaba 5                 | 3            | 3  | 3  | 3  | 3  | 4  | 3  | 3  | 3,13                       |
| Talaba 6                 | 4            | 3  | 5  | 3  | 4  | 3  | 3  | 3  | 3,50                       |
| Talaba 7                 | 4            | 3  | 5  | 4  | 3  | 3  | 4  | 3  | 3,63                       |
| Talaba 8                 | 5            | 3  | 5  | 5  | 5  | 4  | 4  | 5  | 4,50                       |
| Talaba 9                 | 3            | 3  | 5  | 4  | 3  | 4  | 3  | 3  | 3,50                       |
| Talaba 10                | 3            | 3  | 3  | 3  | 4  | 3  | 3  | 3  | 3,13                       |
| Talaba 11                | 4            | 3  | 5  | 5  | 5  | 5  | 4  | 4  | 4,38                       |
| Talaba 12                | 5            | 5  | 5  | 5  | 5  | 5  | 5  | 5  | 5,00                       |
| Talaba 13                | 5            | 3  | 5  | 5  | 5  | 4  | 4  | 5  | 4,50                       |
| Talaba 14                | 4            | 2  | 5  | 3  | 3  | 4  | 3  | 3  | 3,38                       |
| Talaba 15                | 4            | 2  | 4  | 4  | 4  | 4  | 3  | 4  | 3,63                       |

|                            |      |      |      |      |      |      |      |      |      |
|----------------------------|------|------|------|------|------|------|------|------|------|
| Talaba 16                  | 4    | 2    | 5    | 4    | 3    | 3    | 3    | 3    | 3,38 |
| Talaba 17                  | 4    | 2    | 4    | 4    | 3    | 4    | 4    | 3    | 3,50 |
| Talaba 18                  | 4    | 2    | 5    | 3    | 3    | 3    | 4    | 3    | 3,38 |
| Talaba 19                  | 4    | 2    | 3    | 3    | 3    | 3    | 3    | 3    | 3,00 |
| Talaba 20                  | 4    | 3    | 5    | 5    | 5    | 5    | 4    | 4    | 4,38 |
| Fan bo'yicha o'rtacha baho | 3,95 | 2,80 | 4,45 | 4,00 | 3,85 | 3,85 | 3,55 | 3,65 | 3,76 |

Talabalarning bilim sifati va akademik ko'rsatkichlari darajasini monitoring qilish natijalari 2-jadvalda umumlashtirilgan.

Shuni ta'kidlash kerakki, F2 fani bo'yicha talabalarning o'zlashtirish ko'rsatkichlari 70% ni tashkil etadi va fan dasturi materialini o'zlashtirish sifati boshqa fanlarga nisbatan ancha past (2-jadval).

2-jadval

Har bir fan bo'yicha talabalarning akademik ko'rsatkichlari va sifati

| Bilimlarni baholash           | Fanning nomi |      |      |      |      |     |      |      | O'rtacha qiymatlar |
|-------------------------------|--------------|------|------|------|------|-----|------|------|--------------------|
|                               | F1           | F2   | F3   | F4   | F5   | F6  | F7   | F8   |                    |
| "5"                           | 3            | 1    | 13   | 7    | 7    | 3   | 1    | 4    | 4,8                |
| "4"                           | 13           | 0    | 3    | 6    | 3    | 11  | 9    | 5    | 6,3                |
| "3"                           | 4            | 13   | 4    | 7    | 10   | 6   | 10   | 11   | 8,1                |
| "2"                           | 0            | 6    | 0    | 0    | 0    | 0   | 0    | 0    | 0,7                |
| Attestatsiya qilinmagan       | 0            | 0    | 0    | 0    | 0    | 0   | 0    | 0    | 0                  |
| Sifat ko'rsatkichi, %         | 80           | 5    | 80   | 65   | 50   | 70  | 50   | 45   | 56                 |
| O'zlashtirish ko'rsatkichi, % | 100          | 70   | 100  | 100  | 100  | 100 | 100  | 100  | 100                |
| Talabalarning bilim darajasi  | 63,8         | 28,4 | 81,8 | 66,8 | 62,6 | 61  | 51,8 | 55,8 | 59                 |

## MUHOKAMA

Talabalarning barcha fanlar bo'yicha sifat va o'zlashtirish ko'rsatkichining variatsiya koeffitsientini aniqlash uchun maksimal(max), minimal (min) va variatsiya kengligi; o'rtacha chiziqli og'ish, bosh to'plam uchun dispersiya, tanlov (namuna) uchun dispersiya, o'rtacha kvadratik og'ish, tanlov uchun o'rtacha kvadratik og'ish hisoblanadi.

Variatsiya koeffitsienti quyidagi ifoda orqali aniqlanadi:

$$C_{\sigma} = \frac{\sigma}{x} \cdot 100\%$$

bunda,  $\sigma$  - tasodifiy o'zgaruvchining o'rtacha kvadratik og'ishi;

x - tasodifiy o'zgaruvchining kutilayotgan (o'rtacha) qiymati.

Hisoblar natijasi 3-jadvalda mujassamlashtirilgan.

3-jadval

Variatsiya ko'rsatkichlarini hisoblash

| Variatsiya ko'rsatkichlari                                                           | Qiymati     |
|--------------------------------------------------------------------------------------|-------------|
| Maksimum                                                                             | 5           |
| Minimum                                                                              | 2           |
| Variatsion qator kengligi                                                            | 3           |
| O'rtacha chiziqli og'ish                                                             | 0,75171875  |
| Bosh to'plam uchun dispersiya                                                        | 0,74359375  |
| Tanlov (namuna) bo'yicha dispersiya                                                  | 0,74827044  |
| O'rtacha kvadratik og'ish                                                            | 0,862318822 |
| Tanlov uchun o'rtacha kvadratik og'ish                                               | 0,865026266 |
| Variatsiya koeffitsienti                                                             | 23 %        |
| Ostsillyatsiya (tebranishlar, o'rtacha qiymatga nisbatan o'zgarishlar) koeffitsienti | 0,80        |

Hisoblash natijalariga ko'ra variatsiya koeffitsientining qiymati 23% ni tashkil etgani uchun (3-jadval), variatsiya koeffitsientining umumiyli sezilarli darajada bir xil hisoblanadi.

4-jadval

Ta'riflovchi statistika

| Ko'rsatkichlar            | Fanning nomi |       |        |       |       |       |       |       |
|---------------------------|--------------|-------|--------|-------|-------|-------|-------|-------|
|                           | F1           | F2    | F3     | F4    | F5    | F6    | F7    | F8    |
| Minimal                   | 3            | 2     | 3      | 3     | 3     | 3     | 3     | 3     |
| O'rtacha                  | 3,95         | 2,8   | 4,45   | 4     | 3,85  | 3,85  | 3,55  | 3,65  |
| Maksimal                  | 5            | 5     | 5      | 5     | 5     | 5     | 5     | 5     |
| O'rtacha kvadratik og'ish | 0,61         | 0,69  | 0,83   | 0,86  | 0,93  | 0,67  | 0,61  | 0,81  |
| Mediana                   | 4            | 3     | 5      | 4     | 3,5   | 4     | 3,5   | 3     |
| Asimmetriya               | 0,012        | 1,333 | -1,071 | 0,000 | 0,325 | 0,177 | 0,583 | 0,766 |
| $\Delta x$                | 0,143        | 0,214 | 0,143  | 0,143 | 0,143 | 0,143 | 0,143 | 0,143 |

Nazorat akademik ko'rsatkichlarning o'rtacha (mediana) darajasi o'quv maqsadiga mos keladi, chunki guruhda qoniqarsiz baholar mavjud emas va talab qondiriladi (4-jadval).

O'zgaruvchilar orasidagi (ya'ni F2 va F3 fanlar orasidagi) korrelyatsiya darajasini anqlash uchun Pirson korrelyatsiya koeffitsientining qiymatlari hisoblab chiqilgan (5-jadval).

5-jadval

| Pirson korrelyatsiya koeffitsienti |         |
|------------------------------------|---------|
| Ko'rsatkich                        | Qiymati |
| Pirson korrelyatsiya koeffitsienti | 0,16    |
| n (tanlov xajmi)                   | 20      |
| Z                                  | 0,17    |
| Se                                 | 0,24    |
| c_95%                              | 1,96    |
| Quyi 95% chegarasi zL              | -0,31   |
| Yuqori 95% chegarasi zU            | 0,64    |
| Quyi 95% chegarasi rL              | -0,3    |
| Yuqori 95% chegarasi rU            | 0,57    |

Pirson korrelyatsiya koeffitsientining aniqlangan qiymati  $r = 0.16$  ga teng va 0.00 dan 0.24 oralig'ida, bu ko'rib chiqilayotgan ikki fan o'rtasidagi aloqa darajasi "zaif ijobiy" tavsiflanganligini ko'rsatadi.

### XULOSA

Shu bilan birga, qurilish sohasidagi mutaxassislarning keng doirasi ma'lumki, "materiallar qarshiligi", "nazariy mexanika", "qurilish mexanikasi" va "qurilish konstruksiyalari" fanlari o'rtasida yaqin munosabatlar mavjud bo'lib, bitta mavzu avvalgisining mantiqiy davomi bo'lib, uni to'ldiradi. F1 va F2 fanlari o'rtasida "yaqin munosabatlar" yo'qligidan quyidagi xulosalarni chiqarishga imkon beradi (bu mualliflarning sub'ektiv fikri bo'lishi mumkin):

- o'quv dasturlarini tuzishda yuqoridagi fanlarning xususiyatlari va o'zaro bog'liqligi hisobga olinmaydi;
- mazmunan yaqin (aloqador) bo'lgan fanlarni o'qitish metodikasi ularning o'zaro munosabatlari va yakuniy maqsadini hisobga olmagan holda amalga oshiriladi;
- talabalar bilimini baholashda "sub'ektivizm" ga yo'l qo'yilgan, ya'ni bilim sifati ob'ektiv baholanmagan;

Shunday qilib, yuqoridagi usullardan foydalanish talabalarning yutuqlarini samarali taqqoslash, fanlarni o'qitish sifatini baholash, talabalar bilimlarini baholashning ob'ektivligini tanlangan nisbatan sodda ko'rsatkichlar orqali nafaqat alohida akademik guruh, balki kurs kesimida ham samarali baholash imkonini beradi deb ta'kidlash mumkin.

*Foydalanilgan adabiyotlar:*



1. Iqtisodiyotda matematik usullar va modellar. Abdullaev O.M. Jamolov M., Fan va texnologiya. 2009 y., 171 b.
2. Soatov N.M. Statistika: Oliy o'quv yurtlari uchun darslik. –Toshkent.: 2003 y. -745 b.
3. Ehtimollar nazariyasi va matematik statistika [matn]:o'quv qo'llanma/ A.A.Abdushukurov [va boshq.]. - T.:«Tafakkur Bo'stoni», 2015. —416 b.

## RAQAMLI TEXNOLOGIYALARINING TA'LIM SOHASIDA QO'LLANILISHI

**Yuldashev Ulmasbek Abdubanapovich**

GulDU, katta o'qituvchisi

**Samatboyeva Marjona Baxtiyor qizi**

GulDU, talabasi

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6659181>

**Annotatsiya.** Maqolada raqamli texnologiya, bulutli texnologiyalar, ta'limda raqamli texnologiyadan foydalanish, raqamli texnologiyani ta'lim tizimi vositalari, raqamli texnologiyasini ustunliklari, narsalar interneti (Internet of Things, IoT), kengaytirilgan haqiqat (AR), virtual haqiqat (Virtual haqiqat, VR) haqida tushuncha berilgan.

**Kalit so'zlar:** raqamli texnologiya, ta'limda raqamli texnologiya, bulutli texnologiya, narsalar interneti (Internet of Things, IoT); kengaytirilgan haqiqat (AR); virtual haqiqat (Virtual haqiqat, VR)

## ПРИМЕНЕНИЕ ЦИФРОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В ОБРАЗОВАНИИ

**Аннотация.** Цифровые технологии, облачные технологии, использование цифровых технологий в образовании, инструменты цифровой системы образования, преимущества цифровых технологий, Интернет вещей (IoT), дополненная реальность (AR), виртуальная реальность (Virtual Reality, VR).

**Ключевые слова:** цифровые технологии, цифровые технологии в образовании, облачные технологии, Интернет вещей (IoT); дополненная реальность (AR); виртуальная реальность (Виртуальная реальность, VR)

## APPLICATION OF DIGITAL TECHNOLOGIES IN EDUCATION

**Abstract.** Digital technology, cloud technologies, use of digital technology in education, digital technology education system tools, advantages of digital technology, Internet of Things (IoT), augmented reality (AR), virtual reality (Virtual reality, VR).

**Keywords:** digital technology, digital technology in education, cloud technology, Internet of Things (IoT); augmented reality (AR); virtual reality (Virtual reality, VR)

## KIRISH

Bugungi kunda raqamli texnologiyalar shiddat bilan rivojlanib boryapti va har bir sohada zamon bilan hamqadam odimlashni taqozo etmoqda. Axborot olish va foydalanish tezligi juda yiriklashgan hozirgi davrda ta'lim tizimida raqamli texnologiyalardan foydalanish ta'lim sifatini oshirish va ijtimoiy faol yoshlarni tarbiyalashda katta axamyatga ega. Biz ilgari ta'lim dasturlarini an'anaviy usuli ya'ni ma'ruzani yirik xajmli kitoblar va qo'llanmalar orqali amalga oshirilgan shaklida olib borganmiz. Bu esa o'z navbatida ta'lim sifatining u qadar yuqori bo'lishini ta'minlamagan. Xozirda ta'lim sifatini ko'tarishda ta'limni raqamlashtirish jarayoni boshlangan.

Ta'lim tizimining hozirgi holati noan'anaviy ta'lim texnologiyalarining roli ortib borayotgani bilan tavsiflanadi. Ta'lim oluvchi tomonidan ularning yordami bilan bilimlarni o'zlashtirish an'anaviy texnologiyalarga qaraganda ancha tezdir. Ushbu texnologiyalar bilimlarni rivojlantirish, egallash va tarqatish xarakterini o'zgartiradi, o'rganilayotgan fanlarning mazmunini chuqurlashtirish va kengaytirish, uni tezda yangilash, samaraliroq o'qitish usullarini qo'llash, shuningdek, har bir kishi uchun ta'lim olish imkoniyatini sezilarli darajada kengaytirish imkonini beradi.

## TADQIQOT MATERIALLARI VA METODOLOGIYASI

Raqamli texnologiyani o'zi nima degan savolga quyidagicha javob beramiz: bu – xo'jalik yuritishning bir zamonaviy shakli bo'lib, unda ishlab chiqarish va boshqarishning asosiy faktori sifatida raqamli ko'rinishdagi katta ma'lumotlar majmui va ularni qayta ishlash jarayoni xizmat qiladi. Olingan natijalarni amaliyotda ishlatish esa an'anaviy ho'jalik yuritish shakllariga nisbatan ancha katta samaradorlikka erishishga imkon beradi. Misol sifatida turli xildagi avtomatik ishlab chiqarish jarayonlarini, 3D-texnologiyasini, bulutli texnologiyalarni, masofaviy meditsina xizmatlari ko'rsatishni, aqlli texnologiyalar yordamida mahsulot yetishtirish va uni yetkazib berishni, turli xildagi tovarlarni saqlash va ularni sotish jarayonlarini keltirish mumkin. Biz bu maqolada ta'lim tizimida raqamlashtirishni o'rniga to'xtalib o'tamiz.

Raqamli texnologiyalar orqali ta'lim berilsa ta'lim oluvchilarga ta'lim olish usullari osonlashmoqda. Bunda esa ta'lim tizimi vositalari rolini multimediyalar, kodoskop, kompyuter, noutbuk, internetga ulangan televizorlar, telefon liniyalar, smart doska, proyektorlar bajarib beradi. Ta'lim beruvchilarga bunday vositalar bilan dars mashg'ulotlar o'tkazish ta'lim sifatini oshirishni ta'minlaydi. Onlayn darslarda raqamli texnologiyalar qo'llanilishi yaxshi samara berishi xammamizga ma'lum. Masalan, televideniya orqali berib borilgan onlayn darslar raqamli ta'lim olishning bir turi deb olsak bo'ladi.

Demak, raqamli ta'limda:

- xohlagan joyida va xohlagan vaqtda ta'lim olish imkoniga ega;
  - internetdan axborot olish va undan foydalanish madaniyati shakllanadi;
  - ta'lim tizimini yangi bosqichga ko'taradi;
  - vaqt va mablag' sarfini keskin kamaytiradi;
- "raqamli dunyo"da yo'qolib qolmaslik va yaxshi ish topishda ustunliklarga ega bo'lishgi kabilar.

### **TADQIQOT NATIJALARI**

Raqamli ta'lim tizimini yuksalishiga Wi-Fi zonalar IT parklar ochilishi katta xizmat qiladi. Ta'lim beruvchilarni raqamli texnologiyalar bilan ishlash qobiliyatini o'stirish va internet orqali turli ochiq kurslar tashkil etish imkoniyati tug'iladi. Bu esa o'z navbatida ta'lim beruvchilarni o'z ustida ko'proq ishlashi va raqobat tufayli ta'lim sifatini yanada oshirishga xizmat qiladi.

Bundan tashqari raqamli texnologiyalar yana sun'iy intellekt texnologiyasini joriy etish soliq to'lashdan bo'yin tovlash holatlarini aniqlash, firibgarliklarni oldini olish, ma'lumotlarni tahlil qilish va takrorlanuvchi jarayonlarni avtomatlashtirish hamda shaffoflikni oshirishda qo'l kelsa, katta hajmli ma'lumotlar — Big data esa soliq organlariga kelib tushadigan katta hajmdagi ma'lumotlarni saqlash, qayta ishlash, tushumlarni yanada yaxshiroq bashorat qilish hamda to'lovchilar va soliq organlari o'rtasidagi hujjat almashinuvini yaxshilash imkoniyatini beradi.

Raqamli texnologiyalarni o'zlashtirish insoniyat tarixidagi boshqa innovatsiyalarga qaraganda tezroq sodir bo'lmoqda: bor-yo'g'i yigirma yil ichida raqamli texnologiyalar rivojlanayotgan mamlakatlar aholisining qariyb 50 foizini qamrab olishga va ularning yordami bilan jamiyatlarni o'zgartirishga muvaffaq bo'ldi.

Masalan, sog'liqni saqlash sohasida sun'iy intellektdan foydalanishga asoslangan ilg'or texnologiyalar inson hayotini saqlab qolish, kasalliklarni aniqlash va umr ko'rish davomiyligini oshirishga xizmat qilmoqda. Ta'lim sohasida virtual o'quv muhiti va masofaviy ta'limning ta'minlanishi talabalarga boshqa imkoniyatga ega bo'lmagan dasturlarda qatnashish imkonini berdi. Bundan tashqari, blokcheynga asoslangan tizimlardan foydalanish orqali davlat xizmatlaridan foydalanish qulay bo'ladi, ularni ta'minlovchi institutlar mas'uliyatini oshiradi va

sun'iy intellektdan foydalanish natijasida jarayonlar kamroq byurokratik bo'ladi. Katta ma'lumotlar, shuningdek, yanada moslashuvchan va aniq siyosat va dasturlarga olib kelishi mumkin.

### **MUHOKAMA**

Quyida raqamli texnologiyalarni bazilariga to'xtalib o'tamiz: bulutili texnologiyalar – internet foydalanuvchisiga on-layn xizmat sifatida kompyuter resurslarini taqdim etiladigan ma'lumotlarni qayta ishlash texnologiyalaridir.

Raqamli texnologiyalar - narsalar interneti (Internet of Things, IoT). Raqamli axborotga asoslangan asosiy texnologiyalardan biri bu narsalar internetidir. Ko'pgina maishiy texnikaning elektr tarmog'iga ulanganligi odatiy holdir, lekin asta-sekin jismoniy dunyoning tobora ko'proq ob'ektlari Internetga ulanadi, bu esa ma'lumot to'plash va hatto ushbu ob'ektlarni masofadan turib boshqarish imkonini beradi. Darhaqiqat, Internetda ob'ekt va tashqi dunyoning turli parametrlarini o'z ichiga olgan va Internet orqali ob'ektni boshqarish imkonini beruvchi jismoniy ob'ektning virtual nusxasi paydo bo'ladi. Narsalar internetiga misol qilib, kinoteatrdaagi proyektor kabi qurilma texnik qo'llab-quvvatlash xizmatiga aniqlangan nosozlik va rejadani tashqari ta'mirlash doirasida almashtirilishi kerak bo'lgan ehtiyot qismlar ro'yxati haqida signal yuboradi. .

Raqamli texnologiyalar - kengaytirilgan haqiqat (AR). Eng istiqbolli - bu virtual dunyodan real dunyoga ob'ektlarni qo'shish imkonini beruvchi to'ldirilgan reallik texnologiyasi. Tasavvur qiling-a, ko'chada yurib, atrofingizdagi narsalar va odamlar haqida qo'shimcha ma'lumotni ko'rasiz. Kengaytirilgan haqiqat misollari allaqachon mavjud va faol qo'llanilmoqda, ba'zi istiroxat bog'larida siz jismoniy dunyodagi ob'ekt va virtual dunyo o'rtasidagi aloqalarni ko'rsatadigan belgilarni allaqachon ko'rishingiz mumkin. To'ldirilgan reallik elementlariga ega o'yinlar faol tarqalmoqda, kiyim-kechak sotiladigan do'konlarda virtual oyna va jihozlash xonalari mavjud, to'ldirilgan reallik allaqachon avtomobillarda sinovdan o'tkazilmoqda. Shu bilan birga, to'ldirilgan reallik texnologiyalaridan faol foydalanish yo'lida hal qilinishi kerak bo'lgan masalalar ham mavjud. Masalan, geopozitsiyani aniqlash vositalarining aniqligi hali ham etarli emas yoki jismoniy dunyo ob'ektlarini ularning virtual nusxalari bilan bog'lash uchun kompyuterda ko'rish texnologiyalari nomukammal. Biroq, ishonch bilan aytish mumkinki, yaqin kelajakda ushbu texnologiya yutuq bilan bog'liq bo'lishi mumkin.

### **XULOSA**

Raqamli texnologiyalar - virtual haqiqat (Virtual haqiqat, VR). Insonning virtual haqiqatda bo'lishiga imkon beruvchi texnik qurilmalarning paydo bo'lishi ushbu texnologiyani ko'ngilochar sohada talabga aylantirdi. Virtual haqiqatning dubulg'alari va kostyumlari, ixtisoslashtirilgan xonalar sizga noma'lum dunyoga kirishga imkon beradi, bu sizning barcha harakatlaringiz virtual olamdan javob berish uchun dasturlashtirilgan, bu sizga o'zingizni 100% ga cho'mish imkonini beradi.

Ta'lim sohasida VR o'quvchilarning bilim olish uslubini o'zgartiradi. Sinf xonalarida VR dan foydalanish o'quvchilarga bilimlarni yaxshiroq o'zlashtirish va qiyin tushunchalarni tasavvur qilish orqali o'rganishga yordam beradi

Xulosa sifatida aytish mumkinki raqamli texnologiyalarni turli sohalarga nafaqat ta'lim tizimiga joriy etilishi mamlakat ta'lim tizimini modernizatsiya qilishda katta rol o'ynaydi. Zamonaviy ta'limni tashkil etish va ta'lim samaradorligini oshirishga xizmat qiladi.

*Adabiyotlar:*

1. Грегг Б. «Производительность систем: Enterprise и Cloud», 2014.  
[https://koptelov.info/publikatsii/digital\\_technology](https://koptelov.info/publikatsii/digital_technology)
2. Bakiyeva, F., & Mirzahmedova, N. (2019). EFFICIENCY OF ONLINE TRAINING. *Theoretical & Applied Science*, (11), 56-58.
3. Bakiyeva, F. R., Primkulova, A. A., & Mirzahmedova, N. D. (2020). Smart And Development Of Modern Education.
4. Toshtemirov D.E., Niyozov M.B., Yuldashev U.A., Irsaliev F.Sh. Resource support of distance course information educational environment // Journal of Critical Reviews ISSN- 2394-5125 Vol 7, Issue 5, 2020, pp. 399-400
5. Yuldashev, U.A., Xudoyberdiev, M.Z., & Axmedov, T.B. (2021). O'quv jarayonining sifatini oshirishda zamonaviy axborot texnologiyalaridan foydalanish. //Academic research in educational sciences, 2(3), 1262-1268.
6. Yuldashev U.A. Use of video lesson creative technologies in the process of electronic education// Scientific-Methodical Journal-T 2021
7. Yuldashev Ulmasbek Abdubanatovich, Khakimova Farangis Abdualimovna, Khudayberdieva Dilorom Khaydar kizi, Web of Scientist: International Scientific Research Journal, ISSN-2776-0979 Vol 2, Issue 5, 2021, pp. 693-697
8. J.D.Saidov. Study of the process of database and creation in higher education. Guliston. 2021. <https://doi.org/10.17605/OSF.IO/5R96C>.
9. Jasur Doniyor o'g'li Saidov, Saydullo Payzievich Allayorov, Said Xalilovich Islikov, Ma'lumotlar omborini yaratish bo'yicha kasbiy kompetentligini baholash mezonlari // Scientific progress. 2021. №1. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/ma-lumotlar-omborini-yaratish-bo-yicha-kasbiy-kompetentligini-baholash-mezonlari> (дата обращения: 02.06.2022).
10. Toshtemirov D. E., Saidov J. D., Mamatqulov S. X. TECHNOLOGY OF CREATING MODERN ELECTRONIC EDUCATIONAL RESOURCES //Bulletin of Gulistan State University. – 2019. – Т. 2019. – №. 1. – С. 67-71.
11. Toshtemirov D., Muminov B., Saidov J. Fundamentals of compilation of electronic tasks for students to test and strengthen their knowledge of database //International Journal of Scientific and Technology Research. – 2020. – Т. 9. – №. 4. – С. 3226-3228.

## 5-7 СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ЭСТЕТИК ДУНЁҚАРАШИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МАКТАБ РЕПЕРТУАРИНИНГ ЎРНИ

Атабоева Шохид Жураевна

Фарғона давлат университети Вокал ва Чолғу ижрочилиги кафедраси ўқитувчиси

Гофурова Мухайёхон Юрсинбоевна

Марғилон педагогика колледжи ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6659989>

**Аннотация.** Мазкур мақолада юқори синф ўқувчиларининг эстетик дунёқарашини шакллантиришда мусиқа маданияти фанинг ўқув дарслиги таркибига кирган мактаб репертуарининг ўрни борасида фикр юритилган

**Калим сўзлар:** мусиқа маданияти, фан, мактаб репертуари, эстетик дунёқараиш, мусиқий тафаккур, ижодкорлик, дастур

## РОЛЬ ШКОЛЬНОГО РЕПЕРТУАРА В РАЗВИТИИ ЭСТЕТИЧЕСКОГО МИРОВОЗРЕНИЯ УЧАЩИХСЯ 5-7 КЛАССОВ

**Аннотация.** В данной статье рассматривается роль школьного репертуара в формировании эстетического мировоззрения старшеклассников, входящего в состав учебника музыкальной культуры.

**Ключевые слова:** музыкальная культура, наука, школьный репертуар, эстетическое мировоззрение, музыкальное мышление, творчество, программа.

## THE ROLE OF THE SCHOOL REPERTOIRE IN THE DEVELOPMENT OF THE AESTHETIC WORLD VIEW OF STUDENTS IN GRADES 5-7

**Abstract.** This article discusses the role of school repertoire in the formation of the aesthetic outlook of high school students, which is part of the textbook of music culture

**Keywords:** music culture, science, school repertoire, aesthetic worldview, musical thinking, creativity, program

## КИРИШ

Мустақиллигимизнинг илк йиллариданоқ миллий-маънавий қадриятларимизга, урф-одатларимизга, унутлаёзган, тарихан қадрли анъаналаримизга бўлган эътибор, уларни янгидан ислоҳ этиш жараёни устивор йўналиш касб этди.

Миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз, маънавий бойлигимизга бўлган эътибор давлат миқёсига кўтарилди. Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ ота-боболаримиздан, аجدодларимиздан қолган маънавий бойликларни, жумладан, мусиқий маданиятни авайлаб асраш, тиклаш борасида, қолаверса, замон билан ҳамоҳанг қадам ташлаш борасида талайгина ишлар қилинди. Бу борада ўтган аждодларимиз бизларга мерос қилиб қолдириб кетган улкан маънавий бойлигимиз асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Маънавиятимизнинг асосий бўғини бўлган мусиқий маданиятимиз, анъанавий кўшиқларимиз, мақом ижролари ҳамиша халқимизнинг кундалик ҳаётида маънавий озуқа сифатида эҳтироф этиб келинган. Халқ оғир кунларида мусиқадан нажот излаган, хурсандчилик кунларида ҳам кўшиқ ва мусиқа уларга ҳамроҳ бўлган[1,28].



Анъанавий мусиқа ва қўшиқларимиз одамларни ҳамиша иймонга, меҳр-оқибатга, одамийликка чорлаб келган. Бугунги кунда ҳам шу долзарблигини йўқотмаган ҳолда мустақилликка, меҳнаткашлар онгини шакллантириш йўлида, баркамол авлод тарбиясида восита сифатида асосий омиллардан бўлиб қолаверади.

Мамлакатимиз тамомила янги жамият, янги турмуш ва янги ҳаётни бошлаб юборди. Одамларимиз қалби, тафаккури ва тасаввурида ўзгаришлар пайдо бўлди.

Президентимиз таъкидлаганларидай, маънавият масаласи миллат тарихи, ахлоқий ва диний қадриятлар, маданий мерос, анъана ва расм- русумлар, миллий мафкура, ватанпарварлик ва инсонпарварлик, миллий ўзлиқни англаш сингари жуда кўп омилларни ўз ичига олади ва пировардида, инсон шахсини белгилашда асосий мезон вазифасини бажаради.

Педагогика ҳамда психологияга оид адабиётларда мусиқанинг катта тарбиявий аҳамиятга эга эканлиги алоҳида таъкидланади.

Бизнинг назаримизда, инсон онгида вужудга келиб, шаклланиб, тараққий этаётган маънавий қадриятлар ўқувчиларда маънавий-ахлоқий, эстетик фазилатларни тарбиялашда муҳим манба ҳисобланади. Эстетик фазилатларни тарбиялаш жараёнида ўқувчиларнинг янгидан- янги маънавий эҳтиёжлари пайдо бўлади. Шу эҳтиёжларни қондиришга ҳаракат қилиш эса ўқувчида ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларни амалга оширишга интилиш, изланишни қарор топтиради. Бу ҳаракат боланинг ўқувчилик даврида яққол кўзга ташланади. Мавзу жиҳатидан турлича бўлган болаларбоп Хоразм мусиқа фольклори намуналарини мунтазам равишда ўрганиб бориш, ижро этиш ўқувчиларнинг нафақат репертуарини бойитади, балки уларнинг миллий қадриятларимизга бўлган муносабатини барқарорлаштиради, дунёқарашини кенгайтиради ва эстетик фазилатларнинг такомиллашишига ёрдам беради. Бу туйғулар ғоят кўп қиррали ва хилма-хилдир.

### **ТАДҚИҚОТЛАР МЕТОДИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ**

Педагог олимларнинг фикрларига таянган ҳолда айтиш мумкинки, Хоразм мусиқа фольклори воситасида 5-7-синф ўқувчиларини эстетик тарбиялаш қуйидаги тадбирлар асосида амалга оширилиши мумкин:

1. Ўқувчиларда нафосат, гўзалликка интилиш ва уни ардоқлаш.
2. Ватани ва халқига бўлган муҳаббат туйғуси.
3. Ўқувчиларни меҳнат, кишилар ва улар томонидан яратилган неъматларга бўлган муносабатини шакллантириш.
4. Ўқувчининг жамият аъзоларига бўлган муносабати.
5. Қўшиқларни идрок этиш орқали нафосат элементларини таркиб топтириш.
6. Ўқувчининг шахс сифатида ўз-ўзига нисбатан қарашларини таркиб топтириш орқали. Ўқувчиларнинг эстетик фазилатлари уларнинг ақлий, ахлоқий, бадий ва маданиятлилиқ каби кўп қиррали таркибий қисмларидан иборат. Мусиқа маданияти дарсларида эстетик фазилатларнинг таркибий қисмлари ўқувчи онгига ўзаро бирлик ва алоқадорликда сингдирилади. Хоразм мусиқа фольклори воситасида 5-7-синф ўқувчиларида инсонпарварлик, меҳр-муҳаббат, нафосат, эътиқод, табиатга муҳаббат, бурч ва ҳуқуқни англаш каби юксак ахлоқий-маънавий фазилатлар шаклланиб боради. Эстетик тарбия замирида ахлоқий билим, кўникма ва малакалар ахлоқ қоидалари ёрдамида

Ўқувчининг хулқ-атвори, ҳатти-ҳаракатларини бошқаришнинг ўзига хос тизими ётади. Ахлоқан гўзал шахс маънан гўзал ва баркамол бўлади.

Ахлоқий фазилатлар эса ўқувчининг кўп қиррали фаолияти давомида қисман миллий мусиқа ҳамда фольклор кўшиқлари воситасида шаклланиб боради. Ахлоқий фазилатнинг кўринишлари, унинг қирралари ва намоён бўлиши хилма-хилдир. Инсонпарварлик, ҳалоллик, ташаббускорлик, фаоллик, ижодкорлик каби қатор муҳим тушунчалар ахлоқий фазилатга оид тушунчалардир. Жамиятнинг моддий-маънавий ривожланишига кадриятлар, тарбия воситаси бўлган турли қарашлар ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Маънавий кадриятлар мустақиллигимизнинг қарор топишида муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилишини унутмаслигимиз лозим.

Шахсда эстетик тарбия ҳамда эстетик маданият одоб-ахлоқ қоидалари замирида шаклланиб боради. Шарқона тарбия мезонларида иймон, эътиқод тушунчалари негизида эстетик маданиятнинг моҳияти мужассамлашган. Умумий ўрта таълим мактабларида мусиқа маданияти таълимида ўқувчиларни эстетик тарбиялаш воситаларидан бири Хоразм фольклор кўшиқларидир. Бундай фольклор кўшиқлари турли байрам ва тантаналарда айтилиши билан бир қаторда, мусиқа маданияти дарсларида ҳам ўрганилади. Бу жараён ўқувчининг ўзлигини англашга ёрдам бериб, унинг фаоллигини тезлаштиради. Ўқувчиларни фольклор кўшиқлари орқали эстетик тарбиялаш, аввало, уларнинг маънавий - ахлоқий дидини такомиллаштиради. Бунда ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари, индивидуаллигини ҳисобга олиш, мусиқани идрок қилиш, уни таҳлил қила олишга ўргатиш педагогик-психологик шарт-шароитларнинг мавжудлигига бевосита боғлиқ. Фольклор кўшиқлари орқали 5-7-синф ўқувчиларини эстетик тарбиялаш мусиқа санъатининг бошқа жанрлари, яъни мақом ва мумтоз ашулалар қаторида ўзининг қулайлиги ҳамда тингловчиларга тез етиб бориши билан ажралиб туради. Чунки, фольклор кўшиқларида халқнинг анъаналари, расм-русумлари, маданияти ўз ифодасини топган. Ўқувчилар ҳаётида мусиқа таълими алоҳида ўрин эгаллайди, уларда мусиқага бўлган қизиқиш шу даврда ниҳоят даражада жадаллашади. Бу эса ўқувчиларнинг интеллектуал, эстетик ва маънавий оламини бойитиш, ривожлантиришга хизмат қилади [2-30].

#### **ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ**

Ўқувчиларнинг мусиқани ёқтириши, фольклор кўшиқлари воситасида уларни гўзаллик оламига олиб кириш, ижрочилик маҳоратларидан баҳраманд бўлиш ва уларни ўз халқининг мусиқа асарларини кадрлашга ўргатиш муҳим аҳамият касб этади. Акс ҳолда уларда енгил-елпи мусиқага қизиқиш ортиб, мумтоз мусиқий оҳанглардан узоқлашиш хисси пайдо бўлади. Ёш авлодни фольклор кўшиқлари воситасида эстетик тарбиялашда мусиқани ҳиссий идрок қилишга йўналтириш энг асосий омил ҳисобланади.

Мусиқа таълимида ўқувчини қизиқтириш алоҳида аҳамиятга эга. Қизиқиш ўқувчиларнинг эҳтиёжига айланса, уларнинг диққати ва фикри, ҳаёлини жамлашга катта имкон беради. Хоразм мусиқа фольклори орқали ўқувчиларни эстетик тарбиялашнинг муҳим шартларидан бири-уларда мусиқий қобилиятнинг мавжудлигини аниқлай олишдадир. Мусиқага оид эстетик қобилият - бу, ўз навбатида, мусиқий идрокнинг икки муҳим томонини ўзида мужассамлаштиради:

- а) ҳиссий билиш;
- б) самарали билиш.

Ҳиссий идрок ҳар бир ўқувчининг мусикадан таъсирлана олиши, унинг гўзаллигини хис этиши, ҳаётӣ воқеаларни ўз қамровига сола олишида намоён бўлади. Самарали билиш мусикани идрок қилиш орқали ўқувчининг ўзини ўраб турган муҳит ва ҳаёт ҳақида унинг учун янгилик бўлган хабар, билимларни эгаллашга эришишдан иборат. Фольклор қўшиқларидан оладиган маълумотларнинг кенг қамровли бўлишини таъминлаш, ҳиссий таъсирчанликни ўстириш учун ўқувчиларнинг мусиқий маданиятини ривожлантириш зарур. Ўқувчиларга ўргатиладиган фольклор қўшиқларининг мусиқий беаги, ундаги нола ва қочиримлардан унумли фойдаланган ҳолда халқ анъаналари, удумлари ҳамда турли маросимлар билан узвий боғлаб, ўқувчиларга сингдириш лозим.

Хоразм мусика фольклори намуналари таъсирчанлигини таъминловчи асосий омиллардан бири-унинг ўқувчилар ҳиссиётига тез таъсир қила олишидир. Мусиқий оҳангнинг юксак даражада эмоционаллиги, унинг инсон ҳиссиёт ҳамда кечинмаларига самарали, кучли ва чуқур таъсир эта олишида намоён бўлади.

Фольклор қўшиқларини ижро этиш жараёнида сўзнинг эмоционаллиги билан биргаликда ундаги ўйноқлик, ҳаракатчанлик, эпчилликка ундаш, имоишоралар, товушларнинг оҳангдорлиги, чолғу созларнинг мусиқий жозибадорлиги ўқувчиларда гўзалликка бўлган интилишни шакллантиради ҳамда, эстетик тарбия воситаси бўлиб хизмат қилади. Эстетик тарбиялаш орқали ўқувчиларда маънавий-ахлоқий фазилатлар ҳам шакллантирилади. Марказий Осиё халқлари орасида мавжуд бўлган ва улар томонидан яратилган афсона, ривоят ва қўшиқларда ҳам эстетик тарбия бош мезон сифатида намоён бўлган. Қўшиқнинг сеҳри, жозибадорлиги ҳатто жаҳлдор, зулмкор ҳукмдорларни ҳам шаҳдидан қайтарган, адолатли бўлишга ундаган.

### **МУҲОКАМА**

Ривоятларга кўра, қадимда бир подшоҳ бўлган экан. У шундай жаҳлдор, зулмкор бўлган экан-ки, унинг олдида ҳеч ким ортиқча сўзлай олмас, ҳаракат қилмас экан. Кунлардан бир куни мамлакатадаги вояга етган йигитларни синовдан ўтказишни мақсад қилиб, жамики, йигитларни йиғишни буюрибди. Чопарлар мамлакатнинг тўрт томонига йўл олиб, йигитларни сарой олдидаги майдонга тўплабди. Йиғилганларнинг қўлига ўқ ва камон беришибди. Майдонга чиройли ясатилган бир отни чиқариб юбориб, йигитларга шу отга қарата камондан ўқ отиш топширилади. Шунда кизик воқеа юз беради. Барча йигитлар ўқ узадию, фақат сафда турган йигитлардан биттаси ўқ узмайди. Буни кузатиб турган подшоҳ йигитни дарҳол қатл қилишни буюради. Йигитни қатл қилиш олдидан унинг онаси подшоҳга ёлвориб ўғли ҳали уйланмаганлиги, чимилдик кўрмаганлигини, охирги марта бир қўшиқ куйлашига ижозат этишини сўрайди. Йигитнинг онаси шунақанги қўшиқ куйлайдики, унда онанинг дарди, халқнинг кўраётган зулми ифодаланади. Шоҳ олдидаги барча аёнлар, ҳаттоки подшоҳнинг ўзи ҳам йиғлаб юборади. Шоҳ онага юзланиб бу қанақа қўшиқ, менинг саройимдаги хонандалар ижро қилмаган бу мунгли қўшиқ қандай номланади? деб сўрайди. Она бу қўшиқ “Алла” эканини айтади. Шунда подшоҳнинг қалбида илиқлик пайдо бўлиб, йигитнинг жазосини бекор қилади ва ўша кундан бошлаб адолатли ҳамда меҳрибон шоҳ бўлишга аҳд қилади. Демак, мана шунга ўхшаган ривоят ва афсоналарда халқнинг эзгу ниятлари, орзу-умидлари, ахлоқий фазилатлари, анъаналари ўз аксини топган. Маънавий-ахлоқий фазилат каби унинг негизини ташкил қиладиган моддиймаънавий кадриятлар ҳам тарихий ҳодисалар сифатида халқ учун хос бўлган

хусусият бўлиб, авлоддан-авлодга ўтиб, изчил давом этиб келмоқда. Фольклор намуналарида ифодаланган ўғитлар, намуна кўрсатиш, ўрнатилган бўлиш, мурожаат қилиш, киноя, пичинг, кесатик каби поэтик воситалар бўлса; музика оҳанг, махсус кўринишлар эстетик тарбия манбаси сифатида хизмат қилади.

### ХУЛОСА

Фольклор қўшиқлари муҳим ижтимоий педагогик аҳамиятга эга. Жумладан, улар ўқувчиларни ёшлигиданоқ фойдали ишларга ўргатиш, жамият учун манфаат келтирадиган, баркамол шахс бўлиб етишишида муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари, фольклор қўшиқлари ўқувчиларда юксак инсоний фазилатлар: ватанпарварлик, меҳнатга муҳаббат, дўстга садоқат, одамларга ишонч туйғуларини шакллантиради. Музика фольклорини ўрганиш орқали ўқувчилар маънавий қадриятларнинг таъсир кучи, халқимизнинг миллий характери, ғоявий-сиёсий, ахлоқий, эстетик, иқтисодий, ақлий, жисмоний маданият каби тушунчаларга эга бўладилар. Шунинг учун, музика фольклори ўқувчиларда ахлоқий фазилатларнинг шаклланишида муҳим ўрин тутади.

### *Фойдаланилган адабиётлар:*

1. Абдуллаев А.А. санъат тарихи Т. 1991. 28 бет
2. Akhmedova M (2021). Psycholinguic features of oriental speech etiquette. Euro-Asia Conferences, 1 (1), pp. 203–205.
3. Akhmedova M (2021). Psycholinguic features of eastern speech etiquette. EConference Globe. Pp. 14-16.
4. Мадримов Б. (2021). Факторы нравственно-эстетического становления личности будущего профессионального музыканта. Scientific Progress. Vol. 1, issue 5, Pp. 576-580.
5. Мадримов Б.Х. (2021). О современной систематике музыкальных форм. Scientific Progress. 2 (4), pp. 922-927.
6. Nurmuhammadovich, R. O., & Nurullaevna, N. M. (2021). Social And Spiritual Importance of Lessons of Musical Culture. Journal of Pedagogical Inventions and Practices, 2(2), 50-52.
7. Nasritdinova, M., & Khokimova, K. (2021, October). LANGUAGE IS THE MIRROR OF THE NATION. In Archive of Conferences (pp. 92-94).
8. Nurullayevna, N. M., & Muhlis, T. (2021, December). SOME PROBLEMS AND SHORTCOMINGS IN THE HIGHER EDUCATION SYSTEM. In Archive of Conferences (pp. 61-62).
9. Sultonali Mannopov, A., Abdusalom Soliev, U., & Tokhir Shokirov, R. (2021). Development of Uzbek National Singing Art during Independence. *Annals of the Romanian Society for Cell Biology*, 6845-6853.

**АБУ АБДУЛЛОҲ МУҲАММАД ИБН АЛИ ҲАКИМ ТЕРМИЗИЙНИНГ  
“ОҚИЛЛАР ВА АЛДАНГАНЛАР” АСАРИДА НАФС ТАРБИЯСИНИНГ  
ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАРИ**

**А.Б.Қодирова**

ТерДУ Психология кафедраси в/б доценти, психология фанлари бўйича(PhD)  
фалсафа доктори

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6660069>

**Аннотация.** Нафс ишларда ботил, зулм, ёлгонни келтирса, эгасини кўр қилади, унга шуни зийнатлаб кўрсатади, уни алдайди, чалғитади ва бу алдов давом этади. Ҳавойи истаклар нафсининг шахматидир. У ҳақнинг катакларини бир-бир эгаллаб, ниҳоят қалбни ҳақдан тўлиқ ҳоли қилиб қўяди. Алданган киши ўз тажрибасизлиги, нодонлиги билан нафсга алданади. Қалби билан нафс буйруқларига итоат этади. Ҳавойи истаклар нафс соясида нафсга ўз ҳукмини оз-оздан ўтказаверади.

**Калим сўзлар:** нафс, ёлгон, алдов, қалб, истак, жаҳолат, ҳавойи нафс, ҳақ, адолат, тўғрилиқ.

**ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ФАКТОРЫ САМОВОСПИТАНИЯ В  
ПРОИЗВЕДЕНИИ АБУ АБДУЛЛЫ МУҲАММАДА ИБН АЛИ ҲАКИМА ТЕРМЕЗИ  
«МУДРЫЕ И ОБМАНУТЫЕ»**

**Аннотация.** Когда нафс приносит ложь, угнетение и ложь, он ослепляет своего владельца, украшает его, обманывает его, отвлекает его, и этот обман продолжается. Воздушные желания — шахматы нафса. Он занимает ячейки правды одну за другой и, наконец, освобождает душу от правды. Тот, кто обманут, обманут своей собственной неопытностью и невежеством. Он повинует команды нафса всем сердцем. Гавайские желания в тени похоти будут постепенно судить о похоти.

**Ключевые слова:** похоть, ложь, обман, сердце, желание, невежество, похоть, истина, справедливость, правильность.

**PSYCHOLOGICAL FACTORS OF SELF-EDUCATION IN THE WORK OF ABU  
ABDULLAH MUHAMMAD IBN ALI HAKIM TERMEZI "THE WISE AND THE  
DECEIVED"**

**Abstract.** When the nafs brings falsehood, oppression, and lies, it blinds its owner, adorns him, deceives him, distracts him, and this deception continues. Airy desires are the chess of the nafs. He occupies the cells of truth one by one, and finally frees the soul from the truth. He who is deceived is deceived by his own inexperience and ignorance. He obeys the commands of the nafs with his heart. Hawaiian desires in the shadow of lust will gradually pass their judgment on lust.

**Keywords:** lust, lie, deception, heart, desire, ignorance, lust, truth, justice, correctness.

**КИРИШ**

Ҳамд эгаси ва унга лойиқ Зот Аллоҳ таолога ҳамд бўлсин. Расули, набийи ва бандасига салаотлар бўлсин. Биз кўрдикки, Аллоҳ таолонинг дини уч устун: ҳақ, адолат, тўғрилиқ устига қурилган. Ҳақ аъзоларига, адолат қалбларга, тўғрилиқ ақлларга юкланган. Эртага амаллар тортилиши учун тарозига яқинлашганда яхшиликлар ҳақ палласига, ёмонликлар адолат палласига, тўғрилиқ тарозининг тилига қўйилади. Шу билан Аллоҳнинг ўз бандаларидан бандаликларига розилигининг ниҳояси каби яхшиликларнинг



ёмонликлардан оғирлиги маълум бўлади. Шу уч нарса жам бўлган ҳар бир киши: агар ундан (амалдан) ҳақ йўқолса, ўрнига ботил келади. Агар ундан адолат йўқолса, ўрнига зулм келади. Агар ундан тўғрилиқ йўқолса, ўрнига ёлғон келади. Мана шу уч нарса маърифатнинг қўшинидир. Уларнинг зидди бўлган уч нарса эса ҳавойи нафснинг қўшинидир. Нафс ҳавонинг идишидир. У алданганларни қуршаб олган. Нафслари уларни ўз ишларида ботил, зулм ва ёлғонга тушган ҳавойи истаклари билан алдайди.

### ТАДҚИҚОТЛАР МЕТОДИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Алданганлар умрларини қалб қулоқлари билан нафслари, ҳавойи истаклари буюрган уч нарсанинг бирини тинглаш ва унга эргашишга ўтказадилар. Нафс ишларда ботил, зулм, ёлғонни келтирса, эгасини кўр қилади, унга шуни зийнатлаб кўрсатади, уни алдайди, чалғитади ва бу алдов давом этади. Бу имтиҳон сиддиклар, зоҳидлар, обидлар, муттақийлар, зоҳир олимлари бошига бирдек тушади, уларнинг озчилиги бу алданишдан саломат қолади.[3]

Агар зоҳирда дин пешволари бўлган шу кишилар нафс алдовидан саломат бўлмас экан, “хослар” тўғрисида нима дейсан? Улар нафслари зийнатлаган нарсага алдандилар. Уларнинг амаллари - тўғрилиқ, зоҳидлик, ибодат, тақво йўлида чеккан машаққатлари кўнгилларида улуғ кўринди.

Мана шу нарсаларнинг чиройи, гўзаллиги, хусусан, шу нарсалардан пайдо бўлган фахр уларни адо қилди. Бу гўзалликлар улардаги ботиний ёмонликларни ёпди. Уларга шу нарсалар кўринмади. Шу сабабли умрларини алданиб ўтказдилар. Улар Аллоҳ таоло ҳузурига ёмон амаллари ўзларига чиройли кўрсатилган ҳолда келдилар. Улар бу ишларни яхши деб билиб, йўллари тўсилди. “Уларга Аллоҳдан ўзлари эътиборга олмаган нарса кўринди”, “Уларга қилган амалларининг ёмонликлари кўринди”, “Уларни истехзо қилган нарсалари ўраб олди”. Ҳар бир киши Аллоҳ тақдирида буюрган насибасини олади. Расулulloҳ (с.а.в)нинг “Гуноҳда давом этгани ҳолда унга истиффор айтган киши Раббисидан қулган кабидир” деган ҳадислари ҳам шу маънода. Гуноҳларнинг зоҳирий - ошкораси ва ботиний – пинҳона турлари бор. Аллоҳ таоло Ўз китобида “Гуноҳларнинг ошкорасию пинҳонини тарк қилинг” (*Анъом сураси, 12-оят*), деган. Мўминлардан ошкора гуноҳни тарк қилиб, пинҳонини тарк қилмаганлари бор. Яна улардан гуноҳларнинг ошкораю пинҳонини амалда тарк қилиб, лекин уларни фикрда, иккиланишда, исташда тарк қилмаганлари бор. Бу ҳали гуноҳдан пок бўлди дегани эмас.

Мўмин Аллоҳни танийди, имон билан хотиржамлик топади. Мусулмонлик исмига ҳақли бўлиб, мусулмон деб аталади, шундан сўнг ҳавойи истаклар бошчилигида нафс шаҳватлар билан келади. Аллоҳ таолонинг қазою қадари билан нафс ўз эгасини оз-оздан эгаллаб, алдаб бораверганда уни истиқоматдан оғдириб йиқитади, мақсаддан узоқлаштиради.[4]

Бу шахмат ўйнаётган икки шахматчига ўхшайди. Уларнинг ҳар бирига тегишли катаклар бор. Улардан бири рақибининг катакларини бирма-бир эгаллаб бораверади, охири ҳамма катакларни ўзиники қилиб, уни мот қилади.

Ҳавойи истаклар нафснинг шахматидир. У ҳақнинг катакларини бир-бир эгаллаб, ниҳоят қалбни ҳақдан тўлиқ ҳоли қилиб қўяди. Алданган киши ўз тажрибасизлиги, нодонлиги билан нафсга алданади. Қалби билан нафс буйруқларига итоат этади. Ҳавойи истаклар нафс соясида нафсга ўз ҳукмини оз-оздан ўтказаверади. Нафс эса қалбни ҳақдан



тўсиб, алдайди. Агар қалб буни қабул қилса, у алдангандир. Унинг ҳоли шундай давом этаверса, нафс фурсат топиб, қалбни сиртмоққа солади, асир қилади. Шундан сўнг қалб нафсга у чақирган ҳамма нарсада бўйсунди. Бора-бора нафс уни кичик гуноҳлардан катта гуноҳларга, ҳаёдан шармандаликка олиб чиқади.

### ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Отам Солиҳ ибн Муҳаммаддан, у Умар ибн Ҳорундан, у Қудома ибн Мусо ибн Қудомадан, у Ибн Мазъундан, у Русулulloҳ (с.а.в)дан ривоят қилади. У зот айтдилар: “Умматимга олимларнинг адашишидан, ҳакимларнинг тойилишидан ва ёмон таъвилдан кўрқаман”.

Абу Абдуллоҳ (раҳимахуллоҳ) айтди: “Ўшаларнинг барчаси алданганлардир. Билувчи нафс илм йўлида, ҳақдан кўр қилиб қўйилгандан кейингина жаҳолатга қадам босади, йўлдан адашади”.

Отам (раҳимахуллоҳ) Абдуллоҳ ибн Маслама Мағтабийдан, у Касир ибн Абдуллоҳ ибн Авф Музанийдан, у отасидан, у бобосидан, у Расулulloҳ(с.а.в)дан ривоят қилади. У зот айтдилар: “Умматимга ўзимдан сўнг энг кўрккан нарсам олимнинг адашиши, золимнинг ҳукмрон бўлиши ва эргашиладиган ҳавойи нафс”. Бунинг маъноси бизнинг наздимизда биринчи билан баробар. Золим ҳукм бу адашган ҳақимдир. Эргашилквчи ҳавойи истак ёмон таъвилдир. Икки ҳадиснинг маъноси бир, лафзи турлича. Ўшаларнинг барчаси адашганлардир. Билувчи нафс унга илм йўлини кўрсатмай қўйгандан сўнггина адашади. Жаҳолатга қадам босади, йўлини йўқотади. Ҳақим киши нафс уни кўр қилгандан кейингина нафс ва дунёга мойил бўлади. Таъвил қилувчи ёмон таъвил қилиб, ўзича ўлчовлар ва гумонлар тўқийди. Иблиснинг ўлчовлари ва гумонлари ҳам шунга ўхшайди. У: “Мен ундан яхшиман. Мени оловдан яратгансан”, деган.[:5-6]

Буларнинг барчаси нафс ва ҳавойи истаклар иши. Нафс ўз эгасига ҳавойи истаклар олиб келган ботилни, зулм ва ёлғонни чиройли қилиб кўрсатади. Қалб ўша нафс олиб келган нарсага ишонади. Бунда бу нарсаларнинг кўриниши чиройли, лекин ичи хунукдир. Аллоҳ таоло айтади: “Имон келтирган зотлар учун диллари Аллоҳнинг зикрига ва нозил бўлган ҳақ (Қуръон)га мойил бўлиш (вақти) келмадими?! (Яна улар учун) илгари китоб ато этилган, сўнгра (пайғамбарларидан кейинги) муддат узайгач, диллари қотиб кетган кимсалар каби бўлиб қолмаслик вақти келмадими?! Уларнинг кўпи фосиқ(итоат)сиздирлар! Билингизки, албатта, Аллоҳ “ўлган” ерни тирилтирур. Мана Биз ақл юргизишингиз учун сизларга оятларни батафсил баён қилдик” (*Ҳадид сураси, 16-17-оятлар*).

Китоб берилганларнинг қалблари уларга ҳақ нозил бўлганидан хушуда эди. Дунёда узоқ яшаб, неъматлар берилганидан сўнг эса бу муддат узайиб, нафс алдашга йўл топиб, уларни алдади. Натижада улар хушунини йўқотиб, қалблари қотди. Аллоҳнинг буйруқларига бўйсунмадилар ва лаънатландилар. Аллоҳ таоло айтади: “Ўз аҳдларини бузганлари сабали уларни лаънатладик”. Хушу кетса, унинг ўрнига жабр ва такаббурлик келади. Нафс кибрланади. Шунда Аллоҳ таолонинг раҳмати ва мадади узилади. Қалблар қотиб, Аллоҳнинг буйруқларига итоат қилмай қўяди. Бир киши деди: “Бизга шу уч тоифанинг ҳар биридан бир жиҳатини сифатлаб бер. Фикр қилайлик!”.[:6-7]

### МУҲОКАМА

Олимларнинг адашуви, ҳақимларнинг тойилиши ва ёмон таъвил нима? “Олимларнинг адашуви ақллари кеткизадиган саробга ўхшайди аллоҳ таоло ақлни

яратиб, унга: “Кел”, деган. У келган. Кейин унга: “Кет”, деган. У кетган. Шунда Аллоҳ: “Қудратимга қасамки, Мен ўзимга сендан кўра суюклироқ нарсани яратмадим. Сен сабали оламан ва сен сабабли бераман. Сен боис танбеҳ бераман. Мукофоту жазо ҳам сенга берилади”, деди.

Абу Абдуллоҳ (раҳимахуллоҳ) айтди: “Аллоҳ таоло муваҳҳидларга ақлни неъмат қилиб берди, одамларга зеҳн берди. Улар ўша зеҳн туфайли нарсаларни бир-биридан ажратадилар. Муваҳҳидлар ақл билан яхшиликларни ёмонликлардан ажратадилар. Шунинг учун Раббим ўз Китобида хамрни ҳаром қилган. Сўнг бандаларига ҳаром қилишнинг сабабини тушунтириб: “...шайтоннинг ишидан иборат ифлосликдирки, ундан четланингиз! Шояд шунда нажот топсангиз” (*Моида сураси, 90-оят*), деган.

Сизлар эса мўмин биродарларсиз. У сизларга хамрнинг Аллоҳнинг зикри ва намоздан тўсишини билдирди. Чунки у ақлни кеткизади. Ақл кетгач эса чиркин нарсалар келади. Шунга кўра ҳаромдан қайтишлари учун уларга хамрнинг зарарини, унинг ифлослигини билдирди. Яна: “Бас, бутлардан иборат нажосатдан узоқлашинг”, деди. Чунки хамр ҳам бутлар қаторига киради. Бу улкан адашув. Шунинг учун Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг умматлари учун ўшаларнинг адашувидан кўрқишлари ўринлидир. Ўша адашганларнинг ҳаром нарсани ҳалол қилишдаги ҳолатлари ҳам шундай. Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг: “Аллоҳ ҳаром қилганни ҳалол қилувчини, уни ўзига ҳалол қилдирган кишини ҳам лаънатлади”, деган ҳадислари мутавотирдир”.[7-8]

Ҳаким – дунё ва охират ишларида Аллоҳнинг тадбирини кўра оладиган киши. Унинг қалби ҳикмат нури билан дунёни тарк тарк қилиб, охиратини талаб қила олади. Қалб нури заифлиги сабабли огоҳликни тарк қилади, дунёга берилади ва натижада ўз мақомидан четлашади. Унинг бу четлашиши умматга зарар беради. Чунки уммат ундан куч олиб, уни ҳужжат қилган эди. Чунки дунё неъматлари нафс учун заҳарлидир. Уларнинг заҳари нафснинг улар билан хурсанд бўлишидир. Хурсандчилик қалбни асир қилади. Қалбнинг хурсандчилиги бор нарса. Қалб хурсандлиги Аллоҳнинг фазли ва раҳмати билан Унинг фазли бошқа одамларга ҳам тегишлидир. Аллоҳ (мўминга) тавҳид неъматини бериб, унинг қалбида шуни давомли қилиш билан раҳм қилди. Унга шунда собитликни насиб қилди.

Нафснинг хурсандлиги дўзах атрофи ўралган шахватлар билан бўлади.бу шахватлар иблиснинг Раббисидан олган насибасидир. Агар нафс неъмат сабабли ҳавойи нафс, душман одам боласига олиб келган ўша хурсандчилик билан хурсанд бўлса, кейин бу хурсандчилик қалбдаги Аллоҳ тарафидан, Унинг раҳмати билан келган хурсандчиликка етса, ундан устун келса, қалбни асир қилса, уни Аллоҳдан тўсиб қўяди. У дунёнинг неъматларига мафтун бўлиб қолади. Шунда қалб хурсандчилигини йўқотади. Хурсандчиликнинг ҳаммаси нафснинг шахватлар билан хурсандчилиги бўлиб қолади. Бу унинг қалбини ўраб олади. Агар Аллоҳ таолони зикр қилса, қалби сўник эканини, нафси эса эскириб, шалвираб қолган кийимдек бўлиб қолганини кўради. Мана шу унинг қалбига етарлича зарар, харобликдир. [9-10]

Ҳаким агар огоҳ бўлса-ю, лекин қалбига озгина бўлса ҳам нафс хурсандлиги етса, у тойилади ва зарари кўп бўлади. Чунки у алданади. Ҳикмати олиб қўйилади. Бунинг мисоли, ана шу ҳаким заҳари бор чаённинг нишини ип билан боғлаб қўйганга ўхшайди. Бунинг у чаён чаққанида заҳари терисига ўтмаслиги учун қилган. Кейин у чаёни олиб, енгига солган.

Боғлаган ипини эса текшириб ҳам кўрмади. Бу тарёк (заҳарга қариш дори)ни томирлари тўлгунча ичмаган ҳакимлардан эди. Яна томирлар йўллари, тешиklarини ҳам боғламади. Чаённи эса ўша боғичига ишониб енгига ташлаб қўйди. Лекин боғич ечилиб кетиб, чаён нишини урди ва заҳар ҳакимнинг терисидан ўтди. У ҳушини йўқотди, ақли ва зехни учди. Оқил ҳаким биргина боғичга ишонмайди. У огоҳ бўлиб: “Менинг боғланган ҳолда бўлса ҳам у чаённи ушламаслигим омонликдир. Агар уни кафтимда, кўз олдимда сергак бўлиб ушласам, яхши. Агар боғичдан ечилиб кетса, уни ечилмасдан олдинроқ отиб юборишга улгураман. Агар ундан омон бўлишни истасам, унинг нишини суғуриб оламан”, дейди. Ниҳоят у Аллоҳ таолонинг улуғлигини англаб етиб, қалби фақат Унга боғланса, Ўзини Аллоҳнинг измига топширади. У тўғрисида гапиради, Унинг зикри билан ақл юритади. У учун олади ва У учун беради. Ана шу банданинг қалби ва кўкси Аллоҳ сабали хурсандлик билан тўлган. Нафс ва шаҳватлардан қутулган. Унинг нафсидаги шаҳватлар Аллоҳнинг кўркуви ва ҳайбатидан ўлган. Ана шу киши заҳарга тўла нишни суғуриб ташлаган, дунёдан саломат бўлган кишидир. Агар дунёга яна қўл чўзса ва қалбида дунёдан хурсанд бўлишдан озроқ қолган бўлса, у яна огоҳликни унутади, алданади. Шунингдек, унга ишонч билан эргашганлар ҳам алданади. [:10-11]

Алданганларнинг биринчиси бутларга сиғинганлардир. Улар бутларга Аллоҳга яқинлаштиради, деб ибодат қилишди. Аллоҳни қўйиб, ўзларига уларни шафиъ қилдилар. Улар Аллоҳга имон келтиришди, сўнг ширк келтиришди. Аллоҳ таоло айтади: “Уларнинг аксарияти Аллоҳга фақат мушриклик ҳолларидагина “имон” келтирадилар” (*Юсуф сураси, 106-оят*). Ширк – бир нарсага боғланиб қолишдир. У овда ишлатиладиган “шарак” – овчининг тўри, тузоғи сўзидан олинган. Мушрикларнинг қалби бутларга боғланган. Шундай боғланганки, улар Аллоҳ эмас, ана шу бутлар уларга фойда ва зарар келтиради, деб ўйладилар. Улар бутлардан ўша товушини эшитганларида уни ёқтириб қолдилар. Одам боласи нимани ёқтирса, уни мақтайди, нафсидаги шаҳват сабали кўзига улуғ кўринади. Нафслари уларни ўзларидаги ана шу шаҳват билан алдайди.

### ХУЛОСА

Мўминлар бу боғланишдан Аллоҳ уларга берган тавҳид неъматини билан қутулдилар. Фақат Аллоҳга сиғиндилар. Барча фойда ва зарарни фақат Ундан деб билдилар. Ундангина умид қилдилар. Унгагина ибодат қилдилар. Кейин фойда ва зарари бор сабабларга йўлиқиб, уларга алдандилар. Бу нафс ишидир. Қалб эса, ҳар ишда Аллоҳга имо қилади. Уни мулоҳаза қилади. Нафс эса, нарсалар, уларда яширин бўлган сабабларни мулоҳаза қилади. Унинг яширинлиги – “У сенга буни одамларнинг қўлидан, осмондан, ердан, қуёшдан, ойдан, иссиқ, совуқ, хулқ ва ҳилқатдан бергандир. Асл берувчи Удир. Яралганлар сендан Уни тўсиб қўйди. Сен улардан зоҳирда, кўз ўнгингда оласан. Бу эса, ботинда бу нарсаларни Аллоҳ таолодан олишингни тақозо қилганди. Сенга бошингдаги кўзларингни барча нарсаларни кўришинг ва бунинг хабарини ботиндаги кўзингга етказиш учун берган. Рухнинг ҳаёт нури ана шу кўз туфайлидир. Қалбнинг кўзида доимо ҳаёт – Боқий Зотнинг нури бор. Ҳар доим ҳаёт – Боқий Зотнинг ҳаёт нури билан ботиний нарсалар, яъни рубубият идрок қилинади”.

Қалб кўзининг нури ошганида нарсаларни кўришинг ва билишинг ҳам ортади. Агар кўз кўришининг олдини булут каби бирор тўсиқ тўсса, кўришга етган заифлик ва ўртани тўсиб қолган булут сабабли нарсалар чаплашиб кўринади ва кўра олмай қоласан. Худди

шундай, агар қалб кўзи кўиришининг олдини гуноҳу маъсиятлар булути, нодонлик тутуни, ҳавойи нафс ғубори тўсиб қўйса, Аллоҳ таолонинг рубубий ишларини англай олмайсан, қалбингга етган заифлик туфайли буларни кўра олмайсан. Ана шунда сен нафс чақирган алдовларга ишонасан.[;16]

*Адабиётлар рўйхати:*

1. Термизий, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али Ҳаким. Оқиллар ва алданганлар/Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али Ҳаким Термизий; таржимон: А. Раҳматуллаев; Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази. - Тошкент: Movarounnahr, 2018-96 б.
2. Чориев З., Аннаев Т., Муртазаев Б., Аннаев Ж. Ал-Ҳаким ат-Термизий. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2008. – 149 б.
3. Омонтурдиев Ж. Ал-Ҳаким ат-Термизий таълимоти. – Тошкент: Университет, 2000. – 95 б.
4. Ал-Ҳаким ат-Термизий, Қайтарилган амаллар (ал-Манҳийёт). Араб тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи М. Исмоилов. – Самарқанд: “Имом Бухорий халқаро маркази”, 2019. – 256 б.
5. Термизий алломалар / С. Турсунов ва бошқ. – Тошкент: Yangi nashr, 2015. – 272 б.
6. Ал-Ҳаким ат-Термизий, “Яширин масалалар” (“ал-Масоил ал-макнунa”). Араб тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи М. Исмоилов. – Самарқанд: “Имом Бухорий халқаро маркази”, 2019. – 216 б.
7. Radtke B. Theologen und Mystiker in Hurasan und Transoxanien. Zeitschrift der Deutschen Morganländischen Gezelshaft. Stuttgart, 1986.
8. Термизий, Ал-Ҳаким. Нодир масалалар /араб тилидан таржима/. Муқаддима, таржима ва изоҳлар муаллифи И. С. Усмонов. – Т.: Мовароуннахр, 2007. – 88 б.
9. O'rinova, F. (2019). REPORT ON PROBLEMS IN THE PRE-SCHOOLS OF ORGANIZATIONAL PREVENTIVE CENTERS. *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 1(11), 311-315.
10. Уринова, Ф. У., & Эркинова, Ш. Ё. (2013). Значение инновационной индивидуальной работы в повышении эффективности самостоятельной учебной деятельности студентов. *Актуальные проблемы гуманитарных и естественных наук*, (12-2).
11. Uljaevna, U. F., & Shavkatovna, S. R. (2021). Development and education of preschool children. *ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL*, 11(2), 326-329.
12. Uljaevna, U. F., & Shavkatovna, S. R. DOI: 10.5958/2249-7137.2021. 00358. X “Development and education of preschool children” *ACADEMICIA. An International Multidisciplinary Research Journal. (Double Blind Refereed & Peer Reviewed Journal)*. ISSN, 2249-7137.
13. Jurayev R. K., Karakhanova L. M. Scientific And Methodical Bases Of The Use Of Electronic Educational Resources In Teaching Biology In General Educational Schools //International Journal of Advanced Science and Technology. – 2020. – Т. 29. – №. 8. – С. 3500-3505.

14. Мусахоновна Қ. Л. УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА БИОЛОГИЯ ФАНИДАН САМАРАДОРЛИККА ЭРИШИШДА ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМИЙ ВОСИТАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АСОСЛАРИ //Science and innovation. – 2022. – Т. 1. – №. В3. – С. 577-585.
15. Dzhuraev R. K., Karakhanova L. M. Model of the organization of research activities of 10th grade students in teaching physics and biology //International journal of discourse on Innovation, integration and education. – 2021. – Т. 2. – №. 01. – С. 296-300.
16. Karakhanova L. M. USE OF MEDIERE RESOURCES IN THE EDUCATIONAL PROCESS OF BIOLOGY IN SCHOOLS //International Scientific Review of the problems of pedagogy and psychology. – 2018. – С. 68-70.

## KONSTITUTSIYA – FAROVON HAYOT TAMOYILI

**Qodirova Feruza Mamurovna**

O'zbekiston Respublikasi Jamoat Xavfsizligi universiteti Xorijiy tillarni o'rganish  
kafedrasi katta o'qituvchisi

**Nurmuxammedova Guzal Baxodirovna**

O'zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti Jinoiy-huquqiy fanlar kafedrasi  
y.f.f.d. (PhD), dotsent

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6660174>

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada Konstitutsiyaning inson hayotidagi muhim o'rni, undagi huquq va majburiyatlar, Konstitutsiyaning bo'limlari va ularda nazarda tutilgan moddalar, jamiyat hayotidagi qonun ustuvorligi haqida bayon etilgan.

**Kalit so'zlar:** Konstitutsiya, davlat, fuqaro, jamiyat, qonun, norma, yuridik, bo'lim, huquq.

## КОНСТИТУЦИЯ - ПРИНЦИП БЛАГОПОЛУЧНОЙ ЖИЗНИ

**Аннотация.** В данной статье описывается важная роль Конституции в жизни человека, права и обязанности в ней, разделы Конституции и их статьи, правовое государство в обществе.

**Ключевые слова:** Конституция, государство, гражданин, общество, закон, норма, юридический, ведомство, закон.

## THE CONSTITUTION - THE PRINCIPLE OF A GOOD LIFE

**Abstract.** This article describes the important role of the Constitution in human life, the rights and obligations in it, the sections of the Constitution and their articles, the rule of law in society.

**Key words:** Constitution, state, citizen, society, law, norm, legal, agency, law.

## KIRISH

Konstitutsiya har bir davlatning asosiy qonuni hisoblarnadi. Uning normalari nafaqat davlat qurilishi, davlat hukumati va boshqaruvni tashkil qilish tamoyillarini, shu bilan birga ijtimoiy hayot normalarini ham tartibga soladi. Konstitutsiyada mustahkamlangan qoidalar yuridik asosni hosil qiladi, unga tayangan holda huquqning boshqa barcha tarmoqlari - fuqarolik, moliyaviy, jinoiy, mehnat va boshqalarning nomlari yaratiladi. Barcha me'yoriy – huquqiy hujjatlar (qonunlar, farmonlar, qarorlar va h.k) konstitutsiyaga asoslanadi. U barcha qonun hujjatlarining asosiy manbai hisoblanadi. Konstitutsiyada barcha joriy qonunlar uchun asosni tashkil qiladigan g'oyalar va nizomlar mustahkamlangan. Har bir davlatning huquqiy tizimida konstitutsiyaning ustuvorligi aynan shu bilan belgilanadi. Konstitutsiyaning yetakchi o'rni shunda ham ko'rinadiki, mazkur davlatning fuqarolari bilan birga davlat va uning organlari ham unga amal qilishga majbur. Huquq va davlatning aynan shunday mutanosibligida jamiyatda konstitutsiya va qonunlarning amaliy ijrosi ta'minlanadi.

## TADQIQOT MATERIALLARI VA METODOLOGIYASI

Inson butun hayoti davomida qonunga bevosita bog'liq bo'ladi. Kishi samolyotda uchganda, uy sotib olganda, mashina haydaganda, uylanganda, o'qiganda yoki ishlaganda shu singari – hamma hollarda u yoki bu qonunlarga ishi tushadi.

Konstitutsiyaviy huquq sohasi har bir mamlakat milliy huquq sohasining tarkibiy qismi, davlat va jamiyat hayotining muhim jihatlari, asosiy ijtimoiy munosabatlar tizimi hisoblanadi.



Ushbu ijtimoiy munosabatlar, o'z navbatida jamiyat hayotining siyosiy, iqtisodiy, ijtimoiy, madaniy va ma'naviy sohalarida namoyon bo'ladi. Shu bilan birgalikda, ushbu ijtimoiy munosabatlar amalda jamiyat hayotini yo'lga qo'yish, davlat hokimiyatini amalga oshirish, boshqa ijtimoiy hokimiyatlar maqomini belgilash, shuningdek inson va fuqarolar huquq, erkinlik hamda burchlari bilan bevosita bog'liq. Bir so'z bilan aytganda, inson, fuqaro, jamiyat va davlat hayoti bilan bog'liq eng asosiy ijtimoiy munosabatlar tizimi konstitutsiyaviy huquqning asosi hisoblanadi va aynan shu munosabatlar zahirida konstitutsiyaviy tuzum asoslari vujudga keladi, shakllanadi va rivojlanadi.

Mamlakatimiz milliy huquq tizimida O'zbekiston respublikasining konstitutsiyaviy tuzumi deb keng ma'noda konstitutsiya va qonunlar asosida qurilgan, umuminsoniy qadriyatlar ustuvor deb topilgan xalqimizning hayot tarzi tushuniladi. Konstitutsiya va qonunlarning ustuvorligi, ularda inson huquq va erkinligining eng oliy qadriyat sifatida mustahkamlanishi xalqaro huquqning umum e'tirof etilgan normalarining tan olinishi kabi qoidalar bugungi kunda konstitutsionalizmning asosi sifatida qaralmoqda.

Konstitutsiyaviy huquq milliy huquq tizimidagi ko'plab huquq tarmoqlaridan biri hisoblanadi. Biroq ta'kidlash joizki, huquq fanida "konstitutsiyaviy huquq" atamasi turli ma'nolarda qo'llaniladi. Bir tomondan, bu huquqning aniq bir tarmog'i, bunda "konstitutsiyaviy huquq"ning ko'plab xilma xil tarmoqlaridan bir sifatida qatnashadi. Ikkinchi tomondan, mazkur atama "konstitutsiyaviy huquq"ning yuridik fan tarkibiy qismi sifatidagi mazmunini ochib beradi. Uchinchidan esa bu atama ostida ta'lim muassasalarida o'rganiladigan o'quv predmeti tushuniladi. Huquqning tarmog'i sifatida konstitutsiyaviy huquq jamoatchilik munosabatlarini tartibga soladi. Fan sifatida davlat qurilish, shaxs va fuqaroning huquqiy maqomi, davlatning faoliyati, tuzilishi va hokazolarni o'rganadi. O'quv predmeti sifatida esa ma'rifatchilik vazifasini bajaradi va sohada to'plangan bilimlarni tarqatadi.

### **TADQIQOT NATIJALARI**

Konstitutsiyaviy tuzumning mazmun mohiyatini anglash borasida konstitutsiya tomonidan o'rnatilgan tamoyillar salmoqli ahamiyat kasb etadi. Konstitutsiyaviy huquq tizimining asosi hisoblangan tamoyillarning ahamiyati, avvalo, ularning mazmunida umuminsoniy qadriyatlarining yotganligi, xalqaro umum e'tirof etilgan qoidalarining ustuvorligi asosida yaratilganligi va ular o'z navbatida milliy huquq tizimining poydevori bo'lib xizmat qilishi bilan ifodalanadi. Konstitutsiyaviy tamoyillarning ahamiyatli jihati yana shunda namoyon bo'ladiki, ushbu tamoyillar shaxs, jamiyat va davlat munosabatlarining ustuvor yo'nalishlarini, eng ahamiyatli jihatlarini o'zida ifoda etadi. Birgina davlat tuzumi yoki konstitutsiyaviy tuzum deb ifodalanuvchi konstitutsiyaviy tushunchalarni qo'llashda qaysi manfaatlar ilgari surilayotganligini ilg'ab olish qiyin emas. Agar davlat tuzumi tushunchasining zahirida davlat manfaatlari yoki davlat hokimiyatining ustuvorligi kabi g'oyalar mujassam bo'lsa, konstitutsiyaviy tuzum tushunchasi asosan konstitutsiyaviy qoidalarining ustuvorligi, ya'ni konstitutsiya tamoyillarining amaliy ifodasini namoyon etadi va shu orqali konstitutsiyaviy huquqiy munosabat himoya qilinayotganligi ko'proq anglanadi.

Konstitutsiya fuqarolarning, ular qayerda bo'lishlaridan qat'i nazar, qonun tomonidan kafolatlangan davlat himoyasida ekanliklarini tasdiqlaydi. Bundan tashqari, asosiy qonunda jamiyatning hayot faoliyati sohalaridan kelib chiqib, huquq va erkinliklar taqsimlab berilgan. Shaxs va davlat munosabatlari nafaqat har bir milliy huquq tizimi, balki xalqaro huquqning ham

eng muhim obyekti hisoblanib, ushbu munosabatlarni insoniylik mezonlari asosida tashkil qilish har bir jamiyat va davlat zimmasiga ulkan mas'uliyat yuklaydi. Konstitutsiyamiz insonning erkinligi va shaxsiy daxlsizligi huquqlarini qat'iy belgilabgina qolmay, uning sha'ni va obro'yini ham Konstitutsiyaviy tamoyillarning ahamiyatli jihati yana shunda namoyon bo'ladiki, ushbu tamoyillar shaxs, jamiyat va davlat munosabatlarining ustuvor yo'nalishlarini, eng ahamiyatli jihatlarini o'zida ifoda etadi. Birgina davlat tuzumi yoki konstitutsiyaviy tuzum deb ifodalanuvchi konstitutsiyaviy tushunchalarni qo'llashda qaysi manfaatlar ilgari surilayotganligini ilg'ab olish qiyin emas.

### **MUHOKAMA**

O'zbekiston Respublikasi konstitutsiyasi xalqaro hamjamiyat e'tirof etgan insonparvarlik prinsiplariga ko'ra, xalqimiz farovonligini ta'minlash uchun xizmat qilmoqda, inson haq huquqlari va erkinliklarining ustuvorligini ta'minlamoqda. Bu esa xalqaro huquqning umume'tirof etilgan, umumjahon miqyosida tan olingan barcha muhim qoidalari va prinsiplariga to'la mos keladi. Shuningdek, O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasida fuqarolarga siyosiy partiyalar va jamoat birlashmalariga birlashish huquqini beruvchi Konstitutsiya va qonunlarga zid kelmagan holatlarda amalga oshirishlari mumkinligi belgilab qo'yilgan. Vakolatli organlarga ariza, taklif va shikoyatlar bilan murojaat qilish-bu fuqarolarning davlat va jamiyat ishlarini boshqarishda ishtirok etishining amaliy shakllaridan biri bo'lib, bu huquq-fuqarolarning siyosiy faolligini namoyon qilishlarini, shuningdek, o'zlarining huquqlarini himoya qilishning muhim vositalaridan biridir.

### **XULOSA**

So'nggi yillarda mamlakatimizda davlat va jamiyat hayotining barcha jabhalarini tubdan isloh qilish, jumladan, inson huquqlarini ta'minlash, tadbirkorlikni rivojlantirish, davlat hokimiyatini "xalq xizmatkori" tizimiga aylantirish, davlat hokimiyati va boshqaruvi organlari faoliyatini yanada rivojlantirish, davlat va jamiyat hayotining barcha sohalarini tubdan isloh qilish borasida tizimli ishlar amalga oshirilmoqda. Shu jumladan, hozirgi kunda qomusimiz bo'lgan konstitutsiyaga ham o'zgartirish kiritish bo'yicha takliflar qabul qilinyapdi. Shu bilan birga, yangi O'zbekistonni rivojlantirish strategiyasi doirasida ilgari surilgan keng ko'lamli vazifalar, xususan, adolatli davlat barpo etish, inson huquq va manfaatlarini, uning qadr-qimmatini yanada samarali ta'minlash kabi muhim maqsadlarga ham alohida e'tibor qaratilmoqda. Ularni amalga oshirish uchun zarur huquqiy asoslarni ta'minlovchi konstitutsiyaviy makonni yanada takomillashtirish oliy majlis tomonidan ko'rib chiqilmoqda.

### ***Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:***

1. [https://uzsm.uz/uz/press\\_center/uzb\\_news/konstitutsiya-va-qonunustuvorligi-huquqiy-demokratik-davlat-va-fuqarolik-jamiyatining-eng-muhimmez/](https://uzsm.uz/uz/press_center/uzb_news/konstitutsiya-va-qonunustuvorligi-huquqiy-demokratik-davlat-va-fuqarolik-jamiyatining-eng-muhimmez/)
2. V. A. Kostetskiy. (davlat va huquq asoslar) -T.(Ynagiyo'l Poligraf Servis)
3. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiya.

## АЁЛЛАР ДЕВИАНТ ХУЛҚ-АТВОРИНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ ДИАГНОСТИКАСИ

Холмуротова Шохиста Мирзалиевна

Термиз давлат университети Психолгия кафедраси ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6660300>

**Анотация.** Психологияда турли жинсдаги кишилар руҳиятида ўзига хосликлар мавжудлиги масаласи ҳар томонлама илмий-психологик тадқиқотлар асосида асосланган. Аёл ва эркак психологиясидаги айрим жиҳатларни ўрганиш бугунги кунда нафақат психология илми нуқтаи назаридан балки, жамият, инсон, шахс, оила, шахслараро муносабатлар ва ёшлар тарбияси билан боғлиқ муаммо эканлигини кўриш мумкин.

**Калит сўзлар:** психология, аёл ва эркак психологияси, ватани равнақи учун, фарзандлар тарбияси, аёл жамиятнинг алоҳида аъзоси.

## ДИАГНОСТИКА ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ ОСОБЕННОСТЕЙ ДЕВИАНТНОГО ПОВЕДЕНИЯ ЖЕНЩИН

**Аннотация.** В психологии вопрос о наличии особенностей в психике людей разного пола основан на комплексном научно-психологическом исследовании. Изучение некоторых аспектов женской и мужской психологии сегодня можно рассматривать не только с точки зрения науки психологии, но и как проблему, связанную с обществом, человеком, личностью, семьей, межличностными отношениями и воспитанием молодежи.

**Ключевые слова:** психология, женская и мужская психология, развитие страны, воспитание детей, особый член общества.

## DIAGNOSIS OF PSYCHOLOGICAL CHARACTERISTICS OF WOMEN'S DEVIANТ BEHAVIOR

**Abstract.** In psychology, the question of the existence of peculiarities in the psyche of people of different genders is based on a comprehensive scientific and psychological research. The study of some aspects of female and male psychology today can be seen not only from the point of view of the science of psychology, but also as a problem related to society, man, individual, family, interpersonal relationships and youth upbringing.

**Keywords:** psychology, female and male psychology, for the development of the country, child rearing, a special member of society.

## КИРИШ

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев ўз маърузаларида «Олдимизда ёшларга тарбия бериш, психология ва бошқа турли соҳаларда кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича мураккаб вазифалар турибди» – деб тайкидлаганлар. Дарҳақиқат, маънавий-психологик қиёфаси мукамал ва мустаҳкам шаклланган киши ҳар қандай қийинчилик ва тўсиқларни енгиб ўта олади, ўз шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилади, бошқаларнинг ҳам кадрига етади, энг муҳими бугунги кунда жамиятимизда рўй бераётган бунёдкорлик ишлари ва унинг халқ тинчлиги ва фаровонлиги учун аҳамиятини чуқур англаб, кадрлайдиган бўлиб шаклланади. Кейинги йилларда вилоятимиз аҳолиси ичида кичик муаммолар туфайди оилавий жанжаллар, оилада шахслараро муносабатлардаги зиддиятли вазиятларни ҳал этиш қувининг пастлиги туфайли, ажримлар, ўсмир ёшдаги болалар, катталар айниқса, аёлларнинг ўз жонига қасд қилишлари, нохушликлар ва бошқа

жиноятлар кузатилмоқда. Бу эса аҳолининг маънавий психологик савиясини ўстириш бўйича махсус тадбирларни амалга ошириш бугунги куннинг талаби эканлигини кўрсатмоқда.

### **ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ**

Психологияда турли жинсдаги кишилар рухиятида ўзига хосликлар мавжудлиги масаласи ҳар томонлама илмий-психологик тадқиқотлар асосида асосланган. Аёл ва эркак психологиясидаги айрим жиҳатларни ўрганиш бугунги кунда нафақат психология илми нуқтаи назаридан балки, жамият, инсон, шахс, оила, шахслараро муносабатлар ва ёшлар тарбияси билан боғлиқ муаммо эканлигини кўриш мумкин. Аёл жамиятда алоҳида ўринга эга зотдир. Энг аввало аёл бу-она, опа ва сингил, рафиқа. Жамиятда эса эркаклар билан бир қаторда туриб, ўз оиласи, ватани равнақи учун, фарзандлар тарбияси учун катта масъулиятлар билан ҳаракатда бўлган ўзи нозик бўлсада, катта ишларга қодир ҳилқатдир. Ана шундай улуғ таърифларга эга бўлган аёл зоти ичида баъзан унинг шаънига доғ келтирадиганлари ҳам учраб туради. Бу албатта якка шахс, оила ёки алоҳида бир кишиларнинг эмас балки, жамиятнинг ҳам муаммосидир. Чунки, “бир қўлида бешикни, бир қўлида эса дунёни тебратадиган аёл”нинг ҳар томонлама комил бўлиши жамиятнинг равнақи учун хизмат қилади.

Жамиятнинг бошқа аъзолари каби, ҳар бир аёл жамиятнинг алоҳида аъзоси сифатида жамиятда қабул қилинган қоидалар, меъёрларни ўзига синдириб боради. Айнан жамиятда қабул қилинган норма ва меъёрларни англаш ва уларга амал қилиш аёл шахси ва хулқ-атворининг нормаси ҳисобланади. Аммо, айрим сабаблар таъсирида баъзи аёллар ижтимоий нормаларга зид келадиган хулқ-атворга эга бўлиб шаклланади. Бундай аёллар психологияда хулқи оғишган аёллар деб юритилади.

Жамият қонун - қоидаларига тўғри келмайдиган тасаввурлар ва тушунчалар аёлларнинг асаб тизимига, темпераментига, характериға кучли таъсир қилади. Уларнинг ижтимоий ва биологик хусусиятлари ҳақидаги умумий маълумотлар ҳар доим ҳам муҳим масалаларни очишга ёрдам бера олмайди. Бунинг учун аёлларнинг аввало жинс хусусиятлари, имкониятлари, эҳтиёжлари, оила муҳити, тарбияланганлик даражаси, хулқида оғишларни келтириб чиқарувчи шарт-шароитларини ҳам ҳисобга олиш зарур. Демак, аёллар билан боғлиқ хулқ оғишлари ва уларнинг оқибатида айрим жиноятлар ўз-ўзидан келиб чиқмайди. Биологик ва социал имкониятларни аёллар шахси ва хулқи шаклланишига катта таъсир кўрсатади.

### **ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ**

Инсон туғилганда ҳеч қачон хулқи оғишган бўлмайди. Аммо унинг муҳити, яшаш шароити, оилавий аҳволи ва улар билан боғлиқ вазиятлар ана шундай ижтимоий зарарли хусусиятларга олиб келиши мумкин. Демак, жиноятчилик ҳам ирсият орқали ўтмайди. Бола онасининг қорнидан жиноятчи бўлиб туғилмайди. Жиноятчилик атрофдаги муҳит, муносабатлар (ота - она, тенгдошлар, катталар билан бўладиган) таълим - тарбия таъсиридан келиб чиқиши мумкин. Унинг пайдо бўлишига қизиқиш, эҳтиёж, ироданинг пастлиги ҳам сабаб бўлади.

Хулқ-атвори оғир аёлларнинг шахси шаклланишига кўпчилик ҳолларда оилавий шарт-шароитлар, ота-онанинг ёки қариндошларнинг ичкиликбозлиги, уларнинг ахлоққа зид хулқ-атворлари салбий таъсир ўтказади. Хулқи оғишган аёллар учун одатда ҳаётга,

умум эътироф этилган қоидаларга нисбатан зид муносабат хос бўлиб, охир-оқибатда бу уларни яқинларига қарама-қарши қилиб қўяди. Аксарият ҳолларда ҳуқуқбузар аёллар – ички салбий муносабатлар натижасида оиласида ўз ўрнини топа олмаганлар бўлиб чиқади. Дастлаб хулқи нормада бўлган аёл, унга нисбатан бўлган ноҳақликлар, камситиш, тан олмаслик, таҳқирлаш, хўрлаш, сурункали тазйиқлар туфайли ўз хулқини ўзи мажбуран ўзгартириши ҳолатлари ҳам учрайди. Бунга мисол тариқасида, айрим оилаларда ханузгача сақланиб келаётган аёлларга нисбатан хизматкор сифатида муносабатда бўлиш, уларга кўрсатиладиган турли зўравонликларни келтириш мумкин.

Айрим ҳолларда эса аёллардаги девиант хулқ атвор уларнинг тарбиясизликлари, манманликлари, ҳаёсизликлари ва бошқа салбий характерологик хусусиятлари ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Аёлларда доимий мулоқотга эҳтиёжнинг кучайиши, ўзлигини тасдиқлашга интилиш, бошқаларининг ўзи ҳақидаги фикр мулоҳазаларига таъсирчанлик – кўпчилик хулқи оғишган аёлларга хос хусусиятлардир. Номмақбул оилавий шарт - шароитлар хулқи оғишган аёл шахсининг шаклланишидаги энг асосий омил бўлиб ҳисобланади. Оилавий жанжаллар, аёлларнинг жисмоний жазоланиб турилиши, табиий равишда тормозлашув меъёрлари бузилишига, қизиққонлик, ўта кўзгалувчанлик, ўзини қўлга ола билмаслик каби иллатларнинг туғилишига сабаб бўлади.

Шундай экан, жамиятда аёлларга алоҳида эътибор қаратилаётган ҳозирги шароитда уларнинг психологик хусусиятларини ўрганиш ва ижтимоий жиҳатдан ижобий хулқни шаклланишини, уларнинг хулқ-атворини ижтимоий нормаларга мувофиқлаштириш психологлар олдидаги вазифа бўлиб қолади. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев ўз маърузаларида «Олдимизда ёшларга тарбия бериш, психология ва бошқа турли соҳаларда кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича мураккаб вазифалар турибди» – деб тайкидлаганлар. Дарҳақиқат, маънавий-психологик қиёфаси мукамал ва мустаҳкам шаклланган киши ҳар қандай қийинчилик ва тўсиқларни енгиб ўта олади, ўз шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилади, бошқаларнинг ҳам қадрига етади, энг муҳими бугунги кунда жамиятимизда рўй бераётган бунёдкорлик ишлари ва унинг халқ тинчлиги ва фаровонлиги учун аҳамиятини чуқур англаб, қадрлайдиган бўлиб шаклланади. Кейинги йилларда вилоятимиз аҳолиси ичида кичик муаммолар туфайли оилавий жанжаллар, оилада шахслараро муносабатлардаги зиддиятли вазиятларни ҳал этиш уқувининг пастлиги туфайли, ажримлар, ўсмир ёшдаги болалар, катталар айниқса, аёлларнинг ўз жонига қасд қилишлари, нохушликлар ва бошқа жиноятлар кузатилмоқда. Бу эса аҳолининг маънавий психологик савиясини ўстириш бўйича махсус тадбирларни амалга ошириш бугунги куннинг талаби эканлигини кўрсатмоқда.

### **МУҲОКАМА**

Психологияда турли жинсдаги кишилар руҳиятида ўзига хосликлар мавжудлиги масаласи ҳар томонлама илмий-психологик тадқиқотлар асосида асосланган. Аёл ва эркак психологиясидаги айрим жиҳатларни ўрганиш бугунги кунда нафақат психология илми нуқтаи назаридан балки, жамият, инсон, шахс, оила, шахслараро муносабатлар ва ёшлар тарбияси билан боғлиқ муаммо эканлигини кўриш мумкин. Аёл жамиятда алоҳида ўринга эга зотдир. Энг аввало аёл бу-она, опа ва сингил, рафиқа. Жамиятда эса эркаклар билан бир қаторда туриб, ўз оиласи, ватани равнақи учун, фарзандлар тарбияси учун катта



масъулиятлар билан ҳаракатда бўлган ўзи нозик бўлсада, катта ишларга қодир ҳилқатдир. Ана шундай улуғ таърифларга эга бўлган аёл зоти ичида баъзан унинг шаънига доғ келтирадиганлари ҳам учраб туради. Бу албатта якка шахс, оила ёки алоҳида бир кишиларнинг эмас балки, жамиятнинг ҳам муаммосидир. Чунки, “бир қўлида бешикни, бир қўлида эса дунёни тебратадиган аёл”нинг ҳар томонлама комил бўлиши жамиятнинг равнақи учун хизмат қилади.

Жамиятнинг бошқа аъзолари каби, ҳар бир аёл жамиятнинг алоҳида аъзоси сифатида жамиятда қабул қилинган қоидалар, меъёрларни ўзига синдириб боради. Айнан жамиятда қабул қилинган норма ва меъёрларни англаш ва уларга амал қилиш аёл шахси ва хулқ-атворининг нормаси ҳисобланади. Аммо, айрим сабаблар таъсирида баъзи аёллар ижтимоий нормаларга зид келадиган хулқ-атворга эга бўлиб шаклланади. Бундай аёллар психологияда хулқи оғишган аёллар деб юритилади.

Жамият қонун - қоидаларига тўғри келмайдиган тасаввурлар ва тушунчалар аёлларнинг асаб тизимига, темпераментига, характериға кучли таъсир қилади. Уларнинг ижтимоий ва биологик хусусиятлари ҳақидаги умумий маълумотлар ҳар доим ҳам муҳим масалаларни очишга ёрдам бера олмайди. Бунинг учун аёлларнинг аввало жинс хусусиятлари, имкониятлари, эҳтиёжлари, оила муҳити, тарбияланганлик даражаси, хулқида оғишларни келтириб чиқарувчи шарт-шароитларини ҳам ҳисобга олиш зарур. Демак, аёллар билан боғлиқ хулқ оғишлари ва уларнинг оқибатида айрим жиноятлар ўз-ўзидан келиб чиқмайди. Биологик ва социал имкониятларни аёллар шахси ва хулқи шаклланишига катта таъсир кўрсатади.

Инсон туғилганда ҳеч қачон хулқи оғишган бўлмайди. Аммо унинг муҳити, яшаш шароити, оилавий аҳволи ва улар билан боғлиқ вазиятлар ана шундай ижтимоий зарарли хусусиятларга олиб келиши мумкин. Демак, жиноятчилик ҳам ирсият орқали ўтмайди. Бола онасининг қорнидан жиноятчи бўлиб туғилмайди. Жиноятчилик атрофдаги муҳит, муносабатлар (ота - она, тенгдошлар, катталар билан бўладиган) таълим - тарбия таъсиридан келиб чиқиши мумкин. Унинг пайдо бўлишига қизиқиш, эҳтиёж, ироданинг пастлиги ҳам сабаб бўлади.

Хулқ-атвори оғир аёлларнинг шахси шаклланишига кўпчилик ҳолларда оилавий шарт-шароитлар, ота-онанинг ёки қариндошларнинг ичкиликбозлиги, уларнинг ахлоққа зид хулқ-атворлари салбий таъсир ўтказади. Хулқи оғишган аёллар учун одатда ҳаётга, умум эътироф этилган қоидаларга нисбатан зид муносабат хос бўлиб, охир-оқибатда бу уларни яқинларига қарама-қарши қилиб қўяди. Аксарият ҳолларда ҳуқуқбузар аёллар – ички салбий муносабатлар натижасида оиласида ўз ўрнини топа олмаганлар бўлиб чиқади. Дастлаб хулқи нормада бўлган аёл, унга нисбатан бўлган ноҳақликлар, камситиш, тан олмаслик, таҳқирлаш, хўрлаш, сурункали тазйиқлар туфайли ўз хулқини ўзи мажбуран ўзгартириши ҳолатлари ҳам учрайди. Бунга мисол тариқасида, айрим оилаларда ханузгача сақланиб келаётган аёлларга нисбатан хизматкор сифатида муносабатда бўлиш, уларга кўрсатиладиган турли зўравонликларни келтириш мумкин.

Айрим ҳолларда эса аёллардаги девиант хулқ атвор уларнинг тарбиясизликлари, манманликлари, ҳаёсизликлари ва бошқа салбий ҳарактерологик хусусиятлари ҳам сабаб бўлиши мумкин.

#### **ХУЛОСА**



Аёлларда доимий мулоқотга эҳтиёжнинг кучайиши, ўзлигини тасдиқлашга интилиш, бошқаларининг ўзи ҳақидаги фикр мулоҳазаларига таъсирчанлик – кўпчилик хулқи оғишган аёлларга хос хусусиятлардир. Номмақбул оилавий шарт - шароитлар хулқи оғишган аёл шахсининг шаклланишидаги энг асосий омил бўлиб ҳисобланади. Оилавий жанжаллар, аёлларнинг жисмоний жазоланиб турилиши, табиий равишда тормозлашув меъёрлари бузилишига, қизиққонлик, ўта кўзгалувчанлик, ўзини қўлга ола билмаслик каби иллатларнинг туғилишига сабаб бўлади.

Шундай экан, жамиятда аёлларга алоҳида эътибор қаратилаётган ҳозирги шароитда уларнинг психологик хусусиятларини ўрганиш ва ижтимоий жиҳатдан ижобий хулқни шаклланишини, уларнинг хулқ-атворини ижтимоий нормаларга мувофиқлаштириш психологлар олдидаги вазифа бўлиб қолади.

*Фойдаланган адабиётлар рўйхати:*

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга курамыш. “Ўзбекистон”, 2017.
2. Ғозиев Э., Жабборов А. Фаолият ва хулқ-атвор мотивацияси: Т, 2003.
3. Умаров Б.М. Ўзбекистонда вояга етмаганлар жиноятчилигининг ижтимоий-психологик муаммолари. Монография. – Тошкент, “Фан” нашриёти – 2008,
4. Умаров Б.М “Ўзбекистонда вояга етмаганлар жиноятчилигининг ижтимоий психологик муаммолари” Авт...реф.док... дис. 2010й
5. Шарафутдинова Х.Г. “ Ўспирин шахси ва ақлий хусусиятлари Психология муаммолари” Республика илмий-амалий анжумани материаллари. ТДПУ. Термиз. 2010 йил.
6. Шарафутдинова Х.Г “Ўз-ўзини назорат қилиш хусусиятларини шаклланишида оиланинг роли” ХХІ аср психологиясининг назарий ва амалий муаммолари”ни ўрганишга бағишланган. Республика илмий-амалий конференцияси. Тошкент, 2012.
7. Шарафутдинова Х.Г “Аёллар руҳиятининг замонга мослашуви”. Олима аёллар: кеча ва бугун. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Термиз, 2012.

## BOSHLANG'ICH TA'LIMDA DIDAKTIK O'YINLI TA'LIM TEKNOLOGIYALARINING SAMARADORLIGI

Sarvinoz Rahimjonova To'lqin qizi

Qo'qon universiteti bakalavrianti

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6660387>

**Annotatsiya.** Maqolada boshlang'ich sinflarda tabiatshunoslik fanini o'qitish jarayonida didaktik o'yinlardan foydalanish va uning metodologiyasi haqida so'z yuritilgan.

**Kalit so'zlar:** O'qitish metodi, ta'lim texnologiyalari, verbal muloqot, ta'lim jarayoni, shaxs, didaktika.

## ЭФФЕКТИВНОСТЬ ДИДАКТИЧЕСКИХ ИГРОВЫХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В НАЧАЛЬНОМ ОБРАЗОВАНИИ

**Аннотация.** В статье освещены место и значение использования дидактико-игровых образовательных педагогических технологий, а также методика их применения в процессе обучения природоведению в начальных классов.

**Ключевые слова:** Метод обучения, образовательные методы, вербальное общение, процесс обучения, личность, дидактика.

## EFFECTIVENESS OF DIDACTIC GAME EDUCATION TECHNOLOGIES IN PRIMARY EDUCATION

**Abstract.** In the article is lightened the place and importance of didactic game educational technologies implementation in teaching of nature studies in the primary classes and its methodics in the teaching process.

**Keywords:** teaching method, educational methods, oral speech, teaching process, personality, didactics.

## KIRISH

Ushbu muammolarni tahlil qilishdan avval quyidagi ma'lumotlar, tushuncha va atamalar ustida to'xtab o'tish lozim. Zamonaviy pedagogik texnologiyalar mohiyati o'quvchiga bilim berish, ularni to'liq o'zlashtirishdan iborat. Ta'lim muassasalarida pedagogik texnologiyalar asosida dars o'tishda asosiy talab o'quvchining hayotiy tajribasi, avval o'zlashtirgan bilimi va qiziqishlari asosida yangi bilim berishni ko'zda tutadi.

Ta'lim jarayonida pedagogik texnologiyalardan foydalanish samaradorligi o'zining ko'p qirraliligi bilan namoyon bo'lmoqda. "O'quvchining ruhiy holatlari, uning kelajakda rivojlanishi (yoki pasayishi) qanday hisobga olinyapti?", degan savollarning yechimiga bog'liq. Shu jihatdan olganda, pedagogik texnologiya shaxs rivojlanishi bosqichlarini loyihalashtirish, tashxislash va differensiyalash imkoniyatlariga ega. Bu pedagogning ta'lim texnologiyalaridan foydalanish qobiliyatiga bog'liq.

Uzluksiz ta'lim tizimida zamonaviy pedagogik, axborot texnologiyalaridan foydalanish o'quv materiallarini o'quvchi tomonidan qabul qilish va o'zlashtirish samarasini oshiradi.

Shu bois shaxsiy kompyuterlar ta'lim vositasiga aylanmoqda. Bu shaxsiy kompyuter o'qituvchining barcha funksiyalarini o'z zimmasiga oldi, degani emas, albatta. Balki o'quvchining shaxsiy kompyuter bilan ishlashi ta'lim jarayonini samarali tashkil qilishga imkoniyat yaratadi.

Bugungi kunda har bir sohaning takomillashishi, rivojlanishi uchun xilma-xil metodlar qo'llanilayotganidek, ta'lim-tarbiya sohasida ham turli xil metodlardan foydalanilmoqda. Shundan

tabiat haqidagi fan – tabiatshunoslik darslarini o‘qitishda didaktik o‘yinli texnologiyalarning metodlaridan foydalanish maqsadga muvofiqdir, chunki tabiatshunoslik darslarida qo‘llaniladigan metodlarning xilma-xilligi o‘quvchida fanni bilishga qiziqishini orttiradi.

### **TADQIQOT MATERIALLARI VA METODOLOGIYASI**

Didaktik o‘yinli ta‘lim texnologiyasining o‘ziga xos jihati, an‘anaviy ta‘limdagidan farq qilib, boshlang‘ich sinf o‘quvchilarining mustaqilligi va o‘quv fani faoliyatini ta‘qiqlamasdan, balki belgilangan maqsadga yo‘naltirish o‘quv faoliyatini hamkorlikda tashkil etishni talab etadi. Ularni faoliyatiga ongli ravishda yo‘llash biror-bir faoliyatni buyruq orqali amalga oshirmasdan, balki samarali tashkil etish orqali o‘quvchilarda fan asoslarini o‘rganishga bo‘lgan qiziqishlarini orttirish, shaxsning ehtiyoji, qiziqishi imkoniyatlarini chegaralamasdan erkin tanlash huquqini berish sanaladi.

Bunday darslarni olib borishda o‘quvchining tabiatshunoslik fanidan to‘liq bilim olishi, axloqli bo‘lishi, biror-bir kasb tanlash iste‘dodini ravnaq toptirish, xalqimizning yaxshi fazilatlarini egallashi uchun avvalo o‘qituvchining ijodiy mehnat qilishi talab etiladi. O‘qituvchi o‘quvchiga nisbatan sergak, ziyrak bo‘lib, uning qiziqishi, qobiliyatini hisobga olib, murabbiylarcha muomalada bo‘lishi darkor. Shundan keyingina darslarda foydalaniladigan didaktik o‘yinli texnologiyalar o‘quvchilarning bilish faoliyatini faollashtirib, darslik va qo‘shimcha adabiyotlar ustida mustaqil ishlash, nutq va muloqot madaniyatini rivojlantirish, ularni ongli ravishda kasbga yo‘llash, didaktik o‘yin davomida vujudga kelgan qiyinchiliklarni bartaraf etishda mo‘ljalni to‘g‘ri olish, har xil vaziyatlarni tahlil qilib, to‘g‘ri xulosa chiqarishga zamin tayyorlaydi.

Metodist o‘qituvchilarning ko‘p yillik tajribalari va kuzatishlaridan didaktik o‘yinlar boshqa fanlar qatori tabiatshunoslik darslari va darsdan tashqari mashg‘ulotlarning mazmunli bo‘lishida eng qulay va samarali usullardan biri hisoblanishi qayd qilingan. Darsda didaktik o‘yinlardan foydalanish o‘quvchilarning qiziqishi, hozirjavobligini bilishni chuqur egallashga qaratilgan ko‘nikma va malakalarni oshirishi ko‘rsatib o‘tiladi. Shuningdek, ta‘lim jarayonining samaradorligini oshirish maqsadida bir qator innovatsion texnologiyalar, jumladan, tabiatshunoslik darslarida rolli o‘yinlar, klaster, ishbilarmonlar o‘yini va boshqalardan foydalanish zarurligi haqida ham fikr yuritilgan.

M.Xolmetov maktabgacha yoshdagi bolalar ta‘lim-tarbiyasiga qo‘yiladigan davlat talablarining asosiy maqsadida kelajak avlodni jismonan va ruhan sog‘lom tarbiyalash, maktabgacha tayyorgarlik tushunchasi bolaning aqliy va maxsus tayyorgarlik yo‘nalishlarini o‘z ichiga olganligi, avvalo jismoniy tayyorgarlik deganda, kichkintoy o‘ziga mos milliy o‘yinlarning qoidalari, unda faol ishtirok etishi belgilangan topshiriqlarni bajara olishi haqida fikr yuritgan.

J.Tolipova va N.Numanovalar uzluksiz ta‘lim tizimining mustaqil turi tarkibiga kirgan barcha vazifalarni amalga oshirish uchun zamonaviy ta‘lim texnologiyalaridan foydalanish mumkinligi haqida to‘xtalganlar. Unda umumiy o‘rta ta‘lim maktablaridagi ta‘lim-tarbiya jarayonida modulli ta‘lim, didaktik o‘yinli ta‘lim, muammoli ta‘lim texnologiyalaridan foydalanish yo‘llari ko‘rsatilgan.

Darslarda foydalaniladigan didaktik o‘yinli texnologiyalar o‘quvchilarning bilim faoliyatini faollashtirish, darslik va qo‘shimcha adabiyotlardan mustaqil foydalanish, nutq va muloqot madaniyatini rivojlantirish, ularni ongli ravishda kasbga yo‘llash, didaktik o‘yin

davomida vujudga kelgan qiyinchiliklarni bartaraf etishda mo'ljalni to'g'ri olish, har xil vaziyatlarni tahlil qilib, to'g'ri xulosa chiqarishga zamin tayyorlaydi.

A.Zikirayev va boshqalarning fikricha, ta'lim jarayonida didaktik tamoyillar muammosi barcha davrlarda o'quvchilarning diqqat-e'tiborida bo'lgan. Ular bu borada mutaxassislarining erishgan yutuqlari bilan birga hozirga qadar ta'lim tamoyillari tizimining ilmiy asoslari mukammal ishlab chiqilmaganini qayd etishgan.

A.Yusupova, R.Qurboniyozovlar fikricha, "Kadrlar tayyorlash milliy dasturi"da ta'limda eng zamonaviy hisoblangan pedagogik texnologiyalarni qo'llashga erishish masalalariga hamda inson omiliga alohida e'tibor qaratilgan bo'lib, uning negizida "tizimli yondashuv" yotadi. Pedagogik texnologiyaning asosini ham "tizimli yondashuv" tashkil etadi va uning eng muhim belgisi hisoblanadi. Uzlaksiz ta'limda pedagogik texnologiyaning asosini tizimli yondashuv loyihalari va shu bilan birga boshlang'ich ta'limda pedagogik texnologiyadan samarali foydalanishda nimalarga e'tibor berish lozimligi ko'rsatilgan.

Undan tashqari ma'lumki, an'anaviy ta'limda, ta'lim maqsadi, mazmuni, o'qitish uslublari, nazorat natijalarini baholash kabi ko'plab jarayonlar ma'lum bir tizimsiz amalga oshirilgan, ya'ni ularni bajarish oldidan loyihalashtirilmagan. Boshlang'ich ta'limda o'quvchilarga tayyor ma'lumotlar berib, o'quvchilar ularni xotiralarida saqlab qolishlarini ta'minlashdan iborat bo'lgan eski ta'limda kafolatlangan natijaga erishish fikri yuritilmagan. Boshlang'ich ta'limda har bir masalaga chuqur yondashib, oldindan loyihalashtirilgan ma'lumotlarni faqat o'qituvchi beribgina qolmay, balki o'quvchilarni mustaqil ishlashi, darsda o'qituvchi bilan fikr almashishiga e'tibor qaratilgan va kafolatlangan natijaga erishish haqida fikr yuritilib, an'anaviy va noan'anaviy ta'limni taqqoslab, ularning afzalliklari ochib berilgan.

### **TADQIQOT NATIJALARI**

O.Berdiyeva hozirgi iqtisodiy o'tish davrida ta'lim jarayonini isloh etishda muammolar mavjudligi va shu muammolarning bir qismini hal etishda o'qituvchidan tashabbuskorlik, izlanuvchanlik va ijodkorlik talab qilinishi va ta'lim jarayonida yangi pedagogik texnologiyaning maqsadi, maqsadga erishish uchun undan samara berilishiga to'xtalib, yangi mavzuni tushuntirishda o'qituvchi reja asosida savol-javob, chizma, kerakli kompyuter vositalaridan foydalanishi lozimligini keltirgan. Shundagina o'qituvchining xotirasida mavzu uzoq vaqt saqlanib qolishi to'g'risida fikr yuritilib, o'qituvchi dars o'tishda nimalarga e'tibor berishi kerakligi haqida ma'lumotlar keltirgan.

R.Safarova va L.Shermatov o'z asarlarida pedagogika fanining muammosi va ularni qanday yechish kerakligi to'g'risida to'xtalganlar. Ta'lim-tarbiya bo'yicha uning samaradorligini oshirish uchun ilmiy jihatdan shaxsni rivojlantirish va uning manfaatlarini uyg'unlashtirish, dunyoqarashini moddiy jihatdan rivojlantirish haqida ham fikr yuritganlar. Bunda o'quvchi jamiyat taraqqiyotini faol rivojlantirishda ijtimoiy va siyosiy, texnikaviy apparatlardan foydalanib, o'z ustida ko'proq ishlashi lozimligi ko'rsatib berilgan.

U.Nishonaliyev tadqiqotlarida dasturli texnologik vositalar majmuasi va ularni kompyuter orqali ta'lim jarayoniga tatbiq etish, o'quvchi shaxsini rivojlantirish orqali ta'lim maqsadiga erishish uchun ta'lim-tarbiya jarayonini loyihalash, axborot va pedagogik texnologiyaning metodlaridan foydalanish, o'qituvchi va o'quvchilarning hamkorlikda faoliyat ko'rsatish imkoniyatlari va vositalari, o'quvchilarning ijobiy, shaxsiy sifatleri to'g'risida aytib o'tilgan va shunga amal qilish lozimligi qayd etilgan.

Pedagogik texnologiyalarni amalga oshirish uchun o'ziga xos vositalar zarur bo'ladi. Har bir pedagogik texnologiyada qo'llaniladigan vositalar umuman o'xshash bo'lib, ularning turlari ko'p. Ularni shartli ravishda quyidagi turlarga ajratish mumkin: verbal, noverbal, vizual, studiya, tabiiy, o'quv anjomlari hamda maktab jihozlari.

Verbal vositalarning asosini axborot tashkil qiladi. Bular so'zlar bilan ifodalanadigan axborotlar bo'lib, ularni so'z orqali ifodalab berish uchun o'qituvchi uni o'zlashtirgan bo'lishi, ya'ni shu axborot haqida bilimga ega bo'lishi kerak. Boshqacha aytganda, pedagogik texnologiyalarning verbal vositalari o'qituvchining bilimlari darajasidagi axborot hisoblanadi. Shu sababli hozirgi ta'lim jarayonida faqat o'qituvchi va o'quvchilarning ishtirok etishi yetarli bo'lmay qoldi.

Zamonaviy ta'limni amalga oshirishning yana bir zarur sharti o'quv fanlari bo'yicha axborot manbalari, shu jumladan, yangi axborot texnologiyalaridan tez va qulay foydalanish imkonini beruvchi turlaridan har bir o'qituvchi va o'quvchi erkin foydalana oladigan sharoit yaratishdan iborat. Ya'ni, hozirda sifatli ta'lim berish uchun o'qituvchi o'quvchiga zarur axborotlarni yetkazib turuvchi xizmatdan iborat faoliyatni tashkil qilish zarur. Bu yo'nalish axborot texnologiyalarini ta'lim-tarbiya jarayoniga joriy qilish yo'nalishi deb nomlanadi. Shu axborotlarni o'quvchilar tushuna oladigan mantiqiy shakllarda ifodalash o'quvchi bilan o'qituvchining verbal muloqotini tashkil qiladi.

Verbal muloqot shakllari turli bo'lib, ularning asosiylari nutq so'zlash, suhbatlashish, savol berish, savolga javob berish, bahs, munozara, xabar berish, maslahat, nasihat, tanbeh, tabrik, salomlashish, xayrlashish kabilarni o'z ichiga oladi. Ushbu verbal muloqot shakllarida qo'llaniladigan nutq intonatsiyalari so'zlovchining fikri uning maqsadiga muvofiq bo'lgan ma'no-mazmunni chuqurlashtirish, yaqqollashtirish imkonini beradi. O'qituvchi o'quvchi uchun ma'lum bo'lgan tushunchalarga asoslangan holda yangi axborotlar bilan tanishib, uni tushuntirib beradi. Bu jarayonda o'quvchilar diqqatni jamlash, tinglash, eshitish, anglash, idrok qilish, mantiqiy fikrlash, xotirada saqlash, qayta eslash faoliyatlari bilan band bo'ladilar. Bunda o'quvchining qiziqishi, ehtiyoji, manfaatdorligi, qobiliyat, iste'dod, iqtidori uning muvaffaqiyati asosi bo'ladi.

Ko'pchilik olimlar ta'lim obyekti deb, o'qitish jarayonining maqsadi, mazmuni, qonuniyatlari, metodlari va tamoyillarini ko'rsatadilar. Ta'lim-tarbiya tizimini takomillashtirishni bevosita zamonaviy pedagogik texnologiyalarni joriy qilishning innovatsiya jarayoni deb qarash mumkin. Biz bunda "innovatsiya"ni biror-bir sinf o'quvchilari faoliyatini takomillashtirish uchun kiritilayotgan va bu innovatsiya sub'ekti tomonidan yangilik deb qabul qilingan yondashuvni tushunamiz.

Zamonaviy pedagogik texnologiyalarning pedagogik jamoada muvaffaqiyatli joriy qilinishi va yaxshi samara berishi bir qator omillarga bog'liq. Ularni uchta katta guruhga ajratish mumkin: birinchi guruh omillari kiritilayotgan yangilikning mazmuni, sifati va boshqa xususiyatlari bilan bog'liq. Bunda yangilikning mukammalligi, tajribada sinab ko'rilganligi va milliy-mahalliy sharoitga mosligini chuqur o'rganish va tahlil qilish muhim ahamiyat kasb etadi. Ikkinchi guruh esa yangilikni kiritishga oid yondashuv bilan bog'liq omillarni qamrab oladi: yangilik kiritishning rejalashtirilganligi, bosqichma-bosqichlikka amal qilinganligi. Uchinchi guruh ijtimoiy-psixologik omillar bo'lib, uning tarkibiga yangilikka pedagogik jamoa munosabati, rahbarlik uslubi va boshqalar kiradi. Har qanday yangilik kiritilishi, shu jumladan, zamonaviy

pedagogik texnologiyaning joriy qilinishi va zaruriy samara berishi pedagogik jamoa a'zolarining yangilikni qanday qabul qilishi, unga bo'lgan munosabatiga bog'liq.

Odatda yangilikning kiritilishi jarayonida yangilikka nisbatan psixologik g'ov paydo bo'ladi. Psixologik g'ov yangilikka tegishli bo'lgan pedagogik jamoaning o'z yangiligiga nisbatan befarq yoki salbiy munosabatida namoyon bo'ladi. Kishilarda bunday psixologik g'ov ochiq yoki yashirin holda uchralishi kuzatiladi. Tadqiqot natijalarining ko'rsatishicha, bunday g'ov kishilarning odatdagi faoliyat uslubini afzal ko'rishi, noaniqlikdan qo'rqishi, ortiqcha ishlarning paydo bo'lishi, innovatsiyaning zaruriyati yoki muhimligini tushunmasliklari bilan bog'liq.

Zamonaviy pedagogik texnologiyalarni ta'lim jarayoniga tatbiq etish samaradorligiga pedagogik jamoa rahbarlarining yangilikka munosabati, boshqaruv uslubi, rahbar va xodimlar o'rtasidagi o'zaro munosabatlar xususiyatlari kuchli ta'sir ko'rsatadi. Pedagogik jamoa a'zolarining bu yangilik haqida to'liq zaruriy ma'lumotlar bilan ta'minlanishi hamda ularning bu munosabatni yaxshilashga yo'naltirilgan tadbirlar olib borishi zarur.

Ta'lim jarayonida didaktik o'yin texnologiyalari didaktik o'yinli dars shaklida qo'llaniladi. Ushbu darslarda o'quvchilarning bilim olish jarayoni o'yin faoliyati bilan uyg'unlashgan darslar didaktik o'yinli darslar deb ataladi. Didaktik o'yinli darslar o'quvchilarning bilim olish faoliyati o'yin faoliyati bilan uyg'unligi, mazmuni va mohiyatiga ko'ra syujetli-rolli o'yinlar, ijodiy o'yinlar, ishbilarmonlik o'yini, konferensiyalar va o'yin mashqlariga ajratiladi. Darsda didaktik o'yin texnologiyalaridan foydalanishdan oldin bunday o'yinga mos keluvchi mavzuni tanlash lozim.

Dars o'tishda didaktik o'yinli texnologiyalardan foydalanganda dars davomida didaktik jarayon ketadi. Didaktik jarayon bosqichlarini muayyan ketma-ketlikda yo'lga qo'yish o'quvchilarning bilimni belgilangan maqsadlarga mos holda tanlangan o'qitish metodlari yordamida tashkil etishdir. O'qitish metodlari o'z mohiyati va mazmuniga ko'ra ma'lum pedagogik nazariyaga asoslangan u yoki bu tasnifga tegishli bo'ladi. Ularning samaradorligi to'g'risida fikr yuritilganda o'qitish jarayonini izga soladigan va uni maqsadli yo'naltira oladigan, o'qituvchi va o'quvchining hamkorligidagi faoliyatini ta'minlash asosida jamiyat tomonidan maktab akademik litsey, kasb-hunar kolleji oldiga qo'yilayotgan maqsadga nechog'lik erishilayotganini ko'zda tutish kerak. Yoxud o'qitish metodlari bevosita ta'lim amaliyotida alohida o'rin tutadi.

### MUHOKAMA

O'qitish metodi dastlab pedagog ongida faoliyatning umumlashgan loyihasi tarzida mavjud bo'ladi. Bu loyiha amaliyotga o'qituvchi faoliyatining o'zaro tutashuvi tekisligida, o'qitishning aniq harakatlar, amallar yoki metodlar majmuasi sifatida joriy etiladi. Pedagogik nashrlarda o'qitish metodlarini faol va sust guruhlarga ajratish hollari mavjud. Agar har bir metod belgilangan u yoki bu maqsadni yechishda o'z o'rnida ishlatilsa, shubhasiz, faoldir. Pedagogik texnologiyalar ham darsda o'quvchilar faolligining yuqori darajasini ta'minlash asosida oldindan belgilangan maqsadga erishishga qaratiladi.

Quyida umumiy o'rta ta'lim maktablarining boshlang'ich sinflarida o'qitiladigan "Tabiatshunoslik" o'quv fanini o'qitishda didaktik o'yinli ta'lim texnologiyalariga asoslangan dars ishlanmalari keltirilmoqda.

**Darsning mavzusi:** Yirtqich hayvonlar (Tabiatshunoslik, 3-sinf).



**Darsning ta'limiy maqsadi:** Tabiatshunoslikni o'qitishda o'quvchilarni hayvonot dunyosining o'ziga xos xususiyatlari va ahamiyati bilan tanishtirish.

**Darsning tarbiyaviy maqsadi:** O'quvchilarga tabiatshunoslikni o'qitish orqali mustaqil fikr va ilmiy dunyoqarashni shakllantirish.

**Darsning rivojlantiruvchi maqsadi:** O'quvchilarning umumiy va xususiy tabiatshunoslik tushunchalari, darslik va qo'shimcha adabiyotlar ustida mustaqil ishlash, mustaqil fikr yuritish ko'nikmalari, nutq va muloqot madaniyatini rivojlantirish.

**Darsni jihozlash:** Mavzuga oid ko'rgazmali vositalar, tarqatma va didaktik materiallar.

**Darsda foydalaniladigan texnologiya:** Didaktik o'yinli ta'lim texnologiyasi (ijodiy o'yin metodi).

#### **Darsning borishi.**

I. Tashkiliy qism: salomlashish, navbatchi axboroti, o'quvchilarni darsga tayyorlash.

II. O'tgan mavzuni so'rash: o'tgan mavzu yuzasidan o'quvchilarning o'zlashtirgan nazariy bilimi, amaliy ko'nikma va malakalarini nazorat qilish va baholash.

III. Yangi mavzu bilan tanishtirish: o'quvchilarni dars mavzusi va darsning borishi bilan tanishtirish. O'qituvchi o'tgan mavzu yuzasidan o'quvchilarning bilimini reyting mezoni asosida baholagandan so'ng, yangi mavzuning maqsadi, vazifalari haqida, shuningdek, didaktik o'yinli ta'lim texnologiyasi va uning ijodiy o'yin metodi haqida ilmiy tushunchalar berib, sinf o'quvchilarini 3 guruhga: "Tabiatshunos", "Pedagog", "Psixolog" guruhlariga ajratadi va dars jarayonini o'tkazish texnologiyasini amalga oshiradi. Darhaqiqat, o'qituvchi mashg'ulotni boshlashdan avval tinglovchilarni ijodiy o'yin metodini o'tkazishga qo'yilgan talablar va qoidalar bilan tanishtiradi.

#### **1-bosqich.**

Har bir guruhdagi tinglovchilar o'z mavzulari bo'yicha kerakli materiallar, dalillar misollar, aniq fikrlar, o'z fikrini tasdiqlovchi ko'rgazmali materiallar, imkoni bo'lsa videofilm, maqolalar, mutafakkir va olimlarning so'zlari va boshqalarni tayyorlaydilar. Guruhdan bir kishini himoya uchun tanlaydilar, qolganlar esa o'z fikrlarini qo'shimcha qilishlari mumkin. O'qituvchi sinf o'quvchilarining tayyorgarlik ko'rish imkoniyatlarini hisobga olgan holda vaqt beradi.

#### **2-bosqich.**

Guruhlar himoyaga tayyor bo'lgach, o'qituvchi guruhlarining biriga himoya uchun so'z beradi (himoyaga chiqish ixtiyoriy ravishda bo'lishi mumkin). Guruh vakili guruh nomidan so'zga chiqib, ularga berilgan mavzuni tayyorlangan materiallar, dalillar asosida himoya qilishga kirishadi. Guruh vakili so'zini tugatgach, guruhning qolgan a'zolari qo'shimcha fikrlar bildirishlari mumkin.

#### **3-bosqich.**

Mashg'ulotlarning 2-bosqichidagi kabi bu bosqichda ham o'qituvchi navbatdagi guruh vakiliga himoya uchun so'z beradi. Ikkinchi guruh ham birinchi guruh kabi o'z mavzusini himoya qiladi. Himoya tugagach, o'qituvchi mashg'ulotning keyingi bosqichiga o'tadi. Har ikkala himoya vaqtida o'qituvchi iloji boricha o'z fikr va mulohazasini bildirmaslikka, savol bermaslikka harakat qiladi, hech qaysi guruhga yon bermagan holda muloqotni boshqaradi, guruh himoyasi vaqtida tartib saqlanishi va muloqotni o'tkazishga qo'yilgan talab-qoidalarining to'liq bajarilishiga erishishga harakat qiladi. Bu bosqichda, asosan uchala guruhdagi boshlang'ich sinf o'quvchilari erkin, mustaqil faoliyat ko'rsatishlari kerak bo'ladi.

4-bosqich.

Guruhlar bir-birlariga savol berishni boshlaydi. Guruhlar tomonidan beriladigan savollar ular himoyasi vaqtida aytilgan dalillar, misollar, fikrlarni yanada oydinlashtirish maqsadida, shuningdek, o'z guruhlarining fikrlarini yanada ta'kidlab, isbotlab, qolganlarni ham shu fikrga qo'shilishlariga da'vat qilish uchun berilishi mumkin. Tinglovchilar erkin holda o'zlarining chiqishlari bilan barchaga ta'sir ko'rsatishga, o'z fikrlarini ma'qullashga harakat qiladilar. O'qituvchi bunday holatga sharoit, imkoniyat yaratadi, ya'ni u bahs-munozarani samimiylilik bilan boshqaradi.

5-bosqich.

O'qituvchi har ikki tomonning bir-birlariga savollari, ma'qullaydigan so'zlari tugagach har ikki guruh tomonidan aytilgan fikrlarni umumlashtiradi va o'zini bu masala haqidagi fikr-mulohazasini bayon etadi va guruh tinglovchilari tomonidan tushgan savollarga kerakli javoblarni berishga harakat qiladi. Mashg'ulot oxirida o'qituvchi har uchala guruhning mashg'ulot jarayonidagi faoliyatlarini tahlil etib, ularga minnatdorchilik bildiradi va faol o'quvchilarni rag'batlantiradi.

IV. Yangi mavzuni o'rganish: o'qituvchi dars jarayonida o'quvchilarga yangi mavzuni tushuntirishda dars sifati va mazmuniga e'tibor bergan holda quyidagi ketma-ketlikni amalga oshiradi: o'quvchilarga yirtqich hayvonlar: sher, arslon, yo'lbars, ayiq, bo'ri, o'txo'r hayvonlar haqida (ekranda yirtqich hayvonlar tasviri namoyish etiladi) ilmiy-nazariy bilimlar beriladi; "Tabiatshunoslik" darsligidan "Yirtqich hayvonlar" mavzusi konspekt qilinadi.

V. Yangi mavzuni mustahkamlash: o'quvchilar guruhi o'qituvchining tavsiyasiga ko'ra yangi mavzu yuzasidan egallagan bilimlariga tayangan holda ko'rgazmali qurollar asosida mavzuni tushuntirib berishadi. So'ngra o'quvchilar o'rtasida bahs-munozara o'tkaziladi.

VI. O'quvchilarni rag'batlantirish va reyting mezoni asosida baholash.

VII. Darsni yakunlash. Darsda faol ishtirok etgan o'quvchilar rag'batlantiriladi va baholar e'lon qilinadi. Dars tabiatdagi o'simlik va hayvonlarga ehtiyotkorona munosabatda bo'lish, ularni asrab-avaylab, bizga in'om etilgan boyliklardan tejab-tergab foydalanish kabi fikrlar, da'vatlar bilan xulosalanadi.

VIII. Uyga vazifa berish. "Yirtqich hayvonlar" mavzusini o'qib, o'quvchilarga o'zlari yashayotgan xududdagi noyob o'simlik va hayvonlar haqida kichik hikoya yozib kelish vazifasi topshiriladi.

#### **XULOSA.**

Boshlang'ich sinflarda tabiatshunoslikni o'qitish jarayonida foydalaniladigan didaktik o'yinli darslarning quyidagi afzalliklari mavjud:

- o'quvchilar didaktik o'yinli darslarga katta qiziqish bilan tayyorgarlik ko'radilar, natijada yangi bilimlarni o'zlashtirish samaradorligi sifatli bo'ladi;

- didaktik o'yinli darslar boshlang'ich sinf o'quvchilarining ilk bor kasb tanlashida o'z kuchi, bilimi, iqtidorini sinab ko'rishda, shuningdek, ularni hayotga tayyorlashda muhim ahamiyat kasb etadi. Shundan kelib chiqib, boshlang'ich sinflarda tabiatshunoslikni o'qitishda yoshga xos xususiyatlarni e'tiborga olgan holda ta'limning zamonaviy shakl va metodlarini takomillashtiruvchi o'quv-metodik qo'llanmalarni yaratish;

- xalq ta'limi xodimlarini qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish institutlarida o'quvchilarning nazariy bilim, amaliy ko'nikma va malakalarini yanada takomillashtirish

maqsadida boshlang'ich sinf o'qituvchilarining zamonaviy bilim, ilmiy-metodik tayyorgarligini keltirilgan uslubga ko'ra takomillashtirish tavsiya etiladi.

*Foydalanilgan adabiyotlar ro'yhati:*

1. Berdiyeva O. Ta'lim jarayonida yangi pedagogik texnologiyalar. // "Xalq ta'limi" jurnali, 2003, 1-son. –16-b.
2. Zikiryayev A. va boshqalar. O'quvchilar bilimini tekshirishda innovatsion texnologiyalar. // "Xalq ta'limi" jurnali, 2001, 6-son. –19-b.
3. Nishonaliyev U. Yangi pedagogik va axborot texnologiyalari muammolari va yechimlari. // "Pedagogik ta'lim" jurnali, 2000, 3-son. –11-b.
4. Norbutayev X. Mejpredmetnye svyazi pri obuchenii prirodovedeniya. // "Nachalnaya shkola". M., 2011, № 11. –S. 25.
5. Safarova R, Shermatov L. Pedagogikaning taraqqiyot yo'li. // "Xalq ta'limi" jurnali, 2002, 2-son. –14-b.
6. Xolmetov M. Tarbiyada didaktik o'yinlarning ahamiyati. // "Ma'rifat", 2002, 6-son. –16-b.
7. Yusupova A, Qurbonniyozov R. Yangi pedagogik texnologiyalarni qo'llash muammolari. // "Pedagogik ta'lim" jurnali, 2000, 3-son. –18-b.

## ТЕХНОЛОГИК ДЕТЕРМИНИЗМ КОНЦЕПЦИЯСИНИНГ МАЗМУНИ ВА ТЕХНИКА ТАЪЛИМИДАГИ АҲАМИЯТИ

Обидов Жамшидбек Ғайратжон ўғли

Фарғона политехника институти мустақил тадқиқотчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6660670>

**Аннотация.** Мазкур мақолада технологик детерминизм концепциясининг мазмун моҳияти, лугатларда таърифланиши ва унга турли соҳа олимларининг қараишлари, муносабати, бугунги кунда техника тараққиётида ҳамда техник таълим жараёнидаги аҳамияти тадқиқ қилинган.

**Калит сўзлар:** техника, детерминизм, технологик детерминизм, концепция, таълим, техник таълим, техник соҳа, касбий билим.

## ЗНАЧЕНИЕ КОНЦЕПЦИИ ТЕХНОЛОГИЧЕСКОГО ДЕТЕРМИНИЗМА И ИЁ РОЛЬ ВТЕХНИЧЕСКОМ ОБРАЗОВАНИИ

**Аннотация.** В данной статье рассматривается сущность понятия технологического детерминизма, его определение в словарях и взглядах ученых различных областей, его значение в техническом развитии и процессе технического образования сегодня.

**Ключевые слова:** техника, детерминизм, технологический детерминизм, концепция, образование, техническое образование, техническая сфера, профессиональные знания.

## THE MEANING AND SIGNIFICANCE OF THE CONCEPT OF TECHNOLOGICAL DETERMINISM IN TECHNICAL EDUCATION

**Abstract.** This article examines the essence of the concept of technological determinism, its definition in dictionaries and views of scientists of various fields, its importance in the technical development and the process of technical education today.

**Keywords:** technical, determinism, technological determinism, concept, Education, Technical Education, Technical Field, professional knowledge.

## КИРИШ

Бугунги кунда техника таълим муассасалари талабаларига илмий аҳамияти юқори бўлган концепцияларни чуқур ўқитиш ва бу асосда уларнинг кабий компетентлиги ва дунёқарабини ривожлантириш долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Бу борада технологик детерминизм концепциясининг техника таълим йўналиши талабаларининг касбий билим ва кўникмаларини ривожлантиришдаги ўрни юқори ҳисобланади. Мамлакатимизда олий таълим тизимидаги ўзгаришлар негизида турли йўналишлар доирасида илмий концепцияларни чуқур ўқитиш ва бўлажак кадрларнинг назарий билим ва илмий дунёқарабини оширишга қаратилган таълимий ислохотлар олиб борилмоқда. «Гарвард университети тадқиқотларига кўра, мамлакатимиз 50 дан ортиқ саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда барча имкониятлар ва нисбий устунликларга эга. Айниқса, нефт газ-кимё, металлургия, машинасозлик, электротехника, фармацевтика, қурилиш материаллари, тўқимачилик, чарм-пойабзал, озиқ-овқат ҳамда «яшил иқтисодиёт» билан боғлиқ саноат тармоқлари иқтисодиётимиз «драйверлари»га айланиши учун барча етарли шароитлар мавжуд»[1]. Бу эса, техника тараққиётига доир концепцияларни илмий

таҳлилини чуқурлаштириш, олий техник таълимда бу борадаги билимларини ошириш, шу билан бирга технологик концепциялардан ишлаб чиқаришда, саноатда фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

### **ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ**

Техника олий таълим муассасалари талабаларида технологик детерминизм концепцияси асосларига доир билимларни ривожлантириш орқали техноген цивилизациянинг салбий жиҳатлари, инсоннинг автоматлашуви ва роботлашуви жараёни, сунъий интеллектнинг инсон онги билан рақобатлашувига доир кўплаб социологик ва педагогик тадқиқотлар олиб борилган ва бугунги кунда ҳам бундай изланишлар мунтазам олиб борилмоқда.

Ғарб мамлакатларида техноген цивилизация инқирозининг салбий таъсирларига қарши техника олий таълим муассасалари талабаларида технологик детерминизм концепцияси асосларига доир билимларни ривожлантириш масалалари олмилар Ж.Мартин, Х.Бек, Ф.Дессауэр, С.Хокинг, Н.Виг, Ж.Элльоль, М.Хайдеггер, К.Ясперс, Д.Медоузларнинг тадқиқот ишларида тадқиқ этилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида В.С.Степанов, В.Степин, М.И.Щадов, Ю.А.Чернегов, Н.Ю.Чернегов каби олимларнинг илмий тадқиқотларида технологик детерминизм концепцияси асослари орқали техникани яратиш, фойдаланиш ва такомиллаштиришга қаратилган таълимий-тарбиявий методикани ривожлантиришнинг ижтимоий-педагогик жиҳатлари ҳам ёритилган.

Ўзбекистонда ҳам олий техник таълим муассасалари талабаларида технологик детерминизм концепцияси асосларига доир билимларини оширишнинг назарий, концептуал ва технологик асослари Р.Х.Джураев, А.Р.Ходжабаев, У.И.Иноятов, Н.А.Муслимов, Қ.Т.Олимов, Э.О.Турдикулов, М.Б.Ўразова, Ж.А.Ҳамидов, М.Тошов, О.А.Абдукуддусов, М.Жуманиёзова, Р.А.Мавлонова ва бошқаларнинг ишларида муайян даражада тадқиқ қилинган.

### **ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ**

«Технологик детерминизм» атамаси 1920 йилларда фан ва техника тараққиётидаги жадал мувафақиятлар, техника ва технологияни ишлаб чиқаришда оммавий қўллаш самарадорлигини ошиб бориши асосида шаклланди. Бу атамани муаллифи америкалик жамиятшунос Торштейн Веблан бўлиб, у ўзи асарларида техник ва технологик ривожланишлар нафақат иқтисодий ривожлантиришда, балки сиёсий бошқарув қарорларини қабул қилишда ҳам хал қилувчи омил сифатида «бошқарув инқилоби»ни юзага келтиради. Унинг фикрича, «машина фикрлашнинг антроморфик одатларини ўзгартиради»[2]. Демак, техника ва технологияни янгича руҳит билан тушуниш муаммоси технологик тараққиёт тўғрисида турлича назариялар ва концепцияларни яратилишига таъсир кўрсатди.

Технологик детерминизм ёки техностатик концепцияси технологияга ўзини ўзи бошқарувчи куч сифатида ёндашади. Бу технология ўз мантиқига мувофиқ ривожланишини ва инсон мақсадларига хизмат қилишдан кўра кўпроқ унинг ривожланишини шакллантиришини аниқлатади. Техностатик концепцияси бугунги кунда анча кенг тарқалган. Моҳият эътибори билан у технологик фаолият ёки эволюция қонунларини аниқлашни ваъда қилувчи табиий-илмий ёндашувга асосланади. Ўз навбатида, технология

қонунларини аниқлаш имконияти, мазкур нуктаи назар тарафдорлари фикрига кўра, технологиянинг ўзига самарали таъсир кўрсатиш омили бўлиб хизмат қилади. Ҳатто технологияга таъсир кўрсатувчи ташқи ижтимоий омиллар мавжудлигини тан олган ҳолда, мазкур ёндашув тарафдорлари технологик эволюцияга имманент қонунларни юклайдилар. Айрим муаллифлар фикрига кўра, технологик тизимларнинг ривожланиши одамларнинг эҳтиёжлари, табиат ҳақидаги билимларнинг тўпланиши таъсиридагина эмас, балки технологик эволюция ички қонунларига мувофиқ ҳам юз беради. Бу қонунларни аниқлашга уринишлар кўп карра қайд этилган. Технологияларнинг ўзгариш қонунларини билган ҳолда, халқ хўжалигининг технологик даражасини кучайтириш стратегиясини самарали шакллантириш мумкин.

Мамлакатимизнинг янги ривожланиш даврида вужудга келтирилган юқори технологик ишлаб чиқариш тизимлари, узлуксиз таълим тизимининг замонавий асосда ташкил этилганлиги ва унинг мунтазам такомиллаштирилаётганлиги инновацияларга асосланган сўнгги технологияларнинг жамиятнинг барча жабҳаларига мунтазам кириб боришини таъминлайди. Аммо жадал ривожланиш концепцияси мамлакатимизнинг жаҳондаги рақобат муҳитида фаол иштирок этишини ва рақобатбардош миллий инновацион тизимни шакллантириш вазифасини илгари суради. Ушбу ривожланиш жараёнида инсон капитали ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг муҳим омили сифатида намоён бўлади. Ҳозирги даврдаги инновацион ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар ҳолати бевосита салоҳиятли, юксак маънавият ва ахлоқий маданиятга эга бўлган, малакали кадрлар фаолиятига боғлиқдир. Шунингдек, инновацион ривожланиш давлат ва нодавлат ташкилотларининг ҳамкорлигини бирлаштирувчи омил сифатида ҳам намоён бўлади. Ушбу жараён ўз навбатида шахс инновацион фаолиятида инсон факторининг кучайишига олиб келади, унинг ижтимоий мавқеи ошиб боришида ва аҳоли турмуш шароитини юксалишида муҳим омил сифатида гавдаланади. Инновацион ривожланишга эришиш ва миллий таълим тизимининг мунтазам такомиллашуви аҳолининг, айниқса, ёшларнинг келажакка бўлган ишончини мустаҳкамлайди. Бундай жараён ўз навбатида ёшлар, бўлажак мутахассислардан инновацион фаолиятни таъминловчи омилларга алоҳида эътибор беришни талаб қилади.

Технологик детерминизм концепцияси асосан икки вазифани ечишга қараб мўлжал олишини кўрсатади. Биринчи вазифа – «техникани англаб етиш, унинг табиати ва моҳияти ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилиш техниканинг инқирози билан эмас, балки ҳозирги замон «техноген цивилизацияси»нинг инқирози билан белгиланади. Уни ечиш жараёнида цивилизациямизнинг экологик, эсхатологик, антропологик (маънавий) ва маданий инқирозлари бир-бири билан узвий боғлиқ эканлиги, бунда техника ва кенгроқ маънода – ҳамма нарсалар ва ҳодисаларга техник муносабат дунё миқёсидаги мазкур беқарорлик омилларидан бири ҳисобланиши англашилади. Айни шу сабабли цивилизациямизни «техноген цивилизация» деб номловчилар сони кўпайиб бораётир. Бунда цивилизациянинг барча жиҳатларига ва инсонга техниканинг таъсири, шунингдек цивилизация тараққиётининг теран техник асослари назарда тутилади»[3] . Шундай экан, технологик детерминизм концепциясининг техника табиати ва ижтимоий тараққиёт билан қандай сабабий боғланишлари мавжудлиги тўғрисидаги ёндашувларни синчиклаб ўрганиб чиқиш, улра тўғрисидаги билимларни ошириш муҳим педагогик вазифалардан биридир.



Иккинчи вазифа кўпроқ методологик табиатга эга: *бу техника инқирози муаммосини ечиш йўлларини излаш*. Ўз-ўзидан равшанки, «бу йўллари излаш энг аввало янги ғоялар, билимлар ва лойиҳалар интеллектуал соҳасида амалга оширилади. Масалан, инсоният маданияти ва цивилизация инқирозини кўпгина олимлар техника ва техник тараққиёт билан боғлайдилар»[4]. Афсуски, бунинг натижасида табиат ҳам, инсон ҳам таназзулга учрамоқда, вайрон бўлмоқда, чунки жонсиз машина – ишлаб чиқариш омилининг оддий функционал элементлари ва материалига айланмоқда. Техноген цивилизациянинг инқирози келажак технологик ривожланиши тўғрисида футурологик ёндашувларни ишлаб чиқиш заруратини ошириб юбормоқда. Бу эса, технологик детерминизм концепциясининг аҳамиятини янада ошириб, технологик тараққиётнинг ижтимоий тараққиётдаги салбий таъсирлари, юзага келтираётган ўзгаришлардаги ўрнини кўриб чиқиш ҳам муҳим вазифалардан биридир.

Бугунги илм-фан тараққиётининг ҳар қандай ютуғи инсоният мушкулларини осон қилишга, унинг муаммоларини қисман бўлса-да ҳал этишга хизмат қилиши керак. Шундай бўлсани ҳам: «йиллар давомида фазодан мустақил тарзда турли маълумотларни Ерга жўнатишдан тортиб табиий ва техноген ҳодисалар вақтида инсон кириши имконсиз жойларга ҳам етиб бораётган, жарроҳлар кўзи ва бармоқлари илғамайдиган энг майда тўқималаргача батафсил ва хатосиз текшира олаётган айнан шу – катта-кичик сунъий онглаштирилган турли роботлар, машиналару ускуналардир. Аввалига хизмат кўрсатиш жойлари, беморлар ва ёлғизкексаларга кўмак учун ишлаб чиқилган бундай «темир одамлар» йилдан-йилга ҳар томонлама такомиллашиб, фикрлашда инсоният билан баҳслашишга шай турибди». Яъни бир даврлар ўзига қанот боғлаб учмоқни орзу қилган одамзот авлодлари бугун темирга «жон киритиш» устида бош қотирмоқда. Мана шундай муносабат жамиятнинг ривожини техника тараққиёти билан сабабий боғланишлар мавжудлиги, ўзаро алоқадорликда ривожланиши ҳамда техника тараққиёти ижтимоий инқирозни келтириб чиқаришини эмас, балки диалектик алоқадорликда ривожланишига таъсир кўрсатиши келиб чиқади.

Илм-фан ва техника ютуқларини амалиётда кенг қўллаган ҳолда иқтисодиёт тармоқларига, ижтимоий соҳаларга замонавий инновацион технологияларни тезкор жорий этиш янги даврда мамлакатимиз тараққиётининг муҳим шарти ҳисобланади. Мамлакатимизнинг жаҳондаги етакчи давлатлар қаторига кириш йўлида тез ва сифатли илгарилашини таъминлайдиган замонавий инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларга асосланган ҳолда фаолиятни амалга ошириш заруриятини илгари суради. Шу билан бирга, «ўтказилган илмий таҳлиллар шуни тасдиқлайдики, замонавий ишлаб чиқаришни модернизация, диверсификация қилиш, унинг ҳажмини ошириш ҳамда ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулотлар турларини кенгайтириш борасидаги ишларда камчиликларга йўл қўйилган. Айрим соҳаларда инновацияларга оид кўрсаткичларнинг мавжуд эмаслиги ва илмий тадқиқот ишлари самарали мувофиқлаштирилмаганлиги сабабли мамлакатимиз сўнгги йилларда нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан тузиладиган глобал инновацион индекс рейтингда иштирок этмаяпти. Иқтисодиёт ва ижтимоий соҳа тармоқларининг илмий муассасалар билан ўзаро ҳамкорлиги даражаси пастлиги, вазирлик ва идоралар, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг инновацион ривожланиш соҳасидаги фаолияти лозим даражада

мувофиқлаштирилмаётгани бу борадаги биринчи навбатдаги мақсадларга эришиш имконини бермаган»[5]. Янги ривожланиш босқичига хос бўлган хусусиятлардан бири малакали кадрларга бўлган ижтимоий талабнинг муттасил ортиб бораётганлигидир. Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий муносабатлардаги ривожининг жадаллашуви, ўз мутахассислигини яхши эгаллаган, хорижий тилларни мукамал ўзлаштирган, юқори ахлоқий сифатларни ўзида шакллантирган кадрларга бўлган талабни кучайтирди. Мамлакат раҳбарининг таклифи билан вилоятларда фаолият олиб бораётган, эркин саноат зоналари, вужудга келтирилаётган завод, фабрика ва кўшма корхоналар, молия, банк соҳасида, қишлоқ хўжалиги ривожланишидаги туб ислохотлар, маданият, хизмат кўрсатиш ва тадбиркорликнинг янги тармоқларидаги жиддий ўзгаришлар олий ўқув юртларида кадрларнинг янги корпусини тайёрлашни тақозо қилади. Бу жараён ўз навбатида олий таълим муассасалари кафедралари, факультетлари ишини тубдан такомиллаштириш, уларни янги даврга мос ҳолда фаолият юрита оладиган профессор-ўқитувчилар билан таъминлаш вазифасини ҳам илгари суради.

### МУҲОКАМА

Бугунги кунда технологик детерминизм концепциясини ўрганиш ва таълим олувчиларда мазкур концепцияга оид билимларни ошириш орқали илмий-техника сиёсати асосларини белгилаш, илмий-техника ва гуманитар-техника экспертизалари методологиясини ишлаб чиқиш, илмий-техникавий прогнозлаштириш методологиясини яратиш каби муаммоларга доир ёндашувларини шакллантириш мумкин бўлади. Шунингдек, техникани тарихий реконструкция қилиш принциплари ва техника (машиналар, техник ихтиролар, техника билимларининг айрим соҳалари)нинг амалий аҳамиятини ўрганувиларга чуқур сингдириш ҳам техникани ёвузликка хизмат қилишидан асрашга хизмат қилади.

Технологик детерминизм концепциясининг мазмун-моҳиятига аналитик таҳлил қилиш техника хусусидаги мулоҳазаларга тафаккурнинг мазкур феномен ғояси ва моҳиятини аниқлаш, унинг маданият ва ижтимоий бориқдаги ўрнини тушуниш мажбуриятини юзага чиқаради. Технологик детерминизм йўналиши назариётчиси Ж.Мартин фикрича, «кўплаб ижтимоий муаммоларни техника тараққиёти ва технология инқилоби яратган, лекин унинг бирдан-бир ечими – технологиянинг ривожланишига монелик қилиш эмас, балки уни ҳар томонлама ривожлантиришдир. Бунинг учун эса, ижтимоий тараққиётда табиат билан уйғун бўлган технологияларни танлаш ва ривожлантириш зарур»[6]. Демак, техника ва технологияни инсонийлаштириш, табиат ва инсон билан мувофиқ ҳолатга келтириш лозим. Айни вақтда, ҳозирги замон техноген цивилизациясини инсонийлаштириш йўлидаги ҳар қандай уринишлар технологик детерминизм концепциясининг намоён бўлиши сифатида талқин қилиш керак.

Шунингдек, замонавий технологик детерминизм концепцияси ғояларига кўра, глобаллашув шароитида технологик ривожланиш орқали янгича методологик муаммо шаклланди, яъни техникани нотехникага: фаолиятга, техник оқилоналик шакллари, кадриятларга, маданиятнинг муайян жиҳатларига редукциялаш зарурати юзага келди. Ва техникага янгича тарифлар шакллана бошлади: Унга кўра, техника – бу мақсадларга эришиш воситаси, инсоннинг муайян фаолияти, инсон хоҳиш-истагига моддий тус берувчи ҳамма нарса, шунингдек, техника ғояларнинг реал борлиғи бўлиб, у табиий материаллар

ва предметларга ишлов берилиши натижасида вужудга келади. Техника субъектив маънода мақсадга элтувчи тўғри йўлни топиш санъати, объектив маънода эса – инсон фаоллигининг муайян соҳаси контекстида ҳаракатни бажариш воситалари ва усуллари мажмуидир. Технология тушунчасининг тор талқини, масалан, «Политехника луғати» ва Катта энциклопедик луғатда «бу хом ашё, материаллар, оралиқ маҳсулотлар, саноатда ишлатиладиган ашёларни олиш, уларга ишлов бериш ёки уларни қайта ишлаш қоидалари, методлари ва усуллари йиғиндиси» сифатида тариф шакллантирилган. Технология инсон мавжудлиги ва турмуш тарзида марказий ролни ўйнай бошлади, шу туфайли ҳам у инсоннинг фундаментал тавсифи сифатида ўрганилиши лозим. Технология ҳақида мулоҳаза юритганда, тегишли сўз ҳар хил маъноларда ишлатилишини эътиборга олиш керак. «Технология» қуйидаги нарсаларнинг исталган бирига тегишли бўлиши мумкин: а) техник билим, қоидалар ва тушунчалар мажмуига; б) инженерия амалиёти ва бошқа техника касблари, шу жумладан касбга доир муайян позициялар, техник билимларни қўллашга доир қоидалар ва меъёрларга; в) ушбу амалиётдан келиб чиқадиган физик воситалар, асбоб-ускуналар ёки артефактларга; г) техник ходимлар иши ва жараёнларни йирик (индустриал, ҳарбий, тиббий, коммуникацион, транспортга оид ва ҳ.к.) тизимлар ва институтларга бирлаштириш ва ташкиллаштиришга; д) технологик фаолиятнинг мужассамлашуви натижаси саналган ижтимоий ҳаёт хусусиёти ва сифати ёки «технологик шароитлари»га боғлиқ бўлиши мумкин[7]. Мазкур фикрлардан келиб чиқадики, технологик индетерминизм тарафдорлари фикрига кўра, техника гўёки ғойиб бўлади ва унинг ўрнини фаолиятнинг муайян шакллари, қадриятлар, инсон руҳи, маданиятнинг турли хил жиҳатлари эгаллайди. Баъзан техника ҳар қандай инсон фаолияти ва маданиятнинг теран ва оламшумул жиҳати сифатида намоён бўлади.

Ҳозирги вақтда технологик детерминизм концепцияси асосида технология билан боғлиқ бўлган бир нечта муаммо, хусусан техника ва технологияни табиатини, ижтимоий аҳамияти муҳокама қилинмоқда. Машҳур олим Норман Виг нуқтаи назарига кўра, «технологиянинг табиати хусусидаги баҳс-мунозараларнинг аксарияти уч концепция – «инструменталистик», «ижтимоий-детерминистик» концепциялар ва «автоном технология» концепцияси атрофида мужассамлашади. Инструментализм технология мақсадларга эришиш воситаси сифатида амал қилишини назарда тутди. Ҳар қандай технологик янгилик муайян муаммони ечиш ёки инсоннинг алоҳида мақсадига хизмат қилиш учун мўлжалланади. Шундан сўнг қуйидаги саволлар туғилиши мумкин: «дастлабки мақсад ижтимоий мақбулми, лойиҳани техник жиҳатдан бажариш мумкинми, ихтиродан белгиланган мақсадларга эришиш йўлида фойдаланиляптими»[7]. Бу нуқтаи назар кенг тарқалганига қарамай, ҳозирги вақтда у кўплаб танқидларга учрамоқда.

### ХУЛОСА

Технологияни ўрганувчиларнинг кўпчилиги, энг аввало тарихчилар ва социологлар ижтимоий-детерминистик ёки контекстуал ёндашув деб номлаш мумкин бўлган нуқтаи назарни ҳимоя қилмоқдалар. Бу ёндашувга кўра «технология муаммоларни ечишнинг нейтрал воситаси эмас, балки ижтимоий, сиёсий ва маданий қадриятлар ифодаси ҳисобланади. Технологияда техник ғояларгина эмас, балки уни лойиҳаловчи ва ундан фойдаланувчиларнинг кенг ижтимоий қадриятлари ва манфаатлари ҳам

мужассамлашади»[7]. Ниҳоят, «технологик детерминизм ёки автоном технология концепцияси технологияга ўзини ўзи бошқарувчи куч сифатида ёндашади.

Хулоса қилганда, технологик детерминизм концепциянинг мазмун-моҳияти технологиянинг ижтимоий тараққиётга, иқтисодий барқарорликка боғлиқлиги, ўзаро сабабий боғланмишлар асосида ривожланиб бориши ва алоҳида кадрият сифатида намоён бўлишини англатади. Шу маънода, технологик детерминизм концепциясини олий таълимда ўқитиш ва таълим олувчиларда бу концепциясига оид билимларини ошириш, техника асрининг имкониятларидан кўпроқ фойдаланиш, техниканинг инсон ҳаётидаги ўрнини янада ойдинлаштириб олишга имкон беради.

*Фойдаланилган адабиётлар:*

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. –Тошкент.: Ўзбекистон. 2021. –Б. 150.
2. Heilbroner, Robert L. The worldly philosophers : the lives, times, and ideas of the great economic thinkers. — Revised seventh edition. — New York. — 365 pages c. — ISBN 0-684-86214-X, 978-0-684-86214-9.
Таълим ва тарбия *бирлигининг* психологик мазмуни шундаки, унинг асосида шахс, сифат, дунёқараш, ўқувчиларнинг ахлоқий сифатлари, улардаги ақлий қобилиятлар, эстетик эҳтиёжлар ва дид, жисмоний сифатларнинг ривожланиши муҳим аҳамиятға эға ҳисобланади. Зеро, «биз мактаб муаммосиға биринчи даражали масала, деб қарашни давом

этиришимиз лозим. Мактаб – фақатгина таълим берадиган маскан эмас, барчамиз учун юксак маънавият бешигига, фарзандларимизни болаликдан бошлаб касбга ўргатувчи даргоҳга айланиши зарур»[3]. Бу эса, таълимга алоҳида эътибор қаратишни талаб этади.

Оилада фарзанднинг иқтидори ва лаёқатини аниқлаш учун қатор психологик-педагогик талабларни бажариш лозим. Улар: «фарзанднинг ўзини тутиши ва фаолиятини комплекс баҳолаш, фарзанд қобилияти ва табиий лаёқатларини ташхислаш, иқтидорни белгилаш усуллари кўллаш, идентификациялаш, ўз иқтидорига фарзанднинг муносабати ўзгариши мумкинлиги, турлича бўлишини англаш, фарзандни давомий ва мақсадли кузатиш, боланинг қизиқиш ва лаёқатларига мос келадиган фаолиятини ташкил қилиш, уни таҳлил қилиш ва турли ўйин-машғулотларга жалб эта олиш, фарзанд иқтидори учун ривожлантирувчи педагогик муҳит яратиб бериш, фарзандни рағбатлантира олиш, иқтидорни белгилашда экспертлар ёрдамидан фойдаланиш»[4], фарзанднинг индивидуаллигини ҳисобга олиш, диагностика усуллари кўллаган ҳолда ташхис қилишнинг кўп босқичли ва такрорий усулларида фойдаланиш, иқтидор ташхисини реал фаолият доирасида амалга ошириш кабилардан иборат.

Ўсмир ёшдаги ўқувчиларнинг коммуникатив компетентлигини ривожлантириш оила ва мактаб тизими ўзига хос масъулият ва функционал вазифаларга эга. Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, ўсмир ёшдаги ўқувчиларнинг коммуникатив компетентлигини ривожлантиришда оилавий муҳитнинг ўрни юқори ҳисобланади. Оилада шахснинг таснифий асослари шаклланади, унинг меҳнатга, ахлоққа, ғоявий ва маданий кадриятларга бўлган муносабатлари шаклланади. Бу эса ижтимоий ҳаётда коммуникативлик кўникмалари шакланмаган шахс бўлиб етишишга сабаб бўлади, жамиятга умуман фойдаси тегмайдиган кишига айланади. Шу боис, ўсмир ёшдаги ўқувчиларнинг коммуникатив компетентлигини ривожлантиришда уларнинг психологик мотивациялаштириш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун оила муҳитида ҳам узликсиз таълим давом этириш билан бирга уларда психологик мотивацияни ошириш мулоқотчанлик кўникмаларини ривожлантиришдаги муҳим омил ҳисобланади. Шу боис, «сўнги йилларда мактаб таълимида истеъдодли ва салоҳиятли ёшларни танлаб олиш, уларни ўқитиш ва келгусида мамлакатимиз ривожига ўз ҳиссасини қўшадиган етук мутахассислар қилиб тайёрлаш учун ижод мактаблари»[5] ташкил этилмоқда.


### **МУҲОКАМА**

Ўсмир ёшдаги ўқувчиларда коммуникатив компетентликни ривожлантириш учун оила билан ҳамкорликда олиб бориладиган ишларни қуйидагилардан иборат:

- оилада фарзандни коммуникатив компетентлигини ривожлантиришда ота-оналарнинг билим даражасини оширишга эришиш;
- ота-онанинг ўз фарзандларининг барча хатти-ҳаракатлари учун таълим муассасалари ва маҳалла олдидаги жавобгарлигини ошириш;
- оилада фарзанд шахсига эътибор ва ҳурмат билан ёндашиш, соғлом ижтимоий муҳитни яратиш, миллий руҳ ва турмуш тарзини ҳисобга олган ҳолда фарзандларда ота-онага муҳаббат туйғусини муттасил равишда шакллантириш;
- фарзандларга чуқур дунёвий билим бериш, уларнинг маърифатли ва мулоқотчан, эркин фикрловчи шахс бўлиб етишишларини таъминлаш;



- болаларнинг кизиқиши, иқтидори ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда касбга йўналтириш;
- уларни мустақил фикрлашга ўргатиш, эркин тафаккур қилиш руҳида тарбиялаш;
- болаларнинг бўш вақтларини тўғри ташкил этиш ва уларнинг қўшимча таълим олишларига, ўз устида ишлашлари учун шарт-шароит яратиш;
- болада тежамкорлик ва меҳнатсеварлик сифатларини шакллантириш;
- оилада миллий ва умуминсоний тарбиянинг барча йўналишларини уйғун ҳолда босқичма-босқич амалга оширишни таъминлаш;
- фарзандни оилавий ҳаётга тарбиялаш жараёнида улар онгига бой маънавий мерос, ахлоқ-одоб қоидалари, урф-одатлари ва анъаналаримизни бугунги кун талаб ва эҳтиёжлари билан уйғунлаштирган ҳолда сингдириб бориш;
- жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсони бўлган болаларга ҳаёт талабларига мос равишда билим ва касб-ҳунар эгаллашлари учун шарт-шароит яратиш;
- оилада бир-бирларини доимий равишда ўзаро жисмоний, моддий, маънавий ва психологик, тиббий қўллаб-қувватлаш кўникма ва одатларини шакллантириш, оилавий дам олишни тўғри ташкил этиш;
- оилада турли муаммоли вазиятларни оқилона ҳал этишда ёшларни мулоқот маданиятига ўргатиш;
- оилада ота-она ва фарзанд ўртасидаги ўзаро муносабатларни мустаҳкамлашда турли мавзуда суҳбатлар ўтказиш;
- боланинг мактабдан ташқари турли хил таълим муассасаларидаги (муסיқа ва санъат, спорт мактаблари, турли тўғараклар) тўғарак машғулотларига жалб этиш борасида ота-оналарга кўмаклашиш.



### **1-расм. Ўсмир ёшдаги ўқувчиларда коммуникатив компетентликни ривожлантиришга масъулиятли шахслар ва муассасалар таснифи**

Таълим жамиятни юксалтириш йўлларини кўп жиҳатдан белгилаб берувчи ижтимоий институтни ўзида ифода этади, чунки айнан у демократик жамият устуворликларига мувофиқ янги ижтимоий онг шаклланишига кўмаклашади. Таълим ва ҳозирги замон жамиятининг бундай ўзаро яқин муносабати табиийдир, чунки таълим тизими ижтимоий билимлар ва профессионал кўникмаларни белгилабгина қолмай, балки асосий мезонлар ва ҳаётий кадриятларни, шахс ва жамиятнинг позициясини шакллантириб, эртанги ҳаётга қадам қуювчиларни ҳаётга тайёрлаб, воқеа-ҳодисалардан олдинда боради.

Таълим тизимида ўсмир ёшдаги ўқувчиларнинг фақат билим доирасини кенгайтириш асосий мақсадга айланмаслиги лозим, уларда коммуникатив компетентликка оид кўникма ва малакаларни шакллантириш биринчи ўриндаги вазифа бўлмоғи керак. Бу борада ҳозирда муҳим қадамлар қўйилмоқда ва кенг ислохотлар, янгича ёндашувлар амалга оширилмоқда.

#### **ХУЛОСА**

Ёшларда мулоқотга киришиш, мулоқотчанлик ва алоқа боғлаш кўникмалари, муомала ва мулоқот маданияти ривожланмаган ва уларда ишлаш ва ўқишда кўплаб англашилмовчиликларни келтириб чиқармоқда. Бугунги кунда ёшлар миграцияси, уларнинг чет элларда иш қидириб, турли жинойт тўдалар таъсирига берилиб қолаётганлиги намоён бўлмоқда. Шу боис, «биз ўтган даврда йўл қўйган хато-камчиликларнимиздан хулоса қилиб, ота-оналар, жамоатчиликнинг истак ва талабларини инобатга олиб, мамлакатимизда 11 йиллик мактаб таълими тизимини»[5] тиклаш орқали ёшларнинг таълим олишидаги изчилликни таъминлаш ва коммуникатив компетентликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш зарурати ортиб бормоқда.

Шундай қилиб, ўсмир ёшдаги ўқувчиларда коммуникатив компетентликни ривожлантириш қуйидаги масалаларни ҳал қилиш орқали амалга ошади:

- мотивация – ўқувчиларнинг ижтимоий педагогик фаолиятнинг мақсади, мазмунини англашлари.
- қизиқиш – ўқувчининг ҳаётнинг ижтимоий соҳасидаги зарур фаолият ва муносабат жараёнига ва унинг самарасига қизиқишнинг ортиши.
- эгаллаш – ўқувчиларда коммуникатив компетентликни ривожлантириш масалалари бўйича назарий ва амалий билимини ошириш.
- ўз-ўзини назорат қилиш – олинган натижалар таҳлили ва уларни кутилганлари билан қиёслашга ўргатиш.

Хулоса қилганда, коммуникатив компетентлиги орқали ўсмир ёшдаги ўқувчилар ижтимоий ҳаётида ва муносабатларда фаол иштирок қилиш ва жамоада тўғри хулқ-атворда бўлиш кўникмаларига эга бўладилар. Уларнинг ахлоқий етуклиги, ўз жамоасида яшаш ва меҳнат қилиш, шахсий манфаатларини умумий манфаатларга бўйсундириш қобилияти кузатилади. Бундай фаолиятда ўсмирлар бошқаларга нисбатан меҳрибонларча ва ғамхўрлик муносабатида бўладилар, интизомлилик ва уюшқоқликни, одоблилик ва камтарлиқни, батартиблиқни, топширилган топшириқ, иш борасида интизомлилик ва уюшқоқликни намоён этадилар. Уларда ахлоқий онг ва ахлоқий тажрибанинг бирлиги асосида ижтимоий кўникмалар шаклланади, ривожланади ва мустаҳкамланади. Бу эса

уларда коммуникатив кўникмаларни ижтимоий муносабатлардаги самарадорлиги сифатида амоён бўлади.

*Фойдаланилган адабиётлар:*

1. Ғозиев Э. Педагогик технологияларнинг психологик масалалари // Халқ таълими, 1999. – № 6. – Б. 60.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари.4-том. – Тошкент: Ўзбекистон, 2020. – Б.148.
3. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. –Тошкент.: Ўзбекистон. 2021. –Б. 278
4. Бегматова Д. М. Оилада ёшларнинг касбий ижтимоийлашувини таъминлашнинг педагогик шарт-шароитлари. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. –Самарқанд. СДЧТИ. –Б. 11-13
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари.4-том. – Тошкент: Ўзбекистон, 2020. – Б.156.
6. Bakhromovich SI. The impact of managerial professional development on the effectiveness of Higher Education institution management. *Academicia: an international multidisciplinary research journal*. 2020;10(12):1014-20.
7. Siddikov, I. B. (2019). Философско-педагогические аспекты развития интеллектуальной культуры студентов. *Вестник Ошского государственного университета*, (3), 38-42.
8. Bakhromovich, S. I. Development trends and transformation processes in academic mobility in higher education in Uzbekistan and the world.
9. Bakhromovich, S. I. (2021). A comparative induction of the epistemological and theological views of medieval Islamic oriental scholars. *Berlin Studies Transnational Journal of Science and Humanities*, 1(1.7 Philosophical sciences).
10. Bakhromovich, S. I. (2021). Views on the role of science in human and society life in islamic teaching. *International Journal of Philosophical Studies and Social Sciences*, 1(3), 79-86.
11. Bakhromovich, S. I. (2020). Effects of Objective and Subjective Factors to Develop Intellectual Culture of Youth. *Canadian Social Science*, 16 (2), 55-59 p.
12. Bakhromovich, S. I. (2018). Social and philisophical performance of making youth's intellectual culture. *European science review*, (7-8).
13. Bakhromovich, S. I. (2020). Analysis Of Modern Approaches To Ensuring The Effectiveness Of Management In Higher Education Institutions. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 2(12), 364-369.
14. Bakhromovich, S. I. (2021). Philosophical comparative studies of the epistemological and theological views of medieval eastern scholars. *Turkish Journal of Physiotherapy and Rehabilitation*. Turkey, 2021. №32 (3), (Scopus) – P. 30338-30355
15. Bakhromovich, S. I. (2022).Dialectical and synergetic features of the development of theological and epistemological views in medieval eastern islam. *European Journal of Humanities and Educational Advancements (EJHEA)*, - Las Palmas, Spain, Volume 3, Issue 2 February, 2022. – P. 79-83

## WEB-КВЕСТ ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА БЎЛАЖАК ХОРИЖИЙ ТИЛ ЎҚИТУВЧИЛАРИДА АХБОРОТЛАРГА ТАҲЛИЛИЙ ВА ТАНҚИДИЙ МУНОСАБАТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК МАЗМУНИ

Жўраева Гулмирахон Зуфаржон кизи

Факультетлараро чет тиллари кафедраси ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6674101>

**Аннотация.** Ушбу мақолада бўлажак хорижий тил ўқитувчиларининг ахборотларга таҳлилий ва танқидий муносабатини Web-квест технологияси асосида шакллантириш мазмунини ёритиш, бўлажак хорижий тил ўқитувчиларининг ахборотларга таҳлилий ва танқидий муносабатини Web-квест технологияси асосида шакллантиришнинг тизимли-функционал моделини такомиллаштириш муаммолари таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** таълим, олий таълим, хорижий тил, Web-квест, ахборот, таҳлил, дезинформация, ахборотлар олами, бўлажак ўқитувчи.

## ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ СОДЕРЖАНИЕ ФОРМИРОВАНИЯ АНАЛИТИЧЕСКОГО И КРИТИЧЕСКОГО ОТНОШЕНИЯ К ИНФОРМАЦИИ У БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ ИНОСТРАННОГО ЯЗЫКА НА ОСНОВЕ ТЕХНОЛОГИИ WEB-КВЕСТА

**Аннотация.** В данной статье анализируются проблемы освещения содержания аналитического и критического отношения будущих учителей иностранного языка к информации на основе технологии Веб-квеста, совершенствования структурно-функциональной модели аналитического и критического отношения будущих учителей иностранного языка к информации на основе технологии веб-квеста.

**Ключевые слова:** образование, Высшее образование, Иностранный язык, Веб-квест, информация, анализ, дезинформация, мир информации, будущий учитель.

## PEDAGOGICAL CONTENT OF FORMATION OF ANALYTICAL AND CRITICAL ATTITUDE TO INFORMATION IN FUTURE FOREIGN LANGUAGE TEACHERS ON THE BASIS OF WEB-QUEST TECHNOLOGY

**Abstract.** This article analyzes the problems of coverage of the content of future Foreign Language teachers' analytical and critical attitude to information on the basis of Web-quest technology, improvement of the structural and functional model of future Foreign Language teachers' analytical and critical attitude to information on the basis of Web-quest technology.

**Keywords:** Education, Higher Education, Foreign Language, Web-quest, information, analysis, dezinformation, world of information, future teacher.

## КИРИШ

Жаҳонда сохта хабарлар тарқатиш, ижтимоий онғни манипуляция қилиш, кичик муаммони катта, йирик муаммо сифатида тасвирлаш, ёшларни чалғитиш, миллий қадриятларни нотўғри талқин қилиш, ўзга маънавий қадриятларни сингдириш, халқнинг тарихий хотирасини бузиш ва ўзгартириш ва кибертерроризмга асосланган ахборотий таъсирлар ва таҳдидлар кучайиб бормоқда. Шунингдек, сўнги йилларда бўлаётган глобал ижтимоий ўзгаришлар ахборотни кудратли қуролга айланганини кўрсатиб қўймоқда. Ғарб мамлакатларида бугун ахборот олиш имконияти эмас, балки унинг ҳаддан ортиқ кўплиги муаммо туғдираётгани учун ҳам кўплаб мамлакатларда, хусусан, АҚШ, Франция, Германия ва Россия давлатларида «Хавфсиз интернет» дастури ишлаб чиқилганлигини кўриш мкин. Кўп ҳолларда оммабоп ахборотлар уммонидан релевант ахборотни

ажратиб олиш жуда мушкул кечмоқда. Манбаларнинг мувофиқлашмаганлиги, хилма-хиллиги ва ишончсизлиги ахборотни ташкил қилиш ва бошқаришни мураккаблаштирмоқда. Мана шундай шароитда ахборот истеъмолчиларида ахборотларга танқидий ва таҳлилий тафаккурни шакллантириш орқали турли ахборий таҳдидлардан ҳимояланишга доир педагогик-психологик тарбия ишларини такомиллаштириш вазифалари юзага келмоқда.

Ўзбекистоннинг миллий юксалиш стратегиясида ҳам чет тилларни ўқитиш тизимини такомиллаштириш, ёшларни хорижий тилларни ўрганишга йўналтириш билан бирга уларни ғоявий таъсирларга тушиб қолмаслик, тил ўрганиш жараёнида ахборий таҳдидларга учрамаслик ҳамда таълим жараёнида зарур ахборотдан фойдаланиш ҳамда интернет материалларини объектив таҳлил қилиш, синтез қилиш ва баҳолаш кўникмаларини оширишга доир устувор вазифалар белгиланган. Бу орқали хорижий тил йўналиши талабаларида ахборотларга танқидий ва таҳлилий муносабатни шакллантириш ва уларни турли ахборий таҳдидларга дуч келмаслигига доир педагогик-профилактик ишлар амалга оширилмоқда. Зеро, сўнги йилларда «терроризм, экстремизм, трансмиллий ва кибержиноятчилик, одам савдоси, наркотрафик каби таҳдидлар хавфи тобора ортиб бормоқда. Миллий маънавиятимизга мутлақо бегона бўлган зарарли ғоялар, тушунча ва қарашлар чегарани бузмасдан, билдирмасдан, таъбир жоиз бўлса, «чақирилмаган меҳмон» бўлиб хонадонимизга, жамиятимизга, энг ёмони, мурғак болаларимизнинг покиза қалби ва онгига кириб келаётганидан ҳам кўз юма олмаймиз»[1]. Шундай экан, ёшларимизда «интернетомания» касаллиги ривожланиб бораётган шароитда уларни ахборий таъсирлардан ҳимоя қилиш имкониятларини кенгайтириш, ахборотларга танқидий ва таҳлилий муносабатни шакллантириш энг долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

### **ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ**

Ахборотларга танқидий ва таҳлилий муносабатни шакллантириш, аналитик тафаккурни ўстириш ҳамда талаба-ёшларда ахборот истемоли маданиятини ривожлантиришга доир тадқиқотларни Ўзбекистонда туркумлаш мақсадга мувофиқ. Бу орқали мазкур муаммо доирасида олиб борилган тадқиқотлар кўламини аниқ белгилаш ва улардан назарий-методологик асос сифатида фойдаланиш мумкин.

Ўзбекистон мамлакатларида ахборотларга танқидий ва таҳлилий муносабатни, тафаккурни шакллантириш, аналитик фикрлаш тарзини ўстириш ҳамда интернет материаллари билан ишлаш кўникмалари Т.Стоуньер, А.Тойнби, А.Урсул, Т.Яглом, Л.Ботчова, Ж.Лаки, С.Давн, М.Анланд, Г.Ўфтсайд, М.маклухан, Мин Кю Чои ва С.Марк каби олимлар томонидан ўрганилган.

МДХ мамлакатларида ўқувчи-ёшларда ва талабаларда ахборотлар билан ишлаш, информацион маданият ва ахборот истеъмоли маданияти ҳамда ахборот билан ишлаш компетентлигини ривожлантириш масалалари билано А.Доколин, Ю.Затуливерет, Е.Масуда, И.Мелюхин, В.Михайловский, Н.Моисеев, Н.Носов, Е.Поликарпов каби олимлар шуғулланган.

Мамлакатимизда ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг фалсафий, ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий масалалари М.Ёкубова, Н.Жўраев, И.Каримов, Ж.Мухаммадиев, А.Тулупов, А.Умаров, М.Усманова, Т.Эшбековлар томонидан ўрганилган. Психолог олимлардан Э.Ғозиев, С.Жалилова, В.Каримова, Н.Сафаев, Ғ.Шоумаров каби



томонидан ахборотнинг талабалар ўқув-билиш фаолиятига таъсирининг психологик жиҳатлари, М.Абдужабборова, У.Ёзиева, А.Исманова, Б.Ходжаев, М.Қуронов, З.Қосимова каби олимлар томонидан ўқувчиларни зарарли ахборотлар таъсиридан ҳимоя қилиш ва ахборот истеъмоли маданиятини ривожлантиришнинг педагогик механизмлари ёритиб берилган. Шунингдек, талабаларда Интернет билан ишлаш маданиятини ривожлантириш бўйича тадқиқотлар А.А.Абдуқодиров, М.Арипов, А.Арипджанова, У.Ш.Бегимқулов, Н.А.Муслимов, Н.Тайлоқов, М.Файзиева, Ш.Шарипов, Т.Шоймардонов, С.Ғуломов кабилар томонидан амалга оширилган.

### ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Бўлғуси хорижий тил ўқитувчиларида ахборотларга таҳлилий ва танқидий муносабатини шакллантириш орқали уларда ўқувчиларга тил ўргатишда глобал ахборот тизимидан рационал фойдаланиш кўникмасини шакллантириш мумкин бўлади. Яъни «глобал ахборот тизимини тил ўрганишдаги фойдали жиҳатларинигина олиш кўникмасини талабаларда шакллантириш амалиётини ўргатиш муҳим аҳамиятга эга. Кўпгина тадқиқотларда шу нарса аниқланганки, доимий ахборот алоқаси бўлмаса, инсоннинг тўлақонли ривожланиши, ижтимоий гуруҳлар ва умуман жамиятнинг мўтадил фаолият олиб бориши мумкин эмас»[2]. Бу борада ахборот коммуникатив жараёнларида яширин тарзда мавжуд бўлган, шахс ва жамият тараққиётига ҳақиқий ва тобора ўсиб боровчи таҳдид соладиган жиҳати эътибордан четда қолиб келган. Кўпгина ривожланган давлатларда ахборотлашган жамиятнинг янги асосларини шакллантиришга муайян даражада эришилган бўлса-да, уни янада такомиллаштириш жараёни давом этмоқда[3]. Ахборотлашган жамият асосида инсоннинг ахборот олиш эркинлиги, коммуникация соҳасида – ахборотларни эркин айирбошлаш ва сўз эркинлиги ғояси ётади. Бугун биз ахборотлашув жараёнининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Чунки бутун дунё микёсида кузатилаётган ва интеграция жараёнларида ўз ифодасини топаётган ахборотлашув жараёни инсон ҳаётининг барча соҳаларига даҳл қила бошлади. Шундай экан, ундан жамиятнинг ривожланишини айро тасаввур этиб бўлмайди. Шу боис глобал ахборот маконидан унумли фойдаланиш, унинг имкониятларидан фойдаланиш ва у орқали чет тилларини ўрганиш амалиётини тўғри олиб бориш лозим.

Бугунги глобал ахборот уруши замонида ахборотни ахборотдан, янгиликни тарғиботдан, маълумотни билимдан фарқлаш жуда муҳим ҳисобланади. Ўтган асрнинг 40-йилларида «Рейтер» агентлигини бошқарган Кристофер Чанселлор «янгиликни тарғиботдан фарқлаш зарурлигини таъкидлаган эди. Тарғибот бошқа нарса, янгилик эса мутлақо бошқа нарса. Инглизча ёки америкача янгиликлар бўлмайди, у халқаро товардир»[4],- деб ёзган эди. Бугун мутлақо бошқача сифатий ҳолат юзага келди. Ҳар кун дунёда миллионлаб воқеалар содир бўлади. Аммо кишилар диққатига ахборот муайян ижтимоий-сиёсий кучлар манфаатидан келиб чиқиб эътибор қаратган масалаларгина ҳавола этилади. Бу уларнинг ҳодисаларни ёритишнинг устувор йўналишларини белгилаб беришини, муайян маълумотларни олиш, талқин қилиш, баҳолаш ва тарқатиш орқали фуқароларда тегишли фикр ва ҳулосалар шаклланишига хизмат қилишини кўрсатади. Бу медианинг ижтимоий фикрни керак бўлган шаклга йўналтира олиши, у билан манипуляция қила олишидан далолат беради. Мазкур жараёнда сохта, тўқиб чиқарилган ахборотни ҳақиқат сифатида тақдим этиш, воқеликни бир ёқлама тақдим этиш ёки бузиб кўрсатиш, реалликни адекват қабул қилишга ёрдам берадиган муҳим элементларни яширишга алоҳида эътибор берилишини таъкидлаш зарур. Бўлажак



хорижий тил ўқитувчилари ҳам ахборотни қабул қилувчи ва тарқатувчи биринчи бўғин сифатида масъулиятни англашлари, ўзларида ахборотларга таҳлилий ва танқидий муносабатини шакллантириш, ахборотнинг таъсири ва яширин маъносини англай билимшлари талаб этилади. Шу билан бирга Веб-квест технологиясининг педагогик имкониятларини ҳам билиш муҳим аҳамият касб этади.

Веб-квест нима? «Педагогикада веб-квест - бу муаммоли вазифа, Интернет ресурсларидан фойдаланган ҳолда лойиҳа. Веб-квест - бу ҳар қандай мавзу бўйича талабаларнинг лойиҳа фаолиятини ташкил қилиш учун скрипт.

Ушбу технологиядан фойдаланишнинг фойдаси нимада? Веб-квест куйидагиларни тарғиб қилади: ўқитувчи талабаларга топширадиган маълумотларни Интернетда кидириш; ахборотни таҳлил қилиш, умумлаштириш ва баҳолаш босқичида талабаларнинг фикрлаш қobiliятини ривожлантириш; талабаларнинг компьютерда ишлаш кўникмаларини ривожлантириш ва уларнинг сўз бойлигини ошириш; талабаларни ўқитувчидан мустақил равишда билим олишга ундаш; талабаларнинг тадқиқот ва ижодий қobiliятларини ривожлантириш; шахсий ўзини ўзи кадрлашни яхшилаш.

Ушбу технология қайси элементларга мос келади? Ушбу технологиянинг афзаллиги шундаки, у ҳар қандай мактаб фанига қўлланилади. Турли мактаб фанлари бўйича веб-квест мисолларини кўриб чиқинг: Ушбу технология дарсни индивидуал ёки гуруҳ ишларини ташкил қилиш учун ҳам, дарсдан ташқари ишлар учун ҳам мос келади»[5].

Бўлажак хорижий тил ўқитувчиларига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишдаги асосий йўналишлар куйидагилардан иборат:

- бўлажак хорижий тил ўқитувчиларга зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишни таъминловчи ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, ташкилий ва техникавий шарт-шароитлар яратиш, шунингдек ушбу соҳадаги илмий ва амалий тадқиқотларни ривожлантириш;
- бўлажак хорижий тил ўқитувчиларининг онгига ғайриқонуний ахборот-руҳий таъсир кўрсатилишининг, уларга ҳийла ишлатилишининг, ғайриижтимоий ҳаракатларга ундовчи ахборот маҳсулоти тарқатилишининг олдини олиш, шунингдек ушбу соҳадаги ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш;
- жисмоний ва юридик шахсларнинг талабаларга зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолиятини қўллаб-қувватлаш;
- бўлажак хорижий тил ўқитувчиларига зарар етказувчи ахборотни таснифлаш мезонлари, механизмлари ва услубларини ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштириш. Буларнинг барчаси талабаларни зарарли ахборотлардан ҳимоялаш бўйича давлат сиёсатини амалга оширишнинг асосий йўналишларини белгилайди ва бу соҳадаги таълим- тарбия муассасалари фаолиятининг таянч мезонларини ҳамда уларнинг мазмун- моҳиятини ифодалайди. Бу жиҳатдан, қонунда таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасаларини талабалар соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан уларни ҳимоя қилиш соҳасида ваколатларининг белгилаб қўйилгани ҳам тадқиқотимиз учун ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга.

«Замонавий таълим олдида ўқув фаолиятини ташкил этишнинг янги турлари ва шакллари топиш вазифаси турибди. Таълим мустақил танқидий ва ижодий фикрлашни ривожлантириш нуқтаи назаридан ривожлантирувчи бўлиши керак. Шу мақсадда кўпгина

ўқитувчилар узоқ вақтдан бери Интернет ресурсларидан фойдаланган ҳолда дизайн технологиясидан фойдаланишган. Аммо интернетдаги маълумотларнинг кўплиги ва унинг сифати нафақат лойиҳа устида ишлаш жараёнини соддалаштирмайди, балки уни мураккаблаштиради. Ушбу муаммонинг мумкин бўлган эчимларидан бири веб-квест технологиясидир. Веб-квест интерфаол таълим муҳитини ташкил қилишнинг намунасидир. Таълим веб-квести - бу талабалар муайян ўқув топшириғини бажариш учун ишлайдиган Интернет-сайт. Веб-квест таълим муҳитида ишлашнинг мақсади: асосий компетенцияларни шакллантирган ҳолда Интернетда ўқувчиларнинг малакали ишини ташкил этиш. Веб-квест - бу ўқитувчи ва талабаларнинг биргаликдаги фаолияти маҳсулидир. Веб-квест билан ишлаш натижаси мини-лойиҳаларни веб-саҳифалар ва веб-сайтлар (маҳаллий ёки Интернетда) кўринишида нашр этишдир»[6]. Веб-квест учун ресурслар сифатида - рўйхат ахборот ресурслари (электрон шаклда - CD, видео ва аудио, қоғоз кўринишида, Интернетдаги манбаларга ҳаволалар, мавзу бўйича веб-сайт манзиллари) келтириш мумкин.

### МУҲОКАМА

Глобаллашувнинг оқибатлари ҳақида фикр юритар экан, «баъзи мутахассислар замонавий алоқа воситалари ёшларни ўзига оҳанрабодек тортаётгани сабабли, «интернет авлоди», «Google болалари» ёки «Facebook фарзандлари» сингари иборалар пайдо бўлганига алоҳида урғу бермоқдалар. Уларнинг фикрича, бу ҳол ўғил-қизларимиз тарбияси бировларнинг қўлига ўтиб қолиши эҳтимолини оширади»[7]. Шу боис бўлажак хорижий тил ўқитувчиларида ахборот истеъмоли маданиятини ривожлантириш орқали уларда маданий ўзгаришлар, ахборий тажовузлардан ҳимояланиш тизимини шакллантириш муҳим вазифалардан биридир.

Шу билан бирга, айрим Европа давлатларида «анъанавий ҳокимиятни тан олмаслик, ундан қўрқмаслик» ғояси остида бирлашаётган NET авлод, Интернет болалари ёки фуқаролари гуруҳи пайдо бўлди. Бу гуруҳ давлат ҳокимиятининг расмий хабарларига қарши чиқувчи сиёсий кибер халқаро уюшма сифатида ташкил топди. «Уларнинг биринчи сиёсий партияси 2006 йил Швецияда пайдо бўлди. 2009 йилда бу партия 7,1% овоз билан Европа парламентида 2та жойга эга бўлди. 2011 йилда ушбу партиянинг 33та давлатидаги фаолияти аниқланди. Хусусан, партиянинг рўйхатга олинмаган аъзолари АҚШ ва Россияда фаол ҳаракат олиб бормоқда. Партия аъзоларини 20-30 ёш оралиғидаги ўсмирлар ташкил этади»[8]. «Шунга кўра, Ғарб инсоншунослик фанлари тилида «инсон деградацияси», «шахснинг емирилиши», «одамнинг қиёфасизлашуви», «цивилизация шоми» сингари тушкун иборалар кўпаяётганини тушуниш мумкин»[9]. Бундай ғоявий қарама-қаршиликларни медиа орқали жамиятга олиб кирувчилик вазифаси хорижий тил педагоглари ва ахборотни таржима орқали тарқатувчиларга юклатилади ва бунда улардан медиа ва ахборот маданиятига эга бўлиш ва бу орқали зарарли ахборотни тарқатмаслик вазифалари юклатилади. Бунинг учун веб-квест технологияси имкониятларини яхши билиш талаб этилади. «Веб-квест устида ишлашда бир қатор компетенциялар ишлаб чиқилади: касбий муаммоларни ҳал қилиш учун ахборот технологияларидан фойдаланиш (шу жумладан керакли маълумотларни топиш, иш натижаларини компютер тақдимотлари, веб-сайтлар, флеш видеолар, маълумотлар базалари кўринишида форматлаш); ўз-ўзини ўрганиш ва ўз-ўзини ташкил этиш; жамоавий иш (режалаштириш, функцияларни тақсимлаш, ўзаро ёрдам, ўзаро назорат); муаммоли вазиятни ҳал қилишнинг бир неча усуллари топиш, энг оқилона вариантни аниқлаш, танловингизни асослаш қobiliяти;

нотиклик маҳорати (лойиҳаларни муаллифларнинг нутқлари, саволлар»[10], муҳокамалар билан олдиндан ҳимоя қилиш ва ҳимоя қилиш мажбурийлигига асосланган.

Бўлғуси хорижий тил ўқитувчиларида ахборотларга таҳлилий ва танқидий муносабатини шакллантириш орқали таълим-тарбия жараёнида турли ахборий тажовузлардан, хусусан, зўравонликни, миллатчиликни, диний қарама-қаршиликни тарғиб қилувчи ахборотлардан асрашга ўргатиш, улардан тил ўрганишда фойдаланмаслик, қизиқиш орқали боғланиб қолишнинг салбий оқибатларини тушунтириш кўникмаларини шакллантириш мумкин бўлади. Маълумотларга кўра, «халқаро экспертлар дунё миқёсида ёшларнинг 38 %и зўравонлик руҳидаги сайтларни, 26%и миллатчилик ҳарактеридаги веб-саҳифаларни мунтазам кузатиб боришини аниқлаган. ЮНИСЕФ томонидан ўтказилган сўровлар интернетдан фойдаланадиган ёшларнинг 90 % ахлоқсиз сурат ва видеоларга дуч келиши, 60 % эса бу турдаги ахборотни мақсадли равишда излаганини кўрсатди. Ҳатто ўзимизнинг баъзи ёшларимиз учун ҳам интернет ва қўл телефонлари ахлоқсизлик манбаига айланаётгани ўта ташвишлидир. Негаки, бундай ғаразли таъсир домига тушиб қолган фарзандларимизда яқинлари ва қариндошларга нисбатан ҳурмат ва муҳаббат туйғулари сусайиб, эгоизмга мойиллик кучайиб бормоқда»[11]. Демак, хорижий тил ўқитувчисининг ахборотни фарқлай олиш кўникмаси, билим ва малакаси бундай тажовузлардан олдини олувчи муҳим омилга айланади.

Биз яшаётган XXI аср, нафақат глобаллашув ва ахборот соҳасининг жадал ривожланиш даври, балки у информацион ва интеллектуал рақобат замони ҳамдир. Бугунги глобаллашув шароитида барчамиз ахборот, инновацион жараёнлар ва таълим-тарбиянинг ўзаро алоқадорлиги янада тифизлашаётган ва шу билан бирга, бу соҳадаги масалалар кўпайиб, уларга доир муаммолар кескинлашаётган даврда яшамоқдамиз. Бу жараёнларга нисбатан тез мослашувчанлик, мавжуд вазиятни ўрганиш ва унга ҳолисона баҳо бериш, таҳлил қила олиш қобилияти етук мутахассисдан ҳам, ёш ўқувчи ва талабадан ҳам муайян малака ва кўникмани, бирор бир тарзда намоён бўладиган маҳоратни талаб қилмоқда. Бугунги кунда қайси ривожланган мамлакатнинг маърифий тарбия тизимини ва структурасини, айниқса таълим тизимини таҳлил қиладиган бўлсангиз, албатта, уларда талабаларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси, ҳаётнинг барча соҳалари каби ахборот майдонида ҳам рақобатбардош бўлиши, аниқ мақсадга йўналтирилган қадриятларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги кўзга ташланади. Бу ҳолат ҳар бир мамлакатнинг ўз келажагини ёшларда кўришини англатади.

### ХУЛОСА

Бугунги кунда бўлажак хорижий тил ўқитувчиларида халқаро терроризм, экстримизм, шовунизм, натцизм ва бошқа ёвузликни тарғиб қилувчи фильмлар, «Ғарб ахлоқсизлик фалсафаси, прозелитизм, диний экстремизм каби таҳдидлар таъсирига қарши ахборотларга таҳлилий ва танқидий муносабатини шакллантиришнинг назарий ва услубий жиҳатлари, шакл ва воситаларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Бу жиҳатдан, бўлажак хорижий тил ўқитувчиларига жамият ҳаётида юз берадиган ўзгаришлар инсонлар ҳаёти ва турмуш тарзига ҳам ўзгаришлар киритиши, бундай жараёнларнинг стихияли тарзда амалга ошмаслиги, балки жамиятнинг маънавий-ахлоқий даражаси, умуммиллий ғояси воситасида шаклланиб боришини назарда тутиш лозим. Ўз навбатида бу, юртимизда умумий тинчлик ва барқарорликнинг таъминланиши жараёнида барпо этилаётган демократик жамият ривожини учун муҳим аҳамият касб этади»[12]. Аслида, ахборотларга таҳлилий ва танқидий муносабатини шакллантириш

кенг маънода, муайян ҳудуд ёки таълим муассасасида шахс ёки гуруҳнинг жамиятдаги мавжуд бунёдкор ғояларни сақлашга, бузғунчи ғоялар тарқалишининг олдини олишга йўналтирилган, аҳоли, айниқса ёшларни турли ахборот хуружлардан ҳимоя қилиш манфаатларига қаратилган маърифий ва таълимий тадбирлар мажмуини кўзда тутди. Бу маънода бўлажак хорижий тил ўқитувчилари учун ахборотларга таҳлилий ва танқидий муносабатини шакллантиришнинг илмий-педагогик таҳлили ва замонавий жиҳатларини ўрганиш натижасида куйидагиларни амалга ошириш лозимлиги ҳақида фикр юритиш жоиз, деб ҳисоблаймиз:

-бўлажак хорижий тил ўқитувчиларида миллий қадриятларга содиқлик руҳида тарбиялаш, террорчилик, ақидапарастлик ва давлатимиз интилишига зид бузғунчи ғояларнинг кириб келишига қарши мурасасиз курашиш ҳиссини ҳосил қилишга интилиш;

-таълим муассасаларида бўлажак хорижий тил ўқитувчилари орасида замонавий билимларни тарғиб қилиш, уларни дунёвий билимга бўлган интилишларини шакллантириш, турли норасмий ахборот таълими олишини қатъиян олдини олиш чораларини кўриш;

-талабаларнинг дарсдан бўш вақтида ахборот билан таъминланганлик даражаси ва самарадорлигини ошириш ва бунда турли ижтимоий тармоқдан фойдаланиш, глобал ахборот мйдони бўлган интернетдан масъулият билан фойдаланишга йўналтириш.

***Фойдаланилган адабиётлар:***

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. –Тошкент.: Ўзбекистон. 2021. –Б. 268.
2. Сифоров В.И., Суханов А.П. Информация, связь, человек.-М.: Знание, 1997. – С.64.
3. Masuda Y. The information society as postindustrial society.Tokyo, 1981. P. 75.
4. Кастельс Мануэль. Информационная эпоха: экономика, общества и культура. Пер. с англ. П.И.Шкаратона. –М., 2000, –С.342.
5. <https://05fi.ru/uz/shablon-dlya-sozdaniya-veb-kvesta-sozdanie-veb-kvestov-na>
6. <https://05fi.ru/uz/shablon-dlya-sozdaniya-veb-kvesta-sozdanie-veb-kvestov-na>
7. Бабажанов С. Ёшлар онгини ахборот хуружлари таъсиридан асраш. -[http:// fikir.uz/ blog/ Urganch\\_davlat\\_Universiteti /eshlar-ongini-akhborot-khuruzhlari- tasiridan-asrash.html](http://fikir.uz/blog/Urganch_davlat_Universiteti/eshlar-ongini-akhborot-khuruzhlari-tasiridan-asrash.html) 5 август 2017.
8. Дергачев В. Киберинтернационал поколения NET. Электронный адрес ://[dergachev.ru](http://dergachev.ru)
9. Раҳмон Қўчқор. Дунё кураш майдонидир//. – Тафаккур-2016. 4-сон Б. 24.
- 10.<https://05fi.ru/uz/shablon-dlya-sozdaniya-veb-kvesta-sozdanie-veb-kvestov-na>
- 11.Ахборот асрида таълим-тарбия - <http://kaz.docdat.com> 23 Фев 2016; Бабажанов С.Ёшлар онгини ахборот хуружлари таъсиридан асраш. -[http:// fikir.uz/ blog/ Urganch\\_davlat\\_Universiteti/eshlar-ongini-akhborot-khuruzhlari- tasiridan-asrash.html](http://fikir.uz/blog/Urganch_davlat_Universiteti/eshlar-ongini-akhborot-khuruzhlari-tasiridan-asrash.html) 5 август 2017.
- 12.Бутаев У. Ўзбекистонда демократик жамият ривожига тинчлик ва барқарорликнинг ўрни. Фалсафа фан. докт. (PhD)дисс –Тошкент.: ЎЗМУ, 2018.
- 13.Bakhromovich SI. The impact of managerial professional development on the effectiveness of Higher Education institution management. *Academicia: an international multidisciplinary research journal*. 2020;10(12):1014-20.
- 14.Siddikov, I. B. (2019). Философско-педагогические аспекты развития

- интеллектуальной культуры студентов. Вестник Ошского государственного университета, (3), 38-42.
15. Bakhromovich, S. I. Development trends and transformation processes in academic mobility in higher education in Uzbekistan and the world.
16. Bakhromovich, S. I. (2021). A comparative induction of the epistemological and theological views of medieval Islamic oriental scholars. Berlin Studies Transnational Journal of Science and Humanities, 1(1.7 Philosophical sciences).
17. Bakhromovich, S. I. (2021). Views on the role of science in human and society life in islamic teaching. International Journal of Philosophical Studies and Social Sciences, 1(3), 79-86.
18. Bakhromovich, S. I. (2020). Effects of Objective and Subjective Factors to Develop Intellectual Culture of Youth. Canadian Social Science, 16 (2), 55-59 p.
19. Bakhromovich, S. I. (2018). Social and philisophical performance of making youth's intellectual culture. European science review, (7-8).
20. Bakhromovich, S. I. (2020). Analysis Of Modern Approaches To Ensuring The Effectiveness Of Management In Higher Education Institutions. The American Journal of Social Science and Education Innovations, 2(12), 364-369.
21. Bakhromovich, S. I. (2021). Philosophical comparative studies of the epistemological and theological views of medieval eastern scholars. Turkish Journal of Physiotherapy and Rehabilitation. Turkey, 2021. №32 (3), (Scopus) – P. 30338-30355
22. Bakhromovich, S. I. (2022). Dialectical and synergetic features of the development of theological and epistemological views in medieval eastern islam. European Journal of Humanities and Educational Advancements (EJHEA), - Las Palmas, Spain, Volume 3, Issue 2 February, 2022. – P. 79-83

## COMMUNICATION BETWEEN A TEACHER AND PUPILS AS AN EXCHANGE OF SPIRITUAL VALUES

**Azimova Ziyoda Ergashevna**

Republic of Uzbekistan, Andijan city Dean of the Faculty of Preschool Education,  
Doctor of Pedagogical Sciences, Professor

**Gulrukh Zulunova Bobirmirzo kizi**

Student of Andijan State University, Faculty of Pedagogy

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6678118>

**Abstract.** *This article details communication between a teacher and pupils as an exchange of spiritual values, Innovation methods of teaching as part of the academic process.*

**Key words:** *communication, spiritual values, scientific knowledge, cooperative pedagogy, pedagogical communication.*

## ОБЩЕНИЕ УЧИТЕЛЯ И УЧЕНИКОВ КАК ОБМЕН ДУХОВНЫМИ ЦЕННОСТЯМИ

**Аннотация.** *В данной статье подробно рассматривается общение учителя и учеников как обмен духовными ценностями, инновационные методы обучения как часть учебного процесса.*

**Ключевые слова:** *общение, духовные ценности, научное познание, кооперативная педагогика, педагогическое общение.*

## INTRODUCTION

Communication pedagogy is a new branch of scientific knowledge, standing at the intersection of social psychology and humanistic pedagogy. Its emergence is due to the logic of the development of world psychological and pedagogical thought.

Only since the second half of the 1980s, with the beginning of the democratic reorganization of our society, does pedagogical freethinking take on real contours. An expression of an organized protest of creative teachers against the dominance of a soulless administrative-command pedagogy was an innovative movement and the pedagogy of cooperation gained support.

## LITERATURE ANALYSIS AND METHODOLOGY

The core of this concept was the equal partnership and humanity of pedagogical communication, the construction of the educational process in universities. The term "collaborative pedagogy" proposed by innovative educators has gained wide popularity.

However, it is precisely this that makes it possible to characterize the educational interaction, its structure, and functions in a more comprehensive manner. Close to it in foreign science are the concepts of "cooperative pedagogy", "groupism", "communicative pedagogy", "dialogue pedagogy".

Initially, communication is a basic category of social psychology. It is defined as the interaction of two or more people, which consists in the exchange of cognitive, emotional and evaluative information. Communication is included in practical interaction - teaching, work, ensuring its planning, implementation and control. Since the end of the 60s, the concept of "pedagogical communication" has appeared at the intersection of social and pedagogical psychology.



The aesthetic block includes the following skills: to introduce students to a high culture of communication, to be artistic, expressive, to activate the emotional tone of students, to introduce them to a high culture of communication. The structure of the technological block includes skills: to use teaching and educational tools, methods, techniques, a variety of forms of interaction, to choose the optimal style of communication management, to observe pedagogical tact.

### RESULTS

Pedagogical science is characterized by a much broader interpretation of educational interaction, which goes far beyond the psychological framework. It is designed to develop such important aspects of it as moral and ethical, aesthetic, technological. Based on the psychological definition of communication "as information and subject interaction" in the holistic process of pedagogical communication, it is possible to single out the communicative and subject aspects. They are organically linked.

Subject interaction generates communicative. The latter, in turn, ensures the productivity of the former. Confidential communication allows the exchange of personal spiritual values. Students and pupils experience a deficit of just such communication.

Subject interaction is more developed in theoretical and practical terms. Communicative interaction in pedagogy is still not given due attention. Pedagogical communication is a broad concept that includes all the variety of teacher communications not only with students, but also with colleagues and administration.

### DISCUSSION

In the holistic process of pedagogical communication, didactic and communicative aspects were identified for the first time. The process of pedagogical communication has an internal and external side. Psychology focuses on the first, and pedagogy on the second. Pedagogical theory and practice are also interested in the mental processes that take place between the teacher and the student, and how to manage them.

Subject didactic interaction is focused on the formation of a system of knowledge, skills and abilities among students. The content of communicative interaction is the exchange of thoughts, views, interests, feelings, moods in connection with subject interaction.

The teacher and the student can enter into substantive interaction in the classroom, in preparation for conferences, and work in the student scientific society. However, the pedagogical effect of this interaction is determined not only by the nature and method of organizing the leading activity - cognitive, artistic, labor, but also by the communicative interaction of the educator with pupils.

The dominant functions of communicative interaction are educational. A clear indicator of successful communicative interaction between a teacher and a student is a favorable moral and psychological climate in the classroom.

### CONCLUSION

In conclusion, the socio-psychological block includes the ability to dispose students to communication, to make a favorable impression, to understand the uniqueness of the personality of each student. The structure of the moral and ethical block includes the ability to build communication on a humane, democratic basis, be guided by the principles and rules of professional ethics and etiquette, and initiate a favorable moral climate for communication.

### *References:*

1. Berezovin, N.A. Problems of pedagogical communication: teaching aid / N.A. Berezovin. - Minsk: University Publishing House, 2001.
2. Hills, P. Teaching learning as communication process / P. Hills. – London: Groom Helm. 2004.
3. Rydanova, I.I. Fundamentals of pedagogy of communication / I.I. Rydanov. - Minsk: Belarusian Navuka, 2003.
4. Leontiev, A.A. Psychology of communication: textbook / A.A. Leontiev. – Tartu: Publishing House of the University of Tartu. 2002.
5. Kan-Kalik, V.A. Teacher about pedagogical communication / V.A. Kan-Kalik. – M.: Enlightenment, 2000.

## PSYCHOLOGICAL AND PEDAGOGICAL FACTORS AND CONDITIONS OF CLASSROOM MANAGEMENT EFFECTIVENESS

**Omadbek Olimjonov Odiljon ugli**

Uzbekistan Youth Union Andijan state university head of the primary organization, Master

**Gulrukh Zulunova Bobirmirzo kizi**

Student of the Faculty of Pedagogy of Andijan State University

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6678159>

**Abstract.** This article describes in detail the psychological and pedagogical factors and conditions of classroom management, methods of classroom management, the work of the class teacher with school community organizations, the important requirements for the class teacher, the main tasks of classroom management in the school charter.

**Keywords:** classroom management effectiveness, classroom leadership, personal development, school charter, learning activities.

## ПСИХОЛОГО-ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ФАКТОРЫ И УСЛОВИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ КЛАССНОГО РУКОВОДСТВА

**Аннотация.** В данной статье подробно описаны психолого-педагогические факторы и условия классного руководства, методы классного руководства, работа классного руководителя с общественными организациями школы, важные требования к классному руководителю, основные задачи классного руководства в школьном уставе.

**Ключевые слова:** эффективность управления классом, лидерство в классе, личностное развитие, устав школы, учебная деятельность.

## INTRODUCTION

The purpose of personal education is to create sufficient pedagogical conditions for students to fully demonstrate their abilities. In this regard, the school, in collaboration with the teaching staff and the student body, takes an individual approach to the organization of educational work, taking into account the specific characteristics of each student.

A class teacher is a teacher who leads a team of students of the same level, age, and education. The main goal of the class teacher is to be able to understand each other with the student and the class teacher in the process of educating the students properly, and to be more attentive to the students by the class teacher.

Establishing relationships with students and rebuilding them as students grow and develop are also important for the class teacher. The class teacher keeps records of its work and submits them to the school administration.

## LITERATURE ANALYSIS AND METHODOLOGY

The school educates students through the work of the class teacher, including activities, poetry readings, various evenings, meetings, contests, and other games. As a result, students develop thinking skills.

The class teacher works in partnership with the school administration and the community, as well as parents. The school administration should always support the class leader and his work. Because the class teacher knows his students well, he takes into account what is needed to teach them. The work of the class teacher is supervised by the Deputy Director for Spirituality and Enlightenment.

The class teacher's work plan is developed and supervised by the school principal and deputy principal. They acquire knowledge, skills and competencies in their educational activities.

The teacher often works alone with the class and as an educator. Teachers are distinguished by great love and care for children. These are being done with great demand.

### **RESULTS**

Conducts health promotion activities for students and teaches them to work physically and mentally. The role of the class leader is important in organizing the class and organizing the class meeting. To hold a class meeting, the team first gathers.

The class leader discusses many issues at the meeting. At the class meeting, 3-4 issues are discussed and the problematic aspects are analyzed and resolved.

The class leader should encourage the best students in the class or community during the meeting. Children are friendly to each other. Encourage them to read each other well.

Children who read poorly read well, and so do children. In addition, the class leader should create a classroom library for student development. Students can read books in this library during extracurricular activities or when they are free after class.

The school charter defines the main responsibilities of the class teacher. The class leader liaises with all teachers and conducts educational work with his or her class.

Achieve uniformity of pedagogical requirements imposed on students by teachers. Parents, full-time educators are in constant contact with the community. Organizes with help when needed.

Keeps class records and submits them to the school administration. Conducts health promotion activities for teachers and trains them to work. The peculiarity of the work of the class leader is that he forms a group of students, not a group of ordinary children.

### **DISCUSSION**

One of the most important requirements for a class leader is that the class leader knows his or her job well. He must have mastered his style. It needs to be organized properly and spent with children in an understandable, fun and responsible way.

Students not only appreciate the teacher's ability to communicate their knowledge to children, but also his or her interest and dedication to science. A modern teacher, especially a class teacher, should not only know our national values, but also be a strong advocate for them in the wider parent community, in the classroom.

One of the main tasks of a class teacher is to educate our future generation in a correct and humane spirit. In the process of education, the teacher and the class teacher should understand each other, and the class teacher should pay more attention to the teachers.

The main task of students is to read. Therefore, the class teacher first determines how the children will react to school, how they will behave, whether or not they will do their homework diligently, and finally, most importantly, what their learning goals will be. These goals are considered to have social significance or not.

### **CONCLUSION**

In conclusion, the class teacher works with the school administration and the community.

The school administration should support the class leader and his or her work. Because the class teacher knows his teachers well and takes into account what he needs to do to educate them.

Acquire knowledge, skills and competencies in their learning activities. The teacher works alone with the class and often as an educator. The attitude of teachers towards children is

characterized by great kindness and care. This is done with demand. Establishing the right relationship with teachers and rebuilding them as students grow and develop are also important for the class teacher.

*References:*

1. M.Haydarov. Using folk traditions in the labor education of your primary school student. - T., "Writer", 2001.
2. Z.Koziev. Organizing and planning the work of the class leader. - T., 2005.
3. J.Yoldoshev. Developing student morale. - T., «Sharq». 2000.
4. R.Mavlonova, O.To'raeva, K.Holikberdiev. Pedagogy. - T.: "Teacher", 2002.
5. A.J.Jo'raev. Passing educational lessons. -T., "Teacher", 2004.

## BOSHLANG'ICH TA'LIMDA XORIJIY TILLARNI O'QITISHDA PEDAGOGIK TEKNOLOGIYALAR

Sarvinoz Rahimjonova To'liq qizi

Qo'qon universiteti Iqtisodiyot va ta'lim fakulteti 3-bosqich talabasi

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6678187>

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada bugungi kunda boshlang'ich sinflarda xorijiy tillarni o'qitishda pedagogik texnologiyalarning ahamiyati va qo'llanishi haqida fikr yuritilgan. Ta'lim jarayonida turli interfaol usullarni qo'llashda o'qituvchida mavjud bo'lishi kerak bo'lgan kompetensiyani shakllantirish bo'yicha tavsiyalar berilgan.

**Kalit so'zlar:** xorijiy tillar, pedagogik texnologiyalar, ta'lim jarayoni, kompetensiya, innovatsiya, metod, ta'lim mazmuni.

## ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ТЕХНОЛОГИИ В ОБУЧЕНИИ ИНОСТРАННЫМ ЯЗЫКАМ В НАЧАЛЬНОМ ОБРАЗОВАНИИ

**Аннотация.** В статье освещаются вопросы применения педагогических технологий в процессе преподавания иностранных языков в начальных классах. Авторами даны рекомендации по формированию компетенции учителя, которая необходима для применения им различных интерактивных методов в процессе обучения.

**Ключевые слова:** иностранные языки, педагогическая технология, процесс обучения, компетенция, инновация, метод, содержание образования.

## PEDAGOGICAL TECHNOLOGIES IN TEACHING FOREIGN LANGUAGES IN PRIMARY EDUCATION

**Abstract.** In the article the gist of pedagogical technologies in educating the foreign languages in current elementary classes are discussed. As well, the interactive methods in the process of teaching and the due competencies of teachers are recommended.

**Keywords:** foreign language, pedagogical technology, competence, the process method, the meaning of education.

## KIRISH

Respublikamizda jahon hamjamiyatiga yanada integratsiyalashuvga yo'naltirilgan tizim yaratish maqsadida O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2012 yil 10 dekabrda «Chet tillarni o'rganish tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida»gi PK-1875-sonli qarori tasdiqlandi. Kadrlar tayyorlash milliy dasturida halqning boy intellektual merosi va umumbashariy qadriyatlari, zamonaviy madaniyat, iqtisodiyot, fan, texnika va texnologiyalarning yutuqlari asosida kadrlar tayyorlashning mukammal tizimini shakllantirish O'zbekiston taraqqiyotining muhim shartidir, deb alohida ta'kidlanadi.

Darhaqiqat, bugungi taraqqiyot har bir o'qituvchidan o'ziga xos ijodkorlik, malaka va tajribani taqozo etmoqda. Bu o'z navbatida xorijiy tillar fani o'qituvchilari zimmasiga katta mas'uliyat yuklaydi. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2012 yil 10 dekabrda «Chet tillarni o'rganish tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida»gi PK-1875-sonli qarorini tizimli amalga oshirish maqsadida boshlang'ich sinflarda xorijiy tilni o'quvchilarga o'rgatishdan maqsad ularning shu tilda so'zlash, yozish, tinglab va o'qib tushunish kabi ko'nikmalarni shakllantirish bilan bir qatorda bolalarning tafakkuri, muloqot madaniyati, bilim olishga qiziqishi, faollik, mustaqillik, mahnatsevarlik, qiziquvchanlikni uyg'otishga qaratiladi.



Bolalarning aqliy va nutqiy qobiliyatini muvaffaqiyatli oʻstirish kelgusida fanlarni puxta oʻzlashtirishga imkoniyat yaratadi. Oʻquvchilarda chet tili orqali mustaqil va ijodiy fikrlash koʻnikmalarini shakllantirishda ilgʻor pedagogik texnologiyalar oʻziga xos ahamiyat kasb etadi.

Bugungi kunda oʻqituvchiga qoʻyiladigan muhim talablardan biri ham ilgʻor pedagogik texnologiyalar bilan tanishish, amalda qoʻllash va shular orqali bolalarni mustaqil fikrlashga oʻrgatishdan iborat. Uzluksiz taʼlim tizimining hamma boʻgʻinlarida ham oʻqituvchi dars jarayonida noanʼanaviy darslarda pedagogik texnologiyalardan foydalanadi, lekin boshlangʻich sinflarda xorijiy tillarni oʻquvchilarga oʻrgatishda xorijiy til oʻqituvchisi oʻquvchilarning psixologik, pedagogik va fiziologik rivojlanish qoidalarini bilib, oʻrganib darsning maqsad va mazmunidan kelib chiqib, pedagogik texnologiyalarni darsda qoʻllash maqsadga muvofiqdir.

Oʻqituvchi dars jarayonida pedagogik texnologiyalarni ishlatishda quyidagilarga eʼtibor berishi lozim:

- oʻquvchilar ongida muayyan mavzu asosida yangi tushunchalarni hosil qilish;
- yangi mavzuga oid qoida, atamalar mohiyatini ochib berish;
- yangi mavzuni oʻtilgan mavzular bilan izchillikda yetkazish;
- oʻquvchilarning fikrlash darajasini rivojlantirib borish;
- taʼlimiy oʻyinlarning izchilligi, xilma-xilligi va qiziqarli boʻlishiga erishish;
- shu mashgʻulotning oʻzida yangi bilim asosida shakllangan koʻnikmalarini tekshirib

borish;

- oʻquvchilarning psixologik xususiyatlarini hisobga olish;
- dars jarayonida oʻquvchilar ishtirokini kuchaytirib borish.

Demak, shuni taʼkidlash kerakki, kelajagamiz boʻlgan yoshlarning erkin fikrlovchi, barkamol shaxs boʻlib shakllanishi uchun ularni har tomonlama rivojlantirish zarur. Jumladan, xorijiy tillarni oʻrganish darajalari mazkur maqsadni amalga oshirishda oʻquvchilarning psixologik, jismoniy va ijtimoiy jihatlarini oʻrganib, oʻzlarini erkin tutishi va fikrini mustaqil ifodalashda toʻsiq boʻladigan salbiy psixologik holatlarni aniqlash va bartaraf etishda qoʻllanilishi lozim. Demak, boshlangʻich sinflarda taʼlim oladigan oʻquvchilarning oʻziga xos bir qator muammolari mavjud. Oʻqituvchi ham pedagog, ham psixolog boʻlib qolmasdan, ular bilan ishlash texnikasini ham bilishi lozim.

### **TADQIQOT METODOLOGIYASI**

Yuqoridagi maqsaddan kelib chiqib, bugungi kunda xorijiy tillarni oʻqitish DTSda koʻrsatilgan «A» bosqich, yaʼni boshlangʻich sinflarni oʻz ichiga oladi. Demak, xorijiy til oʻqituvchisi 1-2-3-sinflarda taʼlim jarayonida qanchalik ustalik bilan pedagogik texnologiyalardan oʻz oʻrnida, maqsadli foydalansa, dars samaradorligi yuqori boʻladi.

Bugungi har bir fan oʻqituvchisi oʻz fanining xususiyatidan kelib chiqib, taʼlim jarayonida turli interfaol usullardan foydalanmoqda. Bizning yoʻnalishimizning maqsadi boshqa fanlardan farqli ravishda noanʼanaviy darslarda pedagogik texnologiyalarning turli interaktiv usullaridan foydalanib, kichik yoshdagi oʻquvchilarni erkin fikrlashga tayyorlashdir. Davlat taʼlim standartida har bir sinf uchun, masalan, 1-sinf uchun 200 ta, 2-sinf uchun 250 ta soʻz va iboralarni oʻrgatish maqsadi qoʻyiladi, demak, xorijiy til oʻqituvchisi pedagogik texnologiyalar asosida yuqorida taʼkidlangan maqsadlarni amalga oshirishi koʻzda tutiladi.

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2013 yil 8 maydagi «Uzluksiz ta'lim tizimining chet tillar bo'yicha davlat ta'lim standartini tasdiqlash to'g'risida»gi 124-sonli qarori boshlang'ich sinflar uchun xorijiy til o'rgatishning A-1 boshlang'ich darajasi qabul qilindi.

O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi tizimida xorijiy tillarni o'rgatish mazkur DTSGa muvofiq quyidagi ikki bosqichda amalga oshiriladi:

A-1 daraja: boshlang'ich ta'lim (1–4-sinflar);

A-2 daraja: umumiy o'rta ta'lim (5–9-sinflar).

Boshlang'ich sinf o'quvchilariga xorijiy til o'qituvchilari nimalarni o'rgatishi, qaysi pedagogik texnologiyalar asosida o'quvchilarga eng qulay usullar va uslublar yordamida tilni o'rgatish kerakligini ko'rsatish ta'limning innovatsion yo'nalishlarni tatbiq etishga undaydi. Tilni o'rgatishda o'qituvchi innovasiya – pedagogik texnologiyalarni ta'lim tizimiga kiritish, ta'lim tizimida eng ilg'or texnologiyalarni joriy qilish orqali ta'lim tizimini isloh qilish, ta'lim samaradorligini oshirish, shaxs ijtimoiylashuvini ta'minlash, bu borada muayyan muvaffaqiyatlarga erishish ta'lim jarayonida bolaga do'stona munosabatlarni shakllantirishga urinish natijasida vujudga keladi.

Boshlang'ich sinf o'quvchilari darslarining to'g'ri, aniq, izchil samarali bo'lishi uchun bugungi kunda o'qituvchi quyidagilarga e'tibor berishi lozim.

Birinchidan, pedagogik texnologiyalardan foydalanish orqali o'quvchilarning bilim, ko'nikma va malakalarni puxta o'zlashtirishi, ta'limning tushunarliklik, izchillik va kirishimlilik, nazariyani amaliyot bilan bog'lash, ko'rgazmalilik, bugungi kunning yangi yondashuvlari, multimedia o'quvchilarning ongliligini amalga oshirish orqali ta'minlanadi.

Ikkinchidan, boshlang'ich sinf o'quvchilariga faqatgina xorijiy tilni o'rgatishgina emas, balki o'z do'stlari bilan muloqotni tashkil qilish ham muhim ahamiyat kasb etishi lozim.

Uchinchidan, har bir o'qituvchi pedagogik texnologiyalardan dars jarayonida foydalanishda interfaol usullardan o'z o'rnida foydalanishi zarur.

To'rtinchidan, o'quvchilarning fikrlash faoliyatini shakllantirish uchun o'qituvchi o'quvchilarning fiziologik rivojlanishini hisobga olib, turli didaktik va rolli o'yinlar tashkil etishi lozim.

Beshinchidan, o'qituvchi interfaol usullardan – o'qituvchi va o'quvchi hamda o'quvchilararo birgalikdagi harakatdan foydalanishi kerak.

Oltinchidan, o'quvchilar o'tilgan mavzuni esdan chiqarmasliklarining oldini olish maqsadida takrorlash passiv amalga oshirilmasligi kerak.

Boshlang'ich sinflarda «Dars – muqaddas» kontekstida pedagogik texnologiyalardan samarali foydalanish bugungi kunda muhim, dolzarb hisoblanadi.

### **TADQIQOT NATIJALARI**

Ma'lumki, bugungi kunda ilm-fan, texnika, axborot tizimi shiddatli rivojlanmoqda. O'qish va o'qitishda kundalik faoliyatga qatnashish uchun har tomonlama mukammal bilim, malaka va ko'nikmaga ega bo'lishni davrning o'zi talab qilmoqda. Zamonaviy pedagogik va axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalangan holda o'qitishning ilg'or uslublarini joriy etish yo'li bilan o'sib kelayotgan yosh avlodni chet tillarga o'qitish, shu tillarda erkin so'zlasha oladigan mutaxassislarni tayyorlash tizimini tubdan takomillashtirish hamda buning negizida ularning jahon sivilizatsiyasi yutuqlari hamda dunyo axborot resurslaridan keng ko'lamda foydalanishlari, xalqaro hamkorlik va muloqotni rivojlantirishlari uchun shart-sharoit va imkoniyatlar yaratish

maqsadida O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2012 yil 10 dekabrda «Chet tillarni o'rganish tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida»gi PK-1875-sonli qarori qabul qilindi. 2012 yildan boshlang'ich sinflarda xorijiy tillar o'qitish muvaffaqiyatli amalga oshirilmoqda. Ta'lim muassasalarida o'quvchilarga bilim berish bilan bir qatorda xorijiy til o'qituvchilarining o'zlari ham 2013 yil o'quv yilidan boshlab haftaning juma kunlari – «Xorijiy til o'qitish metodikasi kuni»da tajribali trenerlar yordamida qo'shimcha kurslarda ta'lim olmoqdalar. Demak, o'qituvchilarda xorijiy tillarni zamonaviy talablar asosida o'qitish uchun kompetensiyalar shakllanmoqda.

Bugungi kunda 1-sinfdan boshlab xorijiy tillarni o'qitishni muvaffaqiyatli amalga oshirish uchun pedagoglarga pedagogik, psixologik talablar qo'yilmoqda. «O'qituvchi kimni o'qitadi, nimani o'rgatadi va qanday texnologiyalar asosida o'rgatadi?», degan savol qo'yiladi. Buning uchun xorijiy til o'qituvchisi, avvalambor, o'z ona tilini, uning fonetikasi, grammatikasini mukammal bilgandagina xorijiy tilni qiyoslash orqali o'quvchilarga o'rgata oladi.

Uzluksiz ta'lim tizimida faoliyat yuritayotgan har bir o'qituvchi, jumladan, xorijiy til o'qituvchilari tilshunoslik bo'yicha quyidagi zaruriy kompetensiyalarga ega bo'lishlari lozim: lingvistik, sotsiolingvistik, pragmatik.

### **MUHOKAMA**

Tilshunoslikka oid bu kompetensiyalar umumiy holda tavsiya etilgan. Ularni «Klaster» usuli orqali qismlarga bo'lib o'rganish mumkin. Kompetensiyaviy yondashuvni amaliyotga tatbiq etish uchun tajribali mutaxassislarning 1-2- va 3-sinflarda xorijiy tillarni o'rgatishining ahvolini o'rganish, monitoring qilish yoki ularning faoliyatini o'rganish va ularga metodik yordam berish bugungi asosiy vazifalardan biridir.

Shu maqsadda Surxondaryo viloyati xalq ta'limi boshqarmasi, viloyat xalq ta'limi xodimlarini qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish instituti tashabbusi bilan 2014 o'quv yilida viloyat xorijiy til o'qituvchilarining metod birlashmasi tashkil etildi. Metodik birlashmaga viloyatda faoliyat yurituvchi xorijiy til o'qituvchilari a'zo bo'lib, har oyda bir marta viloyat tumanlari maktablarida ochiq darslar tashkil etilmoqda, yosh o'qituvchilarga uslubiy yordam ko'rsatilib kelinmoqda. Bu esa o'z navbatida bugungi yoshlarga tavsiya etilayotgan kompetensiyalar qay darajada shakllanganligini o'rganish va ularga amaliy yordam berishda qo'l kelmoqda. «XXI asr o'qituvchisi tobora taraqqiy etib borayotgan bugungi fan-texnika yutuqlariga har doim hozirjavob bo'lishi, ulardan o'z darslarida samarali foydalana olishi kerak bo'lmoqda. Bu esa o'z navbatida kompetentli o'qituvchilarning ko'proq bo'lishiga bog'liqdir. Darslarda qo'llanadigan ilg'or pedagogik texnologiyalar o'quvchilarda xorijiy til faniga bo'lgan mehr-muhabbat tuyg'ularini uyg'otish, ularning chet tiliga bo'lgan qiziqishini oshirish va bu tilni mukammal bilish darajasiga ko'tarish, mantiqiy aniq va to'liq nutq egasi bo'lishiga erishish kabi muhim vazifalarni bajarishga yordam beradi»<sup>1</sup>.

O'qituvchilarimiz bugungi kunda ta'limning an'anaviy va noan'anaviy shakllari asosida darslarni tashkil qilib kelmoqdalar. Bizning bugungi kundagi asosiy vazifamiz DTS asosida o'quvchilarni har tomonlama erkin fikrlovchi, o'zining mustaqil fikrlarini to'liq bayon eta oladigan barkamol avlod qilib tarbiyalashdir. Demak, dars davomida shogirdlarimizni «o'quvchi-tinglovchi» sifatida emas, balki o'qituvchi bilan bimalol bahslashish ko'nikmalariga ega bo'lgan faol o'quvchilar sifatida tayyorlashimiz kerak bo'ladi. Bu vazifa, albatta, noan'anaviy darslarda pedagogik texnologiyalar, interfaol usullardan foydalanish orqali amalga oshiriladi.

Termiz shahri xorijiy tillarni o'rgatishga asoslangan 3-tayanch maktab xorijiy til o'qituvchilar tajribalari shuni ko'rsatmoqdaki, kompetentli xorijiy til o'qituvchilari pedagogik texnologiyalardan o'rinli, maqsadli, mavzularning talablaridan kelib chiqib, samarali foydalansalar, quyidagilarga erishadilar:

1. O'quvchilarga chet tilida gaplashish boshqalar bilan kommunikativ aloqaga kirisha olish, tushuna olish va to'g'ri javob qaytara olish.

2. O'quvchilarda chet tillarni o'rganishga nisbatan motiv (qiziqish) uyg'otish va qiziqish davomiyligi, uzluksizligini ta'minlash.

Shunday ekan, maktab yoshidagi o'quvchilarda ingliz tili savodxonligini to'g'ri tashkil etish va uzluksizlik tamoyillari asosida rivojlantirib borish ularning kelajakda xorijiy til o'rganishga qiziqish bilan yondashishga va samarali ravishda ingliz tilida so'zlashuvga o'rgatadi. Bu esa xorijiy til o'qituvchisiga o'ziga xos mashaqqatli mehnatni talab etadi.

Demak, «Pedagogik texnologiyaning markaziy muammosi o'quvchi shaxsini rivojlantirish orqali ta'lim maqsadiga erishishini ta'minlashdan iborat», deydi o'zbekistonlik pedagog O.K.Tolipov va xorijiy tillarni o'qitishda muayyan interfaol usullarni tavsiya qiladi. Xorijiy tillarni samarali o'qitishda turli interfaol usullarni tavsiya etish mumkin. Murakkab mavzularni o'quvchilar ongiga osongina singdirish uchun pedagogik texnologiyalarning turli xil metodlari (usullari)dan foydalanish maqsadga muvofiqdir. Masalan, «Aqliy hujum», «Klaster», «Qizil va yashil rangli kartochkalar bilan ishlash», «BBB» (bilaman, bilishni xohlayman, bilib oldim), «Venn diagrammasi» metodlari shular jumlasidandir. Darslarni mukammal tashkil etish uchun ilg'or pedagogik texnologiyalarni olib kirish, uni ta'lim mazmuniga singdirish, dars o'tishning yangidan-yangi usullarini topish, davlat ta'lim standartlari talablarini bajarishga zamin yaratadi.

Bunda o'qituvchiga dars o'tish qulay va jonli bo'lishi uchun turli ko'rgazmali vositalar ishlab chiqish va ulardan dars jarayonida optimal foydalanish, zamonaviy ilg'or pedagogik texnologiyalardan foydalanish lozim.

O'zbekistonlik olim, professor N.Saidahmedovning ta'kidlashicha, «hozirgi kunda o'qituvchilar o'qitish metodikasini ko'p hollarda texnologiyalardan ajrata olmayaptilar». Metodika o'tish jarayonini tashkil etish va o'tkazish bo'yicha tavsiyalar majmuasidan iboratdir, metodikadan ko'zlangan maqsad predmet mavzulariga oid nazariyalarni aniq hodisalar tekisligiga ko'chirishdir. Pedagogik texnologiya (PT) o'qitish jarayonining o'zaro bog'liq qismlarini tashkiliy jihatdan tartibga keltirish, bosqichlarini ko'rish, ularni joriy etish, shartlarini aniqlash, mavjud imkoniyatlarini hisobga olgan holda belgilangan maqsadga erishishni ta'minlaydi. «Yoxud, PT o'qituvchining kasbiy faoliyatini yangilovchi va ta'limda yakuniy natijani kafolatlaydigan muolajalar yig'indisidir.

Texnologiya o'zining egiluvchanligi, natijalarning to'g'riligi, samaradorligi, oldindan loyihalanish zaruriyati bilan metodikadan farqlanib turadi». Bulardan tashqari, xorijiy til darslarini o'tishda o'qituvchi har xil usullar: audio dars (tinglab tushunish), video dars, internet darsi, sayohat darsi, musiqa darsi, «modul» dars, bahs-munozara, musobaqa darsi, «Zakovat» va interfaol pedagogik usullardan foydalanishi mumkin. Ta'lim har doim o'qituvchidan o'z ustida ishlash, izlanishni talab etadi. Bugungi kun o'qituvchisi kompetensiyaviy yondashuv asosida innovatsiyalar joriy qilishi, loyihalashtirish asosida zamonaviy pedagogik texnologiyalar ustida bosh qotirishi lozimdir. Shuning uchun bugungi kun o'qituvchilaridan iloji boricha ta'limning

yangi usullari ustida izlanish talab etiladi. Chunki o'quvchilarga an'anaviy darslar uncha yoqmaydi, ularni zeriktiradi, natijada o'quvchi dars mazmunini yaxshi o'zlashtirmaydi.

Har bir darsdagi interfaol usullar qayta-qayta mashq qilinishi oqibatida aniq natijaga erishiladi. O'quvchilarning zerikib qolmasligi uchun pedagogik texnologiyalardagi usullarning turlicha bo'lishi dars samaradorligini yanada oshiradi.

Dars jarayonlarida o'qituvchi o'quvchi nutqi, mustaqil fikrlay olishi, o'z fikrini xorijiy tilda bemalol ifoda eta olishi, yozma ish, suhbat, hikoya, mustaqil fikriga tayanishi kabi shakllariga e'tibor berishi lozim. Aslida, pedagogik texnologiyalardan o'qituvchi dars jarayonida majburiy foydalanishi mumkin emas. Ayrim o'qituvchilar pedagogik texnologiyalar afzalliklarini o'zlari bilmay turib, ulardan xo'jako'rsinga foydalanmoqchi bo'ladilar. Holbuki, buni hech kimga keragi yo'q. PT darsning mazmuni, maqsadiga qarab ishlatilsa, u ijobiy samara beradi.

Xorijiy til darslari qanday shakl, metod va vositalar tashkil etilishidan qat'i nazar eng avvalo pedagogik texnologiyalar:

- pedagogik faoliyat ta'lim-tarbiya jarayonining samaradorligini oshirish;
- o'qituvchi va o'quvchi o'rtasida o'zaro hamkorlikni qaror toptirish;
- o'quvchilar tomonidan o'quv predmetlari bo'yicha puxta bilimlarni egallashni ta'minlash;
- o'quvchilarda mustaqil, erkin va ijodiy fikrlash ko'nikmalarini shakllantirish;
- o'quvchilarning o'z imkoniyatlarini ro'yobga chiqara olishlari uchun shart-sharoitlar yaratish;
- pedagogik jarayonda demokratik va insonparvarlik g'oyalarining ustuvorligiga erishishni kafolatlashi lozim.

Bu kabi pedagogik texnologiyalardan foydalanilganda, o'quvchilarning bilim salohiyati, fanga bo'lgan qiziqishlari yanada ortadi; bilim, malaka, ko'nikmalar yanada shakllanadi va o'zlari tanlagan fanning asosiy tushunchalarini farqlay oladilar. O'qituvchi dars jarayonida interfaol usullardan foydalanishdan oldin mavzu bo'yicha asosiy tushunchalar haqida ma'lumot berib o'tadi. Shundan so'ng, o'quvchilarning mustaqil ravishda o'zlashtirishlari, takrorlashlari, olgan ma'lumotlari doirasini kengaytirishlari va mantiqiy fikr yuritishlari oson kechadi.

Bunda interfaol usullarning ahamiyati yanada oshadi. Quyida bunday usullardan birining ingliz tili darsi jarayoniga tatbiqini ko'rib chiqaylik.

Bugungi kunda Surxondaryo viloyati xalq ta'limi xodimlarini qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish instituti professor-o'qituvchilari viloyat maktablari, ayniqsa, boshlang'ich sinflarda xorijiy tillarni o'qitish jarayoniga katta amaliy yordam bermoqdalar. Ikkinchi sinflarda xorijiy tilni o'rgatishning maqsadi yozish va o'qishdan iboratdir. Darslarni kuzatish davomida pedagogik texnologiyalarning qo'llanilishi turli interfaol usullar orqali bo'lib, ular juda yuqori natija bermoqda.

Surxondaryo viloyati Denov, Qumqo'rg'on, Angor, Qiziriq tumanlari maktablari xorijiy til o'qituvchilari ish tajribalarini o'rganib, ularga tegishli metodik maslahatlar berildi. Jumladan, tajribali xorijiy til o'qituvchilariga 2-sinfda «Play» metodidan foydalanish tavsiya qilindi. «Play» metodidan 2-sinfda ingliz tili darsida quyidagicha foydalaniladi: o'qituvchi dastlab o'quvchilarni ikki yoki uch guruhga bo'ladi. Ularga tanish bo'lgan bir so'zni aytadi va ma'lum bir chegaralangan vaqt beradi. O'quvchilar shu so'zga aloqador bo'lgan so'zlarni daftarga yozadilar. Masalan: «write» so'zini olaylik. Bu so'zning o'zbekcha tarjimasi «yozmoq»dir. O'quvchi belgilangan vaqt



ichida bu soʻzga bogʻliq boshqa soʻzlarni yozishi va gaplar orqali misollar keltirishi kerak. Oʻyinning asosiy shartlaridan biri shundan iboratki, ular oʻyin davomida lugʻat, kitob va daftarlaridan foydalanmaydilar. Berilgan vaqt tugagandan keyin guruhlarining topgan misollari toʻgʻri va notoʻgʻriligi aniqlanadi va natijalari baholanadi. Bu metodni qoʻllash oʻqituvchiga oʻquvchilarning fikrlash doirasi va ularning lugʻat boyligi qay darajada ekanligini bilishiga yordam beradi. Oʻquvchilarga esa mantiqiy fikrlash, guruh bilan ishlash koʻnikmasini shakllantirish, har bir oʻquvchini faollikka undash, oʻzlari bilmagan va topolmagan misollarni guruhdoshlari yoki raqib guruh topgan misollar orqali eslab qolishlariga yordam beradi. Bunday metodlar dars jarayonida bir necha marta foydalanilsa, albatta oʻquvchilarning soʻz boyligi yanada oshadi.

Bundan tashqari dars jarayonida oʻquvchilarga xorijiy tillardan dars oʻtishda «Speak», yaʼni «gapirmoq» metodini qoʻllash mumkin. Bu metodda oʻquvchilar oʻzlarining soʻz boyligi va grammatik bilimiga tayanadilar. Oʻqituvchi doskaga bitta sodda feʼlni yozadi. Oʻqituvchi tanlagan oʻquvchilar bu feʼldan ketma-ket sodda va murakkab gaplar tuzadilar. Bu metodni qoʻllash jarayonida oʻqituvchi oʻquvchilarning grammatik bilimi va soʻz boyligini yana bir bor sinovdan oʻtkazadi. Masalan oʻqituvchi doskaga «go» feʼlini yozadi. Tanlangan oʻquvchi esa uni sodda gapga aylantiradi. Masalan «I go» yoki «he goes», «go to school» va shu tariqa keyingi tanlangan oʻquvchilar bu gapni ketma-ketlikda davom ettiradilar. Bu misolni quyidagi matnda koʻrib chiqamiz:

Oʻqituvchi: - go

1. Oʻquvchi: - go to school

2. Oʻquvchi: - go to school said my father

Bu misollar ketma-ketligini taʼminlash, eng avvalo, oʻquvchilarning bilimlarni oʻzlashtirishlariga bogʻliq. Bu metodni oʻqituvchi guruhlar misolida ham qoʻllasa boʻladi. Oʻquvchilarni oʻqituvchi ikkita guruhga boʻlib, ularga ikkita feʼlni doskaga yozdiradi va har bir guruh qatnashchilari navbat bilan feʼlni gapga aylantirib, gaplar ketma-ketligini davom ettiradilar. Gaplarning grammatik jihatdan toʻgʻri ishlatilganligi va soʻzlarning toʻgʻri yozilishi oʻqituvchi tomonidan nazoratga olinadi va ular umumlashtirilib baholanadi. Eng yaxshi koʻrsatkichga ega boʻlgan oʻquvchilar oʻqituvchi tomonidan oʻrnak qilib koʻrsatiladi va ragʻbatlantiriladi.

Bu kabi metodlardan koʻplab misollar keltirishimiz mumkin va ulardan xorijiy til darslarida unumli foydalanilsa boʻladi. Bularidan kelib chiqadigan xulosa shuki, oʻqituvchi oʻz darsiga ilgʻor pedagogik texnologiyalarni qanchalik koʻp darajada olib kirsas, ularni taʼlim mazmuniga singdirib, oʻz oʻrnida foydalansa va oʻzi ham bunday metodlarni yanada rivojlantirib, yangidan-yangi innovatsiyalar kashf qilsa, ana shundagina u koʻzlagan natijaga erishadi.

### XULOSA

Demak, «Oʻqituvchi chet tili darslarini pedagogik texnologiyalardan foydalanib shunday tashkil etsinki, u samaraga erishsin». Bu esa oʻz navbatida yuqori kompetensiyaga erishgan oʻqituvchining pedagogik mahoratiga bogʻliqdir.

Bizga maʼlumki, xorijiy tillarni oʻrganishga nisbatan eng qulay boʻlgan davr 5-8 yosh boʻlib, bu davrda bola tomonidan oʻz ona tilini oʻrganish tizimi toʻliq oʻrganilgan boʻlib, xorijiy tilni egallashga ongli ravishda yondashadi, atrofdagilar bilan xorijiy tilda aloqaga kirishish unchalik qiyinchilik tugʻdirmaydi. Bolalikda xorijiy tillarni oʻrganish jarayoni orqali rivojlanadigan layoqatlar bolaning kommunikativ qobiliyatlari rivojiga ijobiy taʼsir koʻrsatadi.



O'n yoshdan so'ng, xorijiy tillarni o'rganuvchi bolalarning faqat 5 foizigina so'zlarni to'g'ri talaffuz etishi mumkin. Shuning uchun ham xorijiy tillarni o'rganishni erta boshlash samarali hisoblanadi. Ta'lim samaradorligiga erishish uchun bugungi xorijiy til o'qituvchisiga quyidagi talablar qo'yiladi:

1. Yuqoridagi sinflarni o'zida mujassamlashtirgan o'qituvchi yetarli bilim, ko'nikma, malakaga ega bo'lishi, pedagogik texnologiyalarning mohiyatini aniq bilishi.

2. Ta'lim jarayonida boshlang'ich sinf o'quvchilarining yoshiga xos pedagogik, psixologik individual xususiyatlarni hisobga olib pedagogik texnologiyalarni qo'llash.

3. O'qituvchining fazilatlaridan biri u o'z fanini yuqori saviyada bilishi ta'lim samaradorligini oshirishda pedagogik texnologiyalardan unumli foydalanib, natijaga erishish.

4. O'qituvchi kasbiga oid talablardan biri bolalarni sevishi, ularning hayoti bilan qiziqishi, pedagogik texnologiyani qo'llash orqali ularning xorijiy tilga nisbatan mehrini uyg'otishdan iborat bo'lishi lozim.

Demak, xorijiy tilni pedagogik texnologiyalar orqali o'qitish yoshlarni kelajakda mustaqil fikrga ega barkamol avlod bo'lib tarbiyalanishida muhim ahamiyat kasb etishi lozim.

#### *Foydalanilgan adabiyotlar:*

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2012 yil 10 dekabrda «Chet tillarni o'rganish tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida»gi PK-1875-sonli qarori. // «Xalq so'zi» gazetasi, 11.12.2012 y., 240 (5660)-son.
2. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2013 yil 8 maydagi «Uzluksiz ta'lim tizimining chet tillar bo'yicha davlat ta'lim standartini tasdiqlash to'g'risida»gi 124-sonli qarori. // O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2013 y., 20-son, 251-modda.
3. Karimov I.A. Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch. – T.: «Ma'naviyat», 2008.
4. Jumanazarov I.I. Chet tili darslarida pedagogik texnologiyalarni tashkil etish – dolzarb muammo. / «Boshlang'ich ta'lim sifati va samaradorligini oshirish: muammolar, yechimlar» mavzusidagi Respublika amaliy konferensiyasi. – T.: 2014.
5. Kenjaboyev A. Pedagogik texnologiyalar – dars samaradorligining muhim omili. – T.: «Navro'z», 2012.
6. Kenjaboyev A. Pedagogik mahorat asoslari. – T.: «Navro'z», 2012.
7. Kenjaboyev A., Salomova G., Sohibov B. Masofaviy o'qitishning pedagogik asoslari. // «Zamonaviy ta'lim», 2014, 10-son. -3–7-b.
8. Kenjaboyev A., Kenjaboyev J. Tarbiya texnologiyasi va uning dolzarbligi. // «Zamonaviy ta'lim», 2015, 4-son. -61–64-b.
9. Saidaxmedov N. Pedagogik texnologiyalar. – T.: «Fan», 2006.
10. Tolipov U.K., Usmonboyeva M. Pedagogik texnologiyaning tatbiqiy asoslari. – T.: «Fan», 2006.
11. Feberman B. Ilg'or pedagogik texnologiyalar. – T.: «Fan», 2000.
12. Xudoyqulov X.J., Kenjaboyev A. Zamonaviy pedagogik texnologiya ta'lim samaradorligining asosidir. – T.: «Navro'z», 2013.
13. Jurayev R. K., Karakhanova L. M. Scientific And Methodical Bases Of The Use Of Electronic Educational Resources In Teaching Biology In General Educational Schools //International Journal of Advanced Science and Technology. – 2020. – T. 29. – №. 8. – C. 3500-3505.

14. Мусахоновна Қ. Л. УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА БИОЛОГИЯ ФАНИДАН САМАРАДОРЛИККА ЭРИШИШДА ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМИЙ ВОСИТАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АСОСЛАРИ //Science and innovation. – 2022. – Т. 1. – №. В3. – С. 577-585.
15. Dzhuraev R. K., Karakhanova L. M. Model of the organization of research activities of 10th grade students in teaching physics and biology //International journal of discourse on Innovation, integration and education. – 2021. – Т. 2. – №. 01. – С. 296-300.
16. Karakhanova L. M. USE OF MEDIERE RESOURCES IN THE EDUCATIONAL PROCESS OF BIOLOGY IN SCHOOLS //International Scientific Review of the problems of pedagogy and psychology. – 2018. – С. 68-70.

## UMUMTA'LIM MAKTABLARIDA "QUYOSH FIZIKASI" GA OID BILIMLARNI INTEGRATIV YONDASHUV ASOSIDA O'QITISH

A.R.Sattorov

katta o'qituvchi, NavDPI

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6678261>

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada umumta'lim maktablarida o'qitiladigan "Tabiiy fanlar", "Fizika", "Astronomiya" fanlaridagi "Quyosh fizikasi" ga oid bilimlarni integrativ yondashuv asosida o'qitish muammolari tadqiq etilgan. Shuningdek, integrativ yondashuvning ta'lim sifati va samaradorligini oshirishda metodologik imkoniyatlari metodik jihatdan asoslab berilgan.

**Kalit so'zlar:** umumta'lim maktablari, astrofizika, astronomiya, Quyoshning tuzilishi, tabiiy fanlar, yulduzlar va sayyoralar, Quyosh toji.

### ОБУЧЕНИЯ ЗНАНИЕ ПО "ФИЗИКЕ СОЛНЦА" В ОБЩЕОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ШКОЛАХ НА ОСНОВЕ ИНТЕГРАТИВНОГО ПОДХОДА

**Аннотация.** В данной статье рассматривается интегративный подход знания относящиеся к теме "Физика Солнца" изучаемые предметами "Естественные науки", "Физика", "Астрономия" в общеобразовательных школах. Также методически обоснованы методологические возможности интегративного подхода в повышении качества и эффективности образования.

**Ключевые слова:** общеобразовательные школы, астрофизика, Астрономия, строение Солнца, естественные науки, звезды и планеты, солнечная корона.

### TEACHING KNOWLEDGE OF THE "PHYSICS OF THE SUN" IN SECONDARY SCHOOLS BASED ON AN INTEGRATIVE APPROACH

**Abstract.** This article discusses the integrative approach of knowledge related to the topic "Physics of the Sun" studied subjects "Natural Sciences", "Physics", "Astronomy" in secondary schools. The methodological possibilities of the integrative approach in improving the quality and effectiveness of education are also methodically substantiated.

**Keywords:** general education schools, astrophysics, astronomy, solar structure, natural sciences, stars and planets, solar corona.

## KIRISH

Hozirgi kunda mamlakatimizda fan-texnika va texnologiyalarning, jamiyat rivojlanishining asosiy quroli bo'lgan fizika fanini o'qitish sifatini tubdan isloh qilish, dars jarayonlariga innovatsion pedagogik texnologiyalarni izchil tadbqiq qilish masalasiga davlat siyosati darajasida e'tibor qaratilmoqda. Buni birgina Yurtboshimizning 2021 yil 19-martda "Fizika sohasidagi ta'lim sifatini oshirish va ilmiy-tadqiqotlarni rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-5052-sonli Qarori qabul qilinganligida yaqqol ko'rish mumkin.

Integratsiya – bu ta'lim jarayonlarini tiklash, tizimning alohida ajratilgan qismlari va funksiyalarining bir butunga ulanish holati, shuningdek, bunga olib keladigan jarayon hisoblanadi, ya'ni astronomiya o'qitishda esa ta'lim integratsiyasini turli yo'llar bilan izohlash mumkin. Astronomiya o'qitishda "integratsiya" tushunchasi ikkita ma'noga – astronomiya o'qitishdan maqsad va o'qitish vositasi sifatida namoyon bo'ladi.

## TADQIQOT MATERIALLARI VA METODOLOGIYASI

Ushbu sharoitda har bir fizik pedagog o'z faniga oid fundamental bilimlarni o'zlashtirishdan tashqari, fanlarning o'zaro integratsiyasi natijasida yuzaga kelgan yangi soha va fanlarning ham tushunchalaridan, qonun va tamoyillaridan xabardor bo'lishi hamda bu bilimlardan bevosita ta'lim jarayonlarida foydalana olish malakasiga ega bo'lishi lozim. Xususan, fizika qonunlari, uslub va tamoyillarini astronomiyaga tadbqiqi natijasida yuzaga kelgan "Astrofizika" fani oid bilimlarni ham puxta egallashi va aynan "Quyosh" to'g'risidagi ekperimental kuzatish natijalarini, unda kechayotgan fizik jarayonlar mohiyati to'g'risidagi nazariyalarni o'zlashtirishi va ulardan fizika ta'limi jarayonlarida foydalanishi o'quvchilarning ilmiy dunyoqarashini shakllantirishda muhim ahamiyat kasb etadi. Bu esa o'z-o'zidan fan va ta'lim integratsiyasini samarali amalga oshirish imkoniyatlarini kengaytiradi. Chunki, "Astrofizika" fani aynan fanlararo integratsiya natijasida yuzaga kelgan, shunday ekan ushbu integrativlik tabiatini fizika o'qitish jarayonlarida o'quvchilarga yetkazib berish ilmiy-metodik tomondan eng to'g'ri uslub hisoblanadi. Maktab fizikasida aynan astrofizikaga ta'luqli bo'lgan bilimlar alohida yoritilgan bo'lmada, Quyoshning tuzilishi, unda kechayotgan fizik jarayonlar va bu jarayonlarning Yerga ta'siriga oid bilimlar aynan astrofizik tadqiqotlar natijasida qo'lga qiritilgan. Darhaqiqat, "Quyosh fizikasi" ga oid bilimlar umumiy o'rta ta'lim tizimida o'qitiladigan fizika fanidagi astrofizik bilimlarning yadrosi hisoblanadi. Lekin, pedagogik kuzatishlarimiz va umumiy o'rta ta'lim maktablari uchun fizika va astronomiyaga oid mavjud adabiyotlar tahlili shuni ko'rsatadiki, hozirgi kunda o'quvchilarni astrofizikaga oid bilimlari ta'limga qo'yilgan zamonaviy talablarga javob bera olmaydi. Vaholanki, o'quvchilarni astronomiya va astrofizikaga bo'lgan qiziqishlari amalda juda yuqori. Demak, galdagi vazifa o'quvchilarni ana shu qiziqishlaridan amalda ta'lim sifatini oshirishda foydalanishning samarali shakl, usul va vositalarini ishlab chiqish hisoblanadi.

Shuningdek, yuqoridagi muammolarni yuzaga kelishida quyidagi omillar sabab bo'lmoqda:

Birinchidan, umumta'lim maktablarida fizika faniga ajratilgan soatning kamligi;

Ikkinchidan, umumta'lim maktablari uchun yaratilgan fizika adabiyotlarida astrofizikaga oid bilimlar integratsiyasiga yetarli darajada etibor berilmaganligi;

Uchinchidan, astrofizikaning ba'zi jihatlarini o'zida aks ettiruvchi "Astronomiya" fani faqat 11-sinflar uchun o'tiladi. Bu esa, astrofizikaga oid bilimlarni yetarlicha yoritish imkonini bermayotganligi;

To'rtinchidan, umumiy o'rta ta'lim maktablaridagi fizik pedagoglarda astrofizikaga oid zamonaviy bilimlar yetarli darajada rivojlanmaganligi va h.k.

### **MUHOKAMA**

Ushbu maqolada umumta'lim maktablarida "Quyosh fizikasi"ga oid bilimlarni integrativ yondashuv asosida o'qitishga oid metodik tavsiyalarni keltiramiz.

Umumiy o'rta ta'lim maktablari uchun "Tabiiy fanlar" darsligining "Yulduzlar va sayyoralar" mavzusida Yerga eng yaqin yulduz hisoblangan Quyosh haqidagi umumiy tushunchalar, shuningdek sayyoralar bilan yulduzlar orasidagi farqlar haqida eng sodda tasavvurlar berilgan hamda o'quvchilarga aynan ko'zgu yordamida Quyosh nurini akslantirishga oid amaliy topshiriqni bajarishi belgilangan. Bu esa eng sodda astrofizik tajribalardan biri hisoblanadi. Chunki, ko'zgu fizik jihoz, Quyosh esa astronomik yoritgich bo'lib, nurning ko'zgu yordamida yo'nalishini o'zgartirish orqali yorug'likning qaytish qonunini namoyish etish mumkin. Ushbu sodda tajribada ma'lum darajada bir nechta fanlar (fizika, astronomiya, optika)ga

oid bilimlar integratsion xarakter kasb etadi va bunda ularning integratsiyasini astrofizika fani o'zida namoyon qiladi [1].

Umumiy o'rta ta'lim maktablarining 6-sinflari uchun "Fizika" darsligining 49-mavzusi "Quyosh va Oy tutilishi" deb nomlanib, unda tabiatda soya va yarim soyaning hosil bo'lish mexanizmi, Quyosh va Oy tutilishining sabablari ma'lum sodda geometrik bilimlar vositasida yoritilgan. Ushbu hodisalarning Yerdagi jarayonlarga ko'rsatadigan ta'sirlari qisman bayon etilgan. Shuningdek, ushbu mavzuda "Quyosh toji" to'g'risidagi tushuncha berilgan bo'lsada, uning mohiyati yetarlicha ochib berilmagan[2]. Bizningcha, bunday vaziyatda fan o'qituvchisi ushbu tushunchaning mohiyatini kengroq ochib berishi va bunda "Quyosh toji"ni kuzatishning eng sodda uslubini o'quvchilarga tushuntirishi lozim. Ya'ni oddiy tanganing doira tamonini Quyoshga qaratib, Quyosh yuzasini yopish darajasigacha harakatlantiramiz va bunda "Quyosh toji"ni kuzatish imkoniyati yuzaga keladi. Bunday tajribalarni bajarish esa, o'quvchilarning fanga bo'lgan qiziqishini oshiribgina qolmay, balki ularning eksperimental qobiliyatlarini oshirishga xizmat qiladi.

Umumiy o'rta ta'lim maktablarining 11-sinflari uchun "Fizika" darsligidagi 29-mavzusi "Infraqizil nurlanish. Ultrabinafsha nurlanish. Rentgen nurlanish va uning tatbiqi" deb nomlanib, unda dastlab Quyoshni tadqiq qilish jarayonida foydalaniladigan astrofizik o'lchov asboblarining Quyosh nurlari ta'sirida qizib ketishini kamaytirish yo'llarini o'rganish dolzarb masala ekanligi ta'kidlangan. Bundan tashqari, infraqizil, ultrabinafsha, rentgen nurlanishlarining fizik tabiati, ularni hosil qilish usullari, shuningdek ulardan amalda xususan inson salomatligini tadqiq qilish va davolashda foydalanish bo'yicha ayrim fikrlar izohlangan[3]. Shu o'rinda aytib o'tish kerakki, Quyosh nafaqat infraqizil, ultrabinafsha, rentgen nurlanishlari balki elektromagnit to'lqinlar shkalasining barcha diapazoniga to'g'ri keluvchi nurlanish chiqarganligi sababli, uni chuqur tadqiq etish, ushbu nurlanishlardan amalda foydalanish imkoniyatlarini kengaytiradi.

Mamlakatimizda astronomiya sohasida yetuk pedagog sifatida tan olingan olim, pedagogika fanlari doktori, professor M.Mamadazimov muallifligida 2018 yilda o'rta ta'lim muassasalarining 11-sinfi va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi muassasalarining o'quvchilari uchun "Astronomiya" fanidan chop etilgan darsligi hozirgi kunda asosiy adabiyot hisoblanadi. Ushbu darslikning IV bobi "Quyosh sistemasi jismlarining fizik tabiati"deb nomlanib, unda dastlab Quyoshning Yerga eng yaqin yulduz ekanligi va Yerdagi turli jarayonlar, xususan tiriklikni ta'minlashda Quyosh nurlarining ahamiyati va Quyosh haqidagi umumiy ma'lumotlar keltirilgan. Darslikda bayon etilgan ma'lumotlarning diqqatga sazovor joyi shundaki, unda Quyoshning tarkibiy tuzilishini aniqlashda spektral analiz usulidan foydalangan holda aniqlangan natijalar ma'lum vizual tasvirlarda yoritilgan[4]. Ya'ni Quyosh tarkibida vodorod, natriy, kalsiy, magniy, temir kabi kimyoviy elementlarning mavjudligi o'quvchilarni Quyosh to'g'risidagi bilimlarini kengaytiradi, ularni fanga bo'lgan qiziqishlarini oshirishga xizmat qiladi. Shu bilan birga Quyoshni va boshqa osmon jismlarini o'rganishda tadbiq etilayotgan fizik o'lchovlar insoniyatga yangidan – yangi astrofizik bilimlarni berayotganligini ham aytib o'tish maqsadga muvofiq, deb o'ylaymiz. Bundan tashqari, ushbu bo'limda 1 metr kvadrat Yer yuzasiga tushayotgan Quyosh energiyasi juda katta miqdor ekanligi va bu Quyosh doimiysi deb atalib, uning qiymati katta quvvatli GESning energiyasi bilan taqqoslash orqali tushuntirilgan. Bu bevosita o'quvchilarda turli sistemalardagi jarayonlarni qiyosiy tahlil qilish ko'nikmalarini shakllantirishda muhim ahamiyatga ega bo'lish bilan birga, fan, ta'lim va ishlab chiqarish

integratsiyasini ta'minlashga ta'luqli bo'lgan bilim elementlarini ularga singdirish imkoniyatlarini ham beradi.

### **XULOSA**

Xulosa qilib aytganda, umumta'lim maktablarida "Quyosh fizikasi" ga oid astrofizik bilimlarni berishda integrativ yondashuvdan samarali foydalanish, o'quvchilarning integrativ fikrlash qobiliyatlarini rivojlantirishda muhim ahamiyat kasb etadi. Bu esa integrativ yondashuvdan ta'lim jarayonida foydalanish ko'lamini kengaytirishga oid pedagogik tadqiqotlar samaradorligini oshirishni talab etadi.

### **Adabiyotlar:**

1. Suyarov K.T, Tillayeva Z.Y. va boshqalar Tabiiy fanlar. – T.: G'afur G'ulom, 2021. -120 b.
2. Turdiyev N.SH, Fizika 6-sinf. – T.: Niso poligraf, 2017. -176 b.
3. Turdiyev N.SH, Tursunmetov K.A. va boshqalar, Fizika 11-sinf. – T.: Niso poligraf, 2018. -193 b.
4. Mamadazimov M. Astronomiya 11-sinf. – T.: Davr, 2018. -176 b.
5. Sattorov A.R, "Zamonaviy Quyosh fizikasi" uslubiy qo'llanma Toshkent, "Sano-stadart" nashriyoti, 2011. – 64 b.



## ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА КРЕДИТ - МОДУЛ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ХУСУСИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Абдуганиева Гулрух Мансур кизи

Ўзбекистон Миллий университети ижтимоий фанлар факультети 2-курс талабаси

В.Р.Топилдиев

ю.ф.д., профессор

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6677714>

**Аннотация.** Муаллиф мазкур мақолада республикаимиз олий таълим муассасаларининг ўқув жараёнини босқичма-босқич кредит-модуль тизимига ўтказиш механизмларини ишлаб чиқиш ва уларни янада такомиллаштириш борасида кредит - модуль тизимини амалга ошириш учун профессор-ўқитувчиларга биринчи навбатдаги мажбуриятларини таҳлил этган.

**Калит сўзлар:** кредит - модуль, индивидуал таълим траекторияси, ўқиш юкламаси, ўқиш натижаси, мустақил таълим, талабага йўналтирган таълим, таълимда шаффофлик, таълимда мослашувчанлик, талабалар мобиллиги.

## НЕКОТОРЫЕ КОММЕНТАРИИ О ВВЕДЕНИИ КРЕДИТНО-МОДУЛЬНОЙ СИСТЕМЫ В ВУЗАХ

**Аннотация.** В данной статье автор анализирует приоритеты высших учебных заведений страны по разработке механизмов поэтапного перехода образовательного процесса на кредитно-модульную систему и внедрения кредитно-модульной системы.

**Ключевые слова:** кредит-модуль, индивидуальная траектория обучения, читательская нагрузка, результат обучения, самостоятельное обучение, личностно-ориентированное обучение, прозрачность обучения, гибкость обучения, студенческая мобильность.

## SOME COMMENTS ON THE INTRODUCTION OF CREDIT-MODULE SYSTEM IN HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS

**Abstract.** In this article, the author analyzes the priorities of higher education institutions of the country for the development of mechanisms for the gradual transition of the educational process to the credit-module system and the implementation of the credit-module system.

**Keywords:** credit-module, individual learning trajectory, reading load, learning outcome, independent learning, student-centered learning, transparency in education, flexibility in learning, student mobility.

## КИРИШ

Маълумки, бугунги кунда Республикаимиз таълим тизими ва ундаги ўқитиш жараёнларини такомиллаштириш мақсадида ривожланган давлатларнинг таълим соҳасидаги ислохотлари таҳлил қилиниб, шунга кўра таълим тизимини модернизациялаш унинг мақсад ва вазифаларини амалга ошириш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Дунё таълими олдида турган глобал вазифаларнинг ҳал қилинишида ечимини кутаётган муаммолар олий таълим тизимининг таҳлили, вазифалари, мақсадларини ўрганиш ва керакли тавсиялар яратишга йўналтирилган бўлиб, таълим соҳаси билан шуғулланувчи барча таълим ташкилотларининг ҳозирги кундаги асосий вазифалари таълимни ташкил этиш, унинг сифатини юқори даражага кўтариш, таълимни

рақамлаштириш, бошқариш, молиялаштириш, таълим муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш каби масалаларнинг ҳал қилинишига қаратилган. Айнан шу муаммолар республикаимиз таълим тизимида ҳам мавжуддир.

Мустақиллик йилларида иқтисодиётнинг, ижтимоий ҳаётнинг реал талабларидан келиб чиққан ҳолда, юртимизда олий таълим тизимини модернизация қилиш, унга ўқитишнинг замонавий шакл ва технологияларини жорий этиш, мутахассислар тайёрлаш бўйича ихтисослик йўналишларини такомиллаштириш борасида катта ишлар қилинди.

### **ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ**

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон ҳамда “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сон фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил этиш билан боғлиқ тизимни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 824-сон қарорида олий таълим муассасаларининг ўқув режаларини кредит-модуль тизимига ўтказиш механизмларини ишлаб чиқиш ва уларни босқичма-босқич мазкур тизимга ўтказиш; индивидуал таълим траекторияларига асосланган, талабаларда креатив фикрлаш, амалий кўникмаларни шакллантиришга қаратилган ўқув режалар ишлаб чиқиш орқали талабалар қизиқишлари ҳамда кадрлар буюртмачилари эҳтиёжларига мувофиқ таълим дастурларини шакллантириш, уларни тасдиқлаш бўйича олий таълим муассасаларига босқичма-босқич академик мустақиллик бериш;

мустақил таълим соатлари улушини ошириш, талабаларда мустақил таълим олиш, танқидий ва ижодий фикрлаш, тизимли таҳлил қилиш, тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, ўқув жараёнида компетенцияларни кучайтиришга қаратилган методика ва технологияларни жорий этиш, ўқув жараёнини амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтириш, бу борада ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий материалларни кенг жорий этиш;

талабалар билимини баҳолаш тизими технологияларини такомиллаштириб бориш ва холисоналигини таъминлаш, жумладан баҳолашнинг талабалар билан бевосита алоқасиз шакллари ривожлантириб бориш;

фанларни ўзлаштиришда талабалар орасида соғлом рақобатни ривожлантириш механизмларини ишлаб чиқиш ва бошқа вазифалар белгилаб берилган.

2021 йил 16 июнь куни олий таълим тизимидаги устувор вазифаларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигидаги видеоселектор йиғилиши Ёшларни билим ва малакали этиб тарбиялаш, жаҳон тараққиётига мос мутахассислар тайёрлаш мақсадида таълим тизими изчил ривожлантириш, Олий таълим соҳасидаги дастлабки ислохотлар, аввало, камровни ошириш, институт ва университетларнинг молиявий ҳолатини яхшилаш, профессор-ўқитувчиларни моддий қўллаб қувватлашга бағишланди. Жумладан, охириги 3 йилда олий таълим муассасалари

сони 65 тадан 117 тага етганлиги, қабул ўринлари 66 мингтадан 181 мингтага оширилганлиги. Уларнинг моддий-техник базаси мустақамланаётганлиги, хорижий мамлакатлар билан қўшма таълим дастурлари доирасида 64 та янги касб бўйича мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилганлиги, профессорўқитувчиларнинг маоши ўртача 3,5 бараварга оширилганлиги таъкидлаб ўтилди. Мухтарам Президентимиз таъкидлаганидек, ҳали сифат борасида ўзгаришлар сезилмаяпти. Таълим сифатини яхшилаш, ўқув ишларини бозор эҳтиёжларидан келиб чиқиб ташкил этиш масаласи Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ректорларнинг эътиборидан четда қолиб кетмоқда. Масалан, бугунги кундаги 815 та йўналишнинг 55 фоизи меҳнат бозори талабларига жавоб бермайди. Олий таълим муассасалари 2 мингга яқин фанлар бўйича дарсликлар билан таъминланмаган, ўқув дастурлари бундан 40 йил олдинги фан ва йўналишлар асосида тузилган. Бундан ташқари, тизимда коррупция ҳолатлари жуда кўп.

Шу боис, йиғилишда давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев соҳадаги қуйидаги 4 та устувор вазифани кўрсатиб ўтди:

биринчиси – олий таълим муассасалари бошқарув кенгашларининг ролини ошириш ва кафедралар ваколатларини кенгайтириш.

иккинчиси – ўқув жараёнини бозор талабларига мослаштириб, ишлаб чиқариш билан узвийлигини таъминлаш ва талабанинг ўз устида ишлаши учун муҳит яратиш.

учинчиси – олий таълим муассасаларининг илмий салоҳиятини ошириш, илм-фан ва инновацияни ривожлантириш.

тўртинчиси – профессор-ўқитувчилар ва талабалар учун қоғозбозликни камайтириш, соҳани рақамлаштириш орқали бюрократия ва коррупцияни кескин қисқартириш.

Бу вазифаларни самарали бажариш учун олий таълим муассасаларига академик ва ташкилий-бошқарув бўйича мустақил қарор қабул қилиш ваколати берилиши таъкидланди.

Олий таълим йўналишлари билан замонавий эҳтиёжлар ўртасида узилиш жуда катта экани танқид қилинди. Бугунги кунда хизмат кўрсатиш соҳасида 40 мингта, саноатда 38 мингта, қурилишда 12 мингта, қишлоқ хўжалигида 10 мингта, алоқа ва ахборот технологияларида 4 мингта олий маълумот талаб этадиган бўш иш ўринлари бор. Лекин битирувчилар сон жиҳатидан ҳам, малака бўйича ҳам бу талабни қондира олмайди.

Таълим жараёни 2001 йилда тасдиқланган стандартлар асосида олиб борилмоқда. Лекин, шу даврда Таълимнинг халқаро стандартлари 2 марта янгидан қабул қилинган. Айрим ўқув дарслари замон ва бозор талабига эмас, балки профессор-ўқитувчиларга мослашган. Талабалар ўз йўналишига дахлдор бўлмаган фанлар билан ҳам шуғулланмоқда.

Шу боис, мутасаддиларга давлат таълим стандартларини халқаро стандартларга мослаштириш, барча олий таълим муассасаларида ўқув жараёнларини кредит-модул тизимига ўтказиш бўйича топшириқ берилди. Ўқитилаётган фанларни мазмунан қайта кўриб чиқиб, ортиқча такрорланишларни қисқартириш, бўшаган дарс соатлари ўрнига мутахассислик фанларни кўпайтириш ҳамда талабаларга мустақил илмий изланиш учун имконият яратиш кераклиги таъкидланди.

Хозирги вақтда дунёда таълим дастурларини амалга оширишда таълим сифати ва меъёрларининг ўлчов бирлиги бўлган кредит тизимлари тушунчасидан фойдаланилмоқда.

Мазкур тизимларни энг кўп тарқалгани АҚШ кредит тизими (**USCS**), Британия кредитларни тўплаш ва ўтказиш тизими (**CATS**), Европа кредитларни йиғиш ва тўплаш тизими (**ECTS**) ва Осиё Тинч океани кредит тизими (**UCTS**) ҳисобланади.

Кредит-модуль тизими таълимни янги усулда ташкил этиш жараёни бўлиб, ўқитишнинг модуль технологиялари жамламаси ва кредит ўлчови асосида баҳолаш модели ҳисобланади. Бугунги кунда мамлакатимиз ОТМларининг кредит-модуль тизимига ўтишда **ECTS (European Credit Transfer System)** асос қилиб олинган. Бу тизим ҳозирги вақтда Европанинг 48 давлатида амал қилмоқда.

Фикримизча, кредит-модуль тизимини республикаимиз таълим жараёнига тадбиқ этиш:

ривожланган давлатлар олий таълим муассасаларининг илғор тажрибалари асосида халқаро таълим стандартларини республикада жорий этиш орқали таълим сифатини ошириш;

хорижий олий таълим муассасалари билан талабалар алмашинув дастурларини кенгайтириш ҳамда дипломларни ўзаро тан олишга босқичма-босқич ўтиш;

замонавий таълим технологиялари асосида ўқув жараёнларини ташкил этиш орқали олий таълим тизимида рақобат муҳитини шакллантириш;

талабага таълим дастурини мустақил шакллантиришда мустақиллигини ошириш ва улар билимларини баҳолашнинг шаффоф тизимини яратишдан иборат.

Хўш, Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимида кредит-модуль тизимини жорий этиш қандай самара беради? У қай даражада истиқболли? Таълимнинг кредит-модуль тизими ўзи нима? У қандай ишлайди? Кредит - модуль тизими қандай шароит ва эҳтиёжлар асосида пайдо бўлган? Ушбу тизим бизга нималарни беради? Унинг амалдаги таълим тизимидан афзалликлари нимада? деган саволлар туғилади. Қуйида биз мазкур мақолада ушбу саволларга жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

Ўз-ўзидан маълумки, Ўзбекистон Республикасининг таълим тизими динамик равишда ривожланиши ҳамда глобаллашув ва ахборотлашув жараёнига муносиб жавоб бера олиши керак. Шу сабабли зарур ахборотни мустақил излаб топадиган, унга ишлов бериб, таҳлил қила оладиган ва ундан самарали фойдаланадиган мутахассисларни шакллантиришда ўқитишнинг кредит тизимини кенг татбиқ этиш лозим.

Талаба олий таълим муассасасига ўқишга кирганидан сўнг у ерда айнан қайси фанларни ўрганишни қисман бўлсада ўзи танлаши мумкинлигини ҳеч тасаввур қилганмисиз? Ёки ҳар бир ўқитувчи семестр бошида талабаларга ўз фани бўйича ёзма дастур “syllabus” тақдим этиб, унда ушбу фан нималар ҳақида эканлиги, унинг талабанинг мутахассис бўлиб шаклланишидаги роли, ўрганиладиган мавзулар рўйхати, талабалар фойдаланадиган адабиётлар рўйхати, баҳолаш мезонлари ҳақида батафсил тушунтириб, шундан кейингина дарсларини бошлашини-чи?

Кредит-модуль тизими авваламбор, мамлакатимиз олий таълим тизимига таълимнинг амалдагидан кўра анча мукаммал, замонавий лекин ҳамма учун тушунарли бўлган ўлчов бирлигини олиб киради. Унга кўра ОТМ ўқув дастурлари муайян ўқиш натижаларини кўзловчи турли фан ва модулларга бўлинади. Ҳар бир фан ёки модуль эса ундаги ўқиш юкламаси миқдорига қараб муайян миқдордаги кредитларда акс этади.

Кредитлар шунчаки рақамлар эмас. Ҳар бир кредит талаба бажариши керак бўлган маълум миқдордаги ўқиш юкласини ва талаба бунинг натижасида муайян ўқиш натижаларига эришганлигини билдиради. Яъни, ECTS кредит-модуль тизими таркиби икки зарурий элементдан иборат:

- а) ўқиш юкламалари
- б) ўқиш натижалари.

Талаба шу элементларни бажаргандагина тегишли фан бўйича белгиланган миқдордаги кредитларни қўлга киритиши мумкин.

Кредит - олий таълимнинг муайян босқичида таълим (бакалавр, магистр) даражасини қўлга киритиш мақсадида талаба томонидан мунтазам равишда тўплаб бориладиган рағбий ўлчов бирлиги. Бу бирлик талаба маълум миқдордаги ўқиш юкласини бажарганлиги ва муайян ўқиш натижаларини муваффақиятли тарзда эгаллаганлигини англатади.

#### **Кредит-модуль тизимининг асосий мазмуни:**

- 1)Талабага йўналтирган таълимни ташкил этиш (student-centered education);
- 2) Таълимда шаффофликка эришиш (transparent education);
- 3)Таълимда мослашувчанликни кучайтириши (improving flexibility);
- 4) Талабалар мобиллигини кучайтириш (improving student mobility) каби тамойилларига асосланади.

Хорижлик ҳамкасбларимиз айна кундаги давлат таълим стандартимизни «рағбарлик қилувчи» стандарт деб номлашади. Бу эса таълим мазмуни ишлаб чиқариш ва илм-фандаги замонавий тараққиёт туфайли юзага келаётган тезкор ўзгаришлар билан баробар қадам ташлай олмаётганини кўрсатади. Бундай ўзгаришлар таълим стандартларининг амал қилиш муддатига ҳам таъсир ўтказади. Бундан келиб чиқадики, анъанавий тизим ўзини тўла оқламапти, халқаро стандартларга мослашиш учун олий таълимда кредит тизимини жорий этиш керак.

Болония декларацияси талабаларига мувофиқ Республикамиз ОТМларида ўқув жараёнини модернизация қилиш талабанинг мустақил иши ҳажмини сезиларли даражада (50-60) фоизга ошишини назарда тутди. Бу эса тегишли ўқув-услугий тайёргарликни талаб қилади. Шунингдек, ОТМларда моддий - техник базани кучайтириш, талабаларни маиший ҳолатини яхшилашни ҳам назарда тутди.

Бу ўзгаришлар ОТМларнинг илмий - педагогик ходимларидан ўз фаолиятини янги услубий-технологик асосда кредит - модуль таълим тизими асосида ташкил этишда фундаментал билим, кўникма ва малака талаб этади.

Фикримизча, модулли таълимнинг моҳияти шундан иборатки, талаба кўпроқ мустақил ёки (тўлиқ мустақил) равишда унга таклиф этилган индивидуал ўқув дастури билан ишлай олади, унда мақсадли ҳаракатлар режаси, ахборот пакети, тавсия этилган дидактик мақсадларга эришиш учун услубий қўлланмалар мавжуд бўлади. Бунда профессор-ўқитувчининг асосий функцияси назорат қилиш эмас балки маслаҳатчи координатор функциясини бажаришига олиб келади.

#### **ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ**

Ўқув жараёнида профессор-ўқитувчи ва талабанинг ўзаро алоқаси тубдан янги асосда амалга оширилади: модуллер ёрдамида талабалар онгли ва мустақил равишда



тайёргарлик даражасига эришадилар. Модулли таълимнинг муваффақияти профессор-ўқитувчилар ва талабалар ўртасидаги паритет муносабатларга боғлиқ бўлади.

Биз аввало, мазкур тизим нега айнан «кредит-модуль» деб номланишига эътибор қаратишимиз лозим. Кредит бу – талабанинг ўқув юкламаси бўлиб, ОТМда 1 кредит 30 соатга тенг деб олинади. Демак, кредитлар сонига қараб, талабанинг ўқув жараёнида ўзлаштириш соатларини тушунсак тўғри бўлади. Халқаро тажрибага кўра, ўқув йили мобайнида талаба ҳар бир семестрда 30 кредитдан, бакалавр босқичида жами 8 семестрда 240 кредит, магистратура босқичида 4 семестрда эса 120 кредитни тўплаши керак бўлади.

ОТМларда ҳар бир семестр бўйича 15 ҳафтадан ўқув жараёни ташкил этилган бўлиб, бунда талаба бир семестр мобайнида (40/60 нисбатда) аудитория ва мустақил таълимни ўзлаштириши лозим. Демак, ўқув режада келтирилган 4-6 фаннинг ҳар бир мавзусини тўлиқ ўзлаштирмаса тегишли кредитларни тўплай олмайди. Буни тўлиқ англаган ҳолда, семестр бошидан профессор-ўқитувчилар ва талабалар ҳам масъулият билан билим беришга ва билим олишга интиладилар.

**Кредит-модуль** олий таълим муассасаларида ўқув жараёнига Кредит тўплаш ва кўчиришнинг Европа тизими (European Credit Transfer and Accumulation System - ECTS) асосида таълимнинг кредит-модуль тизимини жорий этиш тартибини белгилайди.

**Кредит модуль** тизимида ўқув жараёнини ташкил этиш қуйидаги вазифаларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш учун комплекс ёндашувни талаб этади:

- 1.Ўқитишнинг мазмуни амалиёт эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда реал талаблар асосида шакллантириш;
- 2.Талабаларнинг мустақиллиги ва маъсулиятини рағбатлантириш;
- 3.Профессор-ўқитувчиларни ижодий потенциалини ошириш учун уларни функционал мажбуриятларини кўриб чиқиш;
- 4.Таълимнинг мазмуни ва дифференциациясига кўра таълимни индивидуаллаштиришни таъминлаш;
- 5.Ўқитиш жараёнини сифатли амалга ошириш, бунинг натижасида барча талабаларни, ўқув режада берилган фанлар бўйича тегишли билим, кўникма ва малакаларни мукамал ўзлаштиришига эришиш ва бошқалар.

**Кредит** - таълим олиш натижаларига кўра талаба томонидан муайян фан бўйича ўзлаштирилган ўқув юкламасининг ўлчов бирлиги.

**Академик кредит** - олий таълимнинг муайян босқичида ушбу таълим даражасини қўлга киритиш мақсадида талаба томонидан мунтазам равишда тўплаб бориладиган рамиий ўлчов бирлиги. Бу бирлик талаба маълум миқдордаги ўқиш юкламасини бажарганлиги ва муайян ўқиш натижаларини муваффақиятли тарзда эгаллаганлигини англатади.

**Модуль сўзи** латинча сўздан олинган бўлиб биринчидан, меъёр, иккинчидан, логарифмлар тизими, учинчидан, бирор бир тизимни нисбатан мустақил қисми маъносини билдиради. Яъни, бир сўз билан айтганда: **модуль** - тарбиялаш, ўқитишга ўрнатилган мақсадлар ва натижаларга нисбатан муайян мантикий тугалланганликка эга бўлган ўқув фани (курси) ёки ўқув фанлари (курслари) қисмларининг мажмуаси.

**Академик модуль** - яхлит, муайян ўқув натижаларига эришишга қаратилган, ўзининг баҳолаш мезонларига эга булган тизимли, изчил ўқиш ва ўрганиш ҳаракатлари жамланмаси. У одатда бир семестр давом этади лекин айрим ҳолларда бир неча соатдан



иборат бўлиши ҳам мумкин. ECTS тизимида ҳар бир модуль ўзида муайян миқдордаги кредитларни акс эттиради.

**Маълумки кредит модуль тизимида ўқув жараёни** тасдиқланган меъёрий – услубий ҳужжатлар, профессор-ўқитувчилар штатлари, потоклар ва академик гуруҳлар ва дарс жадваллари асосида ташкил этилади.

Модулли таълим бу Ўзбекистон Республикаси таълим хизматлари бозорида инновация.

Ўқув жараёнини ташкил этишнинг кредит - модуль тизими қуйидаги вазифаларни ҳал этишни назарда тутди:

1. Фан бўйича материалларни мантиқан тугалланган ўқув модулларига бўлиш ва уларни ўзлаштирилишини назорат қилиш;
2. Билимларни баҳолашни кенгроқ шкаласидан фойдаланиш;
3. Билимларни ҳолислигини таъминлаш;
4. Семестр давомида талабаларнинг тизимли мустақил таълимини ташкил этиш ва рағбатлантириш;
5. Таълимга соғлом рақобат муҳитини жорий этиш.

Бу борада Республикаимизнинг барча ОТМларида ҳаракатлар бошланган. Жумладан, юқорида берилган топшириқ ва вазифаларни ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 16 июлдаги “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги №311-сонли буйруғи қабул қилинди. Мазкур буйруқ билан:

1. Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти. “Асосий қоидалар”;
2. Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти. “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”;
3. Олий таълим соҳалари бўйича таянч олий таълим муассасалари рўйхати тасдиқланди.

Мазкур меъёрий-услубий ҳужжатларга асосланган ҳолда таянч ОТМлар томонидан бакалаврият таълим йўналишлари ва уларнинг негизидаги магистратура мутахассисликларини Малака талаблари ишлаб чиқилди ва шундан ташқил ташкил тасдиқланди. Тасдиқланган Малака талабларига асосан барча ОТМлар таянч ўқув режалари ва ўқув дастурларини ривожланган хорижий давлатлар тажрибаси ва миллий кадрларимизни иноватга олган ҳолда мустақил ишлаб чиқиб амалиётга жорий этишди.

Шу сабабли, ОТМларда мунтазам равишда (ECTS) кредит-модуль тизимини амалга татбиқ этишга оид мастер класслар, семинар-тренинглар, давра суҳбатлари ва ижтимоий **Telegram** каналида онлайн маслаҳатлар каби самарали тадбирлар ташкил этилмоқда.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда кредит - модуль тизимини амалга ошириш учун профессор-ўқитувчиларга биринчи навбатда, ўзларининг фанларидан қуйидаги ўқув материалларини:

1. Ишчи (модулли) ўқув режага асосан фаннинг ишчи ўқув дастури (Силлабус)ни тузиш, фанни бир неча мантиқан тугалланган ўқув модулларига ажратиш, ҳар бир ўқув модулининг мақсади ва вазифаларини белгилаш, ўқув модули бўйича талабалар ўзлаштириши, билиши ва амалда қўллай олиши лозим бўлган компетенцияларни белгилаш;

2. Ўқув модули (фанлар) бўйича аудитория машғулоти (маъруза матнлари, амалий, семинар ва лаборатория машғулоти учун материалларни тайёрлаш, тестлар, вазиятлар (кейсларни) масалаларни тузиш, индивидуал топшириқларни шакллантириш;

3. Фойдаланиш учун ўқув ва илмий адабиётлар рўйхатини шакллантириш;

4. Назорат ва мустақил таълим учун топшириқларни (реферат, курс ишлари, манбаларни таржима қилиш, тегишли мавзулар бўйича слайдлар тайёрлаш, глоссарий тузиш, савол-жавоблар банкини) шакллантириш;

5. Ўқув элементларининг: текстли, картографик (атлас, карта), жадвалли (графиклар, диаграммалар, гистограммалар), иллюстратив (расмлар), аудио ва видеоли, натурал (коллекциялар, гербарийлар) ва бошқа турларини ишлаб чиқиш каби масъулиятли вазифаларни юклайди.

### ХУЛОСА

Кредит модуль тизими талабалар учун:

биринчидан, талабанинг бир мамлакат ОТМда олган дипломи бошқа мамлакат ОТМлари томонидан ҳеч қандай ортиқча ҳужжатларсиз тан олинади;

иккинчидан, танлов фанларининг кўплиги иш берувчилар талабидан келиб чиқиб мутахассис тайёрлаш имкониятини кенгайтиради;

учинчидан, талабаларда мустақил ҳаракат қилиш, ўрганиш тизими, танқидий ва аналитик фикрлаш кўникмаси шаклланади;

тўртинчидан, талабаларда маъсулият ва ўзига ишонч кўникмаси шаклланади, яъни, ўз олдида аниқ мақсад қўяди ва шу мақсад сари ҳаракатланади;

бешинчидан, талабага ўзи қизиққан касб ва мутахассислигидан келиб чиқиб мутахассислик фанларидан керагини танлаб ўқиш имкониятини беради;

олтинчидан, талабага ўқитувчини танлаш имкониятини ҳамда академик мобиллигини амалга оширишга имконият беради.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Топилдиев В.Р. Олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари. –Тошкент., 2018. 356. Б.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги 23.09.2020 йилдаги қонуни, (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.09.2020 й., 03/20/637/1313-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 12.10.2021 й., 03/21/721/0952-сон)
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги “Олий таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил этиш билан боғлиқ тизимни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 824-сон қарори. (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.12.2020 й., 09/20/824/1689-сон).
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида" 2019 йил 8 октябрдаги 5847-сон фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш КОНЦЕПЦИЯСИ.
5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 16 июлдаги “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги №311-сонли буйруғи.

6. Jurayev R. K., Karakhanova L. M. Scientific And Methodical Bases Of The Use Of Electronic Educational Resources In Teaching Biology In General Educational Schools //International Journal of Advanced Science and Technology. – 2020. – Т. 29. – №. 8. – С. 3500-3505.
7. Мусахоновна Қ. Л. УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА БИОЛОГИЯ ФАНИДАН САМАРАДОРЛИККА ЭРИШИШДА ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМИЙ ВОСИТАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АСОСЛАРИ //Science and innovation. – 2022. – Т. 1. – №. В3. – С. 577-585.
8. Dzhuraev R. K., Karakhanova L. M. Model of the organization of research activities of 10th grade students in teaching physics and biology //International journal of discourse on Innovation, integration and education. – 2021. – Т. 2. – №. 01. – С. 296-300.
9. Karakhanova L. M. USE OF MEDIERE RESOURCES IN THE EDUCATIONAL PROCESS OF BIOLOGY IN SCHOOLS //International Scientific Review of the problems of pedagogy and psychology. – 2018. – С. 68-70.

## НОВАТОРСТВО РУССКОЙ ПОЭЗИИ XX ВЕКА

Рисолат Шайхисламова

Студентка Чирчикского государственного педагогического института Ташкентской области

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6684122>

**Аннотация.** Данная статья посвящена выявлению особенностей синтеза вербального и визуального начал в художественном мышлении русских поэтов XX века, определению механизмов встраивания визуальных элементов в словесный художественный образ

**Ключевые понятия:** новаторство, художественный образ, поэзия, искусство, двоемирие

## THE INNOVATION OF RUSSIAN POETRY OF THE XX CENTURY

**Abstract.** This article is devoted to identifying the features of the synthesis of verbal and visual principles in the artistic thinking of Russian poets of the twentieth century, determining the mechanisms of embedding visual elements in a verbal artistic image

**Keywords:** innovation, artistic image, poetry, art, two worlds

## ВВЕДЕНИЕ

Поэтическое искусство – это форма самосознания личности, выражающей себя в соотношении с социальными, интеллектуальными, эстетическими проявлениями жизни. В эпохи катастроф романтическое начало в поэзии усиливается. В стихах присутствует двоемирие. Обостряется противопоставление материального и духовного начал. Ощущается устремленность в миры идеальные, воображаемые. Лирика как выражение «эго», как законченное воплощение единичных душевных состояний более живуча. Она и подтверждает закон сохранения художественности. В современной поэзии существует множество разных художественных систем (под поэтической системой принято понимать взаимодействие и внутреннее единство всех компонентов авторского стиля, проявляющихся в лирическом герое). Шестидесятые-семидесятые годы отмечены противостоянием как называемой «громкой» и «тихой» поэзии. Сначала проявилась «громкая» поэзия Е.Евтушенко, А.Вознесенского, Р.Рождественского, поэтов-публицистов, трибунов, ораторов, которые были сориентированы на поэзию В.Маяковского. Евтушенко стал разрабатывать традиции гражданской лирики второй половины XIX века, а Вознесенский увлекся модерном. В культурной ситуации 60–70 гг. два эти поэта представляли реализм и романтизм, конкретность и условность, демократизм и элитарность. В 60-е появилась и «тихая лирика» (Н.Рубцов, В.Соколов, О.Чухонцев). «Тихих» лириков объединяло тяготение к личностно-психологической тематике, интерес к русскому пейзажу, традиционные стихотворные размеры.

## МАТЕРИАЛЫ И МЕТОДЫ

А.Тарковский, С.Липкин, И.Лисневская связаны со сложными и многообразными проявлениями литературы «серебряного века». Этих поэтов можно назвать последними представителями «серебряного века». Поэзия, например, Арсения Тарковского продолжает традиции акмеизма. Своего рода камертоном, задающим тон современной поэзии, явилась поэма А.Т.Твардовского «По праву памяти». Забыть, забыть велят безмолвно. Хотят в

забвенье утопить Живую боль. И чтобы волны Над ней сомкнулись. Быль – забыть! В этих строчках – исток поэмы в мужественной решимости противостоять – по праву памяти – попыткам наложить запрет на правду. Эта поэма и подборки стихов Н.Тряпкина, А.Вознесенского, О.Чухонцева, С.Липкина, А.Жигулина, напитанных живой публицистической кровью – начало процесса, возвращающего поэзию к современности.

### РЕЗУЛЬТАТЫ И ОБСУЖДЕНИЕ

Совсем недавно были возвращены в русскую поэзию скрытые от читателя произведения Г.Адамовича, А.Ахматовой, П.Васильева, М.Волошина и других поэтов старшего поколения, вплоть до Н.Рубцова, А.Прасолова, В.Шаламова и др. Эти публикации повлияли на литературный процесс чрезвычайно сильно, обогатили его, сделали полнокровным. Но ждут еще полного издания в России Л.Друскин, А. Морев, Н.Моршен, Ю.Одарченко, П.Перелешин. Особое явление представляет собой поэтический андеграунд. Произведения авторов андеграунда бросают вызов советской системе, советским ценностям, советскому способу мышления. Этот вызов проявляется в идейно-философских установках: поэты касаются язв старого общества, батальонам государства противопоставляют свободную независимую личность, уделяя внимание трагедии бытия (Н.Коржавин, В.Корнилов, Б.Чичибабин). Был брошен вызов и отказом от жизнеподобия, от принципа доступности. Таковы стихи поэтов «Петербургской школы» И.Бродского, Е.Рейна, В.Кривулина, Е.Шварц. Пришли к читателям и неизвестные ранее стихи Г.Айги, И.Бродского, поэтов СМОГа (Самое молодое общество гениев) – Л.Губанова, Г.Арсеньева, А.Басиловой, Ю.Галанскова, а также И.Елагина, Ю.Милославского. Поэты внутренней эмиграции мало чем отличаются от эмигрантов настоящих: Мы завтрашней судьбы своей не знаем, Да и вчерашней не поймем судьбы. (И.Лиснянская) Вот эти имена: Д.Бобышев, Л.Владимирова, В.Делоне, Е.Игнатова, Ю.Карабчиевский, Б.Кенжеев, Л.Лосев, И.Рубин. Самые молодые из них – Р.Евдокимов, И.Ратушинская, А.Сопровский. Вопреки центробежным процессам, отбрасывающим человека от человека, единым гимном товариществу и взаимовыручке представлялась авторская песня, восстановившая в правах суть дружбы и братской любви. Наперекор тенденции к так называемой «ситуативной этике», когда размывается грань между добром и злом и человек ведет себя применительно к обстоятельствам, произведения В.Высоцкого, Б.Окуджавы, В.Долиной, Ю.Кима, Н.Матвеевой напоминают о том, что можно и должно жить достойно, ориентируясь на духовный завет русской интеллигенции. Эти же качества унаследовала и рок-поэзия. Поэзия А.Макаревича и Б.Гребенщикова, при всей ее эпатажности, - поэзия гражданственная, теснейшим образом связанная и со «злобой дня», и с кругом ценностей, идей, настроений сегодняшней молодежи. «Дети декабря», как не без вызова назвал Б.Гребенщиков свое поколение, остро реагируют на разрыв между социальной демагогией и рутинной социальной практикой. В рок-поэзии звучит тоска по обществу, объединявшему всех и каждого идеалу: На нашем месте должна быть звезда, Ты чувствуешь сквозняк от того, Что это место свободно... (Б.Гребенщиков) Много споров вызывает творчество поэтов нетрадиционных, не вписывающихся в систему художественного мышления «привычных» поэтов. Поэты «новой волны», как их часто называют, пытаются утвердить свое право говорить на языке, адекватном их времени и мироощущению. Диапазон их творческих устремлений широк: от метафоры до примитивизма, от концептуальных опусов

до панк-поэзии. К концу 90-х начался процесс расслоения «новой волны». Метафористы («полистилисты», «метареалисты») резко отмежевались от соцартовских игр постмодернистов. Если «метафористы» утверждают культ полистилистики (Ю.Арабов, И.Жданов, А.Еременко, И.Иртенев, А.Парщиков), то поэтов-постмодернистов объединяет стремление отказаться от «учительской» роли литературы, ограничить ее чисто игровыми задачами. К постмодернизму относится концептуализм (Д.Пригов, Л.Рубинштейн, Т.Кибилов). Поэзия этих авторов строится на разрушении привычных однозначных концепций мира и на использовании знакомых читателю текстов, переосмысленных и приобретших совершенно другое звучание.

### ЗАКЛЮЧЕНИЕ

Концептуалисты стремятся доказать, что искусство как таковое исчерпало себя, что оно внутренне абсурдно. Бурные дискуссии вызвала «галантная лирика» Ордена куртуазных маньеристов (В.Степанцов, В.Пеленягрэ, А.Добрынин, К.Григорьев, Д.Быков). Их изысканный стиль – не очередное пародийное шутовство и разрушающая ирония, а блестящее следование основательно подзабытой «российской эрате» от М.Хемницера и М.Хераскова до Г.Иванова и В.Набокова. Поэты этой группы прибегают к приему «маски», соединяют высокую поэзию и средневековую эротику с современностью. В современной поэзии существует и «почвенное» направление, истоки которого – в крестьянском мировоззрении. В первом ряду поэтов-«почвенников» после Н.Рубцова стоят В.Казанцев, Ю.Кузнецов, В.Смирнов, Н.Тряпкин, В.Устинов, О.Фокина и др. Обращение к памяти, к народным истокам, к фольклору, к классической традиции, к православной духовности – общее в их творчестве. В 90-е годы в «почвенном» направлении появилось новое поколение: В.Андреев, Н.Егорова, Д.Коротяев, В.Скиф, Т.Смертина. Сейчас они все дальше уходят от страстной публицистичности и пытаются постичь глубинный смысл всего происходящего в России. Есть в современной лирике авторы, которых трудно определить в какую - либо группу или направление. Это Т.Бек, О.Седакова, В.Сидур, С.Кекова, В.Дмитриев, Л.Таран и др. В настоящее время можно говорить о постепенном преодолении кризиса в русской поэзии. Появляются новые имена, сборники, меняется общая тональность лирики, повышается роль провинции в литературном процессе – поэзия накапливает силы для будущего творческого подъема.

### *Список использованной литературы:*

1. Пути современной поэзии (круглый стол) //Вопросы литературы. – 1994. - №1.
2. Русская поэзия в конце века. Круглый стол //Знамя. – 2001. - №1.
3. Славецкий В. Русская поэзия 80 – 90-х годов XX в. – М., 1998.
4. Шайтанов И. «...Но труднее, когда можно» //Литературное обозрение. – 1990.- №1.
5. Денисов И. Пока земля еще вертится... - М.: Знание, 1991.



## ТАСАВВУФ ГЕНЕЗИСИ ВА ТАРАҚҚИЁТИ

Пўлатов Сайёдбек Ҳасанович

Фарғона вил. Қувасой ш., 1- ИДУМ ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6684153>

**Аннотация.** Мақолада тасаввуфнинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва ҳозирги кунда ҳам дунё олимларининг қизгин мавзусига айланиши, сўфий иборасининг келиб чиқиши, сўфийларнинг ўзига хос хусусиятлари, тасаввуфнинг тараққиёт босқичлари ҳақида сўз юритилади.

**Калим сўз ва иборалар:** тасаввуф, сўфий, хол, мақом, сабр, зухд, Қуръони карим, Ҳадис, сулук, шайх.

## ГЕНЕЗИС И РАЗВИТИЕ МИСТИЦИЗМА

**Аннотация.** В статье рассматривается о зарождение и развитие мистицизма, интерес мировых учёных к изучению суфизма, о происхождение слова суфи, о личных принципах суфиев, об этапах развития тасаввуфа.

**Ключевые слова и фразы:** мистицизм, суфизм, хол, макам, терпение, отшельничество, Каран, Ҳадис, сулук, шейх.

## GENESIS AND DEVELOPMENT OF MYSTICISM

**Abstract.** The article discusses the origin and development of mysticism, the interest of world scientists in the study of Sufism, the origin of the word sufi, about the personal principles of the Sufis, about the stages of development of Sufism.

**Key words and phrases:** mysticism, sufism, hal, makam, patience, secession, Karan, Hadith, suluk sheikh.

## КИРИШ

Тасаввуф мана XIV асрдан ортиқ давр давомида шарқ ва ғарб илоҳиёт, исломшунос олимларининг энг жозибали ва ҳаётбахш билим манбаи ва тадқиқот мавзуси бўлиб келмоқда.

Улуғ тасаввуф алломаси Азизиддин Насафий сўфийларнинг фикри-зикрини, диний ва дунёвий тафаккурини қуйидагича таърифлаган: “Билгинки, тасаввуф аҳли фикрига биноан солиқ (сўфийлик, тариқат йўлига кирган Аллоҳ сафарига отланган) ёмон сўзлардан хайрли сўзларга, ёмон ишлардан хайрли ишларга, залима (бузуқ) ахлоқдан ҳамилда (мақталган) ахлоққа, ўз бағридан Парвардигори олам борлиғига томон ҳаракат қилмоқда- лар”, - деб ёзган.[1:51] Шарқнинг буюк алломалари ва мутафаккирларининг илмий-фалсафий, исломий-фалсафий ва тасаввуфий меросини ўрганиш ва ёшлар онгига маърифатли, соф исломий ғояларни сингдириш бугунги кунда долзарб бўлиб қолди.

“Сўфий” ва “тасаввуф” сўзлари Қуръони Карим ва Ҳадисларда учрамайди. Бу тушунчалар Муҳаммад а.с. саҳобаларига ҳам, тобеъинларга ҳам нотаниш бўлган. У даврларда Муҳаммад а.с. ни кўришга муяссар бўлган саҳобалар ва уларнинг издошлари тобеъинлар ҳам дунё мулкидан воз кечганлиги ва ўзларини фақат Аллоҳ ибодатига бағишлаганлиги билан шараф топганлар ва бошқача ном билан айтилмаганлар. Тобеъут-тобеъин, яъни тобеъинлардан кейинги авлод даврида эса, дунё мулкидан воз кечганлар ва ўзини фақат Аллоҳ йўлига бағишлаганлар бир неча номлар билан айтила бошлади. Чунки бу даврларга келиб ислом худудлари кенг ёйилиб, мусулмонларнинг моддий бойликлари ҳам

ортиб борган. Энди дунё мулкидан воз кечганлар ва ўзини фақат Аллоҳ ибодатига бағишлаганларни “обид”, “зоҳид”, “фақир”, “носик” каби номлар билан атай бошладилар.

### **ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ**

Илк давр сўфийларининг аниқроғи, зоҳид, фақир ва обидларининг ўзига хос хусусиятларидан – Қуръони Карим оятлари устида чуқур фикр юритиш, Қуръон ва Пайғамбар а.с. суннатларига қатъий амал қилиш, кечаларини нафл ибодатлар билан бедор ўтказиш, кундузлари рўза тутиш, ҳаёт лаззатларидан воз кечиш, гуноҳдан сақланиш, ҳоким ва ҳарбийлардан ўзини узоқ тутиш (вараъ), ўзини Аллоҳ ихтиёрига топшириш (таваккул) ва ҳоказоларни таъкидлаш мумкин. Жумладан, фақр, ризо, сабр хусусиятлари уларга хос эди. Умуман олганда, мусулмон оламида мистика, зуҳд йўналишарининг кучайиб бориши араб киборларининг очкўзлигига, уларнинг зеб-зийнатга ружуларига, илк таълимот идеалларини аста-секин йўқолиб бораётганлигига, ахлоқнинг тубанлашишига қарши эзилган синфлар қаршилигининг кўриниши ҳам эди.

Хижрий II асрнинг иккинчи ярмидан, кейинчалик кенг тарқалган “сўфий” тушунчаси ишлатила бошланди. Манбаларда айтилишича биринчи суфий деб номланган одам – Абу Ҳайюн (767 ваф.) бўлган экан, лекин Хуросонлик сўфий Қушайрий (986-1076)нинг сўзларига кўра – Абу Ҳошим (778 ваф.) деб кўрсатилади.[2:17] Ҳар иккаласини Куфадан эканлигини инобатга олиб, айтиш мумкинки бу тушунча биринчи бўлиб Куфа ва Басрада вужудга келган.

### **ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ**

“Сўфий” ва “тасаввуф” сўзларининг келиб чиқиши ҳақида ҳам турли нуқтаи-назарлар мавжуд. Баъзи бир Қушайри ва Ҳужвирий каби муаллифлар “сўфий” сўзини араб грамматикасидан олинганлигини инкор этиб, буни жуда борса таҳаллус бўлган дейишади. “Сўфий” ва “тасаввуф” сўзлари араб сўзлари ўзагидан олинган деб фикр билдирувчилар эса бир тўхтамга келганича йўқ ва бугунги кунгача “сўфий” сўзининг келиб чиқиши тўғрисида қуйидагича таърифлар билдирилган:

“Суффа” сўзидан олинган деган фикрлар мавжуд. Муҳаммад а.с. нинг Мадинадаги Масжидун-набави (Пайғамбар масжиди)да яшаб, ҳаёт кечирган, биринчилардан бўлиб исломни қабул қилганларни “асҳоба-суффа” дер эдилар; “сўфий” сўзи “суфана”деб номланган чўл ўсимлигидан олинган деган қарашлар ҳам бор; яна бошқалар “саф” – тозалик маъносини берувчи араб сўзидан олинган дейдилар; “Саффун авваль” – биринчи қатор, олдинда турувчи деган маъноларни берувчи сўздан олинган деган қарашлар ҳам бор; исломдан олдин яшаган бир қабиланинг номи “Банус-суффа” бўлиб, сўфий сўзининг келиб чиқиши шу қабиллага боғлиқ деб фикр билдирувчилар ҳам бор; “Суфатуль-кафа” узун соч ёки елкага тушган кокил деган маънони беради. Шу сўздан “сўфий” сўзи келиб чиққан деювчилар ўз эътиборини сўфийларнинг сочларини ўстириб юришларига ва кийим бошига аҳамият бермаслигига қаратишган; “Тасаввуф” ва “сўфий” сўзларини “сиъфат” сўзидан олинган деган нуқтаи назар тарафдорлари ҳам мавжуд; буюк аллома Абу Райхон Беруний (1051 ваф.) ва ундан кейин баъзи ғарб шарқшунослари ҳам “сўфий” сўзининг келиб чиқишини юнон сўзидан, яъни “хикмат” деган маънони берувчи “софия” дан олинган деб таърифлашади.

Аммо юқордагиларнинг барчасида араб грамматикасига тўғри келмаслиги билан ажралиб туради.

## МУҲОКАМА

Энг кўп тарқалган нуқтаи назарлардан бири “сўфий” сўзининг “суф”, яъни араб тилидан “жун” деб таржима қилинадиган сўздан олинганлиги бўлди. Биринчи сўфийлардан бўлган Абу Наср Саррож (988 ваф.) айнан “суф” сўзидан “сўфий” сўзининг келиб чиққанлиги ҳақида фикр билдиради: Пайғамбарлар ва валийларга жундан тўқилган кийим (тўн, плаш) кийиш анъана бўлган. Абу Наср Саррож фикрини давом эттириб айтадики, одамларни кийган кийимига қараб номланиши эски анъаналардан бўлиб, Исо (алайҳиссалом) издошлари оқ кийим кийиб юришни анъана, одат қилиб олганлари учун уларни “хаворийлар” (оқ кийим кийиб юрувчилар) деб аташган. Худди шундай сўфийларни ҳам, жунли матодан кийим кийиб юришганлари учун сўфий деб аташиб, улар ўрганадиган тасаввуф илмини эса “такямса”, яъни узун кўйлакка бурканганлар деган маънони берувчи сўздан олинган дейди.

Классик давр муаллифлари: Калабази, Абу Нуайм, Имом Ғаззолий, Ибнул-Жоузи, Сухравардий, Ибн Таймийя ва Ибн Ҳолдун каби алломалар “сўфий” ва “тасаввуф” сўзларининг араб тилидаги “суф” (“жун”) сўзидан олинганлигини қайд этадилар. Никольсон, Нольдеке, Массигнон ва Гольдзихер ҳамда ҳозирги давр тасаввуф олими, ал-Азҳар шайхи Абдулҳалим Маҳмуд ҳам шу нуқтаи назарга қўшиладилар.[3:20]

Тасаввуф сўзининг келиб чиқиши билан бир қаторда тасаввуф илмига, унинг моҳиятига берилган ягона умумэътироф этилган таъриф ҳам мавжуд эмас. Имом ал-Ғаззолий тасаввуфни илм ва амалнинг омухталигидир деб таърифлайди ва шу билан бирга, ал-Ғаззолий ва Ибн ал-Арабий ҳам ислом илмининг энг маъқул шаклини тасаввуф деб билиб, унга ислом фалсафасининг негизи деб қарайдилар.

Тасаввуф юқори ҳис-ҳаяжон объекти бўлганлиги учун унга берилган таърифлар ҳам кўпдир. Ҳар бир сўфий шайх тасаввуфни ўз тариқатидан, ҳолидан, мақомидан, руҳий тажрибасидан, сулук манзилларидан, даражаларидан келиб чиқиб таърифлайди. Бундай таърифлар мингтага етади. Айнан шу мавзуга бағишланган тадқиқотларга кўра, дунёда қанча сўфий бўлса, шунча тасаввуфга берилган таърифлар ҳам мавжуд, деган қарашлар ҳам бор. Инглиз шарқшуноси Николсон Кушайрийнинг “Рисолаи Кушайри”, Атторнинг “Тазкиратул-унс”, Жомийнинг “Нафоҳатул-унс” каби тасаввуфга бағишланган асарларида учрайдиган етмиш саккизта тасаввуфга берилган таърифларни хронологик кетма кетликда келтиради.[4:387-406] Бундай турли чегараларни белгиловчи таърифларни ўнта гуруҳга бўлиш мумкин. Улар қуйидагилардан иборат: Тасаввуф – бу таркидунёчилик, зухд; мукамал ахлоқ; покланиш ва қалб мусаффолигига эришиш; сабр қилиш ва нафс билан доимий курашиш; саодат йўли, яъни Қуръон ва Суннага итоат қилиш; бор вужуди билан фақат Аллоҳга баҳшида бўлиш; Аллоҳ билан бирлашиш, Унга сингиб кетиш; ислом маънавий-руҳий оламининг негизи; ғайб, сирлар илми; фақат танланганларга, хосларнинг-хосларигагина аён бўладиган илоҳий илм хазинаси.

Юқорида айтганимиздек “тасаввуф” ва “сўфий” сўзлари Қуроъни Каримда ва Ҳадисларда учрамасада, тасаввуф илмининг туб моҳияти Қуроъни Карим ва Суннадан иборат. Бунга далил қилиб мутасаввиф алломалар Қуроъни Карим ва Ҳадислардан кўплаб нақл ривоятлар келтирадилар. Бундан ташқари деярли барча тасаввуф тариқатлари ўзларининг силсила давомийлиги занжирини Мустафо Муҳаммад а.с. дан бошланишини эътироф этадилар.

Тасаввуф таълимотининг вужудга келиши ва таракқиёти тарихини уч даврга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Биринчи давр – зуҳд, таркидунёчилик даври. Бу давр саодат давридан, яъни Муҳаммад а.с. яшаган даврларидан бошланиб тобеъинлар ва тобеъут-тобеъинлар яшаган исломнинг биринчи икки асрига тўғри келади.

Иккинчи давр – VIII асрнинг охиридан то биринчи тариқатлар вужудга келиши, яъни XII асргача даврни ўз ичига олади. Бу даврларда “сўфий” “тасаввуф” тушунчалари истилоҳга киритилиб, биринчи машҳур сўфийлар пайдо бўлди. Тасаввуф институти шаклланиб, Жунайд Бағдодий, Боязид Бистомий, Ҳаким Термизий, Нурий, Мансур Ҳаллож, Абу Наср ас-Саррож ва Имом Ғаззолий каби етук мутасаввиф олимлар шу даврларда яшаганлар.

Учинчи давр – XII асрдан тасаввуфда энг таъсирчан тариқатларнинг пайдо бўлиши ва ижтимоий ҳаётнинг бир қисмига айланиши билан изоҳланади. Мана шу жойда айтиб ўтишни жоиз деб топдик, яъни шу даврда йирик ислом теологи Абу Ҳомид ал-Ғаззолийнинг буюк хизматлари билан тасаввуф расмий ислом билан мувофиқлаштирилди. Бу давр Ибн ал-Арабий каби буюк мутасаввиф алломалар яшаган, тасаввуфнинг адабиёт ва шеърят ривожига мисли кўрилмаган даражада таъсир этган давр бўлиб, бу жараён то ҳозирги кунгача давом этмоқда. Яна айтиб ўтиш керакки, ўша пайтда вақти-вақти билан мадраса ва така (хонақоҳ) орасида ихтилофлар чиқиб турган.

Юқорида тасаввуфга асос бўлган таркидунёчилик кайфиятлари деяри ислом билан бир даврда юзага келди деб айтиб ўтдик. Сўфийликнинг илк намояндалари деб Пайғамбар а.с. нинг Абу-д-Дардо, Абу Зарр, Ҳузайфа (ваф. VII асрнинг иккинчи ярми) каби саҳобалари ҳисобланади. Аммо исломдаги сўфийлик оқимининг шаклланиши VIII асрнинг ўрталари IX асрнинг бошларига тегишли. Бу даврда сўфийлар қаторига муҳаддислар, қорилар, қуссослар, Византия билан чегара урушларида қатнашган жангчилар, косиблар, тижоратчилар, шу жумладан исломни қабул қилган христианлар кирганлар.

Зийрак психолог, “илм ал-қулб ва-л-хавотир” – “қалблар ва фикрлар илми”га асос солган ал-Ҳасан ал-Басрий бекорга сўфийликнинг асосчиларидан ҳисоблан- майди. Ал-Ҳасан ал-Басрийнинг асҳоблари, басралик зоҳидлар – Рабоҳ ибн Амр, Рабиъий ал-Адавий, ал-Доринийларнинг (VIII-IX асрлар) ваъз ва маърузаларида Аллоҳга бўлган соф муҳаббат, унга яқинлашишга бўлган интилиш ҳақидаги фикрлар пайдо бўлди.

IX аср давомида тасаввуф назариёти ва амалиётини ишлаб чиқиш учун қизғин ҳаракатлар давом этди. Басра билан бир қаторда Бағдод ва Хуросон сўфийлик мактаблари энг нуфузли мактаблар сифатида юзага келди. Уларнинг намояндалари аввалгидек сўфийнинг ички дунёсига асосий эътиборни қаратар эдилар. Уларнинг “ҳол”, “мақоматларига” батавсил тасфислар бердилар. Бошқа мистик таълимотлар каби унга сўфий босиб ўтганида “дунё гуноҳкорлигидан” покланиб, илоҳиётга яқинлашишга, Унга сингиб кетишга сабаб бўладиган йўл (тариқ) сифатида қарадилар. “Ниятлар” ҳақидаги таълимот янада чуқурлаштирилди. Бунда ўз-ўзини назорат (муроқаба, муҳосаба) қилишга эришиш учун унинг “ихлос” ва “садоқат” билан бўлишига асосий урғуни бердилар. Тасаввуфда Аллоҳга етишиш фақатгина Ўзини кўриш билан эмас, Унга кўшилиб кетиш, сингиб кетиш (“фано” ва ундан кейин “бақо”) билан бўлиши ҳам мумкин деган фикр илгари

сурилди. Мансур ал-Халлож, ибн Ато, Айн ал-Кудот ал-Ҳамадоний каби кишиларнинг қатл этилиши бошқа сўфийларни хушёрликка чақирди.

#### **ХУЛОСА**

Ислом динида биринчи сўфий номини олганлардан Абу Ҳошим Шомий (778 й. ваф.), тасаввуф усулига биринчи марта шарҳ берган киши Имом Моликнинг шогирди бўлмиш Зуннуни Мисрий (870 й. ваф.), минбардан туриб биринчи маротаба тасаввуфга чақирган киши Шиблий (946 й. ваф.), тасаввуф усулини кенгайтириб тартибга солган киши Жунайд Бағдодий (1008 й. ваф.), тасаввуфда авлиёлик (валоят) ҳақида гапириб, уларни Аллоҳга энг яқин кишилар деб белгилаган биринчи киши Ҳаким ат-Термизий (869 й. ваф.) эди. Аёллардан биринчи сўфий бўлган киши Робиъа Адавиййа (753й. ваф.) бўлган.

Тасаввуфнинг халқ оғзаки ижодиға, адабиёт ва санъатга таъсири беқиёс эди. Сўфийлар орасида кўплаб истеъдодли шоирлар ва адиблар бўлган. Саъдий Шерозий, Ҳофиз Шерозий, Низомий Ганжавий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Бобораҳим Машраб, Мирзо Бедил тасаввуфий ижоди, уларнинг Аллоҳ нури билан суғорилган ғоявий манзиллари иймон-этиқодга чексиз садоқати, инсоннинг эзгу хулқ одоби, эзгу амали, эзгу сўзи, эзгу нияти, эзгуликка бахшида этилган ҳидояти каби мавзулар алломаларнинг сўзида, тилида, қалбида, барҳаёт яшаган. Умуман олганда тасаввуфнинг ривожланиш йўли ислом тарихининг ажралмас бир қисмидир.

#### ***Фойдаланилган адабиётлар:***

1. Азизиддин Насафий. Зубайдат ул-Ҳақойиқ (Ҳақиқатлар жавҳари). – Т.: “Камалак” (Нажмиддин Комилов таржимаси), 1996.
2. Йылмаз Х.К. Тасаввуф и тарикаты. Перевод с турецкого, Азат Урманов. М.: ООО Из. «САД», 2007.
3. Профессор, доктор Хасан Камил Йылмаз, Тасаввуф и тарикаты. Пер. с турецкого. М.:ООО “Издательская группа “САД”, 2007.
4. 4. Атҳам Жаббаджоғлу “Определение тасаввуфа, проведенные профессо- ром Николсоном в хронологическом порядке”. Университет анкары, Журнал факультета богословия, XXIX, Анкара, 1987.



## ЭКОНОМЕТРИКА ВА ИНФОРМАТИКА ФАНЛАРИНИ ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРИГА АСОСЛАБ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ

Сафарова Дилшодахон Эшмухаммадовна

Иқтисодиёт ва сервис кафедраси, Фарғона давлат университети

Фарғона ш., Ўзбекистон Республикаси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6684231>

**Аннотация.** Ушбу мақолада олий таълим профессор-ўқитувчилари томонидан талабаларни келгуси касбий фаолиятга тайёрлашда фанлараро интеграциядан фойдаланишнинг имкониятлари ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** фанлараро интеграция, ахборот-коммуникацион технологиялар, эконометрия, корреляция ва регрессия статистик таҳлил методлари, MS Excel электрон жадвали, функциялар кутубхонаси, тренд чизиги, прогнозлаш.

### МЕТОДИКА ПРЕПОДАВАНИЯ ЭКОНОМЕТРИКИ И ИНФОРМАТИКИ НА ОСНОВЕ СОВРЕМЕННЫХ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ТЕХНОЛОГИЙ

**Аннотация.** В этой статье описываются возможности для преподавателей высших образовательных учреждений использовать междисциплинарную интеграцию при подготовке студентов к будущей профессиональной деятельности.

**Ключевые слова:** междисциплинарная интеграция, информационные и коммуникационные технологии, эконометрия, методы статистического анализа корреляции и регрессии, электронная таблица MS Excel, библиотека функций, линия тренда, прогнозирование.

### METHODS OF TEACHING ECONOMETRICS AND INFORMATICS BASED ON MODERN PEDAGOGICAL TECHNOLOGIES

**Abstract.** This article describes the opportunities for teachers of higher educational institutions to use interdisciplinary integration in preparing students for future professional activities.

**Keywords:** interdisciplinary integration, information and communication technologies, econometrics, methods of statistical analysis of correlation and regression, MS Excel spreadsheet, library of functions, trend line, forecasting.

## КИРИШ

Мамлакатнинг замонавий жамиятдаги ривожланиш даражаси нафақат унинг иқтисодий салоҳияти ҳолатини, балки олий ўқув юртларида тайёрланаётган мутахассисларнинг касбий малакаси билан ҳам белгиланади. Замонавий меҳнат бозори, бўлажак мутахассисларнинг малакаси ва касбий тайёргарлигига нисбатан юқори талабларни тақдим этиб, ўз навбатида, битирувчилар ўртасида рақобатнинг кучайишига олиб келади. Маълумки, фан ва техника жадал суръатлар билан ривожланаётган бугунги кунда кўплаб илмий билимлар, тушунча ва тасаввурлар ҳажми кескин ортиб бормоқда. Бу бир томондан фан ва техниканинг янги бўлимлари ва соҳаларининг шаклланиши билан унинг дифференциациясини таъминлаётган бўлса, иккинчи томондан фанлар орасида ҳукмрон бўлган чегараларни бузиб, интеграция жараёнини вужудга келтирмоқда.

Бугунги кунда таълим жамият ҳаётида ҳар қачонгидан ҳам катта рол ўйнайди. Мамлакат таракқиётининг ўсиш суръатларини оширишга қаратилган бўлиб, бу



муаммоларни ҳал этиш аҳолининг замон талабларига жавоб берадиган юксак билим савиясини тақозо этади. Компютер тизимидан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнида университетнинг иқтисодий йўналишлари бўйича бўлажак бакалаврларга математик статистика ва эконометрияни ўқитишнинг дидактик модели математик билимлар ва процедураларни визуал моделлаштириш учун пойдевор конструкцияларини қўллаш асосида амалга оширилмоқда. Дидактик тизим, методик тизим ва педагогик технология тушунчаларини бир биридан фарқларкан, педагогик технологияда мазмуний компонент заиф тақдим этилган, айнан педагогик технологияга энг муҳим белгилар: диагностик тарзда мақсадни қўйиш, натижадорлик, тежамкорлик, алгоритмланганлик, проэктланганлик, яхлитлик, бошқарувчанлик, коррекция қилишлик, визуализация ҳисобланади. Эконометрикада асоси бу модел ҳисобланади айнан моделни тузиш бу педагогик услублар ёрдамида ва тизимлар ёрдамида яратиш ҳамда талабаларга модел моҳиятини талабаларга етказиб бериш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Талабаларга абстракт моделларни тузиш жараёнида моделни статистик маълумотлар асосида қуришни ва параметрларни баҳолай билишни ўргатиш ҳам педагогик метод ва тизимларни ташкил этиш муҳим жараёнлардан ҳисобланади.

### **ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ**

Технологиянинг концептуал жиҳати таълим мақсадларини белгилаш, уларга эришиш гоёлари, натижа талаблари, уни қуришда ишлатиладиган тамойилларни ўз ичига олади

Тадқиқотимизнинг мақсади педагогика олий таълим муассасалари талабаларига эконометрикани ўқитишнинг самарали методик тизимини ишлаб чиқиш бўлиб, ушбу ишнинг биринчи бобида натижага эришиш учун қулай бўлган асосий методологик ёндашувлар ва тамойиллар белгиланди.

Маълум бўлган ўзлаштириш, педагогик технологиялар, таълим шакллари ва усулларининг психологик ва педагогик тушунчалари мажмуи орасидан белгиланган вазифаларга, талабалар тайёргарлик даражасига, шунингдек, педагогик технологиялар талабларига тўлиқ жавоб берадаганлари танлаб олиниб, булар:

- ишлаб чиқилган концепциянинг университетнинг ҳақиқатлари ва имкониятларига мувофиқлиги;
- мавжуд педагогик жараёнга эга етарли тизимлилик ва тизимли мувофиқлик;
- технологиянинг етарлича бошқарилиши, уни таъминлаш учун диагностика воситаларининг мавжудлиги;
- такрорланишлик (бошқа бир хил турдаги шароитда технологияни қўллаш тажрибаси).

Мавжуд технологиялар ва концепцияларни таҳлил қилиш натижасида шахсий-фаолиятли технологиялар ва модулли таълим технологияси устувор аҳамият касб этди.

Технологиядаги асосий лойиҳа объекти — бу дидактик модуль ёки ўқув мавзусидир. Ўқув курсининг лойиҳаси модулли таълим тамойилларига асосланган. Амалий дастур ўқув мазмунини таҳлил қилиш жараёнида ажратилган дидактик модуль ва ўқув элементларидан иборатдир.

Қабул қилинган таснифларга асосланиб, таҳлил ва прогноз учун қўлланиладиган эконометрик моделларнинг учта асосий синфини ажратиш мумкин бўлади, булар:

- вақт қаторлари моделлари;

- битта тенгламали регрессия моделлари;
- эконометрик тенгламалар тизимлари.

Интеграция – бу (лот. Integratio - “тиклаш”, “тўлдириш”, “уланиш”) - қисмларни бир бутунга бирлаштириш жараёни тушинилади. Фанлараро интеграция касбий фаолиятнинг ягона, узлуксиз ва яхлит ривожланиши нуктаи назаридан ўқув дастурларини ўзаро мувофиқлаштириш жараёни сифатида қаралиб, қобилиятларни шакллантириш нуктаи назаридан фанлараро интеграция бўлажак мутахассиснинг ўзини ўзи ривожлантиришининг мантикий асосига айланади. Замонавий маънода фанлараро интеграция мантикий йўналишдаги олий таълим ўқув жараёнининг барча таркибий қисмларини (мақсадлари, натижалари, мазмуни, шакллари ва ўқитиш усуллари)ни мувофиқлаштиришдан иборат. Шунингдек, у ўқув фанларининг мазмуни ва технологик алоқаси билан, бўлажак мутахассисларнинг касбий фаолиятининг мазмуни ва технологиялари ўртасидаги долзарб илмий ҳамда амалий муаммолар билан тавсифланади.

Профессор-ўқитувчилар томонидан талабаларга таълим ва тарбия бериш, уларни танлаган касбини онгли равишда эгаллашга тайёрлаш, шунингдек, ижодий меҳнат фаолияти ва ишлаш учун таълим жараёни қандай ташкил этилганига ўқув дастурлари, синф фонди, техник ва услубий таъминот ва бошқалар таъсир қилади. Шу билан бирга, ўқув жараёни талабаларнинг ўзига хос фаол билим олишга қизиқтирадиган, уларда хоҳиш-истакни уйғотадиган бўлса самарали бўлади.

#### **ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ**

Ўқув материали - бу педагогик жиҳатдан тўғри ва тушунарли тузилган, талабалар томонидан тўлиқ ўзлаштириладиган, аниқ белгиланган мақсадга мувофиқ билимлар тизимидир. Олий таълимда ўқитиладиган ҳар қандай фаннинг мазмуни намунавий дастурлар ва касбий таълим стандартларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги тамойиллар ҳамда талабларни белгилаши керак:

- тегишли тармоқларда қўлланиладиган фан, техника ва технологик жараёнларнинг ҳозирги ҳолати ҳамда ривожланиш истиқболларига мувофиқлаштириш;
- таълимни ва малакали мутахассисни тайёрлашни ривожлантиришда ўқув жараёнини тўғри шакллантириш;
- умуман фаннинг илмий-техник асоси бўлган умумий ва касбий дидактика тамойилларини амалга ошириш;
- талабаларнинг техник тафаккурини ривожлантирадиган ва танлаган касбига мувофиқ бўлажак мутахассислар салоҳиятини шакллантиришга ҳисса қўшадиган таркибий қисмларнинг мавжудлиги ва ҳ.к.

Касбий дидактика ўз навбатида қуйидаги тамойилларни ўз ичига олади: кўргазмалик, билимларнинг тизимлилиги ва изчиллиги, мавжудлик ва мақсадга мувофиқлик, ўқув жараёнида онгли ва фаол иштирок этиш, талабалар билимининг мустаҳкамлиги, назарияни амалиёт билан, таълимни ҳаёт билан боғлаш, илмий ўқитиш, талабалар билимлари самарадорлиги ва бошқалар.

Хорижлик Elisabeth J.H.Spelt ва бошқаларнинг “Олий таълимда фанлараро таълим бериш ва билим олишни тизимли қайта кўриб чиқиш” номли илмий мақоласида талабаларга ўқитиладиган фанлардан фанлараро фикрлашнинг қуйи даражада эканлиги, улар икки ёки ундан ортиқ фанлардан билимларни ўзлаштириш, уларни бирлаштириш ва

мантикий фикрлашни ривожлантиришга туртки бўладиган омиллар хусусида тўхталиб ўтишган. W.James Jacob “Олий таълимда фанлараро тенденциялар” номли мақоласида иқтисодиёт замонавий билимлар асосида қурилганлигини, бугунги кунда ҳукуматлар ва жамиятлар дуч келадиган кўплаб муаммолар ҳамда эҳтиёжларни қондиришда ёрдам берадиган малакали ишчи кучи ва етакчи кадрларни талаб қилишини таъкидлаган. Шунингдек, муаллиф олий ўқув юртлари битирувчиларни ягона таълимий манбадан фойдаланиб, барча долзарб ва юзага келадиган муаммоларни ҳал қилишга ўргата олмаслигини, фанлараро ёндашувлар бугунги кунда олий ўқув юртлари талабаларининг жадал эҳтиёжларини қондириш учун муҳим асос бўлишини таъкидлайди.

Россиялик олимлардан Б.Н.Токуренова ва бошқаларнинг “Олий таълим талабаларини касбий-педагогик тайёрлаш сифатини оширишда фанлараро интеграциянинг омили” номли мақолада магистрларнинг касбий ва педагогик тайёргарлиги жараёнида университет кафедраларининг ҳамкорлик доирасидаги фанлараро интеграция муаммоси кўриб чиқилган. Шунингдек, тадқиқотда битирувчиларнинг фанлараро илмий ва амалий муаммоларни ҳал қилишда орттирилган касбий компетенцияларни амалга оширишга тайёрлиги ва қобилияти сифатида, янги, яхлит таркибни яратишни таъминлайдиган талабаларнинг тизимли фикрлаш услубига ҳисса қўшадиган ягона, бирлаштирувчи тамойил сифатида тушунилган фанлараро интеграциянинг моҳияти ҳамда аҳамияти очиқ берилган.

### **МУҲОКАМА**

Мамлакатимиз олимларидан М.Ҳ.Лутфуллаевнинг “Олий таълим ўқув жараёнини такомиллаштиришда ахборот технологияларини интеграциялаш назарияси ва амалиёти (информатика ва табиий фанлар мисолида)” номли докторлик диссертациянинг биринчи бобида, ахборот технологиялари интеграцияси мазмуни, моҳияти ва унинг асосида ташкил бўлган педагогик тизим базасида олий таълим ўқув жараёнини такомиллаштиришнинг назарий ва амалий жиҳатлари ишлаб чиқилган. Шунингдек, ушбу бобда электрон қўлланмалар яратишнинг педагогик ва психологик томонлари ишлаб чиқилган бўлиб, унинг анъанавий дарсликка нисбатан ўқув материалларини намоёни қилиш, уларни излаб топиш, маълумотларни тезкор ўзгартириш ва бошқалар ёритилган.

Иқтисодиёт профилидаги бакалаврларни келгуси касбий фаолият олиб боришга тайёрлашда талабалар томонидан асосий таълим дастуридаги “Эконометрика” фанини ёки унинг алоҳида бўлимларини ўрганишни назарда тутди. Эконометрика ўқув фанининг амалий аҳамияти шундаки, у ҳодисалар ўртасидаги мавжуд алоқаларни микдорий равишда аниқлашга, берилган шароитда иқтисодий ривожланишнинг оқилона прогнозини тузишга, мавжуд хатарларни текширишга ва уларни рақамли ҳисоблашга имкон бериб, бошқарув қарорларининг иқтисодий оқибатларини баҳолайди.

Эконометрик таҳлил иқтисодий таҳлил қилиш ва башорат қилиш учун асос бўлиб хизмат қилиб, иқтисодий қарорлар қабул қилиш учун имконият яратади. Эконометрика фанининг вазифаларида– талабалар турли мулкчилик шаклидаги корхоналарнинг иқтисодиётини модернизациялаш шароитида қарор қабул қилиш жараёнларини амалга оширишда, уларнинг иқтисодий кўрсаткичларини таҳлил қилишда ва ушбу соҳада вужудга келиши мумкин бўлган амалий муаммоларни ечишда эконометрик усуллар ва моделлар ҳамда замонавий ахборот технологияларидан самарали фойдалана олишни ўргатишдан иборатлиги кўрсатиб ўтилган.

Эконометрика - бу оммавий иқтисодий ҳодисаларнинг математик моделлари иқтисодий назария ва ҳақиқий статистик маълумотлар асосида маълум иқтисодий фаразларни миқдорий тасдиқлаш ёки рад этиш ҳамда тегишли иқтисодий кўрсаткичларни башорат қилиш мақсадида қуриладиган фан. Шундай қилиб, эконометриканинг тадқиқот объекти ҳақиқий иқтисодий жараёнлар бўлиб, унинг тадқиқот предмети иқтисодиётдаги муносабатларнинг миқдорий хусусиятлари ҳисобланади.

Бугунги кунда компьютер дастурий таъминот тўпламлари, замонавий ҳисоблаш технологиялари имкониятларидан фойдаланиб, статистик маълумотларни қайта ишлаш, корреляцион ва регрессион таҳлил қилиш, моделлаштириш ҳамда прогноз қилиш муаммоларини сифат жиҳатидан юқори даражада ташкил этиш имконини яратади.

Корреляция – ўзгарувчилар ўртасидаги боғлиқлик мавжуд ёки мавжуд эмаслигини ва унинг кучини аниқлаш имконини берадиган статистик таҳлил қилиш методи ҳисобланади.

Регрессия – ўзгарувчилар ўртасидаги боғлиқликнинг характерини (тўғри ёки тескари, чизикли ёки чизиксиз) тавсифлаш учун қўлланиладиган статистик таҳлил қилиш методи.

Эконометрик масалаларни ахборот технологиялари ёрдамида ечиш учун турли хил дастурий маҳсулотлар мавжуд. Улар қаторига: электрон жадваллар (MS Excel, OpenOffice.org Calc ва бошқалар), умумий фойдаланиш учун статистик дастурий пакетлар (SPSS, STATISTICA, STATGRAPHICS, ва бошқалар), эконометрик масалаларни ечишга ихтисослашган дастурлар (Econometric Views, STADIA, Matrixer 3.4 ва бошқалар), умумий мақсадли математик пакетлар (Mathcad, Matlab, Maple, Mathematica ва бошқалар) киради.

Эконометрика фанини ўқитиш босқичида самарали бўлган ва эконометрик маълумотларни рақамли қайта ишлашнинг энг қулай воситаларидан бири бу Microsoft Excel электрон жадвалидир. Ушбу дастурий маҳсулот эконометрик масалаларни ечишда услубий ёрдамнинг мавжудлиги, кенг оммалашганлиги, кўпгина статистик дастурий таъминот тўпламлари билан мослашувчанлиги, жуда кўп сонли математик ва статистик функциялар ёрдамида ҳисоб-китобларни амалга ошира олиши, тасодифий ўзгарувчиларнинг тақсимланишини ҳисоблаш ва бошқа бир қатор афзалликларга эга ҳисобланади.

Эконометрика фани бўйича амалий машғулотлар компьютер лабораторияларида ўтказилади ва бу жараён талабалар томонидан лаборатория ишларининг бажарилишини таъминлайди. Лаборатория иши касбий йўналтирилган вазифаларни ўз ичига олиши, уларнинг ечими эконометрика курсининг мазмунини мунтазам равишда тақдим этиши ва унинг муваффақиятли ўзлаштирилишини таъминлаши, талабаларга эконометрикани келгуси касбий фаолиятида муҳимлигини намойиш этиши ҳамда фанлараро интеграцияларни амалга ошириш учун мўлжалланган бўлиши зарур.

Иқтисодиёт таълим йўналишлари талабаларини ўқитиш жараёнида фанлараро интеграциядан фойдаланиб, иқтисодий масалаларни ечишда ахборот-коммуникацион технологиялар (АКТ)ни қўллаш, улар ёрдамида таҳлил ва қарор қабул қилишни, иқтисодчи амалиётига татбиқ қилиш бўйича билим, кўникма ҳамда малакаларни шакллантиришга ўргатиш жараёни.

#### **ХУЛОСА**

Хулоса ва таклифлар.

1. Саноат ва иқтисодиётнинг жадал ривожланиши, инсонларнинг дунё қараши ўзгариб, инновацияларга муҳтожлиги сабабли ҳар йили олий таълим ўқув жараёнида касбий муаммоларни ҳал қилишга қаратилган янги фанлар пайдо бўлиб бормоқда. Бу каби

махсус фанларга эҳтиёж пайдо бўлганда, масалан, “Рақамли иқтисодиёт”, “Инвестиция лойиҳаларини бошқариш”, “Корхона иқтисодиёти ва инновацияларини бошқариш” ва бошқаларни бошқа цикл фанлари билан фанлараро алоқаларни топиш қийин.

2. Фанлараро интеграция орқали амалга ошириладиган касбий фаолият, талабаларни ўқитишда амалий ва лаборатория машғулотида бажариладиган интеграл топшириқлардан мунтазам фойдаланиш билан амалга оширилса, олинган билимларни чуқур ўзлаштирилишига имкон беради. Касбий кўникмаларни мукамал ўзлаштирган битирувчи меҳнат бозорида муваффақиятли рақобатлашиш имкониятига эга бўлиб, касбий фаолиятга оид муаммоларни ечишда креатив фикрлашга эришади.

3. Етук мутахассислар талабаларни касбий фаолиятга тайёрлашда интерактив педагогик усуллар, техник ва дастурий воситалар ёрдамида фанлараро интеграцияни олий таълим ўқув жараёнига жорий қилиш керак, деган фикрга қўшиладилар.

4. Таълим сифатини ошириш ва талабаларни касбий фаолиятга тайёрлашда фанлараро интеграциядан фойдаланиш самарали натижаларга олиб келади.

#### *References:*

1. Marasulova, Z. A., Akhmedova, Z. S., Turdaliyev, S. M. (2021). Continuity and succession in teaching computer science and information technology in secondary and higher education. *International Journal for Innovative Engineering and Management Research*, 10(3), 201-204.
2. Аҳмедова, З., Абдуназарова, Д., Марасулова, З. (2021). Узлуксиз таълим тизимида Информатика ва ахборот технологиялари фани узвийлигини таъминлаш муаммолари. *Узлуксиз таълим*, 5(5), 51-56.
3. Siddikovna, A. Z., Abdullayevna, M. Z., Rozmatjonovich, Y. A. (2021). Innovations and Advanced Foreign Experiences in Teaching Informatics in Higher Education in Interdisciplinary Relations. *JournalNX*, 4(4), 371-374.
4. Marasulova, Z. A., & Rasulova, G. A. (2014). Information resources as a factor of integration of models and methodologies. *Vestnik KRAUNC. FizikoMatematicheskie Nauki*, (1), 75-80.
5. Azamovna, R. G. (2012). Elektronik textbook for the sistem of continuous education. *The Edvanced Science Journal. Special issue for Korea*, 41-42.
6. Azamovna, R. G. (2021). Multimedia Electronic Textbooks for Self-Study. *JournalNX-A Multidisciplinary peer Reviwed Journal*, ISSN-2581-4230.
7. Mallayev, R. Q. (2021). Talabalar bilimini nazorat qilish va baholashning innovatsion tizimlari. *Fizika matematika va informatika*, 21(2), 81-87.
8. Исмаилов, О. М., Исаков, А. Ф., Маллаев, Р. К. (2017). Алгоритм быстрого строкового сопоставления сетевых систем обнаружения вторжений. *Актуальные проблемы оптимизации и автоматизации технологических процессов и производств*, 1(1), 132-137.
9. Mashrabovich, A. A. (2022). The Importance of Using Digital Pedagogy in Higher Educational environment. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 10(5), 660-664.

10. Ahmedov, A. M. (2021). Umumiy o'rta ta'lim maktablarida zamonaviy pedagogik texnologiyalar va interfaol usullardan foydalanish metodikasi. TDPU Ilmiy axborotlari, 21(8), 93-100.
11. Ahmedov, A. M., Shirinov, F. S., Hasanov, A. R. (2021). Ma'lumotlarni intellektual tahlil qilishning metodlari. Uzluksiz ta'lim, 1(SI), 79-82.
12. Hasanov, A. R., Ahmedov, A. M., Ziyayev, S. A. (2021). Elektron o'quv resurlarini yaratish vositalari. Uzluksiz ta'lim, 1(SI), 10-14.
13. Ahmedov, A. M. (2021). Factors for developing programming skills of students. *Экономика и социум*, (2-2), 554-560.
14. Маликова, Д. К. (2021). Систематический анализ идеологический процессов. *Innovation In The Modern Education System*, 4(1), 397-402.
15. Malikova, D. Q. (2021). Globallashuv jarayonida yoshlar mafkuraviy immunitetini shakllantirish masalalari. *The XXI Century Skills for Professional Activity International Scientific-Practical Conference*, 1(1), 229-230.
16. Маликова, Д. К. (2021). Биринчи ренессансинг маънавий тарбиявий таълимотига бир назар. Масофавий таълимни ташкил этишнинг педагогик-психологик жиҳатлари, 1(1), 617-621.
17. Malikova, D. Q. (2021). Sharq milliy mafkurasi rivojida g'arbiy yevropa mafkurasining o'рни. *O'zbekistonning umidli yoshlari*, 1(1), 94-95.
18. Abdurasulovich, M. Q. Definition Of Lexical And Semantic Groups Of Judicial Discourse In Uzbek Language. *JournalNX*, 7(06), 194-198.
19. Расулова, Г. А., Ахмедова, З. С., & Норматов, М. (2016). Методика изучения математических терминов на английском языке в процессе обучения. *Ученый XXI века*, 65.
20. Ahmedova, Z. S. (2018). Ta'lim jarayonida axborot kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanish. *Ta'lim va texnologiya*, 1(2), 142-145.



## BADIIY PSIXOLOGIZM VA UNING ILMIY-NAZARIY KRITERIYLARI

Tangirov Roʻziboy

Termiz davlat universiteti magistranti

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6687033>

**Annotatsiya.** Maqolada badiiy psixologizm, uning mohiyati haqida soʻz boradi. Badiiy psixologizmning kelib chiqishi adabiyot inson obrazini tasvirlay boshlagan davrlarga borib bogʻlanadi. Aynan oʻsha davrlardan boshlab adabiy qahramon xatti-harakatlarining asosini tashqi holatlarigina emas, balki uning ichki holatlari, intilish va ehtiyojlari tashkil eta boshlagan. Gʻarb adabiyotshunosligida bu hodisa psixopoetika (badiiy psixologiya) deb ataladi. Zamonaviy dunyo adabiyotshunosligida badiiy adabiyotni psixopoetik nuqtai nazardan tahlil va talqin qiluvchi bir qancha nazariy qarashlar, usul va metodlar ishlab chiqilganligi haqida fikr yuritilgan.

**Kalit soʻzlar:** Psixopoetika, badiiy psixologizm, kriteriya, psixologik omillar, ijtimoiy ong.

## ХУДОЖЕСТВЕННЫЙ ПСИХОЛОГИЗМ И ЕГО НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ КРИТЕРИИ

**Аннотация.** В статье рассматривается художественная психология и ее сущность. Истоки художественной психологии восходят к тому времени, когда литература стала изображать человека. С этого времени в основе поведения литературного героя лежали не только его внешние обстоятельства, но и его внутренние состояния, стремления и потребности. В западной литературе это явление называется психопоестикой. В современной мировой литературе считается, что сложился ряд теоретических взглядов, методов и приемов, анализирующих и интерпретирующих художественную литературу с психопоетической точки зрения.

**Ключевые слова:** Психопоетика, художественный психологизм, критерии, психологические факторы, общественное сознание.

## ARTISTIC PSYCHOLOGISM AND ITS SCIENTIFIC-THEORETICAL CRITERIA

**Abstract.** The article deals with artistic psychology and its essence. The origins of artistic psychology go back to the time when literature began to portray human beings. From that time on, the basis of a literary hero's behavior was not only his external circumstances, but also his internal states, aspirations and needs. In Western literature, this phenomenon is called psychopoetics. In the modern world literature, it is thought that a number of theoretical views, methods and techniques have been developed that analyze and interpret fiction from a psychopoetic point of view.

**Keywords.** Psychopoetics, artistic psychologism, criteria, psychological factors, social consciousness.

## KIRISH

Soʻzning har qanday badiylashtirilgan shakli, u ogʻzaki yoki yozma boʻlishidan qatʼiy nazar, inson maʼnaviy-psixologik olamiga taʼsir oʻtkazishi jihatidan muhimdir. Badiiy asar tayyor holga kelgan taqdirda ham, oʻquvchisini topmaguniga qadar, oʻzining yetakchi estetik vazifasini bajara olmaydi. Faqat badiiy asarning oʻquvchi bilan “muloqoti” boshlangan nuqtada u jonlanadi, retseptiv mohiyat kasb etadi. Xuddi shu nuqtada badiiy psixologizm mexanizmi ishga tushadi. Soʻzlovchi yoki yozuvchi badiiy bayoni, tasvir usuli, psixologik ifodalash uslubi jonlanadi. Soʻz ilmining yetakchi namoyondalari asarlarida qayd etilishicha: «obrazli qilib aytilgan soʻz kishi

ruhini o'ziga bo'ysundiradigan bir holat kasb etadi. Bu shundayki, ma'lum bir ishlar kishiga ko'rinmasdan, ular haqida biror fikr yuritilmasidan va uni e'tirof etilmasdan turib, ular kishiga xush keladi, ba'zilaridan esa kishi o'zini tiyadi. Bir so'z bilan aytganda, bunday narsadan odam bezovtalanadi, lekin bu bezovtalik ongli ravishda bo'lmay, balki nafsoniy – psixologik ta'sirlanganlik natijasida bo'ladi".

### **TADQIQOT MATERIALLARI VA METODOLOGIYASI**

Ibn Sinoning ushbu fikrida so'zning tinglovchi va o'quvchiga ta'siri undagi ma'naviy-psixologik ta'sirlanish bilan bog'liqligi, ya'ni retseptiv jarayon ekaniga alohida diqqat qaratilgan. Badiiy so'z hodisasi insonlar jamiyatiga aynan ularning o'zlarini o'zlariga tavsiflash, ta'riflash, tasvirlash, ko'rsatish orqali ta'sirlantirish san'atidir. Bu serkulyativ jarayon bo'lib, ijtimoiy-tarixiy, maishiy-biografik, individual-psixologik hodisa va holatlarni kuzatish, ulardan ta'sirlanish, shu ta'sir doirasidan chiqmagan holda yoki shu holatga tushib tasvirlash, bayon etish, pirovard natijada boshqalarni ham ta'sirlantirishi kabi murakkab bosqichlardan tashkil topadi. Ayni jarayonni ilmiy-nazariy tushunchalar tarzida qayd etadigan bo'lsak, birinchisi "ijodiy jarayon", ikkinchisi "retseptiv jarayon" deb nomlanadi. Badiiy psixologizm dialogik hodisa bo'lib, shu ikki jarayon o'rtasida sodir bo'ladi. Professor Abdurauf Fitrat bu jarayonni quyidagi jumlada qisqa va aniq tarzda shunday ifodalaydi: "Adabiyot – fikr, tuyg'ularimizdag'i to'lqunlarni so'zlar, gaplar yordami bilan tasvir qilib, boshqalarda ham xuddi shu to'lqunlarni yaratmoqdir".

### **TADQIQOT NATIJALARI**

A.Fitrat bunday shaklan lo'nda, usluban sodda, ilmiy jihatdan aniq ta'rifga tasodifan kelib qolgan emas, albatta. U bir mutafakkir sifatida Sharq nazariy adabiyotshunosligiga oid bilimlarni o'ziga singdirgan, ularni zamonaviy g'arb adabiyotshunosligi bilan uyg'unlashtirgan edi. Darhaqiqat, badiiy so'z hodisasi, ijodiy jarayon o'zbek mumtoz adabiyotida azaldan mavjud hodisa edi. O'zbek xalqining "Alpomish", "Go'ro'g'li" kabi turkum eposlarida obrazlar ichki olamini yoritish uchun qo'llangan psixologik usullar asar badiiyatini ta'minlashi bilan birga, badiiy psixologik tasvir takomili uchun bir muhim bosqich vazifasini o'tagan. "Go'ro'g'li" turkum dostonlarida bu jihat juda ochiq ko'rinadi. Har bir obraz boshqa obrazlar bilan muloqot jarayonida xarakter xususiyatlarini yanada kengroq namoyon etadi. Ularning keskin burilishlar, favqulodda vaziyatlardagi holatlarini aks ettirishda bu jihat yaqqol ko'rinadi. Ayniqsa, "Go'ro'g'lining tug'ilishi" dostonida qahramonning chiltonlar g'orida Xizr alayhissalom bilan uchrashuvi, "antaxur sharobi"ni ichishi, xalq qahramoniga aylanishiga oid epizodidagi psixologik tasvir har qanday yozuvchiga namuna bo'larlik darajada mukammalligi bilan o'quvchini hayratga soladi. Xususan, "Alpomish" eposidagi qator badiiy psixologik unsurlar Boybo'ri, Boysari, Alpomish, Barchinoy, Qaldirg'och, Qorajon, Maston kampir, Toychaxon kabi obrazlarning ruhiyatini, ichki olamini ifodalashga xizmat qilgan. Jumladan, Alpomishning murodtepaga chiqish oldidan o'z-o'ziga aytgan monologida uning psixologik holati, ikkilanishi tasvirlangan. Demak, badiiy psixologizmning kelib chiqishi adabiyot inson obrazini tasvirlay boshlagan davrlarga borib bog'lanadi. Aynan o'sha davrlardan boshlab adabiy qahramon xatti-harakatlarining asosini tashqi holatlarigina emas, balki uning ichki holatlari, intilish va ehtiyojlari tashkil eta boshlagan. G'arb adabiyotshunosligida bu hodisa psixopoetika (badiiy psixologiya) deb ataladi.

### **MUHOKAMA**

Zamonaviy dunyo adabiyotshunosligida badiiy adabiyotni psixopoetik nuqtai nazardan tahlil va talqin qiluvchi bir qancha nazariy qarashlar, usul va metodlar ishlab chiqilgan. Ular

orasida A.A.Potebnya, D.I.Ovsyaniko-Kulikovskiy, Z.Freyd, J.Lakan, K.Yung qarashlari keng tarqalgan. A.Potebnyaning fikricha, badiiy asarlarda obrazlar muhim bo'lib, har qanday obraz o'ziga xos individual psixologik xususiyatlarga ega bo'ladi. Zigmund Freyd shaxsning individual harakatlari uning faoliyatini psixologik tahliliga asos bo'lishi haqidagi g'oyani ilgari surgan. Jak Lakanning "psixanaliz struktura"sida esa butun asar yaxlit psixologik tuzilma degan qarashlar yetakchilik qiladi. Bundan tashqari Alfred Adler, Karl Yung, Rene Uellek, Ostin Urren kabi olimlar badiiy asar va undagi poetik obrazlar yaratilishida psixologik mexanizmlarning o'rniga alohida e'tibor qilishgan. Olimlarning fikricha, psixologizm «yozuvchi shaxsini tip va betakror individuallik sifatidagi psixologik tahlili ijodiy jarayoni bo'lib, u yoki bu badiiy asarning yaratilish qonuniyatlari va tipologiyasi, nihoyat, adabiyotning o'quvchiga ta'sirini o'rganadi". Demak, badiiy psixologizm uch asosiy yo'nalishda rivojlanuvchi nazariy masalalarning o'ziga xos ko'rinishi bo'lib, bu masalalarga e'tibor badiiy adabiyotda, xususan, nasrda so'nggi yillarda ancha faollashdi. Buning bir qancha ijtimoiy, badiiy-falsafiy hamda psixologik omillari mavjud.

- Birinchidan, ijtimoiy hayotimizda ro'y bergan qator o'zgarishlar, mustaqil o'zbek jamiyatining shakllanishi, inson omiliga, avvalgidek ulkan mexanizmning bitta vinti deb emas, balki individual sub'ekt, shaxs sifatida qarash kuchaydi.

- Ikkinchidan, badiiy-estetik qarashlarimizda yangi estetik idealni shakllantirishga intilish, dunyoni yangicha ko'rish ehtiyoji paydo bo'ldi.

- Uchinchidan, globallashuv jarayonini boshdan kechirayotgan inson omiliga munosabat masalalari, jahon adabiyotida bo'lgani kabi, o'zbek nasrida ham qator o'zgarishlarning yuzaga kelishiga asos bo'ldi. Shulardan kelib chiqib aytish mumkinki, dissertatsiyamizning o'zak muammosi sifatida tadqiq etilayotgan badiiy psixologizm masalasi madaniy-tarixiy, falsafiy-psixologik, badiiy-estetik mohiyat kasb etishi bilan birga, muhim nazariy tushuncha sifatida zamonaviy o'zbek adabiyotshunosligi takomili uchun xizmat qiladi. Shuningdek, zamonaviy o'zbek adabiyoti materiallari asosida ayni badiiy hodisaga xos nazariy kriteriylarni umumlashtirish, yangi qirralarini aniqlash zaruratini ko'rsatadi. Zamonaviy adabiyotshunoslik ilmidagi "badiiy psixologizm" tushunchasi bugungi kunda semantik jihatdan yetarlicha aniq emasdek taassurot uyg'otadi. Tadqiqotchilar umumiy va amaliy xarakterdagi ishlarida bu terminni bot-bot qo'llaydilar. Ammo unga xos kriteriylarni belgilashda fikrlar mazmuni ba'zan qarama-qarshi kelib qolgan holatlar ham uchrab turadi. Chunki badiiy psixologizm adabiyotshunoslar diqqat markazida turgan nisbatan murakkab hodisalardan biri hisoblanadi: uning o'ziga xos xususiyatlari va ko'p jihatlilik, bir tomondan, muammoni o'rganish jarayonida ko'pgina fanlarga oid bilimlarni talab etishida (psixologiya, falsafa, estetika, adabiyotshunoslik fanlari sarhadlarini qamrashida) namoyon bo'lsa, boshqa tomondan – adabiyotshunoslikning barcha asosiy muammolari bilan bevosita aloqadorligida ko'rinadi. Mumtoz va zamonaviy adabiyotshunoslikda badiiy ijoddagi psixologizm masalasi ko'p marta ko'tarilgan. Mazkur muammo yuzasidan olib borilgan tadqiqotlarning serobliligi va uni ko'p jihatdan (nazariy, adabiy-tarixiy, analitik nuqtai nazarlardan) o'rganish mumkin ekanligigiga qaramasdan, bugungi kunda quyidagilarning yetishmasligi yaqqol sezilib qolmoqda:

- badiiy psixologizmga xos nazariy kriteriylar to'la-to'kis aniqlanmagan;

- badiiy psixologizm prinsiplarining o'zgarib borishi, har bir davr, adabiy muhit, individual ijodkor asarlarida uning nisbatan farqli ko'rinishlarda namoyon bo'lish tabiati e'tibordan chetda qolib keladi;

- terminologik aniqlik yetishmaydi. Turli tadqiqotlarda bu terminning xilma-xil shakl o'zgarishlariga uchrashi kuzatiladi;

- metodologik jihatdan badiiy psixologizm hodisasiga nisbatan turli tahlil metodlarining umumlashtirilgan kompleks talqin shakli mavjud deya olmaymiz. Demakki, konkret ijodkor, konkret badiiy asar psixologik tahlilini amalga oshirish uchun dastlab ushbu nazariy-metodologik muammolar xususida bir to'xtamga kelib olish zarurati bor. A.B.Esin: "Psixologizm – bu adabiyotning o'ziga xos vositalari ko'magida xayoliy (to'qilgan) shaxs (adabiy personaj) his-tuyg'u, fikr va kechinmalarini yetarlicha to'liq, batafsil va chuqur qilib tasvirlash", degan ta'rifni beradi. L.Ya.Ginzburgning ta'kidlashicha, psixologizm personaj ichki dunyosining ratsional, soddalashtirib tasvirlanishi bilan baqamti emas, balki: "Badiiy psixologizm qahramonning o'zini tutishidagi xayolga ham kelmagan, nogahoniy, tasodifiy qarama-qarshiliklardan boshlanadi". V.V.Kompanyes tomonidan psixologizm tasvir usulidan ko'ra, muallif psixologiyasini badiiy aks ettirish vositasi deb tushuniladi. A.Iezuitov esa adabiyotda psixologizm muammosini o'rganar ekan, mazkur tushunchaning ko'p ma'noli ekanligini qayd etadi. Ularni uchga bo'lib ta'riflaydi:

“1) so'z san'atining tug'ma belgisi, uning uzviy xususiyati, badiiyatining isboti...;

2) badiiy ijod mahsuli, muallif, uning personajlari va yanada kengroq – yozuvchi shaxsiyati va u yaratgan qahramonlar obrazi orqali ochiladigan jamiyat psixologiyasining (sinf, tabaqa, ijtimoiy guruh, davr va h.k.) ifodasi va aksi...;

3) ongli va belgilovchi estetik tamoyil”

Keltirilgan iqtiboslar masalani izohlashdagi xilma-xillikni, adabiyotshunoslikda psixologizm muammosiga yondashuvlar har tomonlama kechayotganini va bu terminning keng va tor ma'nolari borligini ko'rsatadi. Bizningcha, psixologik tahlil bobidagi mahoratni belgilashda mazkur ta'riflardan badiiy asar tabiatidan kelib chiquvchilarigina eng muhimlari hisoblanishga loyiq. Aynan shu xususiyat va kriteriylarni belgilab olish va ularni badiiy psixologizmga xos yangi xossalar bilan boyitish u yoki bu badiiy asar yaratilishining qonuniyatlarini o'rganishda qo'l keladi. Masala mohiyatini uzil-kesil belgilab olishning murakkabligi psixologizmning mazmuniy-shakliy sifatleri bilan izohlanadi. Agar adabiyotshunoslarning aksariyati (A.I.Pavlovskiy, F.M.Xatipov, A.B.Esin) qahramonlar ichki olamini badiiy tasvirlash usulini psixologizm deb hisoblashsa, uning bugungi adabiy-nazariy tushunchalar va asar ko'p qatlamliligi tizimida tutgan o'rnini belgilashga bo'lgan urinishlar yetarli samarani bermaydi. Modomiki, muhokama doirasiga badiiy tasvir va ifoda vositalari (portretlar, psixologik peyzaj va detallar) hamda “predmetlar olami bilan bog'lanmagan, tasviriyligi yaqqol ko'rinib turmaydigan narsalar – personajlar ruhiyatini ifodalash” ham kiradi. Personajlar ruhiyatini ifodalashning o'zini ba'zilar uslubga (A.B.Esin), ayrimlar obrazli mazmunga (I.I.Vinogradov), boshqa birovlar shakliy-mazmuniy sifatga xos xususiyat deya tushunishgani uchun ham bu borada aniq bir to'xtamga kelish murakkablashadi. Shunday qilib, badiiy psixologizmning aniq kriteriylarini yaratishdagi qiyinchiliklar “psixologizm”, “psixologik tahlil”, psixologik tasvir” tushunchalarining qorishib ketishi psixologizmni badiiy asarning tarkibiy qismi, asliy sifati yoki darajasi sifatida qat'iy belgilash; psixologizm va ritorik uchburchak (muallif – qahramon – kitobxon) o'rtasidagi o'zaro munosabatni aniqlashdagi noaniqliklar bilan shartlanadi.

#### XULOSA

Adabiyotshunoslikdagi psixologizm muammosiga bag'ishlangan ishlarni bir-biriga chog'ishtirish: nazariy yondashuvlarda yakdillik yo'qligini; asarlardagi individual-mualliflik

psixologizmi masalalari yuzasidan ishlarning serobligini; XIX adabiy psixologizmining eng ko'pishlanganligini; XX asr psixologizmi va uning jahon adabiyotidagi dinamikasiga bag'ishlangan qiyosiy-tarixiy ishlarning mavjud emasligini ko'rsatdi.

Badiiy psixologizmning XIX va XX asrdagi jahon nasri namunalari tadqiqi, ba'zi hollarda ijtimoiy tuzumlar, inqilobiy qarashlar, konservativ ko'rsatmalar asosida shakllangan nazariy kriteriyalari zamonaviy o'zbek adabiyoti namunalari ham muayyan darajada o'z aksini topgan. Xususan, Abdulla Qodiriy, Cho'lpon va Oybek romanlarida psixologik tasvirning nisbatan an'anaviy – dialogik ziddiyat, chog'ishtirma, monologik tahlil shakllari, Abdulla Qahhorda adabiy qahramonning botin kolliziyasi, Odil Yoqubov va Pirimqul Qodirovlar nasrida real tarixiy vaziyat va inson botinining mushtarak badiiy tahlili, Murod Muhammad Do'st, Erkin A'zam va Ahmad A'zamlarda shaxs psixologiyasining difonik va polifonik tasvirlari, Nazar Eshonqul, Isajon Sultonlarda esa metaforizatsiyalashtirilgan psixologik tasvir tamoyillari ko'zga tashlanadi. Bularning barchasi zamonaviy o'zbek nasrida badiiy psixologizm tamoyillarining o'zgarib, rivojlanib borganini ko'rsatishi bilan bir qatorda, o'z adabiy muhiti doirasida badiiy psixologizm prinsiplariga sezilarli yangiliklar qo'shganidan dalolat beradi.

*Foydalanilgan adabiyotlar:*

1. Имомова Г. Психологик изтироблар: Руҳият тасвирида диалог ва монолог. – Тошкент.: “Ёзувчи”, 1992. 21 б.
2. Йўлдошев М. Бадий матн лингвопоэтикаси. – Тошкент.: “Фан”, 2008. -158 б.
3. Йўлдошев Қ. Адабиёт ўқитишнинг илмий-назарий асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – 152 б.
4. Каримов Н. XX аср адабиёти манзаралари. Биринчи китоб. – Тошкент: О'zbekiston, 2008. – 533 б.
5. Мирқосимова М., Рустамова М. Жанр ва маҳорат. – Тошкент: Миллий кутубхона, 2007. – 69 б.
6. Мирзаев С. XX аср ўзбек адабиёти. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2005. – 418 б. 38. Назаров Б. Ўзбек адабиёти танқидчилиги. – Тошкент: Фан, 1979. – 284 б.



## IQBOL MIRZO SHE'RIYATIDA SINONIMLARNING QO'LLANILISHI

**Yoqubboyeva Shoxista To'rxon qizi**

Andijon davlat universiteti filologiya fakulteti 3-bosqich talabasi

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6687118>

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada Iqbol Mirzo she'riyatida qo'llanilgan sinonimlarning leksik-semantik xususiyatlari haqida gap boradi. Shuningdek, sinonimiya hodisasi va ularning turlari haqida ham ma'lumotlar berilgan.

**Kalit so'zlar:** leksik sinonimlar, kontekstual sinonimlar, dominant so'z, emotsional-ekspressiv ma'no, semantik ma'no.

## ИСПОЛЬЗОВАНИЕ СИНОНИМОВ В ПОЭЗИИ ИКБАЛА МИРЗО

**Аннотация.** В данной статье рассматриваются лексико-семантические особенности синонимов, используемых в поэзии Икбола Мирзо. Также дана информация о явлении синонимии и их видах.

**Ключевые слова:** лексические синонимы, контекстуальные синонимы, доминантное слово, эмоционально-экспрессивное значение, семантическое значение.

## USE OF SYNONYMS IN IQBAL MIRZO'S POETRY

**Abstract.** This article deals with the lexical-semantic features of synonyms used in the poetry of Iqbol Mirzo. Information about the phenomenon of synonymy and their types is also given.

**Keywords:** lexical synonyms, contextual synonyms, dominant word, emotional-expressive meaning, semantic meaning.

## KIRISH.

So'zlar ma'no-munosabatiga ko'ra 4 ga bo'linadi: sinonim, antonim, omonim va paronim. Ma'nolari bir xil yoki o'zaro yaqin, talaffuz va yozilishi bir xil bo'lgan so'zlar sinonim hisoblanadi. Sinonim yunoncha synonymon – "birgalikda ismlash" demakdir. Masalan, chiroyli, ko'rkam, go'zal, xushro'y, suluv, zebo. Birdan ortiq so'zlarning o'zaro sinonimligi ularning bir xil ma'noga ega ekanligiga asoslanar ekan, tabiiy ravishda faqat bir turkumga oid so'zlarga o'zaro sinonimik munosabatda bo'la oladi.

Bugungi o'zbek she'riyatida va nasrida mahorat bilan qalam tebratayotgan ijodkor, O'zbekiston xalq shoiri Iqbol Mirzoning ijodida sinonim so'zlarni ko'plab uchratishimiz mumkin. Qo'llanilgan bu sinonimlar she'ri tushunishimizni osonlashtiradi, badiiy matnga emotsional -ekspressivlik bag'ishlab, uning badiiyligini oshiradi. Quyida biz shoir qalamiga mansub bo'lgan "Ko'nglingda nima bor, bilmayman" she'riy to'plamida qo'llanilgan sinonimlarni semantik jihatdan tahlil qilib ko'rib chiqamiz.

## TADQIQOT MATERIALLARI VA METODOLOGIYASI.

Ma'nodoshlik qatoridagi leksemaning bittasi dominant (bosh) leksema bo'lib, boshqalari shu leksema atrofida birlashadi. Dominanta yunoncha so'z bo'lib, "hukmron degan ma'noni anglatadi. Masalan, katta-ulkan-bahaybat-azim-buyuk-ulug' sinonimik qatoridan katta leksemasida bu sema belgilanmagan (neytral), ulkan va bahaybat so'zlari esa uslubiy so'zlar hisoblanib, o'z o'rnini va uslubiga ko'ra qo'llanadi. Ma'nodoshlik qatoridagi dominant leksemaning bir qancha o'ziga xos xususiyati bor:



1)dominant leksemaning mazmuni boshqa leksemalarnikiga nisbatan “kambag’alroq” bo’ladi;

2)dominant leksemaning qo’llanish doirasi va miqdori boshqa ma’nodoshlarnikiga nisbatan keng va ko’p bo’ladi;

3)dominant leksema belgilanmagan ifoda semasiga ega bo’lganligi bois istalgan vaqtda o’z ma’nodoshlarini almashtira oladi;

4)ma’nodoshlik qatori mansub bo’lgan katta tizimga faqat dominant kiradi.

#### **TADQIQOT NATIJALARI.**

Sinonimlar qo’llanish o’rniga ko’ra leksik sinonimlar va kontekstual sinonimlar kabi turlarga bo’linadi. Leksik sinonimiya leksemalarning bir xil ma’no anglatishiga ko’ra guruhlanishidir: yelka, kift, o’ميز (birinchi guruh); in, uya, oshyon (ikkinchi guruh); nur, shu’la, yog’du, ziyo (uchinchi guruh) va b.lar. Bunday guruhlar tilshunoslikda sinonimik qatorlar deb nomlanadi.

Kontekstual sinonimiya – til birligi sifatida o’zaro sinonim bo’lmagan leksemalarning ma’lum kontekst doirasida (demak, nutq ichida) sinonimik munosabatga kiritilishi. Masalan, chinni va kosa so’zlarining leksik ma’nolari bir xil emas: chinni “idish-tovoq, izolatsion materiallar yasash uchun ishlatiladigan oq loy”ni, kosa esa “piyoladan kattaroq idish”ni ataydi. Demak, biri “material”ni, ikkinchisi esa shu materialdan yasalgan “idish”ni anglatadi, shunga ko’ra ular sinonim hisoblanmaydi, ammo ayrim shevalarda chinni leksemasi “kosa” ma’nosida ham qo’llanadi, binobarin shu shevaga xos kontekst ichida u kosa leksemasining sinonimiga aylanadi. Masalan, Xoljonbika....xitoyi chinnida moy olib keldi (J.SH). Tilshunoslikda bu tipdagi sinonimlar absolute sinonimlar yoki leksik dubletlar deb nomlanadi.

#### **MUHOKAMA.**

Quyida biz Iqbol Mirzo she’riyatida qo’llanilgan leksik sinonimlarni tahlil qilib, ko’rib chiqamiz.

Bir dilbarni ko’rdim – qoshi qaroli,

Qoshlaridan yurak-bag’rim yaroli.

Bo’lsam edi *xizmatkori, qaroli*,

*Qul* bo’lmasam, baxtim kulmaydiganday (16-bet).

She’rda ot so’z turkumiga mansub so’zlar sinonimlikni hosil qilgan va sinonimlar natijasida bo’laklarning uyushish hodisasi ham kuzatilgan. “O’zbek tilining izohli lug’ati” da xizmatkor so’ziga quyidagicha ta’rif berilgan: “Birovlarning shaxsiy xizmatini, uy ishini qiluvchi kishi”. Yuqoridagi misralarda xizmatkor, qarol, qul kabi so’zlar sinonimik qatorni hosil qilgan.

Omon edi *orzu, tilagim* kecha,

Tangrim, boqding chuqur yuragimgacha.

Bedavo dard berding suyagimgacha,

Ay, aylanay, tanlab bergan dardingdan (22-bet).

Berilgan bu misralarda esa orzu va tilak so’zlari orqali sinonimik qator yuzaga kelgan. “O’zbek tili sinonimlarining izohli lug’ati” kitobida bu so’zlarga quyidagicha ta’rif berilgan: “Orzu ko’pincha muhimroq narsaga erishishga bo’lgan istakni bildiradi. Mayl, ra’y, ko’ngil, rag’bat, talab, tilak so’zlari bu ma’noda kam qo’llanadi”.

Yulduz, kechir meni, kechir, yulduzim,

*Iqboling kulsa ham baxting kulmadi.*  
O'zinga mahliyo bo'ldim-u o'zim,  
Ko'nglingni olishga vaqtim bo'lmadi (34-bet).

Iqboling va baxting so'zlari qo'llash orqali yuqoridagi misralarda sinonimik qator yuzaga kelgan. Azim Hojiyevning "O'zbek tili sinonimlarining izohli lug'ati" kitobida baxt so'zining iqbol, tole, saodat kabi sinonimlari ham keltirilgan.

*Dard-u g'amim, iztirobim, kulfatlarim –*  
Bosh ustimda charx uradi kalxatlarim.  
Osmonlarda qolib ketgan oyqiz o'zing,  
Baxtsizligim sababchisi yolg'iz o'zing (53-bet).

Berilgan bu misralarda eganing uyushish hodisasi yuzaga kelgan bo'lib, uyushiq bo'laklar ot so'z turkumiga mansub sinonim so'zlar dard, g'am, iztirob, kulfat so'zlarining qo'llanishi asosida yuzaga chiqqan.

*Sevgi yomg'ir emas, ko'kdan sochilmaydi,*  
*Ishqsizlarga samodan gap ochilmaydi.*  
Endi sendan o'zgaga lab ochilmaydi,  
Lablarimda lablaringning mazasi bor (58-bet).

Berilgan bu misralarda leksik sinonimlar qo'llanilgan bo'lib, bu sinonimlar ko'k va samo so'zlarini qo'llash orqali hosil bo'lgan. "O'zbek tili sinonimlarining izohli lug'ati" kitobida ko'k so'zining osmon, samo, falak, gardun kabi sinonimlari keltirilgan. Bu sinonimik qatorda osmon so'zi dominanta so'z hisoblanadi.

#### **XULOSA.**

Xulosa qilib aytganda, sinonimiya hodisasi tilning boy ekanini, taraqqiyot darajasini ko'rsatib turuvchi hodisalardan biri hisoblanadi. Sinonimiya natijasida nozik ma'no qirralari anglashiladi, rang-barang uslubiy baholar va emotsional-ekspressiv ma'nolar ifodalanadi. Iqbol Mirzo o'z she'riyatida sinonimlardan mahorat bilan va o'rinli foydalanish orqali o'zbek tilining qanchalik boy til ekanligini ko'rsatib bergan. Zero, sinonimlar nutqni ta'sirchan bayon qilishda hamda uslubning rangdor bo'lishini ta'minlashda, takrorlarning oldini olishda katta ahamiyatga egadir.

#### ***Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:***

1. A.Hojiyev. O'zbek tili sinonimlarining izohli lug'ati. – Toshkent. 1974.
2. Mirzo. Ko'nglingda nima bor, bilmayman. – Toshkent. 2020.
3. O'zbek tilining izohli lug'ati. – Toshkent. 2006-2008-yillar. 5 jildlik.
4. R.Sayfullayeva va boshqalar. Hozirgi o'zbek adabiy tili. – Toshkent. 2009. 104-bet.
5. H.Jamolxonov. Hozirgi o'zbek adabiy tili. – Toshkent. 2005. 166-168-betlar.

## HOZIRGI O'ZBEK ADABIYOTCHILIGIDA HIKOYACHILIK VA UNING RIVOJI

**Eshkeldiyeva Feruza Xudoyor qizi**

Termiz davlat universiteti, Magistratura bo'limi O'zbek adabiyotshunosligi yo'nalishi 1-kurs magistranti

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6687205>

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada hikoyachilik taraqqiyoti va uslubiy izlanishlar borasida ma'lumotlar berildi. Maqolada ayrim hikoyalar haqida mulohazalar, hikoya tahlillari bilan yoritildi.

**Kalit so'zlar:** "Shamolni tutib bo'lmaydi" hikoyasi, Hikoyachilik taraqqiyoti, noan'anaviy talqin, ramzlar orqali ma'no ifodalash, xarakter yaratish, "bozor", "bozor hayoti", "insonning kunlik tashvishi", "Vatan haqida qo'shiq".

### НАРРАТИВ И ЕГО РАЗВИТИЕ В СОВРЕМЕННОЙ УЗБЕКСКОЙ ЛИТЕРАТУРЕ

**Аннотация.** В этой статье представлена информация о развитии повествования и методических исследованиях. В статье были освещены размышления о некоторых историях с анализом истории.

**Ключевые слова:** развитие повествования, нетрадиционная трактовка, передача смысла через символы, создание персонажа, "рынок", "рыночная жизнь", "повседневная забота человека", рассказ "ветер не уловишь", "песня о Родине".

### NARRATIVE AND ITS DEVELOPMENT IN MODERN UZBEK LITERATURE

**Abstract.** This article was given information on storytelling development and methodological research. The article covered some of the stories with comments, story analysis.

**Keywords:** storytelling development, unconventional interpretation, expression of meaning through symbols, character creation, "Market", "Market life", "man's daily concern", "can not catch the wind" story, "song about Vatan".

### KIRISH

O'zbek adabiyotida hikoya janri o'z tari va taraqqiyotiga ega. Keyingi yillarda bu janrning rivojiga sezilarli hissa qo'shib kelayotgan adiblardan biri Xurshid Do'stmuhammaddir. Uning hikoyalarida inson qalbidagi iztiroblar, ijtimoiy hayotdagi ziddiyatlar kabi muammolar o'zining badiiy talqinini topgan. Bu davr adabiyotida Nazar Eshonqul, Xurshid Do'stmuhammad, Ulug'bek Hamdam, Isajon Sulton, N. Norqobilov, S. O'nar, A. Yo'ldoshev kabi bir qator ijodkorlarning turli xarakterdagi hikoyalarini kuzatishimiz mumkin. Biz bu o'rinda ramziylik, majoziylik kabi xususiyatlarni o'zida mujassamlashtirgan hikoyalarga to'xtalib o'tamiz.

### TADQIQOT METODI VA METODOLOGIYASI

Adabiyotshunos U. Normatov qayd qilganidek: "So'nggi yillardagi bizdagi adabiy jarayonga xos eng muhim xususiyatlardan biri shundaki, adabiyotimiz chinakkamga xilma xil bo'lib boriyabti... bizda ham falsafiy asosi jihatidan xilma xil yo'nalishga mansub asarlar paydo bo'la boshladi". Shu nuqtai nazardan Xurshid Do'stmuhammad ijodida ham bu xususiyatni bevosita kuzatishimiz mumkin. Yozuvchining "Jajman" hikoyasida o'ziga xos xarakterini yoritib beradi. Agarda "bozor", "bozor hayoti", "insonning kunlik tashvishi" tasvirlangandek, ammo "bozor"-bu kunlik hayotimiz, unda ramziylik mavjud bo'lsa, "Jajman"da majoziylikni ko'ramiz: "Hademay, tong otadi, olam nurga to'ladi ... Odamlar uyg'onadi, bozor uyg'onadi .. til darvozasi

lang ochiladi, g'ala-g'ovur boshlanadi .. tumonat toshib-shoshib oqib kiradi, oqib chiqadi ... sotuvchi keladi, xaridor keladi, bekorchi keladi ... oyoqlar tinmaydi, qullar tinmaydi, og'izlar tinmaydi ... kiraveradi-chiqaveradi, kiraveradi-chiqaveradi ... olayotgan pulim deydi, sotayotgan molim deydi ... trikchilik bilan basharning tumshug'idan jilov o'tkazib yetovga soladi ... "bozor" deya atalmish tovacha solib aylantiraveradi". Hikoya qahramoni Zardo'sht bobo tilidan aytilgan bu fikrlarda ramziylik, yashirin mano, chuqur falsafiy tushunchalar o'z ifodasini topganligini guvohi bo'lamiz. Kitobxon yuqoridagi talqinlarni o'qir ekan, bozor-bu hayot demakdir,-degan tushunchaga boradi. Nima uchun inson tongdan to kechga qadar tinimsiz izg'iydi, bozorda esa turfa xil xarakter egalarini uchratamiz, ular qayergadir shoshar, sotuvchi esa o'z molini o'tkazishga urinar, o'z foydasini o'ylar, shu orqali kun o'tkazishi tabiiy. Ammo bu o'rinlarda insonning hayotini o'zi bozor jonligini, bozorda turli xarakter egalari bo'lgani kabi, inson hayoti xam bir tekis emas, u bazan adolatsizlikdan iztirob chekadi. Hayotdagi ziddiyatlarga emas, uning o'z ruhiyatidagi ziddiyatlari xam mavjud bo'lganidek, jamiyat ham inson tafakkuri orqali o'zgarib boradi. Bu o'rinlarda asardagi falsafiy talqinning mushoxadaning mahorat bilan asar sujetiga singdirilganligini anglaymiz. Nafs quliga aylanib borayotgan inson qiyofasi "Jajman" orqali tasvirlayotgandek tassurot qoldiradi. Chunki u yeb to'ymas, butun bozorni kichik bir qorniga joylashtirmoqchi bo'lardi: "Uni men to'ydiraman! Yo'q, qorni yorilib ketguncha men boqaman uni!", deb bahs boylaydiganlar chiqdi, lekin har safar "To'ydiraman!" deb katta ketganlar guv tushaverdi, Jajmaning yeb-to'ymasligi siripiga qolaverdi". Asar haqida so'z yuritgan N. Davrboyeva yozadi: "Jajman bu o'rinda poraxo'rlar, tovlamachilar, umuman aytganda millat ichidagi mitti-mitti yuhalar sifatida ko'rinadi. Bu yuhalarni biz istagan nom bilan atashimiz mumkin".Shu o'rinda, nafs balosiga giriftor bo'lgan inson va insonlar qiyofasi haqida so'z ketayotganini his etamiz. Asar sujetidan o'rin olgan Zardo'sht bobo obrazi alohida ajraltib turadi. Yozuvchi uni asar voqealari silsilasiga bevosita aralashtirmaydi, ammo u orqali manaviy yetuk inson qiyofasini, yaxshilik, ezgulik va yomonlik, adolatsizlik o'rtasidagi ziddiyatni ham mavjudligini teranroq anglab olamiz. Chunki insoniyat yaralibtiki, ezgulik va yovuzlik o'rtasida kurash abadiy mavjud bo'lib kelmoqda. Ammo ezgulik asta-sekinlik bilan bo'lsa-da, g'alaba qozonadi, haqiqat yuzaga chiqadi: "Haroratingni darig' tutma, Ahuramazda!...

#### **TADQIQOT NATIJALARI**

Ko'ngillarni o'zing munavvar qilgaysan..." dedi Zardo'sht bobo ichida iltijo qilib". Hikoyada Ahuramazda ezgulikni yuzaga chiqarishda yomonlikni yani Jajmanlar olami esa Axriman ustidan g'alaba undovchi asosiy tushunchadir. Shuning uchun ham Zardo'sht bobo gohogo "Ogoh bo'l, ogoh, Ahuramazda!... –Axriman o'lmagan, Ahuramazda!... Ogoh bo'lgaysizlar, yaxshilar, ogoh!... deya murojaat etadi. Xullas, yozuvchining "Jajman" hikoyasini keyingi yillar hikoyachiligining eng yaxshi namunalaridan biri sifatida baholash mumkin. Nazar Eshonqulning "Maymun yetaklagan odam" hikoyasi ramzlar orqali murakkab hayotning turfa xil qirralarini o'ziga xos talqin etadi. Adabiyotshunos U. Normatov qayd qilganidek: "Maymun yetaklagan odam" hikoyasi paydo bo'lgan, unda asrda tengdosh umri asrning alg'ov – dalg'ovlari, bema'ni maqsadlar yo'lida o'tgan, adashgan odamning fojeaviy qimmati betakror tarzda ifoda etgan". Asarda rassom chol obrazi orqali umrning asosiy qismini jamiyat taraqqiyoti uchun baxsida etgan shaxslarning fojeaviy qismatini talqin etadi butun hayoti davomida e'tiqod qo'ygan jamiyatning parokandalikka yuz tutishi haqqoniy yoritilgan. Umrning so'nggi damlarida butun e'tiqodi sarobga aylangan shaxsning ayanchli qismati asosli talqin etiladi. Rassom chin ma'lum bir davrda maxsus

sohalarda xizmat qilgan, ammo davrlar o'tishi bilan besamar o'tgan hayotiga achinish bilan qaraydi. Bu faqat bir shaxs fojeasi emas, ma'lum bir tizimni jamiyatni fojealarni o'zida umumlashtirgan timsoldir. U o'zligini anglashga intilgan bir davrda taqdir uni beshavqat jazolaydi. U chizgan sur'atlarda ham ijtimoiy muhitning og'ir va ayanchli fojealari mujassamlashgan edi. "Cholning ko'zlari hissiz va ifodasiz, uni ko'rgan odamning yuragi g'ash tortadi, ko'ngli behuzur bo'ladi, kayfiyati buziladi. Yashab turgan uyidan faqat chirkin va shaltoq is aniqydi. Hikoyada ruhiy holatni kuchaytiruvchi timsollar ko'p, ularning hech biri bevaj ishlatilmaydi, balki muallif ko'zda tutgan bosh maqsad – rassom chol fojeasini chuqurroq va bo'rtiribroq ifoda etishga xizmat qiladi. Badiiy ishora va timsollarga e'tibor qaratilsa, chol qismatida yetmish yillik sho'ro mafkurasi, e'tiqodining ayanchli qismati mujassam topgani ko'rinadi".

Hikoyada norg'ul va baqquvat bir yigitning quyuq o'rmonzordan qalin bir zanjirda maymunni yetaklab chiqayotgani tasvirlangan bo'lsa, asarning ma'lum bir nuqtasiga borganda kekxa, mung'ayib qolgan cholni maymun yetaklab o'rmon sari ketayotgan tasviri inson umrining ifodasi yoki ma'lum bir jamiyat taraqqiyotiga butun kuch quvvatini sarflagan inson qismati o'z aksini topgan. Asar talaba yigit tilidan bayon etilgan bo'lib, rassom cholning og'ir hayotini ko'z o'ngimizda gavdalandiradi: "Eski uslubda qurilgan, tor tabaqali eshikdan ichkariga kirdim: chol katta ayvonda savat kursida o'tirgancha oldidagi suratromga egilib olgandi. Cholning uyi hashamatli, keng, lekin tashlab ketilgan maydonday quvillab yotardi. Ustin va romlar chirigan, umuman hovildan chirkin va badbo'y hid kelardi. Chirkin hid daraxtlardan, qor ostida qolib qarovsizlikdan xazonlikka yuz tutgan gulzordan, uyning yog'ochlaridan va ayvonda qalashib yotgan har xil rasmlar uyumidan kelayotgan edi: shaltoq hid asta axlat solinadigan unduqdan kelardi. Hiddan ko'nglim ayniganday bo'lib chol o'tirgan ayvonga yo'l oldim". Bu tasvirlardan cholning og'ir hayoti bilan bir qatorda, e'tiborsizligi, o'z iztiroblari iskanjasida hayot kechirayotganligi ko'rinadi. Ammo uy ustunlarning chirishi ramziy ma'noda bo'lib, o'sha davr muhiti, yoki jamiyatning o'zgarishi haqidagi turfa xil qarashlarni ilgari surishga imkon beradi. Uning aksariyat rasmlarida qora rang yetakchilik qilar, buning sababini esa anglab yetolmasdi. Rassom chol dunyo san'atidan xabardor, xuddi uzoq yillar ijod bilan shug'ullangandek taasurot uyg'otadi: "Ayvon uzun bo'lib, suratlar chizilgan yillariga qarab ko'rgazmaga qo'yilgandek terib qo'yilgan, to'g'rirog'i, bor-yo'g'i qirqqa yaqin surat va eskizlar "1957", "1937", "1928", "1926" va hakazo tartibda terib qo'yilgan edi". Surtatlarni ramziy ma'noda nomlanishni o'zidayoq rassom cholning hayoti, umr lahzalarining ma'lum bir davri mujassamlashgandek taassurot uyg'otadi. Bu asar ham istiqloq arafasida yaratilgan bo'lsa-da, badiiyatimizdagi ilk o'zgarishlarni bu hikoya misolida isbotlash mumkin. Yozuvchining "Shamolni tutib bo'lmaydi" hikoyasi ham realistik tasvirda yaratilgan bo'lsa-da, relizmning turfa xil ko'rinishlari mavjud ekanligini namoyon qila olgan. Asarda oddiy o'zbek ayoli Bayna momoning fojeali hayoti bilan bir qatorda, jasur, matonatli hayoti haqqoniy yoritilgan. Asar qahramoni turmush o'rtog'i va farzandidan ayrilgandan so'ng, ularning o'limiga sababchi bo'lgan shaxsdan o'ch oladi. Lekin bu xususiyatni asarning eng so'ngida Bayna momo vafotidan so'ng tugun yechiladi. Asarda Bayna momo obrazi orqali o'z g'ururiga ega bo'lgan inson obrazi ifodalangan. U eri Rayim palvon va o'g'lining vafotidan so'ng o'z iztiroblarga burkanib hayot kechiradi. Hatto ularning o'limiga sababchi bo'lgan Zamon otboqarning o'limi ham uning qalbidagi iztiroblarni yo'qota olmaydi: "Barcha ayollar quvonchdan hammani bir bir quchib chiqadi deb o'ylashgandi. Ammo Bayna momo xabarni malikalardek xotirjam qabul qildi... Faqat uning barmoqlari qaltirab turar, xonada qon hididay noxush hid



o'tirib qolgandi. Ayollar undan javob kutib, uzoq o'tirishdi. Oradan ancha vaqt o'tgach, Bayna momo ularga o'girilib ham qaramay, go'yo ularni ko'rishdan ijir'anganday, jirkangandek alfozda "boringlar, o'liklaringga yig'langlar" dedi.

Uning qahr to'la tovushi ko'pdan buyon odam qadami yetmagan hujralar ichiga singib ketdi: u yerdan yigirma yetti yillik chahu g'ubor go'yo zardali ovozdand qaltirab ketgandek joylardan bir qimirlab qo'ydi, so'ng yana hujralarga bu xonadon boshiga tushgan g'am – anduhday abadiy cho'kdi". Bu tasvirlarda Bayna momoning yolg'izlikda o'tgan umrigina emas, uning qalbida Zamon otboqarga, atrofdagi loqayd odamlarga bo'lgan nafrati ham mavjud edi. Asar so'ngida Bayna momo vafotidan so'ng o'limlikka atalgan narsalarni olar ekan, narsalari orasidan chirisining yirtig'iga palapartish o'rab tashlagan o'nta odam barmog'i ham topiladi. Bu tasvirdan Bayna momoning o'zi kulfatu nafratga burkanib yashagan bo'lsa-da, eri va o'g'li uchun ularning xuni uchun Zamon otboqardan o'ch olganligi ma'lum bo'ladi. Asarda realistik tasvir yetakchilik qilib, bu tasvirning ham hali adabiyotimizda unumli foydalanmagan qirralari mavjudligini kuzatamiz. Ulug'bek Hamdam yaratgan hikoyalarda ham o'ziga xos badiiy talqinlarni kuzatamiz. Adibning "Vatan haqida qo'shiq", "Unutilgan nay navosi", "So'z", "Musulmon", "Bir payola suv", "Lola", "Tosh" hikoyalarida xayolat bilan reallik, tush va o'ngda kechgan voqea – hodisalarga badiiy falsafiy jihatdan yondashish holati kuzatiladi. Bu hikoyalar tarkibida turfa xil poetik ma'no mujassamlashgan bo'lib, inson tafakkuridagi, botiniy olamidagi o'y – xayollar asosida obraz yaratish an'anasi kuzatiladi. Adabiyotshunos U. Normatov qayd qilganidek: "Eng muhimi ularda so'nggi yillar adabiyotimizda, qolaversa, jahon adabiyotida ham tansiq bo'lib turgan o'zda yuksak ideallarni tashuvchi, idealga intiluvchi qahramonlar birin-ketin bo'y ko'rsatayotir". "Unutilgan nay navosi" hikoyasida Vatanning aziz va muqaddas ekanligini, bu zaminning go'zalligi bilan bir qatorda Vatandan uzoqda hayot kechirgan shaxs qismati, uning ortirgan boyliklari-yu, mol-mulki Vatan oldida arziyas bir holat ekanligiga urg'u berilgan. Asarda Alisher obrazi orqali biz bu holatlarni teranroq his etamiz: "Yigitning rizqi ko'chada bo'larkan, o'qishni Moskvada davom ettirdi, ta'lim poyoniga yetgach esa, megapolisda qoldi, tirishqoqligidan yo'llar ham sekin-asta ochila bordi. Endi qarasangiz zavqingiz keladi, kechagina chekka bir qishloqda qo'y-mol boqib, shimi tushib yurgan o'spirin bugun kurrayi zaminning eng uzuvqara shaharlardan birida kattakon idora rahbari... Faqat... faqat shu nay balosi qaydan chiqib qoldi?... Chiqqani bir go'r, nega u Alisherning botinida ha deb chalingani-chalingan? Nima uchun u chalinganda Alisherning butun o'tmishi, tug'ilib o'sgan yurti, o'sha yerning yaxshi-yomon, katta-kichik odamlari yodiga qalqib chiqaveradi, chiqaveradi?". Bu tasvirlarda Alisherning o'z olamidagi ziddiyatlar bilan uzviy bog'liq holda, Vatan sog'inchi, o'zi tug'ilib o'sgan beg'ubor bolalik damlari o'tgan oddiy qishloqni, uning sodda va beg'ubor odamlarini ko'z oldida jonlanishi ham bejiz emas. Bu esa o'quvchini Vatanga bo'lgan muhabbatini teranroq his etishga, uning har bir giyohu, changu g'uborini e'zozlash bejiz emasligini anglashga qaratilgan.

### MUHOKAMA

Adibning "So'z" hikoyasida bir og'iz so'z tufayli inson ko'nglining inja nozikliklari teranroq his etiladi: "–hoy, ko'zingiz ochiq uxlab qoldingizmi? – turtldi erini. – U yoqda osh tagi olib ketagandir – deb ham o'ylamaysiz – a?! – Sen oshni aytasan, bu yoqda mening hayotim tagiga olib ketmoqchi-ku! Osh tagiga olgan bo'lsa olgandir, uni qaytadan boshlash mumkin, lekin umrni-chi?". Bu satrlarda o'tkinchi hayotning murakkab tomonlari, inson botinidagi olam va odam haqidagi qarashlarni o'z aksini topgan. "Tush" va "Lola" hikoyalarida ramziy tasvirlar bilan uzviy



bog'liq holda, xayolat va hayot haqidagi qarashlar, inson qalbidagi anglab bo'lmis tushunchalar mahorat bilan talqin etiladi. Inson qalbi o'ta nozik bo'lishi bilan birga uning turli xil holatlarga tushishi, tushkun kayfiyatdagi xarakter qirralari talqin qilingan. "O'sha kun kechasi mijja qoqmay to'lg'onib chiqdim. Tongga yaqin esa ko'zim ilinibdi. Keyin tush... Unda men qo'limda tosh bilan ko'chalarni kezar, duch kelgan odamning boshiga u bilan urar, qonatar ekanman". Aslida bu tosh uning ko'nglida edi, lekin yillar o'tib qo'lga tushishi ham bejiz emas, uning qalbida toshdek qotgan yovuzlik yillar o'tgan sayin ezgulik sari intilayotgan inson qiyofasini kuzatamiz. "Lola" hikoyasida ham inson botinidagi tuyg'ular va yaxshilik, ezgulik, nafs tushunchalari o'rtasidagi ziddiyatlarni kuzatamiz. Asardagi voqealar silsilasi shaxs qalbida mujassamlashgan xislatlarni anglashga xizmat qiladi.

### **XULOSA**

Isajon Sultoninigi "Sog'inch", "Do'st", "Qismat", "Oydin buloq" hikoyalarida ham istiqloq davr adabiy jarayonning tarkibidan o'rin olgan hikoya janridagi poetik o'zgarishlarni kuzatamiz. "Sog'inch" hikoyasida tabiat tasviri bilan bog'liq holda inson ruhiyatidagi evrilishlarni tasvirlaydi. Adibning yuqorida qayd qilgan hikoyalarida polifonik tasvir xususiyatari ham mujassamlashgan. Uning hikoyalarida shamolning esishida ham o'zgacha bir ma'no mavjuddir. Hikoyadagi musicha obrazida ham ma'lum bir ma'no mavjud bo'lib, insonning beg'uborligi hayot yo'lidagi ziddiyatlarni ko'rishimiz mumkin. "Oydin buloq" hikoyasida esa bolalik xotiralarining beg'uborligi, inson qalbidan chuqur iz olgan yoshlik hayotining go'zalliklari haqidagi tuyg'ular insonni hech qachon tark etmasligiga ishonch hosil qiladi.

### **Adabiyotlar:**

1. Normatov U. Umidbaxsh tamoyillar. –T., "Ma'naviyat", 2000. -112 bet.
2. Quronov D. Mutolaa va idrok mashqlari. Adabiy-tanqidiy maqola va risolalar. –T., "Akademnashr", 2013. -336 bet. 3. N. Davurboyeva, "Jajman"ning Jilvalari// Yoshlik, 1991-yil, №5-son, 43-bet.
3. Do'smuhammad X. Nazarning umidbaxsh kemalari. Qarang: Eshonqul N. Maymun yetaklagan odam. Qissalar va hikoyalar. –T., "Yangi asr avlodi", 2004. -212 bet.
4. Eshonqul N. Shamolni tutib bo'lmaydi. Qissa va hikoyalar. –T., 2005. -204bet.
5. Ulug'bek Hamdam. Vatan haqida qo'shiq. –T., "Akademnashr", 2014. -544 bet.

## ТАЪЛИМНИНГ ГЛОБАЛЛАШУВИ ШАРОИТИДА ТАЛАБАЛАРДА МАДАНИЯТЛАРАРО МУЛОҚОТ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЗАРУРАТИ

Алимжонова Мехринисо

Фарғона давлат университети мустақил тадқиқотчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6687619>

**Аннотация.** Мақолада таълимнинг глобаллашуви шароитида талабаларда маданиятлараро мулоқот маданиятини ривожлантириш функциялари, педагогик тизими, унинг интеграцион, аксиологик, психологик ва ташкилий-педагогик жиҳатлари таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** таълим, глобаллашув, маданият, маданиятлараро мулоқот, психологик омил, ижтимоий синф, интеграцион алоқа, полиэтник жамият, мономаданият, полимаданият.

## У СТУДЕНТОВ В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛИЗАЦИИ ОБРАЗОВАНИЯ НЕОБХОДИМОСТЬ РАЗВИТИЯ КУЛЬТУРНОЙ КОММУНИКАТИВНОЙ КОМПЕТЕНЦИИ

**Аннотация.** В статье анализируются функции, педагогическая система, ее интеграция, аксиологические, психологические и организационно-педагогические аспекты развития культурно-коммуникативной культуры у студентов в условиях глобализации образования.

**Ключевые слова:** образование, глобализм, культура, культурализм, коммуникация, психологический фактор, социальный класс, интегративная коммуникация, политехническое общество, монокультура, поликультура.

## IN THE STUDENTS IN THE CONDITIONS OF GLOBALISATION OF EDUCATION THE NEED TO DEVELOP CULTURAL COMMUNICATION COMPETENCE

**Annotation.** the article analyzes the functions, pedagogical system, its integration, axiological, psychologic and organizational-pedagogical aspects of the development of Culture-Communication Culture in students in the conditions of globalisation of Education.

**Keywords:** education, globalism, culture, culturalism, communication, psychological factor, social class, integrative communication, Polytechnic society, monocultur, polycultur.

## КИРИШ

Олий таълим аста-секин бозор муносабатларининг тўлақонли субъектига айланиб, чегарасиз таълим тамойили асосида фаолият кўрсатмоқда. Бу эса унинг фаолият юритиш кўлами ва тузилмаси ҳамда вазифаларни фаол ўзгартиришга, янги молиялаштириш манбаларини эгаллашга, янги ўқитиш усулларини излашга, талабалар экспорти ва импортини амалга оширишга ва билимларни назорат қилишга ундамоқда. Олий таълим муассасаларининг фаолияти, бошқа давлатлар билан талаба ва таълим алмашинувлари, ҳамкорликда фаолият юритиш, методика алмашиш ва маданий муносабатларни йўлга қўйиш имкониятлари кенгайиб бормоқда.

Сўнги йилларда Ўзбекистонда ҳам олиб борилаётган таълим соҳасидаги ислохотлар негизида ёшларни хориж мамлакатларига юбориш ва сифатли таълим олишлари учун шароит яратиш, таълим грантларини ташкил этиш, олий таълим муассасаларида ривожланган хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш улар билан талаба алмашиш, таълим туризмни

O'lcham haqidagi tasavvurlarni shakllantirish maktabgacha yoshdagi bolalarning matematik rivojlanishining asosiy tarkibiy qismlaridan biri hisoblanadi. Birinchi navbatda, ob'ektning o'lchamini, shuningdek uning uzunligini, kengligini, balandligini, massasini, hajmini, maydonini tushunadilar va o'lchov ostida - o'lchash asboblari yordamida har qanday jismoniy miqdorning miqdoriy qiymatini olish jarayoni. Miqdorlar bilan harakatlar va ularni o'lchash deyarli har kuni bolaning hayotida mavjud. Masalan, modellashtirish bo'yicha to'g'ridan-to'g'ri ta'lim faoliyatida o'qituvchi boladan plastilinning kichik bir bo'lagini olishni yoki muhim bo'lakdan kichik bo'lakni chimchilab olishni so'raydi. Ko'zning yordami bilan bola, ya'ni, ko'z bilan, qaysi qism kichikroq, qaysi biri kattaroq vazifani bajaradi. Chizish uchun bolalar turli o'lchamdagi narsalarni tasvirlab, rasmdagi nisbatlarni kuzatadilar. Matematika bo'yicha miqdorlar bilan tajriba o'tkazadilar, masalan, shakli va o'lchami bir xil bo'lgan kattaliklar nima uchun har xil massaga ega bo'lishi mumkinligini aniqlaydilar, suyuqlik va quyma moddalarning ma'lum bir hajmi tomirlar shaklidan o'zgarmaydi va hokazo. Muloqot paytida maktabgacha yoshdagi bolalar ko'pincha o'zlarini boshqa bolalar bilan taqqoslashadi - ularning qaysi biri baland, kim katta va hokazo. Bunday harakatlar asosida kattalik haqidagi tasavvurlar yaratiladi.

## TADQIQOT MATERIALLARI VA METODOLOGIYASI

Bola kattalikning uchta xususiyatini o'zlashtiradi: taqqoslanuvchanlik, o'zgaruvchanlik, nisbiylik. Keling ularni batafsil ko'rib chiqaylik.

Miqdorlarni bilish usullaridan biri miqdorlarni solishtirishda taqqoslash xususiyatiga asoslangan taqqoslash usulidir. Miqdorlarni solishtirish usulidan foydalanib, ularning munosabatlarini "...dan katta", "...dan kichik", "teng" kabi tushunchalar orqali aniqlash mumkin. Har doim ham ob'ektlarni superpozitsiya yoki qo'llash (to'g'ridan-to'g'ri) orqali taqqoslash mumkin emas, shuning uchun taqqoslash uchun ba'zida ularning ong'dagi tasvirlarini solishtirish kerak bo'ladi (bilvosita taqqoslash). Demak, taqqoslash xususiyati shundan iboratki, miqdorlarni solishtirish orqali solishtirish mumkin va shu bilan birga ularning umumiy o'xshashligini yoki farqini yoki biron bir xususiyatga ko'ra ochib beradi.

Miqdorning keyingi xossasi o'zgaruvchanlikdir. Masalan, taxtaning uzunligini o'zgartirish uning faqat hajmini o'zgartiradi, lekin uning mazmuni va sifatini o'zgartirmaydi - taxta ham taxta bo'lib qoladi. Yoki shar, biz sharni puflaganimizda, uning hajmi o'zgaradi, lekin mohiyati o'zgarmaydi, shar qanday bo'lsa, xuddi shunday bo'lib qoldi, faqat uni shishirganda, unda havo ko'proq bo'lgan.

Nisbiylik kattalikning uchinchi xususiyati bo'lib, u bir ob'ektning ba'zilariga nisbatan kichik, ammo boshqalarga nisbatan katta bo'lishidan iborat. Misol uchun, turli uzunlikdagi uchta lentani olaylik: uzun, o'rta va qisqa. O'rta lenta uzuniga nisbatan qisqa bo'ladi, ammo qisqasiga nisbatan u uzun bo'ladi.

### **TADQIQOT NATIJALARI**

Yuqorida aytib o'tilganidek, taqqoslash, o'zgaruvchanlik, nisbiylik - bu bolalar atrofdagi voqelikda, maxsus tayyorlangan predmetni rivojlantiruvchi muhitda o'zlashtiradigan va ob'ekt hajmini aniqlash uchun foydalanadigan miqdorlarning xususiyatlari. Ob'ektni ko'rib, bolalar darhol uning umumiy g'oyasiga, hajmiga e'tibor berishadi: katta yoki kichik. Bolalar o'sib ulg'ayganlarida, ular chiziqli parametrlarni: uzunlik, kenglik va balandlikni ajratishga o'rgatishlari kerak. Yetakchi parametrga ko'ra, aniq ta'riflar yordamida ob'ektning o'lchamini tavsiflang: baland - past, uzun - qisqa, qalin - ingichka va hokazo. Ko'pincha bolalar ob'ektlarni uzunligi bo'yicha tavsiflaydi, chunki uzunlik ob'ektning eng aniq ko'rsatilgan parametridir. hajmi boshqalarga nisbatan. Ob'ektning kengligini ko'rsatish qiyin, chunki bolalar foydalanishi mumkin bo'lgan o'lchovlarni etarlicha aniq ajratish mavjud emas.

Qadriyatni bilish hissiy tizim, tafakkur va nutq asosida yuzaga keladi. Qiymatning aniq ta'rifi ob'ektlardan foydalanishning amaliy tajribasida olingan ko'nikmalar, ko'zning rivojlanishi, so'zni idrok etish jarayoniga kiritish, mantiqiy operatsiyalar: taqqoslash, tahlil qilish, sintez qilish va boshqalar bilan bog'liq. Leushina A.M. kattalik haqidagi eng oddiy bilimlarni olish uchun bizni o'rab turgan ob'ektlar va hodisalar haqida ma'lum g'oyalarni o'rnatish kerak deb hisoblaydi. Kattalikni fazoviy ob'ekt sifatida anglash hissiy jarayon bilan o'zaro bog'liq bo'lib, u ob'ektni tekshirish va uning xususiyatlarini aniqlashga qaratilgan. Bu operatsiya vizual, eshitish, taktil-motor kabi analizatorlarni o'z ichiga oladi, motor analizatorlari esa ularning birgalikdagi faoliyatida asosiy komponent bo'lib, ob'ektlarning o'lchamlarini to'g'ri idrok etishni ta'minlaydi. Analizator va analizatorlararo aloqalar tufayli o'lchov qiymatlari qabul qilinadi. Ob'ektiv sifatlarni shakllantirishga tashqi sharoitlardan qat'i nazar, turli masofadagi va turli pozitsiyalardagi narsalarni idrok etish mashqlari yordam beradi.

Ob'ektlarning o'lchamini aniqlashning muhim hissiy xususiyati ko'zdir. Biz Russoning fikriga qo'shilamiz, u ko'z yordamida ob'ektlarning o'lchamlarini, masalan, binolarni, odamlarning o'sishini, daraxtlarni va boshqalarni taqqoslash orqali solishtirish mumkin deb hisoblaydi. Ko'zning rivojlanishi ob'ektning kattaliklarini solishtirishning muayyan jarayonlarini o'zlashtirish qobiliyati bilan uzviy bog'liqdir. Ob'ekt hajmini baholash uni to'g'ri va to'liq tavsiflash uchun zarurdir. Ob'ektning o'lchamlarini solishtirish uchun siz amaliy harakatlardan foydalanishingiz mumkin: qoplama, qo'llash, o'lchash. O'lchovga ikkita mantiqiy jarayon kiradi: birinchisi - bo'linish (ob'ekt qismlarga bo'linadi), ikkinchisi - almashtirish (har bir qism o'lchov birligi yoki u bilan o'lchanadi). Binobarin, o'lchovning ma'nosi ob'ektlarning son bo'linishi va olingan o'lchovga nisbatan ushbu ob'ektlarning qiymatini belgilashdir. O'lchov yordamida o'lchangan qiymatning oldindan tanlangan o'lchov birligi, shkala yoki namuna bilan raqamli nisbati aniqlanadi.

Stolyar A.A.ning so'zlariga ko'ra, maktabgacha ta'lim tashkilotida o'qiyotganda, o'lchash faoliyati ibtidoiy shakl bilan tavsiflanadi, bu esa maktabgacha yoshdagi bolalarni materialni keyingi murakkablashtirish va chuqur takomillashtirishga tayyorlaydi ya'ni, bola ob'ektni shartli o'lchov bo'lgan boshqa narsa bilan o'lchaydi va shu tufayli bola o'lchash harakatini o'zlashtiradi.

Kirichuk K.A. maktabgacha yoshdagi bolalarni metr va santimetr bilan uzunlikni o'lchashning umumiy qabul qilingan o'lchovlari, shuningdek, o'lchagichning funktsiyalari, uning yordami bilan o'lchash qoidalarini bilan tanishtirish mumkin deb hisoblaydi. O'lchov jarayoni maktabgacha yoshdagi bolalar uchun o'lchov algoritmini o'zlashtirganda aniq bo'ladi ya'ni, takroriy takrorlash bilan mahoratga aylanadigan ma'lum qobiliyatlar. Mixaylova Z.A. bolalar o'lchash moslamalarini umumiy etilgan o'lchov birligidan ajrata olmaydilar, deb hisoblaydi. Misol uchun, hisoblagichni olaylik, bolalar faqat matoni o'lchagan o'lchagichni tushunishadi va hisoblagich o'lchov birligi ekanligini tushuna olmaydilar. Xuddi shu tarzda, "santimetr" so'zi bilan bolalar xalq orasida shunday deb ataladigan santimetrli lentani ifodalaydi. O'zlarining kichik tajribasidan foydalangan holda, maktabgacha yoshdagi bolalar kamdan-kam hollarda bir vaziyatda qo'llaniladigan o'lchov vositalari boshqa sharoitlarda boshqa narsalarni o'lchash uchun ishlatilishi mumkinligini tushunadilar. Bolalar ba'zan o'z kattalarning harakatlariga taqlid qiladilar, o'lchovning mohiyatini va uning maqsadini tushunmaydilar. O'lchov jarayonining o'zi ancha murakkab, chunki u maxsus bilim, ko'nikma va maxsus o'lchov vositalaridan foydalanishni talab qiladi.

### MUHOKAMA

Shunday qilib, maktabgacha yoshdagi bolalarning ob'ektlarning o'lchamlari haqidagi g'oyalarini rivojlantirish asosida ularni o'lcham bilan tanishtirish quyidagi ketma-ketlikda tashkil etilishi mumkin:

1. Ob'ektning fazoviy ko'rsatkichi asosida o'lcham bilan tanishish, ob'ektlarning o'lchamlari parametrlari bilan tanishish, ob'ektlarni ayrim belgilardan biriga ko'ra taqqoslash;
2. Solishtiriladigan ob'ektlardan biriga teng bo'ladigan umumiy afzal o'lchov asosida ob'ektlarni solishtirish, bundan tashqari, ob'ektlarni ko'plab kattalik parametrlari bo'yicha taqqoslash, o'lchamiga ko'ra ketma-ket qatorlarni yaratish va ishlab chiqish;
3. o'lchash ishlari.

### XULOSA

Xulosa qilib aytishimiz mumkinki, maktabgacha yoshdagi bolalarning kattalik haqidagi tasavvurlarini shakllantirish, agar siz nafaqat tarbiyalanuvchilarga yetkazilishi kerak bo'lgan



bilimlarga e'tibor qaratsangiz, balki ularning shaxsiy ehtiyojlari va moyilliklarini ham hisobga olsangiz, sifat jihatidan sodir bo'ladi.

*Adabiyotlar ro'yxati:*

1. Izyumova O.A., Kirichek K.A. Maktabgacha yoshdagi bolalarning matematik rivojlanishida ob'ekt-fazoviy muhitni rivojlantirishning o'rni // Zamonaviy ilmiy tadqiqotlar va innovatsiyalar. 2016 yil. 3-son [Elektron resurs]. URL: <http://web.snauka.ru/issues/2016/03/65094> (kirish sanasi: 10.12.2016)
2. Kazakova A.V., Kirichek K.A. Maktabgacha yoshdagi bolalarda elementar matematik tasavvurlarni shakllantirishda eksperimentning roli // Psixologiya, sotsiologiya va pedagogika. 2016 yil. 8-son [Elektron resurs]. URL: <http://psychology.snauka.ru/2016/08/6776> (kirish sanasi: 12/09/2016).
3. Kirichek K.A. Maktabgacha yoshdagi bolalarni metr va santimetr bilan tanishtirish usullari // Gumanitar ilmiy tadqiqotlar. - 2015. - No 8 (48). - S. 77-78.
4. Leushina A.M. Maktabgacha yoshdagi bolalarda elementar matematik tasavvurlarni shakllantirish. - M.: Ma'rifat, 1974. - 368 b.
5. Metlina L.S. Bolalar bog'chasida matematika., 1984. - 256 b.
6. Mixaylova Z.A. Maktabgacha yoshdagi bolalar uchun qiziqarli o'yin vazifalari. - M.: Ma'rifat, 1985. - 96 b.
7. Ganiyeva, M. (2021). Effective Methods of TRIZ.

## THE ROLE OF DERIVATION AND ABBREVIATION IN WORD FORMATION IN RECENT YEARS

**Turayeva Maftuna Akbar qizi**

Teacher of Samarkand State Institute of Foreign Languages

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6709683>

**Abstract.** *The process of formation of new units occurs in accordance with the morphological processes existing in the language. Among the morphological devices operating in the French language, one can indicate derivation and abbreviation. Linguistic studies are included in this article because derivation is one of the main sources for the creation of words and the updating of technical languages, as well as the francization of terms from other languages. For our study, we turned to the studies of various linguists, such as Sablirol, Espersen, Vinogradov, Maslova, and others. Following our deepening, we made a linguistic and cultural analysis of these neologisms, such as diachronic, semantic analysis, etc. In the course of our analysis, we saw that the derivation consists of two types of formation, such as a suffix and a prefix. In the content of the article, we tried to show the suffixes and prefixes most commonly used in French.*

**Key words:** *derivation, abbreviation, suffix and prefix, polysemy, diachronic analysis, semantic neologisms, semantic restriction, semantic expansion, cultural connotations.*

### INTRODUCTION

Each language enriches thanks to the dramatic transformation of society, thanks to new technology and scientific innovations. To express these changes, new words are introduced into the language. The introduction of the new word into the language can be through inward and outward movements like composition and derivation, borrowings from another language, layers, or through tropes as well.

At the same time, in the 21st century, in addition to borrowing, the neology is enriched with the help of morphological processes. The fabrication process of new units unfolds according to the morphological processes in the language.

### MATERIALS AND METHODS

Among the morphological processes in force in French, we can cite the derivation and the abbreviation.

By doing the grammatical analysis of new words of the Petit Larousse of 2001, 2015, 2016, 2017, we count that about 164 derived words, under them the 102 are the nouns, 29 words are the verbs and 35 words are the adjectives.

If we group by ratio of formation of derived words, 104 words formed by suffixes, on the other hand this figure, 60 words formed by prefixes.

The most frequent suffixes are "-isme", "-iste", "-tion" according to dictionaries of the 4 years, which show words keeping cultural traits. For instance,

- a) The words formed by “-isme”, “-iste” of the 2020: antisépécisme, cyberdjidhadisme ou cyberjidhadisme, locavorisme, narcobanditisme, spécisme, suprémacisme, survivalisme, néosurvivalisme, assimilationniste, assimilationnisme, muraliste, muralisme, transhumaniste, transhumanisme, artiste, cyberdjidhadiste, cosmologiste, jobiste ;
- b) The words formed by “-isme”, “-iste” of 2019 : flexitarisme, sans-abrisme, hacktivisme, dégagisme, animalisme, animaliste, hacktiviste, néocriticiste, ;

- c) The words formed by “-isme”, “-iste” of 2018 : droit-de-l’hommeisme, européenisme, européeniste, européisme, européiste, djihadisme, céiste, polyphoniste ;
- d) The words formed by “-isme”, “-iste” of 2017 : complotisme, néokeynésianisme, thalassotropisme, transhumanisme ; complotiste ;
- e) The words formed by “-isme”, “-iste” of 2016 : écopatrolisme, mormonisme, social-libéralisme, crudivorisme, européiste ;
- f) The words formed by “-isme”, “-iste” of 2015 : véganisme, nativisme ;
- g) The words formed by “-isme”, “-iste” of 2001 : agrochimiste, amérindianisme, annexionnisme, panurgisme.

The prefix, after the suffix, forms many words, rather the prefixes "dé-" and "micro-", "anti-" are encountered in the Larousse dictionary from 2001 to 2020. For example :

- a) The words formed by “dé-” and “anti-” of the 2017: *déclinisme, défaçade, dézipper ; antisystème, antitumoral ;*
- b) The words formed by “dé-” and “anti-”, “micro-” of the 2016 : *dédiaboliser, dédiabolisation, dézonage ; antépisode, microfiction ;*
- c) The words formed by “micro-” of the 2015 : *microbiote, micropaiement, microtransaction ;*
- d) The words formed by “dé-” and “micro-” of the du 2001 : *déambulateur, microbrasserie.*

There are still neologisms that take the suffix and the prefix at the same time:

- 1. the formation of the name *microbrasserie*, by adding the prefix **micro** – to the name *brasserie* the word *brasserie* by adding the suffix **-erie** to the verb "brasser";
- 2. the formation of the noun *dédiabolisation*, by adding the suffix **-ation** to the verb *dédiaboliser*, the verb *dédiaboliser* by adding the prefix **dé-** to the other verb *diaboliser*;
- 3. the formation of the noun *insaisissabilité* is formed with the suffix *insaisissable* + **ité**, the adjective *insaisissable* by the addition of the prefix **in-saisissable**, the adjective *saisissable* is by the verb *saisir*+ the suffix *-able* etc...

Sometimes by a radical we form some words: **spéc-** *spéciste, spécisme, antisécisme ; mondial-* *antimondialisation, antimondialiste ; altermondialisation, altermondialisme, altermondialiste ; installer-* *désinstallation, désinstaller.*

## RESULTS

We have already counted that out of the 603 words in 22 words are the new abbreviations. Of the 22 words, 11 are acronyms and the remainder are truncations.

There are several methods to abbreviate groups of words, the most courante are siglaison and acronyme, troncation.

Siglaison consiste to take the initials of several words and accole them together. For example: PAF ou P.A.F. RMA or R.M.A. R'N'B.

The same acronym can have many and very different meanings depending on the era and the country. For example a humorous cordon d'annonce fonction.

For example: ADM can designate: Aéroports de Montréal ou Autoroutes du Maroc.

The acronym ALD also has some meaning: *Affection de longue durée*- the abbreviation in medicine; Automobiles Louis Descartes – a former French racing team.

A practical and economical linguistic means, the siglaison process is also part of the linguistic mechanisms of neological creation because the reduced form has an autonomous status

in relation to the basic form. It is very common in neonymy because each language tends to abbreviate part of its lexicon, either by abbreviation or by truncation.

### DISCUSSION

During our research on abbreviated neologisms, we had questions about whether they have cultural values and if so which ones. In our opinion, acronyms and acronyms do not have cultural connotations, because they are only abbreviated words to facilitate the use of sentences and they are in addition to scientific words. For example, the R.E.P. (*Réseau d'éducation prioritaire* acronym - Priority Education Network) - in France, an area where educational action is reinforced to fight against school failure.

It is an educational term, which replaced ZEP in 2015. If we are innovating in the field of education, it is doubtful not to replace this term with another one. The truncation can express the realities of society. The train-tram is a tram train capable of running both on lines located on the road, in town, and on regional railway lines, on the outskirts. A televangelist is a preacher who hosts evangelistic television programs.

### CONCLUSIONS

To conclude, derivation is a process of enrichment of the language very used inside the language, and especially the suffixes form the new words by adding to the existing words or the borrowings. By doing the analysis we saw that the suffixes and the prefixes rather form the nouns and the adjectives, the majority of the prefixes are of Latin and Greek origin like *micro-*, *anti-*, *co-*, *dé-* etc.

### References:

1. Sablayrolles S. J-F. La Néologie en français contemporain.// Honoré-Champion, -Paris : 2000, P. 150
2. Robert P., Rey-Debove J., Rey A. Le Nouveau Petit Robert 2008: Dictionnaire Alphabétique Et Analogique De La Langue Française, p.2111
3. Robert P., Rey-Debove J., Rey A. LE PETIT LAROUSSE ILLUSTRÉ, 2017 ; <http://manuscritdepot.com/documentspdf/DossierPresse-PetitLarousse-2017.pdf> p.19
4. Robert P., Rey-Debove J., Rey A. LE PETIT LAROUSSE ILLUSTRÉ, 2017 ; <http://manuscritdepot.com/documentspdf/DossierPresse-PetitLarousse-2017.pdf> p.18
5. Robert P., Rey-Debove J., Rey A. Le Nouveau Petit Robert: Dictionnaire Alphabétique Et Analogique De La Langue Française, 2008p.2265
6. Маслова В.А. Мезенко А.М., Лингвокультурология: Учеб.пособие для студ. высш. учеб, заведений. - М.: Издательский центр «Академия», 2001. -- 208с.
7. Dincă D. La Néologie et ses mécanismes de création lexicale. Typologie des emprunts lexicaux français en roumain. Fondements théoriques, dynamique et catégorisations sémantique. – Roumanie :2008. –P. 12
8. William Audureau le journal du Monde, « D'où viennent les nouveaux mots de la langue française? » le 22 mars 2019, [https://www.lemonde.fr/les-decodeurs/article/2019/03/22/d-ou-viennent-les-nouveaux-mots-de-la-langue-francaise\\_5439961\\_4355770.html](https://www.lemonde.fr/les-decodeurs/article/2019/03/22/d-ou-viennent-les-nouveaux-mots-de-la-langue-francaise_5439961_4355770.html)
9. Sablayrolles S J-F. De la " néologie syntaxique " à la néologie combinatoire. //Langages, Armand Colin 2011, pp.39-50.
10. Ducat A. Un air de « sauve qui peut », Le Soir, les 27-28 septembre 2003, 15.
11. [http://www.axl.cefan.ulaval.ca/francophonie/hist\\_fr\\_s92\\_emprunts.html](http://www.axl.cefan.ulaval.ca/francophonie/hist_fr_s92_emprunts.html)
12. LE PETIT LAROUSSE ILLUSTRÉ, 2019 ; le 23 mai 2018 disponible : <http://manuscritdepot.com/mots-nouveaux-petit-larousse-illustre-2019.pdf>
13. <https://fr.wikipedia.org/wiki/F%C3%A9libr%C3%A9>

## TA'LIM SOHASIDA IJTIMOYIY ISHNING INNOVATSION TEXNOLOGIYALARI

**Abduraxmonova Manzura Manafovna**

iqtisod fanlari nomzodi, dotsent

**Yo'ldoshev Abdulazizjon**

Farg'ona davlat universiteti, ijtimoiy ish yo'nalishi magistri

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6710269>

**Annotatsiya.** Globallashuv sharoitida ta'lim shaxsni har tomonlama voyaga yetkazish, unda komillik va malakali mutaxassisga xos sifatlarni shakllantirishda muhim o'rin tutadi. Bugungi tezkor davr ta'lim oluvchilar, shu jumladan o'quvchilarni ham qisqa muddatda va asosli ma'lumotlar bilan qurollantirish, ular tomonidan turli fan asoslarini puxta o'zlashtirilishi uchun zarur shart-sharoitlarni yaratishni taqozo etmoqda. Ushbu maqolada oliy ta'lim tizimida ijtimoiy ishning innovatsion texnologiyalari masalalariga e'tibor qaratilgan. Mazkur o'zgarishlar oliy ta'lim muassasalarining strategik yo'nalishiga hamda innovatsion faoliyatni faol amalga oshirishga ta'sir ko'rsatishi asoslab berilgan.

**Kalit so'zlar:** ijtimoiy ish, ta'lim, innovatsiya, modernizatsiya, oliy ta'lim.

### ИННОВАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ СОЦИАЛЬНОЙ РАБОТЫ В ОБРАЗОВАНИИ

**Аннотация.** В условиях глобализации образование играет важную роль во всестороннем развитии личности, в формировании качеств совершенства и компетентности. Современный быстро меняющийся мир требует от обучающихся, в том числе учащихся, оснащения краткосрочной и достоверной информацией, создания им необходимых условий для овладения основами различных наук. Данная статья посвящена инновационным технологиям социальной работы в системе высшего образования. Утверждается, что эти изменения коснутся стратегической направленности высших учебных заведений и активной реализации инновационной деятельности.

**Ключевые слова:** социальная работа, образование, инновации, модернизация, высшее образование.

### INNOVATIVE TECHNOLOGIES OF SOCIAL WORK IN EDUCATION

**Abstract.** In the context of globalization, education plays an important role in the comprehensive development of the individual, in the formation of the qualities of excellence and competence. The modern rapidly changing world requires students, including students, to provide short-term and reliable information, to create the necessary conditions for them to master the basics of various sciences. This article is devoted to innovative technologies of social work in the system of higher education. It is argued that these changes will affect the strategic focus of higher education institutions and the active implementation of innovative activities.

**Key words:** social work, education, innovations, modernization, higher education.

### KIRISH

Mamlakatimizda oliy ta'lim tizimini tubdan takomillashtirish, kadrlar tayyorlash mazmunini zamonaviy talablar asosida tubdan qayta ko'rib chiqish, raqobatbardosh oliy ma'lumotli mutaxassislar tayyorlash hamda sohani jahon standartlari darajasida rivojlantirishda oliy ta'lim tizimida innovatsion faoliyatni boshqarishni takomillashtirishga alohida e'tibor qaratilmoqda. Bu borada asosiy bilim sohalari bo'yicha elektron ta'lim resurslari milliy tizimini

yaratish, jahonning ta'lim resurslariga kirish va bu infrastrukturani takomillashtirish, o'quv jarayonida jahonning va milliy elektron ta'lim resurslaridan axborot kommunikatsiya texnologiyalari orqali foydalanish, o'quv yurtlarini moddiy-texnika bazasini va tarmoqli infratuzilmani rivojlantirish muammolari oliy ta'lim tizimida dolzarbdir.

Ijtimoiy ish sohasiga talab minglab yillar avval vujudga kelgan bo'lsada, biroq, bu soha mutaxassislarini maxsus tayyorlash XIX asr oxiri va XX asr boshlarida G'arbiy Evropa mamlakatlarining birinchi sanoat inqiloblari sodir bo'lgan hududlarida rivojlana boshladi. Chunki sanoat inqiloblari natijasida jamiyat ijtimoiy hayotida keskin ijtimoiy-iqtisodiy muammolarni keltirib chiqqanligi ijtimoiy ish sohasini kasbiy faoliyat sifatida rivojlanishiga sabab bo'ldi.

O'zbekistonda ijtimoiy ish sohasi va umuman ijtimoiy sohaga qadimdan katta e'tibor berib kelingan. Qariyalarni hurmatlash, imkoniyati cheklanganlarni ijtimoiy himoyalash, muhtojlarga yordam ko'rsatish xalqimizning azaliy qadriyatlaridan hisoblanadi. Islom dini xalqimizning bu kabi qadriyatlarini yana ham ruxsakroq ko'tardi. Uzoq yillar davomida hukm surib kelgan ma'muriy-buyruqbozlik tizimining asorati ta'siri natijasida bu qadriyatlar tan olinmadi hamda taqiqlandi.

### **TADQIQOT MATERIALLARI VA METODOLOGIYASI**

«Ijtimoiy ish» - butun dunyoda qabul qilingan ibora bo'lib, u insonning insonga gumanistik munosabatini bildiradi.

Jamiyatning rivojlanish jarayoni, jamiyatda yashayotgan insonlarga nisbatan ijtimoiy munosabat orqali belgilanadi. Ayniqsa, davlatning yordamga muhtoj bo'lgan odamlar qatlamiga e'tibori, ijtimoiy zaif kishilarga, ya'ni keksalar, nogironlar, yolg'iz, nochor kishilarga yordam berishi, ana shu jamiyatning yuksak ma'naviyati va ijtimoiy moddiy jihatdan barkamolligidan dalolat beradi. Jahon tajribasida o'z yaqinlariga yordam berish, og'irini yengil qilish, hamdard bolish, xayr-ehson qilish azaldan turli ko'rinishlarda amalga oshirib kelingan. Ayniqsa, bu fazilatlar diniy qatlamlar orasida keng rivojlangan bo'lib, o'ziga xos ko'rinishlari bilan namoyon bolib kelgan. Tarixan o'z in'ikosini topgan bu insoniy 7 fazilat ming yillar mobaynida xayriya, insonlarga yordam berish orqali diniy burch sifatida yuzaga kelgan bo'lib, XIX-XX asrlarga kelib, alohida mazmun va mohiyat kasb etuvchi professional kasbga aylandi. Bu davrlarga kelib, insonparvarlik tamoyillariga suyangan diniy xayriya bilan shug'ullanuvchilar bilan zamonaviy ijtimoiy xodim orasidagi farq yuzaga keldi va o'z shaklu-shamoyillari bilan rivojlanib kelmoqda. Ijtimoiy ishni professional kasb sifatida, alohida fan yo'nalishida o'rganish, bugungi kunning dolzarb vazifasidir. Dunyoning rivojlangan davlatlarida ijtimoiy ish institute yuz ellik yil mobaynida faoliyat olib bormoqda va yetakchi oliy dargohlarda kasbiy tayyorgarlik amalga oshiriladi. Ijtimoiy ish ijtimoiy hodisa sifatida ijtimoiy yordamni o'ziga xos modeli sifatida hayotga tatbiq qilinmoqda.

Ijtimoiy ish faqatgina kundalik insonlar orasidagi muammolarni hal qilish borasida yordam berish bilan cheklanmay, balki ehtiyojli qiyinchiliklarni yengib o'tish xususiyatlarini va o'ziga o'zi yordam berish ko'nikmalarini shakllantirishga yo'naltirilganligi bilan, xayr saxovat va ana shu faoliyatning shunga o'xshash turlaridan farq qiladi. Bu hodisani istalgan hayotiy vaziyatda odamni o'z muammolarni o'zi hal qilishga o'rgatish deb tushunish mumkin. Ijtimoiy ish bilan shug'ullanuvchi kasb egalari bugungi kunda keng doiradagi muammolarga duch kelmoqdalar. Alkogolizm, giyohvandlik, mulkchilik huquqlarining buzilishi, bolalarga yomon muomalada bo'lish, oilaviy janjallar, ruhiy va jismoniy kasalliklar, darbadarlik, jamiyatdan ajralgan holda



yashash shular jumlasidandir. Bularning barchasi maxsus tayyorgarlik talab qiladi. Bunga yuzaki yondoshish mumkin emas. Chunki ijtimoiy ish xodimlari tegishli bilim va ko'nikmalarga ega bo'libgina qolmay, balki shu kasbga doir axloqiy me'yorlar va tamoyillarga rioya qilishga tayyor bo'lishlari kerak.

Ijtimoiy ish xodimlarining xizmat turlari mijozlarning yoki guruhlar muammolarining mazmuni, ya'ni yordam va qo'llabquvvatlashning talab darajasi, faoliyat turlaridan kelib chiqib tasniflanadi. Ijtimoiy xizmat xodimlarining faoliyati me'yoriy huquqiy hujjatlarni hisobga olgan holda ishlab chiqiladi va belgilangan qoidalar asosida amalga oshiriladi. Qoidalariga ijtimoiy xizmat tashkilotining maqsad va vazifalari, moliyalashtirish manbasi, xodimlarning ish majburiyatini, ish jarayonida amal qilinishi lozim bo'lgan axloqiy tamoyillar aks etishi lozimdir.

Ijtimoiy ish kasbi ijtimoiy o'zgarishlarga insoniy munosabatlar muammolarini hal qilishga, shuningdek, odamlarning farovonligini oshirish uchun imkoniyatlarning taqsimlanishiga va ozod bo'lishiga ko'maklashadi. Insoniy xulq-atvor va ijtimoiy tizimlar haqidagi nazariyalardan foydalanib, ijtimoiy ish odamlarning atrofida bilan o'zaro aloqadorlikka kirishgan joylarda yuzaga keladi. Inson huquqlari va ijtimoiy adolat tamoyillari ijtimoiy ishning asosi hisoblanadi. Ijtimoiy ish xodimlari insonparvarlikka, halollikka xizmat qilish yoki bilan inson qadr-qimmatini hurmat qilishga, ijtimoiy adolatni ta'minlashga ko'maklashishi kerak.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida"gi PF-4947-sonli farmoni [1] hamda O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 20 apreldagi PQ-2909-sonli «Oliy ta'lim tizimini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida»gi qaroriga[2] asosan bugungi kunda ta'lim sohasida amalga oshirilishi zarur bo'lgan masalalar, oliy ta'lim tizimini isloh qilish, ta'limda yangi pedagogik va innovatsion texnologiyalardan keng foydalanish zarurligi va mazkur faoliyatga tegishli boshqa me'yoriy-huquqiy hujjatlarda belgilangan vazifalarni amalga oshirishda mazkur tadqiqot muayyan darajada xizmat qiladi.

Lug'aviy jihatdan "innovatsiya" tushunchasi ingliz tilidan tarjima qilinganda ("innovation") "yangilik kiritish" degan ma'noni anglatadi.

"Innovatsiya" tushunchasi mazmunan aniq holatni ifodalaydi.

"O'zbekiston Milliy entsiklopediyasi"da ko'rsatilishicha, innovatsiya quyidagicha mazmun va tushunchalarga ega: "Innovatsiya (ingl. "innovationas" – kiritilgan yangilik, ixtiro) – 1) texnika va texnologiya avlodlarini almashtirishni ta'minlash uchun iqtisodiyotga sarflangan mablag'lar; 2) ilmiy-texnika yutuqlari va ilg'or tajribalarga asoslangan texnika, texnologiya, boshqarish va mehnatni tashkil etish kabi sohalaridagi yangiliklar, shuningdek, ularning turli sohalar va faoliyat doiralarida qo'llanishi".

### **TADQIQOT NATIJALARI**

A.I.Prigojinning fikriga ko'ra, innovatsiya maqsadga muvofiq ravishda muayyan ijtimoiy birlik – tashkilot, aholi, jamiyat, guruhga nisbatan munosabatga yangicha yondashish, bu munosabatni bir qadar turg'un elementlar bilan boytib borish tushunilishi lozim. Bu o'rinda anglanadiki, muallifning qarashlari bevosita ijtimoiy munosabatlar, ularga nisbatan innovatsion yondashish mohiyatini ifodalaydi. Shundan kelib chiqqan holda har bir shaxs fuqaro, mutaxassis, rahbar, xodim, qolaversa, turli ijtimoiy munosabatlar jarayonining ishtirokchisi sifatida o'ziga xos innovator faoliyatni tashkil etadi.

Ta'lim tizimida yoki o'quv faoliyatida innovatsiyalarni qo'llashda sarflangan mablag' va kuchdan imkon qadar eng yuqori natijani olish maqsadi ko'zlanadi. Innovatsiyalarning har qanday yangilikdan farqi shundaki, u boshqarish va nazorat qilishga imkon beradigan o'zgaruvchan mexanizmga ega bo'lishi zarur.

Barcha sohalarida bo'lgani kabi ta'limda ham "novatsiya", "innovatsiya" hamda ularning mohiyatini ifodalovchi faoliyat to'g'risida so'z yuritiladi. Zamonaviy ta'limga xos muhim jihatlardan biri – pedagog faoliyatining innovatsion xarakter kasb etishiga erishish sanaladi. Rivojlangan xorijiy mamlakatlarda pedagog faoliyatining innovatsion xarakter kasb etishiga erishish masalasi o'tgan asrning 60-yillaridan boshlab jiddiy o'rganila boshlagan. Xususan, X.Barnet, J.Basset, D.Gamilton, N.Gross, R.Karlson, M. Maylz, A.Xeyvlok, D.Chen, R.Edem, F.N. Gonobolin, S.M. Godnin, V.I.Zagvyazinskiy, V.A.Kan-Kalik, N.V.Kuz'mina hamda V.A.Slastenin kabi tadqiqotchilar tomonidan olib borilgan ishlarda innovatsion faoliyat, pedagogik faoliyatga innovatsion yondashish, innovatsion g'oyalarni asoslash va ularni amaliyotga samarali tadbqiq etish, xorijiy mamlakatlar hamda respublikada yaratilgan pedagogik innovatsiyalardan xabaror bilish orqali pedagog faoliyatida ulardan faol foydalanish borasidagi amaliy harakatlar mazmunini yoritilgan.

### MUHOKAMA

Mohiyatiga ko'ra innovatsiyalar munosabat yoki jarayonga yangilik kiritishning dinamik tizimi sanaladi. O'z-o'zidan tizim sifatida yangilik kiritirish munosabat yoki jarayonning, birinchidan, ichki mantig'ini, ikkinchidan, kiritilayotgan yangilikning muayyan vaqt oralig'ida izchil rivojlanishi va atrof-muhitga ko'rsatadigan o'zaro ta'sirini ifodalaydi.

V.A.Slastenin innovatsiyani yangilik yaratish, keng yoyish va foydalanishga qaratilgan maqsadga muvofiq, yo'naltirilgan jarayoni majmui deb biladi. Muallifning fikriga ko'ra har qanday innovatsiya yangi vositalar yordamida ijtimoiy sub'yektlarning ehtiyojini qondirish va intilishlarini rag'batlantirish maqsadini ko'zlaydi.

Har qanday innovatsiyada "yangi", "yangilik" tushunchalari muhim ahamiyatga ega. Turli munosabat va jarayonlarga kiritilayotgan yangilik mazmunan xususiy, sub'ektiv, mahalliy va shartli g'oyalar tarzida namoyon bo'ladi.

"Bugungi kunda pedagoglarning innovatsion faoliyat ko'nikma, malakalariga ega bo'lishlari muhim ahamiyatga ega. Pedagoglar tomonidan innovatsion faoliyat ko'nikma, malakalarini o'zlashtira olishlarida ularning innovatsion yondoshuvga ega bo'lishlari talab etiladi. O'z mohiyatiga ko'ra pedagoglar tomonidan innovatsion faoliyat ko'nikma, malakalarining o'zlashtirilishi ularda innovatsion yondoshuvni qaror topishi asosida kechadi." [3]

### XULOSA

Bizning mamlakatimizda ijtimoiy ishning kasbiy faoliyat sifatida shakllanishi va rivojlanishi jamiyat hayotining barcha sohalarini qamrab olgan faol sifatli o'zgarishlar bosqichiga to'g'ri keldi. Ijtimoiy muammolarning keskinlashuvi natijasida aholining muayyan qismi davlat tomonidan ijtimoiy muhofaza va qo'llab-quvvatlashga muhtojlikni his qilishi oqibatida ijtimoiy ish kasbi dolzarblikni kasb etadi.

### Adabiyotlar:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi 4947-sonli Farmonining "2017-2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor

- yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasi". O'zbekiston Respublikasining qonun hujjatlar to'plami, 2017 yil, 6-son, 70-modda, 20-son, 354-modda, 23-son, 448-modda.
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 20 apreldagi PQ-2909-sonli "Oliy ta'lim tizimini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarori.
  3. Muslimov N.A., Usmonboeva M.H., Sayfurov D.M., To'raev A.B. Innovatsion ta'lim texnologiyalari. Toshkent: 2015., 21 bet.
  4. Абдурахмонова, М. М. (2021). ТЕОРИИ МЕЖСЕКТОРАЛЬНЫХ ПОДХОДОВ К ЗАЩИТЕ ДЕТЕЙ. *Человек. Наука. Социум*, (2), 62-74.
  5. Абдурахмонова, М. М. (2021). НЕОБХОДИМОСТЬ ИЗУЧЕНИЯ ОБЩЕСТВЕННОГО МНЕНИЯ ДЛЯ ПРИНЯТИЯ ЭФФЕКТИВНЫХ РЕШЕНИЙ В ШКОЛЕ. *Человек. Наука. Социум*, (1), 33-46.
  6. Sharipova, K., & Abduraxmonova, M. (2021). O 'ZBEKISTON MAKTABLARIDA MEHRIBONLIK UYLARI TARBIYALANUVCHISI BO 'LGAN O 'QUVCHILAR BILAN IJTIMOIIY ISH AMALIYOTI ISTIQBOLLARI. *Студенческий вестник*, (8-3), 82-83.

## HAR TOMONLAMA BARKAMOL YOSHLAR – MAMLAKATIMIZ TARAQQIYOTINING POYDEVORI

**Abduvohidova Elnora Shermuhammad qizi**

Mirzo Ulug'bek nomidagi O'zbekiston Milliy universiteti Ijtimoiy fanlar Fakulteti  
Sotsiologiya yo'nalishi 2-kurs talabasi

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6710277>

**Annotatsiya.** Bugungi yoshlar mustaqil O'zbekistonimizning tayanchi va kelajagi hisoblanadi. Har tomonlama kuchli, sog'lom hamda ma'naviy jihatdan yetuk yosh avlod Vatanimizning iftixori va faxridir. Amalga oshirilayotgan barcha yaxshi va xayrli ishlar kelgusi avlod barkamolligi uchun xizmat qilishi shubhasiz.

**Kalit so'zlar:** globalizatsiya, madaniyat, insonparvarlik, kadrlar tayyorlash milliy dasturi, bozor iqtisodiyoti, professional ta'lim, innovatsion g'oyalar, texnologiyalar, intellektual salohiyat, kasb-hunar, qadryat, urf-odatlar.

## ВО ВСЕМ РАЗВИТАЯ МОЛОДЕЖЬ – ФУНДАМЕНТ РАЗВИТИЯ НАШЕЙ СТРАНЫ

**Аннотация.** Сегодняшняя молодежь – это костяк и будущее нашего независимого Узбекистана. Молодое поколение, сильное во всех отношениях, здоровое и духовно зрелое, является гордостью и честью нашей Родины. Нет сомнения, что все добрые и добрые дела, которые совершаются, послужат совершенству грядущего поколения.

**Ключевые слова:** глобализация, культура, гуманитарные науки, национальная программа подготовки кадров, рыночная экономика, профессиональное образование, инновационные идеи, технологии, интеллектуальный потенциал, профессия, ценности, традиции.

## DEVELOPED YOUTH IN EVERY WAY - THE FOUNDATION OF THE DEVELOPMENT OF OUR COUNTRY

**Abstract.** Today's youth is the backbone and future of our independent Uzbekistan. The young generation, strong in all respects, healthy and spiritually mature, is the pride and honor of our Motherland. There is no doubt that all the good and good deeds that are being done will serve the perfection of the next generation.

**Keywords:** globalization, culture, humanities, national training program, market economy, professional education, innovative ideas, technologies, intellectual potential, profession, values, traditions.

## KIRISH

Shu jihatdan Yurtboshimiz ta'kidlaganidek, "Ilm yo'q joyda qoloqlik, jaholat va albatta to'g'ri yo'ldan adashish bo'ladi. Sharq donishmandlari aytganidek "Eng katta boylik – bu aql-zakovat va ilm, eng katta meros – bu yaxshi tarbiya, eng katta qashshoqlik – bu bilimsizlikdir". Shu sababli hammamiz uchun zamonaviy bilimlarni o'zlashtirish, chinakam ma'rifat va yuksak madaniyat egasi bo'lish uzluksiz hayotiy ehtiyojga aylanishi kerak. Taraqqiyotga erishish uchun raqamli bilimlar va zamonaviy axborot texnologiyalarini egallashimiz zarur va shart. Bu bizga yuksalishning eng qisqa yo'lidan borish imkoniyatini beradi".

Hadisda "Beshikdan to qabrgacha ilm o'rgan" deb, ilm har narsadan yuqori ekanligi, hech narsa undan yuqori bo'la olmasligi ta'kidlangan. Demak, islom ta'limotida bilim eng oliy maqsad

– dunyoni bilish uchun zarur deb uqtirilgan. Bilim dunyoni bilish bilan bahramand bo'lib qolmay, shaxs ma'naviyatini boyitishda ahamiyatli hisoblangan.

### **TADQIQOT MATERIALLARI VA METODOLOGIYASI**

Mustaqillik e'lon qilingan (1991-yil 1-sentabr) dastlabki yillaridanoq o'zbekiston hukumati ta'limga ustivor soha sifatida e'tibor berib kelmoqda. Respublikamizning ta'lim sohasida aniq va ravshan davlat siyosati mavjud bo'lib, u insonparvarlik va demokratik tamoyillarga asoslanadi hamda har bir fuqaroning bilim olishi Konstitutsiya bilan kafolatlaydi. Respublikamizda ta'lim tizimini yangilash va rivojlantirish maqsadida 1997-yil 29-avgustda O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining IX sessiyasida "Ta'lim to'g'risida"gi Qonun hamda "Kadrlarni tayyorlash milliy dasturi" qabul qilindi. Bu dastur uzluksiz ta'lim tizimini isloh qilishning tashkiliy, ilmiy va metodik asosi hisoblanadi. Milliy dasturning asosiy maqsadi uzluksiz ta'lim tizimini rivojlantirish bo'lib, mustaqil fikrlovchi shaxsni shakllantirish bilan barcha sohalarda raqobatbardosh kadrlar tayyorlashni kafolatlashi bilan ahamiyatlidir. Shunga ko'ra, mamlakatimizda mustaqillikning dastlabki yillaridanoq boy madaniyatimizni tuklash va rivojlantirish, ta'lim tizimini takomillashtirish, jahon andozalari darajasiga ko'tarishga e'tibor berilmoqda.

«O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi» 41-moddasida ta'kidlanganidek, «Har kim bilim olish xuquqiga ega». O'zbekiston Respublikasi inson huquqlari va erkinliklariga rioya etilishini, jamiyatning ma'naviy yangilanishini, ijtimoiy yo'naltirilgan bozor iqtisodiyotining shakllanishini, jahon hamjamiyatiga qo'shilishini ta'minlaydigan demokratik huquqiy davlat va ochiq (demokratik) fuqarolik jamiyati qurishni o'z oldiga maqsad qilib qo'ygan. 1997 yil 29 avgustda Prezident Islom Karimov Oliy Majlis 10- sessiyasida «Barkamol avlod – O'zbekiston taraqqiyotining poydevori» mavzuida nutq so'zladi. Shu sessiyada «Ta'lim to'g'risida» gi Qonun qabul qilindi. U 5 bo'lim 34 moddadan iborat. Shuningdek, sessiyada «Kadrlar tayyorlash milliy dasturi» ham qabul qilindi.

«Kadrlar tayyorlash milliy dasturi» «Ta'lim to'g'risi»dagi O'zbekiston Respublikasi qonunining qoidalariga muvofiq holda tayyorlangan bo'lib, milliy tajribaning tahlili va ta'lim tizimida jahon miqyosidagi yutuqlar asosida tayyorlangan holda yuksak umumiy va kasb-hunar madaniyatiga, ijodiy va ijtimoiy faollikka, ijtimoiy-siyosiy hayotga mustaqil ravishda mo'ljalni to'g'ri o'qib bilish mahoratiga ega bo'lgan, istiqbol vazifalarini ilgari surish va hal etishga qodir kadrlarning yangi avlodini shakllantirishga yo'naltirilgandir. Dastur kadrlar tayyorlash milliy modelini ro'yobga chiqarishda har tomonlama kamol topgan, jamiyatda turmushga moslashgan, ta'lim va kasb-hunar ixtisosligini ongli ravishda tanlash va keyinchalik puxta o'zlashtirish uchun ijtimoiy-siyosiy, huquqiy, psixologik-pedagogik va boshqa tarzda sharoitlarni yaratishni, jamiyat, davlat va oila oldida o'z javobgarligini his etadigan fuqarolarni tarbiyalashni nazarda tutadi.

### **TADQIQOT NATIJALARI**

Yoshlarning ijodiy, intellektual va tadbirkorlik salohiyatini ro'yobga chiqarish, innovatsion g'oyalar, loyihalar va texnologiyalarni ishlab chiqarishga joriy qilish, iqtidorli talabalar, yosh olimlar va tadbirkorlarning innovatsion faoliyatini rag'batlantirish, ilm-fan, ta'lim va ishlab chiqarish integratsiyasini kuchaytirish uchun zarur shart-sharoitlar yaratilmoqda. Shu bilan birga, yosh iqtidor sohiblarini innovatsion tadbirkorlik sohasiga tizimli jalb qilish bo'yicha olib borilayotgan ishlar samaradorligini oshirish, shu jumladan: iqtidorli yoshlarni ishbilarmonlar

va yetakchi olimlar bilan hamkorlikda ish yuritishi uchun yagona tizim yaratish va shu asosda ilmfan sohasida yosh kadrlar yetishtirish tizimining uzviyligini ta'minlash; ishlab chiqarish sohasiga yuqori texnologiyalarni tatbiq etish va ilmiy tadqiqotlarga yoshlarni jalb etish hamda ilmiy-texnik va innovatsion loyihalarni amalga oshirish uchun platformalar yaratish talab etilmoqda.

Mustaqillik yillarida oliy ta'lim tizimida olib borilgan izchil islohatlar natijasida mamlakatimizda bir qator chet el universitetlarining filiallari ochildi. Jumladan, Buyuk Britaniyaning Xalqaro Vestminster universiteti, Toshkent shahrida M.V.Lomonosov nomidagi Moskva davlat universiteti, M.Gupkin nomidagi Rossiya neft va gaz davlat universiteti, Singapur menejmentni rivojlantirish instituti, Italiyaning Turin politexnika universiteti filiallari ish boshladi. Shuningdek, Toshkentda G.V. Plexanov nomidagi Rossiya iqtisodiyot akademiyasi va Janubiy Koreyaning Inha universiteti filiallari ham o'zbek yoshlariga o'z ta'lim sirlarini o'rgatmoqdalar.

### MUHOKAMA

Prezidentimizning 2019-yil, 6-sentyabrda "Professional ta'lim tizimini yanada takomillashtirishga doir qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi Farmoni qabul qilindi. Mazkur Farmon O'zbekiston tarixida yangi professional ta'lim tizimini tashkil etishga asos bo'lgan bo'lsa, 2020-yil, 24-yanvarda davlatimiz rahbari o'z Murojaatnomasida "Joriy o'quv yilidan boshlab, mutlaqo yangi professional ta'lim tizimi yo'lga qo'yilib, kasb-hunar maktablari, kollejlari va texnikumlar tashkil etiladi" deb mazkur tizimning ahamiyatini yana bir bor alohida ta'kidladi.

Qaror bilan uzluksiz boshlang'ich, o'rta va o'rta maxsus professional ta'lim to'g'risidagi nizom, Boshlang'ich professional ta'lim bosqichida kadrlar tayyorlaydigan kasb-hunar maktablarining namunaviy ustavi, O'rta professional ta'lim bosqichida kadrlar tayyorlaydigan kollejlarning namunaviy ustavi hamda O'rta maxsus professional ta'lim bosqichida kadrlar tayyorlaydigan texnikumlarning ustavi tasdiqlandi. Dunyodagi zamonaviy o'quv dasturlari, o'qitish metodikalarini o'rganib, yurtimiz umumta'lim maktablarida joriy qilish muhimligi ta'kidlandi. Xalq ta'limi vazirligiga ushbu tajriba asosida Milliy o'quv dasturini ishlab chiqib, 2021/2022 o'quv yilidan boshlab ta'lim jarayoniga sinov tariqasida tatbiq etish vazifasi qo'yildi. Yangi metodikani samarali yo'lga qo'yish uchun barcha maktab o'qituvchilari videoaloqa orqali xorijiy mutaxassislar ishtirokida o'qitiladi. Yurtboshimiz Shavkat Miromonovich Mirziyoyev ta'kidlaganlaridek, "Ana shu muhim yo'nalishlarda boshlagan ishlarimizni davom ettirish va yangi, yuksak bosqichga ko'tarish maqsadida kirib kelayotgan 2021- yilga mamlakatimizda "Yoshlarni qo'llab-quvvatlash va aholi salomatligini mustahkamlash yili", deb nom berishni taklif etaman.

### XULOSA

Xulosa qilib shuni aytishimiz mumkin-ki yurtimizda biz yoshlarga berilyotgan imkoniyatdan to'g'ri foydalangan holda kuchli bilimli kadrlar bo'lib yetishishimiz zarur. Zero, davlatimiz kelajagi -bu biz bu bugungi yoshlar. Agarda biz hozir yoshlarimizga bilim va tarbiya bermasak hech qachon rivojlanmaymiz va oldinga siljimaymiz. Chunki rivojlangan davlatlarga e'tibor qaratsak bu davlatlar eng avvalo yoshlarga bilim bergan holda shunday darajaga erishgan. Bobolarimiz aytganday "Ilm qayda bo'lsa buyuklik bo'lar". Bu so'z hozirgi kunda yaqqol tasdiqini topmoqda. Negaki, zamon tez rivojlanmoqda biz bugun o'qimasak ertga kech bo'ladi. Birgina misol tariqasida axborot texnologiyalari sohasini olaylik. Bu sohada bugun chiqqan yangilik ertaga eskirmoqda va bizdan buni yuqori malakali kadrlar tayyorlashni talab



etadi. Yoshlarning o'zi qiziqqan kasb egasi bo'lishi bilan bir qatorda sport mashg'ulotlariga jalb etish bo'yicha olib borilayotgan tadbirlar ham yuqori ko'rsatkichlarga ko'tarilgan. Bugungi kun yoshlar ma'naviyatini asrashi, vatan kelajagi uchun mustahkam poyedevor bo'laoladigan munosib farzand bo'lishi, oldiga qo'ygan ezgu maqsadlarini tomon mardonavor qadam tashlashi, buyuk ajdodlar izi ekanimizni anglamog'i, qadimiy tariximiz va boy madaniyatimizni, ulug' ajdodlarimiz merosini chuqur o'zlashtirishi bugungi tez o'zgarayotgan hayot voqeligiga ongli qarab mustaqil fikrlashi va ona vatanimizdagi sodir bo'layotgan barcha jarayonlarga daxldorlik hissi bilan yashashi, eng muhimi otamizdan meros istiqlolni jon-u tan bilan asramog'i lozim.

***Foydalanilgan adabiyotlar:***

1. O'zbekiston Respublikasining Konsititutsiyasi. Toshkent, "O'zbekiston", 2001, 13-bet.
2. Sotsiologiya, Toshkent, 2009, 38-39-betlar.
3. O'zbekiston Tarixi, Toshkent. O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'lim vazirligi, 2018, 77-bet.
4. O'zbekiston respublikasi prezidenti Shavkat Mirziyoyev, "Oliy Majlisga murojaatnomasi"dan, 2020-yil 29-dekabr.

## ПОНЯТИЕ «ПРЕДЛОЖЕНИЕ» В КОРЕЙСКОМ ЯЗЫКЕ

Насуллаева Дилноза Бахадировна

Университет мировой экономики и дипломатии

Преподаватель кафедры Восточных языков

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6710558>

**Аннотация.** *Корейский язык очень особенный. Он содержит определенные правила и нормы, непонятные носителям других языков, особенно русского. В данном исследовании рассматриваются понятие речи в корейском языке, ее структура, особенности построения, семантико-синтаксические конструкции, а также особенности грамматического образования неполных предложений в корейском языке, разные уровни семантических признаков неполных предложений и грамматических изменений в предложениях и детали их правил перевода.*

**Ключевые слова:** *корейский язык, семантическая структура, семантико-синтаксическая структура, предложения, сложные предложения.*

## THE CONCEPT OF "SENTENCES" IN KOREAN LANGUAGE

**Abstract.** *Korean is a very special language. It contains certain rules and norms that are incomprehensible to speakers of other languages, especially Russian. In this research article, the concept of speech in Korean, it's structure, construction features, semantic-syntactic constructions, as well as the peculiarities of grammatical formation of incomplete sentences in Korean language, different levels of semantic features of incomplete sentences and grammatical changes in sentences and their translation rules detailed information is given.*

**Keywords:** *Korean language, semantic structure, semantic-syntactic structure, sentences, compound sentences.*

## ВВЕДЕНИЕ

Корейский язык довольно специфичен. Он несет в себе определенные правила и нормы, которые не всегда понятны носителям других языков, в особенности носителям русского языка в силу принадлежности двух языков к разным языковым семействам. На сегодняшний день существует достаточное количество научных работ ведущих лингвистов мира, но даже все работы в совокупности не могут передать всю специфику корейского языка, а также определить четкие границы того, где заканчиваются одни правила в языке и начинаются другие.

Современный подход к анализу синтаксических единиц разного уровня характеризуется стремлением к комплексному описанию, охватывающему их структурную организацию, семантическое содержание и закономерности функционирования. Все указанные аспекты традиционно находились в поле зрения языковедов. Однако абсолютную позицию в этой триаде занимала структурная организация.

Несмотря на достаточно длительную традицию изучения грамматики корейского языка, многие синтаксические проблемы корейского языка остаются не только недостаточно детально изученными, но в известных случаях даже недостаточно подробно описанными.

В последние десятилетия семантико-синтаксические аспекты языка, его функциональные характеристики стали предметом самостоятельных систематических исследований, что и позволяет сегодня значительно расширить сферу изучения формализованных синтаксических средств.

Данное исследование посвящено изучению грамматико-семантических особенностей неполных предложений, в частности, корейского языка. В настоящее время языкознание в национальных республиках, в том числе и в Узбекистане, достигло больших успехов.

Вышли в свет различные монографии, успешно защищен ряд диссертаций. Однако многие частные темы до сих пор не получили глубокого научного освещения. К таким темам относится и изучение неполных предложений в современном корейском языке. Изучение неполных предложений неразрывно связано с изучением предложения как синтаксической категории вообще, в связи с чем в работе уделяется внимание конструктивно-грамматическим признакам предложения и принципам классификации их функциональных типов.

### МАТЕРИАЛЫ И МЕТОДЫ

#### ***Foydalanilgan adabiyotlar***

1. Karimov I.A. Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch. – T.: «Ma'naviyat», 2008.
2. Sarsenbayeva R. Talabalar mustaqil ta'limini tashkil etish metodikasi. O'quv-uslubiy qo'llanma. – T.: TMI. –108-b.
3. Rashidov X. va boshqalar. «Kasbiy pedagogika» blokini o'qitish metodikasi. / O'quv- uslubiy qo'llanma (Malaka oshirish va qayta tayyorlash kurslari uchun). – T.: O'MKHTTKMO va UQTI, 2007.
4. Tojiboyeva D. Maxsus fanlarni o'qitish metodikasi. O'quv qo'llanma. – T.: «Fan va texnologiya», 2007. –541-b.

## TA'LIM JARAYONIDA INTERFAOL METODLARNING O'RNI

Sarvinoz Rahimjonova To'liqin qizi

Qo'qon universiteti Iqtisodiyot va ta'lim fakulteti 3-bosqich talabasi

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6710890>

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada amaliy darslarda interfaol metodlar asosida darslar o'tish va klaster usulidan qanday darsdan tashqari foydalanish haqida tavsiya keltirilgan.

**Kalit so'zlar:** interfaol metod, o'qituvchi, usul, klaster, klaster yondashuvi, yo'l xaritasi.

## РОЛЬ ИНТЕРАКТИВНЫХ МЕТОДОВ В ОБРАЗОВАТЕЛЬНОМ ПРОЦЕССЕ

**Аннотация.** В этой статье даны советы о том, как использовать интерактивные методы на практических занятиях и как использовать кластерный метод вне класса.

**Ключевые слова:** интерактивный метод, учитель, метод, кластер, кластерный подход, дорожная карта.

## THE ROLE OF INTERACTIVE METHODS IN THE EDUCATIONAL PROCESS

**Abstract:** This article provides advice on how to use interactive methods in practical lessons and how to use the cluster method outside of class.

**Keywords:** interactive method, teacher, method, cluster, cluster approach, roadmap.

## KIRISH

Bugungi kun o'qituvchisidan o'ziga ishonib topshirilgan ma'suliyatli vazifani sidqidildan ado etish, kasbiy faoliyatida zamon bilan hamqadam faoliyat olib borish talab etiladi. Avvalo, har bir o'qituvchi o'z kasbiga mehr va ma'suliyat bilan yondoshib, o'tadigan har bir soat darsini muqaddas bilib yondoshib, o'tadigan har bir soat darsni muqaddas bilib bilib, unga zarracha xiyonat qilib bo'lmasligini his etish lozim. Buning uchun kundalik darsga puxta tayyorgarlik ko'rishi, eng zamonaviy texnologiyalarni o'z faoliyatida qo'llay turib, dars sifati va samaradorligini ta'minlay bilishi lozim.

## TADQIQOT MATERIALLARI VA METODOLOGIYASI

O'zliksiz ta'limning qay bo'g'ini rivojlanmasin boshqa bo'g'inlarga shuningdek, jamiyat, davlat rivojiga ta'sir yetish tabiiy yekanligini yurtimizning Birinchi Prezidenti Islom Karimov muallifligida ishlab chiqilgan. Bevosita rahbarligida hayotga tatbiq qilingan va dunyo mutaxasislari e'tiboriga sazovor bo'lgan Kadrlar tayyorlash milliy dasturining muvaffaqiyatli natijasida hayotning o'zi ko'rsatdi.

Umumiy o'rta ta'limda, oliy o'quv yurtlarida bugungi dolzarb vazifalardan biri bu, darslarda ta'lim samaradorligini oshirishga xizmat qiluvchi ilg'or pedagogik texnologiyalardan unumli va o'z o'rnida foydalanishdir.

Hozirgi kunda darslarni tashkil etishning zamonaviy usullaridan biri interfaol metodlardan foydalanishiga keng ahamiyat qaratilmoqda. Interfaol metodlar yordamida har bir darsda o'quvchilarni faol qilish jarayoniga undash, mustaqil ravishda aqliy faoliyatini rivojlantirishga imkoniyat yaratish mumkin.

Zamonaviy pedagogik interfaol metodlar asosida o'tilgan darslarda o'qituvchi va o'quvchilar fanlararo bog'lanishni, mavzularning mazmun mohiyatini chuqur tahlil etadi. Darsda muamoli vaziyatlar yaratiladi. Ba'zan o'qituvchi, ba'zan esa o'quvchilarning o'zlari muammoni

o'rtaga tashlaydilar va fikr yuritib, yechimni topishga intiladilar. Zamonaviy o'qituvchi har bir darsni qiziqarli va mazmunli tashkil yetishi zarur. O'qituvchi shunday metoddan foydalanishi kerakki, u darsda ortiqcha vaqtni olmasin, foydalanishda o'qituvchi ham, o'quvchi ham qiyinchilikka duch kelmasin. Shunday interfaol metodlardan biri bu «Klaster» metodidir. «Klaster» metodi pedagogik, didaktik strategiyaning muayyan shakli bo'lib, u ta'lim oluvchilarga ixtiyoriy muamolar xususida erkin, ochiq o'ylash va fikrlarni bimalol bayon etish uchun sharoit yaratishga yordam beradi.

### **TADQIQOT NATIJALARI**

Mazkur metod turli xil g'oyalar o'rtasidagi aloqalar fikrlash imkoniyatini beruvchi tuzilmani aniqlashni talab etadi. «Klaster» metodi aniq obyektga yo'naltirilmagan fikrlash shakli sanaladi. Undan foydalanish inson miya faolitiyatining ishlash tamoyili bilan bog'lig' ravishda amalga oshadi. Ushbu metod muayyan mavzuning ta'lim oluvchilar tomonidan chuqur hamda puxta o'zlashtirilguncha qadar fikrlash faoliyatining bir maromda bo'lishini ta'minlashiga xizmat qiladi. Klasterga ajratish, o'quvchilarga biror bir mavzu to'g'risida erkin va ochiq tarzda fikr yuritishiga yordam beradigan pedagogik strategiyadir.

«Klaster» so'zi g'ujm, bog'lam ma'nosini anglatadi. Biror mavzu bo'yicha klasterlar tuzishdan bu mavzuni mukammal o'rganmasdan oldin foydalanish maqsadga muvofiqdir.

Klaster usulini tuzish ketma-ketligi:

1. Katta qog'ozning o'rtasiga yoki sinf doskasiga yoxud yozish uchun foydalanish mumkin bo'lgan sathga kalit so'z hamda gap yoziladi.
2. Shu mavzuga tegishli deb hisoblangan va xayolga kelgan so'z va gaplar yoziladi.
3. Fikrlar tugamaguncha yoki vaqt tamom bo'lgunicha xayolga kelgan barcha fikrlar yozilaveradi.
4. Keltirilgan so'z va fikrlar mazmuni va yaqinligiga qarab toifalarga ajratib chiqiladi.

Stil va stil g'oyasiga muvofiq ishlab chiqilgan «Klaster» metodi puxta o'ylangan strategiya bo'lib undan ta'lim oluvchilar bilan yakka tartibda yoki guruh asosida tashkil etiladigan mashg'ulotlar jarayonida foydalanish mumkin.

Bu interfaol usulning afzalligi uning qo'llash natijalari. Klasterni qo'llash quyidagi afzalliklarga ega:

- U hamma jamoani o'qish jarayoniga, jalb etadi, ularga bu qiziqarli;
- Bolalar faol va ochiq gapirishadi, nega deganda ularda xato gapirishlik, noto'g'ri fikrni bayon etish qo'rquvlari bo'lmaydi.

Bu ishlarni amalga oshirishda quyidagi bilimdonlik mahoratlari oshadi:

- savol qo'yish mahorati;
- asosiysini ajrata olish;
- sabab-qidiruv aloqalarini o'rnatish va aqlli xulosalarni qurish;
- shaxsiydan umumiylikka o'tish, muammolarni butunligida tushunish;
- tahlillash va solishtirish;
- analoglarni o'tkazish.

### **MUHOKAMA**

Klaster usuli ishlatish darslarda bolalarga nima beradi? Bolalarni fikrlash qobiliyatini, ularni o'z fikrlarlarini aytishlarini rivojlantiradi. Bularning hammasi kuzatish natijalarida, yangi

bilim olish tajribasida, bir vaqt ichida bir nechta yo'nalishlarni ko'rishda, axborotlarni ijodiy jihatdan tahlillashni rivojlantiradi.

Klaster metodini darslarning hamma turlarida, har xil mavzularda ishlatsa bo'ladi. Masalan: o'quvchilarning darsga kechikishlarini, darsdan keyin uyga kech borishlarini tekshirish uchun ham bu "Klaster" metodidan unumli foydalansak ham bo'ladi. Aytishimiz mumkin, bu metod dars jarayonida foydalaniladi-ku? Qanday o'quvchining darsga kelib-ketishini, uyga darsdan so'ng kech borishini biz bu metod orqali tekshira olamiz? Degan bir kichik savol tug'iladi. Biz o'quvchilarimizga ularni qiziqtirish uchun oddiy topshiriq beramiz. Ya'ni har biringiz uylaringizdan maktabgacha bo'lgan masofani qanday yo'nalishlarda bosib o'tasiz? Maktabga kelayotganlaringizda nimalarni yo'lingizda ko'rasiz (bolalar bog'chasi, boshqa maktab hovlisi, cho'milish havzasi, sport maydonchasi, qurilish majmualari v.b.) ya'ni harakatlanish yo'l xaritangizni chizib keling deymiz.

### XULOSA

O'quvchilarimiz chizgan xaritalaridan biz ularning qanday yo'llardan yurishlarini, qayerlarda to'xtab qolishlarini, bilib olishimiz mumkin bo'ladi. Ushbu ular chizgan xarita asosida ularning yo'llari xavfsizligini, qayerda qolib ketishlarini, qaysi transportlarda, qaysi yo'nalishlarda kelishlarini bilib olamiz.

### *Foydalanilgan adabiyotlar*

1. Н.В.Яголина. К вопросам теории кластера. Омск: Издательство "СПБПТ", 2009.
2. Методика преподавания русского языка. Под. ред. Профессора М.Т.Баранова Москва, Просвещение 1990.
3. Ю.В.Громыко. Что такое кластер и как их создавать? Алманах "Восток"- 2007.
4. Baxriddinova M.R. (2020). THE LEXICOGRAPHICAL ASPECTS OF LEGAL TERMS IN GERMAN AND UZBEK LANGUAGES. Oriental Art and Culture, (V), 143-146.). T

## MULTIMEDIANI TA'LIMDA QO'LLASHNING ASOSIY AFZALLIKLARI

**Raxmonqulova Nargiza Baxromjon qizi**

Andijon davlat universiteti Fizika-matekatika fakulteti 3-bosqich talabasi

**Qosimjonova Xamidaxon Botirjon qizi**

Andijon davlat universiteti Fizika-matematika fakulteti 3-bosqich talabasi

**Tojiddinova Dilhumor Akramjon qizi**

Andijon davlat universiteti Fizika-matematika fakulteti 1-bosqich talabasi

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6711050>

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada ta'lim jarayonida multimedia vositalarini qo'llashning afzalliklari haqida yoritilgan. Bundan tashqari multimedia vositalarini xususiyatlari, maqsadlari va Meyer bo'yicha multimedaning samaraliligi tamoyillari tahlil etilgan.

**Kalit so'zlar:** zamonaviy texnologiyalar, multimedia resurslari, kompyuter vositalari, multimedia injiniringi, ma'lumotlar ombori.

## ОСНОВНЫЕ ПРЕИМУЩЕСТВА МУЛЬТИМЕДИИ В ОБРАЗОВАНИИ

**Аннотация.** В данной статье рассматриваются преимущества использования мультимедиа в образовании. В ней также анализируются характеристики, цели и принципы эффективности мультимедии Мейера.

**Ключевые слова:** современные технологии, мультимедийные ресурсы, компьютерные средства, мультимедийная инженерия, база данных.

## MAIN ADVANTAGES OF MULTIMEDIA IN EDUCATION

**Abstract.** This article discusses the benefits of using multimedia in education. It also analyzes the characteristics, goals and principles of effectiveness of Meyer's multimedia.

**Key words:** modern technologies, multimedia resources, computer facilities, multimedia engineering, database.

## KIRISH

Zamonaviy axborot texnologiyalari jamiyatimiz rivojlanishiga ta'sir etuvchi eng muhim omillardan biri hisoblanadi. Hozirda rivojlanib borayotgan multimedia texnologiyalari insoniyat taraqqiyotining turli bosqichlarida mavjud bo'lib, hozirgi zamon axborotlashgan jamiyatida yetakchi o'rin egallamoqda. Bugungi kunda ilg'or pedagogik axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini keng ko'lamda joriy etish bo'yicha chora-tadbirlarni ishlab chiqish taqozo etilmoqda. Hozirgi davrda ko'plab kompaniya va firmalarda seminarlar, uchrashuvlar, treninglar va boshqa tadbirlarni o'tkazish uchun turli kompyuter texnologiyalaridan foydalanilmoqda. Ma'lumot mazmunga boy, esda qoladigan va ko'rgazmali bo'lishi uchun ko'proq multimedia texnologiyalari ishlatiladi.

## TADQIQOT MATERIALLARI VA METODOLOGIYASI

*Multimedia* – bu bir necha ma'lumot taqdim etish vositalarining bir tizimga birlashishi. Odatda multimedia deganda matn, ovoz, grafika, multiplikatsiya, videotasvir va fazoviy modellashtirish kabi ma'lumot taqdim etish vositalarining kompyuter tizimidagi birlashishi tushuniladi.

Multimedia texnologiyalariga qiziqish amerikalik kompyuter mutaxassisi biznesmen Bill Geytsning nomi bilan bog'liq. 80 yillarga kelib u ("National Art Gallery. London") nomli dasturiy



mahsulotni yaratgan. Bu multimedia dasturida muzeyning ma'lumot omborlaridan foydalanilgan. Bunda turli muhitlardan – tasvir, tovush, animatsiya, gipermatn tizimi namoyon qilingan. Aynan mana shu multimedia dasturi o'z ichiga multimedianting uchta asosiy tamoyilini qamrab olgan. - Axborotni odam qabul qila oladigan bir nechta muhit yordamida tasvirlash. (multi ko'p va media - muhit);

- Foydalanuvchi tomonidan - mustaqil qidiruv asosida dastur chegaralaridan chiqib ketmagan holda, o'zining mustaqil usullarini qo'llash;
- Navigatsiya vositalari va interfeys dizaynidan foydalanish.

*Multimedia injiniringi* – bu multimediali dasturiy mahsulotning interfeysi va imkoniyatlarini foydalanuvchi talabidan kelib chiqqan holda aniqlash jarayoniga aytiladi. Multimedia injiniringi bir vaqtning o'zida ma'lumot taqdim etishning bir necha usullaridan foydalanishga imkon beradi: matn, grafika, animatsiya, video va audio. Multimedianting eng muhim xususiyati interfaollik – axborot muhiti ishlashida foydalanuvchiga ta'sir o'tkaza olishga qodirligi hisoblanadi. Multimedia texnologiyalarining asosiy maqsadi – tovush, video, animatsiya va boshqa vizual effektlar bilan ta'minlangan dasturiy vositalarni yaratishdan iboratdir. Bunda multimedia dasturiy mahsulotlari o'z ichiga interfaol interfeys va boshqarish mexanizmlarini qamrab oladi. Undan tashqari multimedia texnologiyasidan foydalanuvchi o'zi dizayn bilan shug'ullana olishiga imkon beradi, shuningdek statik (xarakatsiz) va dinamik (xarakatlanuvchi) tasvirlarni yaratishi hamda o'z ijodiy ishining natijalarini aloqa kanallari orqali tashqi muxitga tarqatishi mumkin. Multimedia texnologiyalarining asosiy afzalliklari va xususiyatlariga quyidagilar tegishli:

- bitta axborot tashuvchisida katta xajmli turli ma'lumotlarni saqlash imkoniyati ( 20 ta tomga yaqin matnlar, 2000 va undan xam ko'p yuqori sifatli tasvirlar, 30 – 45 minutli videoyozuvlar, 7 soatga teng tovush ma'lumotlari);
- ekranda tasvirni yoki uning ayrim fragmentlarini kattalashtirish imkoniyati. (rejim - lupa).

Tasvirni sifatini saqlab qolgan holda 20 marotabagacha kattalashtirish mumkin. Bu imkoniyatdan tarixiy xujjatlar va san'at asarlarini taqdimotidan foydalanish mumkin;

- tasvirlarni taqqoslash va turli dasturiy vositalar yordamida ularni qayta ishlash;
- film va videotasmalardagi videofragmentlardan va effektlaridan foydalanish;
- ma'lumotlar omborini disk mundarijasiga kiritish, obrazlarning qayta ishlash usullari va animatsiya imkoniyatlari;
- Internet tarmog'iga ulanish imkoniyati;
- turli matn, grafika va tovush muharrirlari va kartografik ma'lumotlar bilan ishlash imkoniyatlari;
- avtomatik ravishda dasturiy mahsulotning umumiy mundarijasini ko'rib chiqish (slyd-shou) yoki animatsiya va tovush bilan ta'minlangan yo'lboshlovchi, ya'ni gidni yaratish;

### **TADQIQOT NATIJALARI**

Hozirgi vaqtda multimedia texnologiyalari inson faoliyatining biznes, ta'lim, tibbiyot va boshqa shu singari turli sohalarida qo'llanilishini ko'rish mumkin. Ushbu faoliyat yo'nalishlarida multimedia mahsulotlarini yaratish uchun keng ko'lamdagi dasturiy mahsulotlar mavjud. Ulardan ba'zilar multimedianting alohida komponentlari bilan ishlashga mo'ljallangan. Multimedia texnologiyalaridan oddiy foydalanuvchilar ko'plab maqsadlarda foydalanishi mumkin. Ular quyidagicha:

- O'qitish dasturlarida – bunda o'qitish jarayonida turli rasmlar animatsiyalar, elektron darslik, elektron kitob va elektron o'quv qo'llanmalar bo'lishi mumkin.
- Ensiklopediyalar – bu biror–bir atamani yoki ilovani tushuntirishda turli multimedia ilovalarini qo'llash.
- Ma'lumotnomalar – berilayotgan ma'lumotni turli shaklda keltirish va tushinishni osonlashtirish.
- Grafik paketlar – turli grafik ilovalar ustida ishlash imkoniyatini beruvchi dasturlar.
- Musiqa tahrirlovchilar – musiqa fayllari ustida turli amallar bajarish.

Talab darajasida to'g'ri ishlab chiqilgan multimedia mahsulotlari matnli axborotga qaraganda birmuncha ilg'or usul bo'lib, o'quvchilarda aniq va samarali mental model (tasavvur) shakllanishiga yordam beradi. O'tkazilgan kompleks tadqiqot natijalariga ko'ra (Shephard – Shepard) to'g'ri ishlab chiqilgan multimedia mahsulotlari bir qancha afzalliklarga ega: 1. Muqobil istiqbollari; 2. Faol ishtirok; 3. Tezkor ta'lim olish; 4. Bilimlarni xotirada saqlash va qo'llay olish; 5. Muammolarni yechish va qaror qabul qilish ko'nikmalari; 6. Tizimli ravishda tushuna boorish; 7. Yuqori darajadagi tafakkur; 8. Mustaqillik va e'tiborlilik; 9. Axborotlar ketma-ketligi va tezligini (temp) boshqarish; 10. Qo'llab-quvvatlash axborotlaridan foydalanish imkoniyatlari.

Multimedia materiallarining potentsial afzalliklari haqida Meyer (Mayer) ham aytib o'tgan. Tinglovchiga video va audio axborotlarni qabul qilish imkoniyatini yaratgan holda, alohida olingan ushbu imkoniyatlarning har biridan ham ko'ra multimedialarning ma'lum ustunligi mavjud. Ushbu ikkita axborotni qabul qilish kanallarining bir-biridan keskin farq qilishiga qaramasdan, ularning multimedialdagi kombinatsiyasi juda ham muvaffaqiyatli chiqqan, chunki bunda ikkala tizimning ham afzalliklaridan samarali foydalaniladi. Matn va grafika o'rtasidagi aloqalar mavzuni chuqurroq tushunishga va mental model (tasavvur)ning yaxshiroq shakllanishiga keng imkoniyatlar yaratadi.

### MUHOKAMA

Ta'kidlash mumkinki, multimedia resurslari ta'lim jarayoniga juda ham ijobiy ta'sir ko'rsatadi, lekin ushbu resurslarni yaratishga e'tibor bilan yondashish zarur. Ta'lim jarayonida multimedia qanday ishlaydi? Samarali ishlab chiqilgan ta'lim muhiti (shu jumladan, multimedial ta'lim muhiti) quyidagi 4 ta elementni o'z ichiga qamrab oladi: 1. Axborotlarni aks ettirish; 2. Ishni nimadan boshlash va qanday davom ettirish bo'yicha qo'llanma; 3. Tushunish va xotirada saqlab qolish uchun mashqlar; 4. O'tilganlarni takrorlash yoki keyingi bosqich (qadam)ga o'tish zarurligini aniqlash uchun o'zini baholash.

*Meyer bo'yicha multimedialarning samaraliligi tamoyillari.* Multimedial taqdimot – bugungi kunda axborot taqdim etishning yagona va eng zamonaviy shakllaridan biri hisoblanadi. Multimedial taqdimot matnli ma'lumotlar, rasmlar, slayd-shou, diktir jo'rligidagi ovoz bilan boyitilgan, videoparcha va animatsiya, uch o'lchamli grafika tarzidagi dasturiy ta'minot bo'lishi mumkin. Taqdimotning ma'lumot taqdim etishning boshqa shakllaridan asosiy farqi ularning mazmunan boyitilganligi va interfaoligidir, ya'ni belgilangan shaklda o'zgarishga moyilligi va foydalanuvchi faoliyatiga munosabatini bildirishidir. Bundan tashqari, taqdimot Sizning saytingiz kaliti ham bo'lishi mumkin. Ya'ni Internetga chiqish imkoniyati mavjud bo'lgan paytda sichqonchani bir martagina bosish orqali taqdimotni ko'rib, kompaniya saytidan eng yangi ma'lumotni olish mumkin.

### XULOSA

Multimedia dasturlari orqali o'qitish o'quv materialining mazmuniy komponentlarini keng ko'lamda tizimga keltirishga ko'maklashadi, ta'lim oluvchilarga ta'limning to'liq yoki qisqartirilgan variantlarini erkin tanlash va o'tish imkonini beradi. Ta'lim vositalarining yangi shakli nafaqat muloqot, axborotlarni uzatish uchun yangi imkoniyatlarning vujudga kelishiga, balki an'anaviy ta'lim va ma'lum ommaviy axborot vositalari bilan taqqoslaganda zamonaviy madaniyatda o'zgacha o'rin olgan yangi muammolarning, yechimlarning, yangi kesishish nuqtalarining vujudga kelishi uchun ham imkoniyatlar yaratadi.

*Foydalanilgan adabiyotlar:*

1. Gulyamov S.S., Ayupov R.X. Миллий иктисодиётда рақамли технологиялардан фойдаланишнинг стратегик аҳамияти. Тошкент, [www.UzA.uz](http://www.UzA.uz), УзМАО – Ўзбекистон Миллий Ахборот Агентлиги «Электрон журналы», УзМАО Ахборотномаси, 2019 йил октябрь;
2. [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)
3. Mamarajabov M.E., Tursunov S Q. Kompvuter grafikasi va web-di/.ayn. T. Cho'lon. 374-b. 2013 yil;
4. S.Q.Tursunov, I.U.Nazarov T aaimd a axborot texnologiyalari. Pedagogika oliy ta'lim muassasalari talabalari uchun darslik. T.: "Adabiyot uchqunlari" nashriyoti, 2019-yil;
5. [www.tuit.uz](http://www.tuit.uz) (Toshkent axborot texnologiyalari universiteti rasmiy sayti);
6. T.Rixsiboyev. X.Rixsiboyeva, S.Tursunov. Kompyuter grafikasi. Darslik. Toshkent: "Tafakkur qanoti", 2018-yil;

## ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎҚИТИШДА ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Юсупжонова Феруза Курбановна

Фарғона давлат университетининг Гуманитар йўналишлараро чет тиллари  
кафедраси инглиз тили фани ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6717769>

**Аннотация.** Мақолада замонавий педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда талабаларни инглиз тилига ўргатишнинг йўллари ҳақида фикр юритилган. Асосий эътибор тинглаб тушуниш, уйда мутолаа қилиш каби аспектларга қаратилган.

**Таянч иборалар:** аспект, фантазия, интерактив, лингвистик қисм, психологик қисм, методик қисм.

## ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ПРОГРЕССИВНЫХ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ТЕХНОЛОГИЙ В ПРЕПОДАВАНИИ АНГЛИЙСКОГО ЯЗЫКА

**Аннотация.** В статье идет речь о методах использования современных педагогических технологий при обучении студентов английскому языку. Основное внимание уделяется таким аспектам, как домашнее чтение и аудирование.

**Ключевые слова:** аспект, фантазия, интерактив, лингвистическая часть, психологическая часть, методическая часть.

## IMPLEMENTATION OF PROGRESSIVE INNOVATION TECHNOLOGIES IN ENGLISH TEACHING

**Abstract.** The article refers to the methods of using modern methods of pedagogical resources in teaching English for students. It focuses on aspects such as home reading and listening.

**Keywords:** fantasy, issues, interactive, linguistic part, psychological part, methodical part.

## КИРИШ

Бугунги таълим муассасаларида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг илғор услубларини қўллаб, чет тилларига ўқитиш, шу тилларда эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш учун кенг имкониятлар яратилган.

Одатда, ўқитувчи хорижий тилни ўргатиш, ўқитиш усулини ўзи танлайди. Ўқитишнинг мазмуни деярли ўзгармайди, аммо уни талабаларга етказиш усули ўзгариши мумкин.

Ўқитишнинг бир қанча усуллари мавжуд. Дарс жараёнида қуйидаги ўқитиш усулларидан фойдаланиш мумкин. Масалан:

Маъруза.

Мисол келтириш.

Намойиш қилиш.

Баҳс-мунозара.

Савол-жавоблар.

Бу усуллар талабалар билан мулоқот қилиш, шунингдек, қўйилган мақсадга йўналтирилган фикрларни ёритиш усули ёки шаклидир. Ўқитувчи муайян вазият ёки дарс учун мос усулни танлай билиши керак. Ўқитишнинг мос ва самарали усулини танлаш учун бир қанча омилларни ҳисобга олиш зарур.

Талабаларнинг сони.

Муайян вазият.

Усулнинг қўйилган мақсадга мос келиши.

Агар бирор матн муҳокама қилинса, талабаларни кичик гуруҳларга бўлиб, жамоа йўли билан баҳс-мунозара ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Бу усулда техник восита – аудиоёзувлардан фойдаланиш мумкин. Усулларни қўллаганда вақтни доимо ҳисобга олиш зарур.

Ақлий ҳужум (Brain storming) усули. Ушбу усул талабаларнинг фаол иштироки ҳамда уларнинг билим савиялари даражасини намоён қилади. Бу талабаларни ғоялар ўйлаб топишга ундайди, эркин мулоқотда бўлиш имконини беради ва натижада анча фикрлар тўпланади. Ўқитувчи эса жараён мобайнида назоратчи ҳисобланади. Талабаларнинг ғоялари унчалик муваффақиятли бўлмаса-да, ўқитувчи уларни танқид қилиши мумкин эмас. Аксинча, талабаларнинг ижодий тафаккури рағбатлантириб борилиши зарур. Дарс тез берилган жавобларни рағбатлантириш, уларни тўлдириш, талабаларни баҳолаш билан яқунланади.

### **ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ**

Савол-жавоблар ва расмий ўйинлар (Discussion) усули дарсларни янада мазмунли ва қизиқарли ўтишга имкон беради. Талаба хато қилишдан қўрқмай, эркин ўз фикрини айта олиши керак. Бундай муҳит дарсда ҳосил қилиниши лозим. Ўйин орқали ўқитишнинг технологиясида талабанинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

1. Қўйилган жавоблар ва эътирозларни ўйлаш.
2. Ўз билимига ишониш.

Ўйиннинг аҳамияти шундаки, ўқитувчида талабаларни улар эркин ҳолда фаолият кўрсатаётган пайтда кузатиш имконияти бўлади. Натижада талабаларнинг фаоллиги, фантазиялари, ижодий қобилиятлари, ишчанликлари, жамоада ўзини тутишлари ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўлиш мумкин. Талабалар бир нечта гуруҳларга бўлинадилар. Гуруҳларнинг ҳар бир аъзоси ўз вазифаларини аниқ билишлари керак. Ўйиннинг вақти чекланган бўлиши, у яқунлангач эса ўйин натижалари таҳлил қилиниши лозим. Ўйин орқали ўқитиш технологиялари ҳам ўқув- тарбиявий жараёнда талабаларнинг чуқур билим олишига кенг имкониятлар яратиб беради. Инглиз тилини ўргатишда талабаларни қизиқтириб ўқитиш ва билимларни тўлиқ ўзлаштиришларига эришиш замонавий педагогик технологияларнинг асосий мақсадларидан бири ҳисобланади.

Инглиз тилини ўқитиш усулларида яна бири – замонавий интерактив усулидир. Усул мазмунига кўра, дарсда янги грамматик мавзу эълон қилиниб, ўқитувчи уни турли йўллар, яъни доскага ҳар хил чизмалар чизиш, ҳаракатлар билан кўрсатиш, аввалги ўтилган мавзу билан таққослаш билан тушунтириши, мустаҳкамловчи саволлар билан талабаларни фикрлашга жалб этиши лозим. Фонетик машғулотларда эса, асосан, аудиоматндаги қисқа суҳбатлар тингланиб, ушбу аудиоматндаги суҳбатга айнан мос бўлган, сўзлари тушириб қолдирилган қоғоздаги матн тўлдирилади. Талабага берилган матн билан аудиоматндаги

сухбат бир хил бўлади. Матн ўта зийраклик билан тингланиб, янги ибораларни ёдда сақлаб қолгандагина, талаба шартни муваффақиятли бажариши мумкин. Бунда тинглаб тушуниш орқали оғзаки нутқ, кўникма ва малакалар шаклланиб боради. Тинглаб тушуниш ўқиш жараёни билан чамбарчас боғлиқдир. Тингловчи ўқиган сўзларини яхши эслаб қолади ва тинглаганида яхши тушунади. Тинглаб тушунишни ўргатишнинг мазмунини Г.В.Рогова уч қисмга бўлади:

1. Лингвистик қисм. Бунга тил ва нутқ материали киради.
2. Психологик қисм. Бу овозли нутқни тинглаш, тушуниш малака ва кўникмасини ҳосил қилишдир.
3. Методик қисм. Тингловчиларга тинглаш усулларини ўргатиш ҳамда тинглаб тушуниш технологияси орқали қонун-қоида, тамойиллар, методлар, воситалар орқали ўргатиш амалга оширилади.

### ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Ўқитиш жараёнида тинглаб тушуниш устида ишлаганда, кундалик янгиликлар, тили ўрганилаётган мамлакат халқлари ҳаёти, маданияти, тарихи ҳақида матнларнинг бўлиши тингловчиларнинг қизиқишларини янада орттиради. Ўқитувчи тинглаб тушунишни ўргатаётганида, яъни тингловчи нотаниш мазмундаги нутқни тинглаганида қуйидагиларга эътибор бериши зарур:

1. Айрим сўзларни, гапларни, жумлаларни тушуниш (fragmenting comprehension).
2. Ҳамма далил-фикрларни тўлиқ тушуниш (comprehension in details).
3. Асосий далил-фикрларни юзаки тушуниш (overall comprehension).
4. Танқидий тушуниш (critical comprehension).

Ўқитувчи эшиттириш учун матн танлаганида, тингловчиларнинг ёши, билим даражаси, ўзлаштиришларини ҳисобга олиши зарур. Мисол учун, бирор нотаниш матн танланади. Матндаги нотаниш сўзлар, иборалар матн сарлавҳаси доскага ёзилади. Матн юзасидан савол-жавоблар ҳам ўтказилиши мумкин.

Тинглаб тушунишга ўргатиш жараёни қуйидаги босқичлар орқали амалга оширилади:

Activity:

1. Before listening.

Матн сарлавҳаси ва саволлар доскага ёзилади.

At the party:

(Amy Smith and Mike Thompson)

1. Where did Mike meet Amy?
2. When was last time they met?
3. What was his job then?
4. What does he do?
5. What is he studying at the moment?

2. While listening.

Сухбат (диалог) эшиттирилади. Тингловчилар доскага ёзилган саволларга матндан жавоб топадилар. Агар зарурият бўлса, матн яна 1–2 марта қайта эшиттирилиши мумкин.

Answers:

1. They met at the party.



2. It was two years ago.
3. He was a pizza delivery man then.
4. He is a steward.
5. He is studying to be a pilot.

After listening.

Тингловчилар саволларга жавоб берадилар. Улар тушунмаган сўз ва иборалар доскага ёзилади ва таржимаси тушунтирилади. Тингловчиларнинг жавоблари бир-бирлариники билан таққосланади. Тўғри жавоблар доскага ёзилиши мумкин.

### МУҲОКАМА

Яна шуни ҳам айтиш жоизки, инглиз тилини ўқитиш давомида уйда ўқиш (home reading) машғулоти ҳам олиб борилади. Уйда ўқиш талабаларни турли хил мавзуларда чет тилида сўзлашиш жараёнига беихтиёр жалб қилиш учун қулай ва бой манба ҳисобланади. Таълим олувчиларнинг сўз бойлиги ва фикрлаш қобилиятлари кенгаяди. Оригинал адабиётни ўқиш босқичма-босқич амалга оширилади. Масалан: “Jane Eyre” асари мисолида қуйидаги машқлар бажарилиши мумкин:

I. Нотаниш сўзлар устида ишлаш.

Тингловчилар учун нотаниш бўлган қуйидаги сўзлар ва иборалар доскага ёзилади ҳамда уларнинг талаффуз қилиниши тингловчиларга тушунтирилади:

Lovable – ёқимтой.

An orphan – етим.

To shake with fear (shook, shaken) – қўрқув билан қимирлатиш.

Without doubt – иккиланишсиз.

To earn one's living – яшаш учун пул топмоқ.

II. Мавзу юзасидан савол-жавоблар:

1. Why was Jane living with the Reed family?
2. Where did Jane go?
3. How did Jane live in Lowood?
4. Whom did she meet there?
5. Why do you think Jane didn't wish to be noticed by Mr. Rochester's guest?

III. Предлог қўйиш машқлари:

1. There I found a book ... pictures.
2. The two girls never played ... me.
3. Then one day I looked ... my window.
4. One dark night a week latter, I arrived ... Lowood.

IV. Сўзларни жой-жойига қўйиб гаплар тузиш:

1. Explain, someday, I, shall, you, to.
2. Two, at, young, around, women, sat, table.
3. He, ask, did, to, marry, him, you.
4. Where, the, fire, Mr. Rochester, after, go, did.

Бундан ташқари, тингловчиларни уй ўқиши жараёнида иншо ёзишга ҳам ўргатиш мумкин. Улар иншо мавзулари билан танишгач, хоҳлаган мавзунини танлаб уйда иншо ёзишлари мумкин.

Масалан:

1. Сиз ёқтирган асар қаҳрамони.
2. Асардаги салбий ва ижобий образларга характеристика беринг.
3. Жейн Эйрнинг болалик даври.
4. Асарнинг асосий қаҳрамони ҳақида фикр- мулоҳазаларингиз ва ҳоказо.

Бунда лексик-грамматик қийинчиликлар вужудга келади. Талабаларни ўз фикрларини билдиришга ундаш, матн мавзусини ёритишга қисман ўқитувчининг ўзи ҳам ёрдам бериб туриши керак.

Кейинги услуб кичик грамматик тестларни топшириш бўлиб, у икки гуруҳга бўлинган ҳолда олиб борилади. Биринчи гуруҳ вакили бирор (уйга вазифа қилиб берилган) сўзни ўзбек тилида айтади. Иккинчи гуруҳ вакили доскага чиқиб, дастлаб сўзнинг инглизча таржимасини айтади, кейин сўзни ҳарф ва транскрипциядаги шаклини ёзиб кўрсатади. Бу жараён шу тариқа давом этади. Дарс ниҳоясида доскада беҳато ёза олган талабалар рағбатлантирилади. Шунини айтиш жоизки, ўқитувчи дарс давомида вақтни тўғри тақсимлай олиши; дарс бошида ўтилган мавзуларни мустаҳкамлаши; ҳар бир дарсда янги усулларни қўллаши; ҳар бир дарс учун мос тарқатма материаллардан фойдаланиши мақсадга мувофиқдир.

#### ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, инглиз тилини ўқитиш жараёнида педагогик технологиялардан фойдаланиш талабаларнинг оғзаки нутқ, тинглаб тушуниш, ёзув, ўқиш кўникмаларини ўстиришга ва эркин мулоқот қилишларига амалий ёрдам беради.

#### *Фойдаланилган адабиётлар*

1. Ҳошимов Ў., Ёқубов И.. Инглиз тили ўқитиш методикаси. – Т.: “Шарқ”, 2003.
2. Charlotte Bronte. Jane Eyre. London, 1992. –Р. 93-95.
3. Рогова Г.В., Верещагина И.Н.. Методика обучения английскому языку на начальном этапе средней школы. – М., 1988.
4. Bakhromovich SI. The impact of managerial professional development on the effectiveness of Higher Education institution management. *Academicia: an international multidisciplinary research journal*. 2020;10(12):1014-20.
5. Siddikov, I. B. (2019). Философско-педагогические аспекты развития интеллектуальной культуры студентов. *Вестник Ошского государственного университета*, (3), 38-42.
6. Bakhromovich, S. I. Development trends and transformation processes in academic mobility in higher education in Uzbekistan and the world.
7. Bakhromovich, S. I. (2021). A comparative induction of the epistemological and theological views of medieval Islamic oriental scholars. *Berlin Studies Transnational Journal of Science and Humanities*, 1(1.7 Philosophical sciences).
8. Bakhromovich, S. I. (2021). Views on the role of science in human and society life in islamic teaching. *International Journal of Philosophical Studies and Social Sciences*, 1(3), 79-86.
9. Bakhromovich, S. I. (2020). Effects of Objective and Subjective Factors to Develop Intellectual Culture of Youth. *Canadian Social Science*, 16 (2), 55-59 p.
10. Bakhromovich, S. I. (2018). Social and philisophical performance of making youth's intellectual culture. *European science review*, (7-8).

11. Bakhromovich, S. I. (2020). Analysis Of Modern Approaches To Ensuring The Effectiveness Of Management In Higher Education Institutions. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 2(12), 364-369.
12. Bakhromovich, S. I. (2021). Philosophical comparative studies of the epistemological and theological views of medieval eastern scholars. *Turkish Journal of Physiotherapy and Rehabilitation*. Turkey, 2021. №32 (3), (Scopus) – P. 30338-30355
13. Bakhromovich, S. I. (2022). Dialectical and synergetic features of the development of theological and epistemological views in medieval eastern islam. *European Journal of Humanities and Educational Advancements (EJHEA)*, - Las Palmas, Spain, Volume 3, Issue 2 February, 2022. – P. 79-83

## TARBIYACHINING INNOVATSION FAOLIYATGA TAYYORLASHNING DIDAKTIK KOMPONENTLARI

**O‘rinova Feruzaxon Uljayevna**

pedagogika fanlari nomzodi,

Farg‘ona davlat universiteti Maktabgacha va boshlang‘ich ta‘lim fakulteti dotsenti

**Azizmatova Zaxro Nurmuxammad qizi, magistr**

Maktabgacha va boshlang‘ich ta‘lim fakulteti, Farg‘ona davlat universiteti

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6727168>

**Annotatsiya.** Maqolada ta‘limning zamonaviy sharoitida bo‘lajak tarbiyachi pedagoglarni zamon talablari darajasida innovatsion faoliyatga tayyorlash, hamda o‘quv faoliyatida uning bajarilish holati bayon etilgan.

**Kalit so‘zlar:** Raqobatbardosh mutaxassis, ta‘lim, innovatsion faoliyat, model, aqliy faoliyat madaniyati, ta‘limning inersion modeli, shaxsga yo‘naltirilgan, reproduktiv, mahsuldor ta‘lim.

## ДИДАКТИЧЕСКИЕ КОМПОНЕНТЫ ПОДГОТОВКИ ВОСПИТАТЕЛЯ К ИННОВАЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

**Аннотация.** В статье описывается подготовка будущих педагогов к инновационной деятельности на уровне современных требований в современных условиях образования, а также состояние ее реализации в образовательной деятельности.

**Ключевые слова:** конкурентоспособный специалист, образование, инновационная деятельность, модель, культура мыслительной деятельности, инерционная модель образования, личностно-ориентированное, репродуктивное, продуктивное образование.

## DIDACTIC COMPONENTS OF EDUCATOR TRAINING FOR INNOVATION

**Abstract.** The article describes the preparation of future teachers for innovative activities at the level of modern requirements in modern conditions of education, as well as the state of its implementation in educational activities.

**Key words:** competitive specialist, education, innovative activity, model, culture of mental activity, inertial model of education, student-oriented, reproductive, productive education.

## KIRISH

Innovatsion texnologiyalar jadallik bilan rivojlanib borayotgan bugungi davrda, ushbu texnologiyalar maktabgacha ta‘limda ham ustuvor ahamiyat kasb etmoqda. Ayniqsa yurtimizda keyingi yillarda ko‘plab izlanishlar natijasi sifatida yangicha yondashuvdagi ta‘limiy faoliyatlar amaliyotga tadbiq etilmoqda. Chunki innovatsion texnologiyalar ta‘lim samaradorligini ta‘minlabgina qolmay, bolalarda tarbiyaviy ta‘sir ko‘rsatishda ham beqiyos o‘rinni egallaydi. Zero, yurtboshimiz Sh. Mirziyoyev aytganlaridek: “Bugun biz davlat va jamiyat hayotining barcha sohalarini tubdan yangilashga qaratilgan innovatsion rivojlanish yo‘liga o‘tmoqdamiz. Bu bejizga emas, albatta. Chunki zamon shiddat bilan rivojlanib borayotgan hozirgi davrda kim yutadi? Yangi fikr, yangi g‘oyaga, innovatsiyaga tayangan davlat yutadi.

## TADQIQOT MATERIALLARI VA METODOLOGIYASI

Innovatsiya – bu kelajak degani. Biz buyuk kelajagimizni barpo etishni bugundan boshlaydigan bo'lsak, uni aynan innovatsion g'oyalar, innovatsion yondashuv asosida boshlashimiz kerak".

O'quvchi-talabalarning shaxsiy xislatlari pedagogik jarayonning subyekti sifatidan quyidagilarni o'z ichiga oladi: o'qitishning hozirgi va kelgusi bosqichlari uchun qabul qilingan o'quv-tarbiya jarayonining maqsadi, vazifasi va ko'rsatmalarni anglay bilish; intellektual mehnatning yangi turlarini egallash; maqsadga muvofiq kasbiy o'z-o'zini tarbiyalash va mustaqil tahsil olish, qiyinchiliklarni a'lo darajada yenga bi-lish, o'sish va mustahkam o'rin egallashning kengayotgan intellektual va kasbiy imkoniyatlari, istiqbollari bilan qoniqish, o'zining ijtimoiy roli funksiyasini bajarishda faol munosabatda bo'lish va hokazo.

Innovatsion pedagogik jarayonning eng muhim yo'nalishlaridan biri o'quvchi-talabalarning bilish faoliyatini rivojlantirish. Bunday yo'nalish o'quvchi-talabalarning o'quv jarayonini faollashtirishni, ularning kasbiy ixtisoslashishini aniqlab olish faolligini o'z ichiga oladi.

O'quvchi-talabalarning innovatsion faoliyatini yaratuvchilik jarayo-ni va ijodiy faoliyat sifatida baholash mumkin. Innovatsion faoliyatga aksiologik yondashuv insonning o'zini yangilik yaratish jarayoniga bax-shida qilishi, u tomonidan yaratilgan pedagogik qadriyatlar yig'indisini anglatadi.

Aksiologiya insonga oliy qadriyat va ijtimoiy taraqqiyotning birdan-bir maqsadi sifatida qaraydi.

O'qituvchining innovatsion faoliyati tuzilmasi *kreativlik* va *reflek-siya* komponentlaridan iborat.

O'qituvchi innovatsion faoliyatining eng muhim tavsifi kreativlik-dir. Kreativlik individning yangi tushuncha yaratishi va yangi ko'nikma-lar hosil qilish qobiliyati, xislatini bildiradi.

O'qituvchining innovatsion faoliyatini samarali amalga oshirish bir qator shart-sharoitlarga bog'liq. Unga o'qituvchining tayinli muloqoti, aks fikrlarga nisbatan beg'araz munosabat, turli holatlarda ratsional va-ziyatning tan olinishini uqtirishga tayyorligi kiradi. Buning natijasida o'qituvchi o'z bilim va ilmiy faoliyatini ta'minlaydigan keng qamrovli mavzu (motiv)ga ega bo'ladi.

O'qituvchi faoliyatida o'z-o'zini faollashtirish, o'z ijodkorligi, o'z-o'zini bilishi va yaratuvchiligi kabi mavzu (motiv)lar muhim ahamiyat kasb etadi. Bu esa o'qituvchi shaxsining kreativligini shakllantirish imko-niyatini beradi.

Yangilik kiritishning muhim sharti muloqotning yangi vaziyatini tug'dirishdir.

Muloqotning yangi vaziyati – bu o'qituvchining o'z mustaqillik mavqeyini, pedagogika faniga, o'ziga bo'lgan yangi munosabatni yarata olish qobiliyatidir. O'qituvchi o'z nuqtayi nazarlariga o'ralashib qol-maydi, u pedagogik tajribalarning boy shakllari orqali ochilib, mukammallashib boradi. Bunday vaziyatlarda o'qituvchining fikrlash usullari, aqliy madaniyati o'zgarib boradi, hissiy tuyg'ulari rivojlanadi.

Keyingi sharti – bu o'qituvchining *madaniyat va muloqotga shayligi*.

O'qituvchining innovatsion faoliyati voqelikni o'zgartirishga, uning muammolari va usullarini yechishni aniqlashga qaratilgan.

O'qituvchi va o'quvchi-talaba o'rtasidagi muloqot namunasining o'zgarishi innovatsion faoliyat shartlaridan biridir.

## TADQIQOT NATIJALARI

Innovatsion texnologiyalar kun sayin rivojlanib borayotgan bugungi shiddatkor zamonda yosh avlodning ma'naviy-ilmiy dunyoqarashini kengaytirish borasida samaradorlikka erishish zarurati o'sib bormoqda. Bo'lajak pedagog kadrlar faoliyatining innovatsion xarakter kasb etishi ja'miyat ehtiyojiga aylandi. Yurtimizda yangi Renesans davri poydevorini qurish oliy maqsadimizga aylanar ekan, buning uchun avvalo kelajak davomchilari bo'lmish farzandlarimiz ta'lim-tarbiyasining har tomonlama mukammal bo'lishi muhim mas'uliyatdir. Shuning uchun bolani erta yosh davridan boshlab yetuk malakali pedagoglar tarbiyasini olishi g'oyatda zarur hisoblanadi. Bilimli va ijodkor murabbiy, albatta, bolani ijobiy rivojlantirishda zamonaviy va sifatli natijalarni kafolatlay oladigan innovatsion metodlarni bolalar faoliyatida foydalanish yo'llarini izlab topadi.

Bizga ma'lumki, innovatsiyalar uzluksiz ta'lim tizimini rivojlantirishning yetakchi omillaridan hisoblanadi. Ular ta'lim jarayonida bolalarning sifatli bilim olishlarini kafolatlabgina qolmay, ularning intellektual qobiliyati, mustaqillik tafakkurini shakllantirishga olib keladi.

Demak, innovatsiyalar yangiliklar asosida vujudga keladi va ta'lim jarayonini rivojlantirishda muhim ahamiyatga ega bo'ladi. Ta'lim jarayonida innovatsiyalardan o'rinli foydalanish tarbiyachi uchun ham bola uchun ham ko'plab qulayliklarni yaratib beradi. Shuning uchun bo'lajak tarbiyachilarni innovatsion ta'lim asosidagi ta'limiy jarayonlarga tayyorlash faqat va faqatgina samaradorlikning oshishiga olib keladi.

Ta'lim jarayonining modeli ta'lim maqsadidan kelib chiqib tanlanar ekan, bugungi kunda O'zbekiston taraqqiyoti uchun qanday mutaxassis kerakligini aniqlab olishimiz darkor. Bunda yevropa standartlari darajasida milliy kadrlarni innovatsion faoliyatga tayyorlash kerak bo'ladi.

Hozirda ta'lim jarayoni oldiga qo'yilgan asosiy buyurtma jamiyatga raqobatbardosh mutaxassisni yetishtirib berishdan iborat. Tadqiqotlar natijalariga ko'ra, ko'pchilik ish beruvchilar mustaqil o'qib o'rganish, zarur hollarda tezkor va samarali qaror qabul qilish, o'z faoliyatini doimiy tahlil qilish (refleksiya) ko'nikmalariga ega bo'lgan xodim bilan shartnoma tuzishni ma'qul ko'radilar. Kadrlarni maqsadli va sifatli tayyorlash uchun ta'lim, fan va ishlab chiqarishning samarali integratsiyasini davlat talablari asosida ta'minlash amalga oshirilmoqda. Mazkur buyurtmani bajarish uchun esa ta'lim jarayoni sub'ektlari o'rtasida hamkorlikka asoslangan o'zaro munosabatlar o'rnatish talab etiladi. Zamonaviy mutaxassis inson va tabiat, shaxs va jamiyat, davlat o'rtasidagi bog'lanishlar, ta'limiy jarayonlarning, qolaversa, o'z pedagogik faoliyatning jahon madaniyatida, xalq madaniyatida tutgan o'rni haqida tasavvurga ega bo'lishi kerak. Buning u.n esa xalqaro aloqalar, tajriba juda muhimdir. Bo'lajak tarbiyachi pedagoglarning madaniyatini oshirish jarayoni o'z ichiga quyidagilarni olishi samara berishi mumkin:

Talabalar ongida ularning hayotiy hamda kasbiy faoliyati asosi bo'lmish qadriyatlar tizimini (aksiologik qarash) shakllantirish;

- Talabalarda turli qiziqishlar, ma'naviy ehtiyoj, barkamol inson idealini shakllantirish;
- Mustaqil ijod uchun sharoit yaratish;
- Talabalarda o'z faoliyatini tashkillash, o'zini har tomonlama rivojlantirish (kvalimetrik tashxis) yo'llari bilan tanishtirish.

Bo'lajak tarbiyachi pedagoglarni innovatsion faoliyatga tayyolashda aqliy faoliyat madaniyatini shakllantirish ularni kelajakda aqliy faol bolalar bilan ishlashi uchun juda muhimdir. Bu maqsadga erishish esa milliy va horijiy pedagogik tajribalar talabada ta'lim olishning



individual uslubini (TIU) rivojlantirishni nazarda tutadi. TIU kasbiy mahoratga samarali erishishni ta'minlovchi ta'limiy uslublar yig'indisidir.

TIUning uchta darajasi ko'rsatiladi: reproduktiv, mahsuldor va ijodiy. Olimlar izlanishlari natijasida individual uslub bilimlarni o'zlashtirish darajasini belgilashi aniqlandi. Demak, talabaning o'zlashtirish darajasini oshirish uchun uning ta'lim olish uslubini o'zgartirish zarur. Bu o'quv mashg'ulotlarini talabalarda aqliy faoliyat madaniyatini, ijodiy qobiliyatlarini rivojlantirishga qaratishni taqozo etadi.

### MUHOKAMA

Kasbiy shakllanganlik o'quv faoliyatida doimiy tizimli kechsa, u raqobatbardosh mutaxassislik sari boradi. Shuning uchun ham o'quv jarayonidan tashqari vaqtda ilmiy izlanish yo'nalishidagi to'garaklar tashkil etilsa, talabada mutaxassislik yuzasidan motivatsiyaning oshib borishiga turtki bo'ladi. Ularda motivatsiyaning kuchayishi orqali qo'shimcha ma'lumotlar olish asosida o'z bilimini boyitib borish ehtiyojini tug'diradi.

Bo'lajak tarbiyachi pedagoglarni ta'lim jarayonida ushbu uslubiy materiallarni qo'llash talabalarda yangi bilim, ko'nikmalarni shakllanishidan tashqari ularning TIU'lari ham ma'lum o'zgarishlarga uchraganligini ko'rsatdi. Shunday qilib, agarda o'quv kursini boshlanishida talabalarning 8% ga yaqini mahsuldor hamda ijodiy xarakterga ega bo'lgan vazifalarni bajarishga tayyorligini bildirgan bo'lsalar, kurs yakunida bu ko'rsatkich 47% tashkil qildi.

### XULOSA

O'ylaymizki, bu maktabgacha ta'lim yo'nalishidagi ta'limiy ishlarni nafaqat mutaxassislik fanlarini o'qitishda, balki o'quv rejadagi barcha fanlarni o'qitishga joriy qilinishi talabalarda aqliy faoliyat madaniyatining yanada o'sishini ta'minlaydi.

### *Foydalanilgan adabiyotlar*

1. Azizxo'jaeva N.N. O'qituvchi mutaxassisligiga tayyorlash texnologiyasi. –T.: TDPU, 2000. – 52 b.
2. Urinova Feruzakhon Uljaevna. *Botirova Zuhra Abdurahmonova, Mirjalol Turgunov Mirzahamdami ugli. NECESSARY CONDITIONS FOR THE DEVELOPMENT OF CREATIVE THINKING IN FUTURE TEACHERS.* Modern Journal of Social Sciences and Humanities. ISSN: 2795-4846 Vol. 4 (2022). <https://mjssh.academicjournal.io/index.php/mjssh>
3. Usmonova Shaxnoza. Comparative Study of Cosmonims(Sun, Moon ...) In Uzbek and English. In volume 7, of Eurasian Journal of Humanities and SocialSciences April, 2022 . ISSN (E): 2795-7683. JIF: 7.925
4. O'rinova, F. (2019). REPORT ON PROBLEMS IN THE PRE-SCHOOLS OF ORGANIZATIONAL PREVENTIVE CENTERS. Scientific Bulletin of Namangan State University, 1(11), 311-315.
5. Oljayevna, O., & Shavkatovna, S. (2020). The Development of Logical Thinking of Primary School Students in Mathematics. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences, 8(2), 235-239.
6. Uljaevna, U. F. (2020). Didactic games in preschool educational system. Проблемы современной науки и образования, (4-2 (149)), 27-29.

7. Uljaevna, U. F., & Shavkatovna, S. R. (2021). Development and education of preschool children. *ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL*, 11(2), 326-329.
8. Uljaevna, U. F., & Shavkatovna, S. R. DOI: 10.5958/2249-7137.2021. 00358. X "Development and education of preschool children" *ACADEMICIA. An International Multidisciplinary Research Journal*. (Double Blind Refereed & Peer Reviewed Journal). ISSN, 2249-7137.
9. Urinova F. A., Usmonova S. Y. Q. IN CONTINUOUS EDUCATION SYSTEM HUMANISTIC CHARACTERISTICS OF PARTNERSHIP PEDAGOGY //Scientific Bulletin of Namangan State University. – 2019. – Т. 1. – №. 12. – С. 317-322.
10. Urinova F. NEW PEDAGOGICAL TECHNOLOGY IN EDUCATIONAL CONTENT: DIRECTIONS, PROBLEMS, SOLUTIONS //Теория и практика современной науки. – 2019. – №. 5. – С. 74-76.
11. Уринова Ф. У., Отажонов Ж. М. К проблеме ситуационно-позиционного обучения педагогов системы повышения квалификации //Актуальные проблемы гуманитарных и естественных наук. – 2015. – №. 4-2.
12. Ўринова Ф., Сидикова З. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларни нутқ маданиятини шакллантиришда китоб ва унинг аҳамияти //Scientific Bulletin of Namangan State University. – 2019. – Т. 1. – №. 12. – С. 344-347.
13. Уринова, Ф. У. ПЕДАГОГИЧЕСКАЯ АКСИОЛОГИЯ КАК ЧАСТЬ ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ ИННОВАТИКИ. УЧЕНЫЙ XXI ВЕКА, 36.
14. Уринова, Ф. У., & Эркинова, Ш. Ё. (2013). Значение инновационной индивидуальной работы в повышении эффективности самостоятельной учебной деятельности студентов. *Актуальные проблемы гуманитарных и естественных наук*, (12-2).
15. Giyosova, N. K Sabirov (2021). FAIRY TALES OF THE RUSSIAN AND UZBEK PEOPLES (COMPARATIVE APPROACH) Functioning of fairy-tale as one of the variety of folklore text in oral folk art *VGIYOSOVA Scientific journal of the Fergana State University* 1 (6), 124-126
16. Ўринова Ферузахон Улжаевна. Боланинг оғзаки нутқини ривожлантириш методикаси. CURRENT ISSUES OF MODERN LINGUISTICS AND INNOVATIVE APPROACHES IN FOREIGN LANGUAGE TEACHING. Fergana May 25, 2022
17. Urinova Feruza Uljaevna, Bolalarning oʻzga tildagi nutqini oʻstirish va rivojlantirishga turlicha yondashuvlar. "Zamonaviy tilshunoslikning dolzarb muammolari va xorijiy tillarni oʻqitishda innovatsion yondashuv" mavzusiidagii III xalqaro onlayn ilmiy--amaliy anjumani materiallari. Fargʻona, 2022 yil.

## BOSHLANG`ICH SINFDA TABIIY FANLARNI O`QITISHDA STEAM YONDASHUV

Qo`ychiyeva Zarnigorxon Abdumannob qizi

Andijon davlat universiteti

Pedagogika instituti

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6727157>

**Annotatsiya.** Bugungi davr dunyo ta`limi oldiga ham katta vazifalarni qo`ymoqda. Bunda qo`yilgan asosiy talab yosh avlodni ma`naviy –axloqiy va intellektual rivojlantirishni sifat jihatidan yangi darajaga ko`tarish, tez o`zgarayotgan dunyoga moslashishni o`rgatishdan iboratdir. Shu bilan birga o`quv-tarbiya jarayoniga ta`limning innovatsion shakllari va usullarini joriy etishga qaratilgan. Ushbu fikrlarning tasdig'i sifatida, bu maqolada boshlang`ich ta`lim fanlari uchun STEAM ta`limini joriy etish maqsadida motivatsion va innovatsion yechimlarini qo`llash, ta`lim resurslaridan samarali foydalanish bo`yicha tavsiyalar yoritilgan.

**Kalit so`zlar:** STEAM, STEM, STREAM, Science, kreativ, innovatsion yondashuv, 3D, IVEN.

## ПОДХОД STEAM К ОБУЧЕНИЮ ЕСТЕСТВЕННЫХ НАУК В НАЧАЛЬНЫХ КЛАССАХ

**Аннотация.** Современный мир ставит большие задачи перед образованием, главное требование – поднять духовно-нравственное и интеллектуальное развитие подрастающего поколения на качественно новый уровень, научить их адаптироваться в быстро меняющемся мире. В то же время она направлена на внедрение в учебный процесс инновационных форм и методов обучения. В подтверждение этих взглядов в данной статье приведены рекомендации по использованию мотивационных и инновационных решений по внедрению STEAM-образования в начальное образование, эффективному использованию образовательных ресурсов.

**Ключевые слова:** STEAM, STEM, STREAM, Science, креативный, инновационный подход, 3D, IVEN.

## STEAM APPROACH TO TEACHING NATURAL SCIENCES IN PRIMARY CLASSES

**Abstract.** Today's world also poses great challenges to world education. The main requirement is to raise the spiritual, moral and intellectual development of the younger generation to a qualitatively new level, to teach them to adapt to a rapidly changing world. At the same time, it aims to introduce innovative forms and methods of education into the educational process. In support of these views, this article discusses recommendations for the use of motivational and innovative solutions for the introduction of STEAM education in primary education, the effective use of educational resources.

**Key words:** STEAM, STEM, STREAM, creative, innovative approach, 3D, IVEN.

## KIRISH

Ta'lim sifatini yangi bosqichga ko'tarish maqsadida 2018-yil 5-sentabrda O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Xalq ta'limi boshqaruv tizimini takomillashtirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi PF-5538-son Farmoni qabul qilindi. Unda xalq ta'limi tizimini isloh qilishning asosiy yo'nalishlari sifatida:

1. Xalq ta'limi tizimiga ilg'or xorijiy tajribani, o'quv-tarbiya jarayoniga zamonaviy pedagogik texnologiyalarni, shu jumladan ta'lim berishning innovatsion usullarini joriy etish, o'quv va o'quv-uslubiy adabiyotlarning yangi avlodini yaratish, fundamental va amaliy ilmiy tadqiqotlarni amalga oshirish belgilangan.

### **TADQIQOT MATERIALLARI VA METODOLOGIYASI**

Ushbu Farmon ijrosini ta'minlash maqsadida qabul qilingan O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 5-sentabrdagi "Xalq ta'limi tizimiga boshqaruvning yangi tamoyillarini joriy etish chora-tadbirlari to'g'risida" gi № PP-3931-son qarori bilan tasdiqlangan "2018-2021 yillarda O'zbekiston Respublikasi xalq ta'limi tizimini yanada takomillashtirish bo'yicha chora-tadbirlar dasturi" ning II bo'lim, 11-bandida: Umumiy o'rta ta'limning yangi davlat ta'lim standartlari va o'quv dasturlarini takomillashtirish va shu bilan birga STEAM (fan, texnologiya, muhandislik va matematika) metodlarini bosqichma-bosqich amaliyotga joriy etish belgilab berilgan.

Mazkur vazifalarni bajarish uchun avvalo ta'lim ishtirokchilari–pedagoglar, metodistlar, o'quvchilar, ota-onalar va boshqalar STEAM metodi va ta'lim sifati yo'nalishida o'tkaziladigan xalqaro tadqiqotlar xaqida ma'lumotlarni bilishi hamda ularni amaliyotda qo'llashi uchun malakalarga ega bo'lishlari zarur bo'ladi.

STEM / STEAM / STREAM yangi yondashuvlari rivojlangan davlatlarda keng qo'llanilib, jahon hamjamiyati tomonidan ijobiy baholanmoqda.

STEAM yondashuvi o'quv samaradorligiga qanday ta'sir qiladi? Uning asosiy g'oyasi shundan iboratki, amaliyot nazariy bilimlar singari muhimdir. Ya'ni, o'rganish paytida biz nafaqat miyamiz bilan, balki qo'limiz bilan ham ishlashimiz kerak. Faqat sinf devorlarida o'rganish tez o'zgaruvchan dunyo bilan hamqadam emas. STEAM yondashuvining asosiy farqi shundaki, bolalar turli xil mavzularni muvaffaqiyatli o'rganish uchun ham miyani, ham qo'llarini ishlatadilar. Ular olgan bilimlarni o'zlari "uqib oladilar". STEAM ta'limi nafaqat o'qitish usuli, balki mantiqiy fikrlash ta'limidir.

Ta'lim berishni o'quv fanlari bo'yicha emas, balki "mavzu"lar bo'yicha integratsiyalab olib borish. STEM –ta'limida fanlararo aloqa va loyihalash metodi birlashtirilgan bo'lib, uning asosida tabiiy fanlarni texnologiyaga, muhandislik ijodiyotga va matematikaga integratsiya qilish yotadi. Bunda muhandislik bilan bog'liq kasblarga bo'lgan tayyorgarlik amalga oshiriladi.

### **TADQIQOT NATIJALARI**

Boshlang'ich sinflarda "Science" tabiiy fanlarni o'qitishda STEAM texnologiyasini qo'llasak, bolalar tabiatni tushunib, dunyoni muntazam o'rganishadi va shu bilan qiziqishlarini, muhandislik fikrlash uslubini, tanqidiy vaziyatlardan chiqish qobiliyatini, jamoaviy ish qobiliyatini rivojlantirish va liderlik, o'z-o'zini namoyon qilish asoslarini o'rganishadi, o'z navbatida, bolalar rivojlanishining tubdan yangi darajasini ta'minlaydi.

Shunday ekan, «Globus-Yerning kichraytirilgan shakli» mavzusini STEAM texnologiyasi asosida ishlab chiqamiz.

STEAM texnologiyasidagi S harfi fanni bildiradi. Bunda o`quvchilar nazariy ma`lumotlar bilan tanishtiriladi.

Nazariy ma`lumot: Yer shari va uning ichki tuzilishi Yer sharining diametri – 12 800 km. Ekvatorning uzunligi, ya`ni Yer shari belbog`ining uzunligi 40 000 km ga teng.

T harfi texnologiyani bildiradi. Yadro, mantiya, Yer po`sti, globus, shimoliy qutb, janubiy qutb, ekvator haqidagi ma`lumotlar umumlashtirilib quyidagi savollarga javob topish topshiriladi:

1. Yerning diametri va ekvatorining uzunligi qancha?
2. Yer sharining ichki tuzilishini tushuntirib bering.
3. Yer yadrosida harorat qancha?
4. Globus nima, qanday maqsadda foydalaniladi?
5. Beruniy globusi haqida nimalarni bilasiz?

E harfi muhandislikni bildiradi. O`quvchilarga qog`oz va loy, plastilindan yerning modelini yasash topshiriladi.

A harfi san`atni bildiradi. O`quvchilar berilgan ma`lumotlar asosida she`r, hikoya, esse yozadilar. Daftarlari globusning rasmini chizish topshiriladi.

M harfi matematikani bildiradi. Globusning aylanish o`qini, shimoliy va janubiy qutblarni hamda ekvatorni o`lchamlarini matematik nuqtai nazardan hisob-kitob qilishlari zarur bo`ladi.

Yerning kichraytirilgan shakli globusni modellashtirish:

Kerakli jihozlar: Qaychi, rangli qalam, shar, bo`yoq, skoch, yelim, qog`oz, karton.

Sharni shishirib og`zini mahkamlab olamiz va uchini qayirib skochlab qo`yamiz, ustiga qog`oz parchalarini yopishtirib ustidan xaritani bo`laklab globusga yopishtirib chiqamiz va ustun uchun karton qog`ozdan foydalanamiz. O`quvchilarga yer haqida qisqacha ma`lumotlar beriladi.

### **MUHOKAMA**

STEAM -ta`limini joriy etishdan asosiy maqsad – o`quvchi yoshlarning qiziqishlarini maktab yoshidan erta aniqlash va iqtidorini, ijodkorligini rivojlantirishga yo`naltirish, yangiliklarni hayotga tatbiq etish orqali ilmiy izlanuvchan, yaratuvchan kadrlarni tarbiyalash.

STEAM o`quvchilarni ilhomlantiradi, o`quvchilar kashfiyotchilar va olimlar sifatida tadqiqotlar olib borishadi, texnologiyalarning imkoniyatlarini bilishadi, muhandislar sifatida loyihalashadi, rassomlar sifatida ijod qilishadi, matematiklar kabi fikrlashadi va albatta bolalar zavqlanib o`ynashadi.

### **XULOSA**

Xulosa qilib aytmoqchimanki, o`rta maktabda STEAM yondashuvi bolalarga tajribalar o`tkazish, dizayn modellarini yaratish, mustaqil musiqa va kino yaratish, o`z g`oyalarini haqiqatga aylantirish va yakuniy mahsulotni yaratishni rag`batlantiradi. Ushbu ta`lim yondashuvi bolalarga nazariy va amaliy ko`nikmalarni samarali tarzda birlashtirishga imkon beradi va oliy ta`limda o`qishni yanada osonlashtiradi.

### ***Foydalanilgan adabiyotlar ro`yxati***

1. O`zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 5-sentyabrdagi “Xalq ta`limi boshqaruv tizimini takomillashtirish bo`yicha qo`shimcha chora-tadbirlar to`g`risida”gi PFRQ – 5538-son farmoni. “O`zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to`plami”, 2018-yil 10-sentyabr, 36-son, 722-modda.

2. Ivanova O. L. Gigena polosti rta. Razdel «Pravilnaya chistka zubov» - M.: «Sofiya», Moskva, 2003.
3. X.M.Baybayeva “STEAM ta’limi mazmun-mohiyati, ahamiyati” ma’ruza matni.
4. STEM for all edicational leadership, december 2014/ january 2015.
5. O`zbekiston Respublikasi Oliy va o`rta maxsus ta`lim vazirligining elektron sayti: [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
6. O`zbekiston Respublikasi Xalq ta`limi vazirligining elektron sayti: [www.uzedu.uz](http://www.uzedu.uz)  
<http://www.rtm.uz> – Respublika ta`lim markazi sayti



## MAKTABGACHA YOSHDAGI BOLALARNING IJODIY FAOLIYATINI SHAKLLANTIRISHNING O'QUV-USLUBIY TA'MINOTI

**O'rinova Feruza Uljayevna**

pedagogika fanlari nomzodi, dotsent

Farg'ona davlat universiteti

Maktabgacha va boshlang'ich ta'lim fakulteti

**Sadikova Zinnura Saydamatovna**

Farg'ona davlat universiteti magistranti

Maktabgacha va boshlang'ich ta'lim fakulteti, O'zbekiston

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6727187>

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada maktabgacha ta'lim tashkilotlarida maktabgacha yoshdagi bolalarning ijodiy faoliyatini shakllantirishning zamonaviy yondoshuv asosida tashkil etish masalalari yoritilgan.

**Kalit so'zlar:** zamonaviy yondoshuv, markaz, rivojlanish, STEAM, tanqidiy fikrlash, mustaqil fikrlash, faol muloqot, yakka tartib.

## УЧЕБНО-МЕТОДИЧЕСКОЕ ОБЕСПЕЧЕНИЕ ФОРМИРОВАНИЯ ТВОРЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ДЕТЕЙ ДОШКОЛЬНОГО ВОЗРАСТА

**Аннотация.** В данной статье речь идет об организации творческой деятельности дошкольников в дошкольных организациях на основе современного подхода.

**Ключевые слова:** современный подход, направленность, развитие, STEAM, критическое мышление, самостоятельное мышление, активное общение, индивидуальная дисциплина.

## EDUCATIONAL AND METHODOLOGICAL SUPPORT FOR THE FORMATION OF CREATIVE ACTIVITY OF PRESCHOOL CHILDREN

**Abstract.** This article deals with the organization of the creative activity of preschoolers in preschool organizations based on a modern approach.

**Keywords:** modern approach, orientation, development, STEAM, critical thinking, independent thinking, active communication, individual discipline.

### KIRISH

Maktabgacha yoshdagi bolada bilish jarayoni ijodiy faoliyat natijasida yuz beradi. Bolaning berilgan topshiriqni bajarish jarayonida izlanishi, ijodiy faoliyati namoyon bo'lishi uchun aniq maqsadga yo'naltirilgan, rejalashtirilgan, me'yor va mezonlarga ega bo'lgan, o'z-o'zini anglagan faoliyat zaruriyati seziladi. Bu esa bolada atrof-olam ob'ektlari va ular haqidagi bilimlarni o'zlashtirish; ta'lim samaradorligini vujudga keltirish, faoliyatning avvalgi turlariga tayanishni taqozo etadi. Xususan, "Shaxsdagi ijodkorlik xususiyatlarini qanday tarbiyalash mumkin?"- degan dolzarb muammo bugun paydo bo'lmagan. Azal-azaldan ijodkorlikning boshlanishi bo'lgan insondagi ijodiy qobiliyatlarni rivojlantirish masalasi bevosita bolalar ta'lim-tarbiyasi bilan shug'ullanuvchi pedagoglarni ham, tadqiqotchilarni ham hozirgi davrgacha qiziqtirib keladi. Ta'lim va tarbiya, shaxsning jamiyatda shakllanishi, qobiliyatlarni rivojlantirish hanuzgacha pedagogikaning eng dolzarb masalasi bo'lib qolmoqda.

Maktabgacha yoshdagi bolalarda ijodiy faollikni shakllantirish texnologiyasini ishlab chiqish muammosi ko'p qirrali pedagogik- psixologik ijtimoiy vazifalardan biri bo'lib, jamiyat ijtimoiy rivojlanishi va taraqqiyoti uchun dolzarb vazifalardan biridir.

### TADQIQOT MATERIALLARI VA METODOLOGIYASI

Ijodkorlik – faoliyatning turli holatlarida paydo bo‘ladi. Qiziqish ilhom, intilish va boshqalar ijodkorlikning inson ongida eng oliy tarzda paydo bo‘lishidan tortib, to namoyon bo‘lishigacha jarayonni o‘z ichiga oladi. Shaxsning ijodiy faoliyat ehtiyoji faoliyatda yangi, ilgari maqsad qilib qo‘yilmagan bunyodkorlik intilishini bildiradi. Bolalardagi ijodiy faoliyatning har qanday kurtaklari ta‘lim- tarbiya, faoliyatdan tashqarida kamol topa olmaydi. Ta‘lim-tarbiya jarayonida bolalardagi yashirin iste‘dodlarni yuzaga chiqarish, maktabgacha yoshdan boshlab o‘z faoliyatini namoyon qilishi uchun imkoniyat yaratish, ulardagi ijodkorlik qobiliyatini rivojlantirish kelajakda yuksak salohiyatli, ijtimoiy faol, o‘tkir zehqli, kashfiyotchilik qobiliyatini namoyon eta oladigan raqobatbardosh kadrlarni voyaga yetkazish garovi bo‘lib hisoblanadi.

Bu davlatimizning ustuvor yo‘nalishlaridan biri – har tomonlama barkamol insonni voyaga yetkazish g‘oyasiga mos keladi. Maktabgacha ta‘limda bolalarda ijodiy faollikni shakllantirish ta‘lim-tarbiya jarayonining muhim tarkibiy qismi sanaladi. Maktabgacha ta‘limning faol va yetakchi sub‘ektlari bo‘lgan bolalarning yosh va psixologik xususiyatlari, shuningdek, tasviriy san‘at, mehnat, musiqa va jismoniy tarbiyaning o‘ziga xos jihatlari o‘qituvchidan ijodiy yondashuvni talab qiladi.

«Ilk va maktabgacha yoshdagi bolalarning rivojlanishiga qo‘yladigan davlat talablari» va «Ilk qadam» o‘quv dasturining ishlab chiqilishi uzluksiz ta‘lim tizimida maktabgacha ta‘limni samarali amalga oshirish uchun keng imkoniyatlar yaratdi. O‘quv dasturida maktabgacha ta‘lim muassasasida rivojlantiruvchi muhitni tashkil etishda bolalarning o‘ziga xos belgilarga ega bo‘lgan yoshga doir xususiyatlari va ehtiyojlarini hisobga olish muhim ahamiyat kasb etishi qayd etiladi. Shu bilan birga rivojlantiruvchi muhit mazmuniga quyidagilar ko‘rsatiladi:

- maktabgacha ta‘lim tashkilotining ko‘rgazmali-rivojlantiruvchi muhiti mazmuni madaniy-tarixiy qadriyatlar: milliy va mintaqaviy an‘analar; tabiat, iqlimdan kelib chiquvchi xususiyatlarga mos bo‘lishi lozim;
- muhit mazmuni birlamchi dunyoqarash asoslarini shakllantirish, bolaning muvaffaqiyatli ijtimoiy moslashuviga yordam berishi lozim. Albatta, maktabgacha ta‘limni ham shaklan, ham mazmunan yangilashga qaratilgan bu kabi innovatsiyalar ota-onalardan tortib barcha pedagoglar bola tarbiyasi, uning ta‘lim olishga tayyorgarligiga zamon talablaridan kelib chiqqan holda yondashuvini talab etadi. Maktabgacha ta‘lim tashkiloti guruhlarida tashkil etiladigan rivojlanish markazlaridagi jarayonlar bolalarning doimiy ravishda yangi bilimlarni o‘zlashtirishga, mustahkamlashga yordam beradi. Bolalarni o‘z bilimini mustaqil ravishda to‘ldirib borish, kechayotgan yangilanish jarayonlariga munosib moslashib borishga o‘rgatish rivojlanish markazlarining asosiy maqsadidir.

Dastur asosida tashkil etiladigan rivojlanish markazlari bolalarda quyidagilarni tarkib toptiradi:

- o‘zgarishlarni qabul qilish va amalga oshirish;
- tanqidiy fikrlash;
- tanlashni amalga oshirish;
- muammolarni eta olish;
- ijodiy, tafakkur va ixtirochilik imkoniyatlarini namoyon etish;
- odamlar, jamiyat, mamlakat, atrof-olam to‘g‘risida g‘amxo‘rlik qilish.

#### **TADQIQOT NATIJALARI**

Bugungi dunyo kechagi kabi emas, ertangi kun ham bugungi kabi bo'lmaydi. Inson faoliyati barcha sohalarida dinamik rivojlanayotgan texnologiyalar joriy etilmoqda. Zamonaviy bolalarning 65 foizi bugungi kunda mavjud bo'lmagan kasblarni egallaydi. Kelajakdagi mutaxassislar texnologiya, ilm-fan va muhandislikning turli xil sohalaridan kompleks ta'lim va bilimlarga muhtoj bo'ladi.

STEAM farzandlarimizga - ixtirochilar, kashfiyotchilarning kelajak avlodi, olim sifatida tadqiqotlar olib borish, texnologiyani shakllantirish, muhandis sifatida loyihalash, rassom sifatida yaratuvchi, matematik sifatida analitik fikr yuritishni o'yin orqali yuzaga keltiradi. Bugungi kunda STEAM-ta'lim dunyodagi asosiy tendensiyalardan biri sifatida rivojlanmoqda va amaliyot yondashuvni qo'llashda beshta sohani yagona o'quv sxemasiga integratsiyalashga asoslangan. Bunday ta'limning shartlari uning uzluksizligi va bolalarning guruhlarda o'zaro muloqot qilish qobiliyatini rivojlantirish bo'lib, bunda ular fikrlarni to'plashi va fikrlar almashadi. Shuning uchun, asosiy ta'lim dasturiga quyidagilar Lego- texnologiyalar, bolalar tadqiqotlari kabi mantiqiy fikrlashni rivojlantirish modullari kiradi.

- STEAM (S-fan, T-texnologiya, E-muhandislik, A-can'at, M - matematika) - ilm-fan, texnologiya, muhandislik, san'at va matematikani birlashtiruvchi zamonaviy yondashuv.

STEAM bolalarda quyidagi muhim xususiyatlar va ko'nikmalarni rivojlantirishga quyidagicha yordam beradi:

- Muammolarni keng qamrovli tushunish;
- Ijodiy fikrlash;
- Muhandislik yondashuv;
- Tanqidiy fikrlash;
- Илмий методларни тушуниш ва қўллаш;
- Dizayn asoslarini tushunish.

STEAM yondashuvi tufayli bolalar tabiatni tushunib, dunyoni muntazam o'rganishadi va shu bilan qiziqishlarini, muhandislik fikrlash uslubini, tanqidiy vaziyatlardan chiqish qobiliyatini, jamoaviy ish qobiliyatini rivojlantirish va liderlik, o'z-o'zini namoyon qilish asoslarini o'rganishadi, o'z navbatida, bolalar rivojlanishining tubdan yangi darajasini ta'minlaydi.

O'z-o'ziga ishonchni shakllantirish yondashuvida bolalar o'z qo'llari bilan yaratgan ko'priklar va yo'llar, samolyotlar va avtomobillarni "ishga tushirib", suv osti va havo tuzilmalarini "rivojlantirib", sinovdan o'tkazib, har safar ular maqsadga yaqinlashib borishadi. Yaxshi natija bermagan "mahsulot"ni qayta-qayta sinovdan o'tkazib, takomillashtirib borishadi. Natijada barcha muammolarni o'zi hal qilish, maqsadga erishish bolalar uchun ilhom, g'alaba, adrenalin va quvonch olib keladi. Har bir g'alaba, o'zlarining qobiliyatlariga ko'proq ishonch uyg'otadi.

Faol muloqot va jamoaviy ish. STEAM dasturlari ham faol muloqot va guruh ishi bilan ajralib turadi. Muhokama bosqichida ular fikr bildirishga qo'rqmaslikka o'rganadilar. Ko'pincha, stol atrofida o'tirmaydi, o'zlarining dizaynlari asosidagi "mahsulot"larni sinovdan o'tkazadi va rivojlantiradi. Ular hamma vaqt hamkorlikni ta'minlaydigan jamoada tarbiyachilar va ularning do'stlari bilan muloqot qilish bilan band bo'lishadi.

Texnik fanlar bo'yicha qiziqishlarni rivojlantirish. Maktabgacha va boshlang'ich maktab yoshidagi STEAM ta'limi vazifasi qiziqishning rivojlanishi uchun dastlabki shart-sharoitlarni yaratishdir. Bolalar uchun tabiat fanlari va texnik fanlar bo'yicha, qilgan ishni yaxshi ko'rish, qiziqishni rivojlantirish uchun asosdir. STEAM – bolalar uchun juda qiziqarli va dinamik bo'lib,

bolalarning zerikishlariga to'sqinlik qiladi. Ular vaqt o'tayotganini sezmaydilar, lekin ham charchamadilar. Raketalar, avtoullovlar, ko'priklar, osmono'par binolarni qurish, elektron o'yinlar, fabrikalar, logistika tarmoqlarini yaratish, dengiz osti kemalari, ilm-fan va texnologiyaga qiziqishi ortib borada.

Loyihalar uchun ijodiy va innovatsion yondashuvlar. STEAM ta'limi oltita bosqichdan iborat: savol (vazifa), muhokamalar, dizayn, qurilish, test va takomillashtirish. Ushbu bosqichlar muntazam ravishda loyiha yondashuvining asosidir. O'z navbatida hamkorlik yoki turli imkoniyatlardan birgalikda foydalanish ijodkorlik asosi hisoblanadi. Shunday qilib, bir vaqtda bolalarda fan va texnologiyalarni qo'llash, yangi innovatsiyalarni yaratishi mumkin. Oqilona tashkil etilgan sog'lom ijtimoiy-ma'naviy muhit bolalarda izlanishga, tashabbus ko'rsatishga va ijodkorlik qobiliyatlarini namoyon etishga rag'bat uyg'otadi. Bunda tarbiyachilar bola rivojlanishi qanday kechayotganligi to'g'risida aniq tasavvurga ega bo'lishlari, buning uchun esa ularni doimiy ravimda nazorat qilib borishlari zarur bo'ladi.

### MUHOKAMA

Tarbiyachi o'quv materialini bolalarning yosh xususiyatlarini inobatga olgan holda ularga munosib tarzda yetkazadi. Maktabgacha ta'lim tashkiloti pedagogik jamoasining o'rni shundan iboratki, ular har bir bolaning qiziqishi, qobiliyati va ehtiyojini inobatga olgan holda mos keladigan maqsadlar qo'yishlari, bolalardagi tabiiy qiziqishlarni qo'llab-quvvatlashlari, ularda borliqni birgalikda o'zlashtirish ko'nikmalarini shakllantirishlari kerak.

Bu yondashuv kelajakda bolalarda hayotiy muammolarni hal etishda yordam beradi. Ko'pgina rivojlangan davlatlarda, jumladan AQSH, Yaponiya, Izrail, Singapur, Rossiyada maktabgacha ta'lim muassalarida bolalarni ijodiy va ixtirochilik qobiliyatlarini rivojlantirish maqsadida mazkur yondashuv metodlaridan samarali foydalanib kelinmoqda.

Bola rivojlanishining o'ziga xosligini inobatga olishda, avvalo shuni tushunib yetish kerakki, barcha bolalar rivojlanishning ma'lum bosqichlarini bosib o'tadilar, biroq bunda har bir bola noyob va takrorlanmasdir. Tarbiyachilar bolalarni aynan bir xil, o'xshash narsalar va faoliyat turlari bilan ta'minlashlari uchun ularning o'ziga xos, boshqalardan ajralib turadigan rivojlanish ko'rsatkichlari to'g'risida to'liq tasavvurga ega bo'lishlari lozim. Shuningdek, tarbiyachilar bir xil yoshdagi turli bolalarning qobiliyatlari va qiziqishlaridagi farqlarga e'tibor bilan munosabatda bo'lishlari kerakligini mutaxassislar alohida ta'kidlashadi.

Bunda bola rivojlanishining o'ziga xosligiga doir, bolalar qiziqishlariga javob beruvchi faoliyat turlari, ya'ni ularning aqliy, ijtimoiy va ma'naviy yetuklik darajasi nazarda tutiladi. Bunday faoliyat turlari bolalarning tabiatga qiziqishlariga, tajribadan qoniqish hosil qilishlariga va o'z g'oyalarini tajribada sinab ko'rish xoxish-istaklariga qaratilgandir.

Rivojlanish markazlaridagi ta'lim jarayonida bolalarning o'zlari tegishli rivojlanish markazini ixtiyoriy tanlay boshlaydilar. Bolalarni mustaqil guruhlarda ishlashi, individuallashtirishda tarbiyachi shunday faoliyat turlarini o'ylab topadiki, unda barchaga birdek ko'rsatma berilsa-da, biroq har bir bola undan kelib chiqqan holda o'zi mustaqil ravishda muvaffaqiyatga erishishga imkon beriladi. Individuallashtirish darajasini optimallashtirish mumkin. Epchillik va topqirlik talab etiladigan faoliyat turini tanlagan va bolalarni diqqat bilan kuzatgan holda tarbiyachi zaruriyat tug'ilib qolsa topshiriq va materiallarni o'zgartirishi yoki moslashtirishi mumkin.

- “Ilk qadam” o‘quv dasturi asosida maktabgacha ta’lim muassasalarida quyidagi rivojlanish markazlari faoliyati yuritilishi nazarda tutiladi:
- Qurilish va konstruksiyalash markazi
- Syujet-rolli o‘yinlar va dramalashtirish markaziТил ва нутқ
- Ilm-fan va tabiat markazi
- San’at markazi
- Musiqa va ritmika markazi.

### XULOSA

Rivojlanish markazlari bolalarga o‘zlarining shaxsiy ko‘nikmalari va qiziqishlaridan kelib chiqqan holda ta’lim-tarbiya jarayonini mustaqil individuallashtirish imkoniyatini beradi. Masalan, san’at markazida bir bola qog‘oz qirqadi, boshqa bola esa shu qog‘ozdan qaychi bilan o‘zi o‘ylagan shaklchani kesib oladi. Stol ustida o‘ynaladigan o‘yinlar markazida bir bola to‘rtta yog‘och kubikdan shakl yasaydi, boshqa birov esa yigirma besh bo‘lakli karton qog‘ozli tasvirni tuzishni ma‘qul ko‘radi. Tarbiyachi jarayonda bolalarni kuzatadi va ularning rivojlanishiga daxldor fikrlarni yozib boradi. Ancha vaqtdan so‘ng u bolalarga vazifani murakkablashtiruvchi materiallarni taklif etadi yoki vaziyatga qarab ana shu vazifalarni bajarishda bolaga to‘g‘ridan to‘g‘ri yordam beradi. Bunday yo‘l tutish tufayli bola yaxshi sur‘atda o‘sib-ulg‘ayishi mumkin.

Tarbiyachilar rivojlanish markazlarida bolalarning yordamchilari rolini o‘ynaydilar, mashg‘ulotlar olib boriladigan joyda imkoniyatlar kengligini ta‘min etadilar va har bir bola individual rivojlanishi darajasini egallay olgan holda faoliyat turlarini rejalashtiradilar. Kun tartibi turli mashg‘ulot turlarini o‘zida qamrab olishi lozim: kichik guruhlarda birgalikda va tarbiyachi hamkorligida yakka tartibda (individual) yoki mustaqil (ular tomonidan tanlagan mashg‘ulotlarga vaqt ajratish kerak, chunki bolalar ongli tanlab olishni o‘rganadilar, o‘z qiziqish va qobiliyatlarini amalga oshiradilar). Bolalarning o‘z tanlovlarini amalga oshirishi, muammolarni hal etishi, atrofdagi kishilar bilan birgalikda harakat qilishi, individual maqsad qo‘yishi va unga erishishni bilishlari lozim.

### Foydalanilgan adabiyotlar

1. Azizxo‘jaeva N.N. O‘qituvchi mutaxassisligiga tayyorlash texnologiyasi. –T.: TDPU, 2000. – 52 b.
2. Urinova Feruzakhon Uljaevna. *Botirova Zuhra Abdurahmonova, Mirjalol Turgunov Mirzahamdami ugli*. NECESSARY CONDITIONS FOR THE DEVELOPMENT OF CREATIVE THINKING IN FUTURE TEACHERS. Modern Journal of Social Sciences and Humanities. ISSN: 2795-4846 Vol. 4 (2022). <https://mjssh.academicjournal.io/index.php/mjssh>
3. Usmonova Shaxnoza. Comparative Study of Cosmonims(Sun, Moon ...) In Uzbek and English. In volume 7, of Eurasian Journal of Humanities and SocialSciences April, 2022 . ISSN (E): 2795-7683. JIF: 7.925
4. O‘rinova, F. (2019). REPORT ON PROBLEMS IN THE PRE-SCHOOLS OF ORGANIZATIONAL PREVENTIVE CENTERS. Scientific Bulletin of Namangan State University, 1(11), 311-315.



5. Oljayevna, O., & Shavkatovna, S. (2020). The Development of Logical Thinking of Primary School Students in Mathematics. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*, 8(2), 235-239.
6. Uljaevna, U. F. (2020). Didactic games in preschool educational system. *Проблемы современной науки и образования*, (4-2 (149)), 27-29.
7. Uljaevna, U. F., & Shavkatovna, S. R. (2021). Development and education of preschool children. *ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL*, 11(2), 326-329.
8. Uljaevna, U. F., & Shavkatovna, S. R. DOI: 10.5958/2249-7137.2021. 00358. X “Development and education of preschool children” *ACADEMICIA. An International Multidisciplinary Research Journal*. (Double Blind Refereed & Peer Reviewed Journal). ISSN, 2249-7137.
9. Urinova F. A., Usmonova S. Y. Q. IN CONTINUOUS EDUCATION SYSTEM HUMANISTIC CHARACTERISTICS OF PARTNERSHIP PEDOGOGY //Scientific Bulletin of Namangan State University. – 2019. – Т. 1. – №. 12. – С. 317-322.
10. Urinova F. NEW PEDAGOGICAL TECHNOLOGY IN EDUCATIONAL CONTENT: DIRECTIONS, PROBLEMS, SOLUTIONS //Теория и практика современной науки. – 2019. – №. 5. – С. 74-76.
11. Уринова Ф. У., Отажонов Ж. М. К проблеме ситуационно-позиционного обучения педагогов системы повышения квалификации //Актуальные проблемы гуманитарных и естественных наук. – 2015. – №. 4-2.
12. Ўринова Ф., Сидикова З. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларни нутқ маданиятини шакллантиришда китоб ва унинг аҳамияти //Scientific Bulletin of Namangan State University. – 2019. – Т. 1. – №. 12. – С. 344-347.
13. Уринова, Ф. У. ПЕДАГОГИЧЕСКАЯ АКЦИОЛОГИЯ КАК ЧАСТЬ ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ ИННОВАТИКИ. *УЧЕНЫЙ XXI ВЕКА*, 36.
14. Уринова, Ф. У., & Эркинова, Ш. Ё. (2013). Значение инновационной индивидуальной работы в повышении эффективности самостоятельной учебной деятельности студентов. *Актуальные проблемы гуманитарных и естественных наук*, (12-2).
15. Giyosova, N. K Sabirov (2021). FAIRY TALES OF THE RUSSIAN AND UZBEK PEOPLES (COMPARATIVE APPROACH) Functioning of fairy-tale as one of the variety of folklore text in oral folk art VGIYOSOVA *Scientific journal of the Fergana State University* 1 (6), 124-126
16. Ўринова Ферузахон Улжаевна. Боланинг оғзаки нутқини ривожлантириш методикаси. CURRENT ISSUES OF MODERN LINGUISTICS AND INNOVATIVE APPROACHES IN FOREIGN LANGUAGE TEACHING. *Fergana* May 25, 2022
17. Urinova Feruza Uljaevna, Bolalarning o'zga tildagi nutqini o'stirish va rivojlantirishga turlicha yondashuvlar. “Zamonaviy tilshunoslikning dolzarb muammolari va xorijiy tillarni o'qitishda innovatsion yondashuv” mavzusiidagii III xalqaro onlayn ilmiy--amaliy anjumani materiallari. *Farg'ona*, 2022 yil.
18. О.Ўринова, Д. Хайиткулов. Инновационные технологии обучения химии.// Учёный XXI века научный журнал 4-2 2017 г. ). –С. 33-35.



19. Нишонов М., Ёринова О.. Узлуксиз таълим тизимида такрорлаш жараёнини оптималлаш. // Word Social Science. Scientific-practical journal. 2018 у. Рр. 31-33.
20. Нишонов М., Ёринова О., Исмоилова Н. // Современные технологии проектирование при обучении химии. Проблемы современной образования №3 (148, март 2020 г. ). –С. 51-53.
21. Jurayev R. K., Karakhanova L. M. Scientific And Methodical Bases Of The Use Of Electronic Educational Resources In Teaching Biology In General Educational Schools //International Journal of Advanced Science and Technology. – 2020. – Т. 29. – №. 8. – С. 3500-3505.
22. Мусахоновна Қ. Л. УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА БИОЛОГИЯ ФАНИДАН САМАРАДОРЛИККА ЭРИШИШДА ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМИЙ ВОСИТАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АСОСЛАРИ //Science and innovation. – 2022. – Т. 1. – №. В3. – С. 577-585.
23. Dzhuraev R. K., Karakhanova L. M. Model of the organization of research activities of 10th grade students in teaching physics and biology //International journal of discourse on Innovation, integration and education. – 2021. – Т. 2. – №. 01. – С. 296-300.

## DUAL TA'LIMNI AMALIYOTDA QO'LLASH

**Shodmonova Marxabo Uktamovna**

Navoiy viloyati Qiziltepa tumani 1- son kasb-hunar maktabi ishlab chiqarish ta'limi  
ustasi

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6727211>

**Annotatsiya.** O'zbekiston Respublikasi oliy ta'lim tizimini 2030-yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to'g'risida O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 08.10.2019 yil PF-5847 sonli farmonida: "O'zbekiston Respublikasida oliy ta'limni tizimli isloh qilishning ustuvor yo'nalishlarini belgilash, zamonaviy bilim va yuksak ma'naviy-axloqiy fazilatlariga ega, mustaqil fikrlaydigan yuqori malakali kadrlar tayyorlash jarayonini sifat jihatidan yangi bosqichga ko'tarish, oliy ta'limni modernizatsiya qilish, ilg'or ta'lim texnologiyalariga asoslangan holda ijtimoiy soha va iqtisodiyot tarmoqlarini rivojlantirish"ning ustuvor vazifalari belgilangan. Ushbu maqolada, dual ta'limni amaliyotda qo'llash haqida fikr va mulohazalar yuritiladi.

**Kalit so'zlar:** dual ta'lim, amaliyot, qo'llash, tizim, modernizatsiya, dualizm.

## ПРИМЕНЕНИЕ ДУАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ НА ПРАКТИКЕ

**Аннотация.** В Указе Президента Республики Узбекистан от 08.10.2019 г. ПФ-5847 об утверждении Концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года: модернизировать высшее образование, модернизировать высшее образование, социальную сферу и экономика на основе передовых образовательных технологий В данной статье рассматривается применение дуального образования на практике.

**Ключевые слова:** дуальное образование, практика, применение, система, модернизация, дуализм.

## APPLICATION OF DUAL EDUCATION IN PRACTICE

**Abstract.** In the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated 08.10.2019 PF-5847 on the approval of the Concept for the development of the higher education system of the Republic of Uzbekistan until 2030: modernize higher education, modernize higher education, the social sphere and the economy based on advanced educational technologies. This article discusses the use of dual education in practice.

**Key words:** dual education, practice, application, system, modernization, dualism.

## KIRISH

Ushbu vazifalarni amalga oshirishning asosiy sharti sifatida ilm-fanni iqtisodiyotning asosiy drayveriga aylantirish va bozor talablari asosida raqobatbardosh mutaxassislar tayyorlash shu kunning dolzarb vazifalaridan sanaladi. Mamlakatimiz rahbarining ta'lim tizimini davlat xususiy sheriklik asosida rivojlantirish g'oyasi zahirida ana shu maqsad yotibdi. Ta'limdagi hamkorlik tamoyili mamlakatimiz oliy ta'lim tizimida birinchilardan bo'lib Toshkent to'qimachilik va yengil sanoat instituti tomonidan amaliyotga tatbiq etildi. Bu borada yaqin hamkor sifatida "Mutaxasislarni maqsadli tayyorlash, o'quv-ilmiy va marketing sohalari bo'yicha o'zaro

hamkorlik” to‘g‘risidagi shartnomalar shakllantirilib, shu asosida nazariya egallangani bilimlarni amaliyotda q‘ollashda xizmat qiladi. Shu tariqa tomonlarning sheriklik asosidagi hamkorligiga mustahkam zamin yaratiladi.

### **TADQIQOT MATERIALLARI VA METODOLOGIYASI**

Dualizm haqida to‘xtaladigan bo‘lsak, dualizm (lot. dualis — ikki yoqlama) — bir-biri bilan birlashtirib bo‘lmaydigan holatlar, tamoyillar, fikrlash tarzi, dunyoqarash, intilish va gnoseologik tamoyillar yonma-yon mavjudligini targ‘ib qiluvchi ta‘limot. Dualizm plyuralizm ko‘rinishlaridan biri. Dualizm terminini nemis faylasufi X.Volf (1679— 1754) kiritgan. Dualizm quyidagi juft tushunchalarni ifodalaydi: g‘oyalar dunyosi va voqeiy dunyo. Dualizm falsafiy, diniy, antropologik, etik shakllarda namoyon bo‘lishi mumkin. Qadimgi davrda diniy-etik dualizm Avestoda uchraydi. Dualizm falsafada ikki mustaqil narsa — ruh va materiya mavjud deb bilishida ko‘rinadi. Bu ayniqsa R.Dekart va I.Kant qarashlarida ko‘zga yaqqol tashlanib turadi.

O‘zbekiston Respublikasi "Ta‘lim to‘g‘risida"gi Qonuniga muvofiq, shuningdek yoshlarning kasblar va mutaxassisliklarni egallashga bo‘lgan qiziqishlarini qo‘llab-quvvatlash uchun keng imkoniyatlar yaratish maqsadida 2021/2022 o‘quv yilidan professional ta‘lim tizimida dual ta‘lim tashkil etiladi. Ta‘lim to‘g‘risidagi Qonunning 17-moddasida dual ta‘lim to‘g‘risida fikr yuritilib, “Dual ta‘lim ta‘lim oluvchilar tomonidan zarur bilim, malaka va ko‘nikmalarni olishga qaratilgan bo‘lib, ularning nazariy qismi ta‘lim tashkiloti negizida, amaliy qismi esa ta‘lim oluvchining ish joyida amalga oshiriladi. Dual ta‘limni tashkil etish tartibi O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi tomonidan belgilanadi” deb ta‘kidlangan. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2021 yil 29 martdagi “Professional ta‘lim tizimida dual ta‘limni tashkil etish chora-tadbirlari haqida”gi 163-son Qarorining qabul qilinishi Respublikamizda dual ta‘limni tashkil qilish bo‘yicha amaliy ishlar boshlanganligidan dalolat beradi.

### **TADQIQOT NATIJALARI**

Dual ta‘lim – bu mutaxassislarni o‘quvchilarning ta‘lim infratuzilmasini va o‘quv jarayonida ish beruvchiga jalb qilgan holda, o‘zaro ta‘lim doirasidagi mutaxassislar tayyorlash uchun asosdir. Kasbiy munosabatlar tajribasi sifatida ikki tomonlama ta‘limni tushunish, ishlash bo‘yicha ishlab chiqarish ko‘nikmalarini o‘tkazish, mavzu bo‘yicha o‘zaro munosabatlarning umumiy tamoyillari bilan uzviy bog‘liq hisoblanadi. Dual ta‘lim jarayonida o‘quvchi olgan nazariy bilimlarini bir vaqtning o‘zida korxona yoki tashkilotda amalda qo‘llab, mutaxassislik bo‘yicha ko‘nikma va malakalarini mustahkamlaydi. Bunda talabalarda haqiqiy, ma‘lum bir ishlab chiqarish jarayonini tushunishga qaratilgan nazariy bilim va tushunchalarni tarqalish qobiliyatini rivojlantiradi. Ilm jarayonida amaliy faoliyatni aniqlashning prinsipi bilimlarning asosiy maqsadiga asoslanadi. Dual ta‘lim jarayoni bilim olish kuchi bo‘lgan amaliy faoliyat bilan bilimlarining xolisligini oqlaydi, haqiqatini tekshirish vositasi hisoblanadi. Bu nazariya bilan amaliyot o‘rtasidagi dialektik munosabatlarda o‘z aksini topadi.

### **MUHOKAMA**

Ta‘lim muassasasi va korxonaning ushbu hamkorligi bilan yuqori sifatli va miqdoriy jihatdagi oliy ta‘lim tizimiga ijtimoiy buyurtma aniqlashtiriladi. Imkoniyatning uslubiy tamoyili asosida kasb-hunar ta‘limi tizimini o‘rgangan olimlarning fikriga ko‘ra, ikki tomonlama ta‘limning asosiy shakllari Ijtimoiy sheriklik instituti hisoblanadi. Har bir sherikning manfaatlari va majburiyatlarini aniq farqlash bilan ish beruvchiga beriladi. Ikki tomonlama o‘quv mashg‘ulotlari, nafaqat mutaxassislar tayyorlash natijalariga, balki o‘quv jarayoni va uni tashkil

etish mazmuniga ham qiziqadigan muayyan korxonalar o'quv jarayoniga jalb qilinganligini ta'minlaydi. Bu dual ta'limning ahamiyati bilan belgilanadi, bu esa mutaxassisni tayyorlashda bo'shliqni va ta'lim sohalarini to'ldirishga imkon beradi. Nazariy va uslubiy, psixologik va falsafiy poydevorni hisobga olgan holda, ikki tomonlama o'qitish sharoitida mutaxassislarning kasbiy tayyorgarligi ko'rib chiqiladi. Unda to'rt asosiy komponentga e'tiborni qaratish maqsadga muvofiqdir:

1. Motivatsion (muvaffaqiyatga erishish; o'qishni o'rganishning motivatsiyasi; kasbni qondirish darajasi, ilmiy faoliyatga ratsionalizatorlik takliflari orqali qiziqtirish).
2. Tashkiliy va boshqaruv komponenti (etakchilik salohiyatining namoyon bo'lishi; kommunikativ fazilatlar; tashkiliy xususiyatlar).
3. Kognitiv (professional faoliyatda bilimlarni o'zlashtirishi; bilim olishda mustaqillik berish).
4. Ilmiy komponent (ilmiy maqsadlarda ishtirok etish darajasi; korxona muammolarini hal qilish bo'yicha amaliy innovatsion loyihalari yo'nalishi).

#### **XULOSA**

Dual ta'lim ma'lum bir korxona ehtiyojlariga muvofiq ma'lum bir darajadagi mutaxassislarni tayyorlashda o'quv va ishlab chiqarish sohalarining kelishilgan o'zaro ta'sirini o'z ichiga olgan kasbiy tayyorgarlikni tashkil etishning innovatsion shakli tushuniladi. Bunda o'quv muassasasi va ishlab chiqarish korxonalari maqsadlarining umumiyligi ijtimoiy tarkibiy xususiyatlarga ega bo'lgan muayyan malakalarning vakolatli mutaxassislarni tayyorlash jarayoni integratsiyasi hisoblanadi. Ushbu integratsiya asoslari ikki tomonlama tayyorgarlik sharoitida amalga oshirilayotgan maqsadlar, qadriyatlar mazmuni, tadbirlar hamjamiyatini aks ettiradi.

#### *Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati*

4. Jonmatova O. Yusuf Xos Hojibning ta'lim – tarbiya to'g'risida. T.: "O'qituvchi", 1980. 14-bet
5. Niyozev G , Axmedova.M Pedagogika tarixidan seminar. "Noshir", Toshkent, 2011, 142 bet
6. Mutalipova M.J. Xalq pedagogikasi. – T.: " Fan va texnologiya", 2015, 160
7. Mullaboyeva N. Kasbiy pedagogika. Namangan, 2019, 364 bet.

## O'SPIRINLIK DAVRIDA MUSTAQIL KASBIY MALAKALARNI SHAKLLANTIRISHNING PSIXOLOGIK OMILLARI

**Aliyeva Xonzodabegim Furqatbek qizi**

Andijon davlat universitetining Pedagogika instituti 1bosqich magistranti. Pedagogika va psixologiya yo'nalishi

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6727272>

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada o'spirinlik davrida mustaqil kasbiy malakalarni shakllantirishning psixologik omillari haqida so'z boradi. Maqola davomida kasbiy ko'nikma hamda malakalarni shakllantirish uchun muhim bo'lgan metodlar va ularni qo'llash usullari yoritib berilgan.

**Kalit so'zlari:** psixologik omil, kasb, metod, malaka, o'spirinlik davri, motivatsiya

## ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ФАКТОРЫ ФОРМИРОВАНИЯ САМОСТОЯТЕЛЬНЫХ ПРОФЕССИОНАЛЬНЫХ НАВЫКОВ В ПОДРОСТКОВОМ ВОЗРАСТЕ

**Аннотация.** В данной статье рассматриваются психологические факторы формирования самостоятельных профессиональных навыков в подростковом возрасте. В статье описаны методы и приемы, важные для формирования профессиональных навыков и компетенций.

**Ключевые слова:** психологический фактор, профессия, метод, квалификация, подростковый возраст, мотивация.

## PSYCHOLOGICAL FACTORS OF THE FORMATION OF INDEPENDENT PROFESSIONAL SKILLS IN ADOLESCENCE

**Abstract.** This article discusses the psychological factors in the formation of independent professional skills during adolescence. The article describes the methods and techniques that are important for the formation of professional skills and competencies.

**Keywords:** psychological factor, profession, method, qualification, adolescence, motivation

## KIRISH

O'smirlikdan keyingi navbatdagi bosqichni o'spirinlik davri deb bir bosqich hisoblashimiz ham mumkin, lekin hozirgi ko'pchilik psixologlar klassifikatsiyasi bo'yicha ikki bosqichga ajratishimiz ham mumkin. Bu davrda o'quvchi jismonan baquvvat, o'qishni tugatgach mustaqil mehnat qila oladigan, oliy maktabda o'zini sinab ko'radigan imkoniyatga ega bo'ladi. Mazkur davrning yana bir xususiyati—mehnat bilan ta'lim faoliyatining bir xil ahamiyat kasb etishidan iborat. Ijtimoiy hayotda faol qatnashish, ta'lim xarakterining o'zgarishi, yigit va qizlarda ilmiy dunyoqarash, barqaror e'tiqodning shakllanishiga, yuksak insoniy xis-tuyg'uning vujudga kelishiga, bilimni o'zlashtirishga ijodiy yondoshuv kuchayishiga olib keladi.

Hayotda o'z o'rnini topishga intilish kasb-hunar o'rganish, ixtisoslikni tanlash, istiqbol rejasini tuzish, kelajakka jiddiy munosabatda bo'lishni keltirib chiqaradi. Biroq bu davr kuch-g'ayrat, shijoat, qahramonlik ko'rsatishga urinish, jamoat, jamiyat va tabiat hodisalariga romantik munosabatda bo'lish bilan boshqa yosh davrlaridan keskin farqlanadi. Ilk o'spirinning psixik rivojlanishini harakatga keltiruvchi kuch jamoat tashkilotlari, maktab jamoasi, ta'lim jarayoni

ko'yadigan talablar darajasining oshishi bilan u erishgan psixik kamolot o'rtasidagi ziddiyatlardir. Turli qarama-qarshiliklar, ziddiyatlar o'spirinning ahloqiy, aqliy, estetik jihatdan tez o'sishi orqali bartaraf qilinadi.

Ilk o'spirinlik yoshidagi etakchi omil yuqori sinf o'quvchisi faoliyatining xususiyati, mohiyati va mazmunidagi tub burilishdir. O'spirinlarda avvalo o'zini anglashdagi siljish yaqqol ko'zga tashlanadi. Bu xol shunchaki o'sishni bildirmaydi. O'spirinda o'zining ruhiy dunyosini, shaxsiy fazilatlarini, aql-zakovatini, qobiliyati hamda imkoniyatini aniqlashga intilish kuchayadi. Bu yoshdagi o'quvchilarning o'zini anglashga aloqador xususiyatlari mavjud. Ular avval, o'zlarining kuchli va zaif jihatlarini, yutuq va kamchiliklarini, munosib va nomunosib qiliqlarini aniqroq baholash imkoniyatiga ega bo'ladilar. O'spirin o'smirga qaraganda o'z ma'naviyati va ruhiyatining xususiyatlarini to'laroq tasavvur eta olsa ham, ularni oqilona baholashda kamchiliklarga yo'l qo'yadi. Natijada u o'z xususiyatlariga ortiqcha baho berib, manmanlik, takabburlik, kibrlanish illatiga duchor bo'ladi, sinf va pedagoglar jamoalarining a'zolariga g'ayritabiiy munosabatda bo'la boshlaydi. Shuningdek, ayrim o'spirinlar o'z hatti-harakatlari, aqliy imkoniyatlari va qiziqishlariga past baho beradilar va o'zlarini kamtarona tutishga intiladilar. O'smirlik yoshidagi boladan yana bir xususiyat-murakkab shaxslararo munosabatlarda aks etuvchi burch, vijdon xissi, o'z kadr-qimmatini e'zozlash, sezish va faxmlashga moyillikdir. Masalan, o'spirin yigit va qiz sezgirlik deganda nozik, nafis xolatlarning farqiga borish, zaruratni anglash, xolisona yordam uyushtirishni, shaxsning nafsoniyatiga tegmasdan amalga oshirishni tushunadi. O'spirin o'zining ezgu niyatini baholashda jamoada o'z o'rnini belgilash nuqtai-nazaridan yondoshadi, chunonchi, «o'zim tanlagan mutaxassislikka yaroqlimanmi?», «Jonajon Respublikamga, ota-onamga munosib farzand bo'la olamanmi?», «Jamiyatning taraqqiyotiga o'z ulushimni qo'sha olamanmi?» degan savollarga javob qidiradi. O'quvchida o'zining fazilati to'g'risida yaqqol tasavvur hosil qilish uchun o'qituvchi unga juda ustalik, ziyraklik bilan yordam berishi lozim. Shundagina jamoada ustozga, do'stlariga chuqur xurmat, minnatdorchilik tuyg'ulari uyg'onadi.

### **TADQIQOT MATERIALLARI VA METODOLOGIYASI**

O'spirin o'quvchida o'zini anglash zamirida o'z-o'zini tarbiyalash istagi tug'iladi va bu ishning yo'llarini topish, ularni kundalik turmushga tadbiq qilish ehtiyoji vujudga keladi. O'zlariga ma'qul ma'naviy-psixologik qiyofaga ega bo'lish uchun oqilona o'lcham, mezon, vazifalarni bajaruvchi barkamol, mukammal timsol, namuna, yuksak orzu tasvirini qidiradilar. O'spirinda ideallar bir necha ko'rinishda namoyon bo'lishi va aks etishi mumkin. Masalan, ular taniqli kishilarning qiyofalari, badiiy asar qahramonlari timsolida o'zlarida yuksak fazilatlarini gavdalandirishni orzu qiladilar. Bu orzular mazmun jihatidan o'spirin yigitlar va qizlarda farq qilishi mumkin. Masalan, qizlar ko'pincha mehnatkash ayolning, jozibali, nazokatli, iboli, iffatli jamoat arbobining, badiiy asar qahramonining xususiyatlari mujassamlashgan qiyofalarini ideal darajaga ko'taradilar. Ammo ayrim o'quvchilar tarixiy shaxslarning, masalan, baquvvat yo'lto'sar, xiylagar quv josus va boshqalarning salbiy sifatlariga taklid qilishga ham moyil bo'ladilar. Kuzatishlar va hayot tajribalarining ko'rsatishicha, ba'zi xollarda ilk o'spirinlar o'zlarini qo'rqmas, jasur qilib ko'rsatishga, no'rin harakatlarga moyil bo'ladilar. Ilk o'spirinlar ma'naviy xislatlarga, ahloqiy mezonlar mohiyatiga jiddiy munosabatda bo'ladilar. Masalan, burch, vijdon, g'urur, qadr-qimmat, faxrlanish, ma'suliyat, or-nomus kabi tushunchalarni chuqur tahlil qila oladilar. Lekin hammalari emas. ahloqiy ma'naviy qarashlar, tasavvurlar shakllanishi



uchun pedagoglar sog'lom muxit yaratish, barqaror shaxsni tarkib toptirish uchun doimo izlanishlari zarur. Ayrim munozarali tadbirlar puxta o'ylab tashkil qilinishi, ayrim chet el filmlari muxokamasi shular jumlasiga kiradi. Ijtimoiy hayotda uchraydigan yaramas yurish-turishlarga, illatlarga zarba berish pedagoglar jamoasining muhim vazifasi hisoblanadi. O'spirinlarda balog'atga etish tuyg'usi takomillashib borib o'zining o'rnini belgilash va ma'naviy dunyosini ifodalash tuyg'usiga aylanadi. Bu hol uning o'zini alohida shaxs ekanligi, o'ziga xos xislatini tan olinishini istashida aks etadi.

### **TADQIQOT NATIJALARI**

Psixolog K.K.Platonov "Kasb tanlashga yo'naltirish uchburchagi" sxemasini ishlab chiqib u o'zining ixchamligi bilan boshqalardan ajralib turadi. Xuddi shu bois kasb tanlashga yo'llashda undan unumli foydalanish mumkin.

Kasb tanlashga yo'naltirish uchburchagining muhim tomoni bu har xil kasb hunar egasiga nisbatan quyiladigan talablar yuzasidan muayyan bilimning mavjudligidir. Uning ikkinchi bir xususiyatli tomoni shuki u yoki bu mutaxassislikka nisbatan jamiyatning mehnat imkoniyatiga ehtiyoji bo'yicha bilimlar mujassasmlashganligidir. Yana bir o'ziga xos tomoni shundan iboratki kasbga yo'naltiruvchining qunti qobiliyati shaxsiy xususiyatlari bo'yicha bilimlar umumlashtirilgan bo'lib kasb tanlashga oid barcha jihatlar majmua holiga keltirilgandir.

Kasb tanlashga yo'naltirilgan uchburchagi shaxsning qiziqishi mayli xohishi o'zini o'zi baholashi nufuzi kabilarga oid materiallarni o'zida mujassasmlashtiradi.

V.A.Krutetskiy o'spirinlarda uchrash mumkin bo'lgan motivlardan quyidagilarni alohida ta'kidlab o'tadi:

- biror o'quv faniga nisbatan o'spirinning qiziqishi.
- vatanga foyda keltirish istagi
- shaxsiy qobiliyatini ro'kach qilib ko'rsatish
- oilaviy an'alariga rioya qilishi
- do'stlari va o'rtoqlaridan o'mak olganligi
- ish joyining va o'quv yurtining uyga yaqinligi
- moddiy ta'minlanganlik
- o'quv yurti ko'rinishining chiroyliligi yoki unga joylashishining osonligi singari motivlardir.

Psixolog Ye.A.Klimov tomonidan o'spirinlarda kasb tanlash jarayonida uchraydigan xatoliklarni quyidagilar deb ajratib ko'rsatadilar:

- biror bir kasbning nufuzli ekanligiga asoslanish
- kasbga uzoq va noaniq tasavvurga binoan baho berish
- biror kasb egasi bo'lmish kishiga nisbatan ijobiy yoki salbiy munosabatda bo'lishni tegishli kasbga ko'chirish
- kasbning oddiy kundalik tomonini nazar pisand qilmasdan uning tashqi tomoniga sirtiga mahliyo bo'lish
- o'rtoqlarining ta'siri ostida kompaniya uchun kasb tanlash va boshqalar.

### **MUHOKAMA**

V.SHubkin qiziqarli ma'lumotlarni keltirib o'tadi ma'lum bo'lishicha maktabni bitirib chiqayotgan yoshlar fizik radiomutaxassis matematik uchuvchi geolog vrach adabiyot va san'at xodimi kasblarini juda yuqori baholar ekanlar. Xizmat ko'rsatish sohalariga oid kasblarning

sotuvchilar umumiy ovqatlanish kommunal korxonalar xodimlari tikuvchilar shuningdek hisobchilik ish yurituvchilik buxaterlik kasblarining mavqe'i juda past ekan. G.Kulagin ham maktabni bitirib chiqayotganlar orasida turli kasblarning qanday mavqe'iga ega ekanligi haqida yorqin ma'lumotlar keltiradi. Ana shu yoshlar 80 ta kasbni muhimligiga qarab quyib chiqqanligini ko'rishimiz mumkin unga ko'ra tokar va usta kasblarini 39-40 o'ringa quygan bo'lsalar ayrimlari 75-76 o'ringa quyishgan.

Kasbiy niyatlarning barqarorligini o'rganish maqsadida N.I.Krilov o'tkazgan tekshirish shuni ko'rsatadiki hatto o'z niyatlarini amalga oshirib oliy o'quv yurtiga kirgan talabalar orasida ham ko'plari o'zlarining kim bo'lishlarini oxirigacha hal qilmaganlar. Bunga sabab maktabni bitirgan yoshlarini mazkur oliy o'quv yurtiga olib kelgan kasb haqidagi tasavvur bilan bu kasbning haqiqiy amaliy mazmuni o'rtasidagi nomuvofiqlikdir. Ko'plari mazkur oliy o'quv yurtiga tasodifan kirgan bo'ladilar otam ham vrach bo'lgani sababli kirdim, o'rtog'im kirayotgani sababli kirdim chunki bu yerga kirish osonroq bo'ldi va hokazo.

A.V.Darinskiy yoshlarni oliy ma'lumot olishning ijobiy tomonlari bilan birga salbiy tomonlari ham mavjudligini ko'rsatib o'tadilar.

-ilk o'spirin o'zlari tanlagan oliy o'quv yurtga kirish uchun imtihon topshiradigan 3-4 ta fanni chuqur o'rganishni mo'ljallaydilar xolos. Boshqa fanlarni o'rganishga vaqt sarflash oqilona va samarali ish deb hisoblanmaydi uch baho olinsa bo'lgani.

-tanlagan fanlarini o'rganish ham to'g'ri ko'rsatib o'tilganidek oliy o'quv yurtiga kirish imtihonlari topshirish talablariga mos keladigan pragmatik xarakterga ega bo'ladi.

#### **XULOSA**

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, o'spirin yoshlarda mustaqil kasbiy malakalarni shakllantirish uchun birinchi navbatda oilaning o'rni muhim. Oiladagi muhit unga ijobiy va salbiy ta'sir qilishi mumkin. Ikkinchidan, do'stlar davrasi. O'spirinning atrofida qaysi sohaga qiziquvchi tengdoshlari ko'p bo'lsa va ular yetarlicha bilim-ko'nikmaga ega bo'lsalar, ijobiy ta'sir qilmasdan qolmaydi.

#### ***Foydalanilgan adabiyotlar***

1. G`oziev E. Psixologiya. T.1994.
2. Krutetskiy V.A. Psixologiya obucheniya i vospitaniya shkolnikov.M.1976
3. Kazakov V. G. Psixologiya. M.1989.
4. Yosh va pedagogik psixologiyadan praktikum. T.1991.

## HAMZA HAKIMZODA NIYOZIYNING DRAMALARIDA MONOLOGIK NUTQNING O'RNI

Xoliqulova Iroda

Chirchiq davlat pedagogika instituti 1-kurs magistranti

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6727885>

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada Hamza Hakimzoda Niyoziyning "Zaharli hayot yoxud ishq qurbonlari" va "Maysaraning ishi" dramasiidagi monologik nutqlar va ularning obrazlar ruhiy kechinmalari, his-tuyg'ularini ochishdagi roli haqida tanishasiz.

**Kalit so'zlar:** Hamza Hakimzoda Niyoziy, monolog, "Maysaraning ishi", "Zaharli hayot yoxud ishq qurbonlari", drama, obraz, monolog-xotira, monolog-muhokama, monolog-orzu.

### РОЛЬ МОНОЛОГИЧЕСКОЙ РЕЧИ В ДРАМАХ ХАМЗЫ ХАКИМЗОДА НИЯЗИ

**Аннотация.** В данной статье вы узнаете о монологических выступлениях Хамзы Хакимзода Ниязи в драмах «Ядовитая жизнь или жертвы любви» и «Дело Майсары» и их роли в раскрытии душевных переживаний героев.

**Ключевые слова:** Хамза Хакимзода Ниязи, монолог, «Дело Майсары», «Ядовитая жизнь или жертвы любви», драма, образ, монолог-воспоминание, монолог-рассуждение, монолог-сон.

### THE ROLE OF MONOLOGICAL SPEECH IN THE DRAMAS OF KHAMZA HAKIMZOD NIYAZI

**Abstract.** In this article, we will learn about Hamza Hakimzoda Niyazi's monologue speeches in the dramas "Poisonous Life or Victims of Love" and "The Case of Maysara" and their role in revealing the emotional feelings of the characters.

**Keywords:** H.H. Niyazi monologue, "Maysara's case", "Poisonous life", drama, image, monologue memory- discussion monologue-dream.

### KIRISH

Jadidchilikning eng yorqin vakillaridan biri bo'lgan Hamza Hakimzoda Niyoziy birqancha janrlarda ijod qilgan. Hamzani birinchi o'zbek dramavisi desak hech mubolag'a bo'lmaydi. U 20 ga yaqin pyesalarning muallifidir. Hamza 1914-1920-yillar oralig'ida "O'ch"(1914) "Zaharli hayot yoxud ishq qurbonlari"(1915), "Ilm hidoyati", "Mulla Normuhammad domlaning kufr xatosi", "Maysaraning ishi", "Boy ila xizmatchi", "Loshinon fojiasi"(1916-1918), "Farg'ona fojiasi"(1918-1920), "Mahbusto'raning holi"(1919) kabi bir qancha pyesalar yaratdi.

### TADQIQOT MATERIALLARI VA METODOLOGIYASI

Ushbu maqolada Hamza dramalarida monologik nutqning o'rni obrazlar xarakteristikasini ochishda monologning roli haqida gap boradi. Avvalo monologik nutqqa ta'rif berib o'tsak. Adabiy asardagi qahramonlarni ta'rif-tavsif etishda yozuvchilar rang-barang tasvir vositalaridan foydalanadilarki shulardan birinchisi monologdir. Monolog (yunoncha monos+logos, bir so'z) asar qahramoning suhbatdoshiga, o'ziga, ba'zan kitobxon-tomoshabinlarga qarata aytgan gap so'zi, nutqi. Monolog qahramonining ruhiy kechinmalarini ifodalaydi, obrazning mohiyatini ochadi.

Hotam Umurovning fikricha esa monolog –badiiy asardagi qahramonning o‘z-o‘ziga yoki o‘zgalarga qaratilgan nutqidir. Bu nutq odatda qahramonlarning ichki iztirob va “dardlarining” “po‘rtanalari”ni ifoda qiladi.

Hamzaning “Zaharli hayot” darmasida ko‘plab monologik nutqlarni uchratamiz. Drama bosh qahramoni Mahmudxon monologidan misollar keltirib o‘tamiz:

“Oh, jaholat, maorifsiz davlatlar! Ey, johilotalar, johilaonalar. Men orzu- havasni nima qilay? Orzu-havas o‘zimning istagimdan boshqa nimarsa emas. Men orzu- havasni nima qilay, suyganim bo‘lmagandan keyin menga ming orzu – qaro chaqa, balki menga zahar, o‘lim!(Birozgina to‘xtab.) Men boy qizini nima qilay! Ha o‘zimni endigina jaholatdan qutqazgan vaqtda yana bir jahilaga, ro‘dapoga umrdosh bo‘lamanmi? Menga hayotkerak, u maqsad esa (bosh qimiratib) Maryamxonimdan boshqa emas, boshqa emas”<sup>20</sup>.

Бугунги кунда умумий ўрта таълим тизимида жисмоний таълим ва спорт тайёргарлигига доир педагогик фаолиятда, спорт мактаблари фаолиятида, умуман ўқувчи-ёшларни оммавий спорт ва соғломлаштириш ишларига йўналтиришда, оммавий спорт тадбирларини ўтказишда, шу билан бирга, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, спорт таълими муассасаларида замонавий талаблар асосида машғулотлар олиб боришга тўсқинлик қилаётган бир қатор муаммо ва камчиликлар сақланиб қолмоқда. Унга кўра, «спорт таълими муассасаларига иқтидорли болаларни қабул қилиш, шунингдек, ўқув жараёнида турли шаклдаги коррупция элементларига барҳам бериш бўйича самарали механизмларни жорий қилиш талаб этилмоқда, ўқувчилар сони қувватига нисбатан кўп бўлган ҳудудларда ягона бўлган спорт мактабларида соғлом рақобат муҳити йўқлиги туфайли талаб даражасидаги спорт тайёргарлиги сифати таъминланмаяпти ҳамда спорт муассасалари фаолиятига бевосита раҳбарлик қилувчи ижро этувчи ҳокимият органлари ишининг очиклик ва шаффофлик даражаси етарли эмаслиги, жамоатчилик назоратининг

заифлиги, баъзан эса мутлақо мавжуд эмаслиги ҳаддан ташқари бюрократияга ва коррупциянинг ҳар хил шаклларда намоён бўлишига олиб келмоқда». Демак, ўқувчиларни оммавий спорт ва саломатлик жараёнига йўналтиришга тўсқинлик қилаётган тизимдаги мавжуд муаммоларга қарши курашишнинг янгича механизмларини жорий этиш, спорт муассасалари фаолияти очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш, мактаб таълимда жисмоний таълимга нисбатан масъулият билан ёндашиш ва бу жараёни назорат қилиш мезонларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Шунингдек, ўқувчиларни оммавий спорт соғломлаштириш жараёнига тайёрлашда мавжуд имкониятларни тўғри фойдаланилмаётгани, «худоудларнинг хусусиятидан келиб чиқиб, олий таълим муассасалари ва умумтаълим мактабларининг спорт иншоотлари ҳамда кадрлар салоҳиятидан етарлича фойдаланилмаётгани, умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида спорт мусобақалари ва жисмоний тарбия фанидан олимпиадаларни ташкил этиш ҳамда шу орқали ғолиб ўқувчиларни Болалар ва ўсмирлар спорт мактабларига саралаб олиш, селекция ишлари тизимли амалга оширилмаётгани ҳамда мактабларда ўқувчиларни жамоавий спорт ўйин турларига жалб этишга етарлича эътибор қаратилмаётгани, жисмоний тарбия ва оммавий спортни оммалаштириш, шунингдек, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш соҳасига инновацион технологиялар жорий этилмаётгани» ҳам кўплаб муаммоларни келтириб чиқarmoқда, иш самарадорлигига салбий таъсир кўрсатmoқда, бу эса ўқувчиларда ўзи қизиққан спорт тури бўйича иқтидорини намоён қилиш имкониятидан мосуво этmoқда.

Бошқа томондан, умумтаълим мактабларида ўқувчиларни оммавий спортга йўналтиришда ҳамда оммавий спортни ривожлантиришда самарадорликка эришаётган жисмоний тарбия ўқитувчиларини рағбатлантириш йўлга қўйилмаганлиги сабабли уларнинг ўз спорт тури бўйича қўшимча машғулотлар олиб бориш мотивацияси пасайиб кетmoқда. Бу эса уларнинг педагогик фаолиятига салбий таъсир кўрсатmoқда. Ўқувчилар билан ишлаш сифати ва самарадорлиги рағбатлантириш тизимини ёки меҳнатга ҳақ тўлашнинг пастлиги асосида янада пасайиб кетmoқда.

### ХУЛОСА

Умуман олганда, болаларни оммавий спорт соғломлаштириш жараёнига тайёрлаш тизимини такомиллаштиришда кичик ёшдан болаларда спорт билан шуғулланишга соғлом, кучли ва таъсирчан мотивацияни шакллантириш ҳамда уларнинг муайян кўрсаткичлари асосида қайси спорт билан шуғулланишини аниқлаш, мустақил режалаштириш қобилиятини ривожлантириш талаб этилади. Шу билан бирга, соғломлаштириш ва бошланғич тайёрлов босқичларида болаларни биринчи навбатда умумий жисмоний ривожланиш ва бирор-бир спорт турига бўлган қизиқишларини қўллаб-қувватлаш, шуғулланувчиларнинг «жисмоний тарбия» фанини ўзлаштиришига кўмаклашиш ҳам узлуксиз таълимнинг илк босқичларидаги муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Хулоса қилганда, бугунги кунда ўқувчиларни спорт соғломлаштириш жараёнига тайёрлашнинг ҳам ижтимоий, ҳам педагогик долзарблиги ортиб бормoқда. Бу эса, узлуксиз таълимда жисмоний таълимнинг янгича механизмларини ишлаб чиқиш заруратини ортириб юбормoқда. Шу боис, ўқувчиларни оммавий спорт соғломлаштириш жараёнига тайёрлаш тизимини такомиллаштириш орқали бу фаолиятнинг самарадорлигига эришиш мумкинлиги илгари сурилmoқда.



*Фойдаланилган адабиётлар*

1. Норқобилов М.Н., Мирходжаева З.С., Махмудов В.В. Жисмоний маданият ва спорт машғулотларида соғлом турмуш тарзини талабалар онгига сингдиришда педагогик ёндашувлар. Монография. Тошкент.: ТИҚХММИ, 2019, -Б. 4.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2019 — 2023 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш концепциясини тасдиqlаш тўғрисида» 118-сон. Қарори. 2019 йил 13 февраль.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» тўғрисидаги ПФ-5924-сон Фармони. 2020 йил 24 январь.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» тўғрисидаги ПФ-5924-сон Фармони. 2020 йил 24 январь.
5. Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни 2025 йилгача ривожлантириш концепцияси. 2020 йил 24 январь.
6. Bakhromovich SI. The impact of managerial professional development on the effectiveness of Higher Education institution management. *Academica: an international multidisciplinary research journal*. 2020;10(12):1014-20.
7. Siddikov, I. B. (2019). Философско-педагогические аспекты развития интеллектуальной культуры студентов. *Вестник Ошского государственного университета*, (3), 38-42.
8. Bakhromovich, S. I. Development trends and transformation processes in academic mobility in higher education in Uzbekistan and the world.
9. Bakhromovich, S. I. (2021). A comparative induction of the epistemological and theological views of medieval Islamic oriental scholars. *Berlin Studies Transnational Journal of Science and Humanities*, 1(1.7 Philosophical sciences).
10. Bakhromovich, S. I. (2021). Views on the role of science in human and society life in islamic teaching. *International Journal of Philosophical Studies and Social Sciences*, 1(3), 79-86.
11. Bakhromovich, S. I. (2020). Effects of Objective and Subjective Factors to Develop Intellectual Culture of Youth. *Canadian Social Science*, 16 (2), 55-59 p.
12. Bakhromovich, S. I. (2018). Social and philisophical performance of making youth's intellectual culture. *European science review*, (7-8).
13. Bakhromovich, S. I. (2020). Analysis Of Modern Approaches To Ensuring The Effectiveness Of Management In Higher Education Institutions. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 2(12), 364-369.
14. Bakhromovich, S. I. (2021). Philosophical comparative studies of the epistemological and theological views of medieval eastern scholars. *Turkish Journal of Physiotherapy and Rehabilitation*. Turkey, 2021. №32 (3), (Scopus)– P. 30338-30355
15. Bakhromovich, S. I. (2022).Dialectical and synergetic features of the development of theological and epistemological views in medieval eastern islam. *European Journal of Humanities and Educational Advancements (EJHEA)*, - Las Palmas, Spain, Volume 3, Issue 2 February, 2022. – P. 79-83
16. Jurayev R. K., Karakhanova L. M. Scientific And Methodical Bases Of The Use Of Electronic Educational Resources In Teaching Biology In General Educational Schools



- //International Journal of Advanced Science and Technology. – 2020. – Т. 29. – №. 8. – С. 3500-3505.
17. Мусахоновна Қ. Л. УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА БИОЛОГИЯ ФАНИДАН САМАРАДОРЛИККА ЭРИШИШДА ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМИЙ ВОСИТАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АСОСЛАРИ //Science and innovation. – 2022. – Т. 1. – №. В3. – С. 577-585.
18. Dzhuraev R. K., Karakhanova L. M. Model of the organization of research activities of 10th grade students in teaching physics and biology //International journal of discourse on Innovation, integration and education. – 2021. – Т. 2. – №. 01. – С. 296-300.

## ТАЛАБАЛАРДА АНТИФРУСТРАЦИОН КЎНИКМАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ВА ПСИХОЛОГИК МЕХАНИЗМЛАРИ

Жарқинова Дилора Алиевна

Фарғона жамоат саломатлиги Тиббиёт институти Биофизика ва ахборот  
технологиялари кафедраси ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6727732>

**Аннотация.** Ушбу мақолада бўлажак педагогларда ўқув фаолияти жараёнида юзага келадиган фрустрацион вазиятлар, уларнинг оқибатлари ва унга нисбатан билдирилаётган реакцияларнинг психологик механизмлари ёритилган. Шунингдек, фрустрацион вазиятларни бартараф этиш – антифрустрацион кўникмалар билан боғлиқ жиҳатлар очиб берилган.

**Калим сўзлар:** экстрапунитив, интрапунитив, импунитив, фрустрация, толерантлик, фрустрацион толерантлик, фрустратор, фрустрацион вазият.

### ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ И ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ РАЗВИТИЯ АНТИФРУСТРАЦИОННЫХ НАВЫКОВ У СТУДЕНТОВ

**Аннотация.** В данной статье описываются психологические механизмы состояния фрустрации в студенческой среде, их последствия и реакции, а также раскрываются механизмы преодоления состояния фрустрации.

**Ключевые слова:** экстрапунитивное, интрапунитивное, импунитивное, фрустрация, толерантность, фрустрационный толерантность, фрустратор, фрустрационная ситуация.

### PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL ASPECTS OF THE DEVELOPMENT OF ANTIFRUSTRATION SKILLS IN STUDENTS

**Abstract.** There is considered in the article psychological mechanisms of frustration state among student's environment, their consequences and reaction. As well, mechanisms overcoming of frustration state are revealed.

**Keywords:** intropunitive, extropunitive, inpunitive, frustration, tolerance, frustrational tolerance, frustrator, frustrational situation.

## КИРИШ

Шахс камолотга эришиш муаммоси инсониятнинг азалий эзгу нияти бўлиб, ижтимоий-тарихий тараққиёт даврининг барча босқичларида ўзининг бирламчилиги, ўта долзарблиги билан алоҳида ижтимоий, маънавий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий аҳамият касб этиб келган. Худди шу боисдан инсоншахси, унинг камолоти, унга таъсир этувчи ички ва ташқи омиллар, фаолият, тажриба ва интилишнинг роли масалалари XXI асрда тадқиқот этилишга муҳтождир. Шунга қарамасдан, бир томондан, инсонни ўрганишда дифференциация ҳодисаси юз бермоқда, иккинчи томондан эса инсон тараққиётининг синтетик (бирикув) тавсифи бўйича интеграция ҳолати кўзга ташланмоқда. Инсон бир қатор фанларнинг тадқиқот объекти эканлигини йиғиқ, ихчам, яхлит тарзда тасаввур этиш учун уни биосоциал ва социобиологик жиҳатдан ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Жаҳонда ёшлар салоҳиятини ривожлантириш ва амалга ошириш, шахс ўз-ўзини англаш ва ижтимоий интеллектни муваффақиятли бошқариш шарт- шароит ва

имкониятларни яратиш, психологик жиҳатдан етук шахсларни шакллантириш муаммоларига асосий эътибор қаратилган.

Психологик жиҳатдан етук инсонлар ҳар қайси давлат ва жамиятнинг асосий таянчи ҳамда ҳаракатлантирувчи кучи экан, замонавий ижтимоий- гуманитар билим соҳасида ушбу муаммога жиддий эътибор қаратилиши ва кўп йиллар давомида психологияда шахснинг камолоти муаммоси сақланиб қолмоқда. Айниқса экзистенциал ва гуманистик психологияда тегишли «ўзини ўзи англаш», «тўлиқ фаолият кўрсатувчи», «етук» ва «соғлом» каби тушунчалар киритилди. Камолот тушунчаси В.И.Далнинг рус тили изоҳли луғатида (зрелость) «етилиш, пишиш, ўйлаб, фикрлаб иш кўриш даври» деб ифодаланган.

### ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Б.Г.Ананьевнинг фикрича, камолот мезонларини ишлаб чиқиш ва тахлилида «камолот» тушунчаси «катта бўлиш», «камол топиш» тушунчалари билан уйғунлашиб синонимик қаторни ташкил этиши мумкин. Лекин аслида, субъектив фаолият ва шахс ҳақида гап кетганда, улар, албатта, мазмун ва моҳият жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади. Катта бўлиб етилиш бу ҳали камолот эмас. У инсоннинг камолотига бевосита боғлиқ характерли хусусиятларни таъкидлаб ўтади. Булар: а) шахсий ва функционал ўзгаришларнинг гетерохронлиги; б) тарихий ўзгаришлар шароитида ёш ва индивидуал ўзгарувчанлик.

Б.Г.Ананьевнинг фикрича, инсон ўқув фаолиятидан меҳнат фаолиятига ўтганда камолот бошланиб, у фуқаролик, ақлий ва ахлоқий камолот йўналишларида намоён бўлади.

Профессор Ғ.Б.Шоумаров «камолот» тушунчаси маълум бир ҳаётий тажриба билан, яъни «ҳаётий билимлар» билан боғлиқлигини таъкидлайди.

“Ҳаётий билимларни ўзлаштириш”, “Ҳаёт университетларидан” ўтишнинг ҳам ўзига хос индивидуал хусусиятлари мавжуд. Кимдир 20 ёшдаёқ «ҳаётни яхши билиб олади», кимдир 30 ёшида ҳам болалигича қолаверади. Ҳаётни билиш, ҳаётий тажрибалар турли индивидларда турли жадалликда амалга ошиши мумкин ва бу ўринда қандайдир ёш, вақт оралиғини мутлақ кўрсатиш мумкин эмас.

Камолот даврида интеллект ва тафаккурнинг ривожланишига тўхталадиган бўлсак, Фульдс ва Равен фикрича, 20 ёшлиларда мантикий тафаккур қобиляти 100%, 30 ёшда 96%, 40 ёшда- 87%, 50 да – 80% ва 60 ёшда 75%ни ташкил этаркан. Камолот даврида интеллектнинг ривожланиши икки фактор: ички ва ташқи факторга боғлиқ. Иқтидор - бу ички фактордир. Иқтидорли кишиларда бу жараён, яъни ривожланиш узоқ давом этади ва инновацияларнинг кириб келиши кечроқ бўлади. Камолот даврида интеллект ривожланишининг ташқи факторларига таълимни киритиш мумкин. Зеро, айнан таълим камолот даврида қариш ва психик функцияларнинг инволюциясини тўхтатиб туради.

Е.И.Степанова камолот даври интеллектуал тараққиётининг учта даврини ажратади. Биринчи давр-18-25 ёшгача, иккинчи давр- 26-35 гача ва учинчи давр-36-40 ёшгача. Ушбу микро даврлар хотира, тафаккур, диққат ва умумий интеллектнинг турли темпда ривожланишини фарқлайди. Камолот даврида интеллектнинг ниҳоятда ўзгарувчанлиги биринчи даврда кузатилади. Кейинги даврларда бу ривожланиш анча барқарорлашади. Иккинчи ва учинчи босқичда нутқий интеллектнинг ривожланиши яққол намоён бўлади. Ушбу даврларга қисқача характеристика Е.П.Ильин томонидан берилган бўлиб, у қуйидагича изоҳланган.

Эрта камолот - етилишга қадам қўйиш босқичи бўлиб, у организмнинг биологик етилиши, оптимистик руҳнинг мавжудлиги, шахсий ва касбий келажакни режалаштириш, фуқаролик камолотига эришиш, ижтимоий ролларнинг ўзгариши билан ифодаланди.

Ўрта камолот - бу «очириш» даври бўлиб, ижодий ва касбий муваффақиятга эришишнинг юқори босқичи, қайсидир миқдорда ҳаётий фаолликнинг камайиши, ўз билим, малака ва кўникмаларини қўйи авлодга қолдириш эҳтиёжининг мавжудлиги, лекин шу билан бирга, эриша олмаган ютуқлари ва муваффақиятсизликларидан ўқиниш ҳам давридир.

Кеч камолот - касбий ва профессионал фаолиятнинг яқунланиши, янги ижтимоий ролларнинг юзага келиши, қарилик даврига ўтиш даври билан боғлиқдир.

*Тадқиқотнинг усуллари* талабаларнинг антифрустрацион кўникмаларини бир неча жабҳада ўрганишга йўналтирилган. Тадқиқотимизнинг дастлабки босқичида талабалар психологик камолотининг умумий ҳолатини ўрганишга эришилди. Бунинг учун С. С. Степановнинг «Ижтимоий ва психологик ёшни аниқлаш» методикаси, Е. В. Каляева, Т. В. Прокофьеваларнинг «Шахс камолотини аниқлаш» га қаратилган сўровнома, «ВАС-вазиятнинг асосий сабаби» махсус ишлаб чиқилган методика, махсус ишлаб чиқилган «НОМ-носитуатив масъулият сўровномаси»дан фойдаланилди. Натижалар, биринчи навбатдоталабаларнинг бир неча методикалар бўйича сўровномаларга жавоблари умумлаштирилган жадвал асосида таҳлил қилинди. Шунингдек, талабаларнинг антифрустрацион кўникмалари хусусиятлари бўйича ижтимоий ва психологик ёш кўрсаткичлари, носитуатив масъулият ва вазиятнинг асосий сабабини аниқлаш мезонларига таянилди. Респондентлардан олинган натижалар таҳлили методикаларнинг мезонига мувофиқ антифрустрацион камолотнинг даражаларини аниқлаш бўйича амалга оширилди. Антифрустрацион камолот даражалари методикаларнинг хусусиятидан келиб чиқиб, қўйи, ўрта, ўртадан юқори, юқори ва жуда юқорига ажратилди. Натижалар ўзаро даражалар бўйича қиёсий талқинэтилди.

### ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Талабаларнинг антифрустрацион кўникмаларини ривожлантириш масаласи таҳлилий жиҳатлари узоқ тарихий даврдан буён тадқиқотчиларнинг диққат марказидаги муаммолардан бири ҳисобланади. Ушбу йўналишда олиб борган тадқиқот ишларимизда антифрустрацион кўникмаларни аниқлаш борасидаги дастлабки натижалар умумий характерга эга. Антифрустрацион кўникмалар шахс эгаллаши лозим бўлган муҳим шахс сифатлари мужассамлаштирилган тимсол билан белгиланди. Унинг «Мен тимсоли», «Мен ва бошқалар», «Мен ва жамият» муносабатларда уйғунлашган энг муҳим шахс сифатлари ўз аксини топди. Респондентлар томонидан келтирилган натижаларнинг кўрсатишича, антифрустрацион кўникмаларни унинг психологик ва ижтимоий камолоти билан баҳоланадиган жиҳатлари мавжудлиги аниқланди.

### МУҲОКАМА

Антифрустрацион кўникмалар ва ижтимоий камолотни талқин қилишда шахснинг психологик имконияти, ўзини эмоционал-иродавий тартибга солиш усуллари ўзлаштирилганлиги, ижтимоийлашувни тўлиқ босиб ўтганлиги, ўтмиш, бугун ва келажак тимсолига кўра шахснинг ривожланиши узвий камол топаётганлигини белгилаб беради.

Тадқиқотнинг илк натижаларидан бири - антифрустрацион кўникмалар даражаси қуйи ва ўртача бўлган талабалар натижалари талқин қилинганда, статистик жиҳатдан аҳамиятли кўрсаткичга эга бўлган ҳолат биргина кўрсаткичда кузатилди. Психологик ёшдаги тафовут мавжуд бўлган шароитда ижтимоий ёшда шахсларда тафовут ёки фарқлар кузатилмаслиги мумкин экан. Бу ижтимоий ёш алоҳида мезонлар ва шахс сифатлари билан боғлиқни кўрсатади. Бундан кўринадикки, қуйи ва ўртача психологик етуқ бўлганларда психологик ёш кўрсаткичлари талабаларда эмоционал зўриқишларни бартараф этиш, ўзининг имкониятлари, эмоционал интеллект, умумий интеллект, фаолият мотивлари шаклланиш билан боғланади.

### ХУЛОСА

1. Тадқиқотнинг илк натижаларидан бири – талабаларда антифрустрацион кўникмалар даражаси қуйи, ўртача, юқори ва жуда юқори психологик ёш даражаси аниқланди. Методика натижалари таҳлилига кўра, талабалар психологик камолотини олдинги анъанага мувофиқ қуйи, ўрта, ўртачадан юқори, юқори ва жуда юқори даражалар бўйича ажратилган ҳолат бўйича таҳлил қилинди.
2. Антифрустрацион кўникмалар борасидаги изланишнинг ушбу босқич натижаларига кўра талабалардаги тафовутли ҳолатлар ўрганилаётган муаммо бўйича доимий равишда шахс камолотининг ҳар бир даражасида ўзига хосижибый аҳамиятли сифатлар кузатилиши мумкинлиги бўлди. Камолотнинг бир-бирига яқин даражалари орасида эса, тафовутлар кескинлашиши ёки тенглашиши мумкинлиги ҳам кузатилади экан.
3. Юқори ва жуда юқори психологик ёш даражасига эга бўлган талабаларнинг натижаларида айрим шкалалардагина статистик тафовутлар аниқланди. Бу эса, статистик тафовутга эга бўлмаган шкалалар бўйича талабалар антифрустрацион кўникмалар кўрсаткичлари бўйича мавжуд шахс сифатларида бир-бирларига яқин даражада эканликларидан далолат беради.
4. Талабанинг антифрустрацион кўникмаларида унинг онги, фаолияти, ўз-ўзини англашидан иборат ички йўналтирувчи механизми муҳим аҳамиятга эга, чунки унинг шахс сифатида ривожланиши, қизиқиши, характери, қобилияти, ақлий ривожланганлиги, эҳтиёжлари, меҳнат фаолияти билан белгиланади. Ана шу хусусиятлар ривожланиб, унинг ижтимоий ҳаётга, кишиларга, жамиятга бўлган муносабати маълум босқичга етганда у психологик камолот даражасига кўтарилади.
5. Талаба антифрустрацион камолотининг шаклланишига таълимий фаолият мавжуд ижтимоий талабларга мувофиқ ташкил этилгандагина муваффақ бўлинади. Унда таълим жараёнини демократлаштириш, инсонпарварлаштириш, ижтимоийлаштириш, дифференциялаш, таълим жараёнига янги технологияларни киритиш ҳамда шахс интеллектуал салоҳиятини оширишга қаратилган ғоялар устувор ўрин тутади.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Ананьев В. А. Основы психологии здоровья. Книга 1. Концептуальные основы психологии здоровья. - СПб, 2006
2. Ананьев Б.Г. О проблемах современного человекознания. М. 1977 Наука. 158-159.
3. Бодалев А.А. Межличностное восприятие и понимание. Личность и общество. М., Педагогика, 1983.
4. Avlaev, O., & Maripov, E. (2020). The problem of emotional situations like childhood, anxiety and fear. *SAARJ Journal on Banking & Insurance Research (SJBIR)*, 9(3), 24-28.

5. Даль В.И. Толковый словарь живого великорусского языка: Т. 1-4. Т. 1: А-З. М., 1994.
6. Ильин Е.П. Психология взрослости. Питер., 2012.стр 7.
7. Авлаев, О., & Жўраева, С. (2019). «Бахтни белгилашда адаптация даражасининг нисбийлиги». *“ПСИХОЛОГИЯ” илмий журнал*, 4, 121-128.
8. Маслоу А. Мотивация и личность. - СПб, 2006.
9. Авлаев, О., & Маматкулова, З. (2019). Динамика межличностного отношения компонентов социального интеллекта студентов. *Наука и образование сегодня*, 12(47), 67-74.
10. Роджерс К. Взгляд на психотерапию. Становление человека. - М., 1994.
11. Bakhromovich SI. The impact of managerial professional development on the effectiveness of Higher Education institution management. *Academicia: an international multidisciplinary research journal*. 2020;10(12):1014-20.
12. Siddikov, I. B. (2019). Философско-педагогические аспекты развития интеллектуальной культуры студентов. *Вестник Ошского государственного университета*, (3), 38-42.
13. Bakhromovich, S. I. Development trends and transformation processes in academic mobility in higher education in Uzbekistan and the world.
14. Bakhromovich, S. I. (2021). A comparative induction of the epistemological and theological views of medieval Islamic oriental scholars. *Berlin Studies Transnational Journal of Science and Humanities*, 1(1.7 Philosophical sciences).
15. Bakhromovich, S. I. (2021). Views on the role of science in human and society life in islamic teaching. *International Journal of Philosophical Studies and Social Sciences*, 1(3), 79-86.
16. Bakhromovich, S. I. (2020). Effects of Objective and Subjective Factors to Develop Intellectual Culture of Youth. *Canadian Social Science*, 16 (2), 55-59 p.
17. Bakhromovich, S. I. (2018). Social and philisophical performance of making youth’s intellectual culture. *European science review*, (7-8).
18. Bakhromovich, S. I. (2020). Analysis Of Modern Approaches To Ensuring The Effectiveness Of Management In Higher Education Institutions. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 2(12), 364-369.
19. Bakhromovich, S. I. (2021). Philosophical comparative studies of the epistemological and theological views of medieval eastern scholars. *Turkish Journal of Physiotherapy and Rehabilitation*. Turkey, 2021. №32 (3), (Scopus) – P. 30338-30355
20. Bakhromovich, S. I. (2022).Dialectical and synergetic features of the development of theological and epistemological views in medieval eastern islam. *European Journal of Humanities and Educational Advancements (EJHEA)*, - Las Palmas, Spain, Volume 3, Issue 2 February, 2022. – P. 79-83.
21. Jurayev R. K., Karakhanova L. M. Scientific And Methodical Bases Of The Use Of Electronic Educational Resources In Teaching Biology In General Educational Schools //International Journal of Advanced Science and Technology. – 2020. – Т. 29. – №. 8. – С. 3500-3505.



22. Мусахоновна Қ. Л. УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА БИОЛОГИЯ ФАНИДАН САМАРАДОРЛИККА ЭРИШИШДА ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМИЙ ВОСИТАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АСОСЛАРИ //Science and innovation. – 2022. – Т. 1. – №. В3. – С. 577-585.
23. Dzhuraev R. K., Karakhanova L. M. Model of the organization of research activities of 10th grade students in teaching physics and biology //International journal of discourse on Innovation, integration and education. – 2021. – Т. 2. – №. 01. – С. 296-300.

## ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНИДА ТАЛАБАЛАРНИ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШНИНГ ЗАМОНАВИЙ-ПЕДАГОГИК ОМИЛЛАРИ

Комилова Ҳилола Муроджон кизи

ФарДУ Мактабгача ва бошланғич таълим факультети талабаси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6727758>

**Аннотация.** Мақолада Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида олий таълим соҳасидаги ислохотлар ва ушбу соҳага кириб келаётган инновациялар, уларнинг мазмуни, йўналиши ва функциялари, ушбу жараёнда талабаларда ижодкорлик, интеллектуал фаолият билан боғлиқ кўникма ва малакаларни шакллантириш зарурияти, унга хизмат қиладиган педагогик омиллар тадқиқ қилинган.

**Калит сўзлар:** олий таълим, инновация, талаба, замонавий мутахассис, интеллектуал фаолият, инновацион гоя, педагогик омил.

## СОВРЕМЕННО-ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ФАКТОРЫ ПОДГОТОВКИ СТУДЕНТОВ К ОБРАЗОВАТЕЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В ПРОЦЕССЕ ИННОВАЦИОННОГО РАЗВИТИЯ

**Аннотация.** В статье исследованы реформы в сфере высшего образования на новом этапе развития Узбекистана и инновации, входящие в эту сферу, их содержание, направленность и функции, креативность студентов в этом процессе, необходимость формирования умений и навыков, связанных с образовательной деятельностью, педагогические факторы, служащие ей.

**Ключевые слова:** высшее образование, инновация, студент, современный специалист, социальная активность, инновационная идея, педагогический фактор.

## MODERN-PEDAGOGICAL FACTORS OF PREPARATION OF STUDENTS FOR EDUCATIONAL ACTIVITIES IN THE PROCESS OF INNOVATION DEVELOPMENT

**Abstract.** In the article, reforms in the field of higher education at a new stage of development of Uzbekistan and innovations entering this sphere, their content, direction and functions, creativity of students in this process, the need to form skills and skills related to educational activities, pedagogical factors that serve it were investigated.

**Keywords:** higher education, innovation, student, modern specialist, social activity, innovation idea, pedagogical factor.

## КИРИШ

Таълим жамият барқарорлигини ва ижтимоий-иқтисодий муаммолар ечимини таъминлашда муҳим ўрин эгаллайди. Ушбу жараённинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, биринчидан, талаба ёшларнинг маънавий ва ахлоқий камолотида устувор таъсирга эгалиги, иккинчидан, жамиятнинг янги тараққиёт босқичида, яъни унинг барқарор ривожланиши малакали кадрлар корпуси фаолиятига боғлиқлиги билан муҳим назарий ва амалий аҳамият касб этади. «Чунки жамиятимизда олий маълумотга эга, юксак малакали мутахассислар канча кўп бўлса, ривожланиш шунча тез ва самарали бўлади. Олий таълим муассасаларида илмий салоҳиятни янада ошириш, илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш кўламини кенгайтириш – энг муҳим масалалардан биридир».

Ҳозирги даврда жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлаш ишлари кўзланган ижтимоий-иқтисодий марраларни қўлга киритиш, баркамол шахс камолотини таъминлаш, ёшларни атроф-муҳитда содир бўлаётган салбий жараёнлардан асраш каби масалалар билан чамбарчас боғлиқдир. Ушбу муаммолар қаторида экологик бўҳронлар, ёшларга салбий таъсир этадиган оммавий маданият ва салбий ахборот хуружидан асрай

оладиган иммунитетни шакллантириш, юксалтириш зарурияти асосий вазифалардан ҳисобланади. Шу билан бирга, содир бўлаётган жараёнларга бутун жамият аъзолари, унинг таркибида мавжуд бўлган алоҳида институтлар, айниқса, ёшлар ва бўлажак мутахассисларнинг адаптациясини таъминлаш зарурияти вужудга келади. Бундай вазифалар ечимида олий таълим муҳим аҳамиятга эгадир, чунки олий таълим жараёни ижтимоий ҳаётга кириб келаётган янги кадрлар корпусини тарбиялайди, мутахассис сифатида тайёрлайди ва унинг жамиятга ижтимоийлашуви асосларини шакллантиради. Олий таълим бўлажак мутахассисларда касбий кўникмаларини яратади, уларнинг миллий ва умуминсоний қадриятларга ижобий муносабатини юксалтиради.

### **ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ**

Жаҳон таълим тизимида талабалар интеллектуал маданиятини инновацион-педагогик усулда ривожлантириш бўйича тадқиқотларни икки гуруҳга – Ғарб ва Шарқ мамлакатларида ўрганилиши, деб ажратиш мумкин.

Ғарб мамлакатларида талабалар интеллектуал маданияти олимлар Ш.Легг, М.Хаттер, А.Роубек, Н.Хамфрей, К.Клифтон, Х.Броуд, Р.Фелдер, Р.Брент, Х.Друмоунд, А.Веиз, Р.Гилар, П.Минано, Ж.Доланд, П.Коллинслар томонидан тадқиқ этилган.

Шарқ мамлакатларида интеллектуал маданиятнинг педагогик жиҳатлари, олий таълим муассасалари талабаларининг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш методикасини олимлар С.Пантурат, П.Сювоннои, Ж.Кетчатурат, К.Чангвонг, А.Суккамарт, Б.Сисан, М.Салваратнамлар ўз изланишларида таҳлил қилган.

Ўзбекистонда талабалар интеллектуал маданиятини О.Мусурмонова, С.Т.Ширматов, И.Б.Сиддиқов, Д.Х.Турдибоев, А.Абдуқодиров, Р.Ғ.Сафарова, Н.Атакулова, И.Б.Асқаров, Э.З.Усмонова, С. Файзулина каби файласуф, тарихчи ва педагог олимлар тадқиқ қилганлар.

### **ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ**

Таъкидлаш лозимки, фақат таълим, унинг муҳим бўлаги ҳисобланган олий таълим жамиятнинг турли ривожланиш босқичларига шахснинг мослашувчанлик имкониятларини таъминлайди. Янги авлодни ўқитиш ва тарбиялаш натижасида ёшларнинг, бўлажак мутахассисларнинг дунёқарашини, маданиятини, касбий билимларини шакллантиради ва ижтимоий ривожланишга оид йўналишлар вужудга келади. Ушбу омиллар олий таълимни янги тараққиёт босқичида жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминловчи фактор сифатида илмий фалсафий жиҳатдан чуқур ўрганишни, тадқиқ этишни тақозо қилади.

Янги ривожланиш босқичида олий таълимнинг замонавий педагогик хусусиятларини аниқлаш, яъни унинг бўлажак мутахассисларга мавжуд миллий менталитетда, ёшлар дунёқарашида ва маданиятидаги ўзгаришлардан самарали фойдаланган ҳолда уларнинг мослашиш имкониятларини содир бўлаётган глобал муаммолар нуктаи назаридан илмий асослаш зарурдир. Янги даврда жамиятнинг барқарор ривожланиши, биринчи навбатда, ижтимоий муносабатларнинг такомиллаштирилиши ва жамиятда мавжуд ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг яқин келажақдаги тараққиётига боғлиқдир. Ўзбекистон шароитида жамиятнинг барқарор ривожи нафақат инновацион асосдаги иқтисодий ривожланишни, балки ижтимоий ҳаётдаги, маънавий маданиятдаги, ташқи маданий алоқалардаги туб ўзгаришларга хос бўлган кўрсаткичларни ҳам ўз ичига олади.

Олий таълимнинг ижтимоий аҳамияти фақат прагматик, яъни ўтган даврларга хос бўлган билимларни бўлажак мутахассисларга ўргатиш, уларда интеллектуал ва инновацион кўникмаларини ривожлантириш билан чегараланмасдан, ҳозирги замон мутахассисларига хос бўлган юқори интеллект, дунёқараш, жавобгарлик ҳисси, фаоллик, ижодий фаолият олиб бориш каби шахсий хусусиятларни шакллантириш ҳисобланади.

Олий ўқув юртларини тамомлаган мутахассисларнинг юқори малакага эга бўлиш зарурияти давлат таълим стандартларида алоҳида қайд этилган ва янги даврда олий таълимни модернизациялашнинг устувор вазифаларидан биридир. Малакали мутахассислар тайёрлашга бундай янгича, инновацион ёндашув Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган ривожланиш стратегиясидаги муҳим йўналишлардан ҳисобланади. Ушбу муаммонинг ечимига илмий асосланган, малакали ёндашув лозим. Олий таълим жараёнида эркин фикрлайдиган, гуманизм, адолат асосида фаолият юрита оладиган, кўп қиррали кўникмаларга эга бўлган шахсни тарбиялаш асосий мақсаддир. Юқоридаги хусусиятларга эга бўлган мутахассислар кундалик ҳаётда учраётган ижтимоий мазмундаги ва касбий вазифаларни ҳал қилиш, ечиш имкониятига эгадир. Олий таълимга инновацион ёндашув мутахассислар тайёрлашда шу давргача устувор бўлиб келган режа асосида билим олиш усулидан тубдан фарқ қилади. Мутахассислар интеллектуал ва инновацион кўникмаларини шакллантиришга, яъни унинг мазмуни, технологиялари, усулларига замонавий ёндашув янгиланаётган олий таълимни такомиллаштириш омили ва янги даврга мос бакалавр ва магистрларни тарбиялаш усулидир. Ушбу жараёнда олий таълим ўзининг бўлажак мутахассисларда гуманистик, маънавий, ахлоқий сифатларини шакллантириш вазифасини бажариши зарур. Таъкидлаш лозимки, бу жараён тезлашаётган ижтимоий-иқтисодий тараққиёт, инсон меҳнат шароитининг ўзгариши каби омиллар билан чамбарчас боғлиқдир.

Қайд этиш лозимки, тадқиқотчи С.Н.Кройторнинг фикрича “инновация билимдан технологик, рақобатбардошлик ва етакчилиكنи таъминлаш учун фойдаланиш жараёнидир”. Инновациялар мазмуни, моҳиятига доир илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, ушбу терминни олий таълимга нисбатан қўлланилиши педагогик жараённинг такомиллашуви, таълим хизматларининг янгиланиши, таълим маҳсулотларига янги технологиялар, илм фан ютуқларининг жорий этилиши, олий таълим жараёнининг объектив жараён сифатида мукамаллашувидир.

### **МУҲОКАМА**

Олий таълимнинг ҳозирги ривожланишида назарий асосланган, маълум мақсадга йўналтирилган, амалиётда қўллаш мумкин бўлган педагогик инновациялар муҳим ўрин эгаллайди. Мамлакатимизнинг ҳозирги ривожланиш босқичида педагогик йўналишдаги инновациялар олий таълимнинг барча жабҳаларига бевосита таъсир кўрсатмоқда. Шунингдек, ҳар бир олий ўқув юртининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, ундаги ўқув, услубий ва илмий тадқиқот, тарбиявий ишлар мазмунида ижобий ўзгаришларга сабаб бўлмоқда. Мисол учун юртимизда “Сўнгги икки йилда 1551 та илмий иш ҳимоя қилинди ва илмий салоҳият 36,7% га етказилди (2017 йилда 32,7 %)", “Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали 2019 йилда хорижда малака ошириш, стажировка, магистратура ва докторантурага 517 нафар профессор-ўқитувчилар ва ходимлар саралаб олинди, бугунги кун ҳолатига 218 нафари хорижга юборилди”. Инновациялар олий таълим муассасаларида ўқитилаётган

фанлар мазмунида, янги ташкил этилаётган, ўқув жараёнига тадбиқ қилинаётган педагогик технологиялар, бўлажак мутахассисларни тайёрлаш жараёнидаги замонавий шакл ва усулларда ҳам ўз ифодасини топаяпти. Қайд этиш лозимки, инновациялар инсон интеллекти қўлга киритган ютуқларни ижтимоий-иқтисодий жабҳаларга жорий қилишга ёрдам беради, кўрсатилаётган хизмат турлари кенгаяди, уларнинг сифати яхшиланади. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, олий таълим таркибида инновацияларнинг тўпланиши ижтимоий-иқтисодий ҳаётда янги тизимларнинг вужудга келиши, бўлажак мутахассисларга замонавий таълим бериш имкониятлари кенгайишига сабаб бўлади. Албатта, бу жараён инсон омилига боғлиқ бўлиб, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тизимларида рўй бераётган ижобий ўзгаришларда ўз ифодасини топади. Инновациялар инсон фаолияти туфайли олий таълим жараёнида янгиликнинг вужудга келиши, амалиётда қўлланилиши, таълим хизматлари бозори талабларининг тўлиқ қондирилиши, шу пайтгача мавжуд бўлган янгиликларга нисбатан уларнинг афзаллиги, мураккаблиги ва ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради.

Олий таълим муассасаларида инновацияларнинг асосий вазифаларига қуйидагиларни киритиш мумкин: биринчидан, инновациялар профессор-ўқитувчилар томонидан олиб бориладиган илмий ишлар натижаси бўлиб, улар фаолиятнинг интеллектуаллашувини амалга оширади, ўтказилаётган маърузалар, амалий машғулотларнинг илмийлигини, амалиёт билан боғланиши имкониятларини кучайтиради. Талабаларнинг бўлажак мутахассислигини эгаллашига қизиқишини орттиради; иккинчидан, инновациялар илмий тадқиқот ишлари натижасида хўжалик шартномалари, профессор-ўқитувчилар, докторантлар ва мустақил тадқиқотчилар иштирокида бажарилаётган илмий, амалий ва фунаментал характерга эга бўлган лойиҳаларнинг сифатли бажарилишига замин яратади; учинчидан, инновациялар таълим хизматларини тизимли такомиллашувида муҳим омил ролини бажаради. Шунингдек, инновациялар туфайли профессор-ўқитувчилар томонидан нашрга тайёрланган монография, дарслик ва ўқув қўлланмалар, илмий мақолалар мазмунига сўнгги янгиликлар киритилади.

Олий таълимда рақобатбардош мутахассислар тайёрлаш жараёни маънавий-маърифий, тарбиявий ишларнинг юқори савияда ўтказилишига, ушбу жараёнга тадбиқ этилаётган инновацияларга ёхуд инновацион ёндашувларга бевосита боғлиқдир. Талабалар орасида ўтказилаётган маънавий-маърифий тадбирларнинг муҳимлиги шундаки, улар илмий асосланганлиги, мазмуни, ўтказилиш тартибининг ҳозирги давр руҳига мослиги, иштирокчилар нутқидаги янгиликлар, мантиқий кетма-кетлик, ифода этилган инновацион фикрлар, илгари сурилаётган ғоялар, кутилаётган натижалар, инновацион характерга эга бўлган таклифлар ва хулосалар эканлиги билан муҳим тарбиявий аҳамият касб этади.

Янги тараққиёт босқичида тарбиявий ишлар олий мактабда олиб борилаётган ўқув, илмий ишларнинг бевосита давоми сифатида, ўқув жараёни мазмуни билан узвий боғлиқдир. Талабалар билан олиб бориладиган тарбиявий ишларнинг мазмуни бўлажак мутахассисда лидерлик хусусиятларини тарбиялаш, шакллантиришга, унинг маънавий, ахлоқий маданияти юксалишига қаратилган бўлиши лозим. Инновацион мазмундаги тарбиявий жараён талабада ҳозирги даврнинг ўзига хос хусусиятлари, ижтимоий-иқтисодий ислохотлар мақсадининг инсон манфаатларига қаратилганлиги, жамиятда содир бўлаётган ижтимоий воқеалар, вазифалар ечими кўп жиҳатдан бўлажак мутахассисларнинг

юқори малакаси, касбий, илмий тайёргарлиги, сиёсий жараёнлар ва иқтисодий ҳаётдаги ривожланиш тенденцияларини ўз пайтида англаш имкониятларига доир кўникмалар шаклланишини талаб қилади

### ХУЛОСА

Жамиятнинг янги тараққиёт босқичида инновацион ривожланиш ва талабаларни интеллектуал фаолиятга тайёрлаш муаммосини ўрганиш натижасида шундай хулосага келиш мумкин.

Биринчидан, олий таълимдаги инновациялар меҳнат бозорида зарур бўлган мутахассисларнинг малакасини ошириш; юқори малакали илмий педагогик кадрларнинг аттестациясини ўтказиш; фундаментал ва амалий йўналишдаги тадқиқот ишларини олиб бориш; талабалар, магистрантлар, докторант ва тадқиқотчилар, илмий ходимлар, ўқитувчиларнинг илмий тадқиқот ишларидаги иштироки; инновацияларга оид билимларнинг талабалар орасида кенг тарғиб қилиниши кабилардир.

Иккинчидан, талабалар ишлаб чиқариш корхоналарида, таълим муассасаларида амалиёт ўташлари давомида ўзининг бўлажак мутахассислигига доир инновацион билимга эга бўлади, ўқитувчилар ўзларининг таълимдаги фаолиятини илмий ишлар, яъни инновациялар билан узвий боғлайди. Шунинг учун мутахассислик кафедраларининг етакчи ишлаб чиқариш корхоналари, қўшма корхоналар, технопарклар билан ижодий алоқаларини такомиллаштириш зарур. Битирувчи талабаларга мўлжалланган амалиёт ўташда муҳим йўлланма ҳисобланган ишлаб чиқариш амалиёти дастурини хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш асосида шакллантириш зарур. Ушбу жараён олий ўқув юртларининг ижтимоий-иқтисодий тармоқлар билан ўзаро алоқасини кучайтиради. Бундай жараён ўз навбатида университетлар атрофида инновацион муҳитни шакллантиради.

Учинчидан, олий таълимда инновацияларнинг ривожланишида унинг малакали мутахассислар тайёрлаш билан боғлиқ бўлган бўғинларга, яъни кафедралар, факультетлар, ахборот-ресурс марказлари фаолиятига чуқур кириб боришида компьютер техникаси, янги педагогик технологиялар муҳим роль ўйнайди ва олий таълим такомиллашаётган, тобора ахборотлашув асосида ривожланаётган жамиятда устувор вазифаларни бажаришида муҳим восита вазифасини бажаради.

Тўртинчидан, олий таълим соҳаси жамиятдаги ўзига хос ривожланиш хусусиятига эга бўлган инновацион йўналишлардан биридир ва бўлажак рақобатбардош мутахассислар тайёрлашда асосий тармоқ ҳисобланади. Бу тизим жамиятнинг ривожланиш жараёнида содир бўлаётган янгиликлар мазмуни ва йўналишларини мунтазам илмий асосда таҳлил қилиш, тизимли ўрганиш вазифасини вужудга келтиради.

Бешинчидан, олий таълимнинг мактаб, академик лицей ва касб ҳунар коллежлари билан узвий алоқадорлигини кучайтириш орқали олий таълим муассасаларига иқтидорли талабаларни жалб этишни кенгайтиради ва фанга, илмий тадқиқот институтларига келажакда илмий тадқиқотлар олиб бора оладиган бўлажак докторантлар, илмий ходимларни жалб этиш имкониятини туғдиради.

Олий таълим муассасалари кафедралари қошида фаолият юритадиган илмий ва ижодий тўғараклар ишига, яъни улар асосида ташкил этиладиган талабалар конференциялари, кафедралар негизида уюштириладиган илмий муҳокамаларга ишлаб чиқариш корхоналари вакиллари, етакчи олимларнинг иштирокини таъминлаш лозим.



*Фойдаланилган адабиётлар*

1. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабрь. <https://president.uz/uz/lists/view/2228>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони.Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.09.2018 й., 06/18/5544/1951-сон.
3. Кройтор С. Н. Инновации в образовании: Социологический анализ (на примере системы высшего образования Республики Беларусь): дисс. ... канд. социал. н. - Минск, 2009. [Электронный ресурс]. Дата обновления: 01.10.2010.-URL: <http://vivakadry/15.htm> (дата обращения: 01.10.2013).
4. Олий таълим 2019 йилда: ОТМларда илмий салоҳиятнинг ўсиши. 2019 йил 31 декабрь. Edu.uz
5. Bakhromovich, S. I. (2020). The impact of managerial professional development on the effectiveness of Higher Education institution management. *Academicia: an international multidisciplinary research journal*, 10(12), 1014-1020.
6. Siddikov, I. B. (2019). Философско-педагогические аспекты развития интеллектуальной культуры студентов. *Вестник Ошского государственного университета*, (3), 38-42.
7. Bakhromovich, S. I. Development trends and transformation processes in academic mobility in higher education in Uzbekistan and the world.
8. Bakhromovich, S. I. (2021). A comparative induction of the epistemological and theological views of medieval Islamic oriental scholars. *Berlin Studies Transnational Journal of Science and Humanities*, 1(1.7 Philosophical sciences).
9. Bakhromovich, S. I. (2021). Views on the role of science in human and society life in islamic teaching. *International Journal of Philosophical Studies and Social Sciences*, 1(3), 79-86.
10. Bakhromovich, S. I. (2020). Effects of Objective and Subjective Factors to Develop Intellectual Culture of Youth. *Canadian Social Science*, 16 (2), 55-59 p.
11. Bakhromovich, S. I. (2018). Social and philisophical performance of making youth's intellectual culture. *European science review*, (7-8).
12. Bakhromovich, S. I. (2020). Analysis Of Modern Approaches To Ensuring The Effectiveness Of Management In Higher Education Institutions. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 2(12), 364-369.
13. Bakhromovich, S. I. (2021). Philosophical comparative studies of the epistemological and theological views of medieval eastern scholars. *Turkish Journal of Physiotherapy and Rehabilitation*. Turkey, 2021. №32 (3), (Scopus)– P. 30338-30355
14. Bakhromovich, S. I. (2022).Dialectical and synergetic features of the development of theological and epistemological views in medieval eastern islam. *European Journal of Humanities and Educational Advancements (EJHEA)*, - Las Palmas, Spain, Volume 3, Issue 2 February, 2022. – P. 79-83
15. Jurayev R. K., Karakhanova L. M. Scientific And Methodical Bases Of The Use Of Electronic Educational Resources In Teaching Biology In General Educational Schools

- //International Journal of Advanced Science and Technology. – 2020. – Т. 29. – №. 8. – С. 3500-3505.
16. Мусахоновна Қ. Л. УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА БИОЛОГИЯ ФАНИДАН САМАРАДОРЛИККА ЭРИШИШДА ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМИЙ ВОСИТАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АСОСЛАРИ //Science and innovation. – 2022. – Т. 1. – №. В3. – С. 577-585.
17. Dzhuraev R. K., Karakhanova L. M. Model of the organization of research activities of 10th grade students in teaching physics and biology //International journal of discourse on Innovation, integration and education. – 2021. – Т. 2. – №. 01. – С. 296-300.

## INTERNET LEARNING SITES ARE RESOURCES FOR LANGUAGE LEARNERS, WORKING WITH WEBSITES

**Umirova Dilshoda Husniddin qizi**

Uzbekistan State World Languages University

**Hojikulov Shukrullo Qodirovich**

Uzbekistan State World Languages University

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6727777>

**Abstract.** Nowadays many learning programs are motivating students to learn foreign languages, business management, personal developments which are essential in daily life. Hence, there are useful free websites in this article that can help you assess your language skills, and there are also some websites that require a monthly fee. Furthermore, some brief explanations are also given about sites and their advantages are investigated step by step.

**Key words:** Mondly, resources, languages, DuoLingo, websites, interactive lesson, virtual dictionaries, Learnalanguage.com, ESOL Courses

### INTRODUCTION

In 21st century learners prefer to use virtual dictionaries and material to practice the target language. It is a fact that successful learning not only based on effective strategy, but also it also depends on language resources. Obviously, language learners should know what kind of language learner they are, finding appropriate sources, tools, methods become much more straightforward and will skyrocket their success. In this thesis, some useful sites, websites will be discussed.

### MATERIALS AND METHODS

There are many ways to learn any foreign language, however it is most important point is choosing appropriate sites, books, resources which can help to alleviate learning process. A huge target is pointing out which sources are suitable to learn and utilize effectively.

Before learning language crucial aspect is a trusted tool which is amazing, experienced during the period time by learners. In order to decide the resources that are going to be utilized, it is necessary to search among students' interests' regarding how much they use technological tools and about their language proficiency intending to create valid activities for learners. Learning, speaking new language like English, Afrikaans, French, Arabic, Norwegian can cause to more difficulty spending time for learning process, however there are some ways to pick up language without depression and stress. Here are the most excellent language learning tools and apps which can give fun during the learning. First one is Mondly which covers friendly interface and variety of interactive lessons. One of the best features of Mondly app is opportunity to use from reader's native language; moreover its sphere consists of various languages such as Polish, Indonesian, Tagalog, Thai, English, Spanish, French, and German.

Another one is Learnalanguage.com which is useful with 19 different languages. Any kind of learner can learn over 1400 words by heart through their vocabulary list, verb conjugation charts and there is a considerable amount more frees learning to be done in the 9 languages in which Learnalanguage.com maintains its own Web-based courses.

If language learner is going to learn a specific language like German, there are some advices to use. They are Deutsch-lernen.com which begins with 10 beginner lessons and 24 advanced grammar lessons. This free resource is a great starting point for beginner level and those intimidated by the infamously frustrating German grammar. An addition to this, Deutsch

Akademie which has helpful audio clips and interactive lessons, as well as link to in-person courses in Berlin and another part of Central Europe. Third one is Deutsche Welle that offers courses from beginner to advance.

Moreover, there are websites with video-based learning content illustrates that switching on the TV is effective for language learning. If learner wants to soak up the sights and sounds what actual everyday speech sounds like and how it is in their target language, tune in and kick back for some quality input-based learning with sites, for instance Streema that offers TV streaming from over 100 countries around the world in nearly as many languages. Additionally, FluentU is a totally different world of language learning. After entering this site, learner can grasp at least free trial and spend a couple of week's bingle- learning with various video and audio libraries.

### RESULTS

Nowadays mostly students are trying to learn ESOL, nonetheless they are not aware of ESOL Courses which is time saving, all lessons are available online. There is no registration, therefore lessons are free and they cover a range of areas as well as levels. Obviously, they are more useful and effective lessons than offline courses. Hence, another website English at Home offers spoken English, vocabulary and grammar. There are lessons available; however most of activities are basic "choose correct answer" which is useful during the self-study. Clearly, there some websites and applications can give opportunity write a blog post for learners of any language who wishes to study in DuoLingo without any payment. Actually, it is a quite effective site because even a South Korean student can access DuoLingo and learn English with ease of using his or her first language.

### DISCUSSION

From this investigation, there is a huge result with finding resources both chargeable and free course that include various materials like videos, audios connected with target language. These courses not only offer speaking and grammar, but also writing a blog post.

### CONCLUSIONS

In the research process pluses of the information-communicative technologies practically confirmed. Because of learner's opportunity to do self-guided work with necessary information and creation of the positive psychological atmosphere in the educational process, organization of learner's address, corrected, controlled self-guided activities. Thus, the use of such kind of websites, resources and the internet in the education process facilitates its humanization.

### References

1. <https://books.google.co.uz>
2. <http://www.ameprc.mq.edu.au>
3. <https://www.researchgate.net/publication/263280738> The Use of Internet In English Language Learning Practices Attitudes and Challenges of The Learner
4. <https://www.edutopia.org/article/helpful-online-resources-teaching-ells>
5. <https://library.nwacc.edu/esol/websites>
6. [https://www.memory.com/classrooms?gclid=CjwKCAjw9qiTBhBbEiwAp-GE0Z-XpMC6Q2oOCgCkAEaEaNwZs0HlxMATUlkVGklyG\\_2\\_RpO1xHLdWPQRoClWMQAvD\\_BwE](https://www.memory.com/classrooms?gclid=CjwKCAjw9qiTBhBbEiwAp-GE0Z-XpMC6Q2oOCgCkAEaEaNwZs0HlxMATUlkVGklyG_2_RpO1xHLdWPQRoClWMQAvD_BwE)
7. I. D. Saza-Garzon, "Estrategias did ´ acticas en tecnolog ´ ´ias web para ambientes virtuales de aprendizaje," Praxis, vol. 12, no. 1, pp. 103–110, 2016.

8. Jurayev R. K., Karakhanova L. M. Scientific And Methodical Bases Of The Use Of Electronic Educational Resources In Teaching Biology In General Educational Schools //International Journal of Advanced Science and Technology. – 2020. – Т. 29. – №. 8. – С. 3500-3505.
9. Мусахоновна Қ. Л. УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА БИОЛОГИЯ ФАНИДАН САМАРАДОРЛИККА ЭРИШИШДА ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМИЙ ВОСИТАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АСОСЛАРИ //Science and innovation. – 2022. – Т. 1. – №. В3. – С. 577-585.
*Керак лутфу эхсон шиор айласанг,*

*Адолат йўлин ихтиёр айласанг.*

*Раиятга сендан етиб шодлик,*

*Мамоликка юз қўйса ободлик. ("Садди Искандарий")*

Мамлакатни адолат билан бошқаришни салтанатнинг қудратини белгиловчи омил сифатида талқин этар экан, Навоий давлатнинг иқтисодий юксалишга муҳим эътибор қаратган. Бу эса одил шоҳ ғоясида Навоий яшаган давр ва миллий тараққиётнинг муҳим эҳтиёжлари ифодаланганини асослайди. Иқтисодий юксалиш, халқ фаровонлиги ва адолат билан бошқарув бугунги миллий тараққиёт учун салмоқли аҳамиятга эга. Бу миллий истиқлол ғоясининг бош мақсадида мухтасар топган.

Алишер Навоий яшаган даврдаги сиёсий ҳаёт эса марказлашган ягона давлат ҳокимиятини қўлдан бермасликни, аксинча, уни мустаҳкамлашни, бу зарур чораларнинг давлат ва халқ тақдири учун нечоғлик долзарблигини очиқ-ойдин, кўрсатмоқда эди. 150 йил ҳукм сурган мўғулларга сиёсий қарамлик, юртдаги бошбошдоқликлар иқтисодий ва маданий қолоқликка сабаб бўлгани ва Темурнинг ҳокимиятга келиши билан мамлакатдаги сиёсий парокандалик ва ички низоларга чек қўйилиши натижасида эришилган миллат ва юрт равнақи билан боғлиқ тарихий муваффақиятлар муҳим сабоқ ва тажриба ҳам эди.



Темур ўз вафотидан олдин олий тахтнинг расмий ворисини тайинлаган, аммо унинг дунёдан ўтганлиги ҳақидаги хабар салтанатда тарқашиб билан бу васиятга амал қилиш ўрнига ҳар бир темурий шаҳзода тахтга ўтириш иштиёқи билан тож талашишга берилиб кетди, Бундай ҳолат Улуғбек ва Шохрух вафотидан кейин ҳам тез-тез такрорланиб турган.

Мамлакатдаги ички парокандалик, бўлиниб кетиш ҳолатлари ташқи хавф ва таҳдид учун қулай имконият яратиб берар, миллий жипслик ва мамлакат тақдири жиддий хавф остида қолиши мумкин эди. Бундай шароитда Навоий воқеликка ўз фаол муносабатини билдирмаслиги мумкин эмас эди. Ҳам бадиий, ҳам ғоявий жиҳатдан баркамол асар бўлган Алишер Навоийнинг "Ҳамса"си ватан ва халқ тақдири, миллий тараққиёт икки ўт орасида қолган даврда яратилди.

### ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Мамлакат ва халқ тақдирини шохнинг адолати билан боғлаш Шарқ тафаккур олами учун Навоийгача ҳам ўзига хос бир анъана сифатида шаклланиб келган. Навоий одил ҳукмдор ғоясини "Садди Искандарий"да ва бошқа асарларида янада аниқлаштирди, ўз даври муаммолари билан раъсий, мажозий образларда боғлади. Шох бўлишга муносиб шахс учун қўйилган талабларда Навоий яшаган даврнинг энг долзарб вазифалари: юрт ободлиги, тинчлиги, маъмурлиги ўз ифодасини топган. Айнан шу вазифалар миллий тараққиётнинг эҳтиёжлари ҳамдир. Бу кузатувлар бизга миллий ғоянинг ҳаракатлантирувчи моҳиятини очиш учун ҳам зарурдир. Чунки миллий ғоя даврнинг миллат олдида қўйган вазифалари билан бирга такомиллашиб боради. У давр эҳтиёжларидан ажралган ҳолда, сунъий тарзда яшай олмайди. Миллий ғоя тараққиётнинг бирор халқ ва миллат томонидан англаб олинган эҳтиёжи сифатида юзага чиқади. Шу ўринда ғоянинг миллийлик моҳиятини тор маънода миллий кўринишлардаги қобик билан чалкаштириш унинг аҳамиятини бир томонлама, баъзан ҳатто нотўғри тушунишга олиб келиши мумкинлигига тўхталиш зарур. Навоий бежиз халқ маъмурлиги одил шохнинг бош мақсади бўлиши зарурлигига даъват этмаган. Мамлакатнинг иқтисодий ва маънавий қудрати тушунчалари ўзаро ҳаммайдир.

Халқ ва давлат муносабатларининг ҳар томонлама мураккаблашиб бориши табиий йўсинда маънавий-мафкуравий бирликка эҳтиёжни юксалтиради. Шундай эҳтиёжларнинг бир кўриниши Алишер Навоий илгари сурган тил бирлигига эришиш ғояси эди.

Мамлакат ва халқнинг фаровонлигини ҳар жиҳатдан тадқиқ этган Навоий миллий жипслик ғоясига муҳим урғу берган. Чунончи, мамлакат аҳлининг жипслиги ҳам шохнинг одил сиёсати билан бевосита боғлиқдир.

Миллий жипслик ҳақида хулоса юритилар экан, Алишер Навоийнинг "Махбуб ул-қулуб"даги танқидий қарашлари, ўринли хавотирларига алоҳида тўхталиш жоиз. Мамлакат аҳли: турли табақа ва касб-кор вакиллари, ягона куч, муштарак тизим. Шундай экан, улар ўз бурчларини шу муштаракликка зид бўлмаган ҳолда идрок этсалар мақсадга мувофиқ бўлади. Хусусан, шохнинг маслаҳатчилари, вазирлар, беклар, ноиблар ҳақида қуюниб фикр юритганда, саъй-ҳаракатлари мамлакат равнақига қаратилмаган амалдорларнинг танқид қилиниши, Навоийнинг улардан нафратланиши бежиз эмас. Улар мамлакат тақдирини белгилайдиган амалларда турганлари ҳолда миллий манфаатларни идрок этишдан йироқ "тарикдари-худнамолик", "варзишлари худпарастлик", "расмлари-худододлик"дан нарига ўтмайди. Бундай жамиятда фуқаро маъмур бўлмаслигидан, мамлакат ва мулк тақдирини

уларга ишониб бўлмаслигидан безовталанган аллома мамлакатдаги ички парокандаликнинг келиб чиқиш сабабларидан шохни огоҳ этмоқчи.

"Махбуб ул-қулуб" асарида мусулмон жамиятида ўзига хос таъсир ва мавқега эга табақа вакиллариининг таъмагирлик, шариат қонунларини бузиш ҳолатларининг танқид қилиниши орқали Навоий жамиятнинг маънавий парокандаликка тушиш сабаблари ва хавфидан огоҳ этади.

Авф, карам, меҳр-мурувват Навоий талкинидаги бағрикенгликнинг асосий сифатларидир. Мамлакатнинг адолат билан бошқарилуви эл, юрт иқболи учун қанчалик муҳим бўлса, бундай бошқарув тамойилида инсоний бағрикенглик муҳим аҳамиятга эгадир. Алишер Навоий инсоний бағрикенгликни шунчаки эзгуликнинг бир кўриниши сифатида талқин этмайди, аксинча, салтанатнинг равнақини, ҳокимиятнинг қудратини айнан инсонпарварлик дастуриламали билан боғлайди, бундан кўзланган мақсад халқнинг маъмур ҳаётидир.

### **МУҲОКАМА**

Айни пайтда, Навоий ўз замонидаёқ сиёсатда, ижтимоий муносабатларда ва бошқарувда инсоний бағрикенгликнинг устувор бўлишига даъват этган. Амал қилинаётган қонуннинг аҳамияти салмоғини белгилашда инсонпарварлик, инсоний бағрикенглик энг асосий мезон эканлигига чақирган.

Таъкидлаш жоизки, ўзингга раво кўрмаган нарсани бошқага ҳам раво кўрма, деган тамойил умуминсоний қадриятдир. Бу тамойил Конфуций таълимотида ҳам, қадимги Ҳиндистоннинг "Ману қонунлари" да ҳам, Таврот ва Қуръонда ҳам учрайди. Алишер Навоий бу умуминсоний ғояни бек ва шахзодаларга яна бир бор эслатади.

Ҳазрат Навоий мукаммал жамоа, одил подшоҳ ва комил инсон тушунчаларининг ўзаро уйғунлигини асарлари орқали тарғиб қилди. Иккинчидан, Алишер Навоий кучли марказлашган давлатни, мукаммал жамиятни асарларида тасвирлади, бундай давлат тузумини орзу қилди. Фақатгина орзу қилиб қолмасдан, ўзининг режаларини ҳаётга татбиқ қилмоқчи бўлди. Учинчидан, Навоий ўз идеалидаги мукаммал давлат ва одил шохнинг ҳаёлий образини "Хайрат ул-аброр", "Садди Искандарий" каби достонларида яратибгина қолмасдан, ўша даврдаги ҳукмдорларни тўғри йўлга солишга, адолатли ва комил бўлишга чақирди. Тўртинчидан, Навоий комил инсонни кенг маънода тушуниб, инсоннинг қомиллиги ёки ноқислигини баҳолашда ахлоқ ва хулқ-одоб қоидаларини асосий мезон сифатида эътироф этди.

### **ХУЛОСА**

Бугун биз мустақил Ўзбекистоннинг ёш авлоди ҳар қандай боқимандаликни ўзига ор деб биладиган, билимни, энг замонавий касбларни эгаллаган, айни пайтда ватанпарвар, фидоий, маънавий етук булиб камол топиши тўғрисида мулоҳаза юритар эканмиз, албатта, Навоийнинг ғоялари ва идеалларига таянамиз.

Хуллас, Алишер Навоий адолат, инсон қадри, мамлакат ва шахс манфаатларини яқдиллаштирувчи халқпарварлик, ватанпарварлик ғоялари сингдирилган асарлари муносиб маънавий мерос бўла олишини, бу ғоялар ҳамиша ўзликни англашга рағбатлантира олишини чуқур англаган шундай буюк мақсад билан ижод қилган Навоий таълимоти миллатни ва халқни ўзи орзу қилган ғоялар теварагида жипслаштириб турувчи бекиёс

ҳазина эканлиги миллатни-миллат, халқни-халқ этишга етакловчи миллий ғоянинг тарихий ривожланиш жараёнлари ўрганилганда янада яққолроқ намоён бўлади.

*Фойдаланилган адабиётлар рўйхати*

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Т.: Ўзбекистон, 2021.
2. Алишер Навоий. Садди Искандарий, Мукаммал асарлар тўплами. – Т.: Фан, 1991.
3. Баркомол авлод орзуси. – Т.: Шарқ, 1999й.
4. Эркаев А. Миллий ғоя ва маънавият. – Т.: Маънавият, 2002.
5. Ҳаққул И. Навоийни англаш. – Т.: Фан, 2007.

## EXPLORING THE PERCEPTION AND PRACTICES OF SUSTAINABLE DEVELOPMENT IN HIGHER EDUCATION

Kosimova Fotima Turgunovna

Uzbekistan State World Languages University, teacher

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6751555>

**Abstract.** Education for sustainable development (ESD) is one of the branches of sustainable development which is aimed at empoweringimminent generations to tackle current environmental issues, however, it is confronting some challenges since there are some problems related to perception and practice of the notion “sustainable development”. The current work is dedicated to detecting how Uzbek and American teachers perceive the notion and whether they have tried to put it into practice or not. The materials were used questionnaire among Uzbek teachers and interned sources related to American teachers. The research is based on a descriptive method which analyzes sources and juxtapose the perception and practice of this notion.

**Keywords:** education for sustainable development (ESD), perception, practice, Uzbek teachers, American teachers.

### INTRODUCTION

Due to current threats of environment, the new steps and changes are being taken to enable future generations to deal with this problem. Sustainable development for education is a science which teaches generations to be able to solve environmental problems by putting into practice of special methods like Resource Utilization as Per Carrying Capacity, 3 R (Reduce, Reuse, and Recycle Approach) and others. The term “sustainable development for education” is a well-researched topic, but it is not so much popular among Uzbek researchers and scholars. The current work is designed to identify the perception and practice of this term by Uzbek and American teachers. The sources are the questionnaire and internet materials.

### MATERIALS AND METHODS

According to Foster:

sustainable development is:

- a process of making the emergent future ecologically sound and humanly habitable as it emerges, through the continuous responsive learning which is the human species’ most characteristic endowment
- a social learning process of improving the human condition
- a process which can be continued indefinitely without undermining itself

This way of thinking about sustainable development encapsulates the core role for learning as a collaborative and reflective process and captures the intergenerational dimension and the idea of environmental limits.

The recent researches related to sustainable development for education shows that there are three types of approaches were identified by Scott and Gough:


Type1approaches admit that the issues humanity faces are essentially environmental, and can be understood through science and resolved by proper environmental and/or social actions and technologies. It is assumed that learning leads to change once facts have been established and communicated.

Type 2 approaches presume that our central complications are social and/or political, and that these problems generate environmental symptoms. Such fundamental problems can be understood by means of anything from social-scientific analysis to an appeal to original knowledge.


Type 3 approaches suppose that what is (and can be) known in the present is not appropriate; chosen 'end-states' cannot be specified. This means that any learning must be open-ended. Type 3 approaches are important if the uncertainties and complexities inherent in how we live now are to lead to reflective social learning about how we might live in the future.

## RESULTS


According to the questionnaire that was presented to Uzbek teachers who work at universities and institutions, most of the teachers have no idea or less information about education for sustainable development. On the other hand, some young teachers who would like to apply for foreign scholarships for European and Asian countries stated that they have some information about this theme, because it is considered as one of the most actual topics in researching and being able to get scholarships.



According to the results of next question, most of the participants of the questionnaire mentioned that they would like to have some trainings or seminars. Minority of teachers expressed less interest towards chances to have seminars or trainings to learn more about education for sustainable development.



The next question's results present that majority of teachers consider that teaching students with the help of sustainable development can be efficient to develop students' critical thinking and problem-solving skills. However, minority of teachers think that it does not help so much since learning must be based on major subjects rather than secondary subjects.



### **DISCUSSION**

According to the results of internet sources, more than 6 universities have already started to teaching their students through ESD which shows that while Uzbek teachers have less information about this topic, American teachers have known this term for several years and have taught students through this method. All in all, it can be stated that Uzbekistan is also in the process of improving ESD and applying it in higher education.

### **CONCLUSION**



Education for sustainable development (ESD) is UNESCO's education subdivision reply to the crucial and intense challenges the planet faces. The communal activities of human beings have moderated the earth's ecosystems so that our very survival seems in danger because of alters more complicated to reverse every day. The following work helps to detect how teachers perceive the term ESD and how they are applying it in higher education. Regarding to the results of the research, many teachers have less information about this notion while minority of teachers either have some information or have already started their research on this topic. Majority of teachers think that they need more trainings and seminars to know more about ESD. The results of another question shows that most participants of the questionnaire suppose that teaching students through ESD can be very efficient to develop important skills for real life. Overall, it can be concluded that teaching through ESD has already been commenced in America and Uzbekistan is also in the process of putting it into practice in upcoming years.

### *Reference list*

1. Adelman, S. (2017). The sustainable development goals: Anthropocentrism and neoliberalism. In D. French, & L. Kotze (Eds.), Sustainable development goals: Law, theory and implementation
2. Almeida, S. C. (2013). Environmental education in a climate of reform: Understanding teacher educators' experiences (Unpublished doctoral thesis). Monash University.
3. Almeida, S. C., Moore, D., & Barnes, M. (2018). Teacher identities as key to environmental education for sustainability implementation: A study from Australia. Australian Journal of Environmental Education.
4. Australian Research Institute in Education for Sustainability (ARIES). (2009). Education for sustainability: The role of education in engaging and equipping people for change. Department of the Environment, Water, Heritage and the Arts, ACT.
5. Barth, M., & Michelsen, G. (2013). Learning for change: An educational contribution to sustainability science. Sustainability Science, 8(1), 103–119. <https://doi.org/10.1007/s11625-012-0181-5>
6. Frisk, E., & Larson, K. L. (2011). Educating for sustainability: Competencies and practices for transformative action. Journal of Sustainability Education
7. Scott, W.A.H. and S.R. Gough. 2003. Sustainable Development and Learning: Framing the issues. London: RoutledgeFalmer.
8. Vare, P. 2007. 'From Practice to Theory: Participation as learning in the context of sustainable development projects'. In A.D. Reid, B.B. Jensen, J. Nikel and V. Simovska (eds), Participation and Learning: Perspectives on education and the environment, health and sustainability. Dordrecht: Springer Press.
9. UNESCO. 2005. UN Decade of Education for Sustainable Development 2005 – 2014: The DESD at a glance. Paris: UNESCO

## ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАРДАГИ БЕГОНАЛАШУВНИНГ ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАРИ

Жумаева Гулжаҳон Ўраловна

Термиз давлат университети Психология кафедраси ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6751662>

**Аннотация.** Ушбу мақолада оилавий муносабатлардаги бегоналашув жараёнининг ижтимоий психологик омиллари, бегоналашувнинг оилавий ҳаётда пайдо бўлиш сабаблари, инсон ҳаёт тарзининг ривожланиб, технологияларнинг ютуқлари ҳисобланган уй-рўзгор техникаларининг ҳар бир оилага кириб келиши оилавий муносабатларга ҳам бевосита таъсир кўрсатаётганлиги ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** оила, муносабатлар, бегоналашув, фан-техника, психологик омиллар, ижтимоийлашув.

## СОЦИАЛЬНО-ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ФАКТОРЫ ОТЧУЖДЕНИЯ В СЕМЕЙНЫХ ОТНОШЕНИЯХ

**Аннотация.** В данной статье освещаются социально-психологические факторы процесса отчуждения в семейных отношениях, причины отчуждения в семейной жизни, развитие образа жизни человека и непосредственное влияние проникновения в каждую семью бытовой техники, являющейся прорывом в технологиях.

**Ключевые слова:** семья, отношения, отчуждение, наука и техника, психологические факторы, социализация.

## SOCIO-PSYCHOLOGICAL FACTORS OF ALIENATION IN FAMILY RELATIONS

**Abstract.** This article highlights the socio-psychological factors of the process of alienation in family relationships, the causes of alienation in family life, the development of a person's lifestyle and the direct impact of penetration into each family of household appliances, which is a breakthrough in technology.

**Key words:** family, relationships, alienation, science and technology, psychological factors, socialization.

## КИРИШ

Оила инсон зоти яратилганидан бошлаб давом этиб, инсоният тарихининг ҳамма даврларида ҳар қандай тузум ва шароитда ҳам кишиларнинг асосий ва муҳим ҳамда шарафли қадриятларидан ҳисобланади. Оила инсоннинг бахт-саодатини таъминловчи кўрғондир. Шарқда қадим-қадимдан оила муқаддас Ватан саналган. Агар оила соғлом ва мустаҳкам бўлса, маҳаллада тинчлик ва ҳамжихатликка эришилади. Бинобарин, маҳалла-юрт мустаҳкам бўлсагина, давлатда осойишталик ва барқарорлик ҳукм суради. Зеро, оила фаровонлиги – миллий фаровонлик асосидир. Халқимиз тарихига назар ташлайдиган бўлсак, энг қимматли анъаналар: ҳалоллик, ростгўйлик, ор-номус, шарму-ҳаё, меҳру-оқибат, меҳнатсеварлик каби барча инсоний фазилатлар, энг аввало, оилада шаклланган.

## ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Бугунги кунда ҳам ана шу анъаналарни давом эттириб, ўзбек оилалари оиланинг соғлом иқлими, ота-онанинг бир-бирига меҳри ва ҳурмати шароитида, оила бағрида фарзандларини эл-юртининг муносиб ўғил-қизлари, Ватанининг ҳақиқий содиқ фуқароси бўлиб вояга етишларида жон куйдирмоқдалар. Шунинг учун ҳам ўзбек халқида “қуш ўз уясида кўрганини қилади” деб, бежизга айтилмаган, бунда чуқур маъно-мазмун бор.

Оила жамиятнинг асосий негизи. Соғлом оила муҳитини яратиш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантириш эса соғлом келажак демакдир. Оила ҳақида гапирар эканмиз, авваламбор, оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга, келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи эканини тан олишимиз даркор.

Статистик маълумотларга кўра 2021 йил 4 ой давомида 12 806 та оилавий ажрашиш бўлган, оилавий ажрашишлар сони олдинги йилга нисбатан 4897 тага кўп бўлган. Ушбу маълумотдан кўриниб турибдики ажралишлар сони ортиб бормоқда. Ёшлар орасида никоҳ, оила муносабатларини кўриб чиқиш, уларни оилавий ҳаётга тўғри тайёрлаш, оилавий ажримларнинг сабабини тушунишга ҳаракат қилишимиз керак. Оиланинг бузилишига олиб келиши мумкин бўлган сабаблардан бири бу бегоналашувнинг пайдо бўлиши оилавий муносабатларга салбий таъсир қилади.

### ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Бегоналашувнинг оилавий ҳаётда пайдо бўлишининг бир неча сабаблари мавжуд. Бир томондан, турмуш тарзимиз ривожланиб, технологияларнинг ютуқлари ҳисобланган уй-рўзғор техникалари ҳар бир оилага кириб келди. Технологиялар туфайли одамлар бир-бирига яқинроқ ва оилавий юмушларни бажаришда қулай имкониятларга эга бўлишди. Бошқа томондан, одамлар бир-бирларидан жуда узоқлашдилар. Учрашув, ўтириш ва юракдан суҳбатлашиш ўрнига, одамлар бир-бирига қисқа хабар ёзадилар. Демак, жуда катта миқдордаги тушунмовчилик мавжуд, чунки ҳар ким ёзилган нарсани ҳар хил тушунади! Ҳозир кўп одамлар тизимга мувофиқ яшайдилар: мен бир қулоғим билан тинглайман - иккинчиси эса телефонда, бир кўзим билан қарайман - иккинчиси эса компьютерда. Хиссий муносабатлар оила аъзолари орасида нотўғри талқин қилинса, бир-бирларини тушуниш қийинлашади ёки тушуниш учун вақт ажратишни истамайдилар. Бегоналашувнинг пайдо бўлиши нафақат эр-хотинлар ўртасида, балки ота-она ва фарзандлар муносабатларида ҳам содир бўлади.

Ўзбекистон мустақилликка эришган даврдан буён меҳнат миграцияси миллионлаб одамлар учун ҳаёт стратегиясига айланиб қолди. Этник, сиёсий, ижтимоий, гендер масалаларига ёндашувлар ва ўз мамлакатада ҳаёт сифатини яхшилашга бўлган умидлар каби омиллар ушбу ҳодисанинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб қолмоқда. Ўзбекистонда мигрант ота-онанинг фарзандлари кўпинча васийлар вазифасини бажаруви қариндош-уруғлар, оила аъзоларининг қарамоғида қоладилар. Бундай болалар ривожланиш нуқсонлари, хиссий муаммоларга дуч келиши мумкин бўлиб, бунда ота-оналарнинг сафардалиги болага ғамхўрлик қилишда муаммолар туғдиради. Ота-оналарнинг миграцияси, хусусан, боланинг таълимига, соғлиғига ва ижтимоий ҳолатига салбий таъсир кўрсатиши кузатилмоқда. Ота-оналарнинг сафарда бўлиши боланинг овқатланиши, таълим олиш даражасига салбий таъсир қилиши ҳамда депрессия ҳолатини келтириб чиқариши мумкин бўлган уй юмушлари ва унинг зиммасига юклатилган масъулият боланинг эрта улғайишига сабаб бўлади.

2018 йил декабр ойида ЮНИСЕФ Европа Иттифоқининг «Жануби-Шарқий, Жанубий ва Марказий Осиёда миграция таъсирига учраган болаларни ҳимоя қилиш» минтақавий лойиҳаси билан ҳамкорликда Ўзбекистоннинг Бухоро, Сурхондарё, Фарғона,

Хоразм вилоятларини ўз ичига олган тўрт ҳудудда (шаҳар ва қишлоқ жойларида) «Миграциянинг болаларга салбий таъсири» деб номланган тадқиқотнинг натижаларидан қуйидаги маълумотлар олинди.

### МУҲОКАМА

Ота-оналарнинг миграцияси болаларнинг ҳиссий ҳолатига салбий таъсир қилади. Тахминан 33 фоизи ўзини бахтсиз ҳис қилади, 21 фоизи эса доимий хавотирда яшайди. Сўровда қатнашган болаларнинг ярми ота-оналари кетгандан сўнг дарҳол кайфиятларининг ёмонлашгани ҳақида хабар беришган. Сўровда қатнашган болаларнинг 33 нафари оилавий фермада ишлаш, укаларига ғамхўрлик қилиш ва ота-оналари зиммасида бўлган бошқа уй юмушларини бажариш каби мажбуриятлар кўламининг кенгайганлиги тўғрисида хабар беришди. Оилада улар зиммасига тушган жавобгарликнинг ортиши болаларнинг кайфиятига салбий таъсир қилади, натижада бунда улар ўз ота-оналарини айбдор санашиб, улардан руҳан узоқлашишни бошлашади. Ҳамда болаларнинг асосий қисми ота-оналарининг ҳаёт йўлларини такрорламаслик учун таълим олишни давом эттириш зарурлигини тадқиқот сўровномаларида таъкидлаганлар.

### ХУЛОСА

Бугун ўзгарган замонамизга хос бўлган хусусиятларига жадал ҳаракатланиш, шиддат ва жўшқинлик, яратиш ва бунёдкорлик завқи, одамларнинг кучли томонларига таяниш, касбий профессионализмни узлуксиз такомиллаштириб бориши, мақсадни аниқ белгилаш, ҳар бир бошланган ишни охирига етказиш, ватанпарварликни халққа меҳр-муҳаббат қўйиш асосида намоён этиш, миллий-маънавий қадриятларга садоқат, тинчликни кафолатли таъминлашнинг гарови, деб ўзаро дўстлик ва ҳамкорликни билиш ва уни кучайтириш, тирноқдан кир қидириш эмас, балки инсон тақдирига масъулиятли ёндашиш, бағрикенглик, шавқатлилиқни намоён қилиш, барча соҳа ва йўналишларда адолатга қатъий риоя этиш, кучли ижтимоий сиёсатни олиб бориш, ҳар бир инсон ҳаётини бахтли ва фаровон қилиш, Оллоҳ берган табиатни асраш, оила қадриятини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, тарбия жараёнларида ота-она, педагог, раҳбар, маҳалла фаолларининг шахсий ибрат омилига таяниш ва бошқаларни киритиш мумкин.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов Б.Ш., Шахслараро муносабатларда меҳрлилик даражасини рақамлаш технологияси .Journal of Social Studies. 2020. vol. 3.
2. Муҳаммадиев Б., Оила — муқаддас кўрғондир. Ҳидоят.уз. 2019 йил
3. Исмаилова Р., Оилани қандай сақлаб қолиш мумкин? . <https://api.moiti.uz/>
4. 2018 йил декабрь ойида ЮНИСЕФ Европа Иттифоқининг «Жануби-Шарқий, Жанубий ва Марказий Осиёда миграция таъсирига учраган болаларни ҳимоя қилиш» минтақавий лойиҳаси. Тошкент, Email: [delegation-uzbekistan@eeas](mailto:delegation-uzbekistan@eeas).
5. Jurayev R. K., Karakhanova L. M. Scientific And Methodical Bases Of The Use Of Electronic Educational Resources In Teaching Biology In General Educational Schools

- //International Journal of Advanced Science and Technology. – 2020. – Т. 29. – №. 8. – С. 3500-3505.
6. Мусахоновна Қ. Л. УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА БИОЛОГИЯ ФАНИДАН САМАРАДОРЛИККА ЭРИШИШДА ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМИЙ ВОСИТАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АСОСЛАРИ //Science and innovation. – 2022. – Т. 1. – №. В3. – С. 577-585.
  7. Dzhuraev R. K., Karakhanova L. M. Model of the organization of research activities of 10th grade students in teaching physics and biology //International journal of discourse on Innovation, integration and education. – 2021. – Т. 2. – №. 01. – С. 296-300.

## ЧАҚИРУВГА ҚАДАР БОШЛАНҒИЧ ТАЙЁРГАРЛИК МАШҒУЛОТЛАРИДА ПЕДАГОГИК ВА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ ВА УЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ТОМОНЛАРИ

Турсунов Абдумомин

Чирчиқ давлат педагогика университети жисмоний маданият кафедраси ўқувчиси

Abdurasulov Jahongirmirzo

СННТ yo'nalishi talabasi

Ozodqulov Olimjon Bahodir o'g'li

СННТ yo'nalishi talabasi

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6751859>

**Аннотация.** Мазкур мақолада бўлажак офицер - ЧҚБТ раҳбари замон талаблари асосида чақириққача бўлган ёшларни ҳарбий тайёргарлиги борасидаги билимларини оширишнинг назарий ва амалий йўналишларининг ҳар хил методлари бўйича кўрсатма ва таклифлар келтирилган.

**Калит сўзлар:** технология, педагогика, талаба, таълим, ёшлар, чқбт фани, қарорлар.

## ПРИМЕНЕНИЕ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ И ИННОВАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В ДОСЛУЖЕБНОЙ НАЧАЛЬНОЙ ПОДГОТОВКЕ И ИХ ОСОБЕННОСТИ

**Аннотация.** В данной статье даны указания и рекомендации по различным методам теоретического и практического направления совершенствования знаний допризывной молодежи по военной подготовке в соответствии с современными требованиями будущего офицера-руководителя ДНП.

**Ключевые слова:** технология, педагогика, студент, образование, молодежь, наука, решения.

## THE USE OF PEDAGOGICAL AND INNOVATIVE TECHNOLOGIES IN PRE-SERVICE INITIAL TRAINING AND THEIR FEATURES

**Abstract.** This article contains instructions and recommendations on various methods of theoretical and practical directions of increasing the knowledge of young conscripts on military training in accordance with modern requirements of the future officer-leader of PIT.

**Key words:** technology, pedagogy, student, education, youth, science, solutions.

## КИРИШ

Ҳозирги кунда технологиялаштиришнинг янгидан-янги усуллари, илмий – техник тараққиёт ишлаб чиқариш соҳаси билангина чекланиб қолмай, балки таълим соҳаларига ҳам кириб келди.

## ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори 1997-йил 31-декабр 586-сон. Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 2002-йил 24 октябр, ПФ-3154-сон. Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 2002-йил 31 октябр, 374-сон. Болалар спортини тарғиб қилиш ва болалар учун спорт товарлари ишлаб чиқариш турларини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида, Ўзбекистон



Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003-йил 18-июл, 318-сонли қарорлари ёш қатламнинг ривожланиши ва спортга янада қизиқишининг ортиб боришига муайян даражада хизмат қилиб келмоқда.

### **ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ**

Бугунги кунда таълим соҳасида ҳам инфорацион ва бошқа технологиялар тўғрисидаги фикр юритилибгина қолмай амалий ишлар ҳам қилинмоқда.

Технология дейилганда ашёларни қайта ишлаш услублари ва ишлаб чиқариш жараёни ҳамда уларнинг илмий тавсифларининг мажмуи тушунилади.

Луғатда технологияга шундай изоҳ берилади:

1) ишлаб чиқариш жараёнида ашёлар, материаллар, ярим тайёр ашёларни қайта ишлаш, тайёрлаш ҳолати, хусусияти, шаклининг ўзгариш методлари йиғиндиси;

2) ашёлар материаллар ва ярим хом ашёларга мувофиқ ишлаб чиқариш куроллари орқали таъсир ўтказиш усуллари тўғрисидаги фан.

«Қомусий луғат»да мазкур тушунчага батафсилроқ изоҳ берилади. «Фан сифатида технологиянинг вазифаси ҳар томонлама самарали ва тежамли ишлаб чиқариш жараёнларини аниқлаш ва амалиётда ундан фойдаланиш мақсадида физика, кимё, механика ва бошқа қонуниятларни бажариш».

Педагогик технология педагогнинг талабаларга тасир қилишни ташкил этиш бўйича касбий аҳамиятга молик малакалар тизимини аниқлаб беради, педагогик фаолиятнинг технологиклигини аниқлаш усуллари ташкил этади. ҳозирги давр таълим технологиялари муаммоси шундаки, педагогик инновация тажрибалари уларни бир тизимга тушириш ва аниқлаштиришни талаб қилади. Олий мактаб олдида педагогик технологияларнинг илмий асослари, уларнинг таснифи, моҳиятини очиб бериш ва ўқув жараёнининг технологиклиги муаммоларини таъминлаш масаласи турибди.

Педагогикага оид адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, ҳозирги даврда педагогик технология тушунчаси таълим амалиёти ва назарияси илмидан мустақкам ўрин эгаллайди. Педагогик технология тушунчасининг шаклланиши ва ривожланиши тарихида турли қарашлар мавжуд бўлган: у техник воситалар ҳақидаги таълимот ҳамда ўқитиш жараёнини лойиҳалаштирилган ҳолда изчил ва мунтазам ташкил этиш, деб талкин қилинган.

Ҳозир педагогик технологияларнинг бир қанча таърифлари мавжуд. Айрим муаллифлар ўқитиш технологияларига фан ва санъат оралиғидаги фан, деб қарайдилар, бошқалари уни лойиҳалаш билан боғлайдилар.

### **МУҲОКАМА**

Шундай қилиб, бир ёндашувда ўқитиш технологиялари ўқитишнинг барча воситаларини қамраб олган қандайдир жиҳозлаш жараёни сифатида ҳам белгиланади.

Унда технология ўқув жараёнини техникалаштиришни тақозо қилади. Бошқа ёндашувда технология таълим амалиётини янги ёки замонавийлаштирилган билимлар билан таъминлашнинг усули сифатида қарашга имконият беради. Бунда технология таълимнинг илмий тамойиллари ва амалиётини тадбиқ этиш сифатида қаралади.

Ёшларни чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани бўйича педагогик ва инновацион технологияларни қўллашда уларнинг ўзига хос томонлари ҳисобга олиниши муҳим шартлардан бири ҳисобланади.

Ёшларни чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани бўйича машғулотларни ташкил этиш ва олиб бориш бошқа фанлар билан деярли бир хил бўлсада, ўзига хос томонлари ҳам борлигини унутмаслик керак. Машғулотларнинг шакллари турлитуманлиги (назарий, амалий, кўргазмалар, тактик, саф, назорат) уларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Умумҳарбий низомлари талаблари асосида олиб борилиши, отиш тайёргарликлари бўйича амалий машғулотлари, ўқув-моддий базалар билан чамбарчарс боғлиқлигидадир.

Бу Ёшларни чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик машғулотларида янги педагогик инновацион технологияларни қўллаш кутилганидек яхши самара бермайди дегани, эмас. Шу кунгача Ёшларни чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик машғулотларини ташкил қилиш ва уларни ўтказиш бўйича етарлича тажриба тўпланган.

Мисол тариқасида Ёшларни чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик ўқув дастурининг отиш тайёргарлиги бўлимидаги «Калашников автомати, стволости гранатомёти, парчаланувчи қўл гранаталарининг асосий ашёвий қисмлари» мавзуси бўйича ўтказилган машғулот жараёнида «Блиц ўйин», «Тармоқлар» (Кластер), «Бумеранг», «Айланма», «Синетик» технологиялари қўлланилганлигини келтириш мумкин. Қўлланилган технологиялар ўқувчиларнинг фаоллигини оширишда ва мустақил иш бажаришларида фикр юритиш қобилиятларини ривожлантириштиришга хизмат қилмоқда.

#### ХУЛОСА

Бу борада таъкидлаш жоизки, ҳар бир педагог-офицернинг тавсия этилган технологияларнинг самара берадиганини танлай олиши ўқувчилар фаоллигини оширишда ўқув фаолияти шакллари қўллашдаги педагогик маҳорати ва ижодий фаолиятига кўп нарса боғлиқ.

Машғулот раҳбари педагогик инновацион технологияларини жорий қилишда ўқув-тарбиявий мақсадларнинг хусусиятлари, ўқув материалининг мазмуни, ўқувчиларнинг тайёргарлик даражаси ва ўқув – моддий базанинг аҳолидан келиб чиқиб, иш тутади.

Бундан ташқари машғулот раҳбари ўз фаолиятига танқидий қараши, самарасиз бўлиб қолган эски услублардан воз кечиб, таълим беришнинг илғор янги услубларини ишлатиши муҳим аҳамият касб этади.

#### *Фойдаланилган адабиётлар*

1. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. – Т.: ТДПУ, 2003.
2. Насриддинов Ч. Ҳарбий психология ва педагогика: Ўқув-услубий қўлланма. -Т : Зарқалам, 2006-й.
3. Сотиб-Олдиев А., Каримжонов А. Ҳарбий педагогика: Ўқув-қўйианма. - Т : Шарқ, - 2005-й.
4. Ибрагимов А.И., Султонов Х.Х “Ватан туйғуси” -Т.,1996-й.
5. “Ватан ҳимояси-муқаддас бурч- Т: ҲАРБИЙ нашриёт, - 2000-й.

## Ч.АЙТМАТОВДУН «БЕТМЕ-БЕТ» ПОВЕСТИНДЕГИ ТАМАК-АШ АТТАРЫНЫН ЛЕКСИКА-СЕМАНТИКАЛЫК ӨЗГӨЧӨЛҮКТӨРҮ

Усмонова Одина Сиддиковна

Андижон давлат университети катта ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6751970>

**Аннотация.** Мақалада Ч.Айтматовдун «Бетме-бет» повестинде колдонулган тамак-аш аттары жана алардын лексикалык өзгөчөлүктөрү тууралуу сөз кылынган.

**Ачкыч сөздөр:** лексикалык өзгөчөлүктөрү, Ч.Айтматов, тамак-аш, бозо, сөз, тилдер.

## ЛЕКСИКО-СЕМАНТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ НАЗВАНИЙ БЛЮД В РАССКАЗЕ Ч.АЙТМАТОВА «ЛИЦОМ К ЛИЦУ»

**Аннотация.** В статье рассматриваются названия продуктов использованных в повести Ч.Айтматова «Лицом к лицу» и их лексических особенностях.

**Ключевые слова:** лексические особенности, Ч. Айтматов, еда, бозо, слова, языки.

## LEXICO-SEMANTIC FEATURES OF THE NAMES OF DISHES IN CH. AITMATOV'S STORY "FACE TO FACE"

**Abstract.** This article discusses about the names of foods used in the story «Fase to fase» by Chingiz Aytmatov and their lexical features.

**Keywords:** lexical features, Ch. Aitmatov, food, bozo, words, languages.

## КИРИШҮҮ

Ч.Айтматов - көркөм ойлоо аң сезими өзгөчө өрчүгөн, сөзмөр кыргыздардын ыр жандуу чөйрөсүндө өсүп, анын таасиринде таалим-тарбия алган жазуучу. Атактуу жазуучубуздун дүйнө таң калтырган чыгармаларында кыргыздардын турмушу, жашоо тиричилиги жана улуттук мүнөзү менен психологиясы, каада-салты, үрп-адаты алардын өз алдынча өзгөчөлүгү чебер сүрөттөлгөн. Ошондой эле, жазуучунун чыгармаларынан лексикалык каражаттардын бири болгон тамак-аш аттарын да кезиктирүүгө болот.

## ИЗИЛДӨӨ МАТЕРИАЛДАРЫ ЖАНА МЕТОДОЛОГИЯСЫ

Жазуучунун «Бетме-бет» повестинен төмөнкү тамак-аш аттары орун алган: бозо, талкан, сары май, буламык, нан, көжө, аш, ууз. Бирок, чыгармада келтирилген тамак-аш аттарынын баары эле өз маанисинде колдонулган эмес, кээ бирлери өтмө мааниде да колдонулган. Бул мақалада повесттеги тамак-аш аттарынын лексика-семантикалык өзгөчөлүктөрү тууралуу сөз кылынат.

## ИЗИЛДӨӨ НАТЫЙЖАЛАРЫ

Тигине, бозого кызара тамылжып, дале бала эле бойдон, эпсиз калдаңдаган Жумабай кесени колго алып өйдө турду.

Бозо – Евразияда кеңири таралган байыркы алкогольдук ичимдик. Бул сөз түрк элдеринен тарагандыгы белгилүү.

Бозо - таруудан ачытылган кыргыздын байыркы суусундугу. Эзелтеден келе жаткан нарктуу жана барктуу тамак. Бозо ачытууда абалы жыгач челек (арча челек) керек. Үгүт - бозону күчүнө чыгаруучу ачыткысы, ал буудайдан болот. Үгүттү өндүрүүдө буудай жылуу сууга чыланып жылуу жайга коюлат. Ал кургатылат да, жаргылчакка тартылат. Таруудан шак тартылат. Шак - таруунун майдаланган түрү. Аны майдалабай да көптүрсө болот. Ал

аз ачыткысы аркылуу челекке чыланат. Кымыздын ачыткысын «көрөңгө» дейт. Бозодо, максымда «ачыткы» деп аталат. Бозонун үстүнө бозону жаңыртып куюп туруу зарыл. Кичине сүзүп алып кайнатылган шакты үстүнө куюп ачытуу «кордо», демек, кордолгон бозо - бир нече күндө ачыган бозо. Бозо арпадан да, жүгөрүдөн да, буудайдан да салынат. Сулудан ачытылганы «экче» (экчеп сүзүү) деп аталат. Бозонун талаптагыдай чыгышы, албетте, угутуна байланыштуу болот. Бозону кыргыздар энесай доорунан эле жасап, ичимдик тамагы катары пайдаланышкан.

Бул сөз байыркы түрк сөздөрүндө кездешпейт. Бирок «Кодекс Куманикус» эстелигинде «буза» «хмельной напиток» маанисинде колдонулгандыгы жөнүндө маалымат бар (Курышжанов, 1970, 101). В.Радловдун материалдарында бул сөздүн бозо «напиток из заваренного проса», «напиток из кислого молока», «закишная пшеничная каша» деген маанилери берилген (Радлов, 4, 1884).

Азыркы түрк тилдеринде да кеңири таралган: шор позо «брага для перегонки водки», татар пуза «брага», карачай-балкар боза «буза» (Отаров, 1987, 60). Монгол-бурят «бозо», ойрот монгол «боз» - «барда, гуща оставшаяся после перегонки молочной водки» (Суюнчев, 1972, 34).

Бул сөз тектеш эмес тилдерде ушул эле маанилерде колдонулат: эвенк «бозо» (ССТМЯ, 1975, I, 89), иран «боза» (Будаев, 1973, 302). Орус тилиндеги «буза» «напиток из гречихи и овсяной муки, вид полупива, браги» маанисиндеги сөз түрк тилдеринен өздөштүрүлгөнү ачык белгиленет (Фасмер, I, 232).

Ысмайылга талкан тартып, жеткириш керек экени ойго кылт этти.

Кечинде Сейде талкан тартып жатканда, үйгө Асантай от алганы кире калды.

Повестте берилген бул эки сүйлөмдөрдө тең талкан сөзү колдонулган. Талкан - улуттук кургак оокаттардын негизгилеринин болуп, кыргыздардын байыркы тамактарынан эсептелинет. Жүгөрүнү, арпаны жана буудайды кууруп, сокуга талкалап, жаргылчакка же тегирменге тартып алса талкан болот. Урунган аштыкка карап «арпа талкан», «буудай талкан», «таруу талкан» же «жүгөрү талкан» деп атап коёт. Тартылышынан улам «соку талкан», «жаргылчак талкан» деп да айтат. Куурулушуна карап «бышык талкан» десе, адаттагыдай куурулганын «талкан» дейт. Таруу талканды көбүнчө сокуга акталган соң жаргылчакка тартып алат. Талкандан ар кыл аш, жарма жасалат. Айран, кымызга чалып ичет. Сүткө, каймака же майга көөлөп жейт. Талканда ар бир аштыкка мүнөздүү пайдалуу заттар толук сакталат. Ошон үчүн ал жагымдуу, аш болумдуу келет.

Бул сөз Махмуд Кашгаринин сөздүгүндө да учурап, бүгүнкү маанисинде колдонулат. Бүгүнкү күндө бул аталыш өзбек, казак тилинде да сакталып калган (Икрамова, 1983, 128).

Талкан жалпы эле кавказ элдеринде, анын ичинде карачай-балкарларда да кеңири колдонулуп, аны узак жолго чыкканда, талаачылык жумуштарында жүргөндө алып жүрүшүп, сууга же майлуу сорпого аралаштырып ичишип, же болбосо колго умачтап жешкендиги жөнүндө белгиленген (Гаджиева, 1976, 277.) Талкан кавказ, түрк тилдеринде кыуут деп аталып, анын этимологиясын карачай тилчиси М.А.Хабичев төмөндөгүдөй чечмелеген: кыуут<кыагуур<кыуур «жарить» + жалпылама көптүк мүчө -ут уланышы менен жасалган (Хабичев, 1980, 54). Демек, кыргызча «куурма» деген сөз менен маанилеш. Бул сөз анын данынын куурулуп жасалышынан алынгандыгын байкоого болот.

Талкан деген сөздүн чыгышы жөнүндө С.Сыдыковдун оюн белгилеп кетсек болот. Талкан орусча «толокно» деп которулат. Бул сөздүн уңгусу талкала - «толочь». Монгол тилинде бул сөз талхан - «хлеб» жана «порошок» маанисинде колдонулат. Демек, талкала этишине монгол тилиндеги сөз жасоочу -ан мүчөсү уланып жасалган. Кыргыз-монгол тилдик параллелинде бул мүчө аркылуу толкун деген сөз да жасалат (толку – «волноваться» толку+ан=толкун «волна») (Сыдыков, 1984, 145)

Майдасын элеп, бир гана кочуштайын баласынын буламыгына алып коюп, калган ундун баарынан Ысмайылга нан бышыра, ирисин болсо көжө кылып, кемпир экөө ичет.

Бул сүйлөмдө болсо буламык, нан жана көжө сөздөрү пайдаланылган.

Буламык «болтушка». Бул тамак ачарчылык жана түшүм болбой калган жылдары бардык жаштагы адамдар үчүн пайдаланылса, бүгүнкү күндө жаш балдар үчүн пайдаланылган тамак катары белгилүү. Бул сөз бардык түрк тилдеринде таралган. Карачай-балкар булямукъ, өзбек буламик, кумук буламук, ногой буламык, казак, каракалпак, татар быламык, Махмуд Кашгариде бул сөз буламач түрүндө колдонулган (МК, I, 22). Дегеле түрк тилдеринин айрым диалектилеринде жана адабий тилдерде төмөнкүдөй фонетикалык варианттарын көрүүгө болот: буламак // быламак // биламак // буламык // буламик // буламук // боламык // буламач // булмач // булмеч // буламаш // булама // булгамык // булгамик // буламач (Севортян, 1978, 258).

А.Севортянын белгилегенине караганда уңгудагы ачык үндүүлөр катышкан варианттар кийинки мезгилдерге тиешелүү. Ал эми буламач формасындагы мүчөдөгү жумшак үндүү -б сөз башындагы -б тыбышынын таасиринен кошулган. Бул сөздөр түрк тилдеринде төмөнкү маанилерде колдонулат: а) мучная похлебка, б) болтушка, в) мучная каша, г) кисель, сок, д) кушанье из мяса, муки и воды, ж) галушки, и) помои, к) муть, ил, л) сладкое блюдо, приготовленное из муки и сахара, м) жидкая грязь (Севортян, 1978, 259).

Г.Дерфер буламык сөзүнүн келип чыгышын була «течь» этишине ылайык чечмелеген. Ал эми М.Рясенен, К.Брокельман, Г.Рамстед сыяктуу окумуштуулар бул сөздүн келип чыгышын була «мешать, перемешать» этишине такашат. Була этиши түштүк түрк тилдеринде ушул мааниде колдонулат. Ушуга байланыштуу А.Севортян буламык сөзү боюнча экинчи пикирдеги окумуштуулардын көз караштарын колдойт (Севортян, 1978, 259).

Бул түрк сөзү серб (буламач, булумаш), болгар (булумач), осетин (буламук) тилдерине да «болтушка» маанисинде өздөштүрүлгөн. Бул түрк тилчиси Г.Бангуоглу бул сөздү (буламач) булама+аш түрүндө чечмелегендигин көрөбүз (Севортян, 1978, 260).

Нан жөнүндө түшүнүк байыркы түрк жазма эстеликтеринде отмак (МК, I, 127; ДТС, 1969, 393) түрүндө жолугуп, бул ягма, тухси, огуз, кыпчак тилдеринде отмак (ДЛТ, I, 126;) түрүндө да айтылары белгиленген. Өз эмгегинде Махмуд Кашгари нандын төмөнкү түрлөрүн көрсөтөт: какурган (ДЛТ, I, 473), дандырда бышырылган нан, бускач (ДЛТ, I, 422) жука жабылган нан, лепешка. XII-XIV кылымдарда нан маанисин утмак // отмак (Боровков, 1963, 251) сөзү берген. Радловдун материалдарында отмак сөзү аркылуу туюндурулгандыгы көрсөтүлгөн (Радлов, 1888, 847). Жогорудагы сөздөрдүн назыз түрк сөздөрү экендигин жана алар X-XV кылымдарга чейин активдүү колдонулуп келгендиги тууралуу белгиленет (Икрамова, 1983, 48). XIX кылымдын аягынан баштап карачай жана балкарлар да етмек деп аталган буудай нанын колдоно баштагандыгы жөнүндө да маалымат



жолуктурабыз (Отаров, 1987, 42). Балкарларда етмек, акъ етмек, къара етмек сыяктуу нандын түрлөрүнүн аты сакталып, бүгүнкү күндө да колдонулат.

Бул сөз бүгүнкү күндө башкыр, татар тилдеринде итмек, түрк тилинде екмек, хакас тилинде ипек, ногой тилинде оыпек, алтай тилинде етпек түрүндө колдонулуп, нан, бөлкө маанилерин билдирет. Ал эми бул сөздүн монгол тилдеринде таралышы, анын түрк тилдеринин таасиринен болсо керек, мисалы, калмакча ёдмг «хлеб» (Отаров, 1987, 42).

Ал эми Орто Азия түрк тилдеринде азыркы учурда бул сөз толугу менен «нан» деген термин аркылуу берилет. Нан деген сөз иран тилинен өздөштүрүлгөн (Юдахин, 1965, 552). Өзбек тилинде ал сөз «нон» формасында колдонулат. Нан ундан жуурулуп, ачыган жана ачыбаган камырдан жасалат да, көмөч казанга, казанга жана дандырга жабылат.

Көжө – түктөлгөн арпа же буудайдан жан акталган таруудан кайнатып жасалган тамак. Талас говорунда андан тышкары кесмеден жасалган ушундай тамакты да көжө же көйө деп коёт. Бул көжө, көйө сөздөрү көчө сөзүнөн келип чыккан. Көчө сөзү азыр унутулуп, историзмге айланып барат. Көчөнү «түктөлгөн арпа, буудай» маанисинде мындан 30-40 жыл мурда кыргызча Жаңы жылды – Нооруз майрамын өткөгөн кезде элибиз колдонуп келген. Ал кезде көчө түктөп жатабыз деген сөз айтылчу. Көчө түктөө «арпа, буудайдын кабыгын кетирүү» дегенди билдирет, ал эми көчөнүн өзү ошол «түктөлгөн арпа же буудай» жана «ал кошулуп жасалган суюк тамак» дегенди туюнтат.

Ошол көчө сөзүнүн ч тыбышы ж тыбышына өзгөрүүдөн көжө сөзү пайда болгон. Анын й тыбышына өзгөрүшүнөн Талас говорундагы көйө сөзү жаралып, ал жалаң гана көчөдөн жасалган тамак эмес, кесме кошулганын да билдире турган болуп, мааниси кеңип кеткен.

Мештин артындагы таар каптагы жүгөрү ар бир нукум сайын азайган аялуу сары майдай болуп, күндөн-күнгө кемип бара жаткандыктан, аны үнөмдөйм деп, Сейде күздөн бери эле тегирменге барууну койгон. (22-бет).

Бул сүйлөмдө берилген сары май сөзү чыгармада чыныгы тамак-аш маанисинде эмес, метафоралык мааниде колдонулган.

Ошентсе да Ысмайылды көргөндө ичкени аш болбой, Сейде кан жутат. (23-бет). Бул сүйлөмдө берилген аш сөзү да өзүнүн тике тамак-аш маанисинде эмес, өтмө мааниде колдонулган. Ичкени аш болбоо фразеологизми бир нерсеге катуу санааркап тынчы кетүү, санаасы тынбай кыйнала берүү маанилерин туюндурат. Профессор А.А.Жапанов тамак-ашка байланышкан сөздөрдө катышкан фразеологизмдерди ажыратып чечмелеген. Келтирилген фразеологизмдин маанисин окумуштуу тамак ичкенинин артыгы чыгуу деп берген.

– Уй тууганда, апам ууз бышырып берет. Ууз жейбиз. (35-бет)

Бул сүйлөмдө ууз сөзү келтирилген. Мал туугандан кийинки алгачкы сүтү ууз деп аталат. Кыргыздарда уузду бышырып, аны кесип жейт. Бул тамак дээрлик бардык түрк-монгол ареалына тарап, аны билдирген сөз да бул тилдерде параллель колдонулат.

### ТАЛКУУ

Байыркы түрк тилдеринде бул сөз агуз//огуз (ДТС, 1969, 39, 365) түрүндө кездешип, «первое молоко, моловизо» деген маанини берген. Бүгүнкү күндө түрк тилдеринин ичинен созулма үндүүлөр колдонулбаган жана сейрек колдонулган тилдерде ушул калыбында



сакталган, азербайжан агыз, казак уыз, кумык увуз, татар угуз, //уыз, өзбек огиз сут, уйгур огуз//угуз, түркмөн овуз.

Ал эми созулма үндүүлөр фонема катары келген түрк тилдеринде «эки үндүүнүн ортосундагы терең түпчүл «г» түшүп, созулма үндүүгө өткөн» фактылар өтө көп: байыркы түрк огул//уул, бугдай//буудай, агы//уу, согук//суук, богун//муун (Кыргыз адабий тилинин грамматикасы, 1980, 28-29).

Жогорудагы процесстин негизинде байыркы түрк тилиндеги агуз//огуз//ууз түрүнө өткөндүгү ачык байкалат. Мындай фактылар созулмалардын пайда болушунун кийинки түрүнө кирип, көпчүлүк кабыл алган сөздөрдү айтууда жана жазууда созулмага өткөрүп жиберүүчү шартты түзгөн.

Ууз созулма үндүүлөр колдонулган түрк тилдеринде ушул маанини билдирүү менен төмөнкү фонетикалык варианттарда колдонулат: карачай-балкар уууз «первое молоко после отела» (Отаров, 1983, 55), хакас оос, алтай уурак, (сүт), тува аа (диал. урак) (Сыдыков, 1959, 61)

Монгол тилинде да урак//угурак, бурят уураг, калмак уург сөздөрү «моловизо» маанисинде кездешет (Суюнчев, 1977, 35). Өзбек тилинде койдун сүтүнүн уузу «каганок» деп аталат (Икрамова, 1983, 96).

Башкалар менен ишин эмне экен, сен ачтан өлүп бара жатсаң да, бирөө келип казаныңа аш салып бербейт... (41-бет)

Бул сүйлөмдө берилген аш сөзү да өзүнүн тике маанисинде эмес, өтмө мааниде колдонулган. Кыргыз тилинде казанына аш салып берүү фразеологизми жардамдашуу, көмөк көрсөтүү, көз салуу маанилерин туюндурат.

### **КОРУТУНДУ**

Ошентип, тамак-аш аттарын туюнткан лексикалык бирдиктер да көркөм чыгармаларда колдонулуучу негизги каражаттардан болуп саналат экен.

### **Адабияттар**

1. А.Жапанов. Кыргыз тилиндеги тамак-ашка байланышкан сөздөр. Б., 2012.
2. О.К.Каратаев., С.Н.Эралиев. Кыргыз этнографиясы боюнча сөздүк., Б., 2005. 72-бет.
3. К.Сейдакматов. Кыргыз тилинин кыскача этимологиялык сөздүгү. Фрунзе: Илим, 1988, 153-бет.
4. Ч.Айтматов, Т.Сыдыкбеков, К.Жантөшев ж.б. Повесттер жана аңгемелер. Ф., «Мектеп», 1985.
5. Ж.Осмонова, К.Конкобаев, Ш.Жапаров. Кыргыз тилинин фразеологиялык сөздүгү. Бишкек, 2015.



инсонлар учун янги талабалар ва масъулиятлар юкланади. Чунки хорижий тилларни ўрганишда ахборий хуружларга дуч келиш эҳтимоли юқори бўлади. Айниқса хорижий тилни ўрганувчилар, бўлажак хорижий тил ўқитувчиларини медиа маҳсулотларидан кўп фойдаланишлари бу жараёни тезлаштириб юборади. Шу боис талаба-ёшларда, бўлажак хорижий ўқитувчиларида медиамаданиятни шакллантириш орқали информацион таҳдидларга қарши курашиш самарадорлигини ошириш муҳим педагогик вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги глобаллашув даврида жамиятнинг ахборотлашуви даражасининг ошиши, ахборот технологияларининг ривож бўлажак хорижий тил ўқитувчиларидан ижтимоий-сиёсий воқеликдаги ўзгаришларга мослашиш ҳамда жамиятда ўзларининг муносиб ўрнини эгаллашни кафолатловчи чуқур билим ва ўзига хос фикрлашни талаб этмоқда. Бу жараён, баъзи олимлар назарида, нафақат ОАВ, балки ижтимоий ва иқтисодий соҳаларни ҳам қамраб олмоқ. Бир сўз билан айтганда, ахборотлашув жараёнларининг шиддат билан кечиши, ёш авлоднинг маънавий қиёфасида бир томондан, ахборот ресурслари ва ахборот воситаларидан самарали фойдаланиш кўникмаларини ўз ичига олувчи медиамаданиятини шакллантириш, иккинчи томондан эса, уларни бу соҳадаги турли хуружлар ва таҳдидлардан асрашни ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан бирига айлантирмоқда. Шу ўринда дунёнинг баъзи ривожланган мамлакатларида медиалашув жараёнида инсондаги медиамаданиятини шакллантириш масалаларини таҳлил этишда, унинг даражасини белгиловчи бир қатор индикаторлар қабул қилинганлиги ва бу борада муайян тажриба тўпланганини алоҳида қайд этиш лозим.

### **ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ**

Медиамаданиятни шакллантириш масалалари тадқиқини Ғарбда, МДХ мамлакатларида ва Ўзбекистонда тадқиқ этилиши сифатида туркумлаш мумкин. Бу орқали мазкур муаммо доирасида олиб борилган тадқиқотлар кўламини аниқ белгилаш ва улардан назарий-методологик асос сифатида фойдаланиш мумкин.

Ғарбда медиатаълимни ривожлантириш ва бу орқали жамиятда медиамаданиятни шакллантириш, ахборот хавфсизлигига эришиш, ахборот истеъмоли маданияти, ахборий таҳдидлар ва тажовузларга, медианинг салбий таъсирларига қарши курашишнинг илмий-амалий, фалсафий ва педагогик жиҳатларига доир тадқиқотлар Г.Аткинсон, С.Давн, С.Марк, Р.Кюбей, М.П.Торнеро, Т.Варис, П.Вандевурд, Б.Дункан, М. Маклюэнлар томонидан олиб борилган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида ҳам ёшларда медиамаданиятга оид билим ва кўникмаларни шакллантиришга доир кўплаб тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, олимларидан А.Журин, А.В.Шариков, К.Э. Разлогов, Н.Б.Кириллова, А.П.Короченский, С.Н.Пензин, А.В.Шариков, В.Михайловский, А.Андреев, Н.Нурмеева, В.Солдаткин кабилар ахборий таҳдидлардан ҳимояланиш ва жамиятда ахборот хавфсизлигини таъминлаш механизмларига оид илмий изланишларни олиб борганлар.

Ўзбекистонда медиа маданияти шакллантириш ва ахборий таҳдидларга қарши курашиш масалаларини олимлардан Я.Маматова, С.Сулайманова, У.Бегимкулов, Б.Ходжаев, У.Ёзиева, О.Давлатов томонидан тадқиқ этилган. Мазкур мауммоларнинг фалсафий, ҳуқуқий, социологик жиҳатларини М.Қуронов, Н.Жўраев, И.Саифназаров, А.Мухторов, А.Абдумаликов, Ж.Мухаммадиев томонидан ўрганилган.

Шунингдек, тадқиқотчи Ш.Т.Халилованинг “Ўқувчиларни ахлокий-эстетик тарбиялашда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишнинг педагогик шарт-шароитлари”(Ўзбекистон радиоси эшиттиришлари мисолида) мавзуидаги номзодлик диссертациясида, К.А.Парфиеванинг “Оммавий ахборот воситалари таъсирида талабаларда ижтимоий тасаввурларнинг шаклланишининг ўзига хослиги”(телевидение мисолида) мавзуидаги номзодлик диссертацияси ёшларнинг ижтимоий фикрига медианинг таъсири масалаларига қаратилганлиги билан ажралиб туради. Шунингдек, Муҳаммад Амин Яҳёнинг “Интернетдаги таҳдидлардан ҳимоя” китобида ҳам мазкур масалалар муҳокамасига бағишланган.

### ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Бўлғуси хорижий тил ўқитувчиларида медиамаданият турли фанлар ҳамкорлигида амалга оширилади. “Медиа саводхонликнинг хавфсизлик, ижтимоий-ахлоқий, маданий ва технологик жиҳатлари билан боғлиқ кўникмаларни ўрганиш хусусида фикр юритиш мумкин. Медиа саводхонлик шаклланиши давомида талаба медиадан самарали ва хавфсиз фойдаланиши, шунингдек, ижтимоий ҳаётнинг муайян бир манзилидаги аҳволни адекват, касбий тарзда баҳолаши, мустақил фуқаролик позициясини шакллантириши, бунинг баробарида фуқаролик жамиятини барпо этишга кўмаклашиш кўникмаларига эга бўлади”. Бўлажак хорижий тил ўқитувчиларидаги медиасаводхонликнинг асосий жиҳати сифатида медиамуҳитга таҳлилий ёндашув, яъни уни танқидий қабул қилиш ва медиа воситасида ўзини ифода этиш” сифатида баҳолаш мумкин.

Ахборотни танқидий қабул қилиш бўлғуси хорижий тил ўқитувчисининг медиа саводхонлик даражасини белгиловчи омил ҳисобланади. Ахборот ҳажми ортиб бораётгани сари унинг ўлчамлари доираси ҳам ортиб бораверади. Босма нашрлардан ташқари овозли, графика ва бошқа турдаги рақамли материаллар сони ҳам ортиб бормоқда. Технологиялар тараққиёти самараси ўлароқ ахборот оқими тезлиги ҳам беқиёс тарзда ошмоқда. Бундай шароитда бўлғуси хорижий тил ўқитувчиларидан мультимедиа контентидан фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш ҳамда янги технологиялардан хабардорлик талаб этилади. Кутубхоналар мисолида оладиган бўлсак, бу нафақат янгича шакл ва ўлчамларга ўтишни, балки ўқувчиларга янги тизимлардан фойдаланишга ёрдам беришни ҳам назарда тутди. Бу маънода педагогларнинг бўлғуси хорижий тил ўқитувчиларни ўқитиш соҳасида, жамоатчилик билан алоқаларда чуқур билимга эгаллиги муҳим аҳамият касб этмоқда. Ахборот хизматлари бугунги кунда жамиятнинг барча тармоқларига кириб бораётган ва ривожланаётган соҳа сифатида тан олинган. Ўзбекистонда ҳам кейинги йилларда вазирлик, муассаса ва идоралар томонидан ахборот хизматлари фаолиятини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда.



### 1-расм. Медиамаданиятни ривожлантирувчи тузилма индикаторлари

“Бизнингча, дунёнинг илғор мамлакатлари учун умумий мезонлар сифатида қабул қилинган мазкур индикаторлар ва бошқа шу каби кўрсаткичлар ва мезонларнинг ишлаб чиқилиши ва уларнинг одамлар онги ва қалбига синдирилишида шу соҳадаги кўплаб олимлар ва мутахассисларнинг меҳнати, тадқиқотчиларнинг илмий изланишлари муҳим аҳамият касб этган албатта”. Бу борада айниқса, Ўзбекистон мамлакатларида ахборотларни сақлаш, узатиш, қайта ишлаш ва ўзгартириш усуллари ўрганиш бўйича дастлаб муҳандислик муаммолари доирасида юзага келган, сўнг кибернетик тизимлар, ҳозирги даврда эса ахборотлаштириш, информацион коммуникациялар, интернет, уяли алоқалар ва бошқариш соҳасига кенг ёйилган медиа саводхонлик назарияси ҳақидаги қарашлар муҳим аҳамиятга эга. Шу боис мамлакатимизда ҳам хорижий тилни ўрганиши ва чет тиллари мутахассислари

учун медиамаданиятни ривожлантиришга йўналтирилган аниқ механизм ва унинг назарий асослари, назариясини яратиш муҳим вазифалардан биридир.

Бўлғуси хорижий тил ўқитувчилари учун ахборотнинг қанчалик фойдали экани ва мақсадга йўналтирилганлигига урғу берадиган прагматик жиҳат кучли тавсифлаб берилиши жуда муҳим. Бунга кўра, ахборотнинг фойдалилик меъёри унинг мавҳумлик меъёрига боғлиқ бўлиб, агар хабар олиш жараёнида ўрганувчи онгидаги муайян масала бўйича мавҳумлик ўзгарса, ахборотнинг фойдалилиги хабар олингунгача бўлган ва ундан кейинги мавҳумлик ўртасидаги фарққа тенг бўлади.

### МУҲОКАМА

Медиамаданият бўлажак хорижий тил ўқитувчиларининг ахборотга бўлган эҳтиёжига, ҳақиқат ва ёлғонни, фойдали ва фойдасиз маълумотларни бир биридан ажрата билиш лаёқатлилигига (ёки лаёқатсизлигига) боғлиқ равишда намоён бўлади. Шундай қилиб, хорижий тил талабаларининг онги ва борлиқнинг ўзаро таъсири ахборот майдонида яна долзарб масалага айланади. Бу нарса айниқса бўлажак хорижий тил ўқитувчилари ўзида билим, технология ва дастурларни ифода этган ахборот оқимларининг умумий майдонида қолиб кетишганида яққол намоён бўлади.

Бўлажак ўқитувчи учун медиатаълим ва у асосида шаклланадиган медиамаданият мавжуд маълумотларни синтез қилиш асосида ахборот таъсирининг исталган объекти учун хавфнинг юзага келиши механизмларини очиб бериш зарур. Фақатгина шу йўл билан замонавий жамиятда ахборот хавфсизлигини таъминлаш усуллари аниқлаб олиш, турли хилдаги деструктив ахборот таъсирларидан ҳимоя қилишнинг ўзига хос жиҳатларини очиб бериш мумкин бўлади. Диссертацияда олиб борилаётган тадқиқотнинг долзарблиги ҳам мана шунда ўз аксини топган.

Куйида бўлажак хорижий тил ўқитувчиларининг медиамаданиятини шакллантириш асосида зарарли ахборотлар таҳдидидан ҳимоялаш тамойил ва қоидалари келтирилган. Уларга:

*Зарарли ахборотлар таҳдидидан ҳимоялашнинг изчиллиги ва мунтазамлилиги тамойили:*

Бизга маълумки тарбия жараёни узлуксиз жараён бўлиб, у инсон туғилгандан то умрининг охиригача давом этади. Ана шу жараёнда тарбия изчил ва тизимли ташкил этилмоғи даркор. Тарбияда узилиш бўлиши унинг муваффақиятини таъминламайди. Талабаларни зарарли ахборотлар таҳдидидан ҳимоялаш ҳам ана шу талабларга жавоб бермоғи лозим. Яъни талабаларни ахборот таҳдидларидан ҳимоялаш мазмуни ҳамда бу жараёнда бериладиган билим, асос, тушунчалар изчил ва тизимли бўлиши керак.

*Бўлажак хорижий тил ўқитувчиларини зарарли ахборотлар таҳдидидан ҳимоялашда уларнинг индивидуал ва психологик жиҳатларини ҳисобга олиш тамойили:*

Бўлажак хорижий тил ўқитувчиларини зарарли ахборотлар таҳдидидан ҳимоялаш жараёни шундай мураккаб жараёнки, унда талабаларнинг психологик ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олмоқ, ўрганмоқ талаб этилади. Негаки ҳар бирини ўзига хос характери, қизиқиши, кадриятлари мавжуд. Талабаларнинг индивидуал хусусиятларига кўра уларга бериладиган тарбия, билимнинг мазмуни, педагогик ёндошувнинг характери ҳам ўзгариб боради. Масалан, айрим талабаларда турли ахборот ёки воқеликдаги нарса ва ҳодисаларга ўта қизиқувчанлик, мойиллик устун бўлади. Ана шундай вазиятларда улар



зарарли таҳдидларга осонгина таслим бўлиб қўя қоладилар. Ёки ўта қизиқувчанлиги туфайли турли оқим ва ғоялар таъсири берилиб кетиши мумкин.

Кейинги йиллардаги статистик ва бошқа маълумотларга кўра талабаларда учрайдиган психологик зўриқиш, рухиятининг издан чиқиши, ҳаёт қийинчиликларига иродасизлик кабилар уларнинг тез зарарли ахборотлар таъсирига берилиб кетишига сабаб бўлмоқда.

*Бўлажак хорижий тил ўқитувчиларини зарарли ахборотлар таҳдидидан ҳимоялашда миллий ва умуммиллий қадриятларга асосланиш тамойили:*

Шаҳс тарбияси қадимданоқ мураккаб масала сифатида қаралган. Бироқ қайси замонда бўлмасин ёш авлодни тарбиялашда қадриятларга суянилган. Негаки, қадриятлар асрлар синовидан ўтган, ёш авлодни фақат ва фақат тўғри йўлга бошловчи қудратли тарбия воситаси ҳисобланган. Ёки педагог олималардан бири Ойниса Мусурмонова таъкидлаганларидек: “инсон қадриятлар билан тирик ва қадриятлар билан муқаррамдир”. Демак, талаба-ёшларимизни инсоннинг тириклиги, маънавий озукиси ҳисоблаган қадриятлар асосида тарбияламоғимиз лозимки, токи улар ҳам буюк аждодларимиз сингари тинчликсевар, инсонпарвар, илм-маърифатга чанқоқ, она табиатни севувчи кишилар бўлиб етишсин.

Энг муҳими миллий ва умуммиллий қадриятлар асосида тарбия топган ёшлар зарарли ахборотларни фарқлайди ва уларга қарши тура олади. Чунки, ҳеч бир қадрият йўқки, инсон бахт-саодати, келажаги учун яратилмаган бўлса. Ҳар бир қадриятда инсоннинг орзу-умидлари, саломатлиги, ахлоқи, жамиятда муносиб ўрин эгаллаши каби масалалар акс этади. Бироқ талабаларда уларни қабул қилиши ва амали даражаси ҳар хил бўлади.

*Таълим жараёнида бўлажак хорижий тил ўқитувчилари фаолиятини мақсадли йўналтириш қондаси:*

Таълим жараёнида бўлажак хорижий тил ўқитувчилари фаолиятини мақсадли йўналтириш қондасига амал қилиш биз тадқиқ этаётган муаммонинг самарали бўлишига олиб келади. Бўлажак ўқитувчи фаолиятини тўғри йўналтириш - бу уларнинг ҳаётий мақсадларини амалга оширишга, келажакда ўз ўрнини топишига ёрдам беради. Фаолият жараёнида талабаларнинг дунёқараши ўсади.

*Бўлажак хорижий тил ўқитувчиларида ички таҳдидларга қарши курашувчанликни тарбиялаш қондаси:*

Бўлажак хорижий тил ўқитувчиларда ички таҳдидларга қарши курашувчанликни тарбиялаш уларнинг зарарли ахборотлар таҳдидига берилиб кетишининг олдини олади. Ижтимоий ҳаётимизда кўп учрайдиган бепарволик ва лоқайдлик ички таҳдиддир. Бепарво ва лоқайд инсон бошқаларнинг ташвиши-ю ғамига, қувончига шерик бўла олмайди. Атрофида содир бўлаётган воқеаларга нисбатан теран назар билан ташламайди, “менга нима” қабилида иш тутаяди. Шу боис мамлакатимиз келажаги бўлган ёш авлодни меҳнат қилишга ва ҳалол меҳнатдан роҳатланиб яшашга ўргатиб боришимиз лозим.

*Бўлажак хорижий тил ўқитувчиларида мустақил фикрлаш ва соғлом эътиқодни шакллантириш қондаси:*

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошлабқоқ ёш авлоднинг мустақил фикрлашига алоҳида эътибор қаратила бошланди. Негаки, мустақил

фикр ва соғлом эътиқодга эга авлодгина бошқаларнинг ва турли ғояларнинг таъсирига осонликча тушиб қолмайди. Зеро, эътиқодсизлик ёки мустақил фикрга эга бўлмаслик жамиятни ҳам, давлатни ҳам инқироз сари етаклайди. Эътиқодсиз ва мустақил фикрга эга бўлмаган инсон бугун бу нарсага, эртага бошқа нарсага эргашиб кетаверади. Улар учун ирода, сабр-қаноат, қийинчиликларга бардош бериш, садоқат тушунчалари муқаддас бўлмайди.

### ХУЛОСА

Бўлғуси хорижий тил ўқитувчиларида медиамаданиятни ривожлантиришнинг педагогик ва психологик омилларини аниқлаш, таълим тизимида ахборий курашларга ўз позициясини намоён қила оладиган шахсларни тарбиялаш масалаларини чуқурроқ ўрганиш муҳим масалалардан бири бўлиб қолаверади. Чунки замоннинг ўзгариши, имкониятларнинг кенгайиши, ахборот технологияларнинг такомиллашуви тажовузлар ва таҳдидлар шакли ва кўламини кенгайтириб юбормоқда. Бу эса уларга қарши туришнинг янги механизмлари яратиш заруратини ортирмоқда.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Поппель Г.Л., Голдстайн Б. Информационная технология – миллионная миллионные прибыли. Пер.с англ. - М.: Экономика, 2005
2. Коляда М.Г. Окно в удивительный мир информатики. -Донецк: Сталлер, 2007.
3. Муҳаммад Амин Яхё. Интернетдаги таҳдидлардан ҳимоя. – Тошкент. 2016. Мовароуннаҳр. - Б.295.
4. Маматова Я, Сулайманова С. Ўзбекистон медиатаълим тараққиётийўлида. Ўқув қўлланма.–Тошкент.:«Extremum-press», 2015. –Б.17.
5. Маматова Я, Сулайманова С. Ўзбекистон медиатаълим тараққиётийўлида. Ўқув қўлланма.–Тошкент.:«Extremum-press», 2015. –Б.8.
6. Алимов Қ.А. Информация и искусственный интеллект// Иқтисодиёт ва таълим, №4, 2004, -С.106-108.;
7. Ахборот-психологик хуружларидан ҳимоя қилиш технологиялари. Ўқув-услубий мажмуа. –Т.: Ўзбекистон Миллий университети, 2014. -346 бет
8. Ахборот назарияси // Назаров Қ. Жаҳон фалсафаси қомуси. 1 жилд. – Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2016. – 117 бет.
9. Bakhromovich SI. The impact of managerial professional development on the effectiveness of Higher Education institution management. *Academicia: an international multidisciplinary research journal*. 2020;10(12):1014-20.
10. Siddikov, I. B. (2019). Философско-педагогические аспекты развития интеллектуальной культуры студентов. *Вестник Ошского государственного университета*, (3), 38-42.
11. Bakhromovich, S. I. Development trends and transformation processes in academic mobility in higher education in Uzbekistan and the world.
12. Bakhromovich, S. I. (2021). A comparative induction of the epistemological and theological views of medieval Islamic oriental scholars. *Berlin Studies Transnational Journal of Science and Humanities*, 1(1.7 Philosophical sciences).
13. Bakhromovich, S. I. (2021). Views on the role of science in human and society life in islamic teaching. *International Journal of Philosophical Studies and Social Sciences*, 1(3), 79-86.

14. Bakhromovich, S. I. (2020). Effects of Objective and Subjective Factors to Develop Intellectual Culture of Youth. *Canadian Social Science*, 16 (2), 55-59 p.
15. Bakhromovich, S. I. (2018). Social and philosophical performance of making youth's intellectual culture. *European science review*, (7-8).
16. Bakhromovich, S. I. (2020). Analysis Of Modern Approaches To Ensuring The Effectiveness Of Management In Higher Education Institutions. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 2(12), 364-369.
17. Bakhromovich, S. I. (2021). Philosophical comparative studies of the epistemological and theological views of medieval eastern scholars. *Turkish Journal of Physiotherapy and Rehabilitation*. Turkey, 2021. №32 (3), (Scopus)– P. 30338-30355
18. Bakhromovich, S. I. (2022). Dialectical and synergetic features of the development of theological and epistemological views in medieval eastern islam. *European Journal of Humanities and Educational Advancements (EJHEA)*, - Las Palmas, Spain, Volume 3, Issue 2 February, 2022. – P. 79-83

**АНИҚ ФАНЛАР ЙЎНАЛИШИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ  
МИЛЛАТЛАРАРО МУЛОҚОТ МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ  
ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**Жаркинов Зарифжон Умаралиевич**

Фарғона давлат университети мустақил тадқиқотчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6757388>

**Аннотация.** Мақоладафанлараро ҳамкорлик асосида ижтимоий фанлар ўқув жараёнида аниқ фанлар йўналиши талабаларининг миллатлараро мулоқот маданиятини ривожлантиришига қаратилган интерфаол инновацион педагогик технологияларни қўллашнинг педагогик, психологик жиҳатлари, зарурати таҳқил қилинган.

**Калит сўзлар:** фан, аниқ фан, талаба, миллат, мулоқот, миллатлараро мулоқот, маданият, мулоқот маданияти.

**ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ И ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ  
ОСОБЕННОСТИ РАЗВИТИЯ КУЛЬТУРЫ ОБЩЕНИЯ НАЦИИ СТУДЕНТЫ ПО  
НАПРАВЛЕНИЯМ ТОЧНЫЕ НАУКИ**

**Аннотация.** В статье анализируются педагогические, психологические аспекты применения интерактивных инновационных педагогических технологий, направленных на развитие культуры общения национальных студентов направления точных наук в образовательном процессе общественных наук на основе сотрудничества в науке.

**Ключевые слова:** наука, точные науки, студент, общение, национальность, коммуникация, культура, культура общения.

**STUDENTS OF EXACT SCIENCES  
PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL FEATURES OF THE DEVELOPMENT OF  
THE CULTURE OF COMMUNICATION OF THE NATION**

**Abstract.** The article analyzes the pedagogical, psychological aspects of the application of interactive innovative pedagogical technologies aimed at developing the culture of communication of the nationlararo students of the direction of Exact Sciences in the educational process of Social Sciences on the basis of cooperation in science.

**Keywords:** science, exact science, student, nationality, communication, nationlarar muloqot communication, culture, culture of communication.

**КИРИШ**

Бугунги мураккаб иқтисодий-ижтимоий ва мафкуравий жараёнлар қаршисида жамият барқарорлигининг муҳим шартларидан биримиллатлараро толерантликни мустаҳкамлаш ҳисобланади. Глобаллашув шароитида манфаатлар ҳилма ҳиллиги муайян зиддиятларни келтириб чиқаради. Айниқса, кўпмиллатли давлатларда жамият бирлиги, бирдамлигини таъминлаш ва ягона мақсад асосида фаолиятни ташкиллашда бағрикенглик тамойилининг муҳим аҳамияти намоён бўлади. «Миллатлараро мулоқотда барқарорликни таъминлаш учун манфаатлар мувозанатини яратиш мезонларини миллий ва минтақавий хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда шакллантириш зарур». Ана шундай мезонлардан бири миллатлар ва элатлар ўртасида бағрикенгликни таъминлашдир.

Миллатлараро толерантликни аниқ фанлар йўналиши талабаларида ривожлантиришни таҳлил қилишдан аввал толерантлик категориясининг мазмун-моҳиятини таҳлил қилишни мақсадга мувофиқ деб ҳисобладик.

### **ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ**

Дунёнинг ривожланганғарб мамлакатларида миллатлараро мулоқот, диний бағрикенглик, маданиятлараро мулоқот ва тотувлик жараёнининг илмий-педагогик жиҳатларини Р.Сколлан, Д.Феилдс, Д.Грин, Ж.Алстете, М.Ли, А.Айплбаи, Г.Бланчард, С.Каранасиос, И. Бендер, Н.Жексон, Ҳ.Ланд, Ж.Метюситс, Ж.Спендолини, М.Заирый, Д.Ҳенс, С.Маргинсон, М.Венде, З.Саригил, Э.Карақоч, А.Робинсонкаби олимларнинг тадқиқот ишларида таҳлил қилинган.

МДҲ давлатларида толерант миллатлараро мулоқот маданиятини шакллантириш муаммоси А.Карпов, Т.Воробёва, Л.Полешчук, Н.Швитс, Ш.Исмаилова, Б.Туребаева, А.Аксентьев, В.Амелин, Ю.Антонян, А.Верховский, М.Давитадзе, М.Джунусов, Л.Максакова, Е.Михайловская, В.Петришев, П.Полян, В.Прибыловский, В.Ремарчук, З.Сикевич, Г.Солдатова, Е.Степанов, А.Таксанов, В.Тишков, В.Шаповалов каби олимлар томонидан ўрганилган.

Мамлакатимизда миллатлараро мулоқот маданиятининг илмий-педагогик жиҳатлари ва педагогик жараёнда талабаларни миллатлараро мулоқотга тайёрлаш масалалари педагог олимлар Г.Арипова, З.Азимова, О.Мусурмонова, Д.Рўзиева, З.Салиева, Б.Ходжаев, М.Куронов, Т.Эгамбердиева, Н.Эгамбердиева, З.Исмоилова, Н.Жўраев, Г.Қўшоқовалар томонидан тадқиқотлар олиб борилган.

### **ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ**

Миллатлараро муносабатларда толерант мулоқот тилини яратиш ҳар бир замонда долзаб вазифалардан бири бўлиб келган. Толерантлик тушунчаси ҳар бир миллатда турлича талқин қилинади. Мисол учун, инглизчада «толерантлик» - шахс ёки нарсани ҳеч қандай эътирозсиз қабул қилиш қобилияти ва ҳозирлик; французчада – ўзганинг эркинлиги, унинг фикрлаш тарзи, хатти-ҳаракати, сиёсий ёки диний қарашларини ҳурмат қилиш; арабчада – кечириш, марҳаматлилиқ, раҳмдиллик, чидам, ўзгаларга илтифотлилиқ; хитойчада – ўзгаларга нисбатан бағрикенгликни намоён этиш; русчада – чидай олиш, чидамлилиқ, ўзгалар фикри билан қизиқиш қобилияти, ўзгалар қилмишларига нисбатан марҳаматли бўлиш каби маъноларни англатади». «Европа халқлари тилида толерантлик тушунчаси чидамлилиқ билан бирга кимга ёки нимага нисбатан марҳаматлилиқ қила олиш ва бошқа бир фикр ёки ҳаракат учун имконият яратиш маъносида тушунилади». Шу билан бирга толерантлик дунёқараш сифатида зўравонликнинг бир кўриниши бўлган экстримизмга қарши фаолиятдир.

Психологик нуқтаи назардан толерантлик – «инсоний бағрикенгликнинг бир кўриниши ёки ифодаси бўлиб, инсон учун ёқимсиз, нохуш бўлган бирор омилга нисбатан қатъий жавобнинг йўқлиги ёки унинг кучсизлигини билдиради. Ўша вазият ёки омил қанчалик шахсга ёқмас-да, у бунга чидайди, босиқлик қилади, керак бўлса мослашади».

Бугунги кунда илмий адабиётларда миллатлараро толерантлик ўз моҳиятига кўра сиёсий, илмий, диний, тарбиявий турларга бўлинади.

Миллат толерантлиги ҳақида гап кетаётганда олимлар табиий ва маънавий толерантлик турларини ажратадилар. Шуларга биноан, миллатни икки турга – толерант миллатлар ва интолерант миллатларга ажратиш мумкин.

Шу нуқтаи назардан, толерантликнинг шаклланганлик меъёрлари куйидагича:

**Ташқи толерантлик** – «талаба ўзида шаклланган бағрикенглик тамойилларини бировларга нисбатан қўллай олади, бошқаларга нисбатан ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик хусусиятлари ёрқин шаклланган ва амалиётда қўлланилади, талаба ҳар бир масала юзасидан ўз нуқтаи назарига эга, аммо уни бировларга зўравонлик йўли билан сингдиришдан ўзини тута олади, нарса ва ҳодисаларни баҳолашда турли назар билан қарай олади».

**Ички толерантлик**– талаба «ўз маънавий ва руҳий ҳолатида билим ва тажрибаларига таянган ҳолда ҳар қандай муаммо юзасидан тўғри ва бировлар қадр-қимматини ерга урмаган ҳолдаги қарорларни ўзи учун қабул қила олади ва шу билан жамият ва ўзгалар ҳуқуқларини поймол этмайди».

Бугунги кунда мамлакатимизда олий таълим муассасаларини ривожланган мамлакатлар тажрибасига таянган ҳолда ислоҳ қилиш зарурати пайдо бўлмоқда. Бундай вазиятда талабалар билимини ошириш, дунёқарашини, тафаккурини ўстириш орқали жаҳон стандартларига жавоб берадиган кадрларни тарбиялаш зарур. Замон талабларига жавоб берадиган фикрлаш тарзига, теран тафаккурга ва кенг дунёқарашга эга мутахассисларни тарбиялаш билан бирга юксак мулоқот маданиятига эга шахсларни ҳам тарбиялаш эҳтиёжи ортмоқда. Миллатлараро интеграцион алоқалар кучаяётган вазиятда нафақат билимли, салоҳиятли, балки толерантлик сифатларига ҳам эга мутахассисларга талаб ортмоқда. Ўзбекистон кўпмиллатли мамлакат бўлганлиги боис бўлажак кадрлар олий таълим муассасасини миллатлараро мулоқотга тайёр бўлган ҳолда тамомлашлари ва меҳнат фаолиятида миллатлараро толерантлик муҳитини яратишлари лозим.

### МУҲОКАМА

Ҳозирда олий таълим муассасаларидаги аниқ фанлар йўналиши талабаларида миллатлараро толерантликни ривожлантириш масаласи нафақат педагоглар, балки шу соҳа билан алоқадор бўлган ҳар бир кишини ташвишга солиши керак. Чунки жамият аъзолари орасидаги англашилмовчиликнинг аксарият қисми уларда толерантликка оид билимининг етарли даражада шаклланмагани натижасида вужудга келмоқда. «Толерантликнинг етарли даражада таркиб топмаганлиги учун ҳам инсонларни бошқа бирлари томонидан турли диний оқимларга тортиш, диний низоларни келтириб чиқариш, у ёки бу миллатга хос бўлган маданий обидаларни бузиш, халқнинг фаҳри, ғурури, миллий бойликларига даҳл қилиш ҳолатлари тез-тез учрамоқда. Толерантлик тарбиясида ҳар бир талабанинг алоҳидалиги, ўзига хослиги, бағрикенглик тушунчаларини ўзлаштиришга мойиллиги, ижодий фикрлашга одатланиш даражасини аниқлаган ҳолда педагогик чоратadbирларни қўллаш тавсия қилинади. Акс ҳолда педагогик таъсир имкониятлари намоён бўлмай қолади».

Аниқ фанлар йўналиши талабаларида толерантлик тафаккурини шакллантиришда куйидаги ахлоқий ва маънавий хислатларни тарбиялашни талаб этади:

- «ахлоқий фазилатларни ўзида намоён қилиш;
- давлат қонунларига ҳурматда бўлиш ва эъзозлаш;



- жамият аъзолари ўртасидаги муносабатларни адолат мезонлари асосида қуриш ҳамда улар ҳуқуқ ва эркинликларини тан олиш;
- барқарор, тинч ва осуда яшаш тамойилларига итоат этиш ва қадрлаш;
- жамият аъзолари маданияти, урф-одатлари, тафаккури ва қарашларига дунё ранг-баранглиги сифатида ёндошиш, улар ирқи, миллати, тили ва динига ҳурмат билан қараш, тинчлик меъёрларини сақлашни инсоннинг энг олий қадриятларидан бири сифатида англаш;
- бузғунчилик асосига қурилган барча ёт мафкуравий ғоялар ва қарашларга нисбатан қарши тура олиш хусусиятига эга бўлиш;
- ўз миллати тарихи, маданияти, санъати, тили ва урф-одатларини дунё цивилизациясининг тенг ҳуқуқли ва ноёб хусусияти сифатида ардоқлаш, уни бошқа миллатлар қадриятларидан устун қўймаслик».

Аниқ фанлар йўналиши талабаларида миллатлараро толерантликни ривожлантиришнинг ўзига хосликлари қуйидагилар билан асосланади:

Биринчидан, аниқ фанлар йўналиши талабаларида миллатлараро толерантликни ривожлантириш асосида уларни миллатлараро мулоқотга тайёраш бирмунча самарали ва қулай ҳисобланади. Яъни, бўлажак математика ёки физика фани ўқитувчисида толерантлик кўникмаси юқори даражада шаклланган бўлсагина фаол, тоқатли, бағрикенг миллатлараро мулоқотга кириша олади. Аслида, «самимий мулоқот ишончга, тоқатга ва чидамлилиikka асосланади. Аниқ фан ўқитувчилари ҳам дарс жараёнида ўқувчилар билан мулоқот қилади. Бунда педагогга ўқувчилар турмуш тарзи, ҳуқ-атвори, одатлари, ҳис-туйғулари, фикр-мулоҳазалари, ғоялари ва эътиқодларига нисбатан тоқатли, чидамли бўлиш вазифаси юклатилади»[95;303]. Чунки ўқувчилар ичида турли миллат вакиллари, турли эътиқод, характер, одат эгалари бўлиши мумкин. Дарсда самимий мулоқотни йўлга қўя олсагина машғулот самарали бўлади. Шундай экан, аниқ фанлар йўналиши талабаларини ижтимоий фанларни етарлича билиши, ижтимоий масалаларга ёндашув бера олиши, миллатлараро толерантликни ўқувчиларга кўрсатиб бера олиши зарур.

Иккинчидан, аниқ фанлар битирувчиси ўзида миллатлараро толерантлик асосида шаклланувчи диний бағрикенгликни намоён қила билиши зарур. Бунинг долзарблигини Ўзбекистон Библия жамияти ижрочи директори С.Митин: «Диний бағрикенглик ва қонун устуворлиги – бу кўпмиллатли давлат қурилиши лозим бўлган пойдеворнинг бир қисмидир», – деган нуқтаи назарни билан асослаган эди. Чунки ислом дини ҳам инсонларни толерантликка чақиради. Қуръони Каримда ва ҳадисларда ҳам, ҳатто тасаввуф фалсафасида ҳам бағрикенглик тарғиб қилинган. Жумладан, Нақшбандия тариқатининг бош шиори «Дил ба ёру, даст ба кор». Бу ғояда эътиқод ва меҳнат билан ҳаёт кечириш зарурлиги кўрсатилган. Эътиқодсиз инсонда бағрикенглик руҳияти бўлиши мумкин эмас, у маънан қашшоқ инсондир. Эътиқодли инсонда ўзга инсонлар, жамият ва бошқаларга нисбатан бағрикенг бўлиш руҳиятини шакллантиришнинг асоси ҳисобланади. Меҳнат билан ҳаёт кечиришни ўзининг ҳаёт мазмуни деб ҳисоблаган инсонда ҳам, ҳаллолик, самимийлик, меҳр-оқибат ва бағрикенглик туйғуларини шаклланган бўлади. Ислом динида тинчлик ва ҳамжиҳатлик ғоялари ҳам катта ўринни эгаллаган. Жумладан, «даъват» сўзининг маъноси ҳақида фикр билдирганда, унинг «тинчликни ҳамжиҳатликка даъват қилиши мумкинлиги, уни ислом динида эзгу мақсадларга хизмат қилади» деб кўрсатилади. Дарҳақиқат, бўлғуси

математика, физика фани ўқитувчиларида юксак диний бағрикенглик руҳияти шаклланган бўлса, ўқувчиларнинг эътиқоди, диний позицияси, дунёда бўлаётган диний низоларга объектив муносабати намоён бўлади. Биламизки, эътиқод масаласи нозик ва ҳар бир инсоннинг шахсий танлови ҳисобланади. Шундай экан, бўлғуси педагог касбий фаолиятида юксак миллатлараро диний мулоқотни кўрсата билиши зарур. Ҳукукий демократик давлатларда педагогнинг либерал қарашлари ва диний мансублигини ўқувчиларга сингдириш қаттиқ тақиқланади. Педагог ҳар бир ўқувчининг миллий, диний, ирқий мансублигидан қатъий назар тенг муносабатни ўрната билиши, толерант мулоқотни намоён қилиши муҳим ҳисобланади.

Аниқ фанлар йўналиши талабаларида толерантлик тафаккурини ривожлантиришда куйидаги ахлоқий ва маънавий хислатларни тарбиялашни талаб этади:

Ахлоқий фазилатларни ўзида намоён қилиш;

Давлат қонунларига ҳурматда бўлиш ва эъзозлаш;

Жамият аъзолари ўртасидаги муносабатларни адолат мезонлари асосида қуриш ҳамда улар ҳуқуқ ва эркинликларини тан олиш;

Барқарор, тинч ва осуда яшаш тамойилларига итоат этиш ва қадрлаш;

Жамият аъзолари маданияти, урф-одатлари, тафаккури ва қарашларига дунё ранг-баранглиги сифатида ёндошиш, улар ирқи, миллати, тили ва динига ҳурмат билан қараш, тинчлик меъёрларини сақлашни инсоннинг энг олий қадриятларидан бири сифатида англаш;

Бузғунчилик асосига қурилган барча ёт мафкуравий ғоялар ва қарашларга нисбатан қарши тура олиш хусусиятига эга бўлиш;

Ўз миллати тарихи, маданияти, санъати, тили ва урф-одатларини дунё цивилизациясининг тенг ҳуқуқли ва ноёб хусусияти сифатида ардоқлаш, уни бошқа миллатлар қадриятларидан устун қўймаслик

### **Аниқ фанлар йўналиши талабаларида толерантлик тафаккурини ривожлантириш асосида шаклланивчи сифатлар таснифи**

«Ижтимоий-гуманитар фанлар аниқ фанлар йўналиши талабаларига давлат ва дин муносабатларидаги асосий тамойилларни куйдагича тушунтиради.

- диндорларнинг диний туйғуларини ҳурмат қилишга;
- диний эътиқодларни фуқароларнинг ёки улар уюшмаларининг хусусий иши деб тан олишга;
- диний қарашларга амал қилувчи фуқароларнинг ҳам, уларга амал қилмайдиган фуқароларнинг ҳам ҳуқуқларини тенг кафолатлаш ҳамда уларни таъқиб қилишга йўл қўймасликга;

- маънавий тикланиш, умуминсоний ахлоқий қадриятларни қарор топтириш ишида турли диний уюшмаларнинг имкониятларидан фойдаланиш учун улар билан мулоқот қилиш йўлларини излаш заруратида;

- диндан бузғунчилик мақсадларида фойдаланишга йўл қўйиб бўлмаслигини эътироф этишга». Демак, юртимизда ҳам демократик давлатлардаги каби дин ва давлат муносабатлари алоҳида қонун билан тартибга солинган. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида «дунёвийлик – дахрийлик эмас» тамойили ўз кучини кўрсата бошлади. Ушбу тамойилдан келиб чиқиб миллатлараро мулоқотда, диний конфессиялар фаолиятида барикенглик, тенглик қарор топади.

Жамиятда тиллар толерантлиги қуйидагиларда намоён бўлади:

- ҳукуматга мурожаат қилишда кишида ўз она тилида сўзлаш ҳуқуқининг мавжудлиги;
- бошқа коммуникатив вазиятларда ўз она тилида сўзлаш ҳуқуқининг сақланиб қолиши;
- турли тилларнинг амалда биргаликдаги мавжудлиги: кўча ёзувлари, кўрсаткичлар, ахборот манбаларида қўлланилиши;
- турли тиллардаги расмий ахборотлар мавжудлиги: сони ва тури.

Аниқ фанлар йўналиши талабалари ҳам ўқувчиларда лисоний бағрикенглик руҳиятини шакллантиришлари ва тил имкониятларини тўғри баҳолай олишлари зарур. Педагог миллатлараро мулоқотнинг асоси бўлган тилга ҳурматни ўзида кўрсатиб бера олиши муҳим ҳисобланади. Дарс машғулотларида айрим педагогларни расмий мулоқот тилига бошқа тиллардаги сўзларни қўшиб гапириши, жаргон сўзларни ишлатишлари одатий холга айланганини гувоҳи бўлганмиз. Ёки белгиланган мулоқот тилида эмас, балки бошқа тилда машғулотни олиб боришини эшитганмиз. Шундай экан, турли миллатларга дарс беришда аниқ фан ўқитувчисига қўйилаётган талаб тиллар мейёрини аниқ белгилаш орқали лисоний бағрикенгликни кўрсата билишидир.

Аниқ фанлар йўналиши талабаларида миллатлараро толерантликни ривожлантириш асосида миллатлараро тотувликка тайёрлаш ва жамиятда тинчлик-осойишталикни таъминлаш зарур. «Тотувлик бир миллатни бошқа бир миллатга муносабатида ишонччилик, дўстоналик, яқдиллик, қариндошлик, бирдамлик, муросалилик каби инсонийлик муносабатлари мавжудлигини ифодалайди». Шунини таъкидлаш жоизки, бугунги кунда мафкуравий зиддиятлар кучайиб бораётган даврда миллатлараро мулоқотда тотувлик муҳитини қарор топтириш жуда душвор ва мураккаб вазифалардан биридир.

Бугун юртимиздага барча миллатлар орасида дўстлик, аҳиллик ва бирдамлик муносабатини қарор топтириш жамият тарққиётининг гаровидир. Аниқ фанлар йўнали талабаларидан ҳам ўз жамоасида миллатлараро аҳиллик, тотувлик ва бирдамликни шакллантириш қобилиятига эга бўлиши талаб этилади. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг фикрига кўра, «бизнинг энг асосий ютуғимиз - кўп миллатли халқимизнинг вужудга келаётган қийинчилик ва синовларни енгишга қодирлиги, замонавий дунёқараши, сиёсий онги ва ижтимоий фаоллиги юксалиб бораётгани, атрофимиздаги воқеаларга бепарво бўлмасдан, аксинча, дахлдорлик туйғуси билан яшаётганидир».

Аниқ фанлар йўналиши талабаларида миллатлараро толерантликни ривожлантириш асосида бағрикенглик идеалларини қарор топтириш лозим. Бунинг учун бўлажак кадрларни бағрикенглик руҳида тарбиялаш ва уларда тоқатлилиқ кўникмасини мусатҳкамлаш керак бўлади. Шунингдек, ҳар бир миллат вакиллари ичидан идеал толерант шахс киёфасини яратиш зарур. Масалан, ҳинд миллати учун Маҳатма Гандибағрикенг инсон сифатида намуна бўла олган ва бугунги кунда ҳинд ёшларини тарбиялашда уни идеал қилиб шакллантиришга эътибор қаратилади. Бу орқали толерантлик тарбияси асносида миллат ва дин вакиллари ўзаро келишиб, ҳамжиҳат бўлиб, бир бирига зарар келтирмайдиган турмуш тарзини яратадилар. Шунингдек, Давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев 2020 йил 25 декабр куни Ўзбекистон Ёшлари форумидаги нутқида ҳам юртимизда етишиб чиққан буюк алломалар, олимлар ва мутафаккирлар ҳам ёшлар учун инсонийлик ва ҳаёт идеалига айланишини алоҳида таъкидлайдилар. Зеро, *«сизлар кўп китоб ўқиган, билимли авлод сифатида юртимиз ўтмишида жаҳон цивилизацияси бешиқларидан бири бўлганини яхши биласиз. Сиз Хоразмийлар, Фарғонийлар, Беруний ва Ибн Сино, Улугбек, Навоий ва Бобурлар, Бухорийлар, Термизийлар авлодисиз. Ана шундай буюк ватандошларимиз яратган бебаҳо билим ва кашфиётлар бугун ҳам бутун инсониятга хизмат қилмоқда»*. Бу орқали ёшларда юксак мотивация ва ўз фаолиятини ривожлантиришга кучли ички истак уйғонади. Шу билан бирга уларда миллатлараро муолоко асоси бўлган «инсонни инсон бўлганлиги учун қадрлаш» туйғуси шаклланади.

Аниқ фан йўналиши талабаларини миллатлараро толерантлик маданиятини шакллантиришда бадиий-эстетик толерантлик муҳим аҳамиятга эга. Толерантликни ҳозирги даврда кўп фанлар тадқиқ этади. Шу жумладан, фалсафа ҳам толерантликнинг умумий хусусиятларини ўрганади. Фалсафий фанлар доирасидаги эстетика илми инсонларда эстетик толерантликни шакллантирувчи фан ҳисобланади. Ҳаётимиз давомида инсонларга, инсон меҳнати маҳсуллари, уларнинг яратган бадиий-эстетик асарларига, илмий эстетик фаолиятига, эстетик қадриятларга баҳо беришга ҳаракат қиламиз. Бундай эстетик баҳо, реал, аниқ, ҳаққоний, мақсадга мувофиқ, адолатли, беғараз, мантиқийлик ва тарихийлик қонуниятларига амал қилиш жараёнида амалга оширилади.

### ХУЛОСА

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда, аниқ фанлар талабаларини миллатлараро толерантликка йўналтириш биринчи навбатда ўзини ва ўзгаларни алоҳида хусусиятларини англашга ёрдам беришини, бошқа миллатлар билан ҳурмат ва биродарликка асосланган муносабатни, тил, миллат, дин, урф-одат, келиб чиқишдан қатий назар гуманистик муносабатда бўлишни ўргатади.

Аниқ фанлар йўналиши талабаларининг миллатлараро толерантлик маданиятини ривожлантириш орқали тенг ҳуқуқлилик (миллати, тили, дини, жинси, ирқий келиб чиқишидан қатъий назар барча одамлар бир хил ҳуқуққа эгадирлар); жамиятнинг сиёсий ҳаётида иштирок этиш учун имкониятларнинг тенглиги; умумбашарий муаммоларни ҳал этишда барча халқлар, давлатлар, одамларнинг ўзаро ҳамкорлиги; жамиятнинг турли қатлам вакилларига ўзаро ҳурмат ва олийжаноблик; барча халқларнинг ўз тили, маданияти, урф-одатларига амал қилиш имконияти; жамиятнинг бошқа аъзолари ҳуқуқ ва эркинликларига ҳалақит бермайдиган шароитдаги эътиқод эркинлиги мавжуд эканлигини англаб етади.

Шундай экан, глобаллашган оламда мамлакатимизда умуминсоний бағрикенглик маданиятини юксалтирмасдан баркамол авлодни тарбиялаб бўлмаслиги маълум бўлмоқда. Бугун ҳорижий мамлакатлардаги воқеалардан диний бағрикенглик қарор топмасдан туриб миллатлараро мулоқот ва миллатлараро толерантлик мустаҳкамланмаслигига гувоҳ бўлиш мумкин.

#### *Фойдаланилган адабиётлар*

1. Tatyana V. Vorobyova, Larisa G. Poleshchuk. Ethnic tolerance among students. WELLSO 2015 - II International Scientific Symposium on Lifelong Wellbeing in the World. 2016 Published by Future Academy [www.FutureAcademy.org.uk](http://www.FutureAcademy.org.uk). –Р. 302
2. Современный словарь иностранных слов// Л.М.Баш, А.В.Боброва и др. – Москва: Цитадель-Трейд, 2006. – С.738.
3. Бардиер Г.Л. Социальная психология толерантности. – СПб.: Изд-во, СПбГУ, 2005. – С.120.
4. Қўшакова Г. Ёшларда толерантлик тафаккурини шакллантириш йўллари. -Жиззах: 2010, -Б. 58.
5. Қодирова З.Р,Шарипов А.Ж. ва бошқалар.Ёшлар ижтимоий фаоллиги ва толерантлигини юксалтиришнинг ижтимоий-фалсафий масалалари.Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2006. 23-бет.
6. Митин С. Веротерпимость и торжество закона // Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик – тараққиёт омили / Таҳрир ҳайъати: З.Хуснидинов, Т.Алимов, А.Ҳасанов ва б. –Тошкент. 2003. –Б. 48.
7. Искандаров Б. Тасаввуф фалсафаси (ўқув қўлланма). Тошкент: 1995.-Б.16.
8. Ислом: Бағрикенглик ва мутаассиблик. Масъул муҳаррир, З.И. Мунавваров. Тошкент: 1998.-Б.26.
9. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Тошкент: Ўзбекистон. 1997, – Б. 43-44.
10. Fields, Doris J. Dr. (2010) Chapter 2 - Imagine the Possibilities: Content Analysis of an Interracial/Interethnic Communication Course, *The Scholarship of Teaching and Learning at EMU*: Vol.3, Article 6. –pp.5. Available at: <http://commons.emich.edu/sotl/vol3/iss1/6>
11. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-том. - Тошкент: Ўзбекистон, 2017. –Б.592.
12. Bakhromovich SI. The impact of managerial professional development on the effectiveness of Higher Education institution management. *Academicia: an international multidisciplinary research journal*. 2020;10(12):1014-20.

13. Siddikov, I. B. (2019). Философско-педагогические аспекты развития интеллектуальной культуры студентов. Вестник Ошского государственного университета, (3), 38-42.
14. Bakhromovich, S. I. Development trends and transformation processes in academic mobility in higher education in Uzbekistan and the world.
15. Bakhromovich, S. I. (2021). A comparative induction of the epistemological and theological views of medieval Islamic oriental scholars. Berlin Studies Transnational Journal of Science and Humanities, 1(1.7 Philosophical sciences).
16. Bakhromovich, S. I. (2021). Views on the role of science in human and society life in islamic teaching. International Journal of Philosophical Studies and Social Sciences, 1(3), 79-86.
17. Bakhromovich, S. I. (2020). Effects of Objective and Subjective Factors to Develop Intellectual Culture of Youth. Canadian Social Science, 16 (2), 55-59 p.
18. Bakhromovich, S. I. (2018). Social and philisophical performance of making youth's intellectual culture. European science review, (7-8).
19. Bakhromovich, S. I. (2020). Analysis Of Modern Approaches To Ensuring The Effectiveness Of Management In Higher Education Institutions. The American Journal of Social Science and Education Innovations, 2(12), 364-369.
20. Bakhromovich, S. I. (2021). Philosophical comparative studies of the epistemological and theological views of medieval eastern scholars. Turkish Journal of Physiotherapy and Rehabilitation. Turkey, 2021. №32 (3), (Scopus)– P. 30338-30355
21. Bakhromovich, S. I. (2022).Dialectical and synergetic features of the development of theological and epistemological views in medieval eastern islam. European Journal of Humanities and Educational Advancements (EJHEA), - Las Palmas, Spain, Volume 3, Issue 2 February, 2022. – P. 79-83



## БЎЛАЖАК ИҚТИСОДЧИЛАРДА АНАЛИТИК ТАФАККУРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ПЕДАГОГИК ВОСИТАЛАРИ

Назарова Гулсанамхон Абдурахмоновна

Фарғона политехника институти мустақил тадқиқотчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6757409>

**Аннотация.** Мақолада бўлғуси иқтисодчиларда аналитик тафаккурни ривожлантиришнинг замонавий педагогик шарт-шароитлари, омиллари, босқичлари, компонентлари, усуллари таҳлил қилинган. Шунингдек, мақолада бўлғуси иқтисодчиларда аналитик тафаккур юритиш кўникмаларининг педагогик-иерархик тизими, намоён бўлиш шакллари тадқиқ қилинган.

**Калит сўзлар:** фикрлаш, аналитик фикрлаш, бўлғуси иқтисодчи, таълим, олий таълим, таълим ва тарбия жараёни, метод, дебатлар, методик талаблар, таълим ва тарбия самарадорлиги, бахс-мунозара, мустақил фикр.

## ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ СРЕДСТВА ОБЕСПЕЧЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ РАЗВИТИЯ АНАЛИТИЧЕСКОЕ МЫШЛЕНИЕ У БУДУЩИХ ЭКОНОМИСТОВ

**Аннотация.** В статье анализируются современные педагогические условия, факторы, этапы, компоненты, методы развития аналитического мышления у будущих экономистов. Также в статье рассматривается педагогически-иерархическая система навыков аналитического мышления, формы проявления у будущих экономистов.

**Ключевые слова:** мышление, аналитическое мышление, будущий экономист, Образование, Высшее образование, Учебно-воспитательный процесс, метод, дебаты, методологические требования, эффективность образования и обучения, дебаты, самостоятельное мышление.

## ANALYTICAL THINKING IN FUTURE ECONOMISTSURNI PEDAGOGICAL MEANS OF ENSURING THE EFFECTIVENESS OF DEVELOPMENT

**Abstract.** The article analyzes the modern pedagogical conditions, factors, stages, components, methods of developing analytical thinking in future economists. Also, the article examines the pedagogical-hierarchical system of analytical thinking skills, forms of manifestation in future economists.

**Keywords:** thinking, analytical thinking, future economist, Education, Higher Education, Educational and educational process, method, debates, methodological requirements, effectiveness of education and training, debate, independent thought.

## КИРИШ

Бўлажак иқтисодиёт соҳаси мутахассисларда аналитик тафаккурни ривожлантиришда теран тафаккур қилиш ва шубҳалана билиш усулини шакллантириш ҳам жуда муҳимдир. Тафаккур воқеликни онгда умумий тарзда акс эттириш жараёни бўлиб, у ҳам маълум бир ижодий фаолликдир. Аналитик тафаккур орқали бўлажак иқтисодчи аниқ вазиятларда ўзи учун ва касбий фаолияти доирасида муҳим, қулай ва фойдали қарорлар қабул қила олади. Замонавий педагогика бўлажак иқтисодчиларга иқтисодий фактларни ва назарияларни ёдлатишдан узоқлашиб, билим бериш билан бирга уларни тафаккур қилишга ундаш ва ёндашув бериш амалиётига ўтмоқда. Анъанавий маърузалар ва машғулотлардан

кўра мустақил таълимни, эркин изланиш, қолиплардан чиққан ҳолда педагог билан фақат маълум мавзу юзасидан фикр алмашиш ёки баҳслашиш фойдали эканлиги намоён бўлмоқда. Бу эса назарий билимларни амалиётда қўллаш кўникмасини ҳам шакллантиради. Умуман олганда, бўлажак иқтисодчиларнинг ақлий қобилиятини ўстиришда фалсафий фанларнинг ўрни юқори эканлигини англаш ва ушбу фанлар тажрибаларидан педагогик амалиётларда, машғулотларда фойдаланишни йўлга қўйиш зарурлигини келтириб чиқаради.

### **ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ**

Ғарб мамлакатларида аналитик тафаккурни ривожлантириш масаласига алоҳида эҳтибор қаратилиб келинаётганлиги учун ҳам жамиятларда, таълим тизимида юқори самарадорликни кўриш мумкин. Аналитик тафаккур масаласи кўплаб хорижлик олимлар томонидан, хусусан, Д.Руста, Х.Глока, Д.Мак-Ши, С.Шумейкер, Ян Фан, В.Хутмахер, Ж.Хурлей Патрик, М.Салмон, Роберт Ж.Фогелинларнинг тадқиқотларида мантикий, танқидий фикрлаш ва аргументларни исботлаш методикаси масалалари баён этилган. Юқорида қайд этилган олимлар ва мутахассисларнинг асарлари, тадқиқот ишлари ва нашрларида билдирилган фикрлар ушбу диссертация ишини амалга оширишда муҳим аҳамият касб этди.

МДХ мамлакатлари доирасида ҳам аналитик тафаккур масаласига доир бир қанча тадқиқотлар олиб борилган. Уларга Ю.В.Курносков, Л.С.Выготский, А.М.Матюшкин, К.М.Романов, Ж.Туленов, О.В.Игракова, В.А.Егоров, М.П.Целикова, А.В.Евтушенко, И.М.Войтик, С.В.Пигузова, С.И.Гильманшина, Д.В.Иванов каби олимларнинг аналитик фалсафа ва педагогикага доир изланишларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Турли фанлар доирасида, хусусан, фалсафа, психология ва педагогика фанлари доирасида аналитик тафаккур кўплаб олимлар томонидан тадқиқ этилган ва бугунги кунда ҳам бу жараён давоб этмоқда. Жумладан, М.М.Мирқосимова, Қ.Аҳмедов, С.Долимов, Қ.Йўлдошев, Н.Каримов, В.Қодиров, О.Мадаев, С.Матчонов, Р.Ниёзметова, З.Т.Нишонов, Р.И.Суннатов, Б.Тўхлиев, Ҳ.Убайдуллаев, Э.Ғозиев, Б.Ходжаев, Н.Ҳотамов, Ж.Эсонов, Э.Юсупов, С.Яминовларнинг илмий-тадқиқот ишларида аналитик тафаккурнинг фалсафий, психологик ва педагогик жиҳатлари, мавжуд муаммолар ва уларни бартараф жтиш омиллари тадқиқ этилган.


### **ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ**

Олий педагогик таълимда бўлажак иқтисодчиларда креатив, танқидий, таҳлилий ва аналитик фикрлашга кўпроқ ундаш, мазкур вазифани амалга ошириш учун олий таълимда қуйидагиларга алоҳида эътибор қартиш лозим:

Биринчидан, бўлажак иқтисодчиларни ижодий фикрлашга ўргатиш. Бунинг учун маъруза ва семинар машғулотларининг фойдали томонларидан фойдаланиб қолиш лозим. Мисол учун, «семинарда талабанинг фаоллик кўрсатиш имконияти кенг бўлади, маърузада эса асосан маърузачи нутқини тинглаб, информация ўзлаштириб борилади. Маърузанинг асосий вазифаси иқтисодий билим ва тажрибаларни талабага режали равишда етказиб беришдан иборат эканлигини ҳисобга олсак, семинарнинг талаба ижодий фикрлашини ўстиришдаги ўрни яққолроқ кўринади». Зеро, маърузада педагог ўзи ўқиган илмий ва иқтисодий асарлар, ўз шахсий ҳаётида ўзи кўрган кечирганларидан фойдаланиб иқтисодий аналитик тафаккурини талабага етказишга интилса семинарда, аксинча, талаба ўша таниш

мавзу бўйича мустақил фикр юритиб, ўз шахсий аналитик мулоҳазалари, мисоллари, фактологик материаллари, исбот далиллари билан қатнашмоғи лозим.

Иккинчидан, бўлажак иқтисодчиларда нотиклик кўникмасини ривожлантириш. Чунки аналитик тафаккур нутқ билан параллел ривожланиб боради. Нутқи яхши ривожланмаган талабанинг аналитик тафаккури ҳам яхши ривожланмаган бўлади. Аналитик тафаккурни ривожлантириш учун эса, билим ва мушоҳадакорлик билан бирга бу борада фикр алмашиш, нутқини етказиб, тушунтириб беришга ҳаракат қилиш талаб этилади. Шу боис бўлажак иқтисодчи кадрларда кучли нотиклик кўникмларини ривожлантириш орқали уларнинг аналитик тафаккурини ошириш мумкинлиги келиб чиқади. Бунинг учун олий таълимдаги семинар ва амалий машғулотлардан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. «Бу вазифани амалга оширишнинг мушкуллиги шундаки талаба кўпинча ўз нутқининг ёмонлиги ва назарий материални ўзлаштириши қийинлиги оқибатида гапиришга қийналади. Уларни одатда семинарда фикр билдиришга мажбурлаб бўлмайди. Бунда ўқитувчи яхши психологик таъсир кўрсатиш қобилиятига эга бўлиши шарт бўлади. Чунки, шундай тортинчоқ талабалар бўладикки, назарий материални яхши англаб турсалар ҳамки, гапириб беролмайдилар Бугунги шароитда педагогдан жуда катта сабр тоқат талаб қилинадикки, бу олий даргоҳига етиб келгунига қадар ёшлар тарбиясида бажаришга улгурилмаган кўп ишларни, жумладан унда эркин фикрлаш кўйикмасини вужудга келтиришини ҳосил қилиб бўлмайди. Ваҳоланки, бу ишларни бажармасдан туриб, олий таълимда бўлажак мутахассисларда аналитик тафаккурни ривожлантириб ҳам бўлмайди. Кўпинча нутқи яхши талабаларда дарсга ёзиб келинган материални қироат билан ўқиб бериш ёмон одати ҳам шаклланган бўлади». Бу одатни ҳам тарқатишга ўргатиш керак. Акс ҳолда талабада фикрини баён этиш у ёқда турсин, аналитик фикрлаш кўникмасини ҳам ҳосил қилиб бўлмайди. Чунки қироатбозликка ўрганиб қолган киши таҳлилий мушоҳада у ёқда турсин, оддий чуқур мулоҳаза юритишга ҳам қодир бўлмайди. Бундан талабалар фикрни ўқиб олиш, мустақил фикрлаш, уққанларини баён этиш, ўз шахсий фикрини баён этиш даражасига кўтарилиши жуда қийин. Зеро, улар бир қолипдаги, кимнингдир тайёр гапларини такрорлашга ўрганиб қолганлар.



### **Бўлажак иқтисодчиларда аналитик тафаккурни ривожлантиришнинг самарадорлиги асослари**

Аналитик тафаккур учун шарт-шароит, замин яратиш учун педагогнинг ўзи аналитик тафаккурга эга бўлиши билан бирга талабаларга дарсликдан ташқари янги ва муаммоли материални ҳам бериб бориши керак. Бу аналитик тафаккурни ривожлантиришнинг биринчи босқичини ташкил этади.

Иккинчи босқичда педагог бўлажак иқтисодчинини шу янги материал устида фикрлаб кўриш ва унга нисбатан ўз муносабатини билдиришга таклиф қилади. Бунда фикрлаб кўриш учун муайян вақт ажратиш керак. Бунда талабалар орасида жонли фикр алмашинуви жараёни бўлишига йўл қўйиш зарур.

Учинчи босқичда бўлажак иқтисодчиларнинг муҳокама этилган материал юзасидан баҳоловчи, хулосавий фикрларни эшитиш. Бунда улар фикрларининг асосланганлиги ва аниқ бўлишини талаб қилиш зарур.

Айни пайтда бўлажак иқтисодчида муайян масалалар ечимига нисбатан интуитив ишонч, эътиқод мавжуд бўлиши, лекин бу тафаккурда юзага чиқмаслиги ҳам мумкин. Бундай ҳолларда педагог ё талабанинг интуитив ишончини рационал асослашланишига ёрдам бериши, ёки масаланинг ўзидан келиб чиққан ҳолда унга ҳозирча ўз фикрини ифодаламасдан, четда туришига рухсат бериши ҳам мумкин.

### **МУҲОКАМА**

Бўлажак иқтисодчиларда аналитик тафаккурни ривожлантиришда жуда самрали бўлган 8 та педагогик талаб мавжуд. Уларга:

1. Талабага информацияни киритиб қўйиш керак бўлган объект (идиш) сифатида эмас, балки шахс (субъект) сифатида, яъни шаклланган, ўз фикр ва мулоҳазаларига, эътиқоди, қарашлари, интилишлари, иродаси, характериға эга бўлган субъект сифатида қараш. Мазкур талаб ўқитувчи ўз қарашларини талабанинг ўзида мустақил шаклланиб бўлган дунёқарашнинг ўрнига, уни йўқ деб ҳисоблаб ёки ўчириб ташлаб эмас, балки унинг учун қадрли бўлган қарашлар ва таълимотлар билан мувофиқлашувини назарда тутиб, унга пайванд қилиш тарзида иш юритишини тақозо этади.

2. Бу бор шароитдан иложи борича яхши фойдаланишга ҳаракат қилиш талабидир.

3. Педагогнинг талаба билан баҳам кўрмоқчи бўлган билимлари унинг ўзига яхши тушунарли ва маъқул келган бўлиши, бир сўз билан айтганда унинг ўзидан келиб чиқадиган бўлиши зарур.

4. Педагогнинг ўзи ҳам қандайдир ёт информацияни талабага узатувчи оддий бир автомат (радио, компьютер, телеэкран ва ҳ.к.) эмас, балки ўзи ўтадиган дарс мавзулари бўйича ўз фикр ва қарашларига эга бўлган, ўз ғоя ва мақсадларини мустақил шакллантириш, ифодалай оладиган ва аналитик тафаккури кучли бўлган эркин ва ижодкор шахс бўлиши талабидир.

5. Педагогнинг талабаларга бермоқчи бўлган билим ва ахбороти кўпчиликни қизиқтирадиган, жалб этадиган равишда ташкилланиши кераклигини билдиради.

6. Педагог ўз талабаларига дарс жараёнида ўзи билан эркин фикр алмашинув, мулоқот қилиш учун имконият яратишини тақозо этади. Яъни ўқитувчи ўз талабаларининг ўзига саволлар билан эркин мурожаат қилишлари, керак бўлса, ўз фикр ва мулоҳазаларини билдиришлари учун шароит яратиши ва шунга рағбатлантириши керак.

7. Педагог дарс материалларини талабаларнинг ўзлаштиришлари учун тегишли объектив ва субъектив шароитлари мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда танлаши ва ташкиллаши мақсадга мувофиқ.

8. Педагог ўзига талаба кўзи билан қарай билиши, улар орқали ўз нуқсонларини пайқашдан қўрқмаслиги ва, керак бўлса, ўзини ўзгартириши жоиз. Бунинг учун у ҳар бир талабани шахс сифатида кўра олиши, уларнинг иззат нафсига тегмаслика ҳаракат қилиши зарур.

Бўлажак иқтисодчиларда аналитик тафаккурни ривожлантиришда таълимнинг самарадорлигидан оқилона фойдаланиш лозим. Бўлажак иқтисодчи дарсда берилган мавзунинг тузилишини тушуниб етсагина, билимларни ҳақиқатдан ўзлаштириб олиши мумкин. «Топшириқларда ўзлаштирилган материалдан тўғри фойдаланиш, ўтилаётган мавзу бўйича ўзлаштиришнинг муҳим кўрсаткичидир. Уларга дарс давомида нафақат янги билимларни бериш билан кифояланиб қолмасдан, уларда илм олиш эҳтиёжларини (мотив)

кучайтириш, турли билим манбалари билан ишлашни, уларга ўз ҳаракатларини режалаштиришни йўлга қўйишни, билиш жараёни ҳаракатлари, операциялари ҳақида маълумот беришни, фикрни бир жойга тўплай билишни, мақсадни йўналтира билиш, интизомлиликка, эришилган натижани тўғри баҳолай олишга ўргатиш зарурдир».

Darsni guruhlariga bo'lgan holda tashkil etish o'quvchilarni yanada faollikka chorlaydi va ularni hamjihatlikda ishlash ko'nikmaisni mustahkamlaydi. Shu boisdan sinfni 3ta guruhga bo'lib olamiz. Guruh nomini tanlashda shoirning ijodidagi asarlarni nomidan ham foydalanish ham mumkin.

1. "Nido" guruhi
2. "O'zbekim" guruhi
3. "Ruhlar isyoni" guruhi

Guruhlar shakllantirib olingach, Erkin Vohidov hayoti haqidagi ma'lumotlar bilan tanishtiriladi va o'quvchilarga "Kichik guruhlarda ishlash" usuli orqali har bir guruhga shoir hayoti haqida ma'lumot to'plash topshirig'i beriladi. Guruhlar to'plagan ma'lumoti asosida ma'lumotlarni taqdim qiladilar. Bunda guruhlarda bir xil ma'lumot bo'lmasligi va har bir guruh boshqa guruhlarda takrorlanmaydigan ma'lumot berganligi e'tiborga olinadi. Bunda o'quvchilarning tinglab tushunish kompetensiyalari rivojlanadi va ma'lumotni tahriray olish qobiliyati shakllanadi. Guruhlar ma'lumoti to'planib tahlil qilinadi faol o'quvchilar rag'batlantiriladi.

**"Rost va yolg'on" topshirig'i.** Erkin Vohidov hayotiga oid quyidagi ma'lumotlarni rost yoki yolg'on ekanligini tasdiqlang :

|                                                                    |
|--------------------------------------------------------------------|
| E.Vohidov 1936-yil 28-dekabrda Toshkentda tug'ilgan.               |
| 10 yoshiga yetar yetmas yetim qolgan                               |
| "Tong lavhasi", "Buloq", "Sevgi", "Ona tuproq" nomli she'rlari bor |
| "Nido", Ruhlar isyoni" nomli hikoyalari bor                        |
| "Gulxan" jurnalida bosh muharrirlik qilgan                         |
| Gyotening "Faust" asarini tarjima qilgan                           |

|      |         |
|------|---------|
| Rost | Yolg'on |
| Rost | Yolg'on |
| Rost | Yolg'on |
| Rost | Yolg'on |
| Rost | Yolg'on |
| Rost | Yolg'on |

**"Asar adashdi" topshirig'i.** Erkin Vohidovning asarlari aralash holatda o'quvchilarga taqdim etiladi. Ularni to'g'ri yozish topshirig'i beriladi.

“Sevgi lavhasi”

“Ona tong”

“Buloq chashmasi”

“Orzu maskani”

“Hozirgi iztirob”

“Yurak va lirika”

### MUHOKAMA

Darslikda shorining “Nido” dostoni berilgan bo‘lib bu doston o‘qituvchi tomonidan obrazli qilib o‘qib beriladi yoki dostoning audio matni tinglanadi. Ma’ruza usuli orqali o‘qituvchi dostonidagi tasvirlarni tahlil qilib tushuntirib beradi. Dostondan olingan xulosalar asosida samarali usullardan biri bo‘lgan “Sinkveyn” usulini qo‘llash mumkin. Bu usul fransuz tilida “5 qator” ma’nosini bildirib, ma’lumotlarni sintezlashga yordam beradigan qofiyalanmagan she’r hisoblanadi va unda o‘rganilayotgan tushuncha to‘g‘risidagi axborot yig‘ilgan holda, o‘quvchi so‘zi bilan turli variantlar hamda turli nuqtai nazarlar orqali ifodalanadi. Sinkveyn tuzush qoidalari:

1-qator: Mavzu bilan ifodalanadi ( odatda ot tanlanadi).

2-qator: Mavzu ikkita sifat bilan ifodalanadi ( 2ta sifat yoziladi).

3-qator: Mavzu doirasidagi hatti-harakatlar uchta so‘z bilan ifodalanadi. (3ta fe‘l yoki ravishdosh yoziladi).

4-qator: Mavzuga nisbatan munosabatni anglatuvchi va to‘rtta so‘zdan iborat bo‘lgan fikr yoziladi.

5-qator: Mavzu mohiyatini takrorlaydigan, ma’nosi unga yaqin bo‘lgan bitta so‘z yoziladi (mavzuga sinonim so‘z yoziladi).

Yuqoridagi qoidalar o‘quvchilarga tushuntiriladi va sinkveyn tuzish topshirig‘i beriladi.

Nido

iztirobli, achinarli

vayron qildi, qo‘rquvga soldi, otasiz qoldirdi

insoniyatning baxtli kelajagi uchun kurash

urush

### XULOSA

Ta’lim samaradorligini oshirishda yuqoridagi kabi yangi pedagogik texnologiyalarning, turli yangidan-yangi metodlarning ahamiyati kun sayin ortib bormoqda. Bundan ko‘zlangan asosiy maqsad, o‘quvchilarning ijodiy qobiliyatlarini ro‘yobga chiqarish, ularni vatanparvarlik ruhida tarbiyalash bilan birga mustaqil fikr yuritishga, ma’lumotlarni analiz-sintez qilishga va erkin fikr bildirishga tayyorlashdan iboratdir.

### *Foydalanilgan adabiyotlar*

26. Abdullayeva, O. O. (2021). Abay ijodini o‘rganishda savol va topshiriqlar ustida ishlash. *Academic research in educational sciences*, 2(3), 4-9.
27. Abdullayeva, O. O. (2021). Ibroyim Yusupov ijodi asosida o‘quvchilarning vatanparvarlik tuyg‘ularini o‘stirish. *Academic research in educational sciences*, 2(3), 176-180.
28. Botirboyev, F. P., Abdullayeva, O. O., & Shermatova, U. S. (2021). O‘ljas Sulaymonov ijodini o‘rganishda savol va topshiriqlar ustida ishlash. *Academic research in educational sciences*, 2(4), 2013-2018. <https://doi.org/10.24411/2181-1385-2021-00834>

29. Abdullayeva, O. (2021) Badiiy asarlarning inson ruhivati ta'siri. *Scientific progress*, 1(5), (pp. 272-275)
30. Abdullayeva, O. O. Q. (2021). O'zbek tilini o'qitishda zamonaviy texnologiyalarning o'rni. *Scientific progress*, 1(5)
31. Abdullayeva, O. O. Q. (2021). ADABIYOT DARSLARINI TASHKIL ETISHDA INTERFAOL METODLARDAN FOYDALANISH. *Студенческий вестник*, 16(161)
32. Abdullayeva, O. O. Q. (2021). OTLARNING BIRLIK VA KO'PLIKDA QO'LLANILISHINI O'RGATISH. *Scientific progress*, 2(1)
33. Abdullayeva, O. O. Q. (2021). XALQARO TADQIQOTLAR VA ULARNING ADABIYOT FANIDA TUTGAN O'RNI. *Scientific progress*, 2(1)
34. Ozoda Odiljon qizi Abdullayeva. (2021) O'lmas Umarbekov hayoti va ijodini o'rganishda interfaol metodlar bilan ishlash. *Science and education*, 2(5)
35. Ozoda Odiljon qizi Abdullayeva. (2021) Saida Zunnunova hayoti va ijodini o'rgatishning samarali usullari. *Science and education*, 2(5)
36. Ozoda Odiljon qizi Abdullayeva. (2021) Said Ahmad hikoyalarini o'rganishda interaktiv metodlar. *Science and education*, 2(6)
37. Ozoda Odiljon qizi Abdullayeva. (2021) Umumiy o'rta ta'limda ertak o'qitish metodikasi. *Scientific progress*, 2(2)
38. Ozoda Odiljon qizi Abdullayeva. (2021) Chingiz Aytmatovning "Oq kema" asarini o'qitishda interaktiv usullar. *Scientific progress*, 2(2)
39. Ozoda Odiljon qizi Abdullayeva. (2021) Umumiy o'rta ta'limda ertak o'qitish metodikasi *Scientific progress*, 2(2)
40. Ozoda Odiljon qizi Abdullayeva. (2021) Umumiy o'rta ta'limda hikoya o'qitish metodikasi *Scientific progress*, 2(2)
41. Bobur Yangiboy o'g'li Hakimov., (2022) Ozoda Odiljon qizi Abdullayeva "Mening o'g'rigina bolam" asarida o'tgan va hozirgi zamon. *Eurasian Journal of Social Sciences, philosophy and culture*, 2(5)
42. Ozoda Odiljon qizi Abdullayeva., Bobur Yangiboy o'g'li Hakimov. (2022) "Halqa" asarida islom dini uchun kurash (Abdulloh obrazining tafsilotlari misolida). *Science and Innovation* 1(2)
43. Bobur Yangiboy o'g'li Hakimov., Ozoda Odiljon qizi Abdullayeva. (2022) O'TKIR HOSHIMOVNING "DUNYONING ISHLARI" ASARINING BADIY-FALSAFIY XUSUSIYATLARI HAMDA "ILTIJO" HIKOYASI HAQIDA. *Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences* 2(5)
44. Ozoda Odiljon kizi Abdullaeva. (2022) PEDAGOGICAL VIEWS ON THE TEACHING OF LITERATURE IN THE EARLY MIDDLE AGES. *Science and Innovation* 1(2)
45. Bobur Yangiboy o'g'li Hakimov., Ozoda Odiljon qizi Abdullayeva. (2022) "MARTIN IDEN" asaridagi Martin Idenning hayotga bo'lgan muhabbat tafsilotlari. *Yosh tadqiqotchi jurnali* 1(3)
46. Abdullayeva Ozoda Odiljon qizi. (2022) ADABIYOT FANINI O'QITISHDA XALQ OG'ZAKI IJODI NAMUNALARINING AHAMIYATI (MAQOLLAR MISOLIDA) *Science and Innovation* 1(2)

47. Abdullayeva Ozoda Odiljon qizi. (2022) ADABIYOT FANINI O'QITISHDA SHARQ ALLOMALARINING METODIK QARASHLARI *Science and Innovation* 1(2)
48. Ozoda Odiljon qizi Abdullayeva. (2022) ZULFIYA HAYOTI VA IJODINI O'RGATISHDA ZAMONAVIY USULLAR *Scientific progress* 3(4)
49. Diyorbek Turg'unpo'latov & Ozoda Abdullayeva. (2022) HAJVIY ASARLARDA MUBOLAG'A JANRINING QO'LLANILISHI *Scientific progress* 3(4)
50. Ozoda Odiljon qizi Abdullayeva.(2022) ANVAR OBIDJON IJODINI O'RGANISHDA SAMARALI USULLAR *Science and Innovation* 1(3)

## ALISHER NAVOIY "XAMSA" SIDA RADIF QO'LLASH MAHORATI

Isoqjonova Mahliyo Shuhratjon qizi

Namangan davlat universiteti filologiya fakulteti, O'zbek adabiyoti yo'nalishi 1-kurs magistranti

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6757476>

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada Alisher Navoiyning "Xamsa" asarida qo'llangan radiflar va ularning o'ziga xos xususiyatlari haqida so'z boradi. Maqola davomida radifning turlariga misollar keltirilgan va xususiyatlari ochib berilgan. Navoiyning radif qo'llash mahoratiga alohida urg'u berilganligini ko'rishimiz mumkin.

**Kalit so'zlar:** radif, doston, qisqa radif, yoyiq radif, qofiya, nazm, nasr.

## МАСТЕРСТВО АЛИШЕРА НАВОИ В ИСПОЛЬЗОВАНИИ РАДИФА В "ХАМСЕ"

**Аннотация.** В данной статье рассматриваются радифы, использованные в «Хамсе» Алишера Навои, и их особенности. На протяжении всей статьи приводятся примеры типов спутников и поясняются их особенности. Мы видим, что подчеркивается мастерство Навои в использовании спутников.

**Ключевые слова:** корень, эпос, короткий корень, общий корень, рифма, стих, проза.

## ALISHER NAVOI'S SKILL IN USING RADIF IN "KHAMSA"

**Abstract.** This article discusses the radifs used in Alisher Navoi's "Khamisa" and their peculiarities. Throughout the article, examples of the types of satellites are given and their features are explained. We can see that Navoi's skill in using satellites is emphasized.

**Keywords:** radif, epic, short radif, common radif, rhyme, verse, prose.

## KIRISH

Musulmon Sharqi epik poeziyasi tarixi xamsachilik an'anasi bilan chambarchas bog'liq. Dastavval XII asrda vujudga kelgan xamsa janri sakkiz asrga yaqin vaqt davomida yuzlab javob dostonlarga ega bo'ldi. Sharq adabiyotida birinchi bo'lib «Xamsa» yozgan shaxs buyuk ozarbayjon shoiri Nizomiy Ganjaviydir. U 1170 – 1204-yillar 200 oralig'ida birin-ketin 5 ta doston yaratdi, bu dostonlar shoir vafotidan so'ng yaxlit bir to'plamga birlashtirilib «Panj ganj» (Besh xazina) deb atala boshlandi va keyinchalik xamsa nomi bilan mashhur bo'ldi.

Alisher Navoiy «Xamsa»sidagi birinchi doston «Hayrat ul-abror» (Yaxshi kishilarning hayratlanishi) 1483-yili yaratilgan edi. Doston 3988 baytdan iborat bo'lib, 63 bob, 20 maqolat va 20 hikoyatdan tashkil topgan. Shundan KIRISH (muqaddima) 21 bobni o'z ichiga oladi. Dostonning birinchi bobi Qur'oni Karimdagi bosh ilohiy jumla «Bismillahir rohmanir rohim» (Mehribon va rahmli Alloh nomi bilan boshlayman)ning poetik sharhiga bag'ishlangan. Bu bob nafaqat «Hayrat ul-abror» uchun, umuman, «Xamsa» uchun ham kirish vazifasini o'taydi, chunki keyingi dostonlarda biz bu ilohiy jumlaning uchratmaymiz. Hazrat Navoiy mazkur jumlaning ikki nuqtayi nazardan tahlil qiladi, ya'ni qabul qiluvchilar va rad etuvchilar.

## TADQIQOT METODI VA METODOLOGIYASI

Ushbu asarda shoir radifning go'zal na'munalaridan foydalangan va nazm so'zi radifga olingan. Bu qisqa radif hisoblanadi. Alisher Navoiy bir o'rinda so'zning mahsuli bo'lgan adabiy turlar haqida ham to'xtalar ekan, nazm va nasrga alohida ta'rif beradi, nazmni nasrdan ustun qo'yib, gulshanda gullarning saf tortib turishini nazmga, sochilib, to'kilib yerda yotishini nasrga o'xshatadi. Shoirning e'tiroficha, nazm bu qadar e'zozlanmasa, Tangri so'zida she'r bo'lmas edi: Bo'lmasa e'joz maqomida **nazm**,



Bo'lmas edi Tengri kalomida **nazm**.

Asarning eng avvalgi maqolat iymon sharhiga bag'ishlanadi. Bu bejiz emas, zero, dostonning bosh g'oyasi komil inson timsolini vasf etishdir, komillikning bosh belgisi esa iymondir. Ushbu baytda qisqa radif qo'llangan. Erur so'zi tovushlar vositasida o'ziga xos ohang hosil qilgan.

Kimki jahon ahlida inson **erur**,

Bilki, nishoni anga iymon **erur**.

Quyidagi misrada ham qisqa radifdan foydalangan:

Qushlar aro shohki anqo **durur**,

Nuktaye bu amrda paydo **durur**.

Shoh boshining sharafi toj **emas**,

Angla ani shohki muhtoj **emas**.

#### TADQIQOT NATIJASI

Asarning 63-bobda oyog'i toyib ketib kosadagi oshni shohning boshiga to'kib yuborgan va olijanob shohning xijolatdan o'lar holatga yetgan bu qulni afv etgani haqidagi hikoyat beriladi, bu hikoyat bevosita 62-bobga hamohang tarzda, unga ilovadek keltiriladi. Navoiy Allohni olijanob shohga, o'zini oyog'i toyib ketgan qulga o'xshatar ekan, bu baytlarda ham radifning qisqa turidan foydalanadi va shunday yozadi:

Har necha ko'p bo'lsa gunohim **mening**,

Shukrki, bor sendek ilohim **mening**.

Xijlat ila qolmadi xud jom **manga**,

Yeri durur aylasang ehson **manga**.

Alisher Navoiy «Xamsa»sidagi ikkinchi doston «Farhod va Shirin» deb atalib, 1484- yili yozib tugallangan.

Navoiyning «Farhod va Shirin» dostoni 54 bob, 5782 baytdan iborat. Shundan muqaddima 11 bobni o'z ichiga oladi. Doston an'anaviy hamd – Allohning maqtovi bilan boshlanadi. Dostonda ikkita hamd mavjud. Birinchi hamdda Alisher Navoiy Yaratuvchining qudratini ta'riflab, uning irodasi bilan qalamga olmoqchi bo'lgan g'oyaviy niyati haqida so'z yuritar ekan, birinchi misrani arabcha kalima bilan boshlaydi, lekin bu baytda radifdan foydalanmagan:

Bihamdik fath abvob ul maoniy,

Nasib et ko'ngluma fath o'lmak oni.

Ikkinchi hamdda shoir yozishga kirishayotgani «Farhod va Shirin» dostonining umumiy talqini, undagi qahramonlarning muxtasar tavsifini beradi, «dard bog'i» deb ta'riflangan ishq bilan aloqador barcha hayajon va izzatlar haqida yozadi. Shoir Xoliq maqtoviga kirishar ekan, eng avvalo, u inson ko'nglini ishq gulshani, bu gulshanda esa ishqni xazinaga aylantirganligini madh etadi va ishq so'zini radif sifatida keltiradi:

Ki inson ko'nglin etti gulshani **ishq**,

Bu gulshanning harimin maxzani **ishq**.

To'rtinchi bob Muhammad payg'ambar (s.a.v.) madhiga bag'ishlangan. Bob payg'ambarning muborak chehrasi tavsifi bilan boshlanib, uning o'qish va yozish bilan shug'ullanmaganligi ajoyib badiiy san'atlar vositasida bayon qilib beriladi. Xususan, qalam payg'ambar unga mayl ko'rsatmaganidan, ya'ni uni qo'lida tutmaganligidan keyin yoqasini chok etib, ko'z yoshlarini to'kib afg'on qilganligi, uning qo'lini o'payin deb qancha og'zini ochmasin, uning orzusi amalga

oshmaganligi husni taʼlil sanʼati asosida keltirilganligini koʻramiz. Ushbu baytda qoʻshma feʼl qofiya sifatida keltiriladi va xoma soʻzi radifga olinadi:

Necha choki giribon qildi **xoma**,

Toʻkub ashkini afgʻon qildi **xoma**.

#### MUHOKAMA

9-bob asar rejasini tuzib olgani, turli afsonalar, tarixiy manbalarni koʻrib chiqqani, shu mavzuda yozilgan dostonlarda yoʻl qoʻyilgan xatolarni tuzatib, oʻz gʻoyalarni qay tarzda ifoda etmoqni niyat qilgani bayonidadir. Bunda Navoiy yozilajak asari yangi boʻlishi lozimligini, avval shu mavzuda yaratilgan dostonlarni takrorlamaslik kerakligini taʼkidlaydi, baytda radif qofiya bilan birlashib ketgan, chunki qoʻshma feʼl, yaʼni **toza boʻlgʻay** va **beandoza boʻlgʻay** soʻzlarining bir qismi qofiya, ikkinchi qismi esa radifni hosil qilgan. Bu baytning ohang ustuvorligini kuchaytirib berishga xizmat qilagan:

Ani nazm etki, tarhing toza **boʻlgʻay**,

Ulusqa mayli beandoza **boʻlgʻay**.

Ushbu holatni keying baytda ham koʻrishimiz mumkin:

Anga farzona Farhod ism **qoʻydi**,

Hurufi maʼxazin besh qism **qoʻydi**.

Farhod bolaligidan favqulodda xislatlari bilan atrofdagilarni hayratga soladi. Oʻn yasharligida:

Jahonda qolmadi ul yetmagan ilm,

Bilib tahqiqini kasb etmagan ilm, – darajasiga erishadi. Asarda Farhod ham cheksiz jismoniy qudrat, benazir isteʼdod egasi, ham yuksak fazilatlar sohibi sifatida tasvirlanadi va bayt mazmuniga mos ravishda ilm soʻzi radifga olinadi.

Quyidagi misralarda shoir fikrini yanada kuchaytirganligini, Farhod timsolida ilgari surilgan qarashlarini oydinlashtirganini koʻrish mumkin. Baytdagi yetti radifi va qofiyasi qoʻsh undoshlardan tashkil topgan boʻlib, baytning oʻqishligini taʼminlagan:

Baqo shahrida sultonliqqa **yetti**,

Haqiqat mulkida xonliqqa **yetti**.

Quyidagi baytda radifning goʻzal naʼmunasidan foydalanilgan. Radifning oʻzida talmeh sanʼatidan foydalanilgan:

Koʻrgach bu tilism sohiri **Hind**,

Joduligʻ ishida mohiri **Hind...**

Keyingi baytda «ishq» soʻzi «et» koʻmakchi feʼli bilan birikib radif vazifasida kelgan va endi ritmik zarb radif bilan birlik kasb etgan:

Koʻnglumba fazo harimi **ishq et**,

Jonimgʻa gʻizo nasimi **ishq et!**

#### XULOSA

Xulosa oʻrnida aytish mumkinki, Navoiyning “Xamsa” asarida har bir bayt oʻziga xos tuzilishga ega. Har bir baytda radifning takrorlanmas turlarini koʻrishimiz mumkin. “Xamsa” tarkibidagi dostonlarning koʻpgina baytida radifning qisqa turidan foydalanilgan. Bu ohangni kuchaytirgan va oʻqish ritmini oshirishga xizmat qilgan.

#### *Foydalanilgan adabiyotlar:*

1. I.B.Toʻxliyev. Adabiyot (darslik) / Akademik litsey va kasb-hunar kollejlari uchun. – T.: —Oʻqituvchil, 2010. – 288 b.

2. Adabiyot (Majmua): Akademik litseylarning birinchi bosqich o'quvchilari uchun / Tuzuvchilar: B.To'xliyev, B.Abdurahmonova. O'zR Oliy va O'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'rta maxsus kasb-hunar ta'lim markazi. – T.: Cho'lpon nomidagi nashriyotmatbaa ijodiy uyi, 2010 – 216 b.
3. 3.O'zbek mumtoz adabiyoti tarixi (Alisher Navoiy davri) / D.Yusupova. – Toshkent: Akademnashr, 2013. – 272 b.
4. 4.Adabiyot (Majmua): Akademik litseylar o'quvchilari uchun o'quv qo'llanma / R.M.Yusupaliyev; O'zR Oliy va O'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'rta maxsus kasb-hunar ta'lim markazi. – T.: Cho'lpon nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2010 – 688 b.
5. Adabiyot qoidalari: Akademik litseylar uchun o'quv qo'llanma / B.Umurov; O'zbekiston Respublikasi oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'rta maxsus, kasb-hunar ta'lim markazi. – Qayta ishlangan va to'ldirilgan nashri. – T.: —O'qituvchi NMIU, 2010. – 240 b.

## IKKINCHI SINIF O'QUVCHILARIDA TARBIYA FANI ORQALI VATANPARVARLIK HISLARINI OSHIRISH TEXNOLOGIYASI

**Qorayev Samariddin Barakayevich**

Pedagogika fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)

**Fayzullayeva Muhayyo Zohir qizi**

Chirchiq davlat pedagogika instituti talabasi

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6762336>

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada tarbiya fanining joriy etilishi, 2-sinf o'quvchilarda tarbiya darsining ahamiyati, bu dars orqali o'quvchilarda vatanparvarlik hissini uyg'otish metodologiyasi, uni amalga oshirish tendensiyalari borasida so'z yuritiladi.

**Kalit so'zlar:** tarbiya, vatanparvarlik, vatanga muhabbat, interfaol metod, texnologiya, fan.

## ТЕХНОЛОГИЯ ПОВЫШЕНИЯ ЧУВСТВА ПАТРИОТИЗМА У УЧАЩИХСЯ ВТОРЫХ КЛАССОВ ПОСРЕДСТВОМ ПРЕДМЕТА ВОСПИТАНИЯ

**Аннотация.** В данной статье рассматривается внедрение предмета воспитания, значение воспитательных занятий для учащихся 2-х классов, методика воспитания чувства патриотизма у учащихся посредством данного урока, тенденции его проведения.

**Ключевые слова:** воспитание, патриотизм, патриотизм, интерактивный метод, технология, наука.

## THE TECHNOLOGY OF INCREASING THE FEELING OF PATRIOTISM IN SECOND GRADE PUPILS THROUGH THE SUBJECT OF EDUCATION

**Abstract.** This article discusses the introduction of the subject of education, the importance of educational activities for students in the 2nd grade, the methodology for instilling a sense of patriotism in students through this lesson, the trends in its implementation.

**Keywords:** education, patriotism, patriotism, interactive method, technology, science.

## KIRISH

Bugungi kunda maktabda, shu jumladan ikkinchi sinf o'quvchilariga tarbiya fani o'ta muhim ahamiyat kasb etmoqda. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2020-yil 6-iyuldagi "Umumiy o'rta ta'lim muassasalarida "tarbiya" fanini bosqichma-bosqich amaliyotga joriy etish chora-tadbirlari to'g'risida"gi 422-sonli qarori asosida maktablarda bu fan o'tib kelinmoqda. "Tarbiya" darsligi "Odobnoma", "Vatan tuyg'usi", "Milliy istiqlool g'oyasi va ma'naviyat asoslari" hamda "Dunyo dinlari tarixi" fanlarini birlashtirdi. 2-sinflarda vatanparvarlik hissini uyg'otishda tarbiya fani beqiyos ahamiyatga ega.

## TADQIQOT MATERIALLARI VA METODOLOGIYASI

Vatanparvarlik tuyg'usi kishining o'z vatani va uning tabiatiga, xalqiga, xalqining o'tmishdagi va hozirgi qahramonligiga, tili va san'atiga bo'lgan otashin muhabbatini ifodalaydi. Qadim zamonlardan buyon xalqning o'z Vataniga muhabbati qo'shiqlarda, ertaklarda va sharq mutafakkirlarimizning nodir asarlarida tarannum etib kelinadi. Vatanga muhabbat tuyg'usi insonlarni har doim mehnat qahramonligiga, xalqning baxt-saodati uchun kurashga undaydi. Vatan haqidagi boshlang'ich bilimlar bolalarda ularning hayotiy tajribalari zaminida, tevarakatrofda hayot to'g'risidagi muayyan tasavvurlari asosida hosil bo'ladi. Vatan - har bir kishida o'z uyiga, tug'ilib o'sgan yurtiga, eng yaqin kishilari ota-ona, aka-uka, opa-singillariga bo'lgan

munosabatida aks etadi. 2-sinf o'quvchilarini vatanparvarlik ruhida tarbiyalashning individual shakllari asosan oilada amalga oshiriladi. U yoki bu masalada hal qiluvchi rolni oila o'ynaydi. Shuning uchun o'qituvchi o'quvchilarning oilalari bilan yaqin hamkorlikni yo'lga qo'yishi, ota-onalarni bolalarni vatanparvarlik ruhida tarbiyalash jarayoniga jalb qilishi kerak. Ta'lim muassasasida vatanparvarlik ishining muvaffaqiyati o'qituvchilarning axloqiypsixologik xarakteriga, ularning psixologik, pedagogik va kasbiy tayyorgarligiga, o'z vazifalariga munosabatiga, shuningdek, o'quvchilarning ota-onalari bilan samarali hamkorlik qilish qobiliyatiga bog'liq.

Vatan shunday tushunchaki, u kishi qalbida hech qachon o'zgarmaydi. Vatanga muhabbat tuyg'usi ona suti bilan qonga kiradi. Bu aziz tuyg'uni ona allasi parvarish etadi, voyaga yetkazadi. Inson o'z Vatanida kamol topadi. Qadrlanadi. Hayot maktabini o'taydi. Farovonlik va baxt – saodatga erishadi. Vatan so'zini biz hamisha ona so'zi bilan yonma- yon ifodalaymiz. Ona – Vatan timsolida biz jamiyatimiz tabiatini, mehribonlik va muvofiqlik poydevoriga qurilgan tuzumimiz xislatini ko'ramiz. O'zbekistonning mustaqilligi tufayli vatan tarixi moddiy va ma'naviy merosga aylandi. Okean ortidagi mamlakatni birinchi bo'lib kashf etgan Abu Rayhon Beruniy, ne-ne sarkardalar tig' kuchi bilan ololmagan joylarni qalam kuchi bilan zabt etgan Alisher Navoiy, tibbiyot ilmining asoschisi Abu Ali Ibn Sino, buyuk matematik al-Xorazmiy, kuragi yerga tegmagan sarkarda, yirik davlat arbobi, Amir Temur, Zahiriddin Muhammad Bobur kabi jahon ahliga mashhur bo'lgan ma'rifatli o'zbek millatining qalbi, aqli, xulqi, bilimi, tili, sarkardorligi bilan hurmat topgan yurtdoshlarimizni butun dunyo biladi.

Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev "Bukilmas iroda va jasorat namunasini amalda namoyon etib, o'z hayotini aziz Vatanimizning har tomonlama ravnaq topishi, bugungi tinch va osoyishta kunlar uchun jonini fido qilgan ajdodlarning muqaddas xotirasini yod etib, ezgu ishlarini davom ettirish, safimizda yurgan keksalarni e'zozlash — odamiylikning eng oliy mezonini va bizga tinchlik, omonlik kerak, deb yashaydigan bag'rikeng va oliyjanob xalqimizga xos azaliy qadriyatdir", - deb xalqimizning necha asrlardan buyon yagona orzu – ona – Vatan sog'inchi bilan yashaganini ta'kidlaydilar.

### **TADQIQOT NATIJALARI**

Tarbiya darslarini o'tishda interfaol usullar o'quvchilarning o'zaro muloqotlari asosida amalga oshirish maqsadga muvofiq. Interfaol metod - ta'lim jarayonida o'qituvchi va o'quvchilar o'rtasidagi faollikni oshirish orqali ularning o'zaro harakati, ta'siri ostida bilimlarni o'zlashtirishni kafolatlash, shaxsiy sifatlarni rivojlantirishga xizmat qiladi. Uning asosiy mezonlari - norasmiy bahs-munozaralar o'tkazish, o'quv materialini erkin bayon etish, mustaqil o'qish, o'rganish, seminarlar o'tkazish, o'quvchilarni tashabbus ko'rsatishlariga imkoniyatlar yaratilishi, kichik guruh, katta guruh, sinf jamoasi bo'lib ishlash uchun topshiriq, vazifalar berish, yozma ishlar bajarish kabilardan iborat.

2-sinf "Tarbiya" darsligi kitobida 1-mavzu "Olamni mahliyo aylagan diyor" va 22-mavzu "Birlashgan o'zar" kabi mavzularda vatanparvarlik hissini 2-sinf o'quvchisiga singdirish uchun bir qator texnologiya-metodlarni taklif etish mumkin. Bunda, albatta 2-sinf o'quvchisining dunyoqarashi, bilimi, idroki inobatga olinadi.

### **MUHOKAMA**

"Dumaloq stol" metodidan foydalanish tavsiya etiladi. Bunda do'skaga "Vatan" yoki "Vatanni sevishni qanday ifodalaysiz?" so'zi yozilib, o'quvchilarga 1 varoq qog'oz beriladi va

o'quvchilardan vatanga bog'liq fikrlar yozilishi so'raladi. Topshiriq yozib qo'yilgan qog'oz varaq davra bo'ylab aylantiriladi. Har bir o'quvchi o'zining javob variantini yozib qo'ygach, varoqni boshqa o'quvchiga uzatadi. Dumaloq stol bir aylanganidan so'ng o'qituvchi tomonidan varoqdagi yozilgan fikrlarni muhokama qilish boshlanadi. Noto'g'ri javoblar o'chiriladi, to'g'ri javoblarning soniga qarab o'quvchilarning bilimlariga baho beriladi. Bu metodni 2-sinflarda yozma shaklda qo'llash mumkin.

“Klaster” – bu ma'lum bir mavzu bo'yicha o'ylashga yordam beruvchi strategiya bo'lib fikrlashning keng qamrovli shaklidir. 2-sinf “Tarbiya” darsligi kitobi 22-mavzu “Birlashgan o'zar” mavzusi doskaning o'rtasiga “Birlashgan o'zar” deb yozib qo'yiladi. O'quvchilarni faolligini ta'minlash maqsadida guruhlariga bo'lgan holda doskaga yozilgan so'z bilan bog'liq hayoliga kelgan barcha so'z va gaplarni aytadilar. Fikr aytgan o'quvchining o'zi doskaga yozib qo'yadi. Go'yalarni aytish va yozish belgilangan vaqt davomida amalga oshiriladi. Yozish tugagach, yozilgan so'zlar orasida bog'liqlik tahlil qilinadi.

“Ruchka stol o'rtasida” metodi. Butun guruhga topshiriq beriladi. Masalan, vatanni sevishni qanday ifodalaysiz? (2-sinf misolida). Har bir o'quvchi bitta javob variantini bir varaq qog'ozga yozib, uni qo'shnisiga beradi, o'z ruchkasini esa stolning o'rtasiga surib qo'yadi.

#### **XULOSA**

Xulosa o'rnida aytish mumkinki, vatanparvarlik hislarini oshirishda tarbiya fanining o'qitilishi va uning asosiy mavzularini yoritishda tegishli manbalardan oqilona foydalangan holda samaraga erishish mumkin bo'ladi. Vatanparvarlik hislarini nafaqat ta'lim jarayonida ta'limdan keyingi bosqichlarda ham tadbqiq etib jamoatchilik orasida ma'naviy-ma'rifiy ishlarni olib borish hozirgi zamonning dolzarb savollariga javob berish orqali ta'limning innovatsion texnologiyalardan keng foydalanishni va vatanparvarlik targ'ibotiga tadjriy, uzluksiz ravishda e'tibor berish mamlakatimizni mustaqil taraqqiyot yo'lid an izchil rivojlanishini ta'minlashga xizmat qiladi. Biz bugundan boshlab yosh o'quvchilarimiz ongiga vatanparvarlik tushunchasini singdira olsak, kelajakda buyuk yutuqlarga erishishimiz muqarrar.

#### **Adabiyotlar**

1. Tursunova.O "Oilada bola tarbiyasi" Toshkent 2018-y
2. Mavlonova R, Vohidova N, Raxmonqulova I, “Pedagogika nazariyasi va tarixi(darslik)- T: “Fan va texnologiya nashriyoti 2010-yil 410-b
3. Raxmonov, A. R. (2021). MAKTAB O'QUVCHILARIDA MILLIY VATANPARVARLIK TUYG'USINI SHAKLLANTIRISHNING ASOSIY VOSITALARI. ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES, 2(4), 1549- 1556b
4. Azizxo'jayeva N.N. Pedagogik texnolofiyalar va pedagogik mahorat. T. 2016 y.
5. Abduganiev O. Developing Student Civil Competency //Eastern European Scientific Journal. – 2019. – №. 1.
6. Shermuxamedova S va b. 2-sinf tarbiya fani darsligi. T. «O'zbekiston» 2020 y.
7. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)



## ПРЕПОДАВАНИЕ БИОЛОГИИ В СОВРЕМЕННЫХ РЕАЛИЯХ

Шайхуллина Татьяна Шамильевна

Государственная специализированная общеобразовательная школа № 307 Яшнабадского района г.Ташкент

Рахманова Дильноза Алишеровна

Государственная специализированная общеобразовательная школа № 307 Яшнабадского района г.Ташкент

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6762398>

**Аннотация.** В мире проживает около 7 миллиардов человек, однако природные ресурсы ограничены. В этих условиях человечеству и отдельным людям необходимо научиться жить вместе и принимать осознанные, ответственные решения, основанные на понимании того, что действия, совершаемые нами здесь и сейчас, могут воздействовать на жизнь и деятельность людей в других частях света и будущих поколений. Чтобы люди могли научиться вести ответственную жизнь и решать сложные проблемы мирового значения, образование должно поощрять развитие критического мышления и качеств, позволяющих прогнозировать ход событий в будущем и совместно принимать решения. Для этого необходимы новые подходы к обучению, развитие динамичных и экологических обществ и экономики, а также воспитание глобальной гражданской ответственности.

**Ключевые слова:** образование, современный урок, ИКТ, цифровые образовательные ресурсы, компетенции, интуитивное обучение.

## TEACHING BIOLOGY IN MODERN REALITIES

**Abstract.** There are about 7 billion people in the world, but natural resources are limited. Under these conditions, humanity and individuals need to learn how to live together and make conscious, responsible decisions based on the understanding that the actions we take here and now can affect the lives and activities of people in other parts of the world and future generations. In order for people to learn how to lead responsible lives and solve complex problems of global importance, education must encourage the development of critical thinking and the qualities that allow them to predict the course of events in the future and make joint decisions. This requires new approaches to learning, the development of dynamic and sustainable societies and economies, and the development of global citizenship.

**Keywords:** education, modern lesson, ICT, digital educational resources, competencies, intuitive learning.

## ВВЕДЕНИЕ

Образование – самое эффективное средство, которым располагает общество, чтобы противостоять вызовам будущего. Именно образование будет формировать мир завтра. Прогресс человечества в определяющей степени зависит от продуктов деятельности образованных умов... UNESCO (1997) Educating for a Sustainable Future: A Transdisciplinary Vision for Concerted Action, paragraph 38.

## МАТЕРИАЛЫ И МЕТОДЫ

Трудно переоценить роль естественных наук при изучении вопросов устойчивости или неустойчивости. Например, естественные предметы позволяют изучать глобальные

проблемы человечества и разбирать их причины, сущность и способы решения. Эти области знаний идеальны для включения вопросов, связанных с изучением Природы, её законов и процессов; места Человека в Природе; взаимодействия Человека и Природы. В процессе обучения важно делать акцент на развитии навыков поиска и решения конкретных проблем и изучать взаимосвязи между наукой, технологией и обществом.

Понимание естественных наук и технологий для обучающихся в жизни современного общества играет значимую роль, давая им возможность принять участие в установлении общественной стратегии (курса, политики), которая сопоставляется с естественными науками и технологиями влияющие на их жизнь.

В настоящее время практически не встретишь человека, который не использует информационные технологии. Современный этап развития общества характеризуется влиянием информационных технологий, которые проникли во все сферы деятельности человека, и образование тому не исключение.

Эксперты в области образования не устают повторять, что роль учителя меняется: к современным детям нужен новый подход — и для этого есть все ресурсы. Компьютерные сервисы пришли в жизнь большинства преподавателей не сразу, а вот большинство учеников с техникой на «ты» практически с первых лет жизни. Они привыкли получать информацию мультимедийно, и с просторов «всемирной паутины». Обилие информации и разнообразных данных, требует обработки и это приводит к многозадачности. Современные дети могут одновременно общаться в соцсетях с друзьями, выполнять домашнее задание и играть в сетевые игры. Получая большие объёмы информации формируют склонность к интуитивному обучению, инсайту. Всё это можно и нужно использовать во благо, так как именно эти особенности и способствуют формированию метапредметных компетенция.

Содержание школьного курса биологии, как правило, отстаёт от развития биологической науки. И хотя учебники по биологии насыщены разнообразной информацией, часто центральные смыслы процессов и явлений представляются недостаточно. Вот тут и нужно использовать обилие источников информации. Поисковый, исследовательский характер работы, как отмечают многие методисты, способствует активизации мыслительной деятельности учащихся. Именно исследование природы, разгадывание её тайн и законов жизни рождает интерес к живому, способствуют развитию любви и бережного отношения к природе.

Информатизация образования заключается в создании благоприятных условий для свободного доступа к информации, как для преподавателей, так и для учеников. В настоящее время, используя операционную систему Windows можно широко применять графику (схемы, рисунки, диаграммы, карты и т.д.), что способствует развитию образного мышления.

## РЕЗУЛЬТАТЫ

Наиболее эффективным методом представления материала являются мультимедийные презентации. Они позволяют представить материал в виде ярких опорных образов в последовательном порядке. Презентации можно использовать на любых этапах урока, а также в виде презентаций ученики могут сдавать домашнее задание, что способствует развитию информационной компетенции, компетенции

самосовершенствования, компетенции математической грамотности, осведомлённости о достижениях науки и техники, и умения пользоваться ими.

Современные ученики практически всегда имеют под рукой смартфоны с доступом в интернет. Это также можно использовать в благих целях и с пользой на уроках биологии. Например, при изучении систематики растений и животных использовать Google-определитель и поисковик по картинкам. Будут использоваться сразу несколько методов изучения биологии – наблюдение и сравнение, что способствует развитию внимания, сосредоточенности и расширяет познания в области биологии.

Так же для организации современного урока можно использовать следующие цифровые ресурсы:

PLICKERS — позволяет реализовать быструю обратную связь от класса (аудитории родителей, слушателей), мобильные голосования и фронтальные опросы во время учебного занятия по пройденному или текущему материалу, мгновенный учет посещаемости занятия. Работа с мобильным приложением отнимает не более нескольких минут. Карточками школьники показывают свои варианты ответов, а преподаватель «считывает» их камерой через приложение. Задания и результаты можно выводить на интерактивную доску. Технология помогает оперативно провести опрос в начале или в конце урока, организовать тест и быстро получить статистику по ответам.

ЯКласс — электронный интеллектуальный тренажёр, образовательный интернет - ресурс для школьников и учителей.. В основе ресурса лежит технология генерации огромного числа вариантов для каждого задания Genexis – тем самым решается проблема списывания. На сегодняшний день в базе Я Класс более 6000000 заданий, а также формы для создания и загрузки собственных проверочных работ. Мотивацию учеников повышает соревновательный компонент.

LearningApps — полностью бесплатный онлайн-сервис из Германии, позволяющий создавать интерактивные упражнения для проверки знаний.. На сайте реализована возможность создавать свои «виртуальные классы», чтобы получать статистику по ученикам.

Office365 — набор универсальных веб-сервисов. Их можно использовать для решения различных образовательных задач: например, простой «Блокнот», если открыть к нему доступ ученикам, помогает организовать ведение проектов.

QR-код — технология, которая широко используется в образовании, в том числе для проведения QR-квестов. Она позволяет зашифровать в простой значок большие объёмы информации: в том числе задания, видеоролики, фотографии и другие материалы. Используется в современных учебниках для демонстрации опытов.

Learnis – популярная российская платформа для создания интерактивного контента. Помимо всего прочего, сервис предполагает создание веб-квеста в жанре «выберись из комнаты».

### ОБСУЖДЕНИЕ

Использование всех этих цифровых образовательных ресурсов не заменяют учителя, а способствуют содержательному, деятельному и индивидуальному общению с учеником, позволяют довести до учащихся огромный поток информации, при этом развивая зрительную память, акцентируя внимание на важных деталях и объектах. Все эти средства

являются эффективными средствами представления материала по биологии и его закрепления. Их целесообразно использовать на любом этапе урока.

### **ВЫВОДЫ**

Использование ИКТ на уроках биологии даёт возможность расширить кругозор, усилить мотивацию обучения путём активного диалога учеников с компьютером, путём ориентации учения на успех, позволяет систематизировать знания по биологии, сформировать навыки самостоятельной работы с учебником и дополнительными источниками информации.

### *Список использованной литературы*

1. «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» № УП-4947г.Ташкент, 7февраля 2017г.
2. А.А.Азизов, Н.Г.Акиншина. Образование в интересах устойчивого развития. Учебно-методическое пособие. Ташкент – 2009
3. Белых О.А., Лаврентьева Л.А. Экологическая компетенция специалиста // Актуальные проблемы права, экономики и управления: сб. статей междунар. науч.-практ. конф. Иркутск, 2008. Вып. IV, т. II. С. 280—281.
4. Ермаков Д.С. Формирование экологической компетентности учащихся. – М.: МИОО, 2009. – 180 с.
5. Игнатова В. А. Формирование экологической культуры учащихся: теория и практика.– Тюмень: ТюмГУ, 2011. – 196 с.
6. Полат Е.С. Типология телекоммуникационных проектов. Наука и школа - № 4, 2007.
7. <https://science-education.ru/>
8. [www.biology.ru](http://www.biology.ru)
9. <https://cyberleninka.ru>

## ZAMONAVIY TADBIRKOR AYOLLARNING IJTIMOY FAOLLIGI

Raxmonova Mavluda Xasanovna

Termiz davlat Universiteti Psixologiya kafedrası o'qituvchisi

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6762487>

**Annotatsiya.** Ayol tadbirkor, biror soha vakili bo'lgani, oilasiga qo'shimcha daromad kiritgani yaxshi. Ammo bugun hamma sohada ham bilim, uquv, tajriba zarur. Yangi texnologiyalar, zamonaviy yondashuvlarni egallamay turib, ishni rivojlantirish mushkul. Bu borada yurtimizda tashkil etilgan 400 dan ortiq nodavlat notijorat tashkilotlari ayollarni kasbga o'qitish, ularni tadbirkorlikka jalb qilish, ijtimoiy yordam ko'rsatish bo'yicha yaxshi tajriba yaratdi, deb ayta olamiz. Ushbu maqolada, zamonaviy tadbirkor ayollarning ijtimoiy faolligi haqida fikr va mulohazalar yuritiladi.

**Kalit so'zlar:** ayol, tadbirkor, ijtimoiy, zamonaviy, texnologiya, kasb, mablag'.

## СОЦИАЛЬНАЯ АКТИВНОСТЬ СОВРЕМЕННЫХ ЖЕНЩИН-ПРЕДПРИНИМАТЕЛЕЙ

**Аннотация.** Это хорошо, что женщина-предприниматель является представителем отрасли и приносит дополнительный доход своей семье. Но сегодня нам нужны знания, подготовка и опыт во всех областях. Сложно развивать бизнес без освоения новых технологий и современных подходов. В связи с этим можно сказать, что более 400 негосударственных некоммерческих организаций, созданных в нашей стране, показали хороший опыт профессионального обучения женщин, вовлечения их в предпринимательскую деятельность, социальной помощи. В данной статье обсуждаются мнения и комментарии по поводу общественной активности современных женщин-предпринимателей.

**Ключевые слова:** женщина, предприниматель, социальная, современная, технология, профессия, финансы.

## SOCIAL ACTIVITY OF MODERN WOMEN ENTREPRENEURS

**Abstract.** It is good that a female entrepreneur is a representative of the industry and brings additional income to her family. But today we need knowledge, training and experience in all areas. It is difficult to develop a business without mastering new technologies and modern approaches. In this regard, we can say that more than 400 non-governmental non-profit organizations created in our country have shown good experience in vocational training for women, involving them in entrepreneurial activities, and social assistance. This article discusses opinions and comments on the social activity of modern women entrepreneurs.

**Keywords:** woman, entrepreneur, social, modern, technology, profession, finance.

## KIRISH

Joriy yilning 1-mart kuni Prezidentimiz raisligida xotin-qizlarni qo'llab-quvvatlash tizimi hamda ularning jamiyatdagi mavqeini yanada mustahkamlash masalalari bo'yicha o'tkazilgan video selector yig'ilishida ana shunday tashkilotlarning ahamiyati haqida ham so'z bordi. Qolaversa, ayollarning jamiyatdagi o'rnini yanada yuksaltirish va mustahkamlash, ularning ijtimoiy himoyasini kuchaytirish, oilaviy zo'ravonliklarning oldini olish, gender tenglikni qaror toptirishga oid belgilangan vazifalarni berdi. Har bir yo'nalish, ayniqsa, xotin-qizlar tadbirkorligini rivojlantirishga e'tibor qaratildi. Tadbirkor ayollar ulushini hozirgi 25 foizdan 40 foizga yetkazish

bo'yicha 2022—2024-yillar uchun “Biznes ayollar” dasturini qabul qilish, dastur ijrosiga jami 8 trillion so'm mablag' yo'naltirish belgilangani katta tashabbus. Qishloq joylarida loyihalarni amalga oshirish uchun nodavlat tashkilotlarga 2 milliard so'mgacha grantlar ajratilishi biz uchun imkoniyat bo'lishi barobarida, zimmamizga jiddiy mas'uliyat ham yuklaydi. Qolaversa, o'zi yoki qaramog'ida nogironligi bor yaqini bo'lgan xotin-qizlarga ijtimoiy xizmatlar ko'rsatish, ularni kasbga o'qitish borasida nodavlat notijorat tashkilotlariga berilayotgan grantlar miqdori 5 baravarga oshirilib, amaldagi 40 million so'mdan 200 million so'mgacha yetkaziladigan bo'ldi.

#### **TADQIQOT MATERIALLARI VA METODOLOGIYASI**

Ayni paytda 150 ga yaqin a'zolariga ega O'zbekiston “Agrar soha ayollari” uyushmasi ham faoliyati davomida bu yo'nalishda qator loyihalarni amalga oshirib kelmoqda. Jarayonda, ayniqsa, mehnat bozorida ayollarning raqobatbardoshligini oshirish, o'z-o'zini band qilishlari, agrobiznes va issiqxonalar tashkil etishlari uchun tegishli shart-sharoitlar yaratish, xususan, ularni kasbga tayyorlash va qayta tayyorlash tizimini takomillashtirish, qishloq joylarda servis xizmatlari sohalarini rivojlantirish dolzarbdir. Ishlar davlat va xalqaro tashkilotlar xamda nodavlat tashkilotlar bilan xamkorlikda olib boriladi. Xotin-qizlar uchun qulay mehnat va turmush sharoitlarini yaratish, xayot farovonligini oshirishda qishloq ayollariga alohida urg'u berish muhimdir. Qishloq xo'jaligini innovatsion rivojlantirish, sohaga malakali kadrlar tayyorlash, ichki va tashqi bozorga sifatli qishloq xo'jalik va qayta ishlangan mahsulotlar ishlab chiqarish xajmlarida ham ayollarning hissasi va potentsiali katta. Xususan, bugunga qadar yurtimizda seleksioner olimalarimiz tomonidan 15 dan ortiq g'o'za va bug'doy navlari yaratilgan.

#### **TADQIQOT NATIJALARI**

Shu bois, ayni kez qishloq ayollarining bilim va ko'nikmalari, moddiy-texnik resurslarga egaligini oshirish, qaror qabul qilish va yetakchilikda erkaklar bilan teng sharoitlar yaratish uchun ijtimoiy qo'llab-quvvatlashni yanada kuchaytirish muhim. Uyushma tomonidan noan'anaviy, yuqori daromad keltiruvchi qishloq xo'jalik ekinlarini ko'paytirish, ularni ichki va tashqi bozorlarga yo'naltirishga qaratilgan o'quv seminarlariga yetakchi davlatlar mutaxassislarini jalb etish yaxshi samara bermoqda. Jizzax viloyati xududiy bo'linmasi o'quv markazida manzarali o'simliklar va gulchilikni rivojlantirish bo'yicha bir xaftalik o'quv-amaliy seminarlarda ushbu sohaga qiziquvchi 20 dan ortiq ayollar o'qitilib, ikkinchi bosqichda ular orasidan yetakchilarning 5 nafari joriy yil aprel` oyida Turkiya davlatining kompaniya va firmalariga malaka oshirish uchun yuborilishi kelishildi.

Xotin-qizlarning huquqiy savodxonligini oshirish ularning oila va jamiyatda o'z o'rinlarini egallashlari uchun imkoniyat eshiklarini ochadi. Bu borada ham izchil ishlarni amalga oshiryapmiz. Toshkent viloyatining 3 ta tumanida ijtimoiy himoyaga muhtoj bo'lgan va agrar sohadagi ayollar uchun bepul yuridik xizmat ko'rsatadigan punktlar tashkil etdik. Shu vaqtga qadar malakali yuristlar tomonidan 3 mingdan ortiq ayollarga yuridik maslahatlar va yordamlar ko'rsatilib, 30 dan ortiq xotin-qizning ishli bo'lishiga ko'maklashildi. Ayollar qaysi sohada ishlamasin, doim e'tirofqa loyiq. 2021-yilda bayram sanasi arafasida agrar sohadagi eng yetuk, ishlab chiqarishga innovatsion g'oyalarini tatbiq etgan, o'z maktabini yaratgan 6 nafar olimalar haqida 28 daqiqalik “Ilm yulduzlari” nomli hujjatli film hamda sohadagi eng ilg'or 41 nafar olima ayollarning ibratli hayoti va ilmiy ishlari natijalariga bag'ishlangan “Agrar soha olimalari” nomli kitob tayyorlandi. Umuman, bizning maqsadimiz eng chekka hududlardagi xotin-qizlarni qo'llab-quvvatlash, ularga huquqiy maslahatlar berib, tadbirkorlikka yo'naltirishga qaratilgan. Kelgusida



qishloq joylarda yangi ish o'rinlari yaratish, kambag'allikni qisqartirishga qaratilgan yirik loyihalarda ishtirok etish, xotin-qizlar kooperatsiyalarini tashkil etish singari boshqa ko'plab maqsadlarimiz ham bor.

### MUHOKAMA

Bozor iqtisodiyoti sharoitida ayollarning iqtisodiy faolligini oshirish davlat va jamiyat tomonidan maxsus chora-tadbirlar ko'rishni, uzoqqa mo'ljallangan rejalar, dasturlarni ishlab chiqishni taqozo etadi. Shuni esda tutish zarurki, raqobatga, manfaatlar to'qnashuviga asoslangan bozor munosabatlari sharoitida barcha ayollar ham o'z qobiliyati va salohiyatini to'liq namoyon etish imkoniga ega bo'lavermaydi. Keskin raqobat, mulklarning xilma-xilligi tufayli murakkablashadigan «Kim o'zdi» hammaning ham o'z ichki ijodiy kuchlarini ro'yobga chiqarishiga imkon beravermaydi. Bu o'rinda tashabbuskor ayollarni qo'llab-quvvatlash, ularga «o'z ishi»ni rivojlantirishda yordam berish zarur bo'ladi. Xususiy mulk egasi bo'lgan ayolgina iqtisodiy munosabatlarda faollik ko'rsatadi.

### XULOSA

Xulosa qilganda, mamlakatda ayollar tadbirkorligini, ijtimoiy-iqtisodiy faolligini yuksaltirishga oid bir qator tadbirlarni amalga oshirayotgan siyosiy partiyalar bo'lsada, ularning ko'lami, salmog'i va ayollarning siyosiy madaniyatini yuksaltirishga ta'siri hali davr talablari darajasida emas. Hozirgi davrda siyosiy partiyalar faoliyatida qatnashayotgan ayollar 40-44 % ini tashkil etadi. Hozirgi zamon ilm-fanida "faoliyat", "faollik", "ijtimoiy faollik" tushunchalari keng qo'llaniladi. Aslida, ushbu tushunchalar negizida insonning yon-atrofga, ijtimoiy munosabatlarga, olamni anglashga oid tajribasi, ya'ni faoliyati yotadi. Demak, "ijtimoiy faollik" tushunchasi "faoliyat" va "amaliyot" tushunchalari bilan bevosita bog'liq, hatto genezisi va etimologiyasi nuqtai nazaridan ulardan kelib chiqadi.

### *Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati*

1. Kenjaeva, H. P., Tojiev, F. I. va Juraev, B. N. (2014). O'ZBEKISTONDA DEMOKRATIK JAMIYAT YARASH VA RIVOJLANISHDA AYOLLARNING O'RNI. *Texnologiya va ta'limda innovatsiyalar* (119-123-betlar).
2. Kenjaeva, H. P. (2021). FUKDROLIK MADANIYATI MEZONLARY SHARK FALSAFASI TALKINIDA. *Ta'lim fanlari bo'yicha akademik tadqiqotlar*, 2(3).
3. Rahmonova, M. (2021). Patriotic ideas in the works by fitrat: theoretical and practical harmony. *ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL*, 11(2), 1466-1474
4. O'ralovna, J. G. (2022). Social Psychological Problems of Alienation. *EUROPEAN JOURNAL OF INNOVATION IN NONFORMAL EDUCATION*, 2(4), 204-206.
5. Жумаева, Г. У. (2021). Психологические механизмы формирования профессиональных отношений будущего педагога. *Достижения науки и образования*, (4 (76)), 72-76.
6. Kenjaeva, H. P. (2021). Ayollar ijtimoiy faolliginida fukarolik institute urni. *Ilmiy taraqqiyot*, 1(6), 957-961.
7. Kenjaeva, X. (2021). Milliy manaviy merosimizda talim-tarbiya masalalari. *Jamiyat va innovatsiyalar*, 2(6/S), 18-24.
8. Ismoilovna, A. Z., & Narzullayevna, K. G. (2022). In the Process of Forming a Person, Overcoming the Emotional State in The Family Environment. *Eurasian Journal of Humanities and Social Sciences*, 6, 31-33.

9. Karakulovich, J. A., & Ismoilovna, A. Z. (2021). PSYCHOLOGICAL STUDY OF EMOTIONS AND EMOTIONS IN WORLD PSYCHOLOGY. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 9(10), 419-421.
10. Ismoilovna, A. Z. (2021). Methodology of organizational capacity development in gifted children. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(10), 1957-1961.
11. Абдуллаева, З. И. (2021). ИЗУЧЕНИЕ КОММУНИКАТИВНО-ОРГАНИЗАЦИОННЫХ ОСОБЕННОСТЕЙ ОДАРЕННЫХ ДЕТЕЙ. *Вестник науки и образования*, (8-2 (111)), 90-94.
12. Usmanovna, A. N. (2021). The role of parents in the upbringing of children. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(10), 1995-1999.
13. Narzullayevna, K. G. (2021). Characteristics of marriage motivation in young people. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(10), 2238-2241.

## MAKTABGACHA TA'LIM YOSHIDAGI BOLALARNING AQLIY RIVOJLANISHIDA NUTQ O'STIRISH MASHG'ULOTLARINING AHAMIYATI

**Begaliyeva Zebunniso Alisher qizi**

Jizzax davlat pedagogika instituti ta'lim va tarbiya nazariyasi va metodikasi (Maktabgacha ta'lim) fakulteti magistranti

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6762523>

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada maktabgacha yoshdagi bolalarning fikrlay olishi, tasavvur olami rivojlanishi, tovushlarni anglay olishi, ya'ni, aqliy rivojlanish jarayonida aqliy mashg'ulotlarning o'rni va ahamiyatli tomonlari haqida batafsil ma'lumot berildi.

**Kalit so'zlar:** mustaqil fikrlash, aqliy rivojlanish, tendensiya, uzluksiz ta'lim, nutq shakllantirish, nutq o'stirish metodikasi, maktabgacha ta'lim.

### РОЛЬ УПРАЖНЕНИЙ ПО РЕЧЕВОМУ РАЗВИТИЮ В УМСТВЕННОМ РАЗВИТИИ ДЕТЕЙ ДОШКОЛЬНОГО ВОЗРАСТА

**Аннотация.** В данной статье представлена подробная информация о роли и значении умственной тренировки в процессе умственного развития, то есть мышления, развития воображаемого мира, понимания звуков детьми дошкольного возраста.

**Ключевые слова:** самостоятельное мышление, психическое развитие, направление, непрерывное образование, формирование речи, приемы развития речи, дошкольное образование.

### THE ROLE OF SPEECH DEVELOPMENT EXERCISES IN THE MENTAL DEVELOPMENT OF PRESCHOOL CHILDREN

**Abstract.** This article provides detailed information on the role and significance of mental training in the process of mental development, that is, thinking, the development of an imaginary world, understanding sounds by preschool children.

**Keywords:** independent thinking, mental development, direction, lifelong education, speech formation, speech development techniques, preschool education.

### KIRISH

Har bir ona zimmasidagi asosiy va muhim vazifalaridan biri bu farzandini yetuk, komil va yurt uchun kerakli shaxs etib tarbiyalash hisoblanadi. Shu maqsadda har bir ona bolasining to'g'ri ta'lim olishini istaydi. Ayniqsa bolalarning maktabga chiqish jarayonida fikrlashi, tasavvur olamida katta o'zgarishlar bo'lishni boshlaydi. Ma'lumki, mustaqil fikrlashga o'rgatuvchi, ijodiy tafakkurini rivojlantirishga ko'maklashuvchi usullarni qo'llab, bolalarga muhim bo'lgan bilim berish maktabgacha va boshlang'ich ta'limning asosiy vazifalaridan biri hisoblanadi. Mazkur vazifani amalga oshirish uchun yangi pedagogik texnologiyalar ta'lim jarayoniga tadbiiq etildi. Maktabgacha ta'lim uzluksiz ta'limning boshlang'ich qismi sanaladi. U bolaning sog'lom va rivojlangan shaxs bo'lib shakllanishini ta'minlash bilan bir qatorda, o'qishga bo'lgan ishtiyoqini uyg'otib, tizimli o'qitishga tayyorlab boradi. 6-7 yoshgacha bo'lgan maktabgacha ta'lim davlat va nodavlat bolalar maktabgacha ta'lim muassasalarida va oilada amalga oshiriladi.

### TADQIQOT MATERIALLARI VA METODOLOGIYASI

Maktabgacha ta'limning maqsadi - bolalarni maktabdagi o'qishga tayorlash bilan bir qatorda, bolani sog'lom, rivojlangan, mustaqil shaxs bo'lib shakllantirish, qobiliyatlarini ochib berish, o'qishga, tizimli ta'limga bo'lgan ishtiyoqini tarbiyalash kabi muhim vazifalarni o'ziga

oladi. Shularni hisobga olib, "Maktabgacha ta'lim tizimini boshqarishni takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi Prezidentining sonli qarori hamda "Maktabgacha ta'lim tizimini 2030 yilgacha rivojlantirish konsepsiyasi" tasdiqlandi. Bu qonun hujjatlarida Maktabgacha ta'lim tizimini yaxlit uzluksiz ta'lim tizimining muhim bo'g'ini sifatida yanada takomillashtirish, maktabgacha ta'lim muassasalari tarmog'ini kengaytirish hamda moddiy-texnika bazasini mustahkamlash, ularni malakali pedagog kadrlar bilan ta'minlash, bolalarni har tomonlama intellektual, ma'naviy-estetik va jismoniy rivojlantiruvchi zamonaviy ta'lim dasturlari va texnologiyalarini ta'lim-tarbiya jarayoniga joriy etish, ularning maktabga tayyorgarlik darajasini tubdan oshirish kabi masalalar o'z ifodasini topgan.

Mamlakatimizning olib borayotgan mana shunday siyosati maktabgacha ta'lim tizimida faoliyat ko'rsatayotgan tarbiyachi-pedagoglardan g'oyat katta ma'suliyat hamda o'qitishning yangi texnologiyalaridan keng foydalanishni davr talabi etib belgilab qo'ydi. Shularni hisobga olib, maktabgacha ta'lim muassasalarida bola har tomonlama maktab ta'limiga tayyorlash, ular orasida bola nutqini rivojlantirish masalasi eng muhim va birinchilardan bo'lib xizmat qiladi. Ularning so'z boyligi oshishi ravon gapirishi va o'z fikrini to'liq ifoda etib, aytib bera olishga o'rgatish masalaning dolzarbligini ko'rsatib beradi. Hech shubhasiz bu oson ish emas.

Nutq o'stirish metodikasi pedagogik fan sifatida maktabgacha ta'limda bolalar nutqini o'stirishni puxta egallagan mutaxassis tayyorlashda buyurtmachi sifatida, ilmiy izlanishlar asosida yaratilgan - Bolajon tayanch dasturini o'quv jarayoniga joriy etish, nutq o'stirish metodikasi bo'yicha bilim va malakalarni shakllantirishning nazariy va amaliy jihatdan mutanosibligini ta'minlaydi, nutq o'stirish usullarini ishlab beradi. Uni takomillashtirish, eng qulay usulni qo'llash orqali bolalarga ona tilini amaliy o'rgatish, nutqda til birliklaridan foydalanish, o'zaro nutqiy muloqot munosabatida ona tilida fikrni to'g'ri, ifodalay olish, tengdoshlari nutqini tinglab tushunish nutqda til birliklarini ajrata bilish (tovush, so'z) nutq meyyorlarini ishiga mos holda o'rganib borish, unga amal qilish kabi faoliyatini shakllantiradi. Demak, nutq o'stirish metodikasi fani maktabgacha ta'limda nutq o'stirish vazifasini amalga oshiradi, bolalarda ifodali, aniq, lo'nda va obrazli so'zlashishni shakllantirish orqali ona tilini amaliy o'rgatadi, bolalarga ta'lim beradi.

### **TADQIQOT NATIJALARI**

Nutq o'stirish metodikasi fani maktabgacha ta'limda bolalarni og'zaki nutqini o'stirish, tengdoshlari va kattalar bilan nutqiy muomala malakalarini shakllantirish orqali nutqda so'zdan to'g'ri va o'rinli foydalanish, ya'ni nutq va xulq egasi bo'lish kabi ma'naviy axloqiy sifatlarni, so'zlash odobini egallashni shakllantiradi. Nutq o'stirish metodikasi pedagogik fan sifatida rivojlantiruvchi vazifani bajaradi. Ya'ni usulika bolalar nutqini o'stirish orqali ularning nutq a'zolarini anatomik-gimnastik mashq qildirish orqali nutqning ravon tushunarli bo'lishini ta'minlaydi: bolalar tafakkuri, aqliy faoliyatini rivojlantiradi, ularda nutq odobi, ma'naviy barkamollikni shakllantiradi. Chunki yaxshi rivojlangan nutq tushunarli ta'sirchan bo'ladi, bola o'z nutqini to'zatib boradi. Nutqni rivojlantirish nafaqat bolani atrof-olam bilan tanishtirish tomoni, balki umumiy psixik rivojlanish ustuni hisoblanadi.

Bola nutqining rivojlanishi umuman shaxsni va shu bilan birga barcha psixik jarayonlarni shakllantirish bilan bog'liqdir. «...Tilni egallash jarayoni -bu faqat va shunchaki bilimlar, mahorat hamda ko'nikmalarni berish jarayoni emas. Bu eng avvalo tarbiyadir. Qalbni tarbiyalash, aqlni tarbiyalash, fikrlar tuzishni shakllantirish, inson ruhiy qiyofasining eng nozik qirralariga chidam bilan ishlov berishdir» (K.D.Ushinskiy). Bola nutqiy rivojlanishining, bir tomondan, tashqi

ta'sirlar bilan belgilanishi, ikkinchi tomondan esa uning to'satdan yuz berishi, "o'z-o'zidan harakatga kelishi" bilan tavsiflanishini tushunish nutq ontogenezi haqidagi zamonaviy tasavvurlarga xos holatdir. Nutqni rivojlantirishning ana shu qonuniyatlari va mexanizmlarini tushunib yetish ularni batafsil ko'rib chiqishni talab qiladi.

*"Antonim so'zlar" o'yini*

Bu o'yin katta va tayyorlov guruhlarda o'tkazilishi mumkin. O'yin mashg'ulot bolalarning mantiqiy tafakkurining rivojlanishiga samarai yordam beradi degan umiddamiz. O'yin induvidual, guruh bilan ham o'tkazilsa ham bo'ladi. O'yin sharti qo'yidagicha: Tarbiyachi bolaga bir so'zni aytadi, bola esa shu so'zning qarama-qarshi ma'no anglatuvchisini topadi. Masalan: katta-kichik, issiq-sovuq, qattiqyumshoq, uzoq-yaqin va xokazolar. Odatda bollar o'yin boshida bir oz qiynaladilar, aytilgan so'zga javoban, antonim emas sinonim so'zlar bilan javob beradilar. Ammo o'yinning mohiyatini tushunib olganlaridan so'ng abstrakt tushunchalarni ham osonlik ilan anglaydilar, hamda tezlik bilan javob berishga xarakat qiladilar. Masalan: chaqqoonyalqov, ishchan-dangasa, odobli-odobsiz va xokazolar.

*"Avval nima bo'lgan edi" o'yini*

Bu o'yin shartiga ko'ra bolalar tarbiyachi tomonidan aytilgan narsaning avval nima bo'lganini aytishlari kerak. Masalan: jo'ja-tuxum, ot - toychoq, kapalak - qurt kabilar. Bundan tashqari bittadan ko'p ma'noga ega bo'lgan so'zlardan ham foydalanish mumkin. Masalan: non - un - bug'doy, uy - g'isht - loy, stol - yog'och - daraxt - urug', ko'ylak - mato - ip - paxta - chigit tarzida o'yin davom etaveradi. Bu tarzda tashkil etilgan darsda o'quvchi hech qanday tazyiqsiz erkin fikrlay boshlaydi va o'z fikrlarini ochiq bayon etadi, boshqalarni ham hurmat qilishga o'rganadi. Boshlang'ich ta'limda ona tili bolalarda mantiqiy fikrlash, lug'at boyligini oshirish, og'zaki va yozma nutqini rivojlantirish (ya'ni to'g'ri o'qish va yozish)ga, fonetika, leksika, so'z yasalishi va gramatikaga oid bilimlarni o'rganish uchun zamin yaratishga xizmat qilishi lozim.

### **MUHOKAMA**

Ma'lumki, ona tili darsida ham lug'at ishlarini o'tkazish bolalarda o'zi uchun notanish bo'lgan so'zni izohi haqida qiziqish paydo bo'ladi. Bu so'zlarning izohini topishda o'quvchining o'zi mustaqil izlanishi maqsadga muvofiqdir. Bunda quyidagi metod bolalarning so'z boyligini oshirish bilan bir qatorda lug'at bilan ishlashga ham o'rgatadi. Darslarda interaktiv usullar qo'llashni shunday tashkil etish kerakki, bunda sinfdagi barcha bolalar faollashishi zarur, ya'ni dars o'tish jarayonida o'quv materiallarining ma'lum bir qismi bolalar tomonidan mustaqil o'rganiladi. O'qituvchi o'quv jarayoni tashkilotchisi, rahbari, nazoratchisi hamdir. Bolalarning sinfda o'zini erkin his qilishi va o'quv faoliyati uni emotsional jihatdan qoniqtirishi lozim, ana shundagina u o'zining fikrlarini erkin bayon qila oladi. Tarbiyachi bunday texnologiyani puxta bilishi, hamda uni amaliyotda o'rganiladigan til materiallarining xususiyatlaridan kelib chiqqan holda uni to'g'ri qo'llay olishi lozim. Darsning samarali shakllari qanchalik ko'p qo'llansa, bolalarning ona tili faniga qiziqish darajasi ham shunchalik yuqori bo'ladi.

Demak, bolalarni maktab ta'limiga tayyorlashda MTT, oila, mahalla, maktabning roli juda katta. Ular birgalikda bolaga ham ta'lim va tarbiya beradilar. Uzluksiz ta'limda izchillik esa o'z navbatida Vatanga sadoqatli, imon-e'tiqoti butun, o'z mustaqil fikriga ega, har tomonlama qobiliyatli, o'z kelajagini o'zii qura oladigan shaxslarni tarbiyalashda dasturul amal hisoblanadi.

Bola tarbiyasida mustqil fikrlash uning komil inson darajasida intilib, orzuumidlar va ezgu maqsadlar yo'lida yashashga undaydi, vijdon oldida soflikni ta'minlaydi. Faqat MTT-oila-maktab hamkorligi yaxshi yo'lga qo'yilgandagina, har bir oilada badiiy adabiyotga qiziqish ortgandagina, jamiyatda o'sish va rivojlanish sezilarli darajada o'z kuchini ko'rsatadi. Inson ma'naviyatli va madaniyatli bo'lib tug'ilmaydi, u bilim olish jarayonida shakllanadi. Bizning oldimizda turgan eng katta masalalardan bir esa, o'sib kelayotgan yosh avlodni har tomonlama kamol topgan shaxs sifatida tarbiyalanishi uchun qo'limizdan keladigan barcha ezgu ishlarni qilishdir, Zero, ertangi kun O'zbekiston taraqqiyoti bilimli, salohiyatli, oqil va odil shaxslar qo'lida bo'lishi har doim muhim vazifa hisoblanib kelingan.

### **XULOSA**

Xulosa qilib aytganda, maktabgacha ta'limning asosiy vazifasi bolalarni maktabda ta'lim olishga tayyorlashdan iboratdir. Ya'ni, bolalar maktabgacha ta'limda aniq bilimlarnigina emas, fikrlash ko'nikmasini egallashi, tengdoshlari va kattalarning nutqlarini tushunishlari, ular bilan erkin fikr almashish, hamkorlik asosida faoliyat ko'rsatishi talab etiladi. Bolalarning ona tilida obrazli va mantiqiy fikrlashi, tasavvurlarini nutq orqali to'g'ri ifodalashi o'zini nazorat qilishi, boshqarishi, kuzatish, eshitish, eslab qolish, umumlashtirish, solishtirish kabi aqliy tayyorgarlikka ega bo'lishi zarur. Bu vazifani bajarishda, albatta, ona tilida nutq o'stirish fanining o'rni, ahamiyati kattadir. Chunki til kishilarning o'zaro aloqa vositasi bo'lib, u barcha kishilar uchun baravar, teng xizmat qiladi, shu bois til ijtimoiy hodisa bo'lib, jamiyat taraqqiyotidagi o'zgarishlar, yangilanishlar tilda o'z aksini topadi.

### ***Foydalanilgan adabiyotlar***

1. R.M.Qodirova. O'zbekiston bolalar bog'chalari va maktablarida bolalarga 5-6 yoshdan boshlab rus tilida dialogik nutqni o'rgatish. -T.: O'qituvchi, 1993.
2. Babaeva D.R. Nutq o'stirish metodikasi. O'quv qo'llanma. - T.: TDPU, 2016.
3. F.R.Qodirova. R.M.Qodirova. Maktabgacha yoshdagi bolalarga ikkinchi tilni o'rgatish metodikasi. -T. 4.2004.



## MAKTABGACHA TA'LIM TASHKILOTLARIDA SOG'LOM RAQOBAT MUHITINI RIVOJLANTIRISH

**Kukonova Shoiri Kenjaboyevna**

Jizzax viloyati Mirzacho'l tumani Maktabgacha ta'lim bo'limi mudiri

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6762394>

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada maktabgacha ta'lim muassasalarida bolalarning aqliy rivojlanishi, fikrlashi, dunyo qarashi shakllanishi jarayonida tashkil etilgan muhitning ahamiyat va shuningdek, sog'lom muhit yaratish borasida olib borilgan ishlar haqida batafsil ma'lumot berildi.

**Kalit so'zlar:** ta'lim, psixologiya, psixo profilaktika, ruhiy jarayon, ta'lim-tarbiya, o'yin texnologiyalari.

### РАЗВИТИЕ ЗДОРОВОЙ КОНКУРЕНТНОЙ СРЕДЫ В ЗАВЕДЕНИЯХ ДОШКОЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ

**Аннотация.** В данной статье представлена подробная информация о значении среды, создаваемой в процессе умственного развития, мышления, формирования мировоззрения у детей в заведениях дошкольного образования, а также о проводимой работе по созданию здоровой среды.

**Ключевые слова:** образование, психология, психопрофилактика, психический процесс, обучение, игровые технологии.

### DEVELOPMENT OF A HEALTHY COMPETITIVE ENVIRONMENT IN PRESCHOOL EDUCATION INSTITUTIONS

**Abstract.** This article provides detailed information on the importance of the environment created in the process of mental development, thinking, worldview formation in children in preschool education institutions, as well as on the ongoing work to create a healthy environment.

**Keywords:** education, psychology, psychoprophylaxis, mental process, learning, gaming technologies.

## KIRISH

Barchamizga ma'lumki, maktabgacha ta'lim muassasasi bolalarning aql va idroki shakllanadigan davrga to'g'ri keladi. Shu bois, aynan ushbu dargohda bolalar bilan ishlash jarayonida, shubhasiz, tarbiyachilardan ehtiyotkorlik va sohaga oid zaruriy bilim talab etiladi. Maktabgacha ta'lim muassasasi tarbiyachilari psixalogik, tibbiy va go'zal muomalaga ega bo'lishi muhim ahamiyatga ega. Bolaning 3 yoshdan 7 yoshgacha bo'lgan bog'cha yoshi bolalik davrining katta bir qismini tashkil tadi. Asosan, mana shu davrdan boshlab bolaning mustaqil faoliyatlari rivojlanadi hamda shaxsiy individual xususiyatlari (insoniy fazilatlar) tarkib topa boshlaydi. Mashxur rus pedagoglaridan P.F.Lestgafning fikricha, insonning bog'cha yoshidagi davri shunday bir davrki, ana shu davr mobaynida kelgusida qanday xarakter xislatlari paydo bo'lishi belgilanadi va axloqiy sifatlarining asoslari yuzaga keladi.

## TADQIQOT MATERIALLARI VA METODOLOGIYASI

Bola bog'cha yoshiga yetgach, uning psixik taraqqiyotida jiddiy o'zgarishlar yuzaga keladi. Chunki xuddi ana shu davrdan boshlab bolaning mustaqil faoliyati anchagina kuchaya boshlaydi. Bog'cha yoshidagi bola mustaqil faoliyatda bo'la olishi uchun zarur bo'lgan ikkita qudratli kuchga ega. Birinchidan, ma'lum darajada o'ziga bo'ysundirilgan harakat apparatiga,

ikkinchidan esa, atrofidagi katta odamlar va o'z tengdoshlari bilan bir qadar erkin munosabatda bo'la oladigan nutqqa ega. Mana shuning uchun bu yoshdagi bolalarning hulq-atvorlari, xatti-harakatlari, qiziqish va ehtiyojlari bog'chaga tarbiya yoshidagi bolalarnikidan keskin farq qiladi. Bu esa, o'z navbatida, bog'cha yoshidagi bolalar bilan bog'chagacha tarbiya yoshidagi bolalar ta'lim-tarbiyasiga ham turlicha munosabatda bo'lishni taqozo qiladi.

Bog'cha yoshidagi davrda bolaning barcha psixik jarayonlari jadal rivojlana borib, uning tashqi muhit bilan bo'lgan munosabatlarida anchagina o'zgarishlarni yuzaga keltiradi. Bir tomondan, bola bog'cha yoshiga yetgach, kattalarning doimiy yordamlaridan ancha ozod bo'lib, ulardan bir qadar uzoqlashadi, ikkinchi tomondan, kattalar bilan bulgan munosabatlari murakkab, ko'p tomonlama xarakter kasb eta boshlaydi. Shu narsa xarakterliki, kichik bog'cha yoshidagi bola dimiy yordam va g'amxo'rlik talab qiladigan ob'ektdan sekin-astalik bilan oila holida bog'cha bolalar gruppasining faol a'zosiga aylana boshlaydi. Demak, bu davrdan boshlab, muhtojlikdan kutilib, o'zi ham boshqalarga ma'lum darajada yordam bera oladigan, o'zining burchi, vazifalari, qiziqishlari hamda xilma-xil ehtiyojlariga ega bo'lgan shaxsga, jamoa a'zosiga aylana boshlaydi.

### **TADQIQOT NATIJALARI**

Demak, bolalarda bunday xususiyatlar shakllanishish uchun hech shubhasiz, albatta, maktabgacha ta'lim muassasasida sog'lom muhit yaratilgan bo'lmog'i juda ahamiyatli. Bolalarning yuqorida aytganimizdek, borliqni, turli vaziyatlarni anglash pallasi aynan maktabgacha ta'lim muassasasiga to'g'ri keladi.

Ta'lim muassasasining 36 soatlik ish haftasi doirasidagi ichki mehnat qoidalari quyidagilarni hisobga olgan holda tartibga solinadi:

- o'quv jarayoni ishtirokchilari bilan haftalik ish vaqtining kamida yarmida yakka tartibda va guruhli maslahat ishlarini olib borish;
- individual va guruh maslahat ishlariga tayyorgarlik ko'rish, olingan natijalarni qayta ishlash, tahlil qilish va umumlashtirish, hisobot hujjatlarini to'ldirish, shuningdek, ularning malakasini oshirish.

O'qituvchi-psixolog tomonidan ushbu ishni bajarish bevosita ta'lim muassasasida ham, undan tashqarida ham amalga oshirilishi mumkin. Maktabgacha ta'lim tashkilotida o'qituvchi-psixolog ishining asosiy yo'nalishlari: psixologik diagnostika, psixologik maslahat, psixologik tuzatish, psixologik ta'lim, psixologik profilaktika.

Rasmiy vazifalarni bajarish uchun maktabgacha ta'lim muassasasining o'qituvchi-psixologi alohida ofis, guruh xonalari, musiqa va sport zalidan foydalanadi. Har bir yo'nalish bolalarning yosh imkoniyatlarini hisobga olgan holda qurilgan, faoliyatning yetakchi turi, o'yin texnologiyalari va usullariga asoslangan.

Psixologik diagnostika. Maqsad: bolalarning aqliy rivojlanish darajasi haqida ma'lumot olish, o'quv jarayoni ishtirokchilarining individual xususiyatlarini va muammolarini aniqlash.

Ta'lim sohasini isloh qilish bugun hukumatimiz diqqat e'tiborida turgan dolzarb sohalardan biri, desak mubolag'a bo'lmaydi. So'nggi yillarda maktabgacha ta'lim tizimini isloh qilish va rivojlantirishga qaratilgan qonunlar, qarorlar qabul qilinib, amaliyotga joriy etilmoqda.

Maktabgacha ta'lim sohasida yagona davlat siyosatini ishlab chiqish va amalga oshirish, bolalarni maktabgacha ta'lim bilan bosqichma-bosqich to'liq qamrab olishni ta'minlash maqsadida O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 30-sentyabrdagi "Maktabgacha

ta'lim tizimi boshqaruvini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi Farmoni bilan Maktabgacha ta'lim vazirligi tashkil etildi.

Bugungi kunda O'zbekistonda 14 mingdan ortiq maktabgacha ta'lim tashkiloti faoliyat ko'rsatmoqda. 2019-yilda Maktabgacha ta'lim vazirligi tizimga bolalar qamrovini 52 foizga yetkazdi. 2020-yilda bu ko'rsatkich 59,5 foiz bo'lishi kutilmoqda, shuningdek, 85,2 foiz 6 yoshli bolalarni majburiy 1 yillik ta'lim bilan qamrab olish rejalashtirilgan.

### **MUHOKAMA**

Psixologik diagnostika - bu bolaning aqliy rivojlanishining xususiyatlarini aniqlash, ma'lum psixologik neoplazmalarni shakllantirish, ko'nikma, bilim, ko'nikma, shaxsiy va shaxslararo munosabatlarning rivojlanish darajasining mosligini aniqlash uchun shaxsning individual xususiyatlarini psixologik-pedagogik o'rganish, yosh ko'rsatmalari va jamiyat talablariga muvofiq shakllanish. Agar kerak bo'lsa, bolalar rivojlanishining psixologik diagnostikasi qo'llaniladi (bolalarning individual psixologik xususiyatlarini aniqlash va o'rganish), bu malakali mutaxassislar (o'qituvchilar - psixologlar, psixologlar) tomonidan amalga oshiriladi. Bolaning psixologik diagnostikada ishtirok etishiga faqat ota-onasining (qonuniy vakillarining) roziligi bilan yo'l qo'yiladi. Psixologik diagnostika natijalari psixologik yordam muammolarini hal qilish va bolalar rivojlanishini malakali tuzatish uchun ishlatilishi mumkin. Maktabgacha ta'lim muassasasida o'quv jarayonini optimallashtirish uchun o'qituvchi-psixolog yiliga ikki marta (sentyabr va may oylarida) ota-onalarning yozma roziligi bilan maktabgacha ta'lim muassasasining barcha tarbiyalanuvchilarini (yakka tartibda) skrining diagnostikasini o'tkazadi: xotira, e'tibor, fikrlash, hissiy - shaxsiy soha.

Psixodiagnostika natijalariga ko'ra guruh o'qituvchilariga o'quv jarayonini optimallashtirish bo'yicha tavsiyalar beriladi. O'quv yili davomida o'qituvchi-psixolog ta'lim jarayoni ishtirokchilarining (o'qituvchilar, ota-onalar) iltimosiga binoan bolaning rivojlanishining qo'shimcha chuqur diagnostikasini o'tkazadi. Psixodiagnostikaning yana bir yo'nalishi - bu "kasbiy (hissiy) charchash" ning oldini olish uchun o'qituvchilarning psixo-emotsional sohasining xususiyatlarini o'rganishdir. Asosiy tadqiqot usuli - bu proyektiv usullar, art terapiya, musiqa terapiyasi yordamida suhbat (individual).

Psixologik maslahat. Maqsad: ta'lim jarayoni ishtirokchilarining o'zaro hamkorligini optimallashtirish va ularga individual ta'lim va rivojlanish dasturini yaratish va amalga oshirishda psixologik yordam ko'rsatish.

O'quv jarayonining barcha katta yoshli ishtirokchilari psixologik maslahatga taklif qilinadi. Munozara mavzusi psixodiagnostika natijalari, shuningdek, shaxsiy tajriba va muammolar bo'lishi mumkin. Maslahat jurnali yuritiladi. Psixologik maslahat alohida xonada alohida o'tkaziladi. Maxfiylik tamoyiliga rioya qilinadi. Psixodiagnostika natijalariga ko'ra o'quv yili uchun psixokorreksiya va rivojlantirish ishlarining asosiy yo'nalishlari belgilanadi. Psixo-tuzatishning har bir tanlangan sohasini amalga oshirish uchun ish dasturi tuzilishi mumkin.

Psixokorreksiya va rivojlanish ishlari individual ravishda kichik guruhlarda, qo'yilgan vazifalarga qarab, turli darajadagi muntazamlilik bilan amalga oshirilishi mumkin. Maktabgacha yoshdagi bolalar bilan psixokorreksiya ishlari ota-onalarning (qonuniy vakillarining) roziligi bilan tashkil etiladi.

### **XULOSA**

Shuni alohida ta'kidlash lozimki, ayni maktabgacha bo'lgan davrda bolaning ruhiy holatini yaxshilash, tashqi muhit bilan tanishuv jarayonini turli zararli ta'sirlarda yiroq qilgan holatda tashkil etish juda muhim. Ma'lumki, hozirgi kunda deyarli 80 foiz ona bolasini maktabgacha ta'lim tizimiga ishonib topshiradi va farzandi bilan kuchli shug'ullanishlarini ta'minlanishini istaydi. Biroq, bog'chada bola ruhiyati uchun yetarli muhit bo'lsayu, uyda bunday jarayon tashkil etilmasa istalgan natijaga erishib bo'lmaydi. Shuningdek, yetti yoshli bola maktabga chiqqandan keyin xali ham o'yin o'ynash juda katta o'rin egallaydi. Bola o'qish mashg'ulotlaridan bo'sh paytida har xil o'yinlarni o'ynashda davom etaveradi. O'yin protsessida bola o'z-o'zini idora qilishga, o'z xarakatlarini o'yin qoidalariga bo'ysundirishga javobgarlikni sezishga, kollektiv manfaatini ustun qo'yishga odatlanadi. O'yin va bog'chadagi ditaktik mashg'ulotlar jarayonida bolalarning aql idroki, xotira va tafakkuri o'sadi. Bular o'z navbatida, bolaning maktabda o'qiy olishi uchun psixologik zamin tayyorlaydi. Bunday zaminni tayyorlash va mustahkamlashda, albatta oilada hamda bolalar bog'chasida olib borilgan ta'lim tarbiya ishlari hal qiluvchi ahamiyatga egadir.

*Foydalanilgan adabiyotlar*

1. Andreeva G.M. Sotsialnaya psixologiya. Uchebnik.- M.: Aspekt Press, 1999.-376 s.
2. G'oziev E.G. Umumiy psixologiya. Toshkent. 2007.1-2 kitob.
3. G'oziev E.G. Toshimov R. Menejment psixologiyasi. T-2002
4. G'oziev E.G. Muomala psixologiyasi. T-2001.
5. Karimova V.M. Ijtimoiy psixologiya va ijtimoiy amaliyot.-T.: Universitet, 2002.- 96 b.
6. Karimova V.M. va boshk. Mustaqil fikrlash. - T.: SHark.-2000.- 112 b.
7. Karimova V.M., Sunnatova R. «Mustaqil fikrlash» o'quv qo'llanmasi bo'yicha mashg'ulotlarni tashkil etish uslubiyoti.-T.: SHark, 2000.- 16 b.

## РАУФ ПАРФИ ШЕЪРИЯТИНИНГ МЕМОРИАЛ КЎРИНИШИ

Гўзал Матёкубова

Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи тадқиқотчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6762477>

**Аннотация.** Мақолада Рауф Парфи шеърятда миллий озодлик ва шахс эркинлиги мавзуси шоир ижодининг асосини ташкил қилишига алоҳида урғу берилган. Рауф Парфи шеърятининг бадиий мемориал кўринишини белгилаб берувчи жадидона қарашларнинг асл моҳияти очиб берилган.

**Калит сўзлар:** ватан, озодлик, шоир, миллийлик, шеър.

## МЕМОРИАЛЬНОЕ ПРЕДСТАВЛЕНИЕ ПОЭЗИИ РАУФА ПАРФИ

**Аннотация.** В статье подчеркивается, что тема национальной свободы и свободы личности в поэзии Рауфа Парфи составляет основу творчества поэта. Раскрывается сущность серьезных взглядов, определяющих художественно-мемориальный облик поэзии Рауфа Парфи.

**Ключевые слова:** родина, свобода, поэт, народность, поэзия.

## MEMORIAL PERFORMANCE OF THE POETRY OF RAUF PARFI

**Annotation.** The article emphasizes that the theme of national freedom and freedom of the individual in the poetry of Rauf Parfi forms the basis of the poet's work. The essence of serious views that determine the artistic and memorial image of Rauf Parfi's poetry is revealed.

**Key words:** motherland, freedom, poet, nationality, poetry.

## КИРИШ

Шеър – руҳнинг силкинишидир. Шу боис унда ботиний кескин бурилишлар, узилишлар, қакшатқич урилишлар – ҳамма-ҳаммаси акс этади. Шеър – поэтик ёлғоннинг энг рост, энг мукаммал шакли. Биз шеър ўқиётганда унинг измига тушамиз, лирик қаҳрамоннинг дарду дунёсига қоришиб кетамиз. Ундан бош чиқариб ташқи оламга назар ташлаганда эса, тамоман бошқа бир манзарани кўрамиз. Шунда шоирнинг ботиний ва жуғрофий мамлакатни ўртасида ноконтраст тафовутни кўрамиз. Ботиний мамлакатда шоир ўзи хоҳлагандай ўйлаши, тафаккур қилиши, яшаши мумкин, жуғрофий мамлакатда эса йўқ. Чегаралар, қонунлар, тақиқлар ва таъқиқлар мавжуд.

Шеър ёзгувчи ва шеър ўқиғувчилар кўпинча икки олам орасида икки одам бўлиб яшайди: шеърнинг ичида бошқа, шеърдан ташқарида тамоман бошқа бир одамга эврилади. Бироқ бизнинг бу мулоҳазаларимиз Рауф Парфи шахсига тегишли эмас. Чунки Рауф Прафининг шеърда ҳаётдагидек ва ҳаётда шеърдагидек яшаб ўтганини жуда кўп фактлар тасдиқлайди.

## ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Рауф Парфи бутун бошли ижодида озод инсонни куйлаб ўтган шоирдир. Шахс эрки, озодлик мавзуси шоир ижодининг асосий чизиғини ташкил этади. Шеърларининг тарҳи, мемориал кўриниши ва ички безаклари ҳам озодлик, эрк, ватан, умумтуркийлик деган яхлит бир чизикдан ўтади. Рауф Парфи шеърларини кузатар экансиз, эрк ва озодлик курашчилари бўлган жаҳидларга бағишланган асарларга тез-тез дуч келамиз. Шоир дунёнинг қайси бурчида бўлмасин, Ватан учун курашган, Озодлик учун жон берган инсонларга бағишлаб асарлар битади.

“Рауф Парфи шеърятининг асосий мавзуси — бу шахс эрки, Ватан мустақиллиги ва Туркистон, Турк дунёсининг бирлигидир; XX аср турк одамнинг абадий шуурини, кескин фоже **руҳиятини** муқаддас туркий тилда ифодалашга жазм этган ва муродига етган жасоратли шеърятдир.” – дейди филология фанлари доктори, профессор Нўъмон Раҳимжонов “Сакина” китобига ёзган сўзбошисида.

Рауф Парфининг Ватан ҳақидаги ҳар бири шеъри Ватан ҳақидаги ҳар қандай шеърдан фарқ қилади. Юмшоқ ўриндиқларда ўтириб Ватан ҳақида шеър битмайди, данғиллама ҳовлиларда яшаб оч ва юпун халқнинг қисмати ҳақида қайғурмайди, балки ўзи ҳам ана шу мазлум халқнинг бир бўлаги сифатида, олов ичида туриб олов ҳақида шеър битган шоирдир.

### ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Мана шоирнинг “Ватан ҳақида Бернд Иентшга мактубим” шеъри:

Ватан ҳақида сенга, Бернд,  
Шу мактубни ёзаётган пайтим Ташқарида қор ёғмоқда эзгин-эзгин,  
Оппок-оппок, лўппи-лўппи. Неларни ёғар қор?  
Тахайюлёғар. Тахайюлотига минганосмон.  
Бернд, бундай яшашахир, кўпқийиндир балким.  
Бернд, балким хасталаган бизни бемаврид  
Йигирманчаср, деб номланган оғриқ.  
Ўтинаман, баланд парвозсўзлар, деб ўйламатагин,  
Эҳтимол, ечиб ташлашимиз керақдир қора рўмолини  
дардли хотиротнинг мунглуғ бошидан.

Бу шеър Ватанга беқарор ошиқдек севги изҳор қилиб ёзилган шеърлардан кескин фарқ қилади. Биринчидан уларда поэтик матн жуда тўқ. Уларда олқиш йўқ, мадҳ йўқ, ҳамду сано йўқ, шунингдек, минбарларда ҳайқириб ўқилган шеърлардан кескин фарқ қилади: бу шеърда оғриқ бор, дард бор, изтироб бор.

Гўёки шоир немис шоири билан ҳасратлашув баҳонасида Ватаннинг ўтмишини, кечмишини, у ҳақидаги тушунчаларини шеърга сингдиради. Бу шеърнинг тағ маъносида отларнинг дупури, одамларнинг ҳайқириқлари, танкларнинг овози сингиган. Оқ-оппок, лўппи-лўппи қорнинг дераза ортида ёғаётганлиги Эртанги бахтли ва осуда ҳаёт учун башоратдай таассурот қолдиради. Хуллас, Ватан ҳақида ҳайқирмасдан туриб ҳам гўзал ва ичкин шеър ёзиш мумкинлигини Рауф Парфининг ушбу шеъри орқали кўриш мумкин.

Рауф Парфи шеърлари орасида ўтган аср жадидларига бағишланган ёки бевосита уларнинг асарлари асосида шеърларидан иқтибос келтириб ёзилган шеърлар анчагина. Шуларнинг ўзиёқ Рауф Парфи фикран ва руҳан жадидларга яқин эканини, жадидчилик ҳаракатининг маънавий давомчиси сифатида майдонга отилиб чиққанини англаш мумкин.

“Миллий уйғониш минтақамизда жадидчилик шаклида намоён бўлди. Ва у 20-йилларнинг ўрталарига қадам ташлади. 1926

йилдан советлар унга қарши кенг қўламда кураш бошлади. 1929 йилдан уларни жисмоний тугатиш йўлга қўйилди.” – деб ёзилган “Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти” китобининг кириш қисмида. Бунга қўшимча тарзида айтмоқчи эдикки, жадидчилик ҳаракати аслида 1929 йиллардан тугатилган бўлиши мумкин. Бироқ у XX асрнинг 70-80 йилларига келиб қайсидир маънода қайта уйғонди. Миллат ҳаёти, тили,



кадриятлари йўлида куйинган, шеърлар битган ва бу йўлда амалий ҳаракатлар олиб борган Рауф Парфини ҳам биз ҳақли равишда жаиди шоирлари, маънавий издошлари сафига киритамиз.

Рауф Парфи нима учун ўз шеърларида жаиди адабиёти ва жаиди намоёндаларига тез-тез мурожаат қилади? Аввало, ғоявий маслакдошлик, тафаккур давомчилиги мақоми ва қайсидир жиҳатдан буни тасаввуфдаги увайсийликка қиёс қилиш ҳам мумкиндир.

“Увайсийлик – бир кишининг ўзи зоҳиран кўрмаган шахс ёки бир гуруҳ шахслардан маънавий боғланиш орқали илм олиши ва бунинг натижасида пайдо бўлган йўналишни англатувчи тасаввуф истилоҳи, тариқатларда сайру сулук бир шайх раҳбарлигида амалага оширилади. Шу билан бирга истисно ҳолларда шайхсиз ҳам Ҳаққа эришиш мумкин. Бу йўлга увайсийлик дейилади.” – деб ёзади халқаро ислом академияси доценти Иброҳим Усмонов “Тасаввуфда увайсийлик йўли” номли мақоласида. Шунингдек, ушбу мақолада увайсийлик адабиёт соҳасига катта таъсир кўрсатгани айтилади. Қолаверса, Алишер Навоий “Насойим ул-муҳаббат” асарида Хожа Баҳоддин Нақшбанд ҳақида ёзаётиб “Аммо ҳақиқат юзидан алар Увайсийдурлар. Ва тарбият Ҳазрат Хожа Абдулҳолиқ Гиждувоний қ.с. руҳидан топибдурлар.” – дейди. Рауф Парфи ижодда, адабиёт ва миллат йўлидаги амалларида жаидлар руҳониятига ғайбона боғланишни кузатиш мумкин.

Мана шоирнинг Абдулҳамид Чўлпонга бағишланган “Абдулҳамид Сулаймон Чўлпон”(1974), “Усмон Носир”(1965), “Она Туркистон”(1967), Абдурауф Фитрат(1991) каби шеърлари жаидларга, яъни жаидлар илгари сурган маънавий-маърифий, миллий ғояларга бағишланган. Уларнинг ҳар бирида миллатни аср-асрлар давомида ташвишлантириб келган ўйлар шеърнинг ўқ чизигидан ўтади. Шоирнинг Абдулҳамид Чўлпонга бағишланган “Абдулҳамид Сулаймон Чўлпон” деб номланган шеъри:

1. Она тилим, сен руҳимнинг қаноти,  
Абут-турк нафаси, Олтой чечаги.  
Хун давридан омон қолди Ғиротинг,  
Қутлуғ Энасойнинг эзгу эртаги.

Ўрхун бўйларида тошга айландинг,  
Кўкларга санчилдинг. Туронбўлдинг Сен.  
Мангулик сафарга қачон шайландинг?  
Қачон бу аламга — кучга тўлдинг сен?

Порлоқ осмонингда кузғунлар учди,  
Эвоҳ, ёғийларинг солди яғмони.  
Ёғийларинг жигар қонингни ичди.

Жигар-қон жаранги тутди жаҳонни,  
Онасен. Кечирдинг, қонидан кечдинг,  
Бироқ кечирмадинг асло ёлғонни.

Шеър Абдулҳамид Чўлпонга бағишлаб ёзилган. Бироқ шеърнинг асосий мазмуни тил тўғрисида – уринган, суринган, тарих довулларида қолган она тилининг ўтмиши ва кечмишини куйлайди. Шоир шеър давомида “Жигар-қон жаранги тутди жаҳонни” дея

шеърни ботиний хайкирикқа айлантиради. Эътибор каратадиган бўлсак, шоирнинг жадидларга бағишланган ҳар бир шеърда ягона Туркистон қайғуси бор. Эрк, Озодлик, Хурлик ғоялари ана шу тушунчалар ортида бирлашади.

Муваффақиятли жихати шундаки, Ватан, миллат ҳақида ёзилган шеърларда, Шоирлар ҳар доим ўзлари асосий планда турадилар. Рауф Парфи эса шеърларида шеърларнинг ичига сингиб кетади. Унинг дарди, оғриқлари кўринади, ўзи кўринмайди, овози юракни тилиб-тилиб ўтади, бироқ ўзи шеърнинг тубига шўнғиб кетганки, кўзга ташланмайди. Аникроғи, шоир бизни шеър билан ёлғиз қолдиради, ҳар қадамда ўз-ўзини кўз-кўзламайди, ўзи бўй кўрсатмайди. Шеърнинг асл ва ҳақли шавкати ҳам ана ўшанда бўлса, эҳтимол.

1. Ажаб мудҳиш қора тун кафантутар,  
Бир замон тинмайди ризғирар шамол.  
Дарё кўпирадир, одамниютар,  
Ул гўзадир, ул — ирганчдир, ул - хаёл.

Риёзат қамчиси каби савайдир,  
Алкан ёмғир бузғун танизоримни.  
Улуғ Туркистонни кимлар севмайдир?!  
Фиръавнлар севмас менинг боримни.

Бу шоирнинг 1994 йилда ёзилган “Абдурауф Фитрат” шеърдан олинган. Шоир юртнинг оғир аҳволини шеърда гавдалантирар экан, ўзига хос ифода йўсинини топади. Учта қисмдан иборат ушбу шеърнинг ҳар бир қисми алоҳида сонет шаклида ёзилган. Шеър Фитрат яшаган замон чизгиларидай туйилса-да, аслида ундай эмас.

Унда 1994 йилги халқнинг уйғонмаган ғурури, донг қотган шаъни, пинакдаги матлаби ўз ифодасини топган. Шоир “Токай, уйғонмассан, ай қонли Турон” дея асрлар бўйи қонга ботган она Туркистоннинг қайғули қиёфасини акс эттиради. Бир қаҳрамонлик, бир жасорат истаётган лирик қаҳрамонининг шахду шижоати шеърда ботинига қараб тобора ўсиб боради. Шу боис, биз Робиндранат Тагор айтмоқчи “Дераза ортидан бир мунглиг Ҳиндистонни” эмас, Ўзбекистонни, Туронни, Туркистонни кўрамиз. Ватан, Миллат дарди эса ўсувчи, улғайиб борувчи дарддир, Оғриқдир.

Рауф Парфининг Ватан, Туркистон қайғуси мавзусидаги шеърларини ўқир экан, уларни ҳар биримиз ўз тенгдошимизнинг, энг яқин одамимизнинг ҳасратидай қабул қиламиз. Самимий ҳасратда битилган бу шеърлар. Негаки, улар жуда самимий, жуда оддий, яшаш тарзимиз каби оддий. Улар Ватан ҳақида Аршни тавоф қилиб кейингина шеър ёзишкерак деган қотиб қолган тушунчаларни ислоҳ қилиб, гоҳ ялангоёқ, гоҳ қорни оч боланинг аҳволи руҳиясига сингишиб кетганимиз — шеърларни тақдим этади.

Шоирнинг психологик приёмлари шу қадар ноёбки, Ватан ҳақида муҳаббат ҳақидаги шеърни ўқигандай ички бир ёришиш, қониқиш билан мутолаа қиламиз. Улар бизни юзакиликдан, сохталиқдан, ясамалиқдан, шеърнинг ён - атрофида дайдишдан халос этади. “Айтилган сўз, отилган ўқ” деган мақол ҳам айнан Рауф Парфи шеърларига хосдек. Чунки шоир сўзни шунчаки ишлатмайди, шунчаки баланд пардаларда гапирмайди. Биз шеърнинг ичида топган Рауф Парфийимиз, ҳаётда учратганимиздан фарқ қилмайди. Унинг

ватанпарварлиги ўз боласини турли балолардан асраётган онанинг болажонлиги билан бирдек. Онанинг болажонлиги қадар ростдир, софдир унинг ватанпарварлиги.

### **МУҲОКАМА**

Рауф Парфи учун Ватан жуғрофий тушунча ҳосил қилмайди. Дунёнинг қайси бурчида бўлмасин, қийналган, зулмга йўлиққан одам борки, унинг ватандошидир. Унинг “Карло Каладзе диёрида”, “Микаленжелло севгиси”, “Виктор Харанинг сўнгги қўшиғи”, “Пабло Неруда ўлимига” каби ҳар бир шеърида Рауф Парфи учун Ватаннинг чеки ва чегараси бўлмаганлигини кўриш мумкин. Унинг шеърларига сингиган туркчилик ғояси, Туркистон, Турон мавзуси эса, ватаннинг чегараланиши маъносида эмас, қадимий тушунчаларнинг асраб – авайланиши, қадриятларга муносиблик сифатида талқин этилади.

Бироқ, Рауф Парфи ҳаётининг сўнгги йилларида ўз қўли билан жуда кўп шеърларига мақсадли тарзда “Турон”, “Туркистон” сўзларини киритади, таҳрир қилади. Бироқ бу тузатишлар ўз ўрнини топмаган, назаримизда. Сунъий тарздаги киритмалар эканлиги ошкор кўзга чалинади. Бу ўқувчининг хотирасига, ёдига сингиб кетган Рауф Парфи шеърларининг мусикасини, ритмини, ҳатто ғоясини ҳам ўзгартира олмайди. Бу алоҳида мавзу, бу борада алоҳида тўхталамиз.

### **ХУЛОСА**

Биз мақоламиз бошида Рауф Парфи ижодини маънавий ва руҳий томондан жадид адабиётида илгари сурилган ғоялар, тушунчалар ва жадидча тафаккур ёлқинининг давоми сифатида талқин қилган эдик. Миллатни миллий парокандаликдан, маънавий талотўмлардан асраб қолиш сари йўл Рауф Парфи шеърлятида янада кенг қулоч ёйди, такомиллашди. Зотан Рауф Парфи ижодида жадидона ғоялар жадидчилик XX асрнинг биринчи чорагида тугатилган деган фикрларни тахмин остига олади. Жадидчилик ҳаракат сифатида тугатилган бўлиши мумкин, бироқ жадидона ғоялар тирик экан, у ҳаракат сифатида ҳам тугутилмайди.

#### ***Фойдаланилган адабиётлар рўйхати***

1. Алишер Навоий “Насойим ул-муҳаббат” – “Фан” нашриёти, Тошкент, 2001 йил. 261-бет.
2. Рауф Парфи “Сакина” Сайланма – 2013 йил, “Муҳаррир” нашриёти, 5-бет.
3. Рауф Парфи “Сабр дарахти” китоби – Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986 йил, 87-бет.
4. “Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти” Бегали Қосимов ва бошқалар. – 2004 йил “Маънавият” нашриёти.
5. bukhari.uz – интернет сайти.
6. Рауф Парфи “Туркистон руҳи” – “Шарқ” НМАК, 2013 йил, 163-бет.

## ҲОЗИРГИ ЗАМОН НЕМИС ТИЛИДА ИЛОВАЛИ ЭЛЕМЕНТЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Каримова Л.Б.

СамДЧТИ Немис тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6762515>

**Аннотация.** Қуйидаги мақола ҳозирги немис тилида иловали элементларнинг ўзига хос семантик хусусиятлари ёритиб беришга бағишланган. Немис тилида ёзилган бадиий асарлардан олинган мисоллар асосида иловали элементларнинг ўзига хос семантик хусусиятлари ва уларнинг матн доирасида бажарадиган функциялари таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** илова конструкция, иловали элементлар, синтактик-семантик, трансформацион метод, аниқловчи, рамка конструкция, коммуникатив функция, предлог.

## СЕМАНТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ЭЛЕМЕНТОВ ПРИЛОЖЕНИЯ В СОВРЕМЕННОМ НЕМЕЦКОМ ЯЗЫКЕ

**Аннотация.** Данная статья посвящена освещению специфических семантических особенностей элементов приложения в немецком языке. На примерах из художественных произведений, написанных на немецком языке, анализируются специфические семантические особенности элементов приложения и их функции внутри текста.

**Ключевые слова:** аппликационные конструкции, аппликационные элементы, синтаксико-семантический, трансформационный прием, определитель, фреймовая конструкция, коммуникативная функция, предлог.

## SEMANTIC FEATURES OF APPLICATION ELEMENTS IN MODERN GERMAN

**Abstract.** This article is devoted to highlighting the specific semantic features of the application elements in the German language. Using examples from literary works written in German, specific semantic features of application elements and their functions within the text are analyzed.

**Keywords:** applique constructions, applique elements, syntactic-semantic, transformational technique, determinant, frame construction, communicative function, preposition.

## КИРИШ

Илова конструкцияда аниқловчилар функциясида келувчи компонентларнинг иловали элементлар шаклида ифодаланиб келиши иловали элементларнинг стилистик вазифалари ниҳоятда кенгрок эканлигидан, шунингдек, рамка конструкциясининг вариативлигидан далолат бермокда. Агарда биз бадиий адабиётлардан олинган мисолларда трансформацион методдан фойдаланиб, иловали элементнинг ўзи бевосита боғлиқ бўлган бирикмани ёнидан қўйсак, у ҳолда -Dieses Bild zeigt der Gemeinderat Knecht Gustav Arbeit» кўринишига эга бўламиз. Аслида биз кутгандек ҳолат юз бермайди, чунки ёзувчи китобхоннинг диққат эътиборини жалб қилиш мақсадида, илова конструкция таркибида мавжуд бўлган айрим компонентларни ўз жойида эмас, балки бошқачарок жойга кўчирилиши унинг таъсирчанлигини, бадиийлигини оширишга хизмат қилади. Шу сабаб иловали элемент функциясида келувчи: -der Stadtrat Gustav Arbeit, - Gottes Segen über sie! Aber eines Tages - рамкадан ташқари ҳолатда қўлланилади, яъни иловали элемент сифатида намоён бўлади.

Аммо гапда иловали элементлар қанчалик рамкадан узоклашмаса, улар илова ҳодисаси назариясига асосланган мулоҳазани, яъни асосий ифода билан иловали элементнинг бир-бирлари билан синтактик-семантик боғлиқликларини яна бир бор таъкидлаб келади. Бундай ҳолларда асосий ифода ва иловали элемент ўртасидаги алоқалар фақатгина синтактик муносабатларга эмас, балки мазмуний муносабатларга ҳам асосланади.

### ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Ҳозирги замон немис тилида иловали элементлар асосий ифодага нисбатан қандай ўринларда келишидан катъий назар, улар ўзларига боғлиқ бўлган коммуникатив функцияларни бажариб келади, яъни асосий ифода таркибидаги воқеа-ҳодиса аниқлаштириб, тўлдириб, изоҳлаб келади. Демак, таҳлиллар шуни кўрсатадики, улар доимо бир-бирлар тўлдириб, кенгайтириб келади. Шунинг учун ҳам, иловали элементларга хос бўлган бундай хусусиятларни предлоглар ёрдамида ифодаланиб келувчи иловали элементлар таркибида кузатиш мумкин.

### ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Немис тилидаги бадиий асарлардан олинган мисоллар таҳлили шуни кўрсатадики, иловали элементлар функциясида асосан *wegen, trotz* предлоглари кела олишлари мумкин.

1) *Wegen* - предлоги билан келувчи иловали элементлар.

1. Als er wegging von zu Hause und aus dem Dorf, ist er eingetreten. Und hatte dann Arger. Einundsechzig. Wegen der Mauer [Herbert Otto 1972: 87].

2. Helgert beharrte darauf, daß ein solcher Leutnant kommen müsse. Wegen des Beispiels [Hofe Günter 1976: 162].

3. Und das Ende: Krieg, Auflösung von “Marienblute, Aufschluß aus Partei und Verband. Ja, GarlBrenten war aus der Partei und dem Tabakarbeiterverband ausgeschlossen worden. Wegen Disziplinbruchs [Bredel Willi 1980: 451].

Баъзи ҳолларда – *wegen* предлоги олдида сўз бирикмалари келиб, унинг маъно хусусиятини кучайтиради, ёки ажратиб кўрсатади, Натижада *wegen* – предлоги билан келувчи иловали элементларнинг асосий ифодага ёки унинг бирон бир компонентига нисбатан билдирилаётган қўшимча маъно ҳам ҳар хил нозикликларга эга бўлиши мумкин.

Масалан:

4. Nickolas hatte an seiner Lehrerin doch etwas gehangen und sagte ihr zum Abschied: “Ich werde mich öfters bei Ihnen melden, das verspreche ich Ihnen. VorallemwegendesGespenstes”!

5. Peter seufzte. “Ich bin ja nun langsam auch dafür, daß Wolverhampton Grenzen gesetzt werden. Nicht nur wegen meines Auftrages. Auch wegen der schlechten Aussichten für Horsewood [Küster Karl-Heinz 1973: 63].

*Wegen* пред оги бошқа сўзлар ёрдамида мураккаблашиб бориши мумкин. Натижада *wegen* томонидан билдирилаётган қўшимча маъно янада конкретлашади. Бухолни қуйидаги мисоллар намунасида кузатиш мумкин:

6. Wolvehrampton nickte mißmutig. Meinetwegen. [Küster Karl-Heinz 1973: 21].

7. Du mit ihr, die du gewollt hast und bekommen hast ohne weiteres. Nur deinetwegen [Herbert Otto 1972: 109].

8. Sie hat ihre Hand auf deinem Kopf, und mit der anderen sucht sie nach dir. Deinetwegen

[Herbert Otto 1972: 109].

### МУҲОКАМА

1, 2, 3, 4, 5, 6, 7 ва 8 рақамли мисолларда келтирилган иловали элементларнинг таҳлили асосида қуйидагиларни таъкидлаш мумкин: Wegen предлоги билан келувчи иловали элементлар якка ҳолда (1,2,3,8) ва кенгайтирилган (4,5,7) шаклларда келиши мумкин, иловали элементлар томонидан асосий ифодага нисбатан билдириладиган қўшимча маъно асосан сабаб характериға эға.4,5,7-рақамли мисоллардаги иловали элементларнинг структуравий мураккаблашуви уларнинг маъно томонидан янада салмоқлироқ қилиб кўрсатади. Бундай илова конструкция компонентлари орасидаги синтактик алоқалар асосий ифода функциясида келувчи бош бўлақларнинг етакчилиги ва яхлитлиги билан ифодаланади. Структуравий жиҳатдан бу иловали элементлар сода структуравий иловали элементлардир, чунки илова конструкция таркибида асосий ифодаға фақатгина бита иловали элемент бирикиб келаяпти.

Wegen – предлоги айрим ҳолларда мобиллик характериға ҳам эға бўлади, яъни у ўзи бошқариб келадиган сўз ёки сўз бирикмасидан кейин ҳам туриши мумкин. Иловали элементға хос бўлган бундай мобиллик, унинг стилистик функциясини янада кучайтиради, натижада тасвирланадиган воқеа яъни илова ҳодисанинг таъсири кучаяди. Бундай ҳолларда wegen каби предлогларнинг ҳамма вақт ҳам бир жойда, яъни коида талаб қилган жойда келмаслиги билан характерланади. Фикримизнинг исботи сифатида wegen нинг иловали элемент таркибида қўлланилишиға эътибор берайлик:

9. «Zumindest klang es im Radio wie ein Versprechen. Wir alle haben wahrscheinlich in den letzten zehn Jahren den Unterschied zwischen Spuren und Fakten gemacht. Die Amerikaner, die nicht so verächtlich sind, zu vergessen, wie sich etwas anhörte, als ein Krieg» war nicht sehr weit. Sie wollen jetzt keinen. Wegen der Ostzone. Die Russen sind nicht gegen deine Zone.

### ХУЛОСА

Иловали элементларға хос бўлган хусусиятлардан яна бири унинг бутун бир ката матннинг якунловчи компоненти сифатида намоён бўлишидир. Ҳақиқатдан ҳам, иловали элементларнинг маъно хусусиятларига, барча айтилган фикрларға якунйагандай тартибда пайдо бўлади, -hier – нинг иловали элементнинг таркибида ўзи бошқариб келадиган сўздан кейин келиши эса иловали элементларнинг стилистик функциясини янада бойитади ва кенгайтиради.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ахмедова.Б.М. Илова қурилманинг баъзи бир структуравий хусусиятлари (Л. Фейхтвангер асарлари асосида). -Самарқанд: СамДУ. 1997.-53.
2. Бегматов.М.Б.,Тўлдирувчилар билан ифодаланган иловали элементларнинг функциялари''. Номзодлик диссертацияси.-Самарқанд. СамДУ. 1999. 145 б.
3. Бўронов Ж. Б. Немис ва ўзбек тиллари қиёсий грамматикаси. -Т ошкент: «Ўқитувчи», 1973. -284 б.
4. Бушуй А. М. Лингвистика текста и речевая деятельность. Матн ва унинг талқини. Халқароилмий-назарий конференция материаллари (Самарқанд 16-18-ноябр 2000 йил). -Самарқанд: СамДЧТИ, 2000. -б.20- 29.



5. Турсунов Б.Т. Иловали унсурларга хос бўлган хусусиятларни ўзаро мантикий бутунликда ўрганишга доир. Республика илмий амалий конференцияси материаллари. СамДЧТИ, Самарқанд, 2004. -23-26 б.

## РУСЧА ТЕРМИНОЛОГИК ЛУҒАТЛАРНИ ЎРГАТИШДА КЎНИКМАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Қодиров Алижон Нуралиевич

Наманган муҳандислик – технология институти ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6767238>

**Аннотация.** Ушбу мақолада кимёвий –технология йўналишидаги талабаларининг кимё ва технологияларга оид терминларни ўрганишда дуч келинадиган қийинчиликлар ёритилган.

**Калим сўзлар:** кимёвий –технология, атама, мутахассислик.

## ФОРМИРОВАНИЕ НАВЫКОВ РАБОТЫ С РУССКИМИ ТЕРМИНОЛОГИЧЕСКИМИ СЛОВАРЯМИ

**Аннотация.** В этой статье освещаются такие проблемы, как столкновение студентов химико – технологического направления с трудностями в изучении химических и технологических терминов.

**Ключевые слова:** химико – технологический, термин, специальность.

## FORMATION OF SKILLS IN TEACHING RUSSIAN TERMINOLOGICAL DICTIONARIES

**Abstract.** This article highlights issues such as the encounter of chemical engineering students with difficulties in learning chemical engineering terms.

**Key words:** chemical - technological, term, specialty.

## КИРИШ

Кимёвий – технология йўналишларида таълим олаётган талабалар учун рус тили - ҳар томонлама ривожланган ва малакали мутахассисни шакллантиришда катта аҳамиятга эга. Касбга йўналтирилган матнлар устида ишлаш жараёнида талабалар янги маълумотларни оладилар ва ўзларининг луғат бойликларини терминлар билан соҳага оид мунтазам равишда тўлдирадилар. Кимёвий – технология йўналишларида терминларни ўзлаштириш бўйича ўқув қўлланмаларнинг етарли миқдорда эмаслиги ачинарли ҳолат албатта. Ушбу ҳолат ҳар бир талаба учун ўзининг шахсий имкониятларидан тўлиқ фойдаланиши ва очиб бериши учун ҳақиқий таълим шароитларини яратиш зарурати борлигидан далолат беради.

Касбий коммуникатив компетенцияни шакллантириш талабалардан талаб қилинадиган сўз бойлигини тўлдириш ва кенгайтириш туфайли юзага келади, бу билим, кўникма ва малакаларнинг етишмаслигини тўлдириш учун шароит ва имкониятларни излашга руҳий стимуляторларни сафарбар қиладиган техника ва саъй-ҳаракатларнинг комбинацияси. Нотилшунос факультет ўзбек тили гуруҳ талабаларини бундай стратегия ва самарали усулларга мақсадли ва тизимли йўналтириш керак.

Кимёвий – технология йўналишидаги миллий гуруҳ талабаларига рус тилини, хусусан, махсус кимёвий луғатни ўргатиш долзарбдир, чунки атамаларни тўғри билмасдан, ушбу тилни профессионал даражада эгаллашни таъминлаш мумкин эмас. Шу билан бирга, асосий вазифа мутахассиснинг мулоқот қobiliятларини ривожлантиришдир. Таълим стандартига мувофиқ, мутахассис рус тилидан фойдаланган ҳолда касбий

фаолиятни олиб бориши ва рус тили муҳитида профессионал алоқани амалга ошириши керак.

### ТАДҚИҚОТ МЕТОДИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Фаолиятнинг профессионал йўналиши, биринчи навбатда, "рус тили чет тил сифатида" фанини асосий фанлар билан бирлаштиришни талаб қилади; иккинчидан, рус тили ўқитувчиси олдида келажакдаги мутахассисни фанлараро алоқалар асосида тилни ўз касбий билимларини мунтазам равишда тўлдириш воситаси сифатида, шунингдек, касбий маҳоратни шакллантириш воситаси сифатида ишлатишни ўргатиш вазифасини қўяди; учинчидан, бу келажакдаги мутахассиснинг зарур касбий маҳорат ва кўникмаларини шакллантиришни таъминлашга қодир бўлган ўқитиш шакллари ва усулларида фойдаланишни ўз ичига олади.

Кимёвий – технология йўналишларидаги талабаларга рус тилини ихтисосий нуқтини янгича соҳага оид терминлар ёрдамида ёндошишни талаб қилади.

Ушбу ёндашув инсон фаолиятининг маълум бир соҳасидаги сўнгги ютуқларга йўналтирилган бўлиши, талабаларнинг касбий қизиқишларига бевосита таъсир кўрсатадиган соҳалардаги илмий ютуқларни ўз вақтида акс эттириши, уларга касбий ўсиш имкониятини яратиши керак.

Касбий коммуникатив компетенцияни шакллантириш миллий гуруҳлар талабаларининг керакли сўз бойлигини тўлдириш ва кенгайтириш ҳисобига юзага келади. Бунга тегишли фан терминологияси билан тўйинган кимёвий – технология мутахассисликлар бўйича дарсликларнинг матнлари билан ишлаш ёрдам беради, чунки алоқа мазмуни, авваламбор, атроф дунёси объектлари ва ҳодисалари тўплами сифатида концептуал соҳани ўз ичига олади. Лингводидактик мақсадларга эришиш учун чет тили сифатида рус тили ўқитувчиси кимё – технология бўйича ўқитадиган материалнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида маълумотга эга бўлиши керак. Бундай ҳолда анъанавий усул - янги атамаларни таржима қилиш етарли эмас. Агар рус тилини ўрганаётган миллий гуруҳ ўқувчилари асосий маънода мос келадиган сўз бирикмасининг ўзига хослиги сабабли эквивалент сўзларнинг семантик фарқлари тўғрисида тасаввурга ега бўлсалар, на амалий ва на семантик жиҳатлар тўлиқ амалга ошмайди. Ўқитувчининг материалнинг лингвистик хусусиятларини тушуниши ва бир нечта таржима усулидан фойдаланиши муҳим хатога йўл қўймаслик имконини беради.

Луғавий бирикларнинг таржимаси фақат сўзларни контекстан ташқарида ўрганишга имкон беради. Ўқиладиган матнлардаги терминлар, сўзлар, иборалар ҳулоса қилиш фаолиятининг ақлий операциялари объектига айланиши керак. Кимёвий терминологиянинг лингвистик ўзига хослиги ўқитиш технологиясини ривожлантириш учун асосдир.

Кимёвий – технология термини талабаларга асосан ўқиш дарсларида мутахассислик материалларидан фойдаланган ҳолда тақдим этилади. Ўқитувчи ўқиш қобилиятини инсоннинг тарбияси ва ривожланишининг кўрсаткичи деб ҳисоблаш учун ўқитувчи ўқинининг ўзига хос хусусиятларини ва фалсафий, психологик, педагогик асосларни англаш билан лингводидактик машғулотларни бошлаши керак. Чет эллик талабалар томонидан индивидуал таълим режасини ўзлаштириш самарадорлиги ҳам ушбу кўникманинг шаклланишига боғлиқ. Махсус адабиётларни ўқишни бошлаган талабалар

нутқ фаоллигини ҳар хил турлари бўйича шаклланган кўникмаларга эга бўлишлари керак. Мутолаа улар учун нафақат рус тилида ўқиш қобилиятини ошириш, балки, ўз мутахассислиги бўйича ўзлаштирилган ўқув материални амалда қўллай олиш усули ҳисобланади.

### ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Кимё – технология соҳага оид терминларни ўзлаштириш жараёнини оптималлаштириш учун талабалар ўқишнинг тўрт туридан фойдаланиш мумкин: 1).кўриб чиқиш,2). кидириш,3). кириш 4) ўрганиш.

Талабалар тил материални асосий мазмунини тўғри англашлари учун ўқиш турлари билан таниш бўлиши керак; ўқилган мазмунини етказиш (иложи борида батафсилроқ);

матнли материалдан формулаларни, рақамли маълумотларни топиш;

мавжуд маълумотларни тўлдириш учун матнни кўриш;

келгуси амалий ишларнинг схемасини ёки режасини ўз ичига олган матн маълумотидан танлаш.

Матнларни ўқишнинг зарур кўникмаларини шакллантириш учун машқлар тизимидан фойдаланилади. Семантик маълумот олиш учун мақсадли ҳаракатларни таъминлайдиган рецептив кўникма ва қобилиятларни шакллантириш тўрт босқичда амалга оширилади:

- 1) янги лексик ва грамматик материалда - матнда тақдимот ва йўналиш;
- 2) лексик ва грамматик материалларни таниб олиш ва тушуниш учун қабул қилиш операцияларини автоматлаштириш мақсадида мақсадга мувофиқ ўқитиш;
- 3) ҳар хил турдаги ўқишдан коммуникатив ўқишга ўтишда фойдаланадиган кўникмаларни автоматлаштиришни яқунлаш;
- 4) бутун матнни, унинг умумий мазмуни ва тафсилотларини, матннинг тил дизайнини ва унинг мантикий-семантик тузилишини аниқ ва тўлиқ англаш қобилиятини шакллантириш.

### НАТИЖА

Адабиётда ва амалда ўқишни ўқитиш тизимларининг кўплиги ва хилма-хиллиги билан, уларнинг аксарияти, ўқув бирлиги сифатида матнга асосланиб, тайёргарлик, шартли-коммуникатив ва тўғри-коммуникатив бўлинмаларга бир вақтнинг ўзида бўлиниш билан машқдан олдин, матндан олдин ва матндан кейинги кичик тизимларни ўз ичига олади. Ҳар бир машқ турли хил хусусиятларга эга. Бу рецептив ёки репродуктив, аспектли ва мураккаб, оғзаки ёки ёзма, бир тилли ёки икки тилли, "овоз чиқариб" ўқиш, "ўзига" ва ҳоказо бўлиши мумкин.

Ўқувчининг коммуникатив компетенциясини шакллантирувчи машқлар қаторига қуйидагилар кириди:

- 1) асосий нарсани ажратиб кўрсатиш қобилиятини ривожлантирадиган машқлар;
- 2) кўникмаларни ривожлантириш, сўз ҳосил қилиш асосида тахмин қилиш машқлари;
- 3) расмий-мантикий компетенцияни шакллантирадиган машқлар.

Ўқишни ўқитишда нафақат янги кўникмаларни ривожлантириш, балки эски ёмон одатлардан воз кечиш ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиши керак. Буларга сўзма-сўз, кечиктирилган, имтиёзли овоз чиқариб ўқиш, шунингдек оғзаки нутққа мойиллик киради.

### **МУҲОКАМА**

Мутахассислик тилини ўқитиш тизимини лингвотехник асосини яратиш тизимини яратиш учун тил материалларини қатъий танлаш муҳим аҳамиятга эга. Бу рус тилини чет тили сифатида ўқитиш жараёнини максимал даражада ошириш ва тезлаштиришга имкон беради. Энг кўп ишлатиладиган лексик бирликларни, типик синтактик конструкцияларни танлаб, уларни маълум тартибда жойлаштириш керак. Бу талабаларнинг ассимиляция бўйича фаол билим ишларини ва кейинчалик уларни реал вазиятда қўллашни белгилайди.

Рус тилининг она тили бўлмаган кимёвий терминологиясини ўқитишнинг якуний мақсадларига қараб, ўқув луғатининг энг самарали турини танлаш керак. Минимал таълим луғати маълум миқдордаги терминологик бирликларга асосланади, шунинг учун уларни ўрганиш луғат материални киритиш ва янгилаш кетма-кетлигини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилиши ва амалга оширилиши керак. Бундай кетма-кетлик ўрганишда қулайлик ва мақсадга мувофиқликни таъминлайди, ҳуқуқий терминларни ўзлаштиришдаги қийинчиликларни камайтиришга ёки олдини олишга ёрдам беради.

Русча терминологик луғатни ўргатиш одатда кўникмаларни шакллантириш босқичларига мувофиқ равишда кўриб чиқилади. Шу муносабат билан қуйидаги кетма-кетлик қўлланилади:

- сўз бойлигини киритиш;
- тайёргарлик машқлари (тил);
- нутқ машқлари.

Миллий гуруҳ талабалари томонидан рус тилида профессионал тарзда йўналтирилган нутқни ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг муҳим шартларидан бири - уларнинг сўзларнинг мослигини, сўз бирикмаларининг тузилишини, терминологик сўзларни бутун жумлага қўшилиш, бошқариш, синтактик алоқалар асосида ишлатиш қобилиятини аниқлаш бўйича кўникма ва малакаларни ривожлантиришдир. Тилни билиш маълум миқдордаги сўзларни билишни эмас, балки одатдаги сўз бирикмаларини ўзлаштиришни назарда тутди. Талабаларнинг қабул қилиш қобилиятларини ривожлантиришлари муҳим, чунки илмий нутқ сўзламасдан олдин, улар бировнинг нутқини ўқиш ёки тинглаш орқали ифода этиш учун маълум материал тўплашлари керак. Агар миллий гуруҳ талабалари ундаги грамматик ва лексик элементларни аниқласа ва тушунса, сўзлар орасидаги мантиқий алоқаларни ва муносабатларни ўрнатса, ўрганилаётган тилнинг турли хил сўзлари, шакллари ва тузилмаларини тушунса, рус илмий нутқини идрок этиш янада муваффақиятли ва эркин амалга оширилади.

### **ХУЛОСА**

Шундай қилиб, профессионал йўналтирилган матнлар устида ишлаш жараёнида талабалар янги маълумотларни олишади ва ўзларининг терминологик луғатини мунтазам равишда тўлдирадилар

Бунга энг катта даражада мутахассисликнинг маълум бир тилда ўқитишда ёрдам беради. Бу ўқувчиларга янги маълумотларни идрок этиш, чет тили терминологик

(кимёвий) бирликларини ўзлаштириш, улардан оғзаки ёки ёзма нутқда фойдаланиш учун зарур бўлган билим, кўникма, қобилият, ақлий ва шахсий фазилатлар тизимини сафарбар қилишга имкониятини беради.

Рус тилини она тили бўлмаган тил сифатида ўрганиш учун ажратилган соатларнинг чекланганлигини ҳисобга олган ҳолда, рус тилидаги профессионал нутқни ривожлантириш бўйича ишлар ҳар томонлама - сўз, ибора ва тўлиқ матн билан олиб борилиши керак.

*Фойдаланилган адабиётлар:*

1. Гальскова Н.Д. Современная методика обучения иностранному языку.
2. Гапочка И.К. Пути совершенствования методики обучения русскому языку как иностранному И.К. Гапочка Традиции и новаторство в профессиональной деятельности преподавателя русского языка как иностранного.
3. Мотина Е.И. Язык и специальность: лингвометодические основы обучения русскому языку студентов-нефилологов Е.И. Мотина.
4. Образцов П.И. Профессионально-ориентированное обучение иностранному языку на неязыковых факультетах вузов П.И. Образцов, О.Ю. Иванова.
5. Фоломкина С.К. Обучение чтению на иностранном языке в неязыковом вузе С.К. Фоломкина.
6. Скибицкий Э.Г. Методика профессионального обучения: Учеб. пособие Э.Г. Скибицкий, И.Э. Толстова, В.Г. Шефель. Новосибирск: НГАУ



## ТАЛАБА ХОТИН-ҚИЗЛАРДА ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ТАМОЙИЛЛАРИ ВА ИЖТИМОЙ- ПЕДАГОГИК ОМИЛЛАРИ

Турсунова Дилнавоз Тўлқин қизи

Фарғона давлат университети Мактабгача таълим кафедраси ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6767421>

**Аннотатсия.** Мақолада давлатнинг хотин-қизларга доир сиёсати, бу борадаги устивор йўналишлар ва тамойиллар, уларнинг ижтимоий-педагогик асослари, талаба қизларнинг ижтимоий муҳофаза қилиш зарурати, унинг маънавий аҳамиятига оид илмий хулосалар берилган.

**Калим сўзлар:** фаоллик, ижтимоий фаоллик, талаба, хотин-қизлар, оила институти, демократик қадрият, маънавий тарбия.

## ПРИОРИТЕТНЫЕ ПРИНЦИПЫ И ПСИХОЛОГО-ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ФАКТОРЫ РАЗВИТИЯ СОЦИАЛЬНОЙ АКТИВНОСТИ У СТУДЕНТОК

**Аннотация.** В статье даются научные выводы о политике государства в отношении женщин, основных направлениях и принципах в этом отношении, их социально-педагогической основе, необходимости социальной защиты студенток, их духовной значимости.

**Ключевые слова:** активность, социальная активность, студент, женщина, институт Семьи, демократические ценности, духовное воспитание,

## PRIORITY PRINCIPLES AND PSYCHO-PEDAGOGICAL FACTORS OF DEVELOPMENT OF SOCIAL ACTIVITY IN FEMALE STUDENTS

**Abstract.** The article gives scientific conclusions on the policy of the state on women, the main directions and principles in this regard, their socio-pedagogical basis, the need for social protection of student girls, their spiritual significance.

**Keywords:** activity, social activity, student, Women's, democratic value, Spiritual Education, Family Institute.

## КИРИШ

Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ва социал фаоллигини ошириш, уларнинг турли соҳа ва тармоқларда ўз қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариши учун шарт-шароит яратиш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя қилинишини таъминлаш, оналик ва болаликни ҳар томонлама қўллабқувватлаш, шунингдек, оила институтини мустаҳкамлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда,

Мамлакатимизнинг мустақилликка эришиши жамият ва халқ ҳаётининг барча соҳалари қатори, хотин-қизларнинг ижтимоий ва иқтисодий жараёнлардаги ўрни ва аҳамияти билан боғлиқ жабҳаларида туб бурилишлар ясади. Ушбу жараённинг таркибий қисми сифатида намоён бўлган бозор муносабатларига асосланган ҳуқуқий-демократик, фуқаролик жамияти асосларининг мустаҳкамланиши туфайли давлатнинг хотин-қизларга доир сиёсати тўғрисидаги қарашлар ва бунда ижтимоий муносабатларнинг қарор топиши натижасида ёш авлод қиёфасидаги ўзгаришлар ҳамда бу ўзгаришларнинг ижтимоий тараққиётга таъсири муаммоларини ўрганиш бугунги кунда муҳим аҳамиятга эга бўлиб бормоқда.

Ушбу йўналишдаги фаолиятнинг тўғри ташкил этилиши, нафақат жамият тараққиётини таъминлаш, балки яна кўплаб соҳалар, ҳатто уни бошқаришга ҳам ижобий жиҳатдан таъсир этиб, ижтимоий-сиёсий жараёнлар ривожини таъминлай олиши маълум бўлмоқда. Шундай экан, ижтимоий фанлар тизимида давлатнинг хотин-қизларга доир сиёсати билан ушбу масала чуқур ўрганилиши, айниқса ижтимоий фалсафа, социология ва сиёсий фанларда эътибор билан таҳлил қилиниши лозимлиги давр талабига айланиб бормоқда.

Хотин-қизлар ўзини англаётган бугунги давр икки хусусияти билан ажралиб туради.

*Биринчидан*, азалдан ижтимоий-сиёсий воқеликда авлодлардан-авлодларга сингиб келган миллий ва умумбашарий қадриятлар тизими мавжуд.

*Иккинчидан эса*, замонавий жамиятларга хос, баъзан шахсий индивидуализм ғояларини ўзига сингдирган либерал қадриятлар тизими хотин-қизларга ўз таъсири ўтказди. Шу билан бирга, жамиятда кечаётган табақаланиш, ижтимоий қатламларнинг ранг-баранг гуруҳларга бўлиниш жараёни хотин-қизларда ватанпарварлик ва миллатпарварлик хусусиятларини шакллантиришга бўлган талабни бир-неча бор оширади. Натижада бойлар – камбағаллар, маҳаллий халқ – келгиндилар, шаҳарликлар – қишлоқликлар, «бизники»лар – «ўзгалар», зодагонлар – омилар, омаддилар – омадсизлар, етакчилар – аутсайдерлар (четда қолиб кетганлар) каби турли-туман ва тамоман бири-биридан ўзгача қатламларни бирлаштириб, бош мақсадларга йўналтириб, ўзаро ҳамфикр ва ҳаммаслак қила оладиган ягона мафкура, ягона ғоявий тизим зарурлиги кун тартибига чиқади.

### **ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ**

Талаба хотин-қизларда ижтимоий фаолликни ривожлантиришнинг фалсафий, ижтимоий-антропологик масалалари А.Бегматов, А.Маврулов, Г.Туленова, Ж.Туленов, М.Каҳҳарова, Э.Юсупов ва бошқаларнинг изланишларида тадқиқ қилинган.

Талаба хотин-қизларда ижтимоий фаолликни ривожлантиришнинг педагогик масалалари юзасидан Б.Адизов, Б.Рахимов, Г.Ж.Туленовалар, Д.Рўзиева, Д.Шарипова, З.Исмаилова, Қ.Қ.Куранбоев, М.Қуроно, М.Махмудова, Н.А.Муслимов, Н.Ортиқов, Н.Эгамбердиева, О.Жамолдинова, О.Мусурмонова, Р.Джураев, Ў.Қ.Толипов, У.Маҳкам, Х.И.Ибрагимов, Ш.Мардонов, Ш.Шарипов, Ш.Шодмоновалар томонидан илмий изланишлар амалга оширилган.

Мазкур муаммо юзасидан хорижлик А.Аmutio, А.Сmit, А.Уolanda, К.Франко, L.Бreeman, R.Сears, R.O.Рenye каби олимлар томонидан тадқиқот ишлари олиб борилган.

### **ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ**

Бугунги шиддатли ва зиддиятли замонда хотин-қизлар тафаккурини миллийлик руҳида шакллантириш табиий равишда хотин-қизларни мафкуравий таҳдидлардан асраш масаласини долзарб муаммога айлантиради. Чунки, Ш.Пахрутдинов таъкидлаганидек, «Таҳдид – ижтимоий-сиёсий вазият бўлиб, у муайян тарихий даврда аниқ бир мақсадга, яъни ижтимоий тизим сифатида давлатнинг сиёсий асосларини заифлаштиришга, емиришга, шунингдек, инсон ҳаётий фаолиятини издан чиқаришга, умуман яшашни чигаллаштиришга қаратилган ҳудудий-минтақавий, умумсайёравий омилларнинг кириб келиши туфайли содир бўлади. Бу эса, ўз навбатида, зарурий чора-тадбирлар тизимини

ишлаб чиқишни тақозо этадики, унинг амалга оширилиши натижасида мамлакатда сезиларли ижобий силжишлар рўй беради»[1].

Айни пайтда, хотин-қизларда турли давлат ва жамоат ташкилотлари фаолиятида мувофиқлаштиришнинг етарли даражада эмаслиги кўзга ташланади.

Демак, бугунги кунда хотин-қизларнинг тармоқланган замонавий инфраструктурасини ташкил этиш, унинг фаолиятини мунтазам таҳлил қилиш ва молиялаш зарур. Хотин-қизлар ижтимоий фаоллигини турли нодавлат ва жамоат ташкилотлари тизими орқали бошқариш ҳамда давлат равнақиға йўналтириш хотин-қизлар ва давлат мақсадларининг яхлит олиб борилишига хизмат қилади. Шу маънода, хотин-қизларнинг замонавий ахборотларга бўлган эҳтиёжини қондиришга қаратилган турли тизимлар фаолиятини ривожлантириш, ахборот-таҳлил, таълим, техник маркаслар ишини яхши йўлга қўйиш уюшмаган хотин-қизларни илмий-қийсий ва илмий-назарий жиҳатдан ўрганишга имкон яратади. Шунингдек, хотин-қизлар масалаларини илмий тадқиқ этиш бўйича ягона методик стандартларни яратиш ҳам давр талабидир.

Хотин-қизлар билан ишлашнинг янги замонавий услублари улар фаолиятини яхши йўлга қўйиш ва тафаккурини шакллантиришга қаратилган турли тадбирларни, сиёсатшунослик, социология, педагогика, психология каби фан соҳаларининг умумий саъй-ҳаракатларини, яъни илмий изланишларни талаб қилади. Хотин-қизлар билан ишлашнинг барча замонавий услубларини миллий манфаатлар асосида қайта шакллантириб, амалиётга жорий этиш долзарб муаммодир. Бугунги кунда хотин-қизлар қатламининг ўзида турлитуманлик, ранг-баранглик, манфаатлар хилма-хиллиги кузатилади. Ана шу ранг-баранглик асосида ҳар бир ёш учун иш услубларини тўғри белгилаш, уни демократик қадриятлар руҳиятида тарбиялаш хотин-қизларни бузғунчи ғоялардан асрашнинг самарали шакли ҳисобланади. Шу билан бирга, манфаатлар хилма-хиллиги асосида жамиятда ички зиддиятлар ортиб боради. Бунда турли манфаатли хотин-қизларни бош мақсад – фуқаролик жамияти куриш атрофида бирлаштириш истиқболдаги барқарорлик, тинчлик ва фаровонлик асоси бўлиши табиий.

Хотин-қизлар билан ишлашнинг замонавий усул ва воситаларини илмий-назарий жиҳатдан ишлаб чиқиш сиёсатшунослик фани олдида турган долзарб вазифалардандир. Хотин-қизларда сиёсий жараёнлар, мамлакатда кечаётган ислохотларга ижобий муносабатни шакллантириш, уларда сиёсий қадриятлар тизимиға қизиқиш уйғотиш, уларнинг сиёсий ва ҳуқуқий билимларини ошириш, давлат ва хотин-қизларнинг манфаатларини уйғунлаштириш, ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш айнан хотин-қизлар билан ишлашнинг замонавий усул ва воситалари масаласиға боғлиқ. Хотин-қизлар ва давлат орасида бевосита вертикал ва горизонтал мулоқот, яъни ахборот коммуникациялари ҳамда транспарентликни жорий этиш улар ўртасида ишонч ва янгиланишларға алоқадорлик ҳиссининг ортишиға хизмат қилади. «...ахборот коммуникация технологиялари қанчалик ривож топгани сари, унинг афзаллиги ва қулайликларидан фойдаланиш билан бир қаторда, бутун мамлакатимизда ахборот хавфсизлигини таъминлаш энг долзарб масалаға айланиб бормокда»[2].

Ижтимоий педагогика нуқтаи назаридан, давлатнинг хотин-қизларға доир сиёсатининг ижтимоий-иқтисодий асослари билан боғлиқ ҳодиса ва жараёнлар ўзаро диалектик алоқада ўрганилиб, яхлит бир ижтимоий объектни ташкил этишини алоҳида

таъкидлашимиз лозим. Давлатимизнинг ушбу йўналишдаги сиёсатига хос алоҳида олинган ҳодиса ва жараёнларни ушбу яхлит тизимнинг айрим элементлари сифатида эътироф этишимиз зарурлиги аён, албатта.

Замонавий Ўзбекистон тажрибаси шундан далолат берадики, мустақилликнинг ўтган йиллари давомида жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислохот натижалари, халқ маънавиятининг тикланиши, бой, миллий тарихий меросимизнинг кенг ўрганилиши, анъаналарнинг асраб-авайланиши, маданият ва санъат, фан ва таълим равнақи хотин-қизларга оид сиёсат самарадорлигини ошириш масалалари билан узвий боғлиқдир. Бу соҳалардаги ислохотлар ва уларнинг бугунги кундаги юксак натижалари ушбу сиёсатнинг самарали амалга ошишини таъминлашга қаратилган нафақат иқтисодий, сиёсий омиллар, балки маънавий асосларнинг ҳам ниҳоятда мустаҳкам заминга таянишини яққол кўрсатиб турибди.

Масаланинг бу жиҳатини тадқиқ қилган баъзи олимлар самарали хотин-қизлар сиёсати Ғарб цивилизациясининг бир неча асрлик тараққиёти натижаси ва бугун унинг ютуқлари ушбу соҳада акс этмоқда деб ҳисоблайдилар. Аммо масалани кенг таҳлил қилиш, айниқса Шарқ қомусий олимларининг меросини чуқур ўрганиш, бу қарашларнинг бир томонлама хусусиятга эга эканлиги, уларда кўпроқ европамарказчилик тенденциялари устиворлигини яққол кўрсатади. Шу билан бирга, таҳлил Шарқ халқларига хос хотин-қизлар тарбияси тамойиллари ва бу соҳада узоқ тарихий тараққиёт натижасида шаклланган маънавий омиллар ва урф-одат ҳамда миллий анъаналар замонавий Ўзбекистонда хотин-қизларга доир давлат сиёсатини ташкил қилиш ва амалга оширишнинг муҳим асосларидан бири бўлаётганидан далолат беради. Айни шу маънода, «...Шарқ фалсафасини теран ўрганиш, шу асосда улуғ маданиятимиз ва қадриятларимиз илдизларини жонлантириш, яқин ўтмишимиздан қолган мафкурадан халос бўлиш, ўзимизнинг асрлар синовидан ўтган, улуғ аجدодларимиз бизга қолдирган миллий мафкура ва тафаккуримизни тиклаш, уни замонавий умумбашарий руҳ билан бойитиш ҳаммамизнинг долзарб вазифамиздир»[3].

Узлуксиз ва кенг қамровли бу жараён туфайли мамлакатимиз аҳолиси, айниқса ҳали тажрибаси йўқ, эндигина ҳаётга кириб келаётган хотин-қизларимизни ёт ва бегона ғоялар таъсиридан ҳимоялаш, уларда мустақиллик тафаккури ва замонавий дунёқарашни шакллантириш давлатимиз сиёсатининг ниҳоятда долзарб жабҳаларидан бирига айланмоқда. Аммо бу соҳада муаммолар йўқ, деб бўлмайди, амалга оширилиши лозим бўлган долзарб масалалар ҳам талайгина.

### **МУҲОКАМА**

Айни вақтда дунёда глобаллашув жараёнлари кучайиб, янги таҳдид ва тажовуз ўчоқлари кўпайиб, янада хатарли даражада намоён бўлаётгани маънавий-маърифий ишларни янги босқичга кўтаришни талаб этмоқда. Бу эса соҳада тўпланиб қолган қатор муаммоларни ҳал қилишни тақозо этади. Жумладан, хотин-қизларимиз онги ва қалбини забт этишга қаратилган маънавий таҳдидларнинг асосий қисми интернет орқали амалга оширилаётганига қарамай амалда тарғибот ишларини анъанавий шаклда ўтказиш билан чекланилмоқда;

олий таълим муассасаларида ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш сифати, хусусан, миллий ғоя ва маънавият асослари ихтисослиги бўйича тайёрланаётган бакалавр ва магистрларга қўйилаётган вазифалар бугунги кун талаблари даражасида эмаслиги

уларнинг мафкуравий кураш олиб бориш борасида тўлақонли, профессионал мутахассислар бўлиб етишиши имконини бермаяпти;

ойла, маҳалла ва таълим муассасаларида хотин-қизлар тарбиясида халқимизнинг бебаҳо маънавий бойлиги – миллий тарбия усуллари етарли жорий этилмаганлиги жамиятда меҳр-оқибат, оилавий тотувлик, каттага ҳурмат, кичikka иззат, хотин-қизларга эъзознинг сусайишига олиб келди, хотин-қизларда таълим олишга бўлган қизиқиш ва давомат жиддий ижтимоий муаммога айланди.

Мамлакатимизда ушбу қайд этилган ҳолатларга барҳам бериш, хотин-қизлар орасида соғлом маънавий муҳитни шакллантириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ҳамда ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Зеро, Президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаб ўтганидек, «жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларда қонунга ҳурмат ҳиссини кучайтириш ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашишда фаол қатнашаётган инсонларни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилиши лозим»[5]. Аммо, шунга қарамай хотин-қизлар орасида ўз жонига қасд қилиш, гиёҳванд, алкоголь маҳсулотларини истеъмол қилиш, ОИТС ва ОИВ касалликлари билан касалланиш каби салбий ҳолатлар сақланиб қолмоқда.

Бу нуқтаи назардан, алоҳида қайд этиш жоизки, хотин-қизларга доир давлат сиёсати қотиб қолган ва ҳеч қачон ўзгармайдиган константаларнинг оддий йиғиндиси эмас, балки жамият тараққиёти ва давр талаблари таъсирида муттасил янгиланиб, замонга мослашиб борадиган усул ва воситалар, амалга ошириладиган чора-тадбирлар, турли дастурлар мажмуидир.

Шу маънода, ҳар қандай даврда ҳам, унинг амалга оширилиши, чуқур диалектик жараён бўлиб, муттасил ўзгаришлар ва янгиланишларни назарда тутиш зарурлигини англатади. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг қуйидаги фикри хотин-қизларга оид давлат сиёсатининг бугунги кунлардаги энг асосий мақсад-муддаолари ва устивор йўналишларини аниқлаш ва англашда ниҳоятда муҳим назарий дастуруламал бўлиб ҳисобланади: «Бундай кескин ва таҳликали шароитда биз ота-оналар, устоз-мураббийлар, жамоатчилик, маҳалла-қўй бу масалада ҳушёрлик ва огоҳликни янада оширишимиз керак. Болаларимизни бировларнинг қўлига бериб қўймасдан, уларни ўзимиз тарбиялашимиз лозим. Бунинг учун хотин-қизларимиз билан кўпроқ гаплашиш, уларнинг қалбига кулоқ солиш, дардини билиш, муаммоларини ечиш учун амалий кўмак беришимиз керак. Бу борада уюлмаган хотин-қизлар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратишимиз зарур. Бу вазифаларни амалга оширишда биз асрлар мобайнида шаклланган миллий анъаналаримизга, аجدодларимизнинг бой меросига таянамиз. Фарзандларимиз, айниқса, қиз болаларнинг замонавий билим ва касб-ҳунарларни, хорижий тилларни эгаллашлари, ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлиб, ҳаётдан муносиб ўрин топишлари учун барча куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз»[7]

### ХУЛОСА

Хуллас, талаба хотин-қизларда ислохотларга дахлдорликни шакллантиришда янгиланиш ва ворисийлик тамойилларининг қисқа таҳлили давлатимизнинг хотин-қизларга оид сиёсати ҳаётнинг барча соҳаларидаги кенг қамровли ислохотлар, жамиятдаги туб ўзгариш жараёнлари билан боғлиқ равишда амалга ошмоқда. Истиқлолнинг дастлабки давриданок, хотин-қизларга оид давлат сиёсати уларни ижтимоий ҳимоялаш, демократик



ва фуқаролик жамияти барпо этишнинг фаол иштирокчиларига айлантириш, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, турли соҳалардаги имкониятларини янада кенгайтириш каби масалаларни ҳал қилишга йўналтирилди. Шу аснода, хотин-қизларга жамият ривожиди «портлаш» эффектини вужудга келтирувчи омил, мамлакат кадрлар заҳирасини шакллантирувчи асосий куч, келажакка қаратилган бунёдкорлик фаолиятида таянч ва суянч сифатида қараш анъанаси шаклланди. Бугунги кунда хотин-қизларда ислохотларга дахлдорликни шакллантиришда янгиланиш ва ворисийлик тамойилларини барқарор қилишга қаратилган хотин-қизлар сиёсати мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш мақсадлари билан узвий алоқадорликда амалга оширилмоқда. Бу эса ўз навбатида, хотин-қизларга оид давлат сиёсатининг янги босқичига қадам қўйгани, сифат жиҳатидан ўсгани, такомиллашгани ва самарали амалга оширилаётганидан далолат беради.

Ушбу фикрдан кўринадики, айнан хотин-қизлар сиёсатини амалга оширишда юксак маънавиятли кишиларни, яъни маънан баркамол авлодни шакллантирмай туриб, бугунги мустақиллик даврига мос хотин-қизларга хос бўлган кадриятлар, идеаллар ва тамойилларни қарор топтириб бўлмайди. деган чуқур маъноли сўзлари бежиз айтилмагани яққол кўринади. Ушбу сўзлар ўтган аср бошидақанчалар муҳим ва долзарб бўлган бўлса, ҳозирги вақтда ҳам шунчалик муҳим ва долзарб аҳамият касб этмоқда.

#### *Адабиётлар:*

1. Пахрутдинов Ш. Таҳдид – ҳалокатли куч. – Тошкент: Академия, 2001. – 11-12-б.
2. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. Халқ сўзи. 2016 йил, 15 декабрь.
3. Ғуломов С. Маънавий ривожланиш – миллий тикланиш омили // Фалсафа ва ҳуқуқ. – Тошкент: 2008. – Махсус сон. – 9 б.
4. Абу Ҳомид Ғаззолий. Кимийе саодат. -Тошкент: Адолат, 2005. 29 бет.
5. Мирзиёев Ш.М. Демократик ислохотларни изчил давом эттириш, халқимиз учун тинч ва осойишта, муносиб ҳаёт даражасини яратиш – барқарор тараққиёт кафолатидир // URL – <http://uzlidep.uz/uzc/news/demokratik-islokhotlarni-izchil-davom-ettirish-halkimiz-uchun-tinch-va-osoyishta-munosib-khayot>
6. Тайлакова Ш.Н. Ўқувчи – хотин-қизлар маънавиятини оммавий ахборот воситалари асосида такомиллаштириш (телекўрсатувлар, радиоэшиттиришлар ва интернет хабарлари мисолида). Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати. – Тошкент, 2019. – 22 б.
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. – Халқ сўзи, 2016 йил 8 декабрь
8. Сиддиқов, И. Б. (2018). Социально-философские аспекты формирования интеллектуальной культуры молодежи. *Theoretical & Applied Science*, (1), 61-66.
9. Bakhromovich, S. I. (2018). Social and philosophical performance of making youth's intellectual culture. *European science review*, (7-8).
10. Сиддиқов, И. Б. (2019). Государственная политика в отношении молодежи в Узбекистане: национальный опыт и реальная необходимость международных



инициатив. In *Условия социально-экономического развития общества: история и современность* (pp. 38-43).

11. Bakhromovich, S. I. (2020). Effects of Objective and Subjective Factors to Develop Intellectual Culture of Youth. *Canadian Social Science*, 16(2), 55-59.

## ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ФОРМИРОВАНИЯ БУДУЩЕЙ УПРАВЛЕНЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЫ В РАЗВИТИИ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ МОБИЛЬНОСТИ

Низамова Муяссархон Нуритдиновна

преподаватель НамГУ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6768047>

**Аннотация.** В статье представлен обзор развития профессиональной мобильности будущих менеджеров, комментарии о понятии мобильности, ее реализации, применении, содержании, сущности и структуре. Также освещается содержание видов мобильности в образовании и функции, составляющие сущность профессиональной мобильности.

**Ключевые слова:** мобильность, профессиональная мобильность, будущие менеджеры, функции, структура, мобильность, академическая, профессиональная, личностная, коммуникативная, инновационная, информационная, познавательная, лидерство, самоуправление.

### PEDAGOGICAL FUNDAMENTAL FORMATION OF FUTURE MANAGEMENT CULTURE AND DEVELOPMENT OF PROFESSIONAL MOBILE

**Abstract.** The article provides an overview of the development of professional mobility of future managers, comments on the concept of mobility, its implementation, application, content, essence and structure. The content of types of mobility in education and the functions that represent the essence of professional mobility are also covered.

**Keywords:** mobility, professional mobility, future managers, functions, structure, mobility, academic, professional, personal, communicative, innovative, information, cognitive, leadership, self-management.

### ВВЕДЕНИЕ

Профессиональный уровень специалиста в области менеджмента современный. Он должен отвечать научным, практическим, информационным, технологическим, этическим и культурным потребностям общества, иными словами, должен быть специалистом с высокой управленческой культурой.

Задача формирования культуры управления в эпоху глобализации требует разработки новых разработок в области профессионального образования в связи с реалиями местных социально-экономических, культурных, этнодемографических хозяйственных практик, отвечающих национальным интересам страны. Подготовка современных управленцев – еще одна проблема для системы образования.

возлагает ответственность. Потому что любой зрелый коллектив – это плод эффективной системы образования. Учебная деятельность направлена на выявление содержания соответствующих понятий при изучении событий. Каждая наука отражает предмет своего исследования в понятиях и категориях, без которых невозможно построить теорию, объясняющую истину. Образование – это не совокупность разных понятий, а понятийное, отраженное в их терминологическом аппарате должна иметь взаимосвязанную систему. В последнее время эта проблема стала очень актуальной, так как появилось много новых понятий и терминов, неурегулированность этого процесса, отсутствие собственного

теоретического и понятийного аппарата в менеджменте создали различные запутанные ситуации. Диалектика знания состоит в том, что любое новое знание возникает в оболочке старых понятий, необходимых нам для объяснения новых понятий.

По сравнению с понятиями «управление», «лидерство», «команда управление», «управление производством» термины специфичны. Научная современная практика использования термина «менеджмент» в терминологии он охватывает три основных значения:

- Джарайони Процесс управления людьми в организациях;
- Управленческие науки;
- орган управления и входящие в его состав лица.

### **МАТЕРИАЛЫ И МЕТОДЫ**

Э.А. Уткин менеджмент «является социально-экономическим аспектом управления особый вид профессиональной деятельности, направленный на достижение оптимальных экономических результатов предприятием, функционирующим в рыночных условиях, на основе применения различных принципов, функций и методов механизма.

Под профессиональной мобильностью мы понимаем интегративный признак, представляющий собой развитие способности к саморазвитию в изменяющихся условиях профессиональной деятельности, находить быстрые решения в определенных ситуациях, понимать профессиональные потребности и быть готовым адаптироваться к современным требованиям. Кроме того, будущие менеджеры обладают знаниями и навыками понимания понятий социальной жизни, образовательной среды и профессиональной деятельности, управления меняющимися ситуациями, быстрой адаптации, целеустремленности, саморазвития, построения отношений, работы с информацией, понимания содержания сотрудничества и представляет необходимость иметь навыки.

Уточним содержание видов мобильности в образовании, а они следующие:

Академическая мобильность означает, что студенты или преподаватели обучаются или преподают в течение определенного периода времени в высших учебных заведениях страны или за рубежом по договоренности.

Профессиональная мобильность — «профессиональная мобильность» — это способность и готовность человека работать быстро и успешно, а приобретение новых приемов и технологий, приобретение недостающих знаний — это деятельность знаний и умений, обеспечивающая эффективность ориентации к новой профессии.

### **РЕЗУЛЬТАТЫ**

М. Мескон, М. Альберт и Ф. Хедури «руководство» организации формировать свои цели через других людей и достигать их процесс планирования, организации, мотивации и управления» [3]. В этом тарифе показаны основные функции управления. В.В. По словам Глухова, понять термин «менеджмент» крайне сложно.

Он определяет функцию, но люди, которые ее выполняют, также представляют социальную и формальную позицию, а также представляют область академической дисциплины и исследований. ОПЕРАЦИОННЫЕ СИСТЕМЫ. Виханский и А.И. Наумов отмечал, что внутри организации управленческая деятельность руководителя строится в соответствии с функциями управления, которые в своем общем объеме отражают специфику управленческой работы, ее содержание, порядок и системную целостность.

## ВЫВОДЫ

В заключение следует отметить, что развитие профессиональной мобильности будущих менеджеров в высших учебных заведениях в сфере педагогики является одним из наиболее актуальных вопросов на сегодняшний день. Профессиональная мобильность позволяет будущим менеджерам выработать уникальный подход, знания, навыки и умения быстро адаптироваться к непредвиденным ситуациям и изменениям. Индивидуальные интегративные качества внутренней готовности представляют собой совокупность таких характеристик, как высокая мотивация, знания, открытость к изменениям, адаптивность к различным ситуациям, быстрота мышления, любознательность, креативность и активность учащихся. Личностные интегративные качества создают их совершенный образ и развивают профессиональную мобильность на основе их мировоззрения, уровня мышления, ощущения продукта своей деятельности.

### *Список использованной литературы:*

1. Указ Президента Республики Узбекистан «О Стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан» // Собрание законодательства Республики Узбекистан. – Т.: 2017. – С.39.
2. Горюнова Л.В. Составляющие профессиональной мобильности современного специалиста // Известия высших учебных заведений. Поволжский район. - 2007 - № 1 - с. 63-68.
3. Сорокин П.А. Социальная и культурная мобильность. Бесплатная пресса Гленко, штат Иллинойс. - 654 с. - URL-адрес: <https://archive.org/details/in.ernet.dli.2015.275737>.
4. Аннотированный словарь узбекского языка. Том 2 / Редколлегия: Мирзаев Т. и др., Институт языка и литературы АН РУз. – Т.: «Национальная энциклопедия Узбекистана» ГНИЗ, 2006 г. – 672 с.

## TIL TA'LIMIDA O'QUVCHILARNING MATN YARATISH KO'NIKMASINI O'STIRISH

Shaxnoza Muxtarova

Toshkent viloyati Chirchiq davlat pedagogika universiteti, O'zbek tilshunosligi kafedrası  
o'qituvchisi

Humoyun Umaraliyev Abdulahad o'g'li

Chirchiq davlat pedagogika universiteti, Gumanitar fanlar fakulteti 3-bosqich talabasi

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6772551>

**Annotatsiya.** Insoniyatning ijtimoiy-siyosiy taraqqiyoti uchun zarur bo'lgan ilmiy manbalarni avlodlarga meros qilib qoldirish uchun birdan – bir imkoniyat – matn va yaratish ilmi bilan shug'ullanishdir. Demak til imkoniyat, matn esa natijadir; matn egallagan bilim, ko'nikma va malakalar hosilasi.

**Kalit so'zlar:** ma'naviy nufuz, so'z boyligini oshirish, universal texnologiyalar, mantiqiy mushohada, metodik qo'llanma, ijodiy tafakkur, sifat.

### УЛУЧШЕНИЕ НАВЫКОВ ПИСЬМА УЧАЩИХСЯ ПРИ ОБУЧЕНИИ ЯЗЫКУ

**Аннотация:** Единственный способ передать будущим поколениям научные ресурсы, необходимые для социально-политического развития человечества, - это изучение текста и науки о творении. Итак, язык — это возможность, а текст — результат; продукт знаний, навыков и компетенций, приобретенных в тексте.

**Ключевые слова:** духовный престиж, словарный запас, универсальная технология, логическое наблюдение, методическое пособие, творческое мышление, качество.

### IMPROVING STUDENTS' WRITING SKILLS IN LANGUAGE TEACHING

**Abstract.** The only way to pass on to future generations the scientific resources necessary for the socio-political development of mankind is to study the text and the science of creation. So language is opportunity and text is result; the product of the knowledge, skills, and competencies acquired by the text.

**Keywords:** spiritual prestige, vocabulary, universal technology, logical observation, methodical manual, creative thinking, quality.

## KIRISH

O'zbek tili ta'limi barkamol shaxs tarbiyasi, unda ma'naviy sifat va ijodiy tafakkurni rivojlantirish, milliy o'zlikni anglash, milliy an'ana va avlodlar o'rtasidagi vorislikni asrash hamda davom ettirish jarayonida yetakchi o'rin tutadi.

O'zbek tili davlat tili sifatida O'zbekiston Respublikasida davlat ramzi o'laroq aholini yagona milliy manfaatlar atrofida birlashtiradigan, shu tilda so'zlashuvchilarning tafakkur tili sifatida kishi shuurini milliylik zaminiga bevosita bog'laydigan, shu yurtda yashayotgan millat va elatlarning o'zaro aloqasini ta'minlovchi vosita, unga bo'lgan munosabat Vatanga munosabat va sadoqatni belgilaydigan omildir. Ta'lim tizimida o'zbek tilini o'qitish ana shu g'oya va ruhni singdirishga xizmat qiladi. Jamiyatdagi ijtimoiy nufuzini yuksaltirish bilan ta'lim, ilm-fan, iqtisodiyot va siyosat sohalarida o'zbek tilining mavqeyini mustahkamlash, ularda ish yuritishda davlat tilining mutloq yetakchilik maqomini ta'minlash yo'nalishini belgilagan holda ta'limda o'zbek tilini o'qitish tizimi ushbu yo'nalishda amalga oshiriladigan ishlarni yuzaga chiqarishni ko'zda tutadi.

Bugun Yangi O'zbekiston hayotining barcha sohalari chuqur islohotlar maydoniga aylangan. Bu jarayonda ijtimoiy sohaning asosi hisoblangan ta'lim tizimidagi o'zgarishlar haqida to'liqlanib so'zlamalikning iloji yo'q. Mamlakatimizda so'nggi yillarda ta'lim tizimining barcha bosqichlarini zamonaviy talablar asosida tashkil etish bo'yicha amaliy ishlar hal qiluvchi bosqichga kirdi.

### **TADQIQOT METODI VA METODOLOGIYASI**

Prezidentimiz Sh.Mirziyoyev ta'kidlaganidek: “Farzandlarimiz maktabdan qanchalik bilimli bo'lib chiqsa, yuqori texnologiyalarga asoslangan iqtisodiyot tarmoqlari shuncha tez rivojlanadi, ko'plab ijtimoiy muammolarni yechish imkoni tug'iladi. Shunday ekan, Yangi O'zbekiston ostonasi maktabdan boshlanadi desam, o'ylaymanki, butun xalqimiz bu fikrni qo'llab-quvvatlaydi”.

Umumiy o'rta ta'lim maktablarida ona tili ta'limining asosiy maqsadi o'quvchilarning kommunikativ savodxonlik darajasini oshirish, ularni mustaqil va ijodiy fikrlashga yo'naltirish, fikr mahsulini to'g'ri, ravon, o'rinli ifodalashga o'rgatish ekan, uni amalga oshirishning ishonchli omillaridan biri - matn yaratishning samarali texnologiyasini ishlab chiqish, uni o'quv amaliyotiga izchil joriy etish, o'quvchini muammoli o'quv topshiriqlari orqali izlatish va kashf qilishga yo'naltirish, o'quvchi lug'at boyligini keng'aytirish jarayonida nutqiy mahoratini shakllantirish, (so'zning lug'aviy ma'nolarini sharhlash) fikr ifodalash (og'zaki nutq va matn yaratish) da so'zni tanib va tanlab ishlatishni talab qiluvchi o'quv topshiriqlari, nutqiy madaniyatni yuksaltiruvchi ko'nikma va malakalar tizimi bilan qurollantirishdir. Bu muammolar orasida o'quvchilarda mustaqil matn yaratish ko'nikmalarini shakllantirishning intensiv - universal texnologiyasini yaratish, ana shu maqsadga xizmat qiladigan, matn yaratishning jadallashtirilgan, bosqichli tizimini ishlab chiqish va uni maktab amaliyotiga joriy etish masalasi alohida o'rin tutadi. O'quvchi so'z boyligini oshirishning, uning nutqiy zaxirasini boyitishning eng samarali usuli sathlararo hamda fanlararo aloqadorlikni yo'lga qo'yish (uyadosh so'zlar ustida ishlash, berilgan so'zning leksik — semantik qurshovi: qaysi so'zlar bilan ishlatilishi, xususiy belgilari miqdorini aniqlash, qaysi so'z turkumlari bilan ifodalanishi, ularning nomlari soni, sifati, holati, harakatini belgilash v.h.) dan iborat. Demak, o'quvchi nutqiy ko'nikmalarini takomillashtirishning asosiy omillari tafakkur mahsulini izchil, to'g'ri, ravon ifodalash, nutqiy vaziyat talabiga ko'ra mustaqil matn yaratish ko'nikmalarini shakllantirishdir. Umuman olganda, DTS talablarini to'la bajarish - o'quvchi kommunikativ savodxonligini ta'minlash masalasi, ona tili ta'limida mustaqil matn yaratish ko'nikmalarini shakllantirish texnologiyasini ishlab chiqish va uni muntazam ravishda takomillashtirib borishni taqozo etadi. Buning uchun egallangan bilim, ko'nikma va malakalarning jadal amaliy tatbiqi, ya'ni mustaqil matn yaratish masalasi ona tili darslarida o'rganilayotgan har bir mavzuning asosiy maqsadiga aylanishi lozim. Matn yaratishning mantiqiy davomi - matn ustida ishlash bilan esa matnning tili, mantiqiy va uslubiy shakllanganlik darajasi o'rganiladi, o'quvchining kommunikativ savodxonlik darajasi esa, matn yaratish mahoratini aniqlash jarayonida o'z yechimini topadi. Ona tilining yangi - yangi ifoda imkoniyatlarini izlab topish va uni dars jarayoniga tatbiq etish o'quvchilarning ijodiy tafakkur, hodisalarni kuzatish, anglash, qiyoslash, analiz va sintez, tanlash, guruhlash, yaratish kabi bilish qobiliyatlarini takomillashtirib, ularda milliy mafkura, mustahkam e'tiqod, milliy dunyoqarashini tarkib toptirishga xizmat qiladi. Turli til hodisalari (so'z va iboralarini) ma'nosini to'liq anglash va uni xususiy nutqda qo'llashga intilish - ulardan nutqiy vaziyatga mosini tanlash o'z fikrini ixcham, aniq va ravon ifodalash



malakalarining shakllanishi va rivojlanishiga zamin yaratadi. O'quvchi - ta'lim - o'qituvchi tizimida tomonlarning o'zaro hamkorlik munosabatlari faollashadi, DTS talablariga ko'ra o'quvchi ham ta'lim jaraonining faol subyekti sifatida o'zi mustaqil faoliyat yuritishi: izlanishi, kuzatishi, bajarilgan ishni tahlil qilish, xulosalashi, baho berishi lozim bo'ladi. Shunday qilib, o'quvchi va o'qituvchi o'rtasidagi doimiy ishonch va o'zaro hamkorlik faoliyatigina o'quvchilarda mavjud bo'lgan mustaqil va ijodiy tafakkurni qo'zg'atishi, matn yaratish ko'nikmalarini shakllantirishi hamda rivojlantirishi mumkin. O'qituvchi o'z o'quvchilarining dars jarayonidagi ilmiy - amaliy faoliyatini samarali tashkil qilish - avvaldan rejalashtirilgan, aniq bir maqsadga - mustaqil matn yaratishga yo'naltira bilishi uchun har bir dars rejasi va dars mavzusi bayonini puxta o'rganib chiqishi, darslikdagi amaliy mashqlar yetarli bo'lsa, zamonaviy pedagogik texnologiyalar asosida darsni tashkil qilishi, kamroq bo'lsa, yangi, qiziqarli mashq namunalarini tanlab, qo'shimcha mashg'ulot sifatida mavzuviy rejaga kiritishi, darsni o'zaro musobaqa ruhida olib borishi nihoyatda foydali. O'qituvchi doimiy ravishda o'z o'quvchilarini o'quv amaliyoti jarayonida o'rganganlari yuzasidan o'z xulosalarini aytib berishga undashi, ular tomonidan kiritilgan izlanuvchanlik ruhida ijodiy taklif va mulohazalarni, o'z «men»i, iqtidori, iste'dodini namoyish qilishga bo'lgan urinishlarini ijobiy tushunishi, bunday ijodiy - kashfiyotchilik harakatlarini rag'batlantirib borishi, ularga zaruriy shart - sharoit va imkoniyatlar yaratib berishi, turli shakl va mazmundagi (nutqiy mahoratni shakllantiruvchi) ko'rik - tanlovlar, debatlar), lozim bo'lsa, o'quvchi shaxsini ma'naviy jihatdan qo'llab - quvvatlashi zarur bo'ladi. O'qituvchi shu tariqa nafaqat o'quvchi bilimini, balki o'zidagi pedagogik mahoratni ham takomillashtira boradi: o'quvchi shaxsi, uning nutqiy darajasi haqida hukm va xulosa chiqarishga shoshmaslik, o'z vazifasiga mas'uliyat hissi bilan yondashish, o'zidagi intellektual salohiyatni o'quvchi bilan baham ko'rish, o'zida bag'rikenglik, komil ustozlik fazilatlarini tarbiyalashga o'rganadi. Ona tili o'qituvchisining o'quvchi shaxsiga ana shunday ijobiy va ijodiy yondashuvigina, o'quvchilarda ilmga chanqoqlik, izlanuvchanlik, yangilik yaratishga intilish xislatlarini tarbiyalaydi, erkin va mustaqil fikrlashga, o'quvchi uchun juda muhim va zarur hisoblangan til hodisalarini tushunish, undan amaliy foydalanish bo'yicha bilim, ko'nikma va malakalar hosil qilishga yordam beradi. «Ona tili ta'limi mazmuni» o'quv —metodik qo'llanmasi mualliflari H.Ne'matov, A.G'ulomovlar o'quvchilarni ijodiy yozma ish - matn ustida ishlashga undaydi. Ma'lumki, istiqlol yillarida ta'lim sohasida amalga oshirilayotgan tub islohotlar negizida yuksak umumiy madaniyatga, kasb-hunar ko'nikmalariga, ijodiy va ijtimoiy faollikka, mantiqiy mushohada qilish hamda hayotdagi muammolarning oqilona yechimini izlash va topish salohiyatiga ega bo'lgan shaxsni tarbiyalash va kamol toptirish maqsadi turibdi. Ushbu maqsadning amaldagi mezoni sifatida davlat ta'lim standartlari belgilandi. Ona tili fanidan takomillashtirilgan o'quv dasturida ona tili ta'limining mazmuni quyidagi masalalarni hal etishga yo'naltiriladi:

- o'quvchining fikrlash salohiyatini, aqliy rivojlanishini, mantiqiy tafakkurini o'stirish;
- o'quvchilarning o'z-o'zini, moddiy borliqni tilning ifoda vositalari yordamida anglashga hamda o'z fikr va his-tuyg'ularini ona tilining imkoniyatlari doirasida og'zaki va yozma shaklda to'g'ri bayon eta olishini ta'minlash.

#### **TADQIQOT NATIJALARI**

Ushbu maqsadga erishishning samarali usul va vositalari xususida ko'plab metodik qo'llanma va ilmiy maqolalar chop etilmoqda. Ularda ta'lim mazmunini o'quvchilarga maqsadli yetkazishning turli innovatsion usullari haqida fikrlar bildirilgan, amaliy tajribalar tavsiya etilgan.

Mazkur ishlarning aksariyatida matnning o'quvchi nutqini o'stirishdagi alohida ahamiyati ta'kidlanadi. Biz esa matn yaratish jarayoniga yangicha yondashuv asosida o'quvchilarning mantiqiy fikrlash qobiliyatini rivojlantirish xususida to'xtalmoqchimiz.

Ona tili darslarida "matn bilan o'qitish texnologiyasi" orqali ularning mantiqiy fikrlash qobiliyatini shakllantirish va rivojlantirib borish mumkin. Buning uchun matn yaratish bilan bog'liq topshiriqlar bilan har bir darsda shug'ullanish va ularni bosqichma-bosqich murakkablashtirib borish zarur. Matn yaratish uchun ma'lum tayyorgarlik, nazariy bilim va amaliy ko'nikma bo'lishi lozim.

O'quvchi o'z fikrlarini jamlab, tizimga solib bayon etishi uchun anchagina vaqt talab etiladi. Shuning uchun, dastlab, muayyan bir mavzu asosida uyda kichik insho yozib kelish vazifasi topshiriladi. Bu borada ko'nikma hosil bo'lgach, bunday topshiriqlarni dars jarayonida ham berish mumkin bo'ladi.

Fikrni muayyan mavzu doirasida izchil bayon eta olish ko'nikmasi shakllangach, topshiriq murakkablashtiriladi. Ya'ni, o'quvchilarga muayyan mavzuga oid tayanch so'z va iboralar tavsiya etiladi va fikrlarini ular bilan mantiqiy aloqadorlikda shakllantirish talab etiladi. Bu kabi topshiriqlar bir tomondan o'quvchiga ko'mak bo'ladi, ya'ni fikr yo'nalishini belgilab beradi. Ikkinchi tomondan esa o'quvchining mavzuni yoritish bo'yicha foydalanishi mumkin bo'lgan boshqa yo'nalishlarni, qirralarni cheklaydi. O'quvchi endi aynan tavsiya etilgan tayanch vositalar doirasidagina fikrni rivojlantirishi va mavzuni yoritishi zarur. Topshiriqning murakkabligi ham shunda.

O'quvchilarning cheklangan mavzu doirasida kengroq mushohada yuritishini shakllantirish maqsadida quyidagi usuldan foydalanish mumkin. O'quvchilarga matnning dastlabki va oxirgi gapi tavsiya etiladi. Uning tarkibida bo'lishi kerak bo'lgan gaplar soni ham belgilab beriladi. Gaplar mazmuni o'zaro mantiqan bog'langan bo'lishi zarur.

O'quvchilarda matn tuzish bilan bog'liq muayyan tajriba to'plangach, topshiriqni jamoaviy bajarish vazifasi qo'yiladi. Ya'ni, ma'lum bir mavzu yoki rasm asosida guruh bo'lib matn yaratiladi. Bu quyidagi tartibda amalga oshiriladi. O'quvchilar o'zaro maslahatlashmagan holda mavzu asosida birin-ketin bittadan gap aytadilar. Birinchi o'quvchining gapini ikkinchi o'quvchi mazmunan va mantiqan davom ettirishi va shu tartibda ketib, oxirgi o'quvchi fikrni yakunlashi kerak. Topshiriqning murakkab tomoni - o'quvchi o'zining emas, o'zganing fikrini davom ettirishi va keyingi o'quvchiga mavzuni davom ettirish uchun imkon qoldirishi kerak. So'nggi o'quvchi matnni yakunlashi uchun undan oldingi o'quvchi fikr yakuni uchun zamin bo'ladigan gap aytishi zarur.

Bu bosqichda o'qituvchi tomonidan bir-biri bilan mantiqan bog'lanmagan ikki gap tavsiya etiladi. O'quvchilar birinchi gap bilan matnni boshlab, ikkinchi gap bilan yakunlashlari zarur. Buning uchun ular orasida mantiqiy bog'lanishlar hosil qila oladigan gaplarni topa olish kerak bo'ladi. Masalan, "Yozning qoq o'rtasi edi..... O'sha kuni maza qilib qorbo'ron o'ynagan edik."

O'quvchi matndagi bo'shliqni to'ldirish uchun fantaziya qiladi, mantiqsizlikdan mantiq topishga harakat qiladi. Jumladan, matnni quyidagicha shakllantirish mumkin: "Yozning qoq o'rtasi. Chor-atrof quyosh taftidan erib ketayotgandek, nazarimda. Hovlimizdagi o'rik soyasida o'tirib xayolga cho'mdim. Tug'ilgan kunim yodimga tushdi. Men qishda, 18-yanvar kuni, tug'ilganman. Har yili shu kuni sinfdoshlarim tabriklash uchun biznikiga kelishadi. Bu yil ham

shunday bo'ldi. Tug'ilgan kuningda sovg'a olish kimga yoqmaydi, deysiz. Buning ustiga, tabiat ham qutlagandek, guppillatib laylakqor yog'ib berdi. O'sha kuni maza qilib qorbo'ron o'ynagan edik".

### XULOSA

Bu kabi matnli o'qitish usullaridan har bir ona tili darsida foydalanish mumkin. Buning uchun matn tuzish bilan bog'liq topshiriqlarni dars mavzusiga aloqador grammatik topshiriqlar bilan boyitish zarur.

Ona tili darslarida o'quvchilarning matn tuzish ko'nikmalarini yuqorida tavsiya etilganidek bosqichli ravishda shakllantirish va rivojlantirib borish orqali ham o'quvchilarning nutqiy malakasini rivojlantirishga, ham mantiqiy tafakkurini o'stirishga erishish mumkin.

O'quvchilarni matn ustida ishlashga yo'naltiruvchi topshiriqlar tizimi:

1. Berilgan matndagi ixtiyoriy atamalar, ishlatilgan so'z turkumlari soni va miqdorini aniqlash.
2. Matn tarkibidagi badiiy bo'yoqdor so'zlar, ibora, tasviriy vosita, maqol, hikmatli so'z va topishmoqlar sonini belgilash, lug'aviy ma'nolarini sharhlash.
3. Uslubiy nuqsonli matnlar ustida ishlash.
4. Nuqtalar o'rniga kerakli so'zlarni qo'yib, matnni ko'chirish.
5. Matnga sarlavha tanlash.
6. Tinish belgilarini to'g'ri qo'yish.
7. Fe'llardan ravishdosh va sifatdoshlar hosil qilish.
8. Ravishlarni ma'nodoshlari bilan almashtirish.
9. Otlar (sifat, son, olmosh, taqlid)ni uyadoshlari (ma'nodoshlari, zid ma'nolari, muqobillari) bilan almashtirish.
10. Fe'llar ravish, harakat nomi, ravishdosh, sifatdosh)ni ma'nodoshlari, uyadoshlari, zid ma'nolari v.h.) bilan almashtirish.
11. Ajratilgan so'zlar bilan so'z birikmalari hosil qilish.
12. Matndagi so'z birikmalari soni va tuzilishini aniqlash.
13. Matndagi yasama so'zlarni topish, ulardan yangi so'zlar hosil qilish.
14. Ajratilgan yasama so'zlar ishtirokida so'z birikmalari va gaplar zuzish.
15. Yasama so'zlardagi o'zakni ajratish, ulardan yangi o'zakdosh so'zlar hosil qilish (bor, boring, bormoq, borliq), o'zakdoshlar ishtirokida so'z birikmalari va gaplar hosil qilish.
16. Matndan so'z yasovchi qo'shimchalari bor so'zlarni topib, shu qo'shimcha yordamida yangi qo'gaimchadosh so'zlar hosil qilish.
17. Matnda mavjud bo'lgan sodda gaplarni qo'shma gaplarga, qo'shma gaplarni sodda gaplarga aylantirish.
18. Matndagi xatboshilar sonini aniqlash.
19. Matndagi sodda yoyiq gaplarni uyushiq bo'lakli gaplarga aylantirish.
20. Matndagi ko'chirma gaplarni o'zlashtirma gaplarga aylantirish (va aksincha).
21. Sodda gaplarni kirish so'zli (murojaat, tasdiq — inkor, gaassuf, takalluf, ishonch - ishonchsizlik, shubha - gumon, mavhumlik, e'tiqod, hurmat ma'nolarini anglatadigan) gaplarga aylantirish.

Umumiy o'rta ta'lim maktablari, o'rta maxsus va kasb-hunar ta'limi kollejlarda o'quvchilarni mustaqil matn yaratishga o'rgatishda quyida tavsiya qilinayotgan «O'quvchini matn yaratishga yo'naltiruvchi topshiriqlar» tizimidan foydalanish yaxshi samara beradi:

1. Berilgan so'zlar asosida matn yaratish.
2. O'rganilgan mavzu asosida grammatik matn yaratish.
3. Sayohat taassurotlari bo'yicha matn yaratish.
4. Rasm yoki portretga qarab matn yaratish.
5. Berilgan so'z birikmalari asosida matn yaragish.
6. Berilgan matn asosida yangi matn yaratish.
7. Berilgan matnni kengaytirish.
8. Berilgan sarlavha asosida matn yaratish.
9. O'quv topshiriqlari asosida matn yaratish.
10. Badiiy — ramziy matnlar yaratish.
11. Kuzatish va taassurotlar asosida tasviriy matn yaratish.
12. Rivoyat matnlari yaratish.
13. Maqol, matal yoki hikmatli so'z asosida matn yaratish.
14. Berilgan turg'un iboralar ishtirokida matn yaratish.
15. Qofiyadosh so'zlar ishtirokida she'riy matn yaratish.
16. Hajviy rasmlar asosida yumoristik mati yaratish.

Mustaqil matn yaratish jarayoni — belgilangan maqsad, egallangan bilim, ko'nikma va malakalar, o'z nutqiy imkoniyatlari doirasida harakatlanuvchi tasavvur, idrok, ong va tafakkurning uyg'unlashuvidir. Mustaqil matn - individual bilim, idrok va tafakkur mahsuli o'quvchining nutqiy kashfiyotidir.

***Foydalanilgan adabiyotlar:***

1. “Matn yaratish texnologiyasi”. T.Ziyodova. – Toshkent O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi, “Fan” nashriyoti, 2007.
2. M.Qurbonov: R.Sayfullayeva: “O'zbek tili struktural sintaksisi” Toshkent – 2004

## MAFKURAVIY FAOLIYAT - MILLIY G'OYANI AMALGA OSHIRISH VOSITASI

Hafizov Olimjon Odiljon o'g'li

TerPI magistranti

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6772625>

**Annotatsiya.** Maqolada mafkuraviy faoliyat milliy g'oyani amalga oshirish vositasi ekanligi haqida so'z yuritilgan. Mafkuraviy faoliyatni tashkil etishda tashkiliy tamoyillarga amal qilinish tahlilga tortilgan. Asosan, yoshlarning informatsion-psixologik immunitetini shakllantirish jarayonini texnologiyalar asosida tizimlashtirish, o'z navbatida bir qancha ishlarni ixchamlashtirish, umumlashtirish va muvofiqlashtirish kabi vazifalar uyg'unlashuviga e'tibor qaratilgan.

**Kalit so'zlar:** milliy g'oya targ'iboti, sohalari, milliy g'oya yo'nalishlari, milliy g'oya tamoyillari, keng qamrovlilik me'yoriylik uzliksizlik bosqichma- bosqichlik

### ИДЕОЛОГИЧЕСКАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ КАК СРЕДСТВО РЕАЛИЗАЦИИ НАЦИОНАЛЬНОЙ ИДЕИ

**Аннотация.** В статье утверждается, что идеологическая деятельность является средством реализации национальной идеи. Анализируется соблюдение организационных принципов в организации идеологической деятельности. Основное внимание уделяется систематизации процесса формирования информационно-психологического иммунитета молодежи на основе технологии, которая, в свою очередь, объединяет задачи сужения, обобщения и согласования ряда задач.

**Ключевые слова:** пропаганда национальной идеи, сферы, направления национальной идеи, принципы национальной идеи, комплексная нормативная преемственность шаг за шагом.

### IDEOLOGICAL ACTIVITY IS A MEANS OF REALIZING THE NATIONAL IDEA

**Abstract.** The article argues that ideological activity is a means of implementing the national idea. Adherence to organizational principles in the organization of ideological activity is analyzed. The main focus is on the systematization of the process of formation of information and psychological immunity of young people on the basis of technology, which in turn combines the tasks of narrowing, generalizing and coordinating a number of tasks.

**Keywords:** propaganda of national idea, spheres, directions of national idea, principles of national idea, comprehensive normative continuity step by step.

### KIRISH

Har qanday jamiyat muayyan ijtimoiy tarkibga ega bo'lib, u turli ijtimoiy qatlamlarni, sinflarni, guruhlarni, ijtimoiy institutlarni o'z ichiga oladi. Ijtimoiy tarkibning xilma-xilligi uni tashkil qilgan unsurlar manfaatlarining, intilishlarining rang-barangligiga asos bo'ladi. G'oyaviy-mafkuraviy qarashlar bu manfaatlar va intilishlarning o'ziga xos ifodasi bo'lib, turli kuchlarning maqsadlari, faoliyat yo'nalishlarini ko'rsatuvchi mantiqiy asoslangan qarashlar tizimiga aylana boradi. Shunga ko'ra, har qanday davlatda bunyodkor g'oyalar, mafkuraviy faoliyat ustuvor bo'lganda, milliy taraqqiyot imkoniyatlari kengayadi. «yer planetasi» deb atalgan ijtimoiy-siyosiy makonda: huquqiy tenglik, iroda erkinligi, xalqaro miqyosda tinchlik qaror topadi, millatlararo, dinlararo do'stona munosabatlar mustahkamlanadi.

### TADQIQOT MATERIALLARI VA METODOLOGIYASI

Milliy taraqqiyot g'oyalari muayyan davlatning istiqbolini ta'minlash uchun jamiyatning obyektiv rivojlanish qonuniyatlarini, ularning amal qilinishida subyektiv omillarning rolini, konkret tarixiy shart-sharoitlarni inobatga olib, o'z potentsial imkoniyatlarini safarbar qilishdir. Boshqacha aytganda, mamlakat ichidagi ijtimoiy-siyosiy kuchlarning g'oyaviy-mafkuraviy murosasi - barqaror milliy taraqqiyotning asosiy shartidir.

### **TADQIQOT NATIJALARI**

Mafkuraviy faoliyatni tashkil etishda quyidagi tashkiliy tamoyillarga amal qilinishi maqsadga muvofiq:

- *keng qamrovlilik*, bunda jamiyatning barcha a'zolariga g'oyalar xilma-xilligi asosida mafkurani singdirish, bu jarayonda aholining barcha qatlamlarini qamrab olish nazarda tutiladi. Natijada, jamiyatning barcha bo'g'inlari mafkuraviy ta'sir doirasida qamrab olinadi;

- umumiy maqsadga yo'naltirilganlik;

- faol insonni tarbiyalash va inson salohiyatini yuzaga chiqarish mafkuraning bosh maqsadi qilib olinadi;

- *uzluksizlik* - milliy istiqloq g'oyasi targ'ibotining makonda va zamonda doimiyligini, uning yaxlit tizim shakliga keltirilishini anglatadi. Uzluksizlik tamoyili milliy g'oyani xalq ongiga singdirish uchun mamlakatda muayyan mafkuraviy maydon yaratishni taqozo qiladi. Bu maydondagi har bir holat va harakat, jumladan, ta'lim tizimidagi o'quv rejalari, dasturlar, darsliklar, o'quv qo'llanmalari, sinf va auditoriyalar, ko'rgazmali qurollar milliy g'oyaga uyg'un bo'lishini taqozo etadi.

- *ketma-ketlik* - har bir bosqich uchun istalgan qadriyatlarni singdirish maqsadida mafkuraviy tashviqot rejalashtiriladi;

- *bosqichma-bosqichlik* - milliy mafkurani targ'ib qilishning ruhiy jihatlari bilan bog'liq bo'lib, ham targ'ib qiluvchi, ham qabul qiluvchining muayyan tayyorgarlik bosqichlaridan o'tishini taqozo qiladi. Aytaylik, boshlang'ich sinf o'quvchisiga milliy mafkuraning falsafiy va etnik ildizlari to'g'risida gapirish noo'rin bo'lishdan tashqari mutlaqo samarasiz hamdir. Shuning uchun bog'chada, boshlang'ich sinflarda, to'liqsiz o'rta maktabda, yuqori sinflar, litsey va kollejlarda, oliy o'quv yurtlari va mehnat jamoalarida mafkuraviy ish tinglovchi va o'quvchilarning yoshi, bilimi, ma'lumoti kabi jihatlarni hisobga olib aniq belgilangan reja asosida olib borilishi kerak;

- *me'yoriylik* - aksiltarg'ibotni keltirib chiqaradigan, hayotdan uzilib qolishga olib keladigan balandparvozlik, rasmiyatchilik va takrorlanishlarga yo'l qo'ymaydi;

- *shaxsiy ibrat* - mafkuramizni targ'ib qilishda muvaffaqiyatni ta'minlaydigan muhim omillardan biri. Maktab muallimi darsda o'quvchilarga millat manfaatlari, orzu-umidlari, intilishlari to'g'risida balandparvoz gaplarni gapirsa-yu, o'zi hayotda shu manfaatlarga zid ishlarni qilsa, bu targ'ibotning samarasi nol'ga teng bo'ladi. Mamlakat va millat ravnaqi to'g'risida og'iz ko'pirtirib gapiradigan boshliq bo'shab qolgan lavozimga layoqatli va munosib xodim qolib, o'ziga qarashli, Lekin, bu o'ringa nomunosib odamni tiqishtirsa, u millatning yuziga oyoq qo'ygan bo'ladi va uning milliy mafkurani aksiltarg'ibot qilgan bo'ladi. Shuning uchun, milliy g'oyani aholi ongiga singdirishda targ'ibotchilar faoliyatida ish bilan so'z birligini ta'minlash, ayniqsa, rahbar xodimlarning shaxsiy ibrat ko'rsatish tamoyiliga amal qilishi muvaffaqiyatni ta'minlaydigan eng muhim omillardan biridir. Korxona, tashkilot, muassasa rahbari, ular davlat



sektori yoki xususiy sektorga tegishli bo'lishidan qat'iy nazar o'z jamoasidagi ma'naviy-mafkuraviy jarayonlarga mas'ul bo'lishi kerak;

- *ilg'or targ'ibot-tashviqot texnologiyalaridan foydalanish* - bunda mafkuraviy targ'ibotga insonlarni mohirona boshqarish usuli sifatida qaraladi. Milliy g'oyaning targ'iboti qotib qolgan narsa emas, faol jarayondir. Shuning uchun uni qadimdan qolgan va'z aytish va ma'ruza o'qish kabi targ'ibot shakllari yordami bilangina keng xalq ommasiga ongiga singdirib bo'lmaydi. Maqsadga erishish uchun targ'ibotning faol shakllaridan, zamonaviy texnologiyalardan ham foydalanish maqsadga muvofiq. Yoshlar orasida targ'ibot olib borilganda munozara, bahs, davra suhbatlari kabi shakllardan oqilona foydalanilsa maqsadga tezroq va to'laroq erishish mumkin. Yoshlarning fiziologik va ruhiy xususiyatlari va'z va ma'ruzalarni emas, ko'proq interfaol usullar va sanab o'tilgan targ'ibot shakllaridan foydalanishni taqozo qiladi.

G'oyaviy-mafkuraviy ishlarga sistemali yondoshish, birinchidan, shu sohadagi muammolarni ilmiy tahlil qilishning zaruriy sharti bo'lsa, ikkinchidan, bu - milliy mafkuraning nazariy-metodologik xarakteriga mos keladi. Boshqacha aytganda, milliy mafkuraning o'zi, jamiyatimiz taraqqiyoti va manfaatlarini ifoda qiluvchi yaxlit sistemalashgan g'oyalar, nazariyalar tizimidan iborat bo'lib, uni ro'yobga chiqarish bilan bog'liq amaliy ishlar ham shunga muvofiq bo'lishi lozim. Mafkuraviy ishlarni milliy taraqqiyot tamoyillari va manfaatlari asosida (g'oyaviy-nazariy darajada) sistemali tashkil qilish deganda, jamiyatdagi hayotiy talab, ehtiyoj, maqsad-intilishlarga muvofiq rivojlanib boruvchi g'oyaviy-mafkuraviy jarayonlardan iborat o'ziga xos ijtimoiy-ma'naviy tartib - tizim yaratish tushuniladi. Zero, voqelikdagi o'z shakl-ko'rinish va mazmuniga, ma'lum o'zgarishlar xarakteriga, aniq makon va zamonda alohida o'rniga ega bo'lgan har qanday narsa, hodisa, jarayonlarni muayyan sistemaga solish mumkin. Bu sistemaning mohiyati shundaki, uning makrostrukturasini tashkil qilgan asosiy qism-elementlar (milliy taraqqiyot qonunlari, "O'zbek modeli", milliy istiqlol mafkurasi asosiy kontseptsiyasi, milliy mafkura va uning asosiy g'oyalari) va ular o'rtasidagi bog'lanishlar hamda o'zgarishlar xarakteri turlicha va ko'p tomonlama bo'lib (jamiyatdagi turli kishilar, guruhlar, toifalar, etnik va diniy birliklarning g'oyalari), mazkur sistemadagi barcha jarayonlarning qanday kechishini shu sistemani sistema sifatida rivojlanishini ta'minlovchi omillar (milliy taraqqiyot manfaatlari va shart-sharoitlari) belgilab beradi. Ushu sistemaning mavjudlik sharti, shakllanib, rivojlanish manbai, undagi jarayonlarni harakatlantiruvchi kuch – milliy taraqqiyot qonunlariga muvofiq amalga oshiriladigan g'oyaviy-mafkuraviy faoliyatlardir. Bu faoliyatlar nazariy va amaliy yo'nalishlarga bo'linadi. Jamiyatdagi g'oyaviy ta'lim-tarbiya tizimi, tasvirlanayotgan makrosistemadagi muhim yo'nalish bo'lib, butun sistema faoliyatida katta o'rin tutadi. Milliy g'oya va mafkurani yoshlar ongiga singdirib, xalqchillashtirish va ishonch-e'tiqodga aylantirishda asosiy o'rin tutuvchi bu tizimning o'zi va undagi mikrosistemalar faoliyati ta'lim-tarbiya uzluksizligi bilan milliy g'oyani shakllantirishning izchilligi (doimiyligi) o'rtasida uzviy bog'lanishni vujudga keltiradi. Demak, g'oya va mafkuraning mazmuni davlat va jamiyat qurilishiga doir sistemali bilimlar (nazariya va metodologiya) bilan bog'liq: madaniy-ma'rifiy, g'oyaviy-mafkuraviy saviya; ong, tafakkur, dunyoqarash tamoyili; ruhiy-ma'naviy ishonch-e'tiqod; ijtimoiy norma, me'yor, mezon va ayni paytda, inson hamda jamiyat hayotini harakatlantiruvchi mexanizm - usul-vositalardan iborat tizim sifatida tushunilsa, milliy g'oya va mafkuraning xalqchilligi ta'minlanadi.

#### MUHOKAMA

O'zbekiston hayotidagi o'zgarishlar insonlar ongida ham katta o'zgarishlar qilishni talab etadi. O'tish davrida har qanday davlat yangi zamon kishisini tarbiyalash haqida jiddiy qayg'urishi tabiiy. Demak, O'zbekistonda ham «komil inson» g'oyasida e'tirof etilgan shaxs mos sifatlarini fuqarolarda qaror toptirish vazifasi ko'ndalang turibdi. «Fuqarolik axloqi»ni bunday tarbiyalash mafkuraviy siyosatning negizini tashkil etadi. O'zbekistonda yosh avlodni yangicha fikrlashga va tafakkurini rivojlantirishga, siyosiy faolligini yo'naltirishga, ularni mustaqillik g'oyalariga sodiq qilib tarbiyalash vazifalari bosqichma-bosqich ravishda amalga oshirilmoqda. Globallashuv jarayonida siyosiy va psixologik ko'rsatmalarning butunlay o'zgarishi yoshlarning axborot xavfsizligini ta'minlashning dolzarbligini ko'rsatadi. Xavfni sezish va unga qarshi kurashish tuzilmalari - shaxsning o'zini-o'zi anglash jarayonida shakllanadi. Yoshlarda shaxsiy fikr, mulohaza, dunyoqarash tarkib topganidan keyingina tahliliy va tanqidiy fikrlash paydo bo'ladi. Yoshlar o'zining siyosiy kontseptsiyasini mustaqil ravishda to'g'ri shakllantirishda, siyosiy jarayonlarni aniq qamray olishida va tahlil qila olishida, mohiyatini tushunishida - harakatlanish kontseptsiyasi shakllanadi.

### XULOSA

Yoshlarning informatsion-psixologik immunitetini shakllantirish jarayonni texnologiyalar asosida tizimlashtirish, o'z navbatida bir qancha ishlarni ixchamlashtirish, umumlashtirish va muvofiqlashtirish kabi qo'yida keltirilgan tashkiliy ishlarni bajarishni talab qiladi:

- Mavjud siyosiy jarayonlarning mohiyatini anglash, immunitetni shakllantirishda foydalanish;
- Immunitetni shakllantirishga xizmat qiluvchi ma'lumotlarni qidirish, yig'ish va qayta ishlash;
- Informatsion-psixologik immunitetni shakllantirishga tegishli ma'lumotlar bazasini shakllantirish;
- Muammolarni sezish, aniqlash, dolzarbligi bo'yicha differentsiallashtirish;
- Immunitetning rivojlanish tamoyillarini anglash, qabul qilish;
- Tashqi va ichki vaziyatni strategik ko'p faktorli analiz qilish;
- Axborot, moliyaviy, tashkiliy-texnik resurslarning chegaralanishini aniqlash, resurslarni boyitish ishlarini amalga oshirish;
- Xalqaro maydondagi voqealarning rivojlanishini kuzatish, tahlil va siyosiy bashorat qilish;
- Geopolitik manfaatga erishishning strategiya va taktikasini shakllantirish, tashqaridan kirib kelayotgan xavf-xatarlarni klassifikatsiyalash, ularni neytrallashtirish hamda dezinfektsiyalash chora-tadbirlarini ishlab chiqish, amalga oshirish;
- Ichki axborot muhitining informatsion-psixologik immunitetni shakllantirishni texnologiyalarini, metodlari va usullarini ishlab chiqish, amaliyotga tatbiq etish;
- Immunitetni ta'minlash ishlarini amalga oshirishning al'ternativ variantlarini ishlab chiqish;
- U yoki bu al'ternativ variantlarni tatbiq etishda yuzaga keladigan holatlar hamda vaziyatlarni bashorat qilish;
- Amalga oshirilayotgan ishlarning samaradorlik mezonlarini ishlab chiqish, bajarilayotgan har bir ishni baholash;
- Davlatning ichki axborot muhitini kuchaytirish, tashqi xavflarga qarshi kurashish qobiliyatini oshirish, axborot tahdidlari va xavf-xatarlariga qarshi kurashuvchanlikni ta'minlash;

- Immunitetni shakllantirishning eng maqbul variantlarini ishlab chiqish va tadbiq etish;
- Yoshlarda qaror qabul qilishga ko'rsatiladigan ta'sirni tahlil qilish;
- Yoshlarning o'zi qabul qilgan qarorlarini o'zi korrektsiya qilish ko'nikmalarini shakllantirish;
- Yoshlarni o'zini-o'zi nazorat va tahlil qilishlarini shakllantirish.

Shuningdek, yoshlarga ta'sir ko'rsatuvchi siyosiy, ijtimoiy-iqtisodiy, psixologik omillarni to'liq ishlab chiqish ham zarurdir. Bu esa yuzaga keladigan kamchiliklarni o'z vaqtida bartaraf etish imkonini berishi lozim.

#### *Adabiyotlar:*

1. O'zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi. -T. , 2008.
2. Otamurodov S., Mamashokirov S., Xolbekov A. Markaziy Osiyo: g'oyaviy jarayonlar va mafkuraviy tahdidlar.- T.: Yangi asr avlodi, 2001.
3. Ochildiev A. Milliy g'oya va millatlararo munosabatlar.-T.: O'zbekiston, 2004.

## ULUG'BEK HAMDAM HIKOYALARIDA XAYOL VA HAQIQAT

Soqiyeva Zarnigor Shokirovna

Termiz davlat universiteti magistranti

Obid Shofiyev

Ilmiy rahbar: dots.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6772786>

**Annotatsiya.** Maqolada Ulug'bek Hamdam hikoyalaridagi uslubiy xususiyatlari, xayolot dunyosi va haqiqat jabhalari, shuning bilan birga tasvir usuli va ijodiy mahorati haqida so'z boradi.

**Kalit so'zlar:** hikoya, hayot hodisalari, epik janr, ayol obrazi, badiiy tafakkur, bosh qahramon, obraz.

### ФАНТАСТИКА И РЕАЛЬНОСТЬ В РАССКАЗАХ УЛУГБЕКА ХАМДАМА

**Аннотация.** В статье рассматриваются стилистические особенности рассказов Улугбека Хамдама, мир фантазии и реальности, а также его метод изображения и творческие способности.

**Ключевые слова:** повесть, жизненные события, эпический жанр, женский образ, художественное мышление, главный герой, образ.

### FANTASY AND REALITY IN THE STORIES OF ULUGBEK HAMDAM

**Abstract.** The article discusses the stylistic features of Ulugbek Hamdam's stories, the world of fantasy and reality, as well as his style and creative skills.

**Keywords:** story, life events, epic genre, female image, artistic thinking, protagonist, image.

### KIRISH.

Hikoya badiiy adabiyotda kichik epik janr, hayot hodisalari ixcham ifoda etiladigan nasriy asardir. Adabiyotshunos Tohir Shermurodov "Hikoyalar, nihoyalar..." Maqolasining xulosasida shunday so'z yuritadi: "ko'pincha hikoyalar hayot fojialarini baralla yoritish, dardli masalalarni dadil qo'yish ruhida yozilgan. Ularda yangi badiiy tafakkur ravshan ko'zga tashlanadi".

### TADQIQOT MATERIALLARI VA METODOLOGIYASI

Yozuvchilar odatda o'z ijodini hikoya qoralash bilan boshlaydi, chunki hikoya janri yozuvchiga ko'nikma, malaka oshirish, ijodkor sifatida shakllanish, muayyan bir yo'nalish va uslubga tushib olishi uchun qulaydir. Nasrdagi izlanish va tajribalar samarasi bugungi kunda hikoyaning hajmi, mavzu xilma-xilligi, badiiy-estetik tasvir vositalarini kengaytirdi. Tasvirning hikoyaga ko'chishi, ichki ruhiy tahlilning kuchayishi, hozirgi murakkab fan va texnologiyalar zamonida inson fikr doirasi, ichki kechinmalari chigallashib borayotgani murakkab va o'ylantiradigan hikoyalar yozishga omil bo'ladi. Aynan shunday hikoyalarni Ulug'bek Hamdam ijodida ham ko'rishimiz mumkin. Yozuvchining ba'zi asarlarida modernistik yelementlar ko'zga tashlansada (masalan: Yolg'izlik qissasida), ijodiga xos bo'lgan umumiy xususiyat, milliy va an'anaviy uslubda qalam tebratishidir. Asarlarida turli voqealar tasviri o'z aksini ko'rsatadi.

### TADQIQOT NATIJALARI

Adabiyotshunos Tal'at Solihov "Har bitta badiiy asar dastlab milliydir, Milliy bo'lmagan adabiyot adabiyot emas"- deb takidlaydi. Hech bir hikoya o'z-o'zidan dunyoga kelmaydi. Bu har bir ijodkorning botiniy va zohiriy dunyosida turli fikr, g'oyalar ta'sirida yuzaga keladi. Ulug'bek Hamdam ko'plab hikoyalari rus tiliga tarjima qilingan, "Tosh" hikoyasi Amerikada e'tirof etilgan.

Ulug‘bek Hamdam yangilik va yangilanishlarga boy, ilmiy dunyosi va o‘z yozish uslubiga ega. “Tosh”, “Ko‘ngildagi daryo”, “Unutilgan nay navosi”, “Lola”, “So‘z”, “Bir payola suv”, “Musulmon” kabi hikoyalar kitobxonni o‘ylashga majbur etadigan falsafiy asarlardir. “So‘z” hikoyasi uslub jihatidan boshqa hikoyalardan farq qiladi. Inson

ruhining evrilishlari, ko‘ngil nozikliklari ifodalanadi. Hikoyaning boshlanishida er va xotinning iliq munosabatlari yoritilgandek ko‘rinadi, voqealar tasviri kutilmaganda sodir bo‘lib, o‘quvchini hayratga soladi va ruhiy zarba beradi. Er va xotin o‘rtasidagi ko‘p yillik iliq munosabatlar birgina so‘z orqali oila deb atalmish qo‘rg‘onning buzilishiga sabab bo‘ladi. Turmush o‘rtog‘ining ahvolidan habari yo‘q ayol karaxt bo‘lib qolgan eriga “oshga qaramaysizmi tagiga olib ketadi-ku”. “Sen oshni aytasan, buyoqda mening hayotim tagiga olib ketmoqchi-ku!”. Osh tagiga olgan bo‘lsa olgandir, uni qaytadan boshlash mumkin, lekin umrni-chi? Agar u tagiga olsa, yangitdan boshlash mumkinmi?” – degisi keldi. Bu hikoyada Hikoyada ma’naviy qashshoq bo‘lgan ayol obrazi ifodalanadi. Ko‘p yillardan beri bilgan insonni ham anglab tushunish, uning asli kim-u ko‘nglida nima borligini bilish murakkab hodisaligini tasvirlaydi. Azal-azaldan avlod shajarasini bamisoli bir daraxtga o‘xshatishadi, shox-shabballarni esa uning avlodlari deb kelishgan. “Haykallar oroli” hikoyasida Odam ato va Moma havo kabi ikki insondan bunyod bo‘lgan avlodlar taqdiri aks ettirilgan. Birinchi avlod ahil, inoq umurguzaronlik qilib, ikkinchi avlodga kelib mehr, oqibat deb atalmish, insonning ijobiy xislatlari o‘rnini yomon illatlar egallab bir-biri bilan dushman bo‘lish darajasiga yetadi. Otabobolarimizdan qolgan, “Mol-dunyo ketsa-ketsin, obro‘ ketmasin”, xalq maqoli voqeaga mos keladi. Aynan shu voqealar tasvirini “Namatak” mini-romanida ham ko‘rishimiz mumkin. Ikki hikoyada ham ko‘ngildagi ezgulik va adovat o‘rtasidagi ziddiyat tasvirlangan. Yozuvchi hozirgi kunda ro‘y berayotgan, dilni xira qiladigan voqea hodisalarni, insonlar qalbida kechgan ichki kechinmalarni kryeativ yondashgan holda kitobxonga yetkazishga urinadi. Falsafiy jarayonlar kuzatiladigan hikoyalardan biri “Lola” hikoyasidir. Bunda ham inson botinidagi tuyg‘ular: yaxshilik, ezgulik, nafs tushunchalari o‘rtasidagi ziddiyatlarni ko‘rasiz. Undagi voqealar silsilasi inson ichki dunyosida o‘z-o‘zi bilan kurashayotgan xislatlarni anglashga xizmat qiladi. Yozuvchi ijodiga oid namunalarida keltirilgan mavzular bir-biridan keskin farq qiladi. Ulug‘bek Hamdamning “Bir piyola suv”, “Ko‘nglimdagi daryo”, “Unutilgan nay navosi” hikoyalarida ko‘proq erkinlik, ozodlik tuyg‘usini va poklik ramzini aks ettiruvchi “suv” obrazini ko‘p uchratasiz. “Bir piyola suv” hikoyasida yuk tashuvchi obrazi orqali insonning yashab o‘tadigan umri tasvirlanadi. Bosh qahramon unga topshirilgan omonatni olib borar ekan, yo‘lda chanqoq bosish uchun suv ichgani karvonsaroyga to‘xtaydi. Ichgan bir piyola suvi haqini to‘lab, manziliga davom etish uchun chiqqanda oradan ko‘p yillar o‘tib ketganini sezib qoladi. Yigit yo‘l bo‘yi qidirgan suvini o‘zi manzilga olib ketayotgan omonat meshdaligini ko‘radi. Bu hikoya ramziy obrazlarga boy. Jumladan, suv(poklik), karvonsaroy(dunyo, umr), sahro (mashaqqat) kabi. Insonning yaratilishidagi azaliy va abadiy haqiqatlarga yozuvchi o‘zgacha nigoh bilan yondashadi. Bani bashar yaratilibdiki, uning zimmasidagi asosiy vazifalardan biri pok yashashdir.

Inson biror narsani chin dildan istasa ixlos qilib so‘rasa u albatta amalga oshadi. O‘ngda, tushda goh hayolda bo‘lsa ham. Ulug‘bek hamdamning “Ko‘nglimdagi daryo” hikoyasida qahramonimiz qishloq odami edi, tabiatni sevuvchi, daryo-suvlarga ko‘ngil bergan shaxs bo‘lganligi shahar hayotiga ko‘nika olmadi, har kun takrorlanadigan bir xil ish joniga tekkan edi. Botinida yashayotgan yoshlik, beg‘amlik davrlari asta sekin yuzga chiqa boshladi. Har bir shaxs bu

hikoyadagi kabi hayot zarvaraqlarida ro'y berayotgan turli voqea, hodisa, yumushlarimizdan bir muddat bo'lsada yoshligiga qaytishni yoki nimadir ro'y berib qisqa muddatga bo'lsa ham bir xil hayotdan yiroqlashishni istaymiz. Bizning bu istaklarimizni Allohning bergan ne'matlariga noshukurlik deb tushunishingiz mumkin. Bu albatta noto'g'ri xulosa .....

### MUHOKAMA

Ulug'bek Hamdamning yuqoridagi hikoyasiga o'xshash yana biri "Unutilgan nay navosi" hikoyasidir bunda Vatanning muqaddas ekanligini takidlash bilan birga qishloq hayoti bilan bog'liq xotiralar aks etirilgan. Ona yurtidan uzoqda hayot kechirgan shaxs qismati, uning mashaqatli harakatlari evaziga orttirgan boyliklari-yu, mol-mulki tug'ilib o'sgan yurti oldida arziyas bir holat ekanligini hikoya davomida anglaysiz. Psixologik jihatdan qaraydigan bo'lsak o'tgan kunni unutishga ming bor urunib harakat qilganimiz bilan yoki tashqi muhit bizni chalg'itsada botiniy dunyomizning tub tubida yashayotgan xotiralar o'chmaydi saqlanadi. Shundayin har birimiz o'z tarixiy xotiramizga egamiz. Qahramonimiz ham o'tmishidan tasirlanib shu darajaga yani katta yutuqlarga erishgandir, har bir ishning o'z asosi bor. Shu birgina kuy Alisherni yoshligi o'tgan, butun qavm-u qarindoshlari bor qishlog'i tobora o'ziga tortar o'zi istamagan holda unga intilardi, qumsardi va ona yurtini sog'inganini anglar edi. U qishlog'iga bordi lek u yerda o'zga insonlar, o'zga muhitni ko'rdi, uyiga qaytganda hali hamon uni tark etmagan nay navosi o'z yurtiga borgani bilan o'tgan damlarni ota onasiyu yoshligini qaytara olmasligini tushunib yetdi. Bu hikoya ham yoshlik xotiralar bilan bog'liq voqea edi. Ulug'bek Hamdamning ko'plab hikoyalarini o'qiganingizda yangi avlod qalbida kechayotgan yangilanishlar va sermazmun ijod qilishini his etasiz. Yoshlik damlarini ko'p eslashini, sog'inishi, bir muddat bo'lsada yoshligiga qaytib barcha dunyo ishlarini unutgisi kelganini sezish mumkin. Albatta bu hodisa har birimizni ong-u shurimizda yashaydi, yoshligini sog'inmagan inson bo'lmasa kerak, bu hodisa ko'plab son sanoqsiz yozuvchilarimiz ijodida ko'rishimiz mumkin. Adabiyotshunos, munaqqid Bahodir Karim nasr haqida shunday so'z yuritadi, "Badiiy asarda inson vujudiga sig'mayotgan ruhiy po'rtanalar, toshqinlikni, ko'ngilda tug'ulgan ezgu niyatlarni bayon etish uchun imkoniyat ko'proq bo'ladi". Yozuvchi hayotdan bir turtki oladida ana shu turtki asosida muammoni yechib yuboradigan hikoya yoki biror boshqa ijod mahsulini yaratadi. Bir necha betli yozgan hikoyasi orqali olam-olam ma'no anglatmoqchi bo'ladi, bizga shu hikoyacha oddiy bir voqea yo hodisa bo'lib tuyulishi mumun, lekin hikoya mazmuniga chuqurroq kirib boradigan bo'lsak butunlay bir boshqa ma'noni anglashimiz mumkin hikoyalaridan har kim turlicha hulosalarga kelishi, eng muhumi ong-u shurimizga ijobiy ta'sir etishi yoki masalaning mohiyatini yozuvchi nima demoqchiligini anglashimiz mumkin.

Ulug'bek hamdam ijodi, ijodkorlar haqida fikr yuritar yekan shunday yozgandi: "...Ijodkor o'z yuragining pokligiga ahamiyat bermog'i, binobarin, o'z qalbining bir umrlik sadoqatli qo'riqchisiga aylanmog'i shart. Qorayib ketgan yurak bilan nafaqat zo'r, balkim iyona asar yozish ham mushkul. Yozish san'atning ko'pdan, ko'p siru-asrori tagiga. Tizgan satrlarida nainqki stilistik, balki bironta orfografik xato uchramaydigan ijodkorlarimiz bor. San'atlariga tasanno deymiz, lekin ne yoziqki, ularning aksariyatida mazmun topiqqa ham uchraydi, asardan vulqondek otilib chiqib, o'quvchi yuragiga to'g'ri borib uruladigan badiiy zarb yo'q xuddi qishda tumanlar aro xira ko'rinib turgan quyoshdek, nursiz...."



Adabiyotshunos U.Normatov takidlaganidek: “Eng muhimi ularda so‘ngi yillar adabiyotimizda, qolaversa jahon adabiyotida ham tansiq bo‘lib turgan o‘zida yuksak idealarni tashuvchi, idealga intiluvchi qahramonlar birin-ketin bo‘y ko‘rsatayotir”.

### XULOSA

Xulosa o‘rnida hikoyalarida ramziy tasvirlar bilan bog‘liq holda real hayot hamda hayolot to‘g‘risidagi falsafiy tushunchalar, inson qalbida anglab bo‘lmas hodisotlar katta mahorat bilan talqin etiladi. Inson harakteri ko‘p qirrali bo‘lib uning turli holatlarga tushushi ajoyib satrlar ila hikoyalarida aks etadi, hikoyalaridagi mazmun mohiyati yashirin, mavhum holda kelishi bizning **chuqurroq va teranroq fikrlashimizga davat etadi. Ulug‘bek Hamdam har bir** hikoyalarida kitobxonni qiziqtirishi, tasirlantirishi mumkin bo‘lgan jihatlariga ko‘p duch kelamiz. Yozuvchining har bir hikoyasidan ma‘naviy ozuqa olishimiz, **falsafiy mulohazalarga duch kelishimiz mumkin. Ulug‘bek Hamdam voqealar** tavsilotiga emas, psixologik tahlil, milliy harakterlarga asoslangan, hikoyalarida rang-barang taqdirnlarni, maroqli va qiziqarli qilib tanishtiradi.

### *Foydalanilgan adabiyotlar*

1. Dilmurod Quronov “Adabiyot nazariyasi asoslari”. Toshkent “Navoiy universiteti” 2018
2. Tohir Shermurodov “ Hikoyalar, nihoyalar... ” maqolasi. “O‘zbekiston adabiyoti va san’ati ” gazetasi, 1991 yil 5 aprel.
3. Bahodir Karim “Ruhiyat alifbosi”. G‘ofur G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijod uyi. Toshkent-2018
4. Qozoqboy Yo‘ldosh “Yoniq so‘z”. Toshkent “Yangi asr avlodi” 2006
5. No‘mon Rahimjonov “Badiiy so‘z yestetikasi”. G‘ofur G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijod uyi. Toshkent-2017
6. Umarali Normatov “Umid baxsh tamoyillar”. Toshkent “ Ma‘naviyat ” 2000

## JAMILA ERGASHEVA HIKOYALARIDA AYOLLAR OBRAZI

Islomova Begoyim Uktam qizi

Termiz davlat universiteti magistranti

Obid Shofiyev

Ilmiy rahbar: dots.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6772834>

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada Jamila Ergasheva hikoyalarida ayollar obrazi tasviri haqida gap boradi. Shuningdek, yozuvchi hikoyalarining uslubi, o'ziga xos xususiyatlari haqida ma'lumot berilgan.

**Kalit so'zlar:** obraz, hikoya, o'zbek adabiyoti, ayollar obrazi, ijodkor uslubi, qahramon ruhiyati.

## ОБРАЗ ЖЕНЩИНЫ В РАССКАЗАХ ДЖАМИЛИ ЭРГАСНЕВОЙ

**Аннотация.** Данная статья посвящена образу женщины в рассказах Джамилы Эргасево. Также есть информация о стиле и особенностях рассказов Джамилы Эргасево.

**Ключевые слова:** образ, рассказ, узбекская литература, образ женщины, творческий стиль, героический дух.

## THE IMAGE OF WOMEN IN THE STORIES OF JAMILA ERGASHEVA

**Abstract.** This article is about the image of women in the stories of Jamila Ergasheva. There is also information about the style and peculiarities of Jamila Ergasheva's stories.

**Keywords:** image, story, Uzbek literature, image of women, creative style, heroic spirit.

## KIRISH.

Badiiy asarda obraz yarata olish, uni mukammallashtirish ijodkor iste'dodining bir qirrasidir. San'atkorona tarzda qayta yaratilgan, emotsional ta'siri va jonliligi bo'lgan obrazlarga yashovchan bo'ladi. Asarlarda o'z millati siymosi darajasiga ko'tarilgan qahramonlar talaygina. Jumladan, yapon adabiyotida Otikubo ("Go'zal Otikubo haqida ertak"), rus adabiyotidagi Tatyana Larina ("Yevgeniy Onegin"), ingliz adabiyotida Elezabet Bennet ("G'urur va andisha"), amerika adabiyotida Skarlet O'hara ("Shamollarda qolgan hislarim"), fransuz adabiyotida Bovari xonim ("Bovari xonim") obrazlari ana shunday o'lmas qahramonlar sirasidandir.

## TADQIQOT MATERIALLARI VA METODOLOGIYASI

Jahon xalqlari adabiyotida ayollar obrazi, ularning turfa qiyofalarini yaratish ildizi qadim miflarga, dostonlarga borib taqaladi. Ayolni ilohaga, kultga tenglashtirilganiga ham tarix guvoh. Adabiyot tarixiga nazar solsak, ayollar obrazi asarlarda davr va zamon, ijtimoiy muhit talabidan kelib chiqqan holda tasvirlandi. XX asr boshiga kelib o'zbek adabiyotida yangi janrlarning paydo bo'lishi bilan ayollar obrazi ham badiiy adabiyotda yangicha namoyon bo'la boshladi. Kumush, Zaynab, Zebi, Ra'no, Unsin kabi o'zida milliy o'zligimizni aks ettirgan obrazlar bunga misoldir.

Zamonaviy adabiy jarayonda esa Erkin A'zam, Isajon Sulton, Salomat Vafo, Zulfiya Qurolboy qizi, Jamila Ergasheva kabi ijodkorlar asarlarida ham ayollar obrazi yangi qirralarini kashf etdi.

## TADQIQOT NATIJALARI

Taniqli adib Shukur Xolmirzayev Jamila Ergashevaning "Ayol jodusi" to'plamiga so'zboshi yozaturib shunday degan edi: "uning uchun ASAR YOZISH – amal edi. Ana uni chindan

ham “avvalo, o‘zi uchun, O‘ZINI QANOATLANTIRISH uchun yozib kelayotir” deyish mumkin... Qolaversa, u hamon o‘zini “to‘laqonli adib” deb hisoblashga tili bormas ekan. YOZUVCHILIK – uning uchun shu qadar mas‘uliyatli kasb-mo‘tabar nom ekan.”

Jamila Ergasheva ijodida ayollar obraziga alohida urg‘u beriladi. Uning "Qaytish azobi", "Boybichcha", "O‘lim", "Devor", "Uchrashuv", "Dard" hikoyalari ijodining o‘ziga xos xususiyatlarini ko‘rish mumkin. Ijodkor hikoyalari qahramoni oddiy odamlar. Voqealar ham aksariyat hollarda qishloq hayoti bilan bog‘liq ravishda yuz beradi. Lekin muallif bir qarashda oddiy bo‘lib tuyilgan qahramonlar misolida umrning murakkab sinovlariga qarshi chiqqan chigal taqdirli insonlar hayotini ko‘rsatib bergan.

“Dard” hikoyasi boshqa hikoyalardan mavzu va uslub jihatidan ajralib turadi. Unda insoniylik burchi, bir insonning baxti uchun o‘zgasidan fidoyilik va go‘zal oqibat talab qilinadi. Bosh qahramonlardan biri ona o‘zidan keyin shu mas‘uliyatni oluvchi kelin istaydi. Ammo har kim ham bunga rozi bo‘lmaydi, chunki o‘g‘il “*ba‘zan katta ko‘chalarda ham qo‘shiq aytib yuraveradi, bir xayolga berilsa, manglayida turgan qirq yillik qadrdonini ham tanimaydi, ba‘zan yetti yot begonaga yetti bukilib salom berib, hol-ahvol so‘rab qoladi*”. Odamlar nazdida devona ko‘rinadigan bu qahramonning o‘z dunyosi, halol yashash tarzi bor. Ona yolchiyman deb kelin qilgani Oymomo (Oygul) ota-onasiz, o‘zi turtunib, yaxshilik ko‘rmay o‘sgani uchunmi, juftiga ham yaxshilik ko‘rsatishni bilmaydi. Uyiga qaytib ketadi, Sulton kampir bosh urganda ham qaytmaydi. Kenja esa ishq tushgan Oymomosi qaytib kelmaganidan haqiqiy devonaga aylanadi: “*har kuni, qishin-yozin, ertadan kechgacha soch-soqollari o‘siq yigit tentirab yuradigan yo‘lga kelganda mashinalar tezlikni biroz pasaytiradi. Uni taniganlar esa tavba qilishadi... muhabbat og‘ir dard ekan*”. Hikoyada Sulton kampir va Oygul obrazlari o‘zaro qarama-qarshi qo‘yilgan. Voqelik o‘rtasiga kelib, to‘ydan so‘ng, onaning vazifasini olishi kerak bo‘lgan qahramon, kutilmaganda bundan voz kechadi. Hikoya badiiyatini boyitgan omillardan biri, muallifning ana shu kontrastdan ustalik bilan foydalanganidir. Sulton kampir obrazi mehribon, qat‘iyatli, hayotda kurashuvchan obrazlardan, nomiga monand sulton. Muallifning “Dard”, “Boybichcha”, hikoyalarda ona obrazi bir-biriga xarakter jihatidan yaqin tursa, “Uchrashuv” hikoyasi, “Zufizar” qissasidagi ona obrazlari farqli va o‘zgarishga uchragan qahramonlardandir.

Asarlarda yechimning kitobxonga havola etilishi o‘quvchilarni personajlar taqdirini o‘ylashga, qahramon dardi bilan yashashga, ularni ko‘proq his qilishga sabab bo‘ladi. Ana shunday hikoyalardan biri "Qaytish azobi" hikoyasidir. Oilada erkak va ayolning o‘rni, vazifalari haqida mushohada qilishga undaydigan bu hikoya bosh qahramoni Gulandom. U beburd erini, bolalarini boqish uchun faxsh ko‘chasiga majburan kirgan ayollardan. Turmush o‘rtog‘i esa ayolining topgan xarom pullariga kun ko‘rishdan uyalmaydigan, orsiz va hamiyatsiz erkak. Gulandom qing‘ir yo‘lga kirgan bo‘lsa-da ruhiyatida o‘zidan norozi, oila boqaman deb shu yo‘lga kirgani uchun qalban o‘zini aybdor his qiladi. Bu obraz bir qarashda yozuvchi Erkin A‘zam qahramonlaridan biri – Safuraning (“Bayramdan boshqa kunlar”) mutatsiyaga uchragan, o‘zligiga qaytgan shakli. Bu ikki qahramonning hayot tarzida, ruhiy iztiroblarida o‘xshashlik bor. Safura 80-yillarda ba‘zi insonlar ideal hayot deya qaragan ovruपालashgan yashash shaklida, bexayolik va andishasizlik erkinlik hisoblangan davrlar to‘ridagi ayol obrazi. U o‘jar va tushunish qiyin bo‘lgan qahramonlardan. Safura aldangan, butun umr hayotini yaxshilaydigan insonni kutib yashagan, ishratparastlikdan o‘zi chiqishga kuch topolmagan obraz. Gulandom biz yashab turgan davr qahramoni, u Safuranikiga o‘xshash taqdirni kechirgan bo‘lsa-da taqdiri uchun kurashgan, o‘zining jirkanch

hayotidan nafratlanib uni yangidan boshlashga kuch topolgan ayoldir: Tomirlarida gupirgan qon miyasiga tepdi: *«Ie, bu so'tak o'ziga nega buncha erk beradi? Agar osmon uning mulki bo'lsa, boshi ustidan yig'ishtirib olsa-olsin, ammo uni bu taxlit xo'rlamasin!»*

*Ko'ngliga kelganlarni aytish uchun lab juftlab, qarshisida uni ayblab turgan beshafqat odamning ko'zlarida unga nihoyatda aziz bo'lgan bir mehrni ko'rib qoldi: qing'ir yo'ldan qaytara olmagan bolasini urib qo'ygan darg'azab onaning ko'zlaridagina bo'ladigan azob, alam qorishiq jonsarak bir mehrni. Uning ko'zlariga yosh qalqdi. Erining shapaloq tushirgan qo'llarini olib, labiga bosdi: — Rahmat sizga!"*

### MUHOKAMA

Jamila Ergasheva "Qaytish azobi"da millat hayotida yuz berayotgan fojealarni ayol obrazi orqali tasvirlaydi. Sharq xalqlarida qadim-qadimdan e'tirof etilgan oilaning muqaddasligi, erlik, ayollik mas'uliyatiga beparvolik bilan qarovchi insonlar fojeasini ko'rsatib beradi. Adiba hikoyasida ayolni qing'ir yo'lda bo'lsa ham unga "e'tiroz" bildirmaslikni sevgi deb qabul qilish erkaklik emas, aksincha, uning qo'lidan tutib uni o'zligiga, to'g'ri yo'lga va pok kelajakka birga hamroxlilik qiluvchi erkak haqiqiy erkakdir, degan xulosani beradi.

Zero, rus hikoyanavisi Yuriy Kazakov bunday deb yozadi: "Adabiyotning vazifasi inson qalb kechinmalarini ifodalashdir. Bizning rus adabiyotimizda Lev Tolstoy hanzuz bosh siymo ekanining sababi ham shunda... Chunki Tolstoy inson qalbini aks ettiradi. Bunday asarlar hech qachon eskirmaydi".

"Boybichcha" hikoyasi bosh qahramoni Gulnor kampir nafaqat Surxon onasi balki, o'zbek onalarining umumlashma obrazidir. Hikoyada milliy turmush-tarzimiz, metalitetimizdagi "yozilmagan" an'analar tasvirlanadi. O'zbek xonadonlarida aksariyat hollarda kenja o'g'ilga ota-onaning "chirog'ini yoquvchi", qariganda holiga yaraydigan farzand deb qaraladi va ota-onadan qolguvchi mulk unga me'ros qoldiriladi. Hikoya bosh qahramoni Gulnor kampir butun umr kenja farzandi dardi bilan o'tadi. O'g'lining yumshoqfe'lligi bir ko'nglini ko'tarsa, ishlari yurishmasligi bir ko'nglini cho'ktirar edi. Kampir shu kamxarj o'g'ilga, uning bolalariga o'zgacha mehr qo'yadi. Biror tansiqroq narsa bo'lsa, kenjasi Sodiqqa ilinadi. Katta o'g'illarini uzoq yurtlarda o'qitganda kenjasi kuniga yaraginini eslaydi. Akalarining hozirgi yaxshi sharoitlarda yashayotganiga Sodiqni ham sababchi qiladi, ammo u kunlarni kampir va kenjasidan boshqa hech kim eslamaydi. Gulnor kampir qolgan o'g'illarining Sodiqqa yordam berishi, uning ham oyoqqa turib olishidan umid qiladi. Ammo o'g'illari beburd va ukasiga bemehr chiqadi. Kampir kenjasiga jabr bo'lmasin deb, boshqa o'g'illaridikida ham yashaydi, biroq ularnikida sig'inda bo'lishdan charchaydi. Mehmonga kelgan kenjasiga kelini izzat ko'rsatilmaganligidan o'g'li Odildan bir aytarli gap istab unga yozg'iradi. Undan olgan javobi esa boybichchani larzaga soladi: *"E-e, ona, shuningizni to'q kuni bormi? Sizning ko'nglingizni deb hamisha qarashib kelaman. Lekin to'ymaydi, doim och. Bir umr shuni g'amini yedingiz, nafaqangizni shunga berasiz, uyida yashab, cho'riligini qilasiz. Endi, hech bo'lmasa menikida yashayotganda shuni o'ylamang. Lapashangligi uchun biz aybdormi? Hadeb xafa bo'lasiz? Yana nima qilay? Uyimning to'ridan joy berib qo'yibman, yeb-ichib o'tiribsiz."*

Besh o'g'illi boybichcha o'g'illarini bir-biriga mehr-oqibatli qildirolmay dunyodan o'tadi. Armon bilan o'tadi. Shuncha o'g'il tug'ib bir qiz tug'maganidan afsuslanib o'tadi: *"Bir ota-ona o'n o'g'ilni boqadi, o'n o'g'il bir ota-onani boqolmaydi deganlari shumikin? Esiz, besh o'g'il tuqqan, besh o'g'ilni o'qitgan boybichcha-ya, "Ko'nglingizda nima gap bor?" degan mehrga yo'g'rilgan*

*savolni eshitmaganiga necha-necha yillar bo'lib ketdi-ya. Esiz, alloh undan bir qiz farzandni ayagan ekan-a. O'g'illar ham o'z kuniga o'lmasin, qiz ich kuylak bo'lardi-da. Ay, dunyo-ya!.."*

#### **XULOSA**

Jamila Ergasheva hikoyalarida ayolning taqdiri, iztroblari, dardlari asosiy o'rinda samimiylilik, tabiiylilik bilan tasvirlanadi. Bu hikoyalarda ijodkor ayolni ona, rafiq va opa timsolida tasvirlaydi. To'g'ri, ba'zi asarlarini kamchiliklardan holi deb aytolmaymiz, ammo ijodkorning Alloh yuqtirgan iste'dodi o'z uslubi, o'z mavzusi, o'z yo'li bor. Va ijodi bilan Surxon adabiyotiga o'z hissasini qo'sholgan ijodkordir.

#### ***Foydalanilgan adabiyotlar:***

1. Quronov D."Adabiyotshunoslik nazariyasi" T.: "akademnashr" 2018
2. <https://n.ziyouz.com/portal-haqida/xarita/uzbek-nasri/jamila-ergasheva-1956/jamila-ergasheva-dard-hikoya>
3. <https://n.ziyouz.com/portal-haqida/xarita/uzbek-nasri/jamila-ergasheva-1956/jamila-ergasheva-boybichcha-hikoya>
4. <https://n.ziyouz.com/portal-haqida/xarita/uzbek-nasri/jamila-ergasheva-1956/jamila-ergasheva-qaytish-azobi-hikoya>
5. <https://inscience.uz/index.php/socinov/article/download/883/1074>
6. <https://kgeu.ru/News/Item/141/10325>
7. <https://www.elle.ru/stil-zhizni/books/kultovye-zhenskie-obrazy-v-literature-raznyh-stran-id6766651/>

## НАВОЙШУНОС НАТАН МАЛЛАЕВ АРХИВИ ВА АСОСИЙ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАРИ

Гулчеҳра Абдуллаева

Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейининг илмий ходими

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6780304>

*Аннотация.* Мақолада Натан Маллаев архивида сақланаётган тақризлар ва ҳужжатлар, илмий тадқиқотлар ҳақида сўз боради.

*Калим сўзлар:* архив, тавсиф, ҳужжат, тақризлар, турли маълумотлар, сценарийлар.

## АРХИВ И ФУНДАМЕНТАЛЬНЫЕ НАУЧНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ НАВОЙСКОГО УЧЕНОГО НАТАНА МАЛЛАЕВА

*Аннотация.* В статье рассматриваются рецензии и документы, хранящиеся в архивах Натана Маллаева, научные исследования.

*Ключевые слова:* архив, описание, документ, рецензии, различные данные, сценарии.

## ARCHIVE AND BASIC SCIENTIFIC RESEARCHES OF NAVOI SCHOLAR NATHAN MALLAEV

*Abstract.* The article deals with the reviews and documents stored in the archives of Nathan Mallaeв, scientific research.

*Keywords:* archive, description, document, reviews, various data, scenarios.

### КИРИШ

Ўзбекистон Фанлар Академияси Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейида сақланаётган Ўзбекистон ёзувчи, шоирлари ва адабиётшунослари архивидан бир қанча архивлари каталоглар нашр этилган. Булар М.Шайхзода, Ҳамид Олимжон, А.Қахҳор, Ҳамза, Собир Абдулла, Ҳамид Ғулом ва Хуршид каталогларидир.

2019 йили навоийшунос олим Порсо Шамсиев архиви каталогини музей катта илмий ходими Юсуф Турсунов тайёрлаган бўлса ва биз томонимиздан навоийшунос Натан Муродович Маллаев архиви каталоги нашрдан чиқди.

Архив 900 га яқин архив ҳужжатларидан иборат бўлиб, булар олимнинг илмий асарлари, ёзган дарсликлари, мақолалари, тақризлар, турли маълумотлар, сценарийлар, хатлардир.

### ТАДҚИҚОТ МЕТОДИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Унинг асосий илмий тадқиқотлари Навоий ижоди ва мумтоз адабиёт ҳамда халқ оғзаки ижодининг ўзаро таъсирини тадқиқ этишга қаратилган ва у “Улуғ шоир ва мутафаккир”(1969), “Навоий ижодининг халқчил негизи”(1973), “Сўз санъатининг гултожи” каби илмий асарларини яратди. Мумтоз адабиётимиз тарихига назар солсак, барча ижодкорлар халқ оғзаки ижоди дурдоналаридан у ёки бу даражада баҳраманд бўлганликларини кўришимиз мумкин. Навоийнинг назмий ва насрий ижодида халқ оғзаки ижоди намуналари билан узвий боғлиқлик унинг энг қадимги кўринишларидан бошлаб, истеъфода этилган. Бу эса халқ оғзаки ижоди дурдоналарини бизгача етиб келишига замин ҳозирлади. 1973 йили Натан Маллаевнинг Ғ.Ғулом нашриёти томонидан “Алишер Навоий ва халқ оғзаки ижоди” номли монографияси нашр этилиши муносабати билан проф.Ҳамид Сулаймон бу тадқиқотнинг ютуқлари ҳақида шундай ёзган эди: “Алишер Навоийнинг улкан меросида оғзаки ижоднинг тутган ўрни, унинг шеърини ва



достонларида, ғоявий эстетик қарашларида қандай из қолдиргани ҳозиргача ҳеч бир тадқиқотчи томонидан махсус ва мукамал ўрганилмаган. Ушбу монография Навоий меросини ўрганиш бобида янги қадамдир. ... навоийшуносликнинг йирик, актуал проблемаси сифатида майдонга қўйди. ... самарали тадқиқотларнинг махсули сифатида фундаментал монография яратди. Маллаев ўз салафларининг ютуқларини тўлиқ эътироф этиш билан бирга, ҳали ҳал қилинмаган масалаларни аниқлаб, кенг таҳлил қилади ва навоийшунослик тараққиёти учун муҳим бўлган хулосалар ясайди” деб таъкидлайди.

Натан Маллаев **“Ўзбек адабиёти тарихи” (ўрта мактаблар учун 1953-73) “Ўзбек адабиёти тарихи” (университет ва педагогика институтлари учун 1963-65)** олимнинг ушбу дарслиги 4 маротаба нашр этилиб, талаба ва мумтоз адабиёт ихлосмандларининг эҳтиёжи учун ўзбек адабиёти тарихининг ўзига хос “Алифбоси”дир. Ушбу дарслик 2011 йили Афғонистонлик адабиётшунос ва таржимон Бурхониддин Номик томонидан дарий тилига таржима қилиниб, илмий шарҳлар билан чоп этилди.

### ТАДҚИҚОТ НАТИЖАСИ

Олимнинг **“Асрлар сир сақлаган шеърый хазина”** мақоласи фанимизнинг забардаст тадқиқотчиси-манбаъшунос, матншунос, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний номидаги Республика Давлат мукофоти лауреати, профессор Ҳ.Сулаймоннинг Ҳиндистон илмий экспедициясида фанимизга, жамоатчиликка номаълум бўлиб келган ўзбек мумтоз адабиётининг нодир бир хазинаси бўлмиш Ҳофиз Хоразмий девонини топилиши ҳақидадир.

Олимнинг **“Шеърят ва тасвирий санъат”** (Навоийнинг бир ғазали муносабати билан) сарлавҳа остидаги мақоласини кўрайлик. “Санъат –бадий тафаккур маҳсули. У инсон меҳнати ва ижодий фаолиятининг натижасидир. Санъатнинг ёши деярли башарият – кишилик ёши билан тенг” деб бошлайди.

Н.Маллаев санъатни ибтидоий шаклларида бошлаб ҳаёт ва муҳитни бадий идрок этиш ва образларда мужассалаштириш маънавий маданиятнинг катта ва бой бир соҳаси санъатни пайдо бўлишини Навоий асарлари асосида намоён этади. Ҳақиқатан ҳам XV аср санъати тараққиётини Алишер Навоийнинг асарларидаги образлар орқали ифодалайди. Асаридаги илм ва фан, санъат ва адабиёт аҳиллари, шоирлар, меъмору санъаткорлар бўлган асар қаҳрамонлари тимсолида ифодаланади. Навоий асари қаҳрамонлари Фарҳод, Шопур, Моний, Дилором ва бошқалар ажойиб санъаткор, ижодкор образлар этиб ифодаланган. Навоий ўз ҳаёти давомида санъат намоёндаларига доимий ёрдам берган ва уларни қўллаб қувватлагани тарихий ҳақиқатдир. Мақола сўнгида олим шундай дейди: “ тасвирий санъат ҳам шоирларга илҳом манбаи бўлиб хизмат қилади, уларга мавзу, сюжет, образ бахш этади” деб яқунлайди. Олим Алишер Навоий ижодида тасвирий санъатнинг тутган ўрни, вазифасини бир ғазал тимсолида кўрсатиб беради. “Фавоийд ул-кибар” асаридаги ғазални таҳлил қилади.

Ёғлигин, эй ким, тикарсен, игна мужгонимни қил,  
Нақш этарда тори онинг риштаи жонимни қил.  
Истасанг торин кизил ёхуд қаро қилмоқ ранг,  
Кўз қаросин ҳал қилиб, кўздан оқар қонимни қил.

**1 байт:** Эй (ё), рўмолча тикар экансан, кипригимни игна қилиб ол,  
Уни нақш этар экансан, торини жонимнинг риштасидан ол.

**2 байт:** Торини қизил ёхуд қарога бўямоқчи бўлсанг,

Кўзим қорасини ҳал қилиб, қизилига ундан оққан қонни ол.

Олим айтади – ғазалда лирика шеърӣи санъат билан, қолаверса лирикага ҳам санъатга, ҳам бир манба бўлиб хизмат қилувчи этнография билан уйғунланиб, бирлашиб кетган. Ошиқ ёрига бўлган меҳр-муҳаббатни, садоқатни ҳижрон азоби ҳамда висол иштиёқини ифодалашда ёрнинг – рўмолча тикиш санъатидан фойдаланганлигини ғазални насрий баёнида ифодалай олади.

### МУҲОКАМА

Натан Маллаев архивида 1990 йилларда “Е.Э.Бертельс атоқли Шарқшунос” номли эълон қилинмаган мақоласини кўриб, олим бирор нарса ҳақида мақола ёзмоқчи бўлса, албатта бунинг учун режа тузади. Мақола учун тузилган режани олайлик. У 8 рукн ажратилган. Иккинчидан, кичик варақга рим рақамида бир қўйиб 5та фаслнинг номлари ёзилган. Иккинчи кичик вараққа эса II рақами қўйилиб 6 дан бошлаб 15 гача рақамланган, 3 варақчада эса III рақами қўйилиб 16 дан 24 гача, IV рақамли варақчада 25 дан 30 гача рақам қўйилган. VI варақдаги режага “дарсликдан олинган Бертельсга доир” деб қайд этилган. Бундан кўринадики, олим ҳар бир мақолани ёзишдан олдин бир неча ўнлаб манбаларни танқидий кўриб чиқади. Бирор маълумотни баён қилишдан, ёзишдан олдин албатта илмий ҳақиқатларни қиёсий ўрганади ва хулосалар чиқаришга шошмай, аста секинлик билан ўз фикр мулоҳазаларини баён қилишга жиддий тайёргарлик кўрганлигига гувоҳ бўламиз. Архив ҳужжатлари орасида инвентар рақамли 685-ҳужжатда (1005-1085) йилларда яшаб ўтган Носир Хисрав билан Навоий асарларини қиёсий ўрганиш учун беш қисмдан иборат пухта режа тузганлигини кўриш мумкин. Режанинг I қисми 7 бўлимдан иборат. I қисмнинг 2-бўлимида:” Қарама – қариши оқим ва намоёндалар. 3-Босқичлар тараққиёт нуқтаи назаридан. II қисм. 1-бўлим. а) гарчи XI ва XV аср –феодал муҳит. в) халқ антифеодал ҳаракатига қарши. Носир Хисрав – бевосита – қарматийлик йўналиши Навоий даврида сарбадорлар ҳаракати билан тугаган, аммо ўз изини маълум даражада қолдирган деб ҳисоблайди. Навоий бавосита бўлса ҳам хайрихоҳ. III қисмда Носир Хисрав асарлар. IV қисмда Навоий ва Носир Хисрав қиёсий ўрганиш. а) фалсафий – илоҳий ва обектив борлик.б) ижтимоий сиёсий. в) ахлоқ-одоб. Носир Хисрав – Навоий ростгўйлик, тўғрилиқ, ҳалоллик. Севги ва бошқалар. V. Хулосалар”. Тузилган режа асосида Натан Маллаев тадқиқот олиб бориш учун тайёргарлик кўрган. Лекин иш якунланмаган. Демак, олим Навоий асарлари билан Носир Хисрав ижодидаги баъзи бир нуқталарни, фалсафий ёндошувдаги ўхшаш чизиқларни аниқлашда, Навоий асарларига мурожаат этган.

Ҳужжатлар орасида XI-XII асрларда яшаб ўтган қасиданавис Бадриддин Чочий ижоди ҳақида ҳам маълумотлар бўлиб, у туркийда ҳам шеърлар битгани, форс-тожик тилида ҳам ижод қилиб “Шарҳи қасоиди Бадриддин Чочий” асари бор эканлиги машҳур хинд олими Ғиёсиддин бинни Жамолиддин Мустафо (1840-1841) йилда Бадриддин Чочий асарларини китобхонларга етказиш мақсадида уларга шарҳ сифатида “Кашф ул-асрор” асарини ёзганлиги ҳақида маълумотларни беради. Биз имкониятимиз доирасида архив ҳужжатларининг айрим жиҳатларигагина тўхталдик.

### ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, Натан Маллаев архивида кўплаб ноёб ҳужжатлар мавжуд бўлиб, ўйлашимизча, устоз навоийшуноснинг илмий библиографиясини яратиш вақти келди.

*Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:*

1. “Натан Маллаев архиви каталоги”. Тошкент. “Мумтоз сўз” нашриёти. 2019 йил.
2. Н.Маллаев “Алишер Навоий ва халқ оғзаки ижоди”. Монография. Ғ.Ғулом нашриёти. 1973 йил.
3. Н.Маллаев. “Ўзбек адабиёти тарихи” (Ўрта мактаблар учун) “Ўқтувчи” нашриёти. 1953. 1973.
4. Н.Маллаев. “Ўзбек адабиёти тарихи”. (Университет ва педагогика институтлари учун). “Ўқтувчи” нашриёти. 1963-1965 йй.

## КОСМОНИМЫ "СОЛНЦЕ", "ЛУНА", "МЕСЯЦ" В НАУЧНОМ, ЛИНГВИСТИЧЕСКОМ, МИФОЛОГИЧЕСКОМ И СИМВОЛИЧЕСКОМ АСПЕКТАХ (НА МАТЕРИАЛЕ РУССКОГО ПЕРЕВОДА СКАЗОК "ТЫСЯЧА И ОДНА НОЧЬ")

Ибрагимов Дилбар Атхамовна

Чирчикское высшее танковое командное инженерное училище Старший преподаватель языков Узбекский государственный мировых языков соискатель

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6773521>

**Аннотация.** В статье дается разносторонний анализ дефиниций космонимов "солнце", "луна", "месяц" в научном, лингвистическом, мифологическом и символическом аспектах. Использован также частотный параметр исследования космонимов: статистические данные употребления того или иного космонима в тексте сказок раскрывают смысловой акцент, приоритетность того или иного космонима перед другими.

**Ключевые слова и фразы:** космонимы, солнце, луна, месяц, звезда, полнолуние, небесное тело, спутник земли, четырнадцатая ночь.

### COSMONYMS "SUN", "MOON", "MONTH" IN SCIENTIFIC, LINGUISTIC, MYTHOLOGICAL AND SYMBOLIC ASPECTS (BASED ON THE RUSSIAN TRANSLATION OF FAIRY TALES "A THOUSAND AND ONE NIGHTS")

**Abstract.** The article provides a comprehensive analysis of the definitions of the cosmonyms "sun", "moon", "month" in the scientific, linguistic, mythological and symbolic aspects. The frequency parameter of the study of cosmonyms was also used: statistical data on the use of one or another cosmonym in the text of fairy tales reveal the semantic emphasis, the priority of this or that cosmonym over others.

**Key words and phrases:** cosmonyms, sun, moon, month, star, full moon, celestial body, earth satellite, fourteenth night.

## ВВЕДЕНИЕ

Noan'anaviy darslar muhim o'quv vositasidir, chunki ular o'quv faoliyatida ko'nikmalarni shakllantirishga yordam beradi va bolalarga hissiy ta'sir ko'rsatadi, shuning uchun ular chuqurroq va kuchli bilimlarni rivojlantiradi. Tilga olinga metod va usullar barcha turdagi darslarga tegishli. Matematik diktant o'quvchilarning darsda mustaqil faoliyatini tashkil etish usullaridan biridir. Matematik diktantlar tizimi, bir tomondan, zarur bilim va ko'nikmalarni o'zlashtirishni, ikkinchi tomondan, ularni tekshirishni ta'minlashi kerak. Shuningdek, siz takrorlash diktantini o'tkazishingiz mumkin, bu o'quvchilarga materialni takrorlash, bilimlarni tizimlashtirish va o'rganilgan masalalar o'rtasida aloqa o'rnatish imkonini beradi. Buning uchun mavzuni o'rganishda o'quvchi qanday asosiy tushunchalarni o'zlashtirishi, qanday ko'nikma va malakalarni egallashi, qanday vazifalarni bajara olishi va bu topshiriqlarning murakkablik darajasi qanday ekanligini aniqlash kerak. Vazifalar aniq, tiniq, tushunarli bo'lishi kerak, bunga o'rganilgan ta'riflarni, teoremlarni, qoidalarni tekshirish bo'yicha savollar, oddiy masalalar va

mashqlarni hal qilish uchun topshiriqlar kiradi. Bunday diktant o'qituvchiga o'rganilayotgan mavzuning asosiy masalalari o'zlashtirilganligini tekshirish imkonini beradi.

### **TADQIQOT NATIJALARI**

Didaktik o'yin

Didaktik o'yin noyob shakllardan hisoblanib, bu bilim, ko'nikma va malakalarni shakllantirishga qaratilgan shartli ko'ngilochar faoliyatdir. Didaktik o'yinlar - o'quv o'yinlari shaklida tashkil etilgan, o'yin va faol o'rganishning bir qator tamoyillarini amalga oshiradigan o'quv mashg'ulotlarining bir turi bo'lib, ular o'yin faoliyati qoidalari, qat'iy tuzilma va baholash tizimlari mavjudligi bilan ajralib turadi.

Ushbu o'yinlarning o'ziga xos xususiyati odatda usulning asosi sifatida ishlatiladigan o'yin mavjudligi bilan o'lchandi. O'yinda ishtirokchilarning faoliyati rasmiylashtiriladi: qoidalar mavjud, qat'iy baholash tizimi bor, shuningdek, tartib-qoidalar tushuntiriladi. Didaktik o'yin shunday jamoaviy va maqsadli o'quv faoliyati bo'lib, unda har bir ishtirokchi va umuman jamoa asosiy vazifani hal qilishda birlashadi va ularning xatti-harakati g'alaba qozonishga qaratilgan bo'ladi.

### **MUHOKAMA**

Mini-musobaqalar faollashish uchun o'tkazish yaxshidir. Ularning asosiy maqsadi o'rganilayotgan mavzu bo'yicha o'quvchilarning bilimini tekshirishdan iborat. Raqobat ruhi har bir o'quvchini ishga jalb qiladi, chunki bu kimning jamoasi g'alaba qozonishiga bog'liq.

Har bir jamoaning o'quvchilari nafaqat vazifalarni hal qilishlari, balki hamma narsa to'g'ri bajarilganligini tekshirishlari kerak va qiynalgan o'quvchilarga kuchliroq o'quvchilar yordam berishadi. Barcha muammolarni tezroq hal qiladigan jamoa g'alaba qozonadi. Kodlash topshiriqlari ham o'quvchilarning qiziqishini uyg'otadi: doskada misollar yonida javoblar taklif qilinadi, harflar bilan kodlanadi. O'quvchilar topshiriqlarni bajaradilar, to'g'ri javobni tanlaydilar va to'g'ri javobga mos keladigan harf kodini ochadilar. Natijada o'quvchilar shifrlangan so'zni oladilar. O'quvchi portfeli "O'quvchi portfeli" texnologiyasi zarur fikrlash ko'nikmalarini shakllantirishga, ya'ni aks ettirish va o'z-o'zini kuzatishni shakllantirishga yordam beradi. O'quvchi portfeli o'quvchining o'z ijodiy, kognitiv ishini o'z-o'zini baholash, o'z faoliyatini aks ettirish vositasi bo'lib, u o'qituvchi tomonidan ishlab chiqilgan va o'quvchi uchun topshiriqlarni o'z ichiga olgan hujjatlar to'plami, o'quvchining mustaqil ishidir.

### **XULOSA**

O'quvchi o'qituvchining topshirig'iga binoan yoki o'z xohishiga ko'ra darsda bajargan ishini mustaqil ravishda (testlar, matematik diktantlar, so'rovnoma, hisobotlar, xabarlar va boshqalar) yoki uyda (uy vazifasi) tanlaydi. "Portfolio" yoki ba'zi topshiriqlar o'quvchilar tomonidan tushuntiriladi: nima uchun u ushbu aniq ishlarni tanlashni zarur deb biladi. Har bir ish, shuningdek, o'quvchining qisqacha sharhi bilan birga keladi: u bu ishda (aniq topshiriqlar uchun) nimaga erishdi va nimaga erishmadi, u o'qituvchining bahosiga rozimi, ish natijalaridan qanday xulosalar chiqarishi mumkin? Bu ishda asosiy narsa o'quvchining o'zini-o'zi baholashi, asoslash, izohlash, argumentlash shaklida amalga oshiriladi. Materialni tanlash uchun ajratilgan vaqtdan so'ng yoki o'rganilgan bo'lim bo'yicha ma'lum miqdordagi ishini tugatgandan so'ng, o'quvchi sinf yoki guruhda taqdimot uchun o'zining "Portfolio" sini taqdim etadi. Oldingi barcha mulohazalar quyidagi xulosaga olib keladi: o'quvchilarni o'qitish bilan bog'liq bo'lgan barcha

narsalar, ularning bilim faolligini faollashtirish, ma'lumotlar bilan ishlash, sinfda nostandart usullar va ish shakllarini amalga oshirishda qabul qilinishi kerak.

*Foydalanagan adabiyotlar ro'yxati*

1. Ziyomuhammadov B., Tojiyev M. Pedagogik texnologiya — zamonaviy o'zbek milliy modeli. — T.: «Lider Press», 2009.
2. Golish L.V., Fayzullayeva D.M. Pedagogik texnologiyalarni loyihalashtirish va rejalashtirish. O'quv uslubiy qo'llanma// Ta'limda innovatsion texnologiya seriyasi. — T.: 2010.
3. [Http://docplayer.com/43975714-Nestandardnye-formy-i-metody-obucheniya-na-urokahmatematiki.htm](http://docplayer.com/43975714-Nestandardnye-formy-i-metody-obucheniya-na-urokahmatematiki.htm)



## УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА БИОЛОГИЯ ФАНИДАН САМАРАДОРЛИККА ЭРИШИШДА ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМИЙ ВОСИТАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АСОСЛАРИ

**Қарахонова Лобархон Мусахоновна**

Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти  
“Табиий фанларни ўқитиш технологиялари” бўлими мудири, педагогика фанлари фалсафа  
доктори (PhD), катта илмий ходим

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6779388>

**Аннотация.** Таълим тизимидаги инновацион ёндашувлар замонавий таълим технологиялари, дастурлашган воситалар, тест ва шу каби ноанъанавий таълим воситалари асосида ўқув жараёни фаоллигига эришилади. Бугунги ахборотлашган даврда кўпгина ўқув фанлари каби биология дарсларида ҳам электрон таълим воситаларини фаол қўллаш самарадорлик омили бўлиб хизмат қилмоқда. Шу маънода мазкур мақола бевосита таълим жараёнига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш ва ундан фойдаланишнинг амалий асосларига бағишланган.

**Калит сўзлар:** узлуксиз таълим тизими, биология фани, ўқув жараёни, фанга оид тушунчалар, билим ва кўникмалар, таълимда инновацион воситалар, компьютер техникаси, тақдирот материаллари, биологик билим ва тушунчалар, ҳайвонот дунёси, ўқитиш тамойиллари, таянч ва фанга оид компетенциялар.

## НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ЭЛЕКТРОННЫХ СРЕДСТВ ОБУЧЕНИЯ В ДОСТИЖЕНИИ ЭФФЕКТИВНОСТИ ПО БИОЛОГИИ В СИСТЕМЕ НЕПРЕРЫВНОГО ОБРАЗОВАНИЯ

**Аннотация.** Инновационные подходы в системе образования достигаются за счет активизации процесса обучения на основе современных образовательных технологий, программных средств, тестов и подобных нетрадиционных средств обучения. В современный информационный век, как и во многих академических дисциплинах, активное использование электронных средств обучения на уроках биологии является фактором эффективности. В этом смысле данная статья посвящена практическим основам внедрения и использования современных информационных технологий в образовательный процесс.

**Ключевые слова:** система непрерывного образования, биология, образовательный процесс, научные понятия, знания и умения, инновационные средства в образовании, компьютерные технологии, презентационные материалы, биологические знания и понятия, живая природа, принципы обучения, базовые и научные компетенции.

## SCIENTIFIC AND PRACTICAL BASES FOR THE USE OF ELECTRONIC LEARNING TOOLS IN ACHIEVING EFFICIENCY IN BIOLOGY IN THE SYSTEM OF CONTINUING EDUCATION

**Abstract.** Innovative approaches in the education system are achieved by activating the learning process based on modern educational technologies, software, tests and similar non-traditional teaching aids. In the modern information age, as in many academic disciplines, the active use of electronic teaching aids in biology lessons is an efficiency factor. In this sense, this article is devoted to the practical foundations for the introduction and use of modern information technologies in the educational process.

**Keywords:** *lifelong education system, biology, educational process, scientific concepts, knowledge and skills, innovative means in education, computer technologies, presentation materials, biological knowledge and concepts, wildlife, learning principles, basic and scientific competencies.*

## КИРИШ

Ҳозирги кунда узлуксиз таълим тизимида ахборотлашган таълим муҳитини яратиш, ўқув фанларига мўлжалланган мультимедиа иловаларни кенг жорий этиш ва умумий ўрта таълим мактабларининг янги авлод ўқув-методик адабиётлар базасини халқаро таълим стандартларига, таълим сифатини баҳолашнинг халқаро дастурлари тизимида мослаштириш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Зеро, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида «Таълимда мультимедиа маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва уларни қўллаш жараёнини тизимли ташкил этиш чораларини кўриш» каби устувор вазифалар белгиланган. Бу эса умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг биологик саводхонлигини ошириш, табиий-илмий дунёқарашини, таянч ва фанга оид хусусий компетенцияларини шакллантиришда биология дарслари, дарсдан ва синфдан ташқари машғулотларни интерактив электрон таълимий ресурслар воситасида ташкил этилишини таъминлайди.

## ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Республикамізда таълим тизимини ахборотлаштириш, электрон ва масофавий таълим имкониятлари М.Арипов, А.Абдуқодилов, У.Ш.Бегимкулов, Р.Х.Джураев, Н.И.Тайлақов, А.Ҳайитов, М.Лутфуллаев, М.Цой каби олимларнинг ишларида тадқиқ қилинган. Биологияни ўқитиш методикасини такомиллаштириш, ўқувчиларнинг дарсдан ташқари ишлари ва синфдан ташқари машғулотларини ташкил этиш, биология фани соҳасида замонавий таълим технологияларини қўллаш ва ўқув жараёнида электрон таълим ресурсларидан фойдаланиш имкониятлари А.Т.Ғофуров, Ж.О.Толипова, О.Мавлонов, С.С.Файзуллаев, Г.С.Эргашева, З.Матякубова, С.Нажимова, Н.Ж.Тошманов, М.Ибодовалар томонидан ўрганилган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида биологияни ўқитишда ахборот технологиялари таълим ресурсларидан фойдаланиш масалалари В.И.Евдокимов, И.В.Роберт, Ко Ен Чоль, Г.П.Чепуренко, П.Апатова, Е.И.Машбиц, Ю.Астратов, Е.В.Буряченко, Л.И.Булавенцева, И.А.Васильева, В.В.Кирилиенко, Г.В.Ившина, Е.Г.Коберник, А.Г.Крицкий, А.В.Уманец Н.В.Мусинова, О.Г.Петрова, Е.А.Филиппов, В.Старадубцев, В.Смирнов, С.Суматохин, Ю.А.Тихомирова каби олимлар томонидан ўрганиб чиқилган.

Хорижий давлатларда биология таълими жараёнида ахборот технологияларини қўллаш, компьютер ёрдамида моделлаштириш, электрон таълимни жорий этиш, илғор педагогик ва ахборот технологияларини ривожлантириш, виртуал лаборатория машғулотларини ишлаб чиқиш муаммолари бўйича L. Rageda, T. Weert, L.M. Semali, A. Bork, Casotti G, Rieser-Danner L, Knabb MT, M.C. Linn, J.A. Chiu, P. Mary A. Fernandez, S. Ribarić, M. Kordaš, S.W. Rissing, J.G. Cogan каби олимлар тадқиқот олиб борганлар.

Мавзудаги устувор вазифалари

амонавий ахборотлашган таълим муҳитида биологиядан ўқувчиларда таянч ва фанга оид хусусий компетенцияларни ривожлантиришда электрон таълим ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаштириш;

дарс жараёнида ўқувчиларнинг билими, кўникма ва малакаларини ривожлантиришда ўқув-таълимий технологиялар ва дастурий таълим воситаларини ўзаро комплекс ҳолда тизимлаштириш асосида такомиллаштириш;

биологиядан дарсдан ташқари ишларда ўқувчиларнинг индивидуал билим олишларини электрон дастурий таъминот воситалари ҳамда мустақил фаолиятга йўналтириш асосида ташкиллаштириш;

ўқув жараёнида ва дарсдан ташқари машғулотларда ўқувчилар билимини назорат қилиш ва таълим сифатини баҳолашнинг халқаро дастурлар талабларига мослаштириш.

Таълим жараёнига замонавий ёндашувлар, туб ислохотлар жорий этилаётган ҳозирги кунда ҳар бир ўқув предметининг ўқувчи томонидан самарали ўзлаштирилиши ўқув жараёнида фойдаланиладиган замонавий инновациялар, интерфаол воситалар, ўқитувчининг касбий компетентлиги ва албатта, ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳият даражасига чамбарчас боғлиқ масаладир.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармонида белгиланган таълим ва фан соҳасини ривожлантириш, педагог ва мутахассисларнинг умумий ўрта таълим сифатини тубдан ошириш, чет тиллари, информатика ҳамда математика, физика, кимё, биология каби бошқа муҳим ва талаб юқори бўлган фанларни чуқурлаштирилган тарзда ўрганиш каби муҳим вазифалар белгилаб берилган.

Умумий ўрта таълим муассасаларининг биология ўқув предметини ўқитишнинг мақсади ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ҳозирги ахборотлашган муҳитда, ўқувчи-ёшларда биологиядан таянч ва фанга оид компетенцияларни шакллантиришда ўқув-методик мажмуалар билан бирга замонавий ахборот технологиялари воситалари, электрон ресурслардан мақсадли фойдаланиш кўникмаларини тўғри йўналтириш, тарбиялаш ва ахборот билан ишлаш компетенцияларини ривожлантириш талаб этилади.

Узлуксиз таълим тизимининг деярли барча ўқув муассасаларида ўқитиладиган ўқув фанларида, жумладан биологияни ўрганиш давомида ҳам ҳозирги кунда деярли ҳар бир мавзу учун тақдимот материалларини тайёрлаш ва ўқув жараёнига жорий этиш энг мақбул воситалардан саналмоқда.

Давлат таълим стандартининг умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасалари учун умумтаълим фанларидан ўқув-методик мажмуаларнинг янги авлодини ишлаб чиқишга қўйиладиган умумий талабларда қуйидагилар ўз аксини топган: «Дарсликларнинг мультимедиа иловалари – ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида ўқув фанига оид материалларни давлат таълим стандарти ва ўқув дастурига мос равишда ёрита оладиган, ўқув фанини самарали ўзлаштиришга, ўқувчиларнинг мустақил таълим олишига қўмаклашувчи ҳамда видео, овоз, анимация, жадвал, матн ва луғатларни ўз ичига олган, билимларни назоратдан ўтказиш ва мустаҳкамлашга йўналтирилган, ўқув фанининг асосий мазмунини бойитадиган қўшимча материалга эга бўлган ёки шу каби манбаларга мурожаатларни ўз ичига олган интерактив электрон ахборот-таълим ресурси

ҳисобланади ва ҳар бир умумтаълим ўқув предмети мазкур талаб асосидаги электрон таълим ресурсига эга бўлиши лозим»лиги таъкидланади.

Ўқув фанларининг самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган намоиш воситалари ҳам айтиб берилади. Ўқитувчидан бундай амалий дастурий воситаларни тайёрлаш ва жорий этиш компетенциясига эга бўлиш талаб этилади ёки бевосита дастурловчилар меҳнатига эҳтиёж сезилади. Шундай бўлсада, кўп ҳолларда икки фаннинг ўзаро интегратив ёндашуви асосида кўплаб илмий манбаларни ўзида акс эттирган электрон воситалар яратилишига эришилмоқда.

Ҳар қайси ўқувчи компьютердан мустақил фойдалана олар экан, унинг имкониятлар дунёсини кашф этиб боради. Эндиликда, таълим жараёнида тавсия этиладиган ўргатувчи дастурлар, намоиш усуллари, ҳисоблаш ишлари – буларнинг барчаси компьютер, мобил воситалар асосида амалга оширилади. Худди шу ўринда тадқиқотнинг асосий воситаси бўлган электрон таълимий ресурслар, электрон воситалар ва улардан фойдаланиш технологиясига ҳам бевосита ахборотлашган муҳитдаги муҳим илмий-амалий самара бериш воситаси сифатида қаралади.

Юқори сифатли электрон воситалардан фойдаланиш ва уларни таълим жараёнига тўғри татбиқ этиш ўқувчилар томонидан ахборотларни қабул қилиш, уларга ишлов бериш, ўзлаштирилган билим, кўникма, малака, таянч ва фанга доир хусусий компетенцияларни мунтазам назорат қилиш, ижодкорликни тарбиялаш, таълим-тарбия жараёнини ташкил этишга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, таълим натижасини узлуксиз кузатиб бориш имкониятини беради. Бунинг баробарида, ўқувчилар фаолиятини ташхис қилиш ва баҳоратлаш, келгуси дарсларни лойиҳалаш юзасидан тегишли тавсияларни ишлаб чиқиш, муайян ахборотнинг ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятида такрорлаш тартибларини белгилашга зарур шароит яратади.

Диссертациянинг мазкур бобида шунингдек, ҳозирги кунда биология дарсларида электрон таълимий ресурслардан фойдаланиш, электрон таълимий воситаларнинг мавжудлиги, умумтаълим мактабларида электрон таълимий ресурслардан фойдаланишнинг ҳозирги ҳолати, шунингдек, ўқитувчиларнинг ахборотлашган муҳитда ўқув жараёнларини ташкил этиш борасидаги фаолиятлари, биология фанларини компьютерлаштиришдаги муаммолар, таҳлилий натижалар, сўровнома ва анкеталарга олинган жавоблар ҳақидаги маълумотлар, уларнинг ечими ҳақидаги фикр-мулоҳазаларда ўз аксини топган.

Биология дарслари жараёнида самарадорликка эришиш кўп ҳолларда дидактиканинг қонуниятларига тўлиқ риоя этиш ва бевосита шакл, метод ва усуллари таълим жараёнига тўғри татбиқ этиш орқали амалга оширилади. Ўқув жараёнида табиатдаги воқеа-ҳодисалар билан табиатда ҳайвонот дунёсининг тарқалиши, яшаш тарзи, кўпайиши ва ривожланиши билан боғлиқ илмий маълумотлар бевосита дарслик, ўқув-методик қўлланмалар воситасида амалга оширилади.

Таълим тизимидаги инновацион ёндашувлар замонавий таълим технологиялари, дастурлашган воситалар, тест ва шу каби ноанъанавий таълим воситалари асосида ўқув жараёни фаоллигига эришилади. Бугунги ахборотлашган даврда кўпгина ўқув фанлари каби биология дарсларида ҳам электрон таълим воситаларини фаол қўллаш самарадорлик омили бўлиб хизмат қилмоқда.

Биология дарсларида таълимнинг электрон воситаларидан фойдаланиш ва уларни ўқув жараёнига жорий этиш ўзига хос янги усулни вужудга келтиради. Биологиядан электрон ресурсларнинг ўқув жараёнидаги муҳим ҳамда аҳамиятли белгиларига қуйидагиларни киритиш ўринли ҳисобланади:

намойиш этилаётган маълумотнинг кўргазмалилиги (ҳар хил ранглардан, иллюстрация, товуш, видео, анимация ва бошқа элементлардан фойдаланиш); тезкор қайта алоқа (материалларни ўзлаштиришда ўрнатилган тест-тизимлари тезкор назоратни таъминлайди); интерафаол тартиб ўқувчига ўқув материалларини тез ўзлаштиришда ўз-ўзини назорат қилишга ўргатади; доимий равишда ўқув қўлланмаларини тўғрилаб бориш ва янги маълумотлар билан бойитиб боришга қўмаклашади (электрон ўқув қўлланмадаги эски маълумотлар ўрнини янгилари билан алмаштириш ёки уларни ўзгартириш келажакда фойдаланувчиларга тушунарли бўлиши учун амалга оширилади).

Биологияни ўқитишда электрон таълимий ресурслардан фойдаланиш таълимнинг самарадорлигини таъминлаш билан бир қаторда тарбиявий вазифаларнинг унумли ечими топилишини ҳам таъминлайди. Биологияни ўқитишда электрон таълимий ресурслардан фойдаланиш қуйидаги дидактик қулайликларни таъминлайди:


- 1) мураккаб ўзлаштириладиган билимни баён этиш, яъни организмнинг ташқи ва ички муҳитида содир бўлаётган жараёнлар билан танишиш, уларни бевосита кузатиш имконияти бўлмаган ҳолатларни монитор орқали ўрганиш ва таҳлил қилишда қўлланилади;
- 2) ҳайвон организмида органларнинг жойлашиши ва уларнинг вазифасини ўрганиш ўзига хос усулда ташкил этилади;
- 3) ҳайвонларнинг яшаш тарзи, табиатда тарқалиши, кўпайиши ва ривожланиши ва уларнинг хилма-хиллиги ҳақидаги мавзуларга қўшимча CD ва DVD шаклдаги илмий-оммабоп фильмлар қисқа ҳажмли материалларининг намойиш этилиши ўқувчини бевосита табиат билан узвий алоқада эканлигини, уни ардоқлаши зарурлиги ҳақидаги тарбиявий тушунчаларни шакллантиради;
- 4) ўқувчининг мустақил билим олишини ривожлантиради.

#### **ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ**

Тадқиқот натижалари асосида биология таълимида электрон таълимий ресурслардан фойдаланишни самарали ташкил этишда биологияга оид электрон таълим ресурсидан фойдаланишнинг ташкилий шакллари ва воситалари асосида дидактик модель ишлаб чиқилди ва таълим жараёнига жорий этиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Тадқиқот доирасида тайёрланган электрон таълимий ресурсда ДТС, дастур ва дарслик асосида мавзулар танлаб олинди ва ўқувчиларнинг компетенциявий ёндашувларини амалга ошириш, таълим сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларига мослаштириш тизимига алоҳида эътибор қаратилди. Ишлаб чиқилган дидактик модел асосида биологиядан электрон ресурслардан фойдаланишни самарадорлигини ошириш мақсадида методик тизим ишлаб чиқилди (2-расмга қаранг).





1-расм. Биология таълимида электрон таълимий ресурслардан фойдаланишнинг методик тизими

Маълумки, биологияда ўрганилаётган ҳайвон ҳақида умумий маълумот берувчи кўргазмали воситалар миқдор ва сифат даражасига кўра қанчалик талаб даражасида бўлса, ўқувчининг мавзу юзасидан ҳосил қиладиган кўникмаси ҳам шунчалик юқори бўлади. Ҳайвоннинг рангли суратлари, унинг ташқи ва ички тузилиши, систематик бирликлари, ҳайвонларнинг хилма-хиллигига акс этган материалларни турли кўринишда тақдим этиш имконияти яратилади. Таълимда қўлланиладиган технология элементларини танлаш ва амалга оширишда ўқувчиларнинг ўқув билиш фаолиятларини эътиборга олиш лозим.

Янги мавзунинг назарий қисми дарснинг дастлабки 7-8 дақиқасида ўқувчиларга янги билимларни бериш орқали амалга оширилади, дарснинг ташкил этиш босқичларига кўра,



бахс-мунозара, кичик гуруҳларда ишлаш ва бошқа шу каби ноанъанавий методларни асосида берилган билим мустаҳкамланади. Айнан ўрганишнинг дастлабки 7-8 дақиқаси ўқувчи учун қабул қилиш, эслаб қолишда энг самарали муддат ҳисобланади, 15 дақиқадан кейин эса ўқувчида ўрганишни давом эттириш мотивацияси пасая бошлайди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур вақт оралиғида биология дарсларида назарий маълумотларга мужассам ҳолатда, кўргазмали воситаларнинг сифатли, аниқ, маълумотларга бой, қизиқарли намоишларининг мавжуд бўлиши улардаги диққатнинг қайта тикланишига хизмат қилади. Яъни, ҳайвонлар ҳақида умумий маълумот берувчи кўргазмали воситалар миқдор ва сифат даражасига кўра қанчалик талаб даражасида бўлса, ўқувчининг қабул қилиш имкониятлари ҳам шунчалик юқори бўлади. Айнан шу мақсадда, тадқиқот доирасида 7-синф биология дарслигидаги катта бўлимлар орасидан: «Содда ҳайвонлар», «Моллюскалар», «Чувалчанглар», «Сувда ҳам қуруқда яшовчилар», «Судралиб юрувчилар», «Сут эмизувчилар синф»ларига оид мавзулар белгилаб олинди ва улар махсус ҳаракатлар, овоз, эффектлар ёрдамида анимация, мультимедиали электрон ресурс Macromedia Flash дастурида тайёрланди.

### МУҲОКАМА

Мазкур дастурнинг юқоридаги дастурлардан асосий фарқи ва устунлик жиҳати шундаки, мазкур бўлимларни ўрганиш давомида мультимедиа тарзида тайёрланган материалда ҳайвон организмидаги морфологик ва физиологик жараёнларнинг ишлаш механизми анимациялар, видео, расмлар жамланмиси, инфографика маълумотларини ўзида мужассам этган.

Шунингдек, ўқувчиларнинг мустақил таълим олишини таъминлаш мақсадида таълимий ресурсда 7-синф дарслиги, Ўзбекистон «Қизил китоб»ининг охириги нашрининг PDF шакли (Ҳайвонлар бўлими), 7-синф биология дарслари учун «Қизиқарли ҳайвонот дунёси» бўлими, «Ҳайвонларнинг товушлари» блоки ўқувчига тегишли мавзу ёки синфга оид ҳайвонлар ҳақида қизиқарли ахборотларни беришга хизмат қилади. Дарсдан ташқари ишларни ташкил этишда ҳам бевосита ресурсга мурожаат қилиш мумкин.

Таъкидлаб ўтилганидек, биология дарслари самарадорлигини ошириш ва ўқувчиларнинг актив фаолиятини таъминлаш мақсадида яратилган ушбу дастур баъзи бир камчиликлардан ҳоли эмас, албатта. Дарс жараёнига замонавий таълим технологияси элементларини кенг татбиқ этиш зарур бўлган ҳозирги даврда биология фанининг самарадорлигини ошириш учун янги методиканинг ўзига хос ўрни мавжудлигини эътироф этиш зарур.

Маълумки, биологиядан дарсдан ташқари ишлар ва синфдан ташқари машғулотларнинг мазмуни машғулотлар давомида амалга ошириладиган мақсад ва вазифалар, хусусан систематика, ҳайвонларнинг морфологик ва анатомик тузилишига оид маълумотларни билиш билан белгиланади. Мазкур машғулотлар давомида ўқувчилар дарсда ўзлаштирган назарий билимларини мустаҳкамлайди, амалий кўникма ва малакага эга бўлади.

Биологиядан дарсдан ташқари ишларни ташкил этишда ҳайвонларнинг ривожланишининг турли босқичларини қисқа ёки узоқ муддатли кузатишлар асосида амалга ошириш ҳам мақсадга мувофиқ бўлиб, бу машғулотлар ўқувчига завқ берибгина қолмасдан, балки уй ҳайвонларининг хатти-ҳаракатлари ва улғайиши билан боғлиқ

жараёнларни кўриш, эътибор қаратиш, шу билан биргаликда табиатни севиш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади.

Ҳозирги кунда ўқувчиларни халқаро баҳолаш тизимида самарали тайёрлаш мақсадида умумий ўрта таълим тизимида PISA, TIMSS атамалари тез-тез такрорланмоқда. Умумий ўрта таълим мактабларида халқаро баҳолаш тизимида босқичма-босқич ўтиш бўйича долзарб вазифалар амалга оширилаётган бир пайтда ўқувчиларни ностандарт тест топшириқлари асосида баҳолашга ўргатиш, уларнинг табиий-илмий саводхонлигини ошириш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда. Шу мақсадда тадқиқот доирасида ўқувчиларни ностандарт тест топшириқлари асосида билимини назорат қилишнинг дидактик тизимини ишлаб чиқилди.

Мазкур дидактик тизим асосида биологиядан 7-синфларда дарсда ва дарсдан ташқари машғулотлар учун «Сут эмизувчилар» синфининг 10 та мавзуси учун 2 та дастурлашган тест топшириқларининг компьютерлашган дастури яратилди. Электрон дастур ёрдамида стандарт тест топшириқларига нисбатан ностандарт тест топшириқларининг фойдаланиш шакллари кўплиги, кўп тўғри жавобларга эгалиги, кенг билим бериши, айнан ҳайвон организмни ўрганиш давомида кетма-кетлиги ва тенг нисбатдаги жавобларнинг ўзаро мутаносиблигини тўғри белгилай олиш компетенциясини ривожланиб бориши билан фарқланиши ва самарали эканлигини ўз тасдиғини топган.

Ностандарт тест топшириқларини компьютерлаштириш жараёнида тестларни таҳрир қилиш дастури ҳам яратилди. Дарс жараёнида ностандарт тест топшириқларидан фойдаланадиган ўқитувчиларга мазкур таҳрирлаш дастуридан унумли фойдаланишлари тавсия этилади. Таҳрирлаш дастури тест материаллари матнларини янгилашда, уларни янги маълумотлар билан бойитиш ёки тест саволларини ўзгартириш зарур бўлганда қўлланилади.

Биология фанида электрон таълимий ресурслардан фойдаланишни такомиллаштириш юзасидан юқорида таъкидланганидек, умумий ўрта таълим мактабларида биология дарслари самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишларини ажратиб олишга, шунингдек, илмий-педагогик тадқиқотлар кўламини янада ривожлантиришга имкон яратувчи қуйидаги хулосаларни чиқаришга имкон берди.

### ХУЛОСА

Ўқувчиларнинг билим ўзлаштириш кўламини оширишга хизмат қилувчи кинестетик, визуал, аудиал, дискрет сезгилари орқали ўқув-билиш фаолиятини фаоллаштириш, таянч ҳамда хусусий компетенцияларни шакллантиришда биологиядан таълим мазмунига боғлиқ ҳолда таълимий электрон ресурслардан, кўргазмали материаллардан фойдаланиш дарс самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади;

Тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган ҳамда биология таълими жараёнига татбиқ этилган дидактик модель ва методик тизим бевосита ўқувчилар томонидан ўзлаштиришлари қийин бўлган, бевосита кўз билан кузатиш имконияти бўлмаган биологик жараёнларни электрон таълимий ресурслар асосида тизимли материаллар тарзида намойиш этиш имконини беради;

Биологияни ўқитишда ўқувчиларнинг ўз-ўзини баҳолаш ва назорат қилишлари учун (of-line) тест топшириқлари жамланмаси тайёрланди ва ундан фойдаланишнинг дидактик тизими мустақил таълим компонентлари -мультимедиа иловалари, ўқув дастури,

“Қизикарли зоология”, “Қизил китоб” кўргазмаларини шакллантириш асосида такомиллаштирилди. Биологиядан мавзуларни ўзлаштириш давомида уларнинг билим-кўникмаларини аниқлаш имконияти яратилади;

Ўтказилган тажриба-синов натижалари шуни кўрсатдики, биологияни ўқитишда электрон таълимий ресурслардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш ва уни кенг миқёсда татбиқ этиш орқали ўқувчиларда мустақил фаолиятни амалга ошириш, биологик жараёнларни идрок этиш, билим ўзлаштириш даражаси кўрсаткичларининг динамикасига кенг имконият яратилади.

#### *Фойдаланилган адабиётлар*

1. Джураев Р. Х., Карахонова Л. М. Медиаобразование как фактор повышения качества обучения школьников //Образование через всю жизнь: непрерывное образование в интересах устойчивого развития. – 2013. – Т. 11. – №. 2. – С. 322-323.
2. Карахонова Л. М. Эффективное использование электронных образовательных ресурсов в обучении биологии //Наука и образование сегодня. – 2020. – №. 6-1 (53). – С. 41-42.
3. Karakhonova L. M. Using the electronic educational resources in biology lessons // International scientific review of the problems of philosophy, psychology and pedagogy. – 2019. – С. 35-39.
4. Караханова Л. 6. Development of students'knowledge based on the use of 3d educational technologies in the biology education //Образование и инновационные исследования международный научно-методический журнал. – 2020. – Т. 1. – №. 2. – С. 55-59.
5. Musokhonovna K. L. ICT-As a means of achieving new educational results in teaching natural disciplines in secondary schools //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2021. – Т. 11. – №. 10. – С. 315-321.
6. Джураев Р. Х., Караханова Л. М. Модель организации исследовательской деятельности учащихся 10 классов при преподавании физики и биологии //International journal of discourse on Innovation, integration and education. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 295-299.
7. Караханова Л. М. Новые интерактивные электронные ресурсы в современном открытом образовании в обучении естественных наук //Academic research in educational sciences. – 2021. – Т. 2. – №. CSPI conference 1. – С. 1303-1305.
8. Jurayev R. K., Karakhanova L. M. ScientificAnd Methodical Bases Of The Use Of Electronic Educational Resources In Teaching Biology In General Educational Schools //International Journal of Advanced Science and Technology. – 2020. – Т. 29. – №. 8. – С. 3500-3505.
9. Мусахоновна Қ. Л. УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА БИОЛОГИЯ ФАНИДАН САМАРАДОРЛИККА ЭРИШИШДА ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМИЙ ВОСИТАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АСОСЛАРИ //Science and innovation. – 2022. – Т. 1. – №. В3. – С. 577-585.
10. Karakhanova L. M. USE OF MEDIERE RESOURCES IN THE EDUCATIONAL PROCESS OF BIOLOGY IN SCHOOLS //International Scientific Review of the problems of pedagogy and psychology. – 2018. – С. 68-70.

11. Уринова, Ф. У. ПЕДАГОГИЧЕСКАЯ АКСИОЛОГИЯ КАК ЧАСТЬ ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ ИННОВАТИКИ. *УЧЕНЫЙ XXI ВЕКА*, 36.
12. Уринова, Ф. У., & Эркинова, Ш. Ё. (2013). Значение инновационной индивидуальной работы в повышении эффективности самостоятельной учебной деятельности студентов. *Актуальные проблемы гуманитарных и естественных наук*, (12-2).

## МАКТАБ ИНФОРМАТИКА ФАНИДАН ЎҚУВЧИЛАР БИЛИМИНИ ТЕКШИРИШНИНГ ШАКЛЛАРИ ВА МЕТОДЛАРИ

Мадихонова Мубинахон Файзулло қизи

АндДУ Педагогика институти магистри

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6780329>

**Аннотация.** Мақолада ўрта мактабларда ўқувчилар билимини текширишнинг шакллари ва методлари келтирилган. Шу билан бирга Информатика фанидан ўқувчилар билимини текширишнинг асосий шаклларида тест шакли ва уларни яратиш тўғрисида маълумотлар баён қилинган.

**Таянч сўзлар:** информатика, тест, iSpring QuizMaker, дастурлаш, интерфаол, дастурчи, дастурий таъминот, компьютер, методика.

## ФОРМЫ И МЕТОДЫ ПРОВЕРКИ ЗНАНИЙ УЧАЩИХСЯ ПО ШКОЛЬНОЙ ИНФОРМАТИКЕ

**Аннотация.** В статье представлены формы и методы проверки знаний учащихся общеобразовательной школы. При этом описывается информация о формах тестирования и их создании из основных форм проверки знаний учащихся по информатике.

**Ключевые слова:** информатика, тестирование, iSpring QuizMaker, программирование, интерактив, программист, программное обеспечение, компьютер, методология.

## FORMS AND METHODS OF TESTING STUDENTS' KNOWLEDGE OF SCHOOL INFORMATICS

**Abstract.** The article presents the forms and methods of testing, students knowledge in secondary schools. At the same time, information on the test forms and their creation from the main forms of testing students knowledge of computer science is described.

**Keywords:** informatics, testing, iSpring QuizMaker, programming, interactive programmer, software, computer, methodology.

## КИРИШ

Оммавий ахборот воситаларида ёшларнинг компьютерга, смартфонларга муқаддасдан кетиб қизикаётгани ҳақида кўп гапирилади. Кўпинча, бу ҳол салбий маънода талқин қилинади. Агар бугунги ёшлар ўз замонида, яъни ахборот асрида яшаётганини инобатга оладиган бўлсак, уларнинг кўпроқ ахборотга интилаётганининг гувоҳи бўламиз.

Ҳозирги кунда Word, Excel, PowerPoint дастурлари фан ўқитувчиларининг кундалиқ курулларига айланиб улгурди. Таълим соҳасига кириб келган янгиликлардан яна бири бу — Power Point дастурида iSpring иловаларининг пайдо бўлишидир. Ушбу иловалар PowerPoint дастуридаги анимациялар яратишга, интерфаол тестлар тузишга имкон беради.

Интерфаол тестлар мактабда фанлардан ўқувчилар билимини текширишнинг энг замонавий шаклларида биридир. Интерфаол тестларнинг имконияти электрон шаклда ечилади ва жавоби шу заҳоти айтилади. Уларнинг ўзига жалб қилувчи томони — мултимедиа ва навигация элементларининг қўлланилганлиги, ҳамда ичига интерфаол таълим усуллари сингдирилганлигидир.

iSpring иловалари таркибига iSpring Free, iSpring Pro, iSpring SUITE, iSpring QuizMaker каби компонентлар киради. Хусусан, iSpring QuizMaker иловаси интерфаол

тестлар тузиш учун мўлжалланган бўлиб, тестология фанининг деярли барча ютуқлари ушбу мўъжазгина дастурда жамланган.

iSpring QuizMaker иловасини PowerPoint дастурига ўрнатиш iSpring Suite дастуридан бошланади. iSpring Suite дастурлар пакетига iSpring Pro, iSpring QuizMaker, iSpring Kinetics иловалари жамланган бўлиб, iSpring QuizMaker дастури аудио, видео файллар, тасвир ва формулалар ёрдамида интерактив тестлар ва анкеталар яратиш имконини беради.

### **ТАДҚИҚОТ МЕТОДИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ**

iSpring QuizMaker дастурида педагогик интерфаол тестларнинг 11 хил шакли келтирилган. Тестлар учун созламаларда битта тестга қайта-қайта бир неча марта жавоб бериш ва ўзгартириш имконияти мавжуд. Ҳар бир тестга муайян балл белгилаш мумкин. Шунгдек, қисман тўғри жавобларни бериш, савол ва жавобларни аралаштириш, вақт белгилаш, ҳар бир жавобнинг натижасини кўрсатиб бориш ёки бир йўла тест якунланганда натижани кўрсатиш, хатоларни таҳлил қилиш ҳам мумкин. Бу имкониятлардан фойдаланиб назорат тестларини ўргатувчи тестларга айлантириш мумкин. Бу эса тезкор ва самарали ўқитиш усулларида бири ҳисобланади.

Тестларнинг саволлари ва жавобларига турли расм, схема ва формулаларни бириктириш мумкин. Ҳар бир шакл муайян дидактик жиҳатларга эга. Уларни QuizMaker дастуридаги кетма-кетлик бўйича келтирамиз.

Биринчи шакли, “Тўғри/нотўғри” шаклидаги ёпиқ тест — бунда берилган саволга 2 хил жавоб қайтариш мумкин “тўғри/нотўғри”, “ҳа/йўқ” ва ҳоказо). Бундай тестларда ўқувчининг ахборотни билиши синалади.

Иккинчи шакли, битта тўғри жавобли ёпиқ тест - бир неча вариатдан керакли жавобни танлаш. Бу тестга анъанавий 4 жавобли тестлар мисол бўлади. Бу тестда ўқувчидан тўғри жавобни нотўғри жавоблардан фарқлаш талаб этилади.

Учинчи шакли, бир неча тўғри жавобли ёпиқ тест. Бу тест олдингисидан сал мураккаброқ бўлиб, ўқувчидан тўғри жавобларни ва уларнинг сонини аниқ билиш талаб этилади.

Тўртинчи шакли, матн киритиладиган очик тест - жавобни сатрга киритиш йўли билан жавоб берилади. Бу тест олдингиларидан фарқлироқ бўлиб, ўқувчидан аниқ жавобни билиши ва уни тўғри киритиши талаб этилади.

Бешинчи шакли, мосликни аниқлаш тести - ўқувчидан жавоблар ёзилган тугмачаларни ҳаракатлантириб бир-бирига бириктириш талаб этилади. Бу тестда навигация элементлари ишлатилганлиги учун бошқаларидан анча қизиқарли. Бу тестда битта савол ичида бир нечта муаммо берилади. Бироқ, ўқувчи осон жавобларни топса, мураккаб жавоблар ўз-ўзидан маълум бўлади. Бу вазият ўқувчини мантиқий фикрлашга ўргатади.

### **ТАДҚИҚОТ НАТИЖАСИ**

Олтинчи шакл, тартибга келтириш тести - бу тестда жавоблар берилган бўлиб, уларни муайян кетма-кетликда жойлаштириш талаб этилади. Бу тестда ҳам навигация элементи қўлланилганлиги сабабли у бошқаларига қараганда қизиқарлироқдир. Бу тестда ҳам мантиқий фикрлаш талаб этилади, бироқ мослик тестидаги каби жавоблар ўз-ўзидан маълум бўлиб қолмайди. Шу сабабли бу тест бошқаларидан анча мураккаб ва қизиқарли ҳисобланади.



Еттинчи шакл, сон киритиладиган очик тест - очик тестнинг (4-турдаги тестнинг) хусусий шакли бўлиб, ўқувчидан аниқ жавобни билиши ва сатрга сонни ёзиш талаб этилади. Бироқ, бу тестнинг ўзига хослиги шундаки, унга жавобни аниқ, тахминий ёки, маълум бир ораликда бериш мумкин. Бу тест тузувчига саволни тўғри шакллантиришни, талабадан эса саволдаги иккинчи яширин маънони англаган ҳолда тўғри жавоб беришни талаб этади.

### **МУҲОКАМА**

Саккизинчи шакл, бўш жойларга матн киритиладиган очик тест. Бу тестни тузувчи жавобларни савол ичига моҳирлик билан яшириши зарур. Ўқувчи эса гапни ўқиб, унинг маъносидан келиб чиқиб, ундаги тушириб қолдирилган бир нечта жавобларни билиши ва ёзиши талаб этилади. Бу тест ўқувчининг ёзма нутқини (лексика, грамматика, орфография) тўғри шакллантиради.

Тўққизинчи шакл, бўш жойларга матн киритиладиган ёпиқ тест – аввалги саккизинчи шаклдаги тестга нисбатан осонроқ, чунки, унда жавоблар мавжуд бўлади, ўқувчидан фақат мантикий фикрлаш ва жавобларни бир-бирига қиёслаб рўйхатдан тўғриси танлаш талаб этилади.

Ўнинчи шакл, жавобларни банкдан танлаш тести - бу тест сўзлар омборидан тўғри жавобларни танлаб, ҳаракатлантириб ўзининг жойига қўйишдир. Бу тест тузувчидан аниқ жавобни режалаштиришни, бошқа тўғри жавоблар бўлмаслигини талаб этади.

Ўн биринчи шакл, фаол соҳани белгилаш тести - бунда жавоблар сони фаол соҳалар сонига мос бўлиши талаб этилади. Ушбу тестнинг ўзига хослиги шундаки, талабанинг график тасаввурларини шакллантиради.

### **ХУЛОСА**

Демак, замонавий педагог ёшларга яқинроқ бўлиши, уларнинг эътиборини тортиши учун iSpring дастурида тузиладиган интерфаол тестларни тузишни ўрганиши мақсадга мувофиқ.

#### ***Фойдаланилган адабиётлар:***

1. А. А. Абдуқодиров, Р. Ишмухамедов, А. Пардаев. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар).-Т.:Истеъдод, 2008 yil.
2. T. Madumarov, M. Kamoldinov “Innovation pedagogik texnologiya asoslari va uni ta’lim tarbiya jarayonida qo’llash”, T. “Talqin”, 2012 yil.
3. A. Abduqodirov, A. Pardaev “Masofali ta’lim nazariyasi va amaliyoti”, Toshkent 2010 yil.
4. A. R. Maraximov, S. I. Raxmonqulova “Internet va undan foydalanish asoslari”. O’quv qo’llanma.Toshkent 2001 yil.
5. <http://www.ispringsolutions.com> 7. [www.ispring.ru](http://www.ispring.ru)
6. B. Boymetov, Qalamtasvir, darslik, Musiqa nashriyoti, Toshkent 2006 yil.
7. T. Qo’ziyev, A. Egamov, T. Qanoatov, A. Nurqobilov. Rangtasvir 5-9 sunflar. “San’at” jurnali nashriyoti, Toshkent 2003 yil.

## АЗИМИЙ ИЖОДИДА ИҚТИБОС САНЪАТИ

Сарвиноз Азизхонова

ЎЗР ФА Алишер Навоий номидаги Давлат

адабиёт музейи таянч докторанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6780312>

**Аннотация.** Мазкур мақолада Хожа Аҳмад Яссавийнинг издошларидан бўлган, XVIII аср охири – XIX аср биринчи ярмида яшаб, ижод қилган Азимхўжа Эшоннинг шеърларида иқтибос санъатидан фойдаланганлиги, Қуръон ва ҳадис оятларидан иқтибослар келтиргани, мазкур шеърларнинг таҳлили, Қуръондан суралар ёки дуолар ўқиб ибодат қилиш тўғрисида маълумотлар берилади.

**Калим сўзлар:** иқтибос, Қуръон, ҳадис, девон, тасаввуф, шариат, маърифат, тариқат, иймон, тақво, диёнат.

## ИСКУССТВО ЦИТИРОВАНИЯ В ТВОРЧЕСТВЕ АЗИМИ

**Аннотация.** В данной статье приведены сведения об использовании искусства цитирования в стихах Азимходжи Эшана, последователя Ходжи Ахмада Яссави, жившего и писавшего в конце XVIII - начале XIX вв., цитаты из Корана и хадисов, анализ эти стихи, чтение сур или молитв из Корана.

**Ключевые слова:** цитата, Коран, хадис, девон, мистика, шариат, просвещение, учение, вера, благочестие, религия.

## THE ART OF QUOTATION IN AZIMI'S WORK

**Abstract.** This article provides information about the use of the art of quotation in the poems of Azimkhoja Eshan, a follower of Khoja Ahmad Yassavi, who lived and wrote in the late XVIII - early XIX centuries, quotes from the Qur'an and hadith, analysis of these poems, recitation of surahs or prayers from the Qur'an.

**Keywords:** quote, Qur'an, hadith, devon, mysticism, sharia, enlightenment, teachings, faith, piety, religion.

## КИРИШ

Мумтоз адабиётшуносликда назмий асарларда Қуръон ва ҳадисдан фойдаланиш мустақил бадий санъат – иқтибос санъати номи билан қайд қилинади. Замонавий адабиётшуносликда иқтибосга “Қуръон оятлари ва пайғамбар ҳадисларини шеър ичида келтириш ёки уларнинг мазмунини шеърда ифодалаш санъати” деб таъриф бериш ҳамда ҳадисларга бағишлаб ёзилган “Арбаъин”ларга ҳам иқтибос санъатининг намунаси сифатида қараш мавжуд.

Асрлар давомида ижодкорлар иқтибос санъатидан кенг фойдаланиб келганлар. Шу ўринда иқтибос санъати ҳақида қисқача тўхталамиз. Иқтибос, араб тилида “قبس” сўзидан олинган бўлиб, луғатда “илм ўзлаштирмақ”, “цитата келтирмақ” ва “ўт олмоқ” маъноларини билдиради. Иқтибос Қуръон ёки ҳадисдан керакли кўчирмани айнан олиб, олинган манбага ишора қилмаган тарзда қўллашдир. Бундан мақсад, биринчидан, келтирилаётган фикрни диний асослаш бўлса, иккинчидан, уни муқаддас калом нури билан зийнатлаш бўлган.

Адабиётшунос олим О.Жўрабоев бу санъат ҳақида: “Маънавий санъатлар сирасига кирувчи “иқтибос” санъати иштирок этган асарларда, ўзига хос жилвакорлик билан бирга

фалсафий мушоҳада ҳам чуқур акс этган бўлади. Иқтибосни қўллай билиш юксак савия ва маҳоратни талаб қиладиган ижод услубидир”, - дейди. Шунингдек, Атоуллох Ҳусайнийнинг куйидаги фикрларини келтиради: “Иқтибос” машҳур қавлға кўра Қуръон ёки ҳадисдин бир ниманининг олинганига ишора бўлмаган тарзда каломға киритмактин ибораттур”.

### ТАДҚИҚОТ МЕТОДИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Шеърларига нур ва зиё бағишлаган ижодкорлардан бири XVIII аср охири – XIX аср биринчи ярмида Қўқонда яшаб, ижод қилган Азимийдир.

Бузрукхўжа (баъзи манбаларда отасининг исми Камолиддинхўжа) ўғли Азимхўжа эшон (Азимий) тасаввуф илмининг билимдони, сўфий шоир сифатида шариат аҳкомларининг асосини ташкил этувчи иймон, салот, ҳаж амалларини бажариш вожиблиги билан бирга манъ қилинган ишлардан тийилиб яхши хулқ эгаси бўлиш, суннатларни бажариш, тариқатда эса тавба қилиш, пир йўл-йўриқлари асосида иш кўриш, Қуръондан суралар ёки дуолар ўқиб ибодат қилиш, тажрид ва тафридда (хилват ва ёлғизланиш) бўлиш, маърифатда эса, дарвешликни қабул қилиш, ҳалолликни тилаш, маърифатли бўлиш, шариат ва тариқат мақомларига риоя қилиш, яхшини ёмондан фарқлай олиш, беозор бўлиб фақирлик йўлини тутиш, сир-асрорни пинҳон тутиш, шариат, тариқат, маърифат, ҳақиқат мақомларини билиш ва уларга амал қилиб Аллоҳнинг ваҳдатига интилиш каби ғояларни куйлаган.

Унинг 4000 минг мисрадан ортиқ шеърлари жамланган “Мурод-ул-ошиқин” номли девони мавжуд бўлиб, ундан ҳикмат, мусаддас, ғазал, наът, муножот, муҳаммас, мураббаъ, мустаҳзодлари ўрин олган. Уларнинг орасида иқтибос санъати билан бирга тасаввуфий-ирфоний оҳангда ёзилган ғазал ва бошқа лирик жанрларга оид асарлар катта қисмини ташкил қилади.

Азимий девонида Қуръондан келтирилган иқтибослардан мисоллар келтирсак.

Шоир Расулulloҳ с.а.в.га бағишлаган наътнинг иккинчи бандида келтирилган:

حق كلامي ده اوقودی رحمت للعالمين  
حامي روز قيامت حادي دنياو دين  
دُر دريائي نبوت شمع جمه مرسلين  
حامد دركاهينك ايردي حضرت روح الامين  
الصلوة والسلام اي خواجه ايكي سرا

Бу ердаги رحمت للعالمين сўзи “Анбиё” сурасининг 107 оятига ишора беради. Яъни, وَمَا أَرْسَلْنَاكَ إِلَّا رَحْمَةً لِّلْعَالَمِينَ (107)

(Эй, Муҳаммад!) Биз Сизни (бутун) оламларга айни раҳмат\* қилиб юборганмиз.

Ушбу оятдаги раҳмат\* сўзи жуда кенг маънони англатади. Уларни билиш учун Муҳаммад (а.с.)нинг ахлоқ-одоблари, сийрат ва шамоиллари, шариатларининг бағрикенглиги, ҳатто, куфр ва ширк аҳлига ҳам зулмни раво кўрмаслиги, меҳр-оқибат, эзгулик каби фазилатлар манбаи эканидан хабардор бўлиш зарур.

Ушбу наътнинг учинчи бандида:

كوزلارينك نعتيده كىلدى نصن مازاغ البصر  
مؤجزه بيردى دليل ايت شق القمر  
ساجد اولدى خدمتينكغه به قدم كيليب شجر  
عرض ايتاردى حضرتينكا باش قويوبان كان زر

الصَّلَاةُ وَاسْتَلَامَ اِي خَوَاجَه اِيكِي سِرَا

Айт шқи қамар” сурасининг 17 оятига ҳамда Ушбу банддаги “Нажм” сурасининг оятларига далолатдир. Яъни,

“Нажм” сураси 17 оят: (۱۷) مَا زَاغَ الْبَصَرُ وَمَا طَغَى

Пайғамбарнинг кўзи четга оғгани ҳам йўқ, ҳаддидан ошгани ҳам йўқ.

### ТАДҚИҚОТ НАТИЖАСИ

“Қамар” сурасининг оятларига далолат: Сурада ойнинг иккига бўлиниб, мўъжиза юз бергани ҳақида оятлар бўлгани учун номи шундай аталган. “Қиёмат яқинлашди. (Мана, илоҳ мўжиза сифатида) Ой ҳам бўлинди.

Шоир мазкур бандда Икки олам сарвари бўлмиш пайғамбарни улуғлаб, унинг ҳаёт тарзига оид мўжизалар орқали Саллолоҳу алайҳи вассаламга бўлган чексиз туйғуларини ифода этган.

6 бандида эса:

كرچه لطفين عالم ايچره برچه كا عام ايلادی  
كيمكا سندیك حق تعالی خُرمت انعام ايلادی  
كمنى سندیك صُنف محصوص بايكرام ايلادی  
قَاب قَوْسَيْنِ يَتَكُونُ رُوحْنِ اَرَام ايلادی  
الصَّلَاةُ وَاسْتَلَامَ اِي خَوَاجَه اِيكِي سِرَا

Нажм сураси 9 оят: (۹) فَكَانَ قَابَ قَوْسَيْنِ أَوْ أَدْنَى

Тафсирларда бу оят Пайғамбар алайҳиссалом ва Жаброил алайҳиссалом орасидаги учрашув ҳақида эканлиги айтилади: “Яъни Жаброил фаришта яна ҳам пастрокка тушишда давом этиб, Пайғамбар алайҳиссаломга икки камон миқдорича, балки ундан ҳам яқинроққа келдилар. Бундай яқинлик натижасида ваҳийни етказиш осонлашган”.

Қоба қавсайн еткуруб руҳини ором айлади

Мисрасидаги “қавс” сўзи камоннинг ип тортилган икки учи маъносини англатишига эътибор қаратсак, “қоба қавсайн” бирикмасини шоир камоннинг иккала учи яқинлашиб “руҳини ором” айлаганлигига ишора қилади. “Бунда шоир камоннинг икки учи маъносида Ислом таълимотини инсониятга етказиб берган икки улуғ зот – Муҳаммад ва Жаброил алайҳиссаломларни назарда тутганлиги, улар “Меърож” тунида бир-бири билан жуда яқиндан туриб учрашганларига ишора қилган бўлиши ҳам мумкин”.

Наътнинг 7 бандидаги “Оли имрон сурасининг 110 оятига ишора.

اِي نَبَوْت مسنديده جُمْلَه دين ثابت قدم  
برچه مرسل لر ايچيده پشواي محترم  
حق تعالی وعده بيردى اَمْتَيْنِك خَيْرِ الْاُمَم  
سنهم اَمّت سن درودين العظيما قيلمه كم  
الصَّلَاةُ وَاسْتَلَامَ اِي خَوَاجَه اِيكِي سِرَا

“Оли имрон сураси 110 оят”: كُنْتُمْ خَيْرَ أُمَّةٍ أُخْرِجَتْ لِلنَّاسِ تَأْمُرُونَ بِالْمَعْرُوفِ وَتَنْهَوْنَ عَنِ الْمُنْكَرِ وَتُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ وَلَوْ آمَنَ أَهْلُ الْكِتَابِ لَكَانَ خَيْرًا لَهُمْ مِنْهُمُ الْمُؤْمِنُونَ وَأَكْثَرُهُمُ الْفَاسِقُونَ (۱۱۰)

Одамларга чиқарилган (маълум бўлган) умматнинг энг яхшиси бўлдингиз, (эй, мусулмонлар!) зеро, сиз амри маъруф, наҳйи мункар қиласиз ва Аллоҳга имон келтирасиз. Агар аҳли китоблар (ҳам) имон келтирганларида эди, ўзлари учун яхши бўлур эди. Улар орасида (Муҳаммадга имон келтирган) мўминлари ҳам бор, кўпчилиги эса фосиқлардир.

Ушбу бандда шоир барча умматлар ичида мусулмонлар улуғлигини, у ҳам мусулмон уммати эканлигини, икки олам сарвари бўлган Пайғамбар (с.а.в.)га саловатлар айтишни қанда қилмаслиги кераклигини шарҳлаган.

Шоирнинг қуйидаги мусаддасининг биринчи бандида келтирилган *كَرَّمَنَا* сўзи “Исро” сурасининг 70 оятига ишорадир.

حمد لله قدرتيدين جوش اوروب بهر عدم  
چقتی صخرای جهان غه موجدین بر قطره نم  
قیلدى پیدا جمله موجوداتنی اولباکرم  
افضلى مخلوق ایتب آدمنى قیلدى محترم  
بوینیغه بار عبودیت سالیب آوردی رقم  
تاج *كَرَّمَنَا* بنی آدم باشیغه قویدى هم

Исро сураси 70 оят:

وَلَقَدْ كَرَّمْنَا بَنِي آدَمَ وَحَمَلْنَاهُمْ فِي الْبَرِّ وَالْبَحْرِ وَرَزَقْنَاهُمْ مِنَ الطَّيِّبَاتِ وَفَضَّلْنَاهُمْ عَلَى كَثِيرٍ مِمَّنْ خَلَقْنَا تَفْضِيلًا ٧٠

Дарҳақиқат, (Биз) Одам фарзандларини (азиз ва) мукаррам қилдик ва уларни қуруқлик ва денгизга (от-улов ва кемаларга) миндириб қўйдик ҳамда уларга пок нарсалардан ризқ бердик ва уларни Ўзимиз яратган кўп жонзотлардан афзал қилиб қўйдик.

### МУҲОКАМА

Ушбу олтиликда Азимий Аллоҳнинг буюклигини, барча мавжудотларни яратгани ҳамда улар орасида инсонни яратиш улуғ қилганлигини ифода этган.

Азимийнинг ушбу ғазалидаги байтда келтирилган *نحنُ اقرب* сўзи Қуръони Каримнинг “Қоф” сураси 16 оятида ва “Воқеа” сурасининг 85 оятида келтирилган.

اول بنده مقرب هر چندکه آچمه لب  
اسرار *نحنُ اقرب* انکا عیان ایمسمو

“Қоф” сураси 16 оят:

وَلَقَدْ خَلَقْنَا الْإِنْسَانَ وَنَعْلَمُ مَا تُوَسْوِسُ بِهِ نَفْسُهُ وَنَحْنُ أَقْرَبُ إِلَيْهِ مِنْ حَبْلِ الْوَرِيدِ (١٦)

Инсонни (Биз) яратганмиз, (демак) унинг нафси васваса қиладиган (кўнглидан ўтадиган) нарсаларни ҳам билурмиз. Биз унга бўйин томиридан ҳам яқинроқдирмиз.

“Воқеа” сураси 85 оят: (٨٥) وَنَحْنُ أَقْرَبُ إِلَيْهِ مِنْكُمْ وَلَكِنْ لَا تُبْصِرُونَ

Биз унга сизлардан кўра яқинроқдирмиз, лекин сизлар (буни) кўрмассиз.

Воқеа-қиёматнинг номларидан бири. Мазкурда қиёмат қойим бўлганда рўй берадиган мудҳиш ҳодисалар баёнидан бошлаб, охиратда мўмин бандаларга бериладиган мукофотлар, яъни жаннат неъматлари, шунингдек, кофирларнинг жазоси, яъни, уларга бериладиган дўзахдаги азоб-уқубатлар баён этилади.

Шунингдек, келтирилган ушбу ҳикматдаги *ملك الموت* сўзи Сажда сурасининг 11 оятига ишора.

اجل نوبت ثرور بر کون بیزکا کیلور  
کیلور بولسه یقین ایشلار یراق بولور  
هیبتیدین یوراک بغیر قانغه تولور  
*ملك الموت* جانین الور حالتینده

Сажда сураси 11 оят:

فَلْيَتَوَفَّاكُم مَّلَكُ الْمَوْتِ الَّذِي وُكِّلَ بِكُمْ ثُمَّ إِلَىٰ رَبِّكُمْ تُرْجَعُونَ (١١)

Айтинг: “Сизларга вакил қилинган ўлим фариштаси жонларингизни олур, сўнгра Раббингиз ҳузурига қайтарилурсиз”.

(жон олувчи фаришта, яъни Азроил алайҳиссалом)

Ушбу ҳикматда шоир насиҳат тарзида дўстларга Аллоҳ ҳузурида шарманда бўлмаслик учун тақво ва тоатда мудом бўлишлигини, ўлим ҳар бир дақиқада келиши мумкинлиги, ўлим фариштаси жон олиш вақтида бу ҳаётнинг барча ишлари ортда қолиши тўғрисида баён этган.

Яна бир ғазалда келтирилган أصحاب كهف сўзи Қуръондаги “Каҳф” сурасининг оятларига ишорадир.

اصحاب كهف اتيديك ايركشسم ايرنلاره  
تاي قوم مو ديب الاردن نظر كمياسنى

Каҳф сураси 9 оят: (۹) أَمْ حَسِبْتَ أَنَّ أَصْحَابَ الْكَهْفِ وَالرَّقِيمِ كَانُوا مِنْ آيَاتِنَا عَجَبًا

Балки, “Каҳф” (ғор) ва “Рақим”\* (битик) эгаларини бизнинг мўжизаларимизнинг энг ажойибидан, деб ҳисоблагандирсиз?

Будпарастликдан қочиб, Аллоҳнинг розилигини истаб, юртини тарк этиб бир итлари билан тоғдаги бир ғорга қочиб бориб яширинган бир гуруҳ ёш йигитлар тарихда “Асҳоби Каҳф” (“Ғор кишилари”) ёки “Асҳоби рақим” (“Битик эгалари”) деган номлар билан машхур бўлганлар.

### ХУЛОСА

Таҳлил жараёнида шу нарсa маълум бўлдики, Азимий Қуръон оятлари ва ҳадислар мазмунини шеърда сингдиришда, асосан, талмиҳ ва ишора санъатларидан фойдаланган. У шеърларида Қуръоннинг ўндан ортиқ сураларига мурожаат қилган. Девондаги айрим байтларда оят ва ҳадислар мазмуни ўзбек тилида ҳам берилган. Шоирнинг шеърларда фойдаланган иқтибосларига кўра унинг Қуръонга моҳир эканлиги, у келтирилган иқтибосларни мазмун ва моҳиятларини тўлиқ очиб беролганини кузатиш мумкин. Яна шуни айтиш жоизки, Қуръон ва ҳадисдан келтирилган иқтибослар туфайли асарларнинг кадр-қиммати юксак баҳоланаётгани кўплаб янги қирраларни очиб беради.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Қуръони карим: маъноларининг таржима ва тафсири/Таржима ва тафсир муаллифи: А. Мансур. –Т.: “Тошкент ислом университети”, 2007. – 624 б.
2. Давлатов О. Алишер Навоий шеъриятида Қуръон оятлари ва ҳадисларнинг бадий талқини. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Самарқанд. 2017.
3. Ҳожиаҳмедов А. Шеър санъатлари ва мумтоз қофия. – Т.: Ўқитувчи, 1999. – 96 б.
4. Жўрабоев О. Ҳазиний Тўра. –Т.: 2007. “Фан”. – 135 б.



## ЗНАЧЕНИЕ ЯЗЫКОВОЙ ХАРАКТЕРИСТИКИ ПОЛИЯЗЫЧНОЙ СРЕДЫ В ОТНОШЕНИИ НАЗВАНИЙ ГЕОГРАФИЧЕСКИХ ОБЪЕКТОВ УЗБЕКИСТАНА

Джураев Дусмурод Уралович

руководитель проекта АЛ-412104512, д.п.н.

Назаров Алишер Абдусамадович

младший научный сотрудник проекта АЛ-412104512

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6782595>

**Аннотация.** В статье обсуждается, что методы проведения топонимических исследований на местах зависят от условий многоязычной среды, которые весьма разнообразны. Есть страны, где большинство населения говорит на одном языке и понимает один язык, хотя некоторая часть населения, возможно, говорит на других языках. Ещё есть страны, население которых состоит из многочисленных культурных групп, говорящих на разных языках. В таких случаях программы стандартизации берут за основу принцип ориентации на местные варианты, то большинству стран приходится принимать во внимание подход, учитывающий существование названий на разных языках.

**Ключевые слова:** многоязычная среда, население, разговорный язык, многочисленные культурные группы, местная диалектика, население.

## THE MEANING OF THE LINGUISTIC CHARACTERISTICS OF THE MULTILINGUAL ENVIRONMENT IN RELATION TO THE NAMES OF GEOGRAPHICAL OBJECTS OF UZBEKISTAN

**Abstract.** The article discusses that the methods of conducting toponymic research in the field depend on the conditions of a multilingual environment, which are very diverse. There are countries where the majority of the population speaks one language and understands one language, although some of the population may speak other languages. There are also countries whose population consists of numerous cultural groups speaking different languages. In such cases, standardization programs are based on the principle of focusing on local variants, then most countries have to take into account the approach that takes into account the existence of names in different languages.

**Key words:** multilingual environment, population, spoken language, multiple cultural groups, local dialectics, population.

## ВВЕДЕНИЕ

Географические названия запечатлеваются в нашем сознании как повседневные достопримечательности, как неотъемлемая часть местной или национальной истории, а может быть, как места, где связано что-то особенное или можно рассказать что-то интересное. По этой причине они означают существенное для многих людей. Для всех людей топонимы могут быть средством четкой коммуникации или источником путаницы и непонимания. Во избежание путаницы при проведении исследований необходимо осуществить определенную стандартизацию географических названий и их использования.

Известно, что полевая идентификация топонимов служит основанием для принятия решений о разрешении на использование топонимов в картографии и документах. Кроме того, благодаря выявлению местных названий были сохранены важные знания, накопленные местным населением за долгие годы, и часть исторического наследия региона.

## МАТЕРИАЛЫ И МЕТОДЫ

Тот факт, что общие элементы топонимов во многих местных языках недостаточно подготовлены, создает трудности для исследователя и требует особого внимания. Исследователи должны тщательно задокументировать, как общие термины используются для обозначения географических объектов, названных местными жителями, и как эти термины соотносятся с другими объектами. Например, в английском родовые термины часто отражают относительные отношения предметов, но не обязательно их размеры. Например, бухта может быть больше, чем бухта в другом месте, но если она является частью именованной бухты, то это относительно меньший объект. Точно так же названная вершина может быть такой же большой или больше, чем гора в другом месте, но также может быть частью горы. Однако гора не может быть частью вершины.

Исследователям полезно знать об аналогичных иерархиях на местном языке страны, поскольку им может потребоваться объяснить использование общих терминов в своих отчетах. Целью полевых исследований является сбор достаточной информации о местном использовании географических названий, чтобы можно было принимать обоснованные и устойчивые решения по национальной стандартизации. Эта информация служит основой для связи между фактическим местным использованием имен и процессом стандартизации.

В большинстве стран мира топонимы являются продуктом нескольких разговорных языков. Методы проведения топонимических исследований в полевых условиях зависят от условий полиязычной среды, которые весьма разнообразны. На одном конце спектра находятся преимущественно одноязычные страны, где большинство населения говорит и понимает один язык, хотя часть населения может говорить и на других языках. На противоположном конце спектра находятся страны, состоящие из многих культурных групп, жители которых говорят на разных языках.

Поскольку программы стандартизации обычно основаны на принципе сосредоточения внимания на местных вариациях, большинству стран следует принять подход, учитывающий существование названий на разных языках. За реализацию этого подхода отвечает Организация по регистрации географических названий. Полевой исследователь несет ответственность за объективный, т. е. неизбирательный, сбор наименований, имеющихся на обследуемой территории. Отбор осуществляется национальным органом и его вспомогательным персоналом в соответствии с установленными принципами, стратегиями и процедурами, если таковые имеются. Такие термины, как «официальный язык», «национальный язык», «язык национальных меньшинств» и другие следует понимать в контексте каждой отдельной страны. Правовой статус языков в стране или любой части страны, особенно в отношении географических названий, должен быть известен вспомогательному персоналу.

## РЕЗУЛЬТАТЫ

Влияние многоязычной среды на интервью зависит от способности исследователя общаться с опрашиваемыми людьми и записывать географические названия в форме, приемлемой для органа по географическим названиям и персонала вспомогательного офиса. Если исследователь не владеет языком, на котором информант произносит названия географических объектов, необходимо обратиться к внешней помощи. Например, вы можете воспользоваться услугами переводчика, который понимает цель запроса и свободен

в обсуждении лингвистических и географических вопросов. Например, такие услуги может оказывать местный школьный учитель, административный сотрудник или другое компетентное лицо, свободно владеющее двумя или более языками.

Если нам приходится работать с разными языками, процедура регистрации имен зависит от того, на каком языке написаны имена. В первом случае имя регистрируется в стандартной форме и написании того языка, из которого оно образовано. Письменные формы местных собранных имен могут быть изменены в соответствии с общим написанием и правилами этого языка. А если в языке нет стандартной системы письма, собираемые имена следует писать последовательным повторением звуков, по возможности, по уже разработанной лингвистами системе. Первая Конференция Организации Объединенных Наций по стандартизации географических названий приняла две резолюции (I/20, 1967 г. и I/16, 1967 г.) по этим вопросам.

Как правило, исследователь не обладает навыками написания имен на незнакомом языке от руки, если только он не является лингвистом, который может писать имена с использованием Международного фонетического алфавита (IPA). Лингвисты, знакомые с процессом стандартизации, могут сделать это в сотрудничестве с исследователем, который, в свою очередь, обеспечивает правильное выравнивание имен и объектов и точность всех записей. Географ или картограф со знанием языка может правильно написать названия без посторонней помощи. Однако найти людей с лингвистическим образованием в исследовательских областях непросто. В таких случаях рекомендуется записать на пленку или записать местные варианты имени и его значение, если оно известно. Каждому наименованию присваивается числовой код, соответствующий символу на полевой карте, или метка, соответствующая официальному изображению на аэрофотоснимке. Имя лучше произнести дважды и использовать в предложении. В будущем квалифицированные лингвисты в офисе или университете смогут транскрибировать имена, записанные на магнитофон, с использованием общепризнанной орфографии.

### **ОБСУЖДЕНИЕ**

Записанная информация также может быть использована для разработки руководства по произношению имен. Во всех случаях в записях следует указывать значение каждого имени, если оно известно информатору, что позволит правильно его интерпретировать. Для имен на бесписьменных языках единственным практическим способом их регистрации часто является электронная запись на ленту или дискету. Лучше всего, если транскрипцию и оценку записанного материала при дальнейшей работе в офисе осуществляют лингвисты «центра», хорошо разбирающиеся во всех имеющихся фонетических системах транскрипции.

Целью выездных топонимических исследований является получение информации о местном использовании географических названий и их использовании от компетентных лиц, с которыми можно лично опросить. Успех опроса зависит от нескольких факторов, некоторые из которых трудно контролировать. Процесс собеседования – это, как правило, общение между людьми, не знающими друг друга, в котором важную роль может играть личностный фактор. Проведение личного опроса требует определенной вежливости. Однако систематический отбор информантов помогает избежать трудностей, связанных с

личными проблемами или незнанием информантами местного использования географических названий.

### **ВЫВОДЫ**

Электронная запись, созданная в полевых условиях, может помочь сотрудникам решить проблемы с артикуляцией (например, стресс, тон и т. д.) в офисной среде, где ручная запись затруднена.

Если в районе имеется два или более языковых сообщества, следует указать названия, используемые каждым сообществом. Насколько это возможно, исследователь должен быть знаком с языками, используемыми в данной области, или обратиться за соответствующей помощью.

### ***Использованная литература:***

1. Glossary, No. 330: Technical Terminology Employed in the Standardization of Geographical Names) (ST/CS/SER.F/330).
2. Helen Kerfoot, «Role of the United Nations in the standardization of geographical names», Lecture Notes, vol. 1, Enschede, Netherlands/Frankfurt am Main, Germany, 10–24 August 2002, pp. 91–102.
3. Djurayev D.U. Creation of a multilingual electronic dictionary of geographical terms for standardization of toponymic names of the republic of Uzbekistan, South Asian Journal of Marketing & Management Research (SAJMMR), Vol. 12, Issue 1-2, January-February 2022.
4. Khasanov X. From the history of Central Asian place names. T. "Fan". 1965.

## YAPON MUTOZ MANBALARIDA QO'LLANGAN METAFORALARNING TURLARI TASNIFI

U.Haydarova

M.Umarova

Farg'ona davlat universiteti

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6782635>

**Annotatsiya.** Ushbu maqola kognitiv lingvistikada metafora masalasi va ularning mumtoz manbalarda ishlatishi, hamda metafora turlari tasnifi haqida so'z yuritadi. Yapon mumtoz manbalarining durdonasi hisoblanmish "Hojoki" va "Tsureduregusa" asarlarida qo'llangan metaforalar an'anaviy, neytral va muallif xususiy metaforalariga tasniflangan. Tahlilga ko'ra, asarda asosan an'anaviy metaforalar qo'llangani va muallif xususiy hamda neytral metaforalar kam sonni tashkil etishi aniqlandi.

**Keywords:** metafora, Hojoki, Tsureduregusa, an'anaviy metaforalar, muallif xususiy metaforalari, dead metaforalar.

### КЛАССИФИКАЦИЯ ТИПОВ МЕТАФОР, ИСПОЛЗУЕМЫХ В ЯПОНСКИХ МУТОЗНЫХ ИСТОЧНИКАХ

**Аннотация.** В данной статье рассматривается вопрос о метафорах в когнитивной лингвистике и их использовании в классических источниках, а также о классификации типов метафор. Метафоры, используемые в «Ходзёки» и «Цуредурэгуса», считающиеся шедеврами японских классических источников, подразделяются на традиционные, нейтральные и частные метафоры автора. По результатам анализа установлено, что в произведении в основном используются традиционные метафоры, а авторские частные и нейтральные метафоры немногочисленны.

**Ключевые слова:** метафора, ходзёки, цуредурэгуса, традиционные метафоры, авторские частные метафоры, мертвые метафоры.

### CLASSIFICATION OF TYPES OF METAPHORS USED IN JAPANESE MUTOSE SOURCES

**Abstract.** This article discusses the issue of metaphors in cognitive linguistics and their use in classical sources, as well as the classification of metaphor types. The metaphors used in Hojoki and Tsureduregusa, considered masterpieces of Japanese classical sources, are classified into traditional, neutral, and author's private metaphors. According to the analysis, it was found that traditional metaphors are mainly used in the work, and the author's personal and neutral metaphors are few.

**Keywords:** Metaphor, Hojoki, Tsureduregusa, traditional metaphors, author's private metaphors, dead metaphors.

## KIRISH

Metafora o'ziga xos lingvistik birlik hisoblanadi. Bugungi kunda lingvistika bilan bir qator fanlarni tutashtiruvchi tadqiqot obyektidir.

Metaforaning barcha tillarda, asosan, uchta turini ajratib ko'rsatishadi. Biz tahlil qilayotgan asar (Hojoki va Tsureduregusa) doirasida qo'llanilgan metaforalarni umumiy jamlagan holda ularni ilmiy adabiyotlarda keltirilgan tasnifi bo'yicha uch turga ajratib tahlil qilib chiqish mumkin. Bular quyidagilar:

**a) An'anaviy metaforalar(kanreiteki)**

I. Taniguchi an'anaviy metaforalar adabiyot, kundalik adabiy muhit, hayotda ko'p uchraydigan metaforalar ekanini aytadi.

**TADQIQOT METODI VA METODOLOGIYASI**

“Hojoki” va “Tsureduregusa” asarlarida ifodalangan metaforalarni kategoriyalashtirishda “Xalqaro ramzlar lug‘ati”, “Qadimgi yapon adabiyotida qo‘llangan ramzlar lug‘ati” va zamonaviy izohlar tadqiqotlaridan foydalanildi.

“Hojoki” da ifodalangan an'anaviy metaforalar (jadval 1)

| N:                                                 | Misollar                                                                                                  | An'anaviy metafora                                      | Ramzlari                                                                                                                                                                                                                                         |
|----------------------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------|---------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| 1.                                                 | いはば、旅人の一夜の宿を造り、老いたる蚕の繭を営むがなり。Inson hayoti-sayyohning bir kunlik uyi yoxud pilla ichidagi kapalak qurtdir. | 1.旅人- sayyoh,<br>2.夜の宿り-bir kunlik uy<br>3.蚕-ipak qurti | 1. sayyoh insonni ifodalab, qisqa muddat bu dunyoda sayohat qilib, asl mohiyatga qaytish (Takeda T. B.178.) .<br>2. Inson hayotining qisqaligi (Takeda T. B.178)<br>3. ikki dunyoni va bu dunyoning o'tkinchiligini ifodalagan (Takeda T.B.178). |
| 2.                                                 | かの地獄の業の風なりとも、かばかりにこそはとぞおぼゆる。<br>Do'zax shamoli hammani qo'rquvga solib esadi.                             | 風 shamol                                                | Shamol so'zi Heiyan davri adabiyotida behalovatlik ramzidir. (p.224)                                                                                                                                                                             |
| Hammasi bo'lib 13ta an'anaviy metafora qo'llangan. |                                                                                                           |                                                         |                                                                                                                                                                                                                                                  |



### TADQIQOT NATIJALARI

Yuqorida keltirilgan metaforalarni an'anaviy metafora deya olishimizga sabab, "Qadimgi yapon adabiyotida qo'llangan ramzlar lug'ati"da aynan shu metaforalarning boshqa asarlarda bir xil majozda ishlatilganini ko'ramiz. Xususan, "gul" so'zi "Genjimonogatari"da "obro'" hamda "dunyo" ma'nolarida, "shamol" Murasaki Shikubuning waka(she'r)larida "behalovatlik" sifatida qo'llangan.

"Tsureduregusa" da foydalanilgan an'anaviy metaforalar(jadval 2)

| N:                                                 | Misollar                                                                                                                                          | Metafora | Ramzlari (Qadimgi yapon adabiyotida qo'llangan ramzlar lug'ati)                                                                          |
|----------------------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| 2.                                                 | 人には木のはしだと思はるる<br>よ. Inson daraxtdir.                                                                                                              | 木 daraxt | Daraxt inson va bilim, taraqqiyot majozidir (B.283)                                                                                      |
| 4.                                                 | ありたきことは、まことしき文の<br>道、作文・和歌・くわん<br>げんの道、また有職に公<br>事の方、人の鏡ならむこ<br>そいみじかるべけれ。<br>Adabiyot, she'riyat, musiqa,<br>din yo'li insonning<br>ko'zgusidir. | 鏡 ko'zgu | Buddizmida "oyna" nafsidan ozod bo'lgan poklik timsolidir. Shuningdek toza yurak va istaklaridan voz kechgan qalbni ifodalaydi (B.213) . |
| Hamasi bo'lib 30 ta an'anaviy metafora qo'llangan. |                                                                                                                                                   |          |                                                                                                                                          |

"Tsureduregusa" da qo'llangan 30 an'anaviy metaforalar ham qadimgi adabiyot, she'riyatda qo'llangani aytiladi, masalan: "ko'zgu" metaforasi "Genjimonogatari"("源氏物語" 子が女の鏡とならむ (p.567) 。) va "Makurano soshi"("枕草子" (詩や音楽は男の鏡とならむ ... (p.71) 。) asarlarida keltirilgani aniqlandi.

#### b) Muallif xususiy metaforalari (yangi, poetic)

Muallif xususiy metaforalari an'anaviy metaforalar doirasidan butunlay chiqmagan holda, yangi ma'no yuklash demakdir. Masalan, "Hojoki" da qo'llangan ushbu misolni ko'raylik:

4) 朝に死に、夕べに生まるるならひ、ただ、水の泡にぞ似たりける。

"Asani shini, yuubeni umarurunarai, tada, mizuno awani nitarikeru".

"Tong –o'lim, shom tug'ilishdir, bu esa suv ustidagi pufakchaga o'xshaydi".

#### MUHOKAMA

"Qadimgi yapon adabiyotida qo'llangan ramzlar lug'ati"ga ko'ra tong- ibtido, shom intihoni majozda aks ettirsa-da, Chomei aksini qo'llaydi. Bu bilan tug'ilish va o'limdan ham kengroq ma'noni ifodalaydi. Bu – shom (qorong'u qiyinchilikka to'la) bu dunyo, tong esa u dunyoda (yorug'lik)da tug'ilishdir. Yoki "Tsureduregusa"da ifodalangan "barg" an'anaviy metaforaga ko'ra insonni ifodalovchi majozdir, lekin Kenko uni "qariya" deb qo'llaydi va bu muallif xususiy metaforasi an'anaviy metafora ma'nosi "inson" so'zidan uzoqlashmagan holda yaratilgan. Xulosa qilish mumkinki, xususiy muallif metaforalari an'anaviy metaforalar ma'nosidan o'sib chiqqan holda qo'llanilib, yozuvchi ifodasining va metafora anglatgan ma'nolarning bir necha tomonlarini qamrab olgan. Chomei va Kenko muallif xususiy metaforalarini qo'llash negizida, metaforaning an'anaviy ma'nosiga qo'shimcha diniy, buddistik ruh berganligi aniqlandi.

#### c) Neytral metaforalar (dead metaphor)

Neytral metaforalar (dead metaphor) majoz sifatida ko'rilmaydi, balki asl ma'nosida qo'llanayotgandek oddiy so'zlashuvda ko'plab ishlatiladi. Masalan, "stolning oyog'i", "qo'shni bog". Lekin, an'anaviy metaforadan paydo bo'lgan ko'p birikmalar ham shunday xususiyatga ega. "Time is money" an'anaviy metaforasidan yuzaga kelgan "vaqtni tejamoq", "kayfiyati tushmoq" kabi metaforalar ham metafora sifatida ongda idrok etilmaydi va bu kabi metaforalar Lakoff va Johnson tomonidan tamoman o'lgan(stolning oyog'i) va yashayotgan neytral (vaqtni tejamoq) metaforalar kabi turlarga ajratiladi.

#### XULOSA

Tahlil natijalariga ko'ra asarlarda tamoman o'lgan metafora "stolning oyog'i" (Tsureduregusa), neytral metaforalar esa "Hojoki"da 4 ta (shabnamning g'oyib bo'lishi, dunyodan voz kechmoq), "Tsureduregusa"da 9 ta (og'zi mahkam, so'zlarni sochmoq) qo'llangani aniqlandi.

#### *Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:*

1. Seimei Y. Hiyuto rikai. – T.: Tokyodaigakushuppankai, 2000. – B. 97.
2. Otsuka H. Kamono Chomei [Hojokino hyogen]. – K.: Yamatedaigaku, 2007.
3. Takeda T. Hojoki(zen). – J.: Kakugawashoten, 2007. – B. 22.
4. Takeda T. Tsureduregusa. – J.: Kakugawashoten, 2002. – B. 65.
5. Taniguchi I. Ninchiimironno shintenka (metafa-). – J.: Kenkyusha, 2003. – B. 25.
6. Nabeshima K. Metafato imino kouzousei. – J.: Hitsujisho, 2002. – B. 41.
7. Kinsui U. Imito bunmyaku. – J.: Iwanamishoten, 2002. – B. 79.
8. Safarov Sh. Kognitiv tilshunoslik. – J.: Sangzor nashriyoti, 2006. – B. 26.
9. Qur'onbekov A. Tilshunoslikning zamonaviy yo'nalishlari. – TDSHI, 2012. – B. 14.
10. Raymond G. The poetic of mind. – C.: Cambridge University Press, 1994. – B. 417-451.  
Freeman D. Metaphor and Macbeth. – NJ.: Lawrence Erlbaum Associates, 1995.
11. Haydarova U. YAPON MUMTOZ ADABIY MANBALARIDA QO 'LLANGAN METAFORALAR VA ULARNING DINIY-FALSAFIY TALQINI //Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. – 2022. – T. 2. – №. 1. – C. 950-958.
12. [https://scholar.google.com/citations?view\\_op=view\\_citation&hl=ru&user=Uvk2I2cAAA&AJ&citation\\_for\\_view=Uvk2I2cAAA&AJ:d1gkVwhDpl0C](https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=Uvk2I2cAAA&AJ&citation_for_view=Uvk2I2cAAA&AJ:d1gkVwhDpl0C)

13. [https://scholar.google.com/citations?view\\_op=view\\_citation&hl=ru&user=Uvk2I2cAAA-AJ&citation\\_for\\_view=Uvk2I2cAAAAJ:u-x6o8ySG0sC](https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=Uvk2I2cAAA-AJ&citation_for_view=Uvk2I2cAAAAJ:u-x6o8ySG0sC)

## NODAVLAT TA'LIM MUASSASALARIDA TA'LIM SIFATINI OSHIRISH JARAYONINING SAMARADORLIK DARAJASI

**Xallokova Maksudaxon Ergashevna**

*Farg'ona davlat universiteti katta o'qituvchisi*

**Botirova Ruhsora Faxriddin qizi**

*Magistrant*

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6783935>

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada nodavlat ta'lim xizmatlarini ko'rsatish asosida ta'limda sifat va samaradorlikni oshirish yo'llari haqida so'z boradi. Shuningdek maqolada nodavlat ta'lim tizimiga joriy qilinayotgan imtiyozlar va ta'lim ishtirokchilari uchun qo'yilayotgan talablar ham o'rin olgan.

**Kalit so'zlar:** nodavlat ta'lim, qonun, xorijiy tajriba, raqobat, ta'lim sifati, bilim, jarayon, tizim, modernizatsiya, integratsiya.

## УРОВЕНЬ ЭФФЕКТИВНОСТИ ПРОЦЕССА ПОВЫШЕНИЯ КАЧЕСТВА ОБРАЗОВАНИЯ В НЕГОСУДАРСТВЕННЫХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УЧРЕЖДЕНИЯХ

**Аннотация.** В данной статье говорится о способах повышения качества и эффективности образования на основе оказания негосударственных образовательных услуг. В статье также указаны льготы, вводимые в негосударственную систему образования, и требования к участникам образования.

**Ключевые слова:** негосударственное образование, право, зарубежный опыт, конкуренция, качество образования, знания, процесс, система, модернизация, интеграция.

## LEVEL OF EFFECTIVENESS OF THE PROCESS OF IMPROVING THE QUALITY OF EDUCATION IN NON-STATE EDUCATIONAL INSTITUTIONS

**Abstract.** This article talks about ways to improve the quality and efficiency of education based on the provision of non-governmental educational services. The article also includes the benefits introduced into the non-state education system and the requirements for the participants of education.

**Key words:** non-state education, law, foreign experience, competition, quality of education, knowledge, process, system, modernization, integration.

## KIRISH

So'nggi yillarda yurtimizda ta'lim tizimiga alohida e'tibor qaratilmoqda. Davlat ta'lim muassasalarini malakali kadrlar bilan ta'minlash, pedagog kadrlarning moddiy ta'minotini kuchaytirish yo'lida ko'plab ishlar olib borilmoqda. Ma'nan yetuk, ilg'or davlatlar vakillari bilan bimalol raqobatlasha oladigan yoshlar avlodini shakllantirish yurtimizning asosiy maqsadlaridan biriga aylangan.

Shu o'rinda bugun jahon standartlariga javob beradigan nodavlat ta'lim tashkilotlarini ko'paytirish va ushbu ta'lim muassasalarida ta'lim sifatini yuqori samaradorlikka ko'tarish talab etilmoqda.

Vazirlar Mahkamasining 2018 yil 27 martdagi 241-son qarori bilan tasdiqlangan Nodavlat ta'lim xizmatlari ko'rsatish sohasidagi faoliyatni litsenziyalash tartibi to'g'risidagi

nizomga ko'ra litsenziya olish uchun ta'lim muassasasi quyidagi talab va shartlarga javob berishi kerak:

- O'zbekiston Respublikasining ta'lim sohasidagi qonun va qonunosti hujjatlariga rioya qilish;
- ta'lim-tarbiya jarayonini davlat ta'lim standartlariga (davlat talablariga), o'quv rejalariga va ta'lim dasturlariga muvofiq tashkil etish;
- talabgorda litsenziyalanayotgan faoliyatni bajarish uchun mo'ljallangan binolarning (xonalarining) mavjud bo'lishi, auditoriyalarni, o'quv xonalarini zamonaviy axborot-kommunikatsiya asbob-uskunolari, o'qitishning texnik vositalari va anjomlar bilan jihozlash, binolarni zarur darslik va adabiyotlar bilan ta'minlash;
- ta'lim dasturlarini umumiy o'rta, kasb-hunar va oliy ta'lim davlat ta'lim standartlariga muvofiq, shuningdek, maktabgacha ta'lim, maktabdan tashqari ta'lim, kadrlar malakasini oshirish va ularni qayta tayyorlashga qo'yiladigan davlat talablariga muvofiq amalga oshirish;
- ijtimoiy himoyaga muhtoj oilalarning qobiliyatli va iqtidorli farzandlarini tanlov asosida muassasadagi jami tarbiyalanuvchilar, o'quvchilar umumiy sonining 10 foizidan kam bo'lmagan miqdorda bepul o'qishga qabul qilish;
- ta'lim muassasasi, ta'lim oluvchilar, pedagoglar haqidagi va boshqa zarur ma'lumotlarni tegishli axborot tizimlariga kiritib borish;
- bitiruvchilarga belgilangan tartibda ta'lim to'g'risida hujjat berish va boshqalar.

#### **TADQIQOT METODI VA METODOLOGIYASI**

Bugungi kunda nodavlat ta'lim muassasalarida ta'lim sifati va o'quv-metodik ta'minot yuzasidan raqobat kuchli namoyon bo'lmoqda. Ta'lim sifati esa o'zaro raqobat jarayonida yaxshilanib boradi. Shuning uchun raqobat jarayonining erkin va oshkora namoyon bo'lishini ta'minlash muhim sanaladi. Raqobatbardosh mahsulot hamisha yuqori baholangani kabi, "raqobatbardosh" ya'ni bilimli va salohiyatli yosh avlod ham mamlakat taqdirini yuksaklarga ko'tarib boradi.

Nodavlat ta'lim muassasalarida ta'lim sifatini ko'tarishda quyidagilarga e'tibor qilinishi zarur:

- iqtidorli bolalar va va iste'dodli yoshlarni aniqlash va qo'llab-quvvatlash orqali ta'lim-tarbiyaning yuqori sifatini ta'minlaydigan yuqori sifatini ta'minlaydigan qulay shart-sharoitlar yaratish;
- sog'lom raqobat muhitini shakllantirish uchun an'anaviy ta'lim xizmatlari bilan bir qatorda sifatli va ommabop ta'lim olishning muqobil imkoniyatlarini yaratadigan pullik ta'lim xizmatlari ko'rsatish bozorini jadal rivojlantirish;
- ilg'or xalqaro tajribalarni inobatga olib, o'qitishning innovatsion pedagogik shakllari, uslublari hamda zamonaviy texnologiyalaridan foydalanish asosida ta'lim sohasidagi samaradorlik va natijaviylikni oshirish;[1]

Ta'lim sifati bu ta'lim oluvchilarning ta'lim jarayonida o'zlarida shakllantirgan bilimlardan amliyotda qo'llay olish ko'nikmasiga ega bo'lganlari bilan o'lchanadi. Nodavlat ta'lim muassasalarining ustuvorlik xususiyati ham shundaki, bu tashkilotlaridagi faoliyat ko'proq o'quvchi bilim darajasiga qaratiladi. Rasmiy hujjatlarning kamayishi, pedagoglar yuklamasining ozayishi hisobiga diqqat-e'tibor bola o'zlashtirishiga qaratiladi. Chunki nodavlat ta'lim tashkiloti

inqirozini oldini olishning yagona yo'li bolalar ta'lim jarayonini samarali tashkil etish asosida ota-onalarni ko'proq muassasaga jalb qilishga erishiladi.

Mamlakatimizda nodavlat ta'lim muassasalarining ortib borishi hamda ta'lim tashkilotlariga moliyaviy mustaqil maqomi berilishining asl mohiyati ham aslida ta'lim sifatini ko'tarish hisoblanadi. Keyingi yillarda xususiy ta'lim muassasalariga qatnovchi oila farzandlariga soliq imtiyozining berila boshlangani zamirida nodavlat ta'lim muassasalarining nufuzini ko'tarishdan iborat.

Nodavlat ta'lim xizmatlari faoliyati bilan shug'ullanuvchi yuridik shaxslar quyidagi talablarga rioya qilishlari zarur hisoblanadi:

- o'z faoliyatini davlat ta'lim standartlari va talablar asosida amalga oshirishi;
- amaldagi me'yoriy-huquqiy hujjatlarga qat'iy rioya qilgan holda yuqori malakali pedagog va boshqa kadrlar bilan ta'minlash, ta'lim-tarbiya jarayonini tashkil etish uchun zarur shart-sharoitlarni yaratish choralarini ko'rishi;
- o'qish muddati va shartlari, to'lov miqdori, tomonlarning huquq va majburiyatlari hamda boshqa shartlar belgilangan shartnomaga muvofiq ta'lim oluvchilarning ota-onalari yoki boshqa qonuniy vakillari bilan o'zaro munosabat o'rnatishi;
- o'z faoliyatini aholiga pullik ta'lim xizmatlarini ko'rsatish, xayriya fondlari va grantlardan kelib tushgan mablag'lar, shuningdek, qonunchilikda taqiqlanmagan boshqa manbalar hisobidan moliyalashtirishi;
- bitiruvchilarga davlat namunasidagi ta'lim to'g'risidagi hujjat berishi.

#### **NATIJALAR**

Maktabgacha va umumiy o'rta ta'lim sohasida nodavlat ta'lim xizmatlarini ko'rsatadigan yuridik shaxslar ijtimoiy himoyaga muhtoj oilalarning qobiliyatli va iqtidorli farzandlarini tanlov asosida muassasadagi jami o'quvchilar umumiy sonining 10 foizidan kam bo'lmagan miqdorda ta'lim xizmatlarini ko'rsatish evaziga kelib tushgan daromadlar hisobidan bepul (grant asosida) o'qishga qabul qilishi zarur. Navbatdagi o'quv yillarida o'quvchilarni bepul (grant asosida) o'qitishni davom ettirish bo'yicha qaror nodavlat ta'lim xizmatlarini ko'rsatish faoliyati bilan shug'ullanuvchi yuridik shaxs tomonidan ta'lim oluvchining oilaviy sharoiti va uning akademik natijalaridan kelib chiqqan holda qabul qilinadi.

Nodavlat ta'lim muassasalarida sifatli ta'limni yo'lga qo'yish uchun davlat tasarrufidagi ta'lim muassasalari bilan integrallashuvini yo'lga qo'yilishi lozim. Shuningdek, fanlarni integratsiyalash asosida o'qitish ta'lim sifatini ko'tarishga xizmat qiladi. Integral ta'limiy faoliyat integratsiyadan farqli ravishda yaxlit olamni tasavvur qilish bilan bir qatorda o'z-o'zini ijodiy rivojlantirish imkoniyatining yuzaga kelishidir. Bola atrof-olamni bilish jarayonida o'z imkoniyatlarini kashf etib boradi. Mustaqil ravishda o'zlashtirish qobiliyati rivojlanadi. Integral loyihalash integratsion mashg'ulotlarni boyitish va sifatli ta'lim olishni ta'minlashga xizmat qiladi. Bola iqtidorini tarbiyachi emas o'zi aniqlab, shaxsiy sifatlarini tarkib toptiradi. Uning imkoniyatlari kengayib borgan sari bilimlarni kashf etib boraverad. [2]

Nodavlat ta'lim xizmatlarini ko'rsatish faoliyati bilan shug'ullanuvchi yuridik shaxslarga ilg'or xorijiy tajribalarni inobatga olgan holda quyidagilar tavsiya qilinadi:

ta'lim jarayonini o'qitishning eng zamonaviy texnologiyalaridan foydalangan holda fanlarni chuqurlashtirib o'rgatish yo'nalishida tashkil etish;



o'zlariga nom tanlashda vatanimizning mashhur va buyuk olimlari, jamiyat arboblari ismlaridan o'rnatilgan tartibda foydalanish;

ilg'or ilmiy-amaliy tajribani joriy etish hamda chuqurlashtirib o'rganiladigan fanlarni chet tilida o'qitish uchun ta'lim jarayoniga xorijiy pedagog va mutaxassislarni jalb qilish.

### MUHOKAMA

Mustaqillik yillarida ta'lim sohasida yoshlarga zamonaviy bilimlarni berish, ularning intellektual salohiyatini oshirish va jahon hamjamiyatida munosib o'rin egallashiga qaratilgan tub o'zgarishlar va islohotlar amalga oshirildi.

Xususan, umumiy o'rta ta'lim sifatini tubdan oshirish, intellektual, estetik va jismoniy barkamol avlodni shakllantirishni hamda yoshlarga ta'lim berishni yangi sifat darajasiga ko'tarish, shu jumladan, chet tillari, informatika hamda matematika, fizika, kimyo, biologiya kabi muhim va talab yuqori bo'lgan boshqa fanlarni chuqurlashtirib o'rgatish 2017-2021-yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasining asosiy maqsadlaridan biri sifatida belgilangan.

Xorijiy tajribalar davlat va nodavlat ta'lim muassasalari o'rtasida sog'lom raqobat fuqarolarning sifatli ta'lim olishga bo'lgan huquqini ro'yobga chiqarishga xizmat qilishini ko'rsatmoqda.

Shuning uchun ham bir qator rivojlangan xorijiy mamlakatlarda nodavlat ta'lim sektorining umumiy o'rta ta'limdagi ulushi salmoqli bo'lib, Germaniyada 12 foizni, Fransiya 17 foizni, AQShda 18 foizni, Buyuk Britaniya 20 foizni, Ispaniya, Irlandiya va Gollandiyada 30 foizni tashkil etadi.

YUNESKO va "DGP Research & Consulting" konsalting tashkiloti hamkorliida jalb etilgan xorijiy ekspertlar guruhi tomonidan milliy ta'lim tizimini kompleks o'rganish bo'yicha o'tkazilgan tahlillarda ta'lim sifatini yaxshilashda raqobat muhitini shakllantirish, bunda xususiy ta'lim sektorini rivojlantirishga ustuvor yo'nalish sifatida e'tibor qaratish zarurligi alohida ta'kidlab o'tilgan.[4]

Mavjud muammolarni amaliy bartaraf qilish maqsadida O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Nodavlat ta'lim xizmatlari ko'rsatish faoliyatini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarori bilan nodavlat ta'lim muassasalariga uzoq muddatli imtiyozli kreditlar ajratish va avval ajratilgan kreditlar muddatini uzaytirish, ta'lim hamda unga tegishli xizmatlar bo'yicha barcha soliq turlari to'lovlaridan 2021-yilgacha ozod etish, fanlarni chet tilida chuqurlashtirib o'qitish va bu orqali ta'lim sifatini oshirish maqsadida ta'lim jarayoniga xorijlik o'qituvchi hamda mutaxassislarni keng jalb qilish nazarda tutilgan.

Bugungi kunda yoshlar hayotida virtuallashuv nihoyatda keng ommalashib bormoqda. Internet tarmoqlari turlari shunchalik ko'pki, ulardan foydalanish uchun har bir odamda imkoniyatlar yetarlicha mavjud. Chunki har bir inson uchun hozirgi paytda smartfon o'zining ikkinchi yarmiga aylanib ulgurgan. Smartfonlar xuddi suv-havodek ehtiyoj manbai hisoblanadi. Har bir oilada o'sib kelayotgan farzandlar uyali aloqa vositalaridan foydalanishni yaxshi tushunadilar va qiziqishlari ham shunga yarasha yuqori suratlarni tashkil qiladi.[3] Shularni nazarda tutgan holda nodavlat ta'lim xizmatlarini oshirish asosida ota-onalarni farzandlarining bo'sh vaqtini foydali faoliyatlarga jalb etishlariga e'tibor qaratish zarur. Bu jarayonga ota-onalarni jalb qilish maqsadida nodavlat ta'lim muassasalariga xorij tajribasi tadbiq etilmoqda.

O‘z navbatida, nodavlat ta’lim muassasalariga taklif etilayotgan xorijlik o‘qituvchi va mutaxassislariga viza berish, aviatransport, turarjoy, mehnatiga munosib haq to‘lash hamda soliqlardan ozod qilish kabi masalalar ham o‘z yechimini topgan.

Yuqorida ko‘rsatilgan vazifalarni amalga oshirish yuzasidan tegishli vazirlik hamda idoralarga nodavlat ta’lim muassasalari faoliyatini yanada rivojlantirish, qulay shart-sharoitlar yaratish bo‘yicha tegishli tartib va me‘yoriy-huquqiy hujjatlarga o‘zgartirishlar kiritish topshiriqlari berilgan.

### **XULOSA**

Xulosa o‘rnida aytish mumkinki, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Nodavlat ta’lim xizmatlari ko‘rsatish faoliyatini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qarorining qabul qilinishi xalq ta’limi tizimida sog‘lom raqobat muhitini yaratish, nodavlat ta’lim muassasalari faoliyatini rivojlantirish, xorijiy o‘qituvchilarni jalb etish yo‘li bilan aniq hamda tabiiy fanlar, chet tillarni chuqurlashtirib o‘qitishga, bu esa, o‘z navbatida, yoshlarning dunyo mehnat bozorida raqobatdosh va yuqori malakali mutaxassis kadr sifatida jahon hamjamiyatida mamlakatimiz nufuzini oshirishiga, barkamol inson bo‘lib shakllanishiga xizmat qilmoqda.

Qaror nodavlat ta’lim muassasalari sektori kengayishi, respublikaning har bir tuman va shahridagi fuqarolar ta’lim xizmatlaridan foydalanishda tanlovga ega bo‘lishi, yoshlarga munosib ta’lim-tarbiya berish kabi vazifalarni o‘z zimmasiga oladigan malakali xususiy tadbirkorlar faoliyatini qo‘llab-quvvatlab, yangi loyihalar asosida ishlash jarayonini takomillashib borishiga sabab bo‘lmoqda.

### ***Foydalanilgan adabiyotlar:***

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining Qarori PQ-3276 “Nodavlat ta’lim xizmatlari ko‘rsatish faoliyatini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida” 2017 yil, 15 sentabr
2. Boltayeva F. A., Ibrohimova N. N. Maktabgacha ta’limda integral darslar – innovatsion loyiha sifatida. “Science and Innovation”. International scientific journal. <https://doi.org/10.5281/zenodo.6626043> 2022 y., 2-son. 292 b.
3. Boltayeva F. A. Esonaliyeva O. Yoshlar hayotida virtuellashuv sabablari va omillari. “Fan, ta’lim va amaliyot integratsiyasi” FTAI, Jild: 03, Nashr: 06, June 2022. 232 b
4. <https://bilig.academiascience.org/index.php/isepsmj/article/view/588>
5. M.Xallokova. Nodavlat ta’lim muassasalarida ta’lim tizimini modernizatsiyalash. Obshestvo I innovatsii 3 (1), 151-157, 2022.
6. F.A.Boltayeva. The Essence of Integrating Innovative Technologies in Preschool Education. Pindus Journal Of Culture, Literature and ELT. 110 b <https://literature.academicjournal.io/index.php/literature/article/view/256>
7. Khallokova, M. E. (2018). Important Aspects of Establishing Non-State Educational Institutions. Eastern European Scientific Journal, (2)
8. Khallokova, M. (2022). Modernization of the education system in non-governmental educational institutions. Society and Innovations, 3 (1), 151-157.

## ЁШ СТАЖЁР СУЗУВЧИЛАРНИНГ ТАЙЁРГАРЛИГИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

Исламов Иззатилла Суннатович

Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт университети

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6784197>

**Аннотация.** Ушбу мақолада ёш сузувчиларнинг машғулот жараёнида чидамкорлик сифатини ривожлантиришга қаратилган маълумотлар ёритилган. Ушбу мақола ёш мураббийлар учун ўқув машғулотларни таъкил этишда услубий манба бўлиб хизмат қилади.

**Калит сўзлар:** сув, куч, чидамкорлик, тренировка, спорт.

### КОНТРОЛЬ ПОДГОТОВКИ ЮНЫХ ПЛОВЦОВ-СТАЖЕРОВ

**Аннотация.** В данной статье освещается информация, направленная на развитие качества выносливости при подготовке юных пловцов. Данная статья служит методическим пособием по организации учебных занятий для молодых тренеров.

**Ключевые слова:** вода, сила, выносливость, тренировка, спорт.

### CONTROL OF TRAINING OF YOUNG TRAINEE SWIMMERS

**Abstract.** This article covers the information aimed at developing the quality of endurance during training of young swimmers. This article serves as a methodological resource for organizing training sessions for young coaches.

**Key words:** water, strength, endurance, training, sport.

## КИРИШ

Замонамизнинг кучли сузувчилари – бу шундай спортчиларки, улар жуда юкори жисмоний тайёргарлик даражасига эгадирлар. Юкори махоратли сузувчиларни тайёрлаш услубияти жуда юкори юкламалар билан изохлади.

Текширишларни ўтказишдан мақсад спортчилар организмига хар – хил тренировка усулларини таъсири, ҳамда юкори натижаларни курсатиш учун, ушбу усулларнинг энг кулай нисбатини аниклашдан иборат. Ушбу мақсад шу билан асосланарлики, мураббийга тренировка машғулотлари жараёнига илмий асосланган қараш зарурдир.

Ушбу мавзуни долзарблиги шундан иборатки, йилдан – йилга ўсиб бораётган сузувчиларнинг спорт натижалари хаддан зиёд, уларнинг умумий ва махсус чидамлилигининг юкори талабларини қўймоқда.

Юкори даражадаги чидамлилика эришиш болалик ва усмирлик даврида қанчалик асосий жисмоний сифатларни ривожлантириш муваффақиятли олиб борилганлигига боглик.

### ТАДҚИҚОТ МЕТОДИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Охирги 3-4 йил ичида цикли спорт турларида жуда хам катта чидамликни талаб қилинмоқда ва умумий чидамликни ривожлантириш мақсадида, махсус чидамликни ривожлантиришга қаратилган тренировка хажмини сезиларли камайтирилмоқда.

Ишнинг мақсади: Ёш сузувчиларнинг машғулотларда чидамкорлигини ривожланиш кўрсаткичларини тахлил қилиш.

**Тадқиқотларни вазифалари.**

1. Йиллик тренировка циклида чидамлилиқни ривожлантириш учун махсус жисмоний машқларнинг таъсирини аниқлаш.

2. Тажриба ва назорат гуруҳ спортчилари ўртасида спорт натижаларини ўсиш фарқини аниқлаб олиш.

Тадқиқотни ташкил қилиниши. БЎСМ ва ИВУОЗ учун дастуридан четга чиқмаган ҳолда 11-12 ёшли сузувчиларла йиллик тренировка циклида чидамлилиқни ривожланиши бўйича тадқиқотлар утказишди. Бунда ҳар куни 30 дақиқадан югуриш ва 20 дақиқани кўкракда крол усулида оёқ ҳаракати ёрдамида сузиш таъсири ўрганиб чиқилди.

Чидамлилиқни даражасига баҳо бериш учун, ҳар ойда 800м крол усулида назорат спорти утказилди. Хафталик микроцикл йиллик укув режаси асосида укув тренировка гуруҳлари учун тузилган.

Қуйида хафталик микроцикл схемаси келтирилган бўлиб, у тажриба давомида махсус синфлар учун тренировка машғулотлари асоси бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқотларда 12 сузувчи иштирок этиш таҳлил қилинади. 6 та ўғил бола ва 6 та қиз болалар, уларни ёшлари 11-12 ёшли бўлиб, бир хил жисмоний тайёргарликка эга бўлишлари лозим эди. Сузиш билан шуғулланиш стажи 2 – 2,5 йилни ташкил этади.

Олинган натижалар таҳлили. 800м масофага кўкракда кроль усулида сузишда тажриба ва назорат гуруҳларида утказилган назорат синов натижаларига асосланиб, биз йиллик машғулот цикли давомида узоқ масофага сузувчилар чидамлилиқни кўрсаткичларини таҳлил қилиш имконига эга бўлди.

Чидамлилиқни даражасини аниқлаш усулига қуйидагилар қиради:

- формула асосида ўртача арифметик кўрсаткичларни аниқлаш:

$$S = X_1 + X_2 + X_3 + X_4 + X_n,$$

бу ерда: S - ўртача арифметик

X - 800 м га сузишдаги ўртача тезлик

n - курсаткичлар сони

Бунинг учун “А” тажриба ва “Б” назорат гуруҳларида ўртача арифметик кўрсаткичларни топамиз. Бу қуйидаги формула асосида топилади.

$$(S) = S_1 + S_2 + S_3 + S_4 + S_5 + S_6,$$

бу ерда: S<sub>1</sub> – S<sub>6</sub> - ўртача арифметик курсаткичи

n - курсаткичлар сони

“А” - тажриба гуруҳида ўртача арифметик кўрсаткичлар сони

$$(S) = \frac{12394 + 13,45,4 + 13,23,0 + 13(8,0 + 13 + 08,4 + 13 \ 13 \ 14)}{6} =$$

$$= \frac{4777,6}{6} = (S_1) = 796,26 = 13.27.1$$

“Б” - назорат гуруҳида ўртача арифметик кўрсаткичлар сони

$$(S) = \frac{14,15,2 + 14,06,3 + 14,03,0 + 13 \cdot 55,8 + 13,48 + 15,23,3}{6} =$$

$$= \frac{5063,9}{6} = (S_2) = 843,98 = 14,06,6$$

Энди эса “А” тажриба ва “Б” назорат гурухи ўртасидаги фарқни аниқлаб оламиз. Бу қуйидаги формула асосида аниқланади.

$$P(\Sigma) = \Sigma(S_2) - \Sigma(S_1) = 14,06,6 - 13,27,1 = 0,39,5$$

“А” тажриба гурухида ўртача арифметик кўрсаткич “Б” - назорат гурухидан кўриниб турибдики анча юкори ва орадаги фарқ 0.39,5 ни ташкил этди.

#### ТАДҚИҚОТ НАТИЖАСИ

Худди шу йўллар билан “А” тажриба ва “Б” назоратдаги алохида ўғил болалар ва алохида қиз болалар ўртасидаги ўртача арифметик кўрсаткичларни фарқи юкорида кўрсатилган формулар асосида ҳисоблаб чиқилди.

Йилнинг машғулоти циклида “А” - ўғил болалар тажриба гурухи назорат гурухи томонидан кўрсатган натижаларига кўра сезиларли даражасида яхшиланди.

Бу фарқ 1.12,0 ни ташкил этади. Агарда қиз болалар ва ўғил болаларни ўртача арифметик кўрсаткичларни йиғиндан фарқни  $P(\Sigma) = 0,47,1$  ва  $P(\Sigma) = 1.12,0$  такқослаштирсак, шу нарсани кузатиш мумкинки, яъни қизларнинг спорт натижаларини ўсиши “А” ва “Б” гурухларида ўғил болаларникига нисбатан юкори.

#### 1-жадвал

#### 800 м масофада кроль усулида тажриба ва назорат гурухларида синов кўрсатиш натижалари “А” – тажриба гурухи

| № | Ф.И.Ш | май     | июн     | июл     | сентябр | октябр  | ноябр   |
|---|-------|---------|---------|---------|---------|---------|---------|
| 1 | А-ва  | 13.56,0 | 13.17,0 | 13.10,0 | 12.58,0 | 12.48,0 | 11.55,5 |
| 2 | С-а   | 13.58,0 | 13.47,0 | 13.41,0 | 13.38,0 | 13.33,0 | 13.31,0 |
| 3 | С-ва  | 14.15,8 | 14.06,0 | 13.51,2 | 13.41,0 | 13.11,0 | 12.49,0 |
| 4 | К-в   | 13.51,0 | 13.45,5 | 13.30,4 | 13.28,0 | 13.05,0 | 12.42,0 |
| 5 | М-в   | 13.53,2 | 13.45,5 | 13.27,0 | 13.18,5 | 13.10,5 | 13.02,0 |
| 6 | З-в   | 12.29,0 | 13.17,4 | 13.12,0 | 13.08,0 | 13.01,0 | 12.54,0 |
|   |       | декабр  | январ   | феврал  | март    | апрел   | май     |
| 1 | А-а   | 11.52,0 | 11.50,8 | 11.47,0 | 11.46,6 | 11.42,2 | 11.39,0 |
| 2 | Са    | 13.18,5 | 13.17,0 | 13.12,0 | 13.11,0 | 13.10,8 | 13.09,2 |
| 3 | С-ва  | 12.09,0 | 12.07,5 | 12.02,2 | 11.59,0 | 11.54,5 | 11.50,0 |
| 4 | К-в   | 12.32,5 | 12.16,0 | 12.09,6 | 12.04,5 | 12.01,5 | 12.00,5 |
| 5 | М-в   | 12.54,5 | 12.50,8 | 12.47,0 | 12.37,5 | 12.37,5 | 12.33,0 |

|   |     |         |         |         |         |         |         |
|---|-----|---------|---------|---------|---------|---------|---------|
| 6 | 3-в | 12.47,0 | 12.34,0 | 12.28,0 | 12.18,6 | 12.18,6 | 12.12,0 |
|---|-----|---------|---------|---------|---------|---------|---------|

Бу нараса шу билан изохладики, яъни ушбу ёшда қизларнинг биологик балоғатга етганлик, ўғил болаларнинг нисбатан юқори эканлигидир, шунинг учун қизларда кўрсатилган натижалар сезиларли ўсди.

Шу нарсани кузатиш мумкинки “Б” гуруҳи кизларида ўртача арифметик кўрсаткичлар бўйича сезиларли фарқлар кузатилмайди:  $S = (14.15,2 - 14.03,0) = 0,12,2$ , “А” тажриба гуруҳида эса фарқ сезиларли ва 0,22,4 га етади.

Тадқиқотлар бошида “А” тажриба гуруҳида энг ёмон натижа Собирова Г. – 14.15,8 эди, бир йилдан сунг эса уни натижаси яхшиланди ва у 111.50,0 га тенг булади. Фарқ эса 2.25,8 га тенг.

### МУҲОКАМА

Жадвал бўйича шуни кузатиш мумкинки, Собирова Г натижалари йиллик тренировка циклида сакраб яхшиланади, Ахмедова Н эса, уни натижалари тўлқинсимон равишда ўсиб боради ва натижалар фарқи  $13.59,0 - 11.39,0 = 2.20,0$ га тенг. Солиева З натижалар сезиларсиз, бир маъёрада яхшиланиб борди ва у 0,48,0 та тенг.

“Б” назорат гуруҳида йиллик тренировка циклида қиз болаларда натижалар бир маъёрада яхшиланиб борди ва улар қуйидаги кўринишди:

1. Борисова С. кўрсаткичлар фарқи – 1.05,8
2. Норматова Г. – 0,54,0
3. Сафарова Н. – 0.39,5

“Б” назорат гуруҳида йиллик тренировка циклида натижалар ўғил болаларда бир маъёрада яхшиланиб борди. Мисол учун:

1. Назаров Р. кўрсаткичлар фарқи 0.41,5 ни ташки этади.
2. Хошимов Ж – 0.45,3
3. Паволов Ш – 0.36,5

Назорат гуруҳи вакиллари натижаларининг йиллик ўзгариши.

2 – жадвал

### “Б” – назорат гуруҳи

| № | Ф.И.Ш | май     | июн     | июл     | сентябр | октябрь | ноябр   |
|---|-------|---------|---------|---------|---------|---------|---------|
| 1 | Б-ва  | 14.25,0 | 14.10,0 | 14.06,0 | 14.22,0 | 13.49,0 | 13.43,0 |
| 2 | Н-ва  | 14.08,0 | 13.51,4 | 13.46,0 | 13.59,0 | 13.51,0 | 13.47,6 |
| 3 | С-а   | 14.01,0 | 13.41,5 | 13.37,0 | 13.55,0 | 13.48,0 | 13.43,0 |
| 4 | Х-в   | 13.57,0 | 13.47,0 | 13.40,5 | 13.51,0 | 13.43,5 | 13.37,0 |



|   |      |         |         |         |         |         |         |
|---|------|---------|---------|---------|---------|---------|---------|
| 5 | П-в  | 13.52,5 | 13.42,8 | 13.31,0 | 13.57,0 | 13.41,0 | 13.32,0 |
| 6 | Н-в  | 14.04,0 | 13.55,0 | 13.51,8 | 14.00,5 | 13.52,5 | 13.51,0 |
|   |      | декабр  | январ   | феврал  | март    | апрел   | май     |
| 1 | Б-ва | 13.31,5 | 13.28,0 | 13.25,5 | 13.20,8 | 13.22,0 | 13.19,2 |
| 2 | Н-ва | 13.35,6 | 13.31,0 | 13.27,0 | 13.30,0 | 13.18,0 | 13.14,0 |
| 3 | С-ва | 13.30,0 | 13.33,6 | 13.31,4 | 13.29,0 | 13.24,0 | 13.21,5 |
| 4 | Х-в  | 13.26,0 | 13.20,2 | 13.22,8 | 13.21,0 | 13.20,5 | 13.15,5 |
| 5 | П-в  | 13.22,5 | 13.20,7 | 13.18,0 | 13.14,3 | 13.11,0 | 13.07,2 |
| 6 | Н-в  | 13.38,5 | 13.34,0 | 13.40,5 | 13.35,0 | 13.30,2 | 13.27,5 |

3 – жадвал

| № | “А” Тажриба гурухи | Ўртача арифметик курсаткичлар            |
|---|--------------------|------------------------------------------|
| 1 | А-ва               | $S = \frac{8124}{12} = 743.66 = 12.39.4$ |
| 2 | С-ва               | $S = \frac{9687}{12} = 825.16 = 14.15.2$ |
| 3 | С-ва               | $S = \frac{9238}{12} = 769.83 = 13.23.0$ |
| 4 | К-в                | $S = \frac{9206}{12} = 767.16 = 13.18.0$ |
| 5 | М-в                | $S = \frac{9421}{12} = 785.08 = 13.08.4$ |

|   |     |                                          |
|---|-----|------------------------------------------|
| 6 | 3-в | $S = \frac{9241}{12} = 770.08 = 13.23.4$ |
|---|-----|------------------------------------------|

4 – жадвал

| № | “Б” Назорат гурухи | Ўртача арифметик курсаткичлар            |
|---|--------------------|------------------------------------------|
| 1 | Б-ва               | $S = \frac{9902}{12} = 825.16 = 14.15.2$ |
| 2 | Н-ва               | $S = \frac{9838}{12} = 819.83 = 14.06.3$ |
| 3 | С-ова              | $S = \frac{9814}{12} = 817.83 = 14.03.0$ |
| 4 | Х-в                | $S = \frac{9762}{12} = 813.50 = 13.55.8$ |
| 5 | П-в                | $S = \frac{9710}{12} = 809.16 = 13.48.6$ |
| 6 | Н-в                | $S = \frac{9000}{12} = 825.00 = 14.15.0$ |

Юқорида кайд этилган кўрсаткичлар шундан далолат берадики, яъни тажриба гурухида чидамликни ривожлантириш учун қўшимча юкларлар энг яхши натижаларни кўрсатишга таъсир этишга кулай шароит яратади.

Назорат гурухида қизларда ҳам, ўғил болаларда ҳам натижалар бир меъёрда ушбу гурух ёшига мос равишда дастурга мувофиқ берилган юкларларни бажариш оқибатида яхшиланади. Аммо тренировка шиддати “А” ва “Б” гурухларида бир хил эди (68 – 75%).

### ХУЛОСА

Назорат текширувлари натижаларига кўра қуйидаги хулосаларни бериш мумкин:

1. Режалаштирилган юкларлар хажмини ўзлаштириш натижасида тажриба гурухида ҳам, назорат гурухида ҳам спорт натижаларни ўсиш руй берди.

2. Табiiй биологик ва физиологик ривожланишнинг оқибатида ва бу билан бирга чидамликни тарбиялашда мақсадга мувофиқ йуналтирилган усул ва воситаларни қўллаш натижасида спорт натижаларни ўсиши кузаталади.

### Фойдаланилган адабиётлар.

1. Булгакова Н. Ж. Обучение плаванию в школе. М., « Просвещение», 1974.
2. Васильев В. С. Обучение детей плаванию. М., « Физкультура и спорт», 1973.
3. Вайцеховский С. М. Физическая подготовка пловца. М., « Физкультура и спорт», 1978.
4. Гордон С. М. Техника спортивного плавания. М., « Физкультура и спорт», 1978.

## БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРДА МЕТОДИК ТАЙЁРГАРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЖТИМОИЙ-ПЕДАГОГИК ЗАРУРАТИ

Тошболтаев Фахриддин Ўринбоевич

ФарДУ таянч докторанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6785624>

**Аннотация.** Мазкур мақолада бўлажак ўқитувчиларнинг методик тайёргарлигини ривожлантиришнинг ижтимоий-педагогик зарурати, инновацион методик фаолиятни йўлга қўйишнинг таълим сифатига таъсири ҳамда тизимни такомиллаштиришнинг ижтимоий аҳамияти тадқиқ этилган.

**Калит сўзлар:** таълим, методика, ўқитувчи, бўлажак ўқитувчи, методик тайёргарлик, таълим сифати, тизим.

## СОЦИАЛЬНО-ПЕДАГОГИЧЕСКАЯ НЕОБХОДИМОСТЬ РАЗВИТИЯ МЕТОДИЧЕСКАЯ ПОДГОТОВКА В БУДУЩИХ УЧИТЕЛЯХ

**Аннотация.** В данной статье исследуется социально-педагогическая необходимость развития методической подготовки будущих учителей, влияние инновационной методической деятельности на качество образования и социальная значимость совершенствования системы.

**Ключевые слова:** образование, методика, учитель, будущий учитель, методическая подготовка, качество образования, система.

## METHODOLOGY IN FUTURE TEACHERS SOCIO-PEDAGOGICAL NECESSITY OF DEVELOPMENT OF PREPARATION

**Abstract.** In this article, the socio-pedagogical necessity of developing methodical training of future teachers, the impact of innovative methodical activity on the quality of education and the social significance of System Improvement are investigated.

**Keywords:** education, methodology, teacher, future teacher, methodical preparation, quality of education, system.

## КИРИШ

Бугунги кунда бўлажак педагогларнинг методик тайёргарлигини ошириш, уларнинг педагогик фаолиятига инновацион ёндашувларни олиб кириш масалалари долзарблик касб этмоқда. Чунки педагогнинг методик тайёргарлиги пухта бўлса, таълим сифати ва педагогик жараён самарадорлигига эришиш мумкин бўлади. Зеро, “янги Ўзбекистон стратегиясининг мустақкам таянчи ва суянчи бўладиган тарихий-маънавий омил, яъни бизнинг энг катта бойлигимиз – халқимизнинг улкан маданий мероси, интеллектуал салоҳияти мавжудлигидир. Жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилаётган ушбу илмий-маънавий мерос дунё маданияти ва маънавияти тараккиётига бебаҳо ҳисса қўшилгани маълум. Айнан ана шу омил Янги Ўзбекистон пойдеворини яратишда, илм-фан, маънавий ва маданий фаолият, таълим-тарбия соҳаларини кенг ривожлантириш ва янги босқичга олиб чиқиш учун асос бўлмоқда”[1]. Умуман олганда, ҳар қандай жамиятнинг истиқболли цивилизацияси унинг таълим-тарбия мақомига, янгича таълим тизими таркиби ва моҳиятига, теран маърифий маданиятига боғлиқ. Зотан юксак таълим-тарбия даражасигина жамиятнинг, давлат ва миллатнинг келажагини таъминлайдиган, дунё узра

нуфузини белгилайдиган ягона омил ҳисобланади. Ҳозирги кунда жамиятимиз олдидаги ягона мақсад инсонпарвар, инсон қадри улуғлунадиган жамиятни барпо этиш, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ҳамда маданий ривожланишнинг юқори босқичларига кўтариш, жаҳон ҳамжамияти сафидан муносиб ўрин эгаллашга йўналтирилган эзгу мақсадларни амалга оширишга хизмат қилади.

### ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Таълим тизимидаги замонавий ўзгаришлар, ўқитувчининг методик тайёргарлик ва касбий қобилиятини изчил ва мунтазам ривожлантиришни тақозо этмоқда. Методик тайёргарлик – таълим-тарбия жараёнини самарали ташкил этишнинг шакл, метод ва воситаларини билиш, ўзлаштириш, амалда қўллаш, фаолият натижаларини квалитетик таҳлил эта олиш, баҳолаш, илғор халқаро педагогик тажрибаларни ўрганиш, ўқув жараёнини лойиҳалаш, муваффақиятли амалга ошириш кўникмаларидир.

“Методик тайёргарлик” тушунчаси моҳиятини очиб берувчи таъриф ва илмий тадқиқотларни кўриб чиқсак, рус тилидаги илмий адабиётларда “методика” атамаси биринчи марта 1783 йилда Ф.И.Янковичнинг ишларида учрайди.

Тайёргарлик атамаси эса, С.И.Ожегов ва Н.Ю.Шведовнинг изоҳли луғатида қуйидагича талқин қилинади: 1) бирор бир нарса учун зарур бўлган билимларни ўрганиш, шакллантириш; 2) биро киши эгаллаган билимлар<sup>56</sup>. Демак, тайёргарлик – таълим жараёни ва унинг натижасидир. Бунда ўқитиш инсонга таълим бериш мақсадида ёки унинг маълум касбий ихтисосини эгаллаш мақсадида амалга ошириши мумкин. Биринчи мақсадга эришиш аввало маълум билимлар тизимини ва шахсий хусусиятларни шакллантиришни назарда тутуади. Иккинчи мақсадда кўпинча касбий фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган кўникма ва малакаларни шакллантириш орқали эришилади.

Рус олими В.В.Малев замонавий методик тизимнинг характерли хусусиятларини қуйидагича: “таълим жараёнини илмий асосда режалаштириш лозимлиги; назарий ва амалий тайёргарликнинг уйғунлиги ва бирлигига эришиш; ўқув материални тез суръатда, юқори даражада ўргана олиш; юқори фаоллик ва талабаларнинг етарлича мустақил фаолиятига эришиш; индивидуал ва гуруҳли фаолиятнинг ўзаро бирлиги таъминланиши; ўқув жараёнининг техник воситалар билан тўлиқ таъминланганлигига эришиш; турли фан, мавзуларни ўрганишда комплекс ёндашувнинг таъминланиши”<sup>[2]</sup> сифатида таснифлайди ва таърифини шакллантиради.

Методик ишлар маълум маънода, уни индивидуализация ва дифференциацияси шароитларида илмий-методик жиҳатдан такомиллаштириш бўйича ўқитувчилар талабларини қондириши мумкин. Методик ишларни ташкил этиш дифференциаллашган асосда қатор объектив ва субъектив омилларга асосланган, энг аввало, ҳаётий ва профессионал установакалар, қадриятли йўналганлик, тажриба ва ўқитувчиларнинг профессионализминини илмий-методик тайёргарлигини такомиллаштириш ишлари бўйича ҳаётий заруратлар ҳисобга олинади.

Тадқиқотчи олим Ш. Ибрагимова фикрича, методик тайёргарлик – “педагогик жараёни методик жиҳатдан оқилона ташкил этиш, таълим ёки тарбиявий фаолият шакллари тўғри белгилаш, метод ва воситаларни мақсадга мувофиқ танлай олиш, методларни самарали қўллаш олиш, воситаларни муваффақиятли қўллашни аниқлаш”<sup>[3]</sup>. Бундан ташқари, В. А. Адольф ва В. А. Сластениннинг фикрига кўра, методик компетентлик

аниқ ифодаланган амалий хусусиятга эга ва ўз моҳиятига кўра у ёки бу фанни ўқитишнинг аниқ қуриш масалалари бўйича кенгайтирилган билимлар тизимини акс эттиради[4]. Бунинг учун эса, педагогик жараёнларни замонавийлаштириш талаб этилади.

### ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Педагогик янгиликларни замонавийлаштириш янгиланаётган жараённинг таркиби ва технологиясини замон талаблари асосида турли такомилшлаштиришларни киритиш йўли билан ўзгартиришга қаратилган бўлади.

Ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида фаолият кўрсатаётган касб эгаларининг ўзига хос касбий кўникмаларга эга бўлиши бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга методик тайёрлашга эътибор қаратилиши лозимлигини белгилайди. Педагог олим Ш.Ураковнинг хулосаларига кўра, “бўлажак ўқитувчиларни инновацион тайёрлаш даврлари генезисида ўқитишнинг қуйидаги усуллари характерлидир: 1) Савтия усули; 2) Жамоа усули; 3) Жадид усули; 4) Синф-дарс усули; 5) Лойиҳалаштиришга асосланган, натижаларга кафолатли эришишга йўналтирилган технологик ёндашув. Мазкур таълим технологиялари бир-биридан прогрессивлиги билан фарқ қилиб, бир-бирига нисбатан янги, инновацион технология ҳисобланади, хусусан, савтия усулига нисбатан жамоа усули, жамоа усулига нисбатан жадид усули инновацион ва ҳ.к. Ўқитувчиларни тайёрлаш соҳасида олиб борилган илмий тадқиқотларда илгари сурилган ўқитувчи касбий профессиограммаларининг таҳлили ҳамда жамиятнинг ўқитувчилик касбига қўяётган талаблари асосида педагогик олий таълим муассасалари битирувчисининг сифатлари ишлаб чиқилди”[5]. Замонавий педагогика мағна шундай анъанавий дарс методикасини ахборот технологиялари билан интеграциялашни талаб этмоқда.

Замонавий педагогикада ўқитувчининг методик тайёргарлигининг натижаси таълим сифатигагина эмас, шахсни тарбиялашга ҳам қаратилганлигидир. Педагогика фанлари доктори Б.Рахимов илмий тадқиқотда касбий маданий муносабатлар тизимини яратиб, уни педагогик амалиётда қўллаш мазмун моҳиятини асослаб берган ва қуйидаги фикрларни билдирган: “Бугунги талабада, айниқса ўқитувчида ҳар иккала муносабатнинг, яъни касбий-маданий муносабатларнинг уйғун ва изчил бўлиши ижтимоий ҳаётнинг эҳтиёжи ҳисобланади”[6]. Бошқа бир олим Н.Муслимов ўзининг илмий излари асосида қуйидаги фикрларни баён этади: “Шахсда касбий сифатларнинг мавжудлиги унинг мутахассис сифатида шаклланганлик кўрсаткичи орқали ифодаланади. ... Мутахассининг касбий фаолиятини ташкил этиш жараёни маълум босқичларда кетма-кетликда амалга оширилади”[7]. Яна бир олима, педагогика фанлари номзоди С.Бозорова ўзининг “Олий таълимда касбий- йўналтирилган ўқитиш технологияси” монографиясида методик тайёргарлик ва технологик ечимга қуйидагича таъриф беради: “Таълим олувчиларда уларнинг бўлажак касбий фаолияти учун муҳим шахсий сифатларни, шунингдек, вазифаси бўйича функционал мажбуриятларни бажаришни таъминлайдиган кўникма ва малакаларни шакллантирадиган технология тушунилади”[8]. Чунки жамиятимизнинг янги ривожланиш босқичида фақатгина ўз мутахасислигини яхши биладиган, тор соҳа билан ихтисослашган кадрни эмас, етук шахс сифатида ўзининг касбий компететлигини намоён қила оладиган, фуқаролик позициясини ўзининг сиёсий, ҳуқуқий ва иқтисодий билим ва қарашлари тизими билан ҳам кўрсатиб бера олдаиган инсонни тарбиялаш ҳамдир. Бу бежиз эмас, чунки барча ижтимоий муносабатлар йиғиндисидан иборат бўлган шахснинг ижодий фаолиятини

ривожлантириш, ишга солишнинг янгидан-янги йўллари ва имкониятларини қидириб топмасдан, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириб бўлмайди. Инсоният тараққиётининг турли босқичларида ижтимоий ҳаёт учун энгмуҳим вазифалардан бири – шахснинг сиёсий ижтимоийлашуви жараёнини амалга оширишдир. Бошқача қилиб айтганда, инсоннинг ижтимоий ҳаёти, унинг сиёсий жараёнларда иштирок этиши ва мавжуд сиёсий тузум билан ўзаро муносабатда бўлиши, мафкура ва қонунчилик, маънавий қарашлар вақадриятлар тизимини ўзлаштириб бориши ҳамда ижтимоий-сиёсий ҳаракатларда, жамоатчилик ишларида иштирок этиши ва жалб этилиши жараёнида амалга ошиб боради. Ўз навбатида, ижтимоий ҳаётга қадам қўйган янги авлоднинг ижтимоийлашуви, жамият ҳаётидаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар узлуксизлигини ва ижтимоий тараққиётнинг ворисийлигини таъминлайди. Бу эса, давлат билан фуқаролар ўртасидаги ўзаро муносабатлар мутаносиблиги эришувига имкон беради ҳамда мавжуд тузумнинг барқарор ривожланишини кафолатлайди.

Бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашнинг методик тизимини ишлаб чиқиш учун қуйидагилар аниқланди:

1. Методик тизимнинг мақсади жамият ва давлат таълим стандартидан келиб чиқиб аниқланади ва у таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи мақсадларга бўлинади:

– **таълимий мақсадга** мутахассисликка оид назарий билимларни ўрганиш, уни аниқ амалий фаолиятда қўллаш, педагогик фаолият олиб бориш ва педагогик онгни шакллантириш кабиларни киритамиз. Олий таълим тизимида ўқув режада кўрсатилган ҳар бир фанга оид билимларни ўрганиб бориш жараёнида бу мақсадга босқичма-босқич эришиб борилади;

– **ривожлантирувчи мақсадга** олий таълимда ўрганилган мутахассисликка оид билимларни ўрганиб бориб, бошланғич касбий фаолиятни педагогик маданиятга айлантириш лозимлигини тушуниб етиш, илмий, услубий фикрлаш ва касбий тезкор ҳаракатни ривожлантиришга ўргатиш кабиларни киритишимиз мумкин;

– **тарбиявий мақсадга** талабаларда миллий ва умуминсоний қадриятларни ривожлантириш, педагогик «Мен»нинг шаклланишини таъминлаш кабилар киради. «Мен – ўқитувчиман», «Мен – тарбиячиман» ғояси асосида бўлажак информатика ўқитувчисини тарбиялаш педагогик фаолиятдаги қадриятларни рағбатлантириш, талабаларда намунали ўқитувчи бўлишга рағбат ва мотивация ҳосил қилади»[9]. Демак, бўлажак ўқитувчиларни тарбиялашда уларга психологик таъсир кўрсатиш ва шу орқали миллий тарбия қадриятларини ҳам сингдириш мақсадга мувофиқ иш бўлади.

2. Методик тизимнинг мазмуни асосини таълим модуллари, ўқитиладиган фанларнинг мазмуни, ўқув-методик таъминотлари ташкил этади. “Бугунги ахборот-коммуникация ва педагогик технологиялар ривожланиб бораётган даврда таълим мазмунини ривожланган мамлакатлар таълим мазмуни билан солиштириб, давр билан ҳамоҳанг янгиланган бориш ва талабаларга ўз вақтида етказиб бериш лозим”[9]. Демак, мана шу методик тизим замонавий ахборот технологиялари имкониятлари билан таъминланиши ва таълим самарадорлигига ҳизмат қилиши лозим.

3. Педагогик адабиётларда кўрсатилган таълим тамойилларига қўшимча равишда танлаш ва тартиблаш тамойилидан фойдаланиб, маълум таълим шакли (маъруза, амалий, лаборатория, семинар ва ҳ.к.)да, таълим методи (замонавий педагогик технологиялар) ва



воситалари (ахборот-коммуникация технологиялари)дан фойдаланиб таълимни олдиндан кутилган, лойиҳалаштирилган натижасига эришиш, таълим натижаси мониторингини олиб бориш, назорат қилиш, ташхислаш ва тўғрилаб боришимиз керак бўлади[9]. Бу жараён таълим тамойиллари бўлган илмийлик, тизимлилик, тушунарлилик, кўргазмалилик, фаолликка асосланади.

Рус олимлари Б.М.Смирнов ва Н.Л. Пономарев фикрларига кўра, таълим жараёнига киритиладиган янгиликларнинг педагогик қонуниятлари сифатида қуйидагиларни қайд этиш мумкин:

- таълим хизматлари бозоридаги рақобатнинг кучайиши, таълимнинг фан ва амалиёт билан интеграциясига мос равишда таълим мазмуни ва методларида инновацион компонентнинг ўсиши;

- билимлар эскириш жараёнининг тезлашиши ва бу билан боғлиқ ҳолда таълимнинг фундаменталлашиш, ўзгариш тезлиги ва миқёсининг ўсиши;

- педагогик инновациялар шароитида педагогик жараён барқарорлигининг вақтинчалик издан чиқиши;

- педагогик янгиликларни билимларни ўзлаштириш жараёни методларидан инновацион қобилиятларни шакллантириш жараёни ва методларига қараб қўйналтириш;

- фанлараро ва бир нечта фанларда қўлланиладиган педагогик инновацияларнинг пайдо бўлиши ва аҳамиятини ортиши;

- ўқув фанларининг махсус педагогик инновациялардан интеграллашган янгиликларга ўтиши

- илмий-педагогик янгиликларни кўчиришнинг пайдо бўлиши, миқёснинг ўсиши ва ролининг ортиши, янги билимларни ўқув жараёнига қўллаш ва мос равишда фан ва педагогик амалиёт орқисидаги узатиш бўғинларини кучайтириш[10]. Мазкур омиллар бўлажак ўқитувчиларнинг методик тайёргарлигини ривожлантириш заруратини ортириб юбормоқда.

### МУҲОКАМА

Бўлажак ўқитувчиларни инновацион касбий-методик фаолиятга тайёрлаш жараёнида уларнинг умуммаданий даражаси, ихтисослик билимлари ҳамда шахсий фазилатлари уйғунлигини таъминлаш муҳим методологик аҳамиятга эга бўлади. Шу боис ўқув режаларида барча билимларга оид фанларни интеграциялаш зарурати туғилади. Демак, инновацион касбий-методик фаолият назариясини ўқитишда фанлараро алоқаларни мустаҳкамлашга алоҳида аҳамият берилиши тақозо қилинади.

Янгилик илмий педагогик тадқиқотлар ва илғор педагогик тажрибалар учун бирдек аҳамиятга эга бўлган мезондир. Инновацион фаолиятни амалга оширмоқчи бўлган ўқитувчи учун тавсия этиладиган янгиликнинг моҳияти нимада, унинг янгилик даражаси қандай эканлигини аниқлаш муҳим. Ҳар бир алоҳида олинган ўқитувчининг психологик хусусиятлари, хоҳиш-иродасидан келиб чиққан ҳолда уни инновацион фаолиятга жалб қилиш лозим, чунки ким учундир янгилик бўлган, бошқа биров учун бундай бўлмаслиги мумкин. Педагогик инновациялар самарадорлиги мезонларидан оптималлик – таълим берувчи ва таълим олувчиларнинг натижага эришишдаги восита ва кучлари сарфини билдиради. Таълим жараёнига педагогик инновацияларни қўллаш ва юқори натижага эришишда энг кам жисмоний, ақлий ва вақт сарфи унинг оптималлигини билдиради[11].

Бўлажак ўқитувчиларни методик тайёргарлигини оширишда мустақил фикрлаш, ижодий қобилиятларни ривожлантириш мақсадида янги педагогик технологиялар, ўқитишнинг интерфаол усулларида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Жумладан, шахсга йўналтирилган таълим, ҳамкорлик педагогикаси, кичик гуруҳларда ишлаш усуллари, таълим технологиялари сама-радорлигини янада ошириш учун замонавий ахборот коммуникацияларини кенг жорий этиш яхши натижа бериши мумкин. Машғулотларда таълимнинг янги шаклларида ўринли фойдаланиш, жумладан, интернет-форумлар, экспертлар иштирокида давра суҳбатларини ўтказиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Педагогик тадқиқотлар асосида, инновацион методик фаолиятнинг биринчи таркибий қисми аксиологик, иккинчиси – интеллектуал, учинчиси - функционал асосларни ўзи ичига олади ва уларнинг тизимий фаолият кўрсатишидан иборатдир. Янгича касбий-методик фаолиятнинг аксиологик асосини инновацион фаолиятга оид ғоялар, ахлоқий ва ҳукукий меъёрлар, анъаналар ташкил қилади. Унинг интеллектуал компоненти янгилик яратиш ва жорий этиш билан боғлиқ назариялар, концепциялар, яхлит таълимотлар, эмпирик билимлар ва инновацион ахборотларни ўз ичига олади. Мазкур ижтимоий маданий тизимнинг функционал компоненти янги ғояларни конкрет амалий ечим, технология ёки моддий ашёга айлантириш ва уни амалий фаолиятга татбиқ этишга қаратилган тажриба, алоҳида қобилият, кўникма ва малкалардан ташкил топади. Инновацион касбий-методик фаолиятнинг бу компонентлари ўзаро боғланган бўлиб яхлит ижтимоий-маданий тизим сифатида шаклланади ва ривожланади. Бу ижтимоий маданий тизимнинг асосий вазифаси жамиятнинг ўз-ўзини ташкиллаштириш, ўз-ўзини ривожлантириш лаёқатини юзага келтириш билан унинг доиравий айланма тарзидаги ҳаракатини таъминлаш ва ривожлантиришдан иборатдир.

Табиийки, бу муҳим вазифалар ечимини топиш кўп жиҳатдан таълим тизимининг янгича замонавий мақсадларга йўналтирилганлиги билан узвий боғлиқдир. Жамиятнинг янги тараққиёт босқичида замонавий таълим тизимида шундай вазифаларни бажаришга қаратилган муҳим маънавий-маърифий муҳит шаклланимда ва ривожланиб бормоқда. Бу жараёнда замонавий таълим концепциясининг ўрни бекиёсдир.

Бўлажак ўқитувчиларни методик тайёргарлигини оширишда, уларга мотивацион муносабатни ўрнатиш, шу билан бирга уларда методик тайёргарликни оширишга, касбий юксалишга мотивларни шакллантириш долзарб вазифалардан биридир. Мотивация – мотивларнинг ҳаракатланиш жараёни, инсонни асосий фаолиятга ундовчи мотивлар йиғиндиси. Мотив эса французчадан таржима қилинганда, ундовчи куч, сабаб деган маънони билдиради.

Бўлажак ўқитувчиларда методик тайёргарликни ривожлантиришда педагогик омилларнинг етакчилигини ҳам алоҳида эътироф этиш зарур. Мазкур омиллар юқорида баён этилган ижтимоий-сиёсий, миллий-маънавий ва психологик омилларни яхлитликда ўзида ифода этиши билан ҳам характерлидир. Методик тайёргарликни ривожлантиришда ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш ҳамда интерфаол таълим шароитида ўқитувчи фаолиятини модернизациялаш муҳим ўрин тутади.

Янгиланаётган Ўзбекистонда бугунги педагогик жараён миллий тарбия анъаналари устига қурилиши, шубҳасиз. Ана шу жиҳатдан Ўзбекистон умумий ўрта таълим

мактабларида миллий тарбияни ташкил этишнинг илмий-педагогик асосларини илк бор тадқиқ этган олим М.Қуроновиқнинг фикрлари диққатга сазовордир. «Миллий тарбия» тушунчаси кўп қиррали қамровга эгадир: миллий қадриятлар асосида олиб бориловчи мақсадга йўналтирилган тарбиявий фаолият; умуминсоний тарбиянинг ҳар бир халққа хос ва мос бетақдор шакли; халқ ва унинг маданиятини сақлаб қолиш, тиклаш ва ривожлантириш воситаси; Ўзбекистон Республикаси Қадрлар тайёрлаш миллий дастури мақсад, вазифа ва тамойилларининг таркибий қисми; турли миллатлар болаларини ҳар томонлама ривожлан-тириш жараёнининг хусусий, маънавий манбаи; ўқувчиларни ахлоқий, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, гўзаллик, иқтисодий, экология ва бошқа йўналишларда тарбиялашнинг бош тамойили; миллатларо мулоқот мадания-тини тарбиялаш ва бунинг натижасида Ўзбекистонда умумфуқаровий тотувликка эришишнинг инсонпарварлик йўли ва воситаси; ижтимоий тарбия ва мактаб тарбияси уйғунлигининг педагогик шарт; инсониятни умумбашарий уйғунликка олиб боришнинг педагогик йўли; ижтимоий маънавий жабҳада миллий ҳавфсизликни таъминлашнинг стратегик объекти ва воситаси; ўқувчиларда миллий стереотипларни мақсадли шакллантириш, маънавий бойитиш жараёни эканлиги шундан далолат беради[12].

#### ХУЛОСА

Бўлажак ўқитувчиларнинг методик тайёргарлигини ривожлантириш ва бу орқали таълим сифатига ва қадрлар тайёрлаш тизими смарадорлигига эришиш долзарб вазифа бўлиб турибди. Чунки таълим сифати тўғри ташкил этилган ва салоҳиятини кўрсатиб бера оладиган ўқувчига ва маърифатни қадрлайдиган ижтимоий муҳитга боғлиқдир. Шундай экан бундай омиллардан ўз ўрнида фойдаланиш учун ҳам тўғри ва стратегик йўналтирилган методик тайёргарлик тизими керак бўлади. Шу боис ҳам аввало ўқувчиларнинг методик тайёргарлигини ривожлантириш устуворлик касб этади.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш. М. Янги Ўзбекистон стратегияси. –Тошкент.: Ўзбекистон. –Б. 34-35.
2. Малев В.В. Общая методика преподавания информатики. Учебное пособие. - Воронеж: ВГПУ, 2005. -С. 271с. <http://hosting.vspu.ac.ru/~mvv/mpi/mpi-uch.htm>
3. Ибрагимова Ш.О. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида методик компетентликни ривожлантиришга инновацион ёндашув. “Таълим ва инновацион тадқиқотлар” журнали 2021 йил №3. –Б. 178.
4. Сластенин, В.А. Введение в педагогическую аксиологию. – Москва.: Издательский центр «Академия», 2003. – Б. 78.
5. Ураков Ш.Р. Олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашнинг компетент ёндашувга асосланган педагогик тизимини такомиллаштириш. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори автореферати. –Самарқанд.: СамДУ. 2018. –Б. 11.
6. Рахимов Б.Х. Бўлажак ўқитувчида касбий-маданий муносабатларни шакллантириш тизими. Тошкент.:Фан. 2005 –Б. 14.
7. Муслимов Н.А. Касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг назарий-методик асослари. Пед.фан док. Дисс... афтореферат. Тошкет.: 2007. –Б.132.
8. Бозорова С. Олий таълимда касбий-йўналтирилган ўқитиш технологияси. Монография. Тошкент.: -Б.70.

9. Каюмова Н. Педагогик ва ахборот технологиялари интеграциясида информатика ўқитувчиси тайёрлашнинг методик тизими ишлаб чиқиш. Замонавий таълим журнали. 2018. №4. –Б. 35-39.
10. Смирнов Б.М, Пономарев Н.Л. Закономерности образовательной инновации // Инновации и образовании. –Москва, 2003. -№ 4. –С. 4-19.
11. Юсупова Д.И. Рахмонов И.Я. Бўлажак математика ўқитувчиси методик тайёргарлигини ривожлантиришнинг илмий-назарий асослари. –Тошкент.: Tafakkurqanoti, 2018. –Б. 17.
12. Куронов М. Миллий тарбия. – Тошкент.: Маънавият, 2007. –Б. 6-7.
13. Bakhromovich SI. The impact of managerial professional development on the effectiveness of Higher Education institution management. *Academicia: an international multidisciplinary research journal*. 2020;10(12):1014-20.
14. Siddikov, I. B. (2019). Философско-педагогические аспекты развития интеллектуальной культуры студентов. *Вестник Ошского государственного университета*, (3), 38-42.
15. Bakhromovich, S. I. Development trends and transformation processes in academic mobility in higher education in Uzbekistan and the world.
16. Bakhromovich, S. I. (2021). A comparative induction of the epistemological and theological views of medieval Islamic oriental scholars. *Berlin Studies Transnational Journal of Science and Humanities*, 1(1.7 Philosophical sciences).
17. Bakhromovich, S. I. (2021). Views on the role of science in human and society life in islamic teaching. *International Journal of Philosophical Studies and Social Sciences*, 1(3), 79-86.
18. Bakhromovich, S. I. (2020). Effects of Objective and Subjective Factors to Develop Intellectual Culture of Youth. *Canadian Social Science*, 16 (2), 55-59 p.
19. Bakhromovich, S. I. (2018). Social and philisophical performance of making youth's intellectual culture. *European science review*, (7-8).
20. Bakhromovich, S. I. (2020). Analysis Of Modern Approaches To Ensuring The Effectiveness Of Management In Higher Education Institutions. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 2(12), 364-369.
21. Bakhromovich, S. I. (2021). Philosophical comparative studies of the epistemological and theological views of medieval eastern scholars. *Turkish Journal of Physiotherapy and Rehabilitation*. Turkey, 2021. №32 (3), (Scopus) – P. 30338-30355
22. Bakhromovich, S. I. (2022). Dialectical and synergetic features of the development of theological and epistemological views in medieval eastern islam. *European Journal of Humanities and Educational Advancements (EJHEA)*, - Las Palmas, Spain, Volume 3, Issue 2 February, 2022. – P. 79-83.

## INTEGRATSIYALASHGAN TA'LIMNI AMALGA OSHIRISHDA O'QITUVCHILAR MOTIVATSIYASINI SHAKILLANTIRISH

**Kattaxo'jaeva Jahonbibbi Akramjon qizi**

Termiz davlat universiteti talabasi

**Eshquvvatov Navro'z Normurot O'g'li**

Termiz davlat universiteti talabasi

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6786131>

**Annotatsiya.** O'rganuvchining o'qish jarayoniga munosabatini hal qiluvchi omillardan biri – bu uning motivatsiyasi. "Motivatsiya" tushunchasi lotincha "harakatlanish" so'zidan kelib chiqqan. Motivatsiya inson xatti-harakatlarini boshqaradigan va uning tashkil etilishini, yo'nalishini, barqarorligini va faolligini belgilaydigan dinamik psixofiziologik jarayondir. Motivatsiyani 2 ga bolishimiz mumkin: ichki va tashqi. Ichki motivatsiyasi bor inson biror ishni shunchaki osha ish unga yoqqani uchun bajaradi. Tashqi motivatsiya esa shu ishdan biror manfaat bolganda yuzaga keladi. Masalan, qaysidir masalani qiziquvchanligi sababli yechishga intilish bu ichki motivatsiya. O'sha masalani yaxshi baho olish yoki oqituvchidan dakki eshitmaslik uchun yechish – bu tashqi motivatsiya. Integratsiyalashgan ta'limni amalga oshirishda o'quvchilar motivatsiyasini shakllantirishga doir ilmiy va metodik adabiyotlar tahlili natijalari matematika fanini integrativ yondashuv metodologiyalari asosida o'qitishni amalga oshirishda matematik motivatsiyani shakllantirish bevosita o'quvchilarni hamda talaba yoshlarning qiziqishini uyg'otadigan uslublardan foydalanishni talab etadi.

**Kalit so'zlar:** motivatsiya, "Talaba faolligini rag'batlantirish", Hayoliy rag'bat, Talabaning oraliq muvaffaqiyatlariga diqqatni jamlash, "Talabalar faoliyatini o'z vaqtida baholash".

## СТИМУЛИРОВАНИЕ МОТИВАЦИИ ПЕДАГОГОВ ПРИ РЕАЛИЗАЦИИ КОМПЛЕКСНОГО ОБУЧЕНИЯ

**Аннотация.** В данной статье исследуется то что, одним из факторов, определяющих отношение учащегося к процессу обучения, является его мотивация. Понятие "мотивация" происходит от латинского слова "движение". Мотивация-это динамический психофизиологический процесс, который управляет поведением человека и определяет его организацию, направленность, устойчивость и активность социально-педагогическая необходимость развития методической подготовки будущих учителей, влияние инновационной методической деятельности на качество образования и социальная значимость совершенствования системы.

**Ключевые слова:** мотивация, "стимулирование активности учащихся", воображаемый стимул, ориентация на промежуточные успехи учащихся, "своевременная оценка успеваемости учащихся"

## STIMULATING THE MOTIVATION OF TEACHERS IN THE IMPLEMENTATION OF COMPREHENSIVE TRAINING

**Abstract.** This article examines the fact that one of the factors determining a student's attitude to the learning process is his motivation. The concept of "motivation" comes from the Latin word "movement". Motivation is a dynamic psychophysiological process that controls human behavior and determines its organization, orientation, stability and activity, the socio-pedagogical need for the development of methodological training of future teachers, the impact of innovative methodological activities on the quality of education and the social significance of improving the system.

**Keywords:** *motivation, "stimulating student activity", imaginary incentive, orientation to intermediate student success, "timely assessment of student performance"*

## KIRISH

Integratsiyalashgan ta'limni amalga oshirishda o'quvchilar motivatsiyasini shakllantirishga doir ilmiy va metodik adabiyotlar tahlili natijalari matematika fanini integrativ yondashuv metodologiyalari asosida o'qitishni amalga oshirishda matematik motivatsiyani shakllantirish bevosita o'quvchilarni hamda talaba yoshlarning qiziqishini uyg'otadigan uslublardan foydalanish lozimligini ko'rsatdi.

Matematikadan integrativ yondashuv asosida o'qitishni amalga oshirishda o'quvchilar faoliyatni mazmunli tashkil etishlari uchun 7-9 sinf algebra fanini o'qitish jarayonida milliy o'quv dasturi asosida matematika kompetentsiya shakllanganligi muhim ahamiyatga ega. Umumta'lim maktablarida matematika fanini integrativ yondashuvlar metodologiyalari asosida o'qitishni amalga oshirishda o'quvchilarni matematika faniga motivatsiyaga ega bo'lish darajasi ularning kelajakda matematikaga qiziquvchanlikni oshirish va uning natijalarini tajriba-sinov davrida amalga oshirish tadqiqotning asosiy qismi hisoblanadi.

O'qishga bo'lgan qiziqishni shakllantirish jarayonida, o'quv muvaffaqiyatsizligini boshdan kechirayotgan o'quvchilar ayniqsa qiyin. Ushbu muvaffaqiyatsizliklar qiziqish, faollik va mustaqillikni shakllantirishda psixologik to'siqdir.

Ko'pincha o'qituvchi bilim qiziqishini o'rganish vositasi sifatida foydalanadi, o'z faoliyatini talabalarning bevosita qiziqishini uyg'otadigan uslublar bilan to'ldiradi. Bunday holda, o'qituvchi obyektlar, hodisalar, jarayonlarning obyektiv jozibador xususiyatlaridan foydalanishga tayanadi (ajoyib tajriba, yorqin dalil, kutilmagan taqqoslash, paradoksial hodisalar, ta'sirli so'z).

So'nggi yillarda o'tkazilgan tadqiqotlar shuni ko'rsatmoqdaki, qiziqishni o'qitish vositasi sifatida foydalanish uning ta'lim va ta'limga ta'sirining turli kuchli tomonlari bilan amalga oshirilishi mumkin:

Ko'ngil ochish. Bu obyektiv o'ziga tortadigan xususiyatlarga ega bo'lgan vositalarni qo'llash bilan bevosita bog'liq bo'lib, ular o'quvchilar o'rtasida to'g'ridan-to'g'ri direktiv harakatlarga olib keladi. Ushbu vositaning kuchi ayniqsa qizg'in aqliy faoliyatga o'rganmagan jamoalarda namoyon bo'ladi.

O'yin. O'qishda siz uni o'rganishga qiziqish vositasi deb ham hisoblashingiz mumkin, ammo ko'ngil ochish bilan solishtirganda ularning potentsiali ahamiyatlidir, chunki talabaning o'zi mashg'ulotlar bilan shug'ullanadi, kognitiv tajribani to'playdi, o'yin muammolarini hal qiladi.

O'quv qo'llanmalar. Talabalarning qiziqishini, shuningdek, bilim qiziqishini o'quv vositasi sifatida ishlatish bilan ham bog'lash mumkin. Vizual texnikalar qiziqish motivatsiyasiga ta'sir qilishi mumkin.

Integratsiyalashgan ta'limni amalga oshirishda o'quvchilar motivatsiyasini shakllantirish borasida ilgari surilgan nazariy g'oyalarni amaliyotga tatbiq etish maqsadida tajriba-sinov ishlari maxsus metodika asosida metodistlar tomonidan amalga oshirildi. Ushbu metodika quyidagi pedagogik jihatlar bilan ahamiyatga ega:

-tadqiqot mavzusiga doir me'yoriy-huquqiy, ilmiy-pedagogik, metodologik va metodik manbalarni tahlil etish;



- umumta'lim maktablarini o'quvchilarga matematika fanini integrativ yondashuv metodologiyalari asosida shakllantirishning amaliyotdagi holatini aniqlash, tahlil etish;

- umumta'lim maktablarining V-IX sinflarida matematika (algebra va geometriya) fanini integrativ yondashuv metodologiyalari asosida o'qitishni amalga oshirishda matematik motivatsiyani shakllantirish tamoyillari, shakl, metod, vositalarini aniqlash;

- tadqiqot ishini loyihalash;

- tajriba-sinov ishlarining natijalarini tahlil etish;

- o'quvchilarga matematika fanidan integratsiyalashgan bilimni shakllantirishga doir izlanishlarning natijasini umumlashtirish, matematik-statistik tahlil etish;

- tadqiqot ishini dissertatsiya tarzida shakllantirish.

### **TADQIQOT MATERIALLARI VA MATODOLOGIYASI**

Tajriba-sinov davrida matematika fanini integrativ yondashuvlar metodologiyalari asosida o'qitishni amalga oshirishda matematik motivatsiya quyidagi omillar ta'sirida shakllanishi kuzatildi va asoslandi:

- o'quvchilarni matematika faniga nisbatan qiziqish va ehtiyojning mavjudligi;

- o'quvchilarning individual (temperament, xarakter, qobiliyat va iqtidor) va psixologik xususiyatlari (diqqatning barqarorligi, mantiqiy tafakkurning rivojlanganligi, hayol va tasavvurning kengligi);

- umumta'lim maktablarida matematika fanini mazmunli tashkil etilish o'qituvchining kompetentligiga bog'liq ekanligi;

- maktabgacha ta'lim, boshlang'ich ta'lim, tayanch o'rta ta'lim va maktab ta'lim bilan hamkorlik; "Ta'lim to'g'risidagi qonun"

- matematika-fanlarni o'zaro uzviy, pedagogik tamoyillariga asoslangan munosabatdagi milliy o'quv dasturi, darsliklar bilan ishlash metodikasiga rioya qilinishi, ya'ni yaxlit didaktik tizimning hamda fanlararo integratsiyaning amalga oshirilishi.

Sanab o'tilgan omillarning barchasi o'quvchilarni matematika faniga nafaqat kasbiy motivatsiyani, balki pedagogik jarayon bilan bog'liq ko'nikma, malakalar: o'zini namoyon etish va rivojlantirish, nazorat qilish, kelajakdagi istiqbolli rejalarning algoritmini belgilash, kasbiy qadriyatlarni aniqlash, pedagogik vaziyat yaratish, axborot muhiti yaratish, ota-onalar bilan ishlash, mamlakatning ijtimoiy hayotida ishtirok etish kabilarni shakllantirishda kuchli ta'sir ko'rsatuvchi ahamiyatga egadir.

Asosan fanga qiziqishning pasayishini oldini olish maqsadida o'quvchi va talaba yoshlarda motivatsiya shakllantiriladi. Endilikda qiziqishning pasayishi sabablarini keltirib o'tamiz:

O'rta maktab o'quvchisining maktabdagi o'qituvchiga bo'lgan munosabati, biz uni yosh o'quvchilar va o'smirlarda ko'rganimiz kabi g'ayratli emasligi shubhasizdir. Tabiiyki, bu ham o'qituvchilarga, ham ota-onalarga juda ko'p qayg'u keltiradi. Katta o'quvchi maktabda o'qish bilan bog'liq yangiliklarni kutish tuyg'usidan xijolat tortadi. Hozirda ko'plab ommaviy axborot vositalari maktab bilan raqobatlashmoqda: radio, televidenie, matbuot, internet va boshqalar, ular orasida katta yoshdagi o'quvchilar o'zlarining kognitiv qiziqishlari doirasiga mos keladigan narsani tanlaydilar.

Faqat yangisini doimiy ravishda izlash, o'quv jarayonini muntazam ravishda takomillashtirish, ilg'or tajribalar, tanlangan yo'llardagi kamchiliklarning sabablarini tahlil qilish - bu ta'lim nazariyasi va o'qituvchi faoliyatidagi yagona to'g'ri yo'ldir.

O'yin-kulgi - bu faoliyatning to'liq muvaffaqiyatini ta'minlay olmaydigan tashqi omildir. Ammo bu befarqlikni olib tashlashi mumkin va bu muvaffaqiyatsizlarning manfaatlarini shakllantirish ishidagi muhim faktdir.

O'rganishda ortda qolayotgan talaba oldiga qo'yilgan vazifalarni hal qilishga ichki intiluvchan bo'lishi uchun uni kollektiv tarbiyaviy ishning faol ishtirokchisiga qo'yish kerak. Ushbu muammoni hal qilish jarayonida sust ishlayotgan talabaning faol pozitsiyasi ta'minlanadi: vazifalarning o'zgaruvchanligi, tavsiya etilgan rejaga muvofiq ishlash, bu talabalarni osonroq, taklif etiladigan savollarga javoblarga jalb qilish, xatolarni xushmuomalalik bilan tuzatish, rag'batlantirish, qo'llab-quvvatlash, dalda berish.

Talabalarning muvaffaqiyat qozonish istagi katta tajriba va juda kuchli motivatsion moyildir. Ushbu istak, har bir talabaga, u vaqt ichida yoki yo'qligidan qat'iy nazar xarakterlidir. Muvaffaqiyatli vaziyatlar sinfda yutuqqa intilishni ta'minlash uchun kerak. Yomon ishlashga murojaat qilib, o'qituvchi talabaning ijobiy natijalariga amin bo'lgan paytlarni tanlashga harakat qilishimiz kerak.

### **TADQIQOT NATIJALARI**

O'z kuchida sust ishlayotgan talabaga ishonchni singdirish uchun o'qituvchilar qabulga murojaat qilishlari mumkin ishonch avanslari. Ushbu uslub maxsus topshiriqlar yoki faoliyat sohasidagi topshiriqlardan iborat bo'lib, ular orqada qolayotganlarning ishonchiga ko'ra, erishib bo'lmaydi (darsga jadval tayyorlang, xabar toping va hokazo). Bundan kelib chiqadiki, mavzuga bo'lgan munosabat o'zgarishi, talabaning o'zini o'zi hurmat qilishi, ishonchni oqlash istagi paydo bo'lishi mumkin.

Talabalar manfaatlariga tayanish o'quv jarayonini ularni qiziqtirgan masalalar va talabalar tajribasi bilan bog'lash imkonini beradi.

Kam ishlaydigan va o'qituvchilar o'rtasidagi munosabatlarni to'g'irlashning muhim vositasi, kognitiv qiziqishni rivojlantirish uchun rag'batdir rag'batlantirish. O'qitishdan orqada qolgan o'spirinlar ko'pincha o'qituvchilarning ko'rsatmalari va shikoyatlarini tinglash uchun foydalanadilar. Ammo yomon ishlaydigan bolalar, aksariyat hollarda, xushmuomalalik bilan gapirishadi, bu ularga bo'lgan ishonchni kuchaytiradi va harakat va hissiyotlarni kuchaytiradi. Bunday o'spirin uchun topshiriqni boshida va oxirida maqtashni eshitish juda muhim, chunki ma'qullash aqliy harakatlarni rag'batlantiradi va o'z qobiliyatiga ishonchni rivojlantiradi. O'qituvchilar yomon ishlaydigan o'quvchiga zudlik bilan sa'y-harakatlar qilinmasligini yodda tutishlari kerak, sabr-toqat, qat'iyat va xushmuomalalik kerak. Bunday o'quvchilarni o'qitishdagi eng kichik siljishlarni ham e'tiborga olish kerak.

Tadqiqot natijalari samaradorligiga qaratilgan tamoyillar aniqlandi ya'ni:

- tajriba-sinov natijalarini prognozlash;
- tadqiqotning uzluksizligi va tizimlilik;
- manbalarning ilmiyligi;
- aniqlangan shakl, metod va texnologiyalarning ta'lim maqsadiga mosligi;
- materiallarning soddaligi, ixchamligi va haqqoniyligi;
- shaffoflik va adolatlilikning ta'minlanganligi;
- to'plangan materiallarning o'quvchilarning yosh xususiyatlariga mosligi;
- o'quvchilarning iqtidori, aqliy salohiyati va imkoniyatlarini yuzaga chiqarish;
- o'quv jarayonining hayot va amaliyot bilan bog'liqligi;

- xalqaro ilg'or tajribaning ustuvorligi;
- o'quv faoliyatining mustaqil fikrlash va muloqot qilishga yo'naltirilganligi;
- matematik motivatsiyaning ustuvorligi va boshqalardan iborat.

Tadqiqotda biz tomonimizdan tavsiya etilgan metodikalar asosida o'quvchilarda matematika fanidan bilim darajalarini baholovchi indikatorlar, ya'ni pedagogik mahorat, pedagogik improvizatsiya, matematik kompetentsiya, o'quvchilarni matematik bilimlarini analiz va sintez qila olish, refleksiv faoliyat, muammoli topshiriqlarni bajara olish, zamonaviy texnologiyalardan foydalana olish kabilarning shakllanganligini o'rgandik va tahlil qildik.

Metodik ishlarni olib borishda quyidagi ta'lim tamoyillariga tayanildi: izchillik, uzluksizlik, uzviylik, tizimlilik, hamkorlik.

Tadqiqotda olib borilgan tajriba-sinov ishlarining dastlabki aniqlovchi hamda yakunlovchi bosqichlarida o'tkazilgan nazorat so'rovnomalarining qiyosiy tahlillari biz olib borgan tajriba ishlarining natijaviyligi hamda samaradorligini isbotladi. Buni matematikadan integrativ yondashuvlar metodologiyalari asosida o'qitishni amalga oshirishda matematik motivatsiyaning shakllanganligini baholovchi indikatorlarning sifat va son jihatidan dinamik o'sganligida ko'ramiz.

Tadqiqot obyektlarida tajriba-sinov ishlarini tashkil qilishda geografik sharoit va o'quv jarayonini o'ziga xos jihatlarni e'tiborga olish, parallel guruhlarda kuzatish olib borish imkoni bo'lmaganligi sababli, aniqlovchi va ta'kidlovchi bosqichdagi holat nazorat guruhi, ishlab chiqilgan tavsiyalar asosidagi amaliy-metodik faoliyat davri esa tajriba guruhi sifatida o'rganildi.

Biz olib borgan tadqiqot ishida ilgari surilgan ilmiy faraz, ya'ni "Matematikani o'qitishda integrativ yondashuv" o'quv modulini o'qitish jarayonida o'quvchilarni matematik motivatsiyasini shakllantirish mumkinligi amaliyotga joriy etilgan samarali texnologiyalar, usul hamda vositalar orqali o'z isbotini topdi.

Tajriba-sinov davrida qamrab olingan respondent-o'quvchilar bilan o'tkazilgan so'rovnomalar (ilovada berilgan) natijasi shuni ko'rsatadiki, respondentlarning ko'pchiligi tajriba boshida savollarga aniq javob bera olmadilar. Shakllantiruvchi tadqiqotlardan so'ng esa ularga berilgan savollarga aniq va to'g'ri berilgan javoblar ko'rsatkichi 12,4 foiz ga o'sganligining guvohi bo'ldik. Shunday qilib, aniqlashtiruvchi tajriba-sinov davrida o'quvchilarni matematik motivatsiyasini shakllantirish darajasining amaliyotdagi ahvolini o'rganish va natijani tahlil etish qator xulosalarni chiqarishga imkon berdi.

Tajriba-sinov jarayonining shakllantiruvchi bosqichida belgilangan vazifalarni bajarish, natijalarni tahlil qilishda "Matematikani o'qitishda integrativ yondashuv" metodik-qo'llanmasi takomillashtirildi va mazmunan boyitildi, integrativ yondashuvlarni qo'llagan holda o'quv jarayonlar tashkil etildi, tadqiqot mavzusi doirasida matematik ta'lim mavzulari bazasi kengaytirildi. Umumta'lim maktablari o'quvchilarini integrativ yondashuv asosida matematik motivatsiyasini shakllantirish samaradorligini aniqlanib, quyida keltirilgan chora tadbirlarni qo'llash maqsadga muvofiqdir.

### **MUXOKAMA**

O'quv motivatsiyasini shakllantirish zamonaviy maktabning juda katta muammosidir. Motivatsiya turli xil motivatsiyani o'z ichiga oladi. Bunday holda, yoshga bog'liq xususiyatlarni nafaqat hisobga olish kerak, balki yosh xususiyatlaridan, boshqadan boshlash mumkin.

Texnologiya darslarida foydalanadigan rag'batlar:

- baholash;

- kundalik yozishda rahmat yozish;
- og'zaki rag'batlantirish;
- guruhda ishlash, maslahatchilarni (o'qituvchi yordamchilarini) tayinlash;
- eng yaxshi ishlarning ko'rgazmas;
- hazil daqiqasi;
- jismoniy tarbiya mashg'uloti;
- darsga psixologik munosabat;
- bilimlarni hayotda amalda qo'llash;
- ko'p bosqichli vazifalar;
- berilgan uy vazifasi;
- natijalarni o'tmish bilan taqqoslash;
- muammoli - qidiruv holati, raqobat elementlari va har doim ijobiy pozitsiyadagi ishchilar.
- kognitiv faoliyatni rag'batlantirish;

Rag'batlantirish:

- baho;
  - kundalikda minnatdorchilik yozuvi;
- Og'zaki rag'batlantirish.
- guruhda ishlash;
  - maslahatchilarni tayinlash;
  - eng yaxshi asarlar ko'rgazmasi.

5-sinf - maqtash, baholash, o'yinlarning o'quv faoliyatiga kiritish, kulgili lahzalar, o'zaro tekshirish. 6-sinf - kognitiv o'yinlar, amaliy topshiriqlar, juft va guruhlarda ishlash, ijodiy daqiqalar. 7-sinf - bilim o'yinlari, kulgili lahzalar, baholash, maqtash, uy vazifasini bajarish, natijalaringizni o'tmishdagi, o'qituvchining ijobiy his-tuyg'ulari bilan taqqoslash.

Hayoliy rag'batlar: "5" qo'yish va'dasi, qo'ng'iroq oldidan qo'yib yuborish, jazo va'dasi (otanolarni chaqirish bilan tahdid, qoniqarsiz baho qo'yish), o'qituvchining charchoq, sog'lig'i haqida ma'lumotlari.

"Talaba faolligini rag'batlantirish."

- baho;
- o'qituvchining yorqin, hayoliy hissiy nutqi;
- og'zaki maqtov (yaxshi, aqlli va boshqalar);
- istiqbollar (kelajakda bilimlarni amaliy qo'llash);
- kollektiv faoliyatni tashkil etish;
- ko'p bosqichli vazifalar;
- vazifani murakkablashtirish (ijodiy darajaga kirish);
- talaba muvaffaqiyatini oldingi natijalar bilan taqqoslash;
- o'qituvchilar tomonidan talabalarni o'qitish natijalarini tahlil qilish.

Ijobiy misol.

"Bolalar eng samarali va kam stress bilan ishlashlari uchun sharoitlarni yaratish."

- qiziqarli holat;
- dozlangan uy vazifasi;
- kognitiv o'yin;
- raqobat elementlaridan foydalanish;

Talabani oraliq muvaffaqiyatlariga diqqatni jamlash.

Ijodiy daqiqa.

-ota-onalar yig'ilishida talabalarning yutuqlarini baholash;

-talaba natijalarini baland namoyish qilish (sinfga eng yaxshi insholarni o'qish);

-muammoni izlash holati;

-hayotiy vaziyatli tahliliga ishonish.

"Talabalar faoliyatini o'z vaqtida baholash."

-boshqariladigan ishonch;

-amaliy tabiatning vazifalari;

-kulgili lahza;

-kundalikda minnatdorchilik yozuvi;

-o'zaro nazorat;

-o'quv munozarasi;

-dars natijalari (chorak, yil) bo'yicha eng yaxshi talabalar ishi ko'rgazmasi;

-o'quv faoliyati natijalari bo'yicha reyting;

-professional yo'nalish vazifalari va muammolarini hal qilish;

-o'quvchining ishlashi bo'yicha sherikning sharhi.

Ayrim oqituvchilarning xatosi shuki, ular talim jarayonida asosan tashqi motivatsiyaga suyanib qolishadi. Turli sovg'alar, stikerlar, maqtovlar korinishidagi mukofotlash va jarima, qattiq tanbeh va hatto jismoniy choralar korinishidagi jazolar asosiga o'qish jarayoni tashkil etiladi. Ko'p sonli tadqiqotlar natijasiga kora, tashqi motivatsiya shundoq ham ichki motivatsiyasi bor insonning ana shu ichki motivatsiyasini yoqotishiga olib kelishi mumkin. Biroq tashqi motivatsiya orqali insonning ichki motivatsiyasini shakllantirish mumkin. Shu sababli bundan foydalanish kerak ammo me'yorida foydalanish maqsadga muvofiqdir.

### XULOSA

Bugungi kunda axborot kommunikatsiya texnologiyalari talabalarning bilim qiziqishi va faolligini rivojlantirishning samarali vositalaridan biridir. Kompyuter vositalaridan foydalangan holda o'quv materiallarini taqdim etish, Internetdan ma'lumot manbai sifatida foydalanish va boshqalar o'quv jarayonini jonlantiradi, uni talaba uchun yorqin, esda qolarli va qiziqarli qiladi. Shu munosabat bilan Internetning imkoniyatlariga alohida e'tibor berishni istardim. Ko'pgina hollarda global tarmoq boshqa ma'lumot olish imkoniyatlaridan to'liq foydalanmay qo'shimcha ma'lumot manbai sifatida foydalaniladi. Shu bilan birga, Internet bugungi kunda haqiqiy aloqa vositasi bo'lib, o'quv jarayoni subyektlarining (o'quv forumlari, yangiliklar guruhlari, suhbatlar va hk) o'zaro aloqalarini tashkil qilish uchun nafaqat keng qamrovli imkoniyatlarni taqdim etadi, balki nafaqat tarkibni, balki aloqa jarayonining o'ziga ham jalb qiladi. Shu munosabat bilan, Internet orqali o'zaro hamkorlik qilish imkoniyatlarini talabalarning bilimiga bo'lgan qiziqishini rivojlantirish vositasi sifatida maxsus tashkil etilgan o'rganish doirasida ko'rib chiqish maqsadga muvofiqdir.

### *Foydalanilgan adabiyotlar*

1. Мирзиёев Ш. М. Янги Ўзбекистон стратегияси. –Тошкент.: Ўзбекистон. –Б. 34-35.
2. <https://motiv.uz/motivatsiya/inson-faoliyatining-motivatsiyasi/>
3. <https://muegn.ru/uz/prezentacii/formirovanie-pedagogom-motivacii-k-uchebe-u-studentov-sposoby.html>

4. Малев В.В. Общая методика преподавания информатики. Учебное пособие. - Воронеж: ВГПУ, 2005. -С. 271с. <http://hosting.vspu.ac.ru/~mvv/mpr/mpr-uch.htm>
5. Ибрагимова Ш.О. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида методик компетентликни ривожлантиришга инновацион ёндашув. “Таълим ва инновацион тадқиқотлар” журналі 2021 йил №3. –Б. 178.
6. Сластенин, В.А. Введение в педагогическую аксиологию. – Москва.: Издательский центр «Академия», 2003. – Б. 78.
7. Ураков Ш.Р. Олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашнинг компетент ёндашувга асосланган педагогик тизимини такомиллаштириш. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори автореферати. –Самарқанд.: СамДУ. 2018. –Б. 11.
8. Рахимов Б.Х. Бўлажак ўқитувчида касбий-маданий муносабатларни шакллантириш тизими. Тошкент.:Фан. 2005 –Б. 14.
9. Муслимов Н.А. Касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг назарий-методик асослари. Пед.фан док. Дисс... афтореферат. Тошкет.: 2007. – Б.132.
10. Бозорова С. Олий таълимда касбий-йўналтирилган ўқитиш технологияси. Монография. Тошкент.: -Б.70.
11. Каюмова Н. Педагогик ва ахборот технологиялари интеграциясида информатика ўқитувчисини тайёрлашнинг методик тизимини ишлаб чиқиш. Замонавий таълим журналі. 2018. №4. –Б. 35-39.
12. Смирнов Б.М, Пономарев Н.Л. Закономерности образовательной инновации // Инновации и образовании. –Москва, 2003. -№ 4. –С. 4-19.
13. Юсупова Д.И. Рахмонов И.Я. Бўлажак математика ўқитувчиси методик тайёргарлигини ривожлантиришнинг илмий-назарий асослари. –Тошкент.: Tafakkurqanoti, 2018. –Б. 17.
14. Куронов М. Миллий тарбия. – Тошкент.: Маънавият, 2007. –Б. 6-7.
15. Bakhromovich SI. The impact of managerial professional development on the effectiveness of Higher Education institution management. *Academicia: an international multidisciplinary research journal*. 2020;10(12):1014-20.
16. Siddikov, I. B. (2019). Философско-педагогические аспекты развития интеллектуальной культуры студентов. *Вестник Ошского государственного университета*, (3), 38-42.
17. Bakhromovich, S. I. Development trends and transformation processes in academic mobility in higher education in Uzbekistan and the world.



## ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕК НАСРИДА РАНГНИНГ ЛЕЙТМОТИВЛИК ФУНКЦИЯСИ (БИБИ РОБИАНИНГ “КУЗ ЁМҒИРИ” ҲИКОЯСИ МИСОЛИДА)

Абилжон Абдурахмонов

ФарДУ докторанти, PhD

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6786647>

**Аннотация.** Мазкур мақолада замонавий ўзбек насрида рангнинг лейтмотивлик функцияси тадқиқ этилади. Унинг фаол ва пассивлик кўриниши аниқланиб, пассив кўриниши Биби Робиа Саидованинг “Куз ёмғири” ҳикояси мисолида таҳлилга тортилиб, унинг ёзувчи бадиий гоёсини ёритиб беришидаги аҳамияти кўрсатиб берилди.

**Калим сўзлар:** контекст, ранг, лейтмотив, ҳодиса, ифода, фаол, пассив, қаҳрамон, ёзувчи, бадиий гоё, гоёвий-эстетик хусусият.

## ЛЕЙТМОТИВНАЯ ФУНКЦИЯ ЦВЕТА В СОВРЕМЕННОЙ УЗБЕКСКОЙ ПРОЗЕ (НА ПРИМЕРЕ РАССКАЗА «ОСЕННИЙ ДОЖДЬ» БИБИ РОБИА)

**Аннотация.** В данной статье исследуется лейтмотивная функция цвета в современной узбекской прозе. Определено его активное и пассивное обличие, а также проанализировано его пассивное обличие на примере рассказа Биби Робиа Саидова «Осенний дождь», показано его значение в освещении художественной мысли писателя.

**Ключевые слова:** контекст, цвет, лейтмотив, событие, экспрессия, актив, пассив, герой, писатель, художественная идея, идейно-эстетическая черта.

## THE LEITMOTIV FUNCTION OF COLOR IN MODERN UZBEK PROSE (IN THE EXAMPLE OF BIBI ROBIA'S STORY "AUTUMN RAIN")

**Abstract.** This article explores the leitmotiv function of color in modern Uzbek prose. Its active and passive appearance is determined, and its passive appearance is analyzed on the example of Bibi Robia Saidova's story "Autumn Rain", and its importance in illuminating the writer's artistic idea is shown.

**Key words:** context, color, leitmotif, event, expression, active, passive, hero, writer, artistic idea, ideological-aesthetic feature.

## КИРИШ

Рангларнинг контекстадаги динамик намоён бўлиш шаклида насрий асар таркибидаги ранг асосан лейтмотивлар мақомига яқин туради. Биз буни “рангнинг лейтмотивлик функцияси” деб номлаб, насрий асардаги алоҳида ҳодиса сифатида ўрганишга жазм этдик.

Ушбу атамага берилган тарифга мурожаат этсак.

Лейтмотив (нем . *Лейтмотив* - “асосий, етакчи мотив”)[1] мусикадан олинган *лейтмотив* атамаси адабий танқидда ҳам қўлланилади ва адабий ва бадиий асарнинг ҳукмрон кайфиятини, асосий мавзусини, асосий гоёвий ва ҳиссий оҳангини, ёзувчи ижодини, адабий йўналишни англатиши мумкин; асарда қаҳрамон, тажриба ёки вазиятнинг доимий характеристикаси сифатида доимий равишда такрорланадиган ўзига хос тасвир ёки бадиий нутқнинг бурилиши, ёзувчининг ниятини очиқ бериш учун калит бўлиб хизмат қиладиган қайта-қайта эслатиб ўтилган индивидуал тафсилот ёки сўз. Такрорлаш ёки ўзгарувчанлик жараёнида лейтмотив алоҳида гоёвий, рамзий ва психологик чуқурликка эга бўлиб, маълум бирлашмаларни уйғотади. Шеърятда образлилик билан бир қаторда товуш, ритмик ва интонацион лейтмотивлар ҳам ажралиб

туради. Бу ерда у умуман ёзувчи асарининг ёки асарининг устун мавзусини, шунингдек, маълум бир жанр ва услуб учун доимий, "каноник" тематик элементлар ёки экспрессив воситалар гуруҳлари йиғиндисини билдиради. Шунингдек, лейтмотив деганда баъзан маълум бир бадиий яхлит – адабий асар давомида доимий такрорланиб турувчи тематик ва ифодали воситалар мажмуаси тушунилади; бу қўлланишда лейтмотив тушунчаси ўзининг асл мусиқий маъносига яқинлашади. [2]

Тарифда келтирилган *“ифодали воситалар мажмуаси”* рангга тааллуқли деб ҳисоблаб, рангнинг насрий асардаги функциясининг алоҳида ҳодисаси деб ўрганишимизга асос бўлади деб ўйлаймиз.

Шундай қилиб насрий асарда лейтмотивлик ҳодисаси бор дедик.

Ушбу ҳодисани ҳам ижикилаб таҳлилга тортишда шартли равишда икки кўриниши бор экан деган қарорга келдик:

- 1) фаол ранг-лейтмотив
- 2) пасив ранг лейтмотив.

### ТАДҚИҚОТ МЕТОДИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Ўз-ўзидан тушунарли бўлиб турибдики, насрий матнда рангнинг интенсив иштирокидан унинг активлиги юзага келади, кам иштироки эса пасивлиги. (пасив ранг – лейтмотив дейишимизнинг шартлилиги ҳам шунда!)

Фаол ранг-лейтмотив ҳодисасида, яъни ранг фаол иштирокида айнан бир у тааллуқли бўлган предмет билан биргаликда ёки бошқа предметлар сифати тарзида келади.

Лейтмотивнинг пасив кўринишига тўхталсак. Бугунги ёш қаламкашларнинг ижодида ҳам рангни психоаналитик аҳамиятга монанд ҳолда етакчи рамзий мавқега ва рамзининг асар ядросига айлантириб ифода эта олиш тажрибаларидан яққол кўзга ташлангани сифатида Биби Робиа Саидованинг *“Куз ёмғири”* ҳикоясини келтириш ўринли.

*“Шаҳар гала-говуридан ўзини четга олган бу дўконча кўҳнагина мактаб биқи ниди, кўп қаватли эгиз бинолар ўровида жойлашган эди. Тўрт фаслга мосланган пойафзаллар билан тўлдирилган. Дўконнинг доимий ёрдамчилари – сониялар, соатлар, кунлар – бозорга боришга эринадиган, зарурат туғилгандагина оёқ кийим эсига тушиб қоладиган харидорларни тинимсиз етаклаб келарди. “Саҳар турсанг, ишларинг юришади, ризқинг кўпаяди”. Бу гапни онасидан кўп эшитганди. Шунинг учун бугун дўконни одатдагидан эрта очди. Сўнгра қора булутлар кузатуви остида дўкони олдиға сув сепиб сунурди. Вақт харидор чорлаш билан овора экан, у ичкариға кириб китобини қўлиға олди. Аммо хонаға бостириб кирган ернинг нам ҳиди руҳини аллақайларға чорлагандек бўлди. Қишлоғидаги таниш манзаралар кўз олдидан ўта бошлади. Сотувчи тўйиб-тўйиб, чуқур-чуқур нафас олди-да, кўчада мудраётган ҳаётнинг уйғонишини кутиб кўзини китобға тикди.” [3.-7]*

Кўринадики, асардаги сюжет динамикаси бевосита пейзаж ва ундаги деталлар билан омукталашиб, бадиий ғоянинг синтез шаклини юзага чиқармоқда. Пейзажнинг марказида ранг алоҳида рамзийлик касб этади. Булут, биламизки, ёмғир олиб келиши аниқ. Булутнинг ҳам табиатда асосан икки кўриниши мавжуд: оқ ва қора булутлар. Оқ булутлар ер сатҳидан юқорида жойлашганилиги ва анча енгиллиги билан характерланса, қора булут эса ер сатҳига яқинлиги ва ёмғир ёғдириши билан ажралиб туради. Ушбу матнда келтирилган булутнинг ёмғир булутли эканлиги китобхонга алоҳида қора сифатловчиси қўшмасдан баён

килиб кетилса ҳам тушунарли. Аммо муаллиф томонидан булутнинг ранги алоҳида таъкидлаб берилади.

### ТАДҚИҚОТ НАТИЖАСИ

“Қора булутлар кузатувида...” асардаги булутлар ҳам жонлантирилиб, улар тимсоллантирилиб, чуқур рамзийлик юкланганлиги бўрттирилиб берилмоқда. Қора рангда бўлган булут жонлантирилиши билан асардаги бадиий ғоя рангтасвирдаги рангнинг хусусиятлари билан синтезланган шаклга келтирилади. Яъни қора рангнинг рамзий тушунча ифодаси асарнинг марказига чиқади ва бошқа онг оқимидаги тушунча ва ҳодисаларни ўзининг атрофида, орбитасида айланишига мажбур эта оладиган мантикий кучга эга бўлади. Биламизки, қора рангнинг умумбашарий тушунчасига кўра салбий тушунчаларни англатади. [4.-64]

Аён бўладики, ҳозирги ўзбек шеърлятида қора ранг асосан рамзий ифодасига кўра салбий хусусиятларни ўзида касб этгани ҳолда ижтимоий муҳитдаги қаҳрамоннинг чуқур рухий драматик ҳолати манзарасини ифодалашда қўлланган. Шунинг воситасида ёмғирнинг одатий, табиий ҳодиса сифатида эмас, балки бирор кўнгилсизликнинг даракчи сифатидаги талқинига урғу берилаётганилиги англашилади. Қора рангнинг умидсизлик, фалокат, ғам, фожеа каби рамзлари биринчи планга олиб чиқилади. Энди китобхонга содир бўладиган воқеалар силсиласидаги кўнгилсизликдан дарак берилади. Сотувчининг дўкони атрофида кўнгилсиз воқеа ёки шу билан боғлиқ бирор ҳодисанинг содир бўлиши аниқлашиб қолади. Китобхон шу нарсани воқеалар ривожидан саҳифани тезлик билан кўздан кечирганича кута бошлайди. Тез орада асардаги асосий тугун содир бўлади. Ранг асардаги асосий фигура деталь – туфли билан тўқнаш келади. Туфлининг тарифида ҳеч қандай салбийлик ифодасини топмаган бўлса-да, аммо келгусида содир бўлиши мумкин бўлган ноҳушликдан китобхон учун бадиий вазият тайёрлаб туради.

Ҳикояни кузатар эканмиз, асарда қора рангининг яна бир ўринда ишлатилиши асарнинг ғоявий-эстетик хусусиятига кескин таъсир кўрсатганлигига гувоҳ бўламиз. Матнда ўзига хос лейтмотивга айланган қора ранг ўзи бирикиб келаётган деталларнинг битта – ўзининг рамзий тушунчаси доирасидаги бадиий ғоянинг атрофига бирлаштиришга муваффақ бўлганлиги сезилади.

*“Шамол оёғи куйган товукдек у ёқдан бу ёққа югурарди. Кун пешинга яқинлашган. Саҳар турмоқ ҳикматини пешма-пеш сотилаётган товарларни тасдиқлаб турарди. Сотувчи дўкондаги икки харидор билан андармон бўлиб турганида баҳайбат қора машина савлатига яраша овоз била “ғийқ” этиб дўкон олдидан тўхтади. Машинанинг орқа эшигидан ўзгача русусмдаги мактаб формаси кийган ўн тўрт-ўн беш ёшлардаги қизалоқ ва олд эшикдан бошидаги кепкасини тўғирлаганча башанг кийинган бир киши тушди. Аёл уларни дўкон ичига кириб келгунларига қадар кузатиб турди ва шунча дабдабага ярашмаган ҳиссиз юзларига қараб, уларнинг сурагини чизган “рассосм”га истара, қувонч ранглари етишмай қолганига таажжубланди. Гўёки бундай одамларнинг юзига сув сеппи ўзига келтириш керакдек туюларди. Дўконга кириб оқа ҳали танланмаган туфли учун орқа чўнтагидан бир боғлам пулни қўлига олди. Қизга кутилганидай юқориги қаторда, алоҳида мавқеа эгаллаган пойафзалларга кўз югуртирди-ю, ҳам нарҳи, ҳам пошнаси бошқаларига қараганда анчагина баланд бўлган туфлини бармоқ учи билан кўрсатиб:*

*– Ана шунинг ўттиз еттисини беринг, – деди.*

*Сотувчи талабни бажаришдан олдин беихтиёр қизнинг оёқларига назар ташлади. Оёғидаги бежиримгина феруза тошли туфлиси билан қўлидаги сумкасининг ранги бир хил эди. Қиз танлаганини кийиб кўрар экан. Юзидан қисқа муддат ичида табассум югуриб ўтди:*

*–Буни кеча олиб берган маржонингиз билан ҳам кийсам бўларкан. О, мана бунисини ҳам оламан. Уйимизнинг ёнидаги дўконда шунга мос шарф ҳам кўргандим.*

*Ота пойафзалларнинг нарҳини сўраб, сотувчига пул тутқазди...” [3.-9]*

### **МУҲОКАМА**

Кўринадики, асардаги ғоялар динамикаси қора рангнинг лейтмотиви атрофида айлана бошлайди. Мантикий нукта вазифасини ўтайди. Шунинг учун яна пейзаждаги ранг билан макон воқелигидаги ранг уйғунлашувчи ва шу йўл билан мантикий рангнинг аҳамияти кучайтирилади:

*“Қора булут, ниҳоят, дард ёрди: шаррос ёмғир қўйиб юборди. Сотувчига таниш бўлган мактаб қўнғироғи жаранглади. Бугун даромад нисбатан мўл бўлганини ўйлаб ўтирар экан, эшикдан боласини етаклаганча ўша таниш аёл кириб келди ва пешонасидагини сизаётган ёмғир томчиларини артаркан, остонадан бир қадам ўтиб тўхтади. Сотувчи она болани ларҳол таниди ва очиқ чеҳра билан уларни ичкарига таклиф қилди. Аёл юзида қотиб қолган ним табассум билан ўғлини етаклаганча қил кўприкдан ўтаётгандек эҳтиёткорлик билан юриб бурчакка борди ва ўша илгари кўриб кетган туфлисига бир муддат тикилиб олди. Ўғли эса, кўчада ёмғирда қолгани ёқмаганми, жимгина турар, ҳеч нарсаса қизиқмасди. Она кўзини ердан узмаган қўйи туфлининг нарҳини яна сўради. Бола сотувчи оғзидан яна ўша нарх янграгунча қадар бўлган муддат онасининг юрак товушини эшитди. Сотувчи ўша рақамларни қайтараркан, нима учундир ҳижолат тортди. Шунда фарзанд нигоҳларини онасининг оёқларига қадади. Бола онасининг шунча йиллардан бери кийилилавериш орқаси эзилиб кетган, олд ва ёнларидаги баъзи жойларининг чоклари сўкилган оёқ кийимини кўриб, гоҳ онаси юзига, гоҳ ерга тикиларди, тикилгани сайин кўзларидаги мунг қуюқлашарди. Ва шу лаҳзаларда боланинг болалиги ёмғирга ҳам қарамасдан ҳеч қачон қайтмайдиган бўлиб дўкондан чиқиб кетди.” [3.-10]*

### **ХУЛОСА**

Рангнинг яъни қора рангнинг асардаги рамзий ифодаси мантикий нукталарни йўналтириб беради. Кўринадики, ҳикоядаги бадиий мантиқ ранг рамзидан келиб чиқади.

Демак, келтириб ўтилган мисолда ранг пассив – санокли иштирок этади. Аммо ҳар бир сахна бевосита унинг иштироки билан бошланадики, оқибатда рангнинг рамзий хусусияти бутун асарнинг мантикий майдони орбитаси марказига айланиши билан характерланади. Ушбу ҳикоядаги Қора рангнинг салбий рамзи асар пессимизминини оширишга хизмат қилдирилганлиги пассив лейтмотив натижасида, деб қабул қилиш нотўғри бўлмас.

Демак, ушбу ҳикоя мисолида лейтмотив рангнинг насрий асардаги пассив иштироки куйидагиларни юзага келтирганлиги аниқланади:

- 1) Иштироки пассив бўлса-да тасаввурга самарали таъсир кўрсатади;
- 2) Асардаги қаҳрамон психологиясини намоён қилади;
- 3) Асар руҳиятини белгилайди;
- 4) Асар йўналишини белгилайди;

- 5) Миллий менталлитетни ошкор қилади;  
6) Анъанавий-рамзий тушунчалардан ташқари ёзувчининг индивидуал рамзий тушунчаларини юзага чиқишига хизмат қилади.

*Адабиётлар:*

1. Википедия. <https://ru.wikipedia.org>
2. Лейтмотив // Словарь литературоведческих терминов / Ред.-сост.: [Л. И. Тимофеев](#) и [С.В.Тураев](#). - М.: «Просвещение», 1974. - С. 172.
3. Биби Робиа Саидова. Куз ёмғири. Ҳикоя./ Биби Робиа Саидова. Какку овози.Ҳикоялар. -Т.: Ғ.Ғулом, 2019.
4. Абдурахмонов А. Усмон Азим шеъриятида ранглар поэтикаси. /Ўзбек тили ва адабиёти. Журнал. 2013, 3-сон.

## BO'LAJAK FIZIKA FANI O'QITUVCHISINING MANTIQUIY FIKRLASH KOMPETENSIYASINI RIVOJLANTIRISHNING TAKOMILLASHGAN MODEL

Sh.O.Toshpulatova

Navoiy davlat pedagogika instituti dotsenti, PhD

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6787723>

**Annotatsiya.** Maqolada ta'lim mazmunini umumevropa xalqaro standartlari asosida tashkil etish, mutaxassislarining umummadaniy, maxsus, kasbiy va shaxsiy kompetentligini milliy dastur asosida rivojlantirish masalasi bo'lajak fizika fani o'qituvchisining mantiqiy fikrlash kompetensiyasini rivojlantirishni takomillashtirish pedagogik muammo sifatida qaralgan hamda takomillashgan modeli ishlab chiqilgan.

**Kalit so'zlar:** mantiqiy fikrlash, kompetentlik, kompetensiya, malaka talablari, milliy dastur.

## УСОВЕРШЕНСТВОВАННАЯ МОДЕЛЬ РАЗВИТИЯ КОМПЕТЕНЦИИ ЛОГИЧЕСКОГО МЫШЛЕНИЯ БУДУЩЕГО УЧИТЕЛЯ ФИЗИКИ

**Аннотация.** В статье рассматриваются в соответствии с международными стандартами, развитие общей, специальной, профессиональной и личной компетентности специалистов на основе национальной программы, развития логического мышления будущего учителя физики, считается педагогической проблемой и разработана усовершенствованный модель.

**Ключевые слова:** логическое мышление, компетентность, компетенция, квалификация, национальная программа

## AN IMPROVED MODEL OF DEVELOPING THE LOGICAL THINKING COMPETENCE OF A FUTURE PHYSICS TEACHER

**Abstract.** The article considers, in accordance with international standards, the development of general, special, professional and personal competence of specialists on the basis of the national program, the development of logical thinking of the future physics teacher, is considered a pedagogical problem and an improved model has been developed.

**Keywords:** logical thinking, competence, competence, qualification, national program

## KIRISH

Bugungi kunda ta'lim mazmunini umumevropa xalqaro standartlari asosida tashkil etish, mutaxassislarining umummadaniy, maxsus, kasbiy va shaxsiy kompetentligini rivojlantirishga qaratilgan masalalar alohida dolzarblik va ahamiyat kasb etmoqda. Ta'lim muassasalari o'quv faoliyatining sifati o'quv jarayonini rejalashtirish, uni amalga oshirish, o'quv reja, dasturlarining mazmun mohiyati bilan emas, balki talabalarining olgan bilim, ko'nikma va malakasining DTS talablari va Milliy dasturda nazarda tutilgan ta'lim natijasi sifati bilan belgilanmoqda. Shunday ekan, pedagogika oliy o'quv yurtlarida bo'lajak fizika o'qituvchisining mantiqiy fikrlash kompetensiyasini rivojlantirish metodikasini takomillashtirish orqali ularning intellektual darajasini oshirish ta'lim-tarbiya tizimiga singib ketishidagi muhim bosqich bo'lib hisoblanadi.

Oliy ta'lim jamiyat ehtiyojlarini qondirish maqsadida faoliyat olib boruvchi ijtimoiy institut sifatida shu jamiyatda yuz berayotgan o'zgarishlar va jarayonlarga o'z vaqtida munosabat bildiradi, chunki, Prezidentimiz ta'kidlaganidek, ijtimoiy, iqtisodiy, madaniy va boshqa sohalarining rivojlanish darajasini, uning istiqbollarini ta'minlashda yuqori malakali mutaxassislar,



ilm-fan vakillari yetakchi omillardan biri hisoblanadi. Prezidentimiz Shavkat Mirziyoev 2019 yil 24 mayda O'zbekiston Respublikasi Milliy universitetida oliy ta'lim va ilmiy-tadqiqot muassasalari rahbarlari, akademiklar, olimlar, yosh tadqiqotchilar bilan bo'lib o'tgan uchrashuvda ilm-fanning mamlakat rivojidadagi ahamiyatini "Ilmni, tarbiyani to'g'ri hal qilsak, hamma sohalarni malakali mutaxassislar o'zlari rivojlantiradi" so'zlari bilan alohida ta'kidlagan edi. Buning natijasi o'laroq, oxirgi yillarda Prezidentimiz Shavkat Mirziyoevning uzoqni ko'ra bilishi va bevosita tashabbuskorligi hamda faolligi tufayli O'zbekistonimiz xalqaro hamkorlikning zamonaviy va raqobatbardosh ishtirokchisiga aylandi. Tabiiyki, milliy oliy ta'lim tizimlari zamonaviy fan va texnika tomonidan ishlab chiqilayotgan va tobora takomillashib borayotgan "dunyo standartlari" atalmish talablarga muvofiqlashishga intiladi. Oliy ta'lim muassasalari o'z faoliyatini hozirgi jamiyatda muvaffaqiyatli amalga oshirishlari uchun ta'lim xizmatlari bozorida va mehnat bozoridagi sodir bo'layotgan o'zgarishlarga o'z vaqtida munosabat bildirishga layoqatli bo'lishlari, tez o'zgarib borayotgan sharoitlarga moslasha olishlari, shuningdek, ta'limda yanada yangi, samarali o'qitish texnologiyalarni o'zlashtirishlari lozim. Bundan tashqari 2020 yil 29 dekabrda Oliy Majlisga va mamlakatimiz xalqiga yo'llagan Murojaatnomasida "Fizika va astronomiya fanlarini o'qitishni yanada isloh qilish va uni ustivor yo'nalish sifatida qarash masalasining maqsad va vazifalaridan kelib chiqib, pedagogika oliy o'quv yurtlarida bo'lajak fizika fani o'qituvchisining mantiqiy fikrlash kompetensiyasini rivojlantirish metodikasini takomillashtirish dolzarb masalalardan biri hisoblanadi.

#### **TADQIQOT METODI VA METODOLOGIYASI**

Zamonaviy psixologo-pedagogik fanlar erishgan yutuqlarga binoan mukammal o'quv jarayoni uchta bir-biri bilan bog'liq qism (komponent)dan iborat:

1. Motiv (M).
2. Talabani o'zlashtirish faoliyati (O'F).
3. Talabani bilish faoliyatini boshqarish (B). Boshqarish vazifasini o'qituvchi yoki texnik vositalar bajaradi. Demak, o'quv jarayonini (O'J) quyidagi formula tarzida ifodalash mumkin:

$$O'J = M + O'F + B$$

1. O'qish motivlari. Agar ta'lim jarayonida o'quv ishi (vazifasi) talaba uchun biror shaxsiy qimmatga ega bo'lsagina, kishida unga qiziqish uyg'onishi mumkin. «Motiv» tushunchasi ehtiyoj, intilish, xohish, mayl, qiziqish kabi ma'nolarni anglatadi. Muallimlar bolada o'qishga motiv hosil qilishga intilishlari, o'quv jarayonida uni hisobga olib, mantiqiy fikrlashni shakllantirishi va rivojlantirishi mumkin.

2. Talabani o'quv-bilish faoliyati. Bilim olish uchun motiv hosil qilish bilan birga talaba o'quv materialini o'zlashtirishga imkon yaratadigan o'quv-biluv harakatlarini ham bajarishi zarur, ya'ni talabani o'zi faoliyat ko'rsatib fikrlamog'i kerak.

3. O'quv - bilish faoliyatini boshqarish. Ta'lim jarayonini boshqarish usuli ham to'g'ri tanlangan taqdirdagina o'quv jarayoni tugallangan hisoblanadi. Demak o'quv jarayonida boshqarish vazifasini o'qituvchi yoki texnik vositalar bajaradi.

Pedagogik texnologiya usulining o'ziga xos xususiyati shundaki, unda ta'limning rejalashtirilgan maqsadiga erishishni kafolatlaydigan o'quv-bilish jarayoni loyihalashtiriladi. Maqsadni ko'zlash, o'quv materialini ayrim bo'laklarga ajratish, joriy natijalarni tekshirib borish

– o‘quv jarayonini tashkil etishning bu belgilari – qayta ishlab chiqiladigan (takrorlanadigan) ta’lim sikliga xos xususiyatlardir.


### **TADQIQOT NATIJASI**

Ilmiy-pedagogik izlanishimiz natijalarini o‘tkazish jarayonida oliy ta’lim muassalarining pedagogika ta’lim yo‘nalishi talabalarida o‘z mutaxassisligidan kelib chiqib, olgan bilim, egallagan ko‘nikmalari va malakasini rivojlantirishga alohida e’tibor qaratishni talab qiladigan quyidagi integrativ modelda o‘quv reja asosida mutaxassislikka oid(1-rasm): umumkasbiy, tabiiy, ilmiy, gumanitar va ixtisoslik fanlarini tanlashda va o‘qitish jarayonini tashkil etishda DTS va malaka talablaridan kelib chiqib, 1-kurs talabalarida fanga oid bilimlarni egallash ko‘nikmasini hosil qilish orqali ularda mustaqil fikrlashni rivojlantirish, kichik tadqiqotchilik malakasini shakllantirish uchun o‘quv seminarlarda, konferensiyalarda o‘z tezisi bilan ishtirok etish kompetensiyasi shakllandi. 2-kurs talabalarida eksperimental ko‘nikmani shakllantirish orqali ularda STEAM fizika ratsionalizatorlik, kashfiyotchilik, kerativlik kabi qobiliyatlarni rivojlantirish orqali hayotiy ehtiyojga aylantirish, ularni turli tipdagi(ijodiy, sifat, eksperimental, grafik) masalalarni yechish orqali mantiqiy fikrlash kompetensiyasini rivojlantirish orqali masala yechishning analitik va sentetik yechimlarini tahlil qilish kompetensiyasini rivojlantirish imkonini beradi. Ularning fan oyliklarida ishtirok etishi, olimpiadalarda qatnashishi orqali o‘spirinlarda “Men konsepsiyasi” shakllanadi. 3-kurs talabalarida “Fizika va astronomiya o‘qitish metodikasi”, “Masalalar yechish metodikasi” fanlari orqali o‘qitishning noan’anaviy ta’lim texnologiyalarini egallash, har bir darsni ilmiy-metodik tahlil qila olish, debriefing hamda debatlarida ishtirok etish orqali tanqidiy fikrlash elementlari shakllanadi.

### **MUHOKAMA**

Quyidagi model asosida 4-kurs talabalarida maxsus kompetentlikni egallash natijasida ularda shaxsiy kompetentlikni rivojlantirish o‘qitishning noan’anaviy ta’lim texnologiyalarini egallash, har bir darsni ilmiy-metodik tahlil qila olish, debriefing hamda debatlarida ishtirok etish orqali tanqidiy fikrlash elementlari rivojlanadi. Bir so‘z bilan aytganda bo‘lajak fizika o‘qituvchisining(refleksiv, motivatsion va kreativ) yondashuvlar asosida kasbiy kompetensiyalarining (ilmiy, metodik, tashkiliy, innovatsion va texnologik) dasturlashtirilgan o‘quv metodik ta’minoti (elektron darslik, o‘quv qo‘llanma, elektron metodik majmua) yaratildi va shu yordamida ilmiy-metodik jihatdan tayyorlash imkoni yaratiladi. Tadqiqot davomida ta’lim jaryoni va mazmunini o‘z ichiga olgan didaktik shart sharoitlar (o‘quv reja va dasturlar mazmuni takomillashtirildi, o‘quv jarayoni o‘quv - metodik ta’minoti yangilandi) pedagogik va axborot-kommunikativ texnologiyalar vositalari (virtual laboratoriya, virtual stentlar, vizual ko‘rgazmali qurollar) asosida ta’lim mazmunini amalga oshirish metodlari yordamida tajriba-sinov ishlari amalga oshirildi. Tadqiqot ishi jarayonida qo‘llanilgan axborotli ta’lim, muammoli ta’lim, vizual ta’lim kabi interfaol o‘qitish metodlarining samaradorligi aniqlandi.

**1-rasm- Bo‘lajak fizika fani o‘qituvchisining mantiqiy fikrlash kompetensiyasini rivojlantirishni takomillashgan modeli.**



Ushbu modelning amaliyotga tatbiq etilishi natijasida fizika fanidan ma'ruza mashg'uloti jarayonida qo'llanilgan ob'ektiv tabiiy eksperimentlar, multimediali elektron qo'llanmalar, o'quv filmlari, o'quv plakatlar, slaydlar, rasmlar namoyish materiallari pedagogik jarayonni noan'anaviy metodlar yordamida takomillashtirishda tashkiliy-metodik, pedagogik-psixologik va

didaktik tamoyillarga amal qilishning pedagogik mexanizmlarini takomillashtirishdagi ustuvor masalalarni ijobiy hal etishga olib keldi. Natijada talabalarning fizika fanidan mantiqiy fikrlash kompetensiyasini rivojlanganligini baholash mezonlari (reproduktiv, produktiv, qisman izlanuvchanlik, kreativlik) va kompetentlik darjalari (a'lo, yaxshi, qoniqarli, qoniqarsiz) uzluksiz nazorat va monitoring asosida kvalimetrik tahlil qilindi.

### XULOSA

Demak, talabalarda mantiqiy fikrlash kompetensiyasini rivojlantirishda darslik va o'quv qo'llanmalarga qo'yilayotgan zamonaviy talablarni inobatga olish, fan va texnika yutuqlaridan, ularning bunyodkorlik sifatlaridan keng foydalanish lozim bo'ladi. Bunda yo'naltirilgan topshiriqlarning pedagogik xarakterini inkor etib bo'lmaydi.

Shunday qilib, ilmiy, ilmiy-uslubiy adabiyotlar tahlilidan ma'lum bo'lishicha «*mantiqiy fikrlash*» tushunchasiga zamonaviylik kontekstida baho berish zaruriyati ijtimoiy ehtiyoj sifatida namoyon bo'lganligi ilmiy jihatdan asoslanildi.

Tadqiqotlar mobaynida talabalarning mantiqiy fikrlash ko'nikmalari quyidagi mezonlar asosida shakllantirildi:

- Fizika darslarida o'quv materialini idrok etishda, asosiy va mohiyatan birlamchi fikrlarni aniqlash olish;
- analiz, sintez, analogiya, bashorat qilishga o'rgatish;
- talabalarda ilmga chanqoqlik, mustaqil hayotga tayyorgarlik kabi hislatlarni o'stirish;
- tadqiqotda qatnashgan talaba shaxsining intellektual darajasini taraqqiy ettirib, bahs-munozara yuritish madaniyatini shakllantirish.

### *Foydalanilgan adabiyotlar:*

1. O.Toshpulatova. Логическая подготовка будущего учителя физике к педагогической деятельности// Тафаккур зиёси” –Илмий услубий журнал, 4-сон 2020 йил, 155-157 бетлар, Жиззах.
2. Kutbedinov A.K., Karimov A.M., Toshpulatova Sh.O., Ochilov Sh.B., Ashirbekova S.U., Kanatbayev S.S. The main factors influencing the development of logical thinking skills of students in physics lessons// Skopus.Solid State Technology.Volume:63. Issue 6. pp 8761-8770. Desember 29. Publikation year: 2020. Archives Available @ [www.solidstatetechnology.u](http://www.solidstatetechnology.u)

## VIII – XIII АСРЛАРДА ХОРАЗМ АДАБИЙ МУҲИТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА МАДАНИЙ ТАЪСИР ОМИЛЛАРИ

Атаев Азамат

ТошДЎТАУ ўқитувчиси, Адабий манбашунослик  
ва матншунослик кафедраси таянч докторанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6788188>

**Аннотация.** Мазкур мақолада VIII-XIII асрларда Хоразм адабий муҳитининг ривожига маданий жиҳатдан таъсир кўрсатган омиллар юзасидан фикр-мулоҳазалар келтирилади.

**Калит сўзлар:** Хоразм арабийзабон адабиёти, Баҳром Гўр, мадҳ, фахр, ҳажв, Мужир уд-давла.

### ФАКТОРЫ КУЛЬТУРНОГО ВЛИЯНИЯ НА ФОРМИРОВАНИЕ ЛИТЕРАТУРНОЙ СРЕДЫ ХОРЕЗМА В VIII-XIII ВВ.

**Аннотация.** В данной статье представлены мнения о факторах, культурно влиявших на развитие литературной среды Хорезма в VIII-XIII вв.

**Ключевые слова:** хорезмийская арабская литература, Бахрам Гор, мадх, гордость, юмор, Мужир уд-Даула.

### FACTORS OF CULTURAL INFLUENCE IN THE FORMATION OF THE KHOREZM LITERARY ENVIRONMENT IN THE 8TH - 13TH CENTURIES

**Abstract.** This article provides opinions on the factors that culturally influenced the development of the literary environment of Khorezm in the 8th-13th centuries.

**Key words:** Khorezm Arabic literature, Bahram Gor, madh, pride, humor, Mujir ud-Dawla.

## КИРИШ

Хоразм адабий муҳитининг шаклланишида маданий таъсир омилларини таҳлил қилар эканмиз, мўғуллар босқинигача бўлган даврда Хоразм арабийзабон муҳитида Абу Бақр Хоразмий ва Рашидуддин Ватвот каби адиблар наср бобида ҳам кўплаб ижод қилганларини кўрамиз. Лекин шеърят Шарқ халқлари, жумладан, Ўрта Осиё яқин ўтмишга ўз илғор мақомини бермай келганини ҳаммамиз эътироф этамиз. Тарихга нигоҳ солсак, араб фотиҳлари ушбу ўлкада дуч келган адабиёт ва ушбу адабиётнинг қиймати масаласи ўртага чиқади. Аччиқ ҳақиқат шуки, Исломдан олдин ушбу ўлкада бўлсин ё бошқа ҳудудларда бўлсин, маҳаллий шеърят ҳақида ҳеч нима билмаймиз. Бор маълумотлар ҳам афсоналар қатига жойланган. Масалан, Шамсиддин Розийнинг айтишича, Баҳром Гўр илк шеър назм қилган киши бўлиб, у шеърни Ҳайрада араблардан ўрганади. Форс олимлари унинг шеър ёзишини маъқулламадилар ва уни шеър ёзишдан ман қилдилар. Унинг ўзи эса бундан сабоқ олиб, ўз фарзандлари ва қариндошларига шеър ёзишни ман қилади.

## ТАДҚИҚОТ МЕТОДИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Кўпчилик Эрон адабиётшунослари форс шеърятини Исломнинг кириб келиши ва икки умматнинг бирлашиб кетиши араб ва форслар, Қуръон ва арабчага бўлган муҳаббатнинг бирлашиши, жоҳилият ва Ислом араб адабиёти билан жипслашиб кетиши билан юзага келганига ишора қиладилар.



Сомонийлар ўз қасрларида араб ва форс шоир ва ёзувчиларига ҳомийлик қилганлари маълум. Лекин уларнинг саройларидаги шеър тараннум этгувчи айрим эроний шоирлар, В.В.Бартольд айтганидек, Исломга мос келмайдиган фикрларни тарқатар эдилар, масалан, Рудакий Самарқандий “юзни қиблага буришда маъно йўқ, қалб мажусий қудсиятга талпинувчидир ва барча динлар учун умумий бўлган илоҳга иймон келтирмоқ лозим” – деган. Буни В.В.Бартольд қуйидагилар билан қўллаб қувватлайди: “Дақиқий деган шоир ўз сўзлари билан зардуштийлик ақидасини қуйидаги сўзлари билан очиқчасига эълон қилган: “Хамр (маст қилувчи ичимлик) ортиб қолар, лабим ва зардушт дини бошқа барча нарсадан кўра унинг ҳабибидир”. В.В.Бартольд назарда тутган шеърни Забихулло Сафо ўз китобига киритган. Ҳусайн Тоҳо фикрича, бу сўзлар зардуштийлик ақидасини очиқчасига эълон қилиш бўлмай, шоирлар мусулмон бўлса ҳам бундай сўзларни айтганлари учраб туради, буни ахлоқи бузуқ мусулмон араб шоирларининг ижодида ҳам учратиш мумкин.

Шамсиддин Розий айтадики: Биринчи форсча шеър айтган Абу Ҳафс ас-Саъдийдир, лекин адабиёт тарихчилари Наср ибн Аҳмад Сомонийнинг шоири Абу Абдуллох Жаъфар Рудакий биринчи буюк форс шоири эканига иттифоқ қилганлар.

Ажам ўлкаларидаги арабийзабон адибларнинг кўпчилиги ушбу юртларда кетма-кет ҳукм сурган давлатларнинг султон ва ҳукмдорларининг саройларида яшаганлар. Улар девонларда котиблик қилдилар, мақтов ва надомат шеърларини ёздилар, мадрасаларда ёзув билан машғул бўлдилар. Уларнинг ичида бир юртдан бошқасига кўчиб юрганлари ҳам бор. Улар Шом, Миср, Жазира ва Андалусдаги шоирлар билан ҳамсоя бўлмадилар, чунки улар ажам муҳитининг шоирлари эди, шу билан бирга улар ўзларининг турли адабий ғояларида мутақаддим шоирларнинг йўлини тутдилар. Биздаги мавжуд ушбу ўлкада битилган шеър намуналари араб шеъриятига тақлидан ёзилганига гувоҳ бўлдиқ. Шулардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, бу шеърият анъанавий тақлидий мактаб йўналишида юрган, лекин шу билан биргаликда ўзига хос хусусиятларга ҳам эга эди. Унинг илк кўринишлари Ислом халифалигининг марказидан узоқдаги Мовараунаҳр каби Машриқ ўлкаларида ривож топганидан бери шаклланган. Бу ўлкадаги шеърият кўринишларидан энг муҳимлари тақлидий мавзулар – мадҳ, фахр, ҳажв, шикоят, ачиниш, ишқ, аёлларни мақташ ва шу кабилар мисолида гавдаланган. Улар қасида тузиш, унинг суратларини жамлаш ва услубларини таълиф қилишда хотира ва меросдан илҳом оладиган тилда ўз салафларининг йўлидан бордилар.

#### ТАДҚИҚОТ НАТИЖАСИ

Мадҳ ва ҳажв эски араб муҳитининг ажралмас бўлагидир. Хоразм арабийзабон муҳити ҳам арабларнинг табиати билан ўта катта даражада характерланади. Айниқса, бу ернинг султонлари ўз ҳукмронликларини мустаҳкамлаб, салтанатларини кучайтиришда шеъриятдан бир восита сифатида фойдаланганларини кўрамиз. Султон Санжар ва Султон Отсиз орасида сиёсий қарама-қаршилик қанчалик кучли бўлса, адабий ҳаётда ҳам шунчалик ўта кучли рақобат бўлган. Иккала ҳукмдор ҳам ўз саройидаги шоир ва адиблар сони жиҳатидан устун бўлишга уринганлар. Кейинчалик султон Маҳмуд Ғазнавий хоразмийлар саройидаги баъзи адибларни ўз саройида яшаш учун даъват қилиб одам юборади, уларнинг бир қисми ушбу чакириққа лаббай дейишади, бир қисми – Ибн Сино, Беруний, Масихий ва Ибн Хамморлар эса рад жавобини берадилар.



Фикрларимиз исботи сифатида қасида тузишда мумтоз услуб сақланиб қолгани намунаси сифатида Султон Санжар мадҳида Абул Қосим Замахшарий томонидан битилган сатларга эътибор қаратамиз:

إن المليحة بكثرت أحداجها  
فاهتاج من حرق الهوى مهتاجها  
فكأنه عيني وهي كالدّم دمعها  
كأس " من الصهباء قل مزاجها  
قامت تودع والنقاب ' مضاعف  
ليغيب " تحت نقابها أبهاجها  
وكشعلة المصباح غرة وجهها  
ونقابها ، مشكاتها وزجاجها  
وكأنما السلطان سنجر كعبة "  
للملك منتخب الملوك ر تاجها  
شهم " إذا ما ألقحت أفكاره  
أراؤه كان الصواب تناجها  
لكنها تلد الصواب متمّة  
ولرب آراء يسوء خداجها  
ركب السياسة وهي أصعب مركب  
فقطامت لركوبه انتاجها  
جهم المحيا للعدى طلق إذا  
ضيفانه نزلت به أفواجها

*Гўзал аёлнинг маркаби эрта келди,  
Гилдираклари ҳавонинг иссиғидан ҳаракатга келди.  
Қон каби кўзимнинг ёши саҳбодан қадаҳу  
Мизожи озайиб.  
Видолашмоқ учун турди, ниқоби эса икки қават,  
Сабаби: гўзаллиги ниқоб остида гойиб бўлиш учун.  
Юзининг оқи, ниқоби, фонуси ва шишаси тонг шуъласи каби.  
Султон Санжар мамлакат Каъбасидек подшоҳларнинг  
сараси ва тожи эрмиш.*

*Фикрларин ўртага ташилаганда зийракдир у,  
Фикрларининг натижаси тўғрилиқ экан.  
Бу фикрлар тўғрилиқни тамомла юзага чиқарур,  
Фикрлар норасо бўлса, расволик келтиргай  
Машаққатли бўлган сиёсат маркабин минди,  
Миниши билан у ўз самарасин (таъзим ила тутмоқ учун)  
эгиб турди.*

*Меҳмонлари келса, душманлар норозилик изҳор этар.*

### **МУҲОКАМА**

Кўринадик, Замахшарий бу қасидани тузилиши, услуби, ғазал билан бошлашида ва мадҳ билан тугатишида арабча қасидалар йўлини тутган.

Шунга ўхшаш қасидада Мужир уд-давла Урдистонийни мақтаган. Қасиданинг аввали:

أيا حبذا سعدى وحب مقامها  
ويا حبذا أين أستقل خيامها  
حياتي وموتي قرب سعدى وبعدها  
وعزتي وذلتي وصلها وانصرامها

*Чечакларим ва турган жойи нақадар яхши,*

*Чодирлар турган жойи нақадар яхши.*

*Ҳаётим ва мамотим чечакларимга яқин ва ундан сўнг ҳам.*

*Иззатим ва зиллатим уни улайди ва кесади.*

Хорзм арабийзабон адабий муҳитида шеърят ўз ичига олган жоҳилият ва ислом даври араб шеърятидаги ўхшаш ва фарқли томонлари билан бирга уларнинг муҳим йўналишларини қамраб олган эди. Бундай шеърларни хусусий мадҳ деб номласак ҳам бўлади. Чунки умумий мадҳ шеърлари ҳам бўлиб, уларда подшоҳ, вазир, ҳокимлар ва бошқаларнинг мадҳи берилмайд.

### ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни айтиш ўринлики, VIII – XIII асрларда хоразм адабий муҳитининг шаклланишида Хоразм арабийзабон адабиётидаги шеърлар, қасидалар, бир томондан, ушбу муҳит пайдо бўлиши ва ривожланишидаги маданий алоқалар, маданий таъсир омилларини ёритишда аҳамиятли бўлса, иккинчи томондан ижтимоий-сиёсий омилларни очиқ беришда ҳам жуда муҳимдир.

### *Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:*

1. Баранов Х.К. Арабско-русский словарь. – Москва: Русский язык, 1983.
2. Бегматов Э. Арабча ўзлашма сўзлар қатлами // Ўзбек тили лексикологияси. -Т.: Фан, 1981, 11–124-бетлар.
3. Иброҳимов Н., Юсупов М. Араб тили грамматикаси. –Т.: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 1997.
4. Талабов Э. Араб тили. –Тошкент: Ўқитувчи, 1993.
5. Ўзбек тилидаги арабча ва форсча сўзлар луғати. –Т.: Ўқитувчи, 1996.
6. Абу Райхон Беруний. Танланган асарлар. 1-жилд. – Тошкент: “Фан”, 1968.
7. Бартольд В.В. Сочинения I. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. – Москва: Издательство восточной литературы. 1963.
8. Элмуродов И., Эшмуродов М. X–XII асрлар Хоразм маданияти Ёқут ал-Ҳамавий талқинида. – Урганч: Урганч давлат университети, 2006.

## XVIII VA XIX АСР БИРИНЧИ ЯРМИ ҚЎҚОН АДАБИЙ МУҲИТИГА БИР НАЗАР

Комилхон Бокиев

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейи таянч докторанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6788242>

**Аннотация.** Бу мақолада VIII ва XIX аср биринчи ярми Қўқон адабий муҳитида яшаб ижод қилган шоир Хўжаназар Гойбназар ўғли Хувайдо (1704-1780)нинг ижоди манбалар асосида ўрганилган. Хувайдо ижодига олимларнинг илмий баҳсларига муносабат билдирилди. Бу давр ҳақидаги маълумотлар манбалар, ва илмий мақолалар ва тадқиқот асосида илмий таҳлил қилинди. Ўз даврининг етук шоири бўлган Хўжаназар Гойбназар ўғли Хувайдо ижодининг тарқалиши аниқланган.

**Калит сўзлар:** Қўқон адабий муҳити, қўлжама, тошбосма, мажмуа, адабий муҳити, девон, тазкира, қиёсий, тасаввуф, даҳрий, матншунос.

### ВЗГЛЯД НА КОКАНСКУЮ ЛИТЕРАТУРНУЮ СРЕДУ XVIII И ПЕРВОЙ ПОЛОВИНЫ XIX ВЕКА

**Аннотация.** В данной статье на основе источников исследуется творчество поэта Ходжаназара Гойбназара сына Хувайдо (1704-1780), жившего и творившего в литературной среде Кокана в VIII и первой половине XIX веков. На работу Хувайдо отреагировали на научные дебаты ученых. Информация об этом периоде подвергалась научному анализу на основе источников, научных статей и исследований. Определено распространение творчества сына Ходжаназара Гойбназара Хувайдо, который был зрелым поэтом своего времени.

**Ключевые слова:** коканская литературная среда, рукопись, литография, комплекс, литературная среда, деван, тазкира, сравнительный, мистицизм, исторический, текстуальный.

### A LOOK AT THE KOKAN LITERARY ENVIRONMENT OF THE 18TH AND THE FIRST HALF OF THE 19TH CENTURY

**Abstract.** In this article, the work of the poet Khojanazar Goibnazar son of Huvaído (1704-1780), who lived and created in the Kokan literary environment in the 8th century and the first half of the 19th century, is studied based on the sources. Huvaydo's work was reacted to the scientific debates of scientists. Information about this period was scientifically analyzed on the basis of sources, scientific articles and bans. The spread of the work of Khojanazar Goibnazar's son Huvaído, who was a mature poet of his time, has been determined.

**Key words:** Kokan literary environment, manuscript, lithograph, complex, literary environment, devan, tazkira, comparative, sufism, dahri, textual scholar.

## КИРИШ

Адабиётимизнинг бу даври Истиклолдан олдин ҳам, кейин ҳам олимлар ўртасида илмий баҳс мунозараларга сабаб бўлган. Шўролар замонида рус шарқшуноси М.Ф. Гаврилов “Среднеазиатский поэт и суфий Хувайдо” тадқиқоти ва бир қатор ўзбек олимларининг илмий ишларида ўз аксини топган. Гавриловнинг бу давр ҳақидаги асосий хулосиси тасаввуфий ғояларнинг ўзбек адабиётига тақлидий таъсири сифатида баҳолайди. “Ўрта Осиё ялтироқ турк адабиётининг ички мазмуни масаласига келсак, бу адабиёт ўз

табиатига кўра ҳам шакл, айниқса сюжет жиҳатидан фавқуллодда ва ҳайратланарли даражада бир хилдир. ” [1; 22]. Ўзбек адабиётшуносларидан В. Зоҳидов, В. Абдуллаев, А. Қаюмов, А. Худайбердиевлар ҳам мазкур даврнинг илмий муаммолари ҳақида ўз муносабатларини эълон қилган. Бу даврда яшаб ижод қилган шоирлардан бир Хўжаназар Ғоибназар ўғли Хувайдо (1704-1780). Шоир ижодинининг ўрганилишини бугунги кунда иккига бўлиш мумкин. Биричиси, Шўролар замонасининг кўзи билан “дахрий шоир”. В. Зоҳидов ўша давр мафкурасига мос равишда “Шоми Ғариб”, “Шаккок ва Исёнкор шоир” [2] мақолаларини эълон қилган. Ўзбек олими ҳам Гавриловдан ўтиб шоир ижодига ҳолис баҳо бера олмаслиги тайин эди. Бу даврда шоирларнинг “дахрий”лигини исобтлаган ҳолатда ижодини эълон қилиш ва манбаларни асраб қолиш мумкин эди. Буни шоирнинг ўз тилидан донишларга хос бўлган тафаккур тарзи орқали англашимиз мумкин:

Киши бўлмаса маънидан хабардор,

Ани одам дема, де нақши девор [3].

Шоирнинг бу назмий фикларини англаш учун ирфон соҳибларига макон ва замоннинг таъсири аҳамиятсиз. Истиқлол шарофати билан бугунги кунда шоирлар ижодига ҳолис ва илмий танқидий ёндашиш имкони туғилди. Иккинчи давр Истиқлол даврида амалган оширилган тадқиқотлар. Жумладан, Раҳмонқули Оризбековнинг ўзбек адабиёти тарихи, Нусратулла Жумахўжа Хувайдо меросининг маънавий-маърифий моҳияти номли ишларида шоирнинг қисқача таржимаи ҳоли ҳамда адабий мероси ҳақида нисбатан кенгрок маълумотлар мавжуд.

### МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ

XVII-XIX асрлар ўзбек адабиётини тадқиқ ва таҳлил қилиш Истиқлол йилларида адабиётшунос ва матншунос олимларнинг диққат марказида бўлди. С. Ҳасанов “Роҳати дил” [4], Н. Жумахўжа [5], Қ. Рўзматзода [6], Академик А.П. Қаюмовнинг “Қўқон адабий муҳити”, Пўлотжон Домулла Қайюмийнинг “Тазкираи Қайюмий” асарларида Қўқон шоирларининг бир қанчаси зикр қилинган. Натижада зикр қилинган шоирлар ижодини қўлёзмалар билан қиёсий ўрганишга эҳтиёж туғулди.

### ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

XVII-XIX асрлар ўзбек адабиётини, яъни Қўқон адабий муҳитидаги шоирлар ижодини қўёзма, тошбосма манбалар ҳамда амалга оширилган тақиқотлар асосида ўрганиш адабиётшунослик ва матншуносликда муҳим аҳамиятга эга. Шоирлар ижодига ҳолисона ёндашиш имконини беради. Бугунги кунда илм майдонидаги турфаликларга барҳам берилади.

### ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Хувайдонинг ижод қилган даври Ўрта Осиё хонликларида бўлиниб кетган даврга тўғри келса ҳам тарқалиш майдони ниҳоятда кенг бўлган. Илмий изланишларда бу ўз тасдиғини топган.

“Хувайдонинг асарлари халқ орасида машҳур эди. Қашғар, Ёркент, Оксув, Хўтан, Балх, Бухоро, Хоразм, Фарғона вилоятларида кенг тарқалган. Хувайдо устозлари ғояларини, дунёқарашини тасдиқлаган, тақомилига етказган шоирдир. Унинг асарларида Навоий, Машраб, Сўфи Оллоёр каби ижодкорларнинг таъсири яққол кўриш мумкин.”

“XVIII асрда яшаб ижод этган машхур шоирлардан бири Хўжаназар Ғоибназар ўғли Хувайдодир. Унинг ҳаёти ва ижоди йўли ҳақида жуда кам маълумотлар илмий тадқиқотлар яратилган. [7; 227-бет] ”

Бу даврнинг ўзбек адабиёти тарихида тутган ўрни ва аҳамиятли жиҳати шундаки, салафларига издошлигида. Адабий муҳитини, яъни ижодкорлар ижодини чуқурроқ ўрганиш учун манбалар ўрни бекиёс. Қўлёзма манбаларни илм аҳлига тақдим қилиш орқали Хўжаназар Ғоибназар ўғли Хувайдо каби ижоди кам ўрганилган шоирлар адабий меросининг кўлами илмий жамоатчиликка маълум бўлади. Бой илмий хазинада тадқиқот ишлари олиб бориш ўз даври ҳақида илмий хулосалар чиқариш ва кейинги тадқиқотлар учун кенг йўл очади. Танқидий ва таҳилий изланишлар олиб бориш бугунги давр матнушунослиги ҳамда адабиётшунослигининг муҳим вазифаларидан саналади. Ўзбек мумтоз адабиётидаги тасаввуфий дунёқараш ва шеърлятидаги ирфоний тафаккур тушунчалари Хувайдо ижоди учун ҳам муҳим. Адабиётшунос олим Бегали Қосимов Хувайдонинг ижодига етарлича баҳо берган. “Шеърлари халқ орасида жуда машхур бўлган. Хувайдо ахлокий-дидактик йўналишдаги мазмунан теран, услубий гўзал асарлари билан адабий мактаб ярата олган шоирдир [8; 216-217-бет]”. Сўфи Оллоёр каби Хувайдонинг ижоди ҳам халқ орасида ўқимишли бир адабиёт айланган. Тили ва мазмуни жиҳатдан туркий халқлар учун жуда-ждуда манзур бўлган. М.Ф. Гавриловнинг “фавқулудда ва ҳайратланарли даражада бир хилдир”, деб қилган таҳилидан Хувайдо ижоди юқори даражада туради.

“XVIII асрда Қўқонда яратилган ёзма адабиёт намуналари ҳозирча жуда кам топилган. Фақат Қўқон тарихига оид қўлёзма китобларда гоҳо айрим шоирларнинг таърих-шеърлари учраб қолади. Ана шундай жуда оз, аммо характерли маълумотлардан фойдаланиб, бу даврдаги ёзма адабиёт ва унда мажуд бўлган қарама-қаршиликлар тўғрисида озгига бўлса ҳам тушунча ҳосил қилиш мумкин [9; 38-бет]”. Академик А. Қаюмовнинг Мазкур давр ҳақидаги илмий таҳилидан ҳам кўриниб турибдики “характерли маълумотлардан фойдаланиб.....” илмий хулосалар ва ечимлар қилиш ва давр адабиётига ҳолисона баҳо бериш зарурати ўзбек адабиёти учун муҳим. М.Ф. Гавриловнинг “XIX асрнинг охириги йилларига қадар Ўрта Осиёнинг бепоён ҳудудида ёйилиб кетган тасаввуф ғояларининг бутун адабиётга сингиб кетиши натижаси сифатида англаса бўлади.” деб берган баҳосида сиёсий қараш ҳамда бир ёқлама баҳо бериш анлаш у даражада мушкул иш эмас. Халқимизнинг миллий адабиёти ва менталитетидан келиб чиқиб баҳо берилса “бутун адабиётга сингиб кетиши...” ни ҳолсона баҳоласа бўлади. Шоирнинг ўзи айтгандай унинг дардин ва давосини топувчи табибни тушунмоқ даркор.

“Бу манинг дардимга, эй дилбар, табиб даркор эмас,

Эй, санинг дардинг табиб, кулли дардимга даво.

Шоирнинг ижоди ҳолис илмий баҳосини олса ўша давр адабий муҳити ва “санинг дардинг табиб...” дардга табиб ҳам топилади.

#### **ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР**

Хуллас, “XVII-XIX асрлар Қўқон адабий муҳити ўзбек адабиётида муҳим бир давр давр эканлиги илмий жиҳатдан аниқланди. Бу давр ва адабий муҳитини тадқиқ қилиш жараёнида юқорида келтирилган олимларнинг илмий қарашларига таҳлилий ва танқидий баҳо берилди. Салафларга пайравлиги ва адабиётдаги аҳамият ҳақида илмий хулоса

қилинди. Тасаввуфий дунё қараш шунчаки тақлид бўлмасдан ижтимоий ҳаётга кенг қамровли кириб боргани аниқ далиллар асосида исботланди. Гавриловнинг адабиётимиз ҳақидаги қараши “фавқулодда ва ҳайратланарли даражада бир хилдир.” каби қуруқ шаклий ўшашлик эмас. Салафларга издошлик ва халқнинг маънавий дунёсини юсаклиги учун астойдил хизмат қилган ва бугунги кунда ҳам хизмат қиладиган адабиётимиз тарихида адабий муҳит шаклланган бир даврни ўз ичига олади.

*Адабиётлар:*

1. Гаврилов М.Ф. Среднеазиатский поэт и суфий Хувайдо.- Каз-гиз, Ташкент, 1927.- 22 С.
2. Зоҳидов В. Ўзбек адабиёти тарихидан.- Тошкент: Бадиий адабиёт нашриёти, 1961 й. 5-6 бетлар.
3. Хувайдо. Танланган шеърлар. Тошкент. Ўз. Давлат бадиий адабиёти нашриёти, 1961 й, 96-6.
4. Ҳасанов С. Роҳати дил. Тошкент.- А. Қодирий номидаги халқ нашриёти, 1994 й.
5. Жумахўжа Н. Шарқ юлдузи //1998-yil, 4-son.
6. Рўзматзода Қ. Роҳати дил, Иброҳим Адҳам. Тошкент.- “Наврўз”, 2011 йил.
7. Жумахўжа Н. Хувайдо меросининг маънавий-маърифий моҳияти.Т.: 1995 йил.
8. Қосимов Б. “Хувайдо”. “ Ўзбекистон Миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти”, Тошкент: 14-том, 216-217-бетлар.
9. Қаюмов А. Қўқон адабий муҳити. Фанлар академияси нашриёти. Т.: 1961.- 38-бет.



## MAKTABGACHA TA'LIM TASHKILOTI PEDAGOGNING INNOVATSION FAOLIYATI TUZILISHI

**Yuldasheva Xilola Shokirjon qizi**

Farg'ona viloyati, Oltiariq pedagogika kolleji, Maxsus fanlar o'qituvchisi

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6788293>

**Annotatsiya.** Maqolada maktabgacha ta'lim tashkilotida pedagogning innovatsion texnologiyalarni qo'llashining samaradorlik xususiyatlari va ulardan foydalanishda e'tibor berish zarur bo'lgan jihatlar haqida so'z yuritilgan.

**Kalit so'zlar:** texnologiya, o'yin, innovatsiya, kreativ pedagog, kompetensiya, interfaol metodlar, globallashuv, ijtimoiylashuv, jamiyat, integral yondashuv, loyihali ta'lim, rivojlantiruvchi ta'lim, shaxs.

## СТРУКТУРА ИННОВАЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПЕДАГОГА ДОШКОЛЬНОЙ ОБРАЗОВАТЕЛЬНОЙ ОРГАНИЗАЦИИ

**Аннотация.** В статье говорится об особенностях эффективности использования педагогом инновационных технологий в дошкольной образовательной организации и аспектах, на которые необходимо обратить внимание при их использовании.

**Ключевые слова:** технология, игра, инновация, творческий педагог, компетентность, интерактивные методы, глобализация, социализация, общество, комплексный подход, проектное обучение, развивающее обучение, личность.

## THE STRUCTURE OF THE INNOVATIVE ACTIVITIES OF THE PEDAGOGUE OF THE PRESCHOOL EDUCATIONAL ORGANIZATION

**Abstract.** The article talks about the efficiency characteristics of the pedagogue's use of innovative technologies in the preschool educational organization and the aspects that need to be paid attention to in their use.

**Key words:** technology, game, innovation, creative pedagogue, competence, interactive methods, globalization, socialization, society, integrated approach, project education, developmental education, personality.

## KIRISH

Mamlakatimizda yurtboshimiz boshchiligida ta'lim sifati va samaradorligini oshirish bo'yicha qilinayotgan barcha islohotlardan ko'zlangan maqsad – barkamol insonni voyaga yetkazish, yurt istiqbolini porloq qilishdan iboratdir. Bu borada maktabgacha ta'lim tashkilotlarining faoliyatini har tomonlama rivojlantirish orqali ta'limning keyingi bo'g'inlari salohiyatni mustahkamlash mumkinligi aniq belgilab berildi. Xususan, yurtboshimiz Sh.Mirziyoyev maktabgacha ta'lim tizimi haqida quyidagi fikrlarni bejizga bildirmagan edilar: “Aslida, farzandlarimiz tarbiyasida eng asosiy bo'g'in hisoblangan maktabgacha ta'lim tizimining jamiyatimiz hayotidagi o'rni va ahamiyatini hech narsa bilan o'lchab bo'lmaydi. Aynan maktabgacha ta'lim sohasiga bo'lgan e'tibor mamlakatning ertangi taraqqiyoti uchun mustahkam zamin yaratadi”. [1]

Maktabgacha yoshdagi bolalarga ta'lim-tarbiya berishning asosini o'yinli texnologiyalar tashkil qiladi. Bu yoshdagi bolalarning yetakchi faoliyati o'yin bo'lganligi bois – u ta'lim texnologiyasi sifatida tatbiq etilgan. O'yinli texnologiyalardan foydalanishning asosini bolalarning faolligi va tasavvuri tashkil etadi. O'yin olimlar tadqiqotlariga ko'ra mehnat va o'qish bilan

birgalikda faoliyatning asosiy turlaridan biri hisoblanadi. O'yin ijtimoiy tajribalarni o'zlashtirish va qayta yaratishga yo'nalgan vaziyatlarda, faoliyat turi sifatida belgilanadi va unda shaxsning o'z xulqini boshqarishi shakllanadi va takomillashadi. [2]

### ADABIYOTLAR SHARHI

Zamonaviy ta'limga xos muhim sifatlardan biri – pedagog faoliyatining innovatsion xarakter kasb etishiga erishish sanaladi. Rivojlangan xorijiy mamlakatlarda pedagog faoliyatining innovatsion xarakter kasb etishiga erishish masalasi o'tgan asrning 60-yillaridan boshlab jiddiy o'rganila boshlangan. Xususan, X.Barnet, J.Basset, D.Gamilton, N.Gross, R.Karlson, M.Mayz, A.Xeyvlok, D.Chen, R.Edem, F.N.Gonobolin, S.M.Godnin, V.I.Zagvyazinskiy, V.A.Kalik, N.V.Kuzmina hamda V.A.Slastenin kabi tadqiqotchilar tomonidan olib borilgan ishlarda innovatsion faoliyat, pedagogik faoliyatga innovatsion yondashish, innovatsion g'oyalarni asoslash va ularni amaliyotga samarali tadbqiq etish, xorijiy mamlakatlar hamda respublikada yaratilgan pedagogik innovatsiyalardan xabardor bo'lish orqali pedagog faoliyatida ulardan faol foydalanish borasidagi amaliy harakatlar mazmuni yoritilgan.[3]

Innovatsion faoliyatning umumiy jihatlarini K.Angelovskiy, G.I.Gorskaya, V.A.Kan-Kalik, S.I.Kuzmina, V.A.Slastyonin, L.M.Fridman kabi olimlar o'zlarining ilmiy tadqiqot ishlarida yoritib berdilar. I.Shumpatter va N.Kondratevlar esa innovatsiya tushunchasining ilk va ulkan nazariyotchilari hisoblanadilar. K.Angelovskiy, V.A.Slastyonin va V.I.Slobotchkovlar o'z ilmiy tadqiqotlarida innovatsion faoliyat, pedagogik faoliyatning alohida shakli ekanligini isbotlashga harakat qildilar.

R.N.Yusufbekova innovatsiyalarni pedagogik nuqtai nazardan ko'rib chiqqan bo'lsa, rossiyalik olimlar A.I.Prigojin, B.V.Sazonov, V.S.Tolstoy, N.P.Stepanov va boshqalar innovatsion jarayon hamda uning tarkibiy qismlarini o'rganishga e'tiborlarini qaratdilar.

Mamlakatimizda pedagogik innovatsiyalarni rivojlantirish muammolari ustida ilmiy-tadqiqot ishlari olib borilmoqda. Ularga pedagog olimlardan N.Azizxodjayeva, B.Farbemon, N.Sayidahmedov, K.Zaripov, M.Ochilov, O'.Tolipov, M.Usmonboyeva, M.Jumaniyozova va boshqalarni keltirish mumkin.

### TADDIQOT METODOLOGIYASI VA EMPIRIK TAHLIL

Shuning uchun maktabgacha ta'limdagi innovatsion texnologiyalar o'yinli texnologiyalar bilan bog'lanib ketgan. Ammo ularni bir xil qarash deb bo'lmaydi. Chunki innovatsiyalar turlicha yo'nalishda foydalaniladi. Maktabgacha ta'lim tashkiloti pedagogi o'z faoliyatini prinsipial amalga oshirish uchun: samarali (mavzuga yo'naltirilgan), tejamkor (shaxsga yo'naltirilgan), hamkorlik texnologiyalariga ega bo'lishi lozim. Tajribali kreativ pedagog ushbu uslublar asosida o'zining "mualliflik" texnologiyasini yaratishi mumkin. Bunda, unga avval egallangan bilimlari va tarkib topgan dunyoqarashi turtki bo'ladi. Innovatsion pedagogik texnologiyalar yuzaga chiqishi ta'rixiga nazar tashlaydigan bo'lsak, ularning ta'lim jarayoniga kirib kelishida g'oyalar banki muhim ahamiyat kasb etgan. Masalan, italiyalik shifokor Mariya Montessori asli kasbi tarbiya bilan bog'lanmasada, o'zining boy tafakkuri orqali o'ziga xos ta'lim usulini tadbqiq etdi. "Usul har bir bolaning noyobligi aksiomaga asoslanadi va ta'lim-tarbiya uchun maxsus yondashuvni talab qiladi. Ta'lim tizimi uch qismdan iborat: o'qituvchi, bola va atrof-muhit" deyiladi uning ta'limotida. Uning nazariyasi uch asosiy tamoyilga asoslangan:

- bolaning maksimal erkinligi, rivojlanish va ta'lim taraqqiyoti va imkoniyatlarini tanlash;

- individual trening dasturini yaratish;
- o'qituvchining minimal aralashuvi va o'quv natijalari bo'yicha an'anaviy avtoritar nazoratning yo'qligi.[4]

- при дифференцированных обучающих технологиях содержание и методы обучения в основе творческой исследовательской деятельности направлены на формирование инновационных способностей человека;
- обучение с помощью информационных программ - организация междисциплинарной взаимосвязи преподаваемых дисциплин;
- при наглядном объяснении в мировоззрении человека системно и сознательно формируется культура, направленная на понимание гармонии «человек - общество - природа»;
- в технологии гуманизации в практике первоочередных научных новаций педагогической науки вводятся понятия «ребёнок - субъект», «ребёнок - объект», научные знания рассматриваются в единстве социального положения и социальных результатов деятельности.

Инновации можно разделить на три вида: модификационные, комбинаторные, радикальные.

Модификационная инновация направлена на улучшение и изменение формы уже имеющегося. Примером этого может послужить написанные В.Ф. Шаталовым опорные конспекты по математике и большой опыт их использования учителями.

Комбинаторная модификация - до этого времени не применявшееся сочетание известных методических элементов. Доказательством этого может быть современная методика преподавания. Радикальная инновация - внедрение государственных стандартов образования. Государственный стандарт образования в основном формирует нормы, параметры, показатели уровня и качества обучения. В настоящее время в нашей независимом государстве сформировалась новая система образования, направленная на вхождение в мировое образовательное пространство. Это связано с важными изменениями в учебно-воспитательном процессе. Все это происходит потому, что изменилась образовательная парадигма, обновилось содержание образования, возникли новое мировоззрение и новые отношения. Одна из актуальных проблем - это освоение педагогами научно-педагогических основ инновационной деятельности при обучении и воспитании будущего поколения, отвечающего запросам общества.

### ОБСУЖДЕНИЕ

В эпоху ускоренного развития науки и техники, в эпоху увеличения информационных потоков формирование интеллектуальных возможностей, развитие способностей, талантов обучающихся становится главной задачей образовательных учреждений. В современном образовательном пространстве как воздух необходимые новшества возникают в результате неумолимого исследовательского поиска и творческой работы преподавателя. Из этого следует, что важно сделать поворот в сторону освоения обновлённых педагогических технологий, дающих знания, воспитывающих навыки самостоятельной, поисковой, творческой деятельности, учитывающих способности каждого обучающегося. Также на уровне государственного образовательного стандарта обязательным является внедрение в учебный процесс новых педагогических технологий. Одной из задач, стоящих перед работниками образовательной сферы, является совершенствование обучающих методов и приёмов и освоение современных педагогических технологий. В настоящее время преподаватели, используя инновационные и интерактивные методики в процессе учебных занятий, способствуют тому, чтобы занятия были качественными и интересными. К инновационным технологиям относятся и мультимедийные занятия. На английском языке multimedia, на латинском multum - много и media, medium - собрание, накопление, то есть в структуру мультимедия входят несколько средств: текст, изображение, аудио, видео, анимация. Цели, которые ставятся на мультимедийных занятиях: с помощью применения компьютерных технологий развивать навыки самостоятельного обучения, усвоения, познавательной деятельности, навыки самостоятельной работы и реализация творческих способностей студентов. На занятиях обязательно выполнение следующих условий.

- личностная подготовка студента;
- совершенствование интеллектуальных способностей;
- эстетическое воспитание;
- формирование объективного подхода;

- углубление междисциплинарных связей.

Во время проведения мультимедийного занятия студенты не только воспринимают информацию, но и выполняют действия по ее разработке и передаче. В это время деятельность преподавателя направлена на формирование у студентов навыков нахождения необходимой информации, ее анализа, систематизации и передачи. Преподаватель, связывая тему занятия с явлениями и ситуациями, проблемами, происходящими в окружающей среде, предлагает студентам задания по подготовке проектов. Выполнение этого задания, защита проекта дает возможность развития навыков культуры публичного выступления, систематизации мыслей, умения выражать свои убеждения, защищать свое мнение. Защита задания выполняется перед группой и способствует развитию взаимоотношений в группе. Итак, создание мультимедийного проекта является эффективным методом, дающим возможность студентам получить необходимые теоретические знания и сформировать познавательный интерес к предмету. В результате развития языковых навыков студент должен полностью освоить словесное богатство казахского языка, хорошо усвоить фонетическую и словообразовательную систему языка, усвоить морфологические, синтаксические средства, уметь правильно их использовать в языковой практике. Только в этом случае студент, наряду с правильным использованием языка в повседневной жизни, сможет понимать и использовать стилистические, эмоциональные, выразительные, художественные возможности языка. Для достижения оптимального результата развития студента система обучения должна быть построена на научно-педагогической основе. Во время занятий, применяя модульную систему обучения, можно уделить внимание личностному развитию студентов. Модульная технология обучения имеет свои особенности использования в новых технологиях каждой дисциплины. Учебный модуль состоит из трех структурных частей: введения, основной части и заключения. Преподаватель уделяет внимание каждому модулю, стремится достичь поставленных целей. Преподаватель обдумывает виды организации занятия. Необходимо, чтобы уровень учебных материалов соответствовал содержанию темы.

### **ВЫВОДЫ**

В заключение отметим, что использование новых технологий в настоящее время даёт хорошие результаты в обучении казахскому языку. Эти результаты видны и становятся предметом обсуждений. В перспективе, думаем, на это возникнет новый взгляд, будут привнесены новые идеи. По нашему мнению, продолжение, развитие данных новых идей - дело будущего.

### ***Использованная литература:***

1. Қ. Өстеміров, А. Айтбаева, Қазіргі білім беру технологиялары, Алматы, 2006
2. Исаев С. М, Бектуров Ш. К. Сөйлемдегі грамматикалық талдаудың тәсілдері. - Алматы, 2007.
3. Амиргалина Н. Білім беру инновациялық технологияларының бірі - прек-  
конспектшер^ Алматы: БШМ. № 4, 2009. 17-19 б.
4. Амандыкова Г. Шет тілін оқыту эдьютемеа. Алматы, 2007. 103-105 б.
5. Садуова Ж. Инновациялық; технологияларды білім беруде колдану - Алматы: БШМ.  
№ 5, 2006. 22-24 б.

6. Такишева Г. Модулді оқыту технологиясын пайдаланудың тиімділігі. Алматы: Бшм. № 4, 2009.

## MASOFALI O'QITISH JARAYONIDA INFORMATIKANI FANINI O'QITISHDAGI DIDAKTIK TIZIMLAR

Yuldashev Ulmasbek Abdubanapovich

GulDU katta o'qituvchisi

Samatboyeva Marjona Baxtiyor qizi

GulDU talabasi

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6800017>

**Annotatsiya.** So'nggi yillarda texnologiyalar va Internetning jadal rivojlanishi ta'limda ko'plab o'zgarishlarga olib keldi. Ta'limdagi eng muhim o'zgarishlardan biri bu masofadan turib o'qitish shaklidir. O'qituvchilar va o'quvchilar bir-biridan ajratilgan joylarda ta'limni aniqlash uchun foydalaniladigan masofaviy o'qitish yangi tushuncha emas; ammo, rivojlanayotgan texnologiyalar va Internet veb-asosidagi masofaviy o'qishga imkon beradi va shuning uchun uning mashhurligini oshiradi. Ushbu ishlanmalar natijasida ko'plab universitetlar vaqt va joydan mustaqil ravishda moslashuvchan ta'lim berish uchun veb-asoslangan masofaviy o'qitish tizimlaridan foydalanishni boshladilar.

**Kalit so'zlar:** masofaviy ta'lim, adabiyot manbalarini haqida umumiy ma'lumot, Ta'limni boshqarish tizimlari

## ДИДАКТИЧЕСКИЕ СИСТЕМЫ В ПРЕПОДАВАНИИ ИНФОРМАТИЗАЦИИ В ДИСТАНЦИОННОМ ОБРАЗОВАТЕЛЬНОМ ПРОЦЕССЕ

**Аннотация.** В последние годы бурное развитие технологий и Интернета привело ко многим изменениям в образовании. Одним из важнейших изменений в образовании является дистанционное обучение. Дистанционное обучение, которое используется для определения обучения в местах, где учителя и ученики отделены друг от друга, не является новой концепцией; однако новые технологии и Интернет позволяют проводить дистанционное обучение через Интернет и, следовательно, повышают его популярность. В результате этих событий многие университеты начали использовать системы дистанционного обучения на основе Интернета, чтобы обеспечить гибкое образование независимо от времени и места.

**Ключевые слова:** дистанционное обучение, обзор литературы, системы управления обучением.

## DIDACTIC SYSTEMS IN THE TEACHING OF COMPUTER SCIENCE IN THE DISTANCE EDUCATION PROCESS

**Abstract.** In recent years, the rapid development of technology and the Internet has led to many changes in education. One of the most important changes in education is distance learning. Distance learning, which is used to define learning in places where teachers and students are separated from each other, is not a new concept; however, new technologies and the internet are enabling distance learning over the internet and therefore increasing its popularity. As a result of these developments, many universities have begun to use Internet-based distance learning systems to provide flexible education regardless of time and place.

**Key words:** distance learning, literature review, learning management systems.

## KIRISH

Kompyuter texnologiyalarining keng tarqalishi ta'lim sohasini yangi texnikaviy vositalar bilan ta'minlash bilan birga yangi didaktik imkoniyatlarni ham kengaytirdi. Ta'lim tizimiga joriy qilinayotgan kompyuterlar ta'lim muassasalarini axborotlashtirishi bilan birga o'quv jarayonini ta'limning yangi shakllari bilan ta'minlashga yo'l ochib berdi.

Hozirgi kunda ko'pchilik rivojlangan mamlakatlarning ta'lim muassasalarida *kunduzgi, sirtqi, eksternat* va *masofali* kabi ta'lim shakllaridan foydalanib kelinmoqda. Kompyuter texnologiyalarining ta'lim jarayoniga kirib kelishi an'anaviy o'qitish usullariga qo'shimcha ravishda yangi o'qitish shakli - masofali o'qitish yaratilishiga asos bo'ldi [1].

Masofali ta'limda o'quvchi va o'qituvchi fazoviy bir-biridan ajralgan holda o'zaro maxsus yaratilgan o'quv kurslari, nazorat shakllari, elektron aloqa va Internetning boshqa texnologiyalari yordamida doimiy muloqotda bo'ladilar. Internet texnologiyasini qo'llashga asoslangan masofali o'qitish jahon axborot ta'lim tarmog'iga kirish imkonini beradi, integratsiya va o'zaro aloqa tamoyiliga ega bo'lgan muhim bir turkum yangi funktsiyalarni bajaradi.

Masofali o'qitish jarayonida Informatika fani bo'yicha didaktik tizimning tarkibi quyidagilardan iborat bo'lishi maqsadga muvofiq:

- o'quv rejalar va dasturlarning elektron versiyalari;
- ✓ elektron darslik va uslubiy qo'llanmalar;
- ✓ audio o'quv-axborot materiallari;
- ✓ video o'quv-axborot materiallari;
- ✓ tizimli va amaliy dasturlarni o'rganish bo'yicha trenajyorlar;
- ✓ o'quv kinofilmlari;
- ✓ o'quv mashg'ulotlari uchun didaktik materiallar;
- ✓ multimediali dars ishlanmalari;
- ✓ o'rgatuvchi va nazorat qiluvchi dasturiy vositalar;
- ✓ virtual amaliy mashg'ulotlar;
- ✓ virtual laboratoriyalar;
- ✓ Informatikadan mustaqil ishlash uchun mashq va masalalar;
- ✓ elektron entsiklopediya va lug'atlar.

## TADQIQOT METODI VA METODOLOGIYASI

Masofali o'qitishga yo'naltirilgan didaktik tizimni yaratish uchun mualliflar jamoasi kompyuter texnologiyalari bo'yicha quyidagi malaka va bilimlarga ega bo'lishlari lozim [2]:

- shaxsiy kompyuterlar va ularning qo'shimcha qurilmalarida ishlash;
- zamonaviy dasturiy vositalarida ish yuritish, MS Office boshqa standart dasturlarda ishlashni bilish;
- internet tarmog'ida ishlashning asosiy tamoyillarini bilish, brauzerlar va elektron pochta tizimidan foydalanish;
- kompyuter texnologiyalari vositalaridan ta'lim jarayonida foydalanib o'qitish muammolari bo'yicha yaratilgan metodik va ilmiy adabiyotlar bilan tanishib borish;
- o'quv jarayonini boshqarish uchun kompyuter texnologiyalarini qo'llash imkoniyatlarini egallash;
- dasturiy vositalarni didaktik imkoniyatlari nuqtai nazaridan tahlil qila bilish;



- internetda mustaqil turli xil elektron ma'lumotnomani, ma'lumotlar bazasi, axborot - qidiruv tizimlari va lug'atlardan foydalana bilish;
- ma'lumotlarni saqlash, tahlil qilish va ularni maqbul tavsif etish shakllarini tanlay olish.

### TADQIQOT NATIJASI

Informatika fani bo'yicha tashkil qilingan didaktik tizim doimiy yangilanib borishi va to'ldirilishi lozim, chunki kompyuter texnologiyalari tezda yangilanib, takomillashtirilib borilmoqda. Fanlar bo'yicha didaktik tizimlarni takomillashtirish va to'ldirib borish ta'lim muassasasining pedagog-o'qituvchilari va muhandis-texnik xodimlariga juda katta mas'uliyat yuklaydi.

Masofali o'qitish uchun tayyorlanadigan didaktik tizimni ishlab chiqishga bir necha pedagog-o'qituvchilar va muhandis-texnik xodimlar jalb qilinadi. Ularning funktsiyasi quyidagilardan iborat:

| Masofali o'qitish uchun didaktik tizimni yaratish va foydalanish jarayoni                 |                                                                                                                             |                                                                                                                                                     |                                                                                                                                                                                               |                                                                                            |                                                                                                                      |                                                                                                                                            |
|-------------------------------------------------------------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| O'qituvchi, muallif                                                                       | Texnik mutaxassislar                                                                                                        | Kurs administrato ri - menedjer                                                                                                                     | Psixolog                                                                                                                                                                                      | O'quvchi                                                                                   | Pedagogik jamoa                                                                                                      | Tyutor                                                                                                                                     |
| O'quv materialin g mazmuni va o'quv kursini to'ldirish bilan bog'liq masalalarni bajaradi | O'quv kursida texnik vositalarni qo'llash muammolari bilan shug'ullanadi (yuklash, tarmoqqa kirish, texnik xatolar va h.k.) | Administrator -larga tegishli barcha muammolar – tinglovchilar qabul qilish, seminar, imtihon, telekonferen- tsiyalar o'tkazish grafigini belgilash | Muammoli vaziyatlar muhokamasi, o'quvchining shaxsiy xususiyatlari, o'qitish strategiyasini tanlash, o'quvchilarnin g psixologik monitoringini muhokama qilish masalalari bilan shug'ullanadi | Didaktik tizimdan foydala- nuvchi, o'quv faoliyati yakka va guruh shaklda tashkil qilinadi | Tajriba almashish, muammoli vaziyatlarni hamkorlikd a echish, o'quvchilar faoliyatini baholashda faoliyat ko'rsatadi | Tarmoq foydalanuv- chilariga o'quv materiallar tavsiya qilish, o'quv loyihalari-ni tashkil etish, konsulta tsiyalar tashkil qilish va h.k. |

### MUHOKAMA

O'rgatuvchi internet manbalariga masofaviy ta'lim, virtual maktablar, laboratoriyalarni misol sifatida keltirish mumkin.

Maslahat beruvchi internet manbalariga turli telekonferensiyalar, virtual pedagogik kengashlar, virtual uslubiy birlashmalar, muammoviy kengashlar va h.k larni misol keltirish mumkin [3].

Axborotli internet manbalariga elektron o'quv qo'llanmalar, ma'lumotnomalar, elektron kutubxonalar, lug'atlar, kataloglar, virtual muzeylarni keltirish mumkin.

Baholovchi internet manbalariga teletesting , masofaviy konkurs larni, proektlar, turli viktorinalar, olimpiadalarni misol tariqasida keltirish mumkin.

Taqdimotli Internet manbalariga ta'lim muasasalarining ta'lim yo'nalishlari haqida atroflicha ma'lumotlar yoritilgan alohida sahifalarni keltirish mumkin [4].

Xorijiy tillarni o'qitishda kompyuter texnologiyalari yordamida quyidagi yo'nalishlarda foydalanish mumkin:

- til o'qitishda kompyuter texnologiyalari yordamida tarjimon dasturlardan;
- turli lug'atlardan;

#### **XULOSA**

Bu narsa matnlarni tarjima qilish samaradorligini oshiradi. Kompyuter texnologiyalari bilim oluvchilarning, ayniqsa, mustaqil shug'ullanish istagida bo'lgan o'quvchilarning mustaqil ishini tashkil etishda, o'qitish jarayonida juda kuchli vosita bo'lib xizmat qiladi [5].

#### *Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:*

1. Eshbaevich, T. D., Bakhronovich, N. M., Abdubanopovich, Y. U., & Sherali's, S. I. (2020). Resource support of distance course information educational environment. *Journal of Critical Reviews*, 7(5), 399-400.
2. Abdubanapovich, Yuldashev Ulmasbek, and Samatboyeva Marjona Baxtiyor Qizi. "RAQAMLI TEXNOLOGIYALARINING TA'LIM SOHASIDA QO'LLANILISHI." *Science and innovation* 1.B3 (2022): 110-113..
3. Abdubanatovich, Yuldashev Ulmasbek, and Khakimova Farangis Abdualimovna. "USING THE MODERN INFORMATION TECHNOLOGIES TO IMPROVE THE QUALITY OF THE EDUCATION PROCESS." *Web of Scientist: International Scientific Research Journal* 2.05 (2021): 693-697.
4. Yuldashev U. A., Xudoyberdiev M. Z., Axmedov T. B. O'QUV JARAYONINING SIFATINI OSHIRISHDA ZAMONAVIY AXBOROT TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISH G'G' Academic research in educational sciences. – 2021. – T. 2. – №. 3. – S. 1262-1268.
5. Eshbaevich, T. D., Bakhronovich, N. M., Abdubanopovich, Y. U., & Sherali's, S. I. (2020). Resource support of distance course information educational environment. *Journal of Critical Reviews*, 7(5), 399-400.

## BOLALARGA ATROF - MUHITNI TANISHTIRISHDA ESTETIK TARBIYANING O'RNI

I.Soliyev

Farg'ona davlat universiteti, PhD

Tovoldiyeva Z.R

Farg'ona davlat universiteti, magistrant

Topvoldiyeva. M

Farg'ona davlat universiteti, talaba

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6800042>

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada maktabgacha ta'lim tashkilotlarida bolalarni tabiat bilan tanishtirishda estetik tarbiyaning ahamiyati ko'rsatib o'tilgan. Ushbu maqola orqali bolalarning estetik faoliyatini olib borish uchun ko'rsatmalar berilgan. Shuningdek, oddiy misollar orqali bolalarda estetika faoliyatini olib borish aniq va ilmiy asosda tushunchalar hosil qilish imkoniyatlari ochib berilgan.

**Kalit so'zlar:** estetika, go'zallik, tarbiya, ma'naviyat, gigiyena, tozalik, uyqu, tabiat.

## РОЛЬ ЭСТЕТИЧЕСКОГО ВОСПИТАНИЯ В ПРИОБЩЕНИИ ДЕТЕЙ К ОКРУЖАЮЩЕМУ МИРУ

**Аннотация.** В данной статье показано значение эстетического воспитания в приобщении детей к природе в дошкольных образовательных учреждениях. В данной статье приведены инструкции по эстетической деятельности детей. Также на простых примерах на наглядной и научной основе раскрываются возможности осуществления эстетической деятельности у детей.

**Ключевые слова:** эстетика, красота, воспитание, духовность, гигиена, чистота, сон, природа.

## THE ROLE OF AESTHETIC EDUCATION IN INTRODUCING CHILDREN TO THE ENVIRONMENT

**Abstract.** This article highlights the importance of aesthetic education in introducing children to nature in preschools. This article gives you a brief overview on fraudulent activities for children. It also reveals the possibilities of creating clear and scientifically based concepts of conducting aesthetic activities in children through simple examples.

**Keywords:** aesthetics, beauty, education, spirituality, hygiene, cleanliness, sleep, nature.

## KIRISH

Bolalarni atrof – muhit bilan tanishtirishda estetik tarbiyani shakllantirishning o'rni beqiyosdir. Bolalarni go'zallikka oshno qilish, ularda hayotiy voqealarni to'g'ri tushunish, oliyanob his – tuyg'ularni va intilishlarni shakllantirishga yordam beradi. Estetik tarbiya orqali bola tabiatdan zavq oladi. Tabiatdan zavq olish uchun esa albatta, tozalik muhim ahamiyatga ega. Masalan, ovqatlanishdan avval qo'llarni yuvish, ozoda kiyinish kabilar.

## TADQIQOT METODI VA METODOLOGIYASI

Tozalik esa quyidagilarni ifoda etadi:

- bolalarning ma'naviy kamolotini ta'minlash, bolalarning nafosat va orastaligini shakllantirish, ularda kiyinish, yechinish, sochlarini tarab orasta bo'lib yurish, boshlagan ishlarini oxiriga yetkazish kabi hislatlarini tarkib toptirish;

- kiyimlaridagi nuqsonlar (loy sachrashi, choki so'qilishi, tugmasining tushib qolishi)ni o'z vaqtida sezish, uni kattalar yordamida bartaraf qilishga odatlantirish;

- shaxsiy gigiyena (qo'lni sovun bilan yuvish, tirnoqlarni olish, iflos narsalarga qo'l tekkizmaslik kabi) qoidalariga rioya qilishga o'rgatish;

- uyqudan keyin, ovqatlanishdan oldin, uy yumushlarini bajargandan so'ng suvni isrof qilmasdan yuvinishga o'rgatish, qo'l, oyoq va badan uchun foydalaniladigan sochiqlarni farqlashga odatlantirish;

- ertalab yuvinmasdan kattalarga salom berish hurmatsizlik ekanligini anglatish;

- kiyimlarini tez va to'g'ri kiyib-yechishga odatlantirish, tengdoshlari kiyimidagi kamchilik va tartibsizliklardan ohista ogohlantirishga o'rgatish, ko'chada qog'oz va boshqa ortiqcha narsalarni yerga tashlamaslik, ularni belgilangan joyga tashlashga o'rgatish, atrofidagi kishilarga, o'rtoqlariga nisbatan xushmuomalalikni shakllantirish, ko'chada, jamoat joylarida, mehmonda tartib-intizomli bo'lishga odatlantirish, xonaga kirganda oyoq-kiyimni echish va artib, joyiga tartibli qo'yishga o'rgatish;

### **TADQIQOT NATIJASI VA MUHOKAMA**

Bolalarga ekologik ta'lim berish bolalarga zarur va foydalidir. Bunda bolalarda quyidagilar ham muhimdir:

- bolalarga tevarak-olam va tabiat hodisalari haqida ma'lumot berish. Yer, osmon, quyosh, oy, yulduzlar, havo, suv, bulut, yog'ingarchilik, tuman, shamol, chaqmoq, momaqaldiraq kabi tabiat hodisalari haqida tasavvur hosil qilish;

- jonli tabiat-o'simlik va hayvonot dunyosi bilan yaqindan tanishtirish, manzalari daraxtlar (tol, terak, chinor, tut, qayrag'och, archa), mevali daraxtlar (olma, olcha, o'rik, shaftoli va boshqalar), dala o'simliklari (paxta, piyoz, lavlagi, kungaboqar, bug'doy va boshqalar), buta o'simliklari (na'matak, malina, maymunjon va boshqalar) nomlari bilan tanishtirish hamda ularni o'zaro farqlashga o'rgatish;

- bolalarda tabiat go'zalliklaridan zavq olish tuyg'usini tarbiyalash, o'simliklarga zarar yetkazmaslik (daraxt shoxlarini sindirmaslik, o't-o'lanlarni bosmaslik, atrof-muhitni iflos qilmaslik kabilarni)ni ularning ongiga singdirish;

- uy hayvonlari bilan yaqindan tanishtirish, ularni parvarish qilishga o'rgatish, yovvoyi hayvonlar bilan tanishtirish (hayvonot bog'iga sayr qilish, rasmlar, multfilmlar va boshqa teleko'rsatuvlarni tomosha qilish yordamida), hayvonlarning (maymun, yo'lbars, Sher, bo'ri, tulki, ayiq, fil, olmaxon, kiyik, bug'u kabilarning) nomlarini aytishga o'rgatish;

- bolalarning qushlar haqidagi tasavvurlarini kengaytirish, qushlarning yashash tarzi- o'troq qushlar, ayrim qushlar (qaldirg'och, laylak, turna va boshqalar)ning bahorda uchib kelishi, kuzda issiq o'lkalarga uchib ketishi, qarg'aning kuzda uchib kelishi va bahorda uchib ketishi haqida ma'lumot berishi;

- bolalarga tabiat va uni asrash zarurati haqida ma'lumot berish, meva va sabzavotlar (olma, uzum, qovun, tarvuz, nok, shaftoli, o'rik, gilos, qulupnay, sabzi, karam, pomidor, piyoz, kartoshka va boshqalar) nomini, shaklini, rangini va ta'mini aytib berishga o'rgatish, ulardan biri qayerda (daraxtda, polizda kabi) o'sishi haqida tasavvur hosil qilish;

- gullar bilan tanishtirishda davom etish, ularning nomlarini to'g'ri aytishga, rangi va o'ziga xos belgilarini ajrata olishga o'rgatish, xona gullari haqida ma'lumot berish, ulardan ayrimlarining nomini aytishga o'rgatish, ularni parvarish qilishga o'rgatish;

- uy hayvonlari (mushuk, kuchuk, sigir, qo'y, echki, ot va boshqalar) va ularning bolalari nomlarini aytilishga o'rgatish, har qaysi uy hayvoni nomi bilan oziqlanishi haqida tasavvur hosil qilish, ularning o'ziga xos xususiyatlari (yurishi, ovoz chiqarishi)ni o'rgatish;

- qushlar (chumchuq, musicha, kaptar, to'ti, bulbul, boyo'g'li, qaldirg'och, qarg'a va boshqalar) ning nomi, katta-kichikligi, rangi, qanday ovoz chiqarishi, oziqlanishi bilan tanishtirish;

- baliq, qurbaqa, ilon, toshbaqa, tipratikan, tovuq, o'rdak, qoz kabi jonivorlar qanoti bilan tanishtirish;

- yil fasllari, ularning nomi va o'ziga xos xususiyatlari bilan tanishtirish, o'simliklarning tarkibiy tuzilishi (ildizi, tanasi, bargi) haqida tasavvur hosil qilish, o'simliklarning fasllarga ko'ra o'zgarishi haqida ma'lumot berish;

- daraxt va butalar kurtaklarining bo'rtishi, barg yozishi va gullashi, maysalarning o'sib chiqishi haqida tasavvur hosil qilish;

- o'simliklarni parvarish qilishda va hosilini yig'ishda ishtirok etishga o'rgatish;

- hovlida (chinnigul, atirgul, moychechak, nastarin, gulxayri, rayhon, namozshomgul) va xonada (sabur-aloe, qumanjir-kaktus va boshqalar)o'sadigan gullar va ularni o'zaro farqlashga o'rgatish;

- uyda parvarish qilinadigan qushlar (to'ti, bedana, kanareyka, sa'va, tovuq kabilar) bilan tanishtirish, ularni parvarish qilishga o'rgatish;

- uyda boqiladigan parrandalar (tovuq, o'rdak, g'oz, kurka) haqida kengroq ma'lumot berish, ularni parvarish qilishga o'rgatish;

- baliq, qurbaqa, ilon, chayon, ninachi, chumoli, qo'ngiz, qurt, chigirtka, kapalak, sichqon, kalamush kabi jonivorlar haqida ma'lumot berish, ularga nisbatan foyda yoki zarar keltirishiga qarab to'g'ri munosabatni shakllantirish, hayvonlarga g'amxo'rlik ko'rsatish va ulardan o'zini muhofaza qilishga o'rgatish;

- bolalarga inson hayoti uchun zarur bo'lgan iqtisodiy-ekologik va tabiiy ehtiyojlar haqida ma'lumot berish, bolalarda dastlabki iqtisodiy tushunchalarni shakllantirishga e'tibor berish, bozor iqtisodi, pul, tovar, sotish, sotib olish, tejamkorlik, isrofgarchilik, uvol, sifat, narx, biznes, biznesmen singari tushunchalar haqida dastlabki ma'lumotlarni berish. Bolalarni savdolaшиб harid qilishga o'rgatish;

- bolalarga suv, havo, oziq-ovqat, kiyim-kechak, yorug'lik issiqlikning inson hayotidagi ahamiyatini, bu manbalarni toza saqlash zarurligini, tabiatning tozaligi faqat tabiat uchungina emas, balki odamlarning o'zlari uchun ham g'oyat zarur ekanligini tushuntirish, maysa, o't-o'lan, daraxtlar, qush va turli jonivorlarga ozor yetkazish, ularga zarar etkazish mumkin emasligi borasida tushuncha uyg'otish, «savob» va «gunoh» tushunchalarini ekologiya sohasida tadbiq etishga o'rgatish kabilar bolalarni aqlan o'sishida ham o'z ifodasini topgan.

### XULOSA

Xulosa qilib aytganda, Estetik tarbiyaning eng muhim omili — bu tabiatdir. Tabiat bilan doimiy ravishda munosabatda bo'lmay turib, estetik jihatdan rivojlanish, estetik tarbiyani uyushtirish mumkin emas. Shaxs ongida tabiatning estetik qadriyatlarini tuyg'usini shakllantirish inson estetik kamolatining o'ziga xos «poydevor» dir. Hozirga ekologik inqiroz va halokat xavfi ortib borayotgan sharoitda estetik tarbiyaning bu qirrasini tobora ko'proq ahamiyat kasb etoqda. Hozirgi kunda estetik tarbiya va ekologik tarbiya o'rtasida azaldan mavjud bo'lgan aloqadorlik

yanada kuchaymoqda. Insonparvarlik ruhi, maqsadlarning umumiyliigi ularni bir-biriga yaqinlashtiradi. Bu yaqinlik, o`zaro bog`liklik estetik tarbiya ekologik tarbiyaning eng muhim vositalaridan biri sifatida namoyon bo`lishiga, ekologik tarbiya esa o`z navbatida estetik tarbiya jarayonlarining samarali amal qilishga zarur shart-sharoitlar yaratib berishida ko`rinadi. Estetik tarbiya bolalarga juda zarur. Uni rivojlantirish esa kattalarga juda katta mas`uliyat yuklaydi.

*Foydalanilgan adabiyotlar ro`yxati:*

1. Qodirova F.R., Toshpo`latova Sh.Q., Qayumova N.M., A`zamova M.N. Maktabgacha pedagogika. "Tafakkur" nashriyoti. 2019.
2. Nishonova Z., Alimova G. Bolalar psixologiyasi va uni o`qitish metodikasi. "O`zbekiston Yozuvchilar uyushmasi Adabiyot jamg`armasi" nashriyoti. 2006.
3. Mirzayev T., G`afurov Z. Tabiatni e`zozlash umumbashariy muammo. "Yangi asr avlodi" nashriyoti. 2001.
4. Djanpeisova G.E., Rasulxo`jayeva M.A., Qosimova D., Tabiat bilan tanishtirish metodikasi. Toshkent 2019.



## MALAKALI PEDAGOGIK FAOLIYAT ORQALI QOBILIYATLI BOLALARNI ANIQLASH

**Yusupova Diloromxon Sabirdjanovna**

Andijon davlat universiteti, "Umumiy pedagogika" kafedrası o'qituvchisi

**Maxmudjonov Ibroximjon Ismoiljon o'g'li**

Andijon davlat universiteti, Ijtimoiy iqtisodiyot fakulteti

Pedagogika va psixologiya yo'nalishi 2-bosqich 202- guruh talabasi

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6803423>

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada malakali pedagogik faoliyat orqali qobiliyatli bolalarni aniqlashga qaratilgan. Hozirgi rivojlanib borayotgan vaqtda har bir mamlakat o'zining kelajagini mustaxkamlashi va uni ertangi kunini o'ylashga majbur. Bizning mamlakatimizda ham yosh avlodni tarbiyalash, ularni har tomonlama qo'llab quvvatlash, istedotli va qobiliyatli yoshlarni faoliyat olib borishi uchun juda ko'p imkoniyatlar yaratilgan, va barchga shart sharoitlar buning uchun yetarli.

**Kalit so'zlar:** psixologik, pedagogik, yoshlar, obilyat, muvaffaqiyat, individual, shaxs, mehnatsevarlik, ishchanlik, talabchanlik.

## IDENTIFICATION OF GIFTED CHILDREN THROUGH QUALIFIED PEDAGOGICAL ACTIVITY

**Abstract.** This article focuses on identifying gifted children through competent pedagogical activities. At the current developing time, every country has to strengthen its future and think about tomorrow. In our country, many opportunities have been created for educating the young generation, supporting them in every way, for the activities of talented and capable young people, and all the necessary conditions are sufficient for this.

**Key words:** psychological, pedagogical, youth, ability, success, individual, personality, diligence, hard work, demandingness.

## ВЫЯВЛЕНИЕ ОДАРЕННЫХ ДЕТЕЙ ЧЕРЕЗ КВАЛИФИЦИРОВАННУЮ ПЕДАГОГИЧЕСКУЮ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ

**Аннотация.** Данная статья посвящена выявлению одаренных детей посредством грамотной педагогической деятельности. В нынешнее время развития каждая страна должна укреплять свое будущее и думать о завтрашнем дне. В нашей стране тоже создано много возможностей для воспитания молодого поколения, всемерной поддержки его, для деятельности талантливой и способной молодежи, и для этого достаточно всех необходимых условий.

**Ключевые слова:** психологический, педагогический, молодежь, способность, успешность, личность, личность, трудолюбие, трудолюбие, требовательность.

## KIRISH

Kasbiy va mehnat faoliyati vaqtning asosiy qismini egallaydi va inson o'zini shaxs sifatida anglashga intilishi kerak bo'lgan samolyot sifatida harakat qilishi kerak. Inson mehnatga qanday munosabatda bo'lishi, muvaffaqiyat va muvaffaqiyatsizliklarni, g'alaba va mag'lubiyatlarni qanday qabul qilishi, uning hissiy holati va farovonligiga bog'liq bo'lib, bu ko'p jihatdan uning ishining samaradorligini shakllantirishga ta'sir qiladi. Kasbiy o'zini o'zi anglash oliy ta'lim

muassasasi o'qituvchisining kasbiy va ijodiy o'zini o'zi rivojlantirishning shaxsiy regulatori bo'lib xizmat qiladi.

### **TADQIQOT METODI VA METODOLOGIYASI**

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 29 dekabr kungi Oliy Majlisga navbatdagi Murojaatnomasida “Yoshlarni zamonaviy bilim va tajriba, milliy va umumbashariy qadriyatlar asosida mustaqil va mantiqiy fikrlaydigan, ezgu fazilatlar egasi bo'lgan insonlar etib voyaga etkazamiz” deb aytgan so'zlari ta'lim jarayoni ishtirokchilarining jamiyat taraqqiyoti yo'lidagi rolini oshirish bilan bir qatorda ularning zimmasiga ulkan vazifalarni belgilab berdi.

Jamiyatimizning ijtimoiy-iqtisodiy hayotida ro'y berayotgan tub o'zgarishlar davlatimizning oldiga ta'lim tizimini rivojlantirish bilan bog'liq muhim masalalarni qo'ydi. Ushbu vazifalar yechimi sifatida kompetent yondashuvga asoslangan ta'lim standartlarining amaliyotga tadbiq etilishi zamon talab etayotgan intellektual salohiyatli kadrlarni tayyorlashga qaratilgan bo'lsa, bevosita bu jarayon pedagog faoliyatiga ham izchil bog'liq sanalanadi. Bozor munosabatlari sharoitida mehnat bozorida ustuvor o'rin egallagan kuchli raqobatga bardoshli bo'lish har bir mutaxassisdan kasbiy kompetentlikka ega bo'lish, uni izchil ravishda oshirib borishni taqozo etmoqda.

Psixologik, pedagogik va maxsus (mavzu bo'yicha) bilim zarur, lekin bular hech qachon kasbiy kompetentlik uchun yetarli emas. Ularning ko'pchiligi, xususan, nazariy, amaliy va uslubiy bilimlar intellektual va amaliy ko'nikma va malakalarning old shartidir. O'qituvchining kasbiy kompetentligining tuzilishi uning pedagogik mahorati orqali ochiladi, ular o'qituvchining eng xilma-xil harakatlarining kombinatsiyasi bo'lib, ular asosan pedagogik faoliyatning funktsiyalari bilan bog'liq bo'lib, ko'p jihatdan o'qituvchining individual psixologik xususiyatlarini ochib beradi.

Pedagogik faoliyat orqali o'quvchilarning qobiliyatlarini aniqlash har bir pedagogning muhim vazifalaridan biri desak ham bo'ladi, chunki dars o'tish jarayonida o'qituvchi pedagog tomonidan berilayotgan ma'lumotlarni o'zlashtirilishiga qarab ham pedagog o'quvchining qiziqishlarini, qobiliyatlarini bilib olishi mumkin. Pedagog misol uchun talabani dars jarayonidagi faoliyati, o'zlashtirishi orqali ham ko'p narsani biladi. Talabalarning har xil misol uchun dars jarayonida sust ishtirok etayotgan talabani boshqa sohaga qizigishi bo'lishi mumkin. Bunday jarayonda pedagog o'z qo'l ostida ta'lim olayotgan talabani qiziqishlariga qarab yo'nalish ko'rsatishi kerak. Pedagog o'zini o'zini oladigan bo'lsak bola yetaklovchi to'g'ri yo'lga soluvchi degan ma'noni tushunamiz.

### **TADQIQOT NATIJASI**

Qobilyat—insonning individual salohiyati va imkoniyatlaridir. Qobilyat bilimdan keskin farqlanadi, bilim mutolaa natijasi hisoblanadi, qobilyat shaxsning psixologik va fiziologik tuzilishining xususiyati sanaladi. Qobilyat ko'nikma, malakadan farq qiladi. Aksariyat ilmiy manbalarda mohirlik bilan qobilyat anglatiriladi. Qobilyat inson tomonidan ko'nikma va malakalarning egallanishi jarayonida takomillashib boradi.

Har qanday qobilyat turi shaxsга tegishli murakkab psixologik tushunchadan tashkil topgan bo'lib, u faoliyatning talablariga mutanosib xususiyatlar tizimini o'z ichiga oladi. Shuning uchun qobilyat deganda birorta xususiyatning o'zini emas, balki shaxs faoliyatining talablariga javob bera oladigan va shu faoliyatda yuqori ko'rsatkichlarga erishishni ta'minlashga imkoniyat beradigan xususiyatlar sintezini tushunmoq lozim. Barcha qobilyat uchun tayanch xususiyat —

kuzatuvchanlikda, ya'ni insonni fahmlash, ob'ektdan u yoki bu alomatlarini ko'ra bilish, ajrata olish ko'nikmasidir.

### MUHOKAMA

Qobilyatning yetakchi xususiyatlaridan biri — narsa va hodisalar mohiyatini ijodiy tasavvur qilishdir. U shaxsning shakllanishi va rivojlanishi natijasi bo'lishi bilan birga, tabiiy manbaga ham ega. Bu tabiiy manba ko'pincha zehn tushunchasi bilan yuritiladi. Zehn muayyan bir faoliyatga yoki ko'pgina narsalarga nisbatan ortiqcha qiziquvchanlikda, moyillikda, intilishda namoyon bo'ladi. Zehn nishonalari deganda qobilyat ichki imkoniyatlarning mohiyatini tushunish lozim. U ishtiyoq, moyillik, mehnatsevarlik, ishchanlik, talabchanlik kabilarning mahsulidir. Qobilyat umumiy va maxsus turkumlarga ajratiladi. Umumiy qobilyat deganda yuksak aqliy imkoniyat va taraqqiyot tushuniladi. Qobilyat tabiiy ravishda shakllanishi va muayyan reja asosida rivojlantirilishi mumkin.

Qobilyatni ma'lum faoliyatga moyillik yoki intilish orqali, tabiiy zehn nishonalari aniklash, mutaxassis rahbarligida uzluksiz faoliyatga jalb etish, qobilyatni takomillashtirishning maxsus vositalarini qo'llash, shaxsning faollik alomatlarini maksimal darajada rivojlantirish, inson shaxsiga alohida yondashuvni umumiy talablar bilan uyg'unlikda olib borish va boshqa orqali rivojlantirish yo'llari mavjud. Qobilyatning yuqori darajasi iste'dod va daholikda namoyon bo'ladi.

### XULOSA

Xulosa o'rnida shuni aytish mumkunkin qobiliyati yuqori bo'lgan o'quvchi talabalar o'zlari ajrab chiqishadi. O'zlari ijtimoiy munosabatlarda o'z istedodlarini namoyon eta olmayotgan talabalarining o'z qobiliyatlarini namoyon etishlariga sharoit yaratib berishi, ko'p tomonlama qo'llab quvvatlashi kerak. Qobiliyatlar ikki xil bo'ladi; ya'ni ortirilganm kishi turmush faoliyati orqali ko'rgamni kechirganlari va ikkinchisi tug'ma bo'lishi mumkun. Bunday insonlar sirasiga qo'shiqchilarning farzandlari, sportchilarni olishimiz mumkun. Bunday faoliyat bilan shug'ullanuvchi shaxslarga nisbatan shunday gap "qonida bor", degan iboralar ham ishlatoiladi. Sportchi, san'atkor, rassomlarni siz boshqa kasbga o'rgatishingiz mumkun ammo bu ularda shu sohaga nisbatan qobiliyati bor degani emas. Ma'alkali pedagog shunday tushunmovchiliklar kuzatilmasligi uchun qo'lidan kelganicha yoshlar bilan faoliyat olib borishi yoshlarimizning kelajagiga qo'yilgan yuksak bir qadam desak mubolag'a bo'lmaydi.

### Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Ismoiljon ogli, Maxmudjonov Ibroximjon. "BOLALARNING PSIXOLOGIK XOLATLARINI SOG'LOM RUHIY MUHITDA TARBIYASH USULLAR." BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI (2022): 506-509.
2. Ibrohimjon, M. (2022). PSYCHOLOGICAL CRISES IN PERSONALITY PSYCHOLOGY AND WAYS TO OVERCOME THEM. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 10(4), 743-746.
3. Yusupova Dilorom Sobirjonovna, ELECTRONIC JOURNAL OF ACTUAL PROBLEMS OF MODERN SCIENCE, EDUCATION AND TRAINING, DECEMBER, 2021-12/2 47-51
4. [https://www.researchgate.net/publication/359230881\\_OLIY\\_TALIMDAGI\\_PEDAGOGIK\\_FAOLIYATNING\\_OZIGA\\_XOSLIGI](https://www.researchgate.net/publication/359230881_OLIY_TALIMDAGI_PEDAGOGIK_FAOLIYATNING_OZIGA_XOSLIGI)

5. Щербаков А.И., Мудрик А. В. Психология учителя // Возрастная педагогическая психология / Под ред. А.В. Петровского. Гл. IX. М., 1991.

## BOSHLANG'ICH SINFLARDA DARSDAN TASHQARI MASHG'ULOTLARDA MATEMATIKA FANINI O'QITISH USULLARI

**Rahmonova Nasibaxon**

Andijon davlat universiteti Pedagogika fakulteti, Boshlang'ich ta'lim yo'nalishi  
201-guruh talabasi

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6803439>

**Annotatsiya.** Boshlang'ich sinf matematika darslari maktab yoshidagi bolalar uchun hisob-kitob jarayonlarini o'rganishda muhim ahamiyatga ega. Ushbu maqola boshlang'ich sinflarda matematika o'qitishning darsdan tashqari shakllari va ularni tashkil etish bo'yicha tavsiyalarga bag'ishlangan.

**Kalit so'zlar:** dars, darsdan tashqari mashg'ulotlar, fakultativ mashg'ulotlar, yakka va guruh mashg'ulotlari.

## МЕТОДИКА ОБУЧЕНИЯ МАТЕМАТИКЕ ВО ВНЕУРОЧНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В МЛАДШИХ КЛАССАХ

**Аннотация.** Элементарные уроки математики важны для детей школьного возраста, чтобы научиться вычислительным процессам. Данная статья посвящена внеурочным формам обучения математике в начальных классах и рекомендациям по их организации.

**Ключевые слова:** урок, внеклассная работа, факультативная деятельность, индивидуальная и групповая деятельность.

## METHODS OF TEACHING MATHEMATICS IN EXTRACURRICULAR ACTIVITIES IN ELEMENTARY GRADES

**Abstract.** Elementary math lessons are important for school-age children to learn calculation processes. This article is devoted to extracurricular forms of mathematics teaching in elementary grades and recommendations on their organization.

**Key words:** lesson, extracurricular activities, optional activities, individual and group activities.

### KIRISH

Barchamizga ma'lumki, hozirda boshlang'ich sinflarda matematika o'qitishni tashkil etishning ikki xil shakli mavjud:

1. Dars
2. Darsdan tashqari mashg'ulotlar.

Dars — maktab ta'limining asosiy tashkiliy shakli. Dars muayyan miqdordagi doimiy o'quvchilar tarkibi bilan qat'iy tartibda uyushtiriladigan va aniq maqsadga yo'naltirilgan didaktik tadbir. Matematikadan o'quv ishlarini tashkil etishni darsdan tashqari mashg'ulotlarning asosiy vazifalari:

- o'quvchilarning bilimlarini, amaliy malakalarini chuqurlashtirish va kengaytirish;
- mantiqiy tafakkurni, topqirlikni, matematik ziyraklikni rivojlantirish;
- iqtidorli va qobiliyatli bolalarni aniqlash va ularni yanada o'sishiga yordam berish;
- matematika faniga qiziqishini shakllantirish;

- o'quvchilarni intizomli bo'lishga, mehnatga mehr qo'yishga, jamoa bilan ishlay olish ko'nikmalarini tarkib toptirishga, ularda umuminsoniy fazilatlarini shakllantirishga oid tarbiyaviy ishlarni amalga oshirish.

### **TADQIQOT METODI VA METODOLOGIYASI**

O'quv ishlarini tashkil etishda darsdan tashqari shakllari:

1. O'quvchilar bilan ishlab chiqarishga, tabiatga ekskursiyalar
2. Mustaqil uy ishlari
3. Fakultativ mashg'ulotlar
4. O'quvchilar bilan yakka va guruh mashg'ulotlari

Uy ishlari bu - o'quvchilarni darsdan tashqari vaqtlarda mustaqil, individual ishlashlarini tashkil qilish shakllaridan biri. Uy ishlarini tashkil etish natijasida bolalarda quyidagi xislatlar shakllanadi: Shaxsni xafsalaligi, Mehnatsevarligi, Uyushqoqligi, Intizomliligi Mas'ulyatliligi, O'z o'zini nazorat qilishi Uy ishlarini tashkil qilishda quyidagi talablar asosida bo'lishi lozim:

- Uyga beriladigan vazifalar o'quvchilarning bilimlariga mos kelishi kerak;
- Uy vazifalari va unga sarflaydigan vaqt meyor darajasida bo'lishi kerak;
- Uy vazifalarini bajarish bo'yicha ko'rsatma bo'lishi kerak;
- Uy vazifalarini tizimli ravishda berib borish kerak;
- O'quvchilar muntazam uy ishlarini bajarishlari shart;
- Hamma o'quvchi o'z imkoniyatiga qarab har doim topshiriq olishi uy ishlarini individuallashtirishni amalga oshirish maqsadga muvofiqdir;
- Uy vazifasini ko'rinishi va mazmuni turli-tuman bo'lishi zarur;
- Uy vazifasi o'qituvchi tomonidan tekshirilishi shart.

### **TADQIQOT NATIJASI**

Darsdan tashqari vaqtlarda o'quvchilar bilan o'tkaziladigan individual va guruh mashg'ulotlar maqsadi: o'quvchilarni o'zlashtirgan bilimidagi kamchiliklarni bartaraf qilishda ularga yordam berish, o'quvchilarni ilm olishdagi qoloqliklarning oldini olish. Bu mashg'ulotlar odatda individual yoki guruh mashg'ulotlarida o'tkaziladi.

Matematik o'n minutliklar: 1-sinfda haftasida bir marta butun sinf o'quvchilari ishtirokida o'tkaziladi. Sinf chegarasidan tashqarida (kuni uzaytirilgan guruhlarida, tabiatda, ekskursiyalarda) o'tkaziladi. Darsda beriladigan topshiriqlardan farqlanuvchi qiziqarli topshiriqlar berilishi maqsadga muvofiq. Topshiriqlar mazmuni bolalar bilim saviyasiga mos bo'lishi kerak. Javoblar tez topilishi kerak. Hisoblashlar og'zaki bajarilishi kerak. Masalan: 10 ichida sanash ko'nikmalarini shakllantirish (sholg'om ertagi asosida) 2) Sanash ko'nikmalarini rivojlantirish. O'n ichida qo'shish va ayirish (mashg'ulot maktab hovlisida o'tkaziladi).

### **MUHOKAMA**

Boshlang'ich sinflarda matematika o'qituvchisi tashabbusi bilan matematik burchakning tashkil qilinishi ham muhimdir. Bunda matematik devoriy gazeta, matematikadan ko'rsatmali qurollar, yangiliklarni ifodalovchi sonli dalillar keltirilgan yozuvlar, o'quvchilarning namunalı daftarlari, geometrik figuralar naborlari va boshqalar tayyorlanadi. Ular, asosan, o'quvchilar va ota onalar yordamida o'qituvchi boshchiligida tuziladi. Burchakni nazorat qilish uchun mas'ul o'quvchilar belgilanadi. Bu esa o'quvchilarning o'zini va o'zganing mehnatini qadrlash imkoniyatini beradi.



Matematik ekskursiyalar.

O'quvchilarning aniq hayotiy ma'lumotlarni, turmushda uchraydigan harakatlarni kuzatish, tahlil qilish va dars jarayonida va dars jarayonida to'plagan ma'lumotlardan foydalanish maqsadida o'tkaziladi. O'quvchilardan puxta tayyorlanishni talab etadi. Maktabga yaqin joylardan ustaxonalar, ishlab chiqarish tashkilotlari va boshqa joylarga ekskursiyalarni amalga oshirish maqsadga muvofiq. Qo'shimcha qilib aytganda, ekskursiyalar fanlararo aloqadorlik uchun yetarli material to'plash imkoniyatini beradi.

### **XULOSA**

Xulosa qilib aytganda, boshlang'ich sinflarda matematika darslarini dars mashg'ulotlari davomida turli interfaol metodlar, multimedia vositalari va innovatsion hamda pedagogik texnologiyalar yordamida tashkil etish, o'quvchilarni darsdan tashqari mashg'ulotlarda ham matematik ziyrakligini oshirish maqsadida turli mashg'ulotlar yo'lga qo'yish boshlang'ich sinf matematika fani o'qituvchilari oldida turgan muhim vazifalardan biridir.

### ***Foydalanilgan adabiyotlar:***

1. L.Sh. Levenberg va boshqalar. "Boshlang'ich sinflarda matematika o'qitish metodikasi" Toshkent: "O'qituvchi" 1985-yil.
2. Bikbayeva N. va boshqalar. "Boshlang'ich sinflarda matematika o'qitish metodikasi" Toshkent: "O'qituvchi" 1996-yil.
3. N. Boltayev, O. Qodirov "Boshlang'ich sinflarda matematikadan sinfdan tashqari ishlar" Toshkent: "O'qituvchi" 1982-yil.

## ISSUES OF CLASSIFICATION OF WORD CATEGORIES IN THE UZBEK

**Shodieva Gulrukh Nazir qizi**

1<sup>st</sup> year master of linguistics of Fergana State University

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6803460>

**Abstract.** According to the lexical and grammatical similarity of words, some lexical - grammatical groups are called parsing word categories. In the case of parsing words into categories, in addition to their grammatical meaning, the lexical meaning is also taken into account by the main characters. Words that have both grammatical and lexical meanings and participate in the sentence as an independent syntactic unit are called independent words. To independent words: noun, adjective, number, pronoun, verb, adverb. This article is made up of opinions and comments on the word categories and their classification.

**Keywords:** noun, adjective, number, pronoun, adverb, verb, sentence, word categories, Uzbek.

## ВОПРОСЫ КЛАССИФИКАЦИИ СЛОВЕСНЫХ РАЗРЯДОВ В УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКЕ

**Аннотация.** По лексическому и грамматическому сходству слов некоторые лексико-грамматические группы называются разборными категориями слов. В случае разбора слов на категории, кроме их грамматического значения, главными героями учитывается и лексическое значение. Слова, имеющие как грамматическое, так и лексическое значение и участвующие в предложении как самостоятельная синтаксическая единица, называются самостоятельными словами. К самостоятельным словам: существительное, прилагательное, число, местоимение, глагол, наречие. Эта статья состоит из мнений и комментариев о категориях слов и их классификации.

**Ключевые слова:** существительное, прилагательное, число, местоимение, наречие, глагол, предложение, категории слов, узбекский язык.

## INTRODUCTION

It is known that some independent words in our language can also be transferred to the task of an auxiliary word, having lost its independent lexical meaning in the process of speech and having become characteristic of a grammatical semantic expression. This phenomenon is referred to as grammatical in linguistics. Words that do not have an independent lexical meaning, do not fulfill the function of a sentence fragment, but serve to correlate words and sentences or to add to them additional subtleties of meaning (loading) are called auxiliary words. Auxiliary words will be three different according to the general tasks: 1) Assistant; 2) Connecting 3) Loading.

And exclamation, imitation and modal words form a separate group of auxiliary words. Because exclamation and imitation words are used both as a sentence fragment and as an independent word-sentence. At the same time, it is also able to participate in the legalization of independent words. But these words are similar to auxiliary words in that they cannot be a term of action and phenomenon, that is, they cannot express a lexical meaning. Therefore, exclamation, imitation, modal words each form a separate category with their own characteristics.

## RESEARCH METHOD AND METHODOLOGY

Apparently, when parsing words into categories, first comes from the emphasis on the lexical meaning, secondly, the morphological form, the third, the feature of performing a syntactic

Concerning the progress of technology, we believe that in future, the use of multimedia English teaching will be added developed. The process of English learning will be more student-centered but less time-consuming. Therefore, it promises that the teaching quality will be improved and students' applied English skill look into be effectively cultivated, meaning that students' communicative competence will be further developed. In end, we believe that this process can fully get better students' ideation and practical language skills, which is supportive and useful to ensure and fulfill an effective result of teaching and learning.

### ***References:***

1. "Personality Factors in English Language Learning: Inhibition, Anxiety and Risk – Taking" Turgunbaeva Mahliyo Ikrom qizi Texas Journal of Multidisciplinary Studies-2022
2. "ENGLISH LANGUAGE LEARNING STRATEGIES" Turgunbaeva Mahliyo Ikrom qizi International Conference on Developments in Education, Sciences and Humanities-2022
3. COMMUNICATION STRATEGIES IN ENGLISH LANGUAGE  
Turg'unboyeva Maxliyo Ikrom qizi Web of scientific: international scientific research journal-2022 p-847-850
4. M.I. Turg'unboyeva "Cognitive factors in english language learning"  
Ученый XXI века 2022 p.39-41

## TRANSLATION OF REALIA AND CULTURE – BOUND WORDS

Saidxonova Aziza

O'zbekiston Davlat Jahon Tillari Universiteti Tarjimonlik ( ingliz tili ) kafedrasida o'qituvchisi

Shokuchkarova Guljamol

Bachelour student of Uzbekistan State World Language University

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6811632>

**Abstract.** This article deals with rendering realias and culture-bound elements into a foreign language and types of realias. There are presented the ways how to translate realias correctly.

**Key word:** realia, culture-bound word; equivalent-lacking word; translation.

## ПЕРЕВОД РЕАЛИЙ И КУЛЬТУРЫ – СВЯЗАННЫЕ СЛОВА

**Аннотация.** В данной статье речь идет о передаче реалий и элементов культуры на иностранном языке и типах реалий. Представлены способы, как правильно переводить реалии.

**Ключевые слова:** реалии, культурное слово; безэквивалентное слово; перевод.

## INTRODUCTION

English language as the language of international communication may play the role of intellectual bridge and become a kind of intercultural guide in better understanding and communication. Different texts containing information about European countries, their traditions, life patterns, achievements in science and engineering are issued in English, which makes their adequate translation vitally important.

The word "realia" comes from medieval Latin, in which it originally meant "the real things". Currently, in the English language the word "realia" is usually used to denote objects or activities relating to the real life. However, the notion of realia in translation theory means cultural - bound words and expressions. which denote notions peculiar to one culture and non-existing in other cultures, therefore it is difficult, if possible at all to translate them into other languages. Culture - bound words do not have exact equivalents in other languages.

## RESEARCH METHOD AND METHODOLOGY

As the survey of the linguistic literature has shown, there are different types of realias:

**A. Household realia** (house, clothes, food and drinks, households, transport, communication, leisure, customs, currency and units of measurement, behavior)

( **a. Food and drinks:** Eng: muffin, pudding, hot - dog, toffee, toast, Scotch whisky, scone. Uzb: somsa, sumalak, ayron, go'ja, parvarda, qimiz.

**b.clothes, shoes, decoration and headdress:**

Eng: kilt, bowler hat, parka, jeans. Uzb: jiyak, nimcha, do'ppi, mahsi, rumol, lozim, yaktak, kovush, paranji )

**B. Geographical realia** (toponyms, names of shoreline features, varieties of bays, straits, bays, the names of relief features, hydrographic names, political and economic, geographical realia relating to administrative-territorial division)

( Eng: tidewater cordillera, canyon, sun belt, tornado, cyclone, tsunami; Olympic mountains. Uzb: adir, Chimyon, Zomin, to'qay, ariq, saksavul, tol, yulg'un Hisor tog'lari )

**C. Social and political realia** (state symbols, realia connected with the constitution of the states, agencies, civil servants, the judiciary, state government and local government, elections, political parties and public organizations)

(Eng: Peace Corps; John birgh Society, Young Mer's Christian Association, White House, House of Common, House of Lords. Uzb: Yoshlar ittifoqi, Qizil yarim oy jamiyati, Vazirlar Mahkamasi, Oliy Majlis, mahalla, oqsoqol )

**D.Realia of culture and art** (music, dance, holidays, games)

Eng.: blues, jazz, Limericks, ragtime, Auld Lang Sune, Maypole dance, Morris dance, hoodening, swing, rock-and-roll, Queen's birthday, Christmas, Easter, Thanksgiving Day, Halloween, scavenger hunt (game) Simon says (game),Uzb; Alla, yor- yor , tanovar, baxshi, karnay-surnay, lapar, shashmaqom, Andijon polka, Navruz, Hosil bayrami, Chillak, Varrak o'yini, kurash, kupkari.

## RESEARCH RESULTS AND DISCUSSION

One language into another in order to create an equivalent response from the receivers, as differences between cultures may cause more severe complications for the translator than differences in language structure.

Text translators are to be familiar with and understand the culture and history of the corresponding countries. They need to feel confident of the typical communication patterns, have good educational background and safe grasp of both the mother tongue and the foreign language. Cultural context is obligatory when translators have to translate the meaning of the original text. Popular-scientific text translation is impossible without cultural context. However, literary translation is not just recording of cultural and semantic elements by means of target language and culture.

|                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                           |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                   |
|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| <p>Traditional uzbek clothes are very bright, beautiful and cozy. Uzbek clothes are a part of rich cultural traditions and life style of Uzbek people. National men's clothes is the quilted robe – <b>chapan</b>, tied with shawl. Traditional men's caps are different: <b>duppi</b>, <b>kalpon</b>, <b>kallapush</b> and traditional footwear is boots, made of thin leather.</p> <p>Traditional Uzbek woman's suit consists of plain tunic-dress of <b>khan-atlas</b> and wide <b>lozim</b>. Over these clothes women wore robes like man's <b>chapans</b>. Dressy look garments made of atlas fabric and richly laced with golden thread. The footwear consisted of <b>mahsi</b> (nice heelless step-in boots with a soft sole), and high boots made of rough leather or rubber.</p> | <p>An'anaviy o'zbek kiyimlari juda yorqin, chiroyli va qulay. O'zbek kiyimlari o'zbek xalqining boy madaniy an'analari va turmush tarzining bir qismidir. Erkaklar milliy kiyimlari ko'rpali <b>chopon</b> - shol bilan bog'langan chopon. An'anaviy erkaklar qalpog'i - bu har xil turda bo'ladi: <b>duppi</b>, <b>kalpon</b>, <b>kallapush</b> va an'anaviy poyabzal - yupqa teridan tikilgan etik.</p> <p>An'anaviy o'zbek ayollari kostyumi <b>xon-atlas</b>dan tikilgan ko'ylagi va keng <b>lozim</b>lardan iborat. Bu kiyimlar ustidan ayollar erkaklarning choponlariga o'xshab chopon kiyishgan. Atlas matosidan tikilgan va tillarang iplar bilan bog'langan liboslar. Oyoq kiyimi mahsi (yumshoq taglikli chiroyli poshnasiz etik) va dag'al teri yoki rezinadan tikilgan baland etiklardan iborat.</p> |
|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|

Culture -bound words are commonly translated in the target language through transcription, transliteration calque translation and approximate translation( description , explanation) .

Transcription is transmission of sounds of a foreign language (usually proper name, geographic name, scientific term) using the letters of the alphabet of the receiving culture. The source language use the same or different alphabets involves further differences. If the alphabet is different, the change is even more necessary so that the target language reader could be able to comprehend it. If the alphabet is the same, there can be cases of adaptation reproducing the pronunciation. On the other hand transliteration is the a transmission of letters of a foreign word using the letters of the alphabet of the target language.(Uzbekistan- O'zbekiston, manty – manti, kishlak – qishloq)

Approximate translation is used to translate all sorts of realia, by explaining their meanings. They serve to explain the cultural peculiarities in which the realia is used. Explication of culture-bound words can be made in commentaries. The disadvantage of in-text notes is that they distract a receptor's attention from the main text. (Andijon polka - ( it is a type of dance in Uzbek nation, Andijon also is a region of Uzbekistan)

### **CONCLUSION**

The discussion of the study concludes that in translating the culturally-bound expressions and rialias , translator uses some ways to solve the cultural gap between the source and target languages.

### **REFERENCES:**

1. Kurbanov D. A (2014. TASHKENT) - An approach to culture-bound elements in translation
2. Ashurova D. U, Galiyeva R.M (2019. TASHKENT) - Cultural linguistics
3. 3.Gary B.P (1996. TEXAS) – Toward a theory of cultural linguistics

## NEGATIVIZM DESTRUKTIV SHAXS XUSUSIYATI SIFATIDA

Kayumova Go'zal Narzullayevna

TerDU psixologiya kafedrası

Yaxyoyeva Muxayyo Hikmatullo qizi

TerDU talabasi

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6811656>

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada negativizm va uning yondoshi bo'lmish agressiya, uning turlari va kelib chiqish sabablarining ijtimoiy psixologik tadqiqi haqida fikr yuritiladi.

**Kalit so'zlar:** agressiya, jismoniy agressiya, autoagressiya, negativizm, verbal agressiya.

## НЕГАТИВИЗМ КАК ДЕСТРУКТИВНАЯ ЧЕРТА ЛИЧНОСТИ

**Аннотация.** В данной статье рассматриваются социально-психологические исследования негативизма и агрессии, их виды и причины.

**Ключевые слова:** агрессия, физическая агрессия, аутоагрессия, негативизм, вербальная агрессия.

## NEGATIVISM AS A DESTRUCTIVE PERSONALITY TRAIT

**Abstract.** This article discusses the social psychological research of negativism and aggression, its types and causes.

**Key words:** aggression, physical aggression, autoaggression, negativism, verbal aggression.

## KIRISH

Psixologiyada hissiy holatlar individning kechiktirilmaydigan ehtiyojining sifati va jadalligi hamda bu ehtiyojning qondirilishi mumkinligiga uning o'zi beradigan baho bilan belgilanishi haqidagi tasavvur tarkib topgandir. Hissiyotlarning tabiati va paydo bo'lishiga bunday qarash hissiyotlarning axborot konsepsiyasi (P.V.Simonov) deb ataladi. Kishi ehtiyojlarning qondirilishi talab qilinadigan narsalar haqidagi axborotni, u anglab, yoki anglamay, shu ehtiyoj paydo bo'lgan paytda o'z ixtiyorida mavjud axborot bilan taqqoslaydi. Agar ehtiyojlarning qondirilishi ehtimoli sub'ektiv jihatdan qaraganda katta bo'lib tuyulsa, ijobiy his tuyg'ular paydo bo'ladi. Salbiy hissiyotlar ehtiyojlar qondirilishining real yoki tasavvurda mumkin emasligi sub'ekt tomonidan oz yoki ko'p darajada anglanishi oqibatida yoxud ehtiyojlarning qondirilish ehtimoli haqida sub'ekt tomonidan oldinroq qilingan mo'ljalga qaraganda yo'qola borish natijasida paydo bo'ladi.

## ADABIYOTLAR SHARHI

Kundalik hayotda agressiya deganda biz ko'proq adolatsiz, asossiz hujumitushunamiz. Ilmiy nuqtai nazardan esa aggressivlik tushunchasi g'azab, jahl, nafratni anglatadi. U hech qanaqa, ijobiy ham salbiy ham ko'rinishga ega bo'lmay, neytral tushuncha hisobalanadi. Bu ta'rifni K.Lorens «G'azab: aggressiv xulq-atvorning tabiiy tarixi» nomli kitobida keltirib o'tadi. Agressiya ko'pincha hujum qilganda ko'zga tashlanadi, biroq g'azabsiz hujumni etologlar agressiya deb atamaydilar. Tabiatda bir tur ikkinchi turga hujum qiladi. Biroq, etolog har qanday hujumni ham agressiya deb nomlamaydi. Bo'ri quyonga hujum qilsa, agressiya emas, ov hisoblanadi. Shu kabi, ovchining o'rdak otishi yoki baliqchining qarmoq tashlashi agressiya emas. Chunki ular o'ljaga nisbatan qo'rquv, g'azab yoki nafrat hissini tuymaydi. Aggressiv xulq-atvorni esa, ushbu tuyg'ular yuzaga keltiradi.

### TADQIQOT METODOLOGIYASI VA EMPIRIK TAHLIL

Kundalik hayotda bizning agressivligimiz turli insonlar bilan yuzaga keluvchi maydachuyda ziddiyatlar orqali yuzaga chiqib turadi. Inson o'zida namoyon bo'ladigan agressivlikning turli ko'rinishlarini boshqarishni o'rganishi, tarbiyalashi mumkin bo'lsada, agressivlikning eng kuchli instiktiv xususiyat bo'lganligi sababli uni to'liq yo'qotib bo'lmaydi. Shuni esda saqlash lozimki, agressiv insonning atrofidagi qo'zg'atuvchilarni bartaraf etish orqali uning agressivligini yo'qotmaymiz, balki yig'ilib borishiga yo'l qo'yib beramiz. Natijada kuchli darajada namoyon bo'lishiga sabab bo'lamiz.

A.Bass va I.Darkining "Agressiya shakllari va uning ko'rsatkichlarini diagnostika qilish metodikasi"da shaxsdagi agressiya ko'rinishlarini quyidagi 8 ta asosiy agressiya ko'rinishlari asosida baholangan:

5. Jismoniy agressiya - boshqa bir odamga qarshi jismoniy kuch ishlatish;
6. Verbal agressiya - salbiy his-tuyg'ularni og'zaki tarzda ifodalash (janjal, qiy- chuv solish, so'kinish, tahdid solish, la'nat aytish, qarg'ish kabilar);
7. Orqavarotdan bo'ladigan yoki bilvosita agressiya - boshqa shaxsga qaratilgan g'iybat, piching ko'rinishidagi bilvosita olinadigan alam, nafratning yo'nalishi aniqlanmagan bo'lishi ham mumkin (yer tepish, baqirib chaqirish);
8. Negativizm - (voqelikka salbiy munosabatda bo'lish, hamma narsani inkor etish) - rahbariyat yoki obro'ga qarshi yo'nalgan xulq-atvor, talab, tartib qonunlarga qarshi passiv monelikdan faol xatti-harakat darajasigacha borib yetishi mumkin.
9. Jizzakilik - jizzakilikka moyillik, arzimagan narsaga ham portlab ketish, keskinlik, qo'pollik qilish;
10. Sergumonlik - ishonchsizlikka moyillik, odamlar bilan ehtiyot bo'lib munosabatga kirishish, atrofdagilar zarar yetkazishi mumkin degan o'y bilan yashash;
11. Ranj - kimdandir yoki butun olamdan alamzadalik, xayolan yoki chindan ham keltirilgan iztirob, g'azab, atrofdagilarga nisbatan nafrat, hasadning namoyonbo'lishi;
12. Autoagressiya - o'zi va atrof-muhit o'rtasidagi munosabatlarda kuzatiladigan aybdorlik hissi, o'ziga qarshi qaratilgan xatti-harakat, ya'ni o'zini ayblash, men undog'man, men bundog'man deb ich-etini yeyish.

Shu boisdan, eng katta ahamiyat bolalarga tajovuzkorlikni o'rganishga, ijtimoiylashuvning birlamchi vositachilari, aniqrog'i ota-onalarning ta'sirigaqaratiladi. Xususan, ota-onalarning xulq-atvorlari tajovuzkorlik modeli vazifasini o'tashi va agressiv ota-onalarning bolalarida ham agressivlik kuzatilishi isbotlandi. Shuningdek, ushbu yondashuv namoyondalari keng diapozandagi tajovuzkor reaksiyaning inson tomonidan o'zlashtirilishi - ushbu xulqni to'g'ridan-to'g'ri rag'batlantirishga kiradi. Ya'ni, tajovuzkor xatti-harakatning mustahkamlanishi mazkur xatti-harakatning keyinchalik ham takrorlanish ehtimolini oshiradi. Shuningdek, natija keltiradigan tajovuzkorlik, ya'ni tajovuzkor xulqning qo'llanilishi oqibatida muvaffaqiyatga erishish ham muhim ahamiyatga ega bo'ladi.

### XULOSA VA MUNOZARA

Tadqiqotlardan ma'lum bo'lishicha, bola xatti-harakatlarining amalga oshirilishida undagi taqlidchanlik xususiyatining o'rni kattadir. Bolaning boshqalar tomonidan amalga oshirilgan tajovuzkorona faoliyatni kuzatishi unda shunganisbatan taqlid qilib ko'rish istagini keltirib chiqaradi. Ushbu istak ta'siri natijasida g'ayriqonuniy harakat amalga oshirilishi mumkin.



Yuqoridagilarga asoslanib shuni aytish mumkinki, yoshlar ongida faol ijobiy munosabat (his-tuyg'ular) tizimini shakllantirish va rivojlantirish orqali tajovuzkorlik (agressiya) xatti-harakatlarni tarbiyalash, hamda shaxslararo munosabatlar (shuningdek, o'z-o'ziga) tizimini yanada yuksak darajaga olib chiqish mumkin, debo'ylaymiz.

#### ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. Olimov L.Ya., Maxmudova Z.M. Psixologicheskie mexanizmi deviantnogo povedeniya. Psixologiya XXI veka. Yaroslavl., 2020. –S. 125-127.
2. Olimov L.Ya., Maxmudova Z.M. Stressli vaziyatlarda psixologik himoya mexanizmlari va koping xulq-atvor namoyon bo'lishining ijtimoiy psixologik xususiyatlari: stressli vaziyatlarda psixologik himoya mexanizmlari. Psixologiya ilmiy jurnali. 2020 yil, 4 son 109-115 b.
3. Maxmudova Z.M., Olimov L.Ya. Social Psychological Characteristics Of Psychological Defenses Manifested In Adolescents In Extreme Situations. Vestnik integrativnoy psixologii jurnal dlya psixologov. Vipusk № 22, 2021 g. S 233-237.
4. Maxmudova Z.M., Olimov L.Ya. O'smirlarda ekstremal vaziyatlarda psixologik himoya mexanizmlarini shakllantirish. Monografiya. "Buxoro viloyat bosmaxonasi MChJ" nashriyoti. Buxoro. 2021. -B. 160.
5. Elov Z.S. Issledovaniya prichin usloviy, faktorov suisidalnogo riska. Yevraziyskiy yuridicheskiy jurnal. 7 (86) 2015. 310-312
6. Narzullaevna, G. K. (2022). PSYCHOLOGICAL ANALYSIS OF FACTORS THAT DESTROY FAMILY STRENGTH. *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 3(6), 1528-1523.
7. O'ralovna, J. G. (2022). Social Psychological Problems of Alienation. *EUROPEAN JOURNAL OF INNOVATION IN NONFORMAL EDUCATION*, 2(4), 204-206.
8. Жумаева, Г. У. (2021). Психологические механизмы формирования профессиональных отношений будущего педагога. *Достижения науки и образования*, (4 (76)), 72-76.
9. Rahmonova, M. (2021). Patriotic ideas in the works by fitrat: theoretical and practical harmony. *ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL*, 11(2), 1466-1474.
10. Narzullayevna, K. G. (2021). Characteristics of marriage motivation in young people. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(10), 2238-2241.
11. Usmanovna, A. N. (2021). The role of parents in the upbringing of children. *ACADEMICIA: An Internati*
12. Каюмова, Г. Н. (2022). СЕВГИ-МУҲАББАТ АСОСИДАГИ НИКОҲНИНГ ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ. *Science and innovation*, 1(B3), 411-414.onal Multidisciplinary Research Journal, 11(10), 1995-1999

## YOSHLARNING DUNYOQARASHI VA XULQ-ATVORIGA TA'SIR ETUVCHI IJTIMOIY PSIXOLOGIK OMILLAR

**Toshpo'latov Abdulaziz Quvondiq o'g'li**

Chirchiq davlat pedagogika universiteti, Pedagogika fakulteti talabasi

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6811688>

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada yoshlarning dunyoqarashi va xulq-atvoriga ta'sir etuvchi ijtimoiy psixologik omillar to'g'risida fikrlar yuritiladi va bu borada qilinishi kerak bo'lgan ishlar haqida takliflar keltiriladi.

**Kalit so'zlar:** yoshlar psixologiyasi, xulq-atvor, dunyoqarash, fikrlar olami, aqliy ko'rsatkich, ma'naviy tahlil.

## СОЦИАЛЬНО-ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ФАКТОРЫ, ВЛИЯЮЩИЕ НА МИРОВОЗЗРЕНИЕ И ПОВЕДЕНИЕ МОЛОДЕЖИ

**Аннотация.** В данной статье рассматриваются социально-психологические факторы, влияющие на мировоззрение и поведение молодежи, и высказываются предложения о том, что необходимо сделать в связи с этим.

**Ключевые слова:** психология молодежи, поведение, мировоззрение, мир мыслей, ментальный индекс, духовный анализ.

## SOCIAL PSYCHOLOGICAL FACTORS AFFECTING THE OUTLOOK AND BEHAVIOR OF YOUNG PEOPLE

**Abstract.** This article discusses the socio-psychological factors that influence the worldview and behavior of young people and makes suggestions about what needs to be done in this regard.

**Key words:** youth psychology, behavior, worldview, world of thoughts, mental index, spiritual analysis.

## KIRISH

Milliy istiqloq tufayli taraqqiyotning barcha sohalarida jadal rivojlanib borayotgan mamlakatimizda yosh avlodni jahon andozalari talablariga javob beradigan, fan-texnika yangiliklaridan xabardor, mustaqil fikrlay oladigan, hayotga dadillik bilan kirisha oladigan, tadbirkor, ma'naviy jihatdan barkamol qilib voyaga yetkazish dolzarb vazifalardan hisoblanadi.

Bugungi kunda mamlakatimizda 18 yoshgacha bo'lgan yoshlar aholining taxminan 45 foizini tashkil etadi. Shuni alohida ta'kidlash joizki, bu yoshda insonning ongi, axloqi, ma'naviy qiyofasi shakllanadi. Shu bois mamlakatimizda bunday yoshlarga e'tibor kuchaytirilgan.

Yoshlik davri 23-28 yoshlardan iborat bo'lib, bu davrning o'ziga xos xususiyatlaridan biri ijtimoiy hayotning barcha jabhalarida kamolga erishgan shaxs sifatida faol ishtirok qilish va ishlab chiqarishda mehnat faoliyatini amalga oshirishdan iboratdir.

## TADQIQOT METODI VA METODOLOGIYASI

Yoshlarning dunyoqarashi, xulq-atvori va komil inson sifatida shakllanishuda ta'sir etuvchi muhim ijtimoiy psixologik omillardan ijtimoiy muhit va bu jamiyatda axborot kommunikatsion texnologiyalarga bo'lgan talab va ehtiyojning kuchayishidir. Kun sayin jadal rivojlanib borayotgan axborot asrida zamonaviy texnika vositalaridan fiydanmaslikning yoki ularga murojaat etmaslikning hech bir iloji yo'q. Chunki dunyoqarashning shakllanishida, ma'naviy olamining yanada kengayishida ayniqsa kompyuter texnologiyasi asosiy vosita rolini bajarmoqda. Bu bir

tomondan quvonarli holat. Bugungi kunda biz yoshlar mana shunday katta imkoniyatlardan xohlagancha foydalanib, O'qish yoki ish davomida vaqtimizdan ancha unumli foydalanmoqdamiz. Ammo... Shiddat bilan yuksalib borayotgan fan texnika asrida, internet va ijtimoiy tarmoqlarning ijobiy jihatlari bilan bir qatorda uning yoshlar ma'naviyatiga, yangiliklarga chanqoq ongiga, dunyoqarashiga salbiy ta'sirning ham guvohi bo'lyapmiz. Zimdan e'tibor bersak, internet kafelariga serqatnov yoshlar u yerga borishib, har xil buzg'unchi g'oyalar ruhidagi o'yinlarni tomosha qilayotganliini, vaqtlarini besamar o'tkazayotganligini guvohi bo'lyapmiz. Eng achinarlisi, befarq ota-onalar farzandim internetda o'tirib, bilim olyapti, deb o'ylashadi. Shu ma'noda turli ma'naviy tahdidlardan hayotimizni asrash, ma'naviy bo'shliqqa yo'l qo'ymaslik, yoshlarimizni dunyoqarashiga, xulq-atvoriga ta'sir salbiy etuvchi omillardan asrash uchun, avvalambor, sog'lom g'oyalar orqali jahon maydonida yuz berayotgan keskin aql zakovat va iste'dod musobaqasida bellashuvga qodir bo'lishimiz lozim. Bunday bellashuvga kirishadigan shaxsning nafaqat bilimi, balki uning axloqiy qarashlari yuqori darajada shakllangan bo'lishi lozim.

Buyuk mutaffakir Voiz Koshifiyning "Insonning qadr-qimmatini uning mol-mulki yoki ijtimoiy kelib chiqishi bilan emas, balki ma'naviy qiyofasi, axloqiy sifatleri bilan o'lchanadi deb, aytgan edi. Ijtimoiy muhit - bu insonning aniq maqsadlar va rejalar asosida faoliyat ko'rsatadigan dunyosidir. Shaxs ijtimoiy xulqiga turli tashqi kuchlar ta'sir qiladi: siyosiy, mafkuraviy, iqtisodiy, ma'naviy, axloqiy va boshqalar. Bu ta'sirotlar mohiyatan aslida jamiyat a'zolari bo'lmish shaxslar o'rtasidagi o'zaro munosabatlarning ayrim alohida yo'nalishlarini belgilab beradi. Shunday qilib, shaxs turli ijtimoiy munosabatlar tizimi ta'sirida bo'ladi va ko'plab ijtimoiy institutlar (oilalar, mahalla, o'quv maskanlari, mehnat kollektivlari, norasmiy tashkilotlar, din, san'at, madaniyat va boshk.) bilan bog'liq bo'ladi. Masalan, shaxsdagi turli g'oyalar, fikrlar va mafkura mafkuraviy munosabatlar tizimi ta'sirida shakllanib, ular bevosita oilalar, bog'cha, maktab, boshqa o'quv va tarbiya muassasalari orqali ongga singdiriladi. Agar bu ta'sir uning e'tiqodi darajasida ko'tarilsa va unda yana yangidan - yangi fikrlar va g'oyalarning paydo bo'lishi, o'sishiga olib kelsa, shaxs taraqqiyoti jarayonida shunday faoliyat sohasini tanlaydiki, o'z qobiliyatlari, malaka va ko'nikmalarini rivojlantira borib, ziyoli sifatida yo' o'qituvchi, yoki shifokor, yoki olim, kashfiyotchi, muhandis bo'lib, elu - yurtiga xizmat qiladi. Iqtisodiy munosabatlar ham shaxs ongi va uning insoniy xususiyatlari shakllanishida katta rol o'ynaydi.

Psixologlarning ma'lumot ko'rsatishicha, xulq-atvorning muhim motivlaridan biri e'tiqod hisoblanadi. Ba'zi manbalarda unga mana bunday ta'rif berilgan: e'tiqod shaxsni o'z qarashlariga, prinsiplariga, dunyoqarashiga muvofiq tarzda qarorga kelishga undaydigan muhim motivlar tizimidir. Boshqa so'z bilan aytganda, e'tiqod shaklida namoyon bo'ladigan ehtiyojlarning mazmuni - bu tabiat, tevarak atrofdagi olam to'g'risidagi bilimlar va ularning muayyan tarzda tushunilish demakdir. Bu bilimlar falsafiy, estetik, tabiiy-ilmiy nuqtai-nazardan tartibga solinsa va ichki uyushgan tizimi tashkil etilsa, u taqdirga shaxsning dunyoqarashi sifatida talqin qilinishi maqsadga muvofiq.

### **TADQIQOT NATIJASI VA MUHOKAMA**

Dunyoqarash - tartibga solingan, yaxlit ongli tizimga aylantirilgan bilim, tasavvurlar va g'oyalar majmui bo'lib, u shaxsni ma'lum bir qolipda, o'z shaxsiy qiyofasiga ega tarzda jamiyatda munosib o'rin egallashga chorlaydi. Yoshlarni ma'naviy shakllanishida ijtimoiylashuv maskanlarining roli katta. Bular orasida bizning sharoitimizda oilalar va mahallaning roli o'ziga xosdir. Insondagi dastlabki ijtimoiy tajriba va ijtimoiy xulq elementlari aynan oilada, oilaviy

munosabatlar tizimida hakllanadi. Shuning uchun ham xalqimizda “Qush uyasida ko‘rganiniqiladi” degan maqol bor. Ya’ni, shaxs sifatlarining dastlabki qoliplari oilada olinadi va bu qolip jamiyatdagi boshqa guruhlar ta’sirida sayqal topib, takomillashib boradi. Bizning o‘zbekchilik sharoitimizda oila bilan bir qatorda mahalla ham muhim tarbiyalovchi - ijtimoiylashtiruvchi rol o‘ynaydi. Yoshlik davrida yigit-qizlar kamolotiga uchta muhim psixologik mexanizm, ya’ni atrof-muhit, mehnat jamoasi, oila mikromuhiti va norasmiy ulfatlar ta’sir ko‘rsatadi. Masalan, mehnat jamoasidagi psixologik iqlim, ma’naviyat olami, barqarormaslik, ijtimoiy ong, ijtimoiy qadriyatlar, muayyan an’analar va odatlar yangi a’zoning xarakterida ijobiy yoki salbiy o‘zgarishni vujudga keltirishi mumkin. Mazkur ta’sir natijasida asta-sekin umuminsoniy fazilatlar tarkib topishi yoki muayyan shaxsiy nuqtai nazar yo‘qolishi mumkin. Yoshlarni mexnatsevarlik ruhida tarbiyalash eng muhim vazifalardan biridir. Buning uchun:

- ularni yoshligidan boshlab yosh xususiyatlarniga xos mehnat turlarini bajarishga o‘rgatish;
- yoshlarni mexnatini sirdan nazorat qilish;
- mexnat anjomlaridan foydalanish malakasini xosil qilish;
- ularni asrab-avaylab saklashga va undan foydalangandan keyin uni joyjoyiga qo‘yishga odatlantirish;
- o‘z mexnatini maxsuli va undan foydalanishga o‘rgatish;
- kattalar mexnatiga taqlid qilish va uni xurmatlash;
- o‘z va jamiyat mulkini avaylashga o‘rgatib borish muximdir.

Yoshlarni mexnatsevarlik ruhida tarbiyalash va uni jahon andozalari darajasiga etkazish hozirgi zamon talabidir.

Yoshlik davri 23-28 yoshlardan iborat bo‘lib, bu davrning o‘ziga xos xususiyatlaridan biri ijtimoiy hayotning barcha jabhalarida kamolga erishgan shaxs sifatida faol ishtirok qilish va ishlab chiqarishda mehnat faoliyatini amalga oshirishdan iboratdir. Yoshlarning mehnat faoliyati quyidagi uchta muhim belgisi bilan boshqa yosh davrlaridan farqlanadi:

1) mutaxassislikning mohiyatiga, ishlab chiqarish shart-sharoitiga va mehnat jamoasi aozolarining xususiyatiga moslashish - mehnat faoliyatining dastlabki yillari yoki jamoada o‘z o‘rnini topish va qadr-qimmatga erishish;

2) mutaxassis sifatida o‘zini takomillashtirish uchun ijodiy izlanishni amalga oshirish yoki kasbkorlik mahoratini egallash;

3) mahorat sirlaridan foydalanish, tashabbus ko‘rsatish, ishlab chiqarish samaradorligini oshirishda ijtimoiy etuklikni namoyish qilish yoki mehnat faoliyatidagi barqaror ijod bosqichida bir tekis 10 yillab ishlab sifatli mahsulot yaratish namunasini ko‘rsatish.

### **XULOSA**

Yoshlarimizni "Yangicha O'zbekiston - Yangicha dunyoqrash" ruhida tarbiyalash uchun , yuqorida keltirilgan, yoshlarning dunyoqarashi va xulq-atvoriga ta'sir etuvchi ijtimoiy psixologik omillardan asrash va ularni yetuk, komil, madaniyatli, hayolning barcha jabhalarida kamolga erishgan shaxs sifatida kamol toptirishda oila, mahalla maktab doimiy hamkorlikda ish olib borsa maqsadga muvofiq bo'lar edi!

### **FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:**

1. Jumanazarov Y. Yosh davrlar psixologiyasi. Namangan 2013 y.
2. Abdurasulov R. Psixologning kundalik kitobi. Jizzax – 2005.

3. Raxmatullaev M. Maktabda psixologik xizmatni tashkil etish. T.– 2001.

## ЛИНГВОМАДАНИЯТШУНОСЛИК ВА АНТРОПОЦЕНТРИК БИРЛИКЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА УЛАРНИНГ ТИЛДАГИ ЎРНИ

Музаффарова Фарангиз Жўрахон қизи

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети магистратура талабаси

ORCID ID: 0000-0001-5324-41-62

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6811831>

**Аннотация.** Мақолада тилга маданият ва миллатнинг таъсир қилиши ва уларнинг ўзаро чамбарчас боғлиқлиги ҳақида сўз юритилган. Жумладан, бир тилни ўрганишда лингвомаданиятшуносликнинг ўрни беқиёсслиги таърифланган бўлиб бунда нафақат лингвомаданиятшунослик балки шу билан бир қаторда психолингвистика, когнитив тилишунослик ва прагма тилишуносликларнинг ҳам ўрни таъкидлаб ўтилган. Хар тилнинг марказида шахс бўлиб, усиз тил ҳам мавжуд бўлмаслиги яъни антропоцентризм муаммолари кўриб чиқилган.

**Калим сўзлар:** лингвомаданиятшунослик, антропоцентризм, фразеологик бирлик, тилишунослик, қиёсий-тарихий, индивидуал тил.

## ЛИНГВИСТИКА И ФОРМИРОВАНИЕ АНТРОПОЦЕНТРИЧЕСКИХ ЕДИНИЦ И ИХ МЕСТО В ЯЗЫКЕ

**Аннотация.** В статье рассматривается влияние культуры и нации на язык и их тесная взаимосвязь. В частности, описывается роль лингвокультурологии в изучении языка, при этом подчеркивается роль не только лингвокультурологии, но и психолингвистики, когнитивной лингвистики и прагматической лингвистики. Просмотрены проблемы антропоцентризма так как в основе каждого языка лежит человек и без человека язык не может существовать.

**Ключевые слова:** лингвомаданиятшунослик, антропоцентризм, фразеологические единицы, языкознание, сравнительно-исторический, индивидуальный язык.

## LINGUISTICS AND FORMATION OF ANTHROPOCENTRIC UNITS AND THEIR PLACE IN LANGUAGE

**Abstract.** The article discusses the influence of culture and nation on the language and their close relationship. In particular, the role of linguoculturology in the study of language is described, while emphasizing the role of not only linguoculturology, but also psycholinguistics, cognitive linguistics and pragmatic linguistics. In addition, the article describes in detail the emergence, formation and development of the anthropocentric paradigm, which is one of the new trends in linguistics. The problems of anthropocentrism are reviewed, since every language is based on a person and without a person a language cannot exist.

**Key words:** linguoculturology, anthropocentrism, phraseological units, linguistics, comparative-historical, individual language.

## КИРИШ

Тил маданият билан чамбарчас боғлиқ яъни йиллар қанчалик ўтгани сайин тил қанчалик ўзгарса маданият ҳам шунчалик ўзгаради ва ўсади, бирга ривожланади ва маданият айнан тилда ифодаланади.

Ушбу ғоя асосида XX асрнинг 90 - йилларида шаклланган тилшуносликнинг мустақил тармоғи деб ҳисоблаш мумкин бўлган янги фан – лингвомаданиятшунослик



пайдо бўлди. "Лингвомаданиятшунослик" атамаси сўнгги ўн йилликда В.Н.Телиа бошчилигидаги фразеологик мактаб асарлари, Ю.С.Степанов, А.Д.Арутюнова, В.В.Воробёв, В.Шаклеин, В. А.Маслова ва бошқа бир қатор тадқиқотчилар асарларида жуда кўп маротаба тилга олинган ва тадқиқ қилинган. Агар маданиятшунослик инсоннинг ўз-ўзини англашини табиат, жамият, тарих, санъат ва унинг ижтимоий ва маданий мавжудлигини ўрганса, тилшунослик эса юқорида таъкидлаб ўтилган жихатларни тилда намоён бўлишини лингвистик томондан кўриб чиқади, лингвомаданиятшунослик эса унинг мавзуси сифатида ҳам тил, ҳам маданият билан ўзаро алоқада бўлиб уларнинг биргаликдаги маъносини ифодалайди. [10]

Муаллиф лингвомаданиятшуносликнинг асосий объектини "унинг фаолияти жараёнида маданият ва тилнинг ўзаро боғлиқлиги ва ўзаро таъсири ва ушбу ўзаро таъсирни ягона тизим яхлитлигида талқин қилишни ўрганиш" деб атайди ва ушбу фаннинг предмети "лингвистик алоқа тизимида такрорланган ва унинг маданий қадриятларига асосланган жамиятнинг миллий шакллари" - "дунёнинг лингвистик расмини" ташкил этадиган ҳамма нарса. [4]

Лингвистик ва маданий объектларни ўрганиш семантика, сигматика, синтактика ва прагматиканинг бирлигидан иборат бўлган ва "уларга ҳақиқий лингвистик ва қўшимча лингвистик таркиб диалектик боғланган бирликлар сифатида яхлит қарашни" олишга имкон берадиган тизимли усул ёрдамида амалга оширилиши таклиф этилади.

Мулоқотга лингвистик-когнитив ёндашувдан фойдаланиш таклиф этилади, чунки бу унинг умумий лингвистик томонини ҳам, миллий жиҳатдан аниқланган таркибий қисмини ҳам таҳлил қилишга имкон беради. Бироқ, муаллиф этнопсихолингвистика ва лингвомаданиятшунослик ўртасида аниқ бир чизик кўрсатмайди: уларнинг муаммоларининг умумийлиги тасдиқланган, Сепир-Уорф гипотезасига кўра иккаласининг пайдо бўлишининг назарий қисми ва тадқиқот усулларидаги фарқлар аниқланмаган.

### **ТАДҚИҚОТ МЕТОДИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ**

Парадигма муаммоларни белгилаш модели ва уларни ҳал қилиш усуллари тўплами сифатида Т.Куннинг машҳур "илмий инқилобларнинг тузилиши" китоби 1962 йилда нашр этилганидан кейин тадқиқотчилар олдида пайдо бўлди (русча таржима 1977 йилда қилинган). Т.Кун парадигмани тадқиқот фаолиятида маълум бир билимлар тўплами ва тадқиқот объектига ёндошадиган илмий ҳамжамят сифатида кўриб чиқишни таклиф қилади. Маълумки, "тилшуносликда (ва умуман гуманитар фанларда) парадигмалар бир-бирининг ўрнини босмайди, балки бир-бирини тўлдириб, бир-бирининг келиб чиқишидан қатъий назар бирга мавжуддир".[14]

Бинобарин, антропоцентрик парадигманинг шаклланиши инсон ва унинг маданиятидаги ўрни йўналиши бўйича лингвистик масалаларни ўзгартиришга олиб келди, чунки маданият ва маданий анъаналарнинг диққат марказида лисоний шахс барча хилма-хиллиги билан ажралиб туради бунда уни жисмоний, ижтимоий, интеллектуал, ҳиссий, шахсининг нутқи ва фикрлаши шулар жумласидандир. Ўзликнинг бу гипостазлари турли хил намоён бўлиш шаклларида эга, масалан, ҳиссий ўзини турли хил ижтимоий-психологик ролларда намоён қилиши мумкин. Бугунги кунда "ёркин куёш порлаши" каби ибора қуйидаги фикрларни ўз ичига олади: агар унга илмий жиҳатдан ёндошадиган бўлсак бу планеталарда бўладиган жараён сифатида тушунилади, аммо уни бошқа томондан, яъни

жисмоний шахс куёш нурларининг фойдали таъсирини бошдан кечиради; менинг интеллектуал ўзлигим буни билади ва бу маълумотни суҳбатдошга юборади (мен ижтимоийман), унга ғамхўрлик қилади (ҳиссий); бу ҳақда унга хабар бериш, менинг оғзаки ўзлигим ҳаракат қилади. [12] Ҳар қандай шахс гипостазига таъсир қилиш орқали адресат шахсиятининг бошқа барча жиҳатларига таъсир қилиш мумкин. Шундай қилиб, лингвистик шахс мулоқотга кўп ўлчовли сифатида киради ва бу нутқий алоқа стратегияси ва тактикаси, коммуникаторларнинг ижтимоий ва психологик роллари, мулоқотга киритилган маълумотларнинг маданий маъноси билан боғлиқ. Инсон атрофдаги дунё ҳақида билиб олади, фақат илгари ўзини бу дунёдан ажратиб қўйган бўлса, у "мен" ни "эмас" бўлган ҳамма нарсага қарши чиқади. Бу, эҳтимол, бизнинг фикрлашимиз ва тилимизнинг тузилиши: ҳар қандай нутқни ўйлаш ҳаракати ҳар доим дунёнинг мавжудлигини тан олишни назарда тутди ва шу билан бирга субъект томонидан дунёни акс эттириш ҳаракати борлиги ҳақида хабар беради.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, шуни унутмаслик керакки, тилшуносликдаги антропоцентрик парадигмани тадқиқотчи анъанавий тизимли парадигмада ишлаётган бўлса ҳам, этибордан четда қолдириб бўлмайди, боиси юқорида таъкидлаб ўтилганидек инсон барча нарсанинг марказидадир.

Тил ва маданият билан боғлиқ объектларга комплекс ёндашув зарурлигини англаш лингвомаданиятшуносликни маданият ва тилнинг ўз фаолиятида ўзаро боғлиқлиги ва ўзаро таъсирини ўрганадиган ва бу жараёни "уларнинг лингвистик (маданий) бирликдаги бирликларнинг ажралмас тузилиши" сифатида акс эттирадиган мураккаб илмий парадигма сифатида шакллантирди. Тизимли усуллардан фойдаланган ҳолда ва янги қадриятлар тизимини акс эттирувчи замонавий устуворликларга йўналтирилган таркиб" деб ҳисобласак муболаға бўлмайди. [4]

Лингвомаданиятшунослик тамойилларини шакллантириш ва ушбу парадигма усулларини апробация қилиш унинг диахроник алоқалари ва муносабатлари масалаларини лингвистик семантика, когнитив тилшунослик, этнолингвистика, тилшунослик каби фанлар билан синхрон кесмада фаол муҳокама қилиш пайтида амалга оширилади. Дунёнинг лингвистик манзараси, лингвокултура, логоэпистема, тушунча, лисоний шахс, дискурс, прецедент ҳодисалар каби тушунчаларни таҳлил қилиш бу борада самаралидир.

Лингвомаданиятшуносликнинг шаклланишида XX асрнинг иккинчи ярмида лингвистик белгининг ўта концептуал мазмунини ўрганишга, яъни маънонинг маданий таркибий қисмини, сўзнинг лексик фонини, маданий коннотатив компонентини, баҳолашни ўз ичига олган лингвистик тузилмаларнинг семантикасини таҳлил қилишга интилган лингвистик семантика муҳим рол ўйнади. [13]

### **ТАДҚИҚОТ НАТИЖАСИ**

Дунёнинг лингвистик манзараси концепциясини ишлаб чиқиш миллий-маданий семантикани аниқлаш нуқтаи назаридан жуда истиқболли бўлиб чиқди. Ю.Д.Апресяннинг қайд этишича, XX аср охирида назарий семантика "содда геометрия, макон ва замоннинг содда физикаси, содда этика, содда психология, содда анатомия соҳасидан турли даражада ривожланган дунё лингвистик расмининг бир неча бўлаклари" [3] бўлган. Бугунги кунда тилшуносларнинг аксарияти лингвистик дунёқарашларнинг миллий ва маданий ўзига хослигини эътироф этмоқда. Бундан ташқари, уларда умумий ва ўзгарувчан қисмларнинг

мавжудлиги кўрсатилади, бу одамлар ҳаёт жараёнида олган билимларининг уларнинг индивидуал ва ижтимоий тажрибасига боғлиқлигини ифодалайди. Масалан, Ўзбекистон Республикасида кўплаб миллат вакиллари яшашади. Хар бир миллатнинг ўзига хос жихатлари кўп ва бир биридан фарқ қилади албатта. Бироқ бизнинг ўлкамиздаги фуқароларнинг умумий маданий тушунчаси бир хил бўлиб кетган. Бунга оддий мисол қилиб халқимизнинг меҳмондўстлиги келтирсак бўлади. Бундан шуни тушунишимиз мумкинки, инсон яшаётган жойига, атрофидаги одамларга, минтақага қараб ҳам унда маданият шаклланади.

"Лингвокультура" атамаси билан ифодаланадиган тушунча, бизнинг фикримизча, лингвомаданиятшуносликнинг махсус мавзусини янада аниқроқ очиб беради, шу билан бир қаторда битта тилга эга бўлиш ва битта маданий жамоадаги социализация одамларни бирлаштириш мезонлари эканлигини кўрсатади. Бунда одамзодни бирлаштирадиган омиллар айнан маданият ҳисобланиши тушунтирилмоқда, бир-бирига яқин бўлган маданият одамларни янада яқинроқ қилиш имконини беради, аммо ҳозирги кунда одамлар қандай маданият қандай миллатдан бўлишидан қатъий назар уларнинг яқинлигини кўришимиз мумкин. Ушбу атамадан фойдаланганда биз нафақат дунё ҳақидаги билимларнинг алоҳида элементларини таркибий ташкил этишни назарда тутамиз, балки дунёқарашнинг ўзгармас қисми лингвистик ва маданий объектлар ўртасидаги муносабатлар тури билан белгиланишига ҳам эътибор қаратилиши жоиз деб ҳисоблаймиз.. Масалан, Т. Н. Снитко лингвокултурани "тил ва маданият ўртасидаги муносабатларнинг алоҳида тури, тил соҳасида ҳам, маданият соҳасида ҳам намоён бўлади ва тил ва маданият ўртасидаги муносабатларнинг бошқа турига, яъни бошқа лингвокултурага нисбатан идентификацияга бўйсунди" деб таърифлайди. [8]. Лингвокултура турли хил параметрлар (худуд, мақом, жинс, ёш) билан ажралиб турадиган маданий ва лингвистик ҳамжамият ичида ўзгармас вазифасини бажаради. Бундан ташқари, маданиятнинг лингвистик константалари ёки тушунчалари шаклланадиган ва ишлайдиган умумий муҳит сифатида қаралиши мумкин.

Баъзи олимларнинг фикрига кўра, лингвомаданиятшуносликни шакллантириш учун асос когнитив тилшунослик бўлиб, унда дунёнинг табиий тоифаланиши ва кундалик онгнинг хусусиятларини ўрганиш тўғрисидаги маълумотларга асосланган лингвистик-психологик йўналиш энг самарали ва истиқболли ҳисобланади. Асосий позиция "тил маълумотларини бошқа фанлардан, ҳиссий идрок ҳақида аллақачон маълум бўлган нарсалар билан бирлаштириш ва мувофиқлаштириш зарурати тўғрисида" деб ҳисобланади [6]. Кейинги ишларида Е.С.Кубряков когнитив-дискурсив сифатида когнитивизмнинг лингвистик-психологик версиясини белгилайди ва унинг ўзига хос хусусиятини "илмий билимларнинг когнитив парадигмаси ғояларини коммуникатив (прагматик, дискурсив) парадигма ғоялари билан синтез қилиш" деб атайди. Яъни бирон маълумот инсон онгига кириб келиши ва нима учун айнан сўзга тегишли сурат миямизда намоён бўлишини тушунтириш учун когнитив лингвистиканинг ўрни муҳимдир. Аввалига инсон маълумотни қабул қилади бунда у кўриш, эшитиш, таъмини татиб кўриш ва яна бошқа бир қатор йўллاردан фойдаланган ҳолда маълумотни қабул қилади. Сўнг у маълумот категоризация босқичидан ўтади, яъни маълумот қайси турга тегишли ҳисстми, маданиятми ёки тила оидми ва хоказо. Шундан сўнггина инсон онгида анализ бўлиб маълумотлар янада

янгиладанади ва инсон ўз хулосасини қилади ва бу хулоса ижобий ёки салбий бўлиши мумкин.

Лингвوماданиятшунослик лингвистик тадқиқотларнинг етакчи йўналишларидан биридир. Бу тил руҳидан ёки тил менталитети билан боғлиқ баъзи ҳодисалардан келиб чиқади, нутқ алоқасини ташкил этишнинг миллий ва маданий ўзига хос қоидаларини ўрганади, тилда акс этган халқларнинг маънавиятини, бирлигини кўрсатади. Шу боис ҳам инсоннинг тилидан унинг маънавияти ёхуд маданиятини билиб олиш мумкин бўлади. Инсон тилни қандай ўрганган бўлса, қай тарзда қабул қилган бўлса унинг ҳар сўзида бунинг аксини кўришимиз мумкин. Бироқ, бир тилда хушмуомилалик деб қабул қилинган ҳодиса бошқа бир тилда бунинг акси яъни қўполлик деб қабул қилинган бўлиши эҳтимолдан нари эмас. Шу сабабдан агарда инсон она тилисидан бошқа тилни ўрганишни бошласа, фақатгина тилни эмас балки унинг маданиятини ҳам бир қаторда ўрганиб кетиши лозим. Келажакда ўрганган хорижий тилида суҳбатлашиши лозим бўлса ва маданиятини ўрганган бўлса у албатта ҳеч қандай қўрқувларсиз бемалол сўзлашолари. Аммо бунинг акси бўлганда биргина суҳбат жараёнида кўпгина тушунмовчилик келиб чиқишига сабаб ҳам бўлиб қолиши мумкин. Лингвوماданиятшуносликнинг ўрнини оддий суҳбат жараёнида ҳам қанчалар бекиёслигига яна бир бор амин бўлдик.

### МУҲОКАМА

Тил дунёга маъно орқали қиради, маъно антропоцентрик бўлмаган воқелик билан тилни боғлайдиган йўл. Лингвистик ҳодисалар ортида маълум бир сопиокултура мавжуд. Дунёнинг лингвистик расмининг орқасида дунёнинг ижтимоий-маданий манзараси ётади оғзаки тилдан ҳақиқатан ҳам фойдаланиш учун сиз лингвистик бўлмаган фактларнинг умумийлигини, тилнинг орқасида нима борлигини билишингиз керак. "Тил-маданият" муаммосига бўлган қизиқишнинг ортиб бориши "тил ва маданият" тушунчасининг терминологик инвентаризацияси доирасига киритилган тушунчаларни манбалари, параметрлари, тадқиқот усулларини аниқлаштиришни тобора долзарблаштирмоқда. барча гуманитар фанларнинг манфаатлари бирлашади, бу инсонни ўрганадиган фанлар ўртасидаги чегараларни бузадиган ўзаро фаолият ғоя, чунки одамни унинг тилидан ташқарида ўрганиш мумкин эмас. Тил миллий маданиятнинг асосий ифода шакли ва мавжудлигидир. Маданиятни маълум бир жамият нима қилиши ва ўйлаши деб таърифлаш мумкин. Тил одамлар қандай фикрда. Шунинг учун тил маданий ифода этишнинг амалга оширилган ички шакли, маданий билимларни тўплаш воситаси сифатида ишлайди.

Маданиятнинг асосий мақсади шахсни маънавий бойитиш воситаси бўлишидир. Инсон "маданият оламига" шўнғиб, моддий ва маънавий маданиятга хос кўпгина тилларни ўзлаштиради. Маданиятнинг миллий характери турли халқлар тиллари ва маданиятларининг ўзаро алоқасини, уларнинг ўзаро узвий фундаментал пойдевор – жаҳон маданияти, ютуқларига бойиб боришини назарда тутди. Бутун инсониятда маданият халқнинг яратилиши сифатида миллий (ўзига хос) ва умумий (халқаро) бирлигидир.

### ХУЛОСА

Айтилганларни умумлаштириб, шуни таъкидлаймизки, лингвوماданиятшуносликнинг шаклланиши тил тадқиқотчилари учун кенг фаолият майдонини очди ва бир неча йўналишдаги "чорраҳада" гуманитар билимлар муаммоларини ишлаб чиқишда янги истиқболларни очиб берди. Экстралингвистик маълумотларнинг жалб

этилиши анъанавий тилшунослик имкониятларини кенгайтирди. Шу билан бирга, тегишли соҳаларда (когнитив тилшунослик, прагматик тилшунослик, этнолингвистика) олинган натижалар тегишли талқин билан лингвистик ва маданий тавсифнинг зарур қисмини англатади.

Демак, антропоцентрик парадигма инсонни биринчи ўринга қўяди ва тил инсоннинг асосий таркибий хусусияти, унинг энг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Инсоннинг ақл-заковати, инсоннинг ўзи сингари, нутқни яратиш ва идрок этиш қобилияти сифатида тил ва тил қобилиятдан ташқарида тасаввур қилиб бўлмайди. Агар тил барча фикрлаш жараёнларига тажовуз қилмаса, агар у янги ақлий бўшлиқларни яратишга қодир бўлмаса, унда одам тўғридан-тўғри кузатиладиган нарсалар доирасидан ташқарига чиқмайди. Инсон томонидан яратилган матн инсон тафаккурининг ҳаракатини акс эттиради, мумкин бўлган оламларни куради, фикр динамикасини ва уни тил воситаларидан фойдаланган ҳолда намоёиш этиш усулларини акс эттиради.

**Keywords:** bilingualism, bilinguals, bilingualism issues, intercultural communication, dialectal and international interface.

## БИЛИНГВИЗМ И МЕЖКУЛЬТУРНАЯ КОММУНИКАЦИЯ

**Аннотация.** в данной статье рассматривается и анализируется история двуязычия, значение двуязычия в мировом языкознании, взгляды на него языковедов, его роль в межкультурных отношениях, вопросы современного двуязычия, двуязычие в творчестве Тахира Малика.

**Ключевые слова:** билингвизм, билингвалы, проблемы двуязычия, межкультурная коммуникация, диалектный и интернациональный интерфейс.

## KIRISH

Ma'lumki, til aloqalari tushunchalarini ifodalovchi terminlardan biri bilingvizmdir. Bilingvizm (ikki tillilik, zullisonaynlik) ikki tilda bemalol muloqot qilish, ikki til sohibi bo'lish demakdir. Ikki tilda o'zaro kommunikativ munosabatga kirishuvchi shaxslar bilingvlar hisoblanadi. Bu atamaning kelib chiqishiga e'tibor qaratadigan bo'lsak, miloddan avvalgi III-II asrlarda rimliklar Iberiya (bugungi Ispaniya) hamda Galliyani (bugungi Fransiya) bosib olishgan. Mazkur hududlarda mahalliy til – lotin tili bilingvizmi vujudga keladi.

## TADQIQOT METODI VA METODOLOGIYASI

Ommaviy bilingvizm sharoitida interfeysiyaning ba'zi turlari til tizimiga ta'sir etib, ayrim o'zgarishlarga olib kelishi mumkin. Olimlar bu vaziyatda tilning hududiy farqlanishi – etnik sheva yuzaga kelishi mumkin, deb hisoblaydilar. Interfeysiyaning ikki guruhga: dialektal interfeysiya va internatsional interfeysiya turlariga ajratish maqsadga muvofiq. Dialektal interfeysiya til tashuvchisining bir subkod orqali muloqot jarayonida ikkinchi subkod birligini qo'llashi natijasida yuzaga chiqadi:

– *Voy, aylanaylar, kelinglar, bolajonlarim. O'tiringlar. (Z. 78-b.)* // – *Voy, savil! – dedi u g'ijinib. – Otasi tirik turib pulni nimaga pochchasiga yuboradi? (Z. 159-b.)*

Internatsional interfeysiya ikki milliy tilning aralashuvidan hosil bo'ladi. Masalan, o'zbek-rus bilingvizmini quyidagi parchada ko'rishimiz mumkin:

– *Чтоб, men buni boshqa eshitmay. Bilding? Пока men borman, hammasi za moy cchem. Sen ctyudentcah . Так что, o'qishingni bil! (Z. 93-b.)*

Shu o'rinda interfeysiyaning ayrim turlari dialektal interfeysiyada uchramasligi, ayrimlarining esa faolligini qayd etish lozim. Xususan, ushbu gapda Toshkent shevasi qo'llanilganini ko'ramiz: – Men **kennayilariman**. Hozir akalarini chaqiraman. (Sh. III t, 159-b.).

Turkiy-rus bilingvizmini o'rganishning asosiy aspektlaridan biri kontaktga kiruvchi tillarning barcha bosqichlarida o'zaro ta'sir natijasida hosil bo'luvchi o'zgarishlarni, avvalo, turkiy tillarning barcha bosqichlaridagi o'zgarishlarni o'rganishdir, chunki bu tillar o'rtasidagi o'zaro ta'sirda turkiy tillar ko'proq o'zgaruvchandir. Turkiy-rus ikki tilliligi natijasida eng sezilarli o'zgarishlar turkiy tillar sintaksisida ro'y beradi.

### TADQIQOT NATIJASI

Asosiy til bosqichlarining ba'zi qismlari bilingvizm ta'sirida juda sezilarli ravishda o'zgaradi. Ularga leksika, asosan, uning fan, siyosat, iqtisod va ideologiya bilan bog'liq terminologik qismi hamda har xil mavhum tushunchalarga xos leksika kiradi: – Men **advokatman**, nima uchun meni ichkariga qo'y maysizlar? – dedi jigarrang **shlyapali** yigit. ...**Moskovlik prokuror** so'roq qilyapti. O'zimizning **prokurorlarni** yaqinlashtirmayapti. (VO. 8-b.)

Yuqoridagi gaplarda o'zbek tilining leksik jihatdan boyishiga xizmat qilgan so'zlarni ko'rishimiz mumkin. *Advokat, prokuror* kabi rus va fransuz tilidan kirib kelgan terminlar nafaqat bizning tilshunosligimizda, balki dunyo miqyosida qo'llanadi. *Shlyapa* va *Moskov* kabi chet el so'zlariga -li qo'shimchasi qo'shilishi natijasida **shlyapali, moskovlik** turkiy so'zga aylangan. Bir so'z bilan aytganda, bilingvizm tillar o'rtasida madaniyatlararo muloqot va aloqalar rivojiga xizmat qiladi.

Rus va boshqa tillarning sezilarli ta'siri turkiy adabiy tillardagi har xil stillarga xos leksik-grammatik vositalarning qo'llanishida ko'rinadi. Undan tashqari, tillardagi ichki vositalarning aktivlashuvi, birinchi navbatda, dialekt va jonli nutq leksikasi, dubletlar va sinonimik, leksik va grammatik qatorlarning stilistik ishlatilishidagi farqlanishlar va hokazolar hisobiga bo'ldi.

Bilingvizm va rus tilini chuqur o'rganilishi natijasida turkiy adabiy tillarning takomillashuvi va ulardagi stilistik xususiyatlarning boyishi, xususan, poetik stilda yangi ritm va metrikaning qo'llanilishi, yangi poetik formalar va klassik poetik qonuniyatlarning aktivlashuvi kabi masalalar kengroq ochiladi: – *Балбеснинг uyiga bordim. Старухasi bilan gaplashdim. Криминал ish devdim, ваабие очумела. Все, bir oydan keyin to'y! Да, между прочем, до to'ygacha uyni балбесning nomiga o'tkazadi. O'tkazmasa, o'g'li tyurmada chirydi. (Z. 114-b.)*

O'zbek va tojik xalqlarining asrlar davomida bir hududda yonma-yon yashab kelganliklari mazkur tillarning leksik-semantik strukturasiga ham o'z ta'sirini ko'rsatgan. Buning natijasida o'zbek-tojik bilingvizmi vujudga kelgan. Shuni alohida ta'kidlash joizki, leksik-semantik ta'sir keng yoyilgan bo'lsa ham, fonetik ta'sirdek ko'zga yaqqol tashlanib turmaydi. Shu boisdan, tadqiqotchilar tomonidan asosiy e'tibor fonetik ta'sirga qaratilgan bo'lib, tillararo leksik-semantik ta'sir e'tibordan chetda qolgan. O'zbek va tojik tillari ikki tillilik holatida bo'lganligi uchun "...Buxoro, Samarqand, Farg'ona vodiysi viloyatlarida yashovchi tojiklar tilida o'zbek tili bilan turli til sathlarida o'xshashlik, tipologik yaqinlik vujudga keldi". Tojik tilining shimoliy shevalarida "*fe'lro ovardan*" iborasi – "*Achchig'ini chiqarmoq*", "*Jahlini chiqarmoq*" ma'nosida qo'llanadi. Mazkur misolda tojikcha va o'zbekcha model qo'shib, "*fe'lni chiqarmoq*" shakliga



kelgan. Yozuvchi Tohir Malik asari misolida qaraydigan bo'lsak: *“Mehmon uning harakatini zimdan kuzatdi. Beodobligidan **achchig'i chiqsa-da**, sir boy bermay, mezbonga qaradi”*(T.6-b.), *“Birga bo'lgan yillari davomida u Asadbekning g'ashini keltiradigan, **jahlini chiqaradigan** ishlarni ko'p qildi. (Sh. IV t., 86-b*

### MUHOKAMA

Tojik tilidagi *“shikastan”* fe'li ifodalagan ma'no o'zbek tilidagi *“sindirmoq”* hamda *“chaqmoq”* fe'llarining ma'nosiga to'g'ri keladi. Misol uchun: *“Suyagimni **sindirib** yuborgansan, shekilli, og'riyapti”*(T. 119-b.), *“G'ayratning otasi bolaligida oyog'ini **sindirib** olganmi yo tug'ma cho'loqmi, Asror bilmaydi, harholda hassasiz yurolmaydi”*. (T. 216-b.)

O'zbek tilining qarindosh va noqarindosh tillar bilan mavjud kontaktlari, bilingvizm va u bilan bog'liq hodisalarni tadqiq qilish o'zbektilshunoslari oldida turgan eng muhim dolzarb muammolaridan biridir. O'zbek tilshunosligida til aloqlari, ularning bir-biriga ta'siriga bag'ishlangan maxsus nazariy ishlar yaratilmagan. Bu esa til sohasida bilingvizm va interferensiya tushunchasi bilan bog'liq bo'lgan ishlarni olib borishga turtki bo'lmoqda. Ikki tillilik va ko'p tillilikning turli muammolariga bag'ishlangan maqolalar to'plami ham mavjud bo'lib, ularda bilingvizm, uning turlari, tarixiy ildizlari, til interferensiyasi, uning mohiyati, bilingvizmga munosabati kabi masalalar yoritilgan.

### XULOSA

Xulosa o'rnida aytish mumkinki, o'zbek tilining keng imkoniyatlari mavjud va unda bilingvizmning o'рни beqiyos. Madaniyatlar o'rtasida aloqa va kommunikatsiyalarning rivojiga ham bilingvizm katta hissa qo'shadi. Buning isbotini biz yuqorida Tohir Malik asarlari misolida ko'rib chiqdik. Keyingi tilshunoslik bosqichlarida bilingvizm masalalarini ham nazariy, ham amaliy jihatdan o'rganilishi maqsadga muvofiq.

### REFERENCES

1. Розенцвейг В. Ю. Языковые контакты. – Ленинград: Наука, 1972.
2. <sup>2</sup>. Лингвистический энциклопедический словарь. – Москва: Большая Российская энциклопедия, 2002.
3. Расторгуева В.С. Опыт сравнительного изучения таджикских говоров. – Москва: Наука. 1964.
4. Hakimov M.X. O'zbek tilida matnning pragmatik talqini. Filol.fan.doktori.diss. – Toshkent: 2001.
5. Malik T. Shaytanat. 5 jildlik, 3-jild. – Toshkent: Sharq, 2006
6. Malik T. Shaytanat. 5 jildlik 4-jild. – Toshkent: Sharq, 2009
7. Malik T. Voy, onajonim. – Toshkent: Yangi asr avlodi, 2015
8. Malik T. Zulm. – Toshkent: Sharq, 2016
9. Malik T. Talvasa. – Toshkent: Sharq, 2012

## ИҚТИСОДИЁТНИНГ РАҚАМЛАШУВИ ШАРОИТИДА УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИНИ КАСБ-ХУНАРГА ЙЎНАЛТИРИШ ИШЛАРИ МАЗМУНИ

Қобилова Ўғилой Камилжоновна

Тошкент шаҳар Олмазор тумани 233- мактаб директори

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6815497>

**Аннотация.** Ушбу мақолада иқтисодиётнинг рақамлашуви шaroитида ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ишлари, ҳамда синф раҳбари, мактаб психологи ва мактабдан ташқари таълим муассасаси ҳамкорлиги фаолияти ҳақида маълумотлар берилган. Шунингдек мақолада ўқувчиларни касб-хунарга йўналтиришнинг педагогик-психологик ва методик томонлари ҳамкорлик масалалари орқали очиб берилган. Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг касб-хунар малакаларини эгаллашида мактабдан ташқари таълим муассасаларининг аҳамияти очиб берилган.

**Калит сўзлар:** касб-хунар, ўқувчи, мактаб, синф раҳбари, мактабдан ташқари таълим, мактаб психологи, адаптив тизим, касб-хунар турлари.

## ТЕКСТ НАУЧНОЙ РАБОТЫ НА ТЕМУ «СОДЕРЖАНИЕ ПРОФИОРИЕНТАЦИИ УЧАЩИХСЯ ОБЩЕОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ШКОЛ В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВИЗАЦИИ ЭКОНОМИКИ»

**Аннотация.** В данной статье представлена информация о механизмах ориентации учащихся на профессию в условиях цифровизации экономики, о сотрудничестве классного руководителя, школьного психолога и внешкольного образовательного учреждения в этой деятельности. Также в статье раскрываются педагогические, психологические и методические аспекты ориентации студентов на профессию через вопросы сотрудничества.

**Ключевые слова:** профессия, ученик, школа, классный руководитель, внешкольное образование, школьный психолог, адаптивная система, виды профессий.

## THE CONTENT OF VOCATIONAL GUIDANCE FOR STUDENTS OF GENERAL SECONDARY SCHOOLS IN THE CONTEXT OF THE DIGITIZATION OF THE ECONOMY

**Abstract.** This article provides information about the mechanisms of orientation of students to a profession in the conditions of digitalization of the economy, about the cooperation of a class teacher, a school psychologist and an out-of-school educational institution in this activity. The article also reveals the pedagogical, psychological and methodological aspects of students' orientation to the profession through issues of cooperation.

**Keywords:** profession, student, school, homeroom teacher, extracurricular education, school psychologist, adaptive system, types of professions.

## КИРИШ

Мамлакатимизда ўқувчи-ёшларнинг замонавий касб-хунарларни эгаллашлари, уларнинг ҳар томонлама етук мутахассис бўлиб етишишлари, шунингдек меҳнат шакллари ривожлантириш давлат сиёсатининг муҳим йўналиши ҳисобланади. Президентимиз томонидан қабул қилинаётган қарор ва фармойишлар ушбу йўналишнинг муҳим эканлигини кўрсатади ва ривожланиши учун дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги ПҚ-4884 сонли “Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида:

халқ таълими тизимида касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик хизмат кўрсатиш, илғор тажрибаларга асосланган касб-хунарга йўналтиришнинг замонавий шакл ва услубларини жорий этиш; вазифаси белгилаб берилди.

Шунингдек, 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сонли “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида умумтаълим мактаби ўқувчиларини касб-хунарга йўналтириш тизимини жорий этиш вазифаларидан келиб чиқиб, ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва педагогик-психологик республика ташхис маркази томонидан “Касбим – келажагим” номли ягона онлайн платформа яратилди. Замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда бу платформа ўқувчиларнинг қобилияти, қизиқиши ва иқтидорини аниқлаш, ўқувчиларни онгли равишда касб танлашларига хизмат қилади.


Синф раҳбари тарбиявий ишлар бўйича йиллик иш режасига ўқувчиларни бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида уларни мактаб ва мактабдан ташқари таълим муассасалардаги тўғаракларга жалб этиш масаласини режага киритади. Синф раҳбари ўқувчиларни касб-хунарга йўналтиришда мактаб психологи билан ҳамкорликда тарбиявий тадбирларни, тарбиявий соатларни, давра суҳбатларини ўтказиш орқали мақсадга эришади. Шунинг қаторида мактабдан ташқари таълим муассасаларига болаларни жалб этиш масаласини батафсил кўриб чиқиши муҳимки, бунда бола учун касб-хунарга йўналтирувчи барча имкониятлар мавжуд. Бундай муассасалар нафақат болаларни бўш вақтларини унумли ўтказди, балки турли касбларга тайёрлаш бўйича амалий машғулотларни ташкил этади ва ўқувчиларни бирор ҳунар эгаси сифатида намоён бўлишини таъминлайди.

Замон шиддат билан ривожланар экан, вақт ўтиши билан долзарблигини йўқотган касблар ўрнини жамият учун керакли ва зарур касблар эгаллаб боради. Ҳар томонлама баркамол шахсни тарбиялаш таълим тизимининг олий мақсади. Шундай экан, умумий ўрта таълим мактабларида иқтисодиётнинг рақамлашуви шароитида касбга йўналтириш ишлари мазмунига замонавий касблар контентини яратиш ва ёш авлодга сингдириш масаласи долзарб. Бу масала педагог ва мутахассислар томонидан муҳим вазифа қилиб белгиланган. Қуйида умумтаълим мактаблари ўқувчиларини касб-хунарга йўналтириш ишларининг амалдаги мавжуд аҳволи схемаси келтирилган. Ушбу механизмни кўриб чиқамиз.

Мактабдан ташқари таълим муассасаси бўлган “Баркамол авлод” болалар мактабларида бугунги кунда 7 йўналишда тўғараклар фаолият олиб борадики, ҳар бир йўналишда 10 га яқин тўғарак турлари мавжуд. Мактаб психологи ҳар бир бола билан яқка тартибда суҳбат ташкил этиши, ўқувчилар гуруҳларида психологик тренинглар ташкил этиб ҳар бир боланинг касб-хунарга бўлган муносабатини аниқлайди ва бу ҳақда синф раҳбарига, ота - онасига маълумот беради. Синф раҳбари ота – оналар мажлисларида ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш мақсадида тумандаги “Баркамол авлод” болалар мактабларида ташкил этилган тўғарак турлари билан уларни таништиради. Ҳар бир боланинг қобилиятига яқка тартибда ёндашиб ота-онага ва ўқувчига касбга-хунарга йўналтирувчи маслаҳатларни беради.

Иқтисодиётнинг рақамлашуви шароитида умумтаълим мактабларининг касбга йўналтириш ишлари механизми.

1 расм



Бу таклифлар, яъни мактабдан ташқари таълим муассасаларига ўқувчиларни жалб этилиши синф раҳбарининг ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтиришдаги саъй-ҳаракатларини мазмунан ва амалий жиҳатдан тўлдиради, ҳамда бойитади. Шу ўринда "Баркамол авлод" болалар мактаблари ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқни ихтиёр этдик.




Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтиришда мактаб ва мактабдан ташқари таълим муассасаларининг ҳамкорлиги бу жараёндаги механизмнинг самарали ташкил этилишини таъминлайди. Бола учун етти маҳалла ота-она деганларидек, боланинг тарбияси, ҳаётда ўз ўрнини топиши учун нафақат ота-она, мактаб балки болани қуршаб турган барча объектларнинг масъуллигини ошириш долзарб масаладир.

Тадқиқотчи Ў. Тоҳиров илмий ишида ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ишларини мактабгача таълим ташкилотларидан бошлаб умумий ўрта таълим мактаблари босқичларида тарбиявий машғулотлар, синф соатлари, тадбирлар, дарс машғулотлари орқали ташкиллаштирилишини ва бу жараёнлар орқали ўқувчиларнинг касбий ривожланишлари таркиб топиб, кўникмалари ривожланишини таъкидлайди.

Уни қуйидаги схемада аниқлаштириш мумкин.





Биз таклиф этаётган механизмда нафақат мактабгача таълим ташкилоти узвийлиги, балки мактабдан ташқари таълим муассасаларининг узвийлигини таъминлаш масаласини ҳам мақсад қилиб қўйдик. Демак бола касб-ҳунар тушунчаларини эгаллаши ва касбий кўникмаларини ривожлантириши учун бошланғич ташкилот мактабгача таълим ташкилоти, сўнг мактаб ва мактабдан ташқари таълим муассасалари узвийлиги, ҳамкорлиги белгилаб олинди.

Уни қуйидаги схемада аниқлаштириш мумкин.



Амалдаги механизмда боланинг касб-ҳунарлар бўйича маълумотлар билан танишиш ва илк кўникмаларни таркиб топтириш учун умумий ўрта таълим мактабларининг



педагоглари, психологлари масъул этиб белгилаб қўйилган. Уларнинг бу масалада йиллик режалари тасдиқланиб синф раҳбари ва мактаб психологи томонидан йил давомида амалга оширилиб борилади. Бу вазифалар бир- бирини ҳамкорлик вариантида ҳам тўлдириб борилади.

Мактабдан ташқари таълим муассасалари фаолиятида ҳам асосий мақсад болаларни касб-хунарга йўналтириш этиб белгилаб берилган. Бу масалада умумий ўрта таълим мактаби билан мақсад ягона, лекин ҳамкорлик ишлари умуман кузатилмайди. Синф раҳбари, мактаб психологи касб-хунарга йўналтириш ишларида бу муассаса билан ҳамкорликни йўлга қўймаган. Йиллик иш режасида ҳам ҳамкорлик тадбирлари кузатилмайди. Чора-тадбирларда ҳам бу масала муассасанинг ўзига хослигида белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 сентябрдаги “Халқ таълими тизимидаги мактабдан ташқари таълим самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4467-сонли қарорида умумий ўрта таълим мактабларида “Баркамол авлод” болалар мактабларининг тармоқ тўғарақларининг ташкил этилиши назарда тутилган. Туман ёки шаҳар марказида жойлашган “Баркамол авлод” болалар мактаблари туман марказидан анча узоқда яшовчи болалар учун узоқлик қилиш муаммоси ҳам ана шу қарорга мувофиқ муносиб ечимини топди. Зеро, болаларнинг касб-хунарга йўналтириш масалалари нафақат синф раҳбари, мактаб психологи балки мактабдан ташқари таълим муассасалари фаолияти учун ҳамкорлик устуворлигини таъмин этмоқда. Шундай экан, бу таълим муассасаси педагоглари, тўғарақ раҳбарлари умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг синф раҳбарлари ва мактаб психологлариининг ҳамкорлик иш режаларининг тузилиши заруратини туғдирмоқда.

Биз ушбу муаммони қуйидаги таклиф ва тавсиялар билан самарали ечимини излаб топишга ҳаракат қилдик ва ушбу таклифларни киритдик:

- Иқтисодиётнинг рақамлашуви шароитида умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларини касб-хунарга йўналтириш масалалари мактаб ва мактабдан ташқари таълим муассасалари билан ҳамкорликда амалга оширилиши;

- Иқтисодиётнинг рақамлашуви шароитида умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларини касб-хунарга йўналтиришда синф раҳбари, мактаб психологи, тўғарақ раҳбари йиллик иш режасига ҳамкорлик асосидаги чора-тадбирларнинг киритилиши;

- Иқтисодиётнинг рақамлашуви шароитида умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларини касб-хунарга йўналтиришда замонавий касблар билан таништиришда амалиётнинг таъмин этилганлиги;

- Иқтисодиётнинг рақамлашуви шароитида умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларини касб-хунарга йўналтиришда замонавий касблар билан таништиришда етарли шарт-шароитларнинг таъмин этилганлиги;

- Иқтисодиётнинг рақамлашуви шароитида умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларини касб-хунарга йўналтиришда қўшимча таълимнинг устуворлигини таълим мазмунига сингдириш;

- Иқтисодиётнинг рақамлашуви шароитида умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларини касб-хунарга йўналтириш ишларини такомиллаштиришда ишлаб чиқариш объектларини жалб этиш.

- Иқтисодийнинг рақамлашуви шароитида умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларини касб-хунарга йўналтиришда мактаб, мактабдан ташқари таълим муассасаси, маҳалла ва ишлаб чиқариш объектлари масъуллигини ошириш.

Хулоса қилиб айтсак, иқтисодийнинг рақамлашуви шароитида умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларини касб-хунарга йўналтириш ишлари ота-она ёки мактаб миқёсида эмас балки болани ўраб турган барча объектлар мисолида кўриб чиқсак ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ишлари янада мазмундор ва самарали эканлигини кўришимиз мумкин бўлади.

#### REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги “Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4884 сонли қарори
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сонли “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони
3. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти. Тошкент. 2002 й.
4. Ў.Тоҳиров. Касбга йўналтирилган таълим мазмуни ва уни ташкил этишнинг ўзига хос жиҳатлари. Халқ таълимининг долзарб муаммолари. Илмий мақолалар тўплами. Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлар илмий тадқиқот институти.

## INGLIZ TILINI O'QITISHDA INNOVATSION TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISHNING SAMARASI

**Toshxo'jayeva Gulhayo O'ktam qizi**

O'zbekiston davlat jahon tillari universiteti xorijiy til va adabiyot yo'nalishi ingliz tili 2-fakulteti  
2-kurs talabasi

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6815526>

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada ingliz tili fanini o'qitishda innovatsion texnologiyalardan foydalanishning samarasi va o'ziga xos usullari haqida so'z boradi. Maqola davomida ingliz tili darslarida olib boriladigan turli zamonaviy innovatsion texnologiyalarning turlari, ulardan foydalanish usullariga alohida to'xtalib o'tilgan. Maqola so'ngida ilmiy mulohazalar va fikrlar berib o'tilgan.

**Kalit so'zlar:** chet tili, innovatsion texnologiyalar, o'yinli faoliyat, malaka, uslub, tajriba.

## ЭФФЕКТ ОТ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ИННОВАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В ОБУЧЕНИИ АНГЛИЙСКОМУ ЯЗЫКУ

**Аннотация.** В данной статье рассказывается об эффективности и уникальных методах использования инновационных технологий в обучении английскому языку. В ходе статьи обсуждаются различные виды современных инновационных технологий и методы их использования, которые применяются на занятиях по английскому языку. В конце статьи даются научные комментарии и мнения.

**Ключевые слова:** иностранный язык, инновационные технологии, игровая деятельность, навыки, стиль, опыт.

## THE EFFECT OF USING INNOVATIVE TECHNOLOGIES IN TEACHING ENGLISH

**Abstract.** This article talks about the effectiveness and unique methods of using innovative technologies in teaching English. In the course of the article, different types of modern innovative technologies and methods of their use, which are carried out in English language classes, are specifically discussed. At the end of the article, scientific comments and opinions are given.

**Key words:** foreign language, innovative technologies, game activity, skills, style, experience.

## KIRISH

Mamlakatimiz mustaqillikka erishgandan so'ng, chet tillarini o'rgatishga qiziqish oshdi va yoshlar uchun ko'plab imkoniyatlar yaratib berildi. Birinchi prezidentimiz Islom Karimov aytganlaridek, "Hozirgi paytda xorijiy tillarni o'rgatishga yurtimizda katta ahamiyat berilmoqda. Bu ham albatta, bejiz emas. Bugun jahon hamjamiyati o'ziga munosib o'rin egallashga intilayotgan mamlakatlarimiz uchun, chet ellik sheriklarimiz bilan hamjihatlikda, hamkorlikda o'z buyuk kelajagini qurayotgan xalqimiz uchun xorijiy tillarni mukammal bilishning ahamiyatini baholashning hojati yo'qdir".

## TADQIQOT METODI VA METODOLOGIYASI

Ushbu fikrlarning mantiqiy davomi sifatida 2012-yil-10 dekabrda qabul qilingan "Chet tillarini" o'rgatish tizimini yanada takomillashtirish chora tadbirlari to'g'risida"gi Prezident Qarori chet tillarini o'rganish imkoniyatlarini kengaytirdi. Bugungi kunda maktablarda interfaol o'yinlar orqali dars o'tish an'anaga aylanib bormoqda. Ma'lumki, darsning turli xil o'yinlar asosida o'tilishi o'quvchilarning imkoniyatlarini namoyish etish, diqqatni jamlash, bilim va

ko'nikmalarini oshirish va kuchli bo'lishlarini ta'minlaydi. O'yin texnologiyasidan foydalanishning asosini o'quvchini faollashtiruvchi va jadallashtiruvchi faoliyat tashkil etadi. Psixologlarning ta'kidlashlaricha, o'yinli faoliyatning psixologik mexanizmlari shaxsning o'zini namoyon qilish, hayotda barqaror o'rnini topish, o'zini o'zi boshqarish, o'z imkoniyatlarini amalga oshirishning fundamental ehtiyojlariga tayanadi. Har qanday o'yin zahirida umumiy qabul qilingan ta'lim prinsiplari, taktikasi yotishi kerak. O'quv o'yinlariga o'quv predmetlari asos qilib olinishi kerak. O'yinlar jarayonida o'quvchi oddiy darsga qaraganda bu mashg'ulotga qiziqibroq yondashadi va bema'lol faoliyat ko'rsatadi. Ta'kidlash lozimki, o'yin eng avvalo, o'qitishning bir usulidir. O'quvchilar o'yinli darslarga qiziqib qatnashadilar, g'alaba qozonishga intiladilar, o'qituvchi ular orqali o'quvchiga ta'lim-tarbiya ham beradi. O'quvchi inglizcha o'yin o'ynab, gapira olarkanman, tinglab tushuna olarkanman, yoza olarkanman, deb ishonadi, qiziqadi. Tajriba shundan dalolat beradiki, har qanday o'yinda ishtirokchilarning malakasi va yoshidan qat'iy nazar, ular o'ng'aysiz holatga tushib qoladilar. Shuning uchun o'yinni o'quv amaliyotiga tadbiiq qilishdan avval quyidagi pedagogik-psixologik masalalar hal etilishi zarur. Har bir o'quvchi o'yinga tayyorgarlik ko'rayotganda quyidagilarni bilishi lozim: o'yinning maqsadini; o'yinning vazifasini; o'yinning rejadagi qaysi mavzuga taalluqliligini; avvalgi o'yinlarda shakllangan malaka va ko'nikmalarni keyingi o'yinlarda ham qo'llay olishi. Biz bilamizki, hozirgi ta'lim jarayonida o'quvchi sub'ekt bo'lishi lozim. Bunda ko'proq interfaol metodlarga e'tiborni qaratish ta'lim samaradorligini oshiradi. Ingliz tili darslariga qo'yilgan eng muhim talablardan biri mustaqil fikrlashga o'rgatishdir.

#### TADQIQOT NATIJASI

Bugungi kunda ingliz tili o'qituvchilari Amerika Qo'shma Shtatlari, Angliya pedagoglari tajribasiga tayangan holda, quyidagi innovatsion metodlardan foydalanib kelmoqda: **“Muammoli vaziyat yechimi”** (Creative problem solving) bu usulni qo'llash uchun hikoyaning boshlanishi o'qib beriladi qanday yakun topishi o'quvchilar, talabalar hukmiga havola qilinadi;

**“Quvnoq topishmoqlar”** (Merry riddles) o'quvchilarga topishmoqlar o'rgatish Ingliz tilini o'rgatishda muhim ahamiyatga ega, ular o'zlariga notanish bo'lgan so'zlarni o'rganadilar va o'ylab topishmoq javobini topadilar;

**“Tezkor javob”** (Quick answers) o'tilgan dars samaradorligini oshirishda yordam beradi;

**“Chigil yozdi”** (Warm-up exercises) o'quvchilarni darsga qiziqitirish uchun sinfda har xil o'yinlardan foydalanish;

**“Pantomima”** (Pantomime) bu usul juda qiyin mavzular tushuntirilishi kerak bo'lgan darsda yoki yozma mashqlar bajarilib, talabalar charchagan paytda foydalanilsa bo'ladi;

**“Hikoya zanjiri”** (A chain story) usuli o'quvchilarning og'zaki nutqini oshirishda va xotirani mustahkamlashda yordam beradi;

**“Rolli o'yinlar”** (Acting characters) bu usul darsning barcha tiplarida qo'llanilishi mumkin. Hunarga o'rgatish uchun “Interpreter”, “Translator”, “Writer”, “Poet” kabi kasbdagi kishilar darsda ishtirok etishib o'quvchilar bilan suhbatlashishlari mumkin;

**“Allomalar yig'ini”** (Thinkers meeting) U.Shekspir, A.Navoiy, R.Burns kabi shoirlar va yozuvchilarni “taklif qilish” mumkin. Bunday paytda ular aytib ketgan hikmatli so'zlardan darsda foydalanish yoshlarni komil inson bo'lib tarbiyalanishiga yordam beradi;

**“Rasmlar so’zlaganda”** (When pictures speak) usuli ancha qulay bo’lib, ingliz tilini o’rgatishda, talaba, o’quvchilarning o’g’zaki nutqini rivojlantirishda yordam beradi, buning uchun mavzuga oid rasmlardan foydalanish lozim;

**“Kviz kartochkalari”** (Quiz cards) o’quvchilarning soniga qarab kartochkalar tarqatiladi va hamma talabalar bir vaqtda darsda ishtirok etish imkonini beradi bu esa vaqtni tejaydi.

#### **Last Man Standing** (Oxirgi qolgan odam)

Bu o’yin tezkor o’yin hisoblanadi. Lekin O’quvchilarga o’ylash uchun biroz vaqt beradi. Bu o’yin birgalikda o’rganishga undaydi, ya’ni boshqa o’quvchilar so’zlayotganida qolgan o’quvchilar o’zlari so’z o’ylayotgan bo’lishadi. O’yinni o’ynash uchun sizga kopto’kcha kerak bo’ladi. Va hamma o’quvchilar doira shaklida turib olishlari kerak. Birorta mavzu tanlashingiz kerak bo’ladi. Masalan: Things found in a kitchen (oshxonada topiladigan buyumlar), food, profession va hokazo. Biror o’quvchiga to’pni uloqtirish orqali o’yin boshlanadi. O’sha o’quvchi mavzuga doir biror inglizcha so’z aytadi va to’pni keying o’quvchiga uloqtiradi. To’pni qabul qilgan har bir o’quvchi shu mavzuga doir biror so’z aytishi kerak bo’ladi. Agar ular aytilgan so’zlarni qayta aytsa yoki bir necha soniya ichida so’z topa olmasa, ular o’yindan chiqadi va o’yinni o’tirgan holda kuzatadi. Havotir olmang, ular baribir o’rganayotgan bo’ladi.

#### **MUHOKAMA**

Bu o’yin biroz boshqacharoq qilib o’zgartirsangiz ham bo’ladi. Biror mavzuga so’z aytish o’rniga, har bir o’quvchi keyingi o’quvchiga biror boshqa mavzu aytishi mumkin. Masalan, siz “say something red” (biror qizil narsani ayting) deb o’yinni boshlashingiz mumkin. Kopto’kni ushlab olgan birinchi o’quvchi “strawberry” deb keyin o’zi biror mavzu tanlab ko’ptokni boshqasiga uloqtirishi mumkin. Bu o’yinni biroz murakkablashtiradi, sababi o’quvchi biror so’z haqida o’ylashidan oldin, qaysi mavzuga doir so’z o’ylashi kerakligini ham bilishi lozim.

#### **Pictionary**



Ko’pchilik ingliz tilida so’zlashuvchilar Pictionary, rasm chizish o’yini bilan yaxshi tanish. Rasm chizish maqsadi uchun siz oddiy doska yoki oq magnit doskadan foydalanishingiz mumkin. Sinfni 2 guruhga bo’lib oling va har bir jamoa uchun doskadaning bir tomonida jadval chizing. Siz jamoalarning ballarini shu yerga yozib borasiz. A jamoadan bir kishi chiqadi. Va ko’pgina teskari o’girilgan so’zlardan bittasini tanlaydi va shu so’zni doskaga chizib beradi. Va boshqalar topishi kerak bo’ladi. So’zni birinchi bo’lib to’g’ri topgan jamoaga ball beriladi. 10 ball olgan jamoa g’olib hisoblanadi.

#### **Word Bingo**





Bu o'yinni o'ynatish uchun biroz tayyorgarlik ko'rishingizga tog'ri keladi, lekin bu shunga arziydi. 4x4 shaklda bingo qog'ozlarini tayyorlang va har bir katagiga so'zlar yozing. Bularni o'quvchilarga tarqating (har biri takrorlanmas bo'lishi kerak) va siz so'zlarni o'qib berganizda o'quvchilar bor so'zlarni belgilashlari kerak. Butun sahifadagi so'zlarni birinchi belgilagan o'quvchi g'olib bo'ladi.

Bingo o'yinining ba'zi turlari bor.

**Rasmi Bingo:** Bingo kartasida rasmlardan foydalaning va o'sha rasmlarga oid bo'lgan so'zlarni o'qing.

**Sinonim Bingo:** Bingo kartasidagi ma'nodosh so'zlarni aytish orqali o'quvchilaringizni o'ylashga majbur qiling.

**Antonim Bingo:** Bu ham sinonim kabi faqat o'quvchilar ma'nodosh emas, teskari ma'noli so'zlarni qidirishi kerak bo'ladi.

### XULOSA

Ushbu interfaol o'yinlarning maqsadi, o'qituvchi va o'quvchi o'rtasidagi hamkorlik, o'quvchining ta'lim jarayonida faol harakati, ziyrakligi asosiysi esa darsni qiziqarli tarzda o'zlashtirib, yodda saqlab qolishidir. Xulosa qilib aytganda, Ingliz tili darslarida innovatsion usullarni qo'llash natijasida o'quvchilarning mantiqiy fikrlash qobiliyatlari rivojlanadi, nutqi ravonlashadi, tez va to'g'ri javob berish malakasi shakllanadi. Bunday usullar va o'yinlar o'quvchida bilimga ishtiyoq uyg'otadi. O'quvchi darslarga puxta hozirlik ko'rishga intiladi. Bu esa o'quvchilarni ta'lim jarayonining sub'yektlariga aylantiradi.

### REFERENCES

1. <https://www.researchgate.net/figure/Classification-and-exemplification-of-blends>
2. Algeo, John (1977). Blends, a structural and systemic view. *American Speech* 52, 47–64.
3. Kubozono, Haruo (1990). Phonological constraints on blending in English as a case for phonology–morphology interface. *Yearbook of Morphology* 3, 1–20.
4. Pound, Louise (1914). *Blends: Their Relation to English Word Formation*. Heidelberg: Winter.
5. Усмонова, Д. С. (2019). Роль и особенность соматических фразеологизмов различных языков. *Мировая наука*, (9), 250-252.
6. Usmonova, D. S., & Yusupova, M. I. Q. (2021). COMPARATIVE ANALYSIS OF THE SOMATIC PHRASEOLOGICAL UNITS OF THE ENGLISH AND RUSSIAN LANGUAGES WITH THE COMPONENT “HEART”. *CURRENT RESEARCH JOURNAL OF PHILOLOGICAL SCIENCES* (2767-3758), 2(11), 94-99.



## HUQUQIY TERMINOLOGIYA VA HUQUQIY TUSHUNCHALAR TEXNIK VOSITA SIFATIDA

Isaqova Munisa Qahramonjon qizi

O'zRFA O'zbek tili, adabiyoti va folklori instituti tayanch doktoranti

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6817158>

**Annotatsiya.** Maqolada terminologik sistemaning tarkibiy qismi hisoblangan yuridik terminlar haqida so'z yuritiladi. Ularning yurisprudensiyada texnik vosita sifatidagi ahamiyati tahlil qilinadi. Shuningdek, qonun ijodkorligi sohasida terminlardan foydalanish texnikasi borasida maliy tavsiyalar taklif qilinadi.

**Kalit so'zlar:** terminologiya, huquqiy tushunchalar, yurisprudensiya, texnik vosita va boshqalar.

## ЮРИДИЧЕСКАЯ ТЕРМИНОЛОГИЯ И ЮРИДИЧЕСКИЕ ПОНЯТИЯ КАК ТЕХНИЧЕСКИЙ ИНСТРУМЕНТ

**Аннотация.** В статье говорится юридических терминах входящих в терминологическую систему. Анализируется их значение как технического инструмента в юриспруденции. Также предлагаются финансовые рекомендации относительно техники использования терминов в сфере правотворчества.

**Ключевые слова:** терминология, юридические понятия, судебная практика, технический инструмент и др.

## LEGAL TERMINOLOGY AND LEGAL CONCEPTS AS A TECHNICAL TOOL

**Abstract.** The article talks about legal terms that are part of the terminological system. Their importance as a technical tool in jurisprudence is analyzed. Also financial recommendations are offered regarding the technique of using terms in the field of law-making.

**Keywords:** terminology, legal concepts, jurisprudence, technical tool, etc.

## KIRISH

Terminologiya maxsus bilim sohasi sifatida tadqiqotchilar e'tiborini tobora ko'proq jalb qilib kelmoqda. Bu birinchi navbatda zamonaviy ilmiy bilimlarning xalqaro tabiati va inson faoliyatining turli sohalarida til to'siqlarini bartaraf etish usuli sifatida namoyon bo'ladi. Har qanday zamonaviy fanning mavjudligi va rivojlanishi atamalarsiz umuman terminologiyasiz mavjud emas. Atamalar ilmiy kashfiyotning mohiyatini belgilaydi, rivojlanayotgan bilim sohalari mazmunini aks ettiradi, yangi yaratilgan ma'lumotlar va fan-texnikada mavjud bo'lgan tushunchalarni izohlaydi.

Termin (lotincha terminus-chegara) maxsus ilmiy ma'noga tegishli so'z yoki so'zlar birikmasi. Terminologiya haqida birinchi marta XXasrning 30-yillarida tilshunos olim E.D.Polivonov fikr bildirgan. Bu davrda terminologiya muammolari endigina nazariy va amaliy jihatdan rivojlanish bosqichiga o'tgan edi.

## TADQIQOT METODI VA METODOLOGIYASI

Muayyan til terminologiyasining rivojlanishi jamiyat hayoti va unda sodir bo'layotgan o'zgarishlar bilan bog'liq. Shuningdek, bir tilning terminologik bazasini shakllantirish murakkab mashaqqatli jarayon bo'lib, uni yaratuvchilardan maxsus bilim va ma'lum malaka bilan bir qatorda umumiy madaniyat, bilimdonlik benuqson savodxonlikni ham talab etadi. Qonun va huquq tili, huquqiy terminologiya haqida gapirganda shuni ta'kidlash kerakki, qonun ijodkorligi madaniyati

qat'iy professional tilni va shu bilan bir qatorda uning soddaligi tushunarililigi va aholining barcha qatlamlari uchun ochiqqligini nazarda tutadi. Normativ-huquqiy hujjat matnida qo'llanilgan atmalarning noto'g'riligi qonun ma'nosini buzib ko'rsatish imkoniyatini yuzaga keltiradi. Bu borada H.A Kerimov shunday fikr bildiradi "Noto'g'ri yoki o'rinsiz qo'llangan so'z yoki ibora fikr va uning matn ifodasi o'rtasidagi tafovut ba'zan og'ir oqibatlariga olib kelishi mumkin. Ayniqsa qonun ijodkorligi sohasida." [1, 123] Yuridik atamalardan to'g'ri foydalanish qonun ijodkorligi faoliyatining ajralmas qismi hisoblanadi. Shuningdek, bunday so'zlar qonunchilik akti tilini saqlash uchun mo'ljallangan bo'lib, amaliyotda qo'llash qulaydir.

### **TADQIQOT NATIJASI**

Qonunchilik fikrini va normativ huquqiy hujjatlar shaklini taqdim etishda muayyan talablarga rioya qilish va qonun ijodkorligi sohasi uchun maxsus ishlab chiqilgan til vositalaridan foydalanish kerak. Bu borada quyidagi tamoyillarga qat'iy amal qilish talab etiladi.

1. Belgilangan huquqiy konsepsiya mazmunini to'g'ri va bir ma'noda aks ettirish;
2. Tushunarsiz, noaniq atamalardan foydalanishga yo'l qo'yilmasligi
3. Huquqiy hujjat matnida ritorik shakllar va majoziy ma'noda qo'llaniladigan so'zlarni ishlatmaslik. Chunki atmalarning bevosita va ma'lum ma'nosida qo'llanmaydi. Bu atama har doim bir ma'noli bo'lib, uning ma'nosi matnga mos ravishda turlicha o'zgarib borgan. Semantik noaniqlik mavjud bo'lgan so'z maxsus atushunchani bildirish vazifasini bajara olmaydi.
4. Normativ huquqiy hujjat matnida eng avvalo keng tadbqiq etilayotgan va faol qo'llanadigan atamalardan foydalanish maqsadga muvofiqdir.
5. Huquqiy terminologiyadan foydalanishdagi barqarorlik va beqarorlik. An'anaviy atamalardan voz kechib, bir xil tushunchalarni bildiruvchi yangi atamalarni kiritish o'rinli emas.
6. Atmalarning qo'llanishida maksimal qisqalik. Boshqa tillardan olingan atamalar milliy yuridik tilga putur yetkazmasligi lozim.
7. Ikki yoki undan ortiq so'zdan tuzilgan atamalar, qisqartmalarni ortiqcha ishlatmaslik. Normativ huquqiy hujjat tilida faqat adabiy tilde mustahkam o'rin olgan qisqartmalardangina foydalanish tavsiya etiladi.
8. Muqobili mavjud bo'lgan taqdirda o'zlashmalardan o'rinsiz foydalanmaslik.

Demak, yuridik atama qonun chiqaruvchining xohish irodasini ifodalovchi, qonun hujjatlari matnlarida bir xil qo'llanadigan, aniq ma'noga ega bo'lgan huquqiy tushunchaning umumlashgan nomi bo'lgan so'z yoki so'zlarning turg'un birikmasi bo'lib, u funksional barqarorligi bilan ajralib turadi. Shunga qaramay har bir til tizimining huquqiy terminologiyasi faqat o'ziga xos xususiyatlar bilan tavsiflanadi.

Huquq ijtimoiy munosabatlarning eng muhim tartibga soluvchisidir. Huquqning eng muhim belgilari rasmiy aniqlik va majburiylik xususiyatidir. Rasmiy aniqlik huquqning mavjudligida ifodalaniib, lingvistik vositalarsiz tasavvur etib bo'lmaydigan jarayondir. Huquqiy tartibga solishning samaradorligi ko'p jihatdan normativ hujjatlarning sifati ularda qonun chiqaruvchi organlarning vazifasi juda muhim ekanligini ko'rsatadi.

Mashxur rus huquqshunosi I.A. Pokrovskiy ta'kidlaganidek, "Rivojlanayotgan inson shaxsi qonunga qo'yadigan birinchi talablardan biri bu muayyan huquqiy normalarga bo'lgan talabdir". Bundan tashqari uning fikricha, huquqiy normalarning aniqligisiz hech qanday huquq tushunchasini tasavvur etib bo'lmaydi. [2, 78]

Yana bir mashhur fransuz huquqshunosi F.Jenyaning fikricha, qonun ijodkorligi va huquqni qo'llash faoliyatida faqat qo'llanadigan. Qonunchilik tafakkurini lingvistik shaklda gavdalandirishning maxsus vositalari va usullari mavjud. Bu vositalar qonun oldida turgan alohida vazifalar, mavzuni ko'rsatishning o'ziga xos usuli, qonun chiqaruvchi fikrini ifodalash uchun tilning maxsus lug'at tarkibi tufayli adabiy nutqning mustaqil qonunchilik uslubini ajratib ko'rsatishga asos bo'ladi. [3, 167] Yuridik adabiyotlarda ushbu taqdimot uslubi "qonun tili" sifatida tavsiflanadi. Huquqiy hujjatlar tilining o'ziga xos xususiyatlari haqida gapirilganda, ba'zilar mualliflar uni qonun tili, boshqalari esa maxsus huquqiy til mavjudligi haqida gapiradi. Biroq, yuridik tilning o'ziga xos xususiyatlari to'g'risidagi qoida olimlar orasida juda ko'p bahs-munozaralarga sabab bo'ladi.

Taniqli venger huquqshunosi I.Szabonning fikricha "yuridik til" deb ataladigan narsa mohiyatan maxsus iboralar, texnik atamalar bilan to'ldirilgan oddiy tildan boshqa narsa emas, ya'ni til vositalari aniqroq ishlatilsa bas.

Ushbu pozitsiyani qo'llab-quvvatlagan E.E. Pryashnikov va E.M. Smorgunovanning ta'kidlashicha, qonunchilik tili jamoat faoliyatining turli sohalariga taalluqlidir. Bu xususiyat uni tor ixtisoslashgan sohaga xizmat qiluvchi o'z lug'atiga, maxsus terminologiyasiga ega bo'lgan tillardan ajratib turadi. Bu pozitsiya barcha mualliflar tomonidan qo'llab quvvatlanmaydi. Ularning aksariyati ijtimoiy huquqiy tilning qarama-qarshi nuqtai nazariga amal qiladilar. Darhaqiqat, huquqiy matn ijtimoiy munosabatlarning eng keng doirasi va ularning subyektlari uchun kengaytirilgan bo'ladi. Biroq, qonunda maxsus tilning mavjudligini nomlash, ularni turli xil professional yuridik faoliyatning o'ziga xos xususiyatlarini hisobga olmaydilar.

Mahalliy normativ-huquqiy hujjatlarning sifati, ularning tilini tahlil qilish asosan huquqiy (qonunchilik) texnologiyasi muammolari doirasida amalga oshiriladi. Aksariyat mualliflar huquqiy texnikani ishlab chiqishda normativ-huquqiy hujjatlarni ro'yxatga olish va tizimlashtirishda qo'llanadigan vositalar, texnikalar va qoidalar to'plami deb hisoblashadi. [4,231]. V.N.Kartashov qo'shimcha ravishda, yuridik texnikani kengroq talqin qiladi.

Yuridik texnikaning eng muhim tarkibiy elementlaridan biri, muhim vosita sifatida ko'pchilik tadqiqotchilar yuridik terminologiyaga murojaat qiladilar. Termin har qanday fan yoki hunarda qabul qilingan maxsus ibora yoki belgidir. [ssssss] Bundan tashqari atamalar maxsus so'zlar emas, balki maxsus funksiyadagi so'zlardir.

Har bir fan har bir bilim sohasining o'z atamalari bor. Termin ostida qonun tiliga nisbatan huquqiy ma'noga ega bo'lgan so'z yoki iboralar tushuniladi. Huquqiy atmalarning xususiyatlari va roolidan kelib chiqib aksariyat mualliflar ularni yuridik texnikaning asosiy vositalari (huquqiy va texnik vositalar) sifatida tavsiflaydilar. Bu albatta huquqiy voqelikda ushbu hodisaning to'g'ri tavsifidir. Ammo, bizning fikrimizcha terminologiyaning bunday tavsifi yetarli emas, chunki u terminologiyaning roli va o'rnini faqat bir, rasmiy huquqiy tomondan belgilaydi.

S.S.Alekseyev o'z asarlarida kengroq tushuncha sifatida "yurisprudensiya" terminini qo'llagan, u yuridik texnikani ham, jinoyatlarni tergov qilish texnikasini ham (kriminologiya), sud ishlarini yuritish texnikasi va hujjatlarni yuritish texnikasini ham tushunadi. [5, 219] Yuridik atamalarining muhim xususiyati ularning yaqin aloqasi hisoblanadi. Shuning uchun ularning rivojlanishi huquq nazariyasi va umuman huquqiy tartibga solishning rivojlanish darajasi bilan belgilanadi. Keyingi yillarda jahon miqyosida ichki davlatchilikning kengayishi, jamiyatni demokratlashtirish va huquq fanining rivojlanishi bilan qonun hujjatlarida qonun ustuvorligi,

ijtimoiy davlat, inson huquqlari va boshqa shu kabi atamalar keng tarqaldi. Tabiiyki, ularning konstitutsiyaviy o'rnini mustahkamlash muayyan ilmiy nazariy asoslashni va umuman huquq fanini rivojlantirishni talab etadi. Zero, yuridik atamalarni nafaqat texnik vosita balki eng muhim ilmiy huquqiy kategoriya sifatida ko'rib chiqishni talab qiladi.

#### XULOSA

Shunday qilib, huquqiy terminologiya va u bilan belgilanadigan tushunchalar bir-biri bilan chambarchas bog'liqdir. Ba'zida ular o'rtasida fundamental farqlar kuzatiladi. Huquqiy terminologiya yuridik texnikaning eng muhim vositasi, konsepsiyasini ilmiy jihatdan qonunni nazariy jihatdan tavsiflovchi vosita sifatida ko'rib chiqadi.

#### REFERENCES

1. Керимов. Д.А. Законотетельная техника : науч.-метод. и учеб. Пособие.М.:НОРМА-ИНФРА-М 1998.
2. Керимов. Д.А. Культура и техника законодательства. М.:юр.лит.,1991
3. Карташев.В.Н. Юридическая техника, тактика, стратегия и технология. Н.Новгород ,2000
4. Покровский И.А. Основнѣ проблемы гражданского права. М.: Статут, 2013.
5. Толстик В.А. Юридическая терминология. России, 2012

## HARBIY TERMINOLOGIYANI TARJIMA QILISHNING LEKSIK, SEMANTIK, GRAMMATIK JIHATI

Musurmanova Shaxnoza

Chirchiq Oliy tank qo'mondon muhandislik bilim yurti, Tillar kafedrası katta o'qituvchisi.

O'zbekiston Davlat Jahon tillari universiteti mustaqil izlanuvchisi

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6817188>

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada harbiy soha terminlarini tarjima qilishning leksik semantik va grammatik xususiyatlari haqida so'z yuritilgan. Termin tushunchasi, olimlarning ilmiy qarashlari, so'zning ishlatilishi o'z ifodasini topgan. Terminologik lug'at, so'zning terminologik ma'nosi determinlashish kabi ilmiy yondashuvlar o'z aksini topgan.

**Kalit so'zlar:** terminologiya, tushuncha, tamoyil, ilmiy, terminologik, yondashuv, matonat so'zlarning ma'nosi.

## ЛЕКСИЧЕСКИЕ, СЕМАНТИЧЕСКИЕ, ГРАММАТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ПЕРЕВОДА ВОЕННОЙ ТЕРМИНОЛОГИИ

**Аннотация.** В данной статье говорится о лексико-семантических и грамматических особенностях перевода военных терминов. Отражено понятие термина, научные взгляды ученых, употребление слова.

**Ключевые слова:** терминология, понятие, принцип, научный, терминологический, подход, значение слов.

## LEXICAL, SEMANTIC, GRAMMATICAL ASPECTS OF TRANSLATING MILITARY TERMINOLOGY

**Abstract.** This article describes lexical, semantic and grammatical features of translation military terms. Semantic and lexical features of the term, the scientific views of the scientific is reflected in the using of the words. terminological dictionary, which defines the scientific approaches such as determination of the terminological meaning of the words.

**Key words:** terminology, concept, principle, scientific, terminological, approach, determination, meaning of the words.

## KIRISH

Harbiy terminologiyani tarjima qilishda leksik, semantik, grammatik jihatini yaxshi o'rganish tarjimaning samarali bo'lishini ta'minlaydi. "Davlat tili haqida"gi Qonunning 7-moddasida ta'kidlanganidek, "Davlat o'zbek tilining boyitilishi va takomillashtirilishini ta'minlaydi, shu jumladan, unga hamma e'tirof qilgan ilmiy-texnikaviy va ijtimoiysiyosiy atamalarni joriy etish hisobiga ta'minlaydi". Mazkur vazifa yechimi filologiya va tillarni o'qitish yo'nalishidagi oliy ta'lim muassasalarida ta'lim samaradorligini yana ham oshirish, pedagog kadrlarni zamonaviy bilim va amaliy ko'nikma hamda malakalar bilan qurollatirish, xorijiy davlatlar ilg'or tajribalarini o'rganish va ta'lim amaliyotiga tatbiq etish masalasini hal etishda ko'rinadi. "O'zbek terminologiyasi" kursi aynan mana shu yo'nalishdagi muammolarni hal qilishga qaratilgani bilan xarakterlanadi.

Jahon tilshunosligida soha terminologiyasida kasbga oid til birliklari tushunchasi bilan bog'liq leksiksemantik xususiyatlarni aniqlashga qaratilgan bir qator muammolar ilmiy tadqiqot ob'ekti bo'lib kelmoqda.

## **TADQIQOT METODI VA METODOLOGIYASI**

Bugungi kunga kelib, kasbiy soha tilini o'rganish yangi bosqichga ko'tarildi. Biroq, kasbiy sohaga oid til birliklarini mavzu bo'yicha yoki boshqa kichik guruhlar asosida tasniflash tamoyillarini hamda ularga xos alohida tizimlararo munosabat turlarini aniqlash, shuningdek, ushbu til birliklarining o'ziga xos funksional xususiyatlarini belgilashga doir masalalar hanuz o'z yechimini kutmoqda. Shu nuqtai nazardan, ushbu sohadamustaqillikning dastlabki kunlaridanoq O'zbekiston tilshunoslari zimmasiga kasbga oid til birliklarini o'rganish va soha atamalarini tizimlashtirish, shuningdek, maxsus soha lug'atlarini tuzish bo'yicha bir qator vazifalar yuklatildi. Harbiy terminologiya mamlakatimizda endigina shakllanish va rivojlanish bosqichiga qadam qo'yayotgan bugungi kunda ingliz, rus va boshqa tillar harbiy terminologiyasini o'rganishga bo'lgan e'tibor yanada kuchaymoqda. Umuman olganda, harbiy ob'ektni atoqli otlar vositasida ifodalash jarayonida harbiy kasbga doir til birliklarining quyidagi kichik sinflarini alohida ajratib ko'rsatish mumkin:

Bunday tizimlashtirish kelgusida ularni yanada ko'plab mavzuli sinflarga ajratishga yordam beradi. Harbiy terminologiyaning semantik maydonini o'rganishga bunday yondashuv, avvalambor, ularning struktur xususiyatlarini aniqlash imkonini beradi.

Mudofaa vazirligi rahbariyati tashabbusi bilan bugungi kunda Qurolli Kuchlar akademiyasi negizida tuzilgan va o'z faoliyatini olib borayotgan "Harbiy olimlar assotsiatsiyasi" o'z faoliyati davomida O'zbekiston Respublikasi Vazirlar mahkamasining Davlat tilini rivojlantirish departamentining buyurtmasiga asosan, O'zbek tilini rivojlantirish jamg'armasi bilan hamkorlikda "Harbiy atamalarning yangi izohli lug'ati" va "O'zbek harbiy terminologiyasi" nomli ilmiy-uslubiy ishlarni tayyorladi. Bu ikkala ishda ko'rsatilgan harbiy terminologiyalar ingliz tiliga tarjima qilishda yuqorida aytib o'tilgan leksik, grammatik, semantik xususiyatlar yordamida amalga oshirilsa ko'zlangan maqsadga erishiladi.

Nomenklatura va terminologiya o'rtasidagi printsiplar farqlaridan biri-nomenlar, odatda, terminologik lug'atlar qayd etilmaydi yohud o'ta cheklangan miqdorda lug'atlardan o'rin oladi. Ma'lumki rasmiy ilmiy nomenga ega atsetilsalitsil kislota dorisi tijoriy asperin nomi bilan ommalashgan va h.k. Fan turli sohalarining rivojlanishi jarayonida ayrim nomenlar terminlar tizimiga o'tishi, sof leksik nominativ birliklardan mantiqiy (logik) axborot, ma'lumot elementi, ya'ni ilm fan terminiga aylanishi mumkin.

## **TADQIQOT NATIJASI VA MUHOKAMA**

9. Shodieva G. N. Q., Rakhmonova M. A. Q. INFORMATION PERIOD CHANGE OF PEOPLE'S OUTLOOK, NEGATIVE AND POSITIVE IMPACT OF THE INTERNET //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 8. – С. 563-566.



## PEDAGOGLAR AKT SAVODXONLIGINI OSHIRISHDA INNOVATSION YONDASHUVLAR

Niyozova Dilovar Shakar qizi

Guliston davlat universiteti magistranti

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6817286>

**Annotatsiya.** Ushbu maqola maktabgacha ta'lim tashkiloti pedagoglarini AKT savodxonligini oshirish hamda innovatsion pedagogik va axborot kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanish haqida. Maktabgacha ta'lim tizimiga innovatsion pedagogik va axborot kommunikatsiya texnologiyalarini tadbiq etishning muhurligi haqida ta'kidlangan.

**Kalit so'zlar:** maktabgacha ta'lim, axborot texnologiyalari, multimedia, mashg'ulot, kompyuter, lokal tarmoq, taqdimot, maktabga tayyorlov guruhi.

### INNOVATIVE APPROACHES IN IMPROVING THE LITERACY OF TEACHERS

**Abstract.** This article is about improving ICT literacy of pedagogues of preschool education organization and using innovative pedagogical and information communication technologies. The importance of applying innovative pedagogical and information communication technologies to the preschool education system was emphasized.

**Key words:** preschool, information technology, multimedia, training, computer, presentation, preschool group.

### ИННОВАЦИОННЫЕ ПОДХОДЫ В ПОВЫШЕНИИ ГРАМОТНОСТИ УЧИТЕЛЕЙ

**Аннотация.** В данной статье речь идет о повышении ИКТ-грамотности педагогов дошкольной организации образования и использовании инновационных педагогических и информационно-коммуникационных технологий. Подчеркнута важность применения инновационных педагогических и информационно-коммуникационных технологий в системе дошкольного образования.

**Ключевые слова:** дошкольное учреждение, информационные технологии, мультимедиа, обучение, компьютер, презентация, дошкольная группа.

### KIRISH

Innovatsion texnologiya - bu inson faoliyatining turli sohalarida taraqqiyotni ta'minlash va samaradorlikni oshirish uchun yangi narsalarni yaratish yoki mavjudini takomillashtirish texnikasi va jarayoni hisoblanadi.

Ta'limda innovatsion texnologiyalar o'qitishda muayyan yondashuvlarni qo'llash asosida qo'llaniladi, ya'ni yangi texnologiyalarni rivojlantirish uchun asos bo'lgan talablar va maqsadlarni o'z ichiga olgan tamoyillar kiradi. Pedagogik sohadagi barcha innovatsiyalar jamiyat ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishining hozirgi bosqichiga aniq mos kelishga asoslanadi. Hozirgi vaqtda ular bolalarning mustaqilligini rivojlantirishga, o'z- o'zini o'rganish va o'z- o'zini rivojlantirish qobiliyatlarini shakllantirishga, bilimlarini ongli ravishda o'zlashtirishga qaratilishi kerak.

### TADQIQOT METODI VA METODOLOGIYASI

Magistrlik dissertatsiya mavzuyim: "Maktabgacha ta'lim tizimiga innovatsion pedagogik va axborot kommunikatsiya texnologiyalarini tadbiq etish" bo'lgani uchun, shu sohadagi innovatsion pedagogik va axborot kommunikatsiya texnologiyalarni o'rganmoqdaman.

Maktabgacha ta'limda multimedia vositalaridan foydalanish ham o'qitishning faol shakli hisoblanadi. Bolalar ma'lumotlarni ko'rib eslab qoladilar va oson o'zlashtiradilar. Bolalar ekranda ko'rgan videotasvir mashg'ulot oxiriga qadar ular diqqatini barqaror bo'lishini ta'minlaydi. Mashg'ulotlarda multimedia vositalarini qo'llash mashg'ulotni yanada qiziqarli bo'lishini ta'minlaydi. Bolalarda ko'rish, eshitish, idrok qilish, tasavvur jarayoni rivojlanadi.

Multimedia bolalarga o'rganilayotgan o'quv materialini puxta o'zlashtirish, ta'lim jarayonida charchamaslik va zo'riqmaslikka yordam beradi. Taqdimotlar vaqtdan unumli foydalanish, mashg'ulotni sifatli bo'lishini kafolatlaydi. Mashg'ulot jarayonida tarbiyachi-pedagog shunday vaziyat yaratishi lozimki, bolalar zavqlanishi va dam olishlari, ishtiyoq bilan bilim olishlari lozim. Shuning uchun mashg'ulotlar va kun davomidagi faoliyat qulay va komford muhit yaratilishini talab etadi. Yuqorida keltirilgan ta'limiy- tarbiyaviy jarayonlarning barchasi bolalarda xotira, diqqat va mantiqiy tafakkurni rivojlantirishga xizmat qiladi. Ular o'quv faoliyatini muvaffaqiyatli kechishida muhim shart hisoblanib, ma'lumotlarni oson va tez o'zlashtirishga yordam beradi.

### **TADQIQOT NATIJASI**

Ta'lim sohasidagi innovatsion texnologiyalar doimiy ravishda rivojlanib, ularning turlari kengayib bormoqda. Maktabgacha ta'lim sohasidagi innovatsiyalar eski ta'lim standartlarini modernizatsiya qilishga asoslangan. Zamonaviy tarbiyachi doimiy ravishda o'zini o'zi tarbiyalashga, rivojlantirishga, bolalarni tarbiyalash va rivojlantirish imkoniyatlarini izlashga harakat qiladi. Tarbiyachi faol fuqarolik pozitsiyasiga ega bo'lishi, o'z tarbiyasida vatanga muhabbat tuyg'usini uyg'otishi kerak. Innovatsiyalar erta bolalik ta'limi uchun zarur bo'lib qolganiga bir qancha sabablar bor. Avvalo, ular ota- onalarning ehtiyojlarini to'liq qondirishga yordam beradi. Innovatsiyalarsiz maktabgacha ta'lim tashkilotlarining boshqa shunga o'xshash muassasalar bilan raqobatlashishi qiyin.

Ta'limdagi innovatsiyalarni aks ettiruvchi texnologiyalar qatoriga quyidagilar kiradi:

1. loyiha faoliyati;
2. talabalarga yo'naltirilgan ta'lim;
3. salomatlikni tejaydigan texnologiyalar;
4. tadqiqot faoliyati;
5. axborot va kommunikatsion ta'lim;

6.o'yin texnikasi. Shundan maktabgacha ta'lim tashkilotlarida o'yin texnologiyasining ahamiyati shundaki, u asosan dam olish bo'lib, ta'lim funksiyasini bajaradi, ijodiy amalga oshirish va o'zini namoyon qilishni rag'batlantiradi. Albatta, u eng yosh maktabgacha yoshdagi bolalar guruhida qo'llaniladi, chunki bu ularning yosh talablariga javob beradi. Undan tejamkorlik bilan foydalanish kerak. O'yin elementlaridan mashg'ulotning istalgan bosqichida: boshida, o'rtasida yoki oxirida so'rov sifatida foydalanish mumkin. To'g'ri tashkil etilgan o'yin maktabgacha yoshdagi bolalar xotirasini, qiziqishini uyg'otadi, shuningdek passivlikni yengadi.

Maktabgacha ta'lim tashkilotlarida innovatsion ta'lim texnologiyalari bolaning jismoniy va psixologik rivojlanishiga yordam beradi, uning o'ziga va o'z kuchiga ishonishiga, mustaqil va mas'uliyatli bo'lishiga yordam beradi. O'g'il- qizlar dunyoni o'yin orqali o'rganadi, olgan bilimlarini amalda qo'llashga harakat qiladi.

Maktabgacha ta'lim tashkilotlarida innovatsion texnologiyalarni joriy etish, boshqa narsalar qatori, tarbiyachilar tomonidan tadqiqot faoliyati deb ataladigan faoliyat turlaridan foydalanishni

o'z ichiga oladi. Bu nimani anglatadi? Gap, birinchi navbatda, tarbiyachilarning sa'y- harakatlari, bolalarda tafakkurning tadqiqot turini shakllantirishga qaratilgan. Buning uchun maktabgacha yoshdagi bolalarni o'qitish jarayonida tarbiyachilar keng tarqalgan usullarga murojaat qilishadi, ya'ni muammoni qo'yish, uni har tomonlama tahlil qilish, modellashtirish, kuzatish, tajriba o'tkazish, natijalarni aniqlash, yechimlarni topish va eng yaxshisini tanlash.

### **MUHOKAMA**

Har qanday innovatsiya – bu mutlaqo yangi komponentni yaratish va keyinchalik amalga oshirishdan boshqa narsa emas, buning natijasida atrof-muhitda sifat o'zgarishlari sodir bo'ladi. Texnologiya, o'z navbatida, muayyan biznes, hunarmandchilik yoki san'atda qo'llaniladigan turli xil texnikalar to'plamidir. Shunday qilib, maktabgacha ta'lim muassasalarida innovatsion texnologiyalar zamonaviy komponentlar va texnikalarni yaratishga qaratilgan bo'lib, ularning asosiy maqsadi ta'lim jarayonini modernizatsiya qilishdir. Buning uchun bolalar bog'chalarining pedagogik jamoalari bolalarni tarbiyalash va intellektual rivojlantirishning boshqa maktabgacha ta'lim tashkilotlaridan farq qiladigan eng yangi modellarini ishlab chiqmoqda.

Bugungi kunga qadar bepoyon Vatanimizda bolalar bog'chalarida yuzdan ortiq ta'lim texnologiyalari qo'llanilmoqda.

Maktabgacha talim tashkilotlarida ilgor innovatsion texnologiyalar hamma joyda joriy etilmoqda va bu tendentsiya tobora kuchayib bormoqda.

Maktabgacha ta'lim tashkilotlaridagi innovatsion texnologiyalar pedagoglarga har bir bolaga yondashuvni topishga, uning xarakter xususiyatlarini hisobga olishga yordam beradi va mashg'ulotlarni hayajonli va g'ayrioddiy "sarguzasht" ga aylantiradi. Buning natijasida ota-onalar endi sevimli farzandlarini bog'chaga borishga ko'ndirishlari shart emas. Bolalar zavq bilan bogchaga tashrif buyurishadi va har kuni o'zlarining kichik bilim bazasini boyitadilar.

### **XULOSA**

Xulosa qilib aytganda, maktabgacha ta'lim yoshidagi bolalarning sifatli ta'lim va tarbiya olishni ta'minlash uchun pedagog hodimlar AKT savodxonligini oshirishi, ta'lim tizimiga oid xalqaro ilg'or tajribalarni o'rganib va amaliyotga tadbqiq etishlari kerak. Bugungi kunga kelib, maktabgacha ta'lim pedagoglari oldida AKTdan foydalanib, bolalarni ijodiy kompetentsiyalarini rivojlantirish usullari va shakllarining eng samaralilarini joriy etish, shaxsning imkoniyatlarini ochib berishga qaratilgan innovatsion pedagogik texnologiyalarni tanlab olish va amaliyotga joriy etish vazifalari turibdi.

Yuqoridagi ma'lumotlardan kelib chiqib shuni aytishim mumkinki, maktabgacha ta'lim tizimiga innovatsion pedagogik va axborot kommunikatsiya texnologiyalarini tadbqiq etish hozirgi kunning muhim masalalaridan biridir.

Zamonaviy jamiyat yosh avlod ta'lim tizimiga, jumladan, uning birinchi bosqichi - maktabgacha ta'limga yangi talablarni qo'ymoqda. Ammo muammo iqtidorli daholarni izlashda emas, balki ijodiy qobiliyatlarni maqsadli shakllantirish, dunyoga nostandart qarashni, yangicha fikrlashni rivojlantirishdadir.

### **REFERENCES**

1. 2022-2026 yillarga mo'jallangan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi. Toshkent 2022 yil
2. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2020 yil 22 dekabrda 802- son qarori Toshkent 2020 yil.

3. G'ulomov. X.R. Raimov. va boshqalar. "Ta'lim-tarbiya sifati va qirralari". T; «Fan va texnologiyalar». 2004.
4. Polat E.S. Ta'lim tizimidagi zamonaviy pedagogik va axborot texnologiyalari - M .: "Akademiya" nashriyot markazi, 2008 y.
5. Niyozova Dilovar. "MAKTABGACHA TALIM TASHKILOTI MASHG'ULOTLARIDA INNOVATSION TEXNALOGIYALARNI JORIY ETISH". "ОБРАЗОВАНИЕ И НАУКА В XXI BEKE" xalqaro ilmiy jurnal. 2022.
6. Niyozova Dilovar. "Maktabgacha ta'lim tizimiga innovatsion pedagogik va axborot kommunikatsiya texnologiyalarini tadbiq etish". "Pedagogs" xalqaro ilmiy jurnal. 2022.
7. Pedagogika i narodnoe obrazovanie za rubejom. □ Moskva: MGU, 1990.
8. Borisova Svetlana Petrovna. Sovremennoe doshkolnoe obrazovanie za rubejom □ Moskva: 1994.
9. Zaxarova N.I., Igraem s logicheskimi blokami Denisha.Prozvoditel Detstvo-Press. Rossiya.2020 god
- 10.<https://G'G'ru.wikipedia.org>

**EKOLOGIYA VA ATROF MUHIT MUHOFAZASI FANIDAN  
AMALIY MASHGU'LOTLARNI O'QITISHNI INNOVATSION TEXNOLOGIYALAR  
ASOSIDA TAKOMILLASHTIRISH**

**Sh.T. Yakubjonova**

g.f.f.d., dotsent, Nizomiy nomidagi TDPU

**Z.A. Amanbaeva**

g.f.n., dotsent, Nizomiy nomidagi TDPU

**B.B. Ishmo'minov**

o'qituvchi, Nizomiy nomidagi TDPU

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6817324>

**Annotatsiya.** Maqolada ekologiya fanlarini o'qitishda samarali natijalarga erishish maqsadida innovatsion texnologiyalarni qo'llash orqali ushbu fanlardan tashkil etiladigan amaliy mashg'ulotlarni takomillashtirish tajribasi berilgan.

**Kalit so'zlar:** ilmiy adabiyotlar, metodika, muhokama, uslub, laboratoriya.

**ИЗ НАУКИ ЭКОЛОГИИ И ОХРАНЫ ОКРУЖАЮЩЕЙ СРЕДЫ  
СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПОДГОТОВКИ ПРАКТИЧЕСКИХ ЗАНЯТИЙ НА  
ОСНОВЕ ИННОВАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ**

**Аннотация.** Для достижения эффективных результатов в преподавании экологических наук, в статье представлен опыт совершенствования организованной практической подготовки по этим наукам с использованием инновационных технологий.

**Ключевые слова:** научная литература, методология, обсуждение, метод, лаборатория.

**FROM THE SCIENCE OF ECOLOGY AND ENVIRONMENTAL PROTECTION  
IMPROVEMENT OF TRAINING OF PRACTICAL TRAINING BASED ON  
INNOVATIVE TECHNOLOGIES**

**Abstract.** In order to achieve effective results in the teaching of environmental sciences, the article presents the experience of improving the practical training organized in these sciences by using innovative technologies.

**Key words:** scientific literature, methodology, discussion, method, laboratory.

**Kirish.** Talabalar nazariy materiallarni ma'ruza darslari, ilmiy adabiyotlar, internet kabi ko'plab manbalardan olishlari mumkin. Olingan ma'lumotlarni qayta ishlash, amalda ulardan foydalanish malaka va ko'nikmasi faqatgina samarali nashkil etilgan amaliy va laboratoriya mashg'ulotlari orqaligina hosil qilinadi [1]. Shu bois keyingi yillarda amaliy va laboratoriya mashg'ulotlarini tashkil etishga bag'ishlangan chuqur tahlil va zamonaviy yondashuvga asoslangan ilmiy-tadqiqot ishlarini salmog'ini oshirish dolzarb masalaga aylandi.

**Tadqiqot maqsadi.** Tadqiqotimizdan maqsad innovatsion texnologiyalardan foydalanish orqali amaliy mashg'ulotlarni o'qitishni takomillashtirish samarali natijalarga erishish.

**Tadqiqot metodi.** Ilmiy tadqiqotda kuzatish, taqqoslash va tajriba metodlaridan, hamkorlikda o'qitish texnologiyasining "Kichik guruhlarda o'qitish" metodidan foydalanilgan.

**Asosiy qism.** Maqolada amaliy mashg'ulotlarni o'qitishni takomillashtirishga oid tadqiqotlarimizdan olingan amaliy natijalar asosida ishlab chiqilgan "Asosiy ekologik omillar" mavzusidagi dars ishlanmani havola qilmoqchimiz.

**Amaliy mashg'ulotning maqsadi.** Asosiy abiotik omillarning turlari va ularning tirik organizmlarga ta'siri natijasida organizmlarning moslashishlarini o'rganish hamda ekologik guruhlarini aniqlash.

**Material va jihozlar.** Turli guruhlariga xos o'simliklar rasmlari, o'simlik gerbariyari, chizg'ich, lupa, mavzuga oid jadvallar.

**Nazariy material.** Tabiiy muhitda uchraydigan har xil omillarni 3 ta asosiy ekologik guruhga taqsimlash mumkin: 1. Abiotik 2. Biotik 3. Antropogen omillar guruhi.

**1. Abiotik omillar** – organizmlarga ta'sir qiladigan noorganik muhitning jami omillaridir. Bu omillarni kimyoviy (atmosfera tarkibi, suvning sho'rliqi, tuproqning tarkibi, loyqaning kimyoviy tarkibi), fizikaviy yoki iqlim (harorat, bosim, yorug'lik, namlik, shamol) omillariga bo'lish mumkin. Yer yuzasining tuzilishi (relef), geologik va iqlim abiotik omillarining xilma-xilligi tirik organizmlarning tarixiy rivojlanishi, muhitga moslashishida katta ahamiyatga ega bo'ladi.

**2. Biotik omillar** – muhitda uchraydigan organizmlarning hayot faoliyati, bir-birlariga qiladigan ta'siri va ular o'rtasidagi munosabatlaridan iborat, ya'ni bir tirik organizmga uni o'rab turgan boshqa tirik jonzorlarning har xil ta'siri tushuniladi. Bu ta'sir turli ifodaga ega bo'lishi mumkin. Masalan: 1. Tirik organizmlar bir-birlariga ozuqa manbai (o'simliklar turli hayvonlarga ozuqa, yem-xashak; ba'zi hayvonlar yirtqich hayvonlarga ozuqa); 2). Bir tirik organizm tanasi boshqa organizmga xo'jayin-parazit (sigir, ot, it, tanasi kana, bakteriyalarga; katta daraxtlar esa moxlar va boshqa epifit o'simliklarga); 3). Bir organizm ikkinchi organizmning ko'payishiga sabab bo'lishi; 4). Turli organizmlarning boshqa organizmlar yordamida tarqalishi; 5). Bir turning ikkinchi turga fizikaviy va kimyoviy ta'sir qilishi.

**3. Antropogen omillar** – inson hayot faoliyatining organik dunyoga ta'siridan iborat. Jamiyat rivojlanishi bilan insonlarning tabiatga yangicha ta'sir qilish xillari kelib chiqib, atrof-muhitda salbiy ekologik o'zgarishlar sezila boshlaydi [2].

O'simliklarni yorug'likka bo'lgan munosabatiga ko'ra uch guruhga ajratish mumkin:

1. *Yorug'sevar (geliofit) o'simliklar.* Ular yorug'lik yetarli bo'lgandagina normal o'sishi va rivojlanishi mumkin. Bunday o'simliklarga dasht, cho'l mintaqalaridagi o'simliklar, o'tloqzorlardagi qo'ng'irboshdoshlar va boshqa ba'zi turlar, o'rmon o'simliklar jamoasining birinchi qatlamini tashkil etuvchi baland bo'yli daraxtlar, O'rta Osiyo sharoitidagi qisqa vegetatsiya qiluvchi ko'p yillik o't o'simliklarining efemeroid tipidagi hayot shakllari va boshqalar kiradi.

2. *Soyasevar (stsiiofitlar) o'simliklar.* Ular kuchsiz yorug'lik tushayotgan joylarda o'suvchi o'simliklardir. Bularga o'simliklar qoplamining pastki qatlamlarida o'suvchi turlar, moxlar, plaunlar, paprotniklar, yong'oqzorlar ostida o'suvchi yovvoyi xina, tog' gunafsha kabilarni ko'rsatish mumkin. Yorug'sevar va soyasevar o'simliklar morfologik, anatomik va fiziologik xususiyatlari bilan bir-birlaridan farqlanadi.

3. *Soyaga chidamli yoki fakultativ geliofit o'simliklar.* Ularning ko'pchiligi yorug'sevar hisoblansada, yorug'lik uncha yetarli bo'lmaganda ham, ortiqcha yorug'likda ham normal o'sib rivojlanadigan turlardir. Ularga qo'ng'irbosh, qulupnay, arg'uvon va boshqalarni kiritish mumkin [3].

**Yorug'lik ta'sirida o'simlik va hayvonlarda boradigan eng muhim jarayonlar**



|    |                        |                                                                                                                                                                                                                                       |
|----|------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| 1. | Fotosintez             | O'simlik tushayotgan nurning taxminan 1-5 foizini o'zlashtiradi. Fotosintez barcha tirik organizmlar uchun ozuqa zanjirida energiya manbaidir. Xlorofill to'planishi uchun ham yorug'lik zarur.                                       |
| 2. | Transpiratsiya         | Quyosh nurining o'simlikka tushayotgan 75%i o'simlikdan suvni bug'latishga sarf bo'ladi. Bunda suv bug'latish tezlashadi. Bu hol hozirgi davrda suv muammosini hal etishda muhim ahamiyatga ega.                                      |
| 3. | Fotodavriylik          | O'simlik va hayvonlarning hayotini uyg'unlashtirish uchun muhim (ayniqsa, ko'payish davrida) ahamiyatga ega.                                                                                                                          |
| 4. | Harakatlanish          | O'simliklarda kuzatiladigan fototropizm va fotonastiyalar o'simlikni yetarli yorug'lik bilan ta'minlashda muhim ahamiyatga ega. Fototaksis bir hujayrali o'simliklar va hayvonlarda o'ziga xos yashash joyini tanlashda rol o'ynaydi. |
| 5. | Hayvonlarning ko'rishi | Organizmdagi eng muhim funksiyalardan biri hisoblanadi.                                                                                                                                                                               |
| 6. | Boshqa jarayonlar      | Odamlarda D vitaminini sintezlanishi, terini qorayishi kabi himoya moslanishlari. Tik tushayotgan nurdan qochish kabi xulqiy harakatlar.                                                                                              |

Barcha o'simliklarni haroratga bo'lgan munosabatiga ko'ra ikkita ekologik guruhga ajratish mumkin: yuqori harorat ta'sirida yaxshi o'sib rivojlanadigan **termofil** o'simliklar va past harorat ta'sirida yashovchi **psixrofil** o'simliklar. Har ikki guruhga mansub o'simlik turlari o'ziga xos moslanish xususiyatlariga ega. Termofil o'simliklar hujayrasi issiqlikka chidamliligi, organlar yuzasining kichrayishi, tuklarning yaxshi rivojlanganligi, efir moylariga ega bo'lishi, o'zidan ortiqcha tuzlarni ajratib chiqarishi, uzoq muddat davomida tinim davrini o'tkazishi va boshqa xususiyatlari bilan tavsiflanadi. Psixrofil o'simliklar sovuq sharoitni har xil holatlarda (ya'ni tinim yoki vegetatsiya davrida) anatomo-morfologik moslanish orqali o'tkazadi. Bunday moslanishlarga poyasining yer bag'irlab o'sishi, novdaning yotiq yo'nalishi, to'planish bo'g'ini va ildiz bo'ynining yer ostida joylanishi, hazonrezgilik, po'kak qavatining yaxshi rivojlanishi, oq tanaga ega bo'lish kabilarni ko'rsatish mumkin.

Organizmlarning suvga bo'lgan talabi, har xil namlik sharoitlarda yashashi hamda moslashishlariga ko'ra to'rt guruhga ajratiladi: 1. Suvda yashovchi (o'simliklar-gidrofitlar, hayvonlar-gidrofillar). 2. Ortiqcha namlikda yashovchilar (gigrofitlar, gigrofillar). 3. O'rtacha namlikda yashovchilar (mezofitlar, mezofillar). 4. Qurg'oqchil sharoitda yashovchilar (kserofitlar, kserofillar).

Barcha o'simliklar suv bilan ta'minlanishi yoki namlik sharoitiga moslanishiga ko'ra 5 ta ekologik guruhga ajratiladi: gidatofitlar, gidrofitlar, gigrofitlar, mezofitlar, kserofitlar.

**Gidatofitlar** – hayoti doimo suvda o'tuvchi, bu guruhga asosan suv o'tlar kiradi.

**Gidrofitlar** – tanasining bir qismi suvdan tashqarida, qolgan qismi suv qatlamida joylashgan o'simliklardir. Suv nilufarlari, g'ichchak, nayzabarg, o'qbarq va boshqalar shular jumlasidandir.

**Gigrofitlar** – tuproqda ortiqcha miqdorda namlik yoki suv bo'lgan sharoitda yashovchi o'simliklardir. Ular daryo va ko'l bo'ylari, botqoqliklarda, sernam o'rmonlar va boshqa joylarda o'sadigan o'simliklardir.

**Mezofitlar** – o'rtacha namlik sharoitida yashovchi o'simliklar bo'lib, ularga ko'pchilik madaniy va yovvoyi holdagi o'simliklar kiradi.

**Kserofitlar** – qurg‘oqchil sharoitda yashashga moslashgan o‘simliklardir. Dasht, cho‘l va chala cho‘l mintaqalarida keng tarqalgan, bu o‘simliklar o‘z navbatida 2 guruhga ajratiladi: **sklerofitlar va sukkulentlar**. Sklerofitlar O‘rta Osiyo cho‘llarida uchrasa, sukkulentlar – tanasida suv saqlovchi kaktuslar hisoblanadi.

#### Namlikka nisbatan organizmlarda fiziologik moslanishlar

| Organizmlar                                                                     | Moslanishlar                                                                                                                                               |
|---------------------------------------------------------------------------------|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| Hasharotlar (qo‘ng‘iz, xonqizi, chumoli)                                        | Ayiruv a‘zosining (malpigi naychalari) bir uchi ichak orqa devorlariga tutashgan, suv so‘rilishi orqali organizm tomonidan qayta sarflanadi (reabsorbsiya) |
| Asalari, kapalak va pashshalar                                                  | Suyuq ozuqa bilan oziqlanadi, tashqariga siydik orqali ortiqcha tuzlar, mochevina chiqariladi                                                              |
| Sudralib yuruvchilar (toshbaqa), qushlar                                        | Yaxshi erimagan siydik kislotasini tashqariga chiqaradi                                                                                                    |
| O‘rgimchaklar                                                                   | Guanin moddasini chiqaradi                                                                                                                                 |
| Gidrobiontlar – lixetlar, mishankalar, atsidits, mideyalar, qisqichbaqasimonlar | Suvni filtrlaydi - bir kecha-kunduzda 150-280 m <sup>3</sup> suvni tindiradi va tozalaydi                                                                  |
| Poykilokserofitlar, suvo‘tlari, moxlar, lishayniklar                            | Qurg‘oqchil davrlarda qurib qolib, anabioz holatiga o‘tadilar, yog‘ingarchilik paytida yana holatini tiklaydi                                              |
| Galopogos orollaridagi toshbaqalar, Avstraliya cho‘llaridagi qurbaqalar         | Suvni siydik qopida jamg‘arma holida saqlaydi                                                                                                              |
| Yumronqoziq kabilar                                                             | Qurg‘oqchilikda uyani chuqur kovlaydi, tanasida jamg‘argan yog‘ hisobiga yozgi uyquga ketadi                                                               |
| Tuyalar                                                                         | To‘plagan yog‘ miqdorini metabolitik parchalaydi                                                                                                           |
| Umurtqasiz hayvonlar                                                            | Qurg‘oqchil davrda sista yoki qalin po‘stli spora holatiga o‘tadi                                                                                          |

#### Ishni bajarish tartibi

1. Matndan foydalanib, abiotik omillar va ularning asosiy turlarini aniqlash.
2. Yorug‘lik va harorat omilining o‘simliklarga ta‘sirini o‘rganish uchun rasmlar, ho‘l preparatlar, o‘simlik gerbariyalaridan foydalaniladi. Bunda o‘simliklarning morfologik belgilari (barg shakli, o‘lchami, tuklanganlik darajasi, qalinligi) o‘rganiladi, qaysi guruhga mansubligi haqida xulosa qilinadi.
3. O‘simlik va hayvonlarning namlik o‘simliklarning ildiz tizimi, barg shakli asosida o‘rganiladi, qaysi guruhga mansubligi aniqlanadi.
4. Olingan natijalar asosida xulosa chiqariladi.

#### Topshiriqlar

**I topshiriq.** Topshiriqda yorug‘lik va harorat omiliga ko‘ra organizmlarning ekologik guruhlarini hamda ularning o‘ziga xos xususiyatlari, belgilari o‘rganiladi. Talabalar 4 guruhga ajratiladi va har bir guruhga alohida topshiriqlar beriladi [4].

**1-guruh uchun topshiriq.** Quyosh nuri ta‘sirida organizmlardagi eng muhim jarayonlarni tahlil qiling va 1-jadvalni namuna asosida to‘ldiring.

1-jadval

| Jarayonlar | Tahlili                                                                                                                                                                                |
|------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| Fotosintez | O'simlik tushayotgan nurni taxminan 1-5% o'zlashtiradi. Fotosintez barcha tirik organizmlar uchun ozuqa zanjirida energiya manbaidir. Xlorofill to'planishi uchun ham yorug'lik zarur. |
|            |                                                                                                                                                                                        |
|            |                                                                                                                                                                                        |

**2-guruh uchun topshiriq.** Quyida berilgan rasmlar, gerbariylar asosida o'simliklarning morfologik belgilariga qarab, yorug'lik omili ta'siriga kuchli moslashgan o'simlik guruhini o'ziga xos belgilarini ajrating va 2-jadvalni to'ldiring.



2-jadval

|    | Geliofitlar | Guruhga mansub turlar |
|----|-------------|-----------------------|
| 1. |             |                       |
| 2. |             |                       |
| 3. |             |                       |
| 4. |             |                       |

**3-guruh uchun topshiriq.** Quyida berilgan rasm va ma'ruza matnidan foydalanib soyada o'suvchi o'simliklarning (kamida 4 ta o'simlik)morfologik belgilarini ajrating va 3-jadvalni to'ldiring.



3-jadval

|    | Stiofitlar | Stiofitlarning turlari |
|----|------------|------------------------|
| 1. |            |                        |
| 2. |            |                        |
| 3. |            |                        |
| 4. |            |                        |

**4-guruh uchun topshiriq.** Harorat omiliga moslashgan hayvonlarning ekologik guruhlari xususiyatlarini o'rganib, 4-jadvalni to'ldiring.

4-jadval

| Ekologik guruhlar | Turlar | Xususiyatlari |
|-------------------|--------|---------------|
| Gomoyotermalar    |        |               |
| Geterotermalar    |        |               |
| Poykilotermalar   |        |               |

**II-topshiriq.** Topshiriqda namlik omiliga o'simlik va hayvonlarning moslanish xususiyatlari, belgilari o'rganiladi. Talabalar uch guruhga ajratiladi va har bir guruhga alohida topshiriqlar beriladi [5].

**1-guruh uchun topshiriq.** Berilgan o'simlik namunalarini asosida namlikda o'suvchi o'simliklarni morfologik belgilarini ajrating, nomini aniqlang va xususiyatlarini boyicha yig'ilgan ma'lumotlarni 6-jadvalga yozing.

6-jadval

| Ekologik guruhlar | Vakillari | Ekologik guruhga xos xususiyatlar |
|-------------------|-----------|-----------------------------------|
| Gidatofitlar      |           |                                   |
| Gidrofitlar       |           |                                   |
| Gigrofitlar       |           |                                   |
| Mezofitlar        |           |                                   |
| Kserofitlar       |           |                                   |

**2-guruh uchun topshiriq.** Namlikka nisbatan organizmlarning fiziologik moslashishlarini aniqlang va 7-jadvalni to'ldiring.

7-jadval

| Organizmlar                                                           | Moslanish belgilari |
|-----------------------------------------------------------------------|---------------------|
| Hasharotlar (qo'ng'iz, xonqizi, chumoli)                              |                     |
| Asalari, kapalak va pashshalar                                        |                     |
| Sudralib yuruvchilar (toshbaqa), qushlar                              |                     |
| O'rgimchaklar                                                         |                     |
| Gidrobiontlar – lixetlar, mishankalar, mideyalar, qisqichbaqasimonlar |                     |

**3-guruh uchun topshiriq.** Namlikka nisbatan organizmlarning fiziologik moslashishlarini aniqlang va 7-jadvalni to'ldiring.

8-jadval

| Organizmlar                                                             | Moslanish belgilari |
|-------------------------------------------------------------------------|---------------------|
| Poykilokserofitlar, suvo'tlari, moxlar, lishayniklar                    |                     |
| Galopogos orollaridagi toshbaqalar, Avstraliya cho'llaridagi qurbaqalar |                     |
| Yumronqoziq kabilar                                                     |                     |
| Tuyalar                                                                 |                     |
| Umurtqasiz hayvonlar                                                    |                     |

Topshiriqlar natijalariga ko'ra talabalar baholanadi va uyga vazifa uchun quyidagi nazorat savollari beriladi.

#### Nazorat savollari

1. Tirik organizmlarning tashqi muhitga moslashish turlari?
2. Quyosh nuri ta'sirida organizmlardagi eng muhim jarayonlarni ayting?
3. Tirik organizmlarning yorug'likka munosabatiga ko'ra ekologik guruhlarini ayting?
4. Harorat omiliga ko'ra tirik organizmlar necha guruhga bo'linadi
5. Suv tirik organizmlar uchun qanday ahamiyatga ega?
6. Namlik omiliga ko'ra tirik organizmlarning qanday guruhlari mavjud?

“Asosiy ekologik omillar” mavzusi ko'p masalalarni o'z ichiga olgan mavzu bo'lgani sababli uni 4 yoki 6 soatga bo'lib o'rganish maqsadga muvofiq. Yuqorida berilgan tajriba asosida qolgan mavzularni ham ishlab chiqish mumkin.

**Xulosa.** Xulosa o'rinda shuni aytish mumkinki, yuqorida aynan bir mavzu yuzasidan berilgan amaliy mashg'ulot ushuni dars ishlanmasi talabalarining nazariy bilimlarini mustahkamlashda, adabiyotlar bilan ishlash ko'nikmasini hosil qilishda ko'mak beradi. Shuningdek, ekologiya darslarini tashkil etish va olib borishda bo'lajak o'qituvchilar ushuni muhim amaliy ahamiyatga ega.

#### REFERENCES

1. Haydarova H, Bahodirova Z, Yakubjonova Sh. Ekologiya o'qitish metodikasi. – T.: Iqtisod-moliya, 2009.
2. Xo'janazarov O'.E, Yakubjonova Sh.T. Ekologiya va tabiatni muhofaza qilish. – T.: "Barkamol fayz media", 2018.
3. To'xtayev A. Ekologiya. – T.: O'qituvchi, 1998.
4. Yakubjonova Sh.T va boshqalar. Ekologiya va tabiatni muhofaza qilish (laboratoriya va amaliy mashg'ulotlar). – T.: "Navro'z", 2016.

5. Yakubjonova Sh.T, Rajabov F.T. Ekologiya va tabiatni muhofaza qilish (amaliy mashg'lotlar uchun uslubiy qo'llanma). – T.: "PRINT 25", 2016.



## FEATURES OF ADULTS AS A UNIQUE PSYCHOLOGICAL AND AGE GROUP OF STUDENTS IN MASTERING A FOREIGN LANGUAGE

Dildora Buranova

Termez state university

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6817435>

**Abstract.** The article is devoted to the description of the uniqueness of adults as a separate psychological and age group of students in mastering a foreign language. In the modern methodology of teaching a foreign language, there are many scientific works devoted to the study of the independence of students at different levels of education, while studying the features of the formation of independence of adults when teaching them a foreign language has received very little attention from researchers. At the same time, adults, like no other group of students, need to form this quality of personality at a high level. In order to determine the importance of taking into account the characteristics of adult learners when mastering a foreign language, one should start by studying the basic principles of the science of andragogy, which the author of the article considers as a section of learning theory aimed at solving issues related to teaching adult learners.

**Key words:** teaching a foreign language; formation of independence; andragogy; foreign language education for adults; additional education; formation of independence; continuing education.

## ОСОБЕННОСТИ ВЗРОСЛЫХ КАК СВОЕОБРАЗНОЙ ПСИХОЛОГО-ВОЗРАСТНОЙ ГРУППЫ УЧАЩИХСЯ В ОВЛАДЕНИИ ИНОСТРАННЫМ ЯЗЫКОМ

**Аннотация.** Статья посвящена описанию особенностей взрослых как отдельной психолого-возрастной группы учащихся в овладении иностранным языком. В современной методике обучения иностранному языку имеется множество научных работ, посвященных изучению самостоятельности учащихся на разных уровнях обучения, при этом изучению особенностей формирования самостоятельности взрослых при обучении их иностранному языку уделяется большое внимание. мало внимания со стороны исследователей. В то же время у взрослых, как ни у какой другой группы школьников, это качество личности необходимо формировать на высоком уровне. Для того чтобы определить важность учета особенностей взрослых обучающихся при овладении иностранным языком, следует начать с изучения основных положений науки андрагогики, которую автор статьи рассматривает как раздел теории обучения, направленный на решение вопросов, связанных с обучением взрослых учащихся.

**Ключевые слова:** обучение иностранному языку; формирование самостоятельности; андрагогика; обучение иностранным языкам для взрослых; дополнительное образование; формирование самостоятельности; непрерывное образование

## INTRODUCTION

The article gives the reasons why andragogy is considered to be a separate branch of pedagogy; describes the psychological and age characteristics of adults that distinguish them from other groups of students; the interdisciplinary concepts of "attention", "memory" and "thinking"

are studied, which acquire a specific color when teaching adults; the requirements that are put forward by linguistic andragogy to the process of teaching a foreign language are given. Andragogy as a separate science originated in the 70s of the 20th century, when it received scientific attention from Western scientists (M. Knowles, P. Smith), and then became interesting to Soviet researchers (O. V. Agapova, R. P. Milrud, N. A. Toskina) [2, 11, 12, 15, 16]. However, as early as 1833, this concept was first used in the works of German scientist A. Kapp, who devoted his scientific activity to the study of the history of pedagogy. M. Knowles, a well-known scientist in pedagogical circles, wrote a number of works devoted to solving both theoretical and practical problems of teaching adults. The researcher was convinced that the teacher should be able to ensure the transformation of the student in the learning process into a person who is able to demonstrate the use of the acquired knowledge in practice, acting within the framework of an ever-changing education system. In addition, the scientist argues, students need to be prepared for continuous self-learning throughout their lives. So, it is believed that it was Knowles who was responsible for formulating the subject of the study of the science of andragogy [15]. The problem of teaching adults, as well as their self-learning, has become the subject of andragogy. Of course, andragogy is in close connection with the science of pedagogy, while it has a number of its own principles and features that do not contradict pedagogical principles and laws, but are not contained in it, from which we can conclude that andragogy is a logical continuation of pedagogy.

#### RESEARCH METHOD AND METHODOLOGY

Andragogy is considered to be a separate branch of pedagogy for the following reasons:

- students at the present stage of development of the education system play a leading role in the learning process. Previously, the student was considered a relatively passive participant in the educational process, that is, he did not take part in choosing the content of education. It is especially relevant to talk about the psychological age group of adults, because it is they who try to most consciously participate in choosing the content, forms and terms of the training course;
- a person always strives to play a dominant role in various social processes, according to the provisions of philosophy and psychology, and education and self-study are considered as extremely important aspects of life;
- in the modern world, when using information technologies and tools of online services of the Web 2.0 era, the learning process is organized in a new way, in connection with which many new responsibilities of the teacher and student have modified the traditional educational process;
- children and adults have different types of leading activities, which is why the andragogical model of education is based on principles that are different from pedagogy, which require a clear definition;
- theoretical and practical achievements in the field of psychology and physiology prove that a person can conduct successful educational activities at any conscious stage of his life [3].

An adult is characterized by psychological and age-related features that are different from other groups of students:

- adults are aware of themselves as an independent person who manages the learning process and critically perceives the teacher's leadership function;
- adults have a large amount of personal, interpersonal and professional experience gained over a long period of time, which forms a specific worldview, through the filter of which any taught material passes;

- the educational process should be aimed at practical significance, that is, adults have a certain pragmatism in their approach to finding a solution to an existing problem;
- adults are focused on the direct use of specific acquired knowledge to solve problems in the context of real life;
- professional, spatio-temporal and social circumstances affect the special emotional perception of learning activities [2, 8].

### **RESEARCH RESULTS**

The above features make it possible to accurately understand the uniqueness of the psychological-age group of adult students, which is different from the group of school students, students of secondary specialized and higher education. It is worth noting that adults are students with a rather high degree of maturity in physiological, psychological, social and moral terms. Adults are characterized by inner freedom and financial independence, which serves as the basis for independent self-controlled behavior. Thus, it can be argued that adult students are a group of accomplished individuals who are ready and fully capable of carrying out educational activities. This implies the following feature, which consists in the fact that adult students are able to consciously choose to continue their education in adulthood. Psychological and physiological features of adults include self-awareness, self-regulation, economic independence, knowledge of the rights and laws in society, the formation of a system of morality and ethics. Also separates them from the younger age groups of students is the presence of experience in everyday, social and professional spheres of life.

There are various classifications of attention, on the basis of which it is possible to conditionally divide the phenomenon under study into external and internal. External attention is directly related to a person's sensory perception of the reality around him, it is used for the purpose of cognition and transformation of the material being studied. In turn, a person uses internal attention for self-study and self-regulation. There is also a division of attention into individual and group attention. There is also the following classification of attention, with which the author of the article fully agrees within the framework of the methodology of teaching foreign languages:

- involuntary attention, which does not depend on conscious actions;
- voluntary attention, which is realized in activities carried out by a person of his own free will;
- post-voluntary attention carried out on the basis of arbitrary [13].

Attention as a category of technique is endowed with some characteristics, including distribution (the ability to keep more than one object in the field of attention), switchability (the ability to switch attention focus from object to object), concentration (the ability to focus on the main subject), stability (the ability to concentrate on the main subject, giving the additional subject a secondary role for a long time). In the context of the psychological-age group we are considering, let us clarify what kind of attention we should talk about. Since adult learning most often takes place in groups, it is important to focus on group attention. The attention of adults when learning a foreign language is characterized as arbitrary, due to the fact that students must learn useful material; switchable, because a regular change in the types of foreign language speech activity makes adults often switch their attention; concentrated, because it is important for students to learn to abstract from the outside world in order to conduct successful educational activities.

### **DISCUSSION**

In addition to attention, a special characteristic that must be taken into account in order to achieve the success of teaching adults a foreign language is memory. Memory is a mental process that includes the processing, consolidation and preservation of the experience gained in the mind of a person. Memory is an important tool for activating the processes of remembering, reproducing (retrieving) and forgetting information. According to the period of retention of knowledge, it is customary to divide memory into long-term, short-term and operational. There is a classification of memory, within which motor, figurative, verbal-logical and emotional memory are distinguished. Based on the type of material preserved in the memory, cognitive and emotional memory are divided.

A person cannot live without the use of memory. Since memory is a form of mental reflection, it is responsible for the functions of memorization, preservation and further reproduction of certain elements of the experience collected by a person. Memorization is the basic step of memory operation. Intentional memorization is singled out (a goal realized by the student); unintentional (carried out regardless of the will of the student). Memorization can have different levels of efficiency based on the needs of the student in the selection of the material being mastered. Preservation is an active process, the purpose of which is to retain, consolidate the mastered information. Playback is the process of outputting material stored in memory.

The third important factor that determines the psychological and age characteristics of adults is thinking. The effectiveness of teaching a foreign language to adults depends on thinking. The author of the article considers thinking as a process of cognitive activity, involving the generalization and interpretation of the surrounding reality by a person. Methodists distinguish the following types of thinking as a mental process of perceiving reality, in which reality is generally interpreted in a system of interconnections and relationships:

- visual-figurative thinking;
- visual-effective thinking;
- verbal-logical thinking.

Different adult students have different levels of intellectual development, and therefore thinking should be considered an individual characteristic of each individual adult student who thinks through speech activity. Such learning activities as analysis, comparison and observation are components of the thinking process, and the concept, judgment and inference are forms of thinking.

### CONCLUSION

So, when teaching adults a foreign language, it is necessary to take into account the peculiarities of attention, thinking and memory of this psychological and age group.

As part of the methodology of teaching foreign languages, it makes sense to consider language andragogy, which is a section of the methodology aimed at studying various ways to effectively manage the process of formation and development of foreign language communicative competence in adult learners [11, 12]. When working with adult students, a foreign language teacher must take into account the following requirements that language andragogy puts forward to the teaching process:

- the level of language complexity selected for the foreign language course of the educational program should correspond to how achievable the life goal is for each individual adult student;

- personal significance of the content selected by the teacher for conducting a foreign language lesson. Adults formulate certain requests that meet their personal life trajectory, and therefore the content of training should be selected in accordance with the real needs of adults;
- the focus of the course on the development of adult students mainly of such competencies that they will need in real situations of communication, in other words, the practicality of a foreign language course. Adults have a rather pragmatic approach to receiving educational services in the system of additional education, so it is necessary to ensure that adults receive practice-oriented knowledge in excess of the theoretical part.

### REFERENCES

1. Azimov E. G. Dictionary of methodological terms [Text] (theory and practice of teaching languages) / E. G. Azimov, A. N. Shchukin. - St. Petersburg. : Chrysostom, 1999. - 472 p.
2. Milrud, R. P. English for researchers. [Text] Elective course / R. P. Milrud. - M.: Education, 2014.
3. Milrud, R.P. Lessons of language pedagogy: between the past and the future [Electronic resource] / R.P. Milrud - Access mode: <http://iyazyki.ru/2014/11/language-pedagogy/>.
4. Knowles, M. Self-Directed Learning. [Text] / M. Knowles - Chicago: Follet, 1975.
5. Smith, F. Comprehension and Learning: a Conceptual Framework for Teachers [Text] /
N.V. Popov, V.M. Shepel kabi olimlarning ishlari bag'ishlangan. G.I.Xasanova, Ahmedova N.M, Sharipova M.U, G.V.Eldasheva, G.Q.Karimovalarning ilmiy izlanishlari aynan maktabgacha ta'lim tizimi tarbiyachi pedagoglarining kasbiy kompetentligini oshirishga qaratilgan. O'tkazilgan ishlarning butun ahamiyatiga qaramay, maktabgacha ta'lim tashkiloti tarbiyachi pedagoglarining kasbiy kompetentligini shakllantirish muammosi bizning nazarimizda yetarlicha tadqiq etilmagan.

Tadqiqotlar shuni ko'rsatadiki, kompetentsiyalar "bu shaxsning kutilgan va o'lchovli yutuqlari bo'lib, u o'quv jarayoni tugagandan so'ng shaxs nima qila olishini belgilaydi; mutaxassisning ma'lum bir professional sohadagi muvaffaqiyatli faoliyati uchun uning barcha salohiyatidan (bilim, ko'nikma, tajriba va shaxsiy fazilatlar) foydalanishga tayyorligini belgilaydigan umumlantirilgan xususiyat ». Yuqoridagi ta'riflarga asoslanib, "kasbiy kompetentsiya" tushunchasining muhim mazmunini taqdim etish mumkin, bu akmeologiyada o'zining rivojlanish psixologiyasi bo'limida inson kasbiy mahoratining quyi tizimlarining asosiy kognitiv komponenti sifatida qaraladi va kasbiy faoliyatni yuqori mahsuldorlik bilan amalga oshirish. Kasbiy vakolatlarining tarkibi va mazmuni asosan kasbiy faoliyatning o'ziga xos xususiyatlari, uning ayrim turlariga mansubligi bilan belgilanadi.

#### **TADQIQOT METODI VA METODOLOGIYASI**

"Kasbiy kompetentsiya" tushunchasining mohiyatini tahlil qilish, uni o'qituvchining (o'qituvchining) kasbiy faoliyatni samarali amalga oshirish va maktabgacha ta'lim tizimida shaxsni rivojlantirish bilan bog'liq maqsadlarga erishish qobiliyatini aks ettiradigan bilim, tajriba va kasbiy ahamiyatga ega shaxsiy fazilatlar integratsiyasi sifatida taqdim etishga imkon beradi. Va bu kasbiy faoliyat sub'ekti ma'lum darajadagi professionallikka erishgan taqdirda mumkin. Psixologiya va akmeologiyadagi kasbiylik – bu kasbiy faoliyat vazifalarini bajarishga tayyorlikning yuqori darajasi, mehnat predmetining sifat xarakteristikasi, yuqori kasbiy malakalar va malakalarni, turli xil samarali kasbiy mahorat va ko'nikmalarni aks ettiruvchi, shu jumladan ijodiy echimlar, zamonaviy algoritm va yechimlarga egalik qobiliyatlarini aks ettiradi. Yuqori va barqaror mahsuldorlikka ega faoliyatni amalga oshirishga imkon beradigan professional vazifalar. Shu bilan birga, shaxsning kasbiy mahorati ham ajralib turadi, bu shuningdek mehnat predmetining yuqori darajadagi kasbiy muhim yoki shaxsiy va ishbilarmonlik fazilatlarini, kasbiy mahoratini, ijodkorligini, intilishning yetarli darajasini, shaxsning progressiv rivojlanishiga qaratilgan motivatsion sohasini va qiymat yo'nalishlarini aks ettiruvchi sifat ko'rsatkichi sifatida tushuniladi.

Jahon miqyosida pedagogik tajriba va ilmiy tadqiqotlarni tahlil qilish natijasida inson hayoti davomida egallaydigan barcha ma'lumotining 70%ini besh yoshgacha bo'lgan davrda olib ulgurishi o'z isbotini topgan. Darhaqiqat, bu davr mobaynida bola dunyoni idrok qilishni boshlaydi, fikrlaydi, atrof- olam bilan tanishadi, umri davomida oladigan bilimlarga zamin tayyorlaydi. Yurtimiz kelajagi hisoblangan yosh avlodni barkamol shaxs sifatida tarbiyalashda maktabgacha ta'lim tashkilotlari va maktabgacha ta'lim tashkilotlari mutaxassislarining o'рни beqiyosdir.

#### **TADQIQOT NATIJASI**

Maktabgacha ta'lim tashkilotlarida faoliyat olib boruvchi bo'lajak mutaxassislarda kreativ kompetentligini rivojlantirish metodikasini integrativ yondashuv asosida takomillashtirish bo'lajak mutaxassislarning har qanaqa jarayonda o'zining ijodiy va kreativ qobiliyatlarini



namoyon qilishida foydali va kerakli jihatlarini ko'rsatadi. O'sib kelayotgan yosh avlodni yangi zamon talablariga to'laqonli javob bera oladigan, har qanaqa vaziyatga kreativ yondasha oladigan, dunyoni yangicha qarashlar bilan anglaydigan kreativ qobiliyatlarini rivojlantirish, ularda kreativ fikrlash va tafakkurni shakllantirish eng avvalo maktabgacha ta'lim tashkilotlarida faoliyat olib boruvchi pedagog, mutaxassislardan kasbiy faoliyatlarida kreativ kompetentlikni talab etmoqda. Barkamol shaxsni voyaga yetkazishda roli beqiyos sanaladigan maktabgacha ta'lim tashkiloti bo'lajak tarbiyachilari hamda mutaxassislarini kreativ kompetentligini rivojlantirish eng avvalo oliy ta'lim muassasasi pedagoglarining zimmasidadir. Ma'lumotlarga qaraganda (yoshlar psixologiyasiga ko'ra) olti yoshgacha bo'lgan bolalar 40% iste'dod potentsialiga ega ekanlar. Bolalar eng kichik yoshdanoq ijodkorlik, yaratuvchanlikka juda moyil bo'lar ekanlar. Shunday ekan, ayni shu davr bolalarda kreativ qobiliyatlarini shakllantirishning ayni vaqtidir. Buning uchun albatta maktabgacha ta'lim tashkilotidagi mutaxassislarning o'zida kreativ sifat va kreativ kompetentlik shakllangan bo'lishi kerak. Hozirgi zamon ta'lim jarayoniga Oliy ta'lim muassasasida tapsil oluvchi bo'lajak tarbiyachilarni o'qitishda "Kreativ pedagogika asoslari" fanining qo'shilgani talabalarning kelajakdagi kasbiy faoliyatlarida zarur bo'lguvchi kreativ kompetentligini rivojlantirilishi ta'lim jarayonini samarali va sifatli tashkil etishda xizmat qiluvchi omil bo'ladi desak, adashmaymiz.

Maktabgacha ta'lim konseptsiyasiga binoan maktabgacha ta'limning ustuvor vazifalari quyidagilardan iborat: bolaning shaxsiy rivojlanishi, uning hissiy farovonligi haqida g'amxo'rlik qilish, tasavvur va ijodkorlikni rivojlantirish, bolalarning boshqa odamlar bilan hamkorlik qilish qobiliyatini shakllantirish. Ushbu vazifalar shaxsni rivojlantirishning o'ziga xos o'ziga xos qimmatli davri sifatida maktabgacha yoshga bo'lgan munosabat bilan belgilanadi. Maktabgacha taraqqiyot davrining qiymati va uning keyingi barcha inson hayoti uchun doimiy ahamiyati maktabgacha tarbiyachilarga alohida mas'uliyat yuklaydi.

Maktabgacha tarbiya muassasalari oldida turgan asosiy vazifalarni hal qilish, maktabgacha ta'limning muqobil dasturlarining yangi maqsadlari va mazmuni bolaga nisbatan manipulyativ yondashuvni, u bilan o'zaro munosabatlarning tarbiyaviy va intizomiy modelini inkor etib, kattalar va bolalar o'rtasidagi yangi munosabatlarni kutmoqda.

Maktabgacha tarbiyachilarning kasbiy vakolatlarini shakllantirishning mumkin bo'lgan usullari, usullari haqida yaxlit ko'rinish uchun biz asosiy tushunchalarni ko'rib chiqamiz: kompetensiya, kasbiy kompetensiya.

### **MUHOKAMA**

Ko'pgina tadqiqotchilar uchun mutaxassisning vakolati, avvalambor, funktsional vazifalarni samarali bajarishda namoyon bo'ladi. Ammo kompetentlik shu tarzda ham tushuniladi: atrofdagi dunyoni anglash o'lchovi va u bilan o'zaro ta'sirning yetarliligi; faoliyatni muvaffaqiyatli bajarishga imkon beradigan bilim, ko'nikma va malakalar to'plami; sub'ektning ijtimoiy va amaliy tajribasini shakllantirishning ma'lum bir darajasi; shaxsning o'z qobiliyatlari va mavqei doirasida jamiyatda muvaffaqiyatli ishlashga imkon beradigan faoliyatning ijtimoiy va individual shakllariga tayyorgarlik darajasi; professional xususiyatlar to'plami, ya'ni. Ish talablarini ma'lum darajada amalga oshirish qobiliyati va boshqalar.

Maktabgacha ta'lim tashkiloysi tarbiyachisi bolalarni kognitiv rivojlanishiga imkon beradigan quyidagi ijtimoiy va kasbiy kompetentsiyalarga ega bo'lishi kerak:

1. Ijtimoiy vakolatlarga jismoniy shaxslar o'rtasida ma'lumot almashish, ularning qiziqishlari va ehtiyojlarini bayon qilish, boshqa odamlarga nisbatan bag'rikenglikning namoyon bo'lishi va ularning fikrlari, jamoada ishlash qobiliyati va hissiy barqarorlikka ega bo'lgan boshqa odamlarga turli xil yordam berish qobiliyati kiradi;
2. Kognitiv kompetentsiyalar ma'lumotni mustaqil ravishda qayta ishlash va tuzilishida, yangi axborot manbalarini izlashda, o'qish yoki ishlashga konsentratsiya qilishda, olingan bilim va ko'nikmalardan foydalanish qobiliyatida namoyon bo'ladi.
3. Operatsion kompetentsiyalar – maqsad va ish tartibini belgilash, noaniqlik va noaniqlikka qarshi turish qobiliyati, qaror qabul qilish va amalga oshirish qobiliyati, ish natijalarini sarhisob qilish, ish vaqt jadvalini aniqlash;
4. Maxsus kompetentsiyalarga muammoni hal qilish, o'zini o'zi boshqarish, kasbiy faoliyatda faol bo'lish, yangi vaziyatlarga moslashish, rejalarni baholash va tuzatish, xatolarni aniqlash va ularni yo'q qilishning etarli usullarini rejalashtirish usullari kiradi.

### XULOSA

Demak, kasbiy kompetentsiyalar pedagogik jarayonga kompetentsiyaviy yondashuvni joriy etish uchun asos bo'lib, maktabgacha ta'lim tashkiloti tarbiyachisiga bilim, ko'nikma va malakalarni innovatsion faoliyatni amalga oshirishda va zamonaviy ta'lim texnologiyalaridan amaliyotda foydalanishda yordam beradi. Shuningdek, tarbiyachi aqliy faoliyatning xususiyatiga ega bo'lishi kerak: og'zaki-mantiqiy xotira, faoliyat maqsadlari xususiyati: beixtiyor xotira, materialning saqlanish muddatiga ko'ra: qisqa muddatli xotira. Tarbiyachi psixologik jihatdan ham kasbiy faoliyatga tayyor bo'lishi lozim, xususan tarbiyachiga stressga chidamlilik, o'z xatti-harakatlarini va his-tuyg'ularini boshqarish qobiliyati, kuchli asab tizimi zarur: tarbiyachining ishi jismoniy kuch bilan kuchaymasa ham, doimiy psixo-emotsional stress sharoitida davom etadi. Maktabgacha yoshdagi tarbiyalanuvchilarni har tomonlama mukammal qilish shakllantirishda pedagog tarbiyachi yuqori kasbiy kompetentlikka ega bo'lishi zarur.

### REFERENCES

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 30-sentabrdagi "Maktabgacha ta'lim tizimi boshqaruvini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PF-5198-sonli Farmoni. 2017-yil 30-sentabr. Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 30.09.2017 y., 06/17/5198/0043-son; 09.10.2020 y., 07/20/4857/1357-son.
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 7 fevraldagi «O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar Strategiyasi to'g'risida»gi PF-4947-son Farmoni. – O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2017 y., 6-son,
3. O'zbekiston respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2020-yil 22 dekabrdagi "Maktabgacha ta'lim va tarbiyaning Davlat standartini tasdiqlash to'g'risida" 802-son Qarori / qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 23.12.2020 y., 09/20/802/1658-son
4. "Ilk qadam" maktabgacha ta'lim muassasasining Davlat o'quv dasturi. "Ilk qadam" maktabgacha ta'lim muassasasining Davlat o'quv dasturi BMTning Bolalar jamg'armasi YUNISEFning O'zbekistondagi vakolatxonasi texnik ko'magi yordamida yaratildi va nashr etildi. – T.: 2018.
5. "Maktabgacha ta'lim va tarbiya" to'g'risidagi Qonun. O'RQ 595. 16.12.2019 yil

6. Pedagogik atamalar lug'ati. Tuzuvchilar: Djuraev R.X., Tolipov O'. Q., Safarova R. A va boshqalar. – T.: “Fan”, 2008 y. -62 b.
7. G.V.Eldasheva, G.Q.Karimova TDPU 2018 yil “Tarbiyachining kasbiy mahorati va kompetentligi moduli bo'yich o'quv uslubiy majmua” 27-140 bet
8. F.R.Qodirova , N.M.Kayumova “Maktabgacha pedagogika” Toshkent: 2019 541 bet

## ANIQ FANLARGA IXTISOSLASHTIRILGAN AKADEMIK LITSEYLARDA FIZIKADAN MASALA YECHISH DARSLARINI TAKOMILLASHTIRISH

Raxmatullayeva Gulira'no Valijon qizi

“Science and innovation” ilmiy jurnali bosh muharriri o'rinbosari

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6820626>

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada aniq fanlarga ixtisoslashtirilgan akademik litseylarda fizikadan masala yechishdagi muammolar va ularning yechimlari ko'rsati o'tilgan. Fizikada masala turlari, ularning umumiy yechish algoritmi va hozirda qo'lanilayotgan adabiyotlar tahlil qilingan. Masala yechish darslarini takomillashtirish bo'yicha umumiy xulosalar chiqarilgan.

**Kalit so'zlar:** fizika, akademik litsey, masala yechish, adabiyotlar, muammolar, takomillashtirish.

## СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ УРОКОВ РЕШЕНИЯ ЗАДАЧ ПО ФИЗИКЕ В АКАДЕМИЧЕСКИХ ЛИЦЕЯХ, СПЕЦИАЛИЗИРУЮЩИХСЯ НА ТОЧНЫХ НАУКАХ

**Аннотация.** В данной статье рассмотрены проблемы существующие в академических лицеях, специализирующихся на точных науках пути их решения. Проанализированы виды задач по физике, общий алгоритм их решения и используемая в настоящее время литература. Сделаны общие выводы по совершенствованию уроков решения задач.

**Ключевые слова:** физика, академический лицей, решение задач, литература, проблемы, совершенствование.

## IMPROVEMENT OF PROBLEM SOLVING LESSONS FROM PHYSICS IN ACADEMIC LYCEUMS SPECIALIZED IN EXACT SCIENCES

**Abstract.** This article describes the problems in solving a problem from physics and their solutions in academic lyceums specialized in specific subjects. In physics, the types of issues, their general solution algorithm and the literature that is currently in use are analyzed. General conclusions were made on improving the lessons of solving the issue.

**Keywords:** physics, academic Lyceum, problem solving, literature, problems, improvement.

## KIRISH

Masala yechish - olingan nazariy bilimni amaliyotga qo'llashdir. Bu esa o'quvchilarning fizik tafakkurini (fikrlashini) rivojlantirishda, jumladan hodisalarni tahlil qilishda, ular haqidagi ma'lumotlarni umimlashtirishda, o'xshash tomonlarini va farqini aniqlashda katta ahamiyatga egadir. Mantiqiy xulosalar, matematik amallar va fizikadagi qonunlar hamda metodlarga asoslangan xolda yoki eksperiment yordamida yechiladigan muammo fizik masala deyiladi. Fizik masalada qo'yilgan muammoni xal etish, masala yechishdan iboratdir Masala yechish orqali talabalar bilimlarini kengaytiradilar. Qonun va formulalarni chuqurroq bilishni o'rganadilar, ularni qo'llanish chegaralarini ko'rib chiqadilar. Umumiy qonuniyatlarni aniq bir vaziyatlarga qo'llash malakasini egallaydilar.

## TADQIQOT MATERIALLARI VA METODOLOGIYASI

Metodik va o'quv qo'llanmalarda, masalalar to'plamlarida keltirilgan har bir masala ma'lum maqsadga muvofiq tanlangan bo'lib, uni yechish o'quvchilarda fizik hodisalarning

mohiyatini tushunish, fizik qonunlarni o'zlashtirish, o'quvchilarning fikrlashini va tafakkurini rivojlantirish hamda o'z bilimini tajribada qo'llash malakasini hosil qilish imkoniyatini yaratadi. Fizik masalalarni yechish jarayonida asosiy urg'u fizik kattaliklar, qonunlar va hodisalar to'g'risida real tushunchalar hosil qilishga qaratiladi. Muntazam ravishda fizik masalalarni yechib borish o'quvchilarni ijodiy fikrlashga, mustaqillikka va amaliy izlanishga o'rgatadi. Fizik masalalarni yechishning muhim jihatlaridan yana biri shundan iboratki, u o'quvchining aqliy rivojlanishini va iqtidorini aniqlash uchun tashhis usuli hisoblanadi.

O'quvchilar tomonidan fizik masalalarni mustaqil yechishni tashkil etish muhim tarbiyaviy ahamiyatga ega. O'quvchilarda mehnatsevarlik va maqsad sari intiluvchanlik xarakterlari mustahkamlanadi. Masalalar yechish orqali o'quvchilarga zamonaviy fan va texnika yutuqlari haqidagi axborotlarni berish mumkin. Masalalar yechish jarayoni o'quvchilar bilimini, malaka va ko'nikmasini nazorat qilishga va real baholashga imkon beradi.

O'quvchilarni fizik masalalarni yechishga o'rgatish – murakkab pedagogik muammolardan biri hisoblanadi. O'quvchilarni masalalar yechishga o'rgatish jarayoni o'qituvchidan o'qitishning turli uslublaridan keng foydalanishini talab etadi. Fizikadan masalalar yechishni o'rgatishda o'qituvchiga ma'lum bir tizimga solingan, oddiylikdan murakkablikka yo'naltirilgan, turli og'irlikdagi masalalarni o'z ichiga olgan qo'llanmaga ehtiyoj tug'iladi. Fizika o'qitish nazariyasi va amaliyoti hozirgi vaqtda o'quvchilarni masala yechishga o'rgatishning to'rt xil asosiy uslublari mavjudligini ko'rsatadi:

1. An'anaviy uslub;
2. Mustaqil va yarim mustaqil ravishda masala yechish;
3. Algoritmik uslub;
4. Axborot texnologiyalari (kompyuter) dan foydalanish orqali masala yechish.

Fizika masalalari matnining shakli, mazmuni va yechish uslubiga qarab quyidagicha shartlar asosida klassifikatsiyalanadi:

- I. Masala shartining ifodalanishiga qarab masalalar matnli masala, grafikli masala, masala-rasm, eksperimental masala yoki virtual masalalarga bo'linadi.
- II. Masalaning qiyinlik darajasiga ko'ra sodda masala, o'rtacha masala va qiyin masalalarga bo'linadi.
- III. Muammoni o'rganish uslubi va xarakteriga ko'ra sifatiy va miqdoriy masalalarga bo'linadi.
- IV. Mazmuniga ko'ra abstrakt va real masalalarga bo'linadi.
- V. Masalani yechish uslubiga ko'ra (bunda ushbu uslubni qo'llamasdan javobga erishib bo'lmaydi) hisoblashga doir, eksperimental va mantiqiy yoki sifatiy masalalarga bo'linadi.
- VI. Masalaning fizik tushunchalarni shakllantirishdagi o'rniga ko'ra fizik tushunchani aniqlashtiruvchi masala, tushuncha hajmini va real mohiyatini aniqlashtiruvchi masala, tushunchani miqdoriy yoki sifatiy jihatidan differensirolovchi masala, yangi tushuncha hosil qiluvchi va mustahkamlovchi masala, tushunchalarni tizimlashtiruvchi va o'quvchilarga tushunchalarni klassifikatsiyalashni o'rgatuvchi masala, fizik tushunchalarni turli holatlarda qo'llashni o'rgatuvchi masalalarga bo'linadi.

### **TADQIQOT NATIJALARI**

Akademik litseylarda mutaxassislik fanlar chuqurlashtirib o'qitiladi va bunda fanga doir xususan fizika faniga doir masalalar yechish o'ta muhim hisoblanadi. Hozir kunda prezidentimiz qarorlariga asosan akademik litseylarda har bir guruhda 26 nafar o'quvchi bo'lib, ma'ruza

darslarida umumiy qatnashadilar, masala yechish darslarida esa bo'lingan holda 13 nafar o'quvchi ishtirok etadi. Bu esa masala yechish darslarining sifatli bo'lishini va barcha o'quvchilarning qamrab olinishini ta'minlaydi. Odatda masala yechish darsi asosan quyidagicha olib boriladi: Avval shu mashg'ulotda ko'riladigan mavzu umumlashtiriladi, ya'ni undagi asosiy qonun va formulalar takrorlanadi. Buni o'quvchilardan so'rash orqali amalga oshiriladi. Agar o'quvchilar u yoki bu tushunchani yaxshi bilmasalar o'qituvchi o'zi uni yaxshilab tushuntiradi va ma'ruza o'qiydigan o'qituvchiga o'quvchilarning qiyinchiliklarini aytadi. Umumlashtirishga 5-7 minut yetarli bo'ladi. Keyin o'qituvchi o'zi yoki uning yordamida doskada talaba bir tipdagi masalani yechib to'la tahlil qilib beradi. Shunga o'xshash masala mustaqil yechish uchun beriladi. Qiynalayotgan talabaga yordam berib boriladi. Agar guruh kuchli bo'lsa, masala ko'proq mustaqil yechiladi, kuchsiz bo'lsa ko'proq doskada yechib ko'rsatilib, ozroq mustaqil ishlatiladi. Agar darsda ishlashga mo'ljallangan hamma masalalar yechilib ulgurilmasa, qolgani uyga vazifa qilib beriladi. Bir turdagi (andozadagi, bir tipdagi) masalani yechish orqali bilimlar yaxshi o'zlashtiriladi, uy vazifalarini bajarishga, nazorat ishiga tayyorlanishga yordam beradi. Odatdagi uslubda masala yechish (o'qitish)ning asosiy kamchiligi shundaki, olingan bilim tez esdan chiqadi va boshqa tip masalalarga ko'chirib bo'lmaydi.

Bu rivojlantiruvchi o'qitish bo'la olmaydi. Mehnat qilish orqali olingan bilim mustahkamroq boladi va ongli ravishda o'zlashtiriladi. Vujudga keladigan qiyinchiliklar o'quvchilardan yangi yo'llarni izlashga majbur qiladi. Bular ko'proq mehnat qilishni talab etadi. Bu esa muammoli o'qitish orqali amalga oshiriladi. Muammoli o'qitishning kamchiligi shundaki, muammoni yechishga hamma o'quvchilar qatnashmaydi. Muammo ba'zilarga oson tuyulsa, ba'zilarga qiyin bo'ladi. Masala turli uslublardan foydalanilib yechiladi. Albatta iloji boricha muammoli o'qitishdan foydalanish maqsadga muvofiqdir. Masala yechishga oid amaliy mashg'ulotlarning rejasi unga ajratilgan vaqtga asosan tuziladi.

Masala yechish tola ma'ruza kursining asosiy mavzulariga oid rejalashtiriladi. Uni albatta ma'ruzachi o'qituvchi bilan kelishgan xolda tuziladi. Bir yoki ikkita nazorat yozma ishi ham rejalashtiriladi. Rejada qisqacha nazariy material, auditoriyada yechiladigan va vazifa qilib beriladigan masalalar ko'rsatilishi lozim. Talabalar ishini nazorat qilib borish uchun shaxsiy jurnal tutish yaxshidir. Birinchi mashg'ulotda mashg'ulotlar rejasi bilan talabalar tanishtiriladi va qaysi mavzulardan keyin nazorat yozma ishi olish aytib o'tiladi. Har bir qoldirilgan dars ishlab chiqilishi uqtiriladi. O'qituvchi masala yechish darsiga tayyorlanishda avval nazariy materialni ko'rib chiqadi. Doskada yechiladigan, mustaqil ishlashga beriladigan va ahamiyat beriladigan hamda fanlararo bog'lanishga oid masalalarni belgilab oladi. Masalalar ma'ruzada ko'rib chiqilgan materiallarga asosan yechiladigan bo'lishi lozim.

Akademik litseylarda fizikadan masalalar yechishdagi asosiy muammolardan biri adabiyotlar sonining kamligi hisoblanadi. Masala yechish usullari ko'rsatilgan adabiyotlar sifatida esa faqat K.Tursunmetov va A. Uzoqov va boshqalar tahriri ostidagi «Fizikadan masalalar to'plami» kitobini ko'rsatib o'tish mumkin holos. Qolgan adabiyotlarda faqat javoblar keltirilgan bo'lib, yechish usullari ko'rsatilmagan.

Remkevichning «Fizikadan masalalar to'plami» turli xil masalarni qamrab olganligi bilan o'quvchini zeriktirib qo'ymaydi. A.Uzoqov tahriri ostidagi testlar to'plami Oliy ta'lim muassalariga kirishda DTM tomonidan taqdim etilgan testlarni o'zida jamlagan bo'lib abuturiyentlar uchun juda qulay hisoblanadi. Bundan tashqari T. Rizayev va Suyarovlarning



kitoblari ham masala yechish jarayonida o'qituvchi va o'quvchilarning asosiy adabiyotlariga aylangan.

O'quvchilarning mustaqil o'quv faoliyatini rivojlantirishda fikrlash ko'nikmasini shakllantirish, ularni darsga bo'lgan qiziqishlarini oshirish maqsadida, qiziqarli masalalarni tanlashga alohida e'tibor berish lozim. Tanlangan masalalar aniq bir tizimni tashkil qilishi, aniq bir maqsadga qaratilishi kerak. Shuning uchun mustaqil fikrlash ko'nikmasini shakllantirishga qaratilgan ayrim mavzuga va bobga oid masalalarni tanlashga alohida ahamiyat berish zarur.

### MUHOKAMA

Masalalar mazmuni o'rta maxsus ta'limi fizika fanini o'qitishning maqsad va vazifalaridan kelib chiqishi, DTS talabalariga mosligi, masalani qo'yilishi aniq va real bo'lishi, o'quvchi esa aniq ilmiy bilimga va amaliy ko'nikmaga ega bo'lishi kerak. Shuni alohida qayd qilishi kerakki, agar tanlangan masalalar tizimi, shuningdek har bir masala quyidagi talabalarga javob bersa, bunday masalani tarbiyaviy va ta'limiy ahamiyati salmoqli bo'ladi.

1. Masalani talabalar mustaqil yecha olishlari uchun qanday bilimlarga ega bo'lishi.
2. Masala o'quvchi uchun qiziqarli bo'lishi.
3. Masala qanday tarbiyaviy va ilmiy ahamiyatga ega bo'lishi.
4. Masalalar bir-biridan qanday farqlanishini bilish.
5. Har bir masala aniq maqsadga ega bo'lishi.
6. O'qituvchi talabaga qanday darajada yordam berishini bilishi.
7. Talaba ijodiy izlanib masalalarni yechishda qanday yutuqlarga erishganligini bilishi.
8. Masalalarni bir-biri bilan bog'liqligini bilishi.

Dars davomida har bir mavzuni o'rganishda namoyish eksperimentlari, laboratoriya ishlari va boshqa ko'rinishdagi o'quv mashg'ulotlari rejalashtirilganligi singari masalalar yechish orqali ham aniq rejalashtirish lozim. Masalalarni tanlashda metodikaga mos keladigan aniq sistemani tashkil etish va o'qitishning ma'lum maqsadlariga javob berishi lozim. Rejalashtirish ma'lum mavzular bo'yicha mashg'ulotga tayyorlanib, o'qituvchi masalalar tanlaydi, ularni yechish ketma-ketligini aniqlaydi. Tanlangan masalalar bir qator talabalarga javob berishi lozim. Masalada oddiydan asta-sekin murakkablashib borishi, har bir masalani tanlashda o'qituvchi mo'ljallangan maqsadni amalga oshirishi muhimdir. Har bir tanlangan masala talabalar bilimini oshirishga, kattaliklar orasidagi bog'lanishni tushunishni chuqurlashtirishi, bilimlarni amaliyotda qo'llashga o'rgatishi kabilar shular jumlasiga kiradi.

### XULOSA

Xulosa qilib aytganda fizika fanini chin dildan o'rganishni maqdas qilgan har bir o'quvchi albatta masala yechishdan bohabar bo'lishi va olgan nazariy bilimlarini qo'llab mustaqil masala yecha olmog'i lozim. Hozirgi kunda akademik litseylarda o'quvchilarni guruhlariga bo'lgan holda masala yechish darslarning tashkil qilinayotgani o'qituvchiga ham o'quvchiga ham fanni mukammal o'rganishga imkoniyat yaratmoqda. Masala yechish borasidagi adabiyotlar kam bo'lishiga qaramay professor olimlar va o'qituvchilar tomonidan bu borada tinimsiz izlanishlar olib borilmoqda va adabiyotlar soni kun sayin ko'paymoqda. O'quvchilarni masalalar yechishga o'rgatishda, o'qituvchi masala mazmunini muhokama qilish davomida rasm, chizma, sxemalarga katta e'tabor berish bilan birga masala mazmunidan kelib chiqib bir usulda emas balki bir nechta usullarda ham yechish mumkinligini o'rgatib borishi va ushbu masalani oson yechiladigan usulini oldindan ko'ra olishga o'rgatish maqsadga muvofiq deb o'ylayman.

## REFERENCES

1. И.И.Воробьев, П.И.Зубков, О.Я.Савченко ва бошқалар. Задачи по физике. М.: “Наука” 1981.
2. А.Г.Чертов, А.А.Воробьев. Физикадан масалалар тўплами. Тошкент: «Ўзбекистон», 1997.
3. T.Rizayev,B.Ibragimov. Fizikadan masalalar yechish metodikasi. Toshkent: 2015.
4. Г.Ф.Меледин. Физика в задачах. М.: “Наука” 1994.
5. Qizi R. G. V. OLIMPIADA MASALALARI ORQALI O'QUVCHILARNING FIZIKA FANIGA QIZIQISHINI ORTTIRISH METODIKASI //Science and innovation. – 2022. – Т. 1. – №. 1. – С. 7-12.
6. Raxmatullayeva G. N. V. Q., Atajanov E. Y., Sotivoldiyeva M. I. Q. QATTIQ JISMLAR FIZIKASIGA OID MASALALAR YECHISH ORQALI O 'QUVCHILARNI FAN OLIMPIADALARIGA TAYYORLASH METODIKASI //Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. – 2021. – Т. 1. – №. 11. – С. 160-165.
7. Qilichovich Q. E., Yusupboyevich A. E. AKADEMIK LITSEYDA QATTIQ JISMLAR FIZIKASIGA OID TUSHUNCHALARNI TAKOMILLASHTIRISH //Science and innovation. – 2022. – Т. 1. – №. 1. – С. 118-124.

## UMUMIY O'RTA TA'LIM MAKTAB O'QUVCHILARNING KASB-HUNAR TANLASHLARIDA PSIXOLOGIK YONDASHUV

Iydiboyeva Guljahon Nasrullayevna

Navoiy viloyati Nurota tumanidagi

33-umumta'lim maktab, psixolog

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6821860>

**Annotatsiya.** Maqolada umumiy o'rta ta'lim maktabi o'quvchilari kasb-hunar tanlashlarida psixologik yondashish. O'quvchilarning kelajakda to'g'ri yo'l tanlashlari uchun to'g'ri yondashish metodikasi bayon etiladi.

**Kalit so'zlar:** o'quvchi, ta'lim-tarbiya, pedagog, amaliyotchi psixolog.

## ПСИХОЛОГИЧЕСКИЙ ПОДХОД УЧАЩИХСЯ ОБЩЕОБРАЗОВАТЕЛЬНОЙ ШКОЛЫ К ВЫБОРУ ПРОФЕССИИ

**Аннотация.** В статье представлен психологический подход учащихся общеобразовательной школы к выбору профессии. Изложена методика правильного подхода учащихся к выбору правильного пути в будущем.

**Ключевые слова:** ученик, воспитатель, педагог, практикующий психолог

## GENERAL SECONDARY SCHOOL PSYCHOLOGICAL APPROACH IN VOCATIONAL SELECTION OF SCHOOLCHILDREN

**Abstract.** The article presents the psychological approach of secondary school students to choosing a profession. The methodology of the correct approach of students to choosing the right path in the future is described.

**Keywords:** student, educator, teacher, practicing psychologist.

## KIRISH

Kasbga yo'naltirish- shaxsning bo'lg'usi kasbiy faoliyat sub'ekti sifatida o'ziga nisbatan shakllanish jarayonini o'taydi, ya'ni kelajakda bozor iqtisodiyoti munosabatlariga moslashib boradi.

Kasbga yo'naltirishga yoshlarning kasbni erkin va mustaqil tanlashning ilmiy- amaliy tizimi sifatida qarash lozim. U har bir shaxsning ham shaxsiy xususiyatlarini, ham xalq xo'jaligi manfaatlari nuqtai nazaridan mehnat resurslarini to'laonli taiminlash, bozor iqtisodiyoti munosabatlari zaruriyatini hisobga olish kerak.

## TADQIQOT MATERIALLARI VA METODOLOGIYASI

Umumiy o'rta ta'lim maktab o'qituvchilarning mehnat ta'lim darslarida olgan bilimlari, shakllangan ko'nikma va malakalari ularda mehnat qilishga umumiy tayyorgarlikni, xalq xo'jaligining aniq bir sohasida qo'llanishi vazifa qilib qo'yishi lozim. Bundan tashqari boshqa fan o'qituvchilari ham o'rganilayotgan mavzu dasturlarini o'zgartirmasdan, ya'ni mantiqiy ketma-ketligiga ta'sir qilmasdan, ushbu fan xususiyatlarini hisobga olgan holda o'quvchilarni mehnat jarayonlari, mehnat turlari ko'rinishlari va texnologiyasi bilan tanishtirib borishlari, bozor iqtisodiyoti tamoyillarini, Respublikamizning iqtisodiy potensialini ochib berishlari lozim.

Hozirgi kunda umumiy o'rta ta'lim maktablarida tashkil etilayotgan kasbga yo'naltirish ishlari o'quvchilarning jamiyatimizda o'z o'rnini topishlariga katta yordam beradi. Bu jarayonda mintaqaviy kasblarni targ'ib qilish bilan birgalikda, o'quvchilarga kasblar to'g'risida ma'lumot berish, konsultatsiyalar o'tkazishga yordam beradi. Shu bilan birgalikda kasbga yo'naltirish

bo'yicha ta'lim muassasalarida psixologlarning, maktab pedagogik jamoasining vazifalarini, kasbga yo'naltirish tadbirlarini amalga oshirishda ham katta ahamiyat o'ynaydi.

Yoshlarga ta'lim –tarbiya beruvchi o'qituvchi, ustoz, murabbiy, ta'lim xodim, mutaxassis, rahbar nafaqat bilimdon, balki eng avvalo, yuksak insoniy sifatlar sohibi bo'lishi lozim. Darhaqiqat o'quvchi yoshlarning fanga qiziqishi yoki kasb-hunar tanlashni, uni o'rganish, malakali mutaxassis bo'lib yetishishiga talim- tarbiya beruvchilarning ma'lakali mutaxassis bo'lib yetishida ta'lim-tarbiya beruvchilarning ma'naviyasi axloqiy fazilati bilimda maxorati mehnat sevarligi fidoiyligi bir so'z bilan aytganda, ijtimoiy- madaniy kamoloti muhim ahamatga ega. Shuningdek ularning kasb madaniyati ham alohida o'rin tutadi. Zero mutaxassis xodimning maxorati yoki kasb madaniyati qanchalik yuksak bo'lsa, uning faoliyati shunchalik samarali bo'ladi.


Pedagog kadrlarni kasb mahoratini oshirishni, kasb madaniyatini yuksaltirishni hayotning o'zi taqozo etmoqda. Buning uchun esa o'quv tarbiya muassasalarda o'qituvchining kasb mahorati va kasb madaniyati haqida tez-tez kengash va suhbatlar o'tkazib turish ma'ruzalar o'qish foydadan holi bo'lmaydi. O'qituvchilar zamon talablaridan kelib chiqqan holda o'z faoliyati va bilimlarini nazorat qilish va baholash, xatolarini tahlil qilish, o'ziga o'qituvchilik sifatlarini rivojlantirish, o'z-o'zini qayta tayyorlash va tarbiyalash imkoniyatlariga duch keladi. Hozirgi vaqtda ta'lim- tarbiya ishi nafaqat vatanimiz kelajagi bo'lishi yoshlar hayotida, balki har bir kishi faoliyatida, umuman jamiyat taraqqiyoti va ijtimoiy tizimda o'ta ahamiyatlidir. Ta'lim- tarbiyasiz kelajakda o'z samaralarini beruvchi islohot yo'q. Axloq va madaniyatni yuksaltiruvchi vosita ta'lim- tarbiyadir madaniyatsizlik esa illat. Ijtimoiy hayotni takomillashtirish uchun insonning o'zi axloqiy jihatdan kamol topishi lozim inson butun hayoti orqali butun umri mobaynida tarbiyalanadi.

### **TADQIQOT NATIJALARI**

Maktab o'quvchilarining umumiy o'rta ta'lim muassasalarida kasb-hunarga yo'naltirish ishlarini tashkil etish, o'quvchilarda kasbiy bilimlarni va motivatsiyani, ijtimoiy hayotdagi kasbiy olamga moslashuv va jamoaviy hamkorlik ko'nikmalarni shakllantirish hozirgi zamonning dolzarb muammolaridan biridir.

Maktab o'quvchilarida kasb-hunar tanlashga ko'malashishning asosiy maqsadi — umumiy o'rta ta'lim muassasalarida kasb-hunarga yo'naltirish ishlarini tashkil etish, o'quvchilarda kasbiy bilimlarni va motivatsiyani, ijtimoiy hayotdagi kasbiy olamga moslashuv va jamoaviy hamkorlik ko'nikmalarni shakllantirish.

Bugungi kunda har bir insonning kasblar olamida o'z-o'zini topishi, kasbiy o'zligini anglashi, jamiyatda o'z o'rnini topishga intilishi va unga qiziqishlari kun sayin ortib bormoqda. Minglab kasblar ichida qaysi birini tanlash, unga shaxs moyilligi, layoqati va qiziqishlarining mos kelishi yoki kelmasligini bilish shaxs istiqbolida muhim ahamiyat kasb etadi. Ayniqsa o'quvchi-yoshlarni kasbga yo'naltirish umumta'lim maktabi ishining tarkibiy qismidir. Ma'lumki, agar kasb to'g'ri tanlangan bo'lsa, inson uchun mehnat quvonch, ijodiy ilhom manbaiga aylanadi, bu esa inson uchun ham, jamiyat uchun ham foydalidir. Shu o'rinda psixologlarimiz ta'kidlaganidek, insonning o'zi hohlagan kasbni erkin tanlashi nihoyatda katta ahamiyatga ega. Inson sevgan ishi bilan shug'ullansa, u bu ishdan xursand bo'lishi, qanoat hosil qilishi, ko'p tashabbus ko'rsatishi, charg'imag'ayrat bilan ishlashi mumkin.



### MUHOKAMA

Maktabda olib boriladigan faol o'quv faoliyati har bir o'quvchi o'z aqliy qobiliyati va eng avvalo tafakkur tiniqligini, mantiqan to'g'ri fikrlashni, tafakkurning mustaqil va original bo'lishini, topqirlikni, chuqur mulohaza qilishni, aqliy teranlik va o'ziga tanqidiy munosabatda bo'lishni rivojlantirish imkonini beradi.

Irodaviy sifatlarni, ya'ni: dadillik, qat'iyat, intizomlilik, o'ziga va o'z kuchiga ishonish, o'zini idora qila bilish, og'irvazmin bo'lish singari fazilatlarini rivojlantirishga ham harakat qilish kerak. Mana shu sifatlarning hammasi birga qo'shib mehnatga bo'lgan qobiliyatni ta'minlaydi.

Xulosa o'rnida aytish mumkinki, kasb tanlash katta hayot yo'lidagi eng muhim qadamdir. Inson hayotda o'zini baxtli his etishi uchun albatta, atrofida mehribon, sevimli insonlar bo'lishidan tashqari, o'z qiziqishi bilan amalga oshiradigan kasb-hunarga ham ega bo'lishi zarur. Ba'zi yoshlar ko'p yillar orzu qilib yurgan mutaxassislik uchun oliy ta'lim muassasasiga hujjat topshirish damlari yaqinlashganda, «Men kelajakda shu sohaning mutaxassisi bo'la olamanmi, bunga mening bilimim va iqtidorim yetadimi?» — deb o'ylanib qoladilar. Ayrimlar o'zlarining ko'p yillik orzularidan ham voz kechib, hozirgi kunda dolzarb ahamiyatli o'rin tutayotgan sohaga qiziqib, kutilmaganda o'z fikrlarini o'zgartiradilar. Asosiysi, yoshlar to'g'ri yo'lni tanlash o'z hayotlari oldida juda katta mas'uliyatli vazifa ekanligini yaxshi bilishlari va faqatgina qiziqishlari yuqori bo'lgan kasb sirlarini egallashga intilishlari zarur.

### XULOSA

Kasbning faqat tashqi yoki xususiy bir jihatiga qiziqishi o'quvchini ko'p muammolarga olib keladi. Jumladan, kasb tanlash formulasiga ko'ra o'quvchida mavjud bo'lgan qobiliyat va salomatligi o'zaro mos kelmasligi mumkin. Kasb tanlashda hal qilinishi lozim bo'lgan har qanday masalaga kompleks yondashish, muammoning barcha qirralarini o'zaro mujassam holda tasavvur qilish hamda uning talablarini har tomonlama qondiradigan yechimni topish muhim ahamiyat kasb etadi.

O'quvchilar ba'zida o'zlari yoqtirgan, engli o'zlashtiradigan o'quv fanini kelajakda egallaydigan kasbi bilan uzviy davomiylikda tasavvur qiladilar. Biroq, yaxshi ma'lumki, o'quvchi har qanday kasbni egallash uchun o'zida ko'plab o'quv fanlarini mujassam etgan va bundan tashqari ta'lim jarayonining zaruriy komponenti sifatida talab etiladigan ko'plab boshqa mashg'ulotlarni o'z ichiga oluvchi kasbiy ta'lim jarayoni o'taganidan keyingina muayyan kasb egasi bo'lib etishadi. Bu borada o'quvchilarni kasbiy ta'lim jarayonining mohiyati bilan to'laroq tanishtirilishi maqsadga muvofiq bo'ladi.

#### REFERENCES

1. Boltaboyev S.A va boshqalar. "Kasb tanlashga yo'llash" ma'ruzalar matni. Toshkent. Nizomiy nomli TDPU 2003
2. Musilmanov N.A, Mullaxmedov R.G "Kasb tanlashga yo'llash" Toshkent 2007
3. O'zbekiston Respublikasida o'quvchi yoshlarni kasb-hunarga yo'naltirish tizimini rivojlantirish konsepsiyasi. Toshkent. O'quvchilarni kasb-hunarga yo'naltirish va psixologik-pedagogik Respublika tashxis markazi. 2010



### Mundarija

|                                                                                                                                                                                                                                                                                                   |     |
|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----|
| <b>Садритдинова Дилфуза Маматхоновна, “МАРҲУ-Л-АРВЌХИ” АСАРИДА ТЎҒРИ ФЕЪЛЛАРНИНГ ТАСНИФИ</b>                                                                                                                                                                                                      | 7   |
| <b>Adaxanov Rustamjon , Islomov Muslimbek, O’RTA TALIM MAKTABLARIDA BOSHLANG’ICH SINFLARI UCHUN MATEMATIKA FANINI O’QITISH SAMARADORLIGINI OSHIRISHDA AMALIY PAKETLARDAN FOYDALANISH USULLARINI TADQIQ QILISH.</b>                                                                                | 11  |
| <b>Nurmatova Guljakhon Toshmatovna, “SEMANTIKA-GAPLARNING TUZILISHI VA TALQINI”</b>                                                                                                                                                                                                               | 16  |
| <b>Imyaminova Shuhratxon Salijanovna , Hafiza Qo’chqorova Sherbabayevna , Xabibullayev Fayzulla Nabibullayevich, Matchanova Yulduz Rahmanova, Abduraximov Iskandar Nodirjon o’g’li, O’SIB KELAYOTGAN YOSH AVLODGA TA’LIMIY VA DIDAKTIK O’YINLAR ORQALI TA’LIM BERISHDA ZAMONAVIY YONDASHUVLAR</b> | 18  |
| <b>Рашидова Сайера, НАУКА В БИБЛИИ</b>                                                                                                                                                                                                                                                            | 23  |
| <b>Mahmudova Z, Khamidova K.N, Fozilova Iroda Hafizovna, INGLIZ VA O’ZBEK TILLARIDA KOMPLIMENTNI IFODALOVCHI VOSITALAR</b>                                                                                                                                                                        | 26  |
| <b>Мисирова Нодира Товбаевна, Ўришова Хайринсо, БЎЛАЖАК БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРНИ ИЖОДИЙ КАСБИЙ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ</b>                                                                                                                                            | 35  |
| <b>Ahmedov Akmaljon Yusufovich, Egamberdiyev Oyatillox Alisher o’g’li, BO’LAJAK O’QITUVCHILARNING KOMMUNIKATIV KOMPETENTLIGINI TAKOMILLASHTIRISHNING PEDAGOGIK ASOSLARI</b>                                                                                                                       | 40  |
| <b>Юлдашева Тохта Аметовна, ИСПОЛЬЗОВАНИЕ КОММУНИКАТИВНЫХ МЕТОДОВ В ПРОЦЕССЕ ИЗУЧЕНИЯ РУССКОГО ЯЗЫКА</b>                                                                                                                                                                                          | 47  |
| <b>Saloxiddinov Manuchehr, THE DEFINITION OF TYPOLOGY AND ITS USAGE IN DIFFERENT DISCIPLINES</b>                                                                                                                                                                                                  | 52  |
| <b>Abduraxmonov Asad, O’ZBEK SHE’RIYATIDA BARMOQ SHE’R TIZIMINING TARAQQIYOTI</b>                                                                                                                                                                                                                 | 63  |
| <b>Акбаров Садоқат Хотамжон қизи, ЎРТА МАКТАБЛАРДА ДАСТУРЛАШ БЎЙИЧА МУРАККАБ МАСАЛАЛАРНИ ЕЧИШ МЕТОДИКАСИ</b>                                                                                                                                                                                      | 55  |
| <b>Muydinova Madina Alisherovna, Eraliyeva Nargiza Ulugbek qizi, OPPORTUNITIES FOR THE USE OF MULTIMEDIA IN EDUCATION</b>                                                                                                                                                                         | 59  |
| <b>Annayev Davlat Ismatovich, "QISSASI AR-RABG’UZIY" ASARIDA TARJIMA SHE’RLAR.</b>                                                                                                                                                                                                                | 67  |
| <b>Qurbonov Muzaffar, Husanova Fazilat, XURSHID DAVRON SHE’RIYATIDA TARIXIYLIK VA ZAMONAVIYLIKKA YO’G’RILGAN VATAN TIMSOLI</b>                                                                                                                                                                    | 71  |
| <b>Shomurodova Maftuna Ubaydulloyevna, XAMSANAVISLIKDA “FARHOD VA SHIRIN” DOSTONIDAGI YOSHLAR OBRAZINING TADRIJIY TARIXI VA DOSTONLARDAGI POZITSIYASI</b>                                                                                                                                         | 74  |
| <b>Qo’ziboyeva Go’zal Saidrasul qizi, TILIMIZGA KIRIB KELGAN NEOLOGIZMLAR VA ULARNING TAHLILI</b>                                                                                                                                                                                                 | 78  |
| <b>Qo’ziboyeva Go’zal Saidrasul qizi, HOZIRGI KUNDA TILIMIZDA FAOL QO’LLANOYATGAN O’ZLASHMA NEOLOGIZMLAR</b>                                                                                                                                                                                      | 84  |
| <b>Saidov Jasur Doniyor o’g’li, TA’LIM OLUVCHILARNING MA’LUMOTLAR BAZASI FANIGA BO’LGAN QIZIQISHLARINI KOMPETENSIYALIY YONDASHUVLAR ASOSIDA OSHIRISH MUAMMOLARI.</b>                                                                                                                              | 89  |
| <b>Norinova Dilbaroy Maxammadjonovna, TARBIYA FANINING YOSHLAR MA’NAVIY KAMOLOTIDAGI O’RNI VA ROLI</b>                                                                                                                                                                                            | 94  |
| <b>Muminjonova Feruzaxon Xabibullo qizi, PAST DARAJADA O’ZLASHTIRUVCHI O’QUVCHILAR KOGNITIV EXTIYOJLARINI SHAKLLANTIRISHNING PSIXOLOGIK OMILLARI</b>                                                                                                                                              | 98  |
| <b>Temirova Sarbina-Bonu, MILLIY QADRIYATLARIMIZNING MA’NAVIY O’ZLIKNI ANGLASHDAGI AHAMIYATI</b>                                                                                                                                                                                                  | 101 |
| <b>Djabbarov Saidburxon Tulaganovich, , Yax’yayeva Muslimaxon Toxirboyevna, BAKALAVRIAT TALABALARINING AKADEMIK KO’RSATKICHLARI SIFATINI TAHLIL QILISH</b>                                                                                                                                        | 104 |
| <b>Yuldashev Ulmasbek Abdubanapovich, Samatboyeva Marjona Baxtiyor qizi, RAQAMLI TECHNOLOGIYALARINING TA’LIM SOHASIDA QO’LLANILISHI</b>                                                                                                                                                           | 110 |
| <b>Атабоева Шохида Жураевна , Гофурова Мухайёхон Юрсинбоевна, 5-7 СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ЭСТЕТИК ДУНЁҚАРАШИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МАКТАБ РЕПЕРТУАРИНИНГ ЎРНИ</b>                                                                                                                                         | 114 |
| <b>А.Б.Қодирова, АБУ АБДУЛЛОХ МУҲАММАД ИБН АЛИ ҲАКИМ ТЕРМИЗИЙНИНГ “ОҚИЛЛАР ВА АЛДАНГАНЛАР” АСАРИДА НАФС ТАРБИЯСИНИНГ ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАРИ</b>                                                                                                                                                      | 119 |

|                                                                                                                                                                                                                 |     |
|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----|
| <b>Qodirova Feruza Mamurovna, Nurmuxammedova Guzal Baxodirovna, KONSTITUTSIYA – FAROVON HAYOT TAMOYILI</b>                                                                                                      | 126 |
| <b>Холмуротова Шохиста Мирзалиевна, АЁЛЛАР ДЕВИАНТ ХУЛҚ-АТВОРИНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ ДИАГНОСТИКАСИ</b>                                                                                                    | 129 |
| <b>Sarvinov Rahimjonova To'liq qizi, BOSHLANG'ICH TA'LIMDA DIDAKTIK O'YINLI TA'LIM TECHNOLOGIYALARINING SAMARADORLIGI</b>                                                                                       | 134 |
| <b>Обидов Жамшидбек Ғайратжон ўғли, ТЕХНОЛОГИК ДЕТЕРМИНИЗМ КОНЦЕПЦИЯСИНИНГ МАЗМУНИ ВА ТЕХНИКА ТАЪЛИМИДАГИ АҲАМИЯТИ</b>                                                                                          | 142 |
| <b>Bakirova Sadokatkhon Elmurod qizi, Rakhimova Khumora Fakhridin qizi, LINGUOCULTURAL FEATURES OF THE JAPANESE LANGUAGE WITH MORPHEMIC DEFINITION</b>                                                          | 150 |
| <b>Abdullayeva Ozoda Odiljon qizi, ANVAR OBIDJON IJODINI O'RGANISHDA SAMARALI USULLAR</b>                                                                                                                       | 155 |
| <b>Mamatkulova Xurshidabonu Anvarjon qizi, Sadirova Kimyoxon Anvarjon qizi, VAQT TUSHUNCHASINING SEMANTIK TUZILISHI VA UNING INGLIZ VA O'ZBEK FRAZELOGIYASIDA AKS ETILISHI</b>                                  | 160 |
| <b>Артикова Мавжуда Максудовна, ЭФФЕКТИВНОЕ РЕШЕНИЕ ПРОБЛЕМ ПО ФОРМИРОВАНИЮ УМСТВЕННОЙ САМОСТОЯТЕЛЬНОСТИ СТУДЕНТОВ ПО ИНОСТРАННОМУ ЯЗЫКУ</b>                                                                    | 163 |
| <b>Артикова Мавжуда Максудовна, ОСОБЕННОСТИ ПЕРЕВОДА ТЕРМИНОЛОГИИ ВОДНОГО ХОЗЯЙСТВА В ОБУЧЕНИИ И УСПЕШНЫЕ МЕТОДЫ ИХ РЕШЕНИЯ</b>                                                                                 | 168 |
| <b>Yusupov Samandar, SOME COMMENTS ON THE ATTITUDE OF FOREIGN LANGUAGES IN JADID'S JOURNALISTIC WORKS AND PROSE</b>                                                                                             | 173 |
